ҚАЗАҚСТАН ХАЛҚЫ АССАМБЛЕЯСЫ
ҚР ӨЗБЕК ЭТНО-МӘДЕНИ БІРЛЕСТІКТЕРІ "ДУСТЛИК" ҚАУЫМДАСТЫҒЫ
ЖҰМАБЕК АХМЕТҰЛЫ ТӘШЕНЕВ АТЫНДАҒЫ УНИВЕРСИТЕТІ
ӨЗБЕКСТАН МЕМЛЕКЕТТІК ХОРЕОГРАФИЯ АКАДЕМИЯСЫ
А. НАВОИЙ АТЫНДАҒЫ ТАШКЕНТ МЕМЛЕКЕТТІК ӨЗБЕК ТІЛІ МЕН ӘДЕБИЕТІ УНИВЕРСИТЕТІ

ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚИ АССАМБЛЕЯСИ
ҚОЗОҒИСТОН ЎЗБЕКЛАРИ ЭТНОМАДАНИЙ БИРЛАШМАЛАРИ "ДЎСТЛИК" ҲАМЖАМИЯТИ
ЖУМАБЕК АХМЕТЎҒЛИ ТАШЕНЕВ НОМЛИ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ХОРЕОГРАФИЯ АКАДЕМИЯСИ
А. НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

KAZAKHSTAN PEOPLE'S ASSEMBLY
SOCIETY OF ETHNO-CULTURAL ASSOCIATIONS OF UZBEKS OF KAZAKHSTAN "DOSTLIC"
ZHUMABEK AHMETULI TASHENEV UNIVERSITY
UZBEKISTAN STATE ACADEMY OF CHOREOGRAPHY
A. TASHKENT STATE UNIVERSITY OF UZBEKI LANGUAGE AND LITERATURE NAMED NAVOI

# «ҒЫЛЫМ-БІЛІМ-ӨНЕР ИНТЕГРАЦИЯСЫ: ПЕРСПЕКТИВАЛЫҚ ЖОБАЛАР»

ХАЛЫҚАРАЛЫҚ ҒЫЛЫМИ-ТЕОРИЯЛЫҚ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛДАРЫ

# "ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ ВА САНЪАТ ИНТЕГРАЦИЯСИ: ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР"

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

# "INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND ARTS: PERSPECTIVE PLANS"

MATERIALS OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND THEORETICAL CONFERENCE

ШЫМКЕНТ, 18.11.2023

**Жұмабек Тәшенев атындағы университеттің
25 жылдығына арналды
Жумабек Ташенев номли университетнинг
25 йиллигига бағишланади**

**ҚАЗАҚСТАН ХАЛҚЫ АССАМБЛЕЯСЫ
ҚР ӨЗБЕК ЭТНО-МӘДЕНИ БІРЛЕСТІКТЕРІ “ДУСТЛИК” ҚАУЫМДАСТЫҒЫ
ЖҰМАБЕК АХМЕТҰЛЫ ТӘШЕНЕВ АТЫНДАҒЫ УНИВЕРСИТЕТІ
ӨЗБЕКСТАН МЕМЛЕКЕТТІК ХОРЕОГРАФИЯ АКАДЕМИЯСЫ
А. НАВОИЙ АТЫНДАҒЫ ТАШКЕНТ МЕМЛЕКЕТТІК ӨЗБЕК ТІЛІ МЕН ӘДЕБИЕТІ УНИВЕРСИТЕТІ**

**ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚИ АССАМБЛЕЯСИ
ҚОЗОҒИСТОН ЎЗБЕКЛАРИ ЭТНОМАДАНИЙ БИРЛАШМАЛАРИ “ДЎСТЛИК” ҲАМЖАМИЯТИ
ЖУМАБЕК АХМЕТЎҒЛИ ТАШЕНЕВ НОМЛИ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ХОРЕОГРАФИЯ АКАДЕМИЯСИ
А. НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**KAZAKHSTAN PEOPLE'S ASSEMBLY
SOCIETY OF ETHNO-CULTURAL ASSOCIATIONS OF UZBEKS OF KAZAKHSTAN "DOSTLIC"
ZHUMABEK AHMETULI TASHENEV UNIVERSITY
UZBEKISTAN STATE ACADEMY OF CHOREOGRAPHY
A. TASHKENT STATE UNIVERSITY OF UZBEKI LANGUAGE AND LITERATURE NAMED NAVOI**

# «ҒЫЛЫМ-БІЛІМ-ӨНЕР ИНТЕГРАЦИЯСЫ: ПЕРСПЕКТИВАЛЫҚ ЖОБАЛАР»

### ХАЛЫҚАРАЛЫҚ ҒЫЛЫМИ-ТЕОРИЯЛЫҚ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛДАРЫ

# “ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ ВА САНЪАТ ИНТЕГРАЦИЯСИ: ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР”

### ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

# “INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND ARTS: PERSPECTIVE PLANS”

### MATERIALS OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND THEORETICAL CONFERENCE

ISBN 978-9965-782-91-6

**ШЫМКЕНТ, 18.11.2023**

**УДК 378:001**
**ББК 74.58**
**Ғ96**

***Ұйымдастыру комитетінің төрағасы***
**Байболов Қанат Сейтжанұлы** - Жұмабек Тәшенев атындағы университет ректоры, техника ғылымдарының кандидаты, профессор

**Қоғамдық кеңес:** И.Хашимжанов, О.Аяшев, М.Хожиматов, Ш.Тохтасимов, Б.Шермуҳаммадов, Б.Расулов, Ш.Арзымбетова, П.Байнеева, Х.Хамроева, Ш.Наралиева, Шаменаз Бано, А.Аллаяров.

**Редакциялық алқа:** Н.Касимов, Г.Матекубова, Р.Сайфуллаева, Ш.Искандарова, М.Мамажонов, Ж.Ганиев, М.Гафуров, Ё.Саидов, М.Касимова, Б.Файзуллоев, Р.Шарипов, С.Туйчиева, Н.Уринова, А.Аккузов, С.Ганиев, А.Улуғов, Ш.Умаров, Н.Кулдашев, Б.Абдиримов, Ж.Ботабаева, Т.Бутунбоева, М.Исламова.

**«Ғылым-білім-өнер интеграциясы: перспективалық жобалар»** халықаралық ғылыми-теориялық конференция материалдары=**«Илм-фан, таълим ва санъат интеграцияси: истиқболли режалар»** халқаро илмий-назарий конференция материаллари= **«Integration of science, education and arts: perspective plans” materials of the international scientific and theoretical conference»**/жалпы ред.басқарған Ш.Д.Наралиева. – Шымкент: Жұмабек Тәшенев атындағы университеті, 2023. – 809 б.

ISBN 978-9965-782- 91-6

Жинақта тіл білімі, әдебиеттану, педагогикалық-әдістемелік мәселелері, өнертану, тарих, руханияттану, театртану, аударма мәселелері, философия, мәдениеттану, құқықтану, этнографиялық, халықаралық қатынастар мәселелері бағыттары бойынша мақалалар берілген.

Тўпламдан тилшунослик, адабиётшунослик, педагогик-методик масалалар, санъатшунослик, тарих, маънавиятшунослик, театршунослик, таржима масалалари, фалсафа, маданиятшунослик, ҳуқуқшунослик, этнография, халқаро муносабатлар масалалари йўналишларига оид мақолалар ўрин олган.

The collection contains articles in the areas of linguistics, literary studies, pedagogical and methodological issues, art studies, history, spirituality, theater studies, translation issues, philosophy, cultural studies, legal studies, ethnography, international relations issues.

**УДК 378:001**
**ББК 74.58**

*Берілген мақалалардың сапасы мен мазмұнына авторлардың өздері жауапты.*
*Берилган мақолаларнинг савияси ва мазмуни учун муаллифларнинг ўзлари масъулдир.*

ISBN 978-9965-782- 91-6

© Жұмабек Тәшенев атындағы университеті, 2023

# «ҒЫЛЫМ-БІЛІМ-ӨНЕР ИНТЕГРАЦИЯСЫ: ПЕРСПЕКТИВАЛЫҚ ЖОБАЛАР» ХАЛЫҚАРАЛЫҚ ҒЫЛЫМИ-ТЕОРИЯЛЫҚ КОНФЕРЕНЦИЯСЫНЫҢ ҚАТЫСУШЫЛАРЫНА!



Қәдірлі достар, құрметті әріптестер, «Ғылым-білім-өнер интеграциясы: перспективалық жобалар» атты халықаралық ғылыми-теориялық конференциясының ұйымдастырушылары және қатысушылары!

Сіздерді Жұмабек Тәшенев атындағы университет атынан қарсы алғаныма шын жүректен қуаныштымын!

Ұйымдастырылған конференция және түрлі форматтағы диалогтардың негізі – бір мақсат – халықтар достығы мен өзара тиімді ынтымақтастықты жаңа, жоғары деңгейге шығару.

Конференцияның басты мақсаты – ұлттық және жалпыадамзаттық құндылықтарды біріктіруге қызмет ететін ғылым, білім мен өнер, мәдениет саласындағы озық тәжірибе мен білім алмасу деп білемін. Алынатын нәтижелер барлық қатысушылар үшін пайдалы болады деп үміттенемін және ұсынылған ұсыныстар іс жүзінде өз қолданылуын табады.



Жұмабек Ахметұлы Тәшенев атындағы университетінің миссиясы білім беру, ғылым мен инновациялық қызметті заман талабына сай интеграциялау және жаңа білімді жасау негізінде елдің зияткерлік элитасын қалыптастыру. Білім беру сапасы саласындағы университет саясатының негізгі мақсаты – озық білімдерді іздестіру, инновациялық зерттемелерді енгізу және экономиканы жаңғыртудың қазіргі жағдайында әрекет етуге қабілетті элиталы кадрларды дайындау, іс-әрекетінің барлық бағыттарын интернацияландыруға бағытталған халықаралық деңгейдегі кәсіпкерлік типтегі зерттеу университетін қалыптастыру. Университет үш деңгейлі (бакалавриат, магистратура, докторантура) және кең

ауқымда кадрларды қайта даярлауды қамтамасыз ететін, сондай-ақ ғылыми зерттеулерді (өңірлік, ұлттық және халықаралық бағдарламалар) жүзеге асыратын көпсалалы жоғары оқу орны болып табылады. Университет стратегиялық даму бағдарламасын сәтті жүзеге асырып жатқан озат республика университеттерінің қатарында.

**Құрметті әріптестер!** Конференцияның барлық қатысушылары мен




ұйымдастырушылары! Барлықтарыңызға алдағы уақытта Жұмабек Ахметұлы




Тәшенев атындағы университетімен жемісті жұмыс, сындарлы диалог, тиімді өзара іс-қимыл және жемісті ынтымақтастық тілеймін!

**Байболов Қанат Сейітжанұлы**
**Жұмабек Тәшенев атындағы университет ректоры,**
**техника ғылымдарының кандидаты, профессор**

# АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, ҚАДРЛИ УСТОЗЛАР, АЗИЗ ТАЛАБА - ЁШЛАР!



Сизларни **“Илм-фан, санъат интеграцияси: истиқболли режалар”** мавзусида ўтказилаётган халқаро илмий-назарий анжуманнинг очилиши билан чин қалбдан табриклайман ҳамда анжуман ишига муваффақият тилайман!

Жаҳон халқларининг бир-бирлари билан яқинлашиши, улар ўртасида дўстлик муносабатларининг ривожланишида илм-фан, санъат ва адабиётнинг ўрни беқиёсдир. Зеро, ҳеч қайси миллий маданият ўз ҳолича, ёлғиз тараққий этмайди. Дўстона муносабатларнинг замирида ўзаро ижодий тажриба алмашувлар мужассам. Илмий-адабий, маърифий-маданий алоқалар миллий тараққиётнинг ўзаро бойиши ва юксалишининг кафолатидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев жорий йилнинг 3 - 4 ноябрь кунлари Астанада бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарларининг навбатдаги 10 - саммитидаги нутқида тўғри таъкидлаганидек, “Ижодий фикрлайдиган, истеъдодли ва шижоатли ёшларимиз истиқболда туркий дунёнинг янги Ренессансини барпо этишига ишончим комил. Бу йўлда уларга буюк аждодларимиз яратган илмий кашфиётлар ва маънавий мерос мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади”.

Бизнинг Ўзбекистон давлат хореография академиямизда хореография ва санъатшунослик йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади. Уларнинг орасида ҳам ижодий фикрлайдиган, истеъдодли ва шижоатли ёшларимиз - “Ниҳол” Давлат мукофоти совриндорлари, халқаро кўрик-танловлар ва фестивалларнинг Гран-при соҳиблари борлиги бизнинг фахримиз. Биз келажакда Жумабек Ташенев номли университет қаторида Қозоғистондаги кўплаб олийгоҳлар билан яқин ҳамкорлик қилиш, ўзбек ва қозоқ халқ фольклор рақсларининг ўхшаш ва фарқли томонларини, бадиий-эстетик, этнографик хусусиятларини ўрганиш ниятидамиз. Яқин қўшничилик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурлар биз учун жуда катта шараф.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам, Қозоғистонда ҳам таълим тизимини ислоҳ қилиш, мазмунан такомиллаштириш борасида оламшумул ишлар амалга оширилмоқда. Жаҳон ҳамжамияти эътироф этаётган бу каби кенг қамровли ислоҳотлар таълим-тарбия моҳиятини ошириб, баркамол шахсни шакллантиришга жиддий эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Муҳтарам Президентимизнинг “Адабий дўстлик – абадий дўстлик” деган сўзларини биз санъат ва маданиятнинг барча соҳаларига тааллуқли деб биламиз. Ўйлайманки, Қозоғистон ўзбеклари этномаданий бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамияти, Жумабек Ташенев номли университет билан ҳамкорликда ўтказилаётган мазкур халқаро анжуман дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлашда, янги ҳамкорлик шартномаларини имзолашда, маданий-илмий, ижодий-адабий алоқалар уфқларини кенгайтиришда, икки давлат ёшларини янада яқинлаштиришда, янги истеъдодларни кашф қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳурмат билан,

**Шухрат ТОХТАСИМОВ,**
**Ўзбекистон давлат хореография академияси ректори, профессор**










TASHENEV
UNIVERSITY
ХАЛЫҚАРАЛЫҚ ЫНТЫМАҚТАСТЫҢ
НӘТИЖЕЛІ ҚАДАМДАРЫ


TASHENEV UNIVERSITY
TASHENEV
UNIVERSITY





















# ҒЫЛЫМ-БІЛІМ-ӨНЕР ҰШТАСҚАНДА...




«ОФАРИН – 2023»
РАҚС ФЕСТИВАЛИ










"БІРЛІК"
ДИПЛОМ






ДИПЛОМ
"ОФАРИН – 2023"





# МИРТЕМИР ШЕЪРИЯТИДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ТУЙҒУСИ ПОЭТИК ОБРАЗ СИФАТИДА

**Минҳожиддин Ҳожиматов,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Маънавият ва маърифат Маркази раҳбари,**
**филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**

**Аннотация.** Мазкур мақолада Ўзбекистон халқ шоири Миртемир шеъриятида миллий ўзлик туйғусининг бадиий талқини, сўз қўллаш маҳорати тадқиқ қилинади.

**Калит сўзлар:** она тили, миллий ўзлик, маънавий тарбия, қадрият, Туркистон, ўтмиш, она тили, миллий уйғониш, бадиий тафаккур.

**Abstract.** In this article, the artistic interpretation of the sense of national identity, the skill of using words in the poetry of Mirtemir, the national poet of Uzbekistan, is studied.

**Key words:** mother tongue, national identity, spiritual education, value, Turkestan, past, mother tongue, national revival, artistic thinking.

**Аннотация**. Бұл мақалада Өзбекстанның халық ақыны Миртемір поэзиясындағы ұлттық болмыстың көркемдік түсіндірмесі, сөз қолдану шеберлігі зерттеледі.

**Негізгі сөздер:** ана тілі, ұлттық болмыс, рухани тәрбие, құндылық, Түркістан, өткен, ана тілі, ұлттық ояну, көркем ой.



Ҳар бир миллат тарихининг энг мураккаб жараёнларида унинг улуғлиги, ноёб фазилатлари, жумладан, мардлик ва жасоратини намоён қилувчи миссиялари билан башарият тафаккурида кескин бурилишлар ясовчи шахслар пайдо бўлади. Мустабид тузум даврида маълум фурсатларгача миллатнинг катта ҳақиқатлари парда ортида қолди. Шунда ҳақиқат йўлини ёритгувчи янгича муносабатлар майдонга чиқди.

Ўтган аср 60-70 йилларида миллатнинг энг асосий рамзларидан бири, қудрат манбаи бўлган муқаддас она тилининг қадр-қимматини эъзозлаш, уни ватан ва она каби улуғлаш ўзбек адабиётнинг бош мавзусига айланишида Ўзбекистон халқ шоирлари Миртемир, Шукрулло, Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи, О.Матжон, Ҳ.Худойбердиеванинг ҳиссаси беқиёс бўлди. Ёш авлодга она ватани, ота макони, она халқининг буюклигини англатиш учун адабиёт кураш майдонига чиқди.

Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг “Она тилим”, “Сирдарё”, “Устозга атаганим”, “Дорилфунун хиёбонида”, “Анғиз”, “Кўклам элчиси”, “Самарқанд шеърларидан”, “Ўзбекистонсан”, “Қишлоғим”, “Юртим, ўзинг қандоқ соз

ошиёнсан”, “Чўл кечаси”, “Афросиёб”, “Навоий кўчасида”, “Қуш тили”, “Тупроқ тўғрисида”, “Она юрт”, “Ўзбек йўли”, “Онагинам”, “Тошбу”, “Кўкалдош”, “Тошкент тароналаридан”, “Сумалак” шеърларида юрт тупроғи, халқ ва унинг миллий қадриятлари ва она тилининг қадим илдизлари миллат руҳи ва миллий ўзлик сифатида майдонга чиқди.

Шоир “Она тилим” шеърида замонавий ўзбек тилида унча фаол ҳисобланмаган қадимий сўзларнинг қўлланиши, қўбизнинг ҳазин ноласини эслатгувчи мусиқий оҳангдорлик ниҳоятда эркин ва самимий бўлиб, улар шеърнинг таъсирчанлиги ва жозибадорлигини оширган. Бу сўзларнинг мавқеи, тикланиши тилимиз бойлиги ва унинг ички имкониятларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шеър энг аввало мозийнинг садоси, ҳақ сўзнинг мадҳияси бўлиб янграйди:

Ёбонларнинг чексизлиги,
Ҳам самуми, ҳам ҳовури,
Онажонлар алласидан,
Кўз ёшидан, оқ сутидан,
Тўқайларнинг тенгсизлиги,
Жилғаларнинг шўх ғовури,
Йигитларнинг ялласидан,
Сулувларнинг сукутидан -
Йўғрилган тил -
Она тилим.

Шеър тил эгаси бўлган миллатнинг ўтмиши, қадим маданияти, тил бойликлари ҳақида ҳам халқчил руҳда маълум тушунча беради ва ўқувчи қалбида бир вақтнинг ўзида она тилининг ўтмишига қизиқиш, ҳурмат, муҳаббат ва албатта, ифтихор туйғусини уйғотади. Профессор Н.Раҳимжонов таъкидлаганидек, “Миртемир шеърларидаги ҳар бир сўз, поэтик образ муайян фикр, маъно, ҳиссиёт ва предмет моҳиятини англатибгина, акс эттирибгина қолмайди, улар ана шу омиллар билан нафас олади ва намоён бўлади. Миртемир шеърларида чуқур психологик кечинмалар қалбнинг қайноқ ва эҳтиросли зарблари билан яшайди”[1]. Шеърдаги табиат манзаралари она тили қиёфасини тўлдириб, янада мукаммаллаштириб китобхонни ўзига ром этади. Тарихи, оҳанги ва мазмунида “ёбонларнинг чексизлиги”ни, “ҳам самуми, ҳам ҳовури”ни қамраб олган, зиддиятлар орасида қоврилган, онажонлар алласи, кўз ёши бўлиб ўртанган, “йигитларнинг ялласию, сулувларнинг сукути”дан йўғрилган, “Гўрўғлининг алп сиймоси, Алпомишнинг даъвосидан” туғилган она тили аслида миллатнинг ўтмишидан ҳикоя қилувчи боболарнинг ўлмас сўзи бўлиб жаранглайди:

Тулпорларнинг асовлиги,
Тош чақиши, оловлиги,
Боболарнинг олтин сўзи,
Бўёқчининг ўланидан,
Тўқувчининг алғовлиги,
Чилангарнинг далғовлиги,
Бу тупроқнинг қўш ҳўкизи,

[1] Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. – Т.: “Фан”,1979. – Б.67.

Қўшчиси ҳам қўланидан-
Яралган тил –
Она тилим.

Мутахассисларнинг фикрича, "Ҳамма нарса қиёслаганда билинади. Қиёс ўхшаш ҳодисаларни анча аниқ ва айниқса, сифатли баҳолаб, ривожланишнинг умумий ва специфик қонуниятларини белгилаб берса, унга ўринли ёндашсагина у чинакам билиш воситаси бўлиши ва ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб қолиши мумкин"[2]. Демак, қиёсий метод гарчи бир-биридан фарқли даврларда яратилган бўлса-да, чоғиштирилаётган асарлар мазмун-моҳиятидаги адабий ҳодисалар, улар асосидаги ўхшашлик ва фарқларни белгилашга имкон беради. *Таъсирлантириш ва таъсирланиш* ҳодисаларини очишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон халқ шоири Миртемир шеърияти ўзининг таъсирлантирувчи қудрати, ўйчан фалсафаси билан китобхонни ҳайратга солади. Сўзда инсон характери, жонли қиёфаси, ўзбек тупроғининг ҳарорати, табиатнинг рангин манзаралари намоён бўлади:

Талонларда таланмиш, ёнғинларда қоврилмиш,
Эртаклигу чўачаклик, одими тил бу.
Бўронларда сомондек талай - талай соврилмиш,
Бу дунёнинг ўзидай қадимий тил бу.
Шу тилда қўшиқ айтмиш Тўмарис хотун,
Шу тилга таъзимкормиш мавлоно Жомий.
Шу тилда ўз жарангин топмиш Афлотун,
Бу тилдан хабардормиш буюк Низомий.
Бу тилга олис эмас Манасдай шоввоз,
Тошларга накш бўлиб ўйилмиш тил бу.
Бу тилда куйлаб ўлди ҳиротлик устоз,
Қора қўрғошиндан қуйилмиш тил бу.

Шоир лирик қаҳрамон хотирасидаги ўтмиш фахру изтироблари мисолида ўз юрти, халқига садоқатини изҳор қилади. Унинг маҳорати шундаки, ўтмишдаги ҳар бир воқеликни бугуннинг руҳияти билан боғлай олган. Ташбеҳлар шунчалар гўзал ва табиийки, гўё ҳар бир сўз ўзи ҳақида ўзи сўйлаётганга ўхшайди. Унинг халқ оғзаки ижоди жавоҳирлари билан зийнатланган ҳар бир сатрида дунё ва ҳаёт гўзалликлари, сўз нафосати, тафти, жозибаси жилоланиб туради. Шоир "Она юрт" шеърида шундай дейди:

Кўлу тоғлик,
Боғу роғлик ўзбек элим,
Момо юрти,
Бобо юрти, чамбил белим,
Зару гавҳар ялтироқ тош,
Недир олмос,
Сен биз учун ҳам нон, ҳам ош,
Мангу мерос.
Авлодларга мерос тупроқ,
Олтин бешик,

---

[2] Конрад Н.И. Запад и Восток. – М.: "Наука", 1972. – С.78.

Келса қардош, келса қўноқ,
Лангдир эшик,
Трикликда диёримсан,
Бол ва оқ сут,
Ўлсам агар мозоримсан,
Эй, Она юрт!

Миртемирнинг табиат ва муҳаббат ҳақидаги шеърларида ҳам миллий ўзлик туйғуси, юрт ва тупроқ образи биринчи ўринда туради. Улар ўсиб келаётган ёш авлод дунёқарашини бойитадиган, тафаккур оламини кенгайтирадиган таъсир қудратига эга. Шоир қалбида ватан, юрт тақдири, она тили меҳри ва муҳаббати билан ҳамоҳанглик, қисматдошлик туйғуси ниҳоятда кучли. Шу даражада кучлики, китобхонни ўзига ром қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўзбек халқининг муҳташам тарихини давр кўзгуси, шоир нигоҳи билан ҳис қилган беназир шоир Миртемир асарлари янги авлодларни ҳам юрт ўтмиши билан таништиришда давом этмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2007.
3. Каримов Н. XX аср ўзбек адабиёти манзаралари. Тошкент.: 2015.
4. Юсуф Хос Хожиб / Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1995.
5. Салимов О. Янги Ўзбекистон давлати. Т.: “Маънавият” нашриёти, 2023.
6. Раҳимжонов Н. Истиқлол ва бугунги адабиёт. – Тошкент.: “Ўқитувчи”, 2012.
7. Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. – Тошкент.: “Фан”,1979.
8. Миртемир. Сайланма. – Тошкент.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.
9. Маънавият. Асосий тушунчалар луғати.Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти., 2021.

# ЎЗБЕК БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР РАҚС САНЪАТИНИНГ ТАРИХИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

**Тохтасимов Шухрат Махмутович,**
**Ўзбекистон давлат хореография**
**академияси ректори, профессор**

**Аннотация:** Мазкур мақолада ўзбек болалар фольклор рақс санъатининг тарихи ва шаклланиш босқичлари узвийлик тамойили асосида тадқиқ қилинади.

**Аннотация:** Бұл мақалада өзбек балалар халық би өнерінің қалыптасу тарихы мен кезеңдері бірлік принципі негізінде зерттеледі.

**Abstract:** In this article, the history and stages of formation of Uzbek children's folk dance art are researched based on the principle of unity.

**Калит сўзлар:** табиат, тақлид, болалар ўйинлари, маданий анъана, мавсум, маросим, фольклор, миллий қадрият.

**Тірек сөздер:** табиғат, еліктеу, балалар ойындары, мәдени дәстүр, жыл мезгілі, рәсім, фольклор, ұлттық құндылық.

**Key words**: nature, imitation, children's games, cultural tradition, season, ceremony, folklore, national value.

Сўз санъати, мусиқа ва рақс санъати энг қадим замонлардан бошлаб халқнинг тарихи, меҳнат ва турмуш тарзи, илк қизиқишлари билан муштарак ривожланган. Хусусан, миллий рақс мактабининг шаклланиш ва юксалиш босқичлари халқ ижодиёти билан чамбарчас боғланиб кетган. Зеро, ҳар бир халқнинг ўзига хос рақс услуби бўлиб, уларда миллий руҳ, миллатнинг маданияти, қадрияти, ақида ва анъаналари акс этади. Кўҳна маданиятимиз илдизи нақадар чуқур эканлигини ўзбек болалар фольклор рақсларининг уч минг йиллик тарихи исботлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февралдаги “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида “Ўзбекистонда рақс санъатини янада ривожлантириш, бу борада шаклланган ижодий мактабларга хос анъаналарни, моҳир балетмейстерлар, балет артистлари меросини тиклаш; миллий рақс санъатининг мумтоз ва замонавий ижро намуналари “олтин фонди”ни яратиш; халқимиз, хусусан, ёш авлодни миллий рақс санъати ҳақидаги назарий ва амалий билимлар билан кенг таништириш орқали уларнинг қалби ва онгида миллий ўзликни англаш, аждодлар меросига ҳурмат туйғусини, юксак бадиий-эстетик дид ва тафаккурни камол топтириш”[3] белгиланган.



Ибтидоий даврларда ёзма манбалар бўлмаганлиги сабабли одамлар мусиқани эшитиш ва ёдда сақлаш, рақс ҳаракатларини эса томоша қилиш ва эслаб қолиш қобилияти орқали авлоддан-авлодга етказиб, қайсидир маънода унинг асл моҳиятини, ифода усулларини асраб қолишган. Энг қадим замонлардан мусиқа ва рақс илмининг ахлоқий, маънавий-маърифий қиймати, тарбиявий аҳамияти беқиёс эканлиги эътироф этилган.

Аёзқалъа, Тупроққалъа, Жонбосқалъа, Қўйқирилганқалъадан топилган терракотларда зардуштийларнинг барча маросимларида болалар ҳам иштирок этганлигидан дарак беради. “Авесто” даври рақс санъатининг шаклланиш жараёнига ҳам мазкур расм - русумлар кучли таъсир кўрсатган. Эзгуликнинг ёмонлик устидан ғалаба қозониши қадим аждодларимизни ҳаётсеварликка даъват этган. Дастлаб оташпарастлик урф-одатлари оддий ҳаракатлардан иборат бўлган, вақтлар ўтиши билан шаклланиб, маросимга айланиб борган. Кейинчалик, театрлаштирилган услубда, мусиқани рақс билан уйғунлаштирган ҳолда олиб борилган. Йиғинлар оммавий бўлиб, болалар иштирокидаги ашула, рақс ва пантомимик ўйинлар диний маросимнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган.

Эл орасида машҳур “Сегоҳ”, “Дугоҳ”, “Чоргоҳ” каби мумтоз асарларнинг илдизи айнан “Авесто”даги гоҳлар билан боғлиқлигини мусиқашунослар

---

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февралдаги “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. ЎзА, 04.02.2020.

эътироф этишмоқда. Профессор Н. Жўраевнинг фикрича, “Шеър ва қўшиқ ижро этиш, диний маросимларни бадиий ташкил этиш ҳамда саҳна ҳаракатлари эрамиздан аввалги иккинчи минг йиллик ўрталарида мавжуд бўлган ва улар яхлит ҳолда миллий санъатнинг илк куртаклари ҳисобланади”[4]. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг тасаввурлари, борлиқни онгли равишда идрок этишида, унинг маънавиятини юксалтиришда фольклор рақслари муҳим аҳамият касб этади. Биз бир қатор тадқиқотларимизда зардуштийлар беморларни даволашда ҳам мусиқа ва рақсдан кенг фойдаланганлигини илмий жиҳатдан ўрганиш жараёнида худди мақом каби фольклор рақс санъати ҳам миллатимизнинг бебаҳо хазинаси ҳисобланади.



“Авесто” маросимларининг Хоразм болалар фольклор рақслари билан муштарак жиҳатлари алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилиши истиқболда миллий рақс санъатини янги босқичга олиб чиқиши ҳақиқат. Ҳар бир ижодий кашфиёт замирида, хусусан, мифологияга асосланган ўзбек фольклор қўшиқ ва рақсларида эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш манзаралари мужассам. Энг ибтидоий даврлардан бошлаб, одамлар эзгуликни ардоқлайди, ёвузликдан нафратланади. “Авесто”нинг энг қадимий қисмлари Хоразмда яратилганлиги ҳақида академик С.П.Толстов шундай дейди: “Авесто”да Ардахушмитон, Арда-Хива, Кат, Ходорос, Муздакхон, Ходоркант каби қадим Хоразм шаҳарларининг номлари келтирилганлиги фикримизнинг далилидир”[5].

Болалар ўйин ва рақсларининг илк илдизлари халқ ижодиёти, тасвирий санъат ёдгорликлари, археологик топилмалар, фольклоршунос олимларнинг тадқиқотлари, қадимий ёзма манбалар, диний эътиқодлар, афсона ва мифлар қаърида сақланиб, бугунги кунгача етиб келган. Энг қадимий рақслар тарихини тиклашда, тамойиллари ва ифода услубларини аниқлашда асосан тахмин ва фаразларга, “Авесто” каби муҳташам ёдгорликлардаги манбаларга таяниш ижобий самара беради.

Мутахассисларнинг илмий хулосаларига кўра, дастлаб сўзсиз ҳаракатлар пайдо бўлиб, кейинчалик босқичма-босқич шаклланиб бориб, илк фольклор рақсларнинг яратилишига замин ҳозирлаган. “Авесто” даврида ўтказилган диний маросимларда қўлида доира ва ликобчалар, ёнларида фарзандлари билан рақсга тушаётган аёлларнинг сурати, уларнинг либослари ва тақинчоқлари энг қадимги замонлардаги маданий анъаналар ҳақида маълумот беради.

Машҳур “Лазги” туркумига мансуб “Қайроқ Лазгиси”, “Масхарабоз Лазгиси” ва “Сурнай Лазгиси”нинг болалар учун яратилган вариантлари мавжуд.

---

[4] Жўраев Н. Вақт ва фазо. Т.: “Маънавият”, 2020.– Б.750.
[5] Толстов С.П. Древний Хорезм. Москва.: Изд.МГУ, 1948.– с.75.

1992 йилда Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Матёқубова раҳбарлигидаги “Мерос” болалар рақс дастаси Туркиянинг Анқара шаҳрида ўтказилган халқаро фестивалда иштирок этади. Ёш раққосаларнинг ёрқин рангли либослари, миллий тақинчоқлари уларнинг рақсларига кўрк бағишлаб турарди. Томошабинлар қизалоқларнинг майда ўрилган сочларини, унга тақилган сочпопукларини ушлаб кўришар, тақинчоқлар ва безаклар ҳақида кўплаб саволлар беришарди. Гавҳар Матёқубова болаларга мослаб, қайта саҳналаштирган “Олти халфа” фольклор рақси Халқаро танловда Гран при билан тақдирланиши ўзбек болалар фольклор рақсларига жаҳон санъатшуносларининг қизиқишларини янада кучайтирди .

Қадимий Хоразм, Кушон тупроғида топилган кўҳна шаҳарлар ва уларда тараққий этган санъат ва маданият ёдгорликлари ичида созандалар, масхарабоз ҳамда раққосаларнинг сурат ва ҳайкаллари, турли чолғу асбоблари жуда кўп учрайди. Уларда ўша даврнинг турли маросимлари, базмлари, ранг-баранг бўёқ ва ҳолатларда акс этттирилган. Мазкур топилмалар туфайли фольклор рақслар тарихининг туб сир-асрорларини, унинг мураккаб ва чигал нуқталарини аниқлаш мумкин.



Ҳар бир халқнинг ўзига хос рақс услуби бўлиб, унинг тарихи шу санъатни яратган халқ номи, унинг қай заминда майдонга келгани, ўша халқнинг ҳаёти, маданияти, удумлари, анъаналари, психологияси ва ўзига хос бадиий ижодиёти, қадриятлари билан бевосита алоқадордир. Ибтидоий замонлардан бошлаб рақс тарихи, унинг шаклланиш босқичлари ҳеч қачон бир текис ривожланмаган. Хусусан, болалар фольклор рақслари ўзи туғилган муҳит ва ижтимоий табақалар билан, миллат ҳаёти, маросимлари, диний урф-одатлари ва ақидалари, халқ томошалари ва байрамлари билан чамбарчас боғлиқликда шаклланган. Дунёда ҳар хил миллат ва турли халқлар урф-одатлари, удум ва анъаналари бор экан, ўзига яраша рақс санъати ҳам бўлганлиги аниқ. Хусусан, фольклор рақслар ҳеч қачон бир киши томонидан яратилган эмас. Улар асрлар давомида яратилиб, гоҳ юксалиб, гоҳ инқирозга учраб, сақланиб қолган, халқ мулкига айланган миллий мерос ҳисобланади.

Мазкур манбаларга асосланиб, ўзбек болалар фольклор рақсларининг ибтидоий замондан XXI асргача бўлган шаклланиш босқичларини, шунингдек, ҳар бир тарихий даврдаги фольклор рақсларининг услуб ва жанрларидаги ўзига хос хусусиятларини аниқлаш долзарб масалалардан биридир. Зеро, рақслар ҳеч бир замонда тўла-тўкис йиғилиб ва сон жиҳатдан ҳам, ижро жиҳатдан ҳам бир кўринишга эга бўлган эмас. Энг асосийси, халқ мусиқаси, мақомлари, лапарлари, яллали рақслари, масхарабозлик ўйинлари, турли оммавий рақслар, айниқса, урф-одат, маросимлар мамлакатнинг барча ҳудудларида, хусусан Хоразм,

Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона, Сурхондарё, Андижон, Сирдарё, Тошкент вилоятларида қадимийлик аломатларини ўзида сақлаб қолганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Қуйидагилар ўзбек болалар рақс санъати таълими ва тараққиётининг энг муҳим тамойиллари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган беш ташаббус доирасида ўзбек болалар фольклор рақсларининг картотекасини яратиш;

2) болалар фольклор рақсларининг ижро йўллари бўйича кенг кўламли илмий-тадқиқотлар олиб бориш ҳамда тарғиб қилиш бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

3) вилоятлар кесимида фольклор рақсларнинг ижрочилик маҳоратини янада ривожлантириш, бу борада шаклланган ижодий гуруҳлар фаолиятини ўрганиш ва қўллаб-қувватлаш, уларни асраб-авайлаш, замонавий ижро услублари намуналари билан янада такомиллаштириш;

4) болалар фольклор рақсларининг ижтимоий-тарихий илдизлари, илмий-назарий негизлари, миллий ва умумбашарий қадриятлар билан боғлиқ жиҳатларини олимлар, тадқиқотчилар ва тажрибали ижрочи мутахассислар иштирокида чуқур ўрганиш;

5) болалар фольклор рақсларининг тарихий-фалсафий, бадиий-эстетик, маърифий-тарбиявий, миллий-умуминсоний жиҳатларини, миллатлараро манфаатларни барқарорлаштиришдаги, маданиятлар ҳамкорлигидаги ўрни ва аҳамиятини, миллий маданиятнинг жаҳон маданияти билан уйғунлигини илмий асослаш;

6) болалар фольклор рақсларининг намуналарини радио-телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари ҳамда Интернет тармоқлари орқали чет элларда кенг тарғиб этиш;

7) болалар фольклор рақсларининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, жаҳон хореография тараққиётига қўшган ҳиссаси, либос ва атрибутларини ўзида тўлиқ қамраб олган музей ташкил қилишдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ниҳоятда ранг - баранг ўзбек болалар фольклор рақслари ўсиб келаётган ёш авлод онгу шуурига нафосат, гўзаллик туйғуларини сингдириш баробарида, уларни миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликларга ҳурмат, ватанга садоқат руҳида тарбиялайди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: "Ўзбекистон" нашриёти., 2021.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.ЎзА, 2020й.,4 февраль.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февралдаги "Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори. ЎзА, 04.02.2020.

4.Авдеева Л. Ўзбек миллий рақси тарихидан. М.Турғунбоева номидаги "Ўзбекрақс" миллий рақс бирлашмаси.Т.: 2001.

5.Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 7-ж. Т.: "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" давлат нашриёти.,2004.

6.Ғафур Ҳ. Халқ ўйинлари, қўшиқлар ва анъаналарга бир назар.Т.: "Камалак", 1992.

# “ЛАЗГИ” – ХОРАЗМ ДУРДОНАСИ

**Гавҳар Матёқубова,**
**Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон давлат хореография академияси Урганч филиали профессори**

**Аннотация.** Мазкур мақолада Хоразм рақс мактабининг ноёб дурдонаси - “Лазги” туркумининг тарихий-фалсафий, бадиий - эстетик хусусиятлари тадқиқ қилинади.

**Калит сўзлар.** “Авесто”, маросим, Хоразм, рақс, қоятош, санъат, эстетик тафаккур, қадрият, истиқбол.

**Аннотация**. Бұл мақалада Хорезм би мектебінің ерекше жауһар туындысы – «Лазги» сериясы – тарихи-философиялық, көркемдік-эстетикалық ерекшеліктері зерттеледі.

**Негізгі сөздер**. «Авеста», рәсім, Хорезм, би, тас, өнер, эстетикалық ойлау, құндылық, көзқарас.

**Abstract.** In this article, the unique masterpiece of the Khorezm dance school - "Lazgi" series - historical-falsification, artistic-aesthetic features are studied.

**Key words**. "Avesta", ceremony, Khorezm, dance, rock, art, aesthetic thinking, value, perspective.



Қадим замонлардан буён Буюк ипак йўлида жойлашган Хоразм Шарқ билан Ғарб, Юнон, Рум, Византия, Хитой, Ҳиндистон ва Эрон халқлари ўртасида савдо ва маданий алоқалар равнақида муҳим аҳамият касб этган. Минг афсуски, ижтимоий зиддиятлар, ўзаро урушлар, турли табиий офатлар натижасида халқ ижодий меҳнати ва заковати билан кўп асрлар давомида яратилган моддий ва маданий бойликлар, илмий кашфиётлар, бебаҳо санъат асарлари бирда йўқолиб, бирда тикланиб бугунги кунгача етиб келган.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида тўғри таъкидланганидек, “Қадимги Хоразм минтақалари ҳудудларининг ўзига хос табиати, шубҳасиз, қадимий аҳолининг турмуш тарзини белгилабгина қолмай,балки бу диёрда юзага келган қадимги маданиятларнинг шаклланиши, ривожи ва бир-бирига қоришувига ҳам кучли таъсир этган”[6] Ҳозирги даврда дунё янгиланмокда. Миллий тараққиётнинг янги замон, янги фикр ва янгича дунёқараш даврида истиқлол нафақат халқимиз ҳаётида, балки тафаккурида ҳам жуда катта ўзгаришлар ясади. Уч минг йиллик давлатчилик анъаналарига эга бўлган ўзбек халқи тарихида Хоразм давлатчилик тарихи алоҳида ўрин тутади.

Бизнинг буюк аждодларимиз қадимдан юксак салоҳият, маънавий-маърифий хислат соҳиблари бўлишган. Археологик қазилмаларда топилаётган

---

7[6] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9–ж.Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005, Б.- 467.

қадимий шаҳар ва қалъаларнинг архитектура ёдгорликлари, саройлар, қасрлар, ибодатхоналар қолдиқлари, деворларга чизилган суратлар, қадимий ҳайкалтарошларнинг ёрқин истеъдодлари намоён бўлган асарлар, кўҳна заминнинг минг йиллик афсонавий тарихи, ўша замон халқлари ҳаёти, санъати ва маданияти буюк эканлигини исботлайди. Бу миллий-маънавий бойликларни ўрганиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳали кўп вақт ва катта меҳнатни талаб қилади. Таниқли санъатшунос, Америка Қўшма Штатларидаги Вашингтон университети профессори Лореэл Грей хоним Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” радиоканалининг “Бедорлик” эшиттиришига берган интервьюсида тўғри таъкидлаганидек, “Дунёдаги энг қадимий юртлардан бири – Хоразм тарихини “Лазги” рақс туркумининг тарихидан айро тасаввур қилиш мумкин эмас. Хорижлик тадқиқотчиларни “Лазги” тарихига оид ҳар бир маълумот қизиқтиради.”Лазги”нинг “Авесто” гоҳларига боғлиқ ифода усуллари илмий жиҳатдан тадқиқ қилиниши зарур”[7].

Хоразм рақс санъатининг ибтидоий замондан то XX асргача босиб ўтган йўлини, шаклланиш ва тараққиёт жараёнларини, шунингдек, ҳар бир тарихий даврдаги услуб ва жанрларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга имкон беради.

Дунёдаги кўплаб олимлар қатори германиялик профессор Татьяна Тимм ҳам Хоразм “Лазги” туркумининг тарихи, этнографик хусусиятлари билан қизиқади. Ўтган йили мазкур рақснинг мамлакат туризми салоҳиятини юксалтиришдаги ўрнини ўрганиш мақсадида Тошкентга келди.Хоразмга боришдан олдин Ўзбекистон давлат хореография академиясида бўлган давра суҳбатида у қирқта саволи борлигини айтди. Қирқта саволнинг ўзиёқ олиманинг “Лазги” туркумини мукаммал ўрганганидан дарак берарди. Уни кўпроқ “Лазги”нинг уч минг йиллик тарихи қизиқтирар экан. Саволларнинг асосий қисми “Лазги” рақс туркумининг Хоразм халқи этнографияси, урфодатлари билан боғлиқлиги ҳақида бўлиб, уларга жавоб беришда энг биринчи навбатда “Авесто” ва “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарига таяндик. Тимм хоним “Ёдгорликлар”нинг 1952 йилда Берлинда чоп этилган нусхаси ҳақида эшитган экан. Олима Абу Райҳон Беруний асарларига жуда қизиқиб қолди ва албатта унинг илмий мероси билан яқиндан танишиш нияти борлигини айтди.

Зеро, “Қадим Хоразм ҳудудидаги Қўйқирилганқалъа, Тупроққалъа, Қирққизқалъа каби истеҳкомлардан топилган ва асл номлари сақланмаган торли (дуторсимон, чанг- канора, арфага ўхшаш), дамли (най, мизмар), зарбли (даф ва ноғорага ўхшаш) чолғу созларни ушлаган аёл ва эркаклар тасвирлари туширилган тангалар ва ганч ҳайкалчалар бу воҳа мусиқа санъатининг илдизлари жуда қадимий эканлигидан далолат беради” [8]. Бу фикрлар бевосита рақс санъатига ҳам тааллуқлидир. Турли қазилмалардан топилаётган ва бизгача етиб келган бир талай тасвирий санъат ёдгорликлари ичида жуда кўп созандалар, актёр ва раққосаларнинг сурат ва ҳайкаллари, мусиқа асбоблари мавжуд. Қадимий сарой деворларига ёки буюмларга ўзлари яшаган даврнинг турли тантана ва қабул маросимларини, тўй-базмларини, раққосаларнинг маълум бир

---

[7]8Грей Л. «Лазги» умумбашарий рақс. «Бедорлик» эшиттириши. Ўз МТРК «Ўзбекистон» радиоканали. 2 май, 2022йил.
[8] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9–ж.Т.:«Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005, Б.- 475.

рақс ҳаракатларини театрлашган байрам томошаларини ранг-баранг бўёқларда тасвирлаб, келажак авлодларга қолдирганлар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Р.Қурбоновнинг фикрича, “Хумбузтепадан топилган, эрамиздан олдинги VI-IV асрларга тааллуқли бўлган, қўлида қўш косали чолғу ушлаган кишининг ҳайкалчаси жуда ноёб топилдиқдир. Бу ҳайкалча тор мусиқа асбобининг асл ватани Ўзбекистон деб хулоса чиқаришимиз учун етарли далилдир”[9]. Мазкур маълумотнинг ўзиёқ Хоразм маданиятининг илдизлари нақадар қадимий эканлигининг исботидир.

Энг муҳими, мусиқа асбобларидан ҳам қадимий “Лазги” рақси доимий ва муттасил ҳаракатдаги, ўсиб-ўзгаришдаги, давр ўтгани сайин сайқалланиб, такомиллашиб бораётган тараққиёт жараёнидир.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида** “Кўп асрлик бой ва бетакрор маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлган миллий рақс санъатининг халқимиз маънавияти, бадиий-эстетик қарашларини юксалтириш, ёш авлодни миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда”[10], дейилади. Мустақил тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир миллат учун маданий мерос ва миллий қадриятларни асраш энг долзарб ва устувор вазифалардан биридир. Ҳар бир миллат ўз келажагига назар ташлар экан, энг аввало ўзининг ўтмиши, тафаккур салоҳиятини чамалаб кўриши зарур.

Миллий рақсларимизнинг тизимли таълими ва кенг миқёсда тарғиб қилиниши дунёга ҳайрат кўзи билан боқадиган ёшларимизнинг тафаккури ва зеҳнини янада чархлаб, уларнинг янги Ўзбекистоннинг ҳақиқий санъатини жаҳонга танитишларида ўзига хос омил вазифасини ўтайди. Профессор М.Бекмуродов тўғри таъкидлаганидек, “Дунё халқлари минг йиллар мобайнида ўз анъана ва урф – одатлари, маросим ва байрамларига содиқ қолиш, уни ҳар қандай таъсир ва тазйиқлардан ҳимоялаш орқали турли даврлар, аждодлар ўртасидаги маънавий якдилликни таъминлаганлар ҳамда миллий ўзликни, менталитетни сақлаб келганлар”[11].

Албатта, “Лазги” рақслари ўзининг узоқ ўтмишдаги шаклланиш жараёнида турли ижтимоий-тарихий босқичларни босиб ўтди. Ҳаттоки, “Авесто” битикларида ҳам хоразмликларнинг рақсга бўлган меҳри ва муҳаббати ҳақида фикр юритилади. Мазкур манбаларга асосланиб биз Хоразм рақсларининг ибтидоий замондан XIX асргача бўлган тарихий тараққиёт йўлларини, шунингдек, ҳар бир тарихий даврдаги стил ва жанрларини, ўзига хос хусусиятларини имкон борича аниқлаб чиқишга ҳаракат қилдик.

“Лазги” туркумининг тадқиқига оид қуйидаги масалалар ўз ечимини кутиб турибди:

а) “Лазги” туркумидаги тўққиз рақс сюжетлари тизимлаштирилиши ва уларнинг миллий - этник ҳамда тарихий моҳияти кенг кўламда илмий таҳлил қилиш;

---

[9] Қурбонов Р. Санъатнинг сирли олами: Санъатнома. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. Б.-17.
[10] ЎзР Президентининг “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, ЎзА. 2020, 4 февраль.
[11] Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. Т.: ”Info Capital Grour”нашриёти, 2011., –Б.32.

б) рақсларнинг шаклланиш жараёнлари ва тараққиёт босқичлари миллий қадриятлар ва Хоразм тарихи билан боғлиқ ҳолда текширилиши ва рақсларнинг тарқалиш ареалига доир илмий кузатишларни умумлаштириш

в) "Лазги" туркумининг қадимий илдизларини тарихий воқелик, даврнинг тарихий кўлами, миллий қадриятлар, маросимлар, урф-одатлар ва халқоналик динамикаси тизимида ўрганиш;

Янги Ўзбекистонда маънавий қадриятларни тиклаш ва миллий менталитетимизни белгилайдиган миллий рақс санъати анъаналарини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берила бошланди. Хусусан, "Лазги" туркумини илмий тадқиқ ва тарғиб қилиш ҳамда халқимизнинг кўп асрлик ижодий анъаналарини изчил давом эттириш мамлакатимизда кечаётган кенг кўламли маънавий-маърифий тикланиш жараёни билан бевосита боғлиқдир. Энг муҳими, бошқа соҳалар қатори миллий рақс таълими фани ҳам ўзининг янги тараққиёт босқичига кўтарилди.

Дунё маънавий тамаддунига ўзининг беназир ижодий қудрати билан муносиб ҳисса қўшган Хоразм рақс санъати ўзининг бетакрор маданий анъаналари билан ўсиб келаётган ёш авлодни ватанга муҳаббат, ҳаётсеварлик руҳида камол топтиришнинг муҳим воситаларидан бирига айланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, рақс тарихи Хоразм халқи маданиятида фақат ўзига хос томонлари билан ажралиб туради. Чунончи, Хоразм халқ мусиқаси, Хоразм мақомлари, Хоразм халфалари, Хоразм нодир бахшилари, Хоразм лапарлари, Хоразм яллали рақслари, Хоразм лазгилари, масхарабозлик ўйинлари, турли оммавий рақслар, айниқса, урф-одатлар, маросимлар, дастур, иримлар, мавсум қўшиқлари ва рақслари Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига қараганда Хоразмда кўпроқ қадимийлик аломатларини ўзида сақлаб, уни ҳозирги замон анъаналари билан бойитиб келаётир.

Хоразм рақс мактабининг унутилиш арафасига келиб қолган тур ва жанрларини тиклаб, кенг оммалаштириш, янада юқори даражада тарғиб қилиш, "Лазги" туркумини халқимиз бадиий салоҳиятининг ноёб дурдонаси сифатида жаҳон илм-фанининг энг илғор назарий қарашлари асосида тадқиқ этиш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. ЎзР Президентининг "Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, ЎзА. 2020, 4 февраль.
2. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. Т.: "Info Capital Grour"нашриёти, 2011.
3. Қурбонов Р. Санъатнинг сирли олами: Санъатнома. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.
4.Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 9-ж. Т.: "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2005.
5. Грей Л. «Лазги» умумбашарий рақс. «Бедорлик» эшиттириши. Ўз МТРК «Ўзбекистон» радиоканали. 2 май, 2022йил.
6. Акбаров И. Мусиқа луғати. Т.: "Ўқитувчи" нашриёти, 1997.
7.Абдиримов Б. Хоразмийлар изини излаб... Т.: "Sharq ma'rifati nashr – matbaa uyi ", 2021.
8.Матёқубова Г.Тохтасимов Ш.Ҳамроева Ҳ.Хоразм "Лазги" рақси:тарихи ва тавсифи. Тошкент.: 2022.

# ЖАДИД ОЛИМЛАРИ АСАРЛАРИДА ОИЛА, АЁЛ МАЪНАВИЯТИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

**Раъно Сайфуллаева,**
**филология фанлари доктори,**
**Ўзбекистон Миллий университети профессори**

**Аннотация.** Мазкур мақолада Исҳоқхон Тўра Ибрат ва Абдурауф Фитрат каби жадид олимлари асарларида аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни, аёллар маънавияти, миллий ўзлик масалаларининг ёритилиши тадқиқ қилинди.

**Abstract**. In this article, the role of women in the family and society, women's spirituality, and the coverage of issues of national identity were studied in the works of modern scholars such as Ishaq Khan Tora Ibrat and Abdurauf Fitrat.

**Аннотация**. Бұл мақалада әйелдің отбасы мен қоғамдағы орны, әйел руханияты, ұлттық болмыс мәселелерінің қамтылуы Ысқақ хан Тора Ибрат, Абдурауф Фитрат сынды заманауи ғұламалардың еңбектерінде зерделенді.

**Калит сўзлар:** ислоҳот, жадидлар, ватан, маърифат, миллий уйғониш, аёл, миллий ўзлик.

**Key words**: reform, modernization, homeland, enlightenment, national revival, woman, national identity.

**Түйін сөздер**: реформа, жаңғырту, туған жер, ағартушылық, ұлттық жаңғыру, әйел, ұлттық болмыс.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқида "Ижодий фикрлайдиган, истеъдодли ва шижоатли ёшларимиз истиқболда туркий дунёнинг янги Ренессансини барпо этишига ишончим комил.Бу йўлда уларга буюк аждодларимиз яратган илмий кашфиётлар ва маънавий мерос мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади. Таъкидлаш ўринлики, ўтган асрда яшаган жадид боболаримизнинг ибратли фаолияти, илмий - ижодий меросини чуқур ўрганиш юзасидан аъзо мамлакатларда катта ишлар амалга оширилмоқда", деди ҳамда йиғилиш иштирокчиларини жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган "Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари" мавзусидаги халқаро анжуманга таклиф қилди.

Муҳтарам Президентимизнинг бу ташаббуслари мамлакатимиз олимлари зиммасига янада улкан масъулият юклаб, жадид боболаримизнинг меросларини янгича нигоҳ билан ўрганишга, тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга даъват этмоқда.

Буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Исҳоқхон Ибрат ва профессор Абдурауф Фитрат асарларида сиёсий, ҳуқуқий масалалар билан бир қаторда оила, аёл маънавияти ва миллий ўзлик ғоялари ижтимоий-маърифий, маънавий-фалсафий жиҳатдан ниҳоятда чуқур ёритилган.




Серкирра истеъдод соҳиби, “Матбааи Исҳоқия” нашриёти билан миллат тарихидаги биринчи ношир мақомига эга Исҳоқхон тўра Ибратнинг биринчи устози онаси Ҳурбиби ая бўлган. Болалигидан адабиётга ва китобга улкан муҳаббат билан улғайган маърифатпарвар олим ўзининг “Мезон уз - замон ” асарида шундай дейди: “Усули жадид демак, янги қоида, янги тартиб демакдур, десак ҳама қабулга олмаган эдилар. Гардиши овон ва хоҳиши замон ила ўзи-ўзича жорий бўлиб кетти. Аввалги вақтдаги маҳалла мактабида 5 йилда 3 адад муаллимда ўқуб, охири саводим чиқмай, кейин қизлар мактабида, ўз уйимизда волидаи марҳумамдан ўқуб савод чиқардим. Икки сана қиблагоҳимдан ҳуснихат машқ этдум. Боқинг, маҳалла мактабида усусли қадимда етти йил умрни зойиъ этуб, ўқув – ёзувни билгон эдум. Мана энди банда ўзум усули савтиянинг авлоди исломға ёрдамини кўруб, ўз масжидимизга мактаб очдим. Бир санада кўб ёшлар, ҳаттоки катта ёшга кирган тужжорлардан ўқуб, хат-саводини чиқоруб, маъишат ва тижоратларида осонликлар мушоҳада қилдилар. Ҳар замоннинг ўзига қараб, илму ҳунар касби даркор”[12].

Исҳоқхон Ибрат ота-оналарнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг ўзларини янги мактабларга таклиф этишни, маънавиятини ошириб боришни кечиктириб бўлмайдиган долзарб масала деб билади. Албатта, таълим тизимидаги янгиланишлар тез натижа бермаслиги, бунинг учун кўп йиллар зарурлиги ҳаммага маълум. Олим илм олиш билан ҳунар ўрганиш бирга олиб борилиши зарур, деб ҳисоблайди. Ота-онанинг шахсий ибрати, таълим-тарбияси боланинг соғлом, ҳар томонлама баркамол шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади. Бу мақсадларнинг рўёбга чиқишида маҳаллаларнинг ҳам ўрни бор. Бола кичиклигидан эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ёки маънавий сифатларнинг пойдевори оилада шаклланади.

“Тўрақўрғондан мактуб” мақоласида олим энг оғриқли мавзулардан бирини ўртага ташлайди: “Ҳоло ҳам биз қадимги, эски андишада мозорларга сиғиниб, ўз динимизга ҳаракат қилмай, оқча топсак, хоҳиш улоқ, тўйларга ўн минг сарфи беҳуда, исроф деган уламо йўқ. Ўлганга беш минг сарф – исроф учун қайси уламо буларга фатво берган, ҳалол деб. Ҳалол деса, бундан зарур ҳалоллар бор.Улар қолубдур. Ҳеч кимда халқға насиҳат йўқ, бўлса ҳам кулоқға олмайлар. Ёшлар бўлса кукли ила юрадурлар. Қарилар аҳли аёлини бетартибда, ахлоқсиз қилиб ўстурган. Уйлангандин сўнг росхуд отасидин ейдур. Отаси бирор кун камроқ росхуд берса, они ўлдурмакда. “Ўзидин чиққан балоға қайға борсун давоға”. Бу мубталолик, жаҳолат тартибсиз бўлуб, сўкуб, катта қилиб, ёшликда кўчада ёнғоқ, ошуқ, ондин каттароқ бўлганда гапхонада сафсата, азкия деган беҳуда сўз,

[12]Исҳоқхон И. Мезон уз - замон.Танланган асарлар. Т. “Маънавият” нашриёти, 2020. Б.-165.

урушмоқ, сўкушмоқни таълим оладур. Бу афъоли бадларни, бу мараз дардни доруси илмдур. Ёшларни мактабда тартиб қилиб ўстурмаганликдиндур. Ҳоло ҳам сизларга вақтдур. Илмсиз киши асоссиз девор деган. Асоссиз девор ғоят беэътибор бўлур. Илм ўқунг, ўқутунг, ахлоқи фунун замонага даркорлик илмлар зарур, агар сиз шул замонда турмак бўлсангиз"[13].

Азалдан миллий педагогиканинг асосий эътибори шахс маънавиятини камол топтиришга, яъни, боланинг одоби ва ахлоқига, тарбиясига қаратилган.Зеро, ўтмишдан мутафаккирларимиз комил инсон сиймосини ахлоқан пок, жамиятнинг моддий ва маънавий бирлигини яратувчи жисмонан соғлом, етук инсон қиёфасида кўрганлар. Барча жадид олимлари каби Исҳоқхон тўра Ибратнинг асарларида ҳам комил инсонни шакллантириш мазмуни, йўллари, шакллари услуби ҳамда таркибий қисмлари ёритилган. Уларда шарқ кишисининг ақлий, ахлоқий, руҳий камолоти муаммоси етакчи қилиб қўйилган. Бу ғояни амалга оширишнинг асосий воситалари сифатида оиладаги маънавий муҳит ва таълим-тарбия тилга олинган.

Фарзанд вояга етказаётган оиланинг фаровонлиги, қут-баракаси оила маънавияти билан чамбарчас боғлиқ. Абдурауф Фитратнинг "Нажот йўли" (1914) асарида "Оила тарбияси" деб номланган алоҳида боб мавжуд. Уларда олим оила қуришга халақит бераётган урф-одатларни қаттиқ танқид қилади. Тўйдаги ортиқча харажатлар, қалин олишларни қоралайди, ҳамда қизларни оқила бека сифатида тарбиялаш энг муҳим масала эканлигини таъкидлайди. У уйланиш ниятида бўлган йигитларнинг тўрт нарсага яъни, бўлажак келиннинг молига, мансабига, жамоли ва динига эътибор беришларини танқид қилади ҳамда ўз кузатишлари бўйича қўйидаги хулосага келади: маълум вақт ўтгач бойлик тугайди; насл-насаби тоза бўлса ҳам, унга етарли эътибор берилмаса кейинги шахсий ҳаётда қўл келмайди; қиз хусни абадий эмаслиги ва ташқи гўзаллик боқий эмаслигини таъкидлаб иймон – эътиқодли қизларга уйланишни тавсия этади. Иймон-эътиқодли аёл оиласининг фаровон бўлишига ҳаракат қилади. Олимнинг фикрича "Ҳар бир бола гўдаклигидан онасининг тарбиясига маҳкум, бинобарин, биз дастлабки тарбияни ўз онамиздан оламиз. Бу оналар башариятнинг тарбиячиларидир дегани" [14]. Маърифатпарвар олим оилани илк тарбиянинг ўчоғи, аёлни оилани асровчи асосий шахс деб билади.

1915 йилда нашр этилган "Оила" китобида унинг ҳуқуқий ва маърифий қарашлари янада такомиллашади. Фитрат: "Ҳар бир оиланинг саодати ва миллати, албатта шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса, шу миллат оилаларнинг интизомига таянади, қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади". Олимнинг фикрича, таълимни оиладан бошлаш шарт. Бунинг учун она маърифатли бўлиши, ота илмни қадрлаши тақозо этилади.

Миллат оиласининг интизоми унинг фарзандини илмли, тафаккурли қилиб ўстиришида намоён бўлади. Истиқлол шарофати билан тикланиб келаётган тарихимиз, миллий анъаналаримиз, миллий ўзлигимизни англаш ҳам оиланинг жамиятдаги нуфузи билан белгиланади. Жадид олимларининг аёлларни маърифатли қилиш, оиланинг туб негизини мустаҳкамлаш, шу эзгу мақсад

---

[13]Исҳоқхон И. Письмо из Тюря –кургана.Танланган асарлар. Т. "Маънавият" нашриёти, 2020. Б.-154.
[14]Фитрат А. Оила.Танланган асарлар. Т. "Маънавият" нашриёти, 2021. Б.-145.

йўлида жамият аъзоларини юксак маънавий заминда тарбиялашдек буюк ғоялари янги Ўзбекистонда янгича тамойиллар яратилишига асос бўлмоқда.

Жадидлар ижтимоий тузумни бутунлай ўзгартириш, жамиятни тубдан янгилаш ғояларини илгари сурган эдилар. Бу мақсадга маърифий – маънавий ислоҳотлар орқали эришиш мумкин эканлигига ишондилар. Зеро, миллий ўзлик туйғуси ҳар бир ижодкор қаламга олган даврнинг қиёфасида, халқнинг характер хусусиятларида кўринади. Ватан ўтмиши, бугуни ва келажаги билан боғлиқ масалаларда бу кўзга янада яққолроқ ташланади. Ўтган аср бошида жадидлар адабиётини мисол келтириш мумкин. Атоқли адабиётшунос олим О.Шарафиддинов таъкидлаганидек, "XX асрда Ўрта Осиёда етишиб чиққан ижодкорлар орасида энг сараларидан бири, энг мумтози Абдурауф Фитратдир десам хато бўлмаса керак. Шоир, адиб, драматург, муаррих, мунаққид, адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос, мутаржим, мутафаккир-файласуф, жамоат арбоби, сиёсатчи, педагог-бир ўзида шунча сифатларни жам этган Фитрат маданиятимиз ривожида ўчмас из қолдирди. Бироқ гап ижодкор билимларининг қомусийлигию шахсиятининг серқирралигида эмас. Муҳими шундаки, Фитрат Ватанини улуғ бир муҳаббат билан севарди ва шу муҳаббат унинг бутун фаолиятини ёрқин нур билан ёритиб турарди" [15].

Абдурауф Фитрат асарларида она ва Ватан бир – бири билан эгизак, уйғун тушунчаларга айланиб кетган. Шоир Ватан тимсолида онани, она тимсолида Ватанни кўради. Унинг машҳур "Юрт қайғуси" сарлавҳали сочма шеърларида она – Ватан, Ватан – она уйғунлигида замонасининг энг ҳаётий ва долзарб муаммолари кўтарилган. Бу сочмаларнинг тарихий-ижтимоий аҳамияти шундаки, уларда миллат озодлиги, инсон ҳуқуқи каби буюк ғоялар илгари сурилди. Миллий қадриятлари унутилаётган, ўзи ғафлат уйқусида ётган, эрки топталган, ор-номуси, маънавияти хўрланган, топталган миллатнинг қалб изтироби бўлиб янграйди. Унинг дилига ҳам, тилига ҳам фақат битта сўз келади: "Она". У армонларини, аламлари, дардларини айтмоқ учун ҳам "Онам" деб сўз бошлайди:

Онам! Сени қутқармоқ учун жонми керакдир?
Номусми, виждон била имонми керакдир?
Темур била Чингиз қони тошди томиримиздан,
Айтгил! Сени қутқармоқ учун қонми керакдир?
Ёв суқғали келгач қиличии юрагингга,
Туш олдига, ол кўксуми – қалқонми керакдир?
Боқ, боқ, мана турк тенгизи тошқун қила қолди,
Турон ёвини қувғали тўфонми керакдир?
Турон, йигитинг, барчага боқ, қалқди оёқға,
Юртда қоровул қўйғали арслонми керакдир?

Муаллиф бошини кундага қўйган каби, сўнгги нафас, сўнгги алам, сўнгги армон оловида ўртаниб, "Онам" дея нидо қилади. Жондан азиз онаси - Ватанини ҳимоя қилиш учун кўксини қалқон этмоқда. Унинг ўқдай отилган оҳлари, ҳасрат дарёсига чўкаётган орзулари ҳар қандай юракни уйғотади, қалбга ҳаяжон ва исён солади. Юрт қайғусида, Ватан ҳасратида қалбини тилка – тилка қилиб, чеккан изтиробларининг, армонларининг ўткир, аламли қирралари юракка санчилади.

[15]Шарафиддинов О.Танланган асарлар. Т.: "Шарқ" нашриёти, 2019. Б.-137.

Армонли ўғилнинг, кимсасизлик оловида ёнаётган қалбнинг ички дардлари куйиб, кулга айланмоқда. Ватан – Она қаршисида ўзини гуноҳкор сезаётган ўғилнинг ғамгин ва дардли армонлари китобхонни бефарқ қолдирмайди. Шоир Улуғ Турон тимсолида Онани кўради, худди Она бағрига бош қўйган фарзанддек унга юрагини ёндираётган дардларини айтади.

Шоирнинг "юзим қора" деган изтироби, ўкинчи шу даражада дардлики, китобхоннинг қалбини ҳам ларзага солади. Дунёда инсоннинг эрки, қадр-қиммати ва шаънидан баландроқ ҳеч нарса йўқ. Ватанга қўшилиб сўз ва қалбнинг турғунликка маҳкум этилганлиги адиб юрагини ўртайди. У жон жаҳди билан лоқайд, ўз қадрини йўқотган замондошлари қалбида миллий руҳиятни уйғотмоқчи бўлади. Топталаётган туғёнларда ҳалқнинг неча минг йиллик қадриятлари, маданий мероси ҳам борлиги ҳақиқий фожиа эди. Ўз қадрини йўқотган миллатнинг эртанги куни, келажаги ҳам таназзулга юз тутиши аниқ.

Абдурауф Фитратнинг "Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусинда қилган мунозараси" насрий асарида Фаранги билан Мударриснинг орасида шундай баҳс бўлиб ўтади:

Фаранги: Энди айтинг-чи, Бухорода аёллар ҳам таҳсил оладиларми ёки йўқ?

Мударрис: Йўқ, аёллар таҳсил кўрмайдилар.

Фаранги: Нега уларни таҳсилдан бебаҳра қолдирганлар? Аёл ақли таълим ва тарбия хусусида эркакдан камроқ бўлмаса керак. Бизнинг ҳакимлардан бири айтадики: "Биз Америка ва Франсиё аёлларининг ихтиролари мушоҳадасини кейин билдикки, аёлнинг тушуниш даражаси эркакникидан кам эмасдир". Ва сизларнинг Пайғамбарингиз ҳам буюрдики, "Талаб ул илму фаризатун ала кулли муслимин ва муслиматин", яъни "Илм олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга фарздир". Аёлларнинг тарбияти фойдали бўлиб, "Ман жаа бил ҳасанати фалаҳу ашру амсалиҳа", яъни "Кимки яхшилик келтирса, унга ўн баробар..." оятининг ҳукмига кўра, яхши амалларга эга бўлишлик вожибдир. Негаки, яхши амаллар, яхши ахлоқсиз мумкин бўлмайдир. Яхши ахлоққа кейинроқ эга бўлишлик ҳам "Мин баъди муқаддимат – ул вожиб", яъни "Вожиб бўлган амалларнинг биринчиларидандир". Бирор кимса ҳам тарбиясиз яхши ахлоқ соҳиби бўлмайди. Бизнинг биринчи тарбиямиз оналаримиз тарафидандир, уларнинг ўзлари тарбия кўрмаган бўлсалар, биз ҳам уларнинг ёмон тарбиясидан ҳамиша ёмон ахлоқ эгаси бўламиз. Шу сабабли донолар бизнинг оламни инсоният доирасидан ташқарида, деб биладилар. Юртнинг бахтсизлиги, заминнинг саодатсизлигидирки, аёллар у ерни таълим ва тарбия шарафидан маҳрум қиладилар [16].

Асар қаҳрамони миллат аёлларининг таҳсил олмаслигини, ўқимаслигини "юртнинг бахтсизлиги, заминнинг саодатсизлиги" даражасида оғир фожиа деб биляпти. Юрт бахтсизлигининг, замин саодатсизлигининг олдини олишнинг ягона йўли – миллат аёлларини илмли қилишдир. Абдурауф Фитрат энг оғриқли саволларга жавоб излаш жараёнида миллат истиқболи ҳақида қайғуради.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар замон ва маконга мос равишда такомиллашиб боради. Улар тарихий, миллий ва умуминсоний тараққиётнинг ўзига хос жиҳатларини ўзига "сингдиради" ва улар ҳисобига қадриятлар бойиб

[16]Фитрат А. Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусинда қилган мунозараси. Танланган асарлар. Т.: "Маънавият" нашриёти, 2020. Б.74-75.

боради. Халқ, миллат ўз тарихий хотирасини тиклагани, маданий меросини ўзлаштиргани сари руҳан бойийди, бақувват бўлади, ундан илҳом олади, истиқлолга интилиб яшайди.

Профессор Д.Алимова жадидчилик ҳаракатини таҳлил қилар экан, шундай фикрга келади: “Жадидчилик ўзидаги қайси белгилари билан фавқулодда ҳлдиса эди? Унинг феномени нимада? Уларнинг жамиятдаги инқироз ва мутаассибликни шу даражада аниқ кўришларига, диний, ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларга амалий ёндашишига нима ёрдам берди? Биринчидан унинг ноёблиги (феномени), аввало, унда ғоятда юқори даражадаги ақл – идрокли, ҳам Шарқ, ҳам Европа маданиятига хос билимларга эга бўлган зиёлилар жамланганлиги билан белгиланади. Ўтмишга назар солиб, уни ўрганиб, ўз даврини таҳлил қилган жадидлар ўз Ватанининг келажаги лойиҳасини туза билдилар, унинг ривожланиш йўлларини режалаштирдилар.Уларнинг деярли барчаси олий диний таълим олганлари, Жомий, Навоий, Фузулий шеърияти, қадимги Шарқ мутафаккирларининг фалсафий асарлари руҳида тарбияланганлари ҳолда, ўз билимларини чет эл маданияти, жумладан, ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданияти ютуқлари билан бойитдилар ”[17].

Дарҳақиқат, жадидлар томонидан йўлга қўйилган нашрлар, яратилган бадиий, тарихий ва фалсафий, адабий асарлар миллатнинг уйғонишига асос бўлди. Бугун мамлакатимизда буюк жадидларнинг барча олий мақсадлари, орзу – умидлари амалга ошаётганлиги ёшларимизга янги имконият эшикларини очмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан бошланган Янги Ўзбекистонни бунёд этиш ғояси асосида амалга оширилаётган оламшумул ислоҳотлар замирида оилани мустаҳкамлаш, хотин –қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш ва мустаҳкамлаш каби буюк мақсадлар мужассам.

Аёл, она, оила – муштарак тушунчалар сифатида миллатнинг ғурурини, ор – номусини англатади. Улар ҳар доим вобасталикда миллатнинг обрў – эътиборини сақловчи омил ҳисобланади. Шунингдек, оила маънавияти миллий масъулиятни ҳам англатади. Асрлар давомида аждодлар томонидан мерос бўлиб келаётган моддий, маънавий бойликларни – урф – одат, анъана ва қадриятларини асраш, кейинги авлодларга етказиш, ёшлар онги ва қалбига сингдириш, уларда миллатпарварлик туйғуларини ривожлантириш, миллатнинг жаҳон тамаддунидан муносиб ўрин эгаллашида ўзининг меҳнати, салоҳияти билан фидойилик кўрсатиш зарурлигини англаб етиш ва уларни амалиётга татбиқ этишда миллат оналарининг ҳиссаси беқиёсдир. Қадим замонлардан бошлаб баркамол инсонни шакллантиришнинг асосий мезони сифатида ақлий етуклик, соғлом фикр, юқори истеъдод, ижодкорлик, яхши хулқ, юртга садоқат тарбиясини шакллантириш тушунилган.

Муҳтарам Президентимиз тўғри таъкидлаганларидек, **“Аёлни эъзозлаш эзгулик ва адолат мезони”**, деган ғояни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида аҳолимизнинг қарийб ярмини ташкил этадиган аёлларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, хотин - қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, истеъдоди ва қобилиятини рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни ҳимоя

[17]Алимова Д. Жадидчилик .ҳаракатининг ижтимоий сиёсий моҳияти ва жадидлар тафаккури. Тўплам.Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, . Т.: “Университет” нашриёти, 1999. Б.-43.

қилиш давлат сиёсатининг марказига қўйилди. Хотин – қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрнини тобора кучайтириш бўйича чора – тадбирларни белгиладик. Мамлакатимиз бошқарув тизимида аёлларнинг улушини 33 фоизга етказдик. Юртимиз бўйича 1,5 мингга яқин хотин – қиз мутахассислар турли даражадаги раҳбарлик лавозимларига тайинланди" [18].

Жадидлар миллатнинг "саодатини чин кўнгилдан истаган" эдилар.Шу улуғ мақсад йўлида умрларини тикдилар. Улар миллатнинг маънавий юксалишида, фарзандларнинг комил инсонлар бўлиб улғайишларида оилани муҳим тараққиёт ва ёруғ истиқбол остонаси деб билдилар.Зеро, чинакам маърифатли миллат ўзининг инсон сифатидаги қадрини, миллий қадриятларини, миллий ўзлигини ҳис қилиш, эркин ва озод мамлакатда яшаш бахт эканлигини англайди. Жадид олимлари, шоиру адибларининг наздида мамлакатнинг куч-қудрати, сиёсий-иқтисодий барқарорлиги энг аввало фуқароларининг маънавий-маърифий салоҳияти билан белгиланади. Уларнинг асарларида оила ва хотин-қизларнинг маънавий-маърифий юксалиши хусусида олға сурилган ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий-ахлоқий қарашлари ўз қадр-қимматини ҳеч қачон йўқотмайди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: "Ўзбекистон", 2021.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг "Янги Ўзбекистон" газетаси бош муҳаррири С.Дониёровнинг саволларига жавоблари. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. "Янги Ўзбекистон" газ. 2021йил, 17 август.
3. Исҳоқхон И. Мезон уз - замон.Танланган асарлар. Т. "Маънавият" нашриёти, 2020.
4. Исҳоқхон И. Письмо из Тюря –кургана.Танланган асарлар. Т. "Маънавият" нашриёти, 2020.
5. Алимова Д. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. "Университет", Т. 1999 йил.
6. Фитрат А. Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусинда қилган мунозараси. Танланган асарлар. Т.: "Маънавият" нашриёти, 2020.
7. Шарафиддинов О. Танланган асарлар.Т.: "Шарқ", 2019.
8. Фитрат А. Оила.Танланган асарлар. Т. "Маънавият" нашриёти, 2021.

## МИЛЛИЙ МУСИҚА ТАРИХИНИНГ ИЛМИЙ - НАЗАРИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

**Нозим Қосимов,**
**Ўзбекистон давлат хореография академияси**
**инновация ва илмий ишлар бўйича проректори,**
**филология фанлари номзоди, профессор**

**Аннотация:** Мазкур мақолада асрий қадриятларга эга миллий мусиқа тарихининг илмий-назарий, фалсафий-маърифий тамойиллари тадқиқ қилинган.

**Abstract**: The scientific-theoretical, philosophical-educational principles of the history of national music with age-old values are studied in this article.

**Аннотация**: Бұл мақалада ұлттық музыка тарихының көне құндылықтары бар ғылыми-теориялық, философиялық-ағартушылық ұстанымдары зерттеледі.

[18]Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: "Ўзбекистон" нашриёти, 2021. Б.-53.

**Калит сўзлар:** ўтмиш, қадрият, тамойил, маросим, маданий мерос, мусиқа, санъат, тарих.

**Key words:** past, value, principle, ritual, cultural heritage, music, art, history.

**Түйін сөздер**: өткен, құндылық, ұстаным, салт-дәстүр, мәдени мұра, музыка, өнер, тарих.

Ҳамма замонларда ҳам жамият тараққиёти учун зарур ва муҳим бўлган моддий ҳамда маънавий воситаларни яратишда тарихийлик тамойили асосий пойдевор вазифасини ўтаб келган. Ўзбек халқининг анъанавий мусиқа санъатини, унинг шаклланиш босқичларини, ижрочилик услубларини ўрганишда, илмий нуктаи назардан таҳлил қилишда ҳам тарихийлик тамойили муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, фольклор қўшиқларининг куй, оҳанг ва тузилмалари ниҳоятда ранг-баранг ва бетакрордир. Уларда миллат тарихи, қадриятлари мужассам. Буюк маърифатпарвар олим, профессор Абдурауф Фитрат тўғри таъкидлаганидек, “Биз, ўзбеклар ўз мусиқамизнинг жудаям бой экани тўғрисида кўп гапирдик. Ҳам гапириб турамиз. Бу ишимиз ёмон эмас. Албатта, у бир мусиқаки, ёлғиз ўзининг классик қисмида уч юздан ортиқ куй сақлаган. Бир мусиқаки, бу кун ўн бешга яқин чолғунинг эгасидир. Бир мусиқаки, ўзининг текширишга лойиқ назарияси, усули бор. Уни мақтаганлар, албатта, тўғри сўзлайдилар” [19].

Мусиқа оҳанг ва куйлар орқали инсоннинг макон ва замон, табиат, жамият ва ҳаётга, келажакка муносабатини ифодалайди. Унда юрт, табаррук тупроқ ва муҳит билан боғлиқ инсон умрининг турли-туман қирралари, ҳис-туйғулари ва ички изтироблари акс этади. Гўзаллик ва эзгулик ҳақидаги туйғулар ҳамда тасаввурнинг маълум бадиий-эстетик қадриятлар шаклида ривожланишида ҳам асосий маънавий-тарбиявий вазифани ҳам мусиқа бажаради. Зеро, инсонни руҳан покланишга, қалбан улғайишга ундовчи, имон-эътиқодини бутун қиладиган куч-қудрат ҳам маънавиятдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрсида” ги Қарори маънавий-ижтимоий соҳада дастуриамалга айланди. Унда “ўқувчи ва талабаларнинг мусиқий билим ва кўникмаларини ошириш, уларнинг қалбида миллий маданиятга бўлган муҳаббатни шакллантириш, ёш истеъдодларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш”[20] масаласига алоҳида эътибор берилган.

Ўсиб келаётган ёш авлод камолотида кўплаб восита ва мезонлар қаторида миллий мусиқа тарихини ўрганиш, бу борада илмий тадқиқотлар олиб бориш алоҳида ўрин тутади. Профессор Р.Абдуллаевнинг фикрича, “Бизнинг халқимиз бой тасвирий воситаларда ифодаланган, серқирра мавзуси ҳамда жанрларнинг турли - туманлиги билан характерланувчи қадимий маросим қўшиқлари ва чолғу куй, усулларига эга” [21].

---

[19]Фитрат А. Ўзбек мусиқаси тўғрисида.Танланган асарлар. Тошкент.: “Маънавият”, 1998..Б.-240.

[20]Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги Қарори. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил, 4 февраль, 25 сон.

[21]Абдуллаев Р. Марказий Осиё халқлари маросим мусиқаси ҳақида.Санъатшунослик масалалари. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент.: 1998..Б.-125.

Янги Ўзбекистон замонавий илғор давлатга айланиши учун таълим-тарбияни янгича ташкил этиш, ёшларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишлари учун зарур шарт-шароатлар яратилмоқда.Зеро, тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан баркамол, техникавий билимлар ва мурккаб технологияни эгаллаган, иродаси бақувват, имони бутун, замонавий фикрлайдиган, юксак салоҳиятли етук кадрлар ҳал этади. Жаҳон мамлакатлари тажрибаларидан ижодий фойдаланиш ва ҳаётга жорий этишдан иборат амалиёт йўлини изчил давом эттириш зарур. Маънавият ҳар қандай мамлакат ва халқни юксакликка кўтаради, унинг тараққиёти учун асос бўлади, порлоқ истиқбол учун ўсиб келаётган ёш авлод онгу шуурида ишонч уйғотади. Шунинг баробарида дунёни жаҳолатдан, уруш можароларидан, диний қарама-қаршиликлардан асраб, қутқариб келган, бундан кейин ҳам маънавият ўзининг энг асосий таъсир кучини сақлаб қолади. Ижодий-илмий изланишларга кенг йўл очилган, яъни илм ва ижод аҳлини ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантиришнинг ҳаёт ссиновидан ўтган воситаларини ишга сола олган давлат ва мамлакат истиқболи порлоқ бўлиши тарихдан маълум.



Буюк аллома Абу Наср Форобий “Мусиқа ҳақида катта китоб” асарида ўтмишдаги мусиқашунослар, тадқиқотчилар, машҳур созандалар ҳақида тўхталади, уларнинг мусиқа маданияти тараққиётига қўшган ҳиссаларини алоҳида таъкидлайди. Куйларнинг уйғунлиги, бир-бирига таъсири, ижро этиш усуллари ҳақида сўз юритади ҳамда мусиқа ижтимоий ҳодиса сифатида инсон дунёқарашини ўзгартиришда ҳам катта имкониятларга эга, деган фикрга келади. Унинг бу асари Шарқ мусиқашунослиги тарихида ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Мутафаккирнинг фикрича, мусиқий тасаввурлар ва оҳанг инсон руҳиятига, унинг сезги қувватларига таъсир қилади. Одатда, мусиқа санъатининг асл моҳиятини белгиловчи омиллар муайян шаклларда ўз ифодасини топади. Форобийнинг мусиқа ҳақидаги фалсафий таълимоти негизида инсон ва унинг ақл-идроки сингари кўплаб муҳим масалалар мавжуд.

Фаробий ва Ибн Сино таълимоти кейинчалик Шарқда мусиқа маданияти хусусида янги асарлар яратилишига пойдевор бўлди. Маълумки, маданий меросни мифологик, диний, бадиий, илмий ва илмий-фалсафий талқин этиш амалиёти тарихан мавжуд. Айникса, дунёқараш аҳамиятига молик тушунчаларнинг илмий-фалсафий идроки инсон камолоти ва ижтимоий тараққиёт учун бағоят муҳим масаладир.

Улуғ алломалар қолдирган мерос ҳозирги кунга келиб мусиқа санъати тарихий босқичларини ўрганишда ёш олимларнинг олиб бораётган изланишларида муҳим аҳамият касб этади. Мусиқа санъатини мукаммал ўрганиш ва унинг янги тарихини яратиш эса бизнинг олдимизда турган энг долзарб масалалардан биридир.

Беназир бунёдкор, илм фан ҳомийси, енгилмас саркарда, адолат байроқдори Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг оламшумул фаолияти нафақат бир миллат, балки бутун инсоният тақдирига дахлдордир. Зеро, Иккинчи Шарқ Уйғониш даври маданияти, илм - фани ва маънавияти энг аввало буюк ҳукмдорнинг номи ва сиёсий фаолияти билан боғлиқ. Илмий, фалсафий, тарихий манбаларда Соҳибқирон бобомизнинг Мовароуннаҳр, Хуросоннинг бир неча минг йиллик илм-фани,маданияти, тарихи, анъаналари, миллий қадриятларини чуқур билганлиги ва астойдил ҳурмат қилганлиги ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд. Албатта, “Марказий Осиё энг қадимги даврларданоқ инсоният цивилизациялари йўллари туташган ёки кесишган масканда жойлашган, унинг ўзи ҳам ана шу цивилизациянинг марказларидан бири бўлган. Маънавий тараққиёт ва ахлоқий тамойилар шундай асосларга таянган ҳолда, асрлар чегарасидан ҳатлаб ўтиб, кейинги ривожланишни юзага келтирди.” [22]

Мустақиллик шарофати билан миллий мусиқий меросга муносабатда ворисий алоқадорлик тамойилларига давлат сиёсати даражасида эътибор берилмоқда. Инсоннинг комилликка эришуви ҳақидаги тасаввурлар ҳар қандай даврдаги ғоялар, концепцияларнинг асосини ташкил этиши ҳисобига жамият ҳамиша юксак тараққиётга қараб интилади.

Академик О.Салимов тўғри таъкидлаганидек, “Мусиқа санъатида ҳар қандай мўъжизавий куй еттита нотадан яралади. Она қалби ноталари ҳам шундай. Бироқ бу ноталарнинг ҳар бирида етти минг қочирим, етти минг нола, етти минг хониш, етти минг усул бор. Унда янграган оҳанг бутун борлиқни ўзида ифода этган буюк ва маҳобатли симфония. Унда дунёнинг, серқирра ҳаётнинг биз англаган англамаган синоатлари мужассам”[23]. Бизнинг назаримизда, ўзбек миллий мусиқа санъатининг замирида ҳам худди шундай, етти минг нола, етти минг хониш ва етти минг усул мужассам. Мусиқа санъатини илмий метод ва усуллар тизими асосида тарихий воқелик билан боғлаб тадқиқ қилиш анъанаси кейинги йилларда инновацион ғоялар билан бойиб бормоқда. Мусиқа санъати тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган бебаҳо куй-қўшиқларнинг яратилиши, ривожланиши ва вариантлашган ҳолда халқ бадиий хотирасида яшаш қонуниятларини очиб бериш энг долзарб масалалардан биридир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги Қарори. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил, 4 февраль, 25 сон.
2. Абу Наср Фаробий. Ўзбек педагогикаси антологияси. Тошкент.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1995.
3. Фитрат А. Ўзбек мусиқаси тўғрисида.Танланган асарлар. Тошкент.: “Маънавият”, 1998.
4. Салимов О. Янги Ўзбекистон давлати. Тошкент.: “Маънавият”, 2023..Б.-167.
5.Иброҳимов О. Ўзбек халқ мусиқа ижоди: методик тавсиялар.Тошкент.: “Ўқитувчи”, 1994.
6. Кароматов Ф. Мақомат ва замонавийлик.”Совет Ўзбекистони санъати” журнали, 1979.1-сон.Б.-26-27.
7. Конрад Н.И. Запад и Восток. М.: Изд. Главная редакция восточной литературы,1972.

[22]Конрад Н.И. Запад и Восток. М.: Изд. Главная редакция восточной литературы,1972. С.82.
[23]Салимов О. Янги Ўзбекистон давлати. Тошкент.: “Маънавият”, 2023..Б.-167.

# МУСИҚА ДАРСЛАРИДА МАДАНИЙ МЕРОСГА ҲУРМАТ ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

**Мирмуҳсин Гапуров,**
**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали директори, профессор**

**Аннотация.** Мазкур мақолада мусиқа дарсларида ўқувчиларга маданий меросга ҳурмат туйғусини сингдиришнинг анъанавий ва замонавий тамойиллари ҳамда инновацион усуллари тадқиқ қилинган.

**Abstract**. This article explores traditional and modern principles and innovative methods of instilling in students a sense of respect for cultural heritage in music classes.

**Аннотация**. Бұл мақалада музыка сабағында студенттердің мәдени мұраға деген құрмет сезімін қалыптастырудың дәстүрлі және заманауи принциптері мен инновациялық әдістері қарастырылған.

**Калит сўзлари**: маданий мерос, миллий ўзлик туйғуси, мусиқа маданияти, инноавоцион усул, эстетик тафаккур.

**Key words**: cultural heritage, national sense of identity, musical culture, innovative method, aesthetic thinking.

**Түйін сөздер**: мәдени мұра, ұлттық өзіндік сана, музыкалық мәдениет, инновациялық әдіс, эстетикалық ойлау.

Тараққиёт сари интилаётган ҳар бир миллатнинг маданий мероси аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган энг бебаҳо бойлик ҳисобланади. Зеро, "Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир" [24].




Дарҳақиқат, ўзбек халқининг мусиқий мероси ниҳоятда қадимий тарихга эга бўлиб, унинг йўналишлари ҳам ранг – барангдир. Санъатни қисмат деб билган хонанда учун шеърнинг қофиясидан тортиб, ундаги сўз ва оҳангларга қачон ва қандай урғу беришнинг аҳамияти қанчалик муҳим бўлса, мусиқа ўқитувчисининг бу борадаги масъулияти ундан бир неча баробар юқоридир. Шунингдек, маданий мерос даврлар ва инсонларнинг бир-бирига бўлган ўзаро муносабатлари асосида шаклланиб, сайқалланиб боради. Миллий қадриятларнинг ҳамкорликдаги алмашинуви жараёнида маънавий-маданий мерос ривожланади.Қадим илдизларга эга маданий мерос ўз навбатида шахс маънавий юксалиши учун

[24]Мирзиёев Ш.М. Ёшларга донолар ўгити. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2018 . - Б.13.

асосий восита ҳисобланади. Мутафаккир олим, буюк аллома Абу Али Ибн Синонинг фикрича, "Инсон қалби ҳар бир янги ва кўнгилдагидек нағмадан ором олади, кейинчалик худди шу ёқимли нағма бирдан ғойиб бўлса, қалб ҳаяжонга тушади. Худди шу олдинги нағмага ўхшаш иккинчи нағманинг пайдо бўлиши билан қалбдаги ҳаяжон йўқола бошлайди. Демак, ёқимли нарсалардан роҳатланишнинг биринчи сабаби, йўқолган нарсадан қалб изтироб чекиб турган вақтда, ўша исталган товушнинг қўққисдан пайдо бўлишидир" [25].

Мусиқа ҳам кўнгилга ором берувчи ёқимли нағма, ҳам инсонни эзгулик ва яхшидикка даъват этувчи кудратли кучдир. Зеро, мусиқа тинглаб, ёқимли нарсадан роҳатланаётган болани ўзбек халқининг маданий меросини билишга қизиқтириш, уни қадрлашга ўргатиш педагогдан алоҳида маҳорат талаб қилади.

Мусиқа маданияти, миллий қўшиқчилик санъати ҳамма замонларда ҳам инсонлар қалбига йўл топишга, юксак маънавиятни тарбиялашга, ўсиб келаётган ёш авлодда руҳий – ахлоқий баркамоллик, маънавий етуклик, миллий ўзлик туйғуларини шакллантиришга қаратилган илмий – назарий, маърифий – тарбиявий воситадир. Шунингдек, мусиқий маданият – ўқувчиларнинг маънавий ривожи, дунёқараши, ахлоқий қиёфаси, эстетик дидини ўстиришга йўналтирилган педагогик фаолиятни англатади. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт дастурида ёш авлодни аждодлар қолдирган бебаҳо меросни чуқур ўрганиш, англаш, асраш билан бир қаторда умумбашарий қадриятлар, замонавий илм – фан чўққиларини эгаллаш, маданий меросга инновацион ёндашиш, руҳида турбиялаш масаласи бош ғояга айланган. "Маънавият" луғатида маданий меросга шундай таъриф берилган: "**МАДАНИЙ МЕРОС** – авлодлар томонидан яратилган амадий тажриба, манавий – ахлоқий илмий, диний ва маданий қарашлар, халқ маданияти ва ижодида ифодаланган моддий бойликларни англатувчи тушунча." [26]

Мусиқий мерос – мўътабар ватанимизнинг ўтмиши, улуғ аждодларимизнинг маънавий олами сари қўйилган олтин кўприклардир. Умид билан яшаётган ҳар бир инсон фарзандининг маънавий, руҳий балоғатини орзу қилади. Оила ва миллат манфаатлари, бағрикенглик, инсонпарварлик ғоялари асосида ўсиб келаётган ёш авлоднинг оммавий равишда соз чалишни ўрганиши уларнинг онгу-шуурида миллий ва умумбашарий қадриятлар шаклланаётганлигидан дарак беради.

Мусиқа ўқитувчисининг ижтимоий муносабатлар, Шарқ педагогикаси тамойилларидан хабардор бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Мусиқага ихтисослашган олий таълим муассасаларида педагогик фанларни ўқитиш жараёнларида мусиқий мерос тўғрисида тушунчалар бериб борилади. Бинобарин, ижтимоий тарбиянинг инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғояларига асосланиши, таълим ва тарбия бирлиги, ўқувчиларнинг ёш ва руҳий хусусиятларини ҳамда қизиқишлари ва шахсий имконларини инобатга олиш ижобий самара беради.

Мусиқий маданият миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланганлиги энг муҳим омил ҳисобланади. Ўқитувчи мусиқа дарсларида ўқувчилар онгу – шуурида миллий ўзлик туйғусини сингдиришда уларнинг тўғри фикрлай олиши,

---

[25] Ибн Сино.Термалар. Ўзбек педагогикаси антологияси. Т.:"Ўқитувчи" нашриёти.,1995. -Б. 144.

[26] Назаров Қ. Жаҳон фалсафа қомуси. 2-ж.Т.: "Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти" нашриёти, 2023. -Б.807.

мустақил тафаккур юритиши, зукколиги, ижодий қобилияти, қатъий характерга эгалиги атрофдагиларга нисбатан адолатли ва бағри кенг бўлишига алоҳида эътибор қаратиши зарур. Бу жараёнда педагог ўқувчиларни билиш, ҳис этиш фаолиятини тўғри ташкил этиш тамойилларидан яхши хабардор бўлиши лозим.

Мусиқий қобилиятни шакллантиришда ўқувчининг идрок этиши, кузатиши, хотираси, эсда сақлаб қолиши, ижодий лаёқати, феъл атвори, мақсадга интилувчанлигини психологик ташхис қилиш зарур.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори. "Янги Ўзбекистон" газетаси, 2022 йил, 4 февраль, 25- сон.

2. Мирзиёев Ш. Ёшлар - бизнинг келажагимиз. Ёшларга донолар ўгити. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2018.

**3**.Акбаров И. Мусиқа луғати. Т.: "Ўқитувчи" нашриёти,1986.

**4**. Кароматов Ф. Ўзбек халқ мусиқа мероси. 2 –китоб. Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.

# ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Жаҳонгир Ғаниев,**
**Ўзбекистон давлат хореография академияси**
**ўқув ишлари бўйича проректори,**
**тарих фанлари номзоди, доцент**

**Аннотация.** Мазкур мақолада диний бағрикенгликнинг миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳамда ижтимоий-сиёсий тамойиллари тадқиқ қилинади.

**Abstract**. This article examines the importance of religious tolerance in strengthening inter-ethnic harmony and socio-political principles.

**Аннотация**. Бұл мақалада этносаралық келісім мен қоғамдық-саяси принциптерді нығайтудағы діни толеранттылықтың маңыздылығы қарастырылған.

**Калит сўзлар.** миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, миллий ўзлик, қадрият.

**Key words.** interethnic harmony, religious tolerance, national identity, value.

**Негізгі сөздер**. ұлтаралық келісім, діни толеранттылық, ұлттық бірегейлік, құндылық.

Учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётган янги Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳалар билан бир қаторда заминимизда истиқомат қилиб келаётган турли миллат ва элатлар ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, диний бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга давлат сиёсати даражасида эътибор берилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда яшаётган турли миллатларнинг тили, урф-одат ва анъаналари, маданиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, жамиятда ўзаро тинчлик, маданиятлар ҳамоҳанглиги, миллатлараро тотувликни таъминлашга қаратилган дўстона муносабатларни

мустаҳкамлаш мақсадида уларнинг миллий байрамларини ўзаро ҳамжиҳатлик билан кенг миқёсда нишонлаш тизимли йўлга қўйилган.

Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда диний бағрикенглик тамойилининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.Зеро, бизнинг юртимиз диний баҳрикенглик мустаҳкам қарор топган, инсон қадри ва шаъни улуғланаётган мамлакат сифатида жаҳон ҳамжамияти эътирофига сазовор бўлмоқда. Мутафаккир боболаримиз ҳар доим эъзозлаб келган дўстлик, биродарлик, тотувлик, эзгулик каби энг олижаноб инсоний фазилатлар қаторида диний бағрикенгликнинг қадрланиши ўсиб келаётган ёш авлод онгу шуурида умуминсоний қадриятларга меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиради.



Ҳар бир халқ умуминсоний қадриятлар силсиласига ўзининг энг олижаноб ва миллий фазилатлар мажмуаси билан кириб келади. Диний бағрикенглик ўзбек халқи маънавияти ва маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шахснинг маънавий юксалиши ва жамиятнинг маънавий бойлигини сақлаш муҳим қийматга эгадир.

Глобаллашаётган дунёда ватанимизнинг истиқболи тинчлик ва диний бағрикенглик, маданиятлараро уйғунлик ва миллатлараро тотувлик каби омиллар билан чамбарчас боғлиқдир. Муҳтарам Президентимиз тўғри таъкидлаганидек, “Диний бағрикенглик азал-азалдан ўзбек халқи менталитетининг ажралмас қисми бўлиб келган.Тарихнинг мураккаб даврларида юртимиз мусулмонлари православ христианлари ҳамда бошқа дин ва мазҳаб вакилларига меҳр-шафқат ва хайр-саховат кўрсатиб, беҳараз ёрдам ва кўмак берганлар. Бугунги осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, жамиятимизда ҳукм сураётган турли миллат ва элатлар, диний конфессиялар ўртасидаги бағрикенгликнию фуқаролар орасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш барчамизнинг асосий бурчимиздир”[27]. Дарҳақиқат, ҳар бир миллатнинг қадриятларини асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасида қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг бешинчи йўналиши айнан диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш масаласига бағишлангани мамлакат Президенти ва ҳукуматининг халқаро ҳужжатларда белгиланган умуминсоний вазифаларга қаратаётгани юксак эътиборининг намунаси ҳамдир. Юртимизда миллатлараро ва динлараро муносабатлар соҳасида юритилаётган оқилона сиёсат асосида ҳар бир шахснинг виждон ва эътиқод эркинлиги, диний қарашларидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги таъминланаётгани, шунингдек, республикамиздаги диний ташкилотлар жамиятда тинчлик, осойишталик, миллатлар ва динлараро

[27] Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти.,2021. -Б. 311.

тотувликни мустаҳкамлаш борасида самарали фаолият олиб бораётганлиги, юртимизда диний экстремизм ва муросасизликка қарши мафкуравий курашнинг муҳим омили сифатида, ёшларда диний бағрикенглик маданиятини шакллантириш барчамизнинг бугунги кундаги энг устувор вазифаларимиздан биридир.

“Маънавият” луғатида унга қуйидагича изоҳ берилган: **“Диний бағрикенглик** – турли диний эътиқоддаги кишиларнинг олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши, кишилик жамияти равнақи йўлида хизмат қилишини англатадиган тушунча. Ҳозирги вақтда бу эзгу ғоя нафақат диндорлар, балки жамиятнинг барча аъзолари ўртасидаги ҳамкорлик ва баҳамжиҳатликни назарда тутади. Диний бағрикенглик тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан қуришнинг муҳим шартидир”[28]. Тинчликсиз тараққиёт ва демократия бўлмагани каби, бағрикенгликсиз тинчлик ва фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди. Ўсиб келаётган ёш авлодга тинчлик ва бағрикенгликнинг улуғ неъмат экани, унинг қадрига етиш, жамият тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солувчи омилларга қарши курашиш тўғрисида зарур маълумотларни бериш, шунингдек ёшларда Ўзбекистоннинг маданий ранг-баранглигини, юртимиздаги миллат ва элатларнинг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, маданий турфа хилликни асраб-авайлаш каби ижобий фазилатларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бугунги кунда халқлар ва динлар орасида тинчлик ва бағрикенглик ғоясини тарғиб қилиш дунёдаги энг долзарб масалалардан биридир. Бу борада ЮНЕСКО томонидан 1995 йил Парижда “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси” қабул қилинган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эса 16 ноябрь санасини “Бағрикенглик куни” деб эълон қилган. Ёшларимиз улуғ аждодларимиздан мерос энг яхши урф-одатларимизни, анъаналаримизни, энг ноёб қадриятларимизни турли аспектларда ўрганишлари, изланишлар олиб боришлари, тажрибали устозларнинг сабоқларидан ибрат олишлари зарур. Буюк алломаларга бешик бўлган Ўзбекистонимиз азал-азалдан меҳмондўстлиги, оққўнгиллиги, беғараз меҳр-муҳаббати билан шуҳрат қозонган. Маълумки, бағрикенглик ғояси - турли миллат ва элатлар вакилларининг бир замин, бир ватанда олижаноб ғоя ҳамда ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Халқимиз қадим-қадимдан миллий қадриятларимизнинг эзгулик ғояларига асосланиб, яхшилик, тинчлик, дўстлик каби фазилатларга таяниб келган. Одамларни ҳалоллик, поклик, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка чорлаган. Бу каби фазилатлар ота - боболаримиздан бизгача етиб келган ва биздан кейинги авлодларга эзгу қадрият бўлиб қоладиган энг улуғ сабоқдир.

Ривожланаётган ҳар бир давлат учун диний бағрикенглик энг устувор масала ҳисобланади. Холбуки, турли диний эътиқоддаги кишиларнинг олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши миллатлараро тотувликни мустаҳкамлайди. Шунингдек, кишилик жамияти равнақи йўлида эзгу ғоялар, сиёсий ва фалсафий тамойилларни бирлаштиради.

---

[28]Маънавият. Асосий тушунчалар луғати.Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти., 2021. -Б. 145.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: "Ўзбекистон" нашриёти., 2021.
2. Маънавият. Асосий тушунчалар луғати.Т.: "Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти" нашриёти., 2021.
3. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. Т.: "Info Capital Grour" нашриёти., 2011.
4. Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. - Т.: Ўзбекистон, 2001.5.МирзоМ. Камолот саодати. Т.: "Адабиёт" нашриёти, 2023.

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ, ПРОФЕССОР ГАВҲАР МАТЁҚУБОВА ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР

**Ҳулкар Ҳамроева,**
**Ўзбекистон давлат хореография кадемияси доценти,**
**филология фанлари доктори (DSc)**

**Аннотация:** Мазкур мақолада Ўзбекистон халқ артисти, профессор Гавҳар Матёқубованинг илмий-ижодий, педагогик фаолияти, яратган рақсларининг эстетик-этнографик хусусиятлари тадқиқ қилинади.

**Annotation**: This article examines the scientific-creative, pedagogical activities of the People's Artist of Uzbekistan, Professor Gavhar Matyokubova, and the aesthetic-ethnographic features of her dances.

**Аннотация:** Бұл мақалада Өзбекстанның халық әртісі, профессор Гавхар Матёкубова жасаған билердің ғылыми-шығармашылық, педагогикалық қызметі, эстетикалық-этнографиялық ерекшеліктері зерттеледі.

**Калит сўзлар:** миллий ўзлик, тарих, қадрият, рисола, Хоразм, рақс санъати, маросим, ворисийлик, мактаб.

**Key words**: national identity, history, value, treatise, Khorezm, dance art, ritual, succession, school.

**Тірек сөздер**: ұлттық болмыс, тарих, құндылық, трактат, хорезм, би өнері, рәсім, сабақтастық, мектеп.



Олам яралганидан бери ҳар қандай маданият ўз миллий илдизи, миллий қиёфаси ва манбаларига, замонлар силсиласида шаклланган тамойилларига эга. Ўзбекистон халқ артисти, атоқли санъаткор Г.Матёқубова икки олам кесишган нуқтада – ўтмиш ва келажак туташган риштада мўъжизалар ўлкаси қадим Хоразм рақсларининг кўҳна илдизларини этнография ва миллий қадриятлар билан уйғунликда ўрганади. У яратаётган рақслари ва илмий тадқиқотларида "Авесто"нинг "гоҳ"лари, аждодлар руҳининг қўнғироқлари, қадим қалъаларнинг садолари жаранглаб туради. Улар инсоният қалбига ҳарорат ва меҳр, жисмига қудрат бахш этади, мудом яхшилик ва эзгуликка, бағрикенгликка даъват этади. Устоз санъаткорнинг илмий изланишларида асосий эътибор Хоразм рақс мактабининг гултожи – "Лазги"нинг тадқиқига бағишланган. Зеро, ҳар бир кашфиётда муаллифнинг тафаккури, маънавий-руҳий имкониятлари, тасаввурлари, туғёнлари, илҳоми ва ижодкорлик туйғулари мужассам.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 сентябрдаги "Лазги"халқаро фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида"ги Карорида тўғри таъкидланганидек, "Мамлакатимизнинг бой рақс санъати тарихида алоҳида ўрин эгаллаган "Хоразм лазги рақси" ўзига хос ижро услуби ва жозибаси билан нафақат Ўзбекистонда, балки чет давлатларда ҳам машҳурдир" [29].



Гавҳар Матёқубова қадим ўлка тарихининг салмоғи ва залворини, асрлар синовидан ўтиб келаётган маҳобатини севинчу изтироблар шаклида Хоразм рақсларига кўчирмоқда. Унинг ҳайратомуз рақслари худди қадим ўлканинг ўтмиши каби ҳар доим сирли, тилсим ва синоатларга бой, гоҳ мафтункор ва жўшқин, гоҳ ҳазин кўринишлари, қалбларни жунбушга келтиргувчи жозибаси билан инсонларни ўзига ром қилади. Санъаткор-олима сифатида тарихий воқеликлар замиридаги моҳиятни ва инсон руҳий оламини фалсафий мушоҳада этишга, ўз асарларида олам ва одам,инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар моҳиятини, маънавий-маърифий, миллий-маданий дунёсини чуқурроқ очишга интилади. Маданий мерос ва рақс санъати ижодиёти, унинг илмий-назарий муаммолари, анъанавий ва замонавий ижод шакллари, ижро услублари тадқиқи муҳим аҳамиятга эга.

Г.Матёқубова кашфиётлари рақсдан рақсга бойиб, тиниқлашиб, бор жозибасини, миллий-маданий чизгиларини тўла намоён этиб бормоқда. Хусусан, "Лазги афсонаси", "Анахита", "Қайроқ сўзлаганда", "Тошлар тилга кирганда", "Лаган ўйини", "Олти халфа", "Зикр" каби ўта ҳиссиётли тарихий рақсларининг илмий-фалсафий, бадиий-эстетик элементларида ўтмиш ва бугуннинг моҳиятини, чексиз хаёлотнинг руҳий бўҳронларини мутлақ бетакрор тарзда идрок этади. Бу мавзунинг атрофлича илмий ёритилиши Ватанимиз ўтмишининг энг муҳим таркибий қисмларидан бўлган рақс санъати тарихини яратишда, миллий қадриятларимиз, маънавий бойлигимиз қайта тикланиб, холис ва ҳаққоний баҳога эга бўлишида, айниқса, миллий ўзлик масаласи кесимида алоҳида босқични ташкил этади. "Лазги" куйларининг фавқулодда оҳангдорлиги, ҳаракатлар жозибаси, жўшқин руҳ томошабин қалбидаги мудроқ туйғуларни уйғотади, руҳият, заковат ва ҳиссиётнинг ёруғ оламларига, юксак чўққиларига чорлайди. Ўзбек миллий рақс санъатининг улкан билимдони, моҳир раққоса, Ўзбекистон халқ артисти Гавҳархоним Матёқубованинг тадқиқотчи - этнограф, моҳир балетмейстр, тажрибали хореограф-педагог сифатида амалга ошираётган эзгу ишлари миллат камолоти ва ватан тараққиётида алоҳида аҳамият касб этади.

Миллий рақс санъатининг жаҳон миқёсида муносиб ўрин эгаллашида, нуфузи кундан-кун юксалиб боришида унинг ҳиссаси беқиёс. У ўз фаолиятида

---

[29] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Лазги"халқаро фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида"ги Қарори. ЎзА, 2020 йил 28 сентябрь.

назария билан амалиётни заргарона уйғунлаштиради, асосий эътиборни асрий қадриятларга эга рақсларимизнинг қадим илдизларини ва миллий қиёфасини сақлаб қолишга қаратади. "Лазги", "Офатижон Лазги", "Санъат дарғаси" каби асарларида Хоразм санъатининг тарихий илдизларини халқ этнографияси, урф-одатлари билан уйғунлаштириб, фалсафий таҳлил ва эстетик тафаккурни синтезлаштиради. Рақс ижросидаги ҳаракат ва имо-ишоралар кўнгилнинг орзу-армонлари, изтироблари ҳамда пинҳона туғёнларини томошабинга етказувчи, унинг қалбига эстетик завқ бахш этгувчи таржимондир. Хоразм сеҳрли сувораларининг машҳур ижрочиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбоновнинг фикрича, "Рақс жуда қадимий санъат бўлиб, ҳали одамзоднинг тили шаклланмасдан олдин дунёга келган санъатдир. ... Рақс санъатини томоша қилиб, унинг маъносини тушунадиган инсоннинг савияси эса куй тинглай оладиган инсонникидан ўн баробар устундир". [30]

Истеъдод – Яратганнинг энг бебаҳо инъомларидан бири бўлиб, тафаккур, ирода ва сабот унинг кўзгусидир. Ўқ илдизи миллат тарихи билан туташ Хоразм "Лазги"си ўзининг тизимли ижро услубига эга алоҳида туркум ҳисобланади. Россиялик таниқли қадимшунос, профессор Л.Р. Садоков ўз илмий изланишларида Тупроққалъадан топилган манбалар асосида зарбли чолғулар, маросим қўшиқлари ижро этилган мусиқий давралар, ликобчалар билан ўйнаган раққосалар ҳақида ёзади.[31] Айнан ликобча чертиб рақсга тушиш "Гармон Лазгиси"да кузатилади. Зеро, ҳамма замонларда ҳам ритм, ҳаракат, ҳолат, қалб ва ҳайрат ўзаро уйғунликда гўзаллик яратади. "Лазги" туркумининг "Масхарабоз Лазгиси", "Қайроқ Лазгиси", "Дутор Лазгиси", "Сурнай Лазгиси", "Сарой Лазгиси", "Чангак Лазгиси", "Хива Лазгиси", "Гармон Лазгиси", "Хоразм Лазгиси" каби мавжуд тўққиз тури ўтмиш ва келажакни бир –бирига боғлаб турган маънавий-маърифий занжирдир. Унинг ҳар бир ҳалқаси қайта тирилиши, миллий рақс санъати тараққиётида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши атоқли санъаткор-этнограф Гавҳархоним Матёқубованинг юксак истеъдоди, узоқ йиллик фидокорона меҳнатларининг, тинимсиз изланишларининг самараси. Ўзлигини англаган инсон севимли машғулоти билан шуғулланиш асносида маънавий эҳтиёжларини қондиради ва саодатга эришади. Касбидан завқланиш – буюк саодат. Бу саодатни бошқаларга улашиш эса чинакам эзгуликдир.

Санъат ҳамиша халқнинг турмуш тарзи, кундалик ҳаёти билан боғлиқликда ривожланган. Хоразм рақс мактабининг шаклланиш ва юксалиш босқичлари халқ ижодиёти билан чамбарчас боғланиб кетган. Зеро, ҳар бир халқнинг ўзига хос рақс услуби бўлиб, уларда миллий руҳ, миллатнинг маданияти, қадрияти, ақида ва анъаналари акс этади. Ўлкамиз халқлари маданиятининг илдизи нақадар чуқур эканлигини Хоразм рақсларининг уч минг йиллик тарихи исботлаб турибди. Албатта, унинг шаклланиши ва тараққиёт босқичлари ўзига хос машаққатларга, қарама-қаршиликларга дуч келган. Маълумки, Марказий Осиёда давлат ва давлатчилик тарихи минглаб йилларни ўз ичига олади. Шу давр ичида

---

[30] Қурбонов Р. Санъатнинг сирли олами. Санъатнома 1, Т. 2011., 32-б.

[31] Садоков Л.Р.»Музыкальная археология древней и средневековой Средней Азии: ударные инструменты.» М.1996. - С.35.

пайдо бўлган қанчадан-қанча давр шакллари каби, рақслар ҳам бири таназзулга юз тутиб, иккинчиси пайдо бўлган.




Г.Матёқубова ўз олдига қўйган илмий муаммоларни ўрганишда фақат рақсга оид материалларни таҳлил қилиш билангина чегараланиб қолмасдан, тарих ва археология фанларига ҳам мурожаат қилди. Натижада Хоразм рақсларининг тарихий тараққиётида халқ этнографияси муҳим аҳамиятга эга эканлигини илмий жиҳатдан асослаб берди. У дастлабки тадқиқотлари биланоқ илмий жамоатчилик орасида катта эътибор қозонди. Дунёнинг барча халқларида бўлгани каби ўзбек рақс санъатшунослигида ҳам миллий рақсларнинг илмий тадқиқотидан кўра, машҳур раққосаларнинг ҳаёт ва ижод йўллари ҳақидаги китоблар кўпчиликни ташкил қилади. Бир рақсни тўлиқ монографик тарзда ўрганиш бўйича шу пайтгача алоҳида асар яратилмаган эди. Г.Матёқубованинг “Офатижон Лазги”, “Лазги”, “Хоразм “Лазги” рақси: тарихи ва тавсифи” монографиялари шу бўшлиқни тўлдирди. Уларда Хоразм рақслари тўлиқ тасниф қилиниб, ҳар бирига хос шаклланиш босқичлари аниқланган. “Лазги” туркуми доирасида Хоразм фольклор рақслари ҳам этнографик-эстетик жиҳатлари тарихий манбалар билан қиёсий аснода тадқиқ қилинган. “Лазги” туркумига кирувчи рақсларни тасниф қилишнинг илмий мезонларини ишлаб чиқди. Бу тадқиқотлари билан замонавий ўзбек рақсшунослигининг илмий-назарий уфқларини янада кенгайтирди.

Кейинги йилларда Г.Матёқубова Хоразм рақсларини, хусусан “Лазги” туркумини фундаментал равишда ўрганишга киришди, Хоразм рақс мактабини қадимий ёзма ёдгорликлар, мусиқа маданияти, халқ ижодиёти материаллари асосида тизимли тадқиқ қилмоқда. Тадқиқот натижалари “Офатижон Лазги”, “Лазги” ва “Санъат дарғаси” каби монография ва китобларда, ҳамда кўплаб илмий мақолаларда ўз ифодасини топди. Улар илмий хулосалар, зарур тарихий-этнографик изоҳлар билан таъминланганлиги жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Бу фикрлар Г.Матёқубованинг ўта меҳнатсеварлиги, доимий равишда излаш ва изланишда эканлигидан, катта илмий – амалий салоҳиятидан дарак беради. Олима тўғри таъкидлаганидек, “Хоразм рақсларининг келиб чиқиши,

ижро услубларини бир соҳасидаги етишмовчиликларини иккинчи соҳа тўлдиради. Уни халқ ижодиёти, тасвирий санъат ёдгорликлари, археологик топилмаларидан, дунё олимларининг тадқиқотларидан, қадимий ёзма манбалар, диний эътиқодлар, афсона ва мифлардан қидирамиз. Шундагина, бизда Хоразм рақслари тўғрисида умумий тушунча-муштарак бир тасаввур пайдо бўлиши мумкин. Қадимий рақслар ҳақида ёзиш жуда қийин. Биз энг қадимий рақслар тарихини тахмин ва фаразлар мулкидан кезиб ахтаришга мажбур бўлдик"[32].

Муаллифнинг илмий хулосаларига кўра, дастлаб сўзсиз ҳаракатлар пайдо бўлиб, кейинчалик босқичма-босқич шаклланиб бориб, илк рақсларнинг яратилишига замин ҳозирлаган. Маълум диний маросимга бағишлаб қўлида доира ва ликобчалар билан рақсга тушаётган раққос ва раққосалар сурати, уларнинг либослари ва тақинчоқлари энг қадимги замонларга бориб тақалади. Қадимий Хоразм тупроғида топилган кўҳна шаҳарлар ва уларда тараққий этган санъат ва маданият ёдгорликлари ичида созандалар, масхарабоз ҳамда раққосаларнинг сурат ва ҳайкаллари, турли чолғу асбоблари жуда кўп учрайди. Демак, ибтидоий даврлардаёқ масхарабозлар, раққоса ва созандаларнинг ажойиб санъатлари ўша замон рассомларининг, ҳайкалтарошларининг эътиборини тортган. Уларда ўша даврнинг турли маросимлари, базмлари, ранг-баранг бўёқ ва ҳолатларда акс этттирилган. Мазкур топилмалар туфайли рақс тарихининг туб сир-асрорларини, унинг мураккаб ва чигал нуқталарини аниқлаш мумкин.

Мазкур манбаларга асосланиб, Г.Матёқубова Хоразм рақсларининг ибтидоий замондан XX1 асргача бўлган шаклланиш босқичларини, шунингдек, ҳар бир тарихий даврдаги фольклор рақсларининг услуб ва жанрларидаги ўзига хос хусусиятларини аниқлаб, таҳлил қилади. Унинг фикрича, рақслар ҳеч бир замонда тўла-тўкис йиғилиб ва сон жиҳатдан ҳам, ижро жиҳатдан ҳам бир кўринишга эга бўлган эмас. Энг асосийси, халқ мусиқаси, мақомлари, лапарлари, яллали рақслари, масхарабозлик ўйинлари, турли оммавий рақслар, айникса, урф-одат, маросимлар Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига нисбатан Хоразмда кўпроқ қадимийлик аломатларини ўзида сақлаб қолганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон халқ артисти, Хоразм рақсларининг тадқиқотчиси ва тарғиботчиси Г.Матёқубова "Лазги" рақсининг тарихий илдизлари "Авесто" билан боғлиқлигини шундай шарҳлайди: "Лазги" рақси ҳақида гапирадиган бўлсак, унинг ритми "Авесто" "гоҳ"лари ритми билан чамбарчас боғлиқ. Ритмик жиҳатдан шаклланган "гоҳ"ларни ёдда сақлаб қолиш осон, улар шу йўл билан авлоддан-авлодга ўтиб келган. "Лазги" рақси ҳам айнан ўзига хос ритми туфайли бугунги кунгача етиб келган"[33].

Г.Матёқубова "Лазги" туркумида оташпарастларнинг қалб ҳарорати ва тафтини ҳис қилади, ўз тадқиқотларида уларнинг руҳий оламига чуқурроқ кириб боришга ҳаракат қилади.Бинобарин, "Авесто"да диний ва дунёвий таълимот, афсоналар ва ривоятлар ҳаёт ҳақиқати билан уйғунлаштирилган. Унинг тамаддуний моҳияти, умуминсоний қадрияти ҳам шунда.Унда табиатнинг

---

[32]Матёқубова Г. Тохтасимов Ш. Ҳамроева Ҳ. Хоразм "Лазги" рақси: тарихи ва тавсифи. Т.: 2022. -Б.34.

[33] Матёқубова Г. Тохтасимов Ш. Ҳамроева Ҳ. Хоразм "Лазги" рақси: тарихи ва тавсифи. Т.: 2022. -Б.24.

қудратли кучлари поэтик ва фалсафий тафаккур билан илоҳийлаштирилади, маросим рақсларида ахлоқий - эстетик тарбияга алоҳида эътибор берилади.

Ўзбекистон халқ артисти, профессор Гавҳар Матёқубова яратаётган миллий руҳдаги тарихий рақслар ҳам олам, инсон руҳияти, табиат ва жамиятнинг энг муҳим хусусиятларини ифодалаши билан умумбашарий ҳисобланади. Бундай қадриятлар ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди, уларнинг қадри доимо ошиб бораверади.

2019 йилдан бери Гавҳар Матёқубова ва унинг шогирдлари ҳар ҳафтада бир марта Америка Қўшма Штатларидаги Евроосиё рақс академияси учун онлайн машғулотлар ўтишмоқда. Хорижлик ўзбек миллий санъати ихлосмандлари катта иштиёқ билан рақс ўрганишар экан, уларни биринчи навбатда ҳар бир ҳаракат номининг луғавий маъноси қизиқтиради. Гавҳар Матёқубова рақс ҳаракатларини кўрсатар экан, уларнинг номларини имкон даражасида шарҳлаб бера бошлади. Шу асосда 2020 йилда "Хоразм рақс ҳаракатлари номларининг ўзбекча-русча-инглизча-французча-туркча қисқача изоҳли луғати" ҳамда "Хоразм "Лазги" рақси: тарихи ва тавсифи" номли монография яратилди. Йигирма босма табоқдан иборат мазкур монография кўпчилик олимлар ва тадқиқотчиларнинг эътиборини тортди ҳамда 2021 йилда инглиз тилида Америка Қўшма Штатларида чоп этилди. Бу каби илмий кашфиётлар унинг педагоглик ва санъаткорлик фаолиятини безаб турибди. Ўзбекистон халқ артисти, "Меҳнат шухрати"ордени, "Олтин мерос", "Маънавият фидойиси", 1-даражали "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишонлари совриндори, моҳир раққоса-балетмейстер, атоқли санъаткор-санъатшунос, этнограф олима, ўзбек миллий рақс санъатининг катта тадқиқотчиси ва тарғиботчиси, Ўзбекистон давлат хореография академияси профессори, илмпарвар-шогирдпарвар устоз Гавҳархоним Матёқубованинг юртга садоқат ва саодатга йўғрилган, санъатга бахшида ибрат мактабининг довруғи жаҳон бўйлаб кенг ёйилмоқда. Бу мактабнинг ўқувчилари орасида ўзбекистонликлар билан бир қаторда германиялик, америкалик, япониялик, россиялик, малайзиялик, таиландлик, ҳиндистонлик озарбайжонлик, қозоғистонлик санъат ихлосмандлари ва тадқиқотчиларнинг борлиги кўнгилни тоғдек кўтаради. Устоз санъаткорнинг "Хоразм "Лазги" рақсининг тарихи" номли монографияси Индонезияда инглиз ва индонез тилларида, "Лазги" – муҳаббат ва қалб рақси" китоби Мисрда инглиз ва араб тилларида, Ҳиндистонда инглиз ва ҳинд тилларида катта ададда чоп этилди.

Ўқувчиларни шоир ҳаёти ва ижоди билан яқиндан таништирар экан, ўқитувчи собиқ шўро тузуми, муаллиф яшаган ижтимоий-сиёсий муҳит, унинг ижодий такомили ҳақида тўхталиб ўтади. Дарсликдан ўрин олган “Энг узоқ ёзилган таржимаи ҳолим” манзумасининг шоир руҳий ва руҳоний оламини очишдаги ўрнига кўпроқ урғу беради. Мухтасар савол-жавобдан сўнг, ўқувчилар манзумани ифодали ўқийдилар, у ҳақда ўз фикрларини билдирадилар.

Эътиқоди суст инсоннинг маслаги, маънавияти заиф бўлади. Шоирнинг атрофида заифликка кўнмаганлар жуда кам эди. Миллий қадриятлари ва тарихидан жудо бўлган, ичдан нураётган жамиятнинг оғриқлари шоир юрагини оғритарди. “Она Туркистон” шеъри буюк адибимиз Абдулла Қодирий хотирасига бағишланган. Уч қисмдан иборат шеър шундай бошланади:

1.Хотирамнинг қаъри – қаърида тарих,
Доим сўзлаб турар эзгин ҳикоя.
Тутқун қуш сингари қолурман ғариб,
Руҳимга булутлар ташлайдир соя.

Тарих – улуғ шоирнинг эътиқоди, ҳислари, туйғулари ва тафаккурини қамраб олган муқаддас қадриятларнинг ёрқин ифодасидир. Унинг эзгин

---

[35]Ш.Нáралиева, Б.Турдикулов, Н.Корганбаева, Ш.Алиакбарова. Ўзбек адабиёти. Умумтаълим мактабларининг 7 – синфи учун дарслик. Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан министрлиги тасдиқлаган. Алматы.: “Жазушы” нашриёти, 2017. Б.-173-176- 177- 178- 179- 180- 181- 182.

[36] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-ж. Тошкент.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. Б.-259.

ҳикоялари Шоирнинг қалб озодлиги йўлидаги курашига қудрат ва ҳарорат бахш этади. Сўз олдидаги масъулиятини оширади. "Булутлар соя ташлаб" турган давр – собиқ Шўро тузумининг бош мақсади миллатни ўз тарихидан, миллий қадриятларидан жудо қилиш эди. Шоир шундай дейди:

2. Кўрингиз тарихни, эй туркий халқим,
Кўзимда эртанинг севинчи холос.
Ул Турондир, Туркистондир. У балким,
Ичимни кемирган қадимий қасос.

Бундай асарлар ўқувчиларни маънан улғайтиради, мурғак қалбларидаги маънавий – руҳий теранликни, комилликка, маърифатга интилишни кучайтиради. Ўтмишга бедор нигоҳ ва холислик билан қарашни ўргатади. Сатрдан сатрга улканлашиб бораётган оловли туғён, изтироб ва исён, ўтмишнинг сирли суратлари китобхонни мулоҳазага ундайди. Ўқитувчи "Ул Турондир, Туркистондир. У балким, Ичимни кемирган қадимий қасос" сатрлари ҳақида ўқувчиларнинг фикрини сўрайди. Воқелик ва муҳитнинг инсон руҳиятига таъсири, улар ўртасидаги кўринмас ришталарнинг мавжудлиги ўткинчи дунё ташвишлари, шоир олган "аччиқ - чучук бесаноқ сабоқлар" бугуннинг ўқувчилари учун ҳам мактаб бўлармикан? Унинг етмиш икки томирида ҳам қонга айланган сўз, сўзга айланган қон зоҳир эди. Олдинлаб кетаётган сўзларнинг орқасидаги ёруғ изнинг ёрқин шуълалари кўзни қамаштиради. Бу шуълалар Рауф Парфининг эътиқоди, Ҳазрат Яссавийга ихлоси эди. Туркистон тимсолида улар янада мукаммаллашар ва тиниқлашарди. Бу ихлос бугун ҳам тирик, унинг ҳарорати бугун ҳам бизнинг қалбларимизни иситади.

Таниқли адабиётшунос олим Н.Раҳимжоновннинг фикрича, "Р.Парфи лирикасида инсон онгидаги психологик кураш, туйғулар қарама-қаршилиги, ҳиссиётлар зиддияти устувор хусусиятлардир. Улардаги шиддаткор драматизм лирик қаҳрамон табиати билангина белгиланмайди. Р.Парфи шеърларида шоирнинг қалб призмасидан ўтган долғали давр ва бугунги кескин социал воқеликнинг ҳис-туйғуларга кўрсатган зилзиласи ётади"[37].

Дарсликдан ўрин олган "Она Туркистон", "Чўлпон", "Абдуллажон марсияси" шеърлари қалбни аввал ҳайратга тўлдиради, кейин ларзага солади. Дунё каби ўткинчи умид, дунё каби қадимий ҳасрат. Бу ҳасрат шунчалар қадимийки, асрлар ғуборидан қорайиб, кейинги авлодлардан Ҳазрат Яссавий ҳикматларининг нурларини бироз тўсиб қўйгандек туюлади. Собиқ Шўро тузуми даврида туркий миллатлар ичидаги ворисийлик ва миллий ўзлик анъаналарининг узилганлиги, шоирни бир умр қийнади. Ҳар сатрида огоҳликка чорлади.

Бот-бот хаёлимдан чекинди мубҳам,
Фикримдан юлқинди Ватан қораси.
Олисда милтираб ёнаётган шам,
Кўҳна ҳасратимнинг машъум яраси.

Халқ хотираси қаъридаги энг шафқатсиз тарих – Абдулла Қодирий ва Чўлпон каби миллат ойдинларининг фожиаси эди. Улар қисматининг "машъум

[37] Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. Тошкент.: "Фан" нашриёти, 1979. Б.-137.

яра”лари шоирга тинчлик бермайди. Унинг назарида “олисда милтираб ёнаётган шам” – Туркистонни севиш, унга интилиш, уни асраш, Туркистонни англаш, инсон сифатида ўз тақдирини, маслагини эркин танлаш, фикр тутқунлигидан қутулиш имконияти эди. Сўздан сўзга шоирнинг маъюс қалби оловланиб, қасосланиб бораверади. Ички исён ҳис - туйғулар ва тафаккур курашига айланиб кетади. Шоир юрагининг яширин сирларини ошкор қилишдан, охири ҳаяжон ичра ўлишдан чўчимайди. Туркистон тимсолидаги орзу ва армон, адолат ва зиддиятлар тўқнашадиган мураккаб дунё билан қайта-қайта юзлашади, қайта - қайта сирлашади, баҳслашади, ўзини тинимсиз тафтиш қилади. Юракни ва танни сирқираётган завқнинг сирини билгиси келади. Ўқитувчи ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди ҳақида ўқувчиларга қисқагина маълумот бериб ўтади. Рауф Парфи университетни битирган йиллари бир муддат Кинематография Давлат қўмитасида ҳам ишлайди. Академик А.Қаюмовнинг хотирлашича, “Биринчи қилган иши - ўзи ўтирган стол ёнидаги деворга Абдулла Қодирийнинг катта портретини осиб қўйиш бўлди. Мен билдимки, унда Абдулла Қодирийга бўлган муҳаббат бор. Қодирий асарларини ўқиган, ундан ибрат олган. Бу воқеадан беҳад мамнун бўлдим. Баъзилар норози ҳам бўлишди. Норози бўлган одамлар Абдулла Қодирийни билмайдиганлар эди[38]”.

Рауф Парфининг “Абдулла Қодирий ғазалига мухаммас”идан парча ўқиб беради:

Ақраболар – кўз очиқ, дунёи дун фоний билинг,
Эл учун, Аллоҳ учун жонни тилинг, танни тилинг,
Келингиз ул кун ўтди, қуллик, асирликни тилинг,
Келингиз, ёшлар, зиёлилар бу кун ғайрат қилинг,
Ухлағонларни агар Қодир эсак уйғотамиз.

Шоир Абдулкарим Бахриддин тўғри таъкидлаганидек, “Рауф Парфи эстетикасида ўзини таниш, ўзликни билиш – бу кўнгилга қайтишгина эмас. Яна


болалигидан китобга ўч эди. Хаёлпараст ва тортинчоқ бу бола қўлига тушган ҳар қандай китобни ўқиб ташларди. Ҳатто, деярли тушунмасада, рус тилидаги китобларни ҳам ўқийверарди.

Шоирнинг дастлабки шеърлар китоби – «Карвон йўли» 1969 йилда босилди. Шундан кейин турли йилларда унинг «Акс-садо» (1970), «Тасвир» (1973), «Хотирот» (1974), «Кўзлар» (1976), «Қайтиш» (1981), «Сабр дарахти» (1986), «Сукунат» (1989), «Тавба» (2000) каби бир қатор шеърий китоблари чоп этилди. Миллий адабиётимиз тараққиётидаги улкан хизматлари учун 1999 йилда Рауф Парфига «Ўзбекистон халқ шоири» унвони берилди.

Рауф Парфи ўзбек ўқувчиларини жаҳон шеъриятининг энг сара намуналаридан баҳраманд этиш йўлида бир қатор таржималар ҳам қилган. Чунончи, Ж.Байроннинг “Манфред”, Нозим Ҳикматнинг “Инсон манзаралари”, А.Дюманинг “Уч сарбоз” ва бошқа кўплаб асарлар унинг қаламига мансуб.

Хуллас, шоирнинг умр йўли ғоят қизиқарли ва ўзига хос. Яхшиси, бу ҳақда унинг ўзидан эшитайлик.

ЭНГ УЗОҚ ЁЗИЛГАН ТАРЖИМАИ ҲОЛИМ

Таваллудим: қирқ уч, мезоннинг йигирма еттиси.
Отам – боғбон. Саводсиз, бизнингча, Машрабни ўқирди эски ёзувда.
Онам – пиллакор. Саводсиз, бизнингча, Ҳазрат Навоийга тиши ўтарди.
Ҳаётим босқичлари: қишлоқ мактаби. Шаҳар мактаби. Кечки. Сўнгра барча тирикчилик мактаблари.
Балоғат гувоҳномаси: Тошкент дорилфунуни.
Талабаликнинг якуни: талабачиликнинг бошланиши.
Касбим: ҳар қандай меҳнат.
Илоҳа: Севаман шеърни.Шеърият
Шеър деб аташ мумкин бўлса,
биринчисин ёзган куним: 53 йил, 5 март.
Дарс: Алишер Навоийдан то Абдулла Ориф.
Александр Пушкиндан то Виктор Соснора.
Кейин, мен билган шоирлар.
Мен олган аччиқ-чучук бесаноқ сабоқ.
Орзуим: Туркистон аталмиш тарқоқ Ватанни
Тирик эканимда бир бутун кўрмоқ.
қўлимдан келмайдиган иш:
шеър ёзмаслик.
Ниятим: Тиниш белгилари сингари содиқ бўлмоқ – касбимга, дарсларга ва орзуларга.

176


Ўлим?.. Дарвоқе..
Ўлим билан чиқишолмайман.
Аммо Оллоҳ ўзи билгичдир.

*Рауф Парфи*
1991 йил, 11 декабрь.

ОНА ТУРКИСТОН

*Абдулла Қодирий хотирасига*

1

Хотирамнинг қаър-қаърида тарих
Доим сўзлаб турар эзгин ҳикоя.
Тутқун қуш сингари қолурман ғариб,
Руҳимга булутлар ташлайдир соя.
Бот-бот хаёлимдан чекинди мубҳам,
Фикримдан юлқинди Ватан қораси.
Олисда милтираб сўнаётган шам
Кўҳна ҳасратимнинг машъум яраси.
Кишанбанд қилинар қўлларим гўё,
Тупроққа қўшила бошлайдир таним.
Шу қадар юраги тормидир – дунё.
Наҳот фарзандига – ўзига ғаним.
Ўзи юрагимга жо бўлди, аммо
Нечун сиғдирмади, нечун Ватаним?!

2

Кўрингиз тарихни, эй туркий халқим,
Кўзимда эртанинг севинчи холос.
Ул Турондир. Туркистондир? У балким
Ичимни кемирган қадимий қасос.
Кўрингиз тарихни. Кўз олдим парда,
Қўлимдан учмоқда бу ер, бу Ватан...
Ошно тутинардим пўлат ханжарга...
Жанг майдони сари отилардим ман...
Ватан, айланарман бир кескир тошга,
Қошингга ўқ каби учиб борарман...
Наҳот тил бошқадир, наҳот дил бошқа?!
Йўқ! Фармон кутарман, энг сўнгги фармон,
Шакланиб[1] қарарман қалққан қуёшга.
Барибир, қасос деб ёнарман ҳамон.

[1] Шакланиб – сесканиб, сергакланиб.

177

[38]Қаюмов А. Халқ ёдида шундай қолади.. Тошкент.: “Адабиёт газетаси”, 2023, 25 сентябрь.

жамият сир-синоатларини, халқнинг дарду аламларини чуқур туйиш ва тушунтириш ҳамдир. Бу қайноқ воқеликка сингиб кетиш, халқ кўнглига қайтиш, миллат идеалини билишдир”[39]. Гуруҳларга бўлинган ўқувчилар мавзу хотимасида берилган савол ва топшириқларни бажарадилар. Бу ижодий жараёнда шеър ҳақида ўз фикрларини билдирадилар, уларни далиллашга ҳаракат қиладилар. “Шоирнинг ўзи ҳақидаги маълумотлар тасвирида қандай қарама-қаршиликларга эътибор бердингиз?”, “Муаллиф минбари” стратегияси ёрдамида асар бош ғоясини ёритинг”, “Асар мавзусини очб берувчи 7 та таянч сўз топиб, ушбу сўзлар орқали ўз фикрингизни асослаб беринг”, “Шеърнинг ҳар бир қисмига сарлавҳа қўйинг”, ”Шеърни ёд олинг”, “Интернет тармоқларидан фойдаланиб, Р.Парфи ҳақида маълумотларни тўплаб, флипчартда тақдимот қилинг” каби топшириқларни бажаришга киришадилар.

Савол ва топшириқлардан кейин берилган “Рауф Парфи шеърлари тўғрисида” сарлавҳали мақола ўқувчиларда қизиқиш уйғотади. Уларни мулоҳазага чорлайди, шоир шеърларини давр билан қиёслаб, мушоҳада юритишга даъват этади. Ноёб истеъдодли шоир асарларининг фалсафий моҳиятини, ўзига хос ифода воситаларини, тил хусусиятларини англашга кўмаклашади.

“Чўлпон”, “Абдуллажон марсияси” шеърларини ҳам ўқувчилар шундай ҳайрат ва қизиқиш билан ўрганадилар, матн устида ишлашда кўпроқ фаоллик кўрсатадилар. Буюк адиб Абдулла Қодирий, улуғ ўзбек шоири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ва ҳарбий хизматда вафот этган Абдуллажон фожиаси шеърларни ўқиш жараёнида берилган шарҳлар орқали ёритиб борилади.

1. “Чархпалак” стратегияси орқали “Чўлпон” шеърининг мазмунини ёритинг.

2. Шеърдаги “қора бардош”, “оппоқ баҳор” сингари образлар, “тани омонатдир”, “накд эрур жони” каби ифодаларнинг бадиий вазифасини муҳокама қилинг.

3. “Ассоциация” стратегияси ёрдамида “Марсия” сўзининг маъносини очиб беринг.

4. Шеърни ифодали ўқинг. Қайси тарихий воқеа асарнинг ёзилишига туртки бўлди?.

5. Асарда қандай шеърий воситалар ишлатилган. Жадвални тўлдиринг.

[39]Баҳриддин А. Тақдим. Сўзбоши. ( Р.Парфи.Сайланма.)Тошкент.: “Академнашр”, 2013. Б.-7.

Мазкур савол ва топшириқлар Рауф Парфи ижодини ўрганиш жараёнида йўл - йўлакай бериб борилган таҳлил усулларини умумлаштиради, натижада, ўқувчиларга шеърлардаги бош ғояни тушунтириш нисбатан осонлашади. Дарсликдан ўрин олган “Энг узоқ ёзилган таржимаи ҳолим”, “Она Туркистон”, “Чўлпон”, “Абдуллажон марсияси” асарларининг образлари анча мураккаб. Ўқитувчи ўқувчиларга нотаниш сўзлар ва номлар мазмунини тушунтириш билан чекланмай, тарихий номлар ва воқеалар, жамият ва инсон ўртасидаги қарама-



| Шеър воситалари | Мисоллар |
| --- | --- |
| Ўхшатиш | |
| Сифатлаш | |
| Киёслаш | |
| Қаршилантириш | |
| Такрорлар | |

6. Шеърнинг авж нуқтасини топинг.
Ж 7. “Венн диаграммаси” стратегияси орқали асарнинг халқ қўшиқларига ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кўрсатинг.
Я 8. Шеърни ёд олинг.

РАУФ ПАРФИ ШЕЪРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Рауф Парфи шеърлари замонавий ўзбек шеъриятида тамомила ўзига хос ҳодисадир. Унинг ижодида бирорта воқеани тасвирлашга бағишланган воқеабанд шеърлар йўқ ҳисоби. У инсон руҳининг куйчиси. Қадим ўтмиш ҳам, бугунги муҳим ҳодисалар ҳам шоир туйғуларига қаттиқ таъсир этади ва муайян кайфият уйғотади. Рауф Парфи ўз шеърларида ана шу кайфиятларнинг манзарасини рассом каби аниқ чизади. Унинг шеърлари ўқувчини ўйга толдиради. Тасаввур дунёси кенг бўлмаган, ўзининг кечинмаларини кузатиб ўрганмаган одам бу асарларни бирданига тушуна олмайди.

Рауф Парфи – образли фикрлашга мойил шоир. У жўнликдан, ҳаммага маълум гапларни айтишдан қочади. Ҳар қандай воқеа-ҳодисанинг ҳеч ким пайқамаган жиҳатини кўра билади ва шу туфайли пайдо бўлган ҳолатнинг ҳаққоний манзарасини ёрқин чизади. Шунинг учун ҳам «тонг отди» деган оддий хабардан жуда гўзал поэтик образ ярата олади:

Тонг отмоқда. Тонг ўқлар отар,
Тонг отмоқда, қуёш – замбарак.
Яраланган Ер шари ётар,
Бошларида яшил чамбарак.

Тонгги қуёшдан таралаётган олов нурлари тонг отаётган ўққа, ўша нурларни тараётган қуёшнинг ўзи эса замбаракка ўхшатилаётир. Нурга чўмилган Ер курраси ўша ўқлардан яраланган. Ҳаётбахш бу ўқлар туфайли Ернинг бошида яшил чамбарак, яъни ҳаёт. Табиатнинг қанчалик шоирона тасвири! Айни вақтда ўхшатишлар нақадар аниқ!

Рауф Парфининг шеърлари бир қарашда жуда ғамгиндай туюлади. Аслида ҳақиқий шеъриятда ҳамиша инсоннинг дарди куйланади. Дард

181



АБДУЛЛАЖОН МАРСИЯСИ

Қушлар, қушлар қатор-қатор,
Қушлар, уйга қайтингиз.
Абдуллажон қайтмас зинҳор,
Ёр-дўстларга айтингиз.

Ўйнар бўрон, ўйнар бўрон,
Ўйнар менинг бошимда.
Энди йўқдир Абдуллажон
Йигирма беш ёшида.

Йўллар узун, йўллар узун,
Кунлар ҳам кўп чўзилди.
Қонли ёшлар тўкди кўзим,
Жигар-бағрим эзилди.

Поезд чопар, поезд чопар,
Поезд чопар Сибирдан.
Абдуллажон жонсиз ётар,
Қароргоҳи темирдан.

Бўзлар осмон, бўзлар осмон
Бўзлаб берса бўзтўрғай.
Кўзларини Абдуллажон
Бир дам очса на бўлғай.

Нафас олмай ул ухлайди,
Кўкрагида ўнг қўли.
Ер йиғлайди, эл йиғлайди,
Йиғлар ўзи ҳам ўлим.

Савол ва топшириқлар.

Г 1. “Чархпалак” стратегияси орқали “Чўлпон” шеърининг мазмунини ёритинг.
2. Шеърдаги “қора бардош”, “Оппоқ баҳор”, сингари образлар, “тани омонатдир”, “нақд эрур жони” каби ифодаларнинг бадиий вазифасини муҳокама қилинг.
Ж 3. “Ассоциация” стратегияси ёрдамида “Марсия” сўзининг маъносини очиб беринг.
4. Шеърни ифодали ўқинг. Қайси тарихий воқеа асарнинг ёзилишига туртки бўлди?
Ж 5. Асарда қандай шеърий воситалар ишлатилган? Жадвални тўлдиринг.

180

қаршиликлар, шеър техникасининг ўзига хос хусусиятлари ҳам кенг ёритиб берилиши зарур. Қиёсий ўрганиш ўқувчиларнинг нутқини ва зеҳнини ўстиради, ўзбек адабиёти ҳақидаги билимини, дунёқарашини кенгайтради, уларни ижодий фикрлашга, изланишга, ўз устида ишлашга ўргатади. Шеърлардаги даҳшатли ва ҳаяжонли манзаралар орқали Абдулла Қодирий ва Чўлпон қиёфаси уларнинг кўз олдида қайтадан гавдаланади. Энг муҳими, ўқувчилар уларнинг ижодини, ҳаёт йўлларини чуқуррок ўрганишга қизиқадилар. Таниқли тилшунос олим Бахтиёр Исобек Ўрдабеклининг фикрича, “Парфи Сўзга топинади, у Сўзни чорлайди, ҳар бир қўллайдиган СЎЗнинг қувватини ҳис қилади, билади ва... ва СЎЗни қул қилишга интилади. Унинг ўзининг айтишича, шеърларидаги ҳар бир сўзнинг “қоровули” бор. Ўша “қоровул” унинг шеърларидан бирор сўзни олиб ташлаш ёки ёнига бирор сўзни қўшишга йўл бермаса керак” [40].

[40] Исобек Б. Ўзбек шеъриятининг ёрқин юлдузи. Тошкент.: “Адабиёт газетаси”, 2023, 25 сентябрь.

У СЎЗнинг ҳақиқий ошиғи эди. Ҳақиқатки, СЎЗ ҳам унга ошиқ бўлди. Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфининг фалсафий теран шеърларида миллий ўзлик туйғуси, инсон ва жамият тақдири ҳақида қайғуриш руҳи жуда баланд эди.

Бу юксакликни ҳис қилиш, унинг моҳиятини англаш бугуннинг ёшларини комилликка даъват этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, шоирнинг буюклиги, СЎЗга, она тилига садоқатда янада теранроқ намоён бўлади.

Рауф Парфи шахсияти ва шеъриятини уйғунлаштирган улуғ ғоя - ватан эрки, қалб озодлиги, миллий ўзига хослик, Туркистон бирлиги, истиқлол орзуси ва қайғуси эди. Унинг бетакрор асарлари мангуликка дахлдор орзу ва қайғунинг ёркин манзаралари сифатида XXI ёшларига ҳам қадрлидир.



эса ғамгинликни талаб қилади. Ғам инсонни поклайди. Унинг юрагини иллатлардан, қабоҳатлардан тозалайди. Шунинг учун ҳам Алишер Навоийнинг барча асарларида ғам етакчилик қилади. Р.Парфи қандай мавзуни қаламга олмасин инсон руҳиятини тасвирлашни асосий мақсад қилиб қўяди. «Она Туркистон» шеърида озод Ватан йўлида бошини тиккан миллий қаҳрамонимиз, тенгсиз истеъдод эгаси бўлган ёзувчи Абдулла Қодирий образи ҳам, «Чўлпон» шеърида эса она тилининг, она халқининг эрки учун ўлимга тик қарай олган мислсиз истеъдод ва жасорат эгаси Чўлпон ҳам ҳис-туйғулари оғушида кўрсатилади. Шоир уларнинг ишларини санаб ўтирмайди. Балки покиза одамларнинг соф туйғуларини, кечинмаларини тасвирлайди:

Шу қадар юраги тормидир – дунё,
Наҳот фарзандига – ўзига ғаним.
Ўзи юрагимга жо бўлди, аммо
Нечун сиғдирмади, нечун Ватаним?!

Рауф Парфи тилнинг нозикликларини чуқур ҳис қилади. Шунинг учун ҳам фақат сўзларнинг эмас, балки товушларнинг ҳам уйғунлигини таъминлашга интилади. Шу боис унинг шеърлари ўқувчининг эсида қоладиган образлар билан тўлиб-тошган бўлади: «Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар. Томчилар томчилар бошимга» ёки «Поезд чопар, поезд чопар, поезд чопар Сибирдан. Абдуллажон жонсиз ётар, қароргоҳи темирдан».

Рауф Парфи шеърлари жаҳон адабиёти илғор усулларининг бадиий ифодасидир. Уни тушуниш сизнинг маданий савиянгизни юксалтиради. Шоир шеърларини тушунишнинг сири уларни сабр билан синчиклаб ўқишдадир.

Савол ва топшириқлар.

1. Рауф Парфи шеъриятининг ўзига хослиги нимада?

2. Қуйидаги “Қўш ёзма кундалик” жадвалини тўлдиринг.

| Шеърдан бир банд кўчирма | Менинг фикрим | Дўстимнинг фикри |
|---|---|---|
| | | |
| | | |
| | | |

182

### Фойдаланилган адабиётлар:


1. Каримов Н.XX аср адабиёти манзаралари Тошкент.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2008.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-ж. Тошкент.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005.
3. Наралиева Ш., Корганбаева Н., Турдикулов Б. Алиакбарова Ш. Умумтаълим мактабларининг 7-синф ўқувчилари учун “Ўзбек адабиёти” дарслиги. Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан министрлиги тасдиқлаган, Алмати, “Жазушы”, 2017й.
4. Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси.. Тошкент.: “Фан” нашриёти, 1979.
5. Парфи Р. Сайланма.Тошкент.: “Академнашр”, 2013.
6. Баҳриддин А. Тақдим. Сўзбоши. ( Р.Парфи. Сайланма.)Тошкент.: “Академнашр”, 2013.
7. Қаюмов А. Халқ ёдида шундай қолади.. Тошкент.: “Адабиёт газетаси”, 2023, 25 сентябрь.
8. Ҳаққул И.. Ҳиссий тафаккур шоири.. Тошкент.: “Адабиёт газетаси”, 2023, 25 сентябрь.


# TYUTORLIK FAOLIYATINING O’ZIGA XOS JIXATLARI

**O‘rinova Nilufar Muhammadovna**
**Farg‘ona davlat universiteti professori v.b., p.f.n. urinova.nm@mail.ru**

**Аннотация.** Бұл мақалада тьютор қызметінің пайда болу тарихы, ютордың мақсаттары мен міндеттері, Англия мен Ресейдегі тютopларды кәсіби даярлаудың кейбір ерекшеліктері туралы түсініктемелер берілген. Сондай-ақ, тьютор қызметінің бағыттары атап өтілді.

**Түйін сөздер:** студент, тьютор, тритор тапсырмалары, тәрбиеші, маман, біліктілік.

**Annotation.**This article comments on the history of the emergence of the tyutor activity, the goals and objectives of the tyutor, some of the features of professional training of tyutors in England and Russia. Also, the directions of the activities of the tyutor are highlighted.

**Key words:** student, tyutor, tyutor tasks, educator, specialist, qualification.



Bugun barcha e'tibor va imkoniyatlar yoshlarning mukammal ilm olishini ta'minlash, ularga ta'lim jarayonida ko'ndalang kelib qoladigan turli muammo va masalalarda ko'mak berishga qaratilmoqda. Zero, yosh avlod vakillarining bilim olishi, ilm-fan va innovatsiyalar sohasidagi salohiyatini yuzaga chiqarishi, ularning jamiyatimizning ijtimoiy-siyosiy hayotida faol ishtrok etishi uchun barcha sharoitlarni yaratishga ustuvor ahamiyat berilayotgani bejiz emas.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida" 2019-yil 8-oktabrdagi PF-5847-son Farmoni hamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim jarayonini tashkil etish bilan bog'liq tizimni takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" 2020 yil 31-dekabrdagi 824-son hamda 2021 yil 9 sentabr 563-son qarorlaridagi vazifalarni amalga oshirish tartibi va yo'nalishlarini belgilab berish maqsadida Davlat oliy ta'lim muassasalarida tyutorlik faoliyatini tashkil etish to'g'risidagi Nizom amaliyotga joriy qilingan. Ular qatorida 2021- yil 1-noyabrdan boshlab Farg'ona davlat universitetida talabalar bilan ishlash bo'yicha "guruh murabbiyi" instituti bekor qilinib, uning o'rniga talabalar bilan ishlaydigan "tyutorlar" amaliyoti yo'lga qo'yildi.

Zamonaviy oliy ta'limda nafaqat o'qitish usullari va vositalariga, balki rivojlanish tendensiyalariga ham tegishli doimiy o'zgarishlar ro'y bermoqda.Yangi kasblar va pedagogik mutaxasisliklar joriy etilmoqda. Bugungi kunda o'quv jarayoni ta'limni individuallashtirishga intiladi. Ushbu tendensiyaga munosabat tyutorlikning paydo bo'lishi bilan bog'liq. Mavjud axborot resurslarining har birida "tyutor" so'ziga va "tyutor funksiyasi" tushinchasiga ko'plab tariflar beriladi. Agar biz ularning mohiyatini tahlil qiladigan bo'lsak tyutor talaba tomonidan individual ta'lim dasturini tuzishda hamrohlik qiluvchi maxsus o'qituvchi ekanligini tushinamiz [6].

Hozirgi davrda "Tyutor" atamasining bir necha ta'riflari mavjud bo'lib, ingliz tilidan tarjima qilinganda "Tyutor" (tutor) tom ma'noda ustoz, murabbiy, instruktor-yo'l ko'rsatuvchi ma'nolarida qo'llaniladi. Pedagogik-psixologik atamalar lug'atida "o'z talabalarining bilimdon murabbiyi o'quv jarayonini osonlashtiruvchi shaxs, o'qituvchi" deb ta`rif berilgan. Professor A.Xoliqov o'z ilmiy maqolasida tyutor so'ziga quyidagicha ta'rif bergan: "Tyutor – o'quv kurslarini interfaol taqdim etish bo'yicha mutaxassis"[3]. Demak, tyutor talabalarga ta'lim olishda yuzaga keladigan muammolarni bartaraf qilishda yordamlashuvchi, ularni qo'llab quvvatlovchi shaxs, o'qituvchi hisoblanadi.

Tyutorning asosiy maqsadi – ta'lim va tarbiya jarayoni uyg'unligini samarali tashkillash, ta'lim muassasasi va talabalar o'rtasidagi munosabatlarni tartibga solish,

talabalarning universitet hayoti va ta`lim jarayoniga moslashishiga ko‘maklashish, ularga uslubiy, ijtimoiy va psixologik yordam ko‘rsatish va talabalarda tanlangan kasbiga muhabbatni oshirishdan iboratdir.

Tyutor ma’lum bir sohaning mutaxasisi bo‘lib, uning asosiy vazifasi talabaga muayyan bilim va ko‘nikmalar berishdan iborat. Kengroq ma’noda esa, tyutor talabaga o‘quv jarayoni davomida o‘z salohiyatini namoyon qilish, o‘zini yanada yaxshiroq anglash, o‘qish va hayotda to‘g‘ri qaror qabul qilishni o‘rgatadi. U talabaga har bir qadam va harakatlarining oqibatlarini anglash, hayotda o‘z qiziqishlarini topishga yordam beradi. Buning uchun tyutor talabalarning qiziqish moyilliklarini, muammo va qiyinchiliklarini chuqur tahlil qiladi. U talabaning atrofidagi intellektual va psixologik muhitni sinchkovlik bilan o‘rganadi. Bir so‘z bilan aytganda, tyutor talaba va ta’lim jarayoni o‘rtasidagi bog‘lovchi kuch hisoblanadi. Uning asosiy faoliyati -oliy ta’lim muassasasida faoliyat yuritish, tegishli malaka talablariga javob beradigan, yuksak axloqiy fazilatlarga ega bo‘lgan xodim bo‘lib, o‘ziga biriktirilgan guruh talabalarining ta’lim olishlarida, shuningdek, darsdan bo‘sh vaqtlarini mazmunli tashkil etishlarida ko‘maklashadi, ularni insonparvarlik, adolat, mehnatsevarlik, Vatanga muhabbat ruhida tarbiyalash, beshta muhim tashabbus doirasida tashkil etilgan to‘garak va klublarga jalb etish, ta’lim olish jarayonida yuzaga keladigan barcha masala va muammoni o‘rnatilgan tartibda bartaraf etishga qaratilgan faoliyatlarni olib borishdan iboratdir.Tyutor talabalar turar joylarida, ijaradagi va xususiy xonadonlarda yashovchi talabalarning yashash manzillariga muntazam borib, u yerda yaratilgan sharoitlar va talabalarning muammolarini o‘rganib borish va ularni yaxshilash choralarini ko‘rish faoliyati bilan shug‘ullanadi [2].



Tyutorlik faoliyati mamlakatimizda yangi kirib kelgan kasb sohasi bo‘lsada, ushbu faoliyat xorij mamlakatlarida bir necha asrlar avval paydo bo‘lgan. Tyutorlik 12-asrda Anglyada Oksford va Kenbrijda paydo bo‘lgan. O‘sha davrda ta'lim standartlari va talaba uchun katta akademik erkinlik mavjud bo‘lmaganligi uchun, talabaga berilayotgan katta hajmdagi ta'lim xizmatlarini boshqarishga va ularni talabaning shaxsiy imkoniyatlari va ehtiyojlari bilan solishtirishga yordam beradigan murabbiyga muhtojlik seziladi. Tyutor talaba bilan muloqot o‘rnatib, qaysi amaliy mashg‘ulotlar va ma’ruzalarda qatnashish kerakligini aniqlashga yordam berdi, individual o‘quv rejasini tuzishga yordam berdi, topshiriqlarni bajarilishini va talabalarning imtihonlarga tayyorligini nazorat qiladi.[5]

XVII asrda yashab o‘tgan mashhur ingliz tili o‘qituvchisi Jon Lokk tyutorlik faoliyati haqida quyidagilarni ta’kidlagan edi: “Tyutorning vazifasi bolani hayotiy faoliyatiga tayyorlaydigan potentsial qobiliyatlarini rivojlantirishdir. Tyutorlik ta’limi - xarakterni shakllantirish, ong va tanani shakllantirish jarayonidir. Tyutorining maqsadi - bolaga hamma ma’lum narsalarni o‘rgatish emas, balki uni bilim olishga muhabbat va hurmatda tarbiyalashdir" [4] Shuni ta’kidlash lozimki, bu davrda tyutor hech qanday me’yorlar bilan o‘lchab bo‘lmaydigan, printsipial jihatdan boshqa hech

kim tomonidan takrorlanmaydigan “o‘ziga xos”, “yagona” ta’lim mahsulotini ishlab chiqaradigan o‘qituvchi va murabbiyga aylandi.

Tadqiqotchilar tyutorlik atamasining zamonaviy tushunchasini uchta asosiy komponentini ajratib ko‘rsatishadi [7].

1. Tyutorlik – qo‘llab-quvvatlash (ta’lim muammolarini hal qilishda sub’ektning mustaqilligini shakllantirishga qaratilgan pedagogik faoliyat turi).

2. Tyutorlik - qo'llab-quvvatlash (individual ta'lim dasturlarini amalga oshirishga qaratilgan yordam, loyihalash ishlari, tadqiqot faoliyati).

3. Tyutorlik - yordam berish (kasbiy, madaniy va shaxsiy o'zini o'zi belgilashda yordam berishga qaratilgan faoliyat).

Hozirda dunyoning ko‘plab mamlakatlarida tyutorlik uchun maxsus o‘qitiladi, diplom beriladi. Masalan, Rossiyada pedagogika sohasiga ixtisoslashtirilgan oliygohlarda bakalavr va magistratura bo‘yicha maxsus tyutorlik mutaxassisligi bor. U yerdagi oliygohlarda tutorlikning quydagi turlari mavjud:

1. “Stajior tyutorlar”- bular yuqori kurs talabasi, talabalarning o‘zini o‘zi boshqarish faollari bo‘lib, ular abituriyentlarga, kichik kurs talabalariga o‘quv jarayoniga moslashishda yordam beradi, ularni darsdan tashqari ishlarga jalb qiladi.

2. “Akademik tyutorlar”- bular majburiy tyutorlik ta’limiga ega bo‘lgan magistrlar bo‘lib, ularning ishi kredit modulli o‘qitish tizimini joriy etishda dolzarb bo‘lgan individual o‘quv rejasini ishlab chiqish va amalga oshirish bilan shug‘ullanadi.

3. “Tyutor murabbiy”- tyutorlik kursini tugatgan, ehtimol ilmiy darajaga ega bo‘lgan universitet bitiruvchisi. Ushbu darajadagi tyutorning asosiy vazifasi mutaxasisning kelajakdagi shaxsiy va kasbiy qobilyatlarini rivojlantirish jarayonida qo‘llab quvvatlash va yordam berishdir.

4. “Tyutor rahbar”- bu professor bo‘lib, uning bevosita vazifasi mulohaza yuritishni mustahkamlash va tyutorlar ishini tashkil etish, shakillantirish, o‘qituvchining o‘ziga xos uslubini qo‘llab-quvvatlash va aniqlashdir.

Aytish kerakki, tyutorlar o‘z vazifasiga ko‘ra, yuksak mas’ulyat egalari hisoblanadi. Zero, tyutor dunyoqarashi endi shakillanayotgan talaba bilan muntazam tarzda ishlaydi. Bunday mutaxasisning asosiy vazifasi- boshqa odamga o‘qishni samarali va qiziqarli jarayonga aylantirishga yordam berish. Tyutor ham butun guruh bilan, ham individual tarzda ishlashi kerak bo‘ladi. Ilmning qaysi sohalariga urg‘u berish, kelajakda kasb tanlash, kerak bo‘lsa, boshqa mutaxassislikka mo‘ljal olish, o‘qish va kundalik hayot o‘rtasida muvozanatni o‘rnatish, vaqtni to’g’ri tashkil etish masalalarida talabalarga ta’sir qilish ham tyutorning vazifasidir.

Puxta o‘ylangan talab va takliflar asosida joriy etilgan tyutorlik amaliyoti oliygohda talabaga yelkadosh murabbiy va mohir konsultant sifatida baho olishiga ishonch bildirmoqda. Talabaning kuchli taraflarini, zaxiradagi qobilyatlarini yuzaga chiqarib, kamchiliklari ustida ishlashni o‘rgatadigan mazkur mutaxassislar yangi avlod kadrlarini tarbiyalashga o‘z ulushini qo‘shadi deb o’ylaymiz.

**Adabiyotlar ro‘yxati:**

1.O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Respublika Oliy ta’lim muassasalarida talabalarni turar joy bilan qamrab olish darajasini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi 563 sonli qarori. 10.09.2021.

2. Davlat oliy ta’lim muassasalarida tyutorlik faoliyatini tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi “ Namunaviy nizom”.
3.Xoliqov.A. “O‘qituvchi faoliyatida pedagogik mahoratning o‘rni”. Ilmiy maqolalar to‘plami.TDPU Ilmiy axborotlari. 2019/3(20).15 bet.
4.А.В. Верхозина. Тьютор как педагогическая специальность в системе профессионального образования. Студенческий вестник. 2015. 133 с.
5.Семенова.В.В, Сухаревская.И.А История возникновения тьюторского сопровождения как педагогического феномена// научно-методический электронний журнал «Консепт» 2019.
6. Сидоров, С.В. Теоретические предпосылки проектирования рефлексивной компетентности [Текст] / С.В. Сидоров, А.Г. Гаврилов // Мир науки, культуры, образования. – 2010. – № 1. – С. 253-256.
7.Кокамбо, Ю.Д. Тьюторство как новая форма взаимодействия участников образовательного процесса [Текст]/Ю. Д. Кокамбо, О.В.Скоробогатова //Вестник Амурского государственного университета. Сер. Гуманитарные науки. – 2013. – Вып. 60. – С. 110-115.

# МАТН ИДРОКИ ВА ТАЛҚИНИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (Анвар Обиджоннинг “Мангуберди фалсафаси” шеъри мисолида)

**Муҳаммаджон Мамажонов,**
**Фарғона давлат университети Чет тиллари факультети декани,**
**филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент**

**Низомиддин Қўлдашев,**
**Фарғона давлат университети “Ўзбек тилшунослиги” кафедраси мудири,**
**филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент**

**Аннотация:** Мазкур мақолада Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг сўз қўллаш маҳорати “Мангуберди фалсафаси” шеърининг лингвопоэтик хусусиятларини ўрганиш орқали тадқиқ қилинади.

**Abstract**: In this article, the skill of using words of the national poet of Uzbekistan, Anvar Obidjon, is studied by studying the linguopoetic features of the poem "Philosophy of Manguberdi".

**Аннотация**: Бұл мақалада «Мәңгуберді философиясы» поэмасының лингвопоэтикалық ерекшеліктерін зерттеу арқылы Өзбекстанның халық ақыны Анвар Обиджонның сөздерін қолдану шеберлігі зерттеледі.

**Калит сўзлар:** Сўз, имон, тарих, миллат, миллий ғурур, фалсафа, юртпарвар, маънавият , тикан, саркарда, қадрият**.**

**Key words**: Word, faith, history, nation, national pride, philosophy, patriot, spirituality, thorn, commander, value.

**Түйін сөздер**: Сөз, сенім, тарих, ұлт, ұлттық мақтаныш, философия, патриот, руханият, тікен, қолбасшы, құндылық.

Миллат фарзандларини уйғоқликка, курашчанликка даъват этувчи адабиёт ҳамма замонларда ҳам жамиятнинг энг юксак мақомини эгаллайди.

Ҳақиқий ижодкор учун болаларга ватанни севиш, эркни асраш, юртни ҳимоя қилиш илмидан сабоқ берадиган асарлар яратиш фақат бурч эмас, балки олий




саодатдир. Зеро, ватан тарихини, миллий қадриятлар илдизини илмий ўрганиш, бадиий – қиёсий таҳлил қилиш ва ўзлаштириш ниҳоятда сермашаққат иш. Тарих фақат тасаввур ва тушунчаларимизни бойитибгина қолмайди, энг муҳими ўзлигимини, миллий қадриятларимизни ўзимизга қайтаради, маданий анъаналаримизни асрашимиз, кейинги авлодларга безавол етказишимиз учун куч ва илҳом беради.

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон ижодида Ватан ўтмиши ҳақида ҳикоя қилувчи “Бобораҳим Машраб” (1974), “Тупроқ билан тенгдошдир қамиш” (1977), “Муқаддас туйғу” (1981), “Қодирийни эслаб” (1982), “Фарғоналиклар” (1982), “Машраб дор остида” (1975), “Ҳамид Сулаймон”(1982), “Фитрат”(1985), “Ялпиз”(1983), “Қурбонжон Додхо” (1987), “Улуғбекнинг ўғли ила видолашуви” (1987), “Кечмиш” (1990), “Топишмоқ”(1989) каби асарларини муаллифнинг бадиий ифодадаги маънавий жасорати дейиш мумкин. орасида “Мангуберди фалсафаси”(1985) шеъри ўзининг маърифий моҳияти, ўзига хос тили, ўзига хос тасвир усули, халқона ҳикмати билан ажралиб туради:

Тикандек кўп оламда лашкар,
Бири жисман, бири руҳан зўр.
Ғижинган ёқ доим юртпарвар,
Тиржайган ёқ доим ватанхўр.

Туйғулар теранлиги, оҳангдорлик, такрорлар, паремалар шеър бадииятини юксалтириб, шоир индивидуаллигини намоён қилмоқда. Анвар Обиджон таъсирчанликни, эмоционал – экспрессивликни бўрттириш мақсадида ўхшатиш, жонлантириш, метафора каби тасвирий воситалардан унумли фойдаланади. Шоир Мангубердининг мақсадлари, орзу ва интилишларидаги олижанобликни, ватан озодлиги йўлидаги ҳар бир ҳаракати замиридаги эзгуликни улуғлайди. Бу мўъжазгина шеър мустақилликдан аввал, адолатсизлик ва ёвузликка асосланган собиқ Шўро даврида, яъни, 1985 йилда ёзилган. Шоир сўзнинг ёвқур ва исёнкор руҳи билан буюк саркарда ҳаётининг сирли нуқталарини ёритиб, туйғу ва тафаккурни, эзгу мақсадларни бирлаштирувчи қудратни топишга, уни китобхон учун қайтадан кашф қилишга уринди.

Сатрлар замиридаги тагдор ғоявийлик, ҳаётийлик, миллий ўзлик каби қадриятлар, ҳавасни келтирадиган ташбеҳлар, шавқ ва ҳайрат уйғотадиган халқчиллик ўқувчини ҳам завқлантиради, ҳам унинг онгу шуурида ифтихор туйғуларини шакллантиради. Хусусан, она тили дарсларида амалга ошириладиган бадиий матн таҳлили уни ўз шахсий фикрига, муносабатига эга бўлиб боришини таъминлайди.

Адабиётшунос олим Минҳожиддин Ҳожиматовнинг фикрича, “Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг  ватанпарварлик мавзусидаги асарларида асосий эътибор ўтмишнинг нурли ва нурсиз саҳифаларини холисона ёритишга, улуғ аждодларнинг илмий – маданий – адабий меросларини XXI аср ёшларига таништириш ва уларнинг қалбида миллий ғурур туйғуларини уйғотишга қаратилган. Унинг ҳам болаларга, ҳам катталарга аталган, самимий юмор, теран фалсафа билан йўғрилган аарларини ватанга муҳаббат, эътиқод ёғдулари бирлаштириб туради” [41].

Олис ўтмишга бағишланган асарларнинг тили хусусида турлича қарашлар мавжуд. Хусусан, тил ва нутқ айнан ўша даврдагидек бўлмаса-да, у тарихий давр руҳини ва нафасини бера олиши, асарнинг асл моҳиятини кўрсата олиши зарур. Албатта, тарихий давр услубини, ижтимоий муҳит қиёфасини яратишнинг ўзига яраша зиддиятли ва мураккаб томонлари бор. Шоир тарихий факт ва бадиий тўқиманинг меъёрини сақлайди,  Чингизхон ёки мўғул деган сўзни ишлатмайди.

Шеърнинг сарлавҳасини ўқигандаёқ, чуқур ўйга толган китобхон “тикандек кўп” босқинчи лашкарнинг кимлигини тушунади.  Шоир Мангубердининг шахс сифатидаги шаклланиши, мустаҳкам Хоразмшоҳлар салтанатини сақлаб қолиш мақсадидаги амаллари ва саркардалик тақдирини китобхон қизиқиш билан ўқийди, янада кучлироқ қизиқиш ила англашга, мушоҳада қилишга уринади. Жалолиддиншоҳнинг  кимлиги, инсоний моҳиятининг туб замини ва илдизлари нималарга асосланганини чуқур англашга интилади. Мангуберди фалсафасидаги юртга садоқат, ватанпарварлик, жасоратнинг таъсир кувватини алоҳида таъкидлаш лозим:

Чечакдек кўп оламда элат,
Бири яшнар, бири сўлади.
Халқ бўлади  “Биз!”деган миллат,
“Мен” деган халқ миллат бўлади.

Улуғ аждодларидан мерос табаррук тупроғини босқинчилардан асраш учун Чингизхоннинг “тикан”дек босиб олган лашкарларига қарши баҳодирона жангга отланган миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин  Хоразмшоҳнинг тарих ва ватан олдидаги хизматлари беқиёсдир.  Муҳтарам Президентимиз  тўғри таъкидлаганидек, “ Султон Жалолиддин жанговар фаолияти билан нафақат ўз юртини, балки дунёдаги ўнлаб мамлакатларни ҳам мўғул хужумидан ҳимоя қилганини жаҳон аҳли эътироф этади. Бутун умри урушда ўтган бўлишига қарамасдан, у оғир ва мураккаб даврларда ҳам илм-маърифат ҳомийси сифатида масжид ва мадрасалар, карвонсаройлар, қалъалар, йўл ва кўприклар қурдирган. Тақдирнинг қалтис синовларини мардона енгиб ўтган, 32 ёшда ҳалок бўлган азамат аждодимизнинг ҳаёт йўли, шахсияти ва жасорати барчамизга асло

[41] Ҳожиматов М. Анвар Обиджон шеъриятида миллий ўзлик туйғусининг бадиий талқини.”Анвар Обиджон ижодининг маънавий – аҳамияти” мавзусидаги халқаро илмий –амалий анжуман материаллари.  Фарғона.: 2023. – Б.4.

эскирмайдиган бир ҳақиқатни уқтиради: Ватан озодлиги, Ватан манфаати йўлида бирлашиб, марди майдон бўлиб курашга бел боғлаган халқни ҳеч қандай куч ҳеч қачон енга олмайди”[42].

Жалолиддин Мангуберди фалсафасини англамаслик – ўзбек халқининг озодлик учун кураши тарихини, миллий – маънавий куч – қуввати ҳамда башарият эрки, озодлигини асрашга қўшган буюк ҳиссасини англамасликдир. Ўз юрти ва миллат тарихида Тарихни ҳар томонлама чуқур ўрганиш эса Жалолиддин Мангубердидек улуғ аждодларнинг ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ ва таҳлил қилишдан бошланади. Буюк саркарданинг тарихдаги роли, бетакрор ватанпарварлик намунаси, кураш йўли, маслак ва матонатини ҳақида бадиий асар яратишнинг ўзига яраша мураккабликлари мавжуд.

Она тилининг муҳим вазифаларидан бири – гўзаллик ва эзгуликни ифодалаш эканлигини яхши билади, тилнинг бадиий- эстетик имкониятларидан маҳорат билан фойдаланади. Айнан шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, туркий тиллар платформаларини яратишда С.Саййид шеъриятининг лингвистик хусусиятларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, шоир асарларининг бош қаҳрамони – ўзбек халқи. У ҳар бир мисрасида ўз халқи қадрини, мавқеини, ўтмишдаги улуғ аждодларининг мўътабар номларини шарафлайди. Шоир тўғри таъкидлаганидек, Жалолиддин Мангуберди фалсафаси унинг тақдирнинг ҳар қандай синовига бардош бера олишида, кучли ирода ва матонатни ўзида мужассамлаштирганлигида, ҳарбий санъат ва жасоратни уйғунлаштира олганида, қўшинларни маҳорат билан бошқара олишида, уларнинг ишончини қозона олганлигида ёрқин акс этади. Унинг маънавий - маърифий моҳияти чинакам ватанпарвар сифатида эл назарига тушиш, аскару фуқаролар кўнглига йўл топиш, уларнинг қалбидаги миллий ғурурни уйғотиш учун энг аввало юксак инсоний хислатларга, бетакрор бошқарувчилик маҳоратига, ҳарбий салоҳиятга эга бўлиш тамойиллари билан белгиланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг “Мангуберди фалсафаси” каби тарихий мавзудаги шеърларини лингвистик, лингводидактик ва лингвокультурологик нуқтаи назардан ўрганиш, илмий тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди ҳайкалининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи. “Янги Ўзбекистон” газ. 2022, 30 август.
2. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021.
3. Мирзиёев Ш. Ёшлар - бизнинг келажагимиз. Ёшларга донолар ўгити. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2018.
4. Шаҳобиддин Муҳаммад ал – Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. Т.: 1999.
5. Абдиримов Б. Хоразмийлар изини излаб... Т.: “Шарқ маърифати нашр - матбаа уйи”, 2021.
6. Обиджон А. Танланган асарлар. Т.: ”Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2006.


[42] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди ҳайкалининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи. “Янги Ўзбекистон” газ. 2022, 30 август.

7. Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Т.: 1994.
8. Расулов А. Бетакрор ўзлик. Т.: "МУМТОЗ СЎЗ", 2009.
9. Йўлдошев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. Т.: 2008.
10. Муҳаммаджонова Г. 80 - йиллар охири 90 - йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи. Т.: 2004.

# НОАНЪАНАВИЙ ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА УЗВИЙЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

**Шахло Нарaлиева,**
**Қозоғистон Республикаси, Жумабек Ташенев номли университет**
**Халқаро ҳамкорлик департаменти директори,**
**педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**

**Аннотация.** Мазкур мақолада ноанъанавий она тили дарсларида узвийлик тамойилларининг инновацион усуллари тадқиқ қилинади.

**Калит сўзлар:** тил, тарих, нутқ, маданий мерос, бадиий тафаккур, инновацион усул, дарс лойиҳаси, узвийлик тамойили.

**Аннотация.** Бұл мақала дәстүрлі емес ана тілі сабақтарындағы интеграциялық принциптердің инновациялық әдістерін зерттейді.

**Тірек сөздер:** тіл, тарих, сөз, мәдени мұра, көркем ойлау, инновациялық әдіс, сабақ жобасы, сабақтастық принципі.

**Аннотация.** В данной статье исследуются инновационные методы реализации принципов интеграции на занятиях по нетрадиционному родному языку.

**Ключевые слова:** язык, история, речь, культурное наследие, художественное мышление, инновационный метод, проект урока, принцип связности.

Ўсиб келаётган ёш авлод онгу шуурида тафаккур, тил ва нутқ ўзаро чамбарчас боғлиқликда ривожланади. Бундай боғлиқликнинг воқеланиши унинг тизимлилигига алоқадор, муттасил парваришига эҳтиёжманд, яъни булар ижодий ва мустақил фикрли шахс тарбиясини амалга оширишни тақозо этади.

Буюк маърифатпарвар олим Абдурауф Фитрат тўғри таъидлаганидек, "Тилимизнинг бутун қоидаларини аниқлаб, атамаларини майдонға қўймоқ учун яна бироз тиришмагимиз, бир биримизга кўмак қилишимиз лозим"[43]. Она тили ва унинг таълим тизими, ушбу тизимни ташкил этувчи ҳар бир элементнинг роли ва характери мазкур жараён учун бекиёсдир. Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини ташкил этишнинг синф-дарс машғулотлари шакли моҳиятан қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) анъанавий дарс;

б) ноанъанавий дарс;

Мактабларда она тили дарсларини кузатиш давомида баъзан анъанавий ҳамда ноанъанавий машғулотлар аралаш шаклда қўлланилаётган дарс

[43]Фитрат А. Ўзбек тили қоидалари тўғрусида бир тажриба. Танланган асарлар. Тошкент.: "Маънавият", 2021..Б.-71.

машғулотларига ҳам дуч келдик. Ҳатто аралаш шаклдаги дарслар миқдори анъанавий ҳамда ноанъанавий машғулотларга нисбатан баландроқ эканлигини ҳам кузатдик. Бу мактабда она тили ўқув предметини ўқитаётган ўқитувчи-методистларимиз дарс ўтиш усулларида ҳали эски қолиплардан тўла қутула олмаётганликларидан дарак беради.



Она тилидан анъанавий дарслар таълими шароитида ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини кузатиш шундай хулосага олиб келди:

мактаб ўқувчилари она тили машғулотларида маълум мавзуга оид билимларни ўрганишгач, шу билимлар прагматикаси сифатида амалий топшириқларни бажариш жараёнида хатоларга йўл қўядилар. (Бу ўқувчиларнинг фанни ёмон ўрганганининг натижаси эмас, балки ўрганилган билим билан уни нутқ фаолиятида қўллаш ўртасида мустаҳкам алоқадорликни ҳосил қила олмаслиги билан боғлиқ. Зеро, билим ва унинг нутқ фаолиятида қўлланиши ўртасидаги узвийлик ўқитувчи томонидан “ўргатилмайди”, балки бу ўқувчи томонидан ўрганганларини нутқида қўллай олиш кўникмаси асосида ҳосил қилинади);

анъанавий методика она тили таълими жараёнини бир хил қолипга солиб қўяди. (Дарс ташкилий қисм билан бошланади, уй иши текширилади, ўтилган мавзу сўралади; янги мавзуни ўқитувчи тушунтиради, мавзу машқ ва топшириқлар асосида мустаҳкамланади ва ҳ.) Бугун техника, интернет, чексиз ахборот асрида яшаётган ўқувчини анъанавий шаклдаги дарслар ўзига жалб эта олмаслиги тайин).

Анъанавий дарслар, одатда, бихевиористик (рецептив) ёндашув асосида амалга ошириладики, унинг натижаси белгиланган муайян доирадагина фаолият кўрсата оладиган интеллектуаллик даражаси ўртамиёна бўлган шахс тарбияси учун хизмат қилади.

Ноанъанавий дарслар деганда, биламизки, дарс ўтишнинг меъёрлашиб қолган кўринишларидан воз кечилади. Статистик маълумотларга кўра, камида беш минг йилдан бери она тили муайян бир тизимга солинган дарслар ўлароқ ўқитиб келинади. Айтиш мумкинки, шунча вақтдан бери инсон ақли одам боласига ўз она тилини ўргатиш ҳамда бу ўргатишнинг энг қулай ва энг самарали йўлларини излашдан тўхтамайди. Тамаддуннинг тинимсиз тараққиёти, тадрижий такомили натижасида юзага келган янгидан-янги ижтимоий-иқтисодий шароитлар ўқитиш самарадорлигини янада ошириш учун ҳам катта-кичик имкониятларни очади ва табиий равишда энг мақбул ўқитиш усули сифатида турғунлашган муайян қоидалар эскиради. Янги ижтимоий-иқтисодий шароитлардан келиб чиққан ҳолда яна янги ўқитиш усуллари изланади. Бир сўз билан айтганда, она тили таълими (умуман, таълим) замон тақозосига мувофиқ

ана шундай муттасил, мунтазам ривожланиб, такомиллашиб, мақбуллашиб борадиган ўзига хос жараёндир .

Бугун дунёдаги бутун янгиланиш ва тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи ахборот технологиялари бўлиб қолди. Зеро, жаҳон миқёсида ахборот коммуникацион технологиялар кириб бормаган соҳанинг ўзи деярли қолмади. Таълимнинг барча тур ва босқичларида бўлгани каби мактаб она тили машғулотларида ҳам ноанъанавий дарсларни ташкил этишда, асосан, ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланилмоқда. Биз уларни таълим методлари билан боғлиқ тарзда ёритишга ҳаракат қиламиз.



Она тили таълимининг самарадорлигини ошириш учун дарсларнинг дидактик-прагматик қисмини нутқдан тилга тамойили асосида ташкил этиш ўзига хос метод ҳисобланади. Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини нутқдан тилга қараб бориш методи асосида ташкил этиш ўқув-тарбия жараёнида таълим олувчиларнинг онгли тарзда, мустақил фаоллигини таъминлайди. Она тили таълимида нутқдан тилга қараб бориш методининг самарадорлиги (алоҳида тамойил сифатида) методист олимлар томонидан махсус тадқиқ этилган . Мазкур методнинг самараси ўлароқ ўқувчида теварак-атрофидаги нарса/буюмлар, воқеа/ҳодисалар, тушунчалар орасидаги алоқадорлик ҳамда фарқларни илғай олиш, улар ҳақида фикрлаш, фикрлашиш; мулоҳазаларини ўз сўз(нутқ)и орқали баён эта олиш малака ва кўникмалари ривожланади. Бола тафаккурида соддадан мураккабга, хусусийликдан умумийликка, ҳодисадан моҳиятга, оқибатдан сабабиятга қараб интилиш тизимлашиб боради.

Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини оммавий ташкил этиш шакллари, одатда, макон ва замонига қараб икки гуруҳга бўлинади:

а) синф-дарс машғулотлари ва

б) синфдан ташқари ишлар* (турли суҳбатлар, бадиий-композицион кечалар, учрашувлар, кўрик-танловлар, олимпиада ва б.)

Биламизки, умумий характерли тил тафаккурнинг моддийлашиш шаклидир. У ўзининг лисоний бирликлари орқали тафаккур ҳукмларини гап, матн кўринишида нутқ учун ҳозирлайди. Нутқ хусусий бўлиб, у инсонларнинг муносабати, мулоқоти ва баҳсларида воқеланади. Ҳар бир ўқувчида тафаккур~тил~нутқ бирлиги орасидаги изчилликни таъминлаш, асосан, мактабда она тили машғулотларининг самарадорлигига боғлиқ. Бу борада мактабда она тили дарсларининг асосини семантик жиҳатдан боғланишли, психологик жиҳатдан руҳий-тарбиявий, педагогик жиҳатдан боланинг ёш хусусиятларига мос матнлар устида ишлаш ташкил этилмоғи аҳамиятли.

Шунингдек, она тили машғулотлари таълимида –

а) тайёр матн устида ишлаш;

б) бошланиши берилган матнни мантиқан давом эттира олиш;

в) таркиби бир неча бўлакка ажратилиб аралаш ҳолатда берилган (нотаниш) матнни яхлит шаклга келтириш;

г) шеърий матн мазмунини насрда ифодалаб бериш;

д) биргина гапдан иборат микроматнни ҳажман макроматнга айлантириш;

е) макроматнни ҳажман мағзи пишиқ, моҳиятига путур етмаган микроматнга айлантириш;

ё) берилган сарлавҳа остида ижодий матн ярата олиш каби амалиётлар етакчи методлар бўлмоғи зарур. Зеро, она тили таълимидан мақсад бола ўз шуури маҳсули асосида “оламнинг лисоний манзараси”ни (Й.Л. Вайсгербер) ярата олсин.

Шундай самарали методлардан яна бири фразеологик бирликлар асосида “Ибора – нутқ кўрки” шиори остида иш олиб боришни мунтазамлаштириш саналади. Халқ тилидаги семантик яхлит бирликлар ҳисобланмиш иборалар ўқувчиларда тил сезгирлигини тарбиялайди, оғзаки/ёзма саводхонлик равонлигини таъминлайди, болани нутқий баркамолликка етаклайди, сўзга чечанлигини оширади. Жумладан, ўзбек тилида инсоннинг тана аъзолари номи билан боғлиқ минглаб иборалар борлиги ўзбек тилининг имкониятлари ниҳоятда кенг ва бетакрорлигидан далолат беради.

Ўқувчилар нутқини халқ мақоллари билан бойитиш, маънодош, уядош бирликлардан фойдаланишга одатлантириш, эвфемизмларни ўрнида қўллашга ўргатиш каби қатор методлар ҳам она тили таълими мақсади рўёбини таъминлашга хизмат қила олади.

Зеро, она тили таълими жараёнида ўқувчининг сўз бойлигини ошириш, сўзларнинг маъно нозикликлари, фарқ ва ўхшашликларини ҳис қилиш ва англаб етиш, тўғри талаффуз қилиш ва ёзиш, сўзларни боғлаб гап, гаплардан эса матнлар туза олиш, бирикмалардаги маъновий ва грамматик, матнлардаги мантиқий хатоликларни топиш ва тузатиш, бир фикрни турли воситалар билан ифодалаш, узилган фикрнинг давомини тиклаш каби қатор мантиқий операцияларни бажариш, нутқ вазиятини тўғри баҳолаш ва тил имкониятларидан унга мос равишда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ва малакасини ўстириш, ўқувчига мана шу вазифалар учун зарур бўлган муҳим фонетик, лексик ва грамматик қоидаларнигина бериш, фикрни ифодалаш ва англашнинг турли механизм ва усулларини, уларни турли нутқ шароитига мос равишда қўллаш йўлларини тавсия этиш, бунга асосланган машқ ва

топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш, воизлик машғулотларига эътибор устувор вазифа саналиб, унча чуқурлаштирилмаган лингвистик билимлар ана шу вазифалар "сояси"да бўлмоғи, ўқувчининг ақлий фаолияти зинҳор лингвистик қоидалар ва тил қурилишига доир билимлар билан банд қилиб қўйилмаслиги керак .

"Қобуснома"да донишманд Кайковус шундай дейди: "Эй фарзанд, сўзнинг юзин ва орқасин билғил ва уларга риоя қилғил, ҳар на сўз десанг, юзи билан дегил, то сухангўй бўлгайсан. Агар сўз айтиб, сўзнинг нечук эканини билмасанг, қушга ўхшарсанки, унга тўти дерлар, ул доим сўзлар, аммо ссўзнинг маъносин билмас. Сухангўй шул киши бўлғайки, ул ҳар сўзни деса, унга маъқул бўлғай"[44]. Демак, ўқувчилар сўзни тўғри қўллашлари учун тил қоидаларини ўрганишлари ва билишлари шарт. Асосийси, ўқувчида она тили мавзуларини ўзлаштиришга қизиқишни ошириш, бунинг учун уларни рағбатлантириб бориш, дарс жараёнида эмоция уйғотиш ва мотивация бериш муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Кайковус. Қобуснома. Тошкент.: "Мерос" нашриёти, 1992.
2. Фитрат А. Ўзбек тили қоидалари тўғрусида бир тажриба. Танланган асарлар. Тошкент.: "Маънавият", 2021.
3. Қодиров П. Тил ва эл. Тошкент.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2005.
4. Ш.Нараливеа, Б.Турдикулов, Н.Корганбаева. Ўзбек адабиёти. Умумтаълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан министрлиги тасдиқлаган. Алматы.: "Жазушы" нашриёти, 2017.
5. Ш.Нарaлиева, Н.Корганбаева. Ўзбек адабиёти. Умумтаълим мактабларининг 9 –синфи учун дарслик. Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан министрлиги тасдиқлаган. Алматы:"Жазушы" нашриёти, 2019.
6. Аҳмедов С. Адабиёт дарсларида эпик жанрларни ўрганиш: Адабиёт ўқитувчиларига ёрдам. Тошкент: "Ўқитувчи" нашриёти, 1986.
7. Ш.Нарaлиева, Н.Корганбаева. Ўзбек адабиёти. Умумтаълим мактабларининг 9 –синфи учун дарслик. ҚР Таълим ва фан министрлиги тасдиқлаган. Алматы.: "Жазушы" нашриёти, 2019.

# ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ЧОЛҒУЛАРИ ТАСНИФИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

**Шовкат Умаров,**
**Ўзбекистон давлат хореография академияси**
**"Санъат назарияси ва тарихи" кафедраси мудири,**
**доцент в.б.**

**Аннотация.** Мазкур мақолада ўзбек миллий чолғуларининг шаклланиш назарияси Шарқ мусиқашунос олимларининг чолғу мусиқасига оид қарашлари, илмий-ижодий меросларининг аҳамияти таҳлил қилинган.

**Abstract**. This article analyzes the theory of the formation of Uzbek national instruments, the views of Eastern musicologists on instrumental music, and the importance of their scientific and creative heritage.

[44]Кайковус. Қобуснома. Тошкент.: "Мерос" нашриёти, 1992..Б.-34.

**Аннотация.** Бұл мақалада өзбек ұлттық аспаптарының қалыптасу теориясы, шығыс музыкатанушылардың аспаптық музыка туралы пікірлері, олардың ғылыми-шығармашылық мұрасының маңызы талданады.

**Калит сўзлар:** Шарқ, ўтмиш, миллий чолғулар, тарихий қўлёзмалар, мусиқий рисолалар, этнограф, эстетик тафаккур.

**Key words:** East, past, national instruments, historical manuscripts, musical treatises, ethnographer, aesthetic thinking.

**Түйін сөздер**: Шығыс, өткен, ұлттық аспаптар, тарихи қолжазбалар, музыкалық трактаттар, этнограф, эстетикалық ойлау.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Карори мамлакатимизда янги ислоҳотларни бошлаб берди. Унда "ўқувчи ва талабаларнинг мусиқий билим ва кўникмаларини ошириш, уларнинг қалбида миллий маданиятга бўлган муҳаббатни шакллантириш"[45] тамойиллари алоҳида таъкидланди.

Мозийдан маълумки, ўзбек халқ чолғуларининг илк илдизлари энг қадимги даврларга бориб тақалади. Улар мусиқанинг барча тармоқларига мос равишда шаклланиб келган. Шарқнинг улуғ алломалари Абу Наср Фаробийнинг "Катта мусиқа китоби"да, Сафиуддин Урмавийнинг "Мусиқий рисола"сида, Абдулқодир Мароғийнинг "Жами ал-алҳон фи-илм ал-мусиқий" рисоласида, Аҳмадийнинг "Созлар мунозараси" асарида, Зайнуллобиддин Ҳусайнийнинг "Рисола дар баёни қонуни ва амали мусиқий" китобида, Абдураҳмон Жомий, Дарвеш Али Чангийнинг рисолаларида мусиқий чолғуларни ўрганиб, уларни тадқиқ этиш масалаларини, ўз даврининг мусиқий чолғулари таснифотини баён этганлар. Мир Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк мутафаккир шоирларимиз бир қатор асарларида ўз даврининг моҳир ижрочиларини қайд этишда чолғуларга мурожаат этганлар.

Хусусан, "Бобурнома"да муаллиф Қул Муҳаммад Удий, Шайхий Нойи, Шоҳқулий ғижжакий, Ҳусайн Удий каби ўша даврнинг моҳир созандалари ҳақида тўхталиб, Бадиуззамон Мирзо саройидаги бир воқеани баён қилар экан, бу баёнда унинг зукко нигоҳини, эстетик қарашларини, мусиқа илмидаги идрокини ҳис қиламиз:" Яна Шайхий Нойи эди, удни ва ғижжакни ҳам хўб чолур экандур. Ўн икки – ўн уч ёшидин бери найни хўб чолур экандур. Бир навбат Бадиуззамон Мирзонинг суҳбатида бир ишни найдин хўб чиқарур, Қул Муҳаммад ғижжакта ул ишни чиқара олмас. Деркким, ғижжак ноқис создур. Шайхий филҳол Қул Муҳаммаднинг илигидин ғижжакни олиб,ул ишни ғижжакта хўб ва покиза чолур.Шайхийдин яна бир нима ривоят қилдилар: Нағамотқа андоқ фалон пардаси мунга оҳангдур, вале хейли иш боғламайдур. Бир – икки нақш андин дерлар"[46].

Ўзбекистонда кенг тарқалган чолғулардан яна бири дутордир. Дутор асосан ноксимон шаклда ясалади. Тасвирий санъат ёдгорликлари ва ёзма тарихий манбалар ўзбек халқ чолғуларини, жумладан дуторни қадимдан ижро

---

[45]Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори. "Янги Ўзбекистон" газетаси, 2022 йил, 2 февраль, 25- сон.
[46] Бобур З.М. Бобурнома. Т.: "Юлдузча" нашриёти, 1990. -Б. 164.

этилиб келинишига гувоҳлик беради. Мавжуд луғатларда унга шундай шарҳ берилган:

**ДУТОР** (икки тор) – ўзбек, шунингдек, тожик, туркман ва уйғур халқлари ўртасида кенг тарқалган торли тирнама чолғу асбоб. Д. Икки қисмдан (даста ва косадан) иборат бўлиб, буларни бирлаштирувчи қисмни “бўғиз” деб аталади[47].

**ДУТОР** [*форсча* – икки тор, икки торли] Икки торли, чертиб чалинадиган узун дастали мусиқа асбоби. *Дутор чалмоқ.* [48]



Абу-Наср Муҳаммад Форобий, Абу Али ибн Сино, Абдураҳмон Жомий ва бошқа олимлар ўз асарларида дутор ҳақида анча тўлиқ маълумотларни бериб ўтганлар. Дутор икки қисмдан (даста ва коса) иборат бўлиб, бу қисмларни бирлаштирувчи қисми “бўғиз” деб аталади. Дутор ансамблда ва якка соз сифатида қўлланилади. Овози паст, майин бўлгани сабабли кўпроқ якканавоз тарзида ҳам қўлланилади. Шунинг учун ҳам махсус “Роҳат”, “Тўрғай”, “Дутор баёти” каби дуторда якка ижро этиш учун мўлжалланган қатор куйлар мавжуд.

Энг кенг тарқалган урма зарбли чолғулардан бири доирадир. **У** ҳалқасимон шаклда бўлиб, узум танасидан, клён, ёнғоқ, тут, ўрик ва бошқа каттиқ дарахтлардан эгма ҳолда ясалади. Диаметри 37-45 сантиметр бўлиб, асосан той териси ёки бузоқ териси билан қопланади. Гардишнинг ички қисмида жарангни сақлаб қолувчи кичкина ҳалқачалар 2,-2,5 сантиметр ораликда жойлаштирилади.

Доиранинг бошқа ўзбек чолғуларидан фарқи (ноғорадан ташқари) оловда қиздирилиб созланади, яъни жарангдорлиги оширилади.

Археологларнинг қидирув ишлари жараёнида топилган қазилма бойликлардан бизга маълумки, доира (бубен) бизнинг асримизгача бўлган II асрда ҳам мавжуд бўлган. Ўрта Осиёда у бундан 2000 йил олдин пайдо бўлган. Доира ҳозирги кунда ҳам ўзбек халқ чолғулари орасида алоҳида ўринга тутади.

---

[47] Акбаров И. Мусиқа луғати. Тошкент.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1997. Б.85.

[48] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-ж. Тошкент.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. Б.676.

У якка ҳолда ёки ансамбль кўринишида ижро этилади. Шуниси қувонарлики, ҳозирда фақат доирачилардан ташкил топган ансамбллар кўпаймоқда. [4;59].

**ДОИРА I** [*арабча* — айлана, доира; соҳа,тармоқ] 1 *геом.* Текисликнинг айлана билан ўралган юзаси; тўгарак.

**ДОИРА II** Айлана шаклидаги, гардишсимон урма мусиқа асбоби; чилдирма, даф. *Доира чалмоқ.* [49]

**Доира** – (ўзб. дапп, чилдирма, чирманда) – ўзбек, тожик ва уйғур халқлари орасида кенг тарқалган, товуш баландлиги ноаниқ урма чолғу асбоб.диаметри тахминан 400 мм бўлган, гардиши илгарилари узум зангидан қилинган; сўнгги вақтларда ёғочни эгиб ё кичик ёғоч бўлакларини бир-бирига улаб ясалади. Д.гардишига бузоқ ёки балиқ териси қопланади, қирқдан ортиқ ҳалқачалар тақилиб, булар Д.ни чалганда қўшимча садо беради. [50]



XIX асрнинг II ярмига келиб ўзбек анъанавий чолғуларини ўрганишга алоҳида аҳамият берила бошланди. Ўрта Осиё халқлари маданиятига қизиқиш Ғарб мамлакатларида ортиб борди ва у кўплаб мутахассисларнинг эътиборини тортди. Марко Поло, Вамбери, Анкомин, Лейсек, Эйхгорн каби саёҳатчи этнографлар, тарихчилар, сайёҳларнинг кундаликларида қайд этилган маълумотлар тўлдириб борилди ҳамда кейинчалик йирик тадқиқотларга айланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, XX асрга келиб чолғу ижрочилиги санъатида кенг оммалашган чолғуларни тадқиқ этиш узвийлик касб эта бошлади. Айниқса, истиқлол йилларида миллий чолғу асбобларини ўрганиш ва ёшларга ўргатиш, уларнинг бадиий - эстетик, маънавий - маърифий аҳамиятини кенг тарғиб қилишга эътибор кучайди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Президент Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил 2 февралдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-112-сон қарори.

2. Ўзбекистон мумтоз мусиқаси интернет сайти. Тўхтасин Ғофурбеков “Ҳазрат Навоийнинг мусиқий тафаккури” мақоласи.

[49] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-ж. Тошкент.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. Б.637.

[50] Акбаров И. Мусиқа луғати. Тошкент.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1997. Б.83.

4. С.Бегматов,М.Матякубов. Ўзбек анъанавий чолғулари. – Т.: Янги нашр, 2008.

5. «SCIENTIFIC PROGRESS» Scientific Journal. Ўзбек халқ чолғуларининг шаклланиш тарихи ва Шарқ мусиқашунос олимларнинг чолғу ижрочилиги санъатига оид илмий қарашлари.

6. Умаров Ш. Мусиқа чолғуларини ўрганиш. – Т.: Наврщз, 2018.

# ЛИТЕРАТУРНОЕ ВЫРАЖЕНИЕ УЗБЕКСКОЙ И КАЗАХСКОЙ ДРУЖБЫ

**Ниязметова Роза Хасановна**
**Доктор педагогических наук, профессор ТГУУЯЛ имени Алишера Наваи.**
**E- mail:mushtariy63@mail.ru**

**Аннотация.** Мақалада өзбек пен қазақ халқының мәңгілік мақсаттарға қол жеткізгенін, еңбекте асқан шыдамдылық танытқанын, сонымен бірге ұзақ мерзімді достық орната алғанын, сонымен қатар, бұл достық туралы екі халық әдебиетінде бұрыннан жазылып келе жатқаны айтылады. Мақалада қазақ ұлтына деген терең ризашылықты, олардың рухани ерекшеліктерін сипаттайтын өлеңдер талданады.

**Түйін сөздер:** достық, екі ұлт әдебиеті, Көкшетау, суреттеу құралдары, Мұхтор Әуезов, деталь, дәстүр.

**Abstract.** In the article the author states that uzbek and kazak nations have achieved everlasting goals, they showed great patient in labour, as well as this, they could establish long-lasting friendship. The article is said that this friendship has been written about in the two nations' literature for a long time. The poems describing a deep gratitude towards the kazak nation, their spiritual features are analyzed in the article.

**Key words**: friendship, two nations' literature, Kukchatov, means of description, Mukhtor Avezov, details, tradition.

Родственные корни узбекского и казахского народов отсчитываются с очень древних времен. Это родство, которое через века все укрепляется и развиватся, особенно проявляется в литературе. Великий казахский акын Абай в своих произведениях подчеркивает, что потрясен творчеством великого узбекского мыслителя Алишера Наваи и, что принает его своим учителем. Ведь неспроста его творение "Қора сўз" ("Черное слово") формой и содержанием близко к философско-дидактическому произведению Наваи "Маҳбуб ул-кулуб". Всем хорошо известно непрерывное воспевание этой дружбы в литературе обоих народов.

Особенно, родственные отношения казахско-узбекского народов бурно воспевались в XX веке. Крепкую дружбу между Гафуром Гулямом и Соьитом Мукановым можно назвать квинтэссенцией близости между двумя народами. Не только дружба при жизни великих деятелей искусства, но и их смерть до сих пор служит своеобразным примером школы содружества. Гафур Гулям завещает своему другу Собиту Муканову "Если я умру, то ты меня похорониш", и его друг исполнит завещаение своего брата. Спустя время, когда помрет Собит Муканов,

писатель Носир Фозилов принесет горсть земли из могилы Гафура Гуляма, которую прикладывают к изголовью Собита Муканова. Эта близость, которая редко наблюдается даже у родных братьев, не только отражает личные отношения, но и проявляется как врожденные родственные отношения между нащими народами.

Гафур Гулям в своем стихотворении "Қозоқ элининг улуғ тўйи" ("Великий туй казахского народа") наряду с несравненными достижениями, непреклонности казахского народа, бурно воспевает древнюю дружбу узбекского и казахского народов:

Бир китобнинг икки бети-
Туташгандир еримиз.
Бир-бировга кундай равшан
Аёнимиз, сиримиз.

(Наши земли соединяются как две странички одной книги. Ясны как божий день друг-другу наши тайны и сокровенные мечты).

Дружба такого узбекского литератора, как Айбека, который с детства был знаком с казахским народом, его жизнью, с могущественным казахским литератором Мухтором Авезовым, выступает как пример двух близких единомышленников. Близость в их личностях привела к творческому сотрудничеству, к созданию оригинальных произведений близкого направления. Если Айбек в своем романе создал образ великого Наваи, то Мухтор авезов изобразил образ великого Абая в виде эпопеи. Также, в автобиографической повести "Детство" ("Болалик") показал жизненные корни связи двух народов в новейшей истории. А в его поэме "Бахтигуль и Согиндик" ("Бахтигул ва Соғиндиқ") с большой любовью и мастерски отразил жизнь казахского народа, его обычаи, образы стремящихся к свободе парней и девушек. Образы сердечно любящих друг-друга, достигших своих целей в результате в неравном бою Бахтигуль и Согиндика заняли глубокие места сердец узбекских книголюбов.

Узбекский поэт Миртемир, родившийся в бескрайей казахской земле был хорошо знаком с прошлым, сегодняшним днем, обычаями, духовными ценностями, литературой и искусством этого народа. Миртемир на ряду с тщательным изучением таких классических литераторов Абая, Джамбула, лично знал, даже крепко дружил с Мухтором Авезовым, Собитом Муконовым, Габитом Мусреповым, Абдулла Тожибоевым, Аскаром Тукмагамбетовым, Сирбоем Мауленовым, Ғафуром Кайирбековым, Жубаном Молдагалиевым и другими. Поэтому в творчестве Миртемира немало произведений, в которых отражается жизнь и деятельность казахского народа и глубокое уважение к этому этносу. Поэтому с своих стихотворениях "Қозоғим" ("Мой казах"), "Қор қўмсаш" ("В ожидании снега"), "Обой-бобой" ("Любимый дедуля"), "Мухтор оға мотамида" ("На поминках брата Мухтара"), "Собит оға" ("Брат Собит"), "Гул кўчат" ("Саженцы цветов"), "Қарқаралик" ("Как цапля"), "Рашк" ("Ревность"), "Тортиқ" ("Подношение") поэт в художествнных образах олицетворяет вековые родственные отношения узбекского и казахского народов, искренные дружественные чувства и мысли [Қурбонбоев 1981: 12].

В марсие (в стихотврении, посвященном умершому) Миртемира "Муҳтор оға мотамида" ("На похоронах брата Мухтора") особенно ярко проявляется

стерень его любви к казахскому народу. Поэт в образе Мухтора Авезова вид не просто образ литератора, а несравненную личность, воплошающую в себе самые лучшие качества казахского народа, тюркского мира. Именно поэтому поэт искренно и под впечатлением выражает, что смерть Мухтора Авезова не только разлука для казахского народа, но и невосполнимая потеря для всех родственных народов. При этом поэт уместно и со знанием испоьзует средства изображения и систему деталей, свойственную казахской устной литературе:

Йиғла, қозоқ юрти, кўз ёшингни тўк,
Айрилдинг карвонинг бошида нордан.
Не нор, юксак учган тенгсиз шунқордан,
Тобути ёнида нор сингари чўк,
Айрилдинг Мухтордан…

(Плачь, казахский народ, проливай слезы, Потерял верблюда в истоках каравана, не только верблюда, а великого несравненного богатыря, преклони колени у гроба его как верблюд, потерял Мухтора…)

Поэт не только сочувствовал горю братского народа, а это горе и разлуку принимал как свое. Поэтому иногда призывает своих слез литься сильнее, а иногда несвоевременно поседевшие волосы седеть еще более сильнее. Лирический герой желает, чтобы масштабы его горя соответствовали масштабам потери такого человека как Мухтор:

Элининг алп ўғли, алп қозоқ ўғли,
Кўз юмди мангулик… оқ, ҳей кўз ёшим,
Оқаргин, эй, бевақт оқарган бошим,
Сеҳргар меҳнатнинг чўнг, уйғоқ ўғли
Ҳам қандоқ ўғли!

(Казахский сын, богатырь сомкнул свои глаза навечно, пусть льются мои слезы, пусть сильнее седеют несвоевременно поседевшие мои волосы, помер трудолюбивый сын, о какой сын!)

В стихотворении многогранно выражается состояние лирического героя, находящегося в объятии невоспонимой разлуки. Он иногда не осознает что делает, а иногда не знает что ему делать. Истинно духовное состояние человека, впавщего в реку забвения во всех аспектах проявляется в стихотворении:

Йиғла!... Йўқ, йиғлама, кўз ёшингни арт,
Фақат эртанинг ҳам қайғусини е,
Қараб турганларга қараб дангал де:
Сен ҳам Мухтор каби тер тўкмоғинг шарт,
Бўлди алифбе! [Миртемир: 1990: 84-83].

(Плачь! Нет, не плачь, вытри слезы, только позаботься и о завтрашнем дне, открыто скажи тем, кто смотрит на тебя: Ты тоже должен трудиться в поте лица)

В стихотворении, из которого стекает бесконечное челевеческое горе, ярко проявлется художественно-эстетическая концепция поэта: даже смерть брата Мухтора должна служить возбуждению, сплочению и мотивации людей, призывать к заботе о завтрашнем дне. Из выдумки стихотворения вытекает мысль о том, что человек с несравненной любовью к такому деятелю искусства должен трудиться как он добросоветсно и приносить пользу своему народу! Такое кредо является главным требованием жизни, азбукой жизни.

Также и в творчестве поэтессы Зульфии, как и множество поэтов нашей страны, имеется ряд стихов, отражающих почтение к казахскому народу, его добрым духовным качествам. Ее сборник стихов “Юрак ҳамиша йўлда” (“Сердце всегда в пути”) можно сказать, полностью выступает как символ уважения к казахскому народу. Чувства и мысли поэтессы о бесконечной казахской земле, к людям своеобразной природы и характера, проживающим на этой земле, отражаются в множестве стихов, как “Қозоғистон ўланлари” (“Песни Казахстана”), “Кўкчатов” (“Кукчатов”), “Булут ўйини” (“Игра в облака”), “Қармоқ” (“Удила”), “Балхаш оқшоми” (“Вечер Балхаша”), “Укпар жиғали” (“С перышкой павлина”), “Қатра” (“КАпелька”) и т.д.

Поэтесса в стихотворении “Кўкчатов” (“Кукчатов”) искуссно и мастерски изображает природу:

Кўкчатов тавсифин қозоқдан сўранг,
Менинг қалбим кўчиб, қамашди кўзим.
Нур макри, сув акси, ишқдай мовий ранг-
Табиат қулига айландим шу зум. [Зулфия: 2006,51-52]

(О красоте Кукчатова спросите у казаха, глазам своим не верю. Магия света, отражение воды, голубой цвет любви – првератилавь в рабыню природы в этот миг я.) В стихотворении воспевается не сама красота природы, а своеобразные неповторимые духовные качества людей, проживающих в лоне такой красивой местности. В стихотворении “Қозоғистон ўланлари” (“Казахские песни”) жалеет о недостаточном знании родной страны и ее людей. Сетует о невозможности объехать необъятный край со скоростью ветра, о том что не знает каждый метр этого края, значит о том, что живет не входя в юрту родных, а значит в их души:

Нечун шамол каби тезмас қадамим?
Кўзу қулоқ бўлиб кезмайман тинмай?
Нечун саҳро сўзин, тошлар нафасин,
Дўстлар ўтовларин яшайман билмай?

(Почему мои шаги не так быстры как ветер, почему не могу услышать и увидеть этот край, почему живу не зная юрту друзей, слово пустыни и дыхание камней?)

Поэтесса, осознавшая, что познать основные аспекты родного народа только при условии, если войти внутрь этого народа, пишет: “*Смотрите, с Алатова падает песня, Я открою душу свою, желающую песню*”.

Зулфия в своем стихотворении “Қармоқ” “Удила” из цикла “Казахстан” поэтически изображает что любовь родного народа прицепила ее на крючок:

Қозоғистон, қармоғинг
Сеҳр экан тушиб қолдим.
Балиқмасман, қурғогинг
Қуёшингдан тоб олдим.

(Казахстан, товя удила оказалась магической и зацепила меня, я не рыба, одна согревалась на твоих берегах под Солнцем)

То, что зацепило поэтессу в удилу – тепло солнца любви. Поэтому на следующем куплете стихотворения подчеркивает, что сама подошла к этой удиле любви:

Мен меҳр қармоғига
Ўзим келиб тушаман.
Чунки, ҳис туғёнидан
Жон топаман, жўшаман.

(Я сама цепляюсь к удиле любви, Потому что чувствую эту любовь)

Зульфия в последнем куплете стихотворения на действительность смотрит с поэтической точки зрения, показывая ее выпуклым образом, своеобразно выражает свою любовь к казахской земле:

Қармоғингни чуватиб,
Тўқидим ундан ўлан.
Зора бир ўтовингда
Қололсам ўлан билан [Зулфия 1974: 213].

(Запутывая твою удилу, сплела из нее песню, с надеждой остаться в одной из твоих юрт с песней)

Запутывая удилу, сплести из нее песню, с надеждой остаться в одной из юрт с песней выступало как пик выражения своего уважения к родственной стране и родному народу.

Ученый-методист Е.Абдувалитов в своей монографии "Методологические основы сравнительного изучения литературы родственных народов в национальных школах" ("Миллий мактабларда қардош халқлар адабиётини қиёсий ўрганишнинг методологик асослари") подчеркивает, что "... в узбекской литературе создано множество литературных произведений о жизни и деятельности родного казахского района, его связей с узбекским народом, которые насчитывают многие тысячалетия. Образ Жамбула, созданный Каримом Ахмади, который одним из первых затронувший казахскую тему в узбекской литературе, является успешным достижением автора. Также он подчеркивает, что образ быта и культуры, гостепреимства, добродушия казахского народа, красота городов, гор и холмов Казахстана справедливо отражены в произведениях М.Шайхзода "Жамбул" ("Джамбул"), Юсуфа Ҳамдама "Икки шеър" ("Два стихотворения"), Н.Нарзуллаева "Менинг Қозоғистоним" ("Мой Казахстан"), О.Исмоилова "Мен ҳам Қозоғистон ўғлиман" ("Я тоже сын Казахстана")"[Абдувалитов: 62-63].

Традиция воспевания жизни, образ быта и деятельности казахского народа, вохсваления дружбы двух народов продолжалась в творчестве таких узбекских авторов как Аскад Мухтор, Мирмухсин, Жуманиёз Жабборов, Шухрат, Носир Фозилов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Халима Худойбердиева. Например, известная узбекская поэтесса Халима Худойбердиева в своем стихотворении "Казахским друзьям" ("Қозоқ дўстларга") [Худойбердиева 2000: 354], которое прочитала в своем выступлении на закрытии мероприятия "Дни Казахстана", которое проводилось в Узбекистане в 1995 году бесподобно выражает истинную любовь к казахскому народу:

Бизлар асли бир онанинг
Эгиз болаларимиз.
Жоҳилликка, қонхўрликка
Бигиз болаларимиз.

(На самом деле мы дети – близнецы одной матери, выступаем как шило против насилия и кровопролития).

Как видно, дружба меду узбекским и казахским народами носит непрерывны и вечный характер. Мы лишь желаем, чтобы современные представители этих двух литератур, без отклонений следовали традициям сових предков и еще более уплотнят эти два родственные народы.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Б.Қурбонбоев.Миртемир дўстлик ва қардошлик куйчиси. Тошкент, 1981, 12-бет.
2. Миртемир. Оҳ, менинг ўзбаки юрагим. -Тошкент, 1990. 84-85-бетлар.
3. Зулфия. Тонг билан шом аро. Сайланма.Тошкент, Шарқ, 2006,51-52-бетлар.
4. Зулфия.Биринчи том. Шеърлар.Тошкент, 1974,213-бет.
5. Е.Абдувалитов. Миллий мактабларда қардош халқлар адабиётини қиёсий ўрганишнинг методологик асослари.Тошкент, Фан,2008, 62-63-бетлар.
6. Худойбердиева Ҳ.Сайланма. Тошкент, Шарқ, 2000,354-бет.

# ФАРҒОНА АДАБИЁТШУНОСЛИК МАКТАБИ: КЕЧА ВА БУГУН

**Қосимов Абдуғафур Абдукаримович,**
**филология фанлари доктори, профессор**
**Ўзбекистон, Фарғона давлат университети**
**Тел: +99 891 657-08-24 e-mail**: abdugapir_kasimov@mail.ru

**Anotation.**This article provides information about the history and today of the Fergana School of Literary Studies. Its place and position in Uzbek literary studies is analyzed on the example of scientific works of the scholars of the Department of Literary Studies of Fergana State University. It is shown that this department of Fergana State University forms the basis of valley literary studies.

**Key words:** literary studies of Ferghana, B.Choponzoda, A.Sa'diy, A.Rahimov, Y. Solijonov, A.Sabirdinov, H.Joraev, A.Kasimov

**Аннотация.** Бұл мақалада Ферғана әдебиеттану мектебінің тарихы мен бүгіні туралы мәліметтер берілген. Оның өзбек әдебиеттануындағы орны мен орны Ферғана мемлекеттік университетінің әдебиеттану кафедрасы ғалымдарының ғылыми еңбектері мысалында талданады. Ферғана мемлекеттік университетінің бұл кафедрасы аңғарлық әдебиеттану ғылымының негізін құрайтыны көрсетілген.

**Түйінді сөздер:** Ферғана әдебиеттану, Б.Чопонзода, А.Са'дий, А.Рахимов, Ю.Солижонов, А.Сабирдинов, Х.Жораев, А.Қасимов.

Ҳар бир миллат, ҳар бир ҳудуддан ўша жойнинг табиатига мос, халқининг маданият ва тафаккур даражасини белгиловчи фан ва санъат намояндалари етишиб чиқиши кўп бор исботланган. Шунингдек, санъат ривожланган жойда уни англаш, ўрганиш ҳам ривожланади. Фарғона замини мана шундай олим-у санъаткорлар юрти эканлиги билан ажралиб туради.

Фарғона адабиётшунослик мактабининг тарихи Фарғона давлат университети таркибидаги Адабиётшунослик кафедраси фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки бу илм даргоҳи ўтган тарих давомида етук адабиётшунос олимларни ҳаммаслак сифатида ўзида бирлаштириб келган. Адабиётшунослик кафедраси 1930 йилда институт билан биргаликда тенг фаолият бошлаган отахон кафедрадир. Унинг биринчи мудири Бакир Чўпонзода 1930-35 йилларда кафедрани бошқарган. 1935-37 йилларда профессор Абдураҳмон Саъдий мудирлик қилган. Кафедра фаолиятининг дастлабки йилларида мумтоз адабиёт поэтикаси масалалари кенг ўрганилиб, ўзига хос мактаб яратилди. Бу мактабнинг етук вакиллари сифатида академик Воҳид Абдуллаев, етук олимлар Акромжон Иброҳимов, Ў.Холматовлар етишиб

чиқдилар. Айтиш керакки, мустабид тузум даврида кафедрада мумтоз адабиёт намуналарини ўрганиш ўзига хос жасорат эди. Чунки мумтоз асарларимиздаги юксак бадиият, маънавий илдиз, ўзликни тадқиқ этиш мустақиллик томон қўйилган қадам эди. Бу ишга бош бўлган Б.Чўпонзода, А.Саъдийларнинг илмий фаолияти кейинчалик мустақиллик йилларида кенг ўрганилди. Адабиётшунос олим Баҳодир Каримов Б.Чўпонзода бўйича Қрим ва Бокуда мақола ва чиқишлар эълон қилган бўлса, А.Саъдий ижоди бўйича номзодлик диссертацияси ёқланди.

1949 йилдан кафедра мустақил фаолият кўрсата бошлади. Унга янги иқтидорли тадқиқотчилар жалб этилиб, бу тез орада ўз натижасини берди. 70-йилларнинг ўрталарига келиб, кафедрада илмий даражага эга бўлганлар сони олтмиш фоиздан ошди.

Фарғона, умуман, ўзбек адабиётшунослиги тарихида ф.ф.д Азим Раҳимовнинг ўзига хос ўрни бор. Устознинг саъй-ҳаракатлари билан бутун Ўзбекистонда тан олинган поэтика мактабига асос солинди. Домла кафедрани бошқарган йилларда адабиёт назариясига оид кўплаб илмий ишлар амалга оширилди. Унинг 1994 йилда ҳимоя қилинган “Ўзбек романи поэтикаси (сюжет ва конфликт)” мавзусидаги докторлик диссертацияси ўзбек адабиётшунослигида ҳозиргача илмий қимматга эга. 1996 йилда устоз ташаббуси билан Халқаро анжуман ташкилланди. Кафедра қошида аспирантура очилиб, бугунги кундаги салоҳият шаклланишига пойдевор яратилди. 1998-2005 йилларда университетнинг филология факультети иқтидорли талабалари учун Азим Раҳимов номидаги стипендия ташкил этилди. Ҳозирги кунга қадар устоз асос солган поэтика мактаби давомчилари томонидан бир нечта докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган бўлиб, бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

Кафедра илмий салоҳиятининг улкан кўтарилиш даври мустақиллик йилларига тўғри келади. Бу йилларда кафедра аъзоларидан 7 нафари фан доктори, 8 нафари фан номзоди илмий даражасига эга бўлдилар. Уларнинг тадқиқотлари ўзбек ва жаҳон адабиётининг долзарб муаммоларига бағишлангани билан ажралиб туради. Бу ўринда фан доктори, профессорларнинг асосий илмий йўналишлари ҳақида тўхтаб ўтиш лозим бўлади.

Адабиёт илмидан хабардор бўлганларга яхши маълумки, адабий жараёнда фаол бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Устоз Й.Солижонов мана шундай фаол адабиётшуносдир. Устознинг йилига ўнлаб мақола, икки учтадан рисолалар эълон қилиши, серғайратлиги ёшларнинг ҳам ҳавасини келтиради. Домланинг тадқиқотларида бадиий асарга биографик ва социологик ёндашув руҳи устуворлик қилади.

Ф.ф.д., профессор А.Сабирдинов кафедрадаги назарий поэтика мактабининг мустақиллик йилларидаги вакилидир. Унинг номзодлик ва докторлик ишлари поэтика муаммоларига бағишланган бўлиб, уларда Ойбекнинг шеърий маҳорати таҳлил этилади.

Ф.ф.д., профессор Ҳ.Жўраев мумтоз адабиёт тадқиқотчиси сифатида илмий жамоатчиликка яхши таниш. У нафақат Фарғонада, балки бутун водийда ягона навоийшунос олимдир. Унинг тадқиқотларида мумтоз бадииятни нозик ҳис қилиш, нуктадонлик сезилиб туради.

Жаҳон адабиёти ва қиёсий адабиётшунослик тадқиқотчиси ф.ф.д., профессор А.Қосимовнинг илмий фаолияти асосан адабий алоқалар тадқиқи, тарихий-қиёсий метод, илмий ўзбек-француз адабий алоқалари, хусусан А. де Сент-Экзюпери ва А.Камю ижоди муаммоларига бағишланган. Унинг таҳлилларидаги илмий академизм, бадиий асарни жаҳоний ракурсларда тушуниш ва тушунтириш адабиётшунослигимизнинг ютуғидир.

Қаҳҳор Юлчиев Замонавий ўзбек шеъриятида бирлик ва учлик жанри поэтикасини жаҳон шеърияти контекстида таҳлил қилган. Шу билан бирга, замонавий ўзбек шеъриятидаги бадиий мақом ва вақт категорияси ўрганилган.

Гўзал Муҳаммаджонова ижодкор шахс концепцияси тадқиқини мустақиллик даврида яратилган романлар мисолида олиб борган.

Ибодат Рустамова тадқиқотлари драма назарияси ва Абдулла Қаҳҳор насри поэтикаси масалаларини қамраб олади.

Абилжон Абдураҳмоновнинг илмий фаолияти ўзбек адабиётида нур ва ранг концепти тадқиқига бағишланган.

Зокиржон Раҳимов асосан тарихий роман поэтикасига бағишланган тадқиқотлар муаллифи бўлиб, унда О.Ёқубов романлари жаҳон адабиётидаги тарихий романлар контекстида таҳлил этилган.

Сўнгги беш йилликда мамлакатимизда илм-фанга берилган юксак эътибор, илмий тадқиқот йўлидаги ислоҳотлар Фарғона адабиётшунослигига ҳам сезиларли таъсир ўтказди. Янги Низомга мувофиқ ўнлаб PhD ва DSc ишлари муваффақиятли ҳимоя қилинди. Жумладан, ўтган давр мобайнида кафедранинг 10 нафар аъзоси филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), 3 нафар аъзоси филология фанлари доктори (DSc) илмий унвонига сазовор бўлдилар. Натижада кафедранинг илмий салоҳияти етмиш фоизга кўтарилди. Олиб борилган тадқиқот мавзулари адабиётшуносликнинг барча таркибий қисмларига тегишли бўлиб, уларда поэтика, жанрлар, бадиий образ, бадиий услуб масалаларини атрофлича ўрганиш устувордир.

Кафедра тарихига назар ташлар эканмиз, унда ўзбек адабиётшунослигига улкан ҳисса қўшган 2 нафар академик, 10 га яқин профессорлар, фан доктори ва кўплаб номзодларнинг етишиб чиққанини ва улар Фарғона адабиётшунослик мактаби ўзагини ташкил этишини кўришимиз мумкин. Бугунги кунда ҳам устоз-шогирдлик анъанаси асосида кафедрада илмий тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда. Ўнга яқин докторант ва мустақил изланувчилар адабиётшуносликниг янги ва долзарб масалалари устида изланишлар олиб бормоқда. Жумладан, кафедра тарихида илк бор фольклоршунослик ва мифопоэтика, мумтоз адабий жанрлар бўйича янги тадқиқотлар яратилмоқда.

Юқоридагилар асосида таъкидлаш лозимки, фарғоналик олимлар адабиётшунослик илмининг кўплаб соҳаларида самарали фаолият олиб бормоқда. Лекин ўзбек адабиётшунослигининг узвий қисми сифатида жаҳон замонавий адабиётшунослигининг долзарб йўналишларида изланишлар олиб бориш зарурдир. Хусусан, герменевтика, структурал таҳлил, қиёсий таҳлил бўйича илмий изланишлар олиб бориш Фарғона адабиётшуносларининг долзарб вазифалари саналади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Солижонов Й. Фарғона адиблари. Фарғона, 2005. – 124 бет.

2. Фарғона давлат университети. (Библиографик маълумотлар). Фарғона, 2015, - 408-бет.
3. Фарғона филология мактаби. Фарғона, 2015. – 128 бет.

# “ҚИЁМАТ”НИНГ “ҚИЁМАТ” ТАРЖИМАСИ: МИЛЛИЙЛИК ВА УСЛУБИЙ ИЗЛАНИШЛАР

**Султонмурод ОЛИМ,**
**филология фанлари доктори,**
**Тошкент амалий фанлар университети профессори,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

**Аннотация.** Туркий халқларнинг жаҳоний шуҳратга эга буюк адиби Чингиз Айтматов қаламига мансуб “Қиёмат” романини ўзбекчага атоқли таржимон, филология фанлари номзоди, бугунги кунда Ўзбекистон санъат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров ўгирган. Роман рус тилида ёзилган бўлса ҳам, асарда, асосан, қирғиз халқи ҳаёти акс эттирилган. Бу эса таржимонга уни ўзбекчага янада миллийлаштириб қайта яратиш имконини берган. Бунинг учун у ўзбек тилининг бой бадиий фазилатларини ишга солган. Шу тариқа ўзбекчада “Қиёмат” романининг “қиёмат” таржимаси юзага келган. Бунинг учун таржимон кўплаб услубий изланишларни амалга оширган. Ушбу маърузада муаллиф шуларни атрофлича кўрсатиш ва илмий жиҳатдан исботлашга ҳаракат қилган.

**Калит сўзлар.** Чингиз Айтматов, “Қиёмат” романи, Иброҳим Ғафуров, таржима, услуб, изланиш, қайта яратиш, бадиий имконият, халқона ифода, насрий оҳангдорлик.

**Аннотация.** Роман “Плаха” великого писателя тюркских народов, имевщегося всемирную знаменитость Чингиза Айтматова перевел на узбекский язык выдающийся переводчик, кандидат филологических наук, ныне Деятель искусства Узбекистана, Герой Узбекистана Ибрахим Гафуров. Хотя роман написан на русском языке, в нем, основном, изображена жизнь киргизского народа. А это дало возможность переводчику более адекватно воссоздать национальный колорит оригинала. Для этого он использовал богатые художественные особенности узбекского языка. Таким образом на узбекском языке появлялся великолепный перевод романа. В процессе воссоздания этого романа переводчик осуществил многие стилистические искания. В данном докладе автор стремился всесторонне показать и научно доказать этого.

**Ключевые слова.** Чингиз Айтматов, роман “Плаха”, Ибрахим Гафуров, перевод, стиль, искание, воссоздание, художественная возможность, народное изречение, прозаичная ритмика.

Бу дунё, бу Еру кўк фақат одамзодгагина берилган эмас. Ҳайвонот олами, каттаю кичик ҳар бир гиёҳ, борингки, жонсиз тоғу тош ҳам ҳаёт учун яралган – яшаши керак. Инсон – жамики борлиқнинг олий мавжудоти. Лозим бўлса, у бутун борлиққа хўжайинлик ҳисси билан боқади, ҳамма нарсани ўз манфаатига бўйсундиришга интилади.

Қуръоннинг 2-сураси 32-оятида ривоят қилинишича, Худо барча фаришталарга Одам Ато олдида бош эгишни буюрган. Бундан бўйин товлагани учун Иблиснинг гарданига тавқи лаънат тушган. Демак, инсон бу дунёда инсон бўлиб яралгани учун ҳар қанча шукроналар айтса – оз.

Лекин Еру осмонга хўжайинликнинг, ҳамма нарсани ўз манфаатига хизмат қилдиришнинг ҳам чек-чегараси – бор. Одам боласи, кун кўраман, деб, нафс кетидан қувиб, дунёда яшаш учун яралган жамеки нарсаларга қирон келтирди ҳисоб. Бу – аччиқ ҳақиқат. Набоботу ҳайвонот оламининггина эмас, қизиқки, одамзоднинг ҳам кушандаси – одам.

Аммо инсонлар хатти-ҳаракати иккига – яхши ва ёмонга бўлинади. Дунё – яхшилик билан ёмонликнинг абадий курашидан иборатдек. Ёмонлик ҳамиша ёмонлик келтиради. Бирининг касри мингга уради. Ёмонлик яхшиликни ҳам ёмонликка айлантира олади.

Ўзимизнинг Марказий Осиёдан чиққан буюк адиб, жаҳоний шуҳрат соҳиби Чингиз Айтматовнинг "Қиёмат" романида бу қарашлар ўзининг ўта ҳаётий исботини топган. Бозорбойнинг нафс коми учун жигаргўшаларидан ажраб қолган бўрилар, яъни Акраба билан Тошчайнар не кўйларга тушмади? Уларнинг нолаю фиғонидан юрак бағри эзилиб кетган Бўстон, ғурурини енгиб, Бозорбойдан бўривачаларни ялиниб сўради. Чўпоннинг-ку душмани – аслида, бўри. Лекин Бўстон Акбара билан Тошчайнарга яхшилик қилмоқчи эди. Афсус, Бозорбой бўричаларни қайтариб бермади.

Охири нима бўлди? Охири Бозорбойнинг гуноҳи учун бўри Бўстоннинг жону жаҳони – яккаю ягона боласини олиб қочди. Ўлдирмоқ учун эмас, азбаройи оналик ҳисси жўш уруб шундай қилди. Бўстон боласини қутқариш илинжида бўрини отди. Таассуфки, у Акбаранинггина эмас, ўз эркаси – Кенжашнинг ҳам қотилига айланди. Кейин Бозорбойни ҳам, охири ўзини ўзи ўлдирди…

Ёки Исо(а.)ни олинг. У, одамлар қалбига эзгулик уруғини сочаман, деб, не кўйларга тушди. Исо (а.) охиратда осмондан тушиб, гуноҳкор бандаларига жазо беради, деган ақида – бор. Рамзан Авдий Калистиратовни, бизнинг замонда қайта тирилган Исо, деб фараз қилсак, у гуноҳкорларга жазо бериш у ёқда турсин, ўзи ҳам ёвуз одамлар томонидан, худди, Исо, деб ўйлаб, унга ўхшаш бўлган Тартусни дорга осганлари сингари, саксовулга бойланди.

Назаримда, асар – бошдан-охир одамзоддаги яхшилик ва ёмонлик кучларининг ўзаро курашидан иборат. Эҳтимол, ҳаётнинг бош мазмуни ҳам шундай кураш замирига яширингандир. Яхшилик осонлик билан ёмонликка айланиб кетаверади, лекин ёмонликнинг яхшиликка айланиши – амри маҳол

Роман воқеаларини шунчаки гаплар, шунчаки талқин деб тушунмаслик – керак. Унда бир халқ, бир мамлакатни эмас бутун бани башарни ўйлатадиган масалалар кўтарилган. "Ҳей, одамлар! Кўзларингизни очинглар! Ҳар бир қадамимиз, ҳар бир ишимиз учун келажак олдида жавоб берамиз. Дунё ўч олади. Табиат ўч олади. Чунки ҳеч бир гуноҳ жавобсиз қолмагай. Бирники мингга уради: одам боласининг ҳар бир гуноҳи учун бутун одамзод жавоб беришига тўғри келиши – мумкин. Буни унутмайлик!" – деб даъват қилаётгандек бўлади ёзувчи.

Бу – романдан келиб чиқадиган битта хулоса, холос. Асар эса – бундай хулосаларга жуда бой. Ҳар бир давр ундан ўзига керакли мантиқ чиқариб

олаверади. Қолаверса, романни ўқиган ҳар бир киши уни ўзича талқин қилиши, ўзича тушуниши, ундан ўзича хулосалар олиши – турган гап. Шу маънода таржимон ҳам – аввало, ўқувчи. Лекин у – муаллифлик даражасига кўтарилиши шарт бўлган, таъбир жоиз бўлса, шунга "маҳкум этилган" китобхон. Барибир, ҳар қандай таржима – таржимоннинг мустақил талқини. Шу жиҳатдан қараганда, биз "Қиёмат" романининг Иброҳим Ғафуров талқинига эгамиз. Назарий нуқтайи назардан эса "Қиёмат"нинг, айтайлик, Ваҳоб Рўзиматов, Қодир Мирмуҳаммедов, Асил Рашидов, Низом Комилов ва бошқа таржимонлар талқинларига ҳам йўл очиқ эди.

"Қиёмат" таржимасининг биринчи ютуғи – роман илк бор журналда чоп этилганидан бир йил ўтар-ўтмас ўзбек тилига ўгирилди. Иккинчи ютуқ – шуки, И. Ғафуров уни таржимонлик маҳорати айни қиёмига етган бир паллада амалга оширди. Бу таржимон ҳамиша жаҳон адабиётининг мумтоз асарларига қўл уради. Унинг Э. Ҳемингуэй "Чол ва денгиз"ию "Алвидо, қурол"и, Ги де Мопассан "Азизим"и, Ф. Достоевский "Жиноят ва жазо"сию "Телба"си таржималарида шаклланган жозиб услуби – бор.

Таржима учун филологик илмнинг – сўзшуносликнинг ҳам аҳамияти катта. Ҳар қандай таржимон – иш жараёнида асарни, аввало, филолог сифатида таҳлил қилишга мажбур. Бу маънода ҳам "Қиёмат" ўз таржимонининг қўлига тушган. Иброҳим Ғафуров шунча йиллар адабий танқид соҳасида қалам тебратиб, сўз санъатидан излаганларини қисман шу асардан топган бўлса ҳам, ажаб эмас. Адабиётдан эса ҳар ким ҳар нарса кутади.

Ч. Айтматов ғояларини, ҳаёт ҳақидаги қарашларини мутлақо ҳазм қилолмайдиганлар – ўзини, соҳиби қалам, ҳисоблаб юрганлар орасида камми, дейсиз? Ана шундайлар Ч. Айтматовнинг бу асарини кўнгилдагидек таржима қила олармиди?

Романнинг ўзбекчасини ўқиб, адибнинг дарди таржимоннинг ҳам дардига айланиб кетганига тўла амин бўласиз. Асар, ялпи олганда, тушуниб, ичига кириб, берилиб, ёниб, қисқаси, юракнинг қони билан таржима қилинган. Романнинг ўзбекчасини ҳам шунчаки, бефарқ ўқиш – қийин. У китобхонни аслиятдек ўзига тортиб кета олади. Тасаввуримизда ёвузлик тимсоли бўлиб шаклланган ваҳший бўриларнинг фарзанд доғида "увв" тортганлари тасвирланган саҳифаларда бўрилар дардига ҳамдардлик қилгингиз келади, кўнглингиз бўшроқ бўлса, тўйиб-тўйиб йиғлайсиз, камида, кўзларингизда ёш айланади. Бунинг учун эса таржимон сўз соҳири, яъни санъаткор бўлиши – керак.

Хўш, таржимоннинг сўз санъаткорлиги қандай ёхуд айнан нималарда кўринади? Буни муайян далилларсиз аниқлаш – мушкул. Таржимани аслиятга қиёслаш натижасида эса И. Ғафуров маҳоратининг турли-турли қирралари намоён бўлади.

Таржимон асардаги сўзларга ёпишиб олмайди. Маълум маънода, эркин қалам тебратади. Бу эса унга ўзбек бадиий тили эришган бойликларни ишга солиб юбориш, миллий сўз қудратини ошкора намойиш этиш, ижодкор сифатида ўз захирасида бор калималарни ўрни-ўрни билан қўллаб, мақсадга эришиш учун кенг имкон яратган. Ўзбекона тасвир эса баъзан, ҳатто, аслиятга нимадир қўшиш, ундаги ниманидир сал бошқачароқ ифодалаш, борингки, ниманидир ундан соқит қилиш эвазига амалга ошади.

"Люди, люди-человекобоги!" (1, 11) – жумласида муаллифнинг ҳаяжони сезилиб турибди. Таржимон уни ўзбекона ундов сўз билан бошлаб, янада жонли ва кучли ифодага эришади: "О, одамлар, одамлар-одамхудолар!" (2, 385). "О" ундови, "одам" (уч бор қўлланган) ва "Худо" сўзларидаги "о" товушлари билан ўзгача уйғунлик, яъни ҳамоҳанглик касб этган.

Тил характер яратади, қаҳрамон ички дунёсини очади. Наша йиғишга борган болаларнинг бошлиғи чапани жиноятчи Гришан диёнатли Авдийга: "Не заливай!" (1, 119) – деб бақиради. Бу: "Кўп лоф ураверма!" – деган маънода келган. Таржимон уни: "Дийдиё қилма!" (2, 385) – деб ўгиради. Бу худобехабарни дин йўли билан тарбияламоқчи бўлган Авдийнинг гаплари, чиндан ҳам, унинг учун "дийдиё"дан бошқа нарса эмас-да.

Персонажлар нутқини қайта яратишда таржимон кўпинча ўзбекона сўзлашув мантиғидан келиб чиқиб, иш кўрган. Гришан яна Авдийга шундай дейди: "Но, смотри, что бы наши с тобой пути никогда больше не пересеклись!" (2, 116). Таржимон сўзлар эмас, маъно билан иш кўрган: "Лекин ўнг қулоғинг билан ҳам, чап қулоғинг билан ҳам яхшилаб эшитиб ол: бошқа ҳеч қачон бизга яқин йўлама!" (2, 382).

Таржимага ҳамиша аслият тилининг таъсирига тушиб қолиш хавф солиб туради. Бу эса тилда сунъийликни юзага чиқариши – мумкин. Айниқса, диалогларда нутқ – жуда табиий бўлиши, қаҳрамонлар таржима тилида ҳам ҳаётдагидек гапириши – керак. Ахир, бир фикрни турли хил айтиш – мумкин-да. Таржимон эса шу вазиятдаги энг мосини топишга интилади. Аслиятдаги лисоний шакл айнан олинганда таржима тилида ўша маънони бермаслиги – кўп учрайдиган ҳодиса. Авдий эслаган "Олтовлон ва еттинчи" деган грузин ҳикоясининг сўнгроғида шундай жой – бор:

" – Слушай, Сандро, – Заметил Гуран Джохадзе, – дрова ты хорошие собрал, сильно горят, но почему ты оставил их так далеко от костра?

– Не беспокойся, Гурам, это моя забота, – отвечать за огонь буду я. **А ты скажи свое слово**" (1, 62 – 63. Маъруза матнида келтирилган парчалардаги барча таъкидлар – бизники. – **С. О.**).

Вазият шундайки, Сандро – чекист. У ўз Ватанини ташлаб, чет элларга кетишга мажбур бўлаётган Гурам Жўхадзе бошлиқ ана шу олти кишини ўлдириши – керак. Сандронинг ўтинларини бира-тўла гулханга ташламагани, узоқроққа қўйгани ҳам – шундан: эҳтимол, кейин керак бўлиб қолар. "А ты скажи свое слово"ни ҳам Сандро Жўхадзенинг охирги бор сўзлаётганини билиб туриб айтади. Лекин буни Гурам Жўхадзе қаёқдан билсин? Таржимон ана шу вазиятларни тўла ҳисобга олиб ўгирган:

" – Ҳей, Сандро, – деди Гурам Жўхадзе, – яхши ўтин йиғиб келибсан, нега ўтинларингни гулхандан узоққа қўйдинг?

– Ташвиш қилма, Гурам, бу – менинг ишим, гулханга мен қараб тураман. **Сен айтарингнни айт**" (2, 336)

Ана шу сўнгги: "Сен айтарингни айт", – деган сўзларда бир олам маъно – бор. Шу тагматн(контекст)га жуда мос ўзбекча ифода – бу. Гурам буни, сўнгги бор хайрлашув, яъни хорижга тарқаб кетиши олдидан айтиладиган видолашув нутқига ишора, деб тушуниши – табиий. Сандро эса бунинг ўлим олдидан сўнгги сўз эканини билади.

Асардаги бундай нозик жиҳатларни илғамаган таржимон: “Сен эса гапингни гапиравер”, – деб ўгириши ва бунда И. Ғафуров жумласи даражасида бадиийликка эриша олмаслиги мумкин эди.

Ёки асар сўнгидаги Бўстоннинг Бозорбойни отиб, Иссиққўл қирғоғида оти, яъни Дўнкўлик билан видолашаётганда айтган сўзларига эътибор қилайлик:

“– Иди, иди домой, иди куда хочешь! – попращался он с Донкуликом. – **Больше мы не увидимся!**” (1, 304).

“– Бор, бор, уйга бор, жонивор, майли, қайга десанг, ўша ерга бор! – видолашди у Дўнкўлик билан. – **Энди бошқа дийдор кўришмоқ – йўқ!**” (2, 347).

Айнан таржима (“Биз энди бошқа кўришмаймиз!”) таъсирсиз, шунчаки гап бўлиб қолар эди. Таржимон вазиятга мос ўзбекча бадиий ифода топган. Аслида, келтирилган иккала мисолда ҳам фарқ арзимасдек туюлган грамматик шаклларда, холос. Бироқ, қаранг, тилимизнинг ана шу грамматик шакллари нақадар катта ва муҳим услубий вазифа бажариши мумкин экан.

Таржимон ҳам, ёзувчи каби, сўзга бой бўлиши – керак. Хўш, у сўзни қаердан олади? Албатта, ёзма адабиётдану халқдан. Биз эса – жуда кўп шевали халқмиз. Таржимада турли шеваларга хос сўзлар “тирилтирилган”. Масалан, “милжинглади”, “йиталади”, “малқайди”, “сатқайи сар”, “чикора” сўзлари – бухороча; гарчи “эса” сўзи адабий тилимизда анча фаол бўлса-да: “**Эса** сен куфроний сўзларингдан воз кечиб қўя қолмайсанми?” (2, 399) – жумласидаги “эса” тилимиздаги қипчоқ ва ўғуз лаҳжаларига хос ҳолатда қўлланган; “**Несини** айтасиз, ҳамма-ҳамма шуни хоҳлайди” (2, 404) – жумласидаги “несини”, шунингдек, “қисинма” – Хоразм шевасига хос сўзлар. Адабий тилимиз шундай йўл билан бойийди. Бунда бадиий таржиманинг шундай беқиёс ҳиссаси – борки, бу ҳали илмий жиҳатдан махсус ўрганилмаган.

“Тонук”, “чевирик”, “тайғоқ”, “ажива”, “пишанг бермоқ”, “ўнгмаган”, “сарсилламоқ”, “лакалов”, “тарпитди”, “юрғун булутлар”, “ялатма”, “чекчандиқ”, “мулкат”, “жониқар эди”, “аррайим”, “хафагазак”, “паррихта”, “шўрида”, “далва-далва”, “она курсоғи”, “батн”, “татти”, “пойхова”, “қамғоқ”, “умтилиш”, “чавағим”, “сарасоф ташламоқ”, “хуноба чотганлар”, “сарсарак”, “анжақ”, “йилдирим”, “ҳавол” каби талай сўзлар ҳам – ўзбек бадиий тилида таржимон қайта тирилтирган ифодалар. Буларнинг кўпи – “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да йўқ. Бундан кейинги изоҳли луғатларга эса улар бемалол киритилиши –мумкин.

Бу ерда мақсад таржимоннинг фақат сўз топганини таъкидлашгина эмас. Энг муҳими, ана шу сўзлар аслиятнинг ўша жойидаги мазмунни тўғри таржима қилишда асқотган.

Асардаги баъзи бир оддий-оддий ифодалар ҳам, ўрни келиб қолса, тамсилий (образли) тасвирга айлантирилади:

“Пой, веселись, грусти и плачь, танцуй, **покуда жив…**” (1, 65).

“Қўшиқ айт, қувна, дард чек ва йиғла, ўйнаб қол **бу тириклик айвонида...**” (2, 337).

“Да и ни к чему это было, **дело прошлое**” (1, 33).

“**Ўтганни эсласанг, эсинг кетади.** Нима қилади эслаб...” (2, 310).

"Прежде всего, это были **люди бездомные, перекетиполе, кроме, разумеется, Капы...**" (1, 32).

"**Бедананинг уйи – йўқ, қайга борса, питпилдиқ, дегандай,** булар ҳам тайини – йўқ, қамғоқдек шамол қаерга учирса, шу ерда дайдийдиган кимсалар эди" (2, 309).

"У всех ныне на устах расхожий афоризм – **спасибо к делу не пришьеш,** а деньги это деньги" (1, 83).

"Ҳозир кимни қарама – шунинг тилида бир гап – **қуруқ раҳматга мушук офтобга чиқмайди.** Пул – ўз оти билан пул-да"[51] (2, 354).

Баъзан матн айнан ўтказилади, бироқ ўзбекчада ўша сўзлар ифодалаётган маъно камлик қилаётгандек туюлади-ю, таржимон ўзидан мана бу жумладаги "файзу кином топади" каби нимадир қўшади:

"Когда открытие делаешь для себя, все в тебе согласно и **наступает просветление души"** (1, 68).

"Бир нарсани ўзинг учун кашф қилсанг, ўзингдан рози бўласан, **юрагинг, руҳинг ёришади, файзу карам топади**" (2, 340).

Таржимонни алоҳида заҳмат чекишга мажбур қилган жиҳат – асардаги диний сўз ва иборалар. Ҳар бир диний англамни тўғри таржима қилиш учун аввал ўша сўзнинг моҳиятини тушуниш – керак. Бундан ташқари, асарда насроний(христиан)лик динига оид истилоҳларни ўзбек тилида қандай ифодалаш – лозим? Таржимон уларни аксарият ислом дини тушунчалари билан ағдаришни маъқул кўради. Бунда у асосланадиган бир неча жиҳат – бор. Аввало, ўзбек таржимачилиги анъанасида Европа, хусусан, XIX аср рус адабиётидаги диний тасаввурларни мусулмонча атамалар билан ифодалаш – аввалдан мавжуд. Иккинчидан, романдаги диний мубоҳасалар насронийча бўлса ҳам, назаримда, моҳиятан улар мусулмонча талқиндан унча узоқ эмас. Бу, эҳтимол, Ч. Айтматовнинг Шарқ кишиси эканидан ҳам келиб чиқар. Ҳатто, Исо пайғамбар(а.)нинг инсон ва Худо муносабатлари ҳақидаги фикрларида ҳам тасаввуфона, демакки, шарқона руҳ сезилади. Исо(а.)нинг Понтий Пилат билан бўлган мана шу савол-жавобига диққат қилсак, таржимон шуни сезганидан ундаги "подобие" ("ўхшашлик") сўзини тасаввуфона истилоҳ – "тажаллий" истилоҳи билан ўгирганига гувоҳ бўламиз:

"– Постой, Иисус Назарянин, ты отождествляешь Бога и людей?

– В каком-то смысле, да. И более того, все люди, вместе взятые, есть **подобие** Бога на земле" (1, 151).

"– Тўхта, тўхта, Исо Назарли. Сен одамни Худо билан бир деяпсанми?

– Шундай десак ҳам, бўлади. Мен ҳам, аниқроғи, жамийки башарият Худонинг Ердаги **тажаллийси**дир" (2, 413).

Руҳонийлар нутқини қайта яратишда таржимоннинг зукколиги кўзга ташланади. Масалан, "род человеческий"(1, 62)ни бошқа бир асарда "одам зоти" дейвериш мумкиндир. Лекин бу ота Координатор нутқида ишлатилганини инобатга олиб, И. Ғафуров уни "бани башар" (2, 353) деб ўгиради. Ёки "возлюбленный Господом"(1, 134)га тагматндан юлиб олиб қаралса, у

---

[51]Кези келганда айтиб ўтган – маъқулки, бу парчанинг журнал нашридаги шакли кучлироқ, таъсирчанроқ эди: *"Ҳозир кимни қарама, тилида – бир гап: қуруқ раҳматингни пишириб е, бекорга мушук офтобга чиқмайди. Пул – ўз оти билан пул-да!* (Шарқ юлдузи, 1987 йил, № 6. – Б. 56). Таҳрирда *"қуруқ раҳматингни пишириб е"*нинг олиб ташланиши жумла таъсир кучини камайтирган ва *"шунинг"* сўзи қўшилиши ифода таранглигига путур етказган.

“Худонинг севган бандаси” бўлади. Романда у Исо (а.) ҳақида айтилгани учун диний услубда ўгириш – шарт. Таржимон қойилмақом муқобил (эквивалент) топади: “муҳибби Раббоний” (2, 397)! Ёки ота Координаторнинг Авдийга айтган: “Остановись, остановись!” (1, 80) – деган сўзлари ҳам: “Астағфирулло, бас, бас!” (2, 351) – деб ўтказилади.

Мана бу парчалар таржимасида қўлланган мусулмонча атамалару диний китоблар услубига хос оҳанг асар бадиий руҳини қайта яратишга катта ҳисса қўшганини кўрамиз:

“– И тогда обратился **к Господу**, отцу моему Небесному. “Отче, – сказал я. – О если бы ты благословил пронести сию мимо меня!” (1, 144).

“– Шунда мен Раббимга, осмонда **Падаримга** ёлвордим. “**Раббано**, – дедим. – Ажал косасини (!) бу сафар менга тутмай қўя қол! ” (2, 407).

“И **Господа моего. Отца Всеблагого**, молю, чтобы силы дал достойно перенести уготованную мне участь, не низвел бы меня доскотских воплей и не срамил иным путем... ” (1, 158).

“Мен **Рабб ил-оламиндан арҳам ар-роҳимин Падаримдан** илтижо қиламанки, тақдирда борини кўргали менга сабру тоқат **ато этгай**, онгсиз махлуқотлар каби **дод солмагайман**, жон топширар маҳалда **шармисор қилмагай** мени...” (2, 418).

Булардан ташқари, “журми гуноҳ”, “ғарибу ғураболар”, “қозию қуззотлар”, “аъён-ашрофлар”, “олий солиҳот”, “қазову қадар”, “издиҳом”, “субҳи козиб”, “муноқаша қилмоқ”, “музтар хилқат”, “ифрот”, “мутағаййир”, “саҳобалар”, “эврила-эврила”, “ақоид”, “эмин”, “ҳаросонлик”, “муфсид”, “салавот”, “ғаффори олам”, “поку табар”, “маллох”, “роҳиба”, “мағфират”, “фикри жадид”, “истиғфор”, “шоми ғарибон”, “кўшиш”, “хайр ул-умур”, “мулкатлар”, “қиёмат кўпди”, “забҳ этилган”, “мушкулписанд”, “ифтиро” ва шу каби талай диний, тарихий ва архаик сўзу атамалар – борки, буларсиз айни асарни таржима қилиш мумкин эмас эди.

Тўғри, мазкур сўзларнинг айримлари, эҳтимол, ўз маъносида қўлланмагандир. Бу – араб тили ва ислом тарихи билимдонлари ҳукмига ҳавола масала. Лекин, шуни қайд этиш – керакки, бу сўзларни топиш, ўрни-ўрнида ишлатиш таржимондан жуда катта изланиш, билим ва меҳнат талаб қилган.

Кўриниб турибдики, айни роман ва унинг таржимаси диний руҳни (колоритни) қайта яратиш юзасидан тадқиқот учун ҳам бой манба бўлиб хизмат қилади.

Бирон-бир таржима аслият бўла олмайди, албатта. Бу – кўп айтилган фикр. Таржиманинг мезони – аслиятнинг ўзи: тарозининг бир палласига аслиятни, иккинчи палласига таржимани қўйиб кўриш имконияти ҳамиша мавжуд экан, ўгирилган ҳар қандай матнга нисбатан у ё бу тарзда эътироз бўлавериши – мумкин. Аммо ҳар ким ўз билгича эътироз қилади.

Ч. Айтматов “Бўстон” деган исмни бекорга танламаган: унинг шаклан АҚШдаги Бўстон шаҳри билан монандлигидан, бироз сунъийроқ тарзда бўлса ҳам, фойдаланган. Газетада бу илғор чўпон ҳақида “Бўстонга эргашайлик” деган мақола чиқди. Сарлавҳалардан бошқа нарсани ўқимайдиган раҳбарлардан бири буни, Америкадаги Бўстон шаҳрига эргашайлик, деб тарғиб қилиняпти, деб тушунади. Масаланинг моҳияти англатилгач: “Илғорга тайинланг, номини

ўзгартирсин", – дейди. Ёзувчи бу исмнинг луғавий маъноси ҳақида ҳам гапиради: унингча, "бўз" ва "тўн" деган сўзлардан ташкил топган от экан. Таржимон "Бўстон" деб ёзишни маъқул кўрган. Чунки бу – ўзбекча талаффузга жуда мос. Лекин у, биринчидан, Америкадаги "Бўстон" билан боғлиқ талқинга тўғри келмайди, иккинчидан, луғавий маънога шаклан ўхшамайди, учинчидан, ўзбек тилида асли форс-тожик тилидан ўтган "бўстон" ("боғу бўстон" маъносида) деган мустақил сўз ҳам – бор. Ана шу уч асосга кўра, "Бостон"ни "Бўстон" деб бўлмас. Эҳтимол, "Бостон" деб олаверган тузук эди.

Таржимон матндаги сўзларнинг маъно нозикликларига жуда зукколик билан эътибор қилган. Бироқ асардаги жумлалар синтаксиси билан кўп ҳам ҳисоблашавермаган. Тўғрироғи, кўпинча Ч. Айтматовга хос ритмни ўз ритмига солиб ўтирган.

Романнинг учинчи қисми шундай бошланади: "Люди ишут судьбу, а судба – людей…" (1, 209). Бир қарашда, мана бу таржимага эътироз – йўқдек: "Одамлар – тақдирни, тақдир одамларни излаб юради…" (1, 461). Бироқ таржимон ишлатган сўзларнинг ўзини аслиятдагидек тартибда қўлласа, услуб қайта яратилиши мумкин эди: "Одамлар тақдирини излаб юради, тақдир эса – одамларни…". Ахир, ритм бевосита асарнинг руҳини белгилайди, у ёзувчининг ғоясию мақсадидан келиб чиқади.

Ритмни ўзгартириш, айниқса, Ч. Айтматовнинг катта-катта жумлаларини кичик-кичик бир неча гапга бўлиб ташлашда кўпроқ намоён бўлади. Бу катта жумлаларни ўгиришнинг салкам асосий йўлига айланиб қолган. Бир жумла икки, уч ва ундан ортиқ гап бўлиб ҳам келади. Мана бу икки жумладан иборат парча ўзбекчага накд ўн уч тўрт гап бўлиб ўтган:

"Вторым лицом в этой хунте – а хунтой они окрестили свою команду с общего согласия, – единственным, кто слабо возразил, был Гамлет-Галкин, бывший артист областного драматического театра: "Ну ее к шутам, хунту, не люблю я, ребята, хунты. Мы ведь отпраляемся на сафару, пусть будем сафарой!" – но к его предложению никто не присоединился, возможно, малопонятная "сафара" проигрывала на фоне энергичной "хунты", – так вот вторым лицом хунты оказался некто Мишаш, а если полностью – Мишка – Шабашник, тип, надо сказать, бычьей свирепости, который мог послать куда подальше даже самого обера" (1, 33 – 34).

"Бу тўп ўзини "хунта" деб атайди. Ҳаммалари шунга келишганлар. Фақат область драма театрининг собиқ артисти Гамлет-Галкингина "хунта" деб аташга эътироз билдирган: "Э, қўйинглар шу хунта-пунтасини. Жиним ёқтирмайди шу хунтани, болалар. Биз сафарга отланяпмиз. Келинглар, номимиз ҳам "сафар" бўлсин! Лекин Гамлет-Галкиннинг бу таклифига ҳеч ким қўшилмайди. "Сафар" сўзи унча тушунарли эмасди. "Хунта" дегани эса дадил ва ўктам эшитиларди. Шунинг учун кўпроқ шу сўз маъқул бўлди, шекилли. Ана шу хунтанинг иккинчи одами – Мишаш деган кимса. Тўла айтганда, Мишаш Шабашник. Қўтосдек серзарда бу зот истаган одамини, ҳатто, обернинг ўзини ҳам бзўралаб сўкиб юборишдан тоймасди" (2, 310).

Бу персонаж нутқи бўлганда, эҳтимол, кўникиш мумкин эди. Сабаби – ўзбек жонли нутқи табиатан узундан-узоқ жумлаларни кўтармайди. Шунинг учун жумладаги кўчирма гап – Гамлет-Галкиннинг аслиятда икки жумла бўлган

нутқи тўрт гап билан ўгирилганига унча эътироз – йўқ. Бироқ парча – ялпи олганда, муаллиф нутқи. Гапларни шундай тузишга Ч. Айтматов услубининг хусусияти, камида, унинг ўзига хос ҳикоя йўсини сифатида қаралиши – керак. Жумлаларни бўлиб-бўлиб таржима қилганда баён мароми ўзгариб кетади. И. Ғафуров "телеграф услуби" кашшофи тарзида машҳур бўлган ёзувчи Э. Ҳемингуей асарлари – "Чол ва денгиз" ва "Алвидо, қурол"ни севиб, ёниб таржима қилган эди. Балки бу – қисқа-қисқа жумлаларни севиш Э. Ҳемингуей услубининг таржимон қаламига кўрсатган таъсири ҳосиласидир.

Шундай дейиляпти-ю, масаланинг бошқа бир тарафи ҳам йўқ эмас. Бу – шундан иборатки, ўзбек тили табиатан айтматовона катта-катта жумлаларни унчалар хуш кўрмайди. Шу маънода И. Ғафуровнинг бу йўлини қисман оқлашга ҳам тўғри келади

Русчадан таржимадаги муаммолардан яна бири – персонажларнинг ўзаро бир-бирини "сен"лаши ёки "сиз"лаши масаласи. Таржимачилигимизда бу муаммони халқимизнинг асрий урф-одатларидан келиб чиқиб ҳал этиш анъанаси – бор. И. Ғафуров ҳам, асосан, ана шу анъанани изчил давом эттиради. Бироқ бу йўриқда икки хиллик кўзга ташланади. Роман аслиятида персонажларнинг асосий қисми бир-бирини "сен"лайди. Жумладан, Бўстоннинг хотини – Гулимхон Бозорбойга, Бозорбойнинг хотини – Кўк Турсун Бўстонга "сен"лаб мурожаат қилади. Таржимада эса Гулимхон Бозорбойни "сиз"лайди, аммо Кўк Турсун Бўстонни "сен"лайди. Ё иккаласи ҳам бир-бирининг эрини "сен"лаши, ё иккаласи ҳам "сиз"лаши керак эди. Ҳудди шунингдек, совхоз директори – Чўтбоев билан Бўстон ўзаро "сен"лашади. Таржимада эса Чўтбоев Бўстонни "сиз"лайди, бироқ Бўстон уни "сен"лайди. Тўғри, бунда ёш ҳисобга олинган. Аммо, модомики, бу масалани ўзбекона ҳал қилиш йўли танланган экан, демак, чўпоннинг совхоз директорини "сиз"лагани маъқул эмасми? Ёки романда Городецкий Авдийни "сен"лайди, таржимада эса бир "сен"лаб, бир "сиз"лайди.

Аслиятни ўзбекона халқона ифодалар билан ўгириш ҳамма вақт ҳам ўзини оқлайвермайди. Мана бу парчада, аслида, бир оз қўполроқ табиатли даштлик қирғиз аёли жуда бийрон шаҳарлик ўзбек аёлига айланиб қолгандек:

"– Ты уж извини, – ответила она, хмурясь. – Сам-то Бостон не очень понимаешь ли, до этого дела охоч..." (1, 227).

"– Вой, гапингизни қаранг, – деди Гулимхон сал ранги ўчиб. – Бўстонингизнинг ҳеч шу қуриб кетгурга хуши – йўқ, шунинг учун..." (2, 476).

Ўзбек тилида истилоҳ (атама, термин) сифатида ишлатиладиган сўзларнинг бир нозик хусусияти – бор: китобхонни, сўзнинг луғавий маъносидан кўра, истилоҳий жиҳати кўпроқ ўзига жалб этиб, мақсад бошқачароқ тушунилиши – мумкин. "Фарз" сўзи исломга оид истилоҳ сифатида Худо томонидан буюрилган мусулмончилик шартларини билдиради. Шунинг учун: "Бироқ худди шу боисдан мен ўша ерда бўлмоғим **фарз**…" (2, 341), – жумласидаги "фарз" ўрнига "шарт" деб қўявериш керак эди. Чунки ўзи диний тасаввурларга тўла асарда ўқувчи диндор кишининг бу сўзини истилоҳ маъносида тушунишга ҳаракат қилиб, адашиши – табиий. Русчасида ҳам оддийгина қилиб: "Но именно поэтому я должен быть там…" (1, 69), – дейилган.

Роман таржимасида баъзан сўзнинг асл маъносини инобатга олмай ишлатиш ҳам учрайди. Масалан: "У ёғига **хоназот** отнинг ўзи етказиб оборади"

(2, 465). Бозорбойнинг оти ҳақида гап кетяпти. Сал олдинроқ бу отнинг заводдан чиққани, аллакимга туси ёқмай, чиқит қилингани айтилган эди. Демак, заводдан чиққан отни ҳеч ҳам "хоназот" деб бўлмайди. "Хоназот" деб ўзи тугул, аждодлари ҳам шу уйда туғилиб, вояга етган отларга айтилади . Бир жойда "седельный ремень" (1, 218) сўзи "камар" (2, 469) деб берилган, ҳолбуки, "айил" ҳақида сўз боряпти. "Потом я уже не спускал глаз со своего двойника…" (1, 59) – жумласидаги "двойник" ("ўхшашим") сўзи "адашим" (2, 333) бўлиб кетган.

Бу камчиликлар дастлаб таржиманинг журнал нусхасида кузатилган эди. Демак, таржима китобда таржимоннинг деярли қайта таҳририсиз босилган.

Бу мулоҳазали ўринлар  фақат, ўша нуқсонларни тузатиш – шарт, деган мақсадда эмас, таржимада шу ва шунга ўхшаш камчиликлар ҳам йўқ эмаслигини қайд этиш учун келтирилди.

Романнинг ўгирмаси бирров кўздан кечирганда шунча фикр-мулоҳаза уйғотдими, билингки, у русчадан ўзбекчага таржиманинг талай назарий масалалари тадқиқи учун бой "хомашё" беради.

"Қиёмат"нинг  ўзбек тилига таржимаси халқни жаҳон сўз санъатининг яна бир дурдонаси билан бойитди. И. Ғафуров бу таржимаси билан ўзбек адабиёти зиммасидаги, шубҳасиз, улкан вазифалардан бирини адо этди. Унинг халқ ва Ватан олдидаги юксак бурчдорлик туйғуси шунга ундаган. Чунки бусиз "Қиёмат"  таржимасидек ижодий ишларни амалга ошириш – мушкул.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. А й т м а т о в  Ч. Плаха. – Фрунзе: 1987.
2. А й т м а т о в  Ч. Романлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989.

## МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ  БАҒРИКЕНГЛИК КУЙЧИСИ

**Жўраев Ҳабибулло Абдусаломович,**
**филология фанлари доктори, профессор**
**Ўзбекистон, Фарғона давлат университети**
**Тел: +99 893 533-28-96 e-mail**: habibullo_jurayev@mail.ru

**Annotation.** It is enlighted the issies about literal expression of notions peacefuness, religious tolerance, eguality in the creative  vorks of Alisher Navoi.

**Keywords:** Historikal period, verbal creativity, consegeunces of nation, rasial discrimination, peace, eguality, freedom.

**Аннотация.** Мақалада Әлішер Науаи шығармашылығындағы бейбітшілік пен келісім, діни толеранттылық, әлеуметтік теңдік идеяларының көркем көрінісі туралы айтылады.

**Түйінді сөздер**: тарихи кезең, көркем шығармашылық, әлеуметтік теңдік, діни төзімділік, еркіндік

Инсонпарварлик, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик ғоялари ҳар бир даврда илғор фикрли ижодкорларнинг илҳом манбаи, ўзларининг ҳур фикрларини ифодалаш минбари бўлганлиги шубҳасиз. Айниқса, Алишер Навоий ижодида инсоннинг юксак эътиқоди, инсонпарварлиги, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамоллиги етакчи ғоялардан биридир. Шоир ижодида диний бағрикенглик, ҳурфикрлилик ғояси олға сурилар

экан, бу ғоя тасаввуф таълимотида белгиланган сўнгги босқич – Ҳақ васли билан боғланади. Модомики бош мақсад Ҳаққа интилмоқ экан, бунга турли йўллар орқали муваффақ бўлиш мумкин:

Кимниким бут қошида паст айлаб,
Сажда қилмоққа бутпараст айлаб.

Бериб ўз ҳуснига бут ичра зуҳур,
Айлаб ул ҳусн ила ани мағрур.

Ҳар кишиким куёшға обид ўлуб,
Анга ҳар субҳу шом сожид ўлуб,

Ҳам сенинг талъатинг зиёсинда
Заррадек чарх уриб ҳавосинда.

Шуълаларға солиб юзунг чу укус
Куйдуриб ўзни ўт қошида мажус…

Ана шу нуқтаи назар шоир лирикасида ҳам юксак бадиий истифода этилган:

Сенга толиб кимки азми Каъба айлар, йўқса дайр,
Сен муроди кимки дайр ичра санам дер ё самад…

Ҳам муножот аҳлининг кўнглида бийминг беҳисоб,
Ҳам харобот аҳли жонинда умидинг беадад. [3. 114]

Кўринадики, Навоий лирик қаҳрамони назарида Ҳаққа эришиш, унинг васлидан баҳраманд бўлиш учун, энг аввало, кўнгилда олий мақсадлар ҳамда эзгу ниятлар бўлмоғи керак.

Маънавий маҳдудлик кишини тубанликка етаклайди. Бундай одамлар ўзи манфаатдор бўлмаса, бирор юмушга қўл урмайди. Жамият манфаатидан ўз манфаатини ортиқ кўрувчилар эса комилликка даъвогар бўла олмайдилар. Бу Ҳақ васлига эришиш йўлидаги интилишларда ҳам сезилиб, соф эътиқодли кишилар ва худбин кишиларни иккига ажратади. Натижада, фақат жаннатга тушиш, ҳурлар билан бўлиш истагида ибодат қилувчилар ҳурфикрли кишилардан тубанда турадилар. Худбинликни қоралаш, ҳилмга даъват, камтаринликка ундаш орқали Алишер Навоий ўзининг фалсафий ғояларини ҳам маҳорат билан бадиий ифода этади. Ҳатто Ислом динида ботил ҳисобланувчи бутпарастлик ҳам худпарастлик (эгоизм) ва манманлик олдида гуноҳ саналмай қолади:

Ул санамға сажда қилсам, зоҳиди худбин, не айб,
Бутпараст ўлмоқ кўп ортуғроқки, бўлмоқ худпараст. [3. 77]

Ижтимоий тенглик ғояси ҳам Навоий ижодининг қон-қонига сингиб кетган ғоялардан бири сифатида умумбашарий идеаллар ифодасига айланган эди. Алишер Навоий ўз замонасидан қанча илгарилаб кетган бўлмасин, тафаккур доираси ўзи мансуб бўлган тузум доирасини ёриб чиққан бўлмасин, ундан ижтимоий тенгсизликнинг туб илдизларини, объектив ва субъектив сабабларини изоҳлаб берувчи ўринларни қидириш ноўриндир. Аммо шоир бу масалага нисбатан хайрихоҳлиги ва норозилигини, армони ва истакларини ифодалаб

бериш учун бадиий тафаккури, идроки орқали йўл топади. Бу бадиий адабиётнинг бош мавзуси ҳамда шоҳу гадога баробар бўлган инсонийлик мадҳи, покиза туйғулар тараннуми орқали амалга ошади.

Аслини олганда, Шарқ Уйғониш даврининг энг олий тухфаларидан бири ҳам мана шу - инсонни бор улуғворлиги билан майдонга чиқарганлигидир. Инсон ва унга бўлган меҳр-муҳаббат, одамийлик ва олийжаноблик фазилатлари мадҳи шоир ижодининг муҳим жиҳатларидан бири бўлиши ҳам табиий. Инсон қадр-қимматини юксакларга кўтариш, унинг ўзлигини англашини исташ улуғ шоир ижодини ҳаёт билан, жамият билан чамбарчас боғлайди. Чунки инсонни инсон қиладиган унинг ташқи гўзаллиги-ю баланд мартабаси, сийму зари эмас, балки инсоний фазилатлари, одамгарчилигидир.

Шарқ фалсафасининг улкан намояндаларидан бири Жалолиддин Румийнинг инсонга қарата айтган “Ўзингни арзон сотмағайсан, илло баҳойинг баланд!” деган хитоби кўплаб адиблар, жумладан, Алишер Навоий ижодида ҳам акс садо берди. Инсон қадр-қимматини белгилашнингибтидоий ва доимий кўриниши бўлган одамларни уруғи ва насл-насабига қараб тоифаларга ажратиш буюк мутафаккирни изтиробга солади. Инсонга бўлган бундай муносабатга қарши улуғ мутафаккир эпик асарларида ҳам, лирикасида ҳам кескин фикр-мулоҳазалар билдиради. Достон-фожиа – “Лайли ва Мажнун”да ҳам Қайс ва Лайлининг бир-бирига етишишига тўғаноқ бўлган нарса табақалар, аслу насабларга бўлиниш бўлганлиги ҳаққоний кўрсатиб бериладики, бу фикримизнинг яққол далилидир.

Аммо бу ҳақиқатни тан олиш, эътироф этиш учун Навоийнинг лирик қаҳрамони даражасида комиллик ва етуклик талаб этилади. Чунки маънавий баркамолликдан йироқ бўлган кишилар энг покиза туйғуларни ҳам Лайлининг отаси сингари мол-дунёга айирбошлаши, Хисрав Парвиз каби босқинчилик ниқобига айлантириши мумкин. Алишер Навоийнинг юксак маҳорати яна шунда кўринадики, унинг ижод намуналарида ижтимоий-сиёсий масалалар ҳам маънавий-ахлоқий муаммолар билан уйғунлашиб, бир-бирини тўлдириб келади. Маънавий баркамоллик ҳақиқий ишққа мушарраф этса, ҳақиқий ишқ ижтимоий тенглик рамзига айланади. Навоий ана шу оташин ва ўлмас ғоя - тенглик ғоясини турли бадиий кўринишларда олға суради ва кўп ўринларда даврнинг ижтимоий-сиёсий муаммоси даражасига кўтара олади.

Ҳукмрон доиралар уруғларга, табақаларга айрича муносабатда бўлар экан, жамиятда адолат ва осойишталик бўлиши қийин. Шунинг учун ҳам Навоий юқоридаги фикрни бир оз алам, бир оз киноя билан бошқа бир ғазалида давомэттиради.

Эй Навоий, манга бас ул санами лўливаш,
Бекка қипчоғу оғар, шаҳға қиёту билгут. [3. 71]

Қуйидаги намунада эса Алишер Навоийнинг инсонга бўлган ҳароратли меҳри, уни бахтли кўриш истаги жўш уриб туради:

Навоий севди бир лўлини, кездик рубъи маскунда,
Агар арлот, агар барлос, агар тархон, агар сулдуз.

Агар сен ҳамдамим бўлсанг иковлик яхшидир, йўқса
Абад умри агар топсам ўзумни истарам ёлғиз. [3. 203]

Алишер Навоийнинг барча инсонларни ижтимоий тенгликда кўриш орзуси ҳам ўз даврининг реал турмуши билан боғлиқ бўлган. Ҳусайн Бойқаро саройида ҳам бошқа темурийларда бўлганидек, кишиларга наслу насаби, қайси уруғдан эканлигига қараб илтифот кўргузилган, мансаб улашилган. Ҳатто Навоийнинг ўзи ҳам муҳрдор лавозимига тайинланганда барлос уруғидан бўлган қайсидир амирдан кейин муҳр босиши белгилаб қўйилган. Шу тариқа Навоий даври ва унгача бўлган асрларда уруғи ерга қадалган аслу насабчилик, уруғчилик, гуруҳбозчилик кейинги асрларга келиб аччиқ мевасини берганлигидан кўз юммаслик керак. Бу мевадан тотган Турди Фароғий ижодида Навоийнинг ранжу маломатлари фарёдга айлангани ҳам тарихий ҳақиқат. Узоққа бормайлик, XX аср вабоси деб юритиладиган фашизм ҳам инсониятни хўрлашда ана шу жирканч усулни қўллаб, башариятга қирғин келтирган эди.

Алишер Навоий қандай асар яратмасин, қайси мавзуга қўл урмасин, замирида инсонга бўлган муҳаббат туйғуси, инсонпарварлик ғояси кўзга ташланиб туради. Навоийнинг нуқтаи назарига кўра, ҳатто оламнинг яратилишидан мақсад ҳам инсондир, инсон борлиқнинг кўрки ва шарафидир:

Ганжинг аро накди фаровон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди...
Барчасини гарчи латиф айладинг,
Барчадин инсонни шариф айладинг.

Бундан, табиийки, барча инсонлар ирқидан, миллатидан, диний эътиқодидан, насл -насабидан қатьий назар, тенгдирлар деган ғоя келиб чиқади. Навоий шу ғояни олға сурар экан, ижтимоий тенгликни мансаб ёки моддий бойлик сингари ташқи жиҳатларда эмас, балки ички дунё – маънавий фазилатлар асосида белгилайди.

Алишер Навоий ғазалларидан бирида турли миллат, наслу насабга мансуб кишиларга қарата шундай дейди:

Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш. [2. 260]

Улуғ мутафаккирнинг башорати нақадар ҳақ эканлигини, шоирнинг ўз ғоялари, йўлланмалари билан бизга ҳамиша замондош бўлиб қолаверишини бугунги кунда янада чуқурроқ ҳис қилмоқдамиз. Дунёнинг турли бурчакларида рўй бераётган биродаркушлик, айрим мамлакатлар ўртасидаги катта-кичик низолар, диний мутаассиблик ҳамда ғоявий маҳдудлик инсоният ҳаётини издан чиқариб юбориш даражасига етмоқда. Алалоқибат, юз минглаб кишилар туғилган юртини тарк этишга, сарсон-саргардон яшашга маҳкум бўлмоқдалар. Зеро бундан беш аср муқаддам Алишер Навоий хитой, турон, эрон, юнон, арман халқларининг асл фарзандлари тимсолида диний бағрикенглик, миллий тотувлик асосида улуғвор мақсадларга, олий манзилларга интилиб яшаш лозимлигини юксак бадиий ифодалаб берган эди.

Айни дамда ижтимоий-сиёсий вазият, ҳаётий воқелик, халқларнинг хоҳиш-истаги жаҳоннинг турли давлатлари ўртасида ҳамдўстлик, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга олиб келмоқда, диний бағрикенглик ҳамда миллий тотувлик инсоният учун энг тўғри йўл эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бу эса Навоийнинг олийжаноб ғоялари, эзгу орзу-умидлари рўёбга чиқаётганлигидан нишонадир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Алишер Навоий. Хамса. Т.: 1960
2. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Т.: 1915
3. Алишер Навоий. “Ғаройиб-ус сиғар” Т.: 1986
4. Алишер Навоий. «Наводир-уш шабоб» Т.:1987

# ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА БОЛАЛАР МУСИҚА ВА РАҚС САНЪАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

**Пўлат Ташкенбаев,**
**Ўзбекистон давлат хореография академияси “Санъат назарияси ва тарихи” кафедраси доценти, санъатшунослик фанлари номзоди**

**Нодира Алимжанова,**
**Ўзбекистон давлат хореография академияси**
**“Санъат назарияси ва тарихи” кафедраси доцент в.б.**

**Аннотация:** Мазкур мақолада истиқлол йилларида ўзбек болалар мусиқа ва рақс санъатининг ривожланиш концепцияси, бадиий-эстетик тамойиллари тадқиқ қилинган.

**Abstract**: In this article, the development concept, artistic-aesthetic principles of Uzbek children's art of music and dance during the years of independence are researched.

**Аннотация**: Бұл мақалада тәуелсіздік жылдарындағы өзбек балаларының музыка және би өнерінің даму концепциясы, көркемдік-эстетикалық ұстанымдары зерттеледі.

**Калит сўзлар:** тарих, истиқлол, рақс, мусиқа, эстетик тарбия, қадрият, анъана, маданий мерос.

**Key words**: history, independence, dance, music, aesthetic education, value, tradition, cultural heritage.

**Негізгі сөздер**: тарих, тәуелсіздік, би, музыка, эстетикалық тәрбие, құндылық, дәстүр, мәдени мұра.

Инсоният яратган кашфиётларнинг гултожи, тамаддуннннинг буюк ҳодиса сифатида мусиқа ва рақс санъатининг маънавий баркамол инсонни шакллантиришдаги тарбиявий аҳамияти фақат санъатшунослик нуқтаи назаридан эмас, балки педагогика, маънавиятшунослик, болалар психологияси фанлари кесимида ҳам чуқур ўрганилиши зарур. Асрлар оша сайқалланиб келаётган мусиқа ва рақс санъатида халқнинг тийнати, ўтмиши, энг қадимги миллий қадриятлари, ички олами, орзу-армонлари акс этади.

Мухтарам Президентимиз тўғри таъкидланганидек, “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор

куч ва имкониятларини сафарбар этамиз"[52]. Зеро, қувчи ва талабаларнинг маънавий-маърифий ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллаган фольклор санъатини, мусиқий маданиятни, устоз санъаткорларнинг, мусиқа илми алломаларининг бу борадаги кашфиётларини, фикрларини ўрганишлари катта тарбиявий – маърифий аҳамиятга эга. Ижтимоий – сиёсий, тарихий жараёнлар оқимида, тамаддунлар тараққиётида санъат ва маданиятнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Истиқлол йилларида халқимизнинг асрлар мобайнида шаклланиб келган, давр синовларига бардош берган фольклор рақслари, куй-қўшиқлари тикланиб, қайта сайқалланиб, анъанавий ва замонавий гуруҳлар репертуаридан муносиб жой эгалламоқда. Зеро, мусиқий маданият – шахс ва жамият муносабатлари кесимида маънавий-ахлоқий муҳит яратувчи вазифасини ўтайди ҳамда шахсга ҳам, жамиятга ҳам тенг таъсир қилиш қонуниятига эга бўлади.

Мусиқа маданиятида асосий бадиий восита куй ҳисобланади. У – оҳанг (интонация) санъати, садоларда ифодаланган воқеликнинг бадиий кўзгусидир. У борлиқни ўзига хос тарзда акс эттириб, уни бойитади ҳамда уни тушуниб олиш ва ўзгартиришга ёрдам беради. Аслида мусиқа чолғучилигидаги илк нота ёзуви ҳам Шарқда кашф этилган. Одатда, фольклор мусиқалар гўё инсон қалбида, руҳиятида кечаётган жараёнлар ифодасидек жаранглайди. Шу нуқтаи назардан миллий куй ва оҳангларимиз неча юз минг йиллардан бери халқимизга маънавий озуқа бериб келмоқда.



Халқ мусиқаси, анъанавий куйлар ижтимоий ҳодиса сифатида бола руҳиятига, дунёқараши ва феъл-атворига кучли таъсир ўтказиш имкониятига эга. Асрлар оша сайқалланган сеҳрли оҳангларда ҳар бир инсоннинг туғилиб ўсган ота макони, киндик қони томган табаррук тупроқ, улуғ аждодлари билан боғлиқ манзаралари, ҳаёт йўлларининг турли-туман қирралари, ҳис-туйғулари ва орзу – умидлари акс этади.

Миллий маданиятлар равнақи умумбашарий маданиятнинг тараққиётига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Энг қадим замонлардан бошлаб, афсоналар, мифлар, асотирлар, ривоятлар одамлар қалбига жойлашиб, уларнинг тафаккурини маълум даражада йўналтирган, маънавиятини бойитган. Шунинг учун ҳам, маънавий иммунитетни шакллантиришда фольклор рақслар ва ўйинлардаги миллий қадриятлар билан уйғунлашган умумбашарий ғоялар ва тушунчаларнинг қиммати бебаҳо.

Борлиқни идрок этиш ва уни билишнинг миллий-маданий хусусиятлари фольклор санъатида янада яққолроқ намоён бўлади. "Кашта", "Таёқ ўйини", "Доира", "Чағоллоқ", "Ашшадарози", "Хуббимбой", "Шохмойлар", "Бойчечак", "Қошиқ", "Тандир", "Бешқарсак", "Сандиқча", "Чанқовуз", "Урчуқ йигириш",

[52]Мирзиёев Ш.М.Ёшлар - бизнинг келажагимиз. Ёшларга донолар ўгити. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт - матбаа уйи, 2018. –Б.10.

“Гилам тўқиш”, “Савачўп”, “Куви”, “Сибизға”, “Бешик”, “Дўмбира”, “Кўза”, “Ёрғичоқ”, “Рўмолча”, “Бойчечак”, “Сумалак сайли”, “Жувоз” каби мусиқа жўрлигида ижро этиладиган болалар фольклор рақслари, рақс – композициялари ўзининг маънавий-маърифий моҳияти, ранг-баранг либослари билан бутун дунёни ром этмоқда.

Болалар фольклор санъати ҳамма замонларда ҳам инсон маънавиятини бойитишга, руҳиятига кўтаринкилик бахш этишга хизмат қилаётгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Қарорнинг ижроси доирасида энг аввало ўзбек болалар фольклор санъатининг мусиқий тамойилларини ўрганиш, вилоятлар кесимида илмий тадқиқ қилиш, энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ҳар бир миллатнинг ўзлигини англаш жараёни, қадимий анъаналар, урф-одат ва маросимларни ўрганиш, шу халққа мансуб фольклор асарларини, уларнинг бадиий-эстетик, этнографик хусусиятларини илмий таҳлил қилиш






орқали халқнинг миллий-маданий даражасини белгилаш мумкин. Санъат ҳамиша халқнинг турмуш тарзи, кундалик ҳаёти билан боғлиқликда ривожланган. Миллий мусиқа ва рақс мактабининг шаклланиш ва юксалиш босқичлари халқ ижодиёти билан чамбарчас боғланиб кетган. Зеро, ҳар бир халқнинг ўзига хос рақс услуби бўлиб, уларда миллий руҳ, миллатнинг маданияти, қадрияти, ақида ва анъаналари акс этади. Ўлкамиз халқлари маданиятининг илдизи нақадар чуқур эканлигини болалар фольклор рақсларининг уч минг йиллик тарихи исботлаб турибди.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг фольклор асарларини тиклаш, бой мусиқий меросини асраш ҳамда мусиқа маданиятининг асрий анъаналар асосида тараққий этишига алоҳида эътибор берилди. Натижада, барча соҳалар қаторида мусиқа санъатида ҳам муҳим ислоҳотлар, жиддий ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбек болалар фольклор рақслари, фольклор куй қўшиқларини бугунги ёшларимиз онги ва дунёқарашининг ажралмас қисмига айлантириш санъатшунослар, хореограф педагоглар, маънавиятшунослар ва маданиятшунослар олдида турган энг долзарб вазифадир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил, 4 февраль, 25- сон.
2. Мирзиёев Ш.М. Ёшлар - бизнинг келажагимиз. Ёшларга донолар ўгити. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт - матбаа уйи, 2018.

3.Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-ж. Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2003.
4. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2–жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”Давлат илмий нашриёти, 2001.
5. Жомий А. Рисолаи мусиқий. Тошкент.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат нашриёти, 1998.
6. Soipova Д. Мусиқа ўқитиш назарияси ва методикаси. Ўқув-методик qo‘llanma.-Т.: 2009.

# ЭРГОНОМИКА И РЕКЛАМА

**Muyassar Saparniyazova**
**Filolologiya fanlari doktori (DSC)**
**ALFRAGANUS UNIVERSITY**
**ORCID: 0000-0001-8612-0289**

**Аннотация.** Эргонимы характеризуются тем, что выполняют несколько задач одновременно. Эргонимы передает информацию о виде деятельности объекта, который называют и осуществляет эффективную коммуникативную связь с потребителем с помощью имени, поэтому выполняют информативную и коммуникативную функцию. А привлечение внимания людей (потребителей) к этому объекту посредством эргонимов реализует их рекламную – аттрактивную функцию. Эргонимы рекламного характера позволяют по-разному охарактеризовать объект, сформировать его рекламный образ, произвести прагматический эффект.

В данной статье приводятся сведения о лингвистических особенностях эргонимов, функциях информативности, коммуникативной результативности и аттрактивности, создания узбекских названий. Обоснована важность инновационного подхода к созданию названий в усилении аспекта рекламы обеспечения контакта с потребителями. Наряду с этим, приведены рекомендации по технологическим механизмам создания неймов на базе узбекского языка.

**Ключевые слова:** *эргоним, реклама, аттрактивная функция, ономастика, микросистема.*

**Annotation.** Ergonyms are characterized by the fact that they perform several tasks simultaneously. Ergonyms convey information about the type of activity of the object that is named and carry out effective communication with the consumer using the name, therefore they perform an informative and communicative function. And attracting the attention of people (consumers) to this object through ergonyms realizes their advertising-attractive function. Advertising ergonyms allow you to characterize an object in different ways, form its advertising image, and produce a pragmatic effect.

This article provides information about the linguistic features of ergonyms, the functions of informativeness, communicative effectiveness and attractiveness, and the creation of Uzbek names. The importance of an innovative approach to creating names in enhancing the aspect of advertising to ensure contact with consumers is substantiated. Along with this, recommendations are given on technological mechanisms for creating names based on the Uzbek language.

**Key words:** ergonym, advertising, attractive function, onomastics, microsystem.

Как известно, в лингвистике *эргоним* толкуется как термин, обозначающий наименование организаций и предприятий. (1) Как отмечает Н.В.Подольская, термин *ergonim* образован от греческого *eryov* – "работа, труд; деятельность, задача" и используется для обозначения имён собственных торговых комплексов, различных объединений, организаций, предприятий, корпораций, обществ. В качестве примеров эргонимов автор приводит следующие примеры: организация объединённых наций (ООН), Международный астрономический союз (МАС), Академия наук (АН), Московский государственный университет (МГУ), Малый театр, комбинат "Правда", спортивный союз "Спартак", музыкальный кружок "Могучая кучка". (2)

А.М. Емельянова же относит к эргонимам только сооответствующие названия предприятий различного функционального профиля, то есть коммерческих объединений, предприятий, объектов культуры, спорта. (3) Е.А.Трифонова относит к эргонимам имена собственные всех типов коммерческих объектом, независимо от их правового статуса, и подчеркивает, что с помощью них субъект преследует цель искусственного прагматического воздействия на адресатов. (4)

Следовательно, эргонимы как структурно, семантически отличающиеся друг от друга единицы, обозначающие названия различных предметов, образуют в языке отдельную микросистему. Эти единицы являются единицами эргонимики, входящей в ономастическую систему, считающейся её отдельной ветвью, и не только называют объекты, но и играют важную роль при составлении карты названий объектов каждого региона, оценке их специфики и национальной привлекательности.

Изучая семантические и прагматические особенности эргонимов в русском языке, М.Курбанова приводит в качестве единиц, близких к эргонимам, *ойкомодонимы, эмпоронимы, названия реклам, фирмонимы*. (5)

Следовательно, в данном заключении М.Курбановой в отличие от Н.В.Подольской и А.М.Емельяновой, круг эргонимов значительно расширен.

В лингвистике эргонимы как отдельная отрасль ономастики стали отдельно изучать начиная с 90-х годов XX века. В исследованиях последних лет данного направления наряду со структурно-семантическими, деривационными особенностями эргонимов, выявлены и прагматические, лингвопоэтические возможности последних. (6)

Реклама – это инструмент, который используется для создания имиджа предприятия (долгосрочное влияние), увеличения текущих продаж (краткосрочное влияние), оказания помощи покупателям в принятии решения о покупке и объяснения причин покупок, и для других целей. Основная задача рекламы – побудить интерес у покупателя, не потерять клиентов и расширить их ряды.

Эргонимы, как и другие единицы ономастической системы, выполняют в основном информативную и коммуникативную функцию. Они дают информацию о виде деятельности объекта, который называют, и служат для осуществления эффективной коммуникативной коммуникации с потребителем с помощью названия. А реализация эффективной коммуникативной коммуникации непосредственно связана с рекламой.

Поскольку основная цель эргонимов заключается в наименовании объекта, а также в привлечении внимания людей (потребителей) к данному объекту, в таком случае реализуется функция рекламирования объекта с помощью эргонимов. И.В.Крюкова определяет эргонимы как названия реклам и считает любые эргонимы рекламными именами по своей природе.(7) Эргонимами рекламного характера мы определили названия любых видов коммерческих предприятий, выполняющих рекламную функцию. В некоторых источниках используется термин эргорекламоним по отношению к названиям коммерческих предприятий любого типа, выполняющих рекламные функции.

Русский лингвист Р.И.Козлов отмечает, что термин *эргорекламоним*, наряду с терминами *коммерсоним, эмпороним, ойкомодоним, эргоурбоним*, относится к концептуальному полю *эргоним*, выполняет рекламно-аттрактивную функцию, подчеркивает, что функция данной единицы заключается не в кодировании информации, а в ее раскрытии, формировании у потребителей представления об объекте и его свойстве. (8)

Как выясняется, Р.И.Козлов признаёт рекламную особенность эргонимов. Данная функция эргонимов отмечена также в работах Е.С.Бутаковой, В.Д. Бондалетова, И.Э.Ратниковой, Хоанг Тхи Бена. (9)

Аттрактивная функция эргонимов, заключающаяся в рекламировании объектов, реализуется на основе их коммуникативно-прагматических функций, при этом основная цель направлена на привлечение широкой аудитории покупателей. Номинаторы, владельцы фирм, объектов производства, торговли с помощью удачно выбранного названия пытаются привлечь потребителей к названному объекту. Как правило, эти имена призваны побуждать у потребителей положительные эмоции и ассоциации и вызывать интерес к объекту номинации. В таких случаях эргонимы выполняют рекламную роль. Например, эргоним "HALOL", обозначающий колбасу и мясные продукты, производимые в Ташкенте, не только выполняет номинативную функцию, но и демонстрирует важнейший для мусульманского населения признак этих продуктов, в то время как эргоним "ARZON APTEKA", обозначающий название аптеки, служит также рекламой, подчеркивая дешевизну лекарств.

Названия столичных кафе "ЯПОНОМА" (японские блюда), "У БАБУШКИ" (русские блюда) также вызывают теплые воспоминания, положительные эмоции о блюдах, приготовленных мамами и бабушками, благодаря чему проявляется рекламный характер этих эргонимов.

В большинстве случаев номинаторы пытаются привлечь и рекламировать потребителей, называя название объекта на иностранном языке. Например, создавая эргонимы "GOLD BIZNES GARANT", "PLATINUM TRUCK LOGISTICS", "MASTER CONSALT", "IDEAL CAKE", номинаторы надеются на звучность имени, акцентируют внимание на том, что продукт "не отечественного, а иностранного производства". Подобные эргонимы могут привлекать внимание, но в большинстве случаев они не носят информативного характера.

В эргонимической системе узбекского языка большую часть составляют эргонимы, образованные от лексем *dunyo, olam, uy*. Такие эргонимы указывают на масштабы объекта, множество или разнообразие видов предоставляемых

услуг или производимых продуктов: “BOLALAR DUNYOSI”, “KITOBLAR OLAMI”, “MEBELLAR UYI”, “KITOBLAR UYI” kabi.

Как выясняется, эргонимы рекламного характера позволяют по-разному характеризовать объект, формировать его рекламный образ, создавать прагматический эффект. Такие эргонимы хоть и не дают непосредственной информации об объекте, но отличаются необычностью, оригинальностью содержания. Выражение коннотативности в этих эргонимах, поэтичность в наименовании также вызывают различные ассоциации у носителей языка.

**Литература:**

1.Земскова С.В. Лексико-семантический и словообразовательный анализ эргонимов г. Тольятти Самарской области Российской Федерации: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М.: РУДН, 1996; Беспалова А.В. Принципы и способы номинации в английской эргонимии // Номинация в ономастике. – Свердловск: Изд-во УрГУ, 1991; Голомидова М.В. Искусственная номинация в русской ономастике: Дисс. ... д-ра филол. наук. – Екатеринбург: УрГУ, 1998.

2.Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – М.: Наука, 1988.

3.Емельянова А.М. Прагматический аспект эргонимии (на примере названий заведений общественного питания г. Уфы // https://www.gramota.net/materials/2/2016/7-2/26.html

4.Трифонова Е.А. Названия деловых объектов: семантика, прагматика, поэтика (на материале русских и английских эргонимов): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2006. –

5.Курбанова М.Г. Эргонимы современного русского языка: семантика и прагматика: Автореф. дисс. …канд. филол. наук. – Волгоград. 2015. – С. 11.

6.Шимкевич Н. В. Русская коммерческая эргонимия: прагматический и лингвокультурологический аспекты: Автореф. дисс. ...канд филол. наук. – Екатеринбург, 2002;

7.Алиева Т. Н. Аббревиатурные неологизмы современного русского языка конца 90-х годов XX–XXI веков: семантико-деривационный аспект: автореф. Дисс. ... д-ра филол. наук. – Спб., 2003;

8.Крючкова М. Я. Многокомпонентные эргонимы в аспекте орфографии: проблема совершенствования нормы правописания: Дисс. … канд. филол. наук. – Волгоград, 2003; 9.Крюкова И. В. Рекламное имя: от изобретения до прецедентов: Дисс. … д-ра филол. наук. – Волгоград, 2004;

10.Трифонова Е. А. Названия деловых объектов: семантика, прагматика, поэтика: на материале русских и английских эргонимов: Дисс. … канд. филол. наук. – Волгоград, 2006; 11.Емельянова А. М. Эргонимы в лингвистическом ландшафте полиэтнического города (на примере названий деловых, коммерческих, культурных, спортивных объектов г. Уфы): Дисс. … канд. филол. наук. – Уфа, 2007;

12.Носенко Н. В. Названия городских объектов Новосибирска: структурно-семантический и коммуникативно-прагматический аспекты: Дисс. … канд. филол. наук. – Новосибирск, 2007; 13.Танаева З. Т. Аббревиатурные эргонимы г. Махачкалы как многоуровневая система: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2012;

15.Бутакова Е.С. Эргонимы иноязычного происхождения в коммуникативном пространстве города: Автореф. дисс. … канд. филол. наук. – Томск, 2013. – 27 с.; Бондалетов В.Д. Русская ономастика. Изд.2

# ABDULLA QAHHORNING “SAROB” ROMANIDA XARAKTERLAR TASVIRI

**Sabirdinov Akbar Gofurovich**
**O‘zbekiston, Farg‘ona davlat universiteti professori, filologiya fanlari doktori**
**tel: +998902307331. E-mail: akbarsabirdinov@gmail.com**

**Аннотация.** Мақалада оқырмандар сүйіспеншілігіне ие болған Абдулла Қаххордың «Сароб» романының көркемдік ерекшелігі, шығармада бейнеленген кезең мен кейіпкер бейнесі, сонымен қатар жазушының қаламгер кейіпкерлер арасындағы тартыс мәселесін ашудағы шеберлігі баяндалған. Мысалдарға сүйене отырып, роман жазушы өзінің қалауларына бағынбай, өзінің «шындығын» көрсететін көптеген бейнелерді, сондай-ақ олармен байланысты шындықтарды түсіндіреді..

**Түйін сөздер:** ұлттық роман, дәуір бейіті, қоғамдық-саяси орта, көркемдік шеберлік, стиль, кейіпкерлердің интерпретациясы, кейіпкер бейнесі мен мінезі, идеялық ниеті.

**Annotation.** The article describes the artistic features of Abdullah Kahor's novel “Sarob”, which caused controversy and won the love of readers, the period reflected in the work and the image of the hero, as well as the writer's skill in uncovering the problem of conflict between characters. Based on examples, the novel explains numerous images in which the writer demonstrates his “reality”, not obeying his desires, as well as the truths associated with them.

**Keywords:** national novel, grave of the epoch, socio-political environment, artistic skill, style, interpretation of characters, image and character of the hero, ideological intention.

Abdulla Qahhorning “Sarob” romani 1930-1934-yillarda yozilib, 1937-yilda alohida kitob holida, 1957-yilda esa yozuvchining 50 yillik tavalludi munosabati bilan ikkinchi marta nashr etildi. Koʻplab munozaralarga sabab boʻlgan hamda kitobxonlar mehrini qozongan ushbu asar barcha davrlar uchun xos boʻlgan dolzarb muammolarni aks ettirgan milliy roman sifatida bugun ham ahamiyatini namoyon etmoqda. Asar voqealari bizni XX asrning 20-yillaridagi dolgʻali, mafkuraviy ziddiyatlarga toʻla hayotga olib kiradi. Ijtimoiy-siyosiy qarama-qarshiliklar girdobiga tushgan murakkab taqdirlar fojiasini “qahhorona” realistik tasvir etgan ushbu asar bugun ham oʻz qimmatini saqlab qolganligi bejiz emas.

Roman voqeligi Kenja, Sharif, Shafrin, Ehson, Tesha kabi oʻzining zoʻravonlik siyosati bilan hukmronligini oʻrnatib, endi oyoqqa turayotgan shoʻro tuzumi tarafdorlari bilan unga qarshi boʻlgan Abbosxon, Salimxon, Murodxoʻja domla, Yoqubjon, Ilhom, Zokirxon, Ulfat, Muhammadrajab, Muxtorxon, Mirza Muhiddin kabilar oʻrtasidagi kurash asosiga qurilgan. Ana shu ikki kuch – ikki ziddiyatli siyosiy qarashlar girdobida umrlari, muhabbatlari xazon boʻlgan Rahimjon va Munisxon fojiasi asarning yetakchi mazmunini tashkil etadi.

Abdulla Qahhorning oʻz davri ijtimoiy-siyosiy qarashlaridan kelib chiqib, qarama-qarshi kuchlar oʻrtasidagi kurashni aks ettirishda, aksar “tarafkashlik” nuqtai nazardan yondoshgani sezilib turgan boʻlsa-da, romanda yozuvchi xohish-irodasi, istaklariga boʻysunmay oʻz “haqiqat”larini namoyon etgan koʻplab obrazlar hamda ular bilan bogʻliq voqeliklar mavjudki, ana shular asardagi umrboqiylikni, uslubiy betakrorlikni yuzaga keltirgan omillar desak xato qilmagan boʻlamiz. Masalan, Saidiy universitetdagi gruppadoshlari orasida taʼlim olishga layoqatsiz, ming yil oʻqiganida ham “nam” oʻtmaydigan, ilm olish uchun emas, jismoniy mehnat uchun yaralgan ishchi va dehqonlardan auditoriyaga majburan olib kelib oʻtqazib qoʻyilganlar borligini koʻradi. Sinfiy ayirmalarni kuchaytirgan yangi hukumat universitet dargohini ana shunday isteʼdodsiz talabalar bilan toʻldirayotganiga Saidiy qarshi edi. Ushbu voqea romanda quyidagicha tasvirlanadi:

“Saidiy koʻpdan beri aytmoqchi boʻlib, aytishdan hayiqib yurgan bir gapni bir kuni dars vaqtida keksa, rangi zahil, lunjlari osilgan professor aytdi:

– Siz universitetga munosib emassiz, - dedi u, Saidiy “toʻngak” deb nom qoʻygan bir yigitchaga, - borib ketmoningizni choping!..

Kimdir qarshi soʻz aytgan edi, muallim jerkib berdi:

– Bu – fan. Buni dekret bilan soddalashtirib boʻlmaydi!

Eʼtiroz bildirgan kishining tovushi supurgi bilan urilgan arining tovushiday birdan oʻchdi. Shunda Saidiy tor oyoq kiyimini yechib tashlaganday yayradi va shu

professorni yaxshi ko'rdi". Romanda tasvirlanishicha bu so'zlari uchun professor yig'ilishlarda muhokama qilinadi, uni qoralab gazetalarda yozadilar. Oxir-oqibat professor universitetdan haydaladi. Yuqoridagi tasvirda yozuvchi mahorati tufayli jonli, hayotiy ifoda o'xshatishlar vositasida siqiq jumlalarda aks etgan bo'lsa, sinfiy tabaqalanishni kuchaytirgan sho'ro tuzumining noto'g'ri siyosatiga aybnoma o'ziga xos aksini topganini ko'rish mumkin. Shuningdek, professor O.Sharafiddinov ta'kidlaganidek, "Sarob" romanining asosini tashkil qiluvchi g'oyaviy niyat hudbinlikni, yoxud individualizm illatini badiiy tadqiq qilishdir". Tarixda ko'pincha siyosiy kurashlarda g'olib bo'lganlarni adolatli, mag'lublarni adolatsiz sifatida talqin etganlar. Targ'ibot-tashviqotda ushbu holat ustuvorlik qilgan.

Ko'ngillarida muhabbatning ilk kurtaklari nish urayotgan navqiron Rahimjon va go'zal Munisxon munosabatlari asarda quyidagicha tasvirlanadi: "Avvallari (Munisxon – S.A.) Saidiyning yonida yurishga o'ng'aysizlanar edi. Uning yonida yurish xuddi hali shaharda rasm bo'lmagan kiyimni kiyib eng gavjum ko'chada yurishday ko'rinar, hamma ba'zan hayron qolib, ba'zan kulib qaraganday bo'lar edi. So'nggi oylar ichida go'yo bu kiyim hammaga rasm bo'lib, bundan so'ng hech kimning diqqatini jalb qilmaganday bo'ldi... Bunga yolg'iz o'zigina emas, boshqa studentlar ham ko'nikishdi. Munisxonga shaydo bo'lib, shisha ichidagi go'sht atrofida miyovlab jonini halak qilgan mushukbola singari ba'zi yigitlarni e'tiborga olmaganda hamma Munisxonning Saidiy bilan munosabatiga ortiq qiziqmaydigan bo'ldi" (55-bet).

Yozuvchining tabiat hodisalari tasviri vositasida qahramonlar kechinmalarini aks ettirish mahorati Rahimjon va Munisxonning shahar tashqarisiga boqqa dars tayyorlash uchun chiqqanlaridagi lavha tasvirida ko'rinadi. Rahimjonga ko'ngli bo'lsa-da, u bilan oila qurishni tasavvur eta olmagan Munisxon unga turmushga chiqmasligini ilk bora ochiq aytadi. Oshiq yigitning holati esa "Saidiy baland yerdan boshi bilan tushganday ko'ziga yulduzlar ko'rindi, ammo sirni boy bermasdan, Munisxonning yuziga qarab iljaydi. O'ng'aysiz jimlik hukm surdi. G'irillab turgan shaboda ochiq qolgan kitobni varaqlab, ustidagi gulni yerga tushirdi, qog'oz parchalarini uchirib ketdi" tarzda ifodalanib, gul Rahimjonning xor bo'lgan muhabbati, qog'oz parchalari barbod bo'lgan orzularining ifodasiga aylanadi.

Romandagi Munisxonning akasi Salimxon Saidiy fikricha shunday shaxs: "Salimxon o'zining obro'yi, ulug' sifatliligiga qaramay, takabbur emas, dilkash, ko'nglida kiri yo'q, kim qanday yomon ahvolda qolsa yordam qo'lini cho'zadi; madaniyatni sevadi, o'zbek xalqidan dohiylar chiqishini tilaydi; odam taniydi; kishidagi qobiliyat, zakovatni go'yo o'ta ko'radi" (67-bet). Salimxon dunyo voqelari, xalqaro ahvol, ilm-fan, adabiyotdan yaxshigina xabardor. Abdulla To'qayning Tolstoy vafoti munosabati bilan yozgan sochma she'rini yoddan biladi. Yoki, asarning boshqa qahramoni Murodxo'ja domla o'zbek tilining sofligi uchun kurashuvchi shaxs: xatto samovar o'rniga o'ziqaynar, elektr o'rniga simchiroq deb so'z to'qiydi. U sof til o'rgangani har zamon qishloqqa chiqib turadi "Domla ulfatlaridan sof til o'rgansa, ulfatlari undan xo'jalikni boshqarish yo'llarini o'rganadi" (80-bet). Rahimjonning bir hikoyasi jurnalda bosilganida, Murodxo'ja domla undan shunday xato topadi: "Chit ko'ylakka ham zor edi" debsiz. Chit – o'rischa sitetsning buzilgan shakli. Asli ruscha kalima. Mana shunday kalimalarni o'z so'zimiz bilan almashtirishga harakat qilish kerak. Men yozayotgan kitobimda shu haqli talab ekanini isbot qilaman. O'rislarda

gazlamaning butun turlariga nom berilgan: sitets, satin, markizet va hokazolar. Bizda ham gazlamaning turlariga nom bor: boʻz, duda, qalami, olacha, beqasam, shohi, katak, ip-arqoq va hokazolar” (207-bet). Murodxoʻja domla boshqa ulfatlari singari oʻzini “qizil” koʻrsatishga urinmaydi. U yer islohati butun qishloqlarni harob qiladi, degan fikrda. Shuningdek, u Buxoro amiri qochganida saroyda qolib ketgan hujjatlarning bir qismini shahar kutubxonasiga olib kelib, topshirish harakatida. Domla oʻz ish boʻlmasi eshigiga hazilomuz “Oyoqni artmay, eshikni ochiq qoldirib kiring!” degan yozuvni ilib qoʻyadi. Xonasini esa Bedil, Narimonov rasmlari, Bibixonim madrasasi xarobalari aks etgan kartina, Qoʻqon urushidan soʻng olingan fotosuratlar bilan bezagan. Murodxoʻja domla bir kuni boʻlajak kuyovi Rahimjon bilan mayxoʻrlik qilib oʻtirib, “Rahimjon, Soraxon bilan shoʻxlik qilmanglar... Har ishning vaqti-soati bor... Roʻzani dasturxon ustida tuz bilan ochadilar...” deya “nasihat” qiladi.

Asarning yana bir personaji Mahmudjon afandi boʻlib, uning fikricha: “Inson hayotdan qilgan talabining bir juz’inigina oladi. Hali sabiy boʻlgan inson undan shuncha oz talab qiladiki, olgani uni ta’min qilolmaydi. Bundan yovuzlik, bir-birini koʻrolmaslik, vahshat, muhoraba va hokazolar tugʻiladi. Shu nuqtada men Marksni tanqid qilaman. Marks birovning jahannam azobi ikkinchi birovning uchmoh rohatini vujudga keltiradi, deydi... Vaqti kelib insoniyat balogʻatga yetadi, uning sabiylik fe’l-atvorlari orqada qoladi. Bunga osoyishtalik kerak. Kishilarni sinflarga ayirish osoyishtalikni buzadi” (101-bet).

Salimxonning qistovi bilan Munisxon Muxtorxonga turmushga chiqadi. Muxtorxon portreti: “Qanshari past, ikki koʻzi loyga tushgan munchoqday, bet suyaklari chiqqan. Quloqlari yelpugʻichday” tarzda tasvirlanadi. Nikohdan oldin “chirik qirralarini yashirmay koʻrsatib turgan Muxtorxondan yaltiroq “narsalar”ni topishga uringan, uning boy ekanidan tasalli topmoqchi boʻlgan Munisxon orzulari sarobga aylanadi. Sovuq majburiyat, soxta tuygʻularga asoslangan oila Munisxonga davosiz dard boʻladi. Oxir-oqibat “Muxtorxon hamon oʻsha, ilgari ham bahornov edi, endi undan oftobda qolgan yogʻoch choʻmichning hidi keladi. U oʻpganda huddi kaltakesakning chirqillashiga oʻxshagan bir ovoz chiqadi. Muxtorxon ari talayotganiga qaramay asalari uyasiga tumshuq tiqqan ayiqqa oʻxshaydi” (179-180-betlar). Ammo Munisxon Saidiyga oʻzini turmushidan, oilaviy hayotidan mamnun qilib koʻrsatadi. Bu intihosi yoʻqdek azob oqibatida “Munisxonning goʻzalligi har kimning quchogʻida bir qatradan qola berib tugayozdi...” (180-bet) tarzda xulosalanadi.

Rahimjon ham ulkan orzular bilan Murodxoʻja domlaga ichkuyov boʻladi. “Saidiy ba’zan kechalari koʻrpada uygʻoq yotib tush koʻradi. U olamshumul yozuvchi: amerikalik mashhur muharrir singari har kuni bir yetuklik narsa yozib, yiliga oʻn ikki ming oltin maosh oladi; turli mamlakatlardan frank, dollar, rupiyalar kelib turadi; shundan soʻng bu sergʻavgʻo, seraziyat shahardan ketib Shimoliy Amerika adibi Toro singari tabiat quchogʻiga kiradi; vodiyning eng bahavo, eng goʻzal yeriga solingan qasrda oʻtirib xotini Ariadnaning royalda qilgan mashqiga quloq berar ekan, butun vodiy va undagi oʻtlab yurgan qoʻy-qoʻzilar, yilqilar, togʻ yon bagʻirlarida oʻsgan pista, archa, koʻm-koʻk oʻlanlar va ularning orasidan ilonizi boʻlib oqqan quyoshning nurlarida kumush tasmaday yarqiragan ariq va ariqchalar koʻrinib turadi. Uning qasri orqasida yer yuzidagi hamma mevalardan topiladigan katta bogʻ boʻladi. Saidiy oltinning kuchi bilan bu bogʻda nilufar gullari, hurmo va apelsin daraxtlari oʻstiradi...” (154-155-betlar).

Saidiyning “Toroning Ariadnasi” ga qiyoslagan xotini Soraxon esa butunlay o‘zgacha. U Rahimjonning kasbi, iste’dodi bilan umuman qiziqmaydi. Uning hikoyasi jurnalda bosilganda Soraxon darhol Rahimjondan hikoyaga qancha pul to‘lashlarini so‘raydi. Soraxon qiyofasi romanda quyidagicha tasvirlanadi: “Soraxon otasiga nisbatan oriq bo‘lsa-ku, rasmana qizlarday bo‘lar edi-ya, u eng oriq qizlarga qaraganda ham oriq, shuning uchun bo‘lsa kerak, odatdan tashqari novcha ko‘rinadi; yurganda xuddi ikki-uch yeridan bukilib ketayotgandek tuyuladi; shundan o‘zi ham havfsiraganday, gavdasini olg‘a tashlabroq yuradi... Yelkasidan ozgina pastga tushib turadigan ikki o‘rim qora zotli sigirning dumi singari qo‘ng‘iroq sochlari tez-tez ko‘kragiga tushib, uni qahr bilan olib yelkasiga tashlashga majbur qilmasa, orqadan ko‘rgan kishi Soraxonni og‘ir bir narsa olib ketayotgan gumon qiladi” (117-bet). Shuningdek, “Soraxonning rangi domlaning rangiday xamirga o‘xshagan emas. Soraxon qorachadan kelgan, kulganda otasi singari og‘zini katta ochib emas, yupqa lablarini qimtib, yuqorigi labini ko‘taribroq turgan o‘g‘ri tishini ko‘rsatmaslikka tirishadi” (118-bet).

Akademik B.Nazarov “Bu roman o‘zbek adabiyoti tarixidagina emas, urushgacha muallifning ijodiy tarixida ham chuqur iz qoldirdi. Shu sababdan “Sarob”ning yuzaga kelishi munosabati bilan hayotda ro‘y bergan hodisalarni Abdulla Qahhorning o‘zi avtobiografiyasida alohida tilga olishi bejiz emas” deya ta’kidlaydi. Yozuvchi uzoq kuzatishlari natijasida tug‘ilgan fikr va hikmatomuz so‘zlarini u yoki bu personaj tiliga, kechinmalari tasviriga singdirib yuboradi. Masalan, Abbosxon Saidiyning matbuotda ko‘rinmay qolgani uchun koyiganida, u birato‘la kattaroq bir narsa yozmoqchi ekanini bahona qiladi. Abbosxon “katta” yozish uchun avvalo “mayda” bilan o‘quvchi orttirish kerakligini uqtiradi. Yoki, barcha narsadan ko‘ngli sovugan Saidiy oldiga “bulbuligo‘yo” kirib, bo‘ron qo‘zg‘alayotganini, ayvoncha tunukasini bostirmasa, shamol ko‘tarib ketishini aytganida, kuyovidan javob ololmaydi. Do‘ng‘illab eshikni qattiq yopgan qaynonasi ortidan qolgan Saidiy kechinmalari shunday beriladi: “O, telba xotin, nega zarda qilasan, - dedi orqasiga suyanib, ko‘zini yumib. – Tomni tunukasi nima ekan, zamona bo‘roni butun mamlakatni ko‘tarib taraqlatayotipti-ku! Qo‘y, meni olamga tom tuzatgani kelganim yo‘q, undan tezroq ketgani kelganman” (253-bet). Saidiy ana shu tariqa o‘zini o‘limga hukm qiladi. Saidiy bo‘ron quturgan tashqariga chiqishdan oldin zarhal ramkali kattakon toshoynani gul qo‘yilgan xrustal vaza bilan urib chil-chil sindiradi. Asardagi toshoyna go‘zal hayot ifodasi. Ushbu detal yozuvchining betakror topilmasi bo‘lib, o‘zining bu dunyoni tashlab ketishga bo‘lgan qat’iy qarorini bildirgan Saidiy kechinmalari ifodasida ayniqsa asqotgan.

Saidiy Soraxonning onasiga “bulbuligo‘yo” laqabini bergan. Uning qaynonasiga bo‘lgan munosabati “Bulbuligo‘yo” tez-tez choy xo‘plar, qilt-qilt yutar va “qilt” etgan tovush Saidiyning yuragiga erigan cho‘yan bo‘lib tomar edi” (201-bet) tarzda ifodalanadi. Kunlarning birida “bulbuligo‘yo” qizidan koyidi va boshiga mushtlab:

“- Xo‘shshaymay o‘l!.. Qachongacha men sening eringni poylayman? Kerak bo‘lsa o‘zing qaragin-da!.. Shu ahvoling bo‘lsa, mendan keyin holingga maymunlar yig‘laydi. Mening ko‘z oldimda shunday qiliqlar qiladi-yu!..

- Nima qildi? – dedi Soraxon cho‘zib.

- Er deganni xotin qo‘lga olishi kerak... Necha kundan beri zehr solaman, uyga kelgan yosh-yalanglarga qaraydi, iljayadi. Oyposhshoning kelini tomda yurgan edi, ering tikka qaragani mendan istihola qildi shekilli, ataylab uydan oyna olib chiqib, oyna

bilan qaradi. Oldiga kelsam hech narsani bilmagan boʻlib, oynaga qarab tishini tozalayotipti..." (202-bet), - deydi.

Muxtorxonning boy ekanligini onasidan eshitgan Munisxon taqdirga boʻysunib, shunday xayol suradi: "Muxtorxon borib-borib toʻlishadi, yigitga oʻxshab qoladi. Qasr soladi, qasrning orqasida kichkina bogʻcha-istirohat va xayol surish oʻrni boʻladi. Bogʻchaning oʻrtasidagi marmar hovuzda oltin baliqlar suzib yuradi. Shabada esganda daraxtlardan musiqa tovushi chiqadi..." (71-bet). Lekin Munisxonning bu orzulari sarobga aylanadi. Ruhiy tushkunlik natijasida oʻzini otib oʻldiradi. Rahimjon ham na jamiyatdan, na oiladan baxt topolmay oʻzini oʻlimga mahkum etadi. Yozuvchi ana shu tariqa chigal taqdirlar fojiasini davrning shiddatkor voqealari, betakror xarakterlar tasviri fonida aks ettiradi. Professor N.Karimov "Har bir yozuvchi – oʻz davrining farzandi. U, istaydimi yo yoʻqmi davr uning asarlariga oʻz muhrini bosadi. Faqat ulugʻ san'atkorlargina oʻz davrining mafkuraviy chegaralarini yorib chiqib, kelajak avlodlar bilan uzoq muloqatda boʻladilar" deya toʻgʻri ta'kidlaydi. Abdulla Qaxxor ham ana shunday ulugʻ ijodkorlar turkumiga mansubdir.

Xullas, XX asr boshlaridagi siyosiy toʻntarishlarni aks ettirgan murakkab, fojiali taqdirlar haqidagi ushbu milliy roman yozuvchi mahoratini oʻzida aks ettirgan koʻzgudir. Biri ikkinchisiga oʻxshamagan xarakterlar talqini, qahramon va personajlar tasviridagi betakrorlik, nutqiy oʻziga xosliklar, badiiy detallardagi hayotiylik romanning oʻqimishli boʻlishini, vaqt sinovlaridan muvaffaqiyatli oʻtib, umrboqiy hodisalar turkumidan joy olishini ta'minlagan.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Абдулла Қаҳҳор. Сароб: Роман. – Т.: Шарқ НМК Бош таҳририяти, 1995. – 240 б. – (ХХ аср ўзбек романи).
2. Sabirdinov A. FEATURES PECULIAR TO OYBEK'S EARLY POEMS. ACADEMICIA. An International Multidisciplinary Research Journal. https://saarj.com. ISSN (online): 2249-7137. Vol. 10, Issue 7, July 2020. Impact Factor: SjiF 2020=7.13
3. KHamidov. M. Interpretation of the image of Mashrab in uzbek storytelling // ACADEMICIA. An International Multidisciplinary Research Journal. Published by South Asian Academic Research Journals. A Publication of CDL College of Education, Jagadhri (Affiliated to Kurukshetra University, Kurukshetra), – India, 2020, – P. 1272-1276. (Impact factor 7.13).
4. Sabirdinov, A. (2021). Askar Kasimov in the uzbek poetry of the xx century the role and importance of creation. *Конференции*, *1*(2).

# МИЛЛИЙ ТИЛ ТАРАҚҚИЁТИДА ҲОЖИ МУИННИНГ ЎРНИ

**Саидов Ёқуб Сиддиқович,**
**Бухоро давлат университети профессори,**
**филология фанлари доктори**

**Аннотация.** Мақолада Туркистон жадидчилик ҳаракатининг йирик вакилларидан бири Ҳожи Муиннинг миллий тил, ўзбек адабий тилининг ислоҳига бўлган муносабати аниқланган, ўзбек тилини расман давлат тили даражасига кўтариш бўйича айрим нуқтаи назарлари ифода этилган, туркий халқларнинг барчаси учун ягона умумтуркий адабий тилни яратиш ғоясига

бўлган муносабату қарашлари очиб берилган. Адибнинг ўзбек миллий тилининг шаклланиши ва тараққиётидаги тарихий ўрни белгиланган.

**Таянч сўзлар:** тил, миллий тил, адабий тил, давлат тили, расмий тил, умумтуркий тил, ягона тил, диалект, диалектал сўз.

**Аннотация.** В статье рассмотрено отношение Хаджи Муина, одного из крупнейших представителей туркестанского джадидистского движения, к реформе национального языка, узбекского литературного языка, выражены некоторые его взгляды на поднятие узбекского языка до уровня официального. государственный язык, и раскрыл свое отношение к идее создания единого общетюркского литературного языка для всех тюркских народов. Определена историческая роль писателя в становлении и развитии узбекского национального языка.

**Ключевые слова:** язык, национальный язык, литературный язык, государственный язык, официальный язык, национальный язык, единый язык, диалект, диалектное слово.

**Abstract.** In the article, the attitude of Haji Muin, one of the major representatives of the Turkestan Jadidism movement, to the reform of the national language, the Uzbek literary language, expressed some of his views on raising the Uzbek language to the level of the official state language, and revealed his attitude to the idea of creating a single all-Turkish literary language for all Turkic peoples. The historical role of the writer in the formation and development of the Uzbek national language is defined.

**Key words:** language, national language, literary language, state language, official language, national language, single language, dialect, dialectal word.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг содиқ издоши, ўзбек миллий драматургиясининг асосчиларидан бири, янги усулдаги мактабларнинг фаол ташкилотчиси, ўзбек миллий матбуотининг шаклланиши ҳамда ривожига беназир ҳисса қўшган журналист, зукко мунаққид, истеъдодли шоир ва таржимон Ҳожи Муин Шукрулло (1883-1942) бутун умрини миллат тараққиёти, юрт эрки, халқ маорифи такомили учун бахшида этди. Ҳур фикрлилиги, жадидчилик ҳаракати ғояларига ўта собитлиги ва эътиқоди мустаҳкамлиги сабаб у бир неча бор қамалди ҳамда охир-оқибат қатағон қурбони бўлди [1, 12].

Аёнки, Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон жадидчилик ҳаракатининг буюк раҳнамоси бўлиб, усмонли туркларнинг Аҳмад Мидҳати, татарларнинг Исмоилбек Гаспиралиси каби Ўрта Осиё халқларининг биринчи муаллимидир. Унинг ижодий меросида маориф, маданият, адабиёт муаммоларига оид мақолалар билан бир қаторда, ўзбек тили масалаларига доир мақолалар ҳам алоҳида ўринга эга. Адиб тил масалаларига бағишлаб 1913 йилда “Икки эмас, тўрт тил лозим”, 1914 йилда “Сарт сўзи маълум бўлмади”, 1915 йилда “Тил масаласи”, “Сарт сўзи мажҳулдур” каби мақолаларни ёзди. Бу мақолаларнинг барчаси жадидларнинг севикли журнали “Ойна”да босилиб чиққан. Аёнки, мазкур ҳафталик журнал 1913-1917 йиллар орасида Самарқандда чиқиб турган ва унга Беҳбудий муҳаррирлик қилган. Ҳожи Муин шу журналда Беҳбудий билан бирга фаолият юритган ва жуда кўп мақолаларини чоп эттирган. Собиқ шўро даврида унинг бошқа жадидчилик ҳаракати намояндалари қаторида илмий-бадиий мероси деярли ўрганилмади [5, 45].

Истиқлол шарофати ўлароқ, собиқ шўро ҳукумати даврида тақиқланган тарихий-маданий, адабий-бадиий меросни, чунончи, Ҳожи Муин адабий-танқидий, илмий-оммабоп меросини ҳам жиддий ўрганишга катта аҳамият берилди, халқ тафаккурида фикрий инқилоб ясаган асарларини чоп этиш ишлари авж олди. Адиб публицистикасида мтил масалаларига оид мақолалар муҳим ўрин тутади. Шундай мақолалар сирасига «Тил масаласи», «Вақтсиз мубоҳаса», «Сўз, қарор ва иш» кабиларни киритиш мумкин. Уларда Ҳожи Муиннинг ўзбек адабий тилининг ислоҳига бўлган муносабати муфассал баён қилинган, ўзбек тилини расман давлат тили даражасига кўтариш бўйича айрим нуқтаи назарлари ўз ифодасини топган.

Ҳожи Муиннинг 1918 йил 16 июлда «Меҳнаткашлар товуши» газетасида «Тил масаласи» мақоласи босилиб чиқади. Изоҳ сифатида айтиб ўтиш керакки, Адибнинг «Самарқанд матбуоти тарихи» мақоласида қайд этилишича, «Меҳнаткашлар товуши» газетаси 1918-1922 йилларда Самарқандда нашр қилинган. Масъул муҳаррири Ҳожи Муин бўлган ушбу газета дастлаб «Меҳнаткашлар ўқи», сўнгра «Меҳнаткашлар товуши» номи билан чоп этилган. Муаллифнинг мазкур мақоласи шундай бошланади: «*Ҳозирда бизлар учун энг муҳим масалалардан бири, шубҳасиз, тил масаласидир*» [8, 80]. Англашиладики, Ҳожи Муин ўзбек тилига оид масалаларни ижтимоий даврнинг энг асосий масаласи сифатида қайд этмоқда, унга жиддий муносабатда бўлиш лозимлигини алоҳида уктирмоқда. Унинг фикрича, миллатнинг шаклланиш ва ривожи бевосита тилга боғлиқ, шу боис унга ҳаёт-мамот масаласи сифатида қараш лозим. Ҳар бир киши ўз ҳаёти ва ҳуқуқини қай даражада ҳимоя қилса, худди шу тарзда ўз она тили — «туркий тил» (ўзбек тили)ни ҳам муҳофаза қилмоғи шарт. Ҳожи Муин, бошқа жадидлар билан бир қаторда, ерли аҳоли, яъни ўзбек халқининг тилига давлат тили ҳуқуқи (мақоми) берилиши учун ҳаракат қилди. Бусиз миллатни ва миллий тилни шакллантириб бўлмаслигини у чуқур англаб етган эди. «Туркий тилимиз ва адабиётимизнинг такомилиға тиришмагимиз ва туркий тилимизнинг Туркистонда расмий ҳукумат тили қилурға ҳаракат этмагимиз лозимдур», - деб ёзади Ҳожи Муин мақоласида.

Аёнки, чор Русияси хукмронлиги даврида Туркистонда расмий иш юритиш тили, асосан, рус тили ҳисобланган. 1917 йил октябрь тўнтаришидан сўнг Русия колониал сиёсати большевиклар томонидан моҳият эътибори билан деярли ўзгартирилмаган бўлса-да, тобе халқларнинг ишончини қозониш мақсадида ва энг муҳими, маҳаллий зиёлиларнинг хатти-ҳаракатларидан қўрқиб бир муддат айрим ҳуқуқларни, чунончи, республиканинг туб ерли аҳолисига рус тили билан мувозий тарзда ўз тилларида ҳам расмий иш юритиш ҳуқуқини берди ва бу хусусда қонун қабул қилди.

Барча жадидлар сингари Ҳожи Муин ҳам мазкур тарихий воқеани ўта хурсандчилик билан кутиб олди ва имкониятни бой бермасдан зудлик билан қонунни ҳаётга татбиқ этиш учун ҳаракат қилди. «Энди бизларга, — деб ёзади у, — хусусан иш бошинда турғон улуғларимизға, ёшларимизға ва матбуотимизға лозимдирки, фурсатни ўтказмасдан тездан ушбу масаланинг ҳал этилишига тиришгайлар». Маҳаллий давлат идораларининг айримлари қонун қабул қилинганига қарамай расмий иш ҳужжатларини рус тилида юритаётганидан

чуқур изтиробга тушади ва бу ҳолатни она тили (ўзбек тили)га нисбатан жиноят сифатида баҳолайди.

Адибнинг 1918 йил 20 августда «Меҳнаткашлар товуши» газетасида юқорида номи эслатилган мақолага айнан монанд яна бир «Тил масаласи» номли мақоласи чоп этилганки, уни аввалги мақоланинг мантиқан давоми деса бўлади [8, 87]. Чунки бу мақолада ҳам муаллиф ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш хусусида фикр юритади. У мазкур мақоласида аввалги мақоласида илгари сурган қарашларини бир қадар аниқлаштирган ва айни пайтда, айтиш мумкинки, янги нуқтаи назарлари, тушунчалари билан бойитган.

Мақола муаллифининг таъкидлашича, 1918 йил 8 августда Туркистон марказий комитети комиссиясининг III йиғилиши бўлиб ўтади ва унда «Туркистон мусулмонлари учун давлат лисони туркий тил бўлсин», деб қарор қабул қилинади. «Ушбу яхши хабар бизни бир ёқдан қанчалик шодлантирса, иккинчи томондан, кўп қийинчиликлар олдида шоштириб қўйди», — деб ёзади Ҳожи Муин. Хўш, адиб тилга олган «қийинчиликлар» нималардан иборат эди? Улар, мақолада қайд этилишича, қуйидагилар эди:

1) ҳукумат идораларида фаолият юритаётган «мирза» (котиб)лар ва маҳаллий зиёлиларнинг аксарияти ўзбек тилига оид қоидалар ва имлони яхши билмайди;

2) бунга сабаб мактабларда ўзбек тилининг «сарф» (морфология) ва «наҳв»и (синтаксиси) махсус ўқитилмайди. «Бизнинг туркий тилимиз ишланмаған бир тил бўлиб, мунинг сарф ва наҳвиға оид ҳануз бирор турли рисола босилиб чиқған эмас»,— деб қайд этади адиб. Бу ҳолатлар эса, шубҳасиз, ўзбек тилининг ижтимоий-сиёсий мавқеини кўтариш, унинг қадр-қимматини тиклаш, давлат тили мақомини таъминлаш йўлида катта тўсиқдир.

Мақола муаллифи кун тартибига келиб қолган мазкур долзарб муаммоларни таъкидлар экан, уларни ҳал этиш, “қийинчиликларни” бартараф этиш йўл-йўриқларини ҳам кўрсатиб беришга уринади. Унинг фикрича, энг аввало, “Туркистон ўлкасидаги ҳар бир шаҳарда ҳукумат ҳисобидан тил курслари”ни очиш, уларда ўзбек тили қоидалари, расмий иш ҳужжатларини ўзбек тилида ёзиш қоида ҳамда тартиблари пухта ўргатилиши лозим. Шундай йўл тутилса, мавжуд муаммо ўз ечимини топади, ўзбек тилининг давлат тили мақомига ҳақиқий эришиши учун пухта замин ҳозирланади.

Адибнинг тил муаммоларига оид яна бир мақоласи “Вақтсиз мубоҳаса” деб номланади [9, 125]. У 1924 йил 7 февралда “Зарафшон” газетасида чоп этилган. “Зарафшон” газетаси 1922-1930 йилларда Самарқандда чоп этилган. Унинг ташкилотчиси ва илк масъул муҳаррири Ғози Олим Юнусов бўлган. Мақолада адибнинг барча туркий халқлар учун муштарак (ягона) умумтуркий адабий тилни яратиш ғоясига бўлган муносабату қарашлари, нуқтаи назарлари ўз ифодасини топган. Адиб мақолада дастлаб мазкур ғоянинг пайдо бўлиш тарихи ва сабабларига қисман тўхталиб ўтади ва  Исмоилбек Гаспирали томонидан ушбу ғоя, фикр илк марта илгари сурилганлигини алоҳида таъкидлайди. “Марҳум Исмоилбек ўзининг “Таржумон” газетаси билан тил бирлаштириш тўғрисида 25 йил фикр тарқатди”,— деб ёзади Ҳожи Муин.

Юқорида айтиб ўтилганидек, XX аср бошларида Исмоилбек Гаспралининг туркий тиллар бирлиги ғояси Туркистонда ҳам кенг ёйилди ҳамда унинг

тарафдорлари, уни тарғибу ташвиқ қилувчилар ҳам тез суръатларда майдонга чиқди. Ҳожи Муиннинг мақолада ёзишича, Туркистонда мазкур ғоянинг илк тарафдори ва тарғиботчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий бўлган. У бу хусусда шундай ёзади: «Туркистонда «тавҳиди лисон» (тил бирлиги – Ё.С.)чиларнинг биринчиси, маним билганимча, марҳум Беҳбудий эди».

Ҳожи Муин Беҳбудийнинг қарашларини қўллаб қувватлайди. «Мен ҳам шу ишнинг вужудга чиқишини истайман»,— дейди у. Масаланинг ўта муҳимлигини эътироф этади. Муштарак адабий тилнинг яратилиши ва туркий халқлар ҳаётига кенг жорийланишини жуда-жуда истайди. «Лекин,-деб фикрини давом эттиради у,— бўлиши ғоят кўб шароитга мувофиқ бўлган бундай бир ишнинг орқасиндан овора бўлиб юришни ҳозирча вақтсиз деб биламан».Умумтуркий адабий тилни яратишдан кўра ўз даврининг бошқа муҳим ва долзарб масалаларига диққат қаратиш ҳамда уларни зудлик билан ҳал этиш чора-тадбирларини кўриш лозим, деб ҳисоблайди. Муҳим масалалар сирасига адабий тилни халқ жонли сўзлашув нутқига мумкин қадар яқинлаштириш, уни халқ вакилларининг деярли барчаси тушунадиган даражада соддалаштириш, ўзбек тилининг «сарф-наҳв»ини тузиш, унга оид назарий адабиётларни яратиш, луғат китобларини тузиш ва нашр эттириш кабиларни киритади.

Умуман олганда, Ҳожи Муин туркий тиллар бирлиги муаммосига муносабат билдирар экан, масаланинг ўта аҳамиятли эканлигини, бироқ уни ҳал этиш анча қийинлигини уқтиради. Туркий халқларнинг тил жиҳатидан бир-биридан фарқланишига барҳам бериш учун «кўп куч ва замонлар» керак, деб ҳисоблайди ва уни истиқболдаги вазифалар жумласига киритади. Мазкур масаладан-да зарурроқ ва муҳимроқ муаммоларга, яъни маънавий-маърифий масалаларга, ўзбек адабий тилининг қоида ва меъёрларини ишлаб чиқишга, дарслик, ўқув қўлланмалар ва луғатларни яратиш ва чоп этишга бутун диққатни қаратиш ҳамда уларни тўла-тўкис, мукаммал амалга ошириш учун барча кучни сарфлаш кераклигини таъкидлайди.

Адиб мақоласида муштарак тил яратиш ҳаракатининг айрим салбий томонлари ва оқибатлари хусусида ҳам мулоҳаза юритади. Умумтуркий адабий тил яратилгудек бўлса, Ҳожи Муин фикрича, у қуйидаги салбий ҳодисаларни келтириб чиқаради:

1) муштарак адабий тилни шакллантиришда туркий халқларнинг муайян тили ёки шеваси асос қилиб олинади. Бу эса, табиийки, таянч тил ёки шевадан бошқа туркий тил ва шеваларнинг истеъмолдан чиқишига, бошқача тарзда айтганда уларнинг «ўлими»га сабаб бўлади;

2) ягона адабий тил жорий этилган тақдирда, у туркий халқларнинг барча қатламлари вакиллари тушунадиган адабий тил бўлмасдан, фақатгина айрим зиёлилар тушунадиган ва англайдиган «хавос» (хос, махсус) тил бўлади.

Адиб фикрича, туркий тилларни тўла-тўкис бирлаштиришга эмас, балки уларни имкон қадар яқинлаштиришга ҳаракат қилиш керак. Ҳар бир туркий тил ўз табиати ва хусусиятига кўра ривожланиши, такомиллашиб бориши шарт. Умуман, мазкур мақолада Ҳожи Муиннинг миллий ва адабий тилга, уни софлаштириш ва соддалаштиришга, шева ҳамда лаҳжаларга бўлган муносабати ёрқин ифодаланган. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ҳожи Муин ва бошқа жадидларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида XX аср бошларида ўзбек

миллий тили шаклланди, унинг мақолаларида илгари сурилган ғоя ва қарашлар бугунги тилшунослик фанимиз учун муҳим аҳамиятга эга.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Авазов Н. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ижодий мероси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т.: ЎзР ФА ТАИ, 1995.
2. Беҳбудий. Танланган асарлар (нашрга тайёрловчи Б.Қосимов). –Т.: Маънавият, 1997. -232 б.
3. Жалолов А. Жадид адабиёти ва тил // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1999. -№ 5. –Б. 42-45.
5. Саидов Ё. Жадид бадиий асарлари лексикаси тадқиқи: Филол. фан. док. … дис ( DSc). –Т.: 2018.
6. Saidov Y. Jadidlar va milliy til (monografiya). –T.: Fan, 2006.
7. Saidov Y. O`zbek adabiy tili tarixi (darslik). -Buxoro: Durdona, 2021. -407 b.

# MODAL SO'ZLARNING SINTAKTIK KONSTRUKSIYALARDAGI LISONIY XUSUSIYaTLARI

**Usmonova Huriniso Sharapovna,**
**O'zbekiston, Namangan davlat universiteti**
**Filologiya fanlari doktori, professor**
**Tel: +998 99 978 88 57 e-mail: hurinisousmonovaa@mail.ru**

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada uyushtiruvchi markazi modal so'z bilan ifodalangan propozitiv nomlanishlarning gap tuzilishidagi o'rni xusucida so'z yuritiladi. Bunday birliklarning shakliy va mazmuniy tuzilishi tahlil qilinadi.

**Kalit so'zlar:** propozitiv nomlanish, uyushtiruvchi markaz, modal so'z, sifatdosh oborot, pozitsiya, transformatsiya.

**Аннотация.** Бұл мақалада ұйымдастыру орталығы модальды сөзбен берілген сөйлем құрамындағы септік есімдердің атқаратын қызметі қарастырылады. Мұндай бірліктердің формалды және мазмұндық құрылымы талданады.

**Түйінді сөздер**: септік атау, ұйымдастырушы орталық, модаль сөз, сын есім, позиция, түрлендіру.

**Annotation:** This article discusses the role of propositional nouns in the sentence structure, whose organizing center is represented by a modal word. The formal and substantive structure of such units is analyzed.

**Key words:** propositional naming, constituent center, modal word, adjective clause, position, modification

Uyushtiruvchi markazi modal so'z bilan ifodalangan bunday qurilmalar ***bor, yo'q, mavjud, kerak, lozim, zarur, farz, darkor*** leksemalarining ko'proq ot turkumidagi leksemalarni ergashtirib kelishi bilan shakllanadi. Professor N.Mahmudov ***bor, yo'q*** modal so'zlari hamda ***-lik*** affiksi bilan hosil bo'lgan ifodalar haqida fikr yuritib, bu kabi bir qator birliklarni semantik-sintaktik jihatdan sifatdosh oborotlarga yaqin deb hisoblaydi. (1.45)

Masalan, ***Maktab pedagogika kollektivi Hakimovning yapon razvedkasi bilan aloqasi borligini o'z vaqtida tushunib yetmagan*** (O'.Hoshimov) gapida ***Hakimovning***

***yapon razvedkasi bilan aloqasi borligini*** qurilmasi to'ldiruvchi pozitsiyasidagi propozitiv nomlanish bo'lib, qurilmaning tayanch nuqtasi borligini leksemasiga ot turkumidgi ***aloqasi*** leksemasi tobe bo'lyapti. Propozitiv qurilmaning boshqa a'zolari uyushtiruvchi markaz bo'lgan ***borligini*** so'ziga emas, balki ***aloqasi*** leksemasiga bog'lanyapti:




Bu qurilma yaxlit holda ***tushunib yetmagan*** predikatining argumenti sifatida ega pozitsiyasidagi ***maktab pedagogika kollektivi***, hol pozitsiyasidagi ***o'z vaqtida*** birliklari kabi funktsiya bajaryapti. Propozitiv nomlanish tarkibidagi a'zolar bosqichma-bosqich o'zi bog'lanib kelayotgan vositaning kengaytiruvchilari vazifasini bajaryapti. Yuqoridagi propozitiv qurilma gapning yadrosi sanalgan predikatning kengaytiruvchisi bo'lgani holda, propozitiv nomlanishning uyushtiruvchi markazi ham o'z kengaytiruvchisiga ega. Ya'ni:




***Bu ishda Shoqosimning ham aybi borligini bildi*** (O.Yoqubov)

Berilgan gapda ***bildi*** kesimi ***bu ishda SHoqosimning ham aybi borligini*** qurilmasini o'ziga ergashtirib kelmoqda. Demak, propozitiv nomlanish predikatning kengaytiruvchisi sifatida to'ldiruvchi pozitsiyasida turibdi. ***Bu ishda SHoqosimning ham aybi bor*** shaklidagi sodda gap transformatsiyaga uchrashi natijasida bir necha uzvdan iborat qurilma - propozitiv nomlanishga aylangan. Ushbu qurilmaning uyushtiruvchi markazi ***bor*** leksemasi ***aybi*** va ***bu ishda*** vositalarini tobelantirib, ***aybi*** leksemasiga ***SHoqosimning*** qaratqichi bog'lanyapti:




Bu gapning «shajara daraxti» quyidagicha:




Shuningdek, ***Farmonov Toshkentdan hech qanday xabar yo'qligidan bezovta edi*** (O.Yoqubov) gapida ham uyushtiruvchi markazning modal so'z bilan ifodalanganini kuzatish mumkin. Biroq yuqoridagi ikki gapdan farqli holda, propozitiv

nomlanishning tayanch nuqtasi bo'lgan so'z inkor ma'noli sanaladi. Uyushtiruvchi markaz *yo'qligini* ifodasi o'z kengaytiruvchilari bilan birga ega pozitsiyasidagi ***Farmonov*** leksemasi singari ***bezovta edi*** predikatining argumenti bo'lib, hol pozitsiyasida kelmoqda.

Ushbu qurilma o'z ichki bog'lanishlariga ega bo'lib, ***Toshkentdan hech qanday xabar yo'q*** shaklidagi sodda gapdan qaratuvchi Q qaralmish tipidagi murakkab bo'lakka aylangan. Bu yerda uyushtiruvchi markaz hisoblangan yo'qligidan leksemasi ***xabar(ning)*** leksemasini o'z kengaytiruvchilari bilan ergashtirib kelyapti. ***Toshkentdan*** va ***hech qanday*** ifodalari alohida-alohida holda ***xabar*** leksemasiga bog'lanyapti:




**Hol pozitsiyasi:**

N + Nдан + Pron + N + йўқлигидан + Adv эди

Tasdiq yoki inkor ifodalovchi leksemalar (***bor-yo'q)*** juft holda ham ishlatilishi mumkin bo'lgan hollarda, bizningcha, sodda gapning transformatsiyasi kuzatilmaydi. Nazarimizda, transformatsiyaga uchrashi mumkin bo'lgan sodda gapning o'zi mavjud emas.

***Xotini SHeraliga dori-darmon kerakligini aytdi*** gapida ***aytdi*** predikati ega pozitsiyasidagi ***xotini***, to'ldiruvchi pozitsiyasidagi ***SHeraliga dori-darmon kerakligini*** tobelantirib kelyapti. Propozitiv nomlanish o'z ichida ***SHeraliga***, ***dori-darmon*** leksemalarini ergashtirib to'ldiruvchi Q ega Q kesim tipidagi ***SHeraliga dori-darmon kerak*** sodda gapining transformatsiyaga uchrashi bilan shakllanyapti. Barcha bo'laklar o'z pozitsiyasini yo'qotib nofunktsional pozitsiyada yuzaga chiqyapti va kesimning bitta argumenti bo'lib kelmoqda. Ya'ni:

N + Nга + N(нинг) + кераклигини + Vf

Uyushtiruvchi markazi modal so'zlar bo'lgan propozitiv nomlanishlar gapda qanday pozitsiyada kelishi ularning tayanch nuqtasi olayotgan morfologik ko'rsatkichlar vositasida, ayni zamonda, asosiy predikatga qay yo'sinda bog'lanishi bilan belgilanadi:

**Ega pozitsiyasi:**

***borligi, yo'qligi, kerakligi, zarurligi, farzligi...***

**To'ldiruvchi pozitsiyasi:**

***borligini, yo'qligini, kerakligini, zarurligini, farzligini...; borligiga, yo'qligiga, kerakligiga, zarurligiga, farzligiga...; borligidan, yo'qligidan...***

**Hol pozitsiyasi:**

***borligi uchun, yo'qligi uchun, kerakligi uchun, zarurligi uchun, farzligi uchun...***

Gapning asosiy predikatiga bog'lanish usuli bilan ayrim shakllar hol yoki to'ldiruvchi pozitsiyasini egallashi mumkin. Masalan:

... ***ishi borligiga (nimaga? - to'ldiruvchi)***

***... ishi borligiga (nima uchun? - hol)***
***... ishi borligidan (nimadan? - to’ldiruvchi)***
***... ishi borligidan (nima sababli ? - to’ldiruvchi)***
***... ishi borligida (nimada? - to’ldiruvchi)***
***... ishi borligida (qachon? - hol)***

Bunday shakldagi propozitiv nomlanishlarning sintaktik pozitsiyasi predikatning mazmuniy ifodasi orqali konkretlashadi:

***Uning ishi borligiga ishora qildi (to’ldiruvchi)***
***Zarur ishi borligiga ko’p o’tirmadi (hol)***
***Ishi borligidan nolib qoldi (to’ldiruvchi)***
***Ishi borligidan shoshildi (hol)***

Propozitiv qurilmaning sintaktik pozitsiyalari uyushtiruvchi markazi ot, sifat, olmosh, ravish bo’lgan ifodalarda ham asosiy predikat va unga bog’lanuvchi so’zning morfologik ko’rsatkichi orqali namoyon bo’ladi.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Курилович Е. Проблема классификации падежей // Очерки по лингвистике. – М.: Наука, 1962.
2. Курилович. Е. Деривация лексическая и деревация синтактическая // Очерки по лингвистике. – М., 1962.
3. Махмудов Н.М. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка: Автореф. дисс... д-ра филол.наук. – Т., 1984.
4. Тожиев О. Ўзбек тилида от предикатли гапларнинг мазмуний ва синтактик тузилиши: Филол. фанлари номзоди... дис. автореф. – Т., 1995.
5. Сайфуллаева.Р. Ҳозирги ўзбек тилида уюшувчи ва уюштирувчи элементлар. – Т.: Меҳнат, 1990.

# ЎЗБЕК ТИЛИ ТАЪЛИМИДА АДАБИЙ МАТН БИЛАН ИШЛАШНИНГ УСУЛЛАРИ
## (Таниқли ўзбек шоири ва таржимони Минҳожиддин Мирзо шеърлари мисолида)

**Салимжон Ғаниев,**
**Ж.Ташенев номли университет катта ўқитувчиси(Қозоғистон)**
**филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**
**Маърифат Қосимова,**
**Андижон давлат педагогика институти доценти,**
**филология фанлари номзоди**

**Аннотация.** Мазкур мақолада ўзбек тили таълимида адабий матн билан ишлашнинг инновацион усуллари тадқиқ қилинади.

**Калит сўзлар:** дарс, ўзбек тили, сўз санъати, маҳорат, қадрият, достон, бадиий олам, тафаккур.

**Аннотация.** Бұл мақалада өзбек тілінде білім беруде көркем мәтінмен жұмыс жасаудың инновациялық әдістері зерттеледі.

**Тірек сөздер:** сабақ, өзбек тілі, сөз өнері, шеберлік, құндылық, эпос, көркем дүние, ойлау.

**Abstract.** In this article, innovative methods of working with literary text in Uzbek language education are researched.

**Key words:** lesson, Uzbek language, word art, skill, value, epic, artistic world, thinking.

2022 йил Қозоғистонда “Болалар йили” деб эълон қилинганида, мамлакат Президенти Қасим – Жомарт Тоқаев тўғри таъкидлаганидек, “Болаларга алоҳида эътибор берилиши керак. Уларнинг фаровонлиги – давлатимиз муваффақиятли келажагининг ишончли кафолати... Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши, бахтли болалиги бизнинг умумхалқ вазифамиздир”[53].

Дарҳақиқат, глобаллашиш жараёнида болалар фаровонлиги, ҳуқуқлари ва истиқболи долзарб муаммога айланди. Туғилиб ўсган ватанининг тарихини мукаммал билган, ўз она тилини қадрлаган, унда фикрини эркин ва чиройли ифода этадиган ёшлар эртанги кунга ишонч билан яшайди. Шунинг учун ҳам, жаҳон мамлакатларининг барчасида она тили таълими мактаблар ва олий ўқув юртлари фаолиятининг энг муҳим унсурларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан тил таълимининг сифати ва самарадорлигини оширишга кун сайин эътибор кучаймоқда. Талабалар ва ўқувчиларни фаоллаштиришнинг педагогик имкониятлари деганда таълимнинг мантиқий, эвристик, интегратив, танқидий, таҳлилий, когнитив-прагматик ёндашувларидан ҳамда илмийлик, узвийлик, кўргазмалилик, мобиллик, моделлаштириш каби тамойиллари, самараси аниқ ва синалган интерфаол методлар, шунингдек, коммуникатив компетенцияларни ривожлантирувчи ижодий танловлардан фойдаланиш назарда тутилади.



Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларининг ноанъанавий ўзбек тили дарсларида ўқувчиларни адабий матн билан ишлашга ўргатишда, энг аввало, уларнинг қизиқишлари ҳисобга олинади. Таниқли шоир, таржимон ва публицист Минҳожиддин Мирзо замонавий ўзбек адабиётининг забардаст вакилларидан бири. Унинг фавқулодда гўзал бадиий тафаккур, латиф заковат билан вобаста фалсафий теран асарлари ўқувчиларни рангин ҳиссиётлар дунёсига ошно қилади, олам ва одам ҳақида чуқур мушоҳада юритишга ундайди.

Минҳожиддин Мирзонинг “Соғинч салтанати” маърифий достони ўзига хос композицион қурилиши, тарих воқеаларининг ҳаққоний тасвирланиши билан ажралиб туради. Шоир XV асрга хос тарихий-ҳаётий манзараларни жонлантиришда ташбеҳлар, тасвирий воситалар ва бадиий санъатлардан унумли фойдаланади. Достондаги миллий ўзлик туйғуси билан уйғунлашган сержило

[53] Алметов Н. Мактаб ота – оналар университети. Ўқув – методик қўлланма. Шимкент.: 2023. -Б.11.

бадиий нутқ ўқувчи руҳиятига кучли таъсир этади, унда у ёки бу воқеа, ҳолатга нисбатан ўзига хос ҳиссиёт уйғотади. Мутахассисларнинг фикрича, “Шеърда




фикр ва туйғу сўз билан уйғунлашади ва китобхон қалбига оҳанг, вазн, қофия, товуш такрорлари билан кириб боради”[54]. Айнан сўз билан вобаста туйғу, оҳанг ва товушлар воситасида ўтмиш воқеликлари жонланади:

Кимнинг боши кетар, қай дил имкони,
Тарихнинг измида жонлар чирпирак,
Тунлар уйқу бермас йиллар армони,
Бунчалар юешафқат бўлмаса фалак?
Тушларига кириб энг азиз дамлар,
Туғилган ошёни чорлаб қийнагай.
Дунёни титратган Соғибқирон ҳам,
Ватандин йироқда юртин қўмсагай.

Шунинг баробарида ўқувчиларни фаоллаштириш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун, табиийки, маънавий-маърифий тадбирлар орқали ўқувчиларни фаоллаштиришнинг педагогик имкониятлари инобатга олинади. Бадиий асарда муаллиф нутқи ва персонаж нутқи масаласи, одатда, насрий асарларга тегишли хусусият деб қаралади. Бироқ, лиро-эпик жанр ҳисобланган достон ва шеърий драмаларда баён услубининг ҳам лисоний жиҳатларини ўрганиш талаб этилади. Кўриниб турибдики, Минҳожиддин Мирзонинг “Соғинч салтанати” достонида баён қилгувчи қисман шоирнинг ўзи бўлса, кечинмаларнинг кульминацион ифодалари Заҳириддин Муҳаммад Бобур тилидан баён қилинар экан, икки хил усулнинг қоришиқ услуби шакллантирилган:

Мен қайда бўлмайин қалбимда муҳр,
Умаршайх ўғлимен, Темурхон насли.
Ҳиндни юрт тутибмен, илдиз отибмен,
Ёдда тут, ўғлингмен, Андижон асли!

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири А.Орипов тўғри таъкидлаганидек, “Минҳожиддин Мирзо шеърларида она юрт, ўчмас иймон каби муқаддас тушунчалар ғоят юксак даражада шарафланади.Қадим Андижонда,

[54] Озеров Л. Работа поэта.М.: “Прогресс”, 1968. -С.168.

Бобур ва Чўлпондек зотларни етиштирган заминда ўсган шоиримиз хоҳ тарихий, хоҳ замонавий мавзуда ёзмасин, унинг нуқтаи назари яққол кўзга ташланиб туради"[55]. "Соғинч салтанати" асари баён услубининг яна бир оригинал жиҳати шундаки, *реал воқелик* ва *туш* ҳодисаси ҳамда *лирик қаҳрамон* ва *шоир* образи ўзаро қоришиб кетган эмоционал психологик жараён тасвири ўқувчини ўзига тортади ва кучли эстетик завқ беради, адресат кечинмаларига таъсир кўрсатади. Бундай жозибадор услуб шоирнинг ўзига хос маҳоратидан дарак беради:

Бобурингман, айрилган ул наҳру Андижонидин,
Ашъорларим деманг сиёҳ, алар юрак қонимдан,
Қайтолмасман Ҳинд мулкидин кўзларимда ашк қатор,
Топарму деб қийнар жоним алар менинг шонимдин,
Боролмасман Андижонға ғаним тўсган еримни,
О.Самарқанд, ўзинг чорла Ҳумюним – ўғлимни,
Тангрим, сендан ёлғиз ўтинч, руҳим қилма дарбадар,
Бобурийлар макон этсин ғаним чиққан тўримни.

Таниқли шоир ва таржимон Минҳожиддин Мирзо ижодий камолотида Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ руҳонияти ва руҳияти, теран фалсафаси ўзига хос аҳамият касб этади. Унинг фикрича, "Мутафаккир шоирнинг маънавий-ахлоқий фазилатларининг гултожи эзгулик эди. Бу эзгулик нури унинг китобу девонларида, қурдирган иншоотларида, бобурийлар қалбига эккан мунаввар бунёдкорлик руҳида кўринади. Ана шу маънода биз дунёда тенгсиз бўлган Тожмаҳал обидасининг маҳобатида, боқий гўзаллигида Бобуру бобурийларнинг буюк қалбини кўрамиз."

Зеро, бадиий асарга хос тил бирликларида оддий ахборот узатишдан ташқари стилистик қатлам, яъни эмоционал-экспрессив бўёқдорлик, перцептив мақсад, ўзига хос ранг-баранглик кўзда тутилади. "Соғинч салтанати" достонида қўлланган ибора ва жумлалар бирор нарса, ҳодисаларни баён этибгина қолмай, айни пайтда улардан сўзловчининг ифодаланаётган тушунчага ўз баҳоси, муносабати ҳам англашилади. Воқеликка нисбатан сўзловчи томонидан ижобий ёки салбий муносабат қай тарзда билдирилиши ижодкорнинг ўзига хос услубий ёндашувига боғлиқ, албатта. Ушбу асарда бадиий ғоянинг намоён бўлиш тамойиллари шоирнинг шаклий-услубий изланиши, поэтик ифода йўсинида персонажлар нутқига сингдириб юборилган.

Педагогика фанлари доктори, профессор, тариқли олим Неъматжон Алметовнинг фикрича, "Жамият жадал суръатлар билан ривожланаётган, тарихий вақтнинг тезлашуви шароитида ёшларимиз тарбияси билан боғлиқ муаммолар ҳам кўпаймоқда. Фарзандлар тарбиясида анъанавий бир қатор муаммолар, биз авваллари дуч келмаган мураккаб масалалар пайдо бўлмоқда. Ахборот асри, янги иқтисодий шароитлар ва қадриятларнинг ўзгариши, глобаллашувнинг таъсири, рақамлаштириш каби омиллар ота-оналардан бола тарбиясига янгича ёндашишни талаб этмоқда.Эндиликда болаларни фақат ҳаётий тажрибада ўзлаштирилган амалий билим ва кўникмаларга таяниб тарбиялаш яхши натижалар беравермайди"[56]. Демак, ўсиб келаётган ёш авлод онгу шуурида она тилига ҳурмат ва муҳаббат туйғуларини шакллантириш учун

---

[55] Орипов А. Шеъриятимизнинг яна бир Мирзоси. Сўзбоши. (М.Мирзо. Гуллаш пайти келди, боғларим)Т.: "Тафаккур", 2015. -Б.3.

[56] Алметов Н. Мактаб ота – оналар университети. Ўқув – методик қўлланма. Шимкент.: 2023. -Б.11.

таълимнинг инновацион ғояларга асосланган замонавий шаклларини жорий қилишимиз зарур.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг ноанъанавий ўзбек тили дарсларида адабий матн устида ишлаш учун Минҳожиддин Мирзо шеъриятидан фойдаланиш ижобий самара беради. Унинг шеър ва достонларида тасвирий воситалар, шеърий санъатлар ўзига хос услубни намоён этиши билан ўқувчиларнинг эътиборини тортади, мисралардаги жозиба ва тиниқлик асарнинг ўқилишида ҳам жарангдорлик ва оҳангдорликни таъминлайди. Шунинг баробарида, она тили таълимининг аҳамияти ва масъулияти нечоғлик улкан эканлигини унутмаслигимиз шарт.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алметов Н. Мактаб ота – оналар университети. Ўкув – методик қўлланма. Шимкент.: 2023.
2. Каримов С. Ўзбек тилининг грамматик стилистикаси масалалари. – Самарқанд, 2012.
3. Каримов С. Бадиий услуб ва ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: СамДУ, 1994.
4.Кузнецов И.Н. Современная деловая риторика. –М.: Гросс Медиа, 2007.
5. Мирзо М. Гуллаш пайти келди, боғларим. Т.: “Тафаккур”, 2015.
6.Озеров Л. Работа поэта.М.: “Прогресс”, 1968.
7.Ҳомидий Ҳ. Абдуллаева Ш. Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. Т.: “Ўқитувчи”, 1970.
8.Ғаниев С. Минҳожиддин Мирзо шеърияти лингвопоэтикаси: фил.фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Фарғона, 2023. – 52 б.

# ЖАДИДЧИЛИК ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ИСЛОҲОТИ
## *(Маҳмудхўжа Беҳбудий фаолияти мисолида)*

**Рустам ШАРИПОВ**
**Тошкент давлат шарқшунослик**
**университетининг доценти,**
**филология фанлари номзоди**

**Аннотация.** Мазкур мақолада Туркистон жадидчилик ҳаракатининг раҳнамоси Маҳмудхўжа Беҳбудий фаолияти мисолида XX аср бошида жадидчилик ва давлат бошқарувиислоҳоти масалалари тадқиқ қилинди.

**Калит сўзлар:** жадидчилик, Туркистон, халқ, ислоҳот, жамият, маърифат, давлат.

**Аннотация.** Бұл мақалада XX ғасыр басындағы жәдидшілік және мемлекеттік басқару реформасы мәселелері Түркістан жәдидшілік қозғалысының жетекшісі Махмудқожа Бехбуди қызметі мысалында зерттелді.

**Түйін сөздер:** жәдидшілдік, Түркістан, халық, реформа, қоғам, ағартушылық, мемлекет.

**Аннотация.** В данной статье исследованы вопросы джадидизма и реформы государственного управления в начале XX века на примере деятельности лидера туркестанского джадидистского движения Махмудходжи Бехбуди.

**Ключевые слова:** джадидизм, Туркестан, народ, реформа, общество, просвещение, государство.

ХХ аср бошларида Туркистон жадидлари фақат бадиий ижод, илмий фаолият, мактаб ва маориф ислоҳоти масалалари билангина эмас, айни пайтда давлат қурилишига оид сиёсий-ҳуқуқий масалалар билан ҳам шуғулландилар. Буни ўша даврдаги тарихий шароит, хусусан Туркистон аҳолисининг ҳатто илғор қисмида ҳам ҳуқуқий билимнинг йўқлиги ёки етишмаслиги тақозо этди. Шу даврда мактаб ёки бирор уюшма (ташкилот) очмоқчи бўлган кишилар ҳатто бунинг учун кимдан рухсат олиш ва кимнинг номига ариза ёзиш масаласида ҳам қийналиб, мураккаб вазиятга тушиб қолдилар. Мактаб, ёки уюшма, ёхуд жамият очган кишилар эса бу мактаб, ёки уюшма, ёхуд жамиятнинг кейинги фаолиятини ташкил этишда ожизлик қилдилар. Вазиятнинг ана шундай тус олганини кўрган Мунаввар қори Абдурашидхонов 1914 йили "Садои Туркистон" газетасининг 14 июнь сонида "Жамиятлар қандай очилур" деган мақола билан чиқишга мажбур бўлди.

"Мактабни очуб қўя қолғон ила иш битмаслиги, балки анинг фарқи ва давоми учун моддий ва маънавий ёрдам ва маъсванатлар, ғайрат ва ҳимматлар лозим эканлиги онглашилмишдир. Бунинг учун энг яхши чора ўларок "жамият"ни тузмишлар. Яъни расмий бир қонун доирасинда халқдан иона йиғиб, очилмиш ва очиладурғон мактаб ва дорулулумларнинг нуқсон ва эҳтиёжларни енгиллик ила ислоҳ қилмоқ ва адо қилмоқ усулини ижод этмишлар...

... Биноаналайҳ ҳозирда бизим Туркистон тараққийпарварона кўпроқ шул мактаб ва жамият атрофида айланмакдалар. Лекин бу мактаб, жамиятларни очмак учун қандай тадбирлар лозим? Ҳукуматдан қайси йўл ила ижозат олинур Қандай устав ва проғрамлар ила очмак фойдали бўлур?.." (Мунввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. – Т., Маънавият, 2003. –Б. 161).

Мунаввар қори мазкур мақоласида, масалан, мактаб ё жамиятни очиш учун ишни нимадан бошлаш, мактаб ё жамиятнинг низомини қандай тузиш ва кимнинг номига ариза ёзиш ҳамда бу билангина кифояланмай, тегишли идораларга бир эмас, бир неча мароталаб қатнаш лозимлигини айтган.

Тарихий даврнинг ўзгариши билан кишиларда ибтидоий ҳуқуқий билимнинг йўқлиги, айниқса, яққол сезилди ва шундай билимга халқ оммасида катта эҳтиёж пайдо бўлди. Ана шундай шароитда жадидлар халққа ибтидоий ҳуқуқий маълумотлар бериш билан бирга жамиятнинг ҳуқуқий нормаларини ишлаб чиқишга ҳам алоҳида эътибор бердилар.

ХХ аср бошларида Туркистон халқларининг миллий манфаатларини чор ҳукумати олдида ҳимоя этиш учун камида Россия Давлат Думасининг ёки Тошкент шаҳри аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш ёки кўтариш учун эса камида Тошкент шаҳар Думасининг аъзоси бўлиш лозим эди. Чор ҳокимияти йилларида марказий ва маҳаллий Давлат Думаларига аъзо бўлган ерли халқ вакилларининг ҳаммасини ҳам ўзларининг эл-юрт олдидаги бурчларини бажарган, деб бўлмайди. Лекин улар орасида Маҳмудхўжа Беҳбудий сингари халқ ва мамлакат дарди билан яшаган сиймолар бор эдики, улар Давлат Думасининг аъзоси сифатида самарали фаолият олиб бордилар.

2001 йили Ҳаарлем (Голландия)да нашр этилган "Туркистонда янгилик ҳаракатлари ва ихтилоллар. 1900-1924" деган тўпламдан маълум бўлишича, М.Беҳбудий 1907 йилда Россия 3-Давлат Думаси йиғилишида кўриб чиқиш учун

"Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси"ни тайёрлаган ва бу "Лойиҳа"ни Давлат Думасининг Мусулмон фракциясига топширган экан. Бухоро Халқ Совет Республикасининг собиқ Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Усмон Хўжаев (Усмон Хўжа, 1878-1968) хотирасига бағишланган ушбу тўплам унинг фарзанди доктор Темур Хўжаўғли (Темур Хўжа) томонидан нашрга тайёрланган.

Мазкур "Лойиҳа" М.Беҳбудийнинг Россия Давлат Думасига таклифи сифатида ёзилгани учун Думанинг Мусулмон фракцияси уни шу соҳага яқин кишиларга фикр олиш учун берган ва у шундай йўл билан Туркистон масалалари бўйича таниқли мутахассис Исмоилбек Гаспаралининг қўлига тушган. И.Гаспаралининг қизи Шафиқахоним отасининг архивини Туркияга олиб бориб, Анқарадаги доктор Нажип Ҳаблемитўғлига топширган. Доктор Нажипбек янги, XXI аср арафасида И.Гаспарали архивидан Беҳбудийнинг "Лойиҳа"сини топиб, уни Темур Хўжаўғлига берган. Шу тарзда "Лойиҳа" Темурхўжанинг ташаббуси ва меҳнати билан дастлиб Голландияда чоп этилган тўпламдан, кейин проф. Бегали Қосимов воситасида Ўзбекистонда "Жаҳон адабиёти" журналининг 2003 йил 8-сонида эълон қилинди.

"Лойиҳа"га ёзилган кириш сўзидан маълум бўлишича, Беҳбудий 2-Давлат Думасининг Мусулмон фракциясига ҳам бир неча маърузалар ёзиб берган ва уларда Туркистон мухторияти билан боғлиқ муҳим масалаларни кўтарган. Бизнингча, зикр этилаётган "Лойиҳа"да Беҳбудийнинг ўша маърузаларда илгари сурган айрим фикр ва мулоҳазалари ҳам муайян ҳуқуқий нормалар сифатида ўзининг янгича талқинини топган бўлиши мумкин.

Лойиҳа тўққиз бўлимдан иборат бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Дума хусусинда.
2. Русия мусулмонлари раиси.
3. Туркистон Идораи руҳония ва дохилияси асосининг мусаваддаси (қораламаси) Туркистон Идораи руҳония ва дохилияси хусусинда.
4. Идораи руҳония ва дохилия асосларининг хатти-ҳаракати.
5. Идораи руҳония ва дохилия тасарруфиндаги ишлар.
6. Идораи руҳония ва дохилия масъулияти.
7. Туркистон қозилари хусусинда.
8. Жоний ва бадкорлар (жиноятчи ва безорилар).
9. Туркистон яҳудийлари ва ажнабийлари.

"Лойиҳа"нинг бу қисмлари ва улардаги айрим моддаларини шарҳлашдан аввал шуни айтиш жоизки, Беҳбудий 18 ёшидан бошлаб қозихонада мирзалик қилган. У шу лавозимда ишлаш жараёнида ўзининг катта истеъдодини, руҳония ва дохилия соҳасидаги бой билимини намойиш этиб, қози ва муфти даражига эришган. Аммо 1899-1900 йилларда ҳаж сафари муносабати билан Арабистон, Миср ва Туркияда бўлиши ҳамда бу мамлакатлардаги мактаб ва мадраса таълими билан танишиш унинг ҳаётини мутлақо ўзгартириб юборди. 1903 йилдан бошлаб Беҳбудийнинг диққат марказида фақат бир масала – янги типдаги мактаб масаласи турди ва шу мактаб ёрдамида Туркистон аҳолисини чирмаб ташлаган бидъат ва жаҳолатга қарши курашиш ва халқ оммаси ўртасида маърифат зиёларини тарқатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Туркистоннинг илғор кишилари сафидан ўрин эгаллаган Беҳбудий 1906 йили Нижний Новгородга бориб, Россия мусулмонларининг турмуш ва маданияти муаммоларига

бағишланган қурултойда иштирок этди. Унинг мазкур қурултойда Туркистон мусулмонлари гуруҳига раҳбарлик қилиши ва катта нутқ сўзлаши йиғилганларда яхши таассурот қолдиради. У Россия Давлат Думаси Мусулмонлар фракцияси аъзолари ўртасида обрў-эътибор қозониб, Туркистон муаммоларини улар ёрдамида Давлат Думасига ҳавола этмоқчи бўлади.

Беҳбудийнинг 3-Давлат Думаси Мусулмонлар фракциясига йўллаган "Лойиҳа"сининг Туркистон маданий мухториятига бағишлангани бежиз эмас. Проф. Б.Қосимовнинг "Жаҳон адабиёти" журналининг зикр этилган сонида босилган кириш сўзида ёзишича, 1- ва 2-Давлат Думаларида қизғин муҳокама этилган масалалардан бири ҳам мухторият масаласи эди. Аммо *мухторият* тушунчаси ўша вақтда ҳали сиёсий-ижтимоий ва маданий мустақиллик маъносини англатмаган. Бинобарин, Россия мусулмонлари *маданий мухторият* тушунчаси остида миллат миллий-маданий турмушининг дахлсизлигини назарда тутганлар. Бу ўша давр учун, шубҳасиз, жасоратли ҳаракат ҳисобланган.

Энди бевосита "Лойиҳа"нинг биринчи бўлимига эътибор қаратадиган бўлсак, унда асосан Туркистон аҳолисидан Давлат Думасига вакил сайланишининг ҳуқуқий нормалари ҳақида баҳс боради. Беҳбудий бу масалада Туркистондаги мусулмон аҳолисининг сонидан келиб чиққан ҳолда вакил сайланишини лозим, деб билади. Бу моддага эслатма сифатида айтиш лозимки, ўша вақтда Туркистонда ўрнашиб олган рус аҳолисининг сони (322 минг), маҳаллий халқ нуфузи (5 миллион 378 минг) дан қарийб йигирма марта кам бўлган.

"Лойиҳа"даги "Русия мусулмонлари раиси" деб номланган иккинчи бўлимнинг маъно-моҳияти қуйидаги масалага қаратилган. Беҳбудийнинг фикрича, Умумроссия мусулмонларининг диний ва ҳаётий ишларини бажариш ҳамда барча руҳония ва дохилия идораларига раҳбарлик қилиш учун Петербургда, яъни Россиянинг пойтахтида маҳкамаи исломия ташкил этилиши, ҳам диний билим, ҳам замонавий воқеалардан яхши хабардор мусулмонлардан бирининг бу маҳкамага маълум бир муддатга раис этиб сайланиши лозим.

Туркистон идораи руҳония ва дохилияси масалаларига бағишланган учинчи бўлим "Лойиҳа"нинг энг катта бўлими бўлиб, ўн моддадан иборат. Бу моддаларнинг асосий мазмуни қуйидаги масалаларни ўз қамровига олган:

1. Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув, Закаспийск вилоятларидан иборат Туркистон учун бир идораи руҳония ва дохилия (Диний ва ички ишлар идораси)ни ташкил этиш ва бу идорани Тошкент шаҳрида барпо этиб, унга "биринчи даражали уламо синфидан шариат ва замондан хабардор киши"ни сайлов йўли билан беш йиллик муддатга шайхул-ислом этиб тайинлаш.

2. Мазкур идорани қуйидаги тартибда ташкил этиш: 1 раис – шайхул ислом, 5 диний аллома – аълам, 5 олий ва ўрта маълумотли мусулмон – чилон (аъзо), шунингдек, мирзо ва саркотиб.

3. Аълам ва чилон (аъзо)ларни ҳар бир вилоятдан беш йиллик муддатга сайлов йўли билан тайинлаш.

4. Идораи руҳония ва дохилия таркибига, юқорида қайд этилган аълам ва чилон (аъзо)лардан ташқари, барча маҳаллий яҳудийлардан бир нафар яҳудий олимни сайлов йўли билан жалб этиш.

5. Туркистоннинг ҳар бир вилоятида Идораи руҳония ва дохилия шўъбаларини очиш ва бу шўъбаларга вилоят шаҳарларининг мусулмонлар яшайдиган қисмидан жой бериш.

6. Идораи руҳония ва дохилия шўъбасининг таркибини қуйидагича белгилаш: 1 раислик қилувчи – охунд, 3 диний уламо – вилоят аъллами, 1 олий маълумотли мусулмон – вилоят чилони (аъзоси) ва, агар лозим топилса, мирзо (саркотиб).

7. Ҳар бир вилоятда Туркистон Идораи руҳония ва дохилияси, унинг шўъбалари ва дорулқазо(қозихона) ҳукм ва талабларини ижро этадиган ижроия маҳкамасини тузиш.

8. Маҳкамага маълумотли мусулмонлардан сайлов йўли билан раис этиб тайинлаш.

9. Туркистондаги мусулмон волость йўллар бошқарувчилари, старшина ва старший (катта) оқсоқолларини ижроия маҳкаманинг амирлигига тобе деб ҳисоблаш.

10. Бу идораларнинг барчаси шўъбаи руҳония ва шўъбаи ҳаётияга бўлинадилар. Беҳбудий Туркистон Идораи руҳония ва дохилиянинг раҳбарияти ва таркибий қисмларига кенг тўхтабгина қолмай, унинг фаолият доирасини ҳам белгилаб берган. Умуман, "Лойиҳа"нинг шарҳланаётган бу биринчи қисмида Идораи руҳония ва дохилия масалалари муаллифнинг диққат марказида туради. Бунинг сабаби шундаки, XX аср бошларида Туркистон аҳолиси ўртасида Ислом дини катта мавқега эга бўлиб, унинг маънавий ва маданий ҳаётига, Беҳбудий ўйлаганидек, янги диний тузилма – Идораи руҳония ва дохилия орқали таъсир кўрсатиш ва аҳолининг турмуш тарзини шу тузилма ёрдамида ўзгартириб бориш мумкин эди. Шунинг учун ҳам мазкур "Лойиҳа"да Идораи руҳония ва дохилиянинг фаолият ва масъулият доираси қуйидагича белгиланган:

4-бўлим. Идораи руҳония ва дохилия аъзоларининг хатти-ҳаракати.

1. Шайхул-ислом ва охунд – руҳоний ва шаръий ишлар, аъламлар – қонун-қоидалар ва замоннинг зарур ишлари, аъзолар эса турли-туман ишлар билан шуғулланадилар. Муҳим ишларга вилоят аъламлари ва аъзолари ҳам чақирилиб, мажлис ўтказилади. Ҳатто лозим бўлганда Россиядаги Идораи руҳония ва мухторият доираларидан маслаҳат олинади.

2. Туркистон Идораи руҳония ва дохилияси шўъбалари Россия Мусулмонлари иттифоқи қарорларига риоя қилади.

3. Мажлис ва идораларнинг ҳар бир иши, ҳукм ва қарори шариат қонун ва қоидалари доирасида бўлади.

4. Туркистон Идораи руҳония ва дохилияси тасарруфидаги шиа мазҳабига мансуб мусулмонларнинг русуми мазҳабияга оид фатволари Закавказиядаги шиа шайхул-исломи мажлисининг розилиги билан кучга киради.

5. Маҳаллий аҳоли жамиятлари бу идораларнинг руҳоний ва ҳаётий шўъбалари тўғрисида маълумот олиш, тафтиш қилиш ва ҳисоб сўрашга ҳақлидир.

5-бўлим. Идораи руҳония ва дохилия тасарруфиндаги ишлар.

Бу бўлимда Идоранинг фаолият доираси ўн икки моддада белгиланган ва уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

1. Идора ўз шўъбаларига раҳбарлик қилиш билан бирга улар ўртасида алоқа ўрнатади ва барча маҳаллий идораларнинг ишларини тартибга солади.

2. Маҳаллий рус маҳкамаларига савол билан мурожаат этади, бу маълумотларнинг хатти-ҳаракатларига норозилик билдиради ва тегишли халқ ҳуқуқини маҳаллий ҳукумат олдида ҳимоя қилади.

3. Мерос-туғилиш, бола боқиб олиш ва тарбиялаш, никоҳ-талоқ, бола сақлаб олиш, хуллас, рўзғор ва оила ишлари, турли хил кўчма ва кўчмас мулк ҳамда номус даъволари билан шуғулланади.

4. Масжид, мадраса, мактаб, вақф ва хайр-саховат, васият ишлари билан шуғулланувчи мутавалли ва нозирлар ҳамда диний ва дунёвий таҳсил дастурлари, шунингдек, мактаб ва мадрасалар тузилмасини ташкил этади.

5. Туркистон қозиларига шаръий, урфий, тижорий ва замоний ишларни сўрамоқлари учун ҳамда жазо учун дастуруламал ва қонунномалар тасниф этади.

6. Барча руҳоний ва миллий, дохилий мактаб хизматларига кирадиган шахсларни имтиҳон қилиб, улар савиясининг етуклиги ва ҳақлиги ҳақида шаҳодатнома беради.

7. Ер ва сув масаласини Туркистоннинг дохилий маишат ва аҳволи ҳавоия жуғрофиясига мувофиқ суратда холисона ва қонун асосида ҳал этади ва ҳ.к.

Кўрамизки, Беҳбудий талқинидаги Идораи руҳония ва дохилия Туркистон аҳолиси ҳаётининг қарийб барча муаммолари билан шуғулланиш ва бу муаммоларни шариат амаллари асосида ҳал этиш ҳуқуқига эга. У ҳатто аҳолидан тушган шикоят ва аризалар асосида маҳаллий рус маҳкамаларига мурожаат этиши, улар хатти-ҳаракатига нисбатан норозилик билдириши ҳам мумкинки, бу "Лойиҳа"нинг қимматини янада оширган.

Ниҳоят, Идораи руҳония ва дохилиянинг жавобгарлигига бағишланган сўнгги 6-бўлим қуйидаги масалаларни ўз ичига олган:

1. Идораи руҳония ва дохилия шўъбалари, ижроия маҳкамасининг, аълам ва аъзолари ҳамда қозихона ходимларининг хиёнат ва жиноятлари Идораи руҳония ва дохилия маҳкамаси томонидан текширилади.

2. Туркистон Идораи рухония ва доҳилиянинг раис, аълам ва аъзоларининг жиноятлари тафтиш комиссияси томонидан ўрганилади. Россиядаги барча Идораи руҳония ва мухториятларни текшириш Умумроссия мусулмонлари раиси маҳкамасининг вазифасига киради.

Туркистон Идораи руҳония ва дохилиясининг тузилмаси, аъзоларининг хатти-ҳаракати, тасарруфидаги ишлар ва масъулияти Беҳбудий томонидан шундай мукаммаллик билан ишлаб чиқилганки, унинг ҳам шариат қонун-қоидалари, ҳам замонавий ҳуқуқий билимларни пухта эгаллаганлиги яққол кўриниб туради.

7-бўлим. Туркистон қозилари хусусинда.

Беҳбудий қозихонада ишлагани ва бу соҳани мукаммал билгани учун Туркистон қозиларининг ҳуқуқий мақоми ва қозилик тизимининг ҳуқуқий масалаларини ўн моддада ифодалаган ва бу млддаларнинг асосийлари қуйидагилардир:

1. Туркистон қозилари ҳозирги тартибда сайланиши, аммо уларнинг бу лавозимга лойиқликлари Идораи руҳония ва дохилия ёки шўъбасининг

шаҳодатномаси билан тасдиқланиши лозим. Уларни бўшатиш масаласи ҳам мазкур Идора ихтиёридадир.

2. Туркистон музофотидаги ҳукм чиқарадиган бошқа мансаблар тугатилиб, улар ўрнига шаръий қозилар мансаби жорий этилсин.

3. Ҳар бир волостда бир қозихона, ҳар бир қозихонада эса бир қози ва бир муовин мансаби белгилансин.

4. Қози ва муовиннинг вазифалари ҳозиргидек халқ тарафидан белгиланиб, маоши Идораи руҳония томонидан берилсин.

5. Бир қозининг ҳукмидан норози бўлган киши ҳозиргидек 4 қозидан иборат кенгашга мурожаат этсин.

6. Қозилар кенгашининг ҳукми аппеляция учун Идораи руҳониягача кўтарилиб, бекор қилиниши ёки рад этилиши мумкин.

7. Қозихонада ёзиладиган барча ҳужжатлар туркча (ўзбекча) ёзилиб, даъво ва ҳужжат суммаси чекланмаслиги лозим.

8. Туркистон қозилари томонидан тасдиқланган барча васиқалар, ҳукм ва хатлар Россиядаги адлия маҳкамалари томонидан эътиборга олиниши мақсадга мувофиқ ва ҳ.к.

"Лойиҳа"нинг "Жоний ва бадкорлар" ("Жиноятчи ва безорилар") деган саккизинчи ҳамда "Туркистон яҳудийлари ва ажнабийлари" деган тўққизинчи бўлимлари ҳам мазкур масалаларга оид ишларни адолатли ҳал қилишга қаратилган моддалардан ташкил топган. Масалан, агар туркистонликлар 3 марта ўғирлик қилган ёки умумга зарар келтирган бўлсалар, улар Идораи руҳониянинг хоҳиши билан бошқа маҳаллага вақтинча ёки умрбод чиқарилиб юборилиши мумкин ва ҳ.к.

Беҳбудий Идораи руҳония ва дохилия фаолияти билан боғлиқ бу ҳуқуқий қарашлари ва таклифларини баён этгач, ҳукумат идораларининг фаолияти билан боғлиқ "талаб ва модда"лардан иборат "Лойиҳа"нинг иккинчи қисмини ҳам Мусулмон фракциясига маъруза тарзида тақдим этган. Бу қисм қуйидаги тўрт бўлимдан ташкил топган:

1. Миллий маҳкамалар хусусинда.
2. Вақфлар хусусинда.
3. Умумий мактаблар.
4. Сув ва ерлар хусусинда.

"Мулкий маҳкамалар хусусинда" деб номланган биринчи бўлимдаги Беҳбудийнинг ҳуқуқий қарашлари мазкур маҳкама ишини тубдан қайта қуришга қаратилгани билан, айниқса, аҳамиятлидир. Беҳбудийнинг бу масала бўйича қарашлари ва таклифлари ўн икки моддадан иборат бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

1. Туркистон ўлкасининг бош маҳкамасидаги мулкий, молий ва илмий шўъба ҳамда мажлис (кенгаш)ларига мусулмонлардан идора ходими, аъзо ва маслаҳатчилар тайинлаш.

2. Барча вилоят маҳкамаларининг шу масаладаги шўъба ва мажлис (кенгаш)ларига мусулмонлардан лозим қадар аъзо ва маслаҳатчи тайинлаш.

3. Ҳар бир шаҳар ва катта қасаба (шаҳарча)да шаҳар Думаси очилиб, аъзолари сонини аҳолининг жинси (тури)га қараб тақсим қилиш.

4. Россия адлия маҳкамалари сайловига ва бу маҳкамалардаги мансабларга сайланишга мусулмонларни ҳақли деб ҳисоблаш.

5. Туркистон турмушидан хабарсиз юристларни Туркистон адлия маҳкамаларига ҳоким этиб тайинламаслик.

6. Қози ё судялар жазо тайин қилмагунча ҳеч кимни ҳибсга олмаслик.

7. Туркистонда Идораи руҳонияни тезлик билан очиш.

8. Қозилар ҳукмини прокурор назоратидан чиқарилиб, Идораи руҳония ихтиёрига топшириш ва ҳ.к.

"Лойиҳа"даги вақф масаласига бағишланган иккинчи бўлимнинг мақсад ва моҳияти вақф ишларини буткул Идораи руҳония ихтиёрига ўтказишга қаратилган. Беҳбудий, "Лойиҳа"нинг бошқа бўлимларидан ҳам маълум бўлганидек, ўлкадаги асосий ишларга раҳбарликни амалга ошириш учун Идораи руҳония ва дохилияни тузиш ҳамда ҳукумат маҳкамалари тасарруфидаги бир қатор вазифаларни шу Идора ихтиёрига ўтказиш йўли билан Туркистоннинг "маданий мухторияти"га эришмоқчи бўлган.

Энди "Лойиҳа" муаллифининг умумий мактабларга оид ҳуқуқий таклифлари билан танишайлик. Бу масалага оид таклифлар қуйидаги тўрт моддадан иборат:

1. Россиядаги умумий таълим (ўқитув) масаласи ва моддаси Туркистонга ҳам баравар тегишли, деб ҳисоблансин.

2. Туркистондаги мактаб ва мадрасалар ҳукумат (рус маъмурияти назарда тутилмоқда) назоратидан озод этилсин.

3. Умумий ўрта ва олий мактабларга мусулмонлардан комиссия тайинлансин. Рус ҳарфи (ёзуви) мусулмон мактабларида жорий этилмасин.

4. Мусулмон бор бўлган ҳар хил корхона, ҳибсхона ва аскархонага мусулмон руҳонийси тайинлансин.

Юқоридаги моддалардан шу нарса аён бўладики, Беҳбудий бир томондан, Туркистон Россиянинг таркибий қисмига киргани ҳолда бу ерда яшовчи мусулмонларнинг Россиядаги ижтимоий имтиёзлардан фойдалана олмаётганларини кўзда тутиб, маҳаллий халқнинг Россиядаги рус фуқаролари билан тенг ҳуқуқли бўлиши, иккинчи томондан, Туркистондаги рус маъмуриятининг раҳбарлик ҳуқуқларини чегаралаш. Туркистоннинг "маданий мухторият"ига эришиш йўлларини ахтарган. Беҳбудийнинг бундай интилишлари "Лойиҳа"нинг сув ва ер ҳақидаги бўлимида ҳам ўз ифодасини топган.

Ҳукумат идоралари тасарруфидаги масалаларга бағишланган сўнгги бўлим "Сув ва ерлар хусусинда" деб аталган бўлиб, қуйидаги моддалардан иборат:

1. Дунёнинг қайси мамлакатида яшашидан қатъий назар ҳар бир мусулмон Туркистондан ер сотиб олишга ҳақлидир, худди шунингдек, туркистонликлар ҳам дунёнинг бошқа мамлакатларидан ер сотиб олишлари мумкин.

2. Саҳро-биёбон, тоғли жойларда яшовчи ва шаҳар халқининг маиший турмуш талаби билан яйлоқ, чашма, ўрмон, кон, кўл, ўтлоқ ва дарёдан фойдаланишини таъқиқловчи қонунлар бекор қилинсин.

3. Дарё ва катта-кичик ариқ сувлари тақсими аҳолининг иттифоқи ва маслаҳати асосида кечсин.

4. Туркистон халқи талаб қилмагунча Туркистонга муҳожир юборилмасин.

5. Туркистон шаҳарларидаги ерлар тегишли қонун чиқмагунича ғайримусулмонларга на вақтинча, на абадий фойдаланиш учун берилмасин.

Беҳбудийнинг 3-Россия Давлат Думаси фракциясига йўллаган "Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси" шундан иборат.

Беҳбудий 1907 йил ноябрь ойида ёзилган бу ҳужжати билан Россия мустамлакачилик сиёсатининг Туркистондаги кишанларини бўшаштирмоқчи бўлганки, биз бу ҳужжатда орадан ўн йил ўтгач, 1917 йилда амалга ошган Туркистон Мухторияти ғояларининг дастлабки садоларини кўрамиз. Беҳбудийнинг бу "Лойиҳа"си билан Туркистондаги мустамлака давлат тузумини ислоҳ этмоқчи бўлгани шубҳасиз. Ўлкадаги бир қатор ҳаётий масалаларнинг давлат тасарруфида Идораи руҳония ва дохилия ихтиёрига ўтказилиши, шунингдек, мактаб, сув ва ер масалалари юзасидан олға сурилган таклифлар Беҳбудийнинг ўз давридан камида ўн йилга илғорлаб кетганини кўрсатади.

Афсуски, шу даврда ўзбек жадидчилик ҳаракатида Туркистон халқлари тақдири билан боғлиқ муҳим ҳуқуқий масалаларни Беҳбудийдек теран тушунган ва бу масалаларни Россия Давлат Думаси даражасига олиб чиққан бошқа бирорта киши бўлмаган.

Орадан ўн йил ўтгач, Россияда 1917 йил Февраль инқилоби ғалаба қозонди. Россиянинг бевосита назорати остида яшаётган Бухоро амирлигидаги сиёсий ва ижтимоий вазият ҳам кескин ўзгариб, амирликнинг метин деворлари нурай бошлади. Шундай шароитда амирга бирдан-бир мухолиф куч – "Ёш бухороликлар" ҳаракати ўз сафларини қайта қуришга киришди. Янги Марказий Қўмита мавжуд тарихий шароитидан келиб чиқиб, ташкилотнинг амалий дастурини ишлаб чиқишни ўз олдига бирламчи вазифа сифатида қўйди. Жадидларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари деганда, улар қаламига мансуб шундай асарларни ҳам кўз олдимизга келтириб, жадид маърифатпарварларининг ижтимоий қарашлари заминида халқ ва Ватан озодлиги ҳамда миллий тараққиёт ғоялари ётади, десак, адолатдан бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Исҳоқхон И. Мезон уз - замон.Танланган асарлар. Т. "Маънавият" нашриёти, 2020.

2. Исҳоқхон И. Письмо из Тюря –кургана.Танланган асарлар. Т. "Маънавият" нашриёти, 2020.

3. Алимова Д. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. "Университет", Т. 1999 йил.

4. Фитрат А. Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусинда қилган мунозараси. Танланган асарлар. Т.: "Маънавият" нашриёти, 2020.

5. Шарафиддинов О. Танланган асарлар.Т.: "Шарқ", 2019.

6. Фитрат А. Оила.Танланган асарлар. Т. "Маънавият" нашриёти, 2021.

# LINGVOPOETIKA TILSHUNOSLIK SOHASI SIFATIDA

**Mamajonov Muhammadjon Yusubjonovich,**
**FarDU chet tillari fakulteti dekani, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent**
Muhammadjon706@mail.ru

**Habibullayeva Sohibjamol Akmaljon qizi**
**FDU stajyor-tadqiqotchi +998905841353**
Sohibjamolhabibullayeva84@gmail.com

**Аннотация.** Бұл мақала өзбек және әлемдік тіл біліміндегі лингвопоэтиканың рөліне, әлемдік лингвистердің лингвопоэтикаға деген көзқарасын көрсететін теориялық мәселелерге, лингвопоэтиканың практикалық және теориялық мәселелерін, эволюциялық жетілдіру негізінде жалпы теориялық көзқарастарды қамтуға арналған.

**Кілт сөздер**. Лингвопоэтика, семиотика, риторика, поэтика, көркем контекст, прагмалингвистика.

**Annotation.** This article is devoted to the role of linguopoetics in Uzbek and world linguistics, theoretical issues, which reflect the views of World linguists on linguopoetics, coverage of practical and theoretical issues of linguopoetics, general theoretical views on the basis of evolutionary improvement.

**Keywords**. Linguopoetics, semiotics, rhetoric, poetics, artistic context, pragmalinguistics.

Bugungi kun tilshunosligida intralingvistikani o‘rganishdan tashqari yangi sohalar shakllandi. Ular tilshunoslikni boshqa sohalar bilan bog‘liq holda o‘rganuvchi sotsiolingvistika, stilistika, semiotika, ritorika, psixolingvistika, lingvopoetika, pragmalingvistika va boshqa shu kabi sohalar vujudga keldi.

Bu sohadagi izlanishlar ikki va undan ortiq fanlarning hamkorligida amalga oshirilishi bois sotsiolingvistika, psixolingvistika, lingvokulturologiya, pragmalingvistika, kognitiv tilshunoslik kabi yangi fan tarmoqlari vujudga kelmoqda. Shulardan biri lingvopoetika bo‘lib u tilshunoslik va adabiyotshunoslik nuqtalari kesishmasidan paydo bo‘lgan.

*“Lingvopoetika”* terminiga ilmiy adabiyotlarda shunday ta’rif beriladi: “filologiyaning alohida bo‘limi bo‘lgan lingvopoetikaning predmeti bu – yozuvchi badiiy asarda foydalanadigan va g‘oyaviy-badiiy maqsadni amalga oshirish uchun kerak bo‘ladigan estetik ta’sirni ta’minlovchi til vositalarining majmui hisoblanadi”.[57]

Lingvopoetika dastlab badiiy asar tili sifatida mavjud bo‘lgan. Tarixda Nutq va fikrga aloqador barcha narsalar Ritorikaning tarkibida nutqning tuzilishi jihatidan o‘rganilgan. Arastuning “Poetika” asarining “Til va fikr” bobida: “So‘z bilan erishiladigan narsalarning hammasi fikr (sohasi)ga tegishlidir. Xususan, bu soha (poetika – ta’kid bizniki) isbotlash talab etish, ehtirosli tuyg‘ularni (birga qayg‘urish, qo‘rquv, g‘azab va hokazolar kabi) uyg‘otish, shuningdek, ulug‘lash yoki kamsitish singari vazifalarni o‘z ichiga oladi. Tabiiyki, voqealarni tasvirlaganda ham, ayanchli yoki qo‘rqinchli, buyuk yoki oddiy narsalarni ko‘rsatganda ham o‘sha tushuncha (ideal)lardan kelib chiqish kerak. Lekin farq shundaki, (tragediyada) voqealar ravshan va o‘git(didaktika)siz ko‘rsatilishi lozim. Nutq zamiridagi fikrlar esa gapiruvchi shaxs orqali gavdalanadi va uning nutqi davomida yuzaga keladi. Haqiqatan, agar hamma ish qahramonning nutqisiz ham bitadigan bo‘lsa, gapiruvchi bu yerda nima qilar edi. Nutqqa tegishli bir masala borki, u (poetikaga emas) talaffuz san’atiga va nutq tuzish bilimlariga aloqadordir,”[58]deya ta’kidlanadi. Bundan ko‘rinadiki qahramon nutqining ekspressivligini, yozuvchi mahoratini ochib berish uchun nutq tarkibidagi leksik vositalarni tahlil qilish badiiy asar qiymatini oshiradi.

---

[57] Задорнова В.Я. Лингвопоэтика. Слово в художественном тексте.// Язык, сознание,к оммуникация: СБ.статей/ Отв.ред. В.В Красных, А.И. Изотов. – М.: МАКС Пресс, 2005. – Вып. 29. – С. 160.

[58] Arastu. Poetika (Nafis san’atlar haqida). Axloqi kabir(Katta axloq kitobi). Ritorika(Xitoba). – Toshkent:“Yangi asr avlodi”, 2015 – B.51.

Lingvopoetika – lingvistik birliklarning badiiy-estetik vazifalari, tilning konnototiv funksiyasini oʻrganadi.

"Lingvopoetika badiiy kontekstdan olingan badiiy-estetik xususiyatlarni til birliklari yordamida oʻrganadigan filologiya boʻlimi sifatida taʼriflanadi, … Boshqacha qilib aytganda, lingvopoetika predmeti badiiy asarda ishlatiladigan lisoniy vositalardir, ular yordamida yozuvchi badiiy bezak uchun zarur boʻlgan estetik taʼsirni taʼminlaydi.

Badiiy asarni lingvistik jihatdan oʻrganish yaʼni lingvopoetikani fan sifatida shakllanishi rus tilshunoslariga borib taqaladi. Xususan, V.V.Vinogradov, A.A.Lipgart, B.V.Jirmunskiy, V.Y.Zadarnova, O.S.Axmaova, L.V.Sherba va boshqalar filologiya ilmida lingvopoetikaning fan sifatida shakllanishida xizmatlari katta. V.V.Vinogradovning lingvopoetika boʻyicha olib borgan tadqiqotlarida badiiy asar tilini tilshunoslik, adabiyotshunoslik nuqtai nazaridan oʻrganish emas, balki uni umumfilologik nazar bilan tadqiq etish kerakligini alohida takidlaydi, "badiiy adabiyot tilini oʻrganish filologiya fanining asosiy xususiyatlarini belgilab berar ekan, undan tilshunoslik ham, adabiyotshunoslik ham har tomonlama nazariy va amaliy naf oladi"[59] degan fikrlarni ilgari suradi. Shu bilan birga akademik V.V.Vinogradov "badiiy adabiy til haqidagi fan tilshunoslikka ham, adabiyotshunoslikka ham yaqin turadi, lekin ularning har ikkalasidan ham farqlanadi", − deya bu yoʻnalishning oʻziga xosligini eʼtirof etgan.

Lingvopoetika boʻyicha rus tilshunosligida XX asrning birinchi yarmidan boshlab yaratila boshlagan quyidagi ilmiy asarlar yoʻnalishning mohiyati va chegarasini belgilab beradi. Xususan, A.Xolodovichning "Adabiy til uslubshunosligi", "Poetika lisoniy usul " haqida,[60] R.Yakobsonning lingvistika va poetika[61] yoki E.Stankevichning lingvistika va poetika borasidagi tushunchalari, O.S.Axmanova va boshqalarning lingvouslubshunoslik metod va tamoyillari tahlili,[62] A.V.Fyodorovning umumiy va qiyosiy tilshunoslikka oid tadqiqotlari kabi ishlarda bularning dastlab chiqargan gʻoyalari qarama-qarshi boʻlgan. Shunga qaramasdan, lingvopoetika taʼrifida differensial yondashuvlar integrativ yondashuvlarga ham olib kelib, tilshunoslik va adabiyotshunoslik oʻrtasidagi farqlarning tamoman yoʻqotilishi N.I.Konrad tomonidan alohida eʼtirof etilgan.[63]

Oʻzbek tilshunosligida ham badiiy asar tilini oʻrganishga bagʻishlangan ishlarda, asosan, ikkita yoʻnalish yetakchilik qilganligini kuzatish mumkin.[64]

1. Lingvistik yoʻnalish. Tilning muayyan tarixiy davrdagi holati ayni holatga xos boʻlgan xususiyatlar, leksik, fonetik va grammatik oʻzgachaliklar, tilning hozirgi holati bilan umumiy va farqli jihatlarini ilmiy tadqiq etish maqsadida oʻsha davrga oid adabiy – badiiy asarlarning tili oʻrganiladi. Bunda badiiy asarlar, yozma yodgorliklar tili ayni maqsaddagi tadqiqot uchun faqat material boʻlib xizmat qiladi.

Til tarixini tasvirlash va tadqiq etishda bu yoʻl eng qadimgi va mustahkam lingvistik an'ana sifatida yashab kelmoqda. Oʻzbek tilshunosligida bu yoʻnalishda juda koʻp tadqiqotlar yaratilgan.

---

[59] VinogradovV.V Problem ruskoy stilistiki. – M .Nauka, 1981. – S .186.
[60] Xolodovich A. K voprosu o lingvisticheskom metode v poetike // K borbe za marksizm v literaturnoy nauke. - L.: "Priboy", 1930
[61] Якобсон Р. Лингвистика и поэтика. В кн.: Структурализм: «за» и «против». – М., 1975.
[62] Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская энциклопедия, 1966. – 607 с.
[63] Konrad N.I. Problem sovremennoy filologi. – M. Nauka.1965 – S. 91
[64] Doniyorov X., Mirzayev S. So'z san'ati.– Toshkent: O'zadabiy nahsr, 1962.– B.173-174

2. Lingvopoetik yo'nalish. Badiiy asar tilini lingvopoetik yo'nalishda o'rganishning asosiy maqsadi esa bundan farq qiladi, albatta. Bu o'rinda masala tilning turli vazifalarga egaligiga borib taqaladi. Tilshunoslikka oid zamonaviy adabiyotlarda tilning, asosan, quyidagi to'rtta vazifasi qayd etiladi.

1. Kommunikativ vazifa – tilning kishilar o'rtasida asosiy aloqa vositasi ekanligi. 2. Ekspressiv vazifa –turli fikr va tuyg'ularni ifodalash vazifasi.

3. Konstruktiv vazifa – fikrlarni shakllantirish, tartibga solish va ifoda tarzini belgilash vazifasi.

4. Akkumulyativ vazifa – ijtimoiy tajriba va bilimlarni to'plash, saqlash vazifasi. Badiiy asar tili tadqiqiga bag'ishlangan ishlarda tilning ayni "ekspressiv vazifasi" atamasi bilan bir qatorda "tilning poetik vazifasi", "tilning badiiy vazifasi", "tilning estetik vazifasi"kabi atamalar ham qo'llanadi. Ammo shuni ham aytish kerakki, "tilning estetik vazifasi" atamasi filologik adabiyotlarda nisbatan ko'p ishlatiladi. Bunday bo'lishi ham tabiiy, chunki estetik vazifa tushunchasi ekspressivlik, badiiylik, poetiklik kabi bir qator tushunchalarni ham o'z ichiga olgan holda ularni umumlashtira oladi. Boshqacha qilib aytganda, mazkur tushunchalarga qaraganda estetik vazifa tushunchasining qamrovi ancha keng. Albatta har qanday badiiy asarda tilning boshqa vazifalari ham reallashadi, ammo estetik vazifa birinchi planda turadi, yetakchilik qiladi. Shuning uchun ham lingvistik adabiyotlarda bu holatga mana bu tarzda alohida urg'u beriladi: "Badiiy matn har qanday nobadiiy matndan farqli o'laroq alohida vazifani – kommunikativ vazifa bilan murakkab o'zaro aloqadorlikda namoyon bo'luvchi va matnning o'ziga xos qurilishida hal qiluvchi omil hisoblanuvchi estetik vazifani bajaradi"[65]. Bu o'rinda shuni ham alohida ta'kidlash lozimki, tilning bu o'ziga xos estetik vazifasi namoyon bo'ladigan soha faqat badiiy asar matnidir, undan boshqa biron bir nutq ko'rinishida til o'zining bu vazifasini reallashtira olmaydi deb qarash ham asosli emas. Bu ma'noda tilshunos D.N.Shmelevning mana bu fikrlari diqqatga sazovor: "Tilning bu vazifasi (estetik vazifasi) faqat badiiy asardagina namoyon bo'lmaydi. Bizning diqqatimiz jumlaning shakliga, fikr qay tarzda ifodalanganligiga qaratilgan har onda biz aynan shu vazifaning harakati doirasiga kiramiz".

Badiiy asar tilini o'rganishdagi ikkinchi, ya'ni lingvopoetik yo'nalish tilning xuddi shu estetik vazifasini tadqiq etishga qaratilgan. Aytish lozimki, tilning estetik vazifasining asosiy namoyon bo'lish o'rni badiiy asar matni ekan, bu vazifaning o'ziga xos xususiyatlarini faqat tilshunoslik yoki faqat adabiyotshunoslik doirasida o'rganish qiyin. Buning uchun adabiyot nazariyasi, adabiyot tarixi, poetika kabi adabiyotshunoslik yo'nalishlari va lingvistik stilistika, til tarixi, leksikologiya, semasiologiya, etimologiya, grammatika kabi tilshunoslik yo'nalishlari bir-biri bilan hamkorlikda ish ko'rishi lozim. Tilning estetik vazifasi masalasi bu ikki yirik fan oralig'idagi murakkab muammodir. Ushbu tadqiqotda yozuvchining lisoniy birliklardan foydalanish mahoratining badiiy matnda aks etish darajasini aniqlash, badiiy matn va uning o'ziga xos xususiyatlarini o'rganish va shu asosda talabalarning badiiy matndagi lisoniy-poetik xususiyatlarni idrok etish malakalarini shakllantirish kabi vazifalarni bajarish maqsad qilindi. Zero, badiiy matnni to'gri tahlil va talqin qila olish malakasi insonning umummadaniy saviyasi, ma'naviy-ma'rifiy balog'ati, dunyoni anglash salohiyati, hissiy-estetik idrokining taraqqiyoti uchun muhim ekanligini isbotlab o'tirishning hojati yo'q.

---

[65] Gorelikova M. I., Magomedova D.M. Lingvisticheskiy analiz xudojestvennogo teksta.– M: Russkiy yazik

Lingvopoetikaning yuzaga kelishi bilan bog‘liq masalalar ko‘plab tadqiqotchilarning e’tiborini tortib, bahs va munozaralarga sabab bo‘lgani qadimdan ma’lum. Shu o‘rinda lingvopoetika sohasini tashkil qiluvchi lingvistika nima, poetika nima? degan savollarni nazariy jihatdan asoslash yo‘nalish mohiyatini ochishga yordam beradi. Bu haqda fransuz tilshunosi N.Ryuvet poetikada lingvistik tahlilni qo‘llash chegaralari borasida fikr yuritib, adabiyotshunoslikka doir ilmiy tadqiqotlarda lingvistik tahlilni qo‘llash va bu borada uchraydigan murakkabliklar to‘g‘risida to‘xtalib o‘tgan.[66] Bizningcha ham, lingvopoetik tadqiqotlar doirasida faqat poetik tahlil yoki lingvistik tahlilning yetakchilik qilishi mumkin emas. Lingvopoetikada lingvistik hamda poetik tahlil uyg‘unlikda tadqiq etilishi lozim. Tadqiqot mavzusi lingvopoetika masalalariga bag‘ishlangan bo‘lishiga qaramasdan, ishda lingvistik yoki poetik tahlil yetakchilik qilsa, unda lingvopoetik tadqiqot chegarasi buziladi. Shuning uchun ham N.Ryuvetning qarashlarida poetik strukturani qamrab olgan lingvistik birliklar chegarasi sohaning ustuvor masalalaridan biri hisoblanadi. Lingvopoetika sohasining murakkabligi shundaki, har ikki soha tadqiqot obyekti birlashishi va lingvopoetika aynan tilshunoslik sohasi uchun xizmat qilishi, mohiyatan yozuvchining o‘tkir nigohi va poetikasi lisoniy vositalar bilan ifodalanishini o‘rganuvchi soha sifatida ajratilishi zarur. Lingvopoetikada lingvistik va adabiyotshunoslik nazariyalari o‘zaro muvofiqlashmaydi, balki shakllanayotgan fanning o‘ziga xos nazariyalari paydo bo‘ladi.

Badiiy asarning lingvistik tahlilida yozuvchi maqsadi, niyati, asar g‘oyasi va mazmunini aks ettiruvchi lisoniy vositalar va ularning xususiyatlari tadqiq etilsa, adabiyotshunoslik esa mavjud voqelikni o‘rganadi, ya’ni badiiy asarning poetik funksiyalari sotsiologiya va psixologiya fanlari bilan uzviy bog‘liqlikda tahlil etiladi, ushbu fanlarsiz poetik tahlilni amalga oshirib bo‘lmaydi. Chunki badiiy asarda tasvirlangan qahramonlarning xarakteri, ruhiyati hamda ularning ijtimoiy mavqeyi asar syujeti va g‘oyasini ochishda muhim ahamiyat kasb etadi. Har qanday asar mazmuni so‘z vositasi orqali ochib beriladi. So‘z va uning ma’nolari aynan tilshunoslik fanida o‘rganiladi. Demak, adabiyotshunoslik manbalarini tilshunoslik fani o‘rganadi.

Tilshunos olim I.Mirzayev ta’kidlaganidek, “...lingvopoetikaning nazariy muammolari bilan jiddiy shug‘ullanish davri o‘tgan asrning 60-yillariga to‘g‘ri keladi. Bu sohadagi tadqiqotlar ko‘lamini ko‘paytirish zaruriyati keyingi yillarda filologiya ilmining eng dolzarb vazifalaridan sanalmoqda. Chunki lingvopoetika nafaqat tilning ijtimoiy vazifa hamda maqsadlariga, shuningdek, uning ko‘plab nazariy metodologik masalalariga tamomila yangicha yondashish imkonini beradi. Lingvopoetika til-nutq dixotomiyasiga monand ish ko‘rib, tilning umumiy muammolarini qamrab olish bilan birga, tarmoq fanlar vazifalarini ham o‘z ichiga oladi va shu tarzda filologiya birligini ta’minlashga keng imkoniyatlar yaratadi.”[67]

Lingvopoetika tilning barcha imkoniyatlarini qamrab olishi bilan birga, tarmoq fanlar orasiga kiradi. Mana shu jihatlarining o‘zi lingvopoetikani o‘rganish, uning yangi-yangi imkoniyatlarini ochish kerakligini anglatadi. Bugungi kunda tilshunosligimizda lingvopoetika bo‘yicha aniq to‘xtamga kelingani yo‘q, lingvopoetika tilshunoslikning yangi zamonaviy yo‘nalishi sifatida, o‘zining imkon

---

[66] Рювет Н. Границы пременения лингвистического анализа в поэтике // Новое в зарубежной лингвистике. Вып.IX. – М., 1980. – С. 297.

[67] Mirzayev I. Lingvistik poetika va uning filologik tahlildagi o‘rni//Tilshunoslikning dolzarb masalalari(ilmiy maqolalar to‘plami). – T.:Universitet, 2002.

doirasi kengligi bilan faqatgina tilshunoslar e'tiborini tortmay, adabiyotshunoslarning ham diqqatida shu jihatdan lingvopoetikani yanada kengroq o'rganish, yangi imkoniyatlarini kashf qilish butun filologlarning muammosidir.

M.Yo'ldoshev o'zining "Badiiy matn lingvopoetikasi" asarida badiiy asar tili ustidagi tilshunos va adabiyotshunoslarning bahsini juda tushunarli va obrazli ta'riflagan: "Badiiy adabiyot tilini o'rganishda tilshunos ko'rpani faqat birgina o'zining haqqi deb, o'z tomoniga tortsa, adabiyotshunos o'z tomoniga tortsa, aniqki, ijobiy natijaga erishish mushkul. Chunki ko'rpa, kattadir-kichikdir, qalindir-yupqadir, bitta. Shu bitta ko'rpani baham ko'rmoq tilshunos va adabiyotshunosning filologik faoliyatdagi qismatidir."[68] Darhaqiqat, lingvopoetika har ikki soha kesishgan joyda paydo bo'ladi, uni aynan tilshunoslik yoki adaboyotshunoslik obyekti deb qarash xato. Bugungi kunda zamonaviy fanlar tizimida o'z mavqeyiga ega bo'lgan o'zida ikkita katta yo'nalishni birlashtirgan muhim fanlardan biri sifatida qarash kerak.

**Adabiyotlar ro'yxati:**

1. Arastu. Poetika (Nafis san'atlar haqida). Axloqi kabir(Katta axloq kitobi). Ritorika (Xitoba). - Toshkent:"Yangi asr avlodi"- 2015. B.51.
2. Doniyorov X., Mirzayev S. So'z san'ati.– Toshkent: O'zadabiy nahsr, 1962.– 173-174
3. Fitrat A. Tanlangan asarlar. IV jild. – Toshkent: Ma'naviyat, 2006. –B. 12-13
4. Gorelikova M. I., Magomedova D.M. Lingvisticheskiy analiz xudojestvennogo teksta.– M: Russkiy yazik
5. Hakimov M.O'zbek pragmalingvistikasi asoslari. –Toshkent: "Akademnashr". 2013. – B.21.
6. Konrad N.I. Problem sovremennoy filologi. M. Nauka.1965/91
7. Lingvisticheskiy ensiklopedicheskiy slovar/gl.red. V.N Yarseva – M.: Sovetskaya ensiklopediya.,1990. http://tapemark.narod.ru/les/
8. Mirzayev I. Lingvistik poetika va uning filologik tahlildagi o'rni//Tilshunoslikning dolzarb masalalari(ilmiy maqolalar to'plami).-T.:Universitet, 2002.
9. Ortiqova N. Anvar Obidjon she'riyatining fonoleksopoetik xususiyatlari: filol.fan.nomz… diss (PhD). Farg'ona,2023. B.-36
10. Рювет Н. Границы пременения лингвистического анализа в поэтике // Новое в зарубежной лингвистике. Вып.IX. – М., 1980. – С. 297.
11. Vinogradov. V.V Problem ruskoy stilistiki. M.Nauka, 1981. S-186.
12. Yo'ldoshev M., Isoqov Z., Haydarov Sh. Badiiy matnning lisoniy tahlili.– Toshkent: Alisher

# ҚАШҚАДАРЁ БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР РАҚСЛАРИНИНГ ЭТНОГРАФИК ВА БАДИИЙ-ЭСТЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Тўмарис Аъзам Бутунбаева,**
**филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**
**Ўзбекистон давлат хореография академияси катта ўқитувчиси**

**Аннотация:** Мазкур мақолада Қашқадарё вилоятида болалар билан боғлиқ урф-одатларнинг бадиий-эстетик хусусиятлари миллий қадриятлар билан уйғунликда тадқиқ қилинади.

**Abstract**: In this article, the artistic-aesthetic characteristics of traditions related to children in Kashkadarya region are studied in harmony with national values.

[68] Yo'ldoshev M. Badiiy matn lingvopoetikasi – Toshkent: "Fan", 2008 – B.18.

**Аннотация**: Бұл мақалада Қашқадария өңіріндегі балаларға қатысты салт-дәстүрлердің көркемдік-эстетикалық сипаттары ұлттық құндылықтармен үндестікте зерттеледі.

**Калит сўзлар:** урф-одат, маданий мерос, расм-русум, анъана, ўтмиш, бола руҳияти, ислоҳот,оила маънавияти, кашта.

**Key words**: tradition, cultural heritage, painting, tradition, past, child mentality, reform, family spirituality, embroidery.

**Негізгі сөздер**: дәстүр, мәдени мұра, сурет, дәстүр, өткен, бала менталитеті, реформа, отбасы руханияты, кестелеу.

Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос ўзига хос урф-одат, расм-русум, этномаданий ва миллий қадриятларга эга. Хусусан, фольклор намуналарининг бетакрорлиги халқимизнинг қадимдан тафаккури бой, санъатсевар миллат эканлигидан дарак беради. Ҳатто туманларнинг урф-одатлари ва расм-русумлари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Аслида, юрт тарихини, халқнинг миллий қиёфасини ўрганишда унинг асрий анъаналарга эга урф-одатларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.Чунки, урф-одатлар ва удумлар халқнинг ўтмиши, шаклланиш босқичлари ҳақида тўлиқ маълумот беради.

“Жаҳон фалсафа қомуси”да этнография термини шундай изоҳланади:

**ЭТНОГРАФИЯ** – (этно... ва ...графия) этнология, халқшунослик – жаҳондаги барча халқларнинг этник бирлик турли типлари, уларнинг келиб чиқиши (этногенези), турмуш тарзи, урф-одатлари, моддий ва маънавий тараққиёт даражасидан қатъи назара, тенг ҳолда ўзаро тафовути ёки умумийлиги ва ўхшашлигини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганувчи махсус фан соҳаси. Этнография ҳозирги этносларнинг келиб чиқиши ва шаклланиши, жойлашиши ва этник тузилиши, урф-одатлари, маънавий маданияти ва миллий хусусиятларини тарихий жараён билан боғлиқ ҳолда ўрганади. Тарихий этнография йўқолиб кетган халқ ва элатлар, ўтмишдаги этник жараён, маиший турмуш ва маънавий маданият хусусиятларини тадқиқ қилади”[69].

Қашқадарё воҳасининг урф-одатлари, удум ва бетакрор қадриятлари ранг-баранг бўлиб, улар жуда гўзал ва чуқур мазмунга эга. Зеро, “Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-ҳунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир”[70].

Миллатнинг ўтмишини, орзу-умидлари, мақасадлари ва ички кечинмаларини ўзида акс эттирган ноёб санъат намуналаридан бири эса, шубҳасиз, болалар фольклор рақсларидир. Унинг шаклланиш жараёнларини тизимли ўрганиш миллатнинг асрлар синовига бардош бериб, минг йиллардан бери яшаб келаётган урф-одатларини ва бетакрор анъаналарини, бугуни ва келажагини тадқиқ қилиш демакдир. Вилоятлар кесимида рақснинг маданий-маърифий, ижтимоий ҳаётимиздаги ўрнини белгилашда йўқолиб бораётган рақсларни тиклаш, уларни бадиий-эстетик, этнографик тамойиллар асосида таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

---

[69]Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси.. “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2023. -Б. 592.

[70]Мирзиёев Ш. Ёшлар - бизнинг келажагимиз. Ёшларга донолар ўгити. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2018. -Б. 9.

Ёш авлод дунёқарашини камол топтириш ва руҳий оламини бойитишга хизмат қиладиган бадиий қадриятлар силсиласида Қашқадарё болалар фольклари муҳим аҳамият касб этади. Уларда юксак ватанпарварлик, оила қўрғони ва она юртни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, ота маконнинг муқаддаслиги, элу-юртнинг ҳамжиҳатлигини улуғлаш каби эзгу ғоялар тараннум этилади. Шунинг баробарида, халқимизнинг энг гўзал ва олижаноб қадриятларини бутун дунёга танитишда ҳам уларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Атоқли этнограф олим, профессор И.Жабборовнинг фикрича, болаларнинг “ахлоқий жиҳатдан камол топишида, ўзаро дўстона ва биродарлик муносабатларини мустаҳкамлашда, ота-она ва катталарга ҳурмат ва меҳр - муҳаббат туйғуларини уйғотишда, кичкина болаларни катта болаларга қараб тарбиялашда ва бошқа одоб-икром масалаларида ҳозиргача маҳалла ёки қишлоқ жамоачилиги томонидан назоратда бўлиш ўзбек халқининг энг ажойиб анъаналаридан”[71]. Уларда воҳа халқининг руҳи, маънавий қадриятлари, кичкинтойларнинг ички олами, қизиқишлари, орзу-истаклари ўзининг бадиий етук ва тўлақонли ифодасини топган.

Халқ ижодиёти – инсониятнинг олис ўтмиши давомида тўпланган ноёб қадриятлардир. Болаликдан миллий урф-одатларнинг моҳиятини англашга интилган ёш авлод онгу шуурида ижодкорлик қобилияти, ватанпарварлик, инсонпарварлик, олижаноблик, яратувчиликка даъват, илҳомбахш руҳ туйғулари шаклланиб бораверади. Кейинги йилларда тарихга, маънавий меросга, халқ ижодиётига эътиборнинг кучайиши ўз навбатида болалар фольклор рақсларининг тараққиётига ҳам туртки берди.

Фольклор рақслари орқали урф-одат ва расм-русумларни ўрганиш бола қалбида зоҳир бўлган қувонч, шодлик ва орзуларнинг, меҳмондўстлик, ота-онага, оилага, ватанга муҳаббатнинг турли ҳаракатлар, имо-ишоралар ва мусиқа уйғунлигидаги жозибали ифодасидир.

Қадим тарихга элтувчи урф-одат, расм-русумлар моҳияти ва бадиий-эстетик жиҳатдан ранг-баранг. Либослар ва тақинчоқлар Қашқадарё болалар фольклор рақсларининг таркибий қисмидир. Мутахассисларнинг фикрича, “Анъанавий ўзбек кийим-кечаги асосан устки кўйлак, иштон ва чопондан, бошга дўппи, оёққа калиш-махси ва этикдан иборат. Эркак-аёл ва катта-кичиклар кийимлари бичимининг деярли бир хиллиги уларнинг қадимийлигидан дарак беради”[72]. Оилага хос анъаналар, қадриятлар ва урф–одатлар боланинг дидини, дунёқарашини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, бетакрор қадриятларни эъзозлашни ўрганади.

Қадим Шарқда азалдан ёшга монанд таъсир кўрсатиш йўли ва воситалари яратилган. Айниқса, юртнинг табиати, гўзаллиги, миллий урф-одатлар ёрқин акс эттирилган “Чанқовуз”, “Қошиқ”, “Кўза”, “Сибизға”, “Рўмолча”, “Гилам тўқиш” каби предметли рақсларда каштали кийимларга ва уларнинг рангларига алоҳида эътибор берилиши уларнинг янада жозибали ва таъсирчан бўлишини таъминлаган. Зеро, қадимдан воҳада либосларга “... узунасига ёқа ўрнатилган,

---

[71] Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1994. Б.224.
[72] Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1994. Б.150.

айрим жойларда ёқаси кашталанган. Аёллар кўйлагининг ёқасига ҳам кашталанган ёки безатилган кенг тасма тикилган”[73].



Қашқа воҳаси кийим-кечакларида шаҳар ва қишлоқлар тарихига, ўтмиш маданиятига бориб тақаладиган анъаналар ва урф-одатлар, халқнинг миллий қиёфаси, турли даврлардаги ижтимоий муносабатлар, оиланинг мавқеи, турмуш тарзининг ўзига хос жиҳатлари акс этади. Рақс либосларида ҳам қадимий бичимлардан, турли рангдаги ва услубдаги кашталардан кенг фойдаланиш Қашқадарё болалар предметли рақсларининг ўзига хос энг муҳим хусусиятларидан биридир. Кашталар ранги ва шаклига қараб маълум ҳududнинг табиатини, яшаш шароитини, урф-одатлари ва этнографик хусусиятларини ифодалаган. Туман, шаҳар ва қишлоқларнинг кашталари бир-бирини такрорламайди. Мисол тариқасида, мутахассисларнинг қуйидаги фикрини келтиришимиз мумкин: “Қашқадарё ва унинг йирик тарихий шаҳри Шаҳрисабз (Кеш) миллий кийимларининг ўзига хос хусусиятлари аёллар, эркаклар ва болалар кийимларини турли кашталар билан безатишдан иборат, зеро, бу кашталар юзлаб йиллар мобайнида ҳақиқий санъат асарларига айланиб улгурди”[74]. Урф-одатларни ўрганиш жараёнида болаларда ўзига хос дунёқараш, ватанпарварлик, миллий қадриятларга муҳаббат туйғулари шаклланади. Ўсиб келаётган ёш авлод камолотида у туғилган юрт, улуғ аждодлардан мерос табаррук тупроқ, муҳит билан бир қаторда унинг ота-она ва устозлари таъсирида шаклланган қизиқишлари, дунёқараши муҳим аҳамиятга эга. Бу борада китоб мутолаасининг, рақс ва мусиқа санъатининг тарбиявий таъсири беқиёсдир. Болалар фольклори энг қадимги замонлардан бошлаб кичкинтойларни мустақил ҳаётга тайёрловчи мактаб ҳисобланган ҳамда ёш авлодга ватанни севиш, урф - одат, анъана ва миллий қадриятларни эъзозлаш, машаққатлардан чўчимаслик, курашларда енгилмаслик сирларини ўргатган.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Мирзиёев Ш. Ёшлар - бизнинг келажагимиз. Ёшларга донолар ўгити. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2018.
2.Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси.. “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2023.
3.Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8-ж. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2004.
4.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-ж. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2008.
5.Ўзбек миллий кийимлари XIX – XX асрлар. Қашқадарё –Сурхондарё. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2006.
6.Раззоқов Х. Ўзбек халк оғзаки поэтик ижоди.Т.: “Ўқитувчи” нашриёти,1998.
**6.** Жаҳонгиров Ғ. Ўзбек болалар фольклори. Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1975.
**7.** Мирзаев Т. Фольклор ва унинг асосий хусусиятлари // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 1-китоб. Тошкент.: 2006.

---

[73] Ўша манба.
[74] Ўзбек миллий кийимлари XIX – XX асрлар. Қашқадарё –Сурхондарё. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи,2006. Б.140.

# ҲОФИЗ ХОРАЗМИЙ ИЖОДИДА ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ АНЪАНАЛАРИ ТАЛҚИНИ

**Мўминжон Сулаймонов,**
**Ўзбекистон, Наманган давлат университети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доценти, филология фанлари номзоди**

**Аннотация.** Мазкур мақолада хоразмлик шоир Ҳофиз Хоразмийнинг мумтоз форс адабиётининг етук намояндаси Ҳофиз Шерозий ижодига бўлган муносабати ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** Абдураҳим Ҳофиз Хоразмий, Ҳофиз Шерозий, адабий алоқалар, Иброҳим Султон, Шероз, девон.

**Аннотация.** В статье рассматривается отношение хорезмского поэта Хафиза Хорезми к творчеству зрелого представителя персидской классической литературы Хафиза Шерази.

**Ключевые слова:** Абдурахим Хафиз Харезми, Хафиз Ширази, литературные отношения, Ибрагим Султан, диван.

**Abstract.** This article deals with the attitude of the Khorezmian poet Hafiz Khorezmi to the works of Hafiz Sherozi, a mature representative of classical Persian literature.

**Keywords:** Abdurakhim Hafiz Khwarizmi, Hafiz Shirazi, literary relations, Ibrahim Sultan, divan.

Шарқ мумтоз адабиёти тарихида ўзининг  дилрабо ғазаллари билан машҳур бўлган Ҳофиз Шерозийнинг жаҳон адабиётида тутган ўрни, атоқли шоирлар ижодига таъсири каби масалалар жуда  кўп ўрганилган. Чунки унинг асарларидан илҳомланмаган, улгу олмаган  ижодкорни топиш мушкул. Ҳофиз Шерозий ғазалларига татаббулар ёзиш, унга эргашиш шоирлар орасида анъанага айланган. Бу мавзуда хорижлик ҳамда ўзбекистонлик олимлар томонидан ўнлаб, балки юзлаб тадқиқотлар олиб борилган ва ҳозир ҳам давом этмоқда.  Хусусан, шоир асарларининг ўзбек ижодкорларига таъсири масаласида ҳам шундай дейиш мумкин. Айниқса, Ҳофиз Шерозий ва Алишер Навоий ҳамда бошқа шоирларимизнинг адабий алоқаларига оид масалалар жуда кенг ёритилган.[75] Шероз булбули деб улуғланган шоирга ҳавас, унинг даражасига эришишни орзу қилиш одатий ҳол бўлиб қолган.

XIV аср охири XV асрнинг биринчи ярмида яшаб, ўзбек-туркий тилда баракали ижод қилган шоир Ҳофиз Хоразмий ҳам ана шундай ижодкорлардан бири бўлган. Шоир девонининг қўлёзмаси топилганига мана бу йил 48 йил бўлди. Фанга номи ва ижоди умуман маълум бўлмаган шоирнинг қўлёзма девони 1975 йил профессор Ҳамид Сулаймон бошчилигида олиб борилган археографик экспедиция даврида Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Солоржанг музейидан топилган эди. Шоир девонининг топилиши, қўлёзманинг тавсифи, таркибидаги шеърларнинг миқдори каби қизиқарли

[75] Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Дарслик. – Тошкент. 2020. – бет  Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. 2-том. – Тошкент. Фан нашриёти, 1978. – бет.

маълумотлар ҳақида девон кашшофи Ҳ.Сулаймоннинг бир неча мақолалари чоп этилган.[76]

Ҳофиз Хоразмий адабий мероси топилганига яқин ярим аср бўлса ҳам ҳали шоир ҳаёти ва ижодига доир баҳс-мунозаралар ниҳоясига етмади. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, Ҳофиз Хоразмий 1435 йилда ҳаёт бўлган, чунки шу йилда вафот этган Шероз ҳукмдори темурийзода Иброҳим Султон вафотига бағишлаб марсия ёзган. Бу марсия манти, профессор Ҳ.Сулаймоннинг фикрига кўра, қўлёзма дастхатидан фарқ қилади ва кейинроқ кўчирилиб девонга қўшилган[77]. Дарҳақиқат, қўлёзма фотокопиясини кузатганимизда, марсия қўлёзмаси бошқа шеърлар матнидан яққол ажралиб туриши маълум бўлди. Мазкур маълумотлар Ҳофиз Хоразмий девони 1435 йилга қадар табдил қилинган, деган хулоса чиқаришимиз учун имкон беради. Шоир девонининг қачон тартиб берилгани ва кўчирилгани, туркий тилда табдил қилинган девонлардан фарқи ҳамда афзаллик тарафлари каби масалалар алоҳида мавзу бўлиб, махсус тадқиқотни талаб қилади, деб ҳисоблаймиз.

Биз ушбу мақоламизда Ҳофиз Хоразмийнинг машҳур шоир Ҳофиз Шерозий ижодига бўлган муносабатини ёритишни мақсад қилиб олганмиз.

Ҳофиз Шерозийга ҳавас қилиб, ўзига Ҳофиз тахаллусини танлаган Абдураҳим Ҳофиз Хоразмий ҳали Хоразмда бўлган пайтларидаёқ шоир сифатида танилиб улгурганлигини девондаги ҳасбу ҳол мазмунини ифодалаган байтлардан англаймиз.

*Ҳофизнинг кўрунг ушбу замон турк тилинда,*
*Гар кечди эса Форсда у Ҳофизи Шероз.*[78] (Девон, 279)

Ҳофиз Хоразмий туғилган юрти Хоразмда шоир сифатида анча танилган, деб хулоса чиқара оламиз. Буни қуйидаги байтдан яққол сезишимиз мумкин:

*Қолмағил дарбанд Хоразм ичра, эй Ҳофиз, мудом,*
*Сўзларинг овозасидин тўлу чун Табриз, эрур.*[79]

Бу байтда шоирнинг ўз шеърий иқтидорига ишончи ҳам кўзга ташланади. Истеъдодли ижодкор Хоразмдан ташқарида ҳам "сўзлари" - шеърларининг машҳурлигини таъкидламоқда. Қуйидаги байт ҳам унинг Хоразмда машҳур бўлганлигига ишорадир:

*Тенг бўла олмас эди Ҳофиз билан Хоразмда,*
*Туркий айта тирилур бўлса бу дамда Санжарий.*[80]

Гарчи Хоразмда "тенгсиз" бўлса ҳам шоир юртидан кетишга қарор қилади, аммо бунинг сабабини очиқ айтмайди:

*Кеч бу Хоразмдин, равон Ҳофиз,*
*Тилар эрсанг Ироқу ҳам Шероз.*[81]

Ҳофиз Хоразмийнинг бундай дейишига бир қанча сабаблар бўлган. Биринчидан, Шероз юқорида таъкидланганидек, дунёга машҳур шоир Ҳофиз Шерозийнинг ватани эди. Иккинчидан, Ироқ ва Шероз Шарқнинг ўша

---

[76] Сулаймон Ҳ. Ўзбек шоири Ҳофиз Хоразмий ва унинг Ҳайдарободдан топилган девони. //Адабий мерос:-1976. 6-сон. - Б. 34-43.
[77] Сулаймон Ҳ. Сўз боши // Хофиз Хоразмий Девон 1-китоб,-Т.: ЎКПМнашр. 1981. - Б. 3-15
[78] Хоразмий, Хофиз. Девон 1-китоб,-Т.: ЎКПМнашр. 1981. -
[79] Хоразмий, Ҳофиз. Қўлёзма фотокопияси. –Б.155.
[80] Хоразмий, Ҳофиз. Қўлёзма фотокопияси. –Б.543.
[81] Хоразмий, Ҳофиз. Қўлёзма фотокопияси. –Б.278.

даврдаги илм-фан, маданият ва адабиёт хийла ривожланган манзилларидан бири эди. Учинчидан, шоир яшаган даврда санъаткорларнинг жаҳон сайрига чиқишлари - маълум даражада анъанага айланган. Сайфиддин Фарғоний, Саъдий Шерозий ва Камол Хўжандийлар ана шундай жаҳонгашта ижодкорлар бўлганлиги тарихий манбаларда қайд этилган.

Ҳофиз Хоразмийнинг Шерозга боришига яна бир сабаб, бизнингча, Шерозда туркий элатларнинг яшаганлиги, деб ҳисоблаймиз. Қуйидаги мисралар шундан далолат беради.

*Шерозий туркларга элтунг бу шеърниким,*
*Сўрдум бу тавр узра Ҳофиз бикин каломе.* (Девон, 549).

Шерозда яшаган турк улуси ҳақидаги фикримизга Ҳофиз Шерозийнинг қуйидаги машҳур байти ҳам далил бўлади:

*Агар он турки Шерози бадаст орад дили моро,*
*Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро*[82].

Энди шу байт шарҳи ҳақидаги фикрларга диққатимизни қаратайлик. Проф. Нажмиддин Комиловнинг "Бу қадимий санъат» номли рисоласида Ҳофиз Шерозийнинг мазкур байти изоҳига оид қизиқарли факт келтирилади: «Муҳаммад Яқуб Ҳаррот таржима қилган Судий шарҳида Ҳофиз Шерозийда қандай бўлса шундай изоҳланган... Масалан: «Агар он турки шерозий бадаст орад дили моро, ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро» байти мана бундай шарҳланган: «Туркон деб асл луғатда татар синфларига айтурлар ва булар золим**...?** шоирлар маҳбубларини аларга ташбеҳ этиб, турк дерлар. Ва баъзи шерозийлардан масмуъдурким (эшитдимки), Халаку лашкарларидан кўп киши Шерозда ватан тутуб, таваллуд ва наносул этдилар. Бас аларнинг авлодларига «Туркий шерозий» демак истиора ва ташбеҳсиз саҳеҳдур. Хожа айтур: агар ул турки шерозий баним кўнглим ола олса, ҳинду қаро бангина (холига – Н.К.) Самарқанд ва Бухоро икки шаҳарни бағишлаюрман[83].

Бундан кўриниб турибдики, Шерозда туркий элатлар Ҳофиз Шерозий даврида ҳам яшаган. Улар кейинроқ Ҳофиз Хоразмий Шерозда истиқомат қилган пайтида ҳам, айниқса, темурийлар хукмронлиги даврида ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этганлар.

Шерозда туркий улуснинг яшаши, шунингдек, Иброҳим Султон (1494-1531) каби маърифатпарвар ва илмпарвар ҳукмдорнинг бўлиши туркий тилдаги шеъриятнинг давом этишига ва ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатган, шунинг учун ҳам Ҳофиз Хоразмий Шерозда ўзбек тилида ижод қилишни давом эттирган.

Ҳофиз Хоразмийнинг «Шерозий» радифли ғазали устозининг машҳур ғазалига жавоб тариқасида ёзилган, деб бемалол айта оламиз.

*Кўнгулни олди ол бирла ушул дилдори Шерозий*
*Бу хаста жонга солди ширинкори Шерозий.*
*Нечаким ишқда Бағдод таррори эрур Ҳофиз,*
*Вале алдар ўшул таррорни айёри Шерозий.*[84]

Аввало, шоир ғазални «Кўнгулни олди ол бирла ўшал дилдори Шерозий»

---
[82] Ҳофиз Шерозий. Ғазаллар.-Т.:1958,28 29-бет. Кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олинди.
[83] Нажмиддин Комилов.'Бу қадимий санъат"-Т.: 1989.190-бет.
[84] Хоразмий, Ҳофиз. Қўлёзма фотокопияси. –Б.565.

мисраси билан бошлайдики, бу Ҳофиз Шерозийнинг машҳур ғазалининг матлаи мазмунига ҳамоҳангдир.

Ғазалнинг давомида шерозлик гўзал қизнинг портрети чизиб берилади: шоир гўзалнинг шакар лабини, лола юзини таърифлаб, унинг ички дунёси ҳақида ҳам куйлайди. Гўзал дийдори ошиқни ғафлат уйқусидан уйғотади, ошиқ учун маъшуқа сояси жаннат марвариди бўлиб туюлади.

Гўзалнинг маънавий дунёси ғазалнинг хулоса қисми мақтада аниқ баён қилинади: шоир ўзини ишқда фольклордаги машҳур Бағдод таррори - ўғрисига қиёслайди, аммо ана шу ўғрини ҳам алдаб кўнглини оладиган айёр бор, яъни шоирни алдаб кўнглини ўғирлаган шерозлик гўзалдир. Бу байт ғазалнинг асл моҳиятини очувчи ёрқин хулосадир, десак муболаға бўлмас.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳофиз Хоразмийнинг девонидан келтирилган байтларда Ҳофиз Шерозий ҳақидаги билдирилган фикрлар форс адабиёти билан туркий адабиёт алоқалари соҳасидаги янги саҳифалар ҳисобланади, деб айтиш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Комилов, Нажмиддин.”Бу қадимий санъат”. - Т.: 1989.190-бет.
2. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Дарслик. – Тошкент. 2020. – бет
3. Сулаймон Ҳ. Ўзбек шоири Ҳофиз Хоразмий ва унинг Ҳайдарободдан топилган девони. //Адабий мерос. - 1976. 6-сон. - Б. 34-43.
5. Хоразмий, Ҳофиз, Ҳофиз. Девон 1-китоб - Т.: ЎКПМнашр. 1981. - Б. 3-15
6. Хоразмий, Ҳофиз. Девон 2-китоб - Т.: ЎКПМнашр. 1981.
7. Хоразмий, Ҳофиз. Қўлёзма фотокопияси. - Т.: Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи. – Б.565.
8. Шерозий, Ҳофиз. Ғазаллар. - Т.:1958, 28-29-бет.
9. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. 2-том. – Тошкент. Фан нашриёти, 1978. – бет.

# САЙИДМУҲАММАД ХАЛИФА ЙЎЛДОШ ОТА ИБНИ ДАВЛАТ ДЕВОНИ ҚЎЛЁЗМАСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ТАРТИБИЙ ТУЗИЛИШИ

**Тошниёзова Дилфуза Полвоновна**
**Самарқанд давлат университети мумтоз адабиёт тарихи кафедраси ўқитувчиси(PhD)**
**тел:91/5312477 email:**dilfuzatoshniyozova@gmail.com

**Аннотация.** Бұл мақалада 20 ғасырда өзбектің классикалық әдеби дәстүрін жалғастырып, бірнеше жүз жылдар бойы қалыптасқан классикалық және діни көзқарастарды жеткізе білген жазушы Ибн Давлат өз қолтаңбасы арқылы келіп, өз қолтаңбасы бойынша жүйеленген. Шығыс классикалық әдебиетінде бар деуан жасау ережелеріне.Ақын суреткерлігінің тартымдылығы өзбек диуанасының

үлгілерінің бірі саналатын диуананың құрылымы, композициясы және жасалу процесі, сондай-ақ орналасқан жері арқылы көрінеді. өлеңдері мен мәтіндік ерекшеліктері.

**Түйін сөздер:** дәстүр, деван қолжазбасы, мәтін, бір дана, қолтаңба, каллиграфия, әдеби мұра.

**Annotation.** This article is based on the rules of composing the devon, which came through the autograph of Ibn Davlat, an artist who continued the Uzbek classical literary traditions in the twentieth century, and who was able to express the classical and religious views formed over hundreds of years.
The charm of the poet's art is shown through the structure, composition and process of its creation, the location of the poems, the textual features of the devon, which is one of the examples of Uzbek devon, compiled in accordance with the rules of devon in the classical literature of the East

**Key phrases:** tradition, Devonian manuscript, text, single copy, classical literature manuscript, calligraphy

Ибн Давлат девони Шарқ мумтоз девончилиги анъаналари доирасида тартиб берилган шеърлар тўплами бўлиш билан бирга, у XX асрнинг 40-йилларида тузилгани билан аҳамиятлидир. Чунки, айнан шу даврда мумтоз меросга нисбатан беписанд қараш, унинг жуда кўп жиҳатларини рад этиш тамойиллари собиқ совет мустабид тузуми адабиётшунослиги ва адабиётида бўй кўрсатаётган эди. Юқорида таъкидланганидек, Ибн Давлатни биз адабий давра ва матбуотда кўрмаймиз. У том маънода ўзбек мумтоз адабий анъаналарини ўзига хос равишда давом эттирган ижодкордир. Бу жиҳат унинг девонида яққол кўринган. Муаллифнинг девони тузилиши, таркиби ва унинг матний хусусиятлари ҳам фикримизни исбот этади.Ибн Давлат девонининг кўлёзмаси ва унинг матни ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин.Аввало, девон муаллифнинг ўзи тарафидан кўчирилган (қўлёзма, автограф, дастхат). Манба ҳозирча ягона нусха бўлиб, бошқа нусхаси маълум эмас. Хати – настаълиқ.

Маълумки, Ўрта Осиё хаттотлик санъатида настаълиқнинг Бухоро тури алоҳида ажралиб туради. У асосан ҳарфларнинг йириклиги, йўғонроқ ёзилиши ва ботиқлиги билан бошқа жойларда кўчирилган настъалиқ хатидаги манбалардан фарқ қилади.[85] Мазкур хаттий белгилар биз тадқиқ этаётган девон матнига хос бўлиб, унга кўра Ибн Давлат девонидаги хат турини ҳам Бухоро настаълиғи, дейиш мумкин.

Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ибн Давлат ҳам маълум маънода хаттотлик малакаси ва тажрибасига эга муаллифдир. Албатта, девон қўлёзмаси матнидан тез ва шошилиб ёзилган, бир хилликка амал қилинмаган ўринлар ҳам учрайди. Лекин яхлит олинганда шоир котиб сифатида маълум хаттий услуб ва китобат қилишдаги ёзув малакасига эга хаттот эканлиги, яққол сезилиб туради. Ушбу девон бошқа мумтоз девонлар каби алоҳида жилдга эга ва Шарқ қоғози (Қўқон қоғози)га ёзилган эмас. У ўша давр (ўтган асрнинг 30-40 йиллар) мактабларида ўқувчиларга ёзув учун урфда бўлган бир чизиқли дафтар

[85] Бу ҳақда қаранг: Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. –Тошкент: Фан, 1971; Абдулғафур Раззоқ Бухорий. Ҳуснихат дурдоналари. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2008; Зуфаров Т. Хат таълими (хуснихат қоидалари). –Тошкент: Meriyus, 2010.

қоғозларига ёзилган. Буни эса бизнингча, ўша давр ҳолати ва муаллифнинг имкониятидан келиб чиқиб баҳоланса тўғрироқ бўлади.

Манбашуносликда қўлёзманинг ҳолатини тавсиф этишда қўлёзманинг алоҳида ва унинг матнининг алоҳида ўлчамлари мавжуд. Шулардан келиб чиқиладиган бўлса, Ибн Давлат девони қўлёзмасининг ўлчами бир хил: 21х16 см. Чунки, дафтар стандарт ўлчамда бўлади. Бироқ, матн ўлчамлари эса бир хил шаклда эмас. Улар: 17х12 см, 18,5х13 см, 16х10 см ҳажмларидадир. Ушбу жиҳатни ҳам шоирнинг девон қўлёзмасини китобат этишда матнни тез ва шошилиб ёзилганидан, дейиш мумкин.

Қўлёзмадаги варақларнинг сони эса 124 бўлиб, 248 саҳифани ташкил этади. Кейинчалик ҳар бир саҳифа рақамланиб чиқилган. (Балки муаллифнинг ўзи амалга оширган бўлиши ҳам эҳтимол.

Қўлёзманинг зарар етганини яна шундан ҳам билиш мумкинки, муаллиф ҳар араб алифбоси ҳарфи билан бошланадиган шеърлар бошланадиган саҳифага алоҳида жумла билан эскартишлар илова қилган. Масалан, “дол” ҳарфи билан тугалланадиган шеърлар бошига *“Бисмиллаҳир роҳманир-роҳийм, радиф “дол”* (64-саҳифа), “мим” ҳарфи билан тугалланадиган шеърлар бошланмасига *“аз радифу мим”* (159-саҳифа), “йо” ҳарфи билан тугалланадиган шеърлар бошига эса *“Бисмиллаҳир роҳманир-роҳийм, радиф “йо””* (186-саҳифа). Лекин, ушбундай эскартиш жумлаларни ҳамма ҳарфлар бошланадиган саҳифаларда ҳам кўрмаймиз. Аксар қисми қўлёзма зарарлангани, матн сиёҳлари ўчиб кетгани учун ўқиб бўлмайди ёки ўша жой қайсидир бошқа сабаблар билан йўқ бўлган. Кўринадики, муаллиф қайсидир жиҳатлардан мумтоз анъанани бардавом сақлашга интилган. Лекин айни ўринларда ҳарфлар бошланадиган жумлаларни бир хил эмас, қайси ўринларда “Басмала”, қайси ўринларда оддий ҳарф таъкиди билан бошламоқда. Бу ҳам шоирнинг ўз шеърларини маълум вақтлар оралиғида битиб борганига далил қилади. Чунки, Ибни Давлат эътиқодли шахс ва ўз тасаввуфий маслагидан келиб чиққан ҳолда деярли ҳар шеърини Тангри номи ила бошлашга киришган. Бу жиҳат ҳам девон матнида кўринади. Қўлёзма устида ишлашдаги маълум танаффуслардан сўнг, шоир ишни давом эттиришга киришар экан беихтиёр албатта “Басмала”ни қайд этиб ўтади.Гарчанд, “Басмала” девон тузишда фақат бош саҳифада келса-да, Ибни Давлат юқорида таъкидланган жиҳатдан келиб чиқиб ушбу киритмани қилган, дейишимиз мумкин. Масалан, қўлёзманинг 119-саҳифасининг юқори қисмида шундай таъкид учрайди: *“Ки бисмиллаҳир роҳманир-роҳийм, Худони ёд этай ман, Ё Карим деб”*. Худди шундай киритмани 127-саҳифада ҳам кўришимиз мумкин.Ибни Давлат девонидаги матний хусусиятлардан, аниқроғи муаллифга хос киритмалардан, яна бири *“Афу анҳу”* (У афв этсин) арабий бирикмасини бот-бот келтирилишидир (мисол учун, 147, 175, 191, 231-саҳифалар).Девон қуйидаги фард билан ниҳоясига етади:

*Номи Аллоҳ бирла айлай бу дамда баҳри "қоф",*
*Ё Илоҳо, айлағил қулли исёним маоф.*

Фикримизча, бу ўринда “Аллоҳ номи билан”, “баҳри қоф” сўзлари бежизга келтирилмаган. Қуръони каримдаги «Қоф» сурасини олиб, тажриба ўтказиб кўрайлик. Бу сурада нечта «қоф» ҳарфи борлигини санаб чиқамиз. Маълум бўлишича, 57 та экан. Кейин шу ҳарф билан бошланган «Шўро» сурасини ҳам

олиб, ундаги «қоф» ҳарфларини санаб чиқсак, бу ҳам 57 та чиқди. Энди иккала рақамларни қўшилса: 57+57=114. Қуръонда ҳам шунча сура бор-ку![86] «Қоф» суранинг бошланишида: «Қоф! Улуғ Қуръонга қасамки», дейилса, сура охирида «Бас, ушбу Қуръон билан менинг ваҳдамдан қўрқадиганларга панд-насиҳат қилинг!» дейилган. Гўёки у билан «қоф» Қуръоннинг рамзига айланганга ўхшайди. Икки сурадаги «Қоф» ҳарфларнинг умумий сони 114 та – Қуръондаги жами суралар сонига тенг чиқди! Ибни Давлат девоннинг тугашидаги фардда Улуғ Қуръонга қасам ва оллоҳ ваҳмидан қўрқадиганларга панд-насиҳат дея моҳирлик билан бахри “қоф”сўзи тугатади. Кейин шу “қоф” ҳарфи билан бошланган Ибни Давлат девонидаги 201 та ғазал, 9та мурабба, 32 та мухаммас, 2 та мусаллас, 2 та рубоий ва 2 та фардга ҳам эътибор қиламиз.

Бунда биз шоирнинг диний ва дунёвий билимларни эгаллаган илму ҳолу илму қол соҳиби эканлигининг гувоҳи бўламиз. Шоир ўз ижодини моҳиятан инсон қадри-шарафи ва маънавий камолотини улуғлашга, эзгулик ва гўзалликни мадҳ этишга бағишлади. Бунга доир қарашларимизни девон қўлёзмасининг хотимаси ҳам тасдиқ этадли.

Девоннинг 247-саҳифасида муаллиф шундай насрий хотимани баён қилган: *“Манки саййид Халифа Йўлдошдурман. Санаи бир минг олтмиш уч бўлғанда бирадарон ва ёрон толибуллоҳ бир неча кунлар шаб-рўз алад-давом риёзаьлар ўз табъимдин бир неча ғазал ва мухаммаслар айдим. Боядки, ўқуған ва эшитган мўъмин ва мусулмон аҳли иймон биродарлар амал қилсун. Зероки, қутби олам бир неча машойихлар фақирга иршод халқга насиҳат қил амр этгандур. Ул азизларни амри шарифини вожиб билиб Аллоҳ таоло бизга тилоқот ва фасоҳат забон берибдур, лиллаҳил ҳамд. Ҳар ким масхара тутса қзи қаро бўлсун.”* Муаллифнинг ушбу эътирофига кўра, 1363 (милодий 1944) йилда ушбу девон тугалланган, ундаги айтилган шеърлар (ғазал ва мухаммаслар) халққа насиҳат қилиш учун битилган, уларнинг ҳаммаси дин йўлида, мусулмонларни тўғри йўлга солиш учун ёзилган фасоҳат асарларидир; агар кимки, буларни масхара қилса юқи қора бўлсин.

Маълум бўлишича, Ибни Давлат тасаввуфий маслак доирасида ушбу девонни амалга оширган, ўз қарашларин шеърий йўлда ифода этган. Албатта, замона тақозоси билан ушбу битиклар устидан кулгувчи ва уларни масхара этувчилардан қаттиқ ранжиши ҳам билдирилган.

Девоннинг энг сўнгги 248-саҳифасида эса бир қизиқ жумла бор. Унда шундай ёзилган: *“Алҳамдуллиллаҳи раббул оламин. Хат ғалат, имло ғалат, иншо ғалат. Одамию охири дунё ғалат”*. Лекин бизга муҳим бўлгани шуки, шоир-котиб ўзи ёзган девон матнини ҳолатини яхши билади. Шунга мувофиқ, унинг хати, имлоси ва иншоси ҳам ғалат (нотўғри) бўлиши мумкинлиги таъкидламоқда. Зероки, одамнинг ўзию дунё ҳам ғалатдир, деган фикрни илари суради. Бу ўринларда ҳам муаллиф дунёқараши ва унинг мусулмонлик эътиқодининг мустаҳкам экани кўриш мумкин, деган фикрдамиз. Чунки, бутун девон матни давомида турли ҳолат ва услубга кўра кўчирилган шеърлар ғалатликдан (бу ўринда беихтиёр йўл қўйилган камчилик ва нотўғриликдан) ҳоли эмаслиги таъкидланмоқда.

[86] Мустафо Маҳмуд “Дўстим билан баҳс” рукнида

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ибни Давлат девони 1944 йил муаллиф тарафидан китобат қилинган. У Шарқ мумтоз адабиётида мавжуд бўлган девон тузиш қоидалари асносида тартиб берилган ўзбек девончилик намуналаридан биридир. Муаллиф автографи орқали етиб келган девон орқали биз уни яратиш жараёни, шеърларни жойлашуви, матний хусусиятлари ва ўзига хос тартибий тузилиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўла оламиз.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. –Тошкент: Фан, 1971;
2.Абдулғафур Раззоқ Бухорий. Ҳуснихат дурдоналари. –Тошкент: Мовароуннахр, 2008;
3.Зуфаров Т. Хат таълими (ҳуснихат қоидалари). –Тошкент: Meriyus, 2010.
4.О.Жўрабоев “Қорий Хўқандийнинг дастхат девонлари” мақоласи Адабиёт кўзгуси. Йиллик илмий нашр. №10. –Тошкент, 2008. 17-21-бетлар).
5.Мустафо Маҳмуд “Дўстим билан баҳс” рукнида

## NAVOIY IJODINING TURKIY ILDIZLARI. “MUHABBATNOMA” HAMDA “FARHOD VA SHIRIN” NING O’XSHASH JIHATLARI

**Sulaymonov Mo‘minjon Yusubjonovich, (O`zbekiston)**
**Namangan davlat universiteti o`zbek adabiyotshunosligi kafedrasi dotsenti, filologiya fanlari nomzodi. Tel: +998937052555. msulaymon62@mail.ru**
**Xoldorova Gulnoza Husniddinovna, (O`zbekiston)**
**Farg‘ona davlat universiteti tayanch doktoranti. gulnozaholdarova7@gmail.com**

**Аннотация:** Бұл мақалада Әлішер Науаи шығармашылығының түрік тамыры мен түрік негіздері туралы айтылады. Әлішер Науаидың «Фархад пен Ширин» және Хорезмидің «Мұхаббатнамасының» арасындағы байланысқа тоқталып, осы тектес өлеңдер мен үйлесімді образдар талданады.

**Негізгі сөздер:** Типологиялық жалпылық, дәстүр, жаңашылдық, стиль, образдағы жалпылық

**Annotation:** This article talks about the Turkish roots and Turkish foundations of Alisher Navoi's work. The connection between Alisher Navoi's Farhad and Shirin and Khorezmi's Muhabbatnama is emphasized, and similar verses and harmonious images are analyzed.

**Key words:** Typological generality, tradition, innovation, style, generality in image

Alisher Navoiy ijodining dunyoda hali hanuz mashhurligiga sabab shuki, u o`zining go’zal va betakror uslub bilan turkiy tilning imkoniyatlari va tarovatini ko‘rsata oldi. Hazrat Navoiy ijodi sarhadsiz ummon, bu ummonda injular esa bisyor.

Navoiy ijodi rivojiga o`zidan oldin yashab o`tgan salaflarining ta’siri haqida bir necha darslik va tadqiqotlarda fikr-mulohazalar bildirilganligi ma’lum. Jumladan, professor N.M. Mallayevning “O`zbek adabiyoti tarixi” darsligida ulug` shoirning “Muhokamat ul-lug`atayn” asarida Xorazmiyning “Muhabbatnoma” asaridan quyidagi baytni keltirgan:

*Aning kim ol engında meng yaratdi,*
*Bo`yi birla sochini teng yaratdi.”* [6. 174-175]

Alisher Navoiy ijodiga Hofiz Xorazmiy ijodining ta'siri masalasi Mo`minjon Sulaymonovning bir qator tadqiqotlarida tahlilga tortilgan. [7.54-57]. [8. 117-120]. [9.402-407].

Buyuk adibning ijodi qariyb olti asrdan buyon o'rganib kelinmoqda. Turkiy va fors tillardagi bir qancha qo'lyozma kitoblarning qaymog'ini tatqiq etgan taniqli manbashunos va navoiyshunos olim V.Bartold 1915-yillardayoq Navoiy ijodi va faoliyatini ilmiy jihatdan chuqur o'rganishni tadqiqotchilar oldiga eng muhim vazifa qilib qo'ydi. "Bartold Navoiyning temuriylar davri adabiyotidagi, XV asr birinchi yarmidagi fors va turkiy adabiyotidagi o'rniga baho berar ekan, Mir Alisherning ijodiga xos xususiyatlari haqida bahsli fikrlarni ham bildiradi. Chunonchi, u bunday deb yozadi: "Mir Alisher fors madaniyati ta'siridagi odam edi. U turkiy she'riyatga fors adabiyotidagi sujetlarni olib kirdi." [6,190]

"Muayyan davrda yashagan bir qator ijodkorlar yaratgan ko'plab asarlarda tipologik umumiylik mavjud. Tipologik umumiylik hayot materialini tanlash, uni badiiy idrok qilishv va baholash prinsiplarida, asarlarning badiiy shakl xususiyatlari, uslubiy jihatlarida o'zini namoyon etadi". [4,13]

Akademik V.Bartold Navoiyning chinakam muxlisi va navoiyshunoslik ilmining bilimdoni ekanligini tan olgan holatda uning yuqoridagi fikrlarini tipologik umumiylik sifatida baho bergan deya tushunish mumkin. Chunki Sharq adabiyoti ko'hna bir qozon, unda har bir san'atkor an'ana doirasida novatorlik qilgan. Bu ham Sharqning, umumturkiy adabiyotning bo'lagi bo'lishi bilan birga ayni damda, ijodkorning o'ziga xos aytimlari hamdir.

Mazkur maqolada biz Navoiy ijodining turkiy sahchashmalaridan biri haqida so'z yuritmoqchimiz. XIV asr o'zbek mumtoz adabiyotining mashhur vakili Xorazmiy "Muhabbatnoma" asari bilan adabiyotimiz tarixida yangi "noma" janriga asos solgan. Ushbu asar turkiy adabiyotning keyingi taraqqiyotiga muhim ta'sir ko'rsatdi. O'zbek adabiyotining ushbu noyob durdonasidan Hazrat Alisher Navoiy ham yaxshigina xabardor bo'lgan. "Muhokamat ul-lug'atayn" asarida "Muhabbatnoma" dan keltirilgan ikki bayt [1, 17] fikrimizni isbotlaydi.

"Muhabbatnoma" hamda Alisher Navoiyning "Farhod va Shirin" dostoni o'rtasidagi ayrim o'xshash jihatlar, mazmunan yaqin baytlar haqida fikr yuritamiz.

*Hamal tahvili yetkach Mehr gulchehr*
*Ochar yuz gul zamona ko'rgach ul mehr.* [2, 96]

Quyosh hamal burjiga o'tgandan so'ng, gullar quyoshni ko'riboq yuzini ochadi. "Muhabbatnoma"ning quyidagi bayti ham ana shu fikrga mazmunan juda yaqin.

*Qaro tuproqdin sunbul to'ratti,*
*Tikanlar orasinda gul to'ratti* [3,97]

Tasvirlar judayam uyg'un, "gul yuz ochishi" va "gul to'ratti". Har ikkala baytda ham bahor fasli kelganda tabiatdagi holat go'zal badiiyat libosida ko'ringan.

"Farhod va Shirin" dostoni 17-bobidagi 4-baytni olaylik.

*Rutubat yetkurub har sori yog'in,*
*Tar aylab qatradin gullar dimog'in.* [2, 96]

Gullar dimog'ini ho'llagan "qatra" timsoli Xorazmiyda ham bor.

*Havo uzra berur shunqorg'a quni,*
*To'lun oydek qilur bir qatra suvni.* [3,97]

“Muhabbatnoma”da Farhod va Shirin nomlari ham tilga olingan. Shirin so’zi bilan so’z o’yini hosil qilingan.

*Ko‘ngil shirin so‘zingga bo‘ldi Farhod,*
*Ko‘zing Kashmir jodusig‘a ustod*. [3,104]

Navoiy ham aynan Shirin so‘zi bilan so‘z o‘yini ishlatgan.

*Ne mahvash husnig‘a kim berdi tazyin,*
*Ani aylab jahon ahlig’a Shirin* [2,11]

Ya’ni Navoiy bu baytda o‘z salaflari Nizomiy Ganjaviy va Xusrav Dehlaviy Shirinni jahon ahlig’a yoqimli, totli obraz qilib yaratdilar demoqchi.

“Farhod va Shirin” dostonidagi 24-bobda Xizr haqida ma’lumotlar beriladi. Uning tiriklik suvini topganligi va doimo tiriklik sifati ham keltiriladi. “Muhabbatnoma”da ham Xizrning ayni shu jihatini tavsiflovchi bayt bor.

*Shakar erning naboti Xizra o‘xshar,*
*Oyog‘ing kimki o’psa, mangu yashar.* [3,105]

“Muhabbatnoma” masnaviylaridan birida:

*Kel, ey soqiy, keturgil Jomi Jamni,*
*Kishining ko‘nglidin may yur g‘amni,* bayti

“Farhod va Shirin” dostonining 24-bobidagi:

*Kel ey soqiy, tuzub ishrat maqomin,*
*Quyub may tut, manga Jamshed jomin* [2,170] baytlari soqiyga murojaat va jom-i jam tilga olinganligi jihatidan o‘zaro o‘xshashdir.

“Muhabbatnoma”ning “Ikkinchi nomasin aytur” qismi shunday boshlanadi: *Salomim gulga elt, ey tong nasimi,*
*Kim erur oy quli, axtar nadimi.* [3,106]

“Farhod va Shirin” dostoni qahramoni Farhodning vasiyatini kimga aytganini eslagandirsiz. Asarning dardlli o’rinlaridan biri 49-bobdagi shu baytga mazmunan o‘xshash baytni o’qiymiz.

*Ki, ey bodi sabo, tengri uchun qo‘p,*
*Yetib Chin-u Xito mulkiga yer o‘p* [2, 410]

Yuqorida keltirganlarimiz har ikki ulkan adabiy asarning o’zaro mazmuniy bog‘liqligi haqidagi mulohazalar edi. Ularga xos yana bir umumiy jihat vazn bir xilligidir. Bu ikki asar bir xil hazaji musaddasi mahzuf (V - - -// V - - -// V - -) vaznida yozilgan.

Sharq adabiyoti poetik topilmalarga juda boy bo’lgan. Bunday ifodaviy topilmalar asrlar davomida she’riyat mulkiga aylanib, ularga yangicha mazmun baxsh eta olish shoirning badiiy salohiyatini, iqtidorini belgilagan. Navoiy o’zi aytganidek, “Farhod va Shirin” dostonini Xusrav Dehlaviyga javob tarzida yozgan bo’lsa ham, aslida asarning ildizlari, o’zagi turkiy adabiyot bilan ham chambarchas bog’liq. Xususan, “Farhod va Shirin” dostonida turkiy adabiyotga vorisiylik tamoyili yaqqol seziladi. Xorazmiyning “Muhabbatnoma” asari esa ana shu ma’nolar xazinasining ildizlaridan biridir.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Alisher, Navoiy. “Muhokamat ul-lug‘atayn”. // Mukammal asarlar to’plami, 20 tomlik, 16-jild. – T:. 2000. – 17 b.
2. Alisher, Navoiy. “Farhod va Shirin”.// Mukammal asarlar to’plami, 20 tomlik, 8-tom, – T:. 1991. – 440 b

3. O’zbek mumtoz adabiyoti namunalar. II jild. Tuzuvchi N. Rahmon. – T:. “Fan”. 2007
4. Қуронов Д. , ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. – Т:. “Akademnashr”. 2010 .
5. Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlatov O. Navoiyshunoslik/darslik. – T.: “Tamaddun”, 2019.
6. Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи. Дарслик. – Тошкент. 2021. 174-175-бетлар.
7. Сулаймонов М. Адабий таъсир ва ижодий муштараклик.// Ўзбек тили ва адабиёти. Jur.1917. 1-сон. 54-57-бетлар.
8. Сулаймонов.М. Алишер Навоий ва Ҳофиз Хоразмий. // Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни. Халқаро илмий конференция материаллари. – Навоий . 2017. 117-120-бетлар.
9. Сулаймонов.М. Хофиз Хоразми и Алишер Навои. // Содружтво языков – содружество культур. Международный сборник научных статей. Совместный проект Наманганского государственного университета и Российского государственного педагогоческого университета им. А.И. Герцина. Первый выпуск. – Тошкент: 2020. Стр. 402-407.

# ПОЭТИКА МАСАЛАСИНИ ЎРГАНИШДА ЎЗАРО ТАЪСИР ТАЛҚИНИ (ЖАҲОН АДАБИЁТШУНОСЛИГИ МИСОЛИДА)

**Обиджон КАРИМОВ,**
**Наманган давлат университети**
**ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доценти, филология фанлари номзоди**
**Тел: +998905511056. k_obitjon@mail.ru**

**Аннотация.** Ушбу мақолада жаҳон адабиётшунослиги тарихида поэтика масаласига бағишланган Аристотель, ал-Киндий, ибн Рушд, Абу Наср Форобий, ибн Синоларнинг асарлари, илмий-адабий қарашлари, қиёсий-танқидий таҳлилдан ўтказилиб, бу соҳадаги ўзаро таъсир масаласи ўрганилган.

**Калит сўзлар:** адабиётшунослик, аруз, поэтика, шеършунослик, Шарқ ва Ғарб адабиётшунослиги, Араб адабиёти, достон, эпос, “Поэтика”, “Девону луғотит-турк”, ўхшатиш (мимесис), қиёсий-танқидий таҳлил, драма, дидактик адабиёт.

**Annotation.** In this article the works of Aristotle, al-Kindi, ibn Rushd, Abu Nasr al-Farabi, Ibn Sina, whose works are devoted to the issue of poetics in the history of classical literature of the West and the East, the issue of interaction in this area has been studied by analyzing their scientific and literary views.

**Key words:** literature, aruz, poetics, poetry, the literature in the East and west, Arabian literature, types of folklore: doston (poems), epos, “Poetics”, “Devonu-dictionary of Turkic”, analogy, comparative-critical analysis, drama, didactic literature.

Адабиётшунослик илми аҳлига ҳам яхши маълумки, фанлар ривожи жараёнини, тараққиётининг умумий ва жузъий қонуниятларини атрофлича ўрганмай, бирор жиддий илмий хулоса чиқариб бўлмайди. Мумтоз адабиётшуносликда метрика (аруз) ва поэтика бир доирада талқин қилинган. Буларни бир умумий фан – шеършунослик бирлаштиради. Бундан, демак, ижтимоий-маданий алоқалар ва таъсир муаммоларини маълум шароит ва замонга нисбатан ўрганиш зарурияти олдимизда кўндаланг бўлади. Чунки

таъсир қилувчи ва таъсирга учровчи (таъсирланувчи) томонлар, одатда, жамият ривожининг турли поғоналарида мавжуд бўладилар. Шунга кўра шеършуносликнинг поэтика, метрика каби соҳаларини ўрганиш мувдавиж (икки томонлама) хусусиятга эга: таъсир ва таъсирланиш. Шу нуқтаи назардан тушунилганда, Аристотел, Ибн Рушд, ал-Киндий кабиларнинг айрим илмий арузий-поэтик қарашлари ва ёзган асарлари бир тарафдан ҳамда бизнинг Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд аз-Замахшарий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг назарий ва амалий фаолиятлари бошқа тарафдан ўзаро ҳамкорлик изларини ўзида акс эттирувчи манбалар сифатида қаралмоғи лозим.

Бундан ташқари, ҳар иккала тараф, айниқса, туркий шарқ олимларининг поэтика масалаларини, Европа адабиётшуносларидан фарқли тарзда, шеършунослик нуқтаи назаридан амалийлаштиришлари учун араб адабиётида ҳам, туркий адабиётда ҳам етакчи бўлган лирик тур намуна бера олар эди.

Арабларда шеърият ўзгача тараққиёт йўлини босиб ўтди. Маълумки. Араб поэзияси дастлаб лирикадангина иборат эди[1]. Араб адабиёти тадкиқотчиларининг таъкидлашларича, ўша давр араб шоири жамият борасида кенг қамровли маълумотга эга эмасди, унинг мушоҳада кўлами ниҳоятда чегараланган эди. Шоир ўз эҳтиёжи билан машғул, ўз “ҳақиқати” билан зоҳидларча яшарди[2].

Кўриниб турибдики, жоҳилият даври шоирида эпосга ҳам, драмага ҳам эҳтиёж бўлмаган. Араб шеъриятида лирика мелоднинг VI-VII асрларида ўзининг юксак чўққисини забт этди. Испаниялик машҳур арабийзабон шоир ва олим Ибн Абд Раббиҳ (760-839) томонидан Абду-р-Раҳмон ан-Носирнинг қаҳрамонликлари мадҳ этилган достон араб эпосининг илк арзирли намунаси эди деса бўлади. Бу йўналиш кейинчалик Лисону-д-дин ибну-л-Хатиб (1313-1374) томонидан анча ривожлантирилди [3].     .

Журжий Зайдоннинг мулоҳазасига кўра, араблар анча илгари ҳам эпик назмда ижод этган бўлишлари керак; унинг воситасидагина ўз олиҳалари Ҳубол Ал-Лот ва ал-Уззоларга мурожаат қилишган. Бироқ ўша қадимда яратилган эпос намуналари изсиз йуқолган, “ёзма қайди бўлмагани учун асрлар суронида йитиб кетган, эсдан чиққан” [4]. Ёки, бизнингча, араб эпоси халқ китоблари шакл-мазмунига сингиб кетган.

Оврупода сўнгги урф бўлган фикрга мувофиқ, ислом бўсағасидаги адабий вазиятгача араб шеърияти узоқ тарихга эга бўлган. У ўз эпик ёшлик даврини аллақачон босиб ўтган, йигитлик даврини – лирикани бошидан кечирмоқда эди. Унинг эпик давридан, табиийки, ҳеч қандай ёдгорлик қолмаган.

Туркий ёзма адабиёт ҳам шарқона назира – ”Поэтика”лар яратилгунга қадар аввалроқ “Девонул-луғатит турк” асаридаги шеърий парчаларда, кейинроқ дидактик адабиёт намуналари бўлмиш “Қутадғу билиг”, “Хиббатул ҳақойиқ" достонларида, ва, ниҳоят Хоразмий “Муҳаббатнома”си, Яссавий “Ҳикматлар”и, Лутфий ва Отойи ғазалларида араб ва турк арузини синтез қилиб улгурди. Бу билан эса, маълум маънода, шарқ адабиётшунослигидаги поэтиканависликка ўзига хос мазмун-мундарижа бахш этди.

Шаркда буюкларга эргашиш ёки жўнроқ сўзлаганда, “ундайлар ҳақида фикр- мулоҳаза билдириш, айрим рисолалар бағишлаш” олийжаноб бурч

бўлган[5]. Бу ўринда кенг тарқалган хамсанавислик, мухаммас, назира, татаббулар битиш кабиларни келтириш мумкин. Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Дарёйи аброр”ига жавоб тариқасида ёзилган Абдураҳмон Жомийнинг “Лужжату-л-асрор" асари ҳамда унга Алишер Навоийнинг “Туҳфату-л-афкор” билан жавоб бериши ҳам бунинг мумтоз мисолидир.

Шаркдаги тўрт арабийнавис олимлар: Форобий, Киндий, Ибн Сино ва Ибн Рушднинг Аристотел “Поэтика”сига акс-садо бериб асарлар ижод қилганлари ана шундай адабий ҳодиса меваларидир. Бу олимларнинг ҳар бири елкасига тушган юк енгил эмасди. Дастлабки шарт шуки, Биринчи муаллим (Аристотель) билан яхши ниятдагина беллашиш мумкин эди. Иккинчиси, етарли даражада чуқур билимга эга бўлмай туриб, ишда муваффақият қозониб бўлмаслиги бошданоқ аён эди. Учинчиси эса, мақсад очиқ кўриниб туриши ва очиқ илмий ифодани топиши керак эди.

Ва, ниҳоят, тўртинчидан, Аристотель “Поэтика”сига жавоб тарзида ёзилган ушбу асарлар ҳам ҳудудий, ҳам мазмуний, ҳам шаклий ўзгача адабиёт – Шарқ адабиётн мисолида, ўн асрлик амалий намуналари таҳлили асосидаги назарий мулоҳазалар хулосасидан иборат эди. Бу ҳақида Абу Али ибн Синонинг ўзи айтган эди: “Биринчи муаллимнинг “Поэтика” китобидан яроқли ярминигина қолдирдим; унча кўп фурсат ўтмай, биз унга ижодий ёндашувга интилурмиз”[6].

Юқорида зикр этилганлар ҳали Ибн Салом, Замаҳшарий, ал-Маъаррийларнинг поэтика ва материка борасидаги ўлмас тадқиқотлари юзага келмай туриб, Аристотель асари билан танишув жараёнида ўз қарашларини дадил баён этгандилар. ибн Сино, ал-Киндий, ибн Рушд ва Форобийларнинг рисолалари ва баённномаларн ўша кейинги поэтика ва метрика борасидаги чуқур назариялар учун йўлловчи қўлланма бўлган.

Аристотель “Поэтика”си Шарқ илмининг буюк заҳматкашлари иштироки билан бизда энг машҳур асарлардан бири бўлиб қолганида, у Европада деярли унутилган эди. Ха, “Поэтика” Шаркда Европадагидан анча олдин шуҳрат топди. Арабийзабон адабиётшунослар бу борада жидди-жахд билан сидқидил хизмат қилдилар. Ибну-н-Набимнинг машҳур “Феҳрист”ини варақлаймиз; у Арасту (Аристотель)га бағишланган фаслда ёзади: “гап Бутиқо (Поэтика) устида боради. Уни сурёнийчадан Абу Бишр Муттий арабчалаштиради. Яҳё ал-Умидий ҳам таржима қилган. Ал-Киндийда бу китобнинг талхиси (қисқача баёни) бор” [7].

Шарқ адабиётшунослиги поэтика масалалари билан европаликлардан анча олдин шуғуллана бошлади. “Мумтоз анъанавиятимиз араб танқидчилигига шундай бир атама тақдим қилдики, атама зотининг бунақа зўрини илмнинг энди кўриб туриши эди. У – “тақлид” (ёки ўхшатиш, мимесис, муҳокот) эди. Мумтоз тақлидият шеър тушунчасини, санъатлар тушунчаларининг ҳаммасини табиатга ўхшатиш асосига қурилган деб асослайди” [8].

Ўша қадимда бу атама ўз маъноси атрофида кенг баҳс қўзғатган, бу тушунчага қамралувчи санъатлар ичра тортишувлар бўлганди. “Мимесис” - Шарқ шеърияти динамикасини белгилаган.

Абул-Валид ибн Рушд “ўхшатиш” (мимесис)ни шеърий нуқталарда уч нуқтаи назар эътибори билан талқин қилади. Булар унингча - куй, вазн, ташбиҳдир. Уларнинг ҳар бирини бошқасидан алоҳида, якка ва ажратилган

талқин килишимиз мумкин. Бамисоли кучнинг сибизғада, вазннинг рақсда, ўхшатишнинг сўзда мавжудлигидек [9].

“Шоирлар моҳиятнинг асл мағзини равшанлаштириб олишлари керак”. Бу таъриф Аристотель-ғояларининг яшашга қобиллигини кўрсатиб турарди. Буни бизникилар ўша қадимдаёқ сезишган, арабийнавис адабиётни ундан баҳраманд бўлишига ундашганди, йул қидиришганди. Яна бир хосса шуки, ўзлари ҳам биринчи муаллим фикрларини янги ғоялар билан тўлдиришганди.

Абу Исҳоқ ал-Киндий (801-866) Аристотелга тааллуқли поэтик ғояларни Шарқ адабиётшунослигига сингдирилишига ҳаракат қилганларнинг дастлабкиси бўлган. Ибну-н-Надим унинг борасида сўзлаб, “Поэтика" асосида “Мухтасар” (қисқа баён) тузганини қайд қилади. Бу баён бизгача етиб келмаган. Бунинг устига, ал-Киндий “Поэтика”нинг биринчи таржимаси амалга ошмасдан вафот этган эди. У ҳолда олим нимадан фойдаланиб мухтасар тузган экан? Мантиқий тафаккур ал-Киндийнинг юнонча нусхадан ёки сурёнийча таржимадан фойдаланган дейишга ундайди.

Абу Наср Форобий (879-950) фалсафада, мусиқада хассос бўлиш билан бирга, шеършуносликда ҳам билимдон ижодкор эди. Унинг “Рисола фи сина. ‘ати-и-ши’р” (“Шеър санъати ҳақида рисола”) асари аслида Аристотель “Поэтика”сига жавоб эди. Рисоладан мақсадини унинг ўзи ифодалаб дейдики, “донишманд Арасту шеър борасидаги ўз тадқиқотини тугата олмаганди. Эндиги вазифа - ундан ҳозир ҳам фойда келтирадиганини аташ, ўхшашларини топиш ва уларни изоҳлашдир" [10].

Форобийнинг бу асари дастлаб Лондонда “Шарқ тадқиқотлари журнали” томонидан ҳинд департаментидаги кутубхонада сақланаётган қўлёзма асосида чоп этилган. Олим Абду-р-Раҳмон ал-Бадавий шу нашрдан нусха кўчириб, ўзининг “Аристотель Поэтикаси” (Қоҳира, 1971) китобига киритган.

Абу Али ибн Сино Шарқ ва жаҳон поэзиясига, шеършунослигига улкан ҳисса қўшган аллома. Унинг улуши икки йўналишда эканлиги қайд этилган. Биринчиси бевосита поэзиянинг ўзида, - Ибн Сино истеъдодли шоир ҳам эди. Унинг бадиий юксак, маҳорат билан ёзилган анчагина ашъор ва назмини мерос олганмиз. Шоир Абу Али ибн Синонинг бадиий асарлари, қасидалари ва назмлари фалсафий йўналиши билан ажралиб туради, чуқур тафаккурга ва мантиқий хулосага ундайди.

Иккинчиси шуки, Абу Али ибн Сино Ўрта асрларда Шарқда жуда кенг тарқалган илмий поэзиянинг асосчиларидан эди. Ибн Синонинг шеърий мероси, шубҳасиз, араб тилидаги назмга қўшилган ҳиссадир. Шунингдек, у бизнинг меросимиз, бизнинг мулкимиз, умумжаҳон маданияти хазинасидаги улушимиздир.

Шайхурраиснинг шеършуносликка бағишланган илмий-назарий мероси орасида “Шифо” асари таркибига киритилган қисми анча эътиборлидир. У устоз Бадавий томонидан алоҳида нашр этилган (Абу Али ибн Сино. Шифа. 9-банд: Ши’р. Қоҳира, 1966).

Китобнинг муқаддимасида ишора қилинишича, алломамиз уни Аристотель “Поэтика”си таҳлилига бағишлайди. Китобни варақлар эканмиз, унда Ибн Сино Аристотелнинг адабиётшуносликка, шеършуносликка доир фикрлари оша Шарққа хос янги поэтика, янги шеършунослик ижодкори

сифатида кўринади. Булар Ибн Синонинг умумшеършунослик қарашларининг таркибий қисмидир.

Ибн Синонинг адабиётшуносликка доир мероси орасида яна бир аруз ва поэтикага тегишли "Маъани-ш-шиър" ("Шеърдаги маънолар") бўлиб, у "Китабу-л-мажму" тўпламига киритилган ва "Арудий ҳикмати" номи билан машҳур ва доктор Салим Солим томонидан нашр этилган (Қоҳира, 1969). Рисола тахминан 1001 йили ёзилган. Кўриниб турибдики, муаллиф ўша аснода жуда ёш бўлган, бироқ арузий етук билимдонлик, зукколик кўрсатади ва поэтиканинг назарий масалаларини дадил ҳал қилишга ҳаракат қилган.

Ўзбек адабиётшуноси Иззат Султоннинг маълумотларига кўра, Абу Али ибн Синонинг шу фанлар жумласига кирувчи яна бир "Му'тас. Иму-ш-шуаро" ("Шоирлар паногоҳи") деган асари бор. Кўпроқ адабиёт тарихига оид бу асар. айтилишича, асосан шеър назариясидаи баҳс қилади [10]. У ҳам Ибн Синонинг илк тадқиқотларидан бўлиши мумкин.

Мазкур мақолада илк мумтоз даврда араб тилида шаклланган шарқона адабиётшуносликнинг икки соҳаси – метрика ва поэтика борасидаги илмий тафаккур ва ижодий алоқаларга сиртдан ва бир қадар равон назар ташладик. Мавзу кенг ва сиймолар кўп, у алоҳида ва синчков ўрганишга муҳтож, яъни тадқиқотларимиз давом этаверади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Шавқий Дайф. Дира.сат фи-ш-ши'ри-л-'арабий, Қоҳира, 1974; Б.44.
2. Баҳаъу-д-дин 'А.қил. Шарх.у-л-Алфия, 1950, Қоҳира, 1950; Б.45. [5]. Испанияли машхур арабийзабон шоир, олим, фан тарихчиси.
3. Араб адиби, ибн Батутунинг замондоши. Каранг: Ибн Халиликон, "Вафайа.ту-л- а'на.н...", 7 жилд, Б.29
4. Журжий Зайдон. Тариху адиби-л-лугати-л-'арабиййа, 1952, Қоҳира, I жилд; Б.60.
5. Ирисов А. Аристотель ва Ибн Сино поэтикасига доир. Қ-нг: тўплам "Абу Али ибн Сино". Т., 1980; Б. 18.
6. Абу Али ибн Сино. Шифа. 9-Банд: Шеър. Қоҳира, 1966.
7. Ибну-н-Надим. Фехрист; Б.250.
8. Раби.'ий Махюму.д. Фи. Накди-ш-ши'р. Қоҳира, 1968, Б. 14.
9. Ибн Рушд Абу-л-Валид. Шарх.у-л-уржу.за фи-т-тибб. Қоҳира, факсмиле, Б.7.

# ИСТОРИЯ СЛОЖЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ ДРЕВНЕЙ ФЕРГАНЫ

**Аюбов Абдусалом Рауфович**
**Худжандский государственный университет имени академика Б.Гафурова**
**Доктор исторических наук, профессор, заведующий кафедрой всеобщей истории**
**E-mail:** abdusalom-1@mail.ru

**Аннотация.**Мақалада ежелгі дәуірдегі Ферғана территориясының алғашқы қоныстану мәселелері қарастырылған. Ферғананың этногенезі мен этникалық қоныстану мәселесі өте күрделі. Бұл мәселені шешу үшін антропологтардың, этнографтардың, археологтардың, тарихшылардың, тіл мамандарының бірлескен зерттеулері қажет. Ең алдымен, бұл мәселені талдау этнографтардың негізгі міндеті болып табылады, өйткені олар этногенез мәселелерімен айналысады. Этнографтар мен тарихшылардың бірлескен зерттеулері арқылы әртүрлі тайпалардан шыққан халықтардың қалыптасу тарихы жасалады. Археологиялық олжалар көне дәуірдегі жазба деректермен бірге қарастырылып отырған мәселенің негізгі көзі болып табылады. Белгілі бір этномәдени ортада

дамып, өмір сүрген және халықтың көші-қоны арқылы және әртүрлі топтардың байланысы нәтижесінде кез келген мәдени және техникалық дағдыларды алу арқылы тараған мәдени дәстүрлерге ерекше назар аударылады.
**Түйін сөздер:** этномәдениет, этногенез, этникалық қоныс, археологиялық олжалар, жазба деректер, Ферғана, сақ.
**Abstract.** The article discusses the issues of the initial settlement of the territory of Fergana in ancient times. The problem of ethnogenesis and ethnic settlement of Fergana is very complex. To solve this problem, joint research by anthropologists, ethnographers, archaeologists, historians, and linguists is required. First of all, the analysis of this issue is the main task of ethnographers, since they are concerned with the problems of ethnogenesis. Through joint research by ethnographers and historians, a history of the formation of peoples from various tribes is created. Archaeological finds, together with data from written sources of ancient times, are the main sources of the issue under consideration. Particular attention is paid to those cultural traditions that developed and existed in a certain ethnocultural environment and, probably, spread through population migration and by borrowing any cultural and technical skills as a result of contact between different groups.
**Key words:** ethnoculture, ethnogenesis, ethnic settlement, archaeological finds, written sources, Fergana, saki.

Древняя Фергана в конце II – начале I тыс. до н.э. выступала как один из центров земледельческой культуры. Конец II - начало I тыс. до н.э. в Средней Азии ознаменованы временем передвижения разнородных племен. Вторжение носителей андроновской культуры на юг относится к этому времени. С передвижением андроновцев в Южной Туркмении разрушились некоторые крупные поселения и керамическое ремесло пошло на спад. В это время также появляются отдельные группы арийских племен Ирана, завоевывается Индия. Все эти события, произошедшие за пределами Ферганы, оставили опечаток на жизни и культуре населения Ферганы. Об этом свидетельствует частичная аналогия культуры ферганского Чуста в археологических памятниках Ирана и Афганистана. Особый интерес представляет собой сходство синхронных культур Ферганы и Центральной Индии.

Сложение земледельческой культуры на территории Ферганы в эпоху древности было обусловлено её географическим расположением. Нужно отметить, что в эпоху энеолита и раннего бронзового века к востоку от Ферганы существовала древнекитайская, а к юго-западу - древнеиндийская цивилизации. На древнеземледельческую культуру Ферганы влияли не только природа и климат региона, но и упомянутые выше восточные цивилизации. Видимо, поэтому чустская культура Ферганы имела некоторое сходство с бактрийской, маргианской и согдийской культурой данного периода. Такие же памятники были найдены на территории Восточного Туркестана.

О существовании кайраккумской культуры на правом берегу Сырдарьи известие было распространено в 1956 г. Она относилась к бронзовому веку (12, с.288). В дальнейшем исследователи уточнили, что кайраккумские племена были связаны с племенами андроновской культуры. Этим и отличалась кайраккумская культура от ферганского варианта тазабагъябской культуры.

Расселения на территории Ферганы имеет два этапа. Первый этап охватывает период каменного, бронзового и раннего железного веков и заканчивается в первой трети I тыс. до н.э. Второй этап длился с VII до н.э. по VI н.э. Каждый из этих этапов имел свои особенности. В результате миграций и расселения новых этнических групп, в Фергане наблюдается заимствование навыков новых пришлых культур.

Особенность эпохи неолита заключается в том, что в это время большие различия наблюдаются в уровне социально-экономического роста носителей разных культур. В то время в южных областях появляется земледелие. Оно особо ярко проявляется в период бронзы (15, с.56).

Начиная с эпохи бронзы Фергану, окружают скотоводы. Они оказали огромное влияние на культуру местного населения. При этом стоит отметить, что местное население не изолировалось от мигрантов-скотоводов. Пришлые группы смешивались с местными.

Судя по его особенностям, второй этап расселения и ассимиляции различных групп на территории Ферганы более сложен. Если в первый период в расовом отношении население Ферганы было однородным, то во втором периоде сюда проникают монголоидные группы. Это явление оставило след на антропологическом облике населения. В дальнейшем начинается процесс тюркизации местного населения иранского происхождения, что связано с движением гуннов. Середина I тысячелетия н.э. ознаменована проникновением в Фергану тюркоязычного населения. По сведениям источников, в VI-VIII вв. тюркские племена имели политическое господство в Фергане.

Как было отмечено, в первой половине первого тысячелетия до нашей эры в Ферганской долине формируется чустская археологическая культура с главными центрами в Чусте и Дальверзине, ранний город с оборонительными валами и рвами - архаический Худжанд. Тогда же на террасах горы Тахти Сулейман строится каменное земляночное Ошское поселение, на правобережье Средней Сырдарьи - полуземляночные поселения культуры Бургулюк, с которыми были сродни аштские могильники Дахана и Даштиашта, а на песках сырдарьинского прибережья - поселения кайраккумской культуры. Памятники ферганской цивилизации также находятся в городах и поселениях Асбара (Исфара), Эйлатан, Шурабашат, Ашт (Калаи Афрасиаб), Тараз, Канибадам.

Период VII-III вв. до н.э. в Фергане, несмотря на наличие археологических и палеоантропологических материалов, очень сложен. Сведения письменных источников почти отсутствуют. Исторические исследования середины XX века и последующего периода показали, что вероятно, часть жителей древней Ферганы составляли парикане.

В свое время советские ученые К.В.Тревер, А.Н. Бернштам и Ю.А. Заднепровский поддержали эту гипотезу (18, с.41; 1, с.7; 7, с.43 ). А.Н. Бернштам писал, что в Фергане были расселены парикане и что от их имени происходит название области (2, с.84). Ю.А. Заднепровский писал, что «в античной историографии можно проследить традицию от Гекатея - Геродота, по сведениям которых трудно определить точное место нахождения париканиев, до Плиния-Помпония Мелы, которые помещают парикан на Сырдарье» (6, с.197). Б.А.

Литвинский, написав рецензию на книгу Ю.А. Заднепровского, отрицал эту гипотезу (10, с.266).

Известные советские историки И.М. Дьяконов, В.М. Массон и Б.А. Литвинский выступали против локализации парикан в Фергане (4, с.338; 13, с.144). По их мнению, парикане являлись жителями Гедросии и Мидии. Эти исследователи обратили внимание на колебания Геродота при локализации парикан и помещали их в Гедросии. Париканиев X (десятой) сатрапии некоторые исследователи, в том числе американский ученый А.Олмстед, отождествляют с гирканиями (19, с.291). Вероятно, они опираются на слова Страбона о том, что «…племена, живущие восточнее последних, носят названия массагетов и саков, прочих же называют общим именем скифов, но у каждого племени есть свое особое имя» (4, с.338).

Ю.А. Задепровский опирается на сведение В.Тарна. В.Тарн в свою очередь основывается на сведениях Плиния Старшего (20, с.285). Плиний Старший, как и Помпоний Мела, не смог определить расположения париканий. И здесь отсутствует сведение о Фергане. Помпоний Мела локализовал парикан между гандхарами и бактрами.

По этому вопросу В.М. Массон писал: «…более основательным является сближение названия Ферганы с именем париканиев (rapixavoi) в списке податных округов, приведенном у Геродота. Если принять это отождествление, то следует признать, что Фергана входила в десятый податной округ» (13, с.144). Однако нужно отметить, что источники помещают в состав X округа часть Мидии с Экбатанами, ортокорибантиев и парикан. И далее, противореча сам себе, В.М. Массон писал: «…если видеть в париканиях ферганцев, то десятый округ образует совершенно фантастическое географическое объединение. Однако, поскольку подобная крайняя точка зрения не может быть принята, локализацию париканиев десятого округа следует искать недалеко от Мидии, где-либо в пределах Ирана» (13, с.144).

В некоторых случаях локализация париканиев в Паркане-Фергане кажется правильной. Но в этом случае выявляется одна ошибка: в середине I тыс. до н.э. ни один из античных авторов не знал Ферганы. Следовательно, локализация парикан в Фергане - гипотеза неправильная. Вероятно, была какая-та этническая группа Ферганы с таким или близким названием, однако, это ещё следует доказать.

Начало I тыс. до н. э. известно тем, что в среднеазиатских степях люди начали заниматься кочевым скотоводством. На исторической арене появляются новые племена – саки и массагеты (5, с.257).

Исследователь Ферганы А.Н. Бернштам, одним из первых проведя раскопки в Фергане, отметил частичное сходство элементов культуры ферганцев и саков Семиречья. Тем самым он выдвинул гипотезу об обитании сакских племен на территории древней Ферганы и даже локализовал отдельные сакские племена (1, с.7). Н.Г. Горбунова считала, что саки были населением Ферганы (3, с.15). Это подтвердил и Б.А. Литвинский после проведения археологических раскопок на правом берегу Сырдарьи. Он установил, что вдоль верхнего и частично, среднего течения Сырдарьи проживали сакские племена. Б.А. Литвинский называл их «саки, которые за Согдом» (11, с.92). Им также

определено, что кайраккумские поселения VI – IV вв. до н.э. являются сакскими (12, с.296).

Академик Н.Н. Негматов писал, что «в I тыс. до н.э. население Сырдарьинского бассейна формировалось преимущественно на базе местных сакских племен. Позже сюда внедрялись юэчжи, усуни и другие скотоводческие группы. Согдийцы выступали как второй этнический компонент» (14, с.294). Археологические материалы, данные топонимики подтверждают эти сведения.

Этническая история Ферганы раннего средневековья довольна сложна. Древним населением Ферганы были носители оседло земледельческой чустской культуры, сакский пласт является вторым. Со временем на них наслаиваются сначала кангюйско-сарматские и согдийские, а затем эфталитские наслоения, все вместе в значительной степени, создавшие компактное ферганское население.

В канун массового прихода в Среднюю Азию гуннов, Семиречье и Центральный Тяньшань были заняты сако-усуньскими племенами, часть которых проникла, прежде всего, в Фергану и в район Средней Сырдарьи. Проникновение усуней в Фергану послужило условием для создания усуньско - кушанской династии Ферганы. Восточная часть Ферганы упоминается как «область Хюсюнь». В этом названии просматривается термин «кусан» (кушан).

В V-VIII вв. н.э., с включением Ферганы в сферу тюркских государственных образований, сюда начал проникать с востока и севера тюркский этнический элемент во все более нарастающем количестве, что засвидетельствовано группой надписей из Ферганы на основе рунического письма. Особое положение среди среднеазиатских рунических памятников занимает надпись на бронзовом перстне из погребального комплекса в «мугхона» (Северная Фергана). Погребения в «мугхона» (или «курумах») датируются достаточно широко (II в. до н.э. - VIII в. н.э.). Рунические знаки - надписи на перстне близки к их старосогдийским прототипам, что не может быть объяснено локальными особенностями, так как в Фергане руническое письмо употреблялось в его «классическом» варианте (конец VII - первая половина VIII в.) (8, с.49). На юге Ферганы обитали племена аристеев: в Северном Припамирье, в Алайских долинах были расселены кумеды (китайские гюаньду) и другие, более мелкие, например, племена уш.

На правом берегу реки Сырдарьи обитали кочевые племена саков, которых А.И. Тереножкин называет «прияксартскими варварами». По его мнению, они «в союзе с саками заставили Александра Македонского построить на левом берегу Яксарта (Сырдарьи) город Александрию для обороны» (17, с.153).

Преобладающая группа саков оставалась кочевой и жила восточнее Сырдарьи. В связи с предлагаемым делением среднеазиатских восточных саков на две группы, мы склонны выделить сырдарьинских и семиреченских саков. Первых, видимо, отличал и Птолемей, называя жителей Яксарта - яксартами. Пользуясь термином Птолемея, мы называем саков, живших по Яксарту, яксартскими саками (16, с.257). Отличались от них семиреченские саки, которых, благодаря тому, что их памятники концентрируются по Тянь-Шаню и его отрогам, лучше называть тянь-шаньскими, ибо только с этой группой впоследствии связано формирование тюркских племен, в то время как с южной ветвью (припамирской) связан уже этногенез иранских племен (2, с.90).

Известный советский археолог, академик Б.А. Литвинский, в результате раскопок на территории Ферганы обнаружил около 70 поселений сакских племен (9, с.196).

Во время проведения раскопок на городище Эйлатан в Фергане было найдено большое количество керамики, с роднящей её с поздним комплексом Кайраккумов. Во многих случаях можно говорить не о сходности, а об идентичности формы, техники изготовления, орнаментации. Как отмечают авторы книги «Древности Кайрак-Кумов», «в Эйлатане имеются сливы кайрак-кумского типа, встречаются ручки-выступы, опубликован фрагмент с подковообразной налепной ручкой» (12, с.256). Такие факты соответствия свидетельствуют о связи оседлых земледельцев Ферганы и саков правобережья Сырдарьи.

Фергана притягивала к себе многочисленные племена саков, усуней, кангюйцев. Некоторая часть этих племен осталась на плодородных землях Ферганы. В этом и заключается неоднородность в культуре населения разных районов, определявшаяся и различием их природных условий, и различным направлением связей.

**Использованная литература:**

1. Бернштам А.Н. Древняя Фергана. – Ташкент: Издательство АН УзССР, 1951. – 49 с.
2. Бернштам А.Н. Очерк истории гуннов. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1951. – 262 с.
3. Горбунова Н.Г. Культура Ферганы в эпоху раннего железа. Автореф. дис. на соиск. уч. степени к.и.н. – Л., 1961. – 16 с.
4. Дьяконов И.М. История Мидии от древнейших времен до конца IV века до н.э. – М. – Л.: Издательство АН СССР, 1956. – 488 с.
5. Заднепровский Ю.А. Взаимодействие кочевников и древних цивилизаций и этническая история Средней Азии // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. - Алма-Ата: Наука, 1989. – С.257-265
6. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА СССР. – 1962. - №118. – 330 с.
7. Заднепровский Ю.А. Об этническом составе населения древней Ферганы // КСИИМК. – 1956. - Вып. 61. – С.39-44
8. Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. – М.: Наука, 1964. – 224 с.

## АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ ҚАСИДАНАВИСЛИК МАҲОРАТИ (“Ўзбекистон” қасидаси мисолида )

**Файзуллоев Бахтиёр Бобожонович,**
**академик Бобожон Ғафуров номидаги**
**Хўжанд ДУ доценти, филология фанлари номзоди (Тожикистон)**
**Тел: (+992) 92 703 66 61-Эл.почта: b.fayz.1961@mail.ru**

**Аннотация.** Мақолада Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” қасидаси таҳлилига эътибор қаратилган ва уни адабий таълимда ўрганишга доир муҳим илмий ва метдик тавсиялар берилган.

**Таянч сўз ва иборалар**: анъана, бадиий санъатлар, ташбеҳ, талмеҳ, таълим, дастур, усул, андоза, таҳлил, қасида, адабий таъсир, тарихий шахслар, тарихий ҳақиқат, тимсоллар.

**Аннотация.** Статья посвящена анализу оды Абдуллы Орипова «Узбекистан» и дает важные научно-технические рекомендации по ее изучению в литературном образовании.

**Ключевые слова и выражения:** традиция, изобразительное искусство, аллегория, тальме, образование, программа, метод, модель, анализ, ода, литературное влияние, исторические личности, историческая правда, символы.

**Annotation.** The article focuses on the analysis of Abdulla Oripov's ode "Uzbekistan" and provides important scientific and methodical recommendations for studying it in literary education.

**Key words and phrases:** tradition, fine arts, allegory, talmeh, education, program, method, model, analysis, ode, literary influence, historical figures, historical truth, symbols.

Халқимизнинг иззатли шоири Ўзбекистон халқ Қаҳрамони Абдулла Орипов ижодида Ватан мавзуси, мозийдан бугунги кунга қадар халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутган тарихий воқеалар, улуғ сиймолар ҳаёти ва фаолиятига доир масалалар доимо етакчи мавзулардан бири бўлиб келган. Шоир шеъриятида аждодлар шони ҳамда шукуҳи теран шоирона пафос билан бирма- бир тилга олингани бунинг далилидир.

Аждодларимизнинг нурли ҳаёти ва фаолияти ҳар бир давру замон учун ибрат мактаби эканлигини Абдулла Орипов шоирона идрок этиб, улардан муҳим хулосалар чиқаришни зукко шеърхонлар зиммасида қодирган. Аллома адиб Абдулла Қодирийнинг “Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик...” деган ҳикматларига амал қилган шоир ўзининг бошқа ижод намуналари қаторида “Ўзбекистон “ қасидаси ҳам ўзига хос ўринга эга. Ватанпарвар шоир ўзининг мақсадларини бетакрор поэтик рамз ва тимсоллар, ҳаётий ташбеҳу талмеҳлар воситасида бадиий ҳақиқатга айлантира олганлигини қасиданинг ҳар бир банди ва мисраларида, ҳоттоки, товушларидан ҳам аниқ ҳис қилиш мумкин.

Абдулла Орипов туғилиб, камолга етган юрти ҳақида қатор етук бадиий, мазмунан теран асарлар яратди. “Ўзбекистон” қасида шу туркум-даги шеърларининг мукаммал бадиий намунаси эканлиги шубҳасиз. Фикримизча, мазкур қасида таҳлилида бир нечта муҳим нуқталарга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Яъни юрт ҳақида А.Ориповдан олдин устоз шоирлар ҳам асарлар яратганига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Агар устоз Ойбек “Ўзбекистон” шеърида “Бир ўлкаким тупроғида олтин гуллайди...” дея халқимизнинг бугунги ҳаётини кечаги ўтмишига қиёсланган бўлса, устоз Ҳамид Олимжон эса бетакрор романтик бўёқларда Ўзбекистон диёрини “ёш келин”га қиёс этади. Миртемир ва Уйғун асарларида эса Ватаннинг бугунги қудрати ҳамда эртанги нурли кунига алоҳида урғу берилади. Зукко истеъдод соҳиби Абдулла Орипов устозлар анъанасини давом эттириб, Ватан ҳақида жозибали шеър ярата олди. Қасидада халқимизнинг узоқ йиллик тарихи мужассам этилганлиги билан бадиий қимматга эга. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ушбу асар дунёга келган пайтда халқимиз ўз ўтмиши, тарихи ҳақида илиқ гаплар айтиш амри маҳол вақтлар эди. Шоир юраги зада бўлган инсон монанд: “Мақтамасман мозийни бироқ, ўтмишингни эслайман бир зум”, -дея асар муқаддимасида ўзининг адабий- эстетик мақсадини андиша билан баён қилади. Шоир фақат тарих билангина кифояланиб қолмасдан, қасидада жамиятдаги улуғ ишларга ҳисса қўшган замондошлар образини ҳам катта маҳорат билан бирма-бир қаламга олади. Хусусан, XX аср ўзбек адабиётининг намояндалари устоз шоирларнинг номлари ҳам мисраларда эҳтиром билан тилга

олинган. Шунингдек, шу даврнинг фарзанди бўлган, ўзбек деган номини дунёга тарата олган биринчи ўзбек генерали Собир Рахимовнинг жасорати, илму урфон борасида ўчмас из қолдирган Ҳабиб Абдулла каби асил фарзанларнинг номи ҳам ўз ўрнида мисраларга нақшланган. Сўнг шоир ўз ўқувчисини аста секин етаклаб, мозий бағрига етаклайди ва кўз ўгида "икки аср ярим дунёни зир қақшатган..."- "оқсоқ жаҳонгир" – Амир Темур сиймоси, шунингдек, жаҳон миқёсида фалакиёт илми кашшофи бўлган Мирзо Улуғбекнинг ҳасратларга тўла кўз ёшлари, ўзининг "ақл машъали" билан денгиз ортин ёрита олган Берунийнинг беназир хизмати, "беш асрким, назмий саройни" қалами қудрати ила титратиб турган Навоийнинг нурли сиймоси, босқинчи Чингизнинг ҳайратда қолдирган ўзбекнинг ҳақиқий ватанпарвар ўғлони Жалолиддин Мангубердининг афсонавий жасорати бирма-бир кўз ўнгимиздан худди кино лентаси каби ўта бошлайди. Қасида матнида улуғ сиймолар номини бирма-бир хронологик тарзда санаб ўтиш мақсад қилиб олинган эмас, албатта. Уларнинг сиймоси орқали тарих ҳақиқати мукаммал бир тарзда бадиий ҳақиқатга кўчган. Таҳлил жараёнид қуйидаги шеърий парчага эътибор қаратиш шоир мақсадини тўғри англашга ёрдам беради:

Кечмишинг бор чиндан ҳам узоқ,
Илғай олмас барчасин кўзим.
Мақтамасман мозийни бироқ,
Ўтмишингни ўйлайман бир зум.
Забтга олиб кенг Осиёни,
Бир зот чиқди мағрур, давонгир,
Икки аср ярим дунёни
Зир қақшатди оқсоқ жаҳонгир.
Демам, бу кун, у маним, маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним. [ 2, 222-223 ].

Авар халқининг ҳақиқий миллатпарвар шоири Расул Ҳамзатов ўтмиш ҳақида тўхталиб, "Агар сен ўтмишга тўппончада ўқ узсанг, келажак сенга замбаракда ўқ отади",- деган эди. Демак, ҳар бир халқ ўз тарихи ва қадриятларига адолат билан муносабатда бўлиши, эртанги ёруғ кун учун асосий пойдевор эканлигини теран англаган аллома шоир Абдулла Орипов "Ўзбекистон" қасидасини яратишда ҳам худди шу принципга таяниб иш олиб борган. Таъкидлаш жоизки, мазкур асар ёзилган даврда Шўролар салтанати адабиёт устидан ўз хукмини ўтказиб, турган мудҳиш бир тарихий давр эди. Худди шу йилларда Амур Темур ҳақида ёзиш ёки у ҳақида бирор илиқ гап айтиш амри маҳол эди. Шундай бир мураккаб вазиятда ўз тарихи, ўтмиши, аждодлари билан фахрлана олиш учун ижодкордан чинакам жасорат фарзанди бўлишни тақазо қиларди. Шу ўринда давримизнинг ҳассос шоираси Ҳалима Худойбердиеванинг: "*Шунчаки ёзмоққа бормайди қўлим, шунчаки ёзмоқлик шоирга ўлим*!"деган сўзлари беихтиёр ёдга келади.

Бундай ўта масъулиятли бир вазифани зиммасига олган шоирга мумтоз адабиётимиздаги мавжуд анъаналар ҳамда рамзу бўёқлар қўл келди. Амир Темурнинг сиймоси "оқсоқ жаҳонгир"- дея шеъриятга олиб кирилганлиги кўзга ташланади. Она тилимизнинг бой имкониятларидан усталик билан фойдаланган шоир инкор ҳамда тасдиқ усулидан моҳирона фойдаланиб ўзига хос бетакрор

бадиий кашфиётни ярата олган. Матнидаги “Демам, бу кун, у маним, маним, Ўзбекистон, Ватаним маним” мисралари замирида халқимиз бисотида асрлар давомида сайқалланган “коса тагида нимкоса” қабилидаги бадиий топилма, янада тўғрироғи, ботиний маъно мавжуд эканлигини биринчилардан бўлиб мунаққид Яшар Қосимов тўғри кўрсатиб берган эди: “Демам, бу кун, у маним, маним” мисрасини икки хил ўқиш яъни Амир Темур меники демайман, у билан фахрланмайман. Иккинчи, тагдор маъно - бу кун меники дея олмасамда, барибир у меникидир. Мисра сўнгидаги “маним, маним” такрори “демам” даги инкорни ҳам тасдиқлайди, ҳам инкор қилади. Ва охир оқибатда мисра қўш маъно касб этган ” [ 6, 174 ].

Таҳлили жараёнида талабалар эътиборини шудай нуқталарга қаратиш уларнинг шоир бадиий маҳоратини янада теранроқ англаб олишларига ёрдам бериши, билан бирга адабиёт илмига доир назарий тушунчалари янада мукаммал бўлишига маънавий замин бўлиб хизмат қилади.

Бу жараёнида тингловчилар эътиборини Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ маълумотларга ҳам қарата олиш уларда аждодлар ҳаётига, миллий тарихимизга нисбатан ижобий кайфият уйғотиши, шубҳасиз.

Боболардан сўз кетса зинҳор,
Бир калом бор гап аввалида.
Осмон илми туғилган илк бор
Кўрагоний жадвалларида.
Қотил қўли қилич солди маст,
Қуёш бўлиб учди тилла бош.
Дўстлар, кўкда юлдузлар эмас,
У Улуғбек кўзидаги ёш.
Ерда қолган, о, таним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним! [ 2, 224 ].

Темурий авлодлар орасида ақлу заковатда, илм ва тафаккурда беназир иқтидор соҳиби бўлган Мирзо Улуғбекнинг илму маърифат борасидаги беназир хизматларига қисқача тўхталиб, айниқса, улуғ аллома ҳаётининг зиддиятли ва изтиробларга лиммо-лим сўнгги йиллардаги фожиали тақдири ҳақида маълумот бериш зарурияти туғилади. Бунда шоир Абдулла Орипов юксак шоирона тафаккур билан тарихга нигоҳ ташлаб, темурий шаҳзодалар фаолиятини шунчаки баёнчиси бўлиб қолмасдан, балки тарих ҳақиқатини поэтик тимсоллар ёрдамида бадииятга муҳрлай олганлигини мисоллар ёрдамида кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Қасидада шоирона зукколик билан нақшланган “*кўзидаги ёш”* тасвири ҳам таҳлил жараёнида изоҳлашни тақазо этади. Асардаги бетакрор поэтик образлар, ўзига хос шоирона жозиба, айниқса, шоирнинг бадиий маҳорат сирлари тингловчиларнинг ибтидоий тасаввурларини ўзгартириб юбориши аниқ. Айниқса, сўнгги манзил сари равона бўлаётган мамлакат султонининг кўзда ёш билан шаҳид кетганига шеърхон қанчалар ачинса, падаркуш деган лаънат тамғасини бўйнига осиб, темурийлар сулоласига (Ҳаттоки, ўз исмига ҳам. Абдулатиф – арабча сўз бўлиб, марҳаматли, илтифотли ва меҳрибон, яъни Алоҳнинг қули дегани – Б.Ф.) абадий иснод келтирган Абдулатифга нисбатан шунчалар нафрат уйғонади.

Фикримизча, шу ўринда таълимдаги қиёсий усулдан фойдаланиш дарс самарадорлигини таъминлашга ёрдам беради. Яъни матндаги "кўзидаги ёш" тасвири замиридаги фожиани янада теранроқ идрок этишлари учун файласуф шоир ва моҳир драматург устоз Мақсуд Шайхзоданинг мактаб ва олий ўқав юрти адабиёт дастурларидан жой олган "Мирзо Улуғбек" фожиасига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Унда салтанатни қирқ йил бошқарган ҳукмдор олим ва шоҳ Улуғбекнинг изтиробларга тўла сўнгги ҳаёти ифдаланган. Ғанимлар томонидан ваҳшийларча ўлдирилган тасвир трагедияда ўзига хос кўринишда бадиияттга мухрланган. Ханжар зарбидан Улуғбек ерга тоғдек қулади. Қоп-қоронғу тун. Кўкда юлдузлар одатдагидек чароғон порлаб турибти. Охирги умидлар билан осмонга нигоҳ ташлаган султон нидоларига қулоқ тутайлик: " Эй фалак, эй, кажрафтор дунё! Мен сен учун ёмон фарзанд эмас эдимку!" Шу тарзда буюк бир қалб соҳиби кўзида ёш билан фоний дунё билан видолашди. Фожиадаги худди шу тасвир қасидага "Дўстлар, кўкда юлдузлар эмас, у Улуғбек кўзидаги ёш", бўлиб мисралар бағридан жой олганига кўчганига иқрор бўламиз. Бу ҳол бадиий ижоддаги адабий таъсир ва ижодий ўзига хосликнинг ёрқин намунаси эканлиги таҳлил жараёнида таъкидланиши ҳам мавзуни тўла идрок этишларига ёрдам беради ва темурийлар тарихида юз берган машъум воқеалар уларнинг хотирисида бир умр муҳрланиб қолади ва энг асосийси, уларнинг мурғак қалбида ёвузликка нисбатан нафрат олови аланга олса, илму маърифатга нисбатан муҳаббат чечаклари бўй кўрсатади...

Қасидада босқинчи Чингиз истеълосига қарши мардларча курашган тарихда тенгсиз жасорат эгаси сифатида ном қолдирган Жалолиддин Мангуберди сиймоси ҳам зўр маҳорат билан назмга кўчган:

Сени Чингиз ғазабга тўлиб,
Йўқотмокчи бўлди дунёдан.
Жалолиддин самани бўлиб,
Сакраб ўтдинг Амударёдан.
Сенсан, ўшал саманим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним. [ 2,224 ].

Асарнинг ушбу қисми таҳлил қилинаётганда қуйидаги тарихий воқеага эътибор қаратилиб, Жалолиддин Мангуберди билан боғлиқ тарихий ҳақи- қатдан уларни хабардор қилиш ҳам устоз зиммасидаги вазифалардан яна биридир. Бу қуйидагича юз берган эди: Отаси вафотидан сўнг тахт эгаси бўлган Жалолиддин Чингиз қўшинларига тинимсиз зарабалар бериб, 300 кишилик суворийлари билан ўз ватани – Хоразмни ташлаб, Хуросонга кетишга мажбур бўлди. 1221 йилнинг 24 ноябрида Мангуберди суворийлари билан босқинчи муғуллар ўртасида Ҳинд дарёсининг соҳилида бўлган қаттиқ жангда Чингизхон барча қўшинларини урушга ташлайди ва жангни шахсан ўзи бошқариб боради. Бу аёвсиз жангада Чингизнинг қўшини ғалаба қилган бўлса-да, муғуллар тарихда мисли кўрилмаган катта талофатлар кўради.

Ўша куни муғуллар Жалолиддиннинг асир олган етти ёшли ўғлини тириклайин юрагини суғуриб олди. Бу воқеадан орияти осмон қадар бўлган Мангуберди барча аёлларни, ҳатто ўз онаси ҳамда аҳли аёлларни босқинчилар қўлига топширмаслик учун дарёга чўктириб юборади ва ўзи эса қўшинлари билан Ҳиндистоннинг ичкарисига чекинади. [7, 295]. Бу тарих ҳақиқатини

ўқувчиларга маълум қилиш қасидадаги бадиий ҳақиқатни тўла англашга ёрдам бериши, шубҳасиз. Яна шуни назардан қочирмаслик ҳам зарурки, Мангубердининг ҳаёти билан боғлиқ тарихий воқеаларни Абдулла Орипов барча тафсилотлари билан ифода қилишдан чекинади-да, ватанпарвар йигит тимсолини кўрсатишда Машрабона бадиий усулдан бориб, “*минг маънини бир нукта билан мухтасар этиш* ” га эриша олади. Бундай тасвир усули шеъриятда нуктадонлик номи билан машҳур бўлган. А.Орипов ҳам ўз қаҳрамонининг ёрқин сиймосини ўқувчи кўз ўнгида гавдалантира олганки, бу асардаги муҳим аҳамиятга эга бўлган нуқталардан бири дейишга имкон беради.

Шоирнинг муваффақиятларидан бири шундаки у тарих ҳақиқатини ҳеч қачон шундайлигича тасвирга кўчирмайди. Бу анъананинг унинг бошқа асарларида ҳам яққол кузатиш мумкин. Таҳлил давомида яна бир асосий нуқтага ўқувчилар эътиборини қаратиш мақсадга мувофиқ. Бу Жалолиддин Мангуберди билан Хўжанд шаҳрини босқинчи Чингиз қўшинларидан мардона ҳимоя қилган Темур Маликнинг ўзаро дўстлик тарихи. Бу тарихий воқеа мисолида талабалар икки бир-бири билан қадимдан буён “қуда ва қудағағай“ (Ғафур Ғулом) бўлган ўзбек ва тожик халқларининг ўзаро дўстлик тарихи жуда узоқ ўтмишга бориб тақалиши таъкидланиб, бугунги кунда икки давлат раҳбарларининг ўзаро дўстлик ва ҳамколиклар борасидаги одилона сиёсатларига боғлаб тушунтириш ёшларнинг замон билан ҳамнафас бўлишларига айниқса, уларнинг сиёсий жиҳатдан зийрак бўлишлари учун хизмат қилиши, шубҳасиз.

Таҳлилнинг шу ўрнида ҳам Абдулла Орипов томонидан зукколик билан қўлланган *ҳусни таълил* деб аталувчи бадиий санъати ҳақида ҳам талабаларга қисқача назарий тушунчалар бериш имконияти туғилади. “Ҳусни таълил фикрни чиройли асослаш санъатидир. Аммо бу асослаш реал, ҳаётий бўлмасдан фақат шоирона асослш бўлади...”[5,37-38]. Қасидада “Жалолид-дин самани бўлиб, сакраб ўтдинг Аударёдан” мисрасида шоирона чиройли асос келтириш билан бирга муболаға санъати [ 5, 58 ] ҳам бўлиб, бу ҳол биргина тасвирда қўш санъатлардан усталик билан фойдалана олиш шеърга ўзига хос жозиба ва мукаммаллик бахш эттан.

Асар таҳлилида шоирона зукколик билан бадииятга муҳрланган деҳқон ашраф авлоди ҳақида талабаларга муфассал маълумот бериш имконияти мавжуд. Деҳқоннинг заҳматли меҳнати, уларнинг шону шукуҳи ҳақида муқаддас китоб - “Авесто” дан бошлаб Носир Хусравгача ва Ҳазрат Навоийгача бўлган кўплаб мутафаккирларнинг асарларида илиқ фикрлар баён қилинган. Аммо собиқ шўролар даврида яратилган кўплаб асарларда, айниқса, даврий матбуот саҳифаларидаги айрим буюртма мақолаларда деҳқонларимиз шаънига қуруқ сохта мақтовлардан иборат бўлган қанчалаб баландпарвоз мадҳиялар ўқилганига тарихимиз гувоҳ. Аммо шуниси аниққи, уларнинг бирортаси “ялангтўш яёв “ (А.Орипов) деҳқоннинг елкасидаги зил-замбил юкини енгил қилиб, косасини оқартиргани эслай олмаймиз. Шуниси диққатга лойиққи, Абдулла Орипов асаридаги деҳқон образи, унинг маънавий олами, турмуш тарзи ҳаққоний, ўзбекона сиймоси самимий ҳолда бадиий ифодага кўчганки, айнан шу жиҳатлари билан бошқа асарлардан ажралиб туради. Шу ўринда яна асар матни билан тиллашиш зарурияти туғилади:

Кеч куз эди, мен сени кўрдим,

Деразамдан боқарди биров.
У сен эдинг, о деҳқон юртим,
Турар эдинг ялангтуш, яёв.
-Ташқарида изиллар ёмғир.
Кир, бобожон, яйрагил бир оз.
Дединг: - Пахтам қолди-ку ахир,
Йиғиштирай келмасдан аёз.
Кетдинг, умри маҳзаним маним...
Ўзбекистон, Ватаним маним. [ 2, 225 ].

Шундан сўнг ўқувчилардан шеър бўйича олган таассуротлари навбати билан сўралиб, уларнинг фикрлари ўқитувчининг раҳбарлигида тўлдирилиб, хулосаланади. Қасиданинг сўнгги қисми ҳам ўқитувчи томонидан зукколик билан таҳлил қилиниши дарс самарадорлиги учун хизмат қилади. Асар якунида шоирнинг келажакка улуғ эзгу ниятлар билан шоирона башорат қила олганки, бундай самимий истакларни дадил айта олиш учун шоирона истеъдоддан ташқари катта жасорат ҳам зурур эди. Шу ўринда қуйидаги мисралар изоҳига ўтилади:

Бир ўғлингдек ме ҳам бу замон
Кечмишингни қилдим тамоша.
Иқболингни кўролдим аён
Бутун дунё кенгликлар оша.
Иқболи ҳур, шўх-шаним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним...! [ 2, 226 ].

Беихтиёр кўз ўнгимизда 1991 йилнинг 1 сентябри намоён бўлади. Шу кундаги муҳим тарихий воқеа - Ўзбекистон деб аталган мустақил юртнинг байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси пештоқида ҳилпираб турган тарихий кун ёдимизга келади. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари Ўзбекистон дея аталувчи юртни расман эътироф этиб, турган қутлуғ бир кунда шу юрт мустақиллиги ҳамда озодлиги йўлида жонини тиккан ва бу йўлда шаҳид кетган не-не ота-боболаримизнинг муқаддас руҳи поклари озод ва обод шу Ватаннинг мусаффо осмони узра шод кезиб юрганини қалбдан ҳис қилгандай бўласиз.

Қасиданинг сўнгги якуний қисмида Абдулла Ориповнинг шоирона башоратлари тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қиласиз. Адабиёт аҳли орасида юрадиган “*Ҳақиқий шоирларн ярим пайғамбар”* эканлигига ишонч ҳосил қила оласиз. Шу билан бирга ҳар бир давлатнинг қудрати, унинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни обрў-эътибори ва нуфўзи фақат ёлғиз унинг ўзигагина боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки энг аввал унга яқин қўшни бўлиб турган давлатларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигига яна бир карра ишонч уйғотади. Ва қуйидаги мисралар фикримизни тўғри эканлигини яна бир карра тасдиқлайди:

Завол кўрма, ҳеч қачон, ўлкам,
Завол билмас шу ёшинг билан
Музаффар бўл, ғолиб бўл, ўктам,
Дўсти ёринг қардошинг билан... [ 2, 226 ].

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, ҳар бир соат адабиёт дарси муҳаббатга йўғрилган гўзаллик дарси бўлмоғи шарт. Юқоридаги айрим

мулоҳазалар қасиданинг тўлиқ таҳлили бўлмасдан, балки учта тарихий сиймо ҳамда деҳқон образини таҳлиллашга доир айрим фикр ва мулоҳаза-ларни тақдим этишга ҳаракат қилдик.

Шунингдек, ”Ўзбекистон” қасидасининг тўлиқ методик таҳлили адабиёт ўқитувчисидан астойдил меҳнатни талаб қилади. Шуларни эътиборга олиб, бу асар таҳлилига пухта назарий ва методик тайёргарлик асосида ёндошиш зарур. Бу эса адабий таълимдаги бугунги муҳим талаблардан бир ҳисобланади.

Шунингдек, қасидани қайси шеърий вазнда ёзганлиги ўқувчилар кўз ўнгида кўргазмалар воситасида (айниқса слайд шаклида бўлса мақсадга мувофиқ) кўрсатилиб, унда маҳорат билан қўлланган бадиий санъатларга эътибор қаратилиб, қасидадаги асосий шеърий унсурлар билан бирга ёрдамчи шеърий компоннентлар (*поэтик фонеика, поэтик морфология, поэтик синтаксис*)га доир маълумотларни ўзлаштириб олиш билан боғлиқ муҳим вазифалар ҳам борки, булар адабиёт ўқитувчисидан алоҳида меҳнатни ҳамда ўз касбига бўлган фидойиликни талаб қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Орипов А. Сайланма. – Тошкент: “Шарқ”, 1996.
2. Орипов А. Йиллар армони. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983.
3. Йўлдошев Қ.Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. Тошкент:Ўқитувчи, 1996.
4. Кўчимов А. Мен шоирман истасангиз шу... Тўлдирилган иккинчи нашр. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018.
5. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. Тошкент: “SHARQ”, 2020.
6. Қосимов Я. Кетганлар ёди бу... Янги шеъриятимиз поэтикасидан // “Шарқ юлдузи”, 1992, № 7. 174-б.
7. Қаранг: Ўзбек Совет Энциклопедияси. 14 томлик, 4-том.Тошкент: ЎзСЭ, 1973.
8. Тўхлиев Б. Мен шоирман... // Ўз АС, 2008. -№ 15.
9. Каримов Н. ХХ аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: “O’ZBEKISTON”, 2008.
10. Орипов А. Ўзини таниган адолатга интилади // Ўз АС, 1986, 9 май.

## NUTQ STILLARINING LEKSIK-SEMANTIK VA PRAGMATIK XUSUSIYATLARI

**Babaxanova Dilarom Axmatxanovna,**
**O‘zbekiston, Namangan davlat universiteti,**
**Filologiya fanlari nomzodi, dotsent**
**Tel: +998 90 599 63 17 e-mail:** babaxanovadilarom@mail.ru

**Annotatsiya:** Maqolada so’zlashuv, rasmiy-idoraviy, ilmiy, publitsistik va badiiy nutq uslublarining o’xshash va farqi jihatlari yoritilgan, nutq uslublariga xos leksik-semantik va boshqa xususiyatlar tahlil qilingan. Kishilarning o'zaro aloqa-munosabat jarayonida tilning fonetik, leksik, frazeologik va grammatik vositalaridan tanlab foydalanishi korsatilgan. Nutq uslublarining har biri tilning bir butun yaxlit tizim doirasida ish ko'rishi va ifoda maqsadiga ko'ra til vositalarining uyushishi, takrorlanishi bilan xarakterlanishi ochib berilgan.

**Kalit so’zlar**: nutq uslublari, badiiy so’z, til, nutq, umumxalq tili, til vositalari,nutqqa munosabat, uslubiyat, nutqning barcha faoliyati, so'zlashuv uslubi,rasmiy-idoraviy uslub, ilmiy uslub, publitsistik uslub, badiiy uslub, ekspressiya.

**Аннотация:** Мақалада ауызекі сөйлеу, ресми – іскерлік, ғылыми, публицистикалық және көркем сөйлеу мәнерлерінің айырмашылықтары мен ортақ жақтары, лексика-семантикалық және басқа да ерекшеліктері талданады. Адамдардың коммуникативті әрекетінде қолданылатын фонетикалық, лексикалық, фразеологиялық және грамматикалық құралдар көрсетілген. Тілдің сөйлеу мәнерлерінің қолданылуы, сөйлеу ішінде де, бүкіл жүйенің ішінде де, сөз сөйлеу, тіркестіру, қайталау тәсілдері де ашылады.

**Түйінді сөздер:** сөйлеу стильдері, көркем сөйлеу, тіл, сөйлеу, ұлттық тіл, сөйлеу құралдары, әдістемесі, барлық сөйлеу актілері, сөйлеу стилі, сөйлеудің ресми - іскерлік стилі, ғылыми стиль, публицистикалық стиль, көркем стиль, өрнек.

**Annotation:** In this article, the similarities and difference of the styles of conversation, official, scientific, publicist and arty speech aspects and other characteristics are analyzed. The styles of speech of each language within its own entirely holistic system are discussed, and for the purpose of expression, language's characterization based on the organization and repetition openly discussed. The coloring of the styles of speech based on the words, grammatical shape and grammatical structure are strongly highlighted.

**Key words:** the styles of speech, arty word, language, speech, national language, language tools, attention to speech, methodology, all activities of speech, conversational style, official style, scientific style, publicist style, arty style, expression.

Ma'lum bir sohaning ish yuritishida bir xil takroriylik, muntazamlik bilan ajralib turishi va manashu o'ziga xoslik stil (uslub) nomi bilan yuritiladi. «Stil» so'zi barcha sohada ishlatiladi. Masalan, Sharq uslubidagi bino, Sharq uslubidagi muzika, Yevropa uslubidagi kiyim va boshqalar.

«Nutq uslubi» tushunchasi ham ma'lum bir shaklning fikr almashuv jarayonida ko'p yoki oz ishlatilishi bilan bog'liq bo'lgan o'ziga xoslikka aloqador.

Kishilar o'zaro aloqa-munosabat jarayonida tilning fonetik, leksik, frazeologik va grammatik vositalaridan tanlab foydalanadilar. «... Maftun etishning asosiy vositasi sifatida yozuvchi birinchi o'ringa uslubni qo'yadi». [1:199] Umumxalq tili vositalarining bunday tanlab ishlatilishi nutqning turlicha ko'rinishlarining paydo bo'lishiga olib keladiki, bu «nutq uslublari» deb yuritiladi.

Nutq uslublari leksik-grammatik jihatdan farqlanib turadi.Masalan, so'zlashuv uslubida odatdagi tartib turlicha o'zgarib tursa, terminlar, murakkab

Nutq uslublarining har biri tilning bir butun yaxlit tizimi doirasida ish ko'radi va ifoda maqsadiga ko'ra til vositalarining uyushishi, takrorlanishi bilan xarakterlanadi. Masalan, ot, kelishik, egalik, sifat, asliy, nisbiy, ega, kesim, ikkinchi darajali bo'lak va hokazo terminlarning tilshunoslikka oid ilmiy ishlarda qo'llanishi, uyushishi va takrorlanishi ilmiy uslubning o'ziga xos xususiyatlaridan biridir.

Nutq uslublarini belgilashda so'z, grammatik shakl va grammatik qurilishning uslubiy bo'yog'i jiddiy hisobga olinadi. Masalan, kichraytirish-erkalash jilosini beruvchi grammatik kategoriyalar, shamol, kuldi, aytdi, gapirdi kabi so'zlar so'zlashuv uslubiga xos bo'lsa; tabassum qildi, so'zladi, sabo, boda kabilar badiiy nutqqa

xos.Shuningdek, jilmaydi kabi so'zlar ijobiy; tirjaydi, ishshaydi kabilar salbiy munosabat bildiradiki, nutq jarayonida bu xususiyatlar hisobga olinadi.

Albatta, so'zning ijobiy yoki salbiy munosabat ifoda etishi hamisha nutq uslubini belgilashga asos bo'la olmaydi. Biroq sinonimik qatorni hosil qiluvchi bunday so'zlarning ko'pchiligi so'zlashuv va badiiy uslubda ishlatilishi, rasmiy-idoraviy va ilmiy uslubda esa sanoqli hollardagina saylab olinishi mumkinligi bilan xarakterlanadi.

Nutq uslublari qaysi shaklda va qaysi sohada bo'lmasin, milliy adabiy tilning qonun-qoidalariga rioya qiladi.

Ma’lumki, adabiy tilning so'zlashuv uslubi, rasmiy-idoraviy uslub, ilmiy uslub, publitsistik uslub, badiiy uslub funksional uslublari farqlanadi.

So'zlashuv uslubi deganda kishilarning kundalik faoliyatida o'zaro aloqasini ta'minlovchi og'zaki nutq tushuniladi. [2:9] Bu uslubda sheva elementlari, passiv lug'atga xos so'z va iboralar, boshqacha aytganda, adabiy til normalariga mos kelmaydigan fonetik, leksik, morfologik va sintaktik hodisalar erkin ishlatila beradi.

So'zlashuv uslubining o'ziga xos xususiyatlari bo'lib, u fonetik, leksik-frazeologik, morfologik va sintaktik jihatdan boshqa nutq uslublaridan ajralib turadi: fonetik jihatdan tovush o'rni almashadi: yog'mir (yomg'ir), turpoq (tuproq); tovush tushadi: tasha (tashla), ke (kel), yudi (yuvdi); tovush ortadi: chechmoq (yechmoq), yilon (ilon), istakan (stakan); tovush almashadi: minan (bilan), sammi (senmi), mo'nchoq (munchoq); o'zak-affiks o'zgarishi ro'y beradi: opke (olib kel), qo'yvor (qo'yib yubor) kabi.

Leksik-frazeologik jihatdan kundalik hayot bilan bog'liq bo'lgan osh, non, tuz, yer, osmon, quyosh, bola, xotin, o'rtoq, ko'z, qo'l, oyoq, men, sen, u, biz, siz, bir, besh, olti, o'n, ishladi, o'qidi, yetdi, keldi, ketdi, tez, sekin, kabi, shuningdek, san'at, adabiyot, siyosatga doir so'zlardan tashqari, so'zlashuv uslubida farzand, jujuq, churvaqa, zormanda, arzanda, pismiq, shalparpishiq, xomkalla, akillamoq, bobillamoq, to'ng'illamoq, po'ng'illamoq kabi uslubiy bo'yoqli so'zlar ko'proq ishlatiladi.

So'zlashuv uslubiga xos yana bir xususiyat so'zni qisqartish va ko'chma ma'noda qo'llashdir. Masalan, kilo (kilogramm), foto (fotografiya), metro (metropoliten), avtomat (avtomat telefon), tushlik (tushlik ovqat), futbolga bormoq (futbol o'yinini ko'rishga bormoq), ovqatga o'tiring (ovqat yegani o'tiring), paxtani bajardik (paxta rejasini bajardik) kabi. Iskovich, tosh, (odam), chayon (gap bilan kishini xafa qiladigan), beliga tepmoq (xalaqit bermoq), loyini chiqarmoq (sirini fosh qilmoq, ishni chigallashtirmoq) kabilar ham, asosan, so'zlashuv uslubiga xosdir.

So'zlashuv uslubi, asosan, dialogik xarakterda bo'lganidan, imo-ishoralar, qo'shimcha izohlar, takrorlar (so'zda), qaytariqlardan; (gapda), qo'l, bosh va gavda harakatlaridan fikr ifodalashda qo'shimcha vosita sifatida foydalaniladi.

Bu nutqning dialog xarekterda bo'lishi nutq vaziyatiga ko'ra ko'proq to'liqsiz gaplardan foydalanishni taqazo etadi. Bundan tashqari, so'zlashuv uslubida inversiya, sodda gaplar ko'chirma gapning avtor gapi o'rtasida kelgan formalari, qo'shma gapning «u aytdiki, bunday dedi» tipi ham ko'proq kuzatiladi.

Huquqiy va diplomatik hujjatlar, davlat qonunlari, idora-tashkilotlarning qaror, buyruqlari, ahdnoma, shartnomalar va kishilarning turli tashkilotlar bilan yozishmalaridagi o'ziga xos so'z tanlash usul va fikr ifodalash vositalarida rasmiy-idoraviyuslubining xususiyatlari aks etadi. Rasmiy-idoraviy uslubi juda keng va xilma-xil bo'lsa-da, so'z saylash va ifoda vositalarining yaxlitligi bilan umumiy tizimga

birlashadi. Ushbu uslub keng ma'noda barcha yozishmalarni o'z ichiga oladi. [3:5] Rasmiy-idoraviy uslubi uchun shtamp holiga kelib qolgan ibora-ifodalar xarakterlidir. Masalan, qaror, buyruq va farmonlarda gapning kesimi ko'pincha majhul nisbatdagi buyruq fe'li formasida bo'ladi. Bu uslubda har bir sohaning o'z terminlari bo'ladi.Umumxalq tilida shlatiladigan ayrim so'zlar rasmiy-idoraviy uslubida terminga, faqatgina bir ma'no anglatuvchi (monosemantik) so'zga aylanishi mumkin. Masalan mehnat qilish, dam olish, o'qish kabi umumxalq tilida so'zlashuv uslubida qo'llanadigan so'zlar «O'zbekiston fuqarolari mehnat qilish, o'qish, dam olish huquqiga egadirlar». O'zbekiston Konstitusiyasi, modda, deganda «jamiyat manfaatlari yo'lida halol mehnat qilish, o'qib ilmli bo'lish va 10-11 oy ishlagandan so'ng pul bilan ta'minlangan dam olish (mehnat ta'tili)» degan yagona tushunchani aks ettiradi.

Ilmiy uslubda obyektiv olam voqea-hodisalarining ichki-tashqi xususiyatlarini ochib, biror xulosaga kelish va buni ta'riflash xarakterli. Ilmiy uslub uchun xos forma masalaning qo'yilishi, ahamiyati, ilmiy izlanishlar, uning natijalari va tegishli xulosa chiqarishdir. Har qanday ilmiy ish ana shu mushtaraklikni aks ettiradi.

Ilmiy uslubda badiiy tasvir vositalari, tantanali leksika kabilardan, deyarli, foydalanilmaydi. Biroq ilmiy-ommabop asarlar ham mavjudki, bunda so'zlovchi (yozuvchi) sof ilmiy bayondan chekinadi, o'z fikr-mulohazalarini, ilmiy xulosalarining tushunarli bo'lishi uchun badiiy-publitsistik, shuningdek, so'zlashuv uslubiga xos bo'lgan so'z, ibora va gaplardan foydalanishga harakat qiladi. Ilmiy-ommabop asarlar bunga yorqin misol bo'la oladi.Ijtimoiy–siyosiy hayot masalalarini yoritgan barcha asarlar publitsistik asarlar jumlasiga kiradi.[5:11] Bu janr o'zbek adabiy tili sistemasida XX asr boshlarida paydo bo'ldi. «Turkiston viloyatining gazetasi» chiqa boshlashi, so'ng matbuot va nashriyot ishlarining kengayishi, Furqat, Ayniy, Sattorxon kabi demokrat shoirlarning ijodida targ'ibotning o'rin olishi publitsistikaning shakllanishiga turtki bo'ldi.

Badiiy uslub inson amaliy faoliyatining barcha sohasini qamrab olishi, umumga qaratilganligi, barcha kasbkor egasi uchun mo'ljallaganligi bilan boshqa nutq uslublaridan farqlanib turadi.[6:10] Badiiy uslubda hayot voqealari va kishilar to'g'risida oddiy axborotlar berilmaydi, aksincha, ular o'quvchi ko'z o'ngida, jonli tarzda, so'z bo'yoqlari yordamida barcha detal va xarakter-xususiyatlari xayol pardasi ortida gavdalantirilib, o'quvchida estetik zavq uyg'otiladi, salbiy yoki ijobiy shaxs, hodisalarga nisbatan jiddiy qarash, kurash tuyg'usi hosil etiladi, shuningdek, o'quvchi voqelik ichiga tortiladi va natijada yuksak badiiy zavq oladi.

Demak, badiiy uslubning vazifasi estetik zavq va voqelikka biror yo'sinda munosabat uyg'otishdir.

Badiiy uslub boshqa uslublar kabi o'z ichki bo'linishlariga (podstillariga) ega.Masalan, poetik uslub, masal uslubi, ertak uslubi kabilarga bo'linadiki, ularning har biri o'ziga xos tasvir vositalariga ega.

Badiiy uslubning vositasi ham tildir. Lekin bunda til aloqa vazifasini obraz, xarakter va nafis manzaralar yaratish orqali bajaradi, shu yo'l bilan uning ta'sir etish, harakatga keltirish vazifasi namoyon bo'ladi.

Badiiy uslubda so'z, ibora va gaplar sayqal topadi, yangi-yangi ottenka va mazmun kashf etadi. Masalan «Quyosh g'uborsiz ko'kda taltayib porlaydi» (O.) gapida «taltayib», «porlaydi», «g'uborsiz» so'zlari alohida sayqal topgan, alohida jilo, alohida joziba kashf etgan. Gap esa bir butun holda aloqa vazifasi (Quyosh osmonga

ko'tarilgan)dan tashqari estetik zavq, badiiy taassurot, ko'tarinki ruhiyat baxsh etishga xizmat qilgan. Bunday misollar yuksak mahorat bilan yaratilgan har qanday asardan ham istagancha topiladi.

Ma'lumki, obrazlilik har qanday san'at asarining bosh mezonidir. Badiiy obrazlilik so'z (ibora, gap) ishlatish san'ati va mahorati demakdir. Adabiyot shu xususiyati bilan san'atning boshqa turlaridan ajralib turadi. Shuning uchun ham «bo'sh asar», «sayoz asar» deyilganda, birinchi navbatda, yozuvchining voqelikni so'z bo'yoqlari orqali o'z holicha, ya'ni, biqiq holda tasvirlay olmaganligi nazarda tutiladi.

Har bir yozuvchining o'ziga xos so'z tanlash va ishlatish usuli bo'ladi. A. Qahhor ijodi uchun xarakterli xususiyat so'zni tejab-tergab ishlatishdir. Yozuvchi har bir so'zga alohida vazifa yuklaydi.

Uyg'un ijodiga xos xususiyat: «o'nlab misollar bir xil so'zlar bilan boshlanadi va tugaydi» va hokazo.

Badiiy uslubga xos bo'lgan eng muhim xususiyat unda tantanali-emotsional so'zlarning ko'p ishlatilishidir. Sabo, yel, chehra, tabassum, takalluf, muhabbat, muyassar, alvon, moviy, silsila kabilar shular jumlasidandir. Badiiy asar turli mavzularda bo'lishi va turli davrning xilma-xil faoliyatini aks ettirishi mumkin. Shunga ko'ra, badiiy uslubda tilning leksik qatlamiga oid barcha so'z, ibora va frazeologik birikmalardan erkin foydalaniladi. Masalan: tarixiy mavzuda yaratilgan asarlarda arxaizm, istorizmlar va o'sha davr tiliga xos grammatik formalardan erkin foydalaniladi. Zamonaviy mavzuga oid asarlarda ular qo'llanmaydi, aksincha, bugungi til leksik qatlamidan, shu jumladan, o'rniga ko'ra, dialektizm, jargon, argo va boshqalardan foydalaniladi. Bu bilan obraz yaratishda bevosita ifodaga-obrazning qaysi sheva yoki kasb-hunar vakili ekanini qo'shimcha izohsiz tasvirlashga erishiladi. [7:55]

Badiiy uslubda yozuvchining individual tasviri va ifoda vositalari sezilib turadi. Masalan, H. Olimjon asarlaridagi sho'x va o'ynoqi ohang, G'.G'ulom ijodida masalaga tarixiy-falsafiy yondoshish, M. Shayxzoda ijodida ham falsafiy mushohada, Uyg'un ijodida peyzaj bilan bog'liqlik, A.Qahhor ijodida siqiqlik, A. Qodiriy ijodida batafsil tafsilot, Erkin Vohidov ijodida mantiqiy-qiyosiy tasvir sezilib turadi.

Badiiy uslubda grammatik shakllardan ham obraz yaratish va kolorit berish maqsadlarida foydalaniladi. Masalan, Oybekning «Navoiy», P.Qodirovning «Yulduzli tunlar» romanlarida –ur, -erdi, andoq, shulkim kabi formalar ishlatilganini kuzatish mumkin. Nutqning so’zlashuv, rasmiy-idoraviy, ilmiy, publitsistik va badiiy uslublari mavjud bo’lib, ular o’xshash va farqi jihatlarga ega, bu xususiyatlar matnda reallashadi.Nutqning vazifaviy uslublari, umumxalq tili materiallari zaminida ajratiladi va shu nuqtai nazardan talqin qilinadi.Jamiyatdagi yangiliklar uslublarning rivojlanishiga olib keladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:**

1. Mukarramov M. Hozirgi o'zbek adabiy tilining ilmiy stili. –Toshkent: Fan, 1984, 4-b.
2. Abdusaidov A. Gazeta janrining til xususiyatlari. DDA, -Toshkent, 2005, 11-b.
3. Doniyorov A. Badiiy nutq stilistikasidan materiallar.Guliston, 1988, 10-b.
4. Enazarov T. O’zbek nutqi madaniyati.Toshkent, 2018, 55-b.
5. Nozima Kozakova. Main Concepts in Pragma Linguistic Analysis of Literary Text (In the Examples of Gafur Gulyam’s Works) International Journal of Science and Research (IJSR) ISSN: 2319-7064 ResearchGate Impact Factor (2018): 0.28 | SJIF (2018): 426https://www.ijsr.net/archive/v8i5/ART20197904.pdf

# АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРЛАРИДА ХАЛҚОНА ОҲАНГЛАР – ФОЛЬКЛОР МОТИВЛАРИ

**Обиджон КАРИМОВ,**
**НамДУ филология фанлари номзоди, доцент**
**Акбарали МЕҲМОНОВ,**
**НамДУ филология факультети талабаси**

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеъриятига хос хусусиятлар тадқиқ этилган. Унда шоир шеърларида қўллаган фольклор мотивларининг поэтик нутқ яратишдаги ўрни ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** фольклор, поэтик нутқ, метафора, ғоявий мақсад, бадиий ғоя, мақол, ибора.

**Аннотация:** В статье исследуются особенности поэзии народного поэта Узбекистана Абдуллы Арипова. Обсуждается роль фольклорных мотивов, использованных поэтом в создании поэтической речи.

**Ключевые слова:** фольклор, поэтическая речь, метафора, идейная цель, художественная идея, пословица, фраза.

**Annotation:** This article examines the peculiarities of the poetry of the People’s Poet of Uzbekistan Abdulla Aripov. It discusses the role of folklore motives used by the poet in the creation of poetic speech.

**Keywords:** folklore, poetic speech, metaphor, ideological purpose, artistic idea, proverb, phrase.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов XX аср ўзбек адабиётининг ёрқин намояндаларидан бири ҳисобланади. Шоир услубининг ўзига хос белгиларидан бири халқ жонли тилига яқинлигидир. Унда халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, ишонч эътиқодларини чуқур билиш шоир қўллаган метафораларнинг халқона бўлишини таъминлайди, уларга соддалик, гўзаллик ва самимият бахш этади. Шу билан бирга шоир ижодида фольклор, яъни халқ оғзаки ижодининг таъсири ҳам сезиларли даражада кучли эканлиги ўқувчига яққол сезилиб туради. Хусусан, шоирнинг **“Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси”**, асари халқ оғзаки ижодидан таъсирланиш омилига ёрқин мисол бўла олади. Миллий руҳда битилган мазкур шеърда оламдаги барча тирик мавжудотларга меҳр худди қуёш нуридек зарур деган фикр илгари сурилади. Шеърдаги шоир фантазияси халқ эртакларида акс этган хаёлотнинг учқурлигига, чексизлигига ўхшаш. Бадиий ғоя илмий фантастикага яқин бўлса-да, унда халқона поэтик тафаккур уйғун. Шу билан бирга соддалик ва аниқлик ёрқин ифодаланади. Адабиёшунос олим, академик Бахтиёр Назаров асар ҳақида шундай ёзади: “*Меҳр-оқибат, адолат, инсоф, виждоний поклик, маънавий гўзалликни улуғлаш ва уларга монелик қилувчи ҳар бир ҳодисага қарши бешафқат курашиш Абдулла Орипов шеърларидаги юксак маънодаги гуманизмнинг ҳужайраларидир. Бу масалага шоир изчил реалистик услуб асосига қурилган шеърларидагина эмас, фантастика элементларидан*

*унумли фойдаланган асарларида ҳам мурожаат этади. "Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси" ана шундай асарлардан биридир"*[87].

Қиссанинг бош ғоявий мақсади – меҳр-оқибатни улуғлаш. Шоир асар ботинидаги бадиий муаммони сарлавҳага олиб чиққан. "Самовий меҳмон" ўрганилиши лозим бўлган текшириш обекти. Асосий тадқиқотчилар – беш донишманд. Донишмандларнинг йўл қўйган хатоларини кўрсатиб берувчи "оппонент" – фаррош кампир. Сарлавҳанинг мазмунидан ҳам маълум бўляптики, "меҳр-оқибат"ни ҳимоя қилиш мақсадида шоир ҳатто донишмандларни ҳам аяб ўтирмайди. Шеърнинг бошланиш сатриданоқ шоирнинг нима демоқчилигини тезда фаҳмлаб оламиз:

*Хабар келди Фан шаҳрига*
*Олис Жунгли томондан.*
*Ўтган кеча алланарса*
*Ёниб тушмиш осмондан.* ([88])

Бу хабар тезда илм аҳлига етказилади; воқеани ўз жойида ўрганиш учун нуфузли комиссия тузилади:

*Жўнатдилар Жунгли томон топиб бешта вакилни.*
*Бешови ҳам тенгсиз олим,*
*Беш қитъадан бўлмиш жам.*
*Дунёдаги барча илм шул бешовда мужассам.*
*Дунёдаги тилларни-ку*
*Беш бармоқдай билишар.*
*Керак бўлса қучлар билан хандон суҳбат қуришар.*
*Хуллас, бешов йиғилишиб*
*Жунгли томон елдилар.*
*Ҳатто фаррош кампирни ҳам*
*Бирга олиб келдилар"* (Ўша жойда).

Шоирнинг "Ҳангома" номли шеърида фольклор намуналаридан бири саналган иборалардан ҳам кенг фойдаланилади. Биламизки, иборалар нутқка тайёр ҳолда олиб кирилади ва унинг таъсирчанлигини таъминловчи муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Мазкур шеърда воқеалар халқимизнинг қадимий одатларидан бўлмиш тўйга таклиф қилиш анъанасидан бошланади. Ундаги тўйга бориш воқеаси эса ҳажвий тарзда давом эттирилади ва табиий содир бўлган, ҳаётда учраб турадиган ҳангома қаламга олинади. Шеърдаги ҳангомага сабаб бўган воқеа шуки, тўйга бориш мақсадида йўлга чиққан кекса чоллар қор ва туманда адашиб, тўй бўлаётган овулни тополмай, совуқ тунда бир кеча тунаш учун бошпана сўраб борган хонадон унинг ўз уйи бўлади. Биз шеърни ўқиш чоғида шоирнинг воқеалар тасвирида ибораларнинг юқорида айтилган хусусиятидан унумли фойдаланганига гувоҳ бўламиз. Буни шеърдан олинган қуйидаги парчалар мисолида кўриш мумкин.

*...Чоллар-чи, ҳамон йўлда,*
*Суҳбат ўша-ўшайди.*
*Бири деди: - Оқсоқол,*

---

[87] Назаров Б. Севинч-дардим – бари Ватаним. Абдулла Орипов билан суҳбат. Бу ҳақда қаранг: Абдулла Орипов. Адолат кўзгуси. - Т.: 2005. 120-121-бетлар.

[88] Орипов, Абдулла. Танланган асарлар. Тўрт томлик. 1-том. – Тошкент: 2001. 302-бет

*Кун ботганга ўхшайди.*
*Йўғ-е, уста, - дер бири, -*
*Кўздан қолибсиз буткул*
*Тўрт чақирим овулга*
*Наҳот юрсак бир кун йўл.*[89]

Келтирилган парчада халқ тилида кўзнинг кўриш хусусияти пасайган ёки умуман йўқолган кишига нисбатан кенг қўлланадиган **“кўздан қолмоқ”** ибораси қаҳрамон тилидан айтилади. Бу эса шоирнинг шеърдан кўзланган ўқувчи кўнглида ҳажвий кайфият уйғотиш ҳамда унга халқона руҳ бериш каби поэтик мақсадларини юзага чиқаришга йўналтирлганлигидан далолат беради.

Яна шеърнинг давомида ибора қўлланган қуйидаги сатрларни ўқиймиз:

*Гап босдими ё ғафлат,*
*Тавба, бу қандоқ ўйин?*
*Қор тинди-ю, чолларнинг*
*Ичига кирди қуюн.* (Ўша жойда)

Мазкур парчада **“ғафлат босмоқ”** ибораси билан бирга “гап босди“ тарзидаги иборанинг шоир ижодигагина хос бўлган индивидуал варианти ҳам келтирилиб, сатрлар сатҳига моҳирона сингдириб юборилган. Шунингдек, **кўнглига ғашлик тушмоқ, кўнгли ғаш бўлмоқ, ваҳимага тушиб қолмоқ** каби ибораларга маънодош тарзда **“ичига кирди қуюн”** шаклидаги ибора вариантини ҳам қўллайди. Шоир мазкур ибора орқали Шеърда чолларнинг ўша лаҳзадаги руҳий ҳолатини ўқувчи кўз олдига келтиришга, уларнинг мушкул аҳволда қолганлигини тасаввур қилишига эришган.

Бошдан-оёқ чуқур донишмандларга хос мазмун ва шаклан халқ оғзаки мотивлари билан суғорилган асарлардан яна бири “Шарқ ҳикояси” (1980) шеъридир. Унда айтилишича, жуда камбағал ота-ўғил узоқ йўлга отланишади.

*Қуриб кецин йўқчилик ҳам*
*Ким неларга зор эди.*
*Икковининг ўртасида*
*Битта эшак бор эди*”[90].

Ота-бола узоқ тортишувдан кейин эшакни навбат билан минишга келишиб олади. Биринчи бўлиб эшакка ота минади. Бир қишлоқдан ўтаётганда, тўрт-беш одам орқаларидан пиқирлашиб кулишиб қолади:

*– Аҳмоқ экан манави чол,*
*Аҳмоқ ҳаддан зиёда.*
*Ўзи улов миниб олган,*
*Ўғли эса пиёда* (Ўша жойда).

Уялиб кетган ота шартта эшакдан тушиб, ўғлини миндириб қўяди. Яна бир қишлоқдан ўтаётганда, ортларидан тўрт-беш одам пиқирлашиб кулишади. Боланинг орияти қўзғаб, шартта эшакдан тушиб, пиёда кета бошлайди. Бир қишлоқдан ўтаётганда, орқаларидан яна кулишиб қолишади, унга чидай олмаган ота-бола жанжаллашиб қолади. Шу билан “Шарқ ҳикояси”даги асосий воқеий мазмун тугайди, шоир шеър хотимасига яна бир банд қўшишни лозим топади, бу аслида, бадиий-эстетик хулоса ҳисобланади.

[89] Орипов, Абдулла. Танланган асарлар. Тўрт томлик. 1-том. – Тошкент: 2001, 207-бет
[90] Ўша жойда. 304-бет

**“Шарқ ҳикояси**”да халқона руҳ асарнинг фақат ифодавий услубида эмас, балки воқеаларнинг халқ оғзаки ижодига хос тадрижий ривожида ҳам яққол кўринади, шеърнинг асосий пафоси қайсар ўғилнинг ота насиҳатларига беписанд қараганлиги, оқибатда улар ўртасидаги “***қондошликнинг миллион йиллик ришталари узилганлиги***” ҳақидаги ғоя шоир эътирофида янада тўлароқ намоён бўлади. Зероки, меҳр-мурувват ва эзгуликни улуғлаш адабиётимизнинг азалий мавзуси.

Абдулла Ориповнинг шеърларида кўплаб халқ мақоллари ва ибораларини учратамиз. Шоир ана шу халқ тафаккури дурдоналарини тайёр ҳолатда асарга киритиш, шу тариқа асарини бадиий безаш йўлидан бормайди. Аксинча, шеър мазмунини янги ижтимоий-ахлоқий ғоялар билан бойитади. Ўзбек халқининг юксак одоб-ахлоқи ва маданиятини кўрсатадиган мақол ва маталлари жуда кўп. Халқнинг кўнглига кўзгу бўлган бундай ҳикматлар шеърда ибратли чуқур маъно касб этади; унинг эстетик таъсир кучини оширади. Шоир халқ ибораларини, мақол ва маталларини шундай ўринли қўллайдики, китобхон бу ҳикматлар халқникими ёки шоирнинг ўзи тўқиганми, пайқамай қолади. Бу ҳол Абдулла Ориповнинг шеърлари моҳиятидаги халқона поэтик тафаккурни намоён этади. Шоирнинг халқ руҳини, унинг фикрлаш тарзи ва ижодкорлигининг асосий жиҳатларини пухта ўзлаштириб олганлигидан далолат беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Орипов, Абдулла. Танланган асарлар. Тўрт томлик. 1-том. – Тошкент: 2001, 302-бет
2. Назаров, Б. Севинч-дардим – бари Ватаним. Абдулла Орипов билан суҳбат. Бу ҳақда қаранг: Абдулла Орипов. Адолат кўзгуси. -Т.: 2005. 120-121-бетлар

## BADIIY ASARDA INSHO JUMLALAR POETIKASI

**G‘ulom BOBOJONOV,**
**Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori,**
**Yangi asr universiteti dotsenti**
anzurut@mail.ru

**Аннотация:** Мақалада әдеби шығармаларды зерттеуде ерекше маңызы бар іншо сөйлемдер мәселесі талданады. Іншо тарихи көзқарас, сөйлемдердің түрлері мен айырмашылықтарын жеке-жеке жіктеу негізінде зерттелді. Көркем мәтіннің маңыздылығы мысалдар арқылы дәлелденді.

**Негізгі сөздер:** іншо, маони, амр, наһий, истифхом, нидо, таманний, тараджи.

**Abstract:** The article analyzes the issue of insha sentences, which is of special importance in the study of literary works. The insha was studied on the basis of the historical approach, the separate classification of the types and differences of the sentences. The importance of the literary text was justified with the help of examples.

**Key words:** insha, maoniy, amr, nahiy, istifhom, nido, tamanniy, tarajji.

Bolag'at ilmida gap mutakallim maqsadini ifoda etishi jihatidan xabar va inshoga taqsimlanishi shu haqda yaratilgan barcha manbalarda ta'kidlab o'tilgan. Unga ko'ra, gap rost yoki yolg'onlik ehtimoliga ega bo'lsa, xabar; agar unday bo'lmasa, insho hisoblanishi bayon etilgan [Sakkokiy. 2002, Qazviniy. 2014]. Biz quyida insho gaplar, ularning turlari hamda badiiy matndagi ahamiyati haqida qisqacha bahs yuritamiz.

O'zbek tilida gaplar maqsadga ko'ra darak, so'roq va buyruq gaplarga bo'linadi. Maoniyga ko'ra, gaplarni bu tarzda taqsimlash mutakallim maqsadini aniq va to'laqonli ifodalash uchun yetarli bo'lmaydi. Matnlarda uchraydigan turli kombinatsiyalar soha olimlarining shunday xulosaga kelishiga asos bo'lgan. Shuni nazarda tutib, olimlar insho jumlasining o'zini turli matnlardagi umumiy jihatlarini o'rganib, bir qancha turlarini farqlashgan.

"Insho" so'zining lug'aviy ma'nosi "ijod" ya'ni "yaratishdir". U istilohda sidq yoki kizb ehtimoli bo'lmagan jumlani ifoda etadi. Insho jumlalar, avvalo, talabiy va g'ayri talabiy sifatida ikki katta guruhga taqsimlanadi [Qazviniy. 2014, 106]. Gapning voqe bo'lish jarayonida muxotobning munosabati talab etiladigan jumla talabiy jumla deb yuritiladi va u buyruq (amr), inkor (nahiy), so'roq (istifhom), undov (nido), istak (tamanniy) kabi gaplarni o'z ichiga oladi. Gapning voqe bo'lish asnosida muxotob munosabati talab qilinmaydigan gaplar g'ayri talabiy gaplar bo'lib, ular – maqtov va yomonlash (madh va zam), bitim (uqud), qasam, taajjub, iltimos kabilarga taqsimlanadi [Qazviniy. 2014, 99-108].

Talabiy insho turlaridan buyruq (amr), inkor (nahiy), so'roq (istifhom), undov (nido), istak (tamanniy) kabilar mashhurdir. O'zbek tilida yuqoridagilardan istifhomdan boshqa barchasi buyruq gaplar sirasiga kiritiladi. Matnda ishlatilgan insho jumlalarning bir-biridan nozik farqlarini ajratib o'rgangan olimlar hatto zohiran buyruq tusidagi gaplar ham aslida sof buyurish ma'nosidan boshqa bir qancha maqsadlarni ifodalash uchun ishlatilishini tadqiq etishgan [Sakkokiy. 2002, 103].

O'zbek tilidagi buyruq ma'nosini bildiruvchi gaplar maoniyda "amr" deb talqin etiladi. Amr quyidagicha ta'riflanadi:

هو طلب الفعل على وجه الاستعلاء

"Amr ustunlik vajhiga ko'ra, biron fe'lni (bajarishni) talab qilishdir".

Mazkur ta'rifdan amr jumlasining asosida "ustunlik vajhiga ko'ra talab qilish" turishi ma'lum bo'ladi. Talab qilinadigan narsa moddiy yoki ma'naviy bo'lishi mumkin. Mutakallimdan amr jumlaning voqe bo'lishi uning muxotobdan yuqori maqomda turishini taqozo etadi. Aks holda, amr o'z ahamiyatini yo'qotadi. Bundan ma'lum bo'ladiki, buyruq maylini ifoda etuvchi har qanday jumla amr sifatida baholanishi uchun asos bo'lolmaydi. Amrning mohiyatida talab qilish bilan birga ustunlik vajhi ham voqe bo'lishi zarur.

Amr jumla asosan buyruq fe'li vositasida hosil qilinadi. Lekin buyruq fe'li ishtirok etgan har qanday gap amr sirasiga kiritish uchun asos bo'lolmaydi.

Misollarga murojaat etamiz.

Alisher Navoiyning "Hayratul abror" dostonida [Navoiy. 1970, 27] buyruq fe'llar vositasida yasalgan bir qancha gaplar insho jumla va uning turlarini farqlashda yetarlicha material beradi. Dostonning ayrim boblarida mutakallim va muxotob o'rtasidagi suhbatlarda, mutakallimning shaxsiy mulohazalarida, ba'zi boblarning tugash qismlarida, shuningdek, mutakallim nuqtai nazarini ifodalovchi boshqa o'rinlarda buyruq fe'lli gaplar ko'p uchraydi. Ularning barchasiga amr sifatida qarash mutakallim kontseptsiyasiga nisbatan biryoqlama tushunish bo'lib qoladi. Shunga ko'ra, dostonda buyruq fe'li ishlatilgan gaplarning o'zini maoniyda nazarda tutilganidek, bir necha turga taqsimlab o'rganish zarurati yuzaga keladi.

Birinchi misol:

"Yo'l yomonu yaxshisidin yema g'am,

Bismilloh, degilu qo'yg'il qadam".

Ikkinchi misol:

"Ul nafas iymon manga hamroh qil,
Ko'nglum aro mahvi sivalloh qil".

Uchinchi misol:

"Aytti qozi: "Ketur, iki guvoh,
To qilayin hukmni beishtiboh".

Keltirilgan misollarning barchasida buyruq fe'llari ishlatilgan bo'lsa-da, maqsad va mazmun jihatidan ular turli farqlarga egaligi kuzatiladi. Birinchi misoldagi buyruq fe'llari (degil, qo'yg'il) bevosita mutakallimning o'ziga yo'naltirilgan. Amr jumlasi ta'rifidagi tomonlardan biridan "talab etish" sharti ushbu gapda kuzatilmaydi. Shunga ko'ra, uni amr sirasiga kiritish uchun yetarlicha asos topilmaydi.

Ikkinchi misoldagi gapda garchi mutakallim va muxotob munosabati to'laligicha mavjud bo'lsa-da, mutakallim ta'rifda keltirilgan "ustunlik vajhi"ga ega emas. Shu nuqtai nazardan bu gapni ham amr deyish to'g'ri bo'lmaydi. Uchinchi misolda ta'rifda nazarda tutilgan barcha omillar yetarli bo'lgani uchun u amr jumla hisoblanadi. Unda muxotobdan ustunlik vajhiga ega bo'lgan shaxs, ya'ni qozi nizolashuvchi tomonlardan biri bo'lgan kampirga shariatga muvofiq hukm chiqarishi uchun ikki guvoh keltirishini buyuryapti va talab qilyapti. Mazkur gap maoniy ilmida ustunlik vajhi va talabning mavjudligiga ko'ra, amr jumla hisoblanadi.

Jalodiddin Qazviniyga ko'ra, buyruq fe'li amr jumlasidan tashqari yana bir qancha (yigirmaga yaqin) gaplar tarkibida ishlatilishi mumkin [Qazviniy. 2014, 100].

O'zbek tilshunosligida inkor ma'nosidagi gaplar ham bo'yruq gap sirasiga kiritiladi. Maoniyda esa, bunday gaplar nahiy gap sifatida alohida tasnif etiladi. U amrning ziddini ifoda etadi. Unga "ustunlik vajhiga ko'ra, biron fe'lni bajarmaslikni talab qilishdir" tarzida ta'rif berilgan.

Bunday gapda fe'lning inkor shaklidan foydalaniladi. Ammo gapda mazkur unsurlarning ishlatilishi uni nahiy gap sirasiga kiritish uchun yetarlicha asos bo'lmasligi mumkin. Bunday hodisani olimlar turli matnlarni ilmiy tahlil qilish vositasida tadqiq etishgan.

"Hayratul abror"da inkor shaklidagi fe'llar ishlatilgan gaplarni shartli ravishda quyidagicha tasniflash mumkin.

1. Mutakallimning mulohazalari asnosida muxotobga yo'naltirilmagan holdagi gaplar. Misol:

Istabon, ey xasta Navoiy, navo,
Bo'yla safarg'a qilur ersang havo,
Yo'l yomonu yaxshisidin yema g'am...

2. Muayyan muxotobga yo'naltirilgan bo'lsa-da, unda mutakallimning ustunlik vajhi mavjud bo'lmagan gaplar. Misol:

Bo'lsa navo birla bori muhtaram,
Aylama mahrum Navoiyni ham.

3.Muxotobni muayyan ish-harakat yoki holatdan qaytarish ma'nosidagi gaplar. Misol:

Royinga har amriki, keldi savob
Mashvarasiz etma qilurg'a shitob.

Boshqa misol:

Emdiki, mazlum so'zi chiqti tuz,
Zolim agar nafsing erur, ko'rma yuz,

Bulardan birinchi va ikkinchi guruhga kiruvchi gaplarda, garchi inkor unsuri bo'lsa-da, nahiy gapning asliy maqsadi to'la namoyon bo'lmagan. Shu bois balog'at olimlari bunday gaplarni nahiy deb hisoblash o'rinli bo'lmasligini ta'kidlashgan.

Uchinchi misolda keltirilgan parchada esa, bevosita mutakallimda “ustunlik vajhi” (Badiuzzamon Mirzoga ustozlik) hamda muayyan fe'ldan qaytarish ma'nosi mavjud. Shuning uchun u hech bir shak-shubhasiz nahiy gap sifatida tasnif etiladi.

Insho jumlalarning yana bir turi istifhom bo'lib, u orqali so'rovchining o'ziga noma'lum hamda kerakli bo'lgan moddiy yoki ma'naviy narsani so'rashi iroda etiladi [Bulut. 2015, 68]. Istifhom jumlasi shundan boshqa maqsad uchun xizmat qilmasligi kerak. Unga shunday ta'rif berilgan:

هو طلب العلم بشئ بأَدوات معروفة

“U ma'lum unsurlar vositasida biron narsani so'rash, talab qilishdir” [Qazviniy. 2014, 108].

Matnda mutakallimning muxotobda paydo bo'lishi mumkin bo'lgan ehtimoliy savolni o'rtaga tashlab, unga yana o'zi javob berishi (muqtazoi zohirga ko'ra, muxotobni ehtimolan savol berayotgan shaxs maqomida ko'rish) istifhom sanalmaydi. U mutakallimning muayyan muxotobga qaratilgan hamda real ma'noda nimadir (ma'lumot, ilm, narsa) olish maqsad qilingan gapi bo'lishi zarur. Unda odatda so'roq olmoshlari yoki so'roq yuklamasi ishlatiladi.

Maoniyda olimlar istifhom jumlasining matnda mutakallimning o'ttizdan ortiq maqsadlarini ifodalash uchun ishlatilishini alohida tasnif etishgan. Istifhom jumlalari matn e'tiboridan kelib chiqib iftixor, amr, nahiy, inkor, xabar, tanbeh, targ'ib, duo, tamanniy, tarajjiy, madh va zam, tahdid va va'id, tahqir, tajohil, taajjub, ta'kid, itob, tazkir kabi mazmunlarni ifodalashini alohida o'rganish matn balog'atini idrok etish hamda undagi mutakallim maqsadi va nuqtai nazarini to'g'ri anglashga xizmat qiladi.

Darhaqiqat, matndagi istifhom jumlalarning hammasini bir xil – faqat nimanidir so'rash mazmunida kelgan deb tushunish, sub'yektiv va bir yoqlama qarash bo'lib qoladi. Shu bilan birga, matnni, undagi mutakallim maqsadini anglashda jiddiy to'siqlar paydo qiladi.

Istifhom jumlasi mutakallimning aynan qaysi maqsadini ifoda etishga qaratilayotgani har qanday matnda alohida ahamiyat kasb etadi. Shunga ko'ra, istifhom jumla faqat so'rashga dalolat qiladi, deb tushunish juda tor tushunchadir. Istifhom jumlasi aynan qaysi ma'noni anglatayotganini aniqlashdagi asosiy mezon mutakallim maqsadidir. Misol uchun: “Aylamaging afvi xato, bas, qani?/ Bahri karam birla ato, bas, qani?” baytida har ikki misrada ham so'roq olmoshi ishtirok etgan. O'zbek tilshunosligi nuqtai nazaridan u so'roq gap sirasiga kiradi. Lekin balog'at olimlari uni ma'no jihatdan tasnif etmasdan faqat yanona istifhom jumla tarzida tushunish mutakallim maqsadini aniqlashda ob'ektiv hukm bo'la olmasligini ta'kidlashgan. Boisi, birinchidan, istifhom talabiy insho, ya'ni muxotobdan javobi yoki munosabatini nazarda tutuvchi va matnda shunga asoslanuvchi jumladir. Yuqoridagi misolda muxotob munosabati talab etilmaydi. Ikkinchidan, gapda so'roq unsurlari bo'lsa-da, mutakallim gapdan muxotob orqali biron narsani (ma'lumotni) bilib olishni maqsad qilmaydi. Bu o'rinda so'roq olmoshi bilan keltirilgan gap mutakallimning muxotob munosabatini kutmasdan qilgan murojaati tarzida qabul qilinishi har jihatdan to'g'ri

hamda mutakallim maslagiga muvofiq bo'ladi. Yuqoridagi misolda keltirilgan gap balog'at ilmiga ko'ra, tarajjiy ma'nosidagi istifhom (umid ma'nosidagi so'roq gap) deb tushunish har tomonlama to'g'ri bo'ladi.

Quyidagi misolda esa, so'roq olmoshlari istifhom jumla yaratish uchun xizmat qilganini ko'ramiz.

“Ko'nglungga ne ishdin ekin bu taab?
Bu taabingg'a ne ish erkin sabab?”

Bunda baytda ikki tomon (mutakallim va muxotob), mutakallimning muxotob holati haqida o'zida mavjud bo'lmagan ma'lumotga ega bo'lish maqsadida bergan savoli yetakchilik qilayotganini kuzatish mumkin. So'roq olmoshlari haqiqiy ma'noda istifhom jumla mohiyatiga mos ravishda istifhom jumla yaratish maqsadida qo'llangan. Mutakallimning muxotob holatini bilish istagi-talabi bor. Shuningdek, ushbu jumla talabiy insho qoidasiga mos ravishda muxotobning javobini ham nazarda tutadi. Matnda qahramonlarning o'zaro savol-javobi asosiga qurilgan diolog-suhbat aks etadi. Savol jumla ana shu diologning boshlang'ich nuqtasi va tayanchi bo'lib xizmat qiladi. Yuqorida keltirilgan birinchi misoldagi baytda esa, ayni shu jihat – so'roq olmoshi ishtirok etgan gapdan diolog hosil qilish maqsad etilmagani uning istifhom jumla bo'la olmasligiga dalolat qiladi.

**Адабиётлар:**

1. Абу Яқуб Юсуф ибн Абу Бакр ибн Муҳаммад Саккокий. Мифтоҳул улум. Қоҳира. Мактабатут тавфиқийя. 2002.
2. Ahmed Cevdat Paşa. Belâgat-ı Osmâniye. Ankara, Akçag, 2017. – S.23.
3. Bulut, Ali. Belâgat terimleri sözlüğü. İstanbul, 2015.
4. Хатиб Қазвиний Жалолиддин Муҳаммад ибн Абдураҳмон. Талхисул Мифтоҳ. Байрут, Мактабатул асрийя, 2014.
علیشیرنوایی. خمسه. حیرت الابرار . علمی تنقیدی متن. تاشکینت. فن. ۱۹۷۰. ب۲۳۶.

# ҲАЗРАТ НАВОИЙНИНГ МАЪНАВИЙ - ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

**Сайёра Тўйчиева,**
**Ўзбекистон давлат маданият ва санъат институти**
**профессори, фалсафа фанлари доктори**

**Аннотация:** Мазкур мақолада буюк мутафаккир Мир Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ва комиллик тарбияси ҳақидаги таълимоти ўрганилади.

**Калит сўзлар:** ахлоқий фазилат, миллий қадрият, илм, дўстлик, ҳаёт чироғи, одамийлик, “Ихлосия”.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается учение великого мыслителя Мир Алишера Навои о гуманизме и совершенствовании образования.

**Ключевые слова:** нравственная добродетель, национальная ценность, знания, дружба, свет жизни, человечность, «Искренность».

Барча замонларнинг мутафаккир шоири Ҳазрат Мир Алишер Навоий она тили, адабиёт, санъат, маданият ва тарих фанлари қаторида фалсафа ва тафаккур тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ донишманд ва аллома эди.Унинг буюк давлат арбоби сифатида амалга оширган инсонпарварлик ва бунёдкорлик ишлари ҳамон башариятни ҳайратга солади. Улуғ шоирнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари доимо асосли, халқчил ва ниҳоятда теран моҳияти билан ҳамон инсониятни ҳайратга солади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарорида “Алишер Навоий асарларида теран ифода топган миллий ва умуминсоний ғояларнинг жаҳон тамаддунида тутган ўрнини ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, улар қалбида юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялашдаги беқиёс аҳамиятини назарда тутиб, шунингдек, улуғ шоир ва мутафаккирнинг адабий-илмий меросини мамлакатимизда ва халқаро миқёсда янада чуқур тадқиқ қилиш ва кенг тарғиб этиш” алоҳида таъкидланган.

Ўсиб келаётган ёш авлодни ўзбек халқининг миллий ва умумбашарий анъаналари, ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда Ҳазрат Навоий каби буюк аждодларнинг ҳаёти, ижод йўли ва умрбоқий асарлари катта аҳамият касб этмоқда. Унинг ижоди ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва адабиётининг мумтоз адабиёт даражасига кўтаришда муҳим босқич бўлди. Шоир қаламига мансуб назмий ва насрий асарлар ҳам бадиий, ҳам ғоявий-маънавий жиҳатдан юксак савияда битилганлиги учун фавқулодда тезкорлик билан узоқ – яқин ҳудудларда шуҳрат қозонди.Мутафаккир шоир инсонийликнинг биринчи белгиси иймон эканлигини уқтиради:

Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Балки нишони анга иймон эрур

Улуғ шоирнинг фалсафий фикр қамрови жуда кенг – у иймон билан бир қаторда илмга интилишни, илмли бўлишни комилликнинг муҳим шартларидан бири деб ҳисоблайди. Жаҳолат ва нодонликдан ўзини асраган инсон илм орқали дунёни ва ўзлигини танийди, касбу кор ва ҳунар ўрганади, оқу-қорани ажратади. Атоқли навоийшунос олим Н.Маллаев тўғри таъкидлаганидек, “Навоий ижодиёти у яшаган муҳитнинг бадиий қомуси, мураккаб халқ тарихининг равшан кўзгусидир. Унда инсон ҳаёти ва фаолиятининг ранг-баранг соҳалари ўз ифодасини топган. Бинобарин, Навоий мероси турли илм соҳалари учун бой ва қимматли манбадир.”

Мутафаккир шоир илмли – донишманд бўлишни комилликнинг муҳим шартларидан бири деб ҳисоблайди. Илм орқали одам дунёни ва ўзлигини танийди, касбу кор ва ҳунар ўрганади, оқу-қорани ажратади. Унинг барча асарларида илм олишга даъват, ақл ва заковатни улуғлаш фазилати бўртиб туради. Илм ҳаёт чироғи, инсонни ҳайвондан ажратадиган асосий сифатдир. Бойлик ёки мансаб илинжида илм ўрганиш гуноҳдир.

Ҳар даврнинг ўз тамойиллари мавжуд. Қадим Шарқ шеъриятида азалдан дўст ҳаққи ва дўстлик одоби ниҳоятда қадрланган. Ҳазрат Навоийнинг ҳам достонлари, ғазаллари ва насрий асарларида дўст тутиш, дўст олдидаги дўстлик масъулияти масалалари кенг ёритилган.Машҳур “Хазойин-ул маоний”да улуғ шоир шундай дейди:

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш –

яъни, инсон дунёга келган экан, бир-бири билан дўсту биродар бўлгани, дўстлик ришталарини боғлагани ва асрагани маъқул. Душманлик эса ҳеч кимга ҳеч қачон яхшилик олиб келмаган. Дўстлик шафоати ва садоқати жуда улуғ туйғу. Хусусан, “Ҳайрат-ул аброр”да дўстлик ва унинг шартлари, дўстликнинг инсон тақдиридаги ўрни ва қадри борасида алоҳида мақолат ва ҳикоят берилган.

Улуғ шоир ҳақиқий дўстликни умрнинг мазмуни деб билади. Унинг фикрича, дўст меҳри ва садоқати инсон қалбини ёруғ ва мунаввар қилади. Дўстлик шартларига амал қилмайдиган киши ўзидан ёруғлик таратмайдиган шам кабидур. Киши билан дўстликни ихтиёр этдими, унга вафодор бўлиши шарт. Дунёда дўсти йўқ инсон, дурга айланаолмай, қимматини йўқотган садафнинг қобиғидек бўлиб қолади. Жамиятда ҳам ўз ўрнини топа олмайди.Қарс икки қўлдан чиққанидек, ёлғиз ҳовучнинг овозини, яъни дарду қувончини ҳеч ким эшитмайди.

Ҳазрат Навоийнинг наздида чин дўстлик ҳам комиллик белгисидир.Шоир, “Айласалар икки тарафдин вафо, Етгай алар жониға онча сафо”, дейди.Ҳабиблик, биродарлик одобини улуғлайди, дўст зиммасидаги бурчларни ва ҳақларни сидқидилдан адо этмоққа даъват этади.

Улуғ шоирнинг оламшумул ижоди ва комиллик таълимоти мисли бир уммон. У “Ҳайрат-ул аброр” достонида ростгўйлик фазилати ва ёлғон гапиришнинг зарари ҳақида алоҳида тўхтаган. Ростгўйликни одамийлик ва инсонийликнинг гултожи сифатида мадҳ этади. Ёлғончилик ва козибликнинг охири ҳалокатли эканлигини таъкидлайди:

Ростдур улким назари тўғридур,
Ким илиги эгридур – ул ўғридур.
Бўлса илик эгрилик ичра самар,
Эл ани кесмакда туз этгай магар.
Кўзки эрур эгри анинг хилқати,
Бирни ики кўрмак эрур санъати –

яъни,назари тўғри бўлган одам ростгўй бўлади, қўли эгри киши – ўғридир. Қўл агар эгриликка одатланса, эл уни кесиб ҳам тузата олмайди. Ёлғончилик шоҳларни, вазирларни ҳам йўлдан уриши,адолатсизликка, уруш ва қирғинларга сабаб бўлиши мумкин. Шоирнинг олий нияти яхшилик, ростгўйлик, илм-маърифат билан халққа нафъ келтиришдир.У одамларни шу эзгуликка даъват этади:

Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзингга кўпракдурур.

Ҳазрат Навоий қурдирган “Ихлосия” мадрасаси, “Халосия” хонақоси, “Шифоия” деб аталадиган тиббиёт мадрасаси ва шифохонаси халқнинг хизматида бўлган, “Жамоатхона” ва “Зиёратгоҳ” хонақоҳларида ҳар куни мискин ва фақирларга овқат, хайр-эҳсон тарқатилган. Улуғ шоирнинг илмпарварлик ва инсонпарварликда ҳам ибрат бўлганлиги маълум. Мадрасаларда талабалар икки гуруҳга бўлиб ўқитилган, теран билим олишлари учун гуруҳда талабалар сони 11 нафардан ошмаган. Аъло ўқиган талаба ҳар ойда йигирма тўрт олтин танга маош олган.

Улуғ мутафаккир таълимотида илм инсон маънавиятининг асоси эканлиги ҳақидаги ғоя етакчи ўрин тутади.Илм инсонни ғафлатдан уйғотади, дунёқарашини бойитади, тафаккурини чархлайди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони
2. Навоий А. Хамса. Тошкент, 1947.
3. Алишер Навоий. “Хамса”, танқидий матн. Т. “ФАН”, 1960.
4. Алишер Навоий Асарлар “Мезон ул- авзон” 14-ж. 1967.
5. Алишер Навоий Сабъаи сайёр. Тошкент 1991.
6. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти.Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.

# ИЖОД ВА УНИНГ БОСҚИЧЛАРИ ХУСУСИДА

**Муҳаммаджонова Гўзалхон,**
**филология фанлари доктори, доцент**
**Ўзбекистон, Фарғона давлат университети**
**Тел: +99 891 677-30-86 e-mail**: muhammadjonovagozalxon@gmail.com

**Annotation**. The article describes the psychology of artistic creativity, its study in literary studies, the principles, stages and creative process of creativity. The author puts forward his literary-theoretical views on the stages of creation, and each stage is described.

**Key words:** psychology of creativity, stages of creativity, creative plan, creative thinking, inspiration, creative spirit, artistic skill.

**Аннотация.** Мақалада көркем шығармашылық психологиясы, оның әдебиеттанудағы зерттелуі, шығармашылықтың принциптері, кезеңдері мен шығармашылық процесі сипатталған. Шығармашылық кезеңдері туралы автор өзінің әдеби-теориялық ой-пікірлерін ортаға салып, әр кезеңге сипаттама береді.

**Негізгі сөздер:** шығармашылық психологиясы, шығармашылық кезеңдері, шығармашылық жоспар, шығармашылық ойлау, шабыт, шығармашылық рух, көркемдік шеберлік

.

Маълумки, “сўзловчи гап воситасида ўзгалар билан мулоқотга киришганидек, ёзувчи ҳам асари воситасида ўқувчи билан мулоқотга киришади. Мулоқотга киришаётган шахс эса, маълумки, ҳар доим уч мақсадни кўзлайди: 1) репрезентатив – тингловчи (ўқувчи)га муайян информацияни етказиш); 2) экспрессив – информацияга ўз муносабатини ифодалаш; 3) аппелятив – тингловчи(ўқувчи)га муайян таъсир ўтказиш”[1.69]. Яъни ижодкор ўз яратиқлари орқали нафақат информация етказиш, информацияда ўз субьектив қарашларини акс эттириш ва энг асосийси, китобхон тафаккури, эстетик англамларига таъсир этувчи муҳим куч эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Л.Выготский психолог ва муаллиф (сўз санъаткори)ни тавсифлашда шундай дейди: “Психолог энг яхши ҳолатда психологик таҳлилда қолади, у ўзи топган эстетик реакция қисмларини синтез қилишдан йироқ. Муаллиф эса психологияни синтез қилиши билан характерлидир. У ассоциатив, интеллектуал,

мотивацион, экспрессив факторларни топа олади ва уларни бир-бирига мантиқий изчилликда яхлит композицияга муайян ғоявий-бадиий ният асосида бирлаштира олади. Муаллиф инсонни кашф этиш йўлидаги тадқиқотини шундай якунлайди"[2.257]. Мазкур тавсифнинг ўзиёқ чин муаллифнинг кучли интеллект соҳиби, инсоншунос олим, характерли адабий-эстетик тафаккур соҳиби эканлигини эътироф этади, шунинг баробарида ижодкорга қўйилган муҳим ва улкан масъулиятни, талабни кўрсатади.

Ижодкор сўзининг русчадаги таржимаси (творец, творить) яратган маъносини ҳам беради. Назаримизда, Роббийга хос яратувчанлик, алоҳида бадиий олам яратиш иқтидори фақат ижодкоргагина берилган. Бу оламнинг ўз қонун-қоидалари, муаммолари, турли табиатли инсонлари бор. Бу ёзувчининг тасаввур оламидир. Гўё у Буюк Яратувчидан илҳом олиб, яна бир олам яратади. Бадиий ижод бўйича яхшигина тажрибага эга ёзувчи ва мунаққид Назар Эшонқулнинг мавзу доирасидаги адабий-эстетик қарашларида ҳам ижодни илоҳий неъмат ва илоҳий мўъжизакорлик билан боғлаш тенденцияси устуворлик қилади[3].

Ижодкорнинг ўзи яратган бадиий оламига аралашуви, симпатия, антипатиясини очиқ-ошкор билдириши асар қимматини пасайтиради. Г.Флобер тўғри таъкидлаганидек, "бу дунёда бирор сабаб билан юз бераётган нарсага аралашишга, ўзининг фикрини айтишга романистнинг ҳаққи йўқ. У ўз ижодида худога ўхшаши шарт, яъни яратсину жим турсин"[4]. Асардаги воқеалар ривожини холис кузатиш, қаҳрамонлар тақдири, уларнинг характерларини субъектив муносабатларсиз кўрсатиш ижодкорлик матлабининг муҳим талабларидан саналади. Мазкур фикрлар ўз-ўзидан муаллиф "мен"и ва бу борадаги мунозараларга олиб боради, яъни "муаллиф ўзини бермаслиги керак ("ўлиши шарт")".

Ижодга таърифлар ранг-баранг берилгани каби ижодий жараённинг бошланиш манбаси бўйича ҳам турлича қарашлар мавжуд. Рус ва ўзбек адабиётшунослигида бу борада бир қатор илмий-назарий қарашларни келтириш мумкин. Жумладан, ижод кўришдан[5.20], тасаввур, фантазиядан[6.17] ёки эътиқод, дунёқарашдан[7.59] ёхуд бошқа адабиётшунос ва танқидчилар таъкидлаганларидек, кузатишдан, имитациядан, хотирадан, тажриба ва эҳтимолки, дарддан бошланади.

Ижод жараёни ва босқичлари бўйича илмий жамоатчиликда турлича ёндашув ва қарашлар мавжуд. Ижодий тафаккур ва ижодкорлик "яратмоқ" аспектида барча фаолиятга тааллуқли жараён сифатида психологияда кенг ўрганилган. Хусусан, ижодий яратувчанлик босқичларини А.М.Блох уч босқичга ажратади: 1) ғоянинг пайдо бўлиши; 2) ғоя ва фантазиянинг уйғунлашуви; 3) фикрни ишлаб чиқиш. Ю.Левинсонда ҳам анъанавий уч босқич эътироф этилади: 1) кузатиш ва тажриба орқали фактларни йиғиш; 2) фантазия ва ғоя бирлиги; 3) фикрни текшириш ва ишлаб чиқиш. Энгелмейер ихтирочиларнинг иш жараёнини уч ҳаракатга ажратади: истак, билим, малака. Психолог П.М.Якобсон эса ихтирочининг ижодий жараёнини етти босқичга ажратади. Унинг 1-босқичи интеллектуал тайёргарлик босқичи эканлиги билан умумийлик касб этади. Қайси соҳа ва қандай йўналишда бўлса ҳам ижодкорлик бир неча босқичларда эътироф этилса-да, улар ўртасида муайян муштараклик кузатилади: Я.А.Пономаревнинг

таъкидлашича, булар 1) муаммодан хабардорлик; 2) унинг қарори; 3) текшириш. Бу жараён фактлардан гипотезага, тафаккурдан мавҳумиятга, маълумдан номаълумга, идрокдан ақлий ечимга томон талқин этилади. Алоҳида қисм ва фактларнинг муайян концепция асосида бир яхлитликка бирикиши аниқ тамойиллар асосида кечадиган жараёндир[8.148].

Адабиётшуносликда ҳам бадиий ижоднинг босқичлари бўйича, асосан, анъанавий учлик сақланганини кўриш мумкин. Жумладан, ҳар қандай бадиий иш жараёнини А.Фадеев шартли равишда уч даврга бўлади: 1) материал жамғариш даври; 2) асарни ўйлаб пиширмоқ даври; 3) уни ёзиш даври[9.115].

Ҳ.Умуров эса бадиий иш жараёнинининг икки босқичини эътироф этади: 1) ижодий режа (ҳомила)нинг пайдо бўлиши; 2) асар (бола)нинг туғилиши.

Бизнингча эса бадиий иш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Ижодий ниятнинг туғилиши.
2. Ижодий режа эскизи.
3. Ижод учун тайёргарлик босқичи:

а) материал йиғиш;
б) оламнинг бадиий идроки;
с) ижодий тафаккур.

4. Ижодий турки (катализатор)нинг юзага келиши
5. Ижод кечими.
6. Илҳом: а) мўътадил илҳом; б) завқу шавққа тўлган илҳом (Ҳ.Умуров) (вдохновение – аффект). Ижоднинг экстаз ҳолати.
7. Ижод тўлғоғи.
8. Асарнинг дунёга келиши – ижодий “бўшаниш” .

“Ёзувчи онгида маълум бир ҳаёт ҳодисасининг аломатлари тўпланиб қолади ва улар образда гавдаланиш учун фақат конкрет сабабга, конкрет шахс ёки вазиятнинг топилишига қараб қолади”[10.208]. Айнан шу сабаб, катализатор (эврика!!! — Ҳ.Умуров) топилгач, “ижодий портлаш” юзага келади. Ижодий тафаккур ва ижод жараёни ана шундай ички ва ташқи омилларга боғлиқ мураккаб руҳий-психологик, адабий-эстетик жараёндир. Ички омилларга ижодкорнинг руҳий-ҳиссий кечинмалари, дунёқараши, ҳайратланиши, хотира, умуман, таъсирланиш билан боғлиқ психологик ҳолатлари кирса, ташқи омилларга борлиқ, атроф-муҳитдан кўриш, сезиш, англаш орқали оладиган таассуроти, мотивацияси (ижодга ундовчи туртки) назарда тутилади. Ижодкор инсон онг остида йиғилган ҳаёт материаллари бадиий тафаккур натижасида ижод эҳтиёжи ва истеъдод билан уйғунлашади, бадиий воқеликларга айланиб, яхлит асар дунёга келади. Ижодий ҳосила илҳом онларида дунёга келса-да, унинг асоси (режа, ҳомила) баъзан йиллар давомида шаклланиб, ривожланиб боради.

Ижоднинг илк босқичи ижодий ният  ижодкор инсоннинг руҳий-ҳиссий эҳтиёжи сабаб ижод қилиш истагининг туғилишидир. Ижодий режа – бадиий асарнинг эскизи. Муаллифнинг ўз ғоявий-бадиий ниятини ифодалаш йўлида бадиий маҳсулот асос, макетининг тафаккурда яралиши. Тайёргарлик босқичи: ижодий режа асосидаги тайёргарликдан сўнг ижодий туртки сабаб ижоднинг мўътадил бошланиш босқичидир, яъни ижодга кириш босқичи.  У а) материал йиғиш; б) оламнинг бадиий идроки; с) ижодий тафаккур каби босқичлардан иборат.

Ижодий туртки – катализаторнинг юзага келиши йиғилган ижодий материаллар синтези ва ташқи муҳитдаги тасодифий ҳодисотлардан бирининг ижодий тасаввурга кескин таъсир этиши. Ижоднинг кечими – ижодий ният асосида, ижодий режа ва ижодий туртки сабаб бадиий маҳсулотнинг систем бутунлик сифатида намоён бўла бошлаши.

Илҳом – арабча, руҳлантирмоқ маъносини билдириб, санъаткор руҳиятидаги ижодий-руҳий ҳолат, ижодий фаолиятнинг завқ билан, кўнгилли ва енгил кечишидаги кайфият. Ижодий-руҳий фаолиятнинг муайян босқичи, ақлий ва ҳиссий мушоҳада тезлиги. Илҳомни адабиётшунослар томонидан икки тури тавсифланади: мўътадил илҳом, завқ-шавққа тўлган илҳом. Иккинчисисиз, ижод қилиш мумкин, аммо мўътадил илҳомсиз ижод бўлмайди. Шу маънода биз завқ-шавққа тўлган илҳомнинг юқори босқичини ижоднинг экстаз ҳолати деб тавсифлаганмиз. Бунда ижодкор бу оламдан бутунлай узилиб, руҳий-ҳиссий, ақлий, жисмоний жиҳатдан энг юқори босқичда ижодга ўзини бағишлайди. Ижод тўлғоғи эса асарнинг муайян қисми якунланиб, яхлит асар сифатида композицион уйғунлик ҳосил қилиш жараёнидир. Маълумки, бу жараён ҳам ижодкордан катта масъулият ва куч талаб этади. Асарнинг дунёга келиши – ижодий "бўшаниш" – бадиий маҳсулотнинг китобхон эътиборига тугал систем бутунлик, бадиий мулоқот шакли сифатида тақдим этилиши. Асарнинг муаллифдан "узилиши"дир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ижод жараёни мураккаб руҳий-психологик, психофизиологик жараён бўлиб, у ижодкор инсоннинг ақлий-ҳиссий, адабий-эстетик тафаккури маҳсулидир. У бир неча босқичлардан иборат бўлиб, ҳар бир босқичда муаллиф интеллекти юксалиб, янги адабий ҳодисанинг кашфи сари боради.

**Адабиётлар:**

1. Куронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Т.: Sharq. 2004.
2. Выготский Л. Психология искусства, – М., 1968.
3. Назар Эшонкул. Мендан "мен"гача. – Т.: "Akademnashr", 2014.
4. Абдулла Қаҳҳор. Ҳаёт ҳодисасидан бадиий тўқимага. Адабиётимизнинг биографияси. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги адаб. ва санъат нашр. 1973.
5. Муҳаммаджонова Г. Мустақиллик даври ўзбек насрида ижодкор инсон концепцияси. Фарғона, "Classic" 2022.
6. Mukhammadjonova Guzalkhan. The image of a creative person in the poetry of Erkin Vohidov. ACADEMICIA:An International Multidisciplinary Research Journal.Volume:10,Issue:11,11. r.-India, 2020.

# АБАЙ ҚЎНОНБОЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЙ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

**Маҳмудов Жасурбек Хусинович,**
**филология фанлари доктори, доцент**
**Ўзбекистон Миллий университети**

Кўпчиликка маълумки, Абай Қўнонбоевнинг асл исми Иброҳим (яъни Раҳмдил ота) бўлган, тахаллуси Абай эса қозоқчадан "эътиборли, эҳтиёткор, диққатли" маъноларини берадики, буни унга бувиси Зере она қўйган ва бутун умри давомида унга ҳамроҳ бўлган исмлардандир. Ўзбек тилида "авайламоқ", "авайланмоқ" сингари сўзлар мавжудки, Абай исмида ҳам айнан шу мазмун яширинган ва бизнингча Абай ўз халқи қизиқишлари, адабиёти ва маданиятини эҳтиёткорлик билан авайлаб, кейинги авлодга етказган буюк оқин, ёзувчи, давлат арбоби, адабиёт ва санъатни янги даврини бошлаб берган қозоқ шоиридир.

Дастлаб шуни таъкидламоқчи эдимки, Иброҳим (яъни Абай) Қўнонбоев ҳақиқий инсон қандай бўлмоғи керак, деган тушунчани ўз ҳаёти орқали ўрнак сифатида кўрсатиб берган, яъни Абайнинг қарашича, маънавий жиҳатдан етук инсон бу жамиятга, теварак атрофга, ўраб турган оламга, халққа, бутун башариятга ва умуман дунёга фойда келтирадиган яхшилик яратувчи (оддийгина қилувчи эмас) кишигина "ҳақиқий инсон" саналади. Олимларнинг таъкидлашича, оқиннинг дунёқараши шаклланишида Шарқнинг машҳур адиблари, жумладан Фирдавсий, Низомий, Фузулий, Ибн Сино, Навоий каби буюк даҳоларнинг, шунингдек рус классик адабиётининг ва шулар қаторида европа адабиётининг ўрни катта бўлган. Бизнингча эса, улуғ оқиннинг бу юксак даражасига аввало у ўсиб улғайган оила, ота боболарининг ўқимишли инсонлар бўлгани, айниқса рус адибларининг таъсири катта эди. Буни биз Абай услубидан ҳам англай оламиз. Унинг ёзганлари худди адабиёт концепсиясини оддий халққа тушунтиргани кабидир. Яъни, "Нақлия сўзлари" худди адабиётдаги маълум моддаларга кўра тузилган, оддий халққа тушунарли бўлиши учун мисоллар билан кўрсатилган концепсиядир. Оддий халқнинг манфаатини кўзлаган бу каби концепсиялар эса ўша даврдаги классик адибларнинг, рус интернационалистларининг қарашларида мужассамлашган эди.

Мисол тариқасида Ўзбек адабиёти дарсликларининг 6-синф дарслигидаги маълумотлар ва асаридан парчаларини келтириш билан исботламоқчимиз (қисқартириб берилди) АБАЙ (1845-1904): Абай Қўнонбоев қозоқ мумтоз адабиётининг асосчиларидан бири, буюк шоир ва маърифатпарвар ҳисобланади. Шоирнинг асл исми Иброҳим бўлиб, Абай унинг тахаллусидир. Шоир 1845-йил 10-августда Қозоғистоннинг Еттисув вилояти Чингизтоғ (ҳозирги Абай) туманида чорвадор бой оиласида туғилди. Аввал Еттисувдаги Аҳмад Ризо мадрасасида ўқиди. Кейинчалик мс мактабига қатнаб рус тили ва адабиётини ўрганди. Бўлажак шоир бир томондан Шарқ алломалари - Фирдавсий. Низомий, Навоий, Фузулий ижодидан баҳраманд бўлган бўлса, рус тили орқали рус ва ғарб адабиёти вакилларининг ижоди билан яқиндан танишди. Шоирнинг ижоди ёшлик чоғларидан шеър ёзиш ва ўлан айтишдан бошланди. Абай ўзигача оғзаки куйлаб келинган ўланларни ёзма адабиётга олиб кирган шоирдир. Шоир ўланлари ёзма яратишдан ташқари уларга куй басталаб, маҳорат билан куйлаган. У басталаган 17 та ўлан куйи ҳозиргача оқинлар томонидан севиб ижро этиляпти. Абай маърифатпарвар шоир эди. У ўз шеърларида тарқоқ қозоқ қабилаларини бирлашишга ҳамжиҳатликка чақирди, илмли ва маърифатли бўлишга ундади. Абайнинг «Шўрлик қозоғим». «Бой боласи билан камбағал боласи», «Илм ўрган», «Ўлан» каби шеърларида ҳам илғор миллатлардан ўрнак олиб қолоқликдан чиқиш, чидам ва машаққат билан илм-фанни эгаллашга даъват яққол сезилиб туради. Шоир йирик воқеабанд асарлар ҳам яратган. Унинг «Искандар». «Масъуд», «Азим ривояти» каби достонлари ҳозиргача эл орасида машҳур. Бу теран фалсафийлик билан йўғрилган, эзгулик ва яхшиликка даъват қилувчи асарлари севимли шоирларимиз Миртемир ва Уйғун ўзбек тилига таржима қилишган. Абай ижодий меросининг салмоқли қисмини халқни илм-маърифатга, маданиятга даъват қилувчи «Нақлия сўзлар» мажмуаси ташкил этади. Ҳассос адиб ва шоир ушбу асарида инсон ҳаётида муҳим ўрин тутадиган ақл, илм-зиё, инсоф ва адолат, яхши хулқ, муомала маданияти, дин, эътиқод,

давлатни идора қилиш, халқлар, элатларнинг аҳил, дўстона муносабатда бўлишлари ҳақида мулоҳаза юритади. Асар 44 бўлимдан иборат. Буюк оқин Абай қаламига мансуб ушбу «сўз»ларнинг ҳар бири ёшлар учун эзгуликка даъват, ёмон хулқлардан огоҳ бўлишга чорловчи чақириқлар сифатида янграйди. «Нақлия сўзлар» асари ўзбек тилида «Насиҳатлар» номи билан машҳур бўлиб кетган. Бу асарни севимли болалар ёзувчиси Носир Фозилов ўзбекчага таржима қилган. Қуйида «Насиҳатлар» китобидан айрим ўгитлар билан танишасиз. Қадрли болажонлар, ушбу панднома асарни тўлиқ ўқиб чиқинг. Ундаги кони фойда насиҳатлар сизга абадий йўлдош бўлишига аминмиз[91](1).

«НАСИҲАТЛАР» КИТОБИДАН УЧИНЧИ СЎЗ

...Бунга дунёда ўтган барча донишмандлар шундай жавоб қилади: ҳар қандай ялқов киши - қўрқоқ ва ғайратсиз бўлади; ҳар қандай ғайратсиз, қўрқоқ киши - мақтанчоқ бўлади; ҳар қандай мақтанчоқ. қўрқоқ киши - ақлсиз, нодон бўлади; ҳар қандай ақлсиз, нодон киши - орсиз бўлади; ҳар қандай орсиз киши - ялқов, киши олдида тиланчи, оч- кўз, суқ бўлади; бундай ҳунарсиз кишилар ҳеч қачон бировга дўст бўлмайди.

ЎН ЕТТИНЧИ СЎЗ: Бир куни Ғайрат, Ақл, Юрак учаласи ҳар қайсиси ўз ҳунарини мақтаб, айтишиб, тортишиб қолишибди-ю, Илмнинг олдига келиб, ундан ҳакамлик қилишни сўрашибди. Шунда биринчи бўлиб Ғайрат сўзлабди: - Эй Илм, - дебди у, - ахир ўзинг биласан, дунёда ҳеч бир нарса йўқки, у менинг иштирокимсиз камол топсин. Аввало, мана, сенинг ўзингни олайлик: билиш ҳам, эринмай, сабот ва матонат билан излаб, ўрганиб, яна уни ўз ўрнида ишлатиш ҳам - менинг ишим. Ҳар куни ўз вақтида тоат- ибодатни канда қилмай ўмига қўйиш ҳам - менинг ишим. Ўзингга маълумки, дунёда ҳар ким ўзига лойиқ хунар ўрганиши, мол топиши, обрў қозониши, мансаб эгаллаши керак - буларнинг ҳаммаси бемеҳнат бунёдга келмайди. Ўринсиз, бўлар-бўлмас ишларга кўнгил қўйдирмай, инсонни соф сақлайдиган, уни гуноҳкорликдан, жоҳилликдан, шайтоннинг гапига кириб, нафс балосига гирифтор бўлишликдан сақлайдиган, адашган бандаларни тўғри йўлга солиб юборадиган ҳам - мен эмасми, ахир? Шундай бўлгандан кейин, Ақл билан Юрак нега мен билан масала талашади? - дебди.

Шунда Ақл айтибди: - Ҳа бу дунёда нимаики фойдали, нимаики зарарли бўлса - биладиган бир менман. Сенинг сўзингни уқадиган ҳам мен. Менсиз инсон на ўз фойдасини билади ва на ўз зараридан қочиб қутула олади. Ҳатто менсиз илмни ҳам ўқиб ўргана олмайди. Шундай бўлгандан сўнг, бу иккаласи мен билан нега ғижиллашади? Мен бўлмасам, бу иккаласининг қўлидан нима иш келади? - дебди.

Ниҳоят, Юракка навбат келибди ва у шундай дебди: - Мен инсон танасининг подшосиман, қон мендан тарайди, жон менда макон қуради, менсиз ҳаёт йўқ, — дебди у. - Иссиқ уйда, юмшоқ тўшакда ётган тўқ бир одамни: оч-яланғоч. тўшаксиз совқотиб юрган камбағални ҳоли нима кечди экан, деб ўйлантириб, уни у ёнидан бу ёнига ағанатадиган, уйқусини қочириб, жонини ачитадиган ҳам - менман. Катталарга нисбатан ҳурмат-иззат, кичикларга нисбатан меҳр-шафқат қилдирадиган ҳам менман. Бироқ инсон мени ҳамма вақт ҳам соф сақлай

[91] Ahmedov, Sunnat. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik-majmua. II qism. Qayta ishlangan 4-nashri./ R.Qo'chqorov, Sh.Rizayev. –T.: "MA'NAVIYAT" 2017. – B.69-70.

олмайди. Охир бир куни хор қилади. Агар мен тоза бўлсам, инсон боласини олаламаган бўлур эдим: яхшисини яхшиликка етказадиган ҳам - мен, ёмонининг таъзирини берадиган ҳам - мен. Адолат, инсоф, ор-номус, раҳм-шафқат, меҳрибончилик каби нарсаларнинг ҳаммаси мендан чиқади. Менсиз буларнинг кўрган куни - кунми? Шундай бўлгандан кейин, бу иккаласи мен билан яна қандай қилиб масала талашишади? - дебди.

Шунда Илм учаласининг бафуржа тинглаб олиб, учаласига шундай дебди: Эй Ғайрат, сенинг айтган гапларингнинг ҳаммаси тўғри. Ҳатто у айтганларингдан бошқа ҳунарларингнинг борлиги ҳам рост, шунингдек. уламинг сенсиз ҳеч эканлиги ҳам тўғри. Аммо шу билан бирга, куч- қувватингга яраша қаттиқчилигинг ҳам бор. Кўпгина фойданг билан бирга зараринг ҳам йўқ эмас. Баъзан яхшиликка, баъзан эса ёмонликка маҳкам ёпишиб оласан - мана шунинг ёмон!

Сўнг Ақлга айтибди: - Эй Ақл! Сенинг айтган гапларинг ҳам - ҳаммаси тўғри. Сенинг иштирокингсиз ҳеч нарсанинг бўлмаслиги ҳам рост. Яратган Тангри таолони ҳам сен танитасан, мавжуд ҳар икки дунёнинг кори-ҳолини ҳам сен биласан. Бундан ташқари ҳам сенинг қўлингдан кўп нарсалар келади: турли амал, ҳийла-найрангларинг бари сендан чиқади: яхшининг ҳам, ёмоннинг ҳам таянгани - сенсан. Сен иккаласига ҳам бирдек хизмат қиласан. истаганини топиб берасан - мана шу одатинг ёмон! - деб сўзини давом эттирибди Илм. Энди мен учалангнинг бошингни қўшиб, иттифоқларингни келиштириб қўйишим керак. Бу ишда йўл-йўриқ кўрсатадиган бошлиқ Юрак бўлса яхши бўлади. Чунки, Ақл, сенинг ножўя томонларинг кўп. шу сабабдан Юрак сен етаклаган томонга қараб юравермайди: яхши йўлга бошласанг - жон-дилидан юради, ҳатто хурсанд ҳам бўлади; ёмон йўлга бошласанг - сендан жирканади, айтганингга юрмайди, балки кўкракдан ҳайдаб чиқаради. Сўнгра Илм яна Ғайратга айтибди: -Эй Ғайрат! Сенинг ҳам куч-кувватинг жуда кўп. Лекин Юрак бош бўлса сени ҳам ўз эркингга қўймайди. Уни фақат ўринли ишларгагина сафарбар қилади. Ўринсиз нарсаларга-чи - қўл урдирмайди. Менинг гапимга кириб, учовлон бирга бош қўшинглар, тинч-тотув яшанглар ва бамаслаҳат иш кўринглар! - деб маслаҳат берибди Илм. Агар учалангиздаги хусусиятлар бирикиб, бир одам бўлсаларингиз - у ҳолда сизнинг босган изингизни табаррук қилиб кўзга суртса бўлади. Борди-ю, учовингиз ола бўлсангиз, бир келишимга келиша олмасангиз - у ҳолда мен фақат Юракнинг тарафинигина ёқлайман. Чунки китобларда: одамгарчилик кишининг қалбида бўлади, қалбингни пок сақла, дейилган...[92]”.(1)

Абайнинг бу хулосалари (яъни юрак – кўнгилни ёнини олиб, унинг тарафида бўлиши) худди Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони бошланишида шоирнинг кўнгилни юқори мақомда тутишига мосдир:

Эй сипосинг демакда эл тили лол,
Элга тил сендин ўлди, тилга мақол.
Сендин инсонға тору пуду жасад,
Жасад ичра кўнгул кўнгулда хирад...[93]

---

[92] Ahmedov, Sunnat. Adabiyot. Umumiy o’rta ta’lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik-majmua. II qism. Qayta ishlangan 4-nashri./ R.Qo’chqorov, Sh.Rizayev. –T.: “MA’NAVIYAT” 2017. – B. 72-74.

[93] Алишер Навоий. Сабъаи сайёр: (Насрий баён билан)//Таҳрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошқ: Масъул муҳаррир Б.Ҳасанов / – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1991. – Б. 9.

(Эй Худо, сенинг алқашга элнинг тили лолдир, аслида эса элга тилни Сен ато қилгансан, тилга эса сўзлашни. Сендан инсонга гавда, жасад берилган, жасад ичида эса қалб, қалбнинг ичида эса ақл) (2)

Бизнинча, бу байтларда ТИЛ – Ғайрат (унки тил жуда ғайратли), Мақол – ИЛМ (фикрлаш орқали ҳосил бўлади), Хирад – АҚЛ ва Кўнгул - Юрак тимсолларидир). Бундан хулоса қилиб айтиш мумкин, ки АҚЛ кўнгулнинг ичида бўлади, кўнгулда сайқалланган фикрлар, яъни мақол, сўзлар тилга чиқади, барчасини элакдан ўтказувчи бу КЎНГУЛдир.

Хулоса қилиб айтганда, Абай Қўнонбоев Навоий каби улуғ даҳоларнинг халққа қийин тушуниладиган байтларини оддий усулда тушунтира олган буюк сўз санъаткоридир. Аниқроғи, Абай Қўнонбоев ўзининг ёрқин қарашлари билан ўтган аждодлар сўзларини келажак авлод учун осон усулда шарҳлаб берган файласуфдир. Қайсидир маънода унинг некбин, нозикбин файласуфлиги асл исми билан боғлиқ, деган фикрдамиз. Чунки, Иброҳим а.с. ўз замонида Худони изловни, аниқроғи Ҳақиқатни изловчи бир файласуф, пайғамбарлар отаси сифатида намоён бўлган улуғ зот эдилар. Абай, яъни Иброҳим Қўнонбоев ҳам айни шу мақомдаги улуғ сўз санъткори бўлишидан ташқари, файласуф, бастакор, давлат арбоби сифатида ёрқин из қолдирган шахс сифатида гавдаланади. Истаймизки, шундай Иброҳимлар янада кўпайсин, бунинг учун эса халқларимиз ўз фарзандларига мана шундай улуғвор исмларни қўйишлари даркор ва уларни авайлаб тарбиялашлари лозимдир.

**Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар:**

1. Ahmedov, Sunnat. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik-majmua. II qism. Qayta ishlangan 4-nashri./ R.Qo'chqorov, Sh.Rizayev. –T.: "MA'NAVIYAT" 2017.–160 b.
2. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр: (Насрий баён билан)//Таҳрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошқ: Масъул муҳаррир Б.Ҳасанов / –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1991.
3. Носириддин Бурҳониддин ўғли Рабғузий. Қисаси Рабғузий./ нашрга тайёрловчи Эргаш Фозилов. –Т.: Маънавият. 1992. – 260 б.
4. Абай Қўнонбоев. Танланган асарлар/ Тўпловчи Носир Фозилов. -Т.: Ўзадабийнашр, 1961.
5. Абай ўланлари. Қозоқчадан таржима. / –Т.: Ўздавнашр, 1945. – Б. 5-8.

# КАТЕГОРИЯ ТУШУНЧАСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

**Турдибоев Тоҳир Ҳасанович**
**Тожикистон Республикаси, "Академик Бобожон Ғафуров номидаги Хужанд давлат университети" ДТМ**
**Филология фанлари номзоди, доцент**
**Тел. +992 (92)723-13-15**

**Аннотация.** Категория тушунчасининг мазмун моҳияти, шахс категориясининг мазмуний хусусияти субъектнинг коммуникатив ролидан иборат эканлиги, субъектнинг коммуникатив роли унинг мазмуни (лексик хусусияти) билан узвий боғлиқлиги ва шахс категорияси тизимини тадқиқ қилишда субъектни ҳам, объектнинг эътиборга олиш кераклиги ва шахс категорияси системаси (тизими)нинг қандай тузилганлигини аниқлашда

грамматик категория шаклларининг мазмун жиҳатдан алоқа-муносабатини белгилаш билан узвий боғлиқ масалалар тўғрисида фикр юритилади.
**Калит сўзлар:** категория, грамматик маъно, грамматик шакл, шакл типи, умумий маъно, хусусий маъно, замон, шахс-сон, субъект, объект.
**Аннотация.** Категория ұғымының мазмұндық мәні, тұлға категориясының мазмұндық сипаттамасы субъектінің коммуникативті рөлінен тұрады, субъектінің коммуникативті рөлі оның мазмұнымен (лексикалық ерекшеліктерімен) ажырамас байланыста болады, сонымен қатар, оның мазмұнымен (лексикалық ерекшеліктермен) тығыз байланыста болады, сонымен қатар, тұлға категориясының мазмұндық сипаты субъектінің қатысымдық рөлінен тұрады. тұлға категориясы жүйесін зерттегенде субъект пен объект және тұлға категориясы жүйесі қалай құрылымдалған.Анықтауда грамматикалық категория формаларының байланысын мазмұндық тұрғыдан анықтауға қатысты мәселелер талқыланады.
**Негізгі сөздер:** категория, грамматикалық мағына, грамматикалық форма, форма түрі, жалпы мағына, арнайы мағына, уақыт, тұлға, субъект, объект.
**Annotation**. The essence of the category concept, the fact that the substantive feature of the person category consists of the subject's communicative role, the subject's communicative role is inextricably linked with its content (lexical feature), and when researching the person category system, both the subject and the object should be taken into account, and how the person category system is structured. in determining, the issues related to the determination of the relationship between the forms of the grammatical category in terms of content are discussed.
**Key words:** category, grammatical meaning, grammatical form, form type, general meaning, specific meaning, tense, person-number, subject, object.

Маълумки, грамматика нафақат сўз ҳақидаги таълимот, балки сўзнинг грамматик томонини ҳам текширувчи соҳа ҳисобланади.

Сўз тилнинг мустақилликка эга бўлган, айрим маъно ва эмоциялар билдирадиган, фонетик ва грамматик жиҳатдан шаклланган, тугалликка эга бўлган бирлигидир. Демак, сўз маъно ва шаклланиш жиҳатидан яхлитликка, махсусликка эга: у семантик ва фонетик, грамматик бутунликдир [3, Б.60].

Лексик ва грамматик маъно, грамматик шакл ҳодисалари, уларнинг ўзаро муносабати грамматик жараёнларнинг турли кўринишларида сезилиб туради; сўзнинг грамматик маъносининг грамматик шаклга қараб аниқланади.

Грамматик маъно билан унинг формал ифодаси биргаликда бир бутунлик ҳосил қилувчи, бири бошқасисиз мавжуд бўлмайдиган, ажралмайдиган, ажралмас ҳодисалар бўлиб, уларнинг бирлиги грамматик категорияни ташкил қилади [3, Б.62]. Грамматик категория сўзга хос бўлган, умумлашган характердаги - умумий маънолар бўлиб, грамматик маъно бу умумий маъноларни хусусий кўринишидир (умумий: замон категорияси - хусусий: ҳозирги замоннинг маъноси каби).

Грамматик категориялар бевосита морфологияга хос бўлган - сўз туркумлари, сон, келишик, замон каби ҳодисаларни (морфологик категорияларни), шунингдек, синтагма, эга, кесим, тўлдирувчи каби ҳодисаларни (синтактик категорияларни) ҳам ўз ичига олади. Лекин бу

ҳодисалар (масалан, сўз туркуми билан гап бўлаги, сўз формаларининг, синтактик формаларнинг, сўзларнинг бириктиришдаги вазифаси) бир бири билан шу қадар боғлиқки, бу ҳол грамматик категорияларни морфологик категориялар ва синтактик категориялар деган номлар билан ажратишнинг жуда ҳам шартли эканини кўрсатади [3, Б.63].

Маълумки, ҳар бир сўз туркумининг ўз грамматик категориялари мавжуд. Масалан, *отда сон, эгалик, келишик бўлса, феъл сўз туркумида даража, майл, замон, шахс сон категорияси.* Демак, грамматик категория - тил бирликларининг умумий хусусиятларидан бири. Бу умумийликнинг ўзи ҳам нисбий характер касб этади. Масалан, *сўзларнинг от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш сингари луғавий-грамматик гуруҳлар уларнинг ҳар бири ҳам, улар тизимининг айримларига хос хос, шахс, сон, нисбат, замон каби ҳодисалари ҳам грамматик категориядир*.

Бундан шу нарса аниқ бўладики, грамматик категория тушунчаси кенг ва тор маъноларга эга бўлиб, сўз туркумларининг ҳар бирига нисбатан ҳам (кенг маънода), уларнинг айримларига хос сон ***(дафтар - дафтарлар),*** келишик ***(дафтар, дафтарни, дафтарнинг...)***, нисбат ***(ўқиди, ўқидик, ўқишди),*** шахс-сон ***(ёздим, ёздик; ёздинг, ёздингиз...)*** (тор маънода) каби сўз ўзгариши тизимига оид ҳодисаларга нисбатан ҳам ишлатилаверади.

Тилшунос олим Ғ.Зикриллаевнинг таъкидлашича, қўлланиш доирасига кўра, грамматик категориялар классификацияловчи, функционал-синтактик, классификацияловчи-синтактик ва нейтрал бўлади. Иккинчи турга кирувчи категориялар қайси сўз туркумидан фойдаланишидан қатъи назар, гапнинг маълум бир бўлаги вазифасини бажариш учун хосланган бўлади[2, Б.8]. Олим грамматик категория ҳақидаги фикрини давом эттириб, шундай ёзади: "...грамматик категория системаси ҳамма тилда бир хил тузилган бўлмайди. Шунинг учун унга бериладиган таърифда тилнинг грамматик қуриилиш ҳисобга олиниши лозим" [2, Б.18].

Грамматик категориялар бевосита морфологияга оид бўлиб, у сўз туркумлари ва улардаги тор маънодаги - хусусий маъноларни-грамматик категорияларни ўз ичига олади. Бунда маълум бир сўз умумий лексик маъносига қўшимча маъно ифодаловчи шаклда бўлиши мумкин. Масалан, китоб - сўзининг умумий лексик маъноси предметлик, ўқув қуроли. ***Китоб // китобим // китобинг; китобни //китобга // китобда ...*** Лекин бу маъно ва шакл бошқа бирор маъно ва шакл билан муносабатда бўлмаса (у билан бирлик ҳосил қилмаса), у ҳолда грамматик категория ҳақида гапириб бўлмайди. Масалан, -***ники*** қўшимчаси от сўз туркумига оид сўзларга қўшилади, лекин янги сўз ясамайди, балки хослик (тегишлилик) маъносини ифодаловчи шакл ясайди: [3,Б.63] Масалан, ***ўзимники, укамники, маҳалланики***.

Демак, бунда хослик маъноси ва шу маънони ифодаловчи шакл бутунлиги бор. Лекин шу маъно ва шаклга қарама-қарши қўйилиб, у билан маълум бирликни ҳосил қиладиган бошқа бирор маъно ва шакл йўқ. Шунга кўра отнинг **-ники** қўшимчаси ёрдамида ясалувчи хослик ифодалайдиган шакли бўлса ҳам, лекин отлар хослик категориясига эга деб бўлмайди.

Шу ўринда етук тилшунос олим, профессор А.Бердиалиевнинг грамматик категориянинг хусусиятларига доир фикрини келтириш мақсадга мувофиқдир: "Категория" атамаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода бу атама

тил фанининг грамматик (морфологик) хусусиятга эга бўлмаган ҳодисалар ёки грамматик категория ичидаги қисмлар учун ҳам ишлатилади. Масалан, кўплик категорияси, шахс категорияси, предметлик категорияси, предикативлик категорияси. Тор маънода қисм (аъзо)ларнинг ўзаро зидланиши асосида ташкил бўлувчи гуруҳларга нисбатан ишлатилганда, у грамматикага дахлдор бўлади ва “грамматик категория” мақомини касб этади; грамматик категория таркибига кирувчи қисм-аъзоларга нисбатан “категория” атамаси ишлатилмайди. Масалан, отлардаги келишик (ҳодисаси) категорияси *бош, қаратқич, тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишикларини* ўз ичига олган, шу қисм-аъзоларнинг ўзаро тақоза этиш ва зидланиш муносабатларидан ташкил топган бир бутун грамматик гуруҳдир[1,Б.18].

Демак, ана шу умумий гуруҳга нисбатан грамматик категория атамасини ишлатиш тўғри бўлади: *келишик категорияси, эгалик категорияси ёки замон категорияси, шахс-сон категорияси* каби. Бироқ *тушум келишиги категорияси, жўналиш категорияси, чиқиш келишиги категорияси* деб келишиклар парадигмасининг бир узвий-аъзосига нисбатан “категория” атамасини қўллаш нотўғридир. Шнингдек, бу атамани нисбат ёхуд замон категорияси парадигмаси аъзоларидан бирига нисбатан *мажҳул нисбат категорияси, ўтган замон категорияси* каби ишлатиш назарий жиҳатдан тўғри бўлмайди.

А.Бердиалиевнинг уқтиришича, грамматик категория тушунчаси сўз (лексема)ларнинг грамматик маъноси ва уларни ифодаловчи шаклий лисоний унсурлар тизимига таянади. Шу боис ҳам грамматик категория тил илмида грамматик маъно ва уларни ифодаловчи грамматик воситалар мажмуаси сифатида тавсифланади. Грамматик категория бир умумий грамматик маънога эга сўзшакллар (грамматик шакл -Т.Т.) гуруҳини ўз ичига олади[1,Б.20].

Грамматик категорияга ўзбек тили нуқтаи назаридан бериладиган таърифда тилимизнинг агглютинатив хусусияти акс этиши керак. Грамматик категория икки ёки ундан ортиқ грамматик шакл тизими орқали турли даража ва кўринишда ифодаланувчи умумлашган маънолардир. Бошқача қилиб айтганда, грамматик категория умумлашган маъно бўлиб, икки ва ундан ортиқ грамматик шакл тизими орқали турли даража ва кўринишда ифодаланади.

“Ўзбек тили грамматикаси” (Тошкент: Фан, 1975 )да грамматик категорияга шундай таъриф берилган: “Бир-бирига қиёсан олинадиган (оппозиция ҳосил қиладиган) икки ёки ундан ортиқ грамматик маъно билан шу маъноларни ифодаловчи формалар биргаликда грамматик категорияни ҳосил қилади (231-бет)”

Академик А.Ҳ.Ҳожиев грамматик категорияларни, жумладан шахс-сон категориясини тасвирий методга асосланиб таҳлил қилиб, ўзбек тилида грамматик маъноларнинг оппозитив характерда бўлиши ҳақида фикр билдирган бўлса, [5,Б.21] профессор А.Бердиалиев грамматик категориядаги зидлик муносабатларига ўз қарашларини қуйидагича ифода этади: “Грамматик категория асосан сўз ўзгариши тизимига тегишли мантиқий-лисоний тушунчадир. Сўз ўзгариши тизимида луғавий-маъновий грамматик гуруҳларга (сўз туркумларига) тегишли сўз шакллари ва уларга зид муқобил аъзоларнинг бўлиши шарт. Муайян грамматик гуруҳга қарашли ўзаро зид муносабатли муқобил аъзолари бири бошқасини тақоза этмоғи, албатта, шарт ва зарур.

Муқобил аъзолараро зидлик муносабати бӯлмас экан, грамматик категория ҳақида гап бӯлиши мумкин эмас. Муқобил аъзолар муносабатидаги грамматик зидликка оппозиция дейилади” [1,Б.20].

Шахс категорияси юзасидан билдирилган фикрларга келсак, айрим ишларда шахс-сон категориясига аниқ таъриф берилмайди, унинг категориал моҳияти баён қилинади, холос. Чунончи, “Ӯзбек тили” дарслигида “Грамматик шахс иш-ҳаракатнинг бажарувчисини кӯрсатади. Грамматик шахс грамматик сон (бирлик ёки кӯплик) билан биргаликда ифодаланади”, деб ёзилса, “Ҳозирги замон ӯзбек тили”да “Шахс категорияси сӯзловчига муносабатни билдиради: ҳаракатнинг ва уни бажарувчи шахснинг - субъектнинг сӯзловчига муносабати ифодаланади. Шахс категорияси, шубҳасиз, сон категорияси билан боғлиқ. Ҳаракатнинг бир ёки бир неча шахс томонидан бажарилишига қараб ҳар бир шахс бирлик ва кӯплик формаларига эга. Шахс категорияси билан кесим орасидаги муносабатни ифодалаш учун ҳам хизмат қилади: сӯзловчининг шахсга муносабати эгага муносабатни кӯрсатишдир”, деб сон категориясининг мазмуний хусусияти, шахс категориясининг ундан ташқари яна синтактик хусусияти ҳам аниқ белгиланади [2, Б.17-18].

Субъект мазмунан шахс кӯрсатадиган ва шахс кӯсатмайдиган субъектга бӯлинади. Биринчи ҳолда инсон, иккинчи ҳолда эса инсондан бошқа ҳамма мажудот назарда тутилади. Шахс кӯрсатадиган субъектнинг коммуникатив роли учта, шахс кӯрсатмайдиган субъектники битта. Аниқроқ қилиб айтганда, инсон нутқ актида сӯзловчи (келдим), тингловчи (келдинг), ӯзга (келди) вазифасида келади. Унинг *I, II* ва *III шахс* деб аталиши ана шу вазифага асосандир. Инсондан бошқа мавжудот эса фақат III шахс, яъни нутқ актининг объекти бӯлиб кела олади. Бинобарин, шахс категориясининг мазмуний хусусияти учта коммуникатив белгидан ташкил топган. Бу белгиларнинг ҳар қайсиниси ифодалаш учун хосланган шакллар парадигмаси (қатори) мавжуд бӯлиб, улар *I, II* ва *III шахс формалари* деб аталади. Бу қӯшимчаларни шахс қӯшимчалари деб аташ анъанага айланган. Улар айни пайтда ҳурматни англатиш учун ҳам хизмат қилади.

Тилшунос олим Ғ.Зикриллаев мазкур масала билан боғлиқ А.Н.Кононовнинг фикрини келтиради: контекстда субъект морфологик йӯл билан ифодаланганда шахс формаси, аниқроғи шахс қӯшимчаси ҳам предикатни, ҳам субъектни билдиради”. Шунга кӯра бундай ҳолда синтактик жиҳатдан субъект-предикат (эга-кесим) алоқаси намоён бӯлмайди. Субъектнинг бундай тарзда (имплицит равишда) ифодаланиши гапнинг комуникатив бӯлиниши билан алоқадор дейди [2, Б.20].

Олимнинг қарашича, субъектнинг имплицит равишда ифодаланиши ҳам гапнинг коммуникатив бӯлиниши билан боғлиқ. Бундай ҳолда субъект лексик йӯл билан ҳам ифодаланганда синтактик алоқа вужудга келади.

Хулоса қилиб айтсак, шахс категориясининг мазмуний хусусияти субъектнинг коммуниатив роли, яъни нутқ актидаги вазифасини англатишдан иборатдир. Субъектнинг коммуникатив роли унинг мазмуни (лексик хусусияти) билан узвий боғлиқ бӯлади. Шу сабабдан шахс категорияси тизимини тадқиқ қилишда субъектни ҳам, субъектнинг эътиборга олишга тӯғри келади. Шахс категорияси системаси (тизими)нинг қандай тузилганлигини аниқлаш

грамматик категория шаклларининг мазмун жиҳатдан алоқа-муносабатини белгилаш билан узвий боғлиқ бўлади.

**Адабиётлар рўйхати:**

1.Бердиалиев А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфология. -хужанд, 2016. 180 б.
2.зикриллаев Ғ. Феълнинг шахс - сон ва ҳурмат категориялари системаси. -тошкент: фан, 1990. 112 б.
3.Шоабдураҳмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Филология факультети талабалари учун дарслик. Тошкент, 1980.
4.Ўзбек тили грамматикаси. 1 қисм. Морфология. -Тошкент: фан, 1975. 612 б.
5.Ҳожиев А. Феъл. -Тошкент: фан, 1973. 86 б.

## МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ПАРЕМИК ЖАНРЛАР ВОСИТАСИДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ ШАРОИТЛАРИ

**Камилова Гулмира Алимовна**
**Бухоро давлат педагогика институти в/б профессори, п.ф.н**
**gulmiraalimovna1967@gmail.com**

**Аннотация.** Экологик таълим-тарбия ёшларни табиатдан онгли равишда фойдаланишга, тежамкорликка ўргатиш, қалбида табиатга меҳр-муҳаббат уйғотиш каби вазифалар туради. Табиат бойликларидан унумли фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш бугунги авлод вакилларининг муҳим вазифа эканлиги алоҳида эътироф этилмоқда. Мақолада шу ҳақда мулоҳазалар билдирилган.

**Калит сўзлар:** Экология, маданият, таълим-тарбия, мактабгача таълим, муаммо, табиат, экологик тўгараклар.

**Аннотация.** Экологиялық тәрбиенің міндеті – жастарды табиғатты саналы пайдалана білуге, үнемділікке баулу, олардың жүрегіне табиғатқа деген сүйіспеншілікті ұялату. Мақалада бұл туралы түсініктеме берілген.

**Негізгі сөздер:** Экология, мәдениет, білім, мектепке дейінгі тәрбие, проблема, табиғат, экологиялық үйірмелер.

**Abstract:** Environmental education has the task of teaching young people to consciously use nature, to be thrifty, and to instill in their hearts a love for nature. The article comments on this.

**Keywords:** ecology, culture, education, preschool education, problem, nature, environmental circles.

Бугунги кунда экологик муаммолар давлат сиёсати даражасига кўтарилган глобал муаммолардан саналади. Президентимиз раҳбарлигида 2023 йил феврал ойида чиқиндилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, ҳудудлардаги экологик ҳолатни яхшилаш ҳамда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди.

Унда аҳолининг экологик маданиятини ошириш энг муҳим масала эканлиги таъкидланиб, бунга ёш авлод қалбида она табиатга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкинлиги билдирилган эди. Дарҳақиқат, экология

ва атроф-муҳит билан боғлиқ кўплаб муаммоларни бартараф этиш ва олдини олишда экологик маданиятни ривожлантириш энг биринчи галдаги вазифадир.

Экология соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришда самарали усул, воситаларни аниқлаш, муҳокама қилиш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилган конференцияда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, табиат неъматларини келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар бажарилмоқда.

Табиат бойликларидан унумли фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш бугунги авлод вакилларининг муҳим вазифа эканлиги алоҳида эътироф этилди. Бунинг учун, аввало, экологик маданият тушунчасини теран англаш, оила, мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб болаларда табиатга меҳр-муҳаббат руҳини ривожлантириш, экологияга оид билимларни онгига сингдириш лозим. Хусусан, ўқув муассасаларида экологик тўгаракларни ташкил қилиш, мунтазам равишда экофестиваллар, танловлар ўтказиб туриш, ўқув-методик қўлланмалар, дарсликлар, кўргазмали материалларни нашр этиш ўз самарасини бериши таъкидланди.

Мутахассисларнинг айтишича, экологик таълим-тарбия табиат ва жамият ўртасидаги узвийликни таъминлаш, табиий барқарорликни сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Экологик таълим-тарбия ёшларни табиатдан онгли равишда фойдаланишга, тежамкорликка ўргатади, қалбида табиатга меҳр-муҳаббат уйғотади. Шу ўринда айтиш керакки, мамлакатимизда экологик маданият соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар тўлақонли тартибга солинмаган. Бу борада олдимизда муҳим вазифалар турибди. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан соҳа мутахассислари билан биргаликда "Экологик маданият тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилаяпти. Мазкур қонун лойиҳаси соҳадаги масалаларни ҳал этишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги фикрлар асосида мактабгача таълим ташкилотларида экологик маданиятни ривожлантириш муҳим эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Шунинг учун бу борада мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини кўпроқ шу мавзуга қаратишларини мақсад қилиб қўйдик.

Мактабгача таълим, тарбияланувчиларни ҳақиқий инсон, келажакда ўз юртини улуғлайдиган инсонлар бўлиб етишишларини таъминлайдиган маскандир.

Ватан олдидаги фуқаролик мажубриятлари ва бурчини онгли ҳамда фаол бажариш, ватанпарварлик, миллатлараро тотувлик , одамларга инсоний муносабат, табиатга нисбатан меҳрли бўлиш ва унинг неъматларини асраб авайлаш, тежаш каби шахс сифатларига эга бўлиш демакдир. Бу сифатларнинг куртакларини болада иложи борича эртароқ борича ривожлантириш, ҳаётининг биринчи йиллариданоқ унда жонажон диёрига муҳаббат уйғотиш, инсон ва фуқаро бўлиб етишувига ёрдам берадиган характер белгиларини тарбиялаш керак.

Кичкинтойлар илк бор она табиатни, Ватанни оилада кашф этади. Бу турткини берувчилар-уни ўраб олган кишилардир ва у " меҳнат", " она табиат", " шараф", " Ватан" тушунчаларини ана ўшалардан билиб оладилар. Айниқса она

Ватанга муносабат ва унинг табиатини гўзаллигини ҳис қилган ҳолда муносабат билдириш муҳим саналади ва қуйидагилардан иборат:

•Болада табаррук оилага, қадрдон боғчаси ва кўчасига муҳаббатни тарбиялаш

жонажон табиат ва тирик мавжудотларга, табиат ноз неъматлари

•ва жамоат мулкига, нон ва озиқ овқат маҳсулотларига тежамкорлик билан муносабатда бўлишни ривожлантириш;

•Болада табиат ер ости бойликларидан фахрланиш ҳиссини вужудга келтириш;

•Бола тушуна оладиган даражадаги ижтимоий хаёт ҳодисалари, анъаналарига қизиқишни ошириш;

Юқоридагиларга асосланиб, мактабгача таълим тарбиячисининг вазифаси-бола оладиган кўплаб таассуротлардан унга энг тушунарли бўлганларини: энг яқин кишилари, жонажон ўлка табиати ва ҳайвонот дунёси; кишиларнинг жамият фаровонлиги, болага турмуш тарзимиз барча тирик мавжудотларга нисбатан инсонпарварлик билан муносабатда бўлишликни танлаб бериш муаммоси муҳим саналади.

Жажжи болажонларга жонажон табиатга муҳаббатни тарбиялаш кучли омилларидан бири. Унинг гўзаллиги билан завқланиш, табиат дунёсига эҳтиёткорона муносабатда бўлишдан, инсон меҳнатининг табиатдаги ўзгартирувчилик ролини тушунишгача- буларнинг ҳаммаси жонажон ўлкага муҳаббатни ривожлантиришнинг манбаларидир.

Бордиқдаги жонажон табиат ҳақида ҳосил қилинган ёрқин таасуротлар кўпинча инсон хотирасида бир умога сақланиб қолади, чунки унинг образларида табиат ва Ватан ўз ифодасини топган бўлади.

Мамлакатимиз қанчалик улкан бўлмасин, одам унга нисбатан ўз муҳаббатини ўзи туғилган ва ўсган, болалар боғчаси ва мактабга борган, болалар билан қорбўрон ўйнаган ва яхмалакда учган жойлари билан боғлайди.

Болада табиатга муҳаббатни тарбиялаганда биз шу билан бир вақтда унда атроф-муҳитдаги барча гўзалликларга эстетик кўнгилчанликни гўзаллик манбаи сифатида кишилар меҳнатини қадрлаш ва эҳтиёт қилишга ривожлантирамиз.

Боланинг ҳар томонлама ривожлантиришнинг яъни табиатга саховатли бўлиш, эстетик ва ахлоқий бирликка эришишнинг йўли шундан иборатдир, булар боланинг фақат ҳисларидагина эмас, балки табиатга нисбатан бўлган муносбатида балки одобининг гўзаллигида намоён бўлиши керак. Бола жонажон табиати, гўзал манзараси ва бойликлари билан Ватанимиз машҳур эканлигини кўрсатиш керак.

Тўрт ёшли бола ўзининг кўчаси ва боғчаси жойлашган кўчанинг номларини яхши билиши, табиат омборхонаси: сабзавотлар, мевалар, резавор мевалар ҳақида эга бўлишлари лозим.

Катта мактабгача ёшдаги болалар билан таништириладиган объектларнинг диапозони кенгаяди-бунда ўзи яшайдиган туман ёки шаҳарнинг энг кўркам ва гўзал манзаралари, истироҳат боғлари, сув ҳавзалари, арик ва дарёларидир. Катта мактабгача ёшдаги бола нон ризқ рўзимиз эканлигини, табиий бойликларни асрашни,чиқиндиларни ҳар қаерларда эмас балки, махсус идишларга ташлаш лозимлигини уқтириб бориш лозим. Болаларда жонажон шаҳрига, табиатига

муҳаббатни тарбиялаш учун сайрлар ўтказиш зарур. Бу саёҳатларда бола жонажон шаҳри ва унинг гўзал манзарали жойлари билан танишадилар. Болада экологик маданиятни ривожлантиришнинг биринчи босқичида ёш авлодни оиладан бошлаб тарбиялаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида қатнашиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунѐсини асраш каби мақсадлар сари тарбиялаш ва таълим бериш муҳим саналади. Оилада ташкил этилган меҳнат болаларни фаросатли бўлиш, ишни режали олиб бориш, вақтдан унумли фойдаланиш, тежамкор бўлиш, шунингдек, ўзгалар меҳнати, инсон меҳнатининг маҳсули бўлган неъматларни асраб-авайлашга ўргатади.

Маълумки, экологик маданиятни ривожлантиришга бўлган муносабат тарихий хусусиятга эга. Қадимги тарихий ѐдгорликлардан саналган муқаддас зардуштийлик дини асосида яратилган «Авесто» асарида табиатга бўлган муносабатларга алоҳида эътибор қаратилган. Унда инсонларни ростгўйликка, адолатпарварликка ундовчи; шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, яйловларни кенгайтириш ғоялари; инсонларни маданий турмуш тарзини яхшилашга ундовчи ғояларнинг мавжудлиги аҳамиятлидир. Ушбу ғоялар ҳозирги жамиятимиздаги етакчи ғояларга мос келади. Йилдан йилга шаҳар-қишлоқларимиз обод бўлиб, чирой очмоқда. Бу натижалар фуқароларимизнинг экологик маданияти юксалганлигидан далолат беради. Ўз табиатига кўра, тарбия жараѐни кўп омилли характерга эга. Тарбияланувчиларда экологик маданиятни таркиб топтиришда оиланинг ўрни муҳимдир. Оиланинг моддий таъминоти ва фаровонлиги, маданий турмуш даражаси, соғлом муҳитнинг барқарорлиги, оила аъзоларининг психологик муносабати, ўзаро ҳамкорликнинг мавжудлиги шахснинг жамиятга ижтимоийлашувига хизмат қилади. Оилада ташкил этилган меҳнат болаларни фаросатли бўлиш, ишни режали олиб бориш, вақтдан унумли фойдаланиш, тежамкор бўлиш, шунингдек, ўзгалар меҳнати, инсон меҳнатининг маҳсули бўлган неъматларни асраб-авайлашга ўргатади. Оилада, шунингдек, атроф-муҳит муҳофазаси (экологияси)га оид тарбиявий ишлар ҳам ташкил этиладики, бу жараѐнда болаларда «инсон-табиат-жамият» тушунчалари ўртасида юзага келувчи ўзаро мувофиқлик борасидаги ғояларнинг қарор топишига замин ҳозирланади. Оила муҳитида ташкил этилаѐтган ҳовли сатҳини супурибсидириш, гулзорларни ташкил этиш, кўчатларни ўтказиш ва уларни парвариш қилиш, маиший чиқиндиларни бартараф этишга нисбатан эҳтиѐткорона муносабатда бўлиш болаларда табиатни асрашга нисбатан масъуллик туйғусини шакллантиради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. “Илк қадам” Такомиллаштирилган Давлат ўқув дастури. Тошкент.2022 йил
2. “Ўзбекистон Республикасида илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари ” Тошкент. 2018 йил
3. Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида.Тошкент ш,2020 йил 22 декабрь, 802-сон қарор.
4. "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2023 йил 31 майдаги ПФ-81-сон фармон.
5. ( У.Адамбаев,Д.Э.Джораев. https:ekologik-madaniyat-va-uni-shakllantirish)

6.Бобоёров.Р, Бабаярова. Г.https:maktabgacha- yoshdagi-bolalarga- ekologik-talim-tarbiya-berish-masalala

# "САБР ДАРАХТИ" КАЛИТИ

**Абдулла Улуғов,**
**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили**
**ва адабиёти университети профессори, филология фанлари номзоди**
**e-mail: abdullaulugov@gmail.com (Ўзбекистон)**

**Аннотация:** Улуғ ўзбек шоири Рауф Парфи (1943 – 2005) ижоди замонавий ўзбек адабиётида алоҳида ўрин тутади. "Сабр дарахти" шеърлар тўплами шоир ижодига хос энг муҳим хусусиятларни ўзида акс эттиради. Рауф Парфи туйғулар куйчиси эканилиги, инсон руҳиятини жуда нафис ифода этиши мазкур тўпламдаги шеърларда ёркин намоён бўлади. Мақолада "Сабр дарахти" тўпламидаги "Бағишлов" шеъри хусусида мулоҳаза билдирилади.

**Калит сўз**: Рауф Парфи, "Сабр дарахти", "Бағишлов", шеър, шоир, лирик қаҳрамон, туйғу, кечинма, давр, таржимаи ҳол, мурожаат.

**Abstract:** The work of the great Uzbek poet Rauf Parfi (1943-2005) occupies a special place in modern Uzbek literature. The collection of poems "Patience Tree" reflects the most important features of the poet's work. Rauf Parfi is a singer of emotions and expresses the human psyche very elegantly in the poems of this collection.

**Калит сўз**: Рауф Парфи, "Сабр дарахти", "Бағишлов", шеър, шоир, лирик қаҳрамон, туйғу, кечинма, давр, таржимаи ҳол, мурожаат.

**Keywords:** Rauf Parfi, "Patience Tree", "Dedication", poem, poet, lyrical character, feeling, experience, era, biography, address.

"Сабр дарахти"га шоирнинг аввал нашр қилинган тўпламларидан шеърлар саралаб олинган. Бу шеърлар, "Бағишлов"ни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 222 тани ташкил этади. Шунингдек, "Сабр дарахти"га муаллифнинг Нозим Ҳикмат, Пабло Неруда, Геворг Эмин ва Самад Воқиф ўғли ижодидан қилган таржималари ҳам киритилган. Ушбу шеърлар миқдори 16 та. "Бағишлов" "Сабр дарахти"даги барча шеърларни маъно, мазмун ва мантиқ жиҳатидан ўзаро бирлаштириб туради. қирқ мисрадан таркиб топган "Бағишлов"да Рауф Парфининг ҳассос шоир сифатидаги катта олами акс этади. Бу шеърнинг поэтик хусусиятлари таҳлил қилинса, унда шоир ижодидаги ўзига хос кўпгина умумий жиҳатлар намоён бўлади. Шоир "Бағишлов"да ўзининг инсон ва ижодкор сифатидаги ички олами билан ҳам таништиради. Шу каби хусусиятларидан келиб чиқилса, "Бағишлов" муаллифнинг шахсий ҳаёти ва ижодий фаолияти учун ўзига хос очқич эканлиги аёнлашади. Рауф Парфини яқиндан таниган зукко ўқувчи шеърдаги кўпгина ўринларда шоирнинг ўзини кўргандай бўлади ва "Бағишлов"ни ижодкорнинг шахсий ҳаёти ва шоир сифатидаги ўзига хос олами билан боғлаб, шарҳлаб бера олади. Чунки "Дўстим, дилда не бор сўзлайман санга, // Тахайюл майига термуламан жим" деб бошланадиган бу шеърдаги ҳар бир мисра кейинги мисралар билан мантиқий жиҳатдан изчил боғланиб, муаллифнинг инсон ва ижодкор сифатидаги кўпчиликникидан фарқли дунёси

тўғрисида яхлит тасаввур уйғотади (Парфи Р. Сабр дарахти: Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 216 б. – 14-бет).

Шоир мазкур шеърда ўзининг дунёқараши, қандай ўй-фикрлар гирдобида яшаб келаётганини маълум қилади. "Бағишлов" аввало шоир ҳаётга "мўъжиза" деб қарашини аён этади. Шеърда "мўъжиза" сўзи уч марта қўлланади ва олтинчи бандда: "Ҳар ким ҳам ёшликда жасур, жангари, // Ҳаётдан мўъжиза кутардим, ҳайҳот. // Отилдим очофат кимса сингари // Мени мўъжизага туйдирди ҳаёт" дейилади (Ўша манба. – 15-бет). "Бағишлов"нинг мазмун-моҳиятини идрок этган киши, ўз-ўзидан аниқки, "Сабр дарахти"нинг сир-синоатларини, шоир ижодининг ўзига хос хусусиятларини англаб олишга, оздир-кўпдир эришади ва Рауф Парфи шеърияти оламига кириб боради. Чунки "Бағишлов"даги дарду туғён нафақат "Сабр дарахти"даги шеърларда, балки шоирнинг бутун ижодида кузатилади. Ҳар бир ўқувчи шоирнинг шеърлари унинг қалбидаги қувончу изтироблар, ширин энтикишлар, туганмас оғриқлар, даъвосиз дардлар ифодаси эканини, ижодкор ҳаётга ёндашуви, воқеликка муносабатини замонасининг инсонпарварликка асосланган илғор қарашлари билан тўйинтириб борганини дарҳол сезади.

"Сабр дарахти"даги "Сўзлар", "Бир сўз бор", "Сўзлар ("Тун қўйнида бўшлиқнинг...")" , "Йўқ, шоир деб қарама...", "Шеърият", "Бир шеъримнинг...", "Шоир", "Шеър йўли...", "Шеърият" ("Дилу жон ўртар..."), "Шоир қисмати", "Кекса-ёш шоир" ва бошқа шеърларнинг мазмун-мундарижасини инсонни ҳамиша сергак ушлаб турадиган, унга барча нарсадан тезроқ ва кучлироқ таъсир қиладиган, унинг қалбини фахру ғурурга тўлдирадиган, дилини азобу изтиробга соладиган, туғилганидан то сўнгги нафасигача ҳамроҳу ҳамкор бўлиб, ҳаётига пойдевор, тиргак бўлиб турадиган бирдан-бир нарса сўз экани,ни таъкидлаш **истаги белгилаб беради. Айни шеърларнинг мазмун-моҳиятини** шу боис унга ҳамиша эҳтиром билан қараш, ғоят эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш зарурлигини очиқлаш ташкил этади.

Рауф Парфи сўз нима эканлиги, шеъриятнинг инсон ҳаёти, кишилик жамиятидаги аҳамияти ва моҳияти нимада кўриниши, шоир ким эканлиги тўғрисидаги шеърларида одамларнинг барча саволларига жавоб бера оладиган инсон бўлиб кўринади. Шеърхон унинг: "Мен куйиниб севаман, нетай? // Мен куйиниб сўзлайман, холос" деган хитобидан ҳар бир ҳассос шоир ҳамиша эътибор ва ҳурматга лойиқ шахс эканини, чунки у одамларнинг туйғуларини тарбия қиладиган, фикрини ўстирадиган, қалбига инсонпарварлик ҳиссини олиб кирадиган муҳтарам зот эканини англаб етади. "Сабр дарахти" муаллифи "Шеърият" шеърида шоирлар ҳукмдорлар, амалдорлар, бизнесменлар, сиёсатчилар ва бошқа одамлардан нимаси билан фарқ қилади? Улардан қайси жиҳатига кўра ажралиб туради? Инсоният нима учун азал-азалдан шоирларга бўлакча ҳурмат билан қараб келади? деган саволларга: "Юксак орзулари бордир шоирнинг. // Шоирларда бўлар // Фақат эзгу ният" деб жавоб беради (Парфи Р. Сабр дарахти: Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 216 б. – 42-бет). "Шоир" шеърида эса "Шеърият"даги фикрларини мантиқан давом эттириб, "Нега шоирларнинг феъл-атвори, юриш-туриши бошқаларникига ўхшамайди?" деган муаммога: "Барчанинг дардини ўзига олиб, // Мажнун бўлиб юрар шунинг-чун шоир... // Шоирни куйлатган табиат эмас, // Шоирни куйлатган

Ҳазрати Инсон. // Тиккандир жонини Ватанига у // Бу сўз қаршисида титрама, эй жон. // Юзма-юз келгандек гўё ўт ва сув, // Юзма-юз келадир шоир ва замон” деб ечим топиб беради (Ўша манба. – 98-бет). Рауф Парфи ушбу шеърида ўзининг шеър ёзиши сабабини очиқлаб, бу кўҳна жумбоқни: “Сирли бу завқ аро сирқирайди тан,//Охири ўлдирар мени ҳаяжон,//Боиси не? Айтолмасман дафъатан” деб изоҳлайди (Ўша манба. – 97-бет).

Ижодкорнинг сўз, шеърият, шоир тўғрисидаги шеърларидан у ҳаётдаги адолатсизлик, ноҳақликларни кўрганида азобланиши, кимнингдир ночорлиги, иложсизлигини пайқаганида унинг қаршисида ўзини ноқулай сезиши, қадрдонлари, яқинлари, ватандошлари, диндошларининг эмас, бошқа юрт, ўзга эллардаги кишиларнинг ҳам қўли калталиги, усти юпунлигидан изтиробга тушиши одамларнинг диди, зеҳни пасайиб кетаётгани, жуда кўп кишилар мол-давлат тўплашга ружу қўяётгани, одамлар ўртасида меҳр-оқибат сустлашиб бораётгани, бир-бирига ишонч ҳисси сўниб битаётгани, аждодлар ардоқлаб келган жуда кўп қадриятлар унутилаётгани каби турмушдаги норасоликлар учун ўзини қандайдир айбдор ҳис қилиши англашилади. “Сабр дарахти”даги шеърларни ўқиётганда шоирнинг суҳбатдошига майин жилмайиб, ёқимли қараб турадиган кўзлари эсга тушади ва унинг дардли нигоҳлари қаърига чўккан қайғу, изтироб сабаблари ойдинлашади. Бу шеърларда Рауф Парфи сўзни қадрлагани, орзу-ҳавасларга берилиб, умид қилиб яшагани ва одамларнинг мулоқотидан ҳамиша фикр излаб ўтгани, унинг бутун ҳаёти шу тарзда кечгани аёнлашади. “Агар” шеъридаги: “Гарчанд ҳамма нарса тушунарлидир... // Барибир бир фикр берингиз менга. // Оддий “ассалому алайкум” каби // “Саломат юрибсизми, она?” дегандек. // “Ўғлим, қаерларда қолдинг, сен, тавба?” // “Уй олдингми? Неча хоналик, иним?” // “Устинг бут, мояна қанча?” сингари // Одатий, кундалик гап монанд фикр. // Ва яна бир фикр берингиз менга, // Токи тоғ-тошлоқда кезайин сарсон. // Саҳрони, харсангни сўзлатмак учун // Пахта каби юмшоқ сўзласин тошлар... // Ўйлашиб, бир фикр берингиз менга, // Токи артмакка шошсин одамлар // Майса, япроқларнинг шабнам ёшларин, // Ботаётган кунга қараб йиғлашсин...” каби ўринлари шоирнинг шахси, ички дунёси, кўпчиликникидан буткул ҳаёт тарзи тўғрисида шундай хулосага келиш учун етарли асос беради (Ўша манба. – 160-бет). Шоирнинг бошқа шеърларида ҳам шу каби кундалик муомала-мулоқотда қўлланадиган, шеърхонни дабдурустдан ўзига тортадиган содда сўзлар қўлланади. Уларда силлиқ, китобий сўзлар ҳам шоирнинг қалами туфайли қалбга ёқадиган жозиба касб этади. Шу боис айни шеърлар бу олам, ундаги турмуш туғдирадиган таассуротлар ҳар бир кишининг у ҳақдаги хаёл-тасаввури, дид ва савиясига бевосита боғлиқ бўлиши тўғрисида ўйга толдиради.

“Сабр дарахти”нинг сирли жиҳатларидан бири шундаки, ундаги шеърларни ўқиганида ҳар бир ўқувчи беихтиёр қалбида соддароқ, оддийроқ бўлиш истаги туғилганини ҳис қилади. Чунки шоир шеърларида безаб тарашланган, ялтироқ, чучмал сўзларни қўлламайди, баландпарвоз, китобий мавзуларни четлаб ўтади. У ҳар бир шеърида ўзи ҳис қилган ҳолатни ифода қилиб, ўзи ишонган ҳақиқатни айтади. “Агар” шеърида: “Ўйлашиб, бир фикр берингиз менга“ деб мурожаат қилган шоир фикр-ўйнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида ўзи англаган ҳақиқатни: “Бутун умр ўйлар банд этар, // Биздан айри тушмас бир замон. //

Ўйларимиз ширин Ватандир, // Ўйларимиз бир аччиқ жаҳон” деб тақдим қилади (Ўша манба. – 67-бет).

“Сабр дарахти”нинг сир-синоатларидан бири шундаки, у шеър илоҳий илҳом “мева”си эканлиги, сўз санъатининг ушбу тури одатдаги мулоқот тилидан аввало ўзининг шу жиҳатига кўра фарқ қилиши, кундалик сўзлашув тили ўзаро алоқа, ахборот алмашиниш воситаси бўлса, шеър хаёл-тахайюлга асосланиши, унда инсон тафаккури, орзу-армонлари билан боғлиқ кечинмаларнинг олий кўриниши акс этишини намоён қилади. “Бағишлов” ўзаро боғлаб, ич-ичидан туташтириб турган шеърлардан инсонга ато этилган ушбу неъмат ҳаётда мулоқот, алоқа воситаси сифатида ҳамиша қўлланадиган тилдан муайян ўлчов ва қофия тартибига мувофиқ фойдаланиши, энг муҳими, тахайюл ва образлиликка асосланиши ва шу боис таъсирчан эканлиги аёнлашади. Ушбу шеърлардан Рауф Парфи янги фикрни шеърнинг асоси, таянчи қилиб олиши, ритм, вазн ва қофияни шеърнинг энг зарур унсури, деб қараши, сўзлардаги товушларнинг жарангдорлигини алоҳида эътиборга олиши ойдинлашади. Шоирнинг ана шундай хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган шеъри унинг қалби қаъридан отилиб чиққани учун кўнгилларга бориб етади. “Сабр дарахти”даги “Ватан” шеърининг: “Умр деганлари ўтмакда шошқин, // Тилла баргларини элаб йўлимга. // Сенинг мангулигинг берадир таскин // Эрта узилгувчи менинг умримга. // Ватаним, овоз бер, куйлайман ёниб, // Дунё журъатини бердинг қўлимга. // Сени англадим-у билдим дунёни, // Мана, мен тайёрман энди ўлимга...” мисраларини ҳам мурожаат, ҳам нидо деб қабул қилиш мумкин (Ўша манба. – 171-бет). Аниқроғи, бу шеърдаги мурожаат ва нидони шоир қалбини безовта қилган изтироб ва ҳаяжон ҳисси ўзаро бирлаштиради. “Ватан”нинг ушбу ўринлари худди “Бағишлов” каби шеър одатдаги сўзлашув, мулоқот тилидан фарқ қиладиган алоҳида бир тил эканлиги, бу тилда илоҳий илҳом оғушида битилган сўз замон ва маконлар оша яшайвериши, миллат, мамлакат тушунчалари унинг учун чегара, тўсиқ бўлолмаслиги, шунинг учун Фирдавсий ва Низомий, Данте ва Шекспир, Навоий ва Гёте дунёдаги барча халқлар учун ардоқли инсон бўлиб келаётгани, чунки уларнинг шеър ва достонлари араблар ва форслар, инглизлар ва немислар, ўзбеклар ва бошқа миллатлар, элатлар қалбидан жой олганини аён этади.

“Сабр дарахти”даги шеърлар фалсафий мазмунга бойлиги, мушоҳадага ундаши, ўйчан ва маҳзун қилиб қўйиши ва ўзига хос ифода тарзи билан замонавий ўзбек шеъриятида алоҳида ажралиб туради. Ундаги “Бағишлов” ҳам, бошқа шеърлар ва таржималар ҳам шоир қалбидан қайнаб чиққан, чин адиб қалами билан битилган сўз Одам ва Олам сир-синоатларини англаш учун берилган бебаҳо туҳфа эканлигига далолат қилади. Тўпламдаги табиат манзараси чизилган шеърлар кишиларнинг турмуш ташвишларидан толиққан руҳиятини тинчилантирса, турли мавзудаги бошқа шеърлар инсоният учун ҳақиқат, адолат, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ишонч, мустаҳкам дўстлик, доимий тинчлик, барқарорликка эришиш зарурлиги ғояларини ифодалайди. “Бағишлов” ва у билан қайсидир жиҳатига кўра алоқадор шеърлар ҳамда таржималар мазмун-моҳиятидан адабиёт Рауф Парфи учун яшаш тарзига айлангани, у истаган пайтида, қачон хоҳласа, бемалол шеър ёза олиши, у ижод қилиш малакасини мукаммал эгаллагани, чунки унинг руҳий олами доимо ижод

этиш ҳолатида бўлгани, шу боис у бошқа одамлар сингари тинч, осойишта, фаровон турмуш кечиришга интилмагани англашилади. Усмон Азим "Сабр дарахти" муаллифининг кўпчиликникига ўхшамаган турмуш тарзини изоҳлаб: "У мутлақо эркинлик истарди. Шеъриятдан бошқа иш унинг учун ножиддий эди. Рауф Парфи мангу парвоз учун яратилган қушга ўхшарди. Аммо ерга қўнмасдан бўладими? Рауф аканинг ўзи ҳам англаб-англамаган фожиаси мана шунда эди" дейди (Азим. У. Сўнгсўзлар. – Тошкент: "Илм-зиё-заковат" нашриёти, 2020, – 512 б. – 248-бет).

"Сабр дарахти" Рауф Парфи ҳам бошқа барча шоирлар қаламга олган мавзуларга мурожаат қилгани, лекин у воқеликни, муаммоларни ўзига хос талқин этиб, энг таъсирчан сўзлар орқали ифодалаганини намоён қилади. Шу боис бўлса керак, унинг шеърлари ўзининг кўриб-кечирганлари, ўқиб эшитганлари тўғрисида мушоҳада юритадиган, ўз-ўзи билан муросасиз мунозара қиладиган кишиларнинг ботинидаги ўй-фикр, кечинмаларга анча яқин келади ва уларнинг қалбига озуқа бўлиб қуйилиб, руҳлантиради, ўйлашга, фикрлашга, хаёл суришга, ўз-ўзи билан баҳслашишга рағбатлантиради.

"Бағишлов"да шоир ўзининг "икки карра икки тўрт бўлади" тарзида осонгина тушунтириб бўлмайдиган руҳий баландликдаги ҳолидан сўз очади. Аммо бу баландликни барча ўқувчи ҳам бирданига кўра олмайди. Чунки бу руҳий юксакликнинг миқёси ва қамрови жуда кенг. "Бағишлов" шоир ижодига хос жуда кўп хусусиятларни ўзида мужассамлаштиргани боис у "Сабр дарахти"даги барча шеърларни ич-ичидан нурлантиради. Шоир бу шеърида ўқувчиси билан очиқчасига юзма-юз туриб, унга ўзининг ички дунёсини очади. Албатта, бу дунёни барча ҳам англаб, идрок этавермайди ва бу турмушда кўп кузатиладиган табиий ҳол саналади. Чунки "Сабр дарахти"даги "Бағишлов" ҳам, бошқа шеърлар ҳам ҳамма ўқиб кўниккан анъанавий шеъриятдан бирмунча фарқ қилади. Унда ўқувчи ўзига хос, янги шеърият намуналари билан юзлашади. Янги нарса эса ҳар доим ҳаммага ҳам бирдай маъқул бўлавермайди. Барча осонгина қабул қиладиган нарса ҳеч қачон янгилик ҳисобланмайди. Ҳар қандай янгилик дастлаб эътирозларга сабаб бўлади, қаршиликка учрайди, танқид қилиниб, рад этилади. Янгиликнинг табиати, унинг ўзига хос хусусияти, мавжуд нарсалардан алоҳида фарқли жиҳати шунда. Рауф Парфи эса шеърларида ҳеч қачон барчага бирдай маълум фикрларни баён қилмайди. У шеърларида ҳаётдаги ҳамма нарсадан, ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатидан моддий манфаат излагани боис ижтимоий моҳиятини йўқотиб, худбинлашган кимсаларни ўзининг асл олами – инсонлигига қайтишга даъват қилади.

"Сабр дарахти" тўплами Рауф Парфининг маъно моҳиятига кўра бир миллат доирасида чегараланиб қолмаган шеърлари умуминсоний салмоққа эга мазмун касб этганини намоён қилади. Улар, шунинг баробарида, шоир, адибларнинг асарлари уларнинг маънан таржимаи ҳоли эканлигини аён этади. Масалан, "Сабр дарахти"даги "Бағишлов" ҳаётий воқеалар, одамлар муносабатидаги зиддият ва қарама-қаршиликлар баёни эмас. У моҳиятан ягона бир шахс – муаллифнинг монологи. "Бағишлов" тўпламдаги бошқа шеърлар каби ҳассос шоир Рауф Парфининг "мен"и ва унинг ҳаётга муносабатлари мундарижаси дейишга етарли асос беради.

“Сабр дарахти” муаллифи ўз шеърларида инсон умрининг авж баҳори – ёшликка кўп мурожаат қилишини барча яхши билади. Унинг бу хусусдаги шеърлари ўзбек адабиётида ушбу мавзуда битилган энг баркамол шеърлар сирасига киради. Шоир “Бағишлов”да ҳам инсон ҳаётининг бу ажойиб фаслига алоҳида эҳтиром кўрсатади. Шеърнинг қуйидаги мисраларида ҳассос шоирнинг қалб нидоси эшитилади: “Бир вақтлар шунчаки қайғурардим, оҳ // Бир вақтлар шунчаки ухламасдим мен. // Шунчаки тун бўйи йиғлардим, аммо // Ёшлигим, сен учун йиғламасдим мен... // Мен энди, мен энди шундай афтода, // На сажда қилгайман, на дуойибад. // Қўлимда порлайди арғувон бода, // Ёшлигим, ёшлигим, унда сен фақат” (Ўша манба. – 15-бет). Ҳассос шоир ўзидаги ана шу кечинма, ҳолат изҳори орқали ҳар бир кишининг ўтаётган кунларига, ҳаётда кечаётган жараёнга, дунёда юз бераётган воқеаларга бефарқ, лоқайд қарамасликка, сергак ва ҳушёр бўлишга ундайди. У ўзининг бу борадаги қайғу, армонларини “Мен энди, мен энди шундай афтода” деб ифодалайди. Бу сўзлардан, ўз-ўзидан аёнки, изтироб, афсус-надомат ҳисси силқийди. Шунинг учун “Бағишлов”ни, умуман, “Сабр дарахти”га жамланган шеърларни ўқиш ва идрок қилиш Муҳаммад Юсуф шеърлари ихлосмандларига бурмунча оғирлик қилади. Чунки “Сабр дарахти”даги шеърларда ҳаётнинг кўпчилик кўролмаётган, ҳамма ҳам эътибор қилавермайдиган мураккабликлари тўғрисида сўз юритилади. Бу шеърлардаги кечинмалар, туйғулар изҳорида шоирнинг инсонпарварлик ҳиссига тўла қалбидаги изтироб, дард аксланиб туради. Шоир ўз шеърларида дунёқараши кенг, илғор фикрли замондошларининг ҳиссиёти, қайғусини ифодалайди. У инсониятнинг тарихидаги чиркинликлар, кундалик турмушидаги норасоликлар, давр фожиалари илдизи одамларнинг қалбида, онгида эканлигини айтади. Агар ҳар бир киши ўзининг фаолиятига доимо танқидий муносабатда бўла олса, эл-юрт манфаатини ўзининг шахсий ҳузур-ҳаловатидан ҳамиша устун қўйса, ҳаётдаги кўпгина зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, келишмовчиликлар ва улар туфайли бошланадиган можаролар, низолар ўз-ўзидан барҳам топади, дейди. Шоир: “Мен энди, мен энди шундай афтода” дер экан, одамларни худбинлик, манманлик, такаббурлик иллатидан халос бўлишга чақиради. Рауф Парфи аксарият шоирлардан фарқли ҳолда, ўзининг дард ва орзу-ҳавасларини шеърларининг бағрига сингдириб юборади, улар орқали ўзининг ички дунёси, ҳаётга қарашларини, унга нисбатан талаб ва истакларини баён қилади. Шунинг учун у “Бағишлов”ни : “Дўстим, дилда не бор сўзлайман сенга” деб бошлайди ва шеърни худди шу мисра билан якунлайди. Бу шеър шоирнинг дил изҳори, ўқувчига мурожаати бўлиш баробарида, ўзининг мазмун-моҳиятига кўра “Сабр дарахти” муаллифи ижодининг умумий мундарижасини ўзида акс эттиради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Азим. У. Сўнгсўзлар. – Тошкент: “Илм-зиё-заковат” нашриёти, 2020.
2. Давлатов О. Алишер Навоий “Маънолар хазинаси”. – Тошкент: “Tamaddun”.
3. Ижод фалсафаси. Тўпловчи ва таржимон Ҳумоюн. – Тошкент: “Global books”.
4. Мумтоз адабиёт манбалари луғати. – Тошкент: “MUMTOZ SO’Z”, 2009.
5. Мухтор А. Оқ йўл! – “Шарқ юлдузи” журнали, 1966 йил, 1-сон.
6. Парфи, Рауф. Сабр дарахти: Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
7. Парфи, Рауф. Сайланма. Икки жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: “Muharrir nashriyoti”, 2022.

8. Рауф Парфи. Сакина (шеърлар). – Тошкент: "Muharrir" нашриёти, 2013.
9. Рауф Парфи. Сўнгги видо: шеърлар. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006.
10. Сим-сим...:Мутолаа сирлари. Тўпловчи ва таржимон Ҳумоюн. – Тошкент: "OYDIN" MCHJ, 2021.

# СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАРНИ ЎРГАНИШДА ЎЗБЕК ВА ҚОЗОҚ ТИЛИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ

**Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна,**
**Тошкент давлат юридик университети**
**"Давлат ва ҳуқуқ назариси" кафедраси профессори,**
**юридик фанлар доктори**
**E-mail: feruza.mukhitdinova@gmail.com**

Тарихий ва ҳуқуқий билимларнинг давлат институтларини ислоҳ қилиш жараёнида ҳозирги жамиятнинг давлат ва ҳуқуқий ҳодисалари асосларини тушунишга, ҳуқуқий тушуниш анъаналарини етказишга ва келажакдаги юристларнинг касбий тассаввурларини сезиларли даражада кенгайтиришга имкон берадиган «сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи» алоҳида аҳамиятга эга. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихига бағишланган ушбу мавзу инсониятнинг барча муҳим сиёсий ва ҳуқуқий қарашларини, қадим, Шарқ Уйғониш даври, ўрта асрлар, ва янги даврда жамиятнинг сиёсий ривожланиши шароитида сиёсий ва ҳуқуқий фикр ривожланишининг турли босқичларини таҳлил қилишни ўз ичига олади. Бизга маълумки, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи давлат ва ҳуқуқ назарияси билан бир қаторда тарихий ва назарий фанлар гуруҳига киради ҳамда «Таълимотлар» деганда турли шакллардаги назарий қарашларнинг моҳияти, тегишли билимларнинг тарихан майдонга келиши ва ривожланиши, сиёсий-ҳуқуқий кўринишларни билиш чуқурлашиб борган назарий концепциялар, ғоялар ва қоидалар назарда тутилади. Ўз-ўзидан равшанки, «сиёсат» ва «давлат» тушунчалари бир-бирларидан ўзаро фарқланади.

Зотан, давлат ва ҳуқуқ тарихини билмай туриб, тегишли сиёсий-ҳуқуқий назариялар мазмун-моҳиятини англаш қийин кечади. Ўз навбатида, давлат ва ҳуқуқ борасидаги у ёки бу назарий қарашларни яхши билмай туриб, сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг тарихий шаклланиш жараёнини илмий тушуниш мумкин эмас.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фани ҳуқуқшуносликнинг бошқа умумназарий фанларига нисбатан тарихий фан сифатида намоён бўлади. Унинг предмети ва вазифалари сиёсий-ҳуқуқий назарияларнинг юзага келиши ва ривожланиши тарихини, давлат, ҳуқуқ ва сиёсат ҳақидаги назарий билимларнинг тарихий шаклланишидаги қонуниятларни ўрганишдан иборатдир[94]. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанининг вазифаси дунё сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларининг юзага келиши, шаклланиши ва ривожланишининг асосий

[94] Тошқулов.Ж.Ў. Ўзбекистон халклари сиёсий–ҳуқуқий фикрлари тарихидан. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 128 б.

босқичлари, йўналишларини ёритишдан иборатдир. Демак, янгиланаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий-ижтимоий, маъмурий ислоҳотларда ўз ўрнига эга фандир. Ўзбекистонда ва унинг минтақаларида маъмурий ислоҳотларнинг сиёсий омиллари мавзусининг долзарблиги жамиятнинг инновацион ривожланишини таъминлаш учун давлат сиёсий соҳасининг институционал томонини тизимли таҳлил қилиш зарурати билан изоҳланади.

Бугунги кунда давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратишни, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг уйғун фаолиятини ташкил этишда мазкур фаннинг ўрни беқиёсдир. Маълумки, Марказий Осиё ҳудудида сиёсий фикрларнинг ривожланишига IX-X асрларда ҳукмронлик қилган сомонийлар сулоласининг таъсири жуда катта эди. Улар даври Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби улуғ мутафаккирларни етиштирди. Бу давр олимлари дунёвий маърифатга интилиш, табиатга қизиқиш, табиатшунослик илмларини ривожлантириш; инсонни улуғлаш, комил инсонни тарбиялаш; универсаллик-қомусийлик, умуман, фойдали барча илмлар билан қизиқиш борасида ўзларини намоён қилдилар.

Марказий Осиёда давлат ва жамиятни юритиш масалаларига Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ўзлук ибн Тархон Форобий бениҳоя катта ҳисса қўшган. Форобийнинг жамият, давлат, ҳуқуқ, сиёсат, адолат, таълим, тарбия ҳақидаги ғоялари, қарашлари "Бахтга эришиш ҳақидаги трактат", "Уруш ва тинч-тотув яшаш ҳақида", "Жамиятни ўрганиш ҳақидаги китоб", "Давлат арбоблари ҳақидаги афоризмлар", "Фозил одамлар шаҳри" каби асарларида ўзининг чуқур ифодасини топган.

Форобий жамият, давлат ва ҳуқуқ масалаларининг назарий, умумий фалсафий асосларини тушунтиришга ҳаракат қилди. У жамиятнинг келиб чиқиши, давлатнинг пайдо бўлиши, унинг шакли, давлат арбоби ва унинг вазифаси, улар олдига қўйилган асосий талаблар, давлатни идора этиш усуллари ҳақида фалсафий-сиёсий қарашларини баён этди. Форобий ўз асарларида бир қатор муҳим ижтимоий масалаларни ёритишга уринди. У инсон томонидан жамиятда яшаш учун содир қилинадиган ҳаракатларни иккига бўлди:

1. Адолатли, ҳақиқий ақлга мувофиқ ҳаракатлар. Бу ҳаракатлар орқали ҳақиқий бахтга эришиш мумкин. Шу ўринда "ақл" масаласи изоҳталаб. Зеро, айрим даврларда ақл инкор этилиб, унга мутлақ амал қилувчилар қаттиқ қораланган. Яъни унга кўра, инсон ҳаётининг айниқса эътиқодий жиҳатлари ечимида илоҳий манбалар бирламчи ҳисобланиб, бу борада ақлга эҳтиёж йўқ. Бу муҳокамасиз итоатни талаб қилади.

2. Адолатсиз, мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳаракатлар, улар бахтсизлик келтиради. Демак, Форобий адолат деганда бахтни, унинг зиддидан бахтсизликни назарда тутган.

Форобий жамият сиёсий ҳаётида давлат аппарати томонидан олиб бориладиган ишларга алоҳида эътибор берди. Унингча, давлат бошлиғи ва давлат хизматчилари бошқарув санъатини яхши билишлари керак.

Форобий ана шундай бошқарув кишилари бахтга, тинчликка олиб боради, бундай давлатда бошқарув адолатлидир, аксинча, бахтсизликка, уруш ва қирғинликларга олиб борадиган бошқарув адолатсиздир, деб ҳисоблади. У идеал

(фозил) шаҳарлар, яъни идеал шаҳар давлатлари ва идеал бўлмаган шаҳар давлатлари хусусида ҳам фикр юритди. У фозил шаҳар энг адолатли ва маърифатни ўзида мужассам қилган донишманд томонидан бошқарилиб, бу давлат шаҳар аҳолисининг ўзаро кўмаклашувига, бир-бирига ёрдам беришига асосланади, деб ҳисоблади.

Унинг фикрича, бошқарув (идора) санъати икки қисмдан иборат бўлади: назарий ва амалий. Назарий қисми бошқарувнинг асосий усул ва қонуниятлари ҳақидаги билим бўлса, амалий қисм давлатни идора қилишдир. Уларнинг ҳар иккисига ҳам сиёсий амалиёт, тажриба ва кузатув натижасида эришилади. Форобий инсон табиатан иттифоқда, алоқада, муносабатда бўлишга интилади, деган фикрни ёқлаб чиқан. Эътиборли томони шундаки, шарқ халқлари, айниқса, Қозоғистон Республикасида фаробийшунос олимлар кўпайишган ва қомусий олимнинг илмий ишлари  йирик тадқиқот марказлари, институтларида ҳам тадқиқ этилмоқдаки, бу Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасида ўзбек ва қозоқ тилидаги асарларни ўрганишга бўлган эътиборни кучайтииши табиий.

Иккинчидан, олимларнинг ўзаро муносбатларида ҳам ҳар икки тилдаги монографик тадқиқотлар ва илмий асарлар ўрганиладики, бу ҳам ўзбек ва қозоқ тилларининг ағамиятини оширади.

Жумладан,  Ал-Фаробий номидаги қозоқ Миллий университети ректори Галимкаир Мутанов ҳозирги глобаллашув шароитда ҳам ал-Форобийнинг фозил давлат ғояларининг долзарблигини таъкидлагани таҳсинга сазовор.  Қозоғистон Давлат Университети ректорининг сўзларига кўра, бугунги кунда ал-Фаробийнинг ғоялари талабга жавоб беради, буни яқинда БМТ бош қароргоҳида "тинчлик сабаби" конференцияси ўтказилгани ва мутафаккир меросини ана шундай нуфузли халқаро ташкилот даражасида ўрганиш муҳимлигига урғу берилгани ҳам тасдиқлайди.

Профессор, фалсафа фанлари доктори, Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик институти Араб ва Исломшунослик маркази Бош илмий ходими Иброҳим Тауфиқ Камол Ал-Фаробийни мусулмон тафаккурининг биринчи йирик ислоҳотчиси ва модернизатори деб атади. "Ундан олдин мусулмон маданияти қадимий анъаналардан ажратилган ҳолда яшаган ва у билан бирга сифат жиҳатидан юқори даражага кўтарилган", деб таъкидлаган эди.

Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати депутати Олимжон Куртаев ал-Фаробий ўз она Туркистон вилояти ҳудудида – Арис дарёси Сирдарёга қуйиладиган жойда туғилган бўлиб, диққатга сазовор жиҳати: Суриядаги урушга қарамай, Дамашқдаги Ал-Фаробий мақбарасига бирорта ҳам снаряд ва бомба урилмаган. "Бу бежиз эмас, ҳатто Буюк аждодимизнинг тинчлигини Аллоҳ ҳимоя қилади", деб сенатор ҳам Форобий илмий меросига ҳурмат кўрсатганининг ўзи илм-фан соҳасидаги халқаро ҳамкорлини кучайтиради.

У Ал-Фаробий меросини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни замон талаби деб атади. "Бизнинг вазифамиз олимнинг дунёга машҳур асарларидан замонавий фойдаланиш орқали мамлакатимизни дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бирига айлантиришдир. Шунинг учун Ал-Фаробийнинг 1150 йиллиги маънавий ҳаётимиз ривожига кучли туртки беради ва миллий тикланиш учун йўл очади", - деб таъкидлаши ҳам қомусий олим илмий меросига бўлган халқаро қизиқишнинг амалий ифодасидир.

Арабшунос ва турколог, ўрта аср Шарқ адабиёти таржимони Зифа-Алуа Ауезова Ал-Фаробийнинг илмий рисолалари ўрта асрларда Европада фалсафий нутқ шаклланишида катта рол ўйнаганини қайд этган.

Фалсафа фанлари доктори, профессор, Ал-Фаробий марказининг илмий маслаҳатчиси Жакипбек Алтаев мутафаккирнинг мусиқий мероси ҳақида гапирган. "Ал-Фаробийнинг ўзи мусиқа асбобларини моҳирона чалган ва унинг" катта мусиқа китоби" бугун Қозоғистонда ва хорижда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда", Ал-Фаробий мукаммал миқёсдаги тизимни яратишдан олдин турли хил этномаданий мазмундаги сон-саноқсиз артефактлар, қўшиқлар ва асбобларни қайта ишлаган. Ал-Фаробий ўз тадқиқотларида мусиқанинг нафақат шифобахш хусусиятлари ва ижобий таъсирини, балки унинг тарбиявий ва тарбиявий аҳамиятини ҳам исботлади.”-дер эканўз тадқиқотида бу фикр ҳам халқларни яқинлаштиради ва барча халқнинг тили, маданиятини қўллабқувватлаши билан диққатга сазовордир.

## O‘QUV LUGATLARI TALQINI VA TAVSIFI

**Xolmuradova Jamila Irmetovna**
**Toshkent amaliy fanlar universiteti dotsenti,**
**filologiya fanlari nomzodi**
**tel:+998 995652595 e-mail:**jamilaxalmuratova66@gmail.com

**Аннотация:** Мақалада лексика, сөздіктер, оқу лексикасы, оның түрлері, сипаттамасы және жіктелуі туралы түсінік берілген.

**Түйінді сөздер:** Лексикография, сөздік, оқу сөздігі, сипаттау, сипаттау, жіктеу, психологиялық, социологиялық, лингвистикалық, семиотикалық, заманауи, лексика-грамматикалық.

**Annotation:** The article describes the concept of vocabulary, dictionaries, educational vocabulary, its types, description and classification.

**Keywords:** Lexicography, dictionary, educational dictionary, descriptive, description, classification, psychological, sociological, linguistic, semiotic, modern, lexical-grammatical.

Lug‘at – bu ma‘lum bir til so‘zlarining muayyan bir maqsad, mavzu ostida jamlangan yig‘indisi bo‘lib, so‘zlarni to‘g‘ri yozishda, ma‘nosini, etimologiyasini aniqlashda, tarkibini tahlil qilishda, jumla tuzishda, biror tushuncha haqida qo‘shimcha ma‘lumot olishda lug‘atlar yordamga keladi. Lug‘atlar o‘quvchining fikrlash qobiliyatini kengaytiradi, fanning turli sohalari, texnika, san‘at, adabiyot, nutq madaniyatini egallashda, milliy madaniyatni o‘zlashtirishda muhim rol o‘ynaydi.

Taniqli fransuz yozuvchisi A. Frans lug‘atlar haqida to‘xtala turib «…lug‘at – alfavit tartibida joylashtirilgan xazina. Agar yaxshiroq o‘ylab ko‘radigan bo‘lsak, lug‘at – bu kitoblarning kitobi. U boshqa barcha kitoblarga yo‘l ochadi…»,- degan edi.

Lug‘atlar sivilizatsiya yo‘ldoshi, milliy til xazinasi hamdir. «Har qanday so‘z, - yozgan edi XIX asr tilshunosi, akademik I. I. Sreznevskiy, - xalq o‘tmishidan darak beradi. So‘zda o‘zgarish bo‘lgan bo‘lsa hayotda ham o‘zgarish bo‘lgan bo‘ladi, jamiyatdagi o‘zgarish so‘zda aks etadi». O‘zbek xalqining betakror durdonasi «Devonu lug‘otit turk»ning tarix, til, adabiyot, jug‘rofiya, tibbiyot, madaniyat, san‘at

va boshqa oʻnlab tarmoqlar haqidagi qimmatli maʻlumotnoma ekanligi buning yaqqol dalilidir.

Lugʻatchilikning tadrijiy taraqqiyoti deyiganda koʻp oʻrinlarda tarjima lugʻatlari – lingvistik lugʻatlar – qomusiy lugʻatlar – ta'limiy oʻquv lugʻatlari – elektron lugʻatlar ketma-ketligi keltiriladi. Aslida, jahon tilshunosligida lugʻatchilik tarixi yuzasidan olib borilgan tadqiqotlar lugʻatlarning ilk koʻrinishlari ta'limiy maqsadlarda yaratilgan degan xulosaga olib kelmoqda.[95]

Lugʻatlar ilmiy lingvistik adabiyotlar ichida tillararo munosabatni ta'minlash, tilning grammatik qurilishini tadqiq qilish, til me'yorlarini belgilash, jamiyat a'zolarining milliy tafakkuri, nutq boyligini oʻstirish, ijtimoiy-siyosiy ongni shakllantirish, shuningdek, ta'lim samaradorligini oshirishdagi bebaho xizmati bilan alohida ajralib turadi.

Xususan, ikki tilli lugʻatlar, "Oʻzbekcha-ruscha lugʻat" ustida olib borilgan ishlar izohli lugʻatni yaratish uchun tayyorgarlik boʻldi, unga zamin hozirladi. Bu ishlar davomida oʻzbek tilining izohli lugʻati va oʻzbekcha-ruscha lugatlarning tuzilishi uchun umumiy boʻlgan koʻpgina masalalar, jumladan, lugʻatda bosh soʻzlarning shakli, soʻz tanlash prinsiplari, soʻzlarning ma'noviy, uslubiy va grammatik tavsiflari, leksikografik belgilar tizimi va boshqa masalalar amaliy ravishda hal etildi. 60 ming soʻz va soʻz birikmasini qamrab olgan 2 jildli "Oʻzbek tilining izohli lugʻati" (M., 1981), 2 jildli "Ruscha-oʻzbekcha lugʻat" (Toshkent, 1993—94) hamda 1 jildli "Oʻzbekcha-ruscha lug'at" (Toshkent, 1998)larning nashr etilishi oʻzbek lugʻatchiligi tarixida yangi bosqichni boshlab berdi.

Amaliy leksikografiya sohasida erishilgan muayyan muvaffaqiyatlar bilan bir qatorda lugʻatchilikning nazariy muammolariga — lugʻatshunoslikka ham e'tibor qaratildi va izohli hamda ikki tilli lugʻatlarning ma'lum leksikografik masalalarini hal etishda orttirilgan boy tajribani, shuningdek, bu sohadagi mavjud kamchiliklarni yoritishga bagʻishlangan bir qator ilmiy ishlar ham amalga oshirildi. Bunday izlanishlarning natija va xulosalari tuzilajak lugʻatlarning sifatini yaxshilashga yordam berishi shubhasiz.

Bu oʻrinda shuni ta'kidlash kerakki, oʻzbek tilining turli tarixiy davrlariga, turli funksional uslublariga oid bitmas-tuganmas soʻz boyligini toʻla-toʻkis qamrab olish uchun ma'lum xronologik chegaralarga ega boʻlgan, aniq maqsadga moʻljallangan lugʻatlar tuzish taqozo etiladi. Masalan, Alisher Navoiy va boshqa mumtoz shoirlarning asarlarini oʻqish uchun maxsus lugʻat zarur, chunki eski oʻzbek tili hozirgi oʻzbek adabiy tilidan lugʻat tarkibi jihatidan ham, grammatik qurilishi jihatidan ham sezilarli farq qiladi. Bunday lugʻatlar tuzilgan va nashr etilgan ham. Masalan, P. Shamsiyev va S. Ibrohimovlarning "Navoiy asarlari lugʻati" (Toshkent, 2002). Bu lugʻat birinchi marta 1953 - yilda "Oʻzbek klassik adabiyoti asarlarini oʻqish uchun qisqacha lugʻat" nomi bilan nashr etilgan edi. 1983-85-yillarda esa prof. E. I. Fozilov rahbarligida shoir asarlari tilining toʻrt jildli ancha mukammal lugʻati nashr etildi.

Oʻzbek tili leksikasi, hatto XX asrning oʻzini olib qaraganda ham, tarkib jihatidan bir xil emas. Unda ayrim mualliflar tomonidan ishlatilgan, lekin hali oʻzbek adabiy tiliga kirib ulgurmagan, shuningdek, shevalarga oid soʻzlar ham anchagina. Bundan tashqari, Oʻzbekistonda qadimdan rivojlangan kasb-hunarlarga oid, faqat

[95]П.Н.Денисов. Об универсальной структуре словарной статьи. – В.кн.: Актуальные проблемы учебной лексикографии. Сост. В.А.Редкин. М., «Русский язык», 1997., 320 с. - С-208.

hunarmandlar oʻrtasida ishlatiladigan leksika yoki XX asrda oʻzbek tilida paydo boʻlgan son-sanoqsiz ilmiy-texnikaviy terminlar borki, bularning hammasini bitta lugʻatga sigʻdirib boʻlmaydi. Ayni shu sababli kasb-hunar, sheva lugʻatlari, terminologik lugʻatlar tuzish tajribasi ham mavjud. Bu jihatdan S. Ibrohimovning uch qismdan iborat "Fargʻona shevalarining kasb-hunar leksikasi" lugʻati (Toshkent, 2010-13), O. Usmon va R. Doniyorovlarning "Ruscha-internatsional soʻzlar izohli lugʻati" (Toshkent, 1965; 3-nashri - 2012), akademik Sh. Shoabdurahmonov tahriri ostida nashr etilgan "Oʻzbek xalq shevalari lugʻati" (Toshkent, 2012), Olim Usmon rahbarligida tuzilib nashr etilgan "Ijtimoiy-siyosiy terminlar lugʻati" (Toshkent, 2014) va boshqa oʻnlab lugʻatlar e'tiborga loyiq.

Oʻquv lugʻatchiligi tarixini oʻrganish harakatlari Yevropa tilshunosligida ham, oʻzbek tilshunosligida ham umumiy lugʻatchilik masalalarini oʻrganishdan ikki-uch asr keyin boshlangan. Koʻrinib turibdiki, lugʻatchilik tarixi umumiy holatda oʻrganilgan. Aslida, mantiqan yondashadigan boʻlsak, kichik hajmli dastlabki ruscha-oʻzbekcha, oʻzbekcha-ruscha tarjima lugʻatlari, shuningdek, mumtoz shoirlar ijodini oʻrganish uchun xizmat qiladigan lugʻatlar oʻzbek oʻquv lugʻatlarining dastlabki namunalari edi.

Oʻquv lugʻatlarining tavsifi va tasnifi haqida to`xtaladigan boʻlsak,har qanday lugʻat biror mavzudagi tizimlashtirilgan maʻlumotlar jamlangan didaktik asardir. Oʻquvchilar uchun maxsus lugʻatlar yaratish fikri umumiy lugʻatlar bilan ishlash, ularni yaratish jarayonida paydo boʻlgan. «Oʻquv lugʻati» termini birinchi marta rus tilshunosligida Y. D. Polivanovning «Qisqacha ruscha-oʻzbekcha lugʻat»ga yozgan kirish soʻzida ishlatiladi. Muallif lugʻatni tavsiflar ekan «…oʻz hajmiga koʻra lugʻat maʻlumotnoma lugʻatlar sirasiga kirmaydi, u koʻproqoʻquv lugʻati tizimiga tegishlidir…»,[2] – deydi.

Oʻquvchilarning ijodiy tafakkuri, mustaqil fikrlash darajasi, ijodiy fikr mahsulini ogʻzaki va yozma shakllarda ravon bayon etishga olib keladigan qimmatli va boy soʻz zahirasini vujudga keltiradigan kichik hajmli lugʻatlarga oʻquv lugʻatlari deyiladi. Oʻquv lugʻatlari oʻquv jarayoni bilan aloqador boʻlib, sekinlik bilan oʻquv kompleksining toʻlaqonli a'zosiga aylanib boradi, oʻquv mashgʻulotlariga, darslikka moslashtiriladi. Lugʻat maqolalari sodda, aniq, tushunarli, hajman kichik, oʻquvchilarning yosh xususiyatlariga mos boʻladi.

Oʻquv lugʻatlarining asosiy tavsifiy belgilari quyidagilar:

1. Darslikka moslashtiriladi. Oʻquv lugʻatlari oʻquv jarayoni bilan aloqador boʻlib, sekinlik bilan oʻquv kompleksining toʻlaqonli aʻzosiga aylanib boradi, oʻquv mashgʻulotlariga moslashadi.

2. Hajman kichik boʻladi. Hali oʻquv lugʻatchiligi ommalashmagan davrlardayoq, lugʻatlar xususida toʻxtala turib L.V. Sherba «barcha qisqa lugʻatlar foydalanuvchida oxir-oqibat bezovtalik keltirib chiqaradi. Kichik lugʻatlar maxsus toifadagilar uchungina yaratilishi mumkin…», – deya oʻquv lugʻatlarining hajman kichik boʻlishiga ishora qilib ketgan edi. Chunki katta hajmli lugʻatlar bilan ishlash maktab oʻquvchilarida turli noqulayliklarni keltirib chiqaradi.

3. Soʻzlik sodda va tushunarli boʻladi. Lugʻat maqolalarining tuzilishi, jumlalarning sodda, aniq va tushunarliligi, oʻquvchilarning yosh xususiyatlariga mos soʻzlarni, eng zarur maʻlumotlarni qamrab olishi, izohlarning soʻzning eng muhim qirrasini aniqlashga qaratilganligi, maqsadga aniq yoʻnaltirilganligi, fydalanish uchun qulayligi bilan ham boshqa turdagi lugʻatlardan farqlanadi. Oʻquvchi lugʻatni qoʻlga

olgandayoq nimaga moʻljallangani, undan qanday maʻlumotni izlash mumkinligi hamda foydalanish yoʻllarini bila olishi lozim.

4. Estetik didga mos boʻladi. Maqsadli ravishda yetarli va zaruriy bezaklar – rasmlar, qoʻshimcha materiallar bilan boyitilishi, leksikografik simvolikaga kam yoʻl berilganligi bilan ham xarakterlanadi.

5. Mashqlar ilova qilinadi. Oʻquv lugʻatlarining oʻquv uslubiy qurilmasi lugʻatdagi maʻlumotlarga munosabat bildirishga jalb qiluvchi qoʻshimcha savollar tizimi, leksikografik belgilarningsodda izohi, diqqatni tortadigan noanʻanaviy usullarda tuzilgan lugʻat bilan ishlashmashqlari bilanboyitilishi lozim.

6. Adabiy til me'yorlarini oʻrgatadi. Lugʻatlarning aksariyati adabiy til me'yorlarini belgilash vazifasini bajaradi. Lugʻatning me'yoriyligi shundan iboratki, unda adabiy tilning imlo, talaffuz, soʻz yasash va uni ishlatish me'yorlari tavsiya etiladi. Buning uchun soʻzlar lugʻatga, oʻzlarining umummilliy adabiy tilga munosabati, unda tutgan oʻrni va qoʻllanish doirasiga koʻra tanlab kiritiladi. Lugʻatda har bir soʻzning maqbul yozilish shakli, (oʻzlashma soʻzlarning) kelib chiqishi — etimologiyasi, zarur hollarda, talaffuzi koʻrsatiladi, ma'nosi (yoki ma'nolari) aniqlanadi va izohlanadi, soʻzlarning aniqlangan ma'nolari va shu ma'nolarda toʻgʻri qoʻllanishi oʻzbek badiiy va ilmiy adabiyotidan, matbuotdan olingan misollar — iqtiboslar bilan dalillanadi.

Lekin me'yorni payqash, me'yoriy holatlarni ajratib olish oson ish emas. Shu sababli adabiy til me'yorlarini belgilashda lugʻatda ayrim kamchiliklar, munozarali, bahsli hollar boʻlishi tabiiydir. Lugʻatning yuzaga kelishi, adabiy til me'yorlarini qat'iy, barqaror holga keltirish bilan birga, unda uzil-kesil hal etilmagan masalalarni aniqlash va bartaraf qila borish uchun ham yordam beradi.

Shuni ham alohida qayd etib oʻtish kerakki, me'yoriy lugʻat adabiy til me'yorlarini belgilashga intilar ekan, me'yorlarni abadiylashtirmaydi. Chunki til me'yorlari ham, tilning oʻzi kabi, ijtimoiy taraqqiyot bilan bogʻliq holda oʻzgarib, rivojlanib turadi.

Oʻquv lugʻati bilan ishlash oʻquvchining nafaqat mustaqil fikrlash va nutqiy savodxonligini oʻstiradi, balki unda lugʻatlarga boʻlgan qiziqishni orttiradi; umumiy va akademik lugʻatlardan foydalanish koʻnikmasini shakllantiradi.

Lugʻat oʻquvchining har doim yonida boʻla oladigan beminnat yordamchisi, soʻz zahirasini boyitadigan manba, toʻgʻri yozish, toʻgʻri talaffuz, soʻz tanlash imkonini beradigan bebaho xazinasidir. Lugʻat beradigan yordamni oʻquvchi oʻqituvchisidan, ota-onasidan va boshqa kishilardan soʻrab bilib olishi ham mumkin. Lekin ularning hech biri bolaning lugʻatlarchalik maʻlumotlarga boy doimiy va beminnat hamrohi boʻla olmaydi.

Oʻz davrida oʻquv lugʻatchiligi masalalari ustida uzoq izlanishlar olib borgan V. G. Gak lugʻatchilik tarixini oʻrganib chiqish asosida leksikografiyaning bugungi kundagi asosiy tarmoqlarini ajratib beradi. «…bundan buyon, - deydi Gak, - leksikografiya toʻrt yoʻnalishda ish olib boradi:

1. Tavsifiy leksikografiya – tildagi barcha soʻzlarni – eskirgan, yangi kirib kelgan, hattonihoyatda kam qoʻllaniladigan soʻzlarni ham qamrab olib jamlash, qayd etish bilan shugʻullanadi;

2. Meʻyoriy leksikografiya – yozuv, talaffuz meyorlarini aks ettiradi, soʻzlarning qoʻllanish doirasi, ma'nosini aniqlashtiradi.

3. Lingvistik leksikografiya – har bir tilning etimologik, tarixiy, qiyosiy lug‘atlarini yaratadi.

4. O‘quv va amaliy leksikografiya – maktab uchun bir tilli, ikki tilli lug‘atlar, ma’lumotnomalar, so‘zlashgichlar tuzish bilan shug‘ullanadi»[96].

Nazariy leksikografiya o‘quv lug‘atlarini yaratishda amal qilinishi muhim bo‘lgan quyidagi mezonlarni ajratadi:

Psixologik o‘lchov – o‘quvchining yosh xususiyati bilan bog‘liq ma‘lumotlarni qamrab olish, lug‘atlarni kichik, o‘rta, katta yoshdagi o‘quvchilarga moslab tuzishga asoslanadi. Ma’nodosh so‘zlar o‘quv lug‘ati boshlang‘ich sinflar uchun tuzilganda shu yoshdagi bolalarning nutqida keng uchraydigan so‘likdan tashkil topadi. O‘rta-maxsus ta’lim bo‘g‘ini uchun yaratilgan shu mavzudagi lug‘at so‘zlikning qamrovi, murakkabligi, hajmi bilan yosh bolalar uchun foydalanishda, birinchidan, noqulaylikni keltirib chiqarsa, ikkinchidan, ularning lug‘at boyligida uchramaydigan tushunarsiz so‘zlarni ham qamrab olishi bilan lug‘at bilan ishlashni qiyinlashtiradi.

Sotsiologik o‘lchov – lug‘atni aniq bir mamlakat, millat kishisiga, shu millatning milliy madaniyatiga xoslaydi. Chet ellik maktab o‘quvchilariga mo‘ljallab yoki chet tilini o‘rganishga mo‘ljallab tuzilgan lug‘atlar lingvomamlakatshunoslik, lingvodidaktik xususiyatga ega bo‘ladi. Har qanday lug‘atda lug‘at foydalanuvchilari mansub millatning urf-odatlari, tabiati, iqlimi, milliy ruhi aks etmog‘i lozim.

Lingvistik o‘lchov – lug‘at so‘zligi bilan bog‘liq bo‘lib, lug‘at maqolalarining berilishi, so‘z ma‘nolarini sharhlash, turdosh lug‘atlarda (ma‘nodosh so‘zlar, zid ma‘noli so‘zlar, darajalanuvchi so‘zlar, talaffuzdosh so‘zlar, uyadosh so‘zlar lug‘atlari) fikrlar uzviyligini ta‘minlash, ortiqcha takrorlar, bir so‘zni ikki o‘rinda baholash kabi muammolarni tartibga soladi.

Semiotik (ishoraviy) o‘lchov – lug‘atdagi leksikografik simvolika, shartli belgilar, qisqartmalardan foydalanish bilan bog‘liq muammolarni nazorat qiladi.Qaysi o‘rinda qora harflar, ostiga chizilgan yoki yotiq harflar qo‘llanilishi, arab rim raqamlari, qavs, yarim qavs, to‘rtburchakli qavs, tirening ishlatilishi va hk.lar bilan shug‘ullanadi.

Ingliz lug‘atshunoslaridan biri S. Jonson “agar mexanizm o‘zining mukammal qurilishi bilan muhandisni hayratlantirsa-yu, ammo uning qo‘llanilishida chuqur bilim talab etilsa, bu oddiy ishchi uchun mutlaqo befoydadir. Lug‘at ham qanchalik mukammal bo‘lmasin, ishlash uchun qiyinchilik tug‘dirsa, uning foydasi kamayadi. Lug‘at ham mukammal, ham qulay bo‘lishi kerak[97]”, – deydi. Bu ta’rif uning aynan o‘quv lug‘atlariga ishora qilayotganini ko‘rsatib turibdi.

Bugungi kunda jahon tilshunosligida o‘quv lug‘atlarining o‘z ichida yana bir necha mavzuviy lug‘atlarni birlashtiradigan ellikdan ortiq turi yaratilgan. Zamonaviy leksikografiyada o‘quv lug‘atlarining quyidagi turlari ajratiladi:

**1. O‘quv-izohli lug‘atlar** – muayyan tilda mavjud so‘zlarni alfavit tartibida yoki mazmuniy guruhiga ko‘ra atash ma’nosini izohlaydigan lug‘atlar.

**2. O‘quv-tezaurus tipidagi lug‘atlar** – har bir so‘z haqida tilda mavjud bo‘lgan barcha ma’lumotlar jamlangan lug‘at turi.

**3. O‘quv-ideografik lug‘atlar** – bir mazmuniy uyaga mansub so‘zlarni tizimlashtirib guruhlaydigan lug‘at turi.

---

[96]В.Г.Гак. О.Некоторых закономерностях развития лексикографии (учебная – обшая лексикография в историческом аспекте) С-19. - В кн.: Актуальные проблемы учебной лексикографии. Сост. В.А.Редкин. М., «Русскийязык», 2007., 320 с.

[97]Johnson S. Theplan of a dictionarv.L., 2007, p.15.

**4. Ikki tilli va ko‘p tilli o‘quv lug‘atlari** – tarjima lug‘atlari.

**5. O‘quv-orfografik lug‘atlar**– so‘zlarning to‘g‘ri yozish meyorlari qamrab olinadigan imlo lug‘atlari.

**6. O‘quv-orfoepik lug‘atlar** – to‘g‘gi talaffuz meyorlari aks etadigan lug‘at turi.

**7. Tarixiy va etimologik o‘quv lug‘atlari** – tildagi so‘z va birikmalarning kelib chiqish tarixi izohlanadigan lug‘at.

**8. O‘zlashma so‘zlar o‘quv lug‘ati** – tilda qo‘llanayotgan o‘zlashma va yangi so‘zlar ma’nosi izohlanadigan lug‘at.

**9. Chastotali o‘quv lug‘atlari** – lug‘at qatlamidagi so‘zlarni qo‘llanish darajasiga ko‘ra tartiblaydigan lug‘at turi. Biror asar leksikasi misolida yaratilishi ham mumkin. Faol va passiv ishlatilgan so‘zlar aniqlanadi.

**10. Frazeologik o‘quv lug‘atlar** – tilda mavjud bo‘lgan barqaror birikmalar, ibora, tasviriy ifodalar ma’nosi izohlanadigan lug‘at.

**11. Chappa lug‘at** – so‘zlik tugagan harfiga ko‘ra alfavitlanadigan lug‘at turi.Til ilmi bilan maxsus shug‘ullanuvchilar, ijodkorlar uchun yaratiladi.

**12. Grammatik o‘quv lug‘atlari** – so‘zlarning morfologik va sintaktik tabiati yoritiladigan lug‘at turi.

**13. So‘z tarkibi o‘quv lug‘ati** – so‘zlarning eng kichik ma’noli qismlari – morfemalar, ya’ni so‘z tarkibini ajratishga qaratilgan lug‘atlar.

**14. So‘z yasalishi o‘quv lug‘ati** – tildagi yasama so‘zlarning so‘z yasalish uyasi tahlil qilinadigan lug‘at.

**15. So‘z birikuvchanligi o‘quv lug‘ati** – sintaktik xarakterda bo‘lib, so‘zlarning lug‘aviy valentlik imkoniyatlari aks etadigan lug‘at turi.

**16. Terminologik o‘quv lug‘atlari** – ma’lum bir soha, fan-texnika, kasb-hunar doirasida qo‘llanadigan atamalar lug‘ati.

**17. Dialektal lug‘atlar** – shevaga xos so‘zlar izohlanadigan lug‘at.

**18. Sinonimlar, omonimlar, antonimlar, paronimlar o‘quv lug‘ati**– so‘zlarning shakl va ma’no munosabatiga ko‘ra turlari qamrab olinib ma’nosi izohlanadigan lug‘at.

**19. Ko‘p ma’noli so‘zlar o‘quv lug‘ati**– tildagi ko‘p ma’noli so‘zlar ma’nosi izohlanadigan lug‘at.

**20. O‘quv toponimik lug‘at** – geografik joy nomlari ma’nosi izohlanadigan lug‘at.

**21. Qisqartma so‘zlar o‘quv lug‘ati** – tilda mavjud qisqartmalar ma’nosi va tarkibi izohlangan lug‘at turi.
**Аннотация.** Мақолада ҳозирги адабий жараёнда яратилаётган ҳикояларда бадиий деталнинг қўлланилиши ва унинг аҳамияти Зулфия Қуролбой қизи ва Абдуқаюм Йўлдошев ҳикоялари мисолида ўрганилади.

**Annotation.** In the article, the use of literary detail in the stories created in the current literary process and its importance is studied on the example of the stories of Zulfiya Kurolboy kizi and Abduqayum Yoldoshev.

**Калит сўзлар:** жанр, ҳикоя, бадиий деталь, образ, характер, рамзий маъно, бадиий тасвир воситалари.

**Key words:** genre, story, literary detail, image, character, symbolic meaning, literary image tools.

Ҳозирги адабий жараёнда ҳикоя жанрининг ўзига хос хусусиятларини бири шуки, ҳикоячиликда дастлаб материал танлай билиш, кичик бир эпизод билан катта ҳаётий воқеани бера олиш қобилияти бўлиши керак. Маълумки, ижод қилишдан мақсад китобхонни муаллиф фикри ва ҳис -туйғуси билан ошно қилишдан иборатдир. Бадиий асар мукаммаллигига воқеликни батафсил тасвирлаш орқали эришилади. Бироқ батафсил тасвирлаш кўпроқ роман жанрига хос бўлиб, ҳикоя ҳажман кичик бўлганидан муаллиф ўз ниятини кўпроқ деталларга юклашга ҳаракат қилади. Деталлаштириш ихчамликка олиб келади. Горкий айтганидек, ҳикояда муҳими детал топишдир. [1,67] Профессор Й.Солижоновнинг "Деталлар тилга кирганда" мақоласида қуйидаги фикрлар келтирилади: "Ёзувчи фикрича, агар деталь топилса, ҳикоядаги характерларни ёритиб бера олади ва ундан сюжет ҳам, фикр ҳам, ғоя ҳам ўсиб чиқаверади. Ҳикояда келтирилган бадиий детал худди томчида қуёш акс этганига ўхшайди: энг кичик детал ўзида асарнинг бутун мазмун-моҳияти ва ғоясини ўзида мужассам эта олиши мумкин. Яхлитлик ва тугалланганлик ҳикоя жанрининг энг

муҳим хусусиятлари ҳисобланади ҳамда уларни таъминлашда деталнинг ўрни жуда аҳамиятлидир.

Бадиий деталь, аввало, бадиий воқеликни тўлақонли ва конкрет ҳис этиладиган даражада жонли тасвирлашга хизмат қилади. Бироқ бадиий асардаги деталнинг функцияси шунинг ўзи билан чекланмайди. У бадиий воқелик ашёси бўлиш билан бирга, бадиий умумлаштиришга интилади, ёзувчи фикрини аниқлаштириш, тўлдириш, кучайтириш мақсадларига ҳам хизмат қилади.[2, 88]

Ҳозирги адабий жараёнда ижод қилаётган ижодкорлардан Зулфия Қуролбой қизи ҳамда Абдуқаюм Йўлдошевлар ҳам ўз ҳикояларида бадиий детальдан маҳорат билан фойдаланиб келмоқдалар. Жумладан, Зулфия Қуролбой қизининг "Тафаккур" ва Абдуқаюм Йўлдошевнинг "Пуанкаре" ҳикояларида қўлланган бадиий деталлар ҳар икки ижодкор асарларида рамзий маъно жиҳатидан муштаракликни акс эттиради. Хусусан, Зулфия Қуролбой қизининг "Тафаккур" ҳикоясида қўлланилган **телевизор** "дилбузар" деб номланишида ҳам ўзига хос рамзийлик мавжуд ва айни "дилбузар" ҳикоянинг бош қаҳрамони Тангрибердининг отаси Довул тегирмончи нутқида намоён бўлади ҳамда ўғли *"раисникида дилбузар кўриб катта бўлиши"* , *"Шохмот деган балони дилбузарда кўриб, дувона бўлиши ..."* каби воқеалар тасвирланади. Ўғлининг истеъдоди ва қизиқишларига бефарқ бўлган Довул тегирмончи турли мусобақаларга ҳам рухсат бермайди: *"Шохмот сенга ош-нон берармиди?! – деб бақирарди у жазаваси қўзиганидан шахмат тахтаси-ю доналарини дуч келган томонга улоқтириб юбораркан .– Қаёқдаги бекорчиларнинг ўйинига ишқи тушгани-чи! Артисликка қизиққанингдаям майлийди. Бир тўйга борсанг, дунёнинг пулини топасан-ку... Савлатинг ҳам артисларга мос..."* Дарҳақиқат, *"ёшига нисбатан бўйи бироз новча, бунинг устига жудаям ориқ-озғин бўлган Тангриберди дала ишлари тугул, уй юмушларига ҳам уқувсиз эди. Унга бирор ишни ишониб топшира олмаслигидан отасининг хуноби ошарди"*. Лекин отасининг ҳар қандай танбеҳ ва дўқларига сукут сақлар ва Тангрибердининг *"қайсидир авлодидан ўтган фавқулодда иқтидори, куч-қуввати ана шу сукутда мужассамлашгандек эди"*. Армиядан қайтиб келган Тангриберди яна кетиши кераклигини, у ерда ҳам кўплаб шахмат мусобақаларига қатнашганини айтганида, отаси ғазабланиб ўғлининг *"қалин муқовали ёрлиқлари"* ни ва Тангрибердининг *" яп-янги, бир қўл ўйналган шахмат тахтаси"* ни ҳам ўтга ташлайди. *"Қоғозлар гуруллаб бир зумда ёниб битди"* , *"шахмат тахтаси эса ... бир ловуллади-ю, кейин нимагадир тутай бошлади"* . Юқорида келтирилган парчадаги **шахмат тахтаси** ҳам рамзий маънога эга бўлиб, у Тангрибердининг бутун ҳаётининг мазмуни, орзу-истаклари рамзидир*: “Тангриберди учун оқ-қора катакларда дунё бор бўй-басти билан намоён бўлар, ғам-ташвиш, қувонч-шодлик, ҳаяжон-у эҳтирос – ҳамма-ҳаммаси айни ўша олтмиш тўрт катакка жо бўлгандек гўё”* . Ҳикояда келтирилган Довул тегирмончи очарчилик даврида қийин кунларни бошдан кечирган оддий халқнинг типик вакилидир. *Унинг “ Тегирмончилик улуғ мартаба. Шунинг ортидан саккиз жон кавшаниб турибди ахир!..”* нутқидан ҳам англаш мумкинки, бу касбдан айрилиб қолиш оиланинг тинчлиги йўқолишига сабаб бўлади, чунки тегирмон асосий тирикчилик манбаи бўлиб, ўз даврида бошқа касбларга қараганда яхши даромад келтирган. *“Тегирмончининг мақсади тегирмон талаш-тортиш бўлиб қолмасдан уни*

*ўғлининг қўлига топшириш эди. Вақт вужуд либосини эскиртиряпти. Соч-соқоли гард қўнмаса ҳам оппоқ бўлиб боряпти…Ўғли мактабни тамомлаши билан барча расм-русумларни адо этиб, “мерос”ни эгасига топширади-қўяди!”.* Бундан ташқари, ҳикоядаги **тегирмон** детали кут-барака, миллийлик рамзи ҳамдир. Воқеалар ривожи тасвирларида *“Яқин уч-тўрт йилдан буён хўжаликда буғдой экиладиган ерлар кескин камайтирилган, унинг ўрнига* ***турли навдаги ток кўчатлари*** *ўтқазилиб, гектар-гектар ерлар узумзорга айлантирилмоқда”* лиги келтирилади…Узумдан кўнгли тўлмаганлар оғзи ботир деб тегирмончининг эски ошнаси бўлган Қўзибойни раис билан гаплашгани юборганида Эшбойевнинг жаҳли чиқиб, шундай дейди: *“Бу узумларнинг навини Грузиядан опкелтирганман. Грузиядан! Бундан зўр вино ишлаб чиқарса бўлади. План тўлганидан кейин ортган узумлар ириб-чириб ётмасин, силар ҳам бир ўзларингни синаб кўринглар”* . Юқоридаги парчада кўриниб турибдики, оддий қишлоқ ҳаётига, халқ ҳаётига янги одат, маданият кириб келяпти ва бунинг таъсирида *“ Энди билган ҳам, билмаган ҳам мусаллас тайёрлаш билан андармон бўлиб қолган” , “Энди одамлар кечқурунлари уч- тўртта бўлишиб бир ерда тўпланишар, мусаллас солинган идишнинг таги кўриниб қолгунча ичишар, кейин… кейин эса…чексиз бахтиёр кимсалардек ширакайф кўзлари сузилганча… қартабозлик қилишарди”* . Мана шу тасвирларда ҳам Зулфия Куролбой қизининг даврни бадиий тасвирлаш маҳорати намоён бўлади.

Абдуқаюм Йўлдошевнинг "Пуанкаре" ҳикояси мазмунан "Тафаккур" ҳикоясига яқин. Ҳикоя вақт ҳақидаги мулоҳазадан бошланади ва **портфел** деталининг тасвири келтирилади: *" Вақт таъсирини ўтказмайдиган нарсанинг ўзи қолмабди. Ҳатто асл мол ҳам унинг қошида ожиз екан. Бундан ўттиз беш йил бурун Масковда мана шу портфелни нақ бир юз йигирма рублга олаётганимда сотувчи "Тоза чарм. Сизга юз йил хизмат қилиб беради. Ҳатто бир асрдан кейин ҳам янгидек туради" деб роса оғиз кўпиртирган..."* Бош образ нутқида мана шу каби портфел ҳақидаги тасвирлар рамзий маънода бутунлай бош образ ҳаётига тааллуқлидир. Масалан, *"Юз йил эмиш! Бир асрнинг учдан бирини ўтаб-ўтамай юзимга ўхшаб бужмайиб, қаримсиқ бўлиб қолди, бир хил жойларининг териси кўчган, кал бошимни эслатади"* . Ҳикояда келтирилган портфел детали бош қаҳрамоннинг орзу билан тўла ёшлиги, айни ғайрати тошган даври, энг мураккаб гепотезани ечишга кетган вақти, умридир. Вақт қаҳрамоннинг ёшлиги ва соғлигига ўз таъсирини ўтказганидек, портфелга ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Аммо вақт қаҳрамоннинг орзу -истаклари ва мақсадларини ўзгартира олмади. Ҳикоядаги **гипотеза**нинг ўзи ҳам бадиий детал вазифасини бажариб, у қаҳрамоннинг, оламнинг абадий жумбоғи, ҳаётдаги мақсад ва мазмундир. Ҳикоядаги қаҳрамоннинг гипотезани ечиш билан шуғулланган дамлари *“энг ёрқин, энг мазмунли, энг шодон, энг ҳайратларга тўла кунлари эди”* . Лекин шаҳарда ўқиб, ишлаб яшаётган ва шаҳар ҳаётига ўрганиб қолган қаҳрамон оиласидагиларнинг ихтиёрига кўра қишлоққа қайтгач уйланади. Кейин эса оилавий муаммолар сабаб, севимли машғулотига деярли вақт ажрата олмай қолади. Умиди эса талабалари орасидан иқтидорли шогирд излаш бўлиб қолади. Лекин узоқ излаган шогирди билан биргаликда мақсадга етиша олмайди. Устоз билан танишганига кўп вақт ўтмай, шогирд талаба уйланаётганини айтади. Гўёки тарих такрорланади. Гипотезани эса россиялик

*“институтда катта илмий ходим бўлиб ишлаётган 41 ёшли Григорий Перелман деган математик Пуанкаре гипотезасини тўла- тўкис исботлаб беради-қўяди”* . Бош қаҳрамоннинг узоқ йиллик орзуси армонга айланади, лекин у ҳамон ўз мақсадларидан воз кечмайди. Шунингдек, ҳикоя бош қаҳрамонига исм берилмагани ҳам ўзига хос рамзийликка эга. Муаллиф жамиятдаги ўз мақсадлари йўлида курашаётган инсонларнинг оёғига ”тушов “ бўлаётган *“аллақандай бош-охири йўқ маросимлар- у тадбирлар ”* ни тасвирлаш орқали мана шу қатламга оид инсонларнинг типик вакилини яратган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Зулфия Куролбой қизининг "Тафаккур" ҳикоясида ҳам, Абдуқаюм Йўлдошевнинг "Пуанкаре" сида ҳам бош қаҳрамонлар ташқи муҳит ва таъсирлар сабаб ўз олдиларига қўйган мақсадларига етиша олмайдилар. Тангрибердидаги қизиқиш ва қобилиятларнинг зое кетишига оила аъзолари, ташқи таъсирлар сабаб бўлса, "Пуанкаре" да исми номаълум қолдирилган бош қаҳрамон муваффақиясизликларига ҳам айнан жамият ва ташқи муҳит таъсир кўрсатади. Лекин ҳар икки ижодкор ҳикоясида бош қаҳрамонлар йиллар ўтса ҳам, хасталанганларида ҳам ўз мақсадларидан воз кечмайдилар. Истеъдод ва қобилиятлари бир зум бўлса ҳам енгилишга йўл қўймайди. Икки ижодкорнинг асосий мақсади жамиятдаги турли тўсиқларга қарамай инсон ўз қобилияти, истеъдоди билан ривожланишдан тўхтамаслиги ва мақсадлардан воз кечмаслигини уқтиришдир. Ҳар иккала ҳикояда бадиий деталлардан моҳирона фойдаланилган ва бу асарнинг ғоявий-бадиий қимматини аёнлаштирган. Ҳар икки ижодкорнинг бадиий маҳорати ҳам бадиий тасвир воситаларидан унумли фойдаланганларида яққол намоён бўлади. Ҳозирги адабий жараёнда яратилаётган бадиий ижод намуналарида, асосан, инсон ички олами ва жамият билан муносабатлари янада теран назар билан тасвирланмоқда.

**Фойдаланилган манбалар:**

1. Солижонов Й. Ҳозирги адабий жараён. – Тошкент: Инновация-Зиё, 2020.
2. Қуронов Д. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2013.
3. Бурхонова Феруза. Ҳикояда реалистик ифода ва мажозий тасвир. Ўзбек тили ва адабиёти. 2016/04
4. Қаюмов Абдуваҳоб. Деталь ва бадиий тасвир. Ўзбек тили ва адабиёти. 2008/02
5. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: А.Қодирий, 2004.
6. Улуғов А. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 2017.
7. Бобойев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002.
8. Зулфия Қуролбой қизи. Аёл. Ҳикоялар тўплами. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 2019.
9. Абдуқаюм Йўлдошев. Пуанкаре. – Тошкент: Академнашр, 2019.
10. ziyouz.com сайти.

## YANGI O’ZBEK SHE’RIYATIDA POETIK SHAKL EVRILISHINING TAKOMIL BOSQICHLARI

**Tajibayeva Latofat Farhodovna**
**Qorqalpoq davlat universiteti**
**Filologiya fanlari bo’yicha falsafa doktori (PhD)**
**dilnuram20@mail.ru**

**Аннотация.** Бұл мақалада жаңа өзбек поэзиясының формальды жаңаруына негіз болған факторлар туралы сөз болады. Ағартушылық дәуір әдебиетінің ықпалымен қазіргі әдебиеттің пайда болуы теориялық ойларын мысалдармен дәлелдеу арқылы ашылады.

**Негізгі сөздер.** Поэзия, ағартушылық, заман, Отан, ұлт, ғылым, азаттық, әдебиет, реалистік, күлкілі.

**Abstract.** This article talks about the factors that are the basis for the formal renewal of new Uzbek poetry. The emergence of modern literature under the influence of the literature of the Enlightenment is revealed by proving the theoretical ideas with examples.

**Keywords.** Poetry, enlightenment, modernity, homeland, nation, science, freedom, literature, realistic, comic.

Ma’lumki, yangi ma’rifatparvarlik adabiyoti namayondalari, asosan poeziya yo‘nalishida ijod etdilar. Adabiyotimizning keying taraqqiyot bosqichlarida maydonga kelgan badiiy proza, dramaturgiya janrlari ma’rifatparvarlik adabiyotda uchramaydi. Ma’rifatparvar shoirlar ko‘proq poeziyaning kichik turlarida asarlar yozdilar. Bu hodisaning ma’lum tarixiy sabablari bor, albatta. Bu sabablardan muhimi mumtoz adabiyotimizda poeziya juda keng taraqqiy etgani, ma’rifatparvar shoirlar uchun poeziya sohasidagi mavjud an’analarni davom etirish qulay bo‘lganidir. Bundan tashqari, poetik asarlar xususan g‘azal xalq ommasi orasiga tez singib ketuvchi, xalqning yuksak badiiy didiga hozir javob badiiy shakl bo‘lgani tufayli ma’rifatparvar shoirlar ko‘proq shunga murojaat qilgan.

Shunday qilib, ma’rifatparvar shoirlar poeziyaning kichik turlarida: g‘azal, muxammas, musaddas, murabba, masnaviy, fard, qisman tuyuq va ruboiy janrlarda asarlar yozdilar. Agar Komil Xorazimiyning nasriy tarjimalarini nazarga olmaganimizda, hamma yirik ma’rifatparvar shoirlar – Muqumiy, Furqat, Zavqiy, Avaz O‘tar poeziyasining shu turlarida ijod qildilar. Bu shubhasiz, ma’rifatparvarlik adabiyotning janrlar masalasida ma’lum darajada cheklanganligini ko‘rsatadi. Ma’rifatparvarlik adabiyoti o‘tmishdagi poeziyaning she’riy turlari bilan birga, uning vazni (aruz), qofiya sistemasida, badiiy tasvir vositalaridan ham foydalanib keldi. Shuni aytish kerakki, ma’rifatparvarlik adabiyotning poetik shaklning bir qator elementlaridan foydalanishi, shubhasiz, vaqtincha, o‘tkinchi, shu bilan birga majburiy hodisa edi. Chunki har bir shakl hamisha o‘z mazmunidan keyinda qolib boradi. Shaklning mazmunga tamomila loyiq kelgan vaqti sira uchramaydi, desa bo‘ladi. Shu tariqa yangi mazmun, vaqtincha bo‘lsa ham, eski shakl libosini kiyib turishga majbur bo‘ladi. Lekin ma’rifatparvarlik adabiyoti yangi rearistik mazmunni ifodalashda eski she’riy shakllarni to‘g‘ridan to‘g‘ri o‘z holicha olmadi, ulardan ko‘r-ko‘rona foydalanmadi, balki uni yangi mazmun bilan boyitdi, uning xarakterini, vazifasini, ma’lum darajada o‘zgartirdi. Chunki hamma ijtimoiy hodisalarda bo‘lgani kabi, adabiyotda ham eski narsa oddiy ravishda butkul bekor qilinmasdan, balki yangi narsaga muvofiq ravishda o‘z tabiatini o‘zgartirib boradi. Masalan, ma’rifatparvar shoirlar faoliyatida mumtoz adabiyotdagi eski shakllar (g‘azal, masnaviy, muxammas va boshqalar) ishlatilgan bo‘lsada, bu shakllar mazmun jihatidan ma’lum evolutsiyaga, o‘zgarishga uchradi, eski she’riy turlarning shakli saqlanib qolgan bo‘lsada, mazmuni o‘zgardi. Demak, ma’rifatparvarlik adabiyotdagi g‘azal, muxammas va boshqalar

mumtoz adabiyotdagi, masalan, XV asr poeziyasidagi g'azal, muxammas va boshqalarning xuddi o'zi emas, balki o'zgargan, ma'lum evolutsiyani boshidan kechirgan yangi turidir. Misol uchun Muqimiyning "Hajvi xalifai Mingtepa", Zavqiyning "Hajvi Ichki eshon", Avaz O'tarning "Xalqim", "Sipoxiylarga" asarlarini olaylik. Bu asarlarning hammasi g'azal shaklida yozilgan. Lekin ularni g'oyaviy-badiiy xususiyatlari jihatidan XV asr g'azallariga tenglashtirib bo'lmaydi. Bu g'azallar shakli (bandlar, qofiyasi, radifi) jihatidan XV asr g'azallariga o'xshasa ham, mavzu, g'oyaviy yo'nalishi jihatidan ulardan ancha uzoqlashgan, yangi mazmun bilan boyigan. Bunday holni muxammaslarda ham ko'rish mumkin. Masalan, Zavqiyning "Ajab ermas", Muqimiyning "Xapalak qishlog'i to'g'risida" nomli muxammaslarni g'oyaviy-badiiy jihatlaridan XV asr muxammaslariga tenglashtirib bo'lmaydi. Bunday misollarni ma'rifatparvarlik adabiyotdagi barcha she'riy turlardan keltirish mumkin. Bu misollarda XV asrdagi she'riy turlarning ma'rifatparvarlik shoirlar ijodida o'zining hukmron ishqiy-lirik mavzusini, an'anaviy uslubini tashlab, yangi mazmun, yangi ruhga ega bo'lgani yaqqol ko'rinib turibdi. Demak, ma'rifatparvar shoirlar eski she'riy turlarni yangi tarixiy sharoitda yangi mazmun bilan boyitib, ularni rivojlantirdilar. Bu fikr faqat satiralarga, ijtimoiy mavzuda yozilgan she'rlargagina xos bo'lmay, balki ma'rifatparvarlik adabiyotdagi lirikaga ham aloqadordir.

Ma'rifatparvarlik adabiyotdagi tor-intim lirikada bu evolutsiya, garchi satirada yoki ijtimoiy mavzuda yozilgan she'rlarda bo'lganidek, ravshan, yaqqol ko'zga tashlanib turmasa ham, har holda, ularning g'oyaviy-badiiy xususiyatlarida ma'lum o'zgarish ro'y berdi. Chunki ma'rifatparvarlik adabiyotning yangicha ijodiy-yestetik prinsiplari, ma'rifatparvarlik, xalqparvarlik kabi g'oyaviy asoslari lirikaning ham mohiyatini belgilab qo'ygan, unda yangi g'oyaviy-badiiy xususiyatlarni yaratgan edi. Demak, ma'rifatparvarlik shoirlar eski she'riy shakllarga munosabat masalasida mumtoz adabiyotidan farq qiladilar. Mumtoz adabiyot namoyondalari eski she'riy shakllarni butun g'oyaviy-badiiy xususiyatlarini saqlagan holda, ko'r-ko'rona qabul qilib, XV asr poeziyasining taqlidgo'ylari bo'lib qolgan bo'lsalar, ma'rifatparvar shoirlar masalaga ijodiy yondoshdilar, ularni yangi sifatlar bilan boyitib, adabiy hayotni bir qadam oldinga siljitdilar, rivojlantirdilar. Shubhasiz, ma'rifatparvarlik shoirlar bu sohada o'zlarining bevosita salaflari bo'lgan Maxmur, Gulhaniy,Hoziq kabi shoirlar uslubidan ilhomlandilar, uni davom ettirdilar.

Ma'rifatparvarlik adabiyotdagi hajviyot, satira va yumor bu davr adabiyotidagi asosiy va yetakchi janr sifatida ma'rifatparvarlik adabiyotning mohiyatini belgilovchi ijodiy metodiga ta'sir ko'rsatdi, uning realizmini tanqidiy xarakteriga ega bo'lgan realizmga, ya'ni tanqidiy realizmga aylantirdi. Bu ma'rifatparvarlik adabiyotdagi satira va yumorning eng muhim xususiyati edi.

Ma'rifatparvarlik adabiyotdagi hajviyotning boshqa davr hajvlaridan ajralib turuvchi yana bir muhim xususiyat shuki, bu davr hajviyoti hayotni adabiyotning asosiy obekti bo'lgan kishi-shaxs obrazlari orqali aks ettirishga kirishdi. Turmushuni tipik sharoitda harakat etayotgan tipik xarakterlar faoliyatida aks ettirish adabiyotning balog'atga erishganini ko'rsatuvchi belgilardan biridir. Chunonchi, Muqimiyning "Tanobchilar" satirasidagi Hakimjon bilan Sulton Ali Xo'ja, "Maskovchi boy ta'rifida" asaridagi Hodixo'ja, "Voqeai Viktor" asaridagi Viktor va boshqalar ma'lum ijtimoiy hodisaning mohiyatini gavdalantiruvchi mujassam shaxs obrazlaridir.

Ma'rifatparvarlik adabiyotda sayohatnoma ham yangi janrdir. Adabiyot tarixida sayohat xotiralarini she'riy shaklda bayon qiluvchi bunday asarlar bo'lmagan. Umuman, sayohatlar, sayohat xotiralari esa tarixda ko'p uchraydi. Lekin, ularning deyarli hammasi memuar xarakteridagi asarlar bo'lib, boshqacha badiiy stilistik xususiyatlarga egadir. Ma'rifatparvarlik adabiyotda sayohatnoma janrini yaratishda Muqimiy tashabbuskor bo'ldi. Muqimiy turli yo'nalish (Qo'qon – Farg'ona, Qo'qon – Shohimardon, Qo'qon- Isfara) bilan turli vaqtlarda qilgan sayohati taassurotlarini "Sayohatnoma "nomli asarida bayon etdi. Muqimiy "Sayohatnoma"si o'sha vaqtlarda xalq o'rtasida keng tarqalgan va shuhrat qozongan edi. Bu asar turli variantlarda xalq ichida hozirgacha yashab kelmoqda va san'at havaskorlari tomonida ijro etilmoqda. Muqimiy "Sayohatnoma"si o'z vaqtida naziralarni maydonga keltirdi. Muqimiy "Sayohatnoma" si ruhida uning vaznini, qofiyasini, bandlar tizimini saqlagan holda shoir Zavqiyning ham "Sayohatnoma" yozgani ma'lum. Furqatning, taxminan, 1892-yildagi Hindistonga Xitoyga qilgan safari vaqtida unga hamroh bo'lgan shoir Tajalliyning ham Muqimiy "Sayohatnoma"siga javoban "Sayohatnoma" yozganligi to'g'risida ma'lumot bor. Tajalliy "Sayohatnomasi" bizgacha to'liq yetib kelmagan bo'lib, undan ayrim parchalargina saqlanib qolgan. Furqatning ham "Sayohatnoma" yozgani haqida ma'lumotlar bor. Lekin u hali topilgnicha yo'q.

Demak, ma'rifatparvarlik adabiyotda bir xil ruh va bir xil mavzuda yozilgan mushtarak badiiy xususiyatlar bilan xarakterlanadigan ma'lum janr – "Sayohatnoma" janri tug'ildi va shakllandi. Sayohat xotiralarini bayon etish bu asarlarning hammasi uchun umumiy mavzudir.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Q.Yo'doshev. Yoniq so'z._T.: 2006
2. Qosimov Y. O'zbek she'riyatida poetik fikrning yangilanishi: Filol. fan. nomz. diss... avtoref. – Toshkent, 1991.
3. Jabborov N. CHo'lpon she'riyatining timsollar olami / CHo'lpon va uning adabiy merosi. – Toshkent: Mumtoz so'z, 2018. – B. 38-44.
4. Jabborov N. Cho'lpon she'riyatida milliy istiqlol orzusining badiiy talqini / Cho'lpon ijodi va zamonaviy adabiy jarayon. – Toshkent: Mashhur-press, 2018. – B. 45-52.

## O'QUVCHILAR NUTQINI RIVOJLANTIRISH OMILLARI

**Orimbetova Laura**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi pedagoglarni yangi metodikalarga o'rgatish milliy markazi "Tillarni o'qitish metodikasi" kafedrasi katta o'qituvchisi**
dilnuram20@mail.ru

**Түйіндеме.** Бұл мақалада тілдік білім беруде мәтінмен жұмыс істеу арқылы оқушылардың сөйлеуін, тыңдап түсіну және оқуды түсіну дағдыларын дамыту туралы идеялар берілген. Сондай-ақ мәтінмен жұмыс жасау арқылы оқушылардың ауызша сөйлеуін дамытудың әдіс-тәсілдері де көрсетілген.

**Тірек сөздер:** сөйлеу мәдениеті, сөйлеу, мәтін құрамы, мәтіндегі сөйлемдерді ажырату, жас ерекшеліктері, сөйлеуді дамыту, педагогикалық технологиялар, мәтін, әдістеме.

**Resume.** This article presents ideas about developing students' speech, listening comprehension, and reading comprehension skills by working on the text in language education. Also, methods of developing oral speech of students by working with the text are also shown.

**Key words:** speech culture, speech, text composition, separation of sentences in the text, age characteristics, speech development, pedagogical technologies, text, methodology.

Zamonaviy ta’lim tizimida nutqiy ko‘nikmalarni rivojlantirishga tizimli yondashish, xususan, o‘quvchida tinglab tushunish, o‘qib tushunish, gapirish va yozish ko‘nikmalarini matn ustida ishlash orqali bir mashg’ulotning o‘zida hosil qilish metodikasini ishlab chiqish pedagoglar zimmasidagi vazifaga aylanib bormoqda. Shu bois ham turli nutq vaziyati va barcha nutq uslublariga xos matnlar ustida ishlash orqali o‘quvchilarda tinglab tushunish, o‘qib tushunish, gapirish va yozish ko‘nikmalarini tizimli rivojlantirishning turli xil usullari yaratilmoqda. Ushbu maqola orqali dars jarayonida matn bilan ishlashning bir nechta usul va vositalari haqida so‘z yuritamiz. Dars jarayoni qiziqarli va maroqli bo‘lishi uchun o‘quvchilarga turli xil mavzudagi matnlar taqdim etilishi lozim. Til o‘rgatish bilan birga olam va odam haqidagi tasavvurlarini boyitib borish zarurati mavjud ekan, matnlarni ham shunga monand tanlash zarur.

***1-topshiriq***. “Aqlli hayvonlar” nomli matnni o‘qib beriladi, o‘quvchilar matnlarni tinglab bo‘lgach savollarga javob berilishi lozim.

1. **Qo‘ylar.** Qo‘ylarni ahmoq deb hisoblaganlar yanglishadi: bu jonivorlar keng qamrovli hissiyotlarni namoyon eta olishadi va atrof-muhitning o‘zgarishiga tez moslashishadi. Bundan tashqari, qo‘ylar ajoyib xotiraga ega.

2. **Olmaxonlar.** Olmaxonlar tez o‘rganuvchan hayvon hisoblanadi va ular agar o‘z tengdoshlaridan, ayniqsa, oziq-ovqat o‘g‘irlash bilan bog‘liq bo‘lsa, juda tez o‘rganishadi. Olmaxonlar qishga tayyorgarlik ko‘rish uchun kuzda oziq-ovqat ko‘mishi haqida bilsangiz kerak, ular hayvonlarni aldash uchun va ularning oziq-ovqat ta’minotini himoya qilish uchun oziq-ovqatlarini ko‘mgandek ko‘rsatadilar.

3. **Fillar.** Bu jonivorlar murakkab ijtimoiy vazifalarni bajarish va qayta ishlashda o‘z miyalaridan foydalanishadi. Fillar — barcha jonivorlar orasida eng yaxshi xotira egalari hisoblanadi. Ular hattoki ma'lum bir ma'noda hamdardlik bildirishga ham qodir.

4. **Burunduqlar.** Hayron bo‘lmang, bu kichik mavjudotlar ham ancha aqlli hisoblanadi. Shunchaki ularning intellekti faqat bir vazifani hal qilishga qaratilgan: yegulikni saqlash. Gap yegulik haqida ketganda, burunduqdan aqllisini topish qiyin.

Savollarga javob bering?

1. Qaysi hayvonlar ajoyib xotiraga ega?

___________________________________________________

2. Qo‘ylar tez o‘rganuvchan hayvon hisoblanadi? Shu fikr to‘g‘rimi?

_____________________________________________________

3. Olmaxonlar nima sababdan oziq-ovqatni ko‘mgandek ko‘rsatishadi?

___________________________________________

4. Fillar murakkab ijtimoiy vazifani bajarishda nimadan foydalanishadi?

___________________________________________________

5. Burunduqlarning intellekti qanday vazifani bajarishga mo‘ljallangan?

O'quvchilar javoblarni yozib bo'lgach, o'qituvchi ularga quyidagi savolni beradi"

1. Eng aqlli hayvonlarning ro'yxatini davom qildiring.
2. Hayvonlar hayotimizda naqadar kerakli mavjudot deb hisoblaysiz?
3. Hayvonlarning yordamiga muhtojlik sezganmisiz?

Bu savollarga o'quvchilar og'zaki javob berishlari mumkin.

Nutqiy ko'nikmalarni tizimli rivojlantirishda, aforizmlar, ibratli matnlar bilan bir qatorda ilmiy, publitsistik matnlardan foydalanish yaxshi samara beradi. Shuningdek, o'quvchilarga mashg'ulotlar davomida ilmiy, ilmiy-ommabop matnlar ustida ishlashga ham alohida e'tibor berish lozim. Matnga yo'naltiruvchi o'quv topshiriqlari bir paytning o'zida tinglab tushunish, o'qib tushunish, o'qish va yozish ko'nikmalarini rivojlantira olishi maqsadga muvofiqdir. O'tgan uzoq davr mobaynida biz til ta'limidan o'quvchilarning, asosan, bilimini baholab keldik. Aslida hayotiy vaziyatlarda o'quvchilardan ko'proq ko'nikma va malakalar talab qilinadi, shu ma'noda til ta'limida rivojlantirilishi ko'zda tutilayotgan nutqiy ko'nikmalarni baholashni ham tizimlashtirish zarur. "O'quvchilar yozma nutqini o'stirish, avvalo, egallangan nazariy bilimlarni amaliyotda qo'llay olish malakasi bilan bog'liqdir. O'quvchi savol va topshiriqlar asosida berilgan mashqlarni bajarar ekan, u grammatika qoidalarini yozma nutqda qo'llashga harakat qiladi. Buning uchun har bir o'rganilgan qoida mashqlar bilan mustahkamlanib borilsa, maqsadga muvofiq bo'ladi."[1,15]

***2-topshiriq.*** O'quvchilarga kichik ikkita hikoya matni o'qib beriladi. Matn o'qituvchi o'qib bergach quyidagi shaklda tushib qolgan so'zlarni joy-joyiga qo'yib chiqishlari lozim.

1. "Aqilli va Ahmoq odamni farqi"

Tog' yonbag'rida bir donishmand yashab, u juda kamgap edi. Bir kuni uning oldiga yosh yigit keldi.

– Menga aqlli bilan, ahmoqning o'rtasidagi farqini ko'rsating, – dedi u donishmandga. Donishmand yigitga bir muddat qarab turdi. Keyin esa, qo'li bilan ma'lum bir uzoqlikdagi qoyadan dumalab tushgan toshlarni ko'rsatdi.

– Bunda senga shu toshlar yordam beradi. Ularni qoya tepasiga tashib chiq. Yigit "ho'p" deb, ishga kirishdi. Keyin qabarib, terga botib, ancha vaqt shu toshlarni tashish bilan band bo'ldi. Nihoyat ishni bitirgach, kelib:

– Tashib bo'ldim, – deb aytdi. – Lekin hech narsani tushunolmayapman, ularni aynan nima uchun tashidim? U qanday qilib mening savolimga javob topib berishi mumkin?

– Mana shu ahmoq bilan aqllining o'rtasidagi farqdir, – dedi donishmand.

– Aqlli bu haqida toshni tashishdan oldin o'ylab ko'rgan bo'lardi.

2. "Qor parcha"

Osmondan ikkita qor parchasi yonma-yonlikda tushib kelishar edi.

– Uchish qanchalar yaxshi, to'g'rimi? – deb so'radi ulardan biri.

– Yo'q, – dedi bunga javoban ikkinchisi.

– Uchmayapmiz, axir biz qulayapmiz!

– Lekin yaqinda qo'namiz va birodarlarimiz bilan bir butun qatlamga aylanamiz…

– Qo'ysang-chi… Pastda halok bo'lamiz, bizni oyoq-osti qilishadi!

– Oyoq osti boʻlmaymiz, kunlar iliganda oqar suvga aylanishimizni, hatto daryogacha oqib borishimiz mumkinligina oʻylab koʻrgin…

– Hecham – da! Suvga aylanarmishmiz!…

Erisak ham loyqa suvga aylanamiz, hamda behuda yoʻq boʻlib ketamiz!…

Ular shunday baxs bilan yergacha yetib kelishdi. Keyin… keyin esa har ikkisi oʻz tasavvuridagi taqdirni kutib oldilar.

***Oʻquvchilar matnlarni oʻqib chiqqach quyidagi savollarga javob berishlari kerak.***

***1.*** Aqlli bilan ahmoq odamning farqiga borasizmi, qaysi xususiyati ularni bir-biridan ajratib turadi deb hisoblaysiz.

***2.*** Inson aqlli boʻla turib bilimsiz boʻlishi, yoki bilimli boʻla turib aqlsiz boʻlishi mumkinmi? Nega?

***3.*** “Yaxshi niyat yarim mol” maqolini izohlang.

***4.*** Yuksak marralarga, yaxshi hayotga erishish uchun niyatni oʻzi yetadimi? Buning uchun nimalar qilish lozim deb hisoblaysiz?

Bir paytning oʻzida matn asosida tinglab tushunish, oʻqib tushunish, gapirish va yozish koʻnikmalarini shakllantirishga yoʻnaltirilgan maxsus topshiriqlar tizimi ishlab chiqilib, dars jarayonida qoʻllab koʻrilsa, nutqiy malakalarni tizimli tarzda shakllantirishga erishish mumkin. Til ta’limida oʻqish savodxonligini rivojlantiruvchi turli mavzu va uslublarda yaratilgan, tarbiyaviy xarakterdagi, oʻquvchilarda ishtiyoq uygʼotuvchi matnlar toʻplami va ular bilan ishlashga moʻljallangan oʻquv topshiriqlar tizimini joriy qilish lozim. “Ona tili ta’limi oldida turgan oʻta muhim vazifalardan biri tafakkur sohibini tarbiyalashdir. Tafakkur doirasi keng bolagina ijodiy fikrlay oladi hamda fikrlarini nutq sharoitiga mos ravishda ogʼzaki va yozma shakllarda toʻgʼri, mazmunli, sodda, ravon ifodalay oladi. Shuning uchun ham oʻquvchilarda ogʼzaki va yozma nutq koʻnikmalarini hosil qilish, aniq va teran fikrlash, oʻz fikrlarini ixcham tushunarli bayon qilish malakasini shakllantirish ona tili oʻqituvchilari oldida turgan eng asosiy vazifa hisoblanadi. Chunki bunday malaka va koʻnikmalarni egallagan tafakkur sohibi koʻzda tutilgan til materiallarini shunchaki oʻrganmaydi, balki ularning mohiyatini anglashga, til hodisalari orasidagi oʻxshashlik va farqli tomonlarni aniqlashga kuzatish, qiyoslash, guruhlash, umumlashtirish singari aqliy faoliyat usullarini bajarish vositasida erishadi”.[1,13]

Xulosa oʻrnida aytish mumkinki, nutqiy koʻnikmalarni zarur grammatik ma’lumotlar va turli nutqiy vaziyatlarga tayyorlovchi didaktik matnlar asosida tizimli rivojlantirish oʻquvchilarda hayot uchun zarur boʻlgan kommunikativ, ixtiyoriy nutq vaziyatiga moslashish, oʻz fikrini turli shakllarda ravon va ixcham ifodalay olish malakalarini hosil qilishga yordam beradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. К. Ражапова Нутқий кўникмаларни ривожлантиришга тизимли ёндашишнинг илмий-методик асослари. Педагогика фанлари бўйича фал.д-ри. (PhD) диссертацияси автореферати– Жиззах, 2022

2. Ғ.Ҳамроев. Умумий ўрта таълим мактабларида фонетикага доир ўқув методик таъминотни такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фал.д-ри. (PhD) диссертацияси –Самарқанд. 2019.

3. Mahmudov N., SobirovA., Sattorov Sh., Toshmirzayeva Sh., Mannopova D. Ona tili. 5-sinf oʻuvchilari uchun darslik. Toʻla yangilangan 5-nashr. –T.: Gʻ.Gʻulom nashryoti 2020. 192 b.

4.Yoʻldoshev Q. Yoniq soʻz. T:.2006. Yangi asr avlodi.

5. Ulugʻov A. Asl asarlar sehri. – T.: Gʻafur Gʻulom NMIU, 2007.

ӘӨЖ 811.512.122(075)
UDC 811.512.122(075)

# МАҒЖАН ЖҰМАБАЕВ ӨЛЕҢДЕРІНДЕГІ СЫРШЫЛ СӨЗ ҚОЛДАНЫСТАР

**Қалыбеков Болат Ермекұлы**
**Ж.А.Ташенев атындағы университетінің аға оқытушысы, филология ғылымдарының кандидаты, Шымкент қаласы**
**Айдарбекова Алия Сарыбаевна**
**Ж.А.Ташенев атындағы университетінің аға оқытушысы, филология ғылымдарының кандидаты, Шымкент қаласы**
**Касимова Хамила Избасаровна**
**Педагогикалық шеберлік орталығы Шымкент филиалының тренері**

**Аннотация.** В данной статье рассматривается лингвистические особенности произведений Магжана Жумабаева. Анализировано мастерство писателя в словоупотреблении. Определены некоторые смысловые характеристики слов. О работе Магжана мы можем сказать, что они родились в жару сердца. Хотя есть цепочка пролитого языка, или линейных фраз. Мы предпочитаем сосредоточиться на языковых особенностях художника. Поскольку сила поэтической ручки состоит в словоупотреблений редких фраз. На самом деле, нет никаких сомнений в том, что он автор прозрачных работ, их . созданных для серьезной и сбалансированной мысли, глубокой стабильности. Понятно, что исскусство в его работах состоит на изображении характера.

**Ключевые слова:** словоупотребление, мастерство, языковой анализ, психологическая особенность, характер.

**Annotation.** This article discusses the linguistic features of the works of Magzhan Zhumabayev. The author's skill in word usage is analyzed. Some semantic characteristics of words are defined. We can say about Magjan's work that they were born in the heat of the heart. Although there is a chain of spilled language, or linear phrases. We prefer to focus on the linguistic features of the artist. Because the power of a poetic pen consists in the use of rare phrases. In fact, there is no doubt that he is the author of transparent works, theirs. created for serious and balanced thought, deep stability. It is clear that the art in his works consists in the depiction of character.

**Keywords:** word usage, mastery, language analysis, psychological peculiarity, character.

## Кіріспе

Мағжан Жұмабаев қазақтың бірлігі мен Алаштың азаттығы үшін күрескен танымал тұлға. Оның күрескерлік өмірі мен шығармашылығы Кеңес кезінде кісенде болды.

**Мағжан Жұмабаевтың өлеңдері**

*Арыстандай айбатты,*
*Жолбарыстай қайратты,*
*Қырандай күшті қанатты*
*Мен жастарға сенемін!*

Бүкіл бір ұлтты бір арнаға ұйытатын әйгілі "Мен жастарға сенемін" атты өлеңін бәрі жатқа білері анық. Өлеңдегі өміршең қуат пен сөнбес жалын жас ұрпаққа рухани күш беріп, қазіргі таңда өмірлік ұранға айналды деуге болады.

М.Жұмабаевтыың тіл құнарлығы мен ой тереңдігін, сөз қолдану шеберлігін оның басты ерекшелігі деуге болады. Ақын өлеңдерін оқи отырып, тылсым буғандай әсерге енесің, ойлар мен толғамдардың, әәсем суреттердің дүниесіне енесің:

Ызғарлы жел долданып,
Екі иінінен дем алып,
Ішін тартып осқырып,
Кейде қатты ысқырып,
Аңдай ұлып бір мезгіiл
Екі санын шапақтап,
Біресе сақ-сақ күледі.
Немесе су ақса, тау жаңғырар сылдыр қағып,
Дәл сұлу бұраңдаған шолпы тағып.
Түрлі үнмен жаңа келген жылдың құсы,
Тұрғандай қобыз ойнап әнге салып.

Мұнда әдемі де әсерлі суреттеулермен табиғат пен адамды астастырып, кейіптеу арқылы шебер қиюластырумен бірге ұлттық нақыш бар. Сондықтан ақын дағдылы музыкалық аспаптарды емес, қазақтың қара қобызын жыл құстарының үніне келтіріп отыр.

Күннен туған баламын,
Жарқыраймын, жанамын,
Күнге ғана бағынам,
Өзім күнмін, өзім – от,
Өзіме өзім табынам.
Жерде жалғыз тәңірі – от
Оттан басқа тәңірі жоқ.

Тәңіріден басқа ешкімге бас ие қоймайтын өршіл рухты, от кеуделі қазақы болмысты тың қолданыстағы баламалаулары шебер үйлескен өлең жолдарынан аңғаруға болады.

«Мағжан – алдымен сыршыл ақын. Не жазса да сырлы, көркем, сәнді жазады. Оқушының жүрегіне әсер ете алмайтын құрғақ өлеңді, жабайы жырды Мағжаннан таба алмайсыз. Ол табиғатты суреттей ме, әйелді жаза ма, тарихи адамдарды ала ма, ертегі айта ма, ұран сала ма – бәрінде де ақынның ойлағаны, сезгені, жүрегінің қайғыруы, жанының күйзелуі, көңілінің кірбеңі көрініп тұрады. Қай өлеңін оқысаң да, не ақынмен, не өз жүрегіңмен, не ел жүрегімен сырласқандай боласың. Ақынның өзі көрінбейтін өлеңдерін оқысаңыз да, еріксіз бір сезім туғызады. Әлде өкіндіреді, әлде мұңайтады, әлде жылатады, әлде аятқызады, әлде есіркетеді, әлде жігер береді…"

Белгілі жазушы Жүсіпбек Аймауытов Мағжанның ақындығы туралы осылай деген еді.

Мағжан Жұмабаевтың бірқатар өлеңі махаббат тақырыбына арналған. "Жас келін", "Зарлы сұлу", "Сүйгеніме", "Алданған сұлу" және тағы басқалары. Нәзік

лирикасымен махаббатты жырлаған ақын. Әсіресе Гүлсімге ғашық болған кезде махаббат жайлы біраз өлең шығарады.

Мағжан түрік халқының басқыншыларға қарсы азаттық қозғалысына үн қосады. Мұнда реалистік, романтикалық сарындар бір-бірімен астасып, бірге өріліп отырады.

Түркі тақырыбы қазақ халқының ұлт-азаттық тақырыбына ұласып, отаршылдыққа қарсы күреске алып келді ("Орал тауы", "Алыстағы бауырыма", "Жер жүзінде", "Қазақ тілі", "Тез барам!").

Ақын соңғы деміне дейін ұлт-азаттық тақырыбын өз поэзиясының өзегі етті. Халқымен бірге күйзелді.

Сентиментализм әсері, әсіресе, әйел теңдігіне арнап жазған өлеңдерінде ұшырайды. "Домбыра", "Зарлы сұлу", "Жәмила", "Шын сорлы", "Жас келін", "Алданған сұлу", "Тілегім" деген өлеңдерінде әйелдің халін өте ауыр көрсетіп, әйелмен мұңдасқандай, әйелді аяғандай, есіркегендей, оқушылардың жанын ашытқандай мұң бар, зар бар.

Жәмила, мұнша неге жүдедің,
Бетіңде тамшы қан жоқ қой.
Сарғаймашы, бауырым? – деп іші-бауыры елжіреп қатты аяйды.

Мағжан – философ ақын. Ақынның философиялық көзқарасы өз өлеңдерінде жақсылық пен жамандық, әділдік пен әділетсіздік тәрізді қарама-қайшылықты философиялық ұғымдарды шебер шендестіре білуінен байқалады. Ол дүниені біртұтас құбылыс ретінде алып, адамды сол ұлы табиғат, жаратылыстың бір туындысы, бөлшегі ретінде суреттейді.

**Негізгі бөлім**

Қазақ лирикасында үлкен көркемдік жаңалық ашып, соны әсемдік арналарды негіздеп, әсіресе Еуропа, орыс әдебиетіндегі ізденістерді, бағыттарды ұлттық топыраққа батыл да еркін ендірген Мағжан эпикалық жанрда поэманың ықшам формаларын қалыптастырды. Бір қарағанда, тақырыптық тұрғыдан алғанда, алып-жұлып, әкетіп бара жатқан ерекшелік көрінбейтін секілді: "Қойлыбайдың қобызы", "Қорқыт", "Түркістан", "Оқжетпестің қиясында", "Батыр Баян" – аңыз, тарихи белгілі оқиғаларға, "Жүсіп хан", "Өтірік ертек" – шығыстық сюжет, мысал, тұспалға құрылған.

"Қойлыбайдың қобызы" поэмасында Қойлыбай бақсының өнерін сүйсіне жырлайды. Қазақтың бақсысына дейін ардақ тұтады.

*Қалың Найман ішінде Бағаналы,*
*Қазақта бақсы асқан жоқ Қойлыбайдан.*
*Қойлыбай жын жүгендеп, пері мінген,*
*Алдында жорғалаған шашты шайтан.*

"Қорқыт" поэмасы бұрынғы өмір мен өлім тақырыбына жазылғанымен, ақын идеясы ол емес. Поэмада Қорқыттың өлімнен қашып, соңында әр өмірдің соңы өліммен аяқталатынын түсініп, қобызын сарнатып өткені айтылады.

Қиялымен қазақ халқын бостандығынан айырмай, тарихын, мәдениетін, тілін, дінін ұмыттырмайтын, жақсылыққа кенелтетін, "өлтірмейтін" қоғам іздейді, Қорқыттың "мәңгілік ғұмыр іздеуін" шығармасына нысана етіп алуы Мағжан философиясының асқақтығын көрсетеді.

Жұмабаев поэмаларының ішіндегі ең көлемдісі, алдымен ауызға ілігері – "Батыр Баян" поэмасы. Поэма аса көркем деңгейде ерекше шабытпен жазылған. Жан күйзелісі, сезім, батырлық пен махаббат дастанда жыр болып өріледі. Поэма өзінің сюжеттік жағынан эпостық жырларға өте ұқсас. Мағжан тілінің әуезділігі мен әсемдігі, көркемдігі мен көріктігі ерекше үйлесімділікте сай келуі поэмада айрықша көрінеді.

"Батыр Баян" поэмасы мынадай кең мағыналы өлең жолдарымен аяқталған:

*Ерлерді ұмытса да ел, сел ұмытпас,*
*Ерлерді ұмытса да ел, жел ұмытпас.*
*Ел үшін жаннан кешіп, жауды қуған,*
*Ерлерді ұмытса да ел, шөл ұмытпас.*
*Ел үшін төккен ерлер қанын жұтқан,*
*Ерлерді ұмытса да ел, жер ұмытпас.*
*Арқаның селі, желі, шөлі, белі*
*Ерлерді ұмытпаса, ел де ұмытпас!*

Мағжан – философ ақын. Ақынның философиялық көзқарасы өз өлеңдерінде жақсылық пен жамандық, әділдік пен әділетсіздік тәрізді қарама-қайшылықты философиялық ұғымдарды шебер шендестіре білуінен байқалады. Ол дүниені біртұтас құбылыс ретінде алып, адамды сол ұлы табиғат, жаратылыстың бір туындысы, бөлшегі ретінде суреттейді. Табиғатсыз, жаратылыссыз адам жоқ. Ал табиғат адамсыз да күн көре береді. Бірақ сана оған бағынбайды, дене бағынса да сезім бағынбайды. Сондықтан ол бұлқынады, серпінеді, үстем болғысы келеді (“От”). Құбылыстың мәнін кең көлемде, жалпыға бірдей қалыпта тани білуде ақын, ең алдымен, ненің болса да мән-мазмұнына үңіледі, әрдайым жалпы адамзатқа тән әуенге бой ұрады, табиғаттың өз заңына ғана бағынатын құбылыстардың ішкі құпия астарын ұғынғысы келеді. Мағжанның ойынша ақын деген болжап білмес жолға сапар шеккен пір, кейде жын, кейде бала, сол сапарда ол қиындықты қайыспай көтеретін, не дүниені тәрк етіп, бәрінен безінетін жан (“Қиял құлы мен бір ақын”). Мағжан поэзиясы қазақ лирикасының сыршылдығын тереңдетті, адамның нәзік сезімдеріне тіл бітіре білді. Бұл қасиет оның, әсіресе, махаббат лирикасына тән (“Сүй, жан сәулем”, т.б.).

Мағжан – әлемдік поэзияда экологиялық тақырыпты алғаш жырлаушылардың бірі (“Айда атыңды, Сәрсембай”, “Шойын жол”). Ол техикалық прогресске қарсы болған жоқ, оның ұлттық-мәдени, рухани дәстүрлерді бұзуына қарсы еді. Техника жетістіктерін қызыға жырлай отырып, туған жердің әсем табиғатынан айырылып қалмауға үндеді. Мағжан поэмалары қазақ поэмасының баяндау стилін, шешендік мәнерін өзгерту қажет екендігін алғаш айтқандардың бірі болды. Қазақ поэмасын суреткерлік арнаға бұрды. Адам жанының, психология әлемінің құпия сырларын, иірімдерін, даму диалектикасын шеберлікпен кестелеп өрнектей білді.

**Қорытынды**

Мағжан поэмаларына лирикалық тереңдік пен эпикалық кең құлаштылық бірдей тән. Жеке адам мен ұлт тағдырын драм. сюжетте үйлестіріп, көркемдік зор қуатпен жырлай білді.Мағжан өлеңдерінің ішінде «Түркістан" өлеңінің орны айрықша:

Түркістан – екі дүние есігі ғой,
Түркістан - **ер** түріктің бесігі ғой.
Тамаша Түркістандай жерде туған
**Түріктің тәңір берген несібі ғой.**
Ертеде Түркістанды  Тұран дескен,
Тұранда **ер** түрігім туып өскен.
Тұранның **тағдыры бар толқымалы,**
Басынан көп **тамаша күндер** кешкен.
Тұранның тарихы бар отты желдей,
Заулаған қалың өрттей аспанға өрлей.
**Тұранның  жері менен суы да жат**,
Теңіздей терең, ауыр ой бергендей.
Тұранға жер жүзінде жер жеткен бе?
**Түрікке адамзатта ел жеткен бе**? (неткен батылдық!)
Кең ақыл, отты қайрат, жүйрік қиял,(Абайда, нұрлы ақыл, ыстық қайрат, жылы жүрек)
Тұранның **ерлеріне ер жеткен бе**?
Шер батса – кім іздемес туған елін,
Тұлпар да көксемей ме туған жерін?
**Арқаның ардагері – қалың алаш,**
Тұран да біле білсең, **сенің жерің**!

Өлеңде түрік тарихы қозғалып, астарлы ой тұспалдармен жеткізілген. Сол үшін ақнның басына қаншама қауіп-қатер төнді. Түркістан – бүкіл түркі халқын ынтымаққа, бірлікке шақыыратын шығарма. Сонысымен құнды бұл өлең тәуелсіздігіміз баянды болуы үшін бүгін де құнын жойған жоқ.

**Пайдаланған әдебиеттер тізімі:**

1. Әлімқұлов Т. Жұмбақ жан. – Алматы: Жазушы,1978.-368 б.
2. Серікқалиев З.. Жылдар сазы. – Алматы: Жазушы,1971.-216 б.
3. Серікқалиев З. Ақ жол.-  Алматы:Жазушы,1990. -464 б.

# МИР АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА КОМИЛ ИНСОН ТУШУНЧАСИ

**Марҳабо Пардаева,**
**Республика маънавият ва маърифат маркази Бухоро вилоят бўлими раҳбари, фалсафа фанлари номзоди**

**Аннотация.** Мазкур мақолада улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг фалсафий - ахлоқий қарашлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** инсонпарварлик, бағрикенглик, комиллик, маънавий мерос, бадиий тафаккур

**Аннотация.** Бұл мақалада ұлы ақын, ойшыл Әлішер Науаидың философиялық-адамгершілік көзқарастары талданады.

**Негізгі сөздер:** адамгершілік, төзімділік, кемелдік, рухани мұра, көркем ойлау.

**Аннотация.** В данной статье анализируются философско-нравственные взгляды великого поэта и мыслителя Алишера Навои.

**Ключевые слова:** человечность, толерантность, совершенство, духовное наследие, художественное мышление

Тарих сабоқлари инсоннинг иродасини синайди ва чиниқтиради. Алишер Навоий умрини халқни маърифатли қилишга бағишлаган улуғ донишманд сифатида адолат, диёнат ва имон-эътиқоднинг кучига ишонади, энг оғир, энг мураккаб шарт-шароитларда ҳам ҳукмдорларни адолатли бўлишга чақиради. Ўсиб келаётган ёш авлод улуғ шоирнинг комиллик тарбияси ҳақидаги қарашларини қанчалик чуқур ва пухта билса, жамиятда ўзининг мустақил ўрнини топиши шунчалик осон кечади.Унинг барча асарларида таълим-тарбия масалаларига алоҳида ўрин берилган. У умр бўйи бутун дунёда тенглик, адолат, иймон, меҳр-оқибат, тафаккур ва маърифат ҳукм суришини орзу қилди. Фарзандни оилага бахт ва саодат келтирувчи зиё, “ҳаёт чироғи” деб таърифлайди, бола тарбияси ва уни шахс сифатида шакллантириш масаласини жамиятнинг муҳим муаммоси деб билади.

Профессор И.Ҳаққулнинг фикрича, “Алишер Навоийнинг буюклигини билмаслик ўзбек миллатининг маданияти тарихи, миллий-маънавий куч-қуввати ва жаҳон бадиий тафаккурига қўшган буюк ҳиссасини англамаслик билан баробар. Алишер Навоийнинг улуғ сиймоси ул зотнинг руҳонияти, беназир шахсияти ва сўзни санъат даражасига кўтарган ижодкор эканлиги билан белгиланади.Унинг шу замонда - янги асрда ҳам замонавий шоир сифатида ёдга олинаётгани беҳикмат бўлмаса керак” [99].

Дарҳақиқат, Навоий асарларидаги ҳалоллик ва покдомонлик моҳияти, миллий ўзлик туйғуси ва фалсафий тушунчалар янги асрда ҳам мудом инсониятни огоҳликка чорламоқда:

Демонким кўнгли поку ҳам кўзи пок,
Тили поку, сўзи поку, ўзи пок.
Деди: Ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.

Алломанинг инсон ҳақидаги диний-илоҳий қарашлари исломий тамойиллар таъсирида шаклланган. У инсониятни комиллик саодати сари чорлар экан, унинг маънавияти,тафаккури, одоби ва ахлоқий гўзаллигига алоҳида эътибор беради. Ҳазрат Навоий иймонли бўлишни инсонийликнинг энг биринчи ва энг асосий белгиси деб билади:

Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Балки нишони анга иймон эрур.

Иймон – фақат инсоннинг вужудини эмас, балки руҳини, кўнглини ҳам поклайди. Инсон ўзини ва ўзлигини иймон орқали англайди, иймон орқали етук маърифатга эришади. Комиллик – иймонга садоқатда, иймон-эътиқод мустаҳкамлигида юзага чиқади.

---

[99]Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти,2007.Б.-159.

Шоирнинг фикрича, инсоннинг ота-онасига, атрофидаги одамларга муносабатида унинг иймон-эътиқоди, жамиятга муносабати, ўзлиги, ахлоқий гўзаллиги намоён бўлади:

Бошни фидо айла, ато қошиға,
Жисмни қил садқа, ано бошига.
Бўлсун адаб бирла бори хизматинг,
Ҳам қил адаб “дол”и киби қоматинг.

“Ҳайратул - аброр” достонидан олинган мазкур парчада ота-она хизматини муҳаббат билан адо этиш инсоннинг бурчи эканлиги таъкидланяпти. Шоир ота-онадан кейин ака-ука ва опа-сингилларга оқибатли бўлиш борасида ҳам тўхталиб ўтган. Унинг наздида ўз яқинларига раҳмдил бўлмаган одам бошқаларга ҳам меҳр-шафқат кўрсата олмайди.Улуғларга хизмат, кичикларга шафқатли бўлиш юксак маънавият белгиси эканлигини таъкидлайди:

Сўнгра раҳминг оиласин қарз бил,
Раҳм ўшул тоифага фарз бил.
Кимки улуғроқ анга хизмат керак,
Улки кичикроқ анга шафқат керак.

Атоқли навоийшунос олим Н.Маллаев тўғри таъкидлаганидек, “Навоий ижодиёти у яшаган муҳитнинг бадиий қомуси, мураккаб халқ тарихининг равшан кўзгусидир.Унда инсон ҳаёти ва фаолиятининг ранг-баранг соҳалари ўз ифодасини топган.Бинобарин, Навоий мероси турли илм соҳалари учун бой ва қимматли манбадир.”[100] Илм олишга даъват, ақл ва заковатни улуғлаш фазилати унинг барча асарларида ранг-баранг кўринишда намоён бўлади. Кўнгилни поклаб, уни яхши амалларга макон айлаган илм ҳаёт чироғи, инсонни бошқа махлуқотлардан ажратадиган асосий сифат. Илм инсонни ғафлатдан уйғотади, дунёқарашини бойитади, тафаккурини чархлайди. Давлатманд бўлиш ёки амалдорлик илинжида илм ўрганиш гумроҳликдир. Фақат комилликка, эзгуликка интилганларга илм саодати ёр бўлади. “Садди Искандарий” достонида айтилганидек:

Бори илм аро, ўйла, соҳиб камол,
Ки комил анингдек топилмоқ маҳол.
Билик касбини қилди то жони бор.
Ҳунар билди ончаки имкони бор.

Улуғ шоир “Ҳайрат-ул аброр” достонида инсон умрнинг ўткинчи эканлигини тушунишини, тушунибгина қолмай, уни бесамар ўтказмаслиги, фойдали ишларга сарфлаши кераклигини уқтиради. Яхшилик ва эзгуликни, садоқатни, меҳру-мурувватни умрининг мазмуни деб билган инсонларга ҳамманинг ҳаваси келади. Улар феълининг олижаноблиги ҳаётининг фаровон бўлишини таъминлайди. Ўтган ишларга ачиниш бефойда, инсоннинг саломатлиги, тафаккурининг кенглиги, кўнгли хотиржамлигининг ўзи олий саодатдир:

Умрки хориж дурур ўтган иши,
Ҳар неки ўтти анга етмас киши

---

Келмаганидин доғи оқил демас,
Не десун ул ишники, маълум эмас.

Ҳазрат Навоийнинг достонлари, ғазаллари ва насрий асарларида дўст тутиш, дўст олдидаги масъулият, дўст садоқати инсоннинг энг олий қадр-қиммати сифатида улуғланади. Зеро, “Жонажон Ватанимиз **“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари”** деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда”[101].

Машҳур “Хазойин-ул маоний”да улуғ шоир шундай дейди:

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким,эрур ёрлиғ иш –

яъни, инсон дунёга келган экан, бир-бири билан дўсту биродар бўлгани, дўстлик ришталарини боғлагани ва асрагани маъқул. Душманлик эса ҳеч кимга ҳеч қачон яхшилик олиб келмаган. Дўстлик шафоати ва садоқати жуда улуғ туйғу. Хусусан, “Ҳайрат-ул аброр”да дўстлик ва унинг шартлари, дўстликнинг инсон тақдиридаги ўрни ва қадри борасида алоҳида мақолат ва ҳикоят берилган.Унда шундай сатрлар бор:

Бас, кишига умр хуши ёр эмиш,
Умр деган ёри вафодор эмиш.
Ёрки, ойини вафо йўқ анга,
Шамъ кибидурки, зиё йўқ анга.
Шамки йўқ анда зиё тўшаси,
Ўтсиз эрур ўйлаки муз шўшаси.
Ёрки,бор анда вафо – ёр бил,
Умр деган ёри вафодор бил.

Қадим Шарқда азал-азалдан ҳақиқий дўстлик энг бебаҳо неъмат, умрнинг мазмуни сифатида улуғланган. Улуғ шоирнинг фикрича, дўст меҳри ва садоқати инсон қалбини ёруғ , умр йўлларини мунаввар қилади.Дўстлик шартларига амал қилмайдиган киши ўзидан ёруғлик таратмайдиган шам каби қадрсиздир. Дўстликни ихтиёр этган қалб, унга вафодор бўлиши, бу олий туйғуни асраши шарт. Маънавий жиҳатдан энг бой одам – дўсти кўп, дўстлик қоидаларини англаган инсонлардир. Уларга ҳамма ҳавас қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюсида “Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтган саммитида илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларини, шунингдек, туркий дунё бирлигини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган атоқли шахсларни рағбатлантиришга қаратилган яна бир муҳим ташаббусимиз қабул қилиниб, Туркий кенгашнинг Алишер Навоий номидаги халқаро мукофоти таъсис этилди.Биз буни барча туркий халқларнинг фахру ифтихори бўлган ҳазрат Алишер Навоий бобомизга,

[101]Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори.ЎзА, 2020 йил, 18 ноябрь.

шундай улуғ зотларни тарбиялаб вояга етказган халқимизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиром ифодаси, деб биламиз”[102], дея алоҳида таъкидлади.

Ҳазрат Навоийнинг пурмаъно асарлари туркий тилли давлатлар билан бир қаторда бутун дунё аҳлини буюк инсонпарварлик ғоялари остида бирлаштиришга хизмат қилмоқда. Унинг донишмандлигининг замирида адолат тушунчаси, дўстлик ва биродарлик туйғуси мужассам. Улуғ шоир наздида чин дўстлик ҳам комиллик белгисидир. Шоир, “Айласалар икки тарафдин вафо, Етгай алар жониға онча сафо”, дейди. Ҳабиблик, биродарлик одобини улуғлайди, дўст зиммасидаги бурчларни ва ҳақларни сидқидилдан адо этмоққа даъват этади. Бу борада мамлакатимизда улуғвор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Улуғ мутафаккирнинг инсонпарварлик таълимотида иймон ва илм маънавиятнинг асоси эканлиги ҳақидаги ғоя етакчи ўрин тутади. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Алишер Навоий даҳоси не-не бўшлиқларни маданий-маънавий хазиналар, афоризмлар, инсонпарварлик ғоялари билан тўлдирмоқда. Ёш авлод онгу шуурида миллий ўзлик, ватанпарварлик туйғуларини сингдиришда, замон зиддиятларини бартараф этишда, турмуш машаққатларини енгишда ҳазрат Навоийнинг инсонпарварлик, миллатпарварлик ғоялари маънавий-руҳий қувват вазифасини ўтамоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. Тошкент.: “O‘qituvchi” MU, 2021.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг « Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори.ЎзА, 2020 йил, 18 ноябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. ЎзА, 2020 йил, 21 октябрь.
4. Навоий А. Хамса. Тошкент, 1947.
5. Навоий А. “Хамса”, танқидий матн. Т. “ФАН”, 1960.
6. Навоий А. Асарлар “Мезон ул- авзон” 14-ж. 1967й.
7. Навоий А. Сабъаи сайёр .Тошкент 1991.

# СТУДЕНТТЕРГЕ БІЛІМ БЕРУ ПРОЦЕСІНДЕ ОЛАРДЫҢ ТАБИҒИ-ҒЫЛЫМИ ОЙЫН ДАМЫТУ МЕХАНИЗМІ

**Очилов Фариддун Изатуллоұлы,**
**Өзбекстан. Шыршық МПУ доценті, педагогика ғылымдарының философия докторы (PhD), тел: +99897 769-92-88 e mail: fariddun.ochilov@mail.ru**

**Аннотация.** В данной статье анализируется механизм развития естественнонаучного мышления студентов в процессе преподавания учебных предметов, а также описываются авторские методы.

[102] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. Тошкент.: “O‘qituvchi” MU, 2021. –Б.34.

**Ключевые слова:** образование, наука, ученик, естественнонаучное мышление, механизм, знание, умение.

**Abstract.** This article analyzes the mechanism for the development of students' natural science thinking in the process of teaching academic subjects, and also describes the author's methods.

**Key words:** education, science, student, natural scientific thinking, mechanism, knowledge, skill.

Өзбекстанда жаңа даму стратегиясы әзірленіп, жүзеге асырылуда [1]. Бұл стратегияның негізгі бағыттарының бірі – 2026 жылға қарай елімізде сапалы білімге қол жеткізу. Осы тұрғыдан алғанда, оқушылардың жаратылыстану-ғылыми ой-өрісін қалыптастыру сапалы білімге қол жеткізудің бір факторы болып табылады. Осы жерде біз осы мәселенің жекелеген аспектілерін талдауға назар аударамыз.

2023-2024 оқу жылынан бастап еліміздің жалпы орта білім беретін мектептерінде жаңа тәсілдер негізінде әзірленген бағдарламалар негізінде жаратылыстану пәндерін оқыту тәжірибеге енгізілді [2]. Бұл жаңа тәсілдің мазмұны практикадан теорияға принципі негізінде әзірленген бағдарламалар мен оқу материалдары болып табылады. Осы орайда жаратылыстану пәндерін оқыту құралы ретінде жалпы орта білім беретін мектеп оқушыларының жаратылыстану-ғылыми ойын дамыту механизміне сүйену маңызды. Міне, осы мәселені талдауға назар аударамыз [3].

***Сабақ барысында оқушылардың жаратылыстану-ғылыми ойын дамыту.*** Бүгінгі таңда еліміздің жалпы орта білім беретін мектептерінде жаратылыстану ғылымдарының құрамына кіретін ботаника, география, зоология, биология, химия, физика, астрономия пәндері оқытылып, олардың негізгі ұғымдары бастауыш сатыда оқытылады. Осы тұрғыдан алғанда осы жаратылыстану пәндерін оқу барысында студенттердің жаратылыстану-ғылыми ойлауын дамытуға мүмкіндік бар. Ол үшін бірегей жаңа әдістемеге негізделу орынды.

Біздің көзқарасымызға сәйкес, мұндай әдістеменің негіздері келесідей:

а) жаратылыстану сабақтарының формаларын кеңейту;

б) жаратылыстану ғылымдары курсын жаңарту;

в) жаратылыстану сабақтарының тиімділігін бақылау.

Жалпы орта білім беретін мектептерде оқытылатын жаратылыстану пәндерінің түрлерін кеңейтуге және оның негізінде оқушылардың жаратылыстану-ғылыми ойлауын дамытуға мүмкіндіктер бар екенін атап өткен жөн. Біздің елімізде жаратылыстану пәндерін оқытудың дәстүрлі түрі, яғни мұғалімнің сабақ барысындағы белсенділігі мен ережелерге сүйене отырып тақырыптарды түсіндіру бар. Бұл дәстүрлі форма өзінің тиімділігін жылдар бойы дәлелдеді. Сонымен қатар, жалпы орта білім беретін мектептерде сабақтың дәстүрлі емес түрлерінің енгізіліп жатқаны орынды. Мұндай дәстүрлі емес сабақ түрлерінде практикадан теорияға көшу принципінің басымдығы, сабақ барысындағы студенттердің белсенділігінің басымдығы, ең бастысы қосымша ақпарат негізінде тақырыптарды меңгеру. Осы орайда сабақтың дәстүрлі және дәстүрлі емес түрлеріне негізделген оқушылардың табиғи-ғылыми ойын дамыту

күтілетін нәтиже береді. Мысалы, оқушылардың жаратылыстану-ғылыми ойын дамытуда сабақтың дәстүрлі емес түрлерінде дебаттық тренингтің маңызы зор. Өйткені бұл сабақта оқушылар мұғалімнен және жолдастарынан қосымша ақпарат алып, өз бетінше ойланып, шығармашылық көзқарасқа ие болады. Осы тұрғыдан алғанда, Өсімдіктану пәнінің негізгі сабақтарын дәстүрлі емес сабақ формаларында ұйымдастыру арқылы оқушылардың жаратылыстану-ғылыми ойын күтілетін деңгейде дамытуға болады. Бұл жағдайда оқушылардың өсімдіктер әлемі (флора әлемі) туралы теориялық білімдерін бекітуге көңіл бөлген орынды. Ол үшін оқушыларға Өзбекстанның флорасы, Қызыл кітапқа енген өсімдіктері, өсімдіктер дүниесін қорғау негіздері туралы мәліметтер берудің маңызы зор. Нәтижесінде студенттер жаратылыстану-ғылыми ойлаудың білім негіздерін игереді. Сондықтан жалпы орта білім беретін мектептерде жаратылыстану пәндерін оқыту үдерісі мен формаларын кеңейту орынды деп есептейміз. Өйткені дәстүрлі оқыту түрінде оқушылардың табиғи-ғылыми ойын қалыптастыру шектелетіні белгілі.

Жаратылыстану пәндерін оқыту негізінде оқушылардың жаратылыстану-ғылыми ойын дамыту үшін осы ғылымдар сабақтарының мазмұнын жаңарту қажет. Оның айтуынша, әр тақырыпты жаңа тәсілдер, құрал-жабдықтар мен әдістерге сүйене отырып өту маңызды. Мысалы, «Зоология» пәнінің оқу бағдарламасының мазмұнын жаңарту кезінде жануарлар әлемі туралы толық мағлұмат беруге, Қызыл кітапқа енген жануарлар түрлері туралы теориялық білім беруге, жануарлар дүниесі туралы кеңінен түсінік қалыптастыруға баса назар аударған дұрыс. Осыған байланысты бұл пәннің негіздерін оқытуда аймақтық сипаттамалар принципінің негізі оның сабақтарының мазмұнын жаңартуға қызмет етеді. Осының нәтижесінде оқушылар өз өлкесіндегі жануарлар дүниесін толық білу арқылы өзіндік табиғи-ғылыми ой-өрісін дамытады. Өйткені аймақтардағы жануарлар әлемі оқушыларға жақсы таныс және оларды іс жүзінде бақылауға мүмкіндік бар. Бұл оқушылардың жаратылыстану-ғылыми ойын дамытудың маңызды факторларының бірі.

Жалпы орта білім беретін мектептерде оқытылатын жаратылыстану пәндерінің тиімділігін қадағалау маңызды. Өйткені мұндай бақылау барысында оқу пәнінің пәндерін оқушылардың меңгеруі, оқу материалдарының талапқа сай немесе сәйкес еместігі, оқу материалдарын жаңарту қажеттілігі туындайды. Сондықтан жаратылыстану пәндерін оқытудың тиімділігін бақылау арқылы оқушылардың жаратылыстану-ғылыми ой-өрісін нақты дамыту тетігі қарастырылған. Мысалы, Биология сабағында оқушыларға табиғат, өсімдіктер, жануарлар әлемі және экологияны қорғау мәселелері бойынша міндетті білім беру мүмкіндіктері бар екенін айта кеткен жөн. Осының нәтижесінде студенттердің жаратылыстану-ғылыми ойын мақсатты дамытудың нақты механизмдері болады.

Жаратылыстану сабағында оқушылардың жаратылыстану-ғылыми ойын дамыту мүмкіндіктері өте кең екенін айта кеткен жөн. Ол үшін мыналарға назар аудару қажет:

1) оқушылардың табиғи қабылдау дағдыларын дамыту;

2) студенттердің ғылыми білімдерін дамыту;

3) оқушылардың табиғи дағдылары мен ғылыми білімдерін тәжірибеге айналдыру.

Мұндай тәсіл жалпы орта білім беретін мектептерде оқытылатын жаратылыстану сабақтары барысында оқушылардың жаратылыстану-ғылыми ойлауын дамытуға мүмкіндік береді. Сондықтан жаратылыстану пәндерін оқытудың дәстүрлі емес формалары мен әдістеріне тоқталған орынды.

***Тәжірибелік сабақ барысында студенттердің жаратылыстану-ғылыми ойын дамыту.*** Өзбекстан Республикасы Президентінің 2020 жылғы 17 қазандағы «Мәдениет және өнер саласын одан әрі дамыту жөніндегі шаралар туралы» № ПФ-162 Жарлығымен жалпы орта білім беретін мектептерде оқытылатын оқу пәндерін практикалық оқыту нысандары бекітілді, құрылды. Оған сәйкес, әрбір оқу пәні бойынша арнайы оқу сабақтарын ұйымдастырып, оларды ауқымды түрде жүзеге асыру енгізілді. Осы орайда практикалық сабақтар арқылы оқушылардың жаратылыстану-ғылыми ойын мақсатты түрде дамыту орынды. Бұл үшін келесі күтілетін нәтиже береді:

а) әрбір жаратылыстану оқу пәні бойынша практикалық сабақтарды ұйымдастыру;

б) белгілі бір тақырыптар бойынша практикалық сабақтар өткізу;

в) практикалық сабақтың нәтижесін бағалау.

Жалпы орта білім беретін мектептерде оқытылатын жаратылыстану пәндері бойынша практикалық сабақтарды ұтымды ұйымдастырған жөн. Осындай іс-шараларды ұйымдастыруда мектеп жағдайының факторларына, аймақтық мүмкіндіктерге және оқушылардың қызығушылықтарына сүйену күтілетін нәтиже береді. Осыған орай, бүгінгі таңда еліміздің барлық жалпы білім беретін мектептерінде бірегей оқу-коммуникациялық жағдай жасалған, өңірлердегі мектеп білімін дамытуға қос мүмкіндіктер жасалып, оқушылардың жаратылыстану ғылымдарын игеруге деген қызығушылығы назар аудартады. Осы факторларды негізге ала отырып, жаратылыстану сабақтарының практикалық сабақтарын ұйымдастыру орынды. Нәтижесінде мектептік, аймақтық мүмкіндіктерге сүйене отырып, практикалық сабақтар арқылы оқушылардың жаратылыстану-ғылыми ойын күтілетін деңгейге жеткізуге болады. Мысалы, Физика сабағын ұтымды ұйымдастыру оқушылардың табиғи түсініктерін, ғылыми білімдерін және практикалық дағдыларын нығайтады. Өйткені бұл ғылым болмыстың негіздері туралы табиғи және ғылыми білімдер жиынтығын беруімен ерекшеленеді. Сондықтан мұндай практикалық сабақтар арқылы оқушылардың жаратылыстану-ғылыми ойын мақсатты түрде дамытуға болады.

Әрбір тақырып бойынша жаратылыстану пәндерінен ұйымдастырылған практикалық сабақтарды жүзеге асыру күтілетін нәтиже береді. Ол үшін жаратылыстану ғылымдары бойынша практикалық сабақтарды ұйымдастырып, олардың бірін-бірі толықтыруына мән беру маңызды. Мысалы, Химия пәні бойынша ұйымдастырылатын практикалық сабақтардың мазмұны Физика пәні бойынша практикалық сабақтардың мазмұнына сәйкес келуі және олардың өзара бірін-бірі толықтыруы құптарлық. Нәтижесінде оқушылардың алған табиғи және ғылыми білімдерінің жиынтығы тәжірибеге айналады. Сондықтан

жаратылыстану тақырыптары бойынша практикалық сабақтарды үйлесімділік принципіне сүйене отырып ұйымдастырған тиімді.

Жалпы орта білім беретін мектептердегі жаратылыстану пәндерінің практикалық сабақтарының тиімділігін бағалау арқылы оқушылардың жаратылыстану-ғылыми ойлауын практикалық тұрғыдан дамытуға мүмкіндіктер жасауға болады. Ол үшін студенттердің пәндерді меңгеруін зерттеп, олардың практикалық сабақтардағы белсенділігін қадағалап, оқушылардың табиғи және ғылыми білімдері мен дағдыларын бағалау орынды. Өйткені бұл факторлар оқушылардың жаратылыстану-ғылыми ойын дамытудың практикалық негізі болып табылады. Осы себепті әр тоқсан сайын практикалық жаттығулар арқылы оқушылардың меңгеру деңгейін бағалау маңызды. Бұл жұмысты әрбір ғылым мұғалімі атқаруы керек.

Назар аударсаңыз, практикалық сабақтар арқылы оқушылардың жаратылыстану-ғылыми ойын дамыту бірегей мүмкіндіктер береді. Төмендегілерге негіздеу маңызды:

1) оқушылардың және мектептің мүмкіндіктеріне қарай тәжірибелік сабақтарды ұтымды ұйымдастыру;

2) практикалық сабақтарда студенттердің белсенділігіне қол жеткізу;

3) әрбір практикалық сабақтың тиімділігін бағалау.

Бұл тәсіл практикалық сабақтар арқылы студенттердің жаратылыстану-ғылыми ойын дамытудың практикалық тетіктерін қамтамасыз етеді.

***Зертханалық оқыту процесінде студенттердің жаратылыстану-ғылыми ойын дамыту.*** Бүгінгі таңда еліміздің жалпы орта білім беретін мектептерінде заманауи зертханалар құру процесі жүзеге асырылуда. Айта кету керек, бүгінгі таңда жалпы орта білім беретін мектептерде ұйымдастырылған зертханалық жұмыстарда төмендегідей жұмыстар жүргізілуде:

а) зертханалар үшін арнайы бөлмелерді таңдау;

б) зертханаларды заманауи техникалық құралдармен қамтамасыз ету;

в) зертханалық оқытудың тәртібін анықтау;

ж) зертханалық оқытудың қауіпсіздігін қамтамасыз ету;

г) мұғалімдердің біліктілігін арттыру курстарында зертханалық жұмыстарды жүргізу және оларды қайта даярлау бойынша мұғалімдердің біліктілігін арттыру.

Осы себепті оқушылардың жаратылыстану-ғылыми ойлауын дамытуда мектептегі зертханалық жұмыстардың маңызы зор. Ол үшін мұндай сабақтарда түрлі тәжірибелер жүргізіп, оқушылардың ізденістерін дамытып, ашқан жаңалықтарын оқу-тәрбие үрдісінде қолдану күтілетін нәтиже береді. Осы орайда өңірлердегі бар тәжірибені пайдалану маңызды. Мәселен, аймақтарда жаратылыстану бағытындағы жалпы орта білім беретін мектептер жұмыс істейді. Оларда жаратылыстану тақырыптары бойынша зертханалық жұмыстарды жүргізу басты назарда. Мұндай тәжірибелер студенттердің жаратылыстану-ғылыми ойын іс жүзінде дамытуға мүмкіндік береді.

Зертханалық сабақтарда студенттердің жаратылыстану-ғылыми ойын дамыту үшін мыналарды негізге алған дұрыс:

1) жаратылыстану пәндері бойынша тұрақты зертханалық жұмыстарды жүргізуге;

2) студенттерді жаратылыстану тақырыптары бойынша ғылыми-зерттеу жұмыстарына тарту;

3) жаратылыстану сабақтарына оқушылардың ашқан жаңалықтарын енгізу.

Зерттелсе, зертханалық жаттығулар оқушылардың жаратылыстану-ғылыми ойлауын дамытуға мол мүмкіндік береді. Сондықтан «Халық білім беруді дамытудың 2022-2026 ұлттық бағдарламасына» сәйкес жалпы орта білім беретін мектептердің зертханаларын жаңғырту қажет. Өйткені бұл бағдарламада жалпы орта білім беретін мектептерді заманауи техникалық құрал-жабдықтармен және технологиялармен қамтамасыз ету 2026 жылға дейін айқындалып, оны жүзеге асыру арнайы Жол картасы негізінде қамтамасыз етілген.

Сонымен, оқу пәндерін оқыту процесінде оқушылардың жаратылыстану-ғылыми ойын дамыту механизмінің өзіндік ерекшеліктері бар. Бұл механизмнің негізі – сабақ, практикалық және зертханалық жаттығулар барысында оқушылардың табиғи-ғылыми ойын дамыту.

**Анықтамалар:**

1. Жаңа Өзбекстанның даму стратегиясы. www.Ziyonet.uz.
2. Джураев Р. Педагогика. – Ташкент, 2022 ж.
3. Очилов Ф. Құзыреттілік тәсіл негізінде бастауыш сынып оқушыларына жаратылыстану-ғылыми білімдерді оқыту әдістемесі. – Ташкент, 2022 ж.

## ASRLAR KO‘RMAGAN AJIB DEVONA

**Xamidov Mirolimbek Mansur o‘g‘li**
**O‘zbekiston, Farg‘ona davlat universiteti**
**filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), katta o‘qituvchi**
**tel: +998911200170. E-mail: mirolimbek@gmail.com**

**Аннотация.** Мақалада Айбектің «Мәшраб» поэмасындағы Машраб бейнесінің интерпретациялау ерекшеліктері көрсетілген. Автор ақынның поэтикалық өнерді, бейнелеу құралдарын, көркемдік құралдарын қолданудағы шеберлігін зерттейді. «Машраб» поэмасының XX ғасырдағы өзбек әдебиетіндегі орны мен маңызы көрсетіледі.

**Түйінді сөздер:** ақындық өнер, бейнелеу құралдары, шеберлік, поэзия, өзбек әдебиеті, Машраб бейнесі, көркемдік интерпретация.

**Annotation.** The article highlights the peculiarities of interpretation of the image of Mashrab in Aybek’s poem “Mashrab”. The author explores the poet’s skill in using poetic art, visual means, and artistic means. The role and significance of the poem “Mashrab” in Uzbek literature of the XX century is shown.

**Keywords:** poetic art, visual means, skill, poetry, uzbek literature, image of the Mashrab, artistic interpretation.

Taniqli adib Muso Toshmuhammad o‘g‘li Oybek o‘zbek she’riyatida birinchi marta Boborahim Mashrab obrazini aks ettirgan ijodkor hisoblanadi. Uning “Mashrab” nomli she’ri 1937-yilda bosilib chiqdi. Birinchi marta “Quyosh qo‘shig‘i”da, so‘ng “Tanlangan asarlar”i va “Asarlar”ining birinchi tomlarida e’lon qilindi.

She’r shoir arxivida saqlanayotgan qo‘lyozma nusxada doston deb atalgan. Aftidan, shoir o‘zining “Yulduzlar” turkumida tasvirlangan mashhur siymolar –

Alisher Navoiy, Boborahim Mashrab, A.Pushkin, M.Gorkiy to‘g‘risida lirik dostonlar yozishni ko‘zda tutgan va aksariyat hollarda o‘z niyatini amalga oshira borgan. Ma’lumki, Oybek yaratilajak obrazlarini avvalo she’rlarida aks ettirgan. So‘ng ushbu obrazlar uning liro-epik asarlariga ko‘chgan. Keyin qissa va romanlar yaratilishida asos bo‘lgan.

Jami sakson misrani tashkil etuvchi she’rning har bir bandi beshlik satrlaridan iborat bo‘lib 6+5 tarzdagi o‘n bir bo‘g‘inli vazndadir. Mashrab haqida turli qarama-qarshi fikrlar hukmron bo‘lgan, mumtoz adabiyotimiz namoyandalari haqida ijobiy fikr aytish qaltis hisoblangan davrda unga bag‘ishlab asar yaratishning o‘zi jasorat edi. Shu bois Oybek davr talabini hisobga olgan holda “six ham, kabob ham kuymaydigan” yo‘sinda olovqalb, haqiqatparast, xalqparvar, tikso‘z shoir qiyofasini yaratishga erishadi. Shoir mahorati tufayli tarixiy haqiqatni aytish mumkin bo‘lmagan davrlarda u badiiy haqiqat asosidagi Mashrab qiyofasini yaratadi.

She’rning dastlabki

Sochlari patila, ko‘zlari maxmur,
Ko‘zlarda sachraydi qora, kuchli nur.
Saraton quyoshi, qish izg‘irini
Ishlamish yuzlarning ma’no, sirini...
Davlati – qalb she’ri va eski tanbur.

Kulohdan toshardi jingalak sochi,
Mag‘rur va ko‘rkamdi har qachon boshi.
Tashir ham qish, ham yoz bir ko‘sqi po‘stin
(Unda qolmagandir yamoqsiz o‘rin),
Belida kattakon bir nos qovog‘i... [1, 63]

satrlaridagi potila, kulohdan toshgan jingalak sochlar, qora kuchli nur sachragan maxmur ko‘zlar, eski tanbur, yamoqsiz o‘rin qolmagan ko‘sqi po‘stin, kattakon nos qovoq singari portret-detallar Mashrabning darveshona va shoirona qiyofasini yaratilishiga xizmat qilgan. “Sahrolardan shamol kabi oshib o‘tuvchi”, oyoqlariga tikanlar maysa bo‘lgan, ilhom va sozi yolg‘iz hamdami bo‘lgan ijodkor Mashrab tasviri keyingi she’r bandning asosini tashkil etadi. Adabiyotshunos A.Sabirdinov ta’kidlaganidek “Mashrab” she’rida Oybek ... Buyum orqali, tashqi tafsillar orqali Mashrabning ma’naviy olamiga kirib boradi. Uning kasbiga, qiliqlariga, ichki olamiga va tashqi qiyofasiga xos chizgilarni tasvirlash jarayonida u yashagan davrning aniq manzarasini gavdalantirishga erishadi” [2,9].

She’rda tashqi qiyofasiga xos jihatlar aks ettirilmayotgandek tuyulsa-da, aslida ushbu chizgilar vositasida Mashrab sajiyasiga xos jihatlar o‘z ifodasini topgan. Mashrabga xos nekbinlik, go‘zallikka tashnalik fazilatlari she’rning

Bir hovuch suv yutib toza chashmadan,
Yaslanar toshlarga, yozilar badan.
Osmonni bir tomchi moviy yosh kabi
Eritar ko‘zlarning jonli otashi;
Taqir toshlarda u ko‘radi chaman.

misralarida talqinini topgan.

Tabiiyki, Oybek Mashrab qiyofasini yaratishda xalqimizning shoir shaxsiyati va ijodiga bo‘lgan beqiyos mehrini ifodalovchi xalq dostonlari va qissalaridagi rivoyat va

afsonalardan ta'sirlangan. Xalq kitoblaridan bo'lgan "Qissai Mashrab"da shunday voqea bayon etiladi: "Alqissa, shoh Mashrab bu munojotni o'qib, Turkistong'a kirdilar. Shul kelganlaricha, borib hazrati sultonning marqadlarig'a mindilar. Hazrati sulton shoh Mashrabni ko'tarib, tashladilar, yana mindilar va dedilarki: "Ey Buzrukvor, bardosht qiling, man mehmondurman". Andin so'ng Turkiston ahli bu holdin xabar topib keldilar. Qarasalar bir qalandar qavi haykal, surxinro', shahlo chashm, payvasta abro', sochlari fatila-fatila girdi kamarig'a tushgan, muhabbatning bodasiga g'arq bo'lg'on. Haloyiqlar shoh Mashrabni bu holda ko'rub, hayron qoldilar. Andin so'ng hamalari kelib, shoh Mashrabni ziyorat qilib, qo'llarini ko'zlarig'a surtoberdilar. Andin so'ng Turkiston ahli "bu odam avliyo emasmu?" deb ulug' kichik hamalari ixloslari haddin ziyoda qildilar. Shoh Mashrab aydilar: "Emdi munda turg'udek bo'lmadim", – deb Toshkand shahrig'a qarab ravona bo'ldilar" [3,111]. Oybek Mashrab obrazini yaratishda ushbu ma'lumotlardan ham samarali foydalanganligi she'rning keyingi bandlarida yaqqol ko'zga tashlanadi:

Oyog'i bosmasdan shahar qopqasin,
Xabari to'lqindek tarqardi, lokin
Mahalla, choyxona, takya va guzar
Minutni soat deb yo'lga ko'z tutar,
Ko'rmagan chizardi shoir siymosin.

Yuqoridagi satrlarda xalqning Mashrabga bo'lgan yuksak ehtiromi ifodalangan bo'lsa, quyidagi satrlarda uning beg'ubor, samimiy xarakteri bolalarga bo'lgan munosabatida hamda bolalarning unga bo'lgan cheksiz mehru muhabbati tasvirini topgandir:

Ana, shoir kelar.., Bir to'da bola –
Uning orqasida ajralmas soya.
Ko'zlar aks etadi muhabbat, maroq,
Uni bilish qiyin: go'yo "jufi toq".
Asrlar ko'rmagan ajib devona.

Oybek "Asrlar ko'rmagan ajib devona" satrlarini yaratishda "Shoh Mashrab qissasi"dagi ushbu ma'lumotlardan yaxshigina xabardor bo'lgan:

"... Shoh Mashrab ozurda xotir bo'lib, dargohdin mag'mumi parishon ahvol Yorkand tarafg'a ravona bo'ldilar. Bir damda o'zlarini Yorkand viloyatida ko'rdilar. Yorkand ahli Mashrabni ko'rmoqqa orzumand edilar, peshvoz chiqib, ko'rdilarki, bir otash nafas, jazb holatlig', sochlari patila-patila, girdi kamarig'a tushgan, otashi ishq jabxasidin alanga urub turubdur. Yorkand hokimi kelib ziyorat qildi. Tamom odamlarg'a behudlik ro'y berdi. Yorkand oxunlarining shogirdlari aydilar: "Ey, taqsir, Oxunum, bangi qalandarni oldig'a peshvoz chiqib bo'lurmu? Tamomi a'zosi ochuq keladur?" Oxund aydilar: "Ey yoronlar, xato qildinglar, borib ziyorat qilinglar!" dedilar. "Avliyolikni bir nishonasi shuldur", dedilar. Yoronlar kelib, muloqot qildilar. Shoh Mashrab bularni bir nazar bilan kibri anoniyatlarini ko'ngillaridan duo qildilar. Hammalari sofdil bo'lib, aqolaridin saru pobarhna sayha tortib, yurdilar"[4,15].

She'rda Mashrabning boylikka qiziqmasligi, mol-dunyoga o'ch shaxslarga nafrati oltin tanga tutgan qandaydir bir zotning tangasini piching ila kulib otib yuborishida, usiz hayotning rangin va sehrli deb bilishida ko'rinadi. O'tin qalovga epchillik, olov va dudni sevishi, kaftida cho'g'larni mohirlik bilan o'ynatishi qalandarona hayotda toblanganiga ishoradir. Uning olovda quyosh jilvasini ko'rishi olov tabiatli ekanini

ham anglatadi. Mashrabning baquvvat va toblanganligi kattakon chilimidan bir qarich o'tib chiqib tutunlar bulutga aylanishida ifodalangan bo'lsa, san'atga, adabiyotga yuksak ixlosi quyidagi satrlarda aksini topgan:

Chilim tugar, so'zdan – sozga kelar gal,
U qattiq chertarak o'qiydi g'azal.
Jaranglar havoda baland, xush ovoz,
Hammasi tabiiy, unda yo'q pardoz,
Ruhlarning qa'rida yoqadi mash'al[1,64].

misralarida soz chalishning ustasi, xush ovoz sohibi Mashrabdagi ruhlarni rom etish mahorati madh etiladi. Uning xush ovozi barchani o'ziga asir etgan. "Tuya minib kelgan sahroyi qozoq"dan toki kosib, bo'zchi, dehqongacha unga quloq berganlar. Mashrab chalgan kuyning ta'siri barchaning boshini tebratishga majbur etadi.

Oddiy hayotni, "jun to'qimni kimxobdan to'n"dan a'lo bilishi, so'zi xalqni goh qattiq kuldirishi, goh esa qalblardan oh urdurishi, har go'shaning ma'lumligi Mashrabning kamtarona hayotiga, so'zga chechanligiga, darbadar qalandarona hayotiga ishoradir. Beqaror devonaning qo'nim bilmas hayoti, razil mudarris, muallimlarga mag'rur egilmasligi, so'z va fikr tig'ining keskirligi, undagi har bir ish va qiliq chuqur mantiqqa egaligi Mashrabning donishmand qiyofasi, sajiyasini namoyon etadi. Mashrabdek buyuk shaxsning qadriga yetmagan zamonga aybnoma quyidagi banddagi satrlar asosini tashkil etadi:

Qalbaki e'tiqod, qalbaki axloq –
Asrlar chirigan, sasigan botqoq
Hech qachon bo'g'madi uning nafasin...
Oppoq dastorlarga to'kib tuvagin,
Isbot qila olar: naq undadir haq[1,65].

She'rda Mashrabning bu dunyoning izzat-ikromlariga nafrati, oddiy turmushni a'lo bilishi, oppoq dastorlarga to'kib tuvagin isbot qila oladigan tafakkur egasi ekanligi yoritila boradi.

Qochadi har yerda koshonalardan,
Shoh do'stlar chirkinroq begonalardan.
Is bosgan kulbada topar rang, ziyo,
Xon qiz bo'lolmas ishqiga Laylo,
Qidirar quyoshni mayxonalardan... [1,65]

She'rning so'nggi bandida Mashrabga shoirning yuksak ehtiromi aks etgan o'ziga xos madhiyasi o'rin olgan.

Bulutday kezsa xalq ichidan shoir,
Xotirasi quyosh kabi qoladir.
Ko'ngli ko'targuncha har dargoh gulshan,
Bilinmas nash'asi, g'ami nimadan,
Hayoti ming quroq bir afsonadir[1,65].

Nash'asi va g'ami nimadan ekani bilinmaydigan, afsonaga aylangan Mashrabning sirli hayoti she'rda o'ziga xos ifodasini topgan. "Ma'lumki, bulut yomg'ir tomchilariga aylanib, yerga singganida maysalar unadi, borliq harakatga keladi. Oybek bulutning ana shunday yaratuvchilik, undurchilik xususiyatidan foydalangan holda chuqur falsafiy ifodaga ega satrlar yaratadi. Ammo olamning yashil libosga burkanishida, maysalarning bo'y cho'zishida quyosh nurlarining ham ahamiyati kattadir. Shoir

asarlarining xalq qalbidan oʻrin olishi, yaxshilik urugʻlarining unishiga yordam berishi yomgʻir tomchilarining xizmatiga oʻxshashdir. Mashrab jismi - oʻtkinchi. Bu jihatdan ham u bir shakldan ikkinchi shaklga kirib turuvchi bulut kabidir. Ammo Mashrab xotirasi – quyoshdek porloq va abadiy, asarlarining yorqin tarovati hech qachon soʻnmaydi, demoqchi boʻladi Oybek. She’rdagi “bulutday” va “quyosh kabi” oʻxshatishlari oʻrtasidagi ma’no kontrasti ana shu tarzda umr oʻtkinchiligi bilan hayot abadiyligi haqidagi falsafiy fikrni ifodalashga xizmat qiladi”[2,10-11].

Xullas, Oybek ushbu she’rida Mashrabning oddiy, halqparvar, haqiqatgoʻy shoir, san’atkor sifatidagi qiyofasini gavdalantiradi. Uning qalandarona hayoti, bu dunyo xashamlariga nafrati haqqoniy yoritilgani asar muvoffaqiyatini belgilovchi jihatlardandir. Ushbu she’r tarixiy siymolarimizdan boʻlgan Boborahim Mashrabni xalqimizga tanitish yoʻlidagi ilk asar sifatida qimmatlidir.

**Adabiyotlar:**

1. Oybek. Mukammal asarlar toʻplami. Yigirma tomlik. Ikkinchi tom. – Toshkent: Fan, 1975.
2. Sabirdinov A. Oybek she’riyatida soʻz va obraz. – Toshkent: Akademnashr, 2010.
3. Qissai Mashrab. – Toshkent: “Yozuvchi”, 1992.
4. Shoh Mashrab qissasi. – Angren: Sharq, 1991.

## “MAKON” VA “ZAMON” FALSAFIY HAMDA LISONIY KATEGORIYALARI XUSUSIDA

**Zokirov Muxtorali Turdaliyevich**
**Oʻzbekiston, Fargʻona davlat universiteti**
**filologiya fanlari nomzodi, professor**
**tel: +998 91 674 16 85 e-mail: mukhtar63@mail.ru**

**Annotatsiya:** maqolada “makon” va “zamon” falsafiy hamda lisoniy kategoriyalari ma’nosi izohlangan, uzviy bogʻliq tarzda oʻrganilgan.

**Kalit soʻz va iboralar:** falsafa, lingvistika, makon va zamon kategoriyalari, lingvistik vositalar, sintaksis, lokallik, temporallik

**Аннотация:** мақалада «кеңістік» және «уақыт» философиялық-лингвистикалық категорияларының мағынасы түсіндіріліп, тұтас түрде зерттеледі.

**Негізгі сөздер мен сөз тіркестері:** философия, лингвистика, кеңістік пен уақыт категориялары, тілдік құралдар, синтаксис, жергілікті жер, мезгілдік

**Abstract:** the meaning of the philosophical and linguistic categories of "space" and "time" is explained in the article and studied in an integral way.

**Key words and phrases:** philosophy, linguistics, categories of space and time, linguistic tools, syntax, locality, temporality.

Ijtimoiy hayotning ajralmas atributi (belgisi) hisoblangan makon va zamon kategoriyalari qadim davrlardan insonlarni qiziqtirib kelgan, shu tufayli ushbu tushunchalar toʻgʻrisidagi tasavvurlar tabiiy fanlar, ijtimoiy fanlar, shuningdek, tilshunoslikning tadqiqot obyekti hisoblangan. Makon va zamon kategoriyalarining oʻrganilishi dastlab falsafiy qarashlar bilan bogʻliq bo’lgan.Makon va zamonning

ijtimoiy fanlar kesimida, xususan, falsafada o'rganilishi ushbu tushunchaning umumiylik xususiyatiga ega ekanligini ko'satadi.

Aytish mumkinki, borliq o'z tuzilishiga, strukturasiga ega.Undagi har bir narsa va hodisa o'zaro uzviy bog'liq holda muayyan sistemani tashkil etadi.Borliqning asosiy tuzilishi uning makon va zamonda mavjudligi bilan izohlanadi."Fazo va vaqt – borliqning umumiy yashash shakllari bo'lib, fazo dunyoni tashkil etuvchi obyektlar va ularning tarkibiy nuqtalarining o'zaro joylashish tartibi, ko'lami va miqyosini ifoda etadi, vaqt esa dunyoda sodir bo'luvchi hodisa va jarayonlarning ro'y berish ketma-ketligi tartibi va davomiyligini ifodalaydi. O'zbek tilidagi adabiyotlarda arab tilidan kirgan makon va zamon atamalari ham ishlatiladi." [Ahmedova M, 2006: 288] Demak, "…fazo narsalarning ko'lamini, hajmini, o'zaro joylashish tartibini, uzlukli yoki uzluksizligini ifodalashi, vaqt esa hodisalarning ketma-ketligini, jarayonlarning davomiyligini…" bildiradi [Qurbonova B, 2010: 14].

Fazo va vaqtni tushunish bo'yicha substansional va relyatsion yondashishlar mavjud.Substansional kopsepsiya tarafdorlari fazoni narsalar joylashashadigan idish, bo'shliq deb bilishadi.Ularning fikricha, hamma narsa fazo ichiga joylashtirilgan.Fazo o'ziga narsalarni sig'diruvchi substansiya.Hech narsasi yo'q, ya'ni narsalar solinmagan fazo ham bo'lishi mumkin, deyiladi.Relyatsion konsepsiya tarafdorlari esa narsalar fazoviy o'lchamga ega, deyishadi [Qurbonova B, 2010: 14]. Borliqdagi har bir predmet, voqea-hodisa, harakat, xususiyat – barchasi inson ongida aks etadi hamda tilda o'z ifodasini topadi.Makon va zamon tushunchalari ham shular jumlasidandir. Falsafa fanining kategoriyalari haqida turli qarashlar mavjud.Ko'pchilik mutaxassislar kategoriyalar olam, undagi narsa va voqealar, ularning asosiy va takrorlanib turuvchi aloqadorligini ifodalaydigan keng mazmundagi tushunchalardir, degan fikrga qo'shiladilar. Bu ma'noda borliq, voqelik, harakat, makon, zamon, miqdor, sifat va boshqalar falsafaning ana shunday kategoriyalaridir [Nazarov Q., 2018: 123].

Qadimdan faylasuflar makon va zamonning xususiyati hamda mohiyati haqida turli qarashlarni ilgari surib keladilar. Makon va zamon falsafiy kategoriyalarini o'zaro uzviy holda talqin etilishi dastlab Qadimgi hind manbalarida, aniqrog'i, Vedalarda keltiriladi.

Falsafa tarixini Forobiy, Beruniy va ibn Sinosiz tasavvur qilib bo'lmaydi.Musulmon Sharqida Arastudan keyin "Ikkinchi ustoz" unvoniga muyassar bo'lgan Abu Nasr Forobiy talqin etishicha, olam sifat, miqdor, javhar, aksidensiya (muhim bo'lmagan xossa), imkoniyat, zariruyat va tasodifiyat, makon va zamon, harakat va rivojlanish kabi tushunchalarda ifodalanadi [Nazarov Q., 2018: 40]. Sharq mutafakkirlaridan Abu Bakr ar-Roziy (dunyoni tashkil qiluvchi besh ibtido – Yaratuvchi, mutlaq zamon hamda makon, jon, materiya to'g'risidagi "Makon va zamon haqida mulohaza" asari) [Baratov, 1969: 4-13], Abu Nasr Forobiy (cheksiz bo'lgan makon va zamonda materiya abadiy mavjud bo'lishi, predmet va hodisalarning zamondagi o'zaro ketma-ketligi prinsiplari to'g'risida "Mantiqqa kirish", "Vaqt" asarlarida) [Xayrullayev, 1963: 63-66], Abu Ali ibn Sino (materiyaning zamon bilan bog'liq harakatlanishi to'g'risidagi dialektik qonuniyat haqida) [Baratov, 1969: 15-16], Abu Rayhon Beruniy (zamonning nisbiyligi, cheksizligi to'g'risida) [Nuritdinov, 1991, 40], Alisher Navoiy (dunyoning yaratilishi, zamonning inson hayotidagi o'rni to'g'risida) [Xayrullayev, 1963, 8-1—b.] va boshqalarning ta'limotlarida ham makon va zamon kategoriyalarining munosabati, materiyaning ushbu kategoriyalarga

bog'liqligi [Sultonova Sh.] kabi falsafiy g'oyalar ilgari suriladi.

Makon va zamon masalalari Demokrit, Aflotun, Abu Bakr Roziy,Abu Yusuf ibn Is'hoq al-Kindiy kabi faylasuflarning ilmiy asarlarida ham uzviy bog'liq holda tadqiq etiladi.Narsa va hodisalarning mohiyat va hodisa tarzida bog'lanishlari makon va zamondagi muayyan konkretligi bilan bog'liq.Gotfrid Vilgelm Leybnits o'z qarashlarida makonni ayrim olingan ko'plab yakka jismlarning o'zaro joylashuvining tartibi sifatida izohlaydi, zamonni esa bir-biri bilan almashinib turadigan hodisalar yoki jismlar holatining tartibi sifatida talqin qiladi. Nemis klassik falsafasining asoschisi Immanuil Kant "…nuqtayi nazaricha, makon va zamon g'oyasi insonga idrokdan oldin ma'lum bo'lgan.Makon va zamon g'oyaviy bo'lib, voqeiy emasdirlar.Hissiy taassurotlar bir-birlari bilan o'zaro hukmlar vositasida bog'lanadilarki, ular asosida kategoriyalar, ya'ni umumiy tushunchalar yotadi. Kant nazaricha, bular "sof fikr"ni ifodalovchi "sof mantiqiy" shakllar bo'lib, uning ashyolari emas.Kategoriyalar insonga apriodi, ya'ni har qanday tajribagacha berilgandir" [Ahmedova M., 2006: 194]. Kant uchun makon va zamon kategoriyalari hissiyot shakllari bo'lsa, Kogen uchun tushunchalar(kategoriyalar) hisoblangan.

Hind mutafakkiri Javaharlal Neru "Otkritii Indii" asarida inson, uni o'rab turgan olam va insonning olamga munosabati haqida yozar ekan, inson aqli borliqning zamon va makonda chegaralangan, unchalik katta bo'lmagan tomoninigina qamrab olishi mumkinligini ta'kidlaydi.

Dunyo tilshunosligida makon va zamon kategoriyalari, asosan, grammatik kategoriya sifatida, lisoniy olam manzarasining unsurlaridan biri sifatida tadqiq qilingan.Borliqdagi har bir narsa va hodisa, harakat va holat inson ongida aks etadi va til orqali ifodaladi.

Hozirgi kunda deyarli barcha fanlarda sistemaviy tadqiqodlarga jiddiy e'tibor qaratilmoqda, chunki har bir fan o'zi o'rganayotgan obyektning boshqa obyektga munosabatini, obyektni tashkil etgan ichki a'zolarning bir-biri bilan va bu a'zolarning butun bilan o'zaro munosabatini o'rganmasdan turib, shu obyekt haqida hech qachon to'g'ri ilmiy xulosalarga kela olmaydi [Qurbonova B.]. Jumladan, lingvistikada ham ushbu umumiy tamoyilga amal qilinadi. V.I.Postavalova tilning sodda lisoniy olam manzarasiga ta'siri to'g'risida yozadi hamda makon va zamonni dunyo obrazining asosi sifatida belgilaydi [Sultonova Sh. 2018: 20-21].0 Makon va zamon ma'nolarini ifodalovchi tushunchalarning lingvistik vositalar orqali ifodalanishi lokallik va temporallikni bildiradi.

"Zamon" tushunchasiga akademik A.Hojiyev tomonidan quyidagicha ta'rif beriladi:

**ZAMON** – q.**Zamon kategoriyasi.**

**ZAMON KATEGORIYASI.** Harakatning nutq paytiga munosabatini bildiruvchi grammatik kategoriya.Harakatning nutq paytiga bo'lgan munosabatiga ko'ra fe'lning uch zamon turi bor: 1)o'tgan zamon (q.); 2)hozirgi zamon (q.); 3) kelasi zamon (q.).Harakatning nutq paytiga munosabatini bevosita yoki bavosita ifodalashiga ko'ra zamonning ikki turi farqlanadi: 1) mutlaq zamon (q.); 2) nisbiy zamon(q.) [Hojiyev A., 2002, 40].

"Makon" tushunchasi akademik A.Hojiyev tomonidan shunday izohlanadi:

**Lokal munosabatlar** (lot. Localis – o'rin, o'rin-joyga aloqador) – ayn. **Makon munosabatlari** [Hojiyev A., 2002, 40]**.**

Makonning lingvistik vositalar orqali ifodalanishi lokallik, zamon(vaqt)ning lingvistik vositalar orqali ifodalanishi esa temporallikni bildiradi.Makon va zamon ma'nosini ifodalagan turli sathlarga xos til birliklarining tahliliga ayrim mualliflar u yoki bu nuqtayi nazardan e'tibor qaratmoqdalar.Aksariyat lingvistik tadqiqotlarda makon va zamon kategoriyalari alohida obyekt sifatida o'rganilgan.

O'zbek tilidagi lokallik va temporallikning til sistemasida tutgan o'rni, uni tashkil etuvchi lingvistik birliklarning tilning sintaktis sathida shakllanishi va uning nutq jarayonida voqelanishi muammolari hali monografik asosda tadqiq etilmagan. Sintaktik sathda ham lokallik va temporallik maxsus sintaktik vositalar orqali ifodalanadi. Masalan, gap bo'laklari qatorida lokallik maxsus o'rin hollari orqali ifodalansa, qo'shma gap sathida o'rin ergash gaplar yordamida yuzaga chiqadi [Qurbonova B. 2010: 13]. Temporallik esa gap bo'laklari bo'limida maxsus payt hollari orqali ifodalansa, qo'shma gap sathida payt ergash gaplar yordamida o'rganiladi.Lokallik va temporallik til sathlarining qay birida o'rganilmasin, asosiy e'tibor ma'noli birliklarning lokallik va temporallik belgisi asosida tadqiq etilishiga qaratiladi.

Matn sintaksisida lokallik va temporallikning ifodalanishi murakkab jarayondir. Matnning shakllanishida bir sostavli gaplar, ayniqsa, nominativ(atov) gaplarning roli kattadir. Ma'lumki, nominativ gaplar narsa va hodisalarning zamon va makonda mavjudligini tasdiq etish yo'li bilan ko'rsatuvchi bir yoki birdan ortiq so'zlarning birikmasidan tashkil topadi. Bir sostavli gaplar nisbiy tugal mazmun va tugal intonatsiyaga ega. Shunga qaramay, ular mazmunan kengayish – izohni talab etadi. Izohlash funksiyasini esa kamida bir yoki undan ortiq gaplar bajarishi mumkin [Mamajonov A., Abdupattoyev M. 2021]:

Martning oxirgi kunlari. Ko'k yuzida yurgan bulut parchalari bir zumda oftobni yuz kuyga solyapti. Oftob har safar bulut orasiga kirib chiqqanda, bahor kelganidan bexabar hanuz g'aflatda yotgan o't-o'lanni, qurt-qumursqani uyg'otgan, avvalgidan ham yorug'roq, avvalgidan ham issiqroq shu'la sochayotganday tuyuladi… (A.Qahhor).

Cho'l-u biyobon.Keng, ulug'vor sahrolar ufqdan ufqqa tutashgan.Kuz fasli.Shamollar mayin, yoqimli esadi.Quyoshning issig'i kuydirmaydi, erkalaydi.Tiniq, ko'm-ko'k osmonda onda-sonda yengil bulutlar asta kezadi.Yuksak tog'lar tumanda [Oybek, 2008: 112].

Shom vaqti.Haryoq jimjit.Tor changli ko'chalardan kunduzning issiq, yoqimsiz nafasi hali ko'tarilgani yo'q [Oybek, 2008: 302].

Qishloq. Yoz. Jazirama.

Qoq tush mahali baqaterak ostida zaif bir "puf "yelib o'tadi [Sulton I. 2018: 244].

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, XX asr oxiri va XXI asr boshlariga kelib, turli falsafiy ta'limotlar shakllandi.Mazkur ta'limotlarni o'rganish mobaynida falsafa zamon va makon bilan bog'liq murakkab fan ekanligi to'g'risida muayyan xulosaga kelish mumkin [Nazarov Q. 2018: 89].

Lingvistik tadqiqotlar asosida makon va zamon lisoniy kategoriyalari uzviy bog'liq tarzda tadqiq etilishi o'rinlidir, chunki mazkur tushunchalar mazmunan bir-birini to'ldiradi, izohlaydi. Makon va zamon kategoriyalarining bog'liq holda o'rganilishi mazkur kategoriyalarni idrok qilish usullari haqida yanada to'liqroq tasavvurga ega bo'lish mumkinligini ko'rsatadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

**1.** Abdullayeva M. va b. Falsafa qisqacha izohli lug‘at. – Toshkent: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2004, 384 bet.
**2.** Ahmedova M. va b. Falsafa. – Toshkent: O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti,2006,496 bet.
**3.** Hojiyev A. Tilshunoslik terminlarining izohli lug’ati. Toshkent: O’zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2002, 166 bet.
**4.** Nazarov Q. [va boshq.].Falsafa asoslari. - Toshkent: O’zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2018, 380 bet.
**5.** Mamajonov A., Abdupattoyev M. Matn nazariyasi
**6.** Oybek. Bolalik. – Toshkent: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2008, 304 bet.
**7.** Qurbonova B.Til sathlarida lokallikning ifodalanishi. Farg’ona:”Qirguli poligrafchi”, 2010, 96 bet.
**8.** Skirbekk G., Gilye N. Falsafa tarixi. . – Toshkent: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2002, 720 bet.

## “MUHABBATNOMA” ASARINING TIL XUSUSIYATLARI

**O‘razova Iqbol Abdikarimovna,**
**filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD),**
**Alisher Navoiy nomidagi TDO‘TAU “O‘zbek tilshunosligi”**
**kafedrasi katta o‘qituvchisi**

**Annotatsiya:** Xorazmiy tomonidan yozilgan “Muhabbatnoma” asari o‘zbek adabiyotida yangi bir janr debochasi sifatida e’tiborga molik bo‘lishi bilan birga, tilshunoslik nuqtayi nazaridan ham qimmatli manbadir. Asar tili XIV asrning ikkinchi yarmida qo‘llangan adabiy tilining lingvistik tadqiqi uchun alohida ahamiyatga ega. Ushbu maqolada “Muhabbatnoma” asarining fonetik., leksik va morfologik jihatdan tahlil qilingan.

**Kalit so‘zlar:** turkiy til, dialekt, qipchoq-o‘g‘uz, grammatik birliklar, leksik birliklar, kelishik.

**Аннотация:** Хорезми жазған «Мухаббатнама» өзбек әдебиетіндегі жаңа жанрдың алғы сөзі ретінде назар аударарлық, тіл білімі тұрғысынан да құнды дерек болып табылады. Шығарма тілі XIV ғасырдың екінші жартысында қолданылған әдеби тілді лингвистикалық тұрғыдан зерттеу үшін ерекше маңызға ие. Бұл мақалада «Мұхаббатнама» шығармасының фонетикалық, лексикалық, морфологиялық аспектілері талданады.

**Тірек сөздер:** түрік тілі, диалекті, қыпшақ-оғыз тілі, грамматикалық бірліктер, лексикалық бірліктер, жалғау.

**Abstract:** “Muhabbatnama” written by Khorezmi is noteworthy as a prelude to a new genre in Uzbek literature, and is also a valuable source from the point of view of linguistics. The language of the work is of particular importance for the linguistic study of the literary language used in the second half of the 14 th century. This article analyzes the phonetic, lexical and morphological aspects of the work “Muhabbatnama”.

**Key words:** Turkish language, dialect, Kipchak-Oghuz, grammatical units, lexical units, conjugation.

Xorazmiy turkiy adabiyotda o‘z o‘rni va o‘z maktabiga ega bo‘lgan muhim adabiy figuralardan bo‘lib, shoir XIV asrda yashagan, turkiy va forsiy tilda ijod etgan. Biroq bizga uning, asosan, o‘zbek, qisman, tojik tilida bitilgan birgina “Muhabbatnoma” asari yetib kelgan. Tarjimayi holi haqida ham shu asardagi ma’lumotlardan boshqa ma’lumotga ega emasmiz. Hatto, uning asl ismini ham bilmaymiz. «Muhabbatnoma»da shoirning o‘zi qayd etishicha, Oltin O‘rda xoni Jonibekxonning Sirdaryo muzofotidagi hukmdorlaridan biri Muhammad Xojabek forsiy tilda she’rlar yozib, mashhur bo‘lgan Xorazmiydan turkiy tilda kitob yozishni iltimos qiladi. «Muhabbatnoma» shu tariqa milodiy 1353-yili dunyoga kelgan. Demak, shoir tojik tilidagi daftarlari, ya’ni to‘plamlari, «shakartek til» bilan el orasida ma’lum-u mashhur bo‘lgan. Muhammad Xojabek esa undan aynan o‘zbekcha asar yozishni so‘rayapti. Adabiyotimiz tarixi uchun bu muhim bir fakt. Chunki shoirlarimizning o‘z tilimiz qolib, forsiyda asarlar yozishiga qarshi kurash Alisher Navoiy yashagan XV asrning ikkinchi yarmiga qadar davom etdi. Taxallusidan ham bilish mumkinki, shoir — xorazmlik. Lekin asar Sirdaryo yoqalarida bitilgan. Yana bir narsani unutmaslik kerakki, faqat Amudaryoning Orolga quyiladigan joylarigina emas, Sirdaryoning dengizga tutash bo‘lgan hududlari ham Xorazm deyilgan bo‘lishi mumkin. Shuning uchun «Xorazm» degan joy nomi anglatgan hozirgi tushuncha bilan XIV asrdagi hudud bir-biridan keskin farq qilishi tabiiy hol. Asar noma janrining ilk namunasi o‘laroq adabiy qimmatga ega bo‘lishi bilan birga, til xususiyati bilan ham e’tiborga molik sanaladi.

Bilamizki, “Qadimgi turkiy tilda “d” fonetik hodisasi amal qilgan. Mo‘g‘ullar davlatining inqirozga yuz tutishi munosabati bilan O‘rta Osiyo, Kavkaz va Qrim, Kichik Osiyoda har xil turkiy davlatlar tuzildi. Davlat chegaralarining aniqlanishi borgan sari shu hududdagi qabila-urug‘lar asosida muayyan xalqlarning tarkib topishi uchun zarur sharoit tug‘dirdi. Asta-sekin mo‘g‘ullarning O‘rta Osiyodagi siyosiy yetakchiligi zaiflashdi, adabiy tilga mahalliy shevalar ta’sir qila bordi. Natijada XIV asr davomida Sirdaryo bo‘yidagi “y”-lashgan dialekt adabiy tilning tayanch dialektini tashkil qildi. “d”, “z” dialektlari XIV asr boshlarigacha qo‘llangan. “Qisasi Rabg‘uziy” asari buning yorqin dalilidir. Qolaversa, XI – XIV asrlarda yaratilgan aksar manbalar tilida har uchala dialekt parallel ishtirok etgani kuzatiladi. XIV asrning o‘rtalaridan boshlab yuzaga kelgan yodgorliklar “y” dialekti zaminida yaratildi. Bu dialektning dastlabki yodgorligi Xorazmiyning «Muhabbatnoma» asaridir. Demak, “d”, “z”, “y” dialektlarining o‘zbek adabiy tilidagi o‘rnini aniqlash uchun qadimgi turkiy til va XI – XIV asr yodgorliklarini puxta o‘rganish lozim bo‘ladi” [Abdushukurov, 2020: 56-57]. S.Qosimov fikricha, Xorazmiy “Muhabbatnoma” asarini yozgan davrda o‘zbek adabiy tili hali unchalik ishlanmagan va bu tildagi badiiy adabiyot katta tajriba va mustahkam traditsiyaga ega emas edi. “Muhabbatnoma”da ilgari surilgan fikrlar sodda va ravon til bilan bayon qilingan, asar tilining obrazli ekani esa uning ta’sir kuchini oshirgan [Qosimov, 1950: 127].

Alisher Navoiy “Muhokamat ul-lug‘atayn” asarida o‘zbek tilida xolni ifodalovchi “meng” so‘zi borligini aytib, “Muhabbatnoma”dagi: *Aniŋki al eŋindä meŋ jarattï, Bojï birlä sačïnï teŋ jarattï*, misralarini keltiradi. “Muhabbatnoma” misralarining

“Muhokamatul-lug‘atayn”da misol tariqasida keltirilishi uning leksik jihatidan xiyla boy ekanini tasdiqlaydi.

N.Mallayev ham asar tilidagi leksik va grammatik birliklar (masalan, *jaqtu, javut, ut=* kabi so‘zlar, jo‘nalish kelishigining *-a* formasi va boshqalar) hozirgi kungacha Xorazm shevasida saqlanib kelayotganini alohida ta’kidlagan [Mallayev, 1976: 238-239].

“Muhabbatnoma”da g‘arbiy va janubiy tillarga xos xususiyatlar uchraydi. Masalan, jo‘nalish kelishigi qo‘shimchasi ning *-ä/nä, -a/na* varianti faol ishlatilgan: *elinä (qo‘liga), gavharïna (gavhariga), nürinä (nuriga), bu tänä (bu tanga).*

Tushum kelishigi affiksi -i variantida uchraydi: *köŋlümi, özimi*. Ravishdosh *-gäč/-γač,* buyruq-istak mayli fe’li *-äli/alï (baralï, ketäli),* shart mayli fe’li *-sar/sär (sölisär, bolsar)* affikslari bilan shakllanadi. Hozirgi kelasi zamon fe’lining bo‘lishsizligi qisqargan holda keladi: *javutman (yaqinlashtirmaydi), unutman (unutmayman).* Sifatdoshning (kelasi-zamon) - *jür/jur* affiksi bilan yasalgan turi ham uchraydi: *sajrajur-sayrar, jasanlajur.*

Asar leksikasi o‘ziga xos xususiyatlar bilan ajralib turadi. Asarda qo‘llangan ayrim leksemalar o‘g‘uz lahjasi vakillari tomoni bugungi kunda ham faol qo‘llanadi: *šunqar – burgut, bojla – shunday qilib, jaqtu – yorug‘.* Shu bilan birga bugungi kunda iste’moldan chiqqan leksik birlik lar ham faol uchraydi: *javut= – yaqinlashmoq, taqn – jumladan, dudaq – lab, juban= – ikkilanmoq, üküš – ko‘p, asru – juda.*

Yuqoridagi til hodisalarining ayrimlari uyg‘ur tiliga ham xosdirki, bu bizni asar tilining faqat bir lahjaga mansub, deyish fikridan qaytaradi. Chunki XIV asrda bir til asosidan tarmoqlangan turli turkiy shevalar shakllanish davrini boshdan kechirayotgan edi. Hozirgi ma’lum tilga xos bo‘lgan belgilarning o‘zga hududda yozilgan yodnomalarda uchrashi yoki aksincha bo‘lishi tabiiy holat va bu asarlar tilining rang-barangligini ifodalashi bilan birga o‘zbek tilining shakllanish davrida yuz bergan o‘zgarishlarni aks ettirishi bilan xarakterlidir.

“Muhabbatnoma”da XIV asrning oxiri va XV asrning boshlarida Xorazm va Mavoraunnahrda hukm surgan kitobiy-poetik til traditsiyasi davom ettirilgan. Shuning uchun unda qipchoq-o‘g‘uz va qisman uyg‘ur tili xususiyatlarini uchratamiz.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. Abdushukurov B. O‘zbek adabiy tili tarixi. –Toshkent: O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi, 2020. –B. 56-57.
2. Қосимов С. Хоразмий ижоди. Филол. фан. номз...дисс. –Тошкент, 1950. –Б. 127.
3. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, I том. 1976. –Б. 238-239.
4. Muhammadiyeva D. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl= ru&user= aiGGU2YAAAAJ&citation_for_view=aiGGU2YAAAAJ:UeHWp8X0CEIC
5. O‘razova I. https://www.researchgate. net/publication /371445592_UzMU_HABARLARI _VESTNIK_NUUz_ACTA_NUUz_MIRZO_ULUGBEK_NOMIDAGI_UZBEKISTON_MILLIJ_ UNIVERSITETI_ILMIJ_ZURNALI
6. O‘razova I. https://scholar.google.com/citations?view_op=list_works&hl= en&user= oSSeGakAAAAJ &gmla =AJsN-F4xXsnQkorkZfkCns%20J13NxbQl_btWZxY3Mn1Yqwf8fMB-Z2xaDfKEeADRS%20z1aynTV4-wnq3YUqXm-96pZ0qtjTqd31EhHiBlW-iGYVK5BqQ8EWNh1iSlDaPzbAvJu6fANos1Yl
7. Xolmanova Z. https://www.researchgate.net/publication/ 358344028_Boburnoma _leksikasi_ t

## ТАҚДИР СИНОВЛАРИДАН ЎТГАН ИЖОДКОРЛАР

**Сулаймонов Мўминжон Юсуфжонович,**
***Наманган давлат университети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доценти,***
***+998937052555. E-mail. msulaymon62@ mail.ru***

*Чингиз Айтматов таваллудининг*
*95 йиллигига бағишланади.*

**Аннотация.** Мазкур мақолада Чингиз Айтматов асарларига хос айрим жиҳатлар таҳлилга тортилган. Жумладан, адиб асарларида етакчи бўлган танқидий руҳга эътибор қаратилган. Мавзу Айтматовнинг “Алвидо, Гулсари” қиссаси мисолида очиб берилган.

**Калит сўзлар:** қисса, бадиий тасвир, Чингиз Айтматов, “Алвидо, Гулсари”, танқидий руҳ, қирғиз адабиёти, жаҳон адабиёти, образ.

**Аннотация.** В данной статье анализируются некоторые аспекты творчества Чингиза Айтматова. В частности, уделяется внимание критическому духу, руководящему в творчестве писателя. Тема раскрывается на примере рассказа Айтматова «Прощай, Гульсари».

**Ключевые слова:** новелла, художественный образ, Чингиз Айтматов, «Прощай, Гульсари», критический настрой, кыргызская литература, мировая литература, образ.

**Abstract.** This article analyzes some aspects of Chinghiz Aitmatov's works. In particular, attention is paid to the critical spirit leading in the works of the writer. The theme is revealed in the example of Aitmatov's short story "Farewell, Gulsari".

**Key words:** short story, artistic image, Chinghiz Aitmatov, "Farewell, Gulsari", critical spirit, Kyrgyz literature, world literature, image.

Чингиз Айтматов дунё эътироф этган, камдан-кам ижодкорларга насиб бўлган шон-шарафга эришган адиб. У, аввало, туркий халқларнинг фахри-ифтихори ҳисобланади. Чингиз Айтматов асарларини ҳар сафар ўқиганимда мен учун янги-янги қирралари намоён бўлаверади. Хўш, адиб асарларининг дунёвий шухрат топиишига нима сабаб, деган ҳақли савол туғилади. Бунинг бир неча объектив ва субъектив сабаблари мавжуд деб ўйлайман. Аввало, бу ижодкорнинг туғилган юрти, вояга етган оиласи билан чамбарчас боғлиқлигида, деб бемалол айтиш мумкин. Айтматов зиёли, ўз юртини севган, фидойи инсон, давлат ва жамоат арбоби оиласида таваллуд топганлигини ҳамма китобхонлар жуда яхши билишади. Аммо халқпарвар ва юртпарварлар сиғмаган собиқ шўролар юртида Чингизнинг отаси Тўрақул Айтматовга ҳам кўп йиллар давомида ватани, халқи учун хизмат қилиш насиб этмади. Кўпгина бегуноҳ ватанпарварлар сингари унинг ҳам қатағон машинаси ўз домига тортиб кетди. Ўша пайтларда қатағон қилинганларга “халқ душмани” тамғаси босилганлиги ва уларнинг оила аъзолари, фарзандлари, яқин қариндошлари ҳам таъқибга учраганликлари тарихий манбалардан маълум. Ёш Чингиз Айтматов ҳам бу камситишлардан бенасиб қолмаганлиги адибнинг нисбатан кейинроқ эълон қилинган “Болалигим” асарида батафсил баён қилинган.[103]

[103] Aytmatov. Ch. Bolaligim. Qissa. –Toshkent. Ijod-press. 2017. – 224 b.

Шу ўринда бир қизиқ фактга кўпчиликнинг эътиборини жалб қилмоқчиман. У ҳам бўлса, мустабид шўроларнинг қатағонига учраган давлат ва жамоат арбобларининг фарзанди бўлган, оталари туфайли ноҳақ камситишларга учраган, аммо ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилган ва буни аъло даражада уддасидан чиққан бир неча ижодкорларнинг ўхшаш тақдиридир. Жумладан, бу хусусиятларни ўзбек адиби Одил Ёқубов, қирғиз адиби Чингиз Айтматов, грузин ёзувчиси Нодар Думбадзеларнинг ҳаёти ва ижоди мисолида аниқ кузатамиз. Агар Одил Ёқубов отасининг қатоғон қурбони бўлганлигини "Музқаймоқ" ҳикоясида тасвирлаган бўлса, Нодар Думбадзе ўзининг бир қатор асарларида бу ҳолатни аниқ-тиниқ байн қилиб ўтган.[104] Бу учала машҳур адибларнинг тақдири, ижодий фаолияти деярли бир-бирига муштараклиги мени доим қизиқтириб келган. Мазкур масала алоҳида тадқиқотни талаб қилганлиги учун ҳам бу ўринда ўхшаш хусусиятларни Чингиз Айтматов ижоди мисолида ёритишга ҳаракат қилдик. Зеро, адиб ҳаёти ва ижодининг бошқа ёзувчиларга яқин жиҳатлари билан бирга ўзига хос томонлари ҳам анчагина.

Айтматов ижоди ҳақида хорижда ҳам, Ўзбекистонда ҳам жуда кўп тадқиқотлар эълон қилинганлиги ҳаммага маълум.[105] Яна бирор янги гап айтиш мумкинки, бунинг имкони борми, деган ҳақли саволлар туғилиши, табиий. Бу саволга, ҳа, ҳали жуда кўп тадқиқотлар, изланишлар олиб бориш мумкин, деб жавоб бера оламиз. Инчунун, Айтматов асарлари чексиз уммонга қиёслаш мумкин бўлган адабий меросдир.

Адиб дастлабки асарлари орқали эришган обрў-эътиборини умрининг охиригача сақлаб қолишга эришган камдан-кам ижодкорлардан бири сифатида ҳам эътирофга сазовордир. Жаҳон адабиёти тарихида ҳам, ўзбек адабиёти тарихида ҳам ижоди давомида турли даражадаги асарлар ёзган адиблар керагича учрайди.

Ёзувчи отасининг қатағон қурбони бўлганига, халқ душманининг фарзанди деб камситилишига қарамай, тинимсиз, ўқиди, изланди. Ўз халқининг турмуш тарзидан келиб чиқиб, дастлаб зооветернария, кейинчалик ўрмончилик бўйича инженер касбини эгаллашни мақсад қилди. Зеро, шу касби билан халқига, ватанига фидойиларча хизмат қилиш энг олий орзуси бўлган, десак, муболаға эмас. Лекин кейинроқ, аниқроқ қилиб айтганда, талабалик йилларида бадиий адабиётга бўлган қизиқиши ҳамма нарсадан устун келди. Инсттутда ўқиб юрган йилларида Лев Толстойнинг "Уруш ва тинчлик" эпопеясини қирғиз тилига таржима қилган. Афсуски, у таржимасини тугатган пайтда бу асар қирғиз тилида нашр этилган бўлиб чиқди.

Чингиз Айтматов бир мунча вақт – отаси Москвада ишлаган даврларда мактабда рус тилида ўқиган эди, кейин ҳам давр талабидан келиб чиқиб, рус тилида таълим олишни давом эттирди. Адиб ёшлигида гувоҳи бўлган воқеа унига қаттиқ таъсир қилган. Колхозлаштириш – жамоа хўжаликлари ташкил этиш даврида зотдор наслли отлар етиштириш мақсадида собиқ иттифоқнинг ғарбий қисмидан Қирғизистонга зотли отлар келтирилган. Улардан бири – айғир

---

[104] Думбадзе, Н. Қуёшни кўряпман. Роман. – Тошкент. 1969. – 232 б. Яна шу муаллиф. Абадият қонуни. Мен, бувим, Илико ва Илларион. Романлар. – Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983. – 384 б.

[105] Рашидов. А. Чингиз Айтматов олами. Қайта ишланиб, тўлдирилган 2-нашри. "O`qituvchi" НМАК бош таҳририяти. – Тошкент. 2011. – 256 б. Яна. Носиров Қ. Чингиз Айтматов в Намангане. Ёшлар анжумани материаллари. – Наманган. – 295 б

нобуд бўлганлиги сабабини аниқлаш учун зооветернар чақирилади. Чўпонлар мол духтирга бу отлар маҳаллий шароитни билмаганлиги сабабли ҳайвонлар учун зарарли бўлган заҳарли ўтларни еганлигини тушунтиришади. Аммо у қирғиз тилини тушунмаганлиги туфайли роса қийналади.. Ёш Чингиз отларнинг нобуд бўлиш сабабини рус тилида тушунтиради.[106] Шу воқеа сабаб рус тилини яхши билиш зарур деб тушунган ва техникумда, институтда ўқишни рус тилида давом эттиргандир. Нима бўлганда ҳам Айтматов жаҳоннинг машҳур адибларининг асарларини рус тилида ўқиди. Натижада, ҳар икки тилда, қирғиз ва рус тилларида баробар ижод қила олиш даражасига эришди.

Айтматов асарларини ўқиганим сари у бизнинг юртларда бўлган ва халқимиз ҳаётини жуда чуқур ўрганган, деган хулосага келавераман. Мисол учун биргина "Алвидо, Гулсари" қиссасини олайлик. Адиб "Литературная газета"нинг Ўрта Осиёдаги махсус мухбири сифатида ишлаган кезларида Ўзбекистонда ҳам бўлган, ўнлаб мақолалар эълон қилган. Жумладан Мирзачўлни ўзлаштираётган чўлқуварлар ҳақидаги мақолалари марказий нашрларда эълон қилинган.

Ёзувчи, энг аввало, ўз юрти Қирғизистондаги ҳаёт ҳақида мақолалар ёзганлиги айни ҳақиқатдир. Шу жумладан, қирғиз чўпонларининг реал ҳаётидан олиб ёзилган қиссада тасвирланган воқеалар ёзувчи учун ёшлик чоғлариданоқ маълум эди. Кейинчалик ҳам журналист сифатида чўпон-чўлиқлар эришаётган ютуқлар ҳақида мақолалар тайёрлаш каби режали топшириқлар бўлганлиги, табиий. Балки Айтматов мухбир сифатида газета топшириғига кўра Қирғизистон чорвадорлари эришган ютуқлар ҳақида мақолалар ҳам эълон қилдиргандир. Аммо ўзи кўрган ва гувоҳи бўлган нохуш воқеалардан кўз юмиб кета олмаган ҳамда уларни бадиий асар сифатида талқин этган.

Алвидо, Гулсари" қиссаси бош қаҳрамони Танабой образи орқали бутун бир халқ ҳаётини моҳирлик билан тасвирлай олган.[107] Назаримда, Айтматов бу асарида бизнинг маҳаллада қўй боқадиган чўпонлар билан танишдай, уларнинг аҳволини кўриб-билиб тургандай туюлади. Пахта етиштиришга ихтисослашган Ўзбекистонда чорвадорларга панжа орасида муносабатда бўлинганлиги, уларга жиддий эътибор берилмаганлиги, табиийдек эди. Аммо асосий тирикчилиги чорвачилик бўлган Қирғизистондай мамлакатда чўпонларга шарт-шароит яратилмаганлиги албатта ачинарли ҳол ҳисобланади. Ҳар юз совлиқдан 200 бошдан қўзи олинганлиги ҳақида газеталарда, радио, телевидениеда бонг урушлар, ёлғон хабарлар билан мақтанишлар авж олган бир пайтларда ҳақиқий ҳолатни бадиий асарда акс эттириш мумкинмиди? Бунинг учун ёзувчига муқаррар танқидлар, кесатиқлар бўлиши бор гап эди. Лекин адиб бу хавф-хатардан чўчимади, қиссада бор ҳақиқатни бадиий акс эттиришни қотириб қўйди. Асар қаҳрамони Танабой уруш иштирокчиси, неча бор ўлимлардан омон қолган ва ўзини партиянинг чин хизматкори деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам ҳамма камчиликларни, йўқчиликларни имкон қадар ўзи бартараф этишга ҳаракат қилади. Бу қаҳрамон характерида ҳам адибнинг бошқа асарларида кўп учрайдиган қирғиз халқига хос хусусиятлар эгаси бўлган содда инсонлардан бирини кўрамиз. У қўйларни қўзилатиш вақтида жой ва шароит бўлмаганлиги

---

[106] Aytmatov. Ch. Bolaligim. Qissa. –Toshkent. Ijod-press. 2017. – 124-129

[107] Айтматов. Ч. Танланган асарлар. Қиссалар. "Шарқ" НМАК бош таҳририяти. – Тошкент. 2016. – 656 б.

сабабли янги туғилган қўзичоқларни ўзи яшаётган уйга олиб кириб, парвариш қилишга ҳам мажбур бўлади. Бундай ҳолни мен ўзим яшаган қишлоқдаги чўпонлар ҳаётида кўрганлигим учун ҳайратда қолган эдим. Қўшнимиз – Аҳмад Турсунқулов деган чўпон амакимиз колхоз подасини боқар эди. Адашмасам, февраль ойи эди, мен чўпон қишлаётган қишлоқнинг энг четидаги ҳудудга, унинг қўрасига тўйга айтгани борган эдим ва Айтматов қиссасида тасвирланган воқеанинг гоҳи бўлганман.

Бизнинг пахта етиштириш учун ҳамма куч-кувват, имконият сарф қилинган ҳолда пахтакорларнинг нонушта, тушлик қилишлари учун махсус стол-стуллар, ошхона жиҳозлари бўлмаганлиги ҳеч ҳаёлимга келмаган экан. Кейинчалик, вақтлар ўтиб, Айтматовнинг бошқа асарларини, хусусан, романларини ўқиб, ёзувчи собиқ иттифоқ даврида қўшиб ёзишлар, ёлғон маълумотлар авж ола бошлаган бир пайтда ҳаммани огоҳлантиришга, ҳушёрликка чиқиришга биринчилардан бўлиб қўл урганлигини тушуниб етдим.

Жамиятдаги камчиликлар, нохуш ҳолатларни ҳажв йўли билан тасвирлаган ижодкорлар ҳамма вақтда ҳам бўлган. Телевидениеда махсус кўрсатувлар, радиода алоҳида эшиттиришлар, газета-журналларда саҳифалар ажратилганлиги ҳам бор ҳақиқат. Аммо ҳаётда юз бераётган ўта оғир ҳолатларни, ўз халқининг бошидан кечираётган дардини бир соф виждонли инсон тақдири мисолида бадиий тасвирлаган ва шундай асарлари орқали ҳам юқори обрўларга эришган адиблар бармоқ билан санарлидир.

Ўз вақтида Айтматовга таъна-маломатлар ёғилганлиги ҳам маълум.[108] Ҳатто Қирғизистонда айрим ғалмислар юқори ташкилотларнинг топшириғи билан у Москвада яшайди, бизнинг ҳақиқий аҳволимизни билмайди, нотўғри тасвирлайди, юртимизни шарманда қилмоқда, дейишдан ҳам тойишмаган. Нима бўлса ҳам ижодкор ортга чекинмади: ўз принципларида муқим турди ҳамда ўз юрти, кейинроқ бутун иттифоқ турмуш тарзидаги камчиликларни дадил тасвирлашдан чўчимади. Айниқса, биринчи романи бўлмиш "Асрга татигулик кун" асарида бу ҳолни яққол кўрамиз. Маънавиятда юз бераётган салбий ҳолатларни замонавий манқутлар тимсолида тасвирлаган, экалогия масаласини, янада очиқроқ айтадиган бўсак, мустақиллик ғоясини илгари сурган эди. Ўз юртида марҳум отанинг охирги васиятини амалга ошириб, айтган қабристонга қўя олмаслик масаласи орқали ватанида етти ётлар ҳукмронлик қилаётганини ижодкор маҳорати билан баён қилинган, деб ўйлайман.

Бу фикрларимиз билан нима демоқчимиз? Айтматов отамни ноҳақ қатағон қилган бу тузумга қаршиман, деб айюҳаннос солмади, балки ўта маданиятли равишда собиқ шўролар томонидан олиб борилган сиёсат пуч ғояларга асосланганлигини исботлади. Буни исботлаш билангина чекланмай, улар келтирадиган ёмон оқибатларини, кулфатларни ҳам очиқ-ойдин кўрсатиб бера олди.

Бизнинг фикримизча, Айтматов ўз асарлари билан ҳақиқий ватанпарвар, халқсевар инсоннинг фарзанди эканлигини ҳам исботлашга улгурди.

---

[108] Рашидов. А. Чингиз Айтматов олами. Қайта ишланиб, тўлдирилган 2-нашри. "O`qituvchi" НМАК бош таҳририяти. – Тошкент. 2011. – 256 б

Хулоса қилиб, адиб ижоди мисолида айтиш мумкинки, Тўрақул Айтматов қатағон қилинмаганда, балки фарзанди сингари эл-юрт ташвиши билан яшаган ва халқ фаровонлиги йўлида фидойиларча хизмат қилган бўларди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Айтматов. Ч. Танланган асарлар. Қиссалар. "Шарқ" НМАК бош таҳририяти. – Тошкент. 2016. – 656 б.
2. Айтматов. Ч. Жамила, қиссалар. "Янги аср авлоди". – Тошкент. 2015. – 432 б.
3. Aytmatov. Ch. Bolaligim. Qissa. –Toshkent. Ijod-press. 2017. – 224 b.
4. Думбадзе, Н. Қуёшни кўряпман. Роман. – Тошкент. 1969. – 232 б. Яна шу муаллиф. Абадият қонуни. Мен, бувим, Илико ва Илларион. Романлар. – Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983. – 384 б.
5. Носиров Қ. Чингиз Айтматов в Намангане. Ёшлар анжумани материаллари. – Наманган. – 295 б.
6. Рашидов. А. Чингиз Айтматов олами. Қайта ишланиб, тўлдирилган 2-нашри. "O`qituvchi" НМАК бош таҳририяти. – Тошкент. 2011. – 256 б.

# O'ZBEK VA TURK TILLARIDA KOSMONIMLARNING LEKSIK-SEMANTIK STRUKTURASI

**Sh.Abdurahmanov,**
**(O`zbekiston), NamDU o`zbek tilshunosligi kafedrasi dotsenti,**
**filologiya fanlari nomzodi,**
**Sh.Qurbonova, (O`zbekiston) NamDU magistranti**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada fazoviy obyektlar nomlarining, ya'ni kosmonimlarning leksik va semantik xususiyatlari, qaysi tildan o'zlashganligi va etimologiyasi haqida ma'lumotlar berilgan. Ilmiy qarashlar kosmonimlarning qiyosiy tahlili orqali xulosalangan.

**Kalitso'zlar:** Onomastika, kosmonim, o'zbek tili, turk tili, o'zlashma, qiyosiy tahlil, osmon jismlari.

**Аннотация:** В данной статье приводятся сведения о лексических и семантических особенностях названий пространственных объектов, то есть космономии, из какого языка они взяты, и их этимологии. Научные взгляды обобщены посредством сравнительного анализа космономий.

**Ключевые слова:** ономастика, космоним, узбекский язык, турецкий язык, усвоение, сопоставительный анализ, небесные светила.

**Abstract:** This article provides information about the lexical and semantic features of the names of spatial objects, that is, cosmonomies, from which language they are taken, and their etymology. Scientific views are summarized through a comparative analysis of cosmonomies.

**Key words:** Onomastics, cosmonym, Uzbek language, Turkish language, acquisition, comparative analysis, heavenly bodies.

Onomastikaning kosmonimiya yo'nalishi tilshunoslikning osmon jismlari nomlarini o'rganuvchi sohasi hisoblanadi. Kosmonim (yun. Xocmos – fazo, olam + onoma – mashhur ot) – fazodagi osmon jismlarining mashhur nomi, onomastik masshtab turlaridan biri. Kosmos – olam, koinotdagi jismlar, oy, quyosh va boshqa

samoviy jismlarning nomlari bo'lib, ularning yig'indisi kosmonimiya hisoblanadi. Ushbu maqolada kosmonimlarning o'zbek va turk tillarida qanday nomlanishi, qaysi tildan o'zlashganligi, fazoviy obyektlar nomlarining leksik va semantik xususiyatlarini turli strukturaga ega tillar tarkibida o'rganishga bag'ishlangan. Turk va o'zbek tillarida yulduzlar nomining leksik-semantik xususiyatlariga oid yangiliklarni ham qamrab o'tadi. Osmon forscha so'z bo'lib, quyidagi ma'nolarni anglatadi. 1. "Osmon" [ f. آسمان – ko'k, samo, falak] Yer ustida gumbaz shaklida ko'rinib turgan moviy fazo; samo, falak, ko'k. Osmon gumbazi. Osmonni bulut qopladi. Osmon uzoq, yer qattiq. (Maqol ). 2.Yer atrofini o'rab olgan olam fazosi (astranomik jismlar makoni) Yulduzlar osmoni. 3.Baland, tepa, yuqori.[109] Turk tilida ushbu atama "Gökyüzü"deb nomlanadi. Göğün görünen yüzeyi, sema.(Osmonnning ko'rinadigan yuzasi, samo). Örnek Cümleler 1. Mavi maviydi gökyüzü / Bulutlar beyaz beyazdı.(Moviy, moviy edi osmon, Bulutlar oq, oq edi) - A. H. Tanpınar. 2. Gökyüzünün başka rengi de varmış / Geç fark ettim taşın sert olduğunu. - C. S. Tarancı (Osmonning boshqa rangi ham bor emish, kech farqladim toshning qattiq ekanligini). Tek çözümün "Gökyüzü Gözü"nü bulmak olduğuna karar verdiler, bu devasa ve güçlü bir yıldızdı ve evrenin sırlarını taşıdığına ve yıldızları yeniden yüreklerine ateşlemek için güce sahip olduğuna inanılıyordu. Orion, bu görevi üstlenmeye ve Astraea'nın gökyüzünde cesur bir yolculuğa çıkmaya karar verdi. (Ular yagona yechim koinot sirlarini o'zida saqlab turadigan va ularning qalblarida yulduzlarni yoqib yuborish qudratiga ega bo'lgan ulkan va qudratli yulduz – "Osmon ko'zini" topishga qaror qilishdi. Orion bu missiyani o'z zimmasiga olishga va Astraya osmoni bo'ylab dadil sayohatga chiqishga qaror qildi). "Parlayan yıldızlar dünyası" (Hikayeler evi. Türkçe). "Quyosh" 1 (astronomiyaga oid termin sifatida bosh harf bilan) Quyosh sistemasiga oid markaziy jism – o'zidagi termoyadroviy reaksiyalar hisobiga yorug'lik va issiqlik tarqatuvchi (chiqaruvchi) ulkan gazsimon shar shaklidagi yoritqich. Yer Quyosh atrofida aylanadi. Quyoshning tutilishi. Raketalar tufayli bizQuyosh sistemasini o'zlashtirish imkoniyatiga ega bo'ldik. "Fan va turmush". 2 Shu jismdan taraluvchi nur, issiqlik. Quyosh vannasi. Yoz quyoshida qoraymoq. Quyoshga tutmoq. Murod quyosh yoyilganda turdi. T.Ashurov (Oq ot). Uy, quyoshga teskari solinganligidan bo'lsa kerak, biroz qorong 'iroq edi. S.Zunnunova (Olov).[110] Turk tilida ushbu kosmonim "Güneş" deb ataladi. [1] (gök bilimi) Dünya'nın da içinde bulunduğu Güneş Sistemi'nin merkezinde yer alan yıldız. (Astronomiya)Dunyoning ham ichida topilgan Quyosh sistemasining markazidagi yulduz. [2] (köy) Sivas ili Divriği ilçesine bağlı köy.(Qishloq) Sivas viloyati, Divriği tumanidagi qishloq [3] (köy) Sivas ili Gürün ilçesine bağlı köy. (Qishloq) Sivas viloyati Gurun tumanidagi qishloq. [4] (erkek adı, kız adı. ) Güneş anlamında erkek veya kız ad (Bola ismi, qiz ismi) Quyosh ma'nosini bildiruvchi erkak yoki ayol ismi. Heceleme Gü·neş,(Bo'g'inlab Qu – yosh). çoğulu Gü·neş·ler(ko'pligi Quyoshlar). Köken (Eski Türkçe) Kelib chiqishi (Eski turkcha). Güneş ad (Quyosh nom)

1. dünyayı aydınlatan yıldız güneş ışınları (1. dunyoni yorituvchi yulduz quyosh nurlari)

2. bu yıldızın yaydıkları güneş enerjisi (2. Bu yulduz chiqaradigan quyosh energiyasi). [111] Bundan tashqari Quyosh leksemasini o'zbek va turk tillarida

[109] "O'zbek tilining izohli lug'ati" T – 2023. G'. G'ulom nash. 3 – jild 534 – bet
[110] "O'zbek tilining izohli lug'ati" T – 2023. G'. G'ulom nash. 4 – jild 314 – bet
[111] Türkçe Sözlük. TheFreeDictionary.com – Farlex.

Onomastikaning yana bir bo'limi hisoblangan antroponim sifatida ham ko'rishimiz mumkin. Quyosh (o'z) –Tolei quyoshdek porloq bo'lsin. Quyosh farzandi yoki go'zal, zebo. Shakllari: Quyoshbek, Quyoshoy, Quyoshxon. Quyoshoy ( o'z) – Quyosh va oydek go'zal qiz yoki quyoshdek porloq, oydek suluv qiz. Quyoshxon (o'z) – Tolei quyoshdek porloq, baland martabali qiz.[112] Turk tilida ham mana shunday holat kuzatiladi. Türkiye'de Güneş ismine sahip kişi sayısı yaklaşık 250 binden fazladır. (Turkiyada Güneş ismli insonlar soni taxminan 250 mingdan oshadi) Güneş Adının Kökeni (Güneş adının kökeni Türkçedir.) Güneş ismining kelib chiqishi ( Turkchadir) Güneş İsminin Özellikleri: Sert bir karakter yapısı vardır. Ancak sevdiği kişiler ile arası oldukça sıcak ve samimidir. Aşk hayatında sadece doğruluk ve sadakati ön planda tutar. Ticaret yaşamında istediği yere ulaşmak için büyük çaba gösterir. (Güneş ismining hususiyatlari: U qattiq xarakterli tuzilishga ega. Biroq, uning sevgan odamlari bilan munosabatlari juda iliq va samimiy. U sevgi hayotida faqat halollik va sadoqatni birinchi o'ringa qo'yadi. U ish hayotida xohlagan joyiga erishish uchun katta harakatlar ko'rsatadi.)[113] Sözlüğü'ne göre erkek ve kız bebekler için kullanılabilir. ("Lug'at"ga ko'ra, erkak va ayol chaqaloqlar uchun qo'llanishi mumkin) Formlar (shakklari) Güney, Güner. "Yulduz" 1 Qizigan gaz (plazma) lardan tarkib topgan, tabiatiga ko'ra Quyoshga o'xshaydigan, kechasi nur sochuvchi nuqta bo'lib ko'rinadigan osmon jismi. Yorug' yulduz. Xira yulduz. Qutb yulduzi. Yulduzlar turkumi. Oqshom cho'kdi Toshkent qo'yniga, miltillashib ko'klarda yulduz. (X.Saloh) Bu yerga quyosh og'di – salqin tushadi, kechalari tepamizda yulduz to'la osmon.( R.Azizxo'jayev, Yashil chayla). 2 Bir necha o'tkir uchli geometrik shakl hamda shunday shaklga ega bo'lgan narsa. Besh uchli yulduz. Yulduzning shaklini chizmoq. Archaning tepasiga yulduz o 'rnatmoq.

3 Ko'chma, Mashhur bo'lib tanilgan, shuhrat qozongan shaxs haqida. Dong'i ketgan terimchi va shuhrat yulduziman, Lafzi halol, yuzi oq Farg'onaning qiziman. (Uyg'un). Yig'ilganlarni qizigtirgan narsa o'zbek adabiyoti va san'atining yulduzlari, o'zbek jangchilari bo'ldi. (N.Safarov, Olovli izlar). 4 Yulduz (xotin-qizlar ismi)[114] Yulduz – kechasi osmonda nur sochuvchi nuqta bo'lib ko'rinadigan koinot jismi. Bugun havo ochiq, yulduz to'la osmon. Bu ot qadimgi turkiy tilda nurlanishni (yaltirashni) ifodalovchi yalt, yult tasvir so'zidan i qo'shimchasining -u shakli bilan yasalgan fe'lga – z qo'shimchasini qo'shib yasalgan. Qo'shimcha qo'shilganidan keyin t undoshi d undoshiga almashgan (yult + u = yultu) + z = yultuz > yulduz. O'zbek tilining izohli lug'atida keltirilgan 4-ma'nosida ushbu kosmonimni ham antroponim sifatida ko'rishimiz mumkin. Yulduz (o'z.) – tolei yulduzdek yuksak va porloq bo'lsin. Shakllari: Yulduzxon, Yulduzoy, Yulduzxo'ja. Yulduzxon (Yulduz+xon). Yulduzxo'ja (o'z – ft.) – xo'jalar avlodidan bo'lgan tolei porloq, bola.[115] Turk tilida ushbu kosmonim "Yıldız" deb nomlanadi. Yıldız, ağırlıklı olarak hidrojen ve helyumdan oluşan, karanlık uzayda ışık saçan, gökyüzünde bir nokta olarak görünen plazma küresidir. Bir araya toplanan yıldızların oluşturduğu galaksiler gözlemlenebilir evrenin hâkimidir. Dünya'dan çıplak gözle görülebilen yaklaşık 6 bin dolayında yıldız vardır. (Yulduz – asosan vodorod va geliydan tashkil topgan plazma

---

[112] Э.А.Бегматов. "Узбек исмлари маъноси" 2 – нашри " Узбек миллий энциклопедияси" Д.И наш.2007 б– 549
[113] Hürriyet.com.tr Güneş isminin anlami.
[114] "O'zbek tilining izohli lug'ati" T – 2023. G'. G'ulom nash. 6 – jild 270 – bet
[115] Э.А.Бегматов. "Узбек исмлари маъноси" 2 – нашри " Узбек миллий энциклопедияси" Д.И наш.2007 б– 523

shari bo'lib, qorong'u bo'shliqda porlaydi va osmonda nuqta sifatida ko'rinadi. Yulduzlarning to'planishi natijasida hosil bo'lgan galaktikalar kuzatilishi mumkin bo'lgan koinotda hukmronlik qiladi. Yerdan ochiq ko'z bilan ko'rish mumkin bo'lgan taxminan 6 ming yulduz mavjud). – Bir gün, garip bir olay başladı. Yavaşça yıldızlar yaratıkların kalplerinden solmaya başladı, bu da onların büyülerini ve güçlerini kaybetmelerine neden oldu. Kabile, bunun nedeninin gökyüzündeki ve yıldızlardaki değişiklikler olduğuna inanıyordu. (Bir kuni g'alati voqea boshlandi. Sekin – asta yulduzlar jonivorlar qalbidan so'na boshladi, bu ularning sehr va kuchini yo'qotishiga sabab bo'ldi. Qabila buni osmon va yulduzlarning o'zgarishi bilan bog'liq deb hisoblashgan) "Parlayan yıldızlar dünyası" (Hikayeler evi. Türkçe). Turk tilida ham ushbu kosmonimni antroponim sifatida ko'rishimiz mumkin. Türk Dil Kurumu'na göre Yıldız isminin anlamı şöyle; Gökyüzündeki ışıklı gök cisimlerinin her biri. 2. Baht, talih, yazı. (Turk Til Jamiyatiga ko'ra, Yulduz ismining ma'nosi quyidagicha; Osmondagi nurli samoviy jismlarning har biri. 2. Baxt omad, tole, yozilgan. Yıldız isminin kökeni Türkçedir. Yıldız ismi kız çocukları için kullanılma ve farklı anlamlara gelmektedir. Yıldız ismi talih, baht ve yazı demektir. (Yıldız ismining kelib chiqishi Turkchadir. Yıldız ismi qizlar uchun ishlatiladi va turli ma'nolarga ega. Yildiz ismi tole, omad,baxt va yozilgan degan ma'nolarini bildiradi). Etimoloji. Bir görüşe göre Türkçede yer alan yıldız, yıldırım, ışık, ışın, alev, yalım, yalın, alaz/yalaz kelimeleri ya- fiil kökünden türemiştir. Bu kelimeler "ışık saçmak, parlamak, aydınlatmak" anlamına gelmektedir. (Etimologiyasi. Bir qarashga ko'ra turkiy tildagi yulduz, chaqmoq, yorug'lik, nur, alanga, yalin, tekis, alaz/yalaz so'zlari ya – fe'l o'zagidan olingan. Bu so'zlar "nur sochmoq, porlamoq, oydinlashtirmoq" ma'nolarida keladi). Yıldız, eski Türkçe bir sözcük. İlk hali yultuz şeklindeyken zamanla yıldıza dönüşmüştür. (Yulduz – qadimgi turkcha so'z. Uning dastlabki shakli yıltız bo'lsa – da, vaqt o'tishi bilan yıldızga aylandi). "Oy" 1 (O - katta) astr. Quyoshdan nur olib, yog'du sochuvchi samoviy jism, Yerning tabiiy yo'ldoshi. O'n to'rt kunlik oy. To'lin oy. Oy nuri. Oy chiqdi. Oy botdi. Oyning yuzidagi dog'lar. Oyning Yer atrofida aylanishi. Oyni etak bilan yopib bo'lmaydi. Maqol. Kechki gullar ochilib turibdi. Ko'kda tanho oy kezmoqda. (I.Rahim, Chin muhabbat). Oy desa oyga, kun desa kunga o'xshaydi Juda go'zal, juda ham chi-royli. Oy yuz Chiroyli yuz, go'zal yuz. Oy yuzing qora chimmat zulmidan qutultirgil. Chiq qorong'i turmushdan, nur ichinda javlon qil.( Hamza). 2Astronomik yilning o'n ikkidan biriga – Oyning Quyosh atrofidan bir marta aylanib chiqish muddatiga yaqin vaqt oralig'i; o'lchov birligi: 28, 29, 30 yoki 31kunlik davr. Oy boshi. May oyi. Bir yil – o'n ikki oy. Bu orada uch oy o'tdi. Yoz oylari ham o'tib ketdi. – Oyda – yilda bir kelasizu, shunaqa qilasiz – a, oyi? Nima, u uyingiz bo'lganida bu uyingiz emasmi? – dedi Hurshid ranjib.[116] 3 Uch-to'rt kunlik oy shaklidagi bezak yoki belgi. Mezana ustidagi oy. 4 Ayollar ismi tarkibiga kiradi yoki ayollar nomiga qo'shilib, erkalash, hurmatni bildiradi. Masalan: Oyposhsha, Oyqiz, Oyto'ti, Oynisa; Tursunoy, Shirmonoy, Qunduzoy. Oy borib, omon kel Safarga ketayotgan kimsaga yaxshilik tilab aytiladigan ibora, oq yo'l tilash. Elmurod yo'lda ketar ekan... "Oy borib, omon keling!" deb, oq yo'l tilab qolgan Gulsumni xiylagacha o'ylab yotdi. (P.Tursun, O'qituvchi). OY Yerning yo'ldoshi; yilning o'n ikkidan bir qismi. Ulfatlar har oyning uchinchi shanbasida to'planishadi. Qadimgi turkiy tilda ham shunday ma'noni anglatgan bu ot ay tarzida talaffuz qilingan o'sha davrlardayoq a

---

[116] Уткир Хошимов Хикоялар «Нурли халкачалар» "O'QITUVCHI" Т – 2007. Б – 41

unlisining cho'ziqlik belgisi yo'qolgan.O'zbek tilida a unlisi â unlisiga almashgan: a:y > ay > ây. Turk tilida Oy – Ay deb nomlanadi. "Ay" Dünyanın tek doğal uydusu ve Güneş sistemi içindeki beşinci büyük doğal uydudur. (Yerning yagona tabiiy sun'iy yo'ldoshi va Quyosh tizimidagi beshinchi yirik tabiiy sun'iy yo'ldosh). Yazılışi: Eski yazı: آی . Köken (Türkçe) (Yozilishi: Eski yozuvda آی. Kelib chiqishi – Turkcha) Benzer sözcükler: ay çekirdeği, ay parçası, aydede. (o'xshash kalimalar: oy yadrosi, oy parchasi, oyda). Eski Türkçe: [Orhun Yazıtları, 735] ıt yıl onunç ay [köpek yılı onuncu ay] (Eski turkcha: [O'rhun yozuvlari, 735] It yil o'ninchi oy). Quyosh sistemasidagi to'qqizta planetadan, ya'ni sayyoradan faqat beshtasi inson ko'zi ilg'ay olishi jixatidan xalq kosmonimlari sirasiga kiritiladi. Sayyoralar — Quyoshning tortish kuchi ta'sirida uning atrofida aylanuvchi yirik sharsimon jismlar. Sayyora Quyosh atrofida aylanuvchi minglab mayda sayyora (asteroid) lardan farq qiladi. Ularni juda qadimdan qo'zg'almas yulduzlar fonida siljib yurishidan sezib „adashgan yulduzlar", ya'ni Sayyora deb atashgan. Quyosh atrofida aylanuvchi yirik Sayyora 9 ta (Merkuriy, Venera, Yer, Mars, Yupiter, Saturn, Uran, Neptun, Pluton). Ulardan 5 tasini oddiy („qurollanmagan") ko'z bilan ko'rish mumkin. "Merkuriy yoki Utorud" – Quyosh sistemasidagi Quyoshga eng yaqin sayyora. Merkuriy Quyosh chiqishi oldidan va botgandan so'ng uning yaqinida ko'rinadi. Merkuriy kosmonimi turk tilida "Merkür" deb nomlanadi. Fransızca :Güneş sisteminin Güneş'e en yakın olan gezegeni, Utarit (Fransuz tilidan o'zlashgan: Quyosh sistemasining Quyoshga eng yaqin bo'lgan sayyorasi. "Venera yoki Zuhra yulduzi" – Quyosh tizimining Quyoshdan uzoqligi bo'yicha ikkinchi sayyora Venera – ichki sayyora va Yer osmonida Quyoshdan 48° dan uzoqroq uzoqlashmaydi. Venera – yorqinligi bo'yicha osmondagi uchinchi jism. U qadim zamondan beri tanilgan sayyoralarga kiradi. Venera, Zuhra – Quyosh sistemasining Quyoshdan uzoqligi jihatdan ikkinchi sayyorasi. Quyosh sistemasida Quyosh va Oydan keyin eng yorug' jismdir.[117] "Venüs" – Fransızca Merkür'den sonra Güneş'e en yakın olan gezegen, Çulpan, Çoban yıldızı, Zühre. (Fransuz tilidan o'zlashgan: Merkuriydan keyin Quyoshga eng yaqin sayyora Chulpan, Cho'pon yulduzi Zuhre)

**Xulosa** o'rnida shuni aytish mumkinki, o'zbek tili kosmonimlari uzoq tarixiy davrni bosib o'tgan, tilimizning turli taraqqiyot bosqichlarida paydo bo'lgan lug'aviy birliklardir. Ular til tarixi, dialektologiya, etnografiya, xalq tarixi va xalqlarning o'zaro ijtimoiy – siyosiy va madaniy aloqalari haqidagi muhim ma'lumotlarni o'zida xolis aks ettiruvchi o'ziga xos onomastik birliklar sanaladi. Samoviy jismlarining nomlarida ham lingvistik, ham ekstralingvistik faktorlar namoyon bo'ladi, bu faktorlar o'z navbatida o'sha xalqning ijtimoiy, tarixiy, madaniy va ma'naviy hayotini aks ettiruvchi omillarni ham namoyon qiladi. Yulduzlarning nomlarini qiyosiy tahlili shuni ko'rsatadiki, Turk va o'zbek tillaridagi kosmik obyektlar nomlarining asosiy qismi Fransuz, arab, lotin va boshqa tillarga bog'liq holdagi ekvivalentlardan iborat ekanligini ko'rsatdi, faqatgina oz qismida millatning milliylik darajasi kuchliligi bois farq qiladi. O'zbek tilida ham turk tilida ham ayrim kosmonimlar tillarning tarixiy yo'nalishi bo'yicha ba'zi fonetik o'zgarishlar natijasida bir – biridan farq qilgan bo'lsa – da, o'zining asl va asosiy ma'nosini saqlab qolgan.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:**

[117]" Venera (sayyora)" O'zME. V-harfi birinchi jild. Toshkent, 2000-yil

1. Э.А.Бегматов. "Узбек исмлари маъноси" 2 – нашри " Узбек миллий энциклопедияси" Д.И наш.2007 б– 549
2. " Venera (sayyora)" O'zME. V-harfi birinchi jild. Toshkent, 2000-yil
3. "O'zbek tilining izohli lug'ati" T – 2023. G'. G'ulom nash. 3 – jild 534 – bet
4. Türkçe Sözlük. TheFreeDictionary.com – Farlex.
5. Уткир Хошимов Хикоялар «Нурли халкачалар» "O'QITUVCHI" T – 2007. Б – 41

# ШОИРНИНГ БУРЧИ

**Шарафутдинов Хурсанбай,**
**филология фанлари номзоди**
**Ўзбекистон, Фарғона давлат университети**
**Тел: +998916538846 sharafutdinovxursand@gmail.com**

**Annotation.** The article talks about the poetic teaching of Burchi, poetry about the context of sustainable development and the disclosure of the Onga people and how a real conversation was formed.

**Keywords:** duty, social, Rhind, slave language, Turop, chin, hoe.

**Аннотация.** Мақалада бурчидің поэтикалық ілімі, онги халқының тұрақты дамуы мен жария етілу контекстіндегі поэзия және нақты әңгіме қалай пайда болғандығы туралы айтылады.

**Түйінді сөздер:** қарыз, әлеуметтік, ринд, құл тілі, туроп, чин, Кетмен.

Бизнинг мумтоз шеъриятимизда шоирлар кўпинча даврдан, ёрдан шикоят қиладилар – улар бемеҳр, адолатсиз, бевафо.Жамият ҳам шунга лойиқ. Ижтимоий дард фақат элита томонидан англанади, холос, оммага қаратилган шеърни омма рад этади. Шеърда миллий дард ифодаси кутилмаган.

Қани шеърда гуллар рақси?
Қани булбул навоси?
Бу шеър Шарққа хосдир наҳот?
Шарққа хос наф ?
На ишқий, на риндона...
на рила

Бу Э.Воҳидов томонидан тавсифланган шоир Назрул Ислом даврининг фалсафаси бизнинг яқин тарихимизни ҳам қиёфалантиради. Буюк даҳо Абдулла Қодирийнинг чуқур ижтимоий характерга эга бўлган дарду изтироблари халқимиз дилидаги миллийликни юзага чиқаришга қаратилди. "Тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган кейинги хон замонлари" тасвирида шу халқнинг ҳаёти, руҳий-маънавий дунёси очиб берилди ва унинг ўзига кўрсатилди. Адибнинг кичик асарларида ҳам, катта асарларида ҳам қолоқлик, жаҳолат фожиали тарзда очиб ташланди. Аслида ижодкорнинг, бадиий адабиётнинг етакчи вазифаси шудир.

Кичик ижодкор сифатида катта адабиётга ўз улушини қўшаётган Али Қамбар шеъриятида ҳам ана шундай ижтимоий мазмун юкланган мисраларга кенг ўрин берилади.

Тақиллатсанг муҳитни, сурон,
Шамол эксанг, ҳосилинг бўрон.

Кунинг сукут, умринг мутелик,
Нима бало эккандинг, Турон.

Бу сатрлар ҳам дилда қотган аламлардан сўзлайди. Ўз тарихида улкан империяларга асос солган, дунё тараққиёти ва маданиятига катта таъсир ўтказган боболар қаерга келганда тўғри чизиқдан оғди. Муқаддас деб ибодат қилган масканларга қиндик қонидан тўкишга чарчоқ сездими. Қачон? Юқоридаги мисраларда авлод аждодга бир чимдим гина, таъна, маломатлар билан шикоят қилади. Айни шу авлоднинг ўз гаплари қуйидаги мисраларга тўкилади:

Дермишлар гўё мен кўпга қаршиман,
Асли мен тўпори тўпга қаршиман.
Эй кўр, кўр! Қўлимнинг ўнгида қалам,
Чапим ҳам покиза, чўпга қаршиман.

Тўртликнинг ғоявий мазмунида фоже бир иллатга ишорат этилади. Бу ишорат шамол экса, ҳосилида бўрон кўрадиган ҳар бир деҳқонга ҳам, ҳар бир катта-кичик шеърхонга ҳам бирдай тушунарлидир. Буюк турк хоқонлиги, Буюк Турон дунё харитасидан ўчишида тўпорилиги туфайли тутган мўртгина бир чўпак ҳам хизмат қилмадимикан. Бу тўпорилик ва чўпак "ўйнаш"нинг ҳозири кўзга ташланадими, у қандай кечяпти? Мисралар ўйлантиради, жавоб топишга ундайди.

Булбуллар сайрагай гул тили бирла,
Эшшаклар ханграгай кул тили бирла,
Бўзламасин аёл гул тили бирла,
Сўзламасин элим қул тили бирла.

Бу сатрлар жавоб эмас, истак. Гап шундаки, ҳамма истайдими, лекин истак ҳам етарли эмас, интиладими, курашадими? Агар истак барқарор бўлса, кураш муқаррар! Тўртликнинг учинчи мисраси эътибор талаб этади: гул тил бўзлаши шунчаки фожиа эмас, чунки аёл "тирикликнинг бош сабабчиси" (М.Шохонов), "Худо ... аёл орқали оламни яратган" (Ч.Айтматов). Ҳудди шу аёл учун кураш бир шахс учун эмас, юрт учун, олам учун, ўзлик ва бор бўлиш, мавжудлик учун курашдир.

Шундай гап бор: агар қуллик ҳам кўзини очолмаган бўлса, бундай халқ қулликка маҳкумдир. Бу гапни ўз ҳалқингга айтиш учун ҳам, қул қилишни истаётганларга ишорат этиш ҳам катта жасорат талаб этади. Чунки қулдор қаноти остида кунини ўтказиш онги ва қалбига сингиб кетган бирор кимса ўз қавминг орасидан чиқиб панжа уради. Булар фақат Қодирий ва Чўлпонлар замонидагина бўлмаган.

Ғам ўлдурмас, меҳнат ёки ёв –
Четдан келиб солмайди буров.
Бир хатар бор – ички – кун бакун
Қилаверар умрингни ғаров.

Атроф шу қарашлардан ҳам воқиф этиб туради ва ўйлашга мажбур этади: япон, корейс ёки хитойларда бошқа халқлар қаноти остига кўз тикишлар бормикин? Улар ҳам осиёлик-ку. Улар четдан киритиладиган хавфсизлик "зонтиги"га ишонмайдилар.

Олти эмас, ўттиз томон, юз томон,

Шу даража бўлиб кетдик устамон.
Лозим бўлса, Чинга таъзим қилибмиз,
Кеча араб, эрта яна рус томон.

Ижод жасоратни талаб этади. Жасорат ҳақиқий ижод ва ижодкорнинг биринчи белгиси. Фалсафий илм миллат танламайди, шеърият инсон руҳий салтанатига чегара чизиғини тортмайди. Шу ўринда бир ҳақиқат борки, уни назардан қочирмаслик лозим: яхшилик ўз ишини шериксиз бир ўзи бажаради, бажара олади, унга уюшиш шарт эмас, ёмонлик эса дарҳол уюшади, ўз ишини шериклар билан бажаради. Шоирнинг ғурури, ички туйғуси унга доимо таъкидлаб туради: Хушёр бўл! Чунки қандай уюшганини, нимага ва нима учун уюшганини билмаган ва ҳаракатга келган оломон учун ҳар қандай муқаддаслик тушунчаси ўчади, шафқатсизлик, ваҳшийлик оломон тебранишини ҳаракатга келтирувчи кучга айланади. Бу ҳақиқатни айтиш шеъриятнинг ҳам жасорати, ҳам маърифати.

Шоир одамзоднинг маюслигини ҳам, қашшоқлигини ҳам, бир-бирини маҳв этиб, қиличдан ўтказиб ҳузурланадиган ваҳшийлигини ҳам ўзига айтади, оғир бўлса ҳам, ёлғиз қолиш қалбига таҳдид солиб турса ҳам айтади.

Шууринг, юрак, елка,
Бошинг ҳам борми, халқим,
Ё халқуми кори умрим
Кўр чапакдан иборатми?

Бу мисраларда ҳамма замонлар ижтимоий мазмунидан келиб чиқадиган ва ҳамма замонларда мавжуд бўлган оломончилик қиёфаси гавдалантирилган. Бу моҳият саволда юзага чиққан ва шусаволнинг ўзи билан жавоб берилган.

Шоирнинг таянчи ҳақ сўз. Шоир ҳақ сўз ва устозларга таянади. Али Қамбар ҳам буюк устозларга суянади, у бир шеърига Ҳётедан таянч бўлгувчи икки мисра келтиради.

Қўрқинг, агар шоир қарғаса,
Қутқаролмас ҳатто Худо ҳам.

Шоирнинг яна бир орқаси “Фақат шоир ҳақли бахтсиз бўлишга” деган устози Рауф Парфидир.

Ҳар бир шоир ўз замонидан туриб сўзлайди, ўзи яшаётган жамиятнинг ижтимоий мазмунидан хабар беради. Давом этиб келаётган умри узун иллатлар турқини очади.

Ҳамма замонга ҳам маъқул “хўп”чилик,
“Хўп”чи эл ўзаро иши чўпчилик.

Бу мисраларда чизилган суратда биз ҳам кўринамиз. Олам, инсоннинг оламдаги маъқул-номаъқул уринишлари шу уринаётганларнинг ўзига кўрсатилади. Миттигина жоннинг истагига оламнинг кичиклик қилаётгани, бу миттининг ўзига бутун оламнинг торлик қилаётгани мисралар тасвиридан ўрин олади. Барча махлуқотлар тожининг тубан қиёфасини тўсиб турувчи пардалар кўтарилади.

Одамзод сиғмайди дала-даштларга,
На денгиз, на саҳро, на оташларга,
Нима керак ўзи бу балокашларга,

Жузв сиғмас дунёга, сиғса ҳамки Қулл.
Фалакни титкилар сиғмай заминга,
На фарангга сиғар, на Шом, на Чинга,
На удумга сиғар, на урф, на динга,
Ўзига сиғмайди аввало буткул.

Одам зоти доим ўзини ўзи юпатиб келган – дунё ёлғончи, деб. Ўз ночорлигини ўзидан сидириб келган – бу ёлғончи дунё, деб. Дунёни ёлғонга айлантирган, ўзи эса гўёки рост, гўёки ҳақ. Шоир уни ўзига кўрсатади.

Мошдек очгину кўзинг,
Зарралаб торт ҳар сўзинг.
Алдаб бўлмас иккини –
Бир худо, бири ўзинг.

Поэзия оламида марсия деб аталувчи лирик шеър тури бор. Бу бағишлов шеър бўлиб, одатда, муаллиф қариндошлик риштaлари билан ўзига боғланган ёки машҳур кишилар ҳалокати ёҳуд вафоти муносабати билан ёзилади. Али Қамбарнинг “Мунис марсияси” шеъридаги Мунис шоирга қариндошлик иплари билан боғланмаган, шунингдек, у машҳур кишилар қаторига кирмайди, бу маҳалладош қизалоқ. Ачинарлиси шундаки, у ўзини намоён қилишга улгурмаган қизча, дарвешваш, “ёшлигида катта анҳорда оқиб кетиб, шу ҳолга тушган”. Мана шу дарвешваш, “яланг бош, яланг оёқ, пахмоқ соч” бир банданинг вафоти ҳар қандай соғлом қалбни ларзага келтиради. Шоир қалбидан шеър бўлиб чиқади ларзалар. Англанмай яшалаётган ҳаёт якуни аччиқ изтироблар билан бўлса ҳамки, муборакбод этилади: “Азобинг арибди, сафаринг қарибди, Мунис, Муборак”. Ёшини яшаб, ошини ошаб ўтганлар азасига тўй мақоми берилиши бор. Улуғ бобомиз Алишер Навоий базм, деб атайди, Ғафур Ғулом катта тўй, деб қарайди. Мунис вафоти эса ҳали балоғатни қучмаган қизалоқ вафоти. Лекин бу ҳодиса азобнинг аришидир. Шундан келиб чиқиб, шоир ўзини юпатади. Мунис “тўйини” қутлайди.

Тўқларга, шўхларга атамадим шеър,
Бир шеър бағишладим, ризо бўлсин ер,
Ўлим совчи қўйди, ўзи бўлди эр,
Оймомо янга,
Юлдузлар танга, тўй қутлуғ, Мунис.
Ва унинг хотиржам уйқуси учун алла айтади:
... Энди ором ол,
Оромингхалол!
Мунисхон, алла,
мунис жон, а-а-а-алла.

Али Қамбарнинг “Мирзо Улуғбек хитоби”, “Тошкўрғон”, “Машраб сафарининг интиҳоси ёки улуғ йўлнинг ибтидоси” шеърларида даврнинг ижтимоий жароҳатларидан келиб чиққан аламлар, танаю маломатларнинг ифодалари ўз ёрқинлиги билан товланиб туради. Улуғбекнинг

\- Қарорган кўзларимга ёш қуйди тонг насими,
Ҳам кечган кечам учун тош қўйди тонг насими, -

мисраларида ифодаланган зорли фиғонлари айни шу бир дамнинг ўзида муаллифнинг ҳам фиғони бўлиб янграйди.

- Бу на шовқин, гулдуросдир,
Ғанимлар гуррос-гурросдир,
Айро тушмоқ энди ростдир, -

деб бўзлаган Розия бегим бўзлашларида шоир овози, ҳасрати,

- Туманга ботарсан нур мисол,
Қоларман сочларим тол-тол,
Махшардадир энди висол, -

мисраларида акс этган ишончли ва ишончсиз умидларида шоир азоблари, дил ўртанишлари аксланиб, ўкувчи онгига кўчади.

Машрабнинг сетор тутган қўлларининг бармоқлари зарбидан ўз нишонини чексизликка қаратган мангу оҳанглар таралади, сўзларининг мазмуни ва мусиқий тўлқинлари Аршга нарвон бўлиб суратланади.

Озод руҳ арш тоқида ҳануз ерда банди тан,
Бўйнида арқон билан, юракда армон билан,
Беватану бемажол, ўз тобутин бекафан,
Ушлаб кетиб борар,
Машраб кетиб борар.

Бу Машраб қиёфасидан шоир тавсифидаги бир шингил.

- Айт-чи, осмон, буюксан шунча,
Бунча юкни ушлаган нима?
- Бедорлардир менинг суянчим,
Устунимдир шоир қалами.

Мавжудликнинг яратувчисидаги барча сифатларда чексизлик тушунчаси устувор келади: чексиз куч, ададсиз тафаккур. Булар сўзда, шоир қаламида мужассамлашган. Ўша мавжудлик юкини сўз ва унинг оҳанги, қалам ва унинг чизгилари кўтариб туради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1990.
2. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: "Akademnashr", 2010.
3. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1967.
4. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1983.
5. Шарафиддинов Хурсанд. Мавзу белгилашда давр ижтимоий мазмунининг ўрни. THEORITICAL ASPECTS IN THE FORMATION OF PEDAGOGICAL SCIENCES 9 (9), 105-107. 2023.
6. Шарафиддинов Хурсанд. Уруш даври она ва бола фожиасининг бадиий тасвири. Analytical Journal of Education and Development 3 (3), 10-109, 2023.
7. Sharafutdinova N. Undalma teonimlar tavsif sifatida. Analytical Journal of Education and Development 3 (3), 111-116, 2023.
8. Nilufar Sharafutdinova. THE WORDS GOD AND BLUE (KO„K) ARE THEONYMS, Vol-7-Issue Q2- 2022.
9. Sharafutdinova N. Mythology - ancient man's fiction. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) - Peer Reviewed Journal Volume: 7 | Issue: 5 May 2021.

# ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯ ВА ҲАМКОРЛИКДА ЎҚИТИШ БЎЙИЧА ТАРИХ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МЕТОДИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Тўхтасинов Муҳаммаджон Ғуломжон ўғли**
**Наманган вилоят педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази Ижтимоий-иқтисодий фанлар ва тилларни ўқитиш методикаси кафедраси мудири**
**тел: +99895-000-63-66; e-mail: muhammadjon_toht@mail.ru**

**Аннотация:** Бұл мақалада жалпы орта білім беру жүйесіндегі Интеграция және бірлескен оқыту және осыған байланысты тарих мұғалімдерінің әдістемелік құзыреттіліктерін дамыту туралы айтылады.

**Түйінді сөздер:** пәнаралық интеграция, бірлескен оқыту, қатысу, сабақтастық, әдіснамалық құзыреттілік.

**Annotation:** this article will talk about integration and collaborative teaching in general secondary education and the development of methodological competencies of history teachers in this regard.

**Keywords:** interdisciplinary integration, collaborative teaching, engagement, continuity, methodological competence.

Ҳозирги даврда илм-фан, технология ва ишлаб чиқариш соҳаларининг тез суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги таълим-тарбияга, айниқса, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган талабларни қайта кўриб чиқишни, таълимни такомиллаштиришни талаб этмоқда. Бугунги кунда “Ислоҳотларнинг муваффақияти, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши аввало илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожи билан, бу борада биз дунёда рақобатдош бўла олишимиз билан узвий боғлиқ”[1].

Бугунги кундаги биз-педагоглар олдидаги энг муҳим вазифалардан бири таълим тизимида фанларни ўқитишни энг илғор ва самарали усулларини ишлаб чиқиш ва таълим тизимига жорий этишдир. Бу эса ўз ўрнида шу мақсадни амалга оширишга хизмат қиладиган илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда. Умумий ўрта таълимда фанлараро интеграция ва ҳамкорликда ўқитиш ана шундай долзарб масалалардан биридир.

Ўқув фанлараро алоқадорлик асосида ўрганилаётган дарс материалларини ўқувчиларга чуқурроқ сингдиришда бошқа дарс материалларидан фойдаланиш, мазкур материалларнинг мазмун жиҳатидан ўзаро алоқадор бўлиши. Бунда такрорловчи, умумлаштирувчи, янги материални ўрганиш, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ва назорат дарслари ҳам бўлиши мумкин. Фанлараро алоқадорлик ўқув жараёнининг ушбу зиддиятларини янада бойитади, улар асосида янги қарама-қаршиликлар юзага келади. Бу ўқув предметидан ўрганилаётган билимларни ўзлаштириш ва ўқув фанлариаро алоқадорлик асосида масалаларни ечиш ва бошқа турли фанлардан билимларни ўзлаштиришда уларни қўллашни билиш ўртасидаги қарама-қаршиликлардир. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари ва ўқув фанининг уйғунлаштирилган мазмуни ўртасидаги қарама-қаршиликлар асосида муаммоли вазият юзага келади.

Ўқув фанлариаро алоқадорлик асосида ўтиладиган дарсларга қуйидаги дидактик талаблар қўйилади:

1. Фанлараро алоқадорлик асосида ўрганилаётган дарсда янги мавзуни ўзлаштириш учун бошқа фанлардан олган билимларни жалб этилиши ҳамда уларни татбиқ қилиш малакаларига эга бўлиш.

2. Фанлараро алоқадорлик асосида ўрганилаётган дарсда бошқа фанлардан билимларни қўллаш бўйича ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари самарадорлигини таъминлаш. Ўқитувчи дарс ўтаётганда бошқа ўқув фанининг материалини такрорламаслиги лозим. Фанлараро алоқадорликни таъминлашдан кўзланган мақсад ўқувчиларда янги саволлар ва масалаларни ечишда турли фанлардан олган билимларини мустақил қўллаш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат бўлади. Бунинг учун дарс бошида ёки янги материални тушунтириш жараёнида бошқа ўқув фанлари мазмунига киритилган билимларни аниқлаб берувчи такрорлаш суҳбатлари ўтказилади, муаммоли вазиятлар яратилади, бунда бир-бирига яқин фанлардан ўзлаштирилган билимларни қўллаш талаб этилади; ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш учун эса мунтазам уй вазифалари берилади; гуруҳда жамоали ўқув ишлари билан бирга якка ҳолда топшириқлар (қизиқиши юзасидан, танлаб олиш, мажбурий) берилиши таъминланади.

3. Дарс жараёнида фанлараро алоқадорликни таъминлаш асосида ўрганилаётган ҳодисаларнинг моҳияти, сабаб-оқибатли боғлиқликларини тушунтиришга қаратилган бўлиши.

4. Фанлараро алоқадорлик асосида ўрганилаётган дарс мавзулари турли фанлардан билимларнинг боғлиқлигига таянувчи дунёқараш, умумлаштирилган хусусиятга эга бўлган хулосалардан ташкил топиши лозим. Ўқувчилар бундай хулосаларнинг обективлигини фақат ўзаро яқин фанлардан билимларни жалб этиш зарурлигига ишонч ҳосил қилгандагина англашлари мумкин.

5. Ўқув фанлариаро алоқадорликни қўллаш асосида ўтилган дарс ўқувчиларда ижобий таассуротлар уйғотиши, уларда турли фанлардан олган билимлари ўртасидаги тафовутлар, боғлиқликларни билиб олишга қизиқиш ҳосил қилиши лозим.

6. Фанлараро алоқадорлик асосида ўрганилаётган ўқув материаллари умумлаштирилиши лозим[2]. Шунинг учун, ўқув фанлариаро алоқадорликнинг вазифаларини умумлаштиришни таъминловчи таълимнинг турли шаклларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир: мужассамлаштирилган уй вазифалари, умумлаштирувчи такрорлаш дарслари, саёҳат дарслар ва бошқалар. Интеграциялашган дарсларни ташкил этишда шахсга мосланган йўналиш фақатгина синф ёки гуруҳга эмас, ҳар бир болага аҳамият беришни назарда тутади.

Тарих фани умумий ўрта таълим фанлари жуда кўплаб фанлар билан интеграцияга кириша олади. Аввало, Ўзбекистон тарихи ва Жаҳон тарихи фанлари ўзаро фаол алоқа боғлайди, бир-бирини тўлдиради, мустаҳкамлайди. Шунингдек, тарих фани мавзуларини ўқитиш мобайнида деярли барча бошқа фанларга мурожаат қиламиз (мас: тарбия, география, она тили ва адабиёти, иқтисодий билим асослари, давлат ва ҳуқуқ асослари, математика, технология, чет тиллари, биология, тасвирий санъат, мусиқа, чақириққа қадар ҳарбий таълим

ва бошқалар). Айрим мавзуларни ўқитишда тарих фани имкониятлари билан бир қаторда бошқа бир фан маълумотларидан ҳам фаол фойдаланиш ёки айнан ўша фан ўқитувчисини тарих дарсларида мавзуларни ҳамкорликда ўқитишга таклиф этиш ҳам самарали натижалар беради.

Тарихий билимларни фанлараро узвийлик асосида ўзлаштириш ўқувчилар тафаккурини бойитади. Бундай интеграциялашган дарслар таълим соҳаларини юқори даражадаги мазмун яхлитлиги, дунё ва инсоннинг тушунчалар, ғоялар, тамойиллар, ҳодисалар, моҳиятлар, тушунчалар, тасвирларни умумлаштириш билан бирлаштиради. Улар белгиланган ҳафталик мавзу ёки асосий тушунчалар атрофида бирлаштирилган. Таълим соҳаларининг асосли комбинацияси учун дидактик–методик компонент, дарс тузилишини ўзгартиришни, таълимни ташкил этиш усуллари ва шаклларини уйғунлаштиришни ўз ичига олган интеграциялашган дарс техникаси ишлаб чиқилиши ва экспериментал синовдан ўтказилиши керак. Бироқ, интеграциялашган дарснинг ушбу дидактик ва услубий компоненти ҳали ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Ўқув фанлариаро алоқадорликни таъминлашда ўқувчилар идрок этиш фаолиятларини жадаллаштиришнинг турли воситаларидан унумли фойдаланиш. Чунончи, аралаш ўқув курслари бўйича, муаммолилик, кўргазмалилик, мустақил ишлар, индивидуал топшириқлар ташкил этиш ёрдамида бундай мақсадга эришиш мумкин.

Ўқув фанлариаро алоқадорлик асосида ўрганилаётган дарс материалларини ўқувчиларга чуқурроқ сингдиришда бошқа дарс материалларидан фойдаланиш, мазкур материалларнинг мазмун жиҳатидан ўзаро алоқадор бўлиши. Бунда, такрорловчи, умумлаштирувчи, янги материални ўрганиш, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ва назорат дарслари ҳам бўлиши мумкин. Фанлараро алоқадорлик ўқув жараёнининг ушбу зиддиятларини янада бойитади, улар асосида янги қарама-қаршиликлар юзага келади. Бу ўқув предметидан ўрганилаётган билимларни ўзлаштириш ва ўқув фанлариаро алоқадорлик асосида масалаларни ечиш ва бошқа турли фанлардан билимларни ўзлаштиришда уларни қўллашни билиш ўртасидаги қарама-қаршиликлардир[3].

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари ва ўқув фанининг уйғунлаштирилган мазмуни ўртасидаги қарама-қаршиликлар асосида муаммоли вазият юзага келади.

Тарих фанларини ўқитишда умумтаълим мактабларида ҳамкорликдаги таълим кластерларини ташкил қилиш энг самарали механизм бўлиб, бунда олий ва умумий ўрта таълим муассасаларининг ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги асосидаги таълим турлари интеграцияси ҳамда тарих фанларини ўқитишда курслараро узвийликни таъминлашга асосланган таълим мазмуни интеграцияси муҳим бўлиб, бу интеграциялар таълим самарадорлигини оширишда долзарб аҳамиятга эга. Тарих фанларини ўқитиш самарадорлигини оширишда таълим турлари ўртасида ташкил қилинган таълим кластери фаолиятини ё‘лга қўйиш дастлаб ўқув жараёнларидаги курслараро боғланишнинг услубий шароитлари ва шаклларини аниқлаш, сўнгра уни амалиётга жорий этишнинг педагогик шарт шароитлари усул ва воситаларини ишлаб чиқишни назарда тутади[4].

Шунингдек, таълим-тарбия ишида ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали ҳам юқори натижаларга эриши мумкин. Бунда дарсларга умумий ўрта таълим

раҳбарларини, психолог ва синф раҳбарларини, шу билан бир қаторда катта амалий таъсир ва тажрибага эга бўлган таълим тизимининг ҳамкор ташкилотлари масъулларини жалб этиш орқали ҳам мавзуларни самарали ўқитишга, ўқувчиларда ҳаётий кўникмаларни ривожлантиришга эришишимиз мумкин.

Қолаверса, ҳозирги инновацион таълим шароитида тарихчи-педагогларнинг ўзлари эга бўлган методик компетенцияни изчил ривожлантириб бориши кўп векторлик тамойилига асосланмоқда. Бунга кўра, тарихчи-педагоглар нафақат мутахассислик фанлари асосларини пухта ўзлаштиришлари, балки касбий фаолиятда тарихий ҳужжатлар, солномалар, архив ҳужжатларини, шунингдек, тарихий, тарихий-публицистик ҳамда тарихий-бадиий асарлар билан ишлаш, улар асосида методик ишланмалар – инновацион характердаги топшириқлар, ностандарт тестлар, креатив лойиҳаларни тайёрлаш, таълим олувчиларда таҳлилий ва танқидий тафаккурни шакллантириш имкониятига эга бўлишлари зарур.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийларга байрам табриги. "Маърифат" газетаси, 2017-йил 30-сентабр 78-сон
2. Science and Education. Scientific Journal Volume 1 Issue 1// www.openscience.uz
3. Тўхтасинов М. Тарих фанидан мураккаб мавзуларни ўқитиш самарадорлигини ошириш. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган ВПЙМЎММ, 2023. – Б. 29.
4. Ташкулова З.Ф. Тарих дарсларида фанлараро узвийлик// Устозлар учун. www.pedagoglar.uz

## TALABALARDA SINTAKTIK BILIMLARNI LINGVOPOETIK TAHLILLAR ASOSIDA RIVOJLANTIRISH

**Ro'ziyeva Sadoqat Xasanovna**
**Buxoro davlat pedagogika instituti "Maktabgacha ta'lim" kafedrasi**
**katta o'qituvchisi, p.f.f.d., (PhD)**
**roziyevasadoqat528@gmail.com**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada tilshunoslik fanlarining asosiy o'rganish obyekti bo'lgan adabiy-badiiy adabiyot namunalarining xususiyatlari va undagi poetik nutq unsurlarining sintaktik modellari haqida fikr yuritilgan. Bunday hosilalar asosida muallifning invidual til qurilish usullari ham tahlilga tortilgan bo'lib, bu tahlillar lingvopoetikaning o'rganish obyekti sifatida xizmat qiladi.

**Kalit so'zlar:** ta'lim, sifat, ijodiy tafakkur, tilshunoslik, lingvopoetika, adabiy jarayonlar, poetika, nutq, sintaksis, modellar.

**Аннотация:** Бұл мақалада тіл білімінің негізгі зерттеу нысаны болып табылатын әдеби-көркем әдебиет үлгілерінің ерекшеліктері мен ондағы поэтикалық сөйлеу элементтерінің синтаксистік үлгілері қарастырылады. Осындай туынды сөздер негізінде автордың жеке тілдік құрылыс тәсілдері де талданып, бұл талдаулар лингвопоэтиканың зерттеу нысаны қызметін атқарады.

**Негізгі сөздер:** білім, сапа, шығармашылық ойлау, лингвистика, лингвопоэтика, әдеби процестер, поэтика, сөйлеу, синтаксис, модельдер.

**Abstract:** This article discusses the characteristics of literary-artistic literature samples and the syntactic models of poetic speech elements in it, which is the main object of study in linguistics. Based on such derivatives, the author's individual language construction methods are also analyzed, and these analyzes serve as the object of study of linguopoetics.
**Key words**: education, quality, creative thinking, linguistics, linguopoetics, literary processes, poetics, speech, syntax, models.

Tarixan juda boy va keng imkoniyatga ega boʻlgan oʻzbek tilining maqomini yanada oshirish borasida ilm-fan, ta’lim oldiga qator vazifalar qoʻyilgan. Davlat rahbari ta’lim sohasida qilinishi kerak boʻlgan va qilinadigan ishlar haqida ma’lumot berarkan, “ma’naviyatimiz asosi boʻlgan ona tilimiz” (oʻzbek tili) haqida ham toʻxtalib oʻtdi. Shavkat Mirziyoyev soʻzida davom etib, ***“mening farzandim chet tillarini biladiyu, ona tilini bilmaydi, degan gap Yangi Oʻzbekistonga ma’qul emas”ligini*** ta’kidladi. “Chet tilini bilishi kerak, lekin ona tilini bilishga majbur”, - deya qoʻshimcha qildi yurtboshimiz.

Poetik til deyilganda koʻpchilik goʻzal tashbehu istioralar yoxud boshqa tasvir va ifoda vositalari (oʻxshatish, metafora, ramz va h.) ishlatilgan, bezakdor, jimjimador tilni tushunadi. Suhbat davomida sal chiroyli va jimjimador gapirgan kishiga nisbatan ba’zan “ja-a badiiy qilib gapirarkan” qabilidagi ta’nalarni eshitib qolishimiz ham shu xil tushunishning natijasidir. Aslida, bu yanglish tasavvurdir. Zero, ayrim asarlar borki, ularda bu xil vositalar ishlatilmasligi yoxud juda kam boʻlishi mumkin, biroq bu bilan shu asar tili badiiylikdan mahrum boʻlib qolmaydi. Masalan, A.Oripovning “Xotirot” she’ridan olingan bir parchaga e’tibor qilaylik:

*Uydan ketganimga oʻn yil boʻlibdi,*
*Oʻn yil qishlogʻimdan yuribman uzoq.*
*Men yurgan yoʻllarda oʻtlar unibdi,*
*Koʻmilib boʻlibdi men kezgan soʻqmoq.*

Mazkur parchaning badiiy asardan olingani, uning badiiy tilda insho etilgani shubhasiz. Biroq undagi til unsurlari kundalik muloqotda ishlatiladigan unsurlardan farq qilmasligi, badiiy vositalar ishlatilmaganligi koʻrinadi. Tajriba uchun shu parchada berilgan axborotni kundalik muloqot tiliga oʻgirib koʻraylik. Tasavvur qilaylik, bu gaplarni kundalik muloqotda bizga kimdir gapirmoqda: “Uydan ketganimga oʻn yil boʻlibdi. Oʻn yil qishlogʻimdan uzoq yuribman. Men yurgan yoʻllarda oʻtlar unib, men kezgan soʻqmoq koʻmilib boʻlibdi”.

Biz bu matnda she’rdagi soʻzlarni aynan keltirdik, unda birorta soʻz oʻzgartirilgani yoʻq. Agar oʻzgartirilgan parchadagi gaplarni kimdir kundalik muloqotda aytyapti, deb faraz qilsak, bu parcha badiiylikdan mahrum boʻlgani, endi u badiiy axborot yetkazmayotgani aniq anglashiladi. Nega bir xil soʻzlardan iborat ikki parchaning birini badiiy tilda yozilgan deymiz-u, ikkinchisini badiiylikdan mahrum hisoblaymiz? Chunki keyingi parchadagi gaplarni eshitganimizda oʻzga odam yetkazayotgan axborotni tushuncha shaklida va uning ayni paytdagi his-tuygʻularini axborot shaklida qabul qilamiz. Endi she’rdan olingan parchaga qaytaylik. She’r oʻqishni boshlaganimizda birinchi satrdanoq oʻquvchiga mahzunlik kayfiyati inadi, uning tasavvurida uzoq vaqt qishlogʻidan ayro yurgan, endi qishlogʻiga qaytib mahzun kezinayotgan va hayot haqida oʻylarga choʻmgan lirik qahramon gavdalanadi.

O‘quvchi o‘sha o‘t bosgan yo‘llarni, ko‘milib bo‘lgan so‘qmoqni ko‘radi, lirik qahramon bilan birga yoki o‘zini uning o‘rniga qo‘ygan holda o‘sha so‘qmoqda kezinadi, uning kechinmalarini qalbdan o‘tkazadi. Ya’ni, u yangi bir olamda – til unsurlari vositasida yaratilgan badiiy reallikda yashaydi. Badiiy reallik esa voqelikning oddiygina aksi emas, balki uning ijodkor qalbi-yu ongida qayta yaratilgan aksi – badiiy obrazdir. Bu obrazda esa ijod onlarida shoir qalbida kechgan his-tuyg‘ular-u o‘y-fikrlar badiiy til vositasida muhrlandi, o‘quvchini o‘sha holatga olib kiruvchi tashqi bir manzara tasvirlandi. Boshqacha aytsak, ijodkor tasavvurida yaralgan obraz badiiy so‘z vositasida moddiylashadi, shu bois ham badiiy til obraz yaratish vositasi sanaladi. Agar ilmiy, rasmiy va boshqa uslublarda yetkazilgan axborot tushunchalar orqali berilsa, badiiy asarda yetkazilayotgan axborot obrazli, hissiyotga yo‘g‘rilgan axborotdir. Demak, badiiy tilni belgilovchi (spesifik) xususiyatlari obrazlilik (tasviriylik) va emotsionallik ekan.

Abdulla Oripov, Shavkat Rahmon va Eshqobil Shukur she’rlari matnida kuzatilgan [I ~ O]=SB, [$I^{q.k.}$ ~$I^{e.k.}$]=SB LSQlarining badiiy nutqda voqelanishini tasdiqlovchi nutqiy dalillar ko‘pchilikni tashkil etadi. Bu nutqiy dalillar rang-barang bo‘lib, bir-biriga o‘xshamaydi:

1. *Borliq jim kuzatar **qonli sahna**ni,*
*Har yonda vahmkor, **sirli sukunat**.* [60,5]
2. *Ne chog‘lik sehrliksan*
*Sen o‘zing, yupanch so‘zi?*
*Sen go‘yo **shirin tush**san*
*Yoki umid yulduzi.* [60,7]

She’riy parchalarda *qonli sahna, sirli sukunat, shirin tush, kichkina hasrat, suluv til* birikmalari [I~O]=SB qolipining nutqiy voqelanishi asosida yuzaga chiqqan. Muallif tilimizda sifat va ot birikuvining yorqin dalillari oqrali [I~O]=SB qolipi obrazli ifodalar hosil qilish imkoniyatini ko‘rsata olgan. Zero, bu obrazli ifodalarda xususiyat, holat, rang-tus, maza-ta’m, o‘lchov bildiruvchi sifatlarning joy, narsa, hodisa, mavhum otlar bilan birikish imkoniyatlari voqelashgan.

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash joizki, lingvopoetik tahlillar asosida kitobxon o‘zbek tilining til qurilish nazariyasini yanada yaxshiroq anglaydi va kelgusida kishilar bilan muloqot jarayonida sintaktik modellarni tafakkurdan tayyor holda ishlata oladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1.Mirziyoyev Sh.M. Niyati ulug‘ xalqning ishi ham ulug‘, hayoti yorug‘ va kelajagi farovon bo‘ladi. – T.: “O‘zbekiston” NMIU, 2019. – 400 b.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60 son Farmoni

3.Qurbonova M. Hozirgi zamon o‘zbek tili. –Toshkent, 2002. –B. 60.

4.Qurbonova M. Hozirgi o‘zbek tili (sodda gap sintaksisi uchun materiallar). –T.:O‘zMU bosmaxonasi, 2002.-117 b.

5.Olimov Sh.Sh., Hasanova Z.D. Pedagogik texnologiyalarni o‘quv – tarbiya jarayoniga qo‘llash. –T.: “Fan va texnologiya”, 2014. - 184 b.

# ABDULLA QODIRIY ROMANLARIDA SODDA GAPNING IFODALANISHI

**Abdurazzoqov Eldor G’ofirjonovich**
**University of Business and Science ijtimoiy fanlar kafedrasi dotsenti**

eldorabdurazzoqov@mail.ru

**Аннотация:** Мақалада ойды басқаларға жеткізудің және олардың дұрыс түсінуінің маңызды факторы сөйлеу кезеңіндегі сөйлеу жағдайы екені түсіндіріледі. Өзбек тіліндегі көркем әдебиет мәтіндеріндегі жай құрмалас сөйлемдердің қолданылу заңдылықтары талданады.

**Негізгі сөздер:** Жай сөйлем, қима категория, моральдық валенттілік, жай құрмалас сөйлем, жай жайылма сөйлем.

**Abstract:** In the article it is explained that the most important factor in conveying the idea to others and their correct understanding is the speech condition at the speech stage. The laws of using simple compound sentences in Uzbek language fiction texts are analyzed.

**Key words:** Simple sentence, cross-sectional category, moral valence, simple compound sentence, simple extended sentence.

Keyingi yillarda yaratilgan tadqiqotlarda sodda gap, bosh bo'laklarning gapdagi mavqeyi masalasida muayyan o'zgarishlar sodir bo'ldi va bu yangicha yondashuv boshqa tadqiqotlarga ham ta'sir ko'rsatdi. Gap kesimini shakllantiruvchi vosita kesimlik kategoriyasi bo'lganligi sababli o'zbek nutqidagi gapning tarkibiy qismini shu gap tarkibiga kiruvchi so'zning va kesimlik kategoriyasi shaklining valentligi belgilaydi. Demak, nutqiy gaplardagi ikki hodisani farqlash lozim:

1) gap markazini tashkil etuvchi so'zdagi kesimlik kategoriyasi shakllariga bog'lanuvchi so'z;

2) gapda ishtirok etayotgan ma'lum bir so'zning ma'noviy valentligini to'ldirayotgan so'z[118].

Gap ikkinchi darajali bo'laklarning ishtirok etish yoki etmasligiga ko'ra yig'iq va yoyiq gap kabi turlarga bo'linadi. Zero, gap kengaytiruvchilari tushunchasi, ularni belgilash, shu asosda gapning struktur zaruriy va ixtiyoriy tarkibiy qismlarini ajratish gapning "yuragi", gapning gap ekanligini ta'minlovchi kesimlik kategoriyasi va uning ko'rsatkichi, ifodalanish xususiyati bilan uzviy bog'liq. Shu sababli, gapning gapligini, ya'ni bir nisbiy tugal fikrni boshqalarga yetkazish, ular tomonidan to'g'ri anglanishining eng muhim omili – bu nutq bosqichida nutq sharoiti, lisoniy bosqichda esa kesimlik kategoriyasi.

Demak, kesimlik kategoriyasi fikrni shakllantiruvchi, uni tinglovchiga yetkazishning eng muhim lisoniy vositasi asosi[119]. Sodda gaplar ko'pincha kesimning o'zidangina iborat bo'ladi. Ba'zan qo'shma gaplar ham kesimlarning o'zaro grammatik bog'lanishidan hosil bo'ladi.

O'zbek tilidagi badiiy matnlarda yozuvchilarning tildagi ifoda vositalaridan foydalanish mahoratini kuzatar ekanmiz, aksariyat hollarda sodda yig'iq gaplardan foydalanilishi ma'lum bo'ladi. Ammo bunday qonuniyat doim amal qiladi, deb bo'lmaydi. Matnlar bu jihatdan tahlil qilib ko'rilsagina aniq fikrga kelish mumkin.

Ushbu maqolamizda milliy roman hisoblangan "O'tkan kunlar" asari matni misolida o'zbek tilida sodda gaplarning ifoda imkoniyatlari, grammatik xususiyatlari o'rganishni lozim topdik.

---

[118] Sayfullayeva R., Mengliyev B., Boqiyeva G., Qurbonova M., Yunusova Z., Abuzalova M. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – T., 2010. – B. 478.

[119] O'sha manba. – B. 487.

A.Qodiriy oʻzbek tili tabiatidan kelib chiqib soʻzni tanlash, gap tuzish, jumlani shakllantirish, fikrni ifodalash borasida oʻziga xos uslubga ega ijodkordir. Yozuvchining qanday tuzilishga ega boʻlgan gaplardan foydalanishi quyidagi tahlil namunalarida namoyon boʻladi:

Ayvondagilarga salom berib otasining yonigʻa kelib oʻlturdi. Qutidor qizini kuzatdi:

– ***Tuzikmisan, qizim?***

– *Yoʻq, otajon, boshim hamon ogʻrib turadir.* ("Oʻtkan kunlar", 29-bet)

Koʻrinib turibdiki, suhbatdoshiga savol berilganda sodda yigʻiq gapdan foydalanilsa, javob yoyiq gap shaklida ifodalangan. Aksariyat hollarda bunga teskari oʻlaroq, savol-javob dialogida savol berilganda yoyiq sodda gapdan foydalaniladi:

*Soʻzdan soʻz chiqib Oftob oyim Toʻybekadan soʻradi:*

– ***Mehmonlar qanaqa kishilar ekan, tanidingmi?*** ("Oʻtkan kunlar", 32-bet)

Oddiy soʻzlashuvda koʻpincha vaqtni tejash uchun juda qisqa javob beriladi:

– *Katta gilamni ham chiqar, uyingda mevalaring bor edimi?*

– *Bor.* ("Oʻtkan kunlar", 32-bet)

Badiiy matnlarda vaziyat oddiy soʻzlashuv nutqiga qaraganda boshqacharoq, ya'ni qahramonning xarakterini toʻla ochib berish uchun ba'zan uning beradigan javobini yoyiq holda, batafsil berishga toʻgʻri keladi:

*Bu soʻzdan Oftob oyim ham kulimsirab qizigʻa qaradi:*

*Ana, Kumush, sen eshitdingmi, opangning soʻzini, Toʻybeka senga er topqan, sen boʻlsang boshim ogʻriydir deb yotasan. Kumushbibining sezilar-sezilmas kulimsirashidan yoqutdek irinlari ostidagi sadafdek oq tishlari koʻrinib ketdi ersa-da, biroq uning bu holi tezlik bilan tundliqqa alishindi.* ("Oʻtkan kunlar", 32-bet)

Sodda gap eganing ifodalanish yoki ifodalanmasligiga koʻra bir necha turga boʻlinadi. Oʻzbek tili tabiatiga koʻra nutqda, koʻpincha, ega boʻlmasa ham kesimning oʻzi fikr ifodalay oladi. Shu tushunchaga koʻra, egasiz gaplarning nisbati egali gaplarnikidan ortiq. Masalan:

– *Qanaqa mehmon edi?*

– *Sen tanimassan, toshkandlik bir yigit, tagʻi shu yerdagi uch-toʻrtta ogʻaynilar. Tuzikmi, aytkanlarimni uqdingmi?*

– ***Uqdim-uqdim.*** ("Oʻtkan kunlar", 30-bet)

Aslida grammatik jihatdan kishilik olmoshi bilan ifodalangan ega qatnashishi lozim edi, ammo nutq vaziyatiga koʻra bunga hojat qolmagan. Eganing ifodalanmasligiga yana bir qancha misollar keltirish mumkin:

*Oftob oyim varaqi pishirishdan u kungi mehmonning uncha-muncha kishi boʻlmagʻanligʻini bildi.*

– ***Qanaqa mehmon edi?*** ("Oʻtkan kunlar", 30-bet)

Bu oʻrinda uchinchi shaxs kishilik olmoshi qoʻllanishi kerak edi. Oʻzbek tilida nafaqat ega, balki qaratqich aniqlovchining tushib qolish holatlari ham mavjud:

*Oftob oyim erining soʻzini kuchlab tushdi:*

– ***Issigʻi*** *bor, yuzi ham qizarib boʻrtib turibdir.* ("Oʻtkan kunlar", 29-bet)

Matnda ketma-ket sodda gapdan foydalanish oʻrinlari ham koʻp uchraydi:

*Kumushbibi otasining soʻziga iltifot qilmadi. Kumushbibi xomush edi. Bir narsa toʻgʻrisida oʻylarmidi yoki bosh ogʻrigʻisi kuchlikmidi, har holda namozshomgul kabi yopiq edi. Qarshisida oʻlturgʻan buvisining oʻtkan-ketkandan qilgʻan hikoyalariga*

*erinibgina quloq berar va ko‘nglini ochish uchun aytilgan qiziq so‘zlarga iljayish bilan javoblanar edi.* (“O‘tkan kunlar”, 30-bet)

Muallif bu o‘rinda katta yoki murakkab qo‘shma gapdan foydalanishi ham mumkin edi, biroq bu ifodalarda sodda yoyiq gaplardan foydalanish matnning emotsionallik bo‘yog‘ini, ta’sir kuchini oshiradi.

Roman matni tahlilidan shu narsa aniq bo‘ldiki, muallif qo‘shma gaplarga qaraganda sodda gaplardan unumli foydalangan:

*Otabek qip-qizil qizarib gunohkorlardek yerga qarag‘an edi. Hasanalining yuziga padorona tarahhum tusi kirib, keksalarga maxsus ohangdor bir tovush bilan bekning ustidagi og‘ir yukni ola boshladi:*

*– Aybi yo‘q, o‘g‘lim, – dedi, – muhabbat juda oz yigitlarga muyassar bo‘ladig‘an yurak javharidir. Shuning bilan birga ko‘b vaqtlar kishiga zararlik ham bo‘lib chiqadir. Shuning uchun kuch sarf qilib bo‘lsa ham unitish, ko‘b o‘ylamaslik kerakdir.* (“O‘tkan kunlar”, 27-bet)

Yuqorida tanlab olingan misollardan ma’lum bo‘lib turibdiki, fikrni ifodalash uchun yozuvchiga sodda gap qulay. O‘zbek tili tabiatiga ko‘ra gapning markazi kesim hisoblanadi. Jumladan, A.G‘ulomov ham unga quyidagicha ta’rif beradi: “Kesim gapning uyushtiruvchi markazlaridan biridir; u hukmni keltirib chiqaruvchi eng muhim bo‘lak bo‘lganligidan, gapning asosiy mazmunini, xarakterini u belgilaydi. Uning qanday so‘z bilan ifodalanishi gapning qanday xususiyatga ega ekanligini ko‘rsatib turadi[120]. Shu ma’noda eganing ko‘p hollarda ishtirok etmasligi, kesim gapning boshqa bo‘laklarini boshqarishi egasiz gaplarni hosil qiladi.

Egasiz gapdan foydalanish, xususan, egasi ma’lum gap orqali fikr ifodalash so‘zlovchiga muayyan qulaylik yaratadi. Shuning uchun ham Qodiriy shu ifoda yo‘sinini ma’qul ko‘rgan bo‘lishi mumkin.

*– **Qiziq gaplar so‘zlaysiz,** – dedi Otabek, taajjubi ortqan edi. – Menga qandog‘ yomonlik sog‘indingizki, sizga ishonchim bitsin.* (“O‘tkan kunlar”, 26-bet)

O‘zbek tilidagi aksariyat adabiyotlarda gap qurilishi bilan bog‘liq chalkash qarashlar mavjud, ayniqsa, ega va kesim masalasida. To‘g‘ri, keyingi yillarda gapning mantiqiy markazi kesim, degan nazariya ilgari surilgani tilning tabiati bilan bog‘liq. Zamonaviy yozma nutqda gapga majburiy tarzda eganing kiritilishi sun’iylikni keltirib chiqarmoqda. Qodiriy asarlarida egasiz gaplarning qo‘llanishini tekshirib ko‘rish orqali bu borada aniqroq xulosaga kelish mumkin:

*– Nima bo‘ldi, Kumush?*

*– **Nega yig‘laysiz,** Kumush opa?*

*– Birar joying og‘riydirmi, Kumush?* (“O‘tkan kunlar”, 57-bet)

Ajratib ko‘rsatilgan jumlada kesim va so‘roq olmoshi ishtirok etgan, biroq ega mavjud emas.

O‘zbek tilida yozma nutq uchun muhim bo‘lgan qoidalarning og‘zaki nutqqa biroz mos kelmay qolgan o‘rinlar ham uchraydi:

*Kumushbibi o‘z ustiga duv yig‘ilg‘an qizlarga ko‘zini ochib qaradi-da, hushyor tortqanlardek bir harakat qilib qo‘ydi va tez-tez cho‘ntagidan ro‘ymolini olib ko‘zyoshisini quritdi.*

*Nega yig‘lading-a?* (“O‘tkan kunlar”, 57-bet)

[120] Ғуломов А. Содда гап. – Т.: Фан, 1955. – Б. 48.

Bu oʻrinda, albatta, kishilik olmoshi ega vazifasida ishtirok etishi kerak edi, biroq nutqiy vaziyat buni taqozo qilmagan.

− *Men ichaman, oʻzingiz ham oʻlturing.* ("Oʻtkan kunlar", 328-bet)

Ba'zi oʻrinlarda gapning egasi maxsus qoʻllanadi. Bunday holat roman matnida kam uchraydi. Kuzatishlarimiz qahramonlarning oʻzaro suhbati ifodalangan oʻrinlarda, aksariyat hollarda, egasiz gaplar qoʻllanilganini koʻrsatdi:

− *Nega xafa boʻlay, − dedi, − siz kelmaganingizda ham oʻzlari borar edilar...*

− ***Bormas edilar**! − dedi Kumush, − men bilan urishib kelgan edilar...* ("Oʻtkan kunlar", 328-bet)

− ***Toʻgʻri aytasiz,** − dedi Kumush, − bu kishi emas, men urishkan edim...* ("Oʻtkan kunlar", 329-bet)

*Otabek kulimsiradi:*

− ***Eshitdim...***

− *Oʻsha bekning haqiga eshitkan kunimdan beri duo qilib kelaman.* ("Oʻtkan kunlar", 329-bet)

Ta'kidlangani kabi romanda muallif qoʻllash zarurati boʻlmagan oʻrinda egani ishlatishga oʻziga xos sabab topa olgan, ya'ni shaxs – harakat bajaruvchisiga urgʻu berish maqsadini yuzaga chiqargan:

*Kumush kuldi va eski holini buzmadi:*

− ***Siz hovliqmang, bek,** − dedi, − tunovi kun xolamnikiga borgʻan edim, xolam qizi Zaynabdan shikoyat qilib hamma gapni Homid choʻchqaning qulogʻigʻa yetkizguchi oʻz qizi Zaynab gumbaz boʻlgʻanini birma-bir aytib berdi, bildingizmi?* ("Oʻtkan kunlar", 329-bet)

Ikkinchi shaxs koʻplik shaklidagi kishilik olmoshi bilan ifodalangan ega tushirib qoldiriladigan vaziyatlar koʻp uchraydi:

*Otabek xaxolab yubordi:*

− ***Hamon aybni oʻz boʻyningizga olmaysiz**, astagʻfirulloh...*

− *Nega siz tayyor kuyavdan oʻrtogʻingizni aynatdingiz?* ("Oʻtkan kunlar", 330-bet)

Ikkinchi jumlada olmosh bilan ifodalangan ega ehtiyoj boʻlganligi sababli gap tarkibida qoʻllangan. Bu oʻrinda ham ega qisman mantiqiy urgʻu olgan deyish mumkin.

Gap tarkibida olmosh bilan ifodalanadigan egaga ehtiyoj mavjud emasligi haqida aniq tasavvur hosil qilish uchun "Oʻtkan kunlar" romanidan ketma-ket bir nechta misol keltirish mumkin:

*Kumush unga izohlar uyushdirishni xohlamagʻanliqdan soʻzni chetka chalgʻitib yubordi:*

− ***Necha yoshqa kirdingiz,** Zaynab opa?*

− *Oʻn toʻqquzgʻa shekillik.*

− ***Meni soʻramang,** men endi qarib qoldim... Zaynab unga hasadlanib qaradi va kuchlanib aytdi:*

− ***Hali yoshqa oʻxshaysiz-ku.***

− ***Necha yoshqa kirgan deb oʻylaysiz?***

− *Yigirmaga kirdim.*

− *Mendan bir yosh katta ekansiz.*

− *Sizdan albatta kattaman, − dedi Kumush.* ("Oʻtkan kunlar", 331-bet)

*Kumush istehzo bilan kuldi:*

– ***To'ppi tikib o'lturibsiz-ku, manim oldimg'a chiqarmidingiz,*** *barakalla sizga, – dedi.* ("O'tkan kunlar", 337-bet)

– *Chokni yaxshi tikar ekansiz, kimga?*

– *Biravga atag'anim yo'q, axir bittasi kiyar... O'lturing.* ("O'tkan kunlar", 337-bet)

– *Chiqmag'animni ham ko'nglingizga olibsiz-da, – dedi nihoyat Zaynab.*

– ***Nega ko'nglimga olay****, men yosh bolamanmi, – dedi, – kelganimga o'n besh kun bo'lmasdan o'zingizni chetka tortib boshladingiz... Men siz bilan egachi-singil bo'larmiz, deb o'ylag'an edim...*

– ***Hali nima bo'libmiz...*** *Arzimagan gapni ham ko'nglingizga olabersangiz...* ("O'tkan kunlar", 337-bet)

– ***Qo'ying-chi..*** *. O'zingiz har bir narsani ham ko'nglingizga olaberar ekansiz... men unaqa emasman...* ("O'tkan kunlar", 338-bet)

Sodda gap bo'laklarining to'la ifodalanishi yo tushirilishiga qarab, ikkiga bo'linadi: to'liq va to'liqsiz gapga bo'linadi. To'liq gapda hamma bo'laklar mavjud bo'ladi; biror bo'lakning tushirilganligi sezilmaydi. To'liqsiz gapda biror bo'lak tushirilgan bo'ladi, lekin u bo'lak kontekstdan, nutq so'zlanib turgan momentdagi vaziyatdan bilinib turadi. Gaplarni qisqartirish hodisasi ko'pincha jonli so'zlashuvda, dialoglarda uchraydi. Dialoglar so'roq-javobdan iborat bo'lganda, javob to'liqsiz gapdan iborat bo'lib, unda shu so'roqqa javob bo'luvchi – fikriy jihatdan birinchi o'rinda turuvchi so'zgina aytiladi[121]. O'zbek tili ayrim o'rinlardagina eganing qo'llanilishiga zarurat tug'iladi.

Romanda ega qo'llash zarurati bor o'rinlarni ham alohida tahlil qilishga to'g'ri keldi, shuning uchun ham quyida unga doir misollarni ketma-ketlikda beramiz:

*Kumush o'n besh kunlardan beri yig'ilib kelgan achchig'ini bir varakay to'kib soldi:*

– ***Biz*** *ketaylik,* ***siz*** *tinchib uxlang, – dedi Otabek.* ("O'tkan kunlar", 331-bet)

– *Hali* ***siz*** *bola ekansiz, – dedi Kumush.*

– ***Siz*** *nechaga kirdingiz?* ("O'tkan kunlar", 331-bet)

– ***Men*** *ko'nglimga olsam arziydirganini bilib olaman, – dedi.* ("O'tkan kunlar", 338-bet)

– ***Men*** *ham oldingizg'a chiqaymi, deb turg'an edim...* ("O'tkan kunlar", 337-bet)

– *Oldingizg'a chiqmag'anim yuzingizni ko'rmaslik uchun bo'lg'anini* ***siz*** *qayoqdan bildingiz, manim ichimga kirib chiqmag'andirsiz-ku, axir?* ("O'tkan kunlar", 338-bet)

Aslida ajratib ko'rsatilgan olmosh bilan ifodalangan egalar qo'llanilmasa ham gapning mazmunida u qadar kamchilik sezilmaydi, ammo mantiqiy urg'u talabi bilan ular gaplar tarkibiga kiritilgan.

Yuqorida ajratib ko'rsatilgan gaplarning tahlili shuni ko'rsatadiki, barcha gaplar tarkibida eganing qo'llanmagani o'zbek tilining milliy tabiati bilan bog'liq.

O'zbek tili agglyutinativ tillar guruhiga kirib, har bir grammatik ma'no alohida grammatik vosita orqali ifodalanishi tabiiy ravishda vaqtni tejash tarafdori bo'lgan nutq talabiga mos emas. Shuning uchun ham sintaktik imkoniyatlar orqali vaqt tejab qolinmoqda.

[121] Ғуломов А. Содда гап. – Т.: Фан, 1955. – Б. 90.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Абдураҳмонов Ғ., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – 259 б.
2. Жалалова Л. Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романининг лингвистик тадқиқи. – Т., 2010. – 112 б.
3. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Т.: Фан. 2008. – 160 б.
4. Каримов С.А. Тил таълими ва меъёр. – Т., 2006. –268 б.
5. Ковтунова И.И. Поэтический синтаксис. – М., 1986. – 206 с.
6. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис) – Т., 1995. – 230 б.
7. Sayfullayeva R., Mengliyev B., Boqiyeva G., Qurbonova M., Abuzalova M. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – T.: Fan va texnologiyalar, 2010. – 591 b.
8. Якобсон Р.О. Поэзия грамматики и грамматика поэзии. – М., 1983. – 462 б.
9. Ўзбек тили грамматикаси. Т. I. – Т.: Фан, 1975. – 612 б.
10. Ғуломов А. Содда гап. – Т.: Фан, 1955. – 156 б.
11. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Т.: Ўқитувчи, 1987. – 278 б.

ӘӨЖ 811.512.122(075)
UDC 811.512.122(075)

# ШӘКЕРІМ ШЫҒАРМАЛАРЫНЫҢ ЕРЕКШЕЛІКТЕРІ

**Қалыбеков Болат Ермекұлы**
**Ж.А.Ташенев атындағы университетінің аға оқытушысы, филология ғылымдарының кандидаты, Шымкент қаласы**
**Айдарбекова Алия Сарыбаевна**
**Ж.А.Ташенев атындағы университетінің аға оқытушысы, филология ғылымдарының кандидаты, Шымкент қаласы**
**Касимова Хамила Избасаровна**
**Педагогикалық шеберлік орталығы Шымкент филиалының тренері**

**Аннотация**. В данной статье рассматривается лингвистические особенности произведений Магжана Жумабаева. Анализировано мастерство писателя в словоупотреблении. Определены некоторые смысловые характеристики слов. О работе Магжана мы можем сказать, что они родились в жару сердца. Хотя есть цепочка пролитого языка, или линейных фраз. Мы предпочитаем сосредоточиться на языковых особенностях художника. Поскольку писательской ручки состоит в словоупотреблений редких фраз. На самом деле, нет никаких сомнений в том, что он автор прозрачных работ созданных для серьезной и сбалансированной мысли, глубокой стабильности. Понятно, что исскусство в его работах состоит на изображении характера.

**Ключевые слова:** словоупотребление, мастерство, языковой анализ, психологическая особенность, характер.

**Ключевые слова:** словоупотребление, мастерство, языковой анализ, психологическая особенность, характер.

**Annotation.** This article discusses the linguistic features of the works of Magzhan Zhumabayev. The author's skill in word usage is analyzed. Some semantic characteristics of words are defined. We can say about Magjan's work that they were born in the heat of the heart. Although there is a chain of spilled language, or linear

phrases. We prefer to focus on the linguistic features of the artist. Since the writer's pen consists in the use of rare phrases. In fact, there is no doubt that he is the author of transparent works created for serious and balanced thought, deep stability. It is clear that the art in his works consists in the depiction of character.

**Keywords:** word usage, mastery, language analysis, psychological peculiarity, character.

**Кіріспе**

Қазақ әдебиетінің тарихында ежелден белгілі болған қаламгерлерімізді еске алғанда, ең алдымен Шәкәрім Құдайбердіұлын атауымыз орынды. Өйткені ол – Абайдың нағыз мұрагерлерінің бірі. Абай шәкірттерінің ішінде көп жасағаны да, көп жазғаны да – Шәкәрім. Оның өлеңдерінде мұң бар,мұң болғанда елдің мұңы, халықтың қайғысы бар. Ғылыми жобамызға негіз болған тақырыптың негізгі мақсаты - Шәкәрімнің ақындығы мен ақындық шеберлігіне, философиялық ой-қиялдарына қорытындылар жасау. Философиялық ой-қиялға берілу ақын лирикаларының көбіне тән.

Абай қазақ әдебиетіне тың жаңалықтар әкелген ақын десек**,** Абай поэзиясының таңбаларын Шәкәрімнің табиғат, өмір жайлы лирикаларынан анық байқаймыз. Мысалы; мына өлеңінде ақын жаңа, тың пікірлер айтады.

Бір ағын су, дүние қу,
Түстік онда шөп болып.
Сандаламыз, күнде ағамыз,
Бейнетіміз көп болып.

Шәкәрім өмір, дүние тақырыбын осылай салыстыру жолымен түсіндіргісі келеді. Теңеу, метафора мысалдары, бейнелеу амалдары қызғылықты болғанмен, ақын мұндай өлеңдерінде көбіне-ақ ескі әдіспен жырлағысы келеді. Әсіресе, Шәкәрім өз шығармаларында ғылыми жаңалықтарды көп насихаттайды, өзі соның жұмбағын шешкісі келеді:

Күннен неге түсіп тұр мұнша жарық,
Сегіз минут ширекте жерге барып.
Әншейін құр жарқырап тұрып алып,
Жылылық нұрмен бірге жүр қозғалып,
Барша әлем тапжылмай тұрып қалса,
Бола ма уақыт деген өлшеу салып?

Келесі өлеңіндегі мына жолдарға назар аударайық:

Жаралыс басы қозғалыс,
Қозғауға керек қолқабыс.
«Жан» де, мейлің бір «мен» де,
Сол қуатпен бол таныс.
Әлемді сол мен жаратқан,
Көшпеген нәрсе өспейді.
Өспеген нәрсе өзгермес,

Осы үзінділерден өмірдің біраз заңдылықтарындарын түсіндіруге тырысқанын көруге болады.

Құс, балық, шаян, көп алуан,
Айуаннан өсіп болдық адам.
Кейіміз есті, кейіміз надан,

Жаралыс салған сондай мән.
Жанымыз күнен келген нұрдан,
Тәніміз топырақ пенен судан.
Күн – атам, анық жер –анам,
Бірі нұр беріп, бірі тамақ,
Бұзады бірақ қайтадан.
Ер жетем, толам, қайта солам,
Әрі анам – бұл жер, әрі молам,
Денемді жұтпай тынбаған.

Адамның дүниедегі орнын, тіршілік күйін ақын өте дұрыс түсініп суреттейді. Айуаннан дегені маймыл болу керек. Бәрі «жаралыс» (жаратылыс) заңына байланысты өтіп жатады дегені де шындыққа келеді. Ал, адамдардың кейі есті, кейі надан болуы да осы әуелгі «жаратылыстан» деуі – өз пікірі болуы мүмкін.

**Негізгі бөлім**

Адамның жақсы, жаман, болуы ортаға, қоғамға, байланысты екенін Шәкәрім білмейді емес. Жерді «әрі –анам, әрі - молам» деп тауып айтқан. Ғылым, жаратылыс, философия тақырыбынан табиғат (жер, ай мен күн, жан-жануар, өсімдік) лирикасына ауысқанда да Шәкәрім ғылым тақырыбынан алыс кетпейді, белгілі құбылыстың заңын, ерекшеліктерін өлеңнің оқиғаларына қосып отырады. Абай сияқты табиғат көріністерін, жыл мезгілдерін адамға немесе оның қылығына ұқсатып жырлау ақынға тән. Жердің сан алуан өсімдіктер мен жан-жануарға толы қалпын: «жөн беріп жарық жылы нұрдан, күн атам жерді буаз қылған»,- деген ұқсастырумен айтады. «Әбден толып жарық ай» атты өлеңінде Шәкәрім ай мен күнді сүйікті жарға бәсекелескен адам есебінде алып үлкен жаңалық жасайды.

Айды суреттей келіп, оның бұдыр екенін, бірте-бірте келіп, орақтай болып, ақырында жоғалып кететінін айтады (өлеңнің осы жерлері ақынның астрономиялық құбылыстардан да хабардар болғанын меңзейді):

Қармақтай белі бүгіліп,
Таласудан түңілді,
Жаны шықты жығылды,
Таласты екен несіне!
Ай өлген соң күн шықты,
Мен жеңемін оны деп,
Айдан көрі мен мықты,
Болмады айдың жолы деп.
Нұрлы күннің бетінде
Алты, жеті дағы бар
Уайым сол, ниетінде
Көреді-ау деп тағы бар.

Ай мен күнді адам ретінде алып, әдемі кейіпкер жасайды да, аспан денелерін өлеңге қосып жібереді. Және жайдан-жай емес, белгілі сурет жасау үшін пайдаланады. Мәселен, айдың өз көлеңкесіне жасырынып, ақырында «қармақтай бүгіліп қалатыны» рас (әдемі табылған образ), ал күннің бетінде жеті-сегіз дақ бар екені де рас (мұны арнайы қондырғымен көргендер айтады),

оны адамның бетіндегі секпілі есебінде алып көрсетеді. Өлең ұқсастырудағы сұлулығымен адамды қызықтырады.

Шәкерімнің «Үш анық» шығармасы «адам ақиқатты бас көзімен емес, ақыл көзімен көреді» деген сөйлемнен басталады. Ақын өлеңдерінде бастағы көз жай ғана танудың құралы ретінде, мәселенің байыбына бара бермейтін құрал есебінде көрінеді:

Тән көретін бастағы көз
Байқамайды жан сырын.
Көр де ақылға сал деген сөз
Көз керек қой ойлырақ.
Хақиқатты дәл көруге,
Жан көретін көз керек.
Бас көзімен секнделуге,
Бізге рұқсат жоқ, шырақ!

дейді ол. Әділет – әр нәрсенің ақылға сыйымды, ақылға сай болмысы. Ол ақылдың қызметінің шарықтау тұсында пайда болады. Ал ынсап – әр нәрсенің орны мен жөнін, обал-сауабын, өлшемін білу болса, мейірім – әділет пен ынсап барда өз-өзінген пайда болатын адами қасиет.

Ынсап пен мейірім, әділетті,
Жаныңдай көріп, жан сақта,-

дейді ақын. Шәкерім жасаған бірінші түйін – Жаратушы ие бар, ол барлық тіршіліктің негізі. Екінші түйін – Тән өлгенмен, жан өлмейді. Үшінші анығы ол ұждан мәселесі. Шәкерім адам баласына тән ең басты қасиет - ұждан мәселесін көтереді. Ұждан сөзіне ол ынсап, әділет, мейірім секілді ұғымдарды сыйдырады. Ұждан жоғарыда айтылған екі анық негізінде туады. Ол адам баласын бақытқа жеткізеді. Ұжданды Шәкерім жанның тілегі деп түсіндіреді. Адам баласының қарым-қатынасы, бар өмірі ұжданмен абыройлы болады.

Тіліміздегі сөздер түрлі мағына береді. Ал адамдар өз ойларын білдіруде сөйлемдерді қолданғанын білеміз. Сөйлем ішінде кездесетін сөздердің барлығы сөйлемге мүшелік қызмет атқармайды. Сөйлемдегі сөздермен мағыналық байланыс желісін үзбей, баяндалған оқиғаның обьект пен субьектіге қатынасын анықтауда оқшау сөздердің алатын орынының ерекше екенін тағы баса айта кетуді жөн көрдік. Жоғарыда атап өткендей, осы оқшау элементтерді жан-жақты зерттеуде Р.Сыздықованың, М.Томановтың, Р.Әміровтың, Х.Есеновтың, М.Бимағанбетовтың т.б. ғалымдарымыздың аталмыш еңбектері тіліміздегі оқшау сөздердің іргесін кеңейтіп, ғылыми нақтылық танытты. Тіліміздегі оқшау сөздердің түрлі болып келетініндей, қызметтерінің де әртүрлі екенін, мағыналық ерекшеліктерін де танытуда орасан зор еңбектер атқарылуда. Осы тұрғыдан алғанда, Шәкәрім еңбектеріндегі оқшау сөздердің қолданысы тіптен ерекше. Әр суреткердің өзіне тән стильдік ерекшелігі болады десек, Шәкәрімнің оқшау сөздері қолдану қызметінде әрі еркін, әрі дәуір шындығын беруде, образдың мінезін сөйлете білуде Шәкәрім қолданған оқшау сөздері көптеген зерттеуді қажет ететіні сөзсіз.

Шәкәрім шығармаларындағы қыстырма сөздердің сөйлем ішіндегі орналасу тәртібі, қыстырма сөздердің түр-түрінің қолданылуы ерекше. Ақын қыстырмаларды сөйлемнің әр жерінде (басында, ортасында, соңында) қолданылуының өзі де белгілі дәрежеде сөйлемге, айтылған ойға эмоциялық реңк беріп, мазмұнын қоюландыра түсуде зор қызмет атқарған. Қыстырма сөздердің бірінің актив, бірінің пассив қатысуы Шәкәрімнің суреткерлік ерекшеліктерінің бірі болар. Шәкәрім шығармаларындағы мына қыстырмалардың жиі қолданылуы көңіл аударарлық нәрсе: тіпті, міне, ал, қане, әне, рас, демек, еншалла, тәуекел, мінеки, қанеки, сірә, әйтпесе, әншейін, әйтеуір, шамасы, тегінде, шынында, бәрібір, қайтейін, әлбетте, ендеше т.б. деп жеке сөз ретінде келсе, құдай қосса, шынымды айтсам т.б. түрде кездеседі. Қыстырмалардың қолданысын зерттеу кезінде байқағанымыз, «ескертпе сөйлемдердің» кездеспеуі. Ал қаратпа сөздердің Шәкәрім шығармаларындағы қолданылу аясы қыстырмалармен салыстырғанда өте көп. Шәкәрім еңбектеріндегі қаратпалар қызметі жағынан болсын, мазмұны жағынан болсын күрделілікті сездіреді. Ақын шығармаларындағы өкіну, қайғыру, күйіну сияқты жек көру /ей, надан, байлар, жуандар, жалқаулар т.б./ сезімін білдіру үшін қолданылатын қаратпалармен қатар, жақсы көру, еркелету ұғымындағы қаратпалар да көп қолданылған. Мысалы: жаным, ғашығым, еркем, сәулем, қалқам, қалқатайым, балам, шырағым, қарағым т.б. қаратпалар. Ал туыстық жайына байланысты, жасына, дәрежесіне байланысты қолданылған қаратпалар да шетте қалмаған: ата-анам, ағатай, әжеке-ау, жеңгем-ау, анашым, халқым, жастарым, байлар, кедейлер, білімділер, оқығандар, бауырлар т.б. көптеген мағынаны білдіретін қаратпалар Шәкәрім шығармаларында кең түрде қолданылған. Ал көңіл-күйді, сезім толғанысын бейнелеуде ақын одағайлардың түр-түрін еркін, жалпыхалықтық нормада қолданған.

Қорытынды

Образ сомдауда, өмір шындығын бейнелеуде қолданған оқшау сөздердің қай түрі болмасын, орнымен, еркін, өз дәуіріне сай, шебер қолданылған. Шәкәрім шығармаларындағы бұл элементтердің зерттелуі әлі толықтыруларды қажет етеді. Әрине, бүгінгі әңгіме ақын шығармаларындағы оқшау сөздердің қолданысы туралы үлкен мәселенің алғашқы, тәй-тәй басқан баспалдағы болғандықтан, әлі де көптеген толықтыруларды керек етеді.

**Пайдаланған әдебиеттер тізімі:**

1. Балақаев М. Қазіргі қазақ тілі. /Сөз тіркесі мен жай сөйлем синтаксисі/. – Алматы: Мектеп, 1971
2. Әміров Р.С. «Қыстырма сөз, сөйлемнің стильдік ерекшеліктері». «Бастауыш мектеп» 1973, №9.
3. Әміров Р.С. «Қыстырма сөз, сөйлемнің стильдік ерекшелікте-рі». «Бастауыш мектеп» 1973, №9.
4. Есенов Қ. Қазақ тіліндегі қыстырмалар. «Қазақстан Мектебі», 1973, №5.
5. Хасенов Е.«Қаратпа сөз туралы», «Білім және еңбек»,1985, №3.
6. Құдайбердиев Ш. «Мұсылмандық шарты.
7. Құдайбердиев Ш. Шығармалары. –Алматы, 1989

8. Мұхамеджанов К. «Абай мұрагерлері», -Алматы, «Атамұра», 1995.
9. Сүйіншәлиев Х. «Шәкәрім Құдайбердіұлы», -Алматы: Рауан, 1990.

# “ONA TILI” FANI DARSLIGI BILAN ISHLASHDA QO‘LLANILADIGAN INNOVATSION TA’LIM TEXNOLOGIYALARI

**Saidova Muhabbat Shukrullayevna**
**O‘zbekiston, Namangan davlat universiteti**
**filologiya fanlari nomzodi, dotsenti**
**тел: +998 93 943 89 78 e-mail: muhabbatxonsaidova@mail.ru**

**Annotatsiya:** Maqolada “Ona tili” fani darsligi bilan ishlashda qo‘llaniladigan innovatsion ta’lim texnologiyalari, yangi avlod ona tili darsliklaridan samarali foydalanishning didaktik yechimlari darsliklarning afzalliklari va kamchiliklarini o‘qituvchining bilishi, o‘quv jarayonida uning yutuqlaridan unumli foydalanib, kamchiliklarini to‘ldirishi, darsliklarni takomillashtirish bo‘yicha taklif hamda tavsiyalar bera olishi, o‘quvchilarni darslik matnidan zarur joyni tez topa bilishga o‘rgatishi, darslikning yetakchi komponenti bo‘lgan matn xususida fikr yuritiladi.

**Kalit so‘zlar**: darsliklarni takomillashtirish, darslik, o‘quv jarayoni, darslik matni, innovatsion ta’lim texnologiyalari, yangi avlod ona tili darsliklari, didaktik yechimlar.

**Аннотация:** Мақалада «Ана тілі» жаратылыстану оқулығымен жұмыс жасауда қолданылатын инновациялық білім беру технологиялары, жаңа буын ана тілі оқулықтарын тиімді пайдаланудың дидактикалық шешімдері, мұғалімнің оқулықтардың артықшылықтары мен кемшіліктерін білуі, тиімді пайдалануы. оның оқу-тәрбие үдерісіндегі жетістіктерін, кемшіліктерін жою оқулықтарды жетілдіру бойынша ұсыныстар мен ұсыныстарды айта алады, оқушыларды мәтіннен қажетті орынды тез табуға, оқулықтың жетекші құрамдас бөлігі болып табылатын мәтін туралы ойлануға үйретеді.

**Түйінді сөздер:** оқулықтарды жетілдіру, оқулық, оқу үдерісі, оқулық мәтіні, инновациялық білім беру технологиялары, жаңа буын ана тілі оқулықтары, дидактикалық шешімдер.

**Annotation**: the article presents innovative educational technologies used in working with a textbook on the subject “Native language”, didactic solutions for the effective use of textbooks on the native language of a new generation, the textbook text, the leading component of which is thoroughly and thoroughly thought out.

**Keywords:** improvement of textbooks, textbook, educational process, textbook text, innovative educational technologies, new generation native language textbooks, didactic solutions.

Darslik – muayyan o‘quv fani bo‘yicha ta’lim maqsadi, o‘quv dasturi va didaktik talablarga muvofiq belgilangan ilmiy bilimlar to‘g‘risida ma’lumot beruvchi manba bo‘lganligida milliy ta’lim tizimimizning rivojlanish dinamikasi, taraqqiyot bosqichlari, yutuq va kamchiliklarini aniqlash hamda baholash imkoniyatini beradi. 1997-yil 29-avgustda qabul qilingan Kadrlar tayyorlash milliy dasturida «Ta’lim muassasalarini zarur darsliklar va adabiyotlar bilan ta’minlash, bu ishga yirik olimlar, yuqori malakali mutaxassislarni jalb etish, ta’lim va ilm-fan sohasining nashriyot bazasini rivojlantirish» vazifasi qo‘yildi .. Yaratilayotgan yangi darsliklar millat fikri,

millat tafakkuri va millat mafkurasining eng ilgʻor namunalarini aks ettirishi kerak. Darslik oʻquv fani mazmuninigina emas, balki bilimlarni oʻzlashtirish darajasini va tushuntirish metodlarini ham aks ettirishi zarur. Darslik oʻquvchilarning tafakkuri va tasavvurini shakllantirishi, ularni mustaqil fikrlashga oʻrgatishi, fan asoslarini real hayot bilan bogʻlanishini amalga oshirishi, hozirgi zamonning asosiy muammolarini tushunishida koʻmaklashishi kerak . Keyingi paytlarda nafaqat texnik sohasi, balki gumanitar fanlar sohasida ham zamonaviy innovatsiyalar hamda ta’limdagi yondashuvlarning roli va ahamiyati, yondashuvlarning ta’lim sifatini oshirishdagi nazariy va amaliy jihatlarini oʻrganish va undan foydalanishni darslik asosida mukammal yoʻlga qoʻyish borasida pedagog olimlarimiz ilmiy tavsiyalar berib kelmoqdalar.

Darslikni yaratishda quyidagi shartlar inobatga olinishi lozim:

1. Har bir oʻquv predmeti uchun yaratiladigan darslikda ilmiy bilimlar tizimi, uning hajmi tegishli oʻquv dasturi talablariga va u moʻljallangan oʻquvchilarning yosh xususiyatlariga mos kelishi kerak.

2. Darslikda bayon qilingan ilmiy bilimlar nazariy, gʻoyaviy jihatdan tizimli, izchil, keltirilayotgan dalil, isbotlar ishonchli boʻlishi, ular toʻgʻri tahlil qilinishi, aniq ta’rif etilishi, mavzular yuzasidan zarur xulosalar chiqarilishi asosida ta’lim oluvchilarda dunyoqarash, ma’naviy-axloqiy sifatlar hamda e’tiqodni tarbiyalay olishi lozim.

3. Oʻquv darsliklarida bayon etilayotgan bilimlar amaliyot bilan bogʻlanishi, jamiyat hayotining barcha – ijtimoiy, iqtisodiy, madaniy sohalarida erishilgan yutuqlarni tavsiflaydigan dalillar bilan boyitilishi, ularning tahlili bilan asoslanishi zarur.

4. Darsliklarda bayon qilinayotgan mavzular oʻquv materialining xarakteriga bogʻliq holda tegishli qoida va ta’riflar berilishi, dalillar keltirilishi, ba’zi materiallar rasm, surat, sxema, diagramma va b. tasvirlar bilan boyitilishi maqsadga muvofiqdir.

5. Bayon qilinayotgan materiallar oʻquvchilarga tushunarli boʻlishi, loʻnda, ixcham jumlalar asosida yoritilishi kerak.

6. Darslikning tashqi koʻrinishi, bezagi muayyan yosh davri ta’lim oluvchilarining estetik didlariga, psixologik xususiyatlariga mos kelishi lozim.

7. Oʻquv darsliklarining tegishli yosh davri oʻquvchilari uchun joriy qilingan gigiyena qoidalariga muvofiq boʻlishi talab qilinadi.

8. Darsliklar fanda isbot qilinmagan, ma’lum ta’rif va qoidalarga ega boʻlmagan, muammoli masalalardan holi boʻlishi zarur.

Namunaviy oʻquv dasturlari asosida yaratilgan darsliklar tegishli ravishda Respublika Oliy va oʻrta maxsus ta’lim vazirligi, Xalq ta’limi vazirligi yoki Maktabgacha ta’lim vazirliklari tomonidan muayyan ta’lim muassasalari uchun tavsiya etiladi.

Maktab darsliklari bilan ishlashning dastlabki bosqichida oʻquvchilar bob, paragraf va undagi boʻlimlarni bir-biridan ajrata bilishga oʻrgatiladi. Oʻqituvchi yangi materialni bayon qilishdan oldin oʻquvchilarga shu paragraf ichidagi kichik sarlavhalarni oʻqishni tavsiya qiladi va darsni bayon qilish rejasi bilan tanishtiradi, ularning mazmuni va ifodalanishidagi farqlarning sabablarini izohlab beradi. Oʻqituvchi oʻzining bayoni davomida kichik sarlavhalar ichidagi mavzularga takror-takror qaytishi mumkin.

Darslik matni ustida ishlashning muhim jihatlaridan biri - o'quvchilarni uyda ishlash uchun beriladigan vazifani bajarishga o'rgatishdir. O'quvchilar bu vazifani muvaffaqiyatli bajarishi uchun topshirilgan vazifaning mazmunini va uni bajarish yo'lini yaxshi anglab olishlari shart. Binobarin, o'qituvchi uy vazifasini topshirishda va uning xarakterini belgilashda o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarini e'tiborga olishi, beriladigan vazifa oldingidan ko'ra murakkab bo'lishi va shu bilan ularning bilimlari va malakalari oshib borishiga xizmat qilishi lozim. Reja tuzish, shunga muvofiq hikoya qilishga o'rgatish, matn yuzasidan berilgan savollarga javob topish, jadval, chizma, diagrammalar tuzdirish va boshqa xil grafik ishlarni bajarish uy vazifasini ijodiy va mustaqil bajarish namunalaridan hisoblanadi.

O'quvchilarning faol aqliy faoliyatining muhim metodlaridan biri ularning o'qituvchi bayon qilgan yangi materialni o'zlashtirishda mavjud bilimlarini ishga sola bilishidir. Har bir darsda o'quvchilarni mavjud bilimlardan foydalana bilishga o'rgatish lozim. O'quvchilar olgan bilimlarini esdan chiqarib yubormasliklari uchun vaqti-vaqti bilan ularning e'tibori darslik matniga qaratiladi hamda uzoq o'tilgan mavzular va yaqin o'tilgan mavzular bo'yicha tez-tez savol-javoblarning tashkil qilib turilishi jarayonning samaradorligini oshiradi.

Maktab tajribalarimiz hamda kuzatishlarimizning ko'rsatishicha, o'quvchilarga ona tili va adabiyot darsliklaridagi ma'lumotlarni kichik guruhlarga bo'lib muhokama qildirish, bahs-munozalar uyushtirish ularning nutqiy kompetentsiyalarini rivojlantirdi.

Bu o'rinda uy vazifasi uchun berilgan topshiriqlarni o'quvchilar qanday bajarganliklarini tekshirishda, og'zaki yoki test javoblaridagi xatolarni, noaniq o'rinlarni to'g'rilash uchun darslik matniga murojaat qilinadi.

O'quv fani mohiyati 50% nazariy, 50% amaliy asosga qo'yilgan. Xususan, "Ona tili" darsliklarida "namuna keltirish" zamonaviy pedagogik metodidan unumli foydalanilgan. Unda milliy va xalqaro miqyosda yuksak natijaga erishgan insonlar hayot tarziga oid matnlarda ularning yutuqlari tahlil qilinadi.

Bilamizki, darslik o'qituvchi uchun emas, avvalo, o'quvchi uchun yoziladi. U o'quvchining dars va uy vazifasini bajarishda foydalanadigan asosiy o'quv kitobidir. Lekin o'quvchining asosiy o'quv quroli va vositasi, bilimlarning asosiy manbai sifatida darslikning roli va ahamiyati hozirgi globallashuv va axborot kommunikatsion texnologiyalar rivojlangan davrda uning ta'siri bir muncha pasayganligi, bu holat tendensiya tarzida bundan buyon yanada davom etib borishi ehtimolini darslik mualliflari ham, uni o'qitayotgan o'qituvchilar ham hisobga olishlari zarur.

Ma'lumki, darslikning yetakchi komponenti matndir. Matnlar asosiy, qo'shimcha va izohlovchi turlarga bo'linadi. Darslik matni axborotlarni shunchaki bayon qilish emas, balki o'quv materialining mazmunini dasturga mos holda tushuntirib berishi lozim. Darslik matni ustida ishlash o'quvchilarda fanning funktsional ta'limiy vazifalari – bilimlarni o'rganish, o'z fikr va nuqtai nazarlarini og'zaki yoki yozma tarzda tuzish, mustaqil ishlash jarayonida o'zining o'qish va bilish qobiliyatini rivojlantirish, xotirada eslab qolish, ma'lumotni qayta ishlash, bayon qilish, tahlil va tanqid qilish, qo'shimcha adabiyotlardan foydalanib, matnni o'zgartirish yoki to'ldirish kabi ko'nikma va malakalarini rivojlantiradi.

Darslarda o'quvchi mavzu mazmunini tushunib olishi, voqea-hodisani tasavvur qilishida matn tanlash, uni bayon qilish, tushuntirish, tasvirlash uslubi muhim ahamiyatga ega. Ya'ni, bayon qilinayotgan ma'lumotlar tushunarli bo'lish bilan birga

jozibali hamda emotsional ta'sirchan bo'lishi kerak. Yuqori sinflar darsligida o'quvchilarning bilish faolligini oshirish maqsadida analiz va sintez qilish, qiyoslash va umumlashtirish, mustaqil fikrlash, mulohaza yuritish va baho berishga undovchi materiallar, savol va topshiriqlar berilishi kerak. Darslikdagi qo'shimcha matnlar asosiy matnda berilgan bilimlarni tezroq va osonroq o'zlashtirish, mustahkamlashga xizmat qiladi, shu bilan birga, emotsional ta'sirni kuchaytiradi. Qo'shimcha matnlar xuddi asosiy matn kabi nafaqat ta'limiy, balki tarbiyaviy yo'naltirilgan bo'lishi lozim. Shuningdek, ular ta'lim oluvchilarning yoshi, psixofiziologik xususiyatlari, fanning dasturiy maqsadlari, o'quvchilarning ijodiy va o'quv-biluv qiziqishlari hamda intellektual imkoniyatlariga mos bo'lishi zarur.

Darslik matni ustida ishlashning muhim jihatlaridan biri — o'quvchilarni uyda ishlash uchun beriladigan vazifani bajarishga o'rgatishdir. O'quvchilar bu vazifani muvaffaqiyatli bajarishlari uchun topshirilgan vazifaning mazmuni va uni bajarish yo'llarini yaxshi anglab olishlari lozim. Har bir dars yakunida uyga vazifa sifatida mustaqil o'qish uchun mavzuga mos tarzda kitob tavsiya qilish zarur. Xolbuki, dars ham, darslik ham yangi bilimlarni o'quv adabiyotlaridan mustaqil izlab topish ko'nikmalarini shakllantirishga yo'naltirilgan bo'lishi kerak. 8-9-sinf o'quvchilarining psixologik xususiyatlari va yosh darajasini hisobga olgan holda ona tili mashg'ulotlarida ularning davlat tiliga oid hujjatlar bilan birinchi marta tanishishlarini e'tiborga olib, darslikka asosan ta'lim oluvchining hayoti davomida tez-tez murojaat qiladigan ish yuritish hujjatlari matni kiritiladi. Yangi avlod darsliklari yorqin, rangli, illustrasiyalarga boy va har bir bo'limi o'ziga xos fon, milliy va umuminsoniy xulq, ijtimoiy malakani ifoda etgan rasmlar bilan ta'minlangan.

O'quvchilarni darslik illustratsiyalari bilan ishlashga o'rgatishda interfaol metodlardan foydalansa ham bo'ladi. "Ona tili" fani o'qituvchisi milliy urf-odat va marosimlar haqidagi masalalarini tushuntirganda "Kichik guruhlarda ishlash" interfaol metodidan foydalansa, yaxshi samara beradi. Bunda sinf o'quvchilar soniga qarab, to'rt yoki besh guruhga ixtiyoriy tarzda bo'linadi. Har bir guruhga urf-odat va marosimlarning qaysidir turini topish va uning ahamiyatini izohlash topshiriladi. Bunda birinchi guruhga yoshlarni Vatanga, o'z xalqiga muhabbat ruhida tarbiyalashni shakllantirishga qaratilgan urf-odat va marosimlar tizimini aniqlash topshiriladi. Ikkinchi guruhga - yoshlarda fuqarolik burchi, tanlagan kasbiga mas'uliyat hissini shakllantiruvchi urf-odat va marosimlarni aytish topshirig'i beriladi. Uchinchi guruhga yoshlarning axloqiy fazilatlarini takomillashtirishga qaratilgan urf-odat va marosimlarni izohlash aytiladi. To'rtinchi guruhga kelgusida urf-odat va marosimga aylanishi mumkin bo'lgan tarbiyaviy tadbirlar tizimini bayon qilishini topshirish mumkin.

Barcha guruhlar o'z taqdimotlarini qilib bo'lgandan so'ng o'qituvchi ularning fikrlarini umumlashtiradi va to'ldiradi. O'quvchilarga taqdimot davrida o'zlariga berilgan topshiriqlarga boshqa guruh a'zolarining munosabat bildirishi, hayotiy misollar keltirishiga, tanqidiy tahlilga ruxsat beriladi. Guruhlarda o'zaro kelishmovchilik kelib chiqmasligi uchun o'qituvchi jarayonni xushyorlik va o'ta sergaklik bilan kuzatib, boshqarib boradi, guruhlarning javoblari o'qituvchi tomonidan rag'batlantirib turiladi.Ushbu innovatsion ta'lim texnologiyasini qo'llash jarayonida o'quvchilarni hayotda mavjud urf-odat va marsimlar, ularning barkamol inson tarbiyasidagi ahamiyati bilan birgalikda to'rtinchi guruhning javoblari ham qiziqtiradi.

Tajribamiz shuni ko'rsatadiki, o'quvchilar kelgusida urf-odat va marosimga aylanishi mumkin bo'lgan ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar tizimiga quyidagilarni kiritadilar:"Yosh kitobxonlar konferensiyalari", "Yosh kitobxon" ko'rik-tanlovlari, "Tarixiy joylarga ekskursiya", "Men sevgan kasb" festivallarini o'tkazishni taklif etadilar.

"Ona tili" fani darsligi bilan ishlashda qo'llaniladigan innovatsion ta'lim texnologiyalari, yangi avlod darsliklaridan samarali foydalanishning didaktik yechimlari darsliklarning afzalliklari va kamchiliklarini o'qituvchining bilishi, o'quv jarayonida uning yutuqlaridan unumli foydalanib, kamchiliklarini to'ldirishi, darsliklarni takomillashtirish bo'yicha taklif hamda tavsiyalar bera olishi, ona tili darsliklari matni mazmunini o'zlashtirishda uning har bir paragrafini tahlil qilish va ular ustida o'quvchilarning mulohazalarini uyushtirish katta ahamiyatga egadir. Dars mashg'ulotining barcha bosqichlarida darslik matniga qayta-qayta murojaat qilish uning ahamiyatini yanada oshiradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. O'zbekiston Respublikasining Kadrlar tayyorlash milliy dasturi, 5-bo'lim. //O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining axborotnomasi. 1997-yil 9-son.
2. Sobirova M. Ona tili o'qitish metodikasi. Izohli o'quv lug'at. – Toshkent: Mumtoz so'z. 2021-y. – B. 27.
3. Djurayev R.X., Ne'matov Sh.X. Darsliklarning tarixiy taraqqiyot yo'li va bugungi kunda ta'lim-tarbiya jarayonidagi o'rni. – T.: Sano-Standart, 2010. – B.25.
4. Barkamol avlod orzusi. / Tuzuvchilar: Qurbonov Sh., Saidov Sh., Axliddinov R. – T.: Sharq, 1999. – B.14.
5. Tursunov Q., Normamatova N. Darslik tuzilishiga qo'yiladigan zamonaviy metodik talablar. //Xalq ta'limi, 2015 yil, 2-son. – B. 83.
Abdulla Qahhorning asarlarida ko'pincha o'zlarining his-tuyg'ulari, istaklari va ijtimoiy umidlari bilan kurashadigan belgilar mavjud. Ularning nutqi orqali biz ularning ichki ziddiyatlari ularning til tanlovida qanday namoyon bo'lishini kuzatishimiz mumkin. Masalan, qahramonlar o'zlarining haqiqiy his-tuyg'ulariga qarshi turmaslik yoki ijtimoiy odob-axloqni saqlab qolish uchun evfemizm yoki bilvosita nutqdan foydalanishlari mumkin. Ushbu lingvistik strategiyalar ularning ichki notinchligi va ruhiyatining murakkabligiga oyna beradi.

Bundan tashqari, psixolingvistika bizga hikoya tuzilishini va noma'lum, keskinlik va noaniqlikni yaratish uchun tildan foydalanishni tahlil qilish imkonini

beradi. Abdulla Qahhorning asarlari insoniy munosabatlarni tasvirlashning nozikligi bilan mashhur bo'lib, ko'pincha o'quvchilarni ochiq xulosalar bilan qoldiradi. Belgilar tomonidan ishlatiladigan lingvistik qurilmalarni o'rganish orqali biz muallifning niyati va o'quvchiga ta'sirini chuqurroq anglashimiz mumkin.

Abdulla Qahhorning asarlarini tahlil qilishda uning qahramonlari nutqining psixolingvistik xususiyatlariga e'tibor qaratamiz. Biz turli jihatlarni ko'rib chiqamiz, jumladan, majoziy tildan foydalanish, ijtimoiy va madaniy omillarning nutq modellariga ta'siri, ma'no uzatishda sukunat va og'zaki bo'lmagan muloqotning roli.

Abdulla Qahhor qahramonlarining psixolingvistik xususiyatlarini o'rganib chiqib, biz ularning ichki fikrlari va his-tuyg'ularini, shuningdek muallif tomonidan yetkazilgan kengroq mavzular va xabarlarni yoritishga intilamiz. Ushbu tahlil yozuvchi asarlarini va ularning adabiyotga uzoq muddatli ta'sirini chuqurroq tushunishga yordam beradi.

Abdulla Qahhor asarlarida mavjud bo'lgan o'ziga xos psixolingvistik xususiyatlarni ko'rib chiqamiz. “Mayiz yemagan xotin” hikoyasidagi mulla Norqo‘zining ruhiyatidagi buzuq fikrlarni ko‘rishimiz mumkin “Ochiq xotin-qizlarning har bir harakatidan mulla Norqo‘zi buzuqlikka dalolat qiladigan talay belgi-lar topadi. «Etti qavat parda ichida» o‘tiradigan o‘z xotini esa bular qarshisida ko‘ziga farishta bo‘lib ko‘- rinadi: namoz o‘qiydi, to‘pig‘idan yuqorisini ovrat hisoblab, jiyakli ishton kiyadi...” [4].

Mulla Norqo‘zi nutqida qo‘llanilgan evfenizmlar ayoliga nisbatan ishlatilgan bo‘lsa, Mahalladagi ayollarga nisbatan esa disfemizmlarni qo‘llashi orqali yozuvchi o‘z qahramoning xulq-atvorini ochib beradi.

Yoki:

“Boshsiz odam” hikoyasidagi Faxriddin uchun otasi fikrlaydi va hayoti uchun qaror chiqaradi

“Faxriddin osilib turgan qalin pastki labini bir- ikki qimirlatib, bilagi bilan burnini artib javob berdi:

— Men bilmasam, dadam biladilar-da!

— Qo‘ying, qo‘ying... Dadangizdan so‘ramang. Uyat bo‘ ladi”. [5].

Yozuvining eng ajoyib jihatlaridan biri bu inson nutqining nuanslarini qo'lga kiritish qobiliyatidir. Uning qahramonlarining suhbati ko'pincha pauzalar, ellipslar va tugallanmagan fikrlar bilan to'ldiriladi, bu haqiqiy suhbatlarning tebranishlari va noaniqliklarini aks ettiradi. Tilning bu ishlatilishi qahramonlarning ichki fikrlari va his-tuyg'ularini aks ettiradi, ularning psixologik holatlari haqida tushuncha beradi.

Abdulla Qahhor qahramonlari turli xil ijtimoiy qatlamlardan kelib chiqqan va ularning nutqi ularning ijtimoiy mavqei, ma'lumoti va madaniy ta'sirini aks ettiradi. Yuqori sinf qahramonlari tomonidan ishlatiladigan til murakkab lug'atlar va grammatik tuzilmalardan foydalangan holda yanada nozikroq bo'ladi. Boshqa tomondan, pastki sinf belgilar ko'pincha og'zaki til, lahjalar va jargonlardan foydalanadi. Muallif qahramonlari tomonidan qilingan lingvistik tanlovni tahlil qilish orqali biz ularning ijtimoiy mavqei va hayotlarini shakllantiradigan ijtimoiy me'yorlar haqida chuqurroq tushunchaga ega bo'lishimiz mumkin.

Bundan tashqari, Abdulla Qahhor qahramonlari ko'pincha o'zlarining haqiqiy fikrlari va his-tuyg'ularini ifoda etishga harakat qilishadi. Ular ko'pincha o'zlarining his-tuyg'ularini aniq bo'lmasdan etkazish uchun evfemizm, kinoya va kinoyadan

foydalangan holda bilvosita nutqqa murojaat qilishadi. Bilvosita nutqning bunday ishlatilishi zaiflik belgilarining qo'rquvini va ularning ma'lum bir ijtimoiy odob-axloq darajasini saqlab qolish istagini aks ettiradi. Ularning nutqining psixolingvistik xususiyatlarini o'rganish orqali biz matnda aniq ko'rsatib bo'lmaydigan qahramonlarning asosiy his-tuyg'ulari va motivlarini ochib bera olamiz.

Abdulla Qahhorning asarlari o'quvchilarni ham, olimlarni ham chuqur psixologik g'oyalari va inson nutqining realistik tasviri bilan maftun etishda davom etmoqda. Muallif asarlarida qahramonlar nutqining psixolingvistik xususiyatlarini o'rganish orqali biz ularning ichki dunyosi, ijtimoiy kelib chiqishi va hayotlarini shakllantiradigan murakkab dinamikani chuqurroq anglashimiz mumkin. Til inson psixologiyasini qanday aks ettirishi va unga ta'sir qilishini o'rganish orqali biz Abdulla Qahhor yozuvining abadiy ahamiyatini va uning adabiyot sohasiga doimiy ta'sirini baholashimiz mumkin.

Abdulla Qahhor asarlaridagi psixolingvistik xususiyatlarni o'rganish orqali biz adabiyot haqidagi tushunchamizni shakllantirishda inson muloqotining murakkab va ko'p o'lchovli tabiati va tilning kuchiga chuqurroq baho berishga umid qilamiz.

Umuman olganda, Abdulla Qahhor asarlarida qahramonlar nutqining psixolingvistik xususiyatlarini o'rganish juda dolzarb va qimmatlidir. Bu nafaqat Abdulla Qahhor qahramonlari haqidagi tushunchamizni kuchaytiradi, balki til va idrok o'rtasidagi murakkab munosabatlarga oydinlik kiritib, psixolingvistikaning kengroq sohasiga hissa qo'shadi. Belgilar tili, naqshlari va uslublarini tanlashni tahlil qilib, tadqiqotchilar o'zlarining shaxsiyatlari, ruhiy holatlari va ijtimoiy kelib chiqishi haqida tasavvurga ega bo'lishlari mumkin, natijada inson psixologiyasi va hissiyotining murakkabliklarini chuqurroq baholaydilar.

**Adabiyotlar ro'yxati:**

1.Л. В. Засекина Роль категории значения слова в решении методологических и прикладных проблем современной психолингвистики // Языковое бытие человека и этноса. 2011. №18.
2.Нуруллина Гузель Миннезуфаровна, Усманова Лилия Абраровна Психолингвистический аспект изучения текста как продукта речевой деятельности // Вестник ТГГПУ. 2018. №3 (53).
3.Буняева Мария Владимировна Психология чеховских художественных произведений // Северо-Кавказский психологический вестник. 2011. №3.
5. Абдулла Қаҳҳор. Сароб. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1987. 259-б.

## ШАВКАТ РАҲМОН ШЕЪРИЯТИДА РАНГ БИЛАН БОҒЛИҚ РАМЗИЙ ТИМСОЛЛАР ИФОДАСИ

**Тажибаева Дилфуза Эркиновна**
**Наманган давлат университети, филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент**

**Аннотация:** Мақолада XX аср ўзбек шеъриятининг иқтидорли вакилларидан бири Шавкат Раҳмоннинг индивидуал поэтик услуби шоир яратган ранг билан боғлиқ поэтик тимсоллар ифодаси орқали акс эттирилган.

**Калит сўзлар:** рамзий тимсол, тасврий восита, бадиий ифода, шеър, поэтик услуб, индивидуал услуб, ўзбек шеърияти, жонлантириш

**Аннотация:** Мақалада 20 ғасырдағы өзбек поэзиясының дарынды өкілдерінің бірі Шавкат Рахманның дара поэтикалық стилі ақын жасаған түр-түске байланысты поэтикалық нышандардың өрнектелуі арқылы көрініс тапқан.

**Түйін сөздер:** символдық бейне, бейнелеу құралдары, көркем сөз, поэма, поэтикалық стиль, дара стиль, өзбек поэзиясы, жандандыру

**Abstract:** In the article, the individual poetic style of Shavkat Rahman, one of the talented representatives of Uzbek poetry of the 20th century, is reflected through the expression of poetic symbols related to color created by the poet.

**Key words:** symbolic image, pictorial means, artistic expression, poem, poetic style, individual style, Uzbek poetry, revitalizatio

Шавкат Раҳмон ижодида ранг билан боғлиқ тимсоллар фақат ранг ва шоирнинг уларга муносабатини ифодалабгина қолмайди, балки шоир ранглар воситасида янги тимсоллар яратади, ранг тимсол яратишнинг янги, ўзига хос воситаси сифатида шеърга кириб келади.

Шавкат Раҳмон қуйидаги шеърида вақтни оппоқ кўйлагини ечиб, яшил кўйлагини кийиб олаётган инсонга ўхшатади Бу ўринда шоир “вақт”поэтик тимсолини кашф этади ва жонлантириш санъатидан фойдаланади:

Ечиб оппоқ кўйлагини вақт,
Кийди яшил гулли кўйлагин
Юрак, уйғон, капалак каби
Чечакларга қўниб ўйнагин.[3;5]

Вақтнинг *оппоқ кўйлагини ечиб яшил рангли гулли кўйлагини кийиши* баҳор фаслининг кириб келишига ишора. Бу нафақат баҳор фасли, балки инсон умрининг турли дақиқалари, яхши-ёмон кунларининг ҳам мазмунини ифодалаши мумкин. Оппоқ вақтда сокинлик ифодаланган бўлса, яшил вақтда жонланиш, уйғониш белгилари сезилиб туради.

Инсон руҳияти – англаб бўлмас синоат. Фақат сезгилар ёрдамидагина кўнгил билан, юрак билан тиллашиш мумкин. Табиат билан тиллашиш, унга дўст тутиниш учун унинг бағрида бўлиш, инсонлар орасидан маълум муддатга узилиш даркор.

Шавкат Раҳмоннинг табиат мавзусидаги шеърларини ўқиганингизда шеърдаги жўшқинлик, тасвирий воситалардаги гўзал бадиий ифода, туйғулардаги беғуборлик сизни ўз оламига тортади. Тасвир шу қадар самимийки, шоирнинг танҳоликда, табиат қўйнида китоб ўқиб ўтириши, “шоҳи либос кийган настарин”нинг унинг ёнидан ўтиши, *сочи қумри, дудоғи лола, юзлари оқ, ёноқлари ол* каби настарин гулига берилган бекиёс таъриф, шамолни шўх болакайга ўхшатилиши кабиларда шоирнинг ўзига хослиги кўринади. Шоир бу ўринларда оқ, қизил ранглар уйғунлигидан фойдаланади. Маълумки, настарин гули оқ, қизил тусда гуллайди. Шоирнинг ўхшатишлари жуда ишонарли. “Сочи – қумри”, қумри кушнинг патлари оқ тусда, “дудоғи лола” – лоланинг ранги қизил, “юзлари оқ” ва “ёноқлари ол”. Шеърда ўхшатиш ва муболаға каби тасвирий воситалар шу қадар маҳорат билан қўлланганки, бу шеърнинг жозибасини янада оширади.

Кун ботаётган паллада осмоннинг қизғиш-сариқ нурларга бурканиши кўпчиликка маълум. Лекин Шавкат Раҳмоннинг ушбу шеъридаги “оқшомнинг сафсарлашиши” каби гўзал ифода китобхонни эътиборсиз қолдирмайди:

Сафсарлашар оқшомги осмон,
Кун чекинар қорли тоғларга,
сукунатнинг мунис қушлари
учиб келар кузги боғларга.[3;30]

Сафсар ранг бадиий адабиётда жуда кам қўлланилган ҳодиса. Сафсарлашиш оқ ва кўк ранглар уйғунлиги – бинафша рангнинг пайдо бўлиши. Сафсар ранг – беғуборлик ва мангуликнинг рамзий ифодаси. Сафсар ранги узоқлашиб, энди қора ранг тасвири пайдо бўлади.

Дунёнинг турли халқларида “Қора ранг – мотам, чексизлик, қўрқув, ўлим, мавҳумлик рамзи бўлса, қизил ранг – ғалаба, хурсандчилик, шодлик, тириклик, олов ва қон тимсоли” [5;19] сифатида ифодаланиши эътироф этилади. Шавкат Раҳмон эса қуйидаги шеърда қора рангнинг ўзгача белгисини чизади. “Қора ридо” кийиб олган тун кун бўйи “суронлардан ҳорган шаҳарни” худди меҳрибон онадек “силаб-сийпаб” ухлатиб қўйиши кабилар ифодасида шоир ана шу қораликдан ҳам гўзаллик излаганлигини англаб етиш қийин эмас:

Келар қора ридо кийган тун,
сукунатнинг қушларин суяр,
суронлардан ҳорган шаҳарни
силаб-сийпаб ухлатиб қўяр.[3;30]

Шоир ижодининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида адабиётшунос олим И. Тўлаков шундай дейди: “Ш. Раҳмон дастлабки шеърларидаёқ сўз айтиш масъулиятини ҳис қилиш билан бирга қандоқ айтиш санъатини ҳам эгаллаш зарурлигини тушунди.” Шавкат Раҳмон шеъриятида баҳор фаслининг гўзал тасвири битилган мисралар кўплаб учрайди. Қуйидаги шеърда қиш тугаб баҳорнинг ташрифи, она заминдаги турли ўсимликларнинг гуллаши, бир кечадаёқ ўрикнинг оппоқ гулларга бурканиши каби тасвирлар ифодасини худди мусаввирдек чизиб беради:

Эриб битди поёнсиз қорлар,
Яна қўҳна замин туллади.
Водийдаги улкан ўриклар
Бир кечада оппоқ гуллади.[3;31]

Шавкат Раҳмон шеъриятида оқ рангнинг турли кўринишлари учрайди. Эрта баҳорда ўрикларнинг оппоқ гулларга бурканиши шоир ҳайратини оширади. Бу оқликни шоир ”оқ булутлар”га ҳам ўхшатади. Ўрик гулларининг оқлигидан бутун водий оқ машъалалар экиб қўйилганидек кўринади. Шоир тасаввуридаги оқ ранг – беғуборлик, ҳайрат, эртанги кунга ишонч ғоялари билан суғорилган:

Оқ булутлар ерга қўндими,
мўъжизалар бўлдими содир?
Оҳ, нақадар ажойиб тунда
Оқ машъала экилган водий.[3;31]

Шоир ижодида Ўш тоғларининг гўзал манзаралари алоҳида ўрин тутади. Унинг “Ўшкент лаҳзаси” номли шеърида ҳам виқорли, қорли чўққилар ҳақида гап кетади. Шоир бу ўринда оқ ва мовий ранг тасвирларини чизади:

Оқ чўққилар,
шавақи сойлар
яхшиликка кўмилган моҳтоб.
Мовий осмон ёйилмасида
сузар улкан олмадай офтоб.[4;14]

"Оқ чўққилар" билан ёнма-ён маънони кучайтириш мақсадида "моҳтоб", яъни оппоқ, ойдин кеча сувратини чизади. Осмон тасвирида эса мовий ранг ифодасини қўллайди. Мовий ранг билан офтоб рангининг уйғунлигидан гўзал манзара кўз олдингизда жонланади.

Шавкат Раҳмон "Қасида" деб номланган шеърида "тун" тимсолини чизади. Тун деганда кўпчиликнинг назаридан қоп-қора зулмат ўтади. Аммо шоир тунни ҳам гўзал қиёфада акс эттиради. Унинг ҳусни таърифи шунчалик ишонарлилигидан "ҳуснингга оламни қаратдим," – дея таъриф беради. Тун тасвирида қора ва қизил ранг ифодасини қўллайди. Шоир туннинг ҳам қалби мавжудлигига ишора қилиб ўтади: *Қадамим қоп-қора кўксингга чўғ каби қип-қизил ғунчалар*.

Тун дедим, ярашди бу исм,
мен сени бир сўздан яратдим.
Кийдирдим яркироқ кўйлакни,
ҳуснингга оламни қаратдим.
Қадамим қоп-қора кўксингга
чўғ каби қип-қизил ғунчалар.
Агар мен бўлмасам, эшит, тун,
чиройли бўлмасдинг бунчалар.[3;24]

Шавкат Раҳмон идрок этган поэтик тимсоллар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Баъзан бир шеърда поэтик тимсол ифодасида шоир яратган кашфиёт ўйлантириб қўяди. Шеърнинг турли хил маъноларини кашф қила бошлайсиз. Ушбу шеърга эътиборни қаратайлик:

Ечди мовий кўйлагини қиз,
нафаси-ла маст қилди ёзни,
қора сочин ёйди соҳилга,
кийди қумни-сариқ либосни.[3;18]

"Мовий кўйлагини" ечган, соҳилда "қора сочин"ёйиб турган ким ўзи? – деган савол, албатта, ҳар қандай китобхонни ўйлантиради. Табиатни ўз гўзаллиги билан ҳайратга солган, бир нафаси билан ёз фаслини ҳам маст қила олган бу фаришта ким эди? Шоир биринчи тўртликнинг ўзида мовий, қора, сариқ ранглар орқали тасвир чизади. Мовий ранг – осмон ранг, чексизлик, абадийлик рамзи. Чунки дунё яралибдики осмон, унинг чексиз сарҳадлари абадийликка муҳрланган. Қизнинг мовий кўйлагининг мавжудлиги чексизликни ифодаламоқда. Қора ранг – қора соч белгиси сифатида келади. Бу ўринда қора ранг зулмат эмас, балки гўзаллик тимсолидир. Сариқ ранг сариқ қумга нисбатан қўлланилмоқда. Қизнинг сариқ қум устида ётиши худди сариқ либосни кийиб олгандек кўринади. Кейинги тўртликда эса Қуёш ҳам қизнинг гўзаллигига мафтун бўлиб, термулиши, қони кўпириши, шоир тасаввурида қизнинг юзидан ўпиши, дунёни унутиши каби чизгиларда ижодкор жонлантириш санъатини қўллайди ва ишонарли поэтик тимсолларни яратади.

Узоқ қарар йўловчи – қуёш
майдай қайнаб, кўпирар қони,
лабин босар қизил ғунчага
ва унутиб кўяр дунёни.[3;18]

Шоир сўнгги тўртликда шамолнинг ҳам ўзига хос поэтик қиёфасини яратади. Уни “писмиқ шамол” деб атайди. Шамол нафасидан ҳилпираётган кўйлакни эса худди кийиб олиб рақсга тушаётган болага ўхшатади:

Етиб келди писмиқ шамол ҳам,
тўсатдан бир фитна ўйлади:
рақсга туша бошлади бирдан
кийиб қизнинг мовий кўйлагин.[3;18]

Шоирнинг “Юрак қирралари” деб номланган тўпламида шеърнинг мазмуни ва матни ҳам юқоридагидек ифодаланган. Аммо 1997 йилда нашр этилган “Сайланма” шеърий тўпламида нимагадир матнга ўзгартиришлар киритилади ва “Денгиз” сарлавҳаси билан берилади. Демак, шоир қиз қиёфасидаги бу гўзал малак – денгизнинг мажозий тимсолини чизади. Турли рамз ва мажозлар уйғунлигида яратилган бу метафорик топилма китобхонни мушоҳадага чорлайди, ўйлантиради, руҳингизни шеър ичига олиб киради.

Анъанавий услубда оқ ранг – поклик, беғуборлик; яшил ранг – янгиланиш, жонланиш; мовий ранг – мусаффолик, чексизлик; қора ранг – қоронғилик, зулмат; сариқ ранг – тушкунлик, унутиш маъноларини ифодалаб келади. Шавкат Раҳмон ижодида сафсар ранг – беғуборлик ва мангулик, қора ранг – меҳрибонлик ва гўзаллик, сариқ ранг – гўзаллик маъноларини ифодалаб келади ва янги-янги тимсоллар яратади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Султонов И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 272 б.
2. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004. –127 б.
3. Шавкат Раҳмон. Юрак қирралари. – Тошкент: Ғ.Ғулом нашриёти, 1981. – Б.5.
4. Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.14.
5. Ўтанова С. Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси. – Тошкент: Tafakkur, 2011. – Б.19.

# ЎЗБЕК ТИЛИГА АРАБЧА ЛУҒАВИЙ ЎЗЛАШМАЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ

**Ҳасанова Дилфуза Одиловна**
**Қўқон давлат педогогика институти доктори (DSc)**
**Валиева Гулшода, Шомуродова Зилола,**
**Мактабгача таълим талабалари**

**Annotatsiya:** Тил лексикаси ва сўз ясалиши ўзаро зич боғлиқ бўлган сатҳлардир. Чунки тилдаги мавжуд лексемалар янги сўз ясаш учун манба (асос)

бўлиб хизмат қилса, ўз навбатида, янги ҳосил қилинган сўзлар тил луғавий тизимини янги лексемалар ҳисобига бойитади
**Kalit so'zlar:** сўз ясаш, тил лексикаси, лексемалар, адабий тил, монографик тадқиқот.
**Аннотация:** лексика и словообразование языка – это тесно связанные уровни. Поскольку существующие в языке лексемы служат источником (основой) для образования нового слова, то, в свою очередь, вновь образованные слова обогащают языковую систему за счет новых лексем
**Ключевые слова:** словообразование, лексика языка, лексемы, литературный язык, монографическое исследование.
**Abstract:** vocabulary and word formation of a language are closely related levels. Since the lexemes existing in the language serve as a source (basis) for the formation of a new word, then, in turn, newly formed words enrich the language system at the expense of new lexemes
**Keywords:** word formation, vocabulary of the language, lexemes, literary language, monographic research.

Ўзбек тилшунослиги ўзбек миллий тилининг лисоний табиати, бойиш ва ривожланиш хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича улкан ютуқларга эришди. Ўзбек тилининг деярли барча сатҳлари маълум даражада тадқиқ қилинган. Бу тилнинг икки муҳим сатҳи: луғавий бойлиги ва сўз ясалиши соҳасида олиб борилган тадқиқотларда ҳам ўз ифодасини топган.

Тил лексикаси ва сўз ясалиши ўзаро зич боғлиқ бўлган сатҳлардир. Чунки тилдаги мавжуд лексемалар янги сўз ясаш учун манба (асос) бўлиб хизмат қилса, ўз навбатида, янги ҳосил қилинган сўзлар тил луғавий тизимини янги лексемалар ҳисобига бойитади. Шу сабабли сўз ясалиши, номинация масалалари ҳақида гап борганда, албатта, тилнинг луғавий имкониятлари ҳам кўзда тутилади.

Маълумки, ўзбек тили лексикаси ўтмиш даврларда ҳам тадқиқ қилинган, аммо уларнинг аксарияти лексикографик характерда[134], яъни бир тилли изоҳли луғатлар, икки тилли луғатларни тузиш характерида эди. Ўзбек тили лексикасини мана шу йўналишда тадқиқ қилишда Маҳмуд Кошғарий[135], буюк адиб Алишер Навоий[136], шунингдек, Яъқуб Чингизнинг[137] хизматлари таҳсинга лойиқдир. Булар қаторига муаллифи номаълум бўлган "Аттуҳфатуз закияту филлуғати туркия"ни ҳам қўшиш мумкин[138]. Булардан ташқари, бир қатор луғатлар ҳам тузилган. Булар юзасидан А.К.Боровков[139], Э.Умаровлар[140] тадқиқотлар олиб борган ёки айрим манбалар бўйича луғатлар тузган[141]. Ушбу луғатлар ўзбек тили тарихий лексикасининг муҳим ва ишончли манбаларидир. Шунга қарамасдан, ўзбек адабий тили лексикасини илмий асосларда ўрганиш, асосан, XX асрнинг 20-30-йилларидан бошланди. Бу йиллар янги ўзбек адабий

[134] Умаров Э., Ҳамидов Т. Луғатшунослик тарихи ва қўлёзма луғатлар (XV-XVII аср қўлёзма луғатлари таснифи). – Тошкент: Адолат, 2004. – Б. 34.
[135] Кошғарий Маҳмуд. Девону луғатит турк. I, II, III жилдлар. – Тошкент: ЎзФА, 1960-1963.
[136] Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. – Тошкент: Фан, 2000. – 336 б.
[137] Мухаммад Якуб Чинги. Келур-наме. – Тошкент: Фан, 1982. – Б. 3-77; Ибрагимов А. Исследование "Келурнаме" Мухаммада Якуба Чинги: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1976. – 32 с.
[138] Аттуҳфатуз закияту филлуғати туркия. – Тошкент: Фан, 1968. – 278 б.
[139] Боровков А.К. "Бадаи ал-лугат. Словарь Тали Имани Гератского к сочинениям Алишера Навои. – М., 1961. – 263 с.
[140] Умаров Э. "Бадаи-ал-луғат", "Санглах" как лексикографические памятники и источники изучения староузбекского языка XV-XVII вв.: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1989. – 46 с.; Ўша муаллиф. Эски ўзбек луғатлари. – Тошкент: 1992. – 35 б.
[141] Боровков А.К. Лексика Среднеазиатского тефсира XII-XIII вв. – М.: ИВЛ, 1963. – 367 с.

тилининг шакллана бошлаган даври бўлиб, янги тилнинг кўпгина ноаниқ томонларини илмий тадқиқ қилиш ва аниқлаш талаб қилинар эди. Буларнинг энг муҳимлари янги адабий тилнинг эски ўзбек тилига муносабатини белгилаш, адабий тилнинг диалектал базасини – таяч лаҳжасини белгилаш, адабий тил илмий терминологиясининг луғавий манбаларини аниқлаш, терминологияни шунга мос равишда муайян меъёрларга келтириш, ўзбек тили алифбоси ва имлосининг асосий томонларини тадқиқ қилиш, эски ўзбек тили, айниқса, ўзбек мумтоз адабиётида анъана бўлиб келган ўзлашма сўзларга муносабат билдириш каби масалалар эди.

Ўзбек тили лексикасини тадқиқ қилишга бағишланган махсус монографик тадқиқот сифатида Ф.Абдуллаевнинг ўзбек тилидаги арабизмларга бағишланган номзодлик диссертациясини кўрсатиш мумкин[142]. Ушбу диссертация ўзбек тилидаги ўзлашма қатлам лексикани арабча ўзлашмалар материаллари асосида тадқиқ қилишга бағишланган дастлабки тадқиқотдир. Тадқиқотда араб тилининг ўзбек тилига таъсирининг ижтимоий-тарихий сабаблари, арабча ўзлашмалар лексик-семантик гуруҳлари, уларнинг ўзбек тилига кириб келиш йўллари ҳамда ўзлашма лексемаларнинг ўзбек тилига семантик, фонетик, морфологик жиҳатдан сингиши хусусиятлари ва б. кенг таҳлил қилинган. Диссертациянинг асосий мазмуни Ф.Абдуллаев томонидан эълон қилинган мақолада ўз ифодасини топган[143].

1951 йилда икки номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди. И.Расулов "Ўзбек адабий тили лексикасининг Улуғ Ватан уруши даври ривожи"[144], М.Мирзаев "Ўзбек матбуотида русча-интернациональ сўзлар (1945-1950)" мавзуида тадқиқот олиб боришди. Ҳар иккала ишда рус тилининг таъсирини тавсифлаш руҳи кучлидир. Бу ишларда ўрганилаётган манбада луғавий қатламлар қўлланиш нисбати қиёсан ҳисоб-китоб қилинган ва русча-интернационал сўзлар асосида янги сўзлар ҳосил қилиниши орқали ўзбек тилининг бойиши масалалари таҳлил қилинган. Мана шу руҳдаги ишлар кейинчалик Г.Муҳаммаджонова[145], Н.Ғуломовалар[146] томонидан ҳам олиб борилди. Ҳар иккала муаллиф ўз кузатишлари асосида 1950-1960 йилларда ўзбек тилида арабча ва форсча сўзларнинг қўлланиши фаоллашгани, русча-байналмилал сўзларнинг функционал фаоллиги камаяётгани ҳақида хулосага келишган. Бу ҳол ўша даврда шўролар олиб бораётган тил сиёсатини қониқтирмас эди. Чунки бу пайтда "тилларнинг ўзаро яқинлашуви ва миллий тилларнинг умумий лексик фонди юзага келиши" ҳақидаги ғоя[147] олдинга сурилар эди.

---

[142] Абдуллаев Ф. Арабизмы в узбекском языке: Дисс. … канд. филол. наук. – Л., 1946.
[143] Абдуллаев Ф. Ўзбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларига доир // Тил ва адабиёт институти асарлари. Биринчи китоб. – Тошкент: ЎзФА, 1949. – Б. 87-102.
[144] Расулов И. Развитие лексики узбекского литературного языка в период Великой Отечественной войны: Автореф. дисс. … канд. филол. наук. – Ташкент, 1951; Ўша муаллиф. Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек тили лексикаси. – Тошкент: Фан, 1977. – 109 б.
[145] Мухамеджанова Г. Некоторые вопросы развития узбекской лексики: Автореф. дисс. … канд. филол. наук. – Ташкент, 1972; Муҳаммаджонова Г. Ўзбек тили лексикаси тараққиётининг баъзи масалалари. – Тошкент: Фан, 1982. – 88 б.
[146] Гулямова Н. Русские лексические заимствования в узбекском языке.: Автореф. дисс. … канд. филол. наук. – Ташкент, 1975.
[147] Гулямова Н. К вопросу о сближении языков // Звезда Востока – Ташкент, 1971. - № 5. – С. 191-193.

Мана шу даврда Ф.Абдуллаев ва Г.Муҳаммаджонова ўзбек тилидаги ўзлашган сўзларнинг ўрни, янги сўзлар ясашдаги аҳамияти, ўзлашмаларнинг ўзбек тилидаги янги маънолари юзасидан баъзи мақолаларни эълон қилишди[148].

Ўзбек тили лексикаси ривожини тадқиқ қилишда Ф.Камолов баракали ишларни амалга оширди. Унинг ўзбек тили лексикаси ривожининг баъзи хусусиятлари ҳақидаги мақоласи[149], ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожи ва унинг ҳозирги тилга муносабатига оид рисоласи[150], "Ўзбек тили лексикаси" номли рисоласи[151] ўзбек адабий тили лексикасини илмий-меъёрий томондан тадқиқ қилишга қўшилган муҳим ҳиссадир.

Ушбу ишлардаги илмий фикрлар ва таҳлиллар кейинчалик "Ҳозирги ўзбек тили"[152], "Ҳозирги ўзбек адабий тили"[153] номли асарларга киритилди. Фахри Камолнинг ушбу ишларида ўзлашма лексиканинг ўзбек тилида янги лексемалар ҳосил қилишдаги аҳамияти алоҳида таъкидланади[154].

1970-1980-йилларда таниқли тилшунос Олим Усмоновнинг ўзбек тили лексикаси, ундаги арабча ва форс-тожикча сўзларнинг ўрни, арабча ва форсча қўшимчаларнинг ўзбек тилида янги сўзлар ясашдаги ўрни, аҳамияти ҳақида ёзилган бир қатор мақолалари эълон қилинди[155]. Бу ишларда арабча **-ий, -вий** қўшимчаларининг аҳамиятига алоҳида урғу берилган бўлиб, олим луғатларда "эскирган сўзлар" белгиси қўйилиб[156], тил луғавий меъёрларидан ҳайдаб чиқарилган сўзларни тиклаш ва истеъмолга киритиш тарафдори бўлган. О.Усмоновнинг ушбу қарашлари 1976 йили нашр қилинган "Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати"[157]да маълум даражада ўз ифодасини топди.

1985 йилда Э.Бегматовнинг "Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари" китоби нашр этилди[158]. Ушбу асарда ўзбек тилида сўз ўзлаштириш хусусиятлари, унинг асосий лисоний ва нолисоний сабаблари, "лексик қатлам", "ўз қатлам", "ўзлашма қатлам" тушунчалари, ушбу қатламларнинг ўзбек адабий тилидаги хусусиятлари, ўзлашма қатлам лексиканинг иккиламчи номинациядаги роли, ўзбек тили сўз ясалишига муносабати, арабча, форс-тожикча ўзлашма сўзлар асосида ўзбекча сўзларнинг ясалиш хусусиятлари, ушбу лексемалардан сўз ясашда қатнашувчи фаол ва нофаол қўшимчалар, унинг таркиби ва бошқалар бой мисоллар асосида тадқиқ қилинган[159]. Ушбу масалалар биз тадқиқ қилаётган

---

[148] Абдуллаев Ф.А., Муҳаммаджонова Г. Ўзбек адабий тили лексикасининг ривожланиш масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1972. – 6-сон. – Б. 61-67; Абдуллаев Ф.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили ва унинг ривожланиш йўллари ҳақида //Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1965. – 3-сон. – Б. 46-52; Муҳаммаджонова Г. Ўзбек тили лексикаси таркибидаги ўзгаришларга доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1968. – 2-сон. – Б. 73-74; Ўша муаллиф. Семантик ўзгаришларга доир // Совет мактаби. – Тошкент, 1968. – 10-сон. – Б. 44-46.

[149] Камолов Ф. История становления и развития языков Средней Азии и Казахстана. – Ташкент: АН УзССР, 1952. – С. 51-52.

[150] Фахри Камол. Ҳозирги замон ўзбек тили. – Тошкент: ЎзФА, 1953. – 78 б.

[151] Фахри Камол. Ўзбек тили лексикаси. – Тошкент: ЎзФА, 1963. – 44 б.

[152] Ҳозирги замон ўзбек тили. – Тошкент: ЎзФА, 1957. – Б. 89-105.

[153] Ҳозирги ўзбек адабий тили. I. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 159-178.

[154] Фахри Камол. Ўзбек тили лексикаси. – Ташкент: Фан, 1953. – Б. 5-16.

[155] Усмонов О. Нутқ маданиятининг баъзи масалалари // Нутқ маданиятига оид масалалар. – Тошкент: Фан, 1973. – 4-сон. – Б. 77-85; Ўша муаллиф. Тил маданиятининг муҳим масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1970. – 3-сон; Ўша муаллиф. Бешта сўз // Ўқитувчилар газетаси. – Тошкент, 1969. – 25 май; Ўша муаллиф. -*кор* аффикси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1975. – 1-сон. – Б. 38-45; Ўша муаллиф. – *дор* аффикси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1976. – 1-сон. – Б. 51-56; Ўша муаллиф. Русча *не*- префиксли сўз-терминларни ўзбек тилида ифодалашда *но*- префиксининг роли // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1979. – 2-сон. – Б. 18-21; Ўша муаллиф. Ўзбек тили лексикаси тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1983. – 4-сон. – Б. 24-28.

[156] Қаранг: Ўзбекча-русча луғат. Узбекско-русский словарь. – Т.: Ўқитувчи, 1989.–288 б.

[157] Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати. – Тошкент: Фан, 1976. – 349 б.

[158] Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 56-102; 103-115.

[159] Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 128-129; 191-196.

мавзуга бевосита тааллуқли бўлгани учун, уларга диссертациянинг кейинги саҳифаларида кенг тўхталамиз.

Ўзбек адабий лексикасини тадқиқ қилиш ишида кейинги йилларда проф. Ш.Раҳматуллаев улкан ҳисса қўшмоқда. Бу унинг ўзбек тили этимологик луғатларини тузиш[160] ва лексикасини тадқиқ қилишга оид ишларида ўз ифодасини топмоқда.

О.Жуманиёзов ўзбек тилидаги герман тиллари ўзлашмалари ҳақидаги тадқиқотида чет тилдан бирор тилга сўз ўзлашар экан, у қабул қилувчи тилнинг лисоний қонуниятларига мослашиши ҳақида гапиради ва бунинг 7 та шартни келтиради. Бунда бешинчи шарт қилиб “Чет сўз уни қабул қилувчи тил сўз ясаш системасида актив иштирок этиши” лозимлигини айтади[161].

Ўзбек тилининг санскрит, сўғд, хитой, араб, форс-тожик, рус тили билан алоқалари К.Раҳмонбердиев томонидан қисқача таҳлил қилинган ҳамда арабизмлар, яъни араб тилидан ўзлашган сўзларнинг мавзуий гуруҳлари ҳақида фикр юритилган[162]. Масаланинг мана шу жиҳатини унутмаслик керак”[163]. Бу ерда “араб бўлмаган халқлар томонидан яратилган сўзлар”ни арабизм деб аташга қўшилиб бўлмайди. Чунки янги ясалган сўз қайси халқ тилида ясалса (ўзак қайси тилга мансублигидан қатъи назар), ўша халқ тилининг маҳсули ва меросидир. Масалан, К.Раҳмонбердиев арабизм деб келтирган *тавозуғ, димоғдорлик* сўзлари ўзбек тилининг маҳсули ва ўзбекча сўзлар гуруҳига мансубдир[164]. Чунки бундай усулда ҳосил қилинган сўзлар *ўзбекча сўзлар*дир: “Ўзбекча сўзлар ўзбек тилининг ўз сўзи, ўз маҳсулидир”[165]. Ўзбекча сўз икки манба асосида ҳосил қилинади: анъанавий туб туркий сўзлар базасида ва ўзлашма луғавий қатламлар базасида[166].

## МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ШАКЛИЙ-УСЛУБИЙ ИЗЛАНИШЛАР

**Орипова Гулноза Муродиловна,**
**филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),**
**Ўзбекистон, Фарғона давлат университети**
**Тел: +99 890 300-68-02 e-mail**: gulnoza_oripova81@mail.ru

**Anotation.** In the article, formal and stylistic researches in Uzbek poetry of the period of independence are studied on the example of Fakhriyor's work. It is based on the fact that various graphic symbols and forms in the poet's poems serve as a means of expression, as an explanation of certain words and phrases, and as a unique synonymous expression.

**Key words**: modernist principle, formal and stylistic updates, sonnet, rondel, artistic and aesthetic features

[160] Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). – Тошкент: Университет, 2000. - 599 б.; Ўша муаллиф. Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами. – Тошкент: Университет, 2001. – 283 б.; Ўша муаллиф. Ўзбек тилининг этимологик луғати (араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар). – Тошкент: Университет, 2003. – 549 б.; Ўша муаллиф. Ўзбек тилининг этимологик луғати. III (форс-тожикча бирликлар ва улар билан ҳосилалар). – Тошкент: Университет, 2009.
[161] Жуманиёзов О. Ўзбек тилидаги герман тиллари ўзлашмалари. – Т.: Фан, 1987.– Б. 19.
[162] Қаранг: Раҳмонбердиев К. Ўзбек тили контактлари. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 18-20.
[163] Раҳмонбердиев К. Ўзбек тили контактлари. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 17.
[164] Раҳмонбердиев К. Ўзбек тили контактлари. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 18.
[165] Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент Фан, 1985. – Б. 128.
[166] Келтирилган китоб. – Б. 129.

**Аннотация**. Мақалада тәуелсіздік дәуіріндегі өзбек поэзиясындағы формальдық-стильдік зерттеулер Фахриёр шығармашылығы мысалында зерделенген. Ақын өлеңдеріндегі түрлі графикалық таңбалар мен формалардың сөз саптауы, белгілі бір сөздер мен сөз тіркестерін түсіндіру, қайталанбас синонимдік өрнек қызметін атқаруын негізге алған.

**Түйін сөздер**: модернистік принцип, формалды және стильдік жаңартулар, сонет, рондел, көркемдік-эстетикалық ерекшеліктер

Ўзбек шеъриятида модернистик тамойилларнинг юзага келиши ижтимоий-сиёсий силсилалар, «ўтиш даври» уйғотган кайфиятни ифодалаш эҳтиёжининг юзага келиши билан боғлиқ. XX аср бошларида ўзбек шеъриятида зинапоя шаклидаги мисралар, бир сўзни алоҳида мисрада бериш, турли усулларда эвфоник воситаларни сатрларга жойлаш, бош ҳарфлар билан ёзиш каби график усуллар юзага келган бўлса, мустақиллик даври шеъриятида бир-икки сўздан иборат бутун бошли шеърлар, бир мисрадан ташкил топган назмлар, барча сўзлари кичик ҳарфларда ёзилган, биронта ҳам тиниш белгиси қўйилмаган, ҳар бир қатори биттадан сўздан иборат тизмалар юзага келди. Ана шундай янги шеърий шакл ва мазмун топиш борасидаги изланишларни Фахриёр ижоди мисолида кўриш мумкин. Кубизм йўналишини бир қадар ёдга солувчи Фахриёрнинг «Геометрик баҳор» шеъридаги турли график белги ва шакллар ифода воситаси вазифасини бажариш билан бирга, муайян сўз ва ибораларнинг изоҳи, ўзига хос синонимик ифодаси бўлиб хизмат қилади. Шоир ушбу шеърни иккинчи ном – шакл симфонияси деб ҳам атайди.

Баҳор кетишини ҳеч ким айтмайди,
Уни тоғ ортига бошлаб жўнаган
➡(кўрсаткич чизиғи) қайтмайди ортга
Уни йўл ҳаракати қоидасининг
↩(ортга қайтиш) белгиси билан
Алмаштириб бўлмайди.
Йўқ белгининг конвертацияси

сатрларида шоир умр баҳорини ортга қайтариб бўлмаслиги, у ҳеч қандай бошқарувларга бўйсунмаслиги, баҳор сингари тез ўтувчи умрнинг ортга қайтмаслиги ҳақидаги фикрни график шакллар орқали уйғун ифодалайди. Шоирнинг ушбу шеърни шакл симфонияси деб аташида ҳам катта маъно бор.

Ёки ушбу шеърдаги
♥ (юрак) ▲ (эҳром) сингари
Суйри ва силлиқ
Бахтга тирмашади, сирпаниб тушар пастга,
Бахтга чиқа олмайди юрак.
Қоқ баҳорда музлаб қолган бахт,-

тарзидаги дастлабки тўрт сатрда юракка хос суйри ва силлиқлик, унга чиқмоқ йўлининг машаққатли эканини ифодаласа, бешинчи сатрдаги ифода эса турли ассоциатив мушоҳадаларни юзага келтиради. Шоир таққослардан самарали фойдаланиб, фикр таъсирчанлигига эришади. Профессор Б.Саримсоқов таъкидлаганидек: «Поэтик образ ҳис ва ақл билан бир хилда тўйинтирилсагина унга истаганча фалсафий босим, лирик кечинма юкини ортиш

мумкин»[Саримсоқов Б. 2004, 62 ]. Фахриёрнинг «Тахт – не-не фиръавнлар дахмаси» сатрларидаги бахт образи ана шундай фалсафий босим билан тўйинтирилган.

Фахриёр Харуки Мураками, Милорад Павич каби жаҳон адабиёти намояндалари ижодидан таъсирлангани ҳолда қатор сонетлар яратди. Масалан, Хоруки Муракамининг «Сен бирор марта кўз ёш соясини кўрганмисан?...У оддий сояга ўхшамайди…У юракларимизга мутлақо бошқа, узоқ дунёлардан келади…» деган сўзларини эпиграф сифатида келтиради. Ушбу шеър

Нурсиз соя – кўз ёш сояси,
Армон янглиғ у ҳам ўчмайди,
Сояларни тунга ёясан.
Соя юлдуз бўлиб живирлар,
Лекин юлдуз каби ўчмайди.
Олис муҳаббатдан шивирлар

тарздаги сатрлар билан якунланган. Шеър бандларида мумтоз шеъриятдаги ружуъ санъатини бир қадар ёдга солувчи тасвирий воситадан фойдаланиб, қиёфа ва манзара яратилган. Олис армонли муҳаббат оловида қоврилаётган, тун оғушида кўз ёшларга ғарқ маҳбуба қиёфаси тасвирланган. Ёки Милорад Павичнинг «… у ўзга тушлар ибодатхонасида юкинар эди…» деган фикрларини келтириш билан бошланган шеъридаги

Тушларингни бир кун қаландар
юзкўрарга жойнамоз қилиб,
кўнгли йиртиқ, ишқи таланган
мен шўрликка қаю бир иқлим –
тарафлардан келтирган эди:
бўй етмаган тушлар, севарим.
Кўнглим менинг йиртилган эди,
тушингли бўлдимми эвази?

каби сатрлар орқали Фахриёр фикрнинг таъсирчан ифодасини таъминлаш учун сўз такрорлари воситасида юзага келган маъно товланишларидан усталик билан фойдаланган. Маълумки, оксюморон – таркибида қарама-қарши маъноли тушунчалар ифодаланган сатрлар бўлиб, шоир шу усул орқали янги кутилмаган маънони келтириб чиқаришга эришган. Шеърнинг

Ойлоқ кеча, муҳаббат кечар,
мендан кечар, ундан кечмасман.
Ой нурлардан кийимлик бичар –
о, бу ҳижрон, токай ечмасман?
Овлоқ кеча, юлдуз живири,
хаёлингни кетади олиб.
Қолмоқ – мушкул, кетмоқлик – ирим

сатрларидаги пайт ва феълни ифодаловчи «кеч» ўзагининг маъно товланишлари сатрларнинг маъно контекстида, эвфоникасида муҳим ўрин тутиб, турли ассоциатив мушоҳадаларни юзага келтирган. Ёки қуйидаги мисраларда такрор шеърий санъати асосида тасвирланган кечадаги беғуборлик, поклик ифодаси сифатида бўлган оқ ранг воситасидаги сифатлашларнинг ўрни муҳимдир.

Ушбу кечам, ялдо кечам қорлидир,

Оппоқ кечам, ойдин кечам зорлидир

сатрларидаги параллелизм таъкид мувозанатини яратиш билан бирга, оксюморонни ҳам юзага келтирган. Ялдо кечаси қорли, оппоқ, ойдин, зорли бўлган лирик «мен»нинг қарама-қарши, изтиробли кечинмаларидаги зиддиятли туйғулари тасвирида, айниқса, муҳим ўрин тутган.

Фахриёр шеърларида тарду акс санъати воситасидаги тасвирнинг алоҳида ўрни бор. Масалан,

Дил оғриб соғинар, соғиниб оғрир,
армон шаклланиб келар умиддан

сатрларида соғинч билан оғриқ, армон билан умид ёнма-ён, уйқаш экани ҳақидаги фикр ифодасида *тарду акс* санъатидан моҳирлик билан фойдаланган. Шоирнинг Эдгар Аллан По, Кристофер Меррилл, Атанас Ганчев де Трейси каби Америка ва Франция адабиёти намояндалари асарларидан таржима қилиши ҳамда бу жараёндаги ижодий таъсир турли сўз ўйинлари воситасидаги фалсафий маънони уйғунлаштирган шеърларининг яратилишига таъсир кўрсатган. Айниқса, шеърни шаклий жиҳатдан ранг-баранг қилиш учун сўзларни сатрларга жойлаштиришдаги турфаликлардан фойдаланиш, ўз навбатида, маънолардаги серқатлам ифоданинг яратилишига ҳам хизмат қилган.

Фахриёр қадимги француз шеърий шаклларидан ронделда ҳам асарлар яратмоқда. Маълумки, рондель «…ўн уч мисрадан иборат бўлади ва кесма қофияга асосланади. Ронделнинг банд тузилиши ҳам ўзига хосдир: биринчи ва иккинчи бандлар тўрт мисрадан, учинчи банд беш мисрадан иборат бўлади. Бундан ташқари, ронделда айрим мисралар ўз ҳолича ёки бир оз ўзгаришлар билан такрорланиб келади» [Хотамов Н. 1979, 268]. Шеърнинг

Капалак – муҳаббат учқуни,
юракдан гул сари ўрлаган,
гулдан гулга учиб ва қўниб
ўргимчакдай боғни тўрлаган

тарздаги дастлабки бандида тасвирланган капалак образи ва у билан боғлиқ ифодалар кейинги бандларда янги тафсилотлар билан бойийди. Маълумки, капалак енгилтаклик тимсоли. Муҳаббатда қўними йўқ шахслар, енгилтак аёллар капалакка қиёсланади. Шоир ушбу образдан фойдаланиб муҳаббат ва вафони улуғловчи фикрни ўзига сингдирган сатрларни яратишга муваффақ бўлган. Капалак муҳаббат билан эмас, унинг учқуни воситасида ўргимчакдек тўр ясаб, боғда ўзига емиш қидиради. Тўрига илинган ҳашаротларни ўзига емиш қилади. Капалак теккан гул қирмизи ёнади, у кирган боғ юрак изларига тўлади, капалак қон каби ўчмайди. Ушбу ўринда китобхонда гулдан гулга учиб, қўниб ўтувчи капалак ҳақида ҳам турли ассоциатив мушоҳадалар юзага келади.Сўнгги банд

Бир кунга, икки кун, уч кунга
капалак боғларда ўйнайди.
Шамоллар тегади учқунга,
кўнгил ўчкизгани қўймайди.
Капалак – муҳаббат учқуни…

мисралари билан якунланади. Капалакнинг умри қисқа, унинг муҳаббати ҳам гўё учқун сингари. Шамоллар муҳаббат учқунини ўчирмоқ пайида. Лекин шоир бу учқуннинг гарчи олов бўлолмаслигини билса ҳам, уни авайлайди. Чунки у

муҳаббат оловининг гуриллаб ёнишига ҳам асқотиши мумкин. Шеър ана шу тарзда муҳаббатни улуғловчи симфонияга айланади. Капалак энди уйғонаётган, қалбдан жой олаётган муҳаббат сингари нозик ва гўзал. Муҳаббат учқуни авайланса, оловга айланиши мумкин. Йўқса, бутунлай ўчиб қолиши эҳтимол.

Фахриёр шеърларида ҳолат, манзара, ифода яратишда ўхшатишларнинг ўрни муҳимдир. Масалан, «Жанггоҳдан ботирсиз қайтган от каби яна баҳор келди сенсиз ва ёлғиз»; «Ҳаёт ҳар нарсага кўндириб борар: уйда ёниқ қолган чироқлардайин умидларни бир-бир сўндириб борар»; «Сен мени алдайсан туш каби, баҳорлар келади, келмассан. Жанублардан қайтган қуш каби менинг кулбам қаён, билмассан» сатрларида бу ҳолни кўрамиз.

Хулоса шуки, мустақиллик даври ўзбек шеъриятидаги шаклий-услубий изланишлар ўзига хос тарзда намоён бўлиб, Фахриёрнинг шеърларидаги турли график белги ва шакллар ифода воситаси вазифасини бажариши, муайян сўз ва ибораларнинг изоҳи, ўзига хос синонимик ифодаси сифатида хизмат қилган.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004. –Б.62.
2. Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б.268.
3. Фахриёр. Излам. – Тошкент: Akademnashr, 2017. –Б.114.
4. Фахриёр. Геометрик баҳор. – Тошкент: “Маънавият”, 2004. –Б.127.
5.


# “BOBURNOMA”NING QOZOQCHA TARJIMALARI TAHLILI

**Dilafruz Muhammadiyeva**
**Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti dotsenti,**
**filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori**
**tel : +998 90 970 13 84** d.muhammadiyeva@mail.ru

**Annotatsiya:** Bugun dunyoda globallashuv jarayoni kechayotgan bir paytda tarjimaning nafaqat amaliy, balki nazariy ahamiyati ham yanada ortib bormoqda. Har qanday tarjimaning asosiy vazifasi asl tilda bildirilgan kommunikativ maqsadni tarjima tilida to‘la va aniq ifoda etishdan iborat. Lekin uning aksariyat mutaxassislar tomonidan e’tirof etilgan, tarjimaning barcha turlariga xos universal ta’rif yoki qolipi mavjud emas. U yoki bu asar (matn) tarjimasiga bir paytning o‘zida yoki turli davrlarda bir nechta tarjimon qayta qo‘l urishi mumkin. Ushbu jarayonda tarjima asari sayqallashib, takomillashib boradi. Ana shunday tarjimalar sirasiga “Boburnoma”ning qozoqcha tarjimasini ham keltirish mumkin. “Boburnoma” qozoq tiliga 2 marta tarjima qilingan. Birinchisi Bayuzaq Qojabekulы tomonidan «Babыrnama» nomi bilan, yana biri Islom Jemeney tomonidan chop etilgan Babirnama nomi bilan nashr etilgan. Biz ushbu maqolada ana shu ikki tarjimaning xususiyatlariga to‘xtalamiz.

**Kalit so‘zlar:** *“Boburnoma”, “Babыrnama”, “Vekayi”, memuar, tadqiqot, tarjima, asliyat, qo‘lyozma, nusxa, tarjimon, sharqshunos, ozarbayjoncha, turkcha, qozoqcha, ruscha, ibora, maqol, matal, frazema*

**Annotation:** Today, at a time when the process of globalization is taking place in the world, not only practical, but also theoretical importance of translation is increasing. The main task of any translation is to fully and accurately express the communicative purpose expressed in the original language in the translated language.

However, there is no universal definition or template for all types of translation recognized by most experts. Several translators can work on the translation of this or that work (text) at the same time or in different periods. In this process, the work of translation is polished and improved. Among such translations, the Kazakh translation of "Boburnoma" can be cited. "Boburnoma" was translated into Kazakh twice. The first one was published by Bayuzaq Kojabekuly under the name "Babyrnama" and another one was published by Islam Jemenei under the name Babirnama. We will focus on the features of these two translations in this article.
***Keywords:*** *"Boburnoma", "Babыrnama", "Vekayi", memoir, research, translation, original version, manuscript, copy, translator, orientalist. azerbaijani, turkish, kazakh, russian, idiom, proverb, saying, phrase.*

"Boburnoma" jahon adabiyotining nodir durdonasi hisoblanadi. U oʻzining tarjimalari bilan barcha xalqlar adabiyotiga bemisl hissa qoʻshgan. Asar dunyo tillariga tarjima qilinishining tarixiy va tadrijiy jarayonlarini koʻrib chiqish asnosida, tarjimonlarning asliyatni qayta tiklash jarayonida neqadar mashaqqatli va sharafli yoʻlni bosib oʻtganligini koʻrish mumkin. Buning natijasi oʻlaroq bugungi "Boburnoma"ning jahon yuzini koʻrishi uchun yetarlicha tadqiqotlar amalga oshirilgan. Hozirda "Boburnoma" va uning tarjimasiga tegishli boʻlgan tarixiy hujjatlar dunyoning 23 kutubxonasining noyob mulki hisoblanishi ham asar salohiyatining nechogʻlik yuqori ekanligini koʻrsatadi. Asar tarjimalarining tadqiqoti shuni anglatadiki, har qanday vaziyatda ham tarjimon asliyatdan yiroqlashmasligi, asar zamiridagi soʻz va frazemalar, realiyalar yoki joy nomlari, tarixiy shaxslar ismlarini tarjima qilishda ehtiyotkorlik bilan yondashishi lozimligini koʻrsatadi. Chunki asliyat mansub boʻlgan xalq urf-odatlari va milliy-madaniy xususiyatlarini, diniy, iqtisodiy-ijtimoiy turmush tarzini mukammal oʻrganmay turib, asarda tasvirlangan voqea-hodisalar toʻgʻrisida yetarli tasavvur hosil qilish, shakl va mazmunning uygʻunligidan iborat tarjima yaratish juda qiyindir. Har qanday aslmonand tarjima zamini shakl va mazmunning dialektik birligini tashkil etadiki, uning mazmuniga koʻproq urgʻu berib, shaklga e'tiborni susaytirish asarning badiiy va milliy xususiyati, tarixiy oʻziga xosligiga putur yetishiga olib keladi.

Bugun dunyoda globallashuv jarayoni kechayotgan bir paytda tarjimaning nafaqat amaliy, balki nazariy ahamiyati ham yanada ortib bormoqda. Har qanday tarjimaning asosiy vazifasi asl tilda bildirilgan kommunikativ maqsadni tarjima tilida toʻla va aniq ifoda etishdan iborat.Tarjimada "mukammallik" atamasi koʻp tilga olinadi. Lekin uning aksariyat mutaxassislar tomonidan e'tirof etilgan, tarjimaning barcha turlariga xos universal ta'rif yoki qolipi mavjud emas. U yoki bu asar (matn) tarjimasiga bir paytning oʻzida yoki turli davrlarda bir nechta tarjimon qayta qoʻl urishi mumkin. Ushbu jarayonda tarjima asari sayqallashib, takomillashib boradi.

Ana shunday tarjimalar sirasiga "Boburnoma"ning qozoqcha tarjimasini ham keltirish mumkin. "Boburnoma" qozoq tiliga 2 marta tarjima qilingan. Birinchisi Bayuzaq Qojabekulы tomonidan 1990 yilda «Babыrnama» nomi bilan, yana biri Islom Jemeney tomonidan 2022 yilda Olmaotadagi "Nurli olam" nashriyotida chop etilgan qozoqcha tarjima (Babirnama)dir. Biz ushbu maqolada ana shu ikki tarjimaning xususiyatlariga toʻxtalamiz.

Bayuzaq Qojabekulы tomonidan 1990 yilda tarjima qilingan «Babыrnama» oʻzbekcha tanqidiy matn va ruscha tarjima asosida qisqartirilgan holda bosilgan.

Keyingi 1993 yilda toʻliq tarjima shaklida nashr etilgan, ammo ism koʻrsatkichlari va geografik nomlar xaritasi tushirib qoldirilgan. Tarjimaning kirish qismida muallif Bobur va uning hayoti, «Boburnoma»ning badiiyati va tarkibiy qismlari haqida batafsil ma'lumot beradi.

Qozoqcha tarjimada voqealar juda kichik-kichik mavzularga boʻlinib berilgan. «Boburnoma»dagi aforizmlar, gʻazallardan parchalarni Orazaqыn Asqar qozoqchaga tarjima qilgan. Nashrni kuzatish mobaynida paremiyalarning oʻgirilishidagi oʻziga xoslikni aniqladik. Muallif maqollarni soʻzma-soʻz oʻgirmaydi, hozirgi qozoqchada mavjud boʻlgan ekvivalentini qoʻllash yoʻlidan boradi. Masalan, *Gʻofil az injo ronda va az onjo monda (Gʻofil bu yerdan quvilgan, u yerdan ajralgan)* matali (b.64.) shunday oʻgirilgan: *Toqal yeshki qudaydan muyiz suraymыn dep, qulagʻыnan ayrыlыptы* (b. 77.). Yoki, *«Inonmagʻil doʻstunggʻa, somon tiqar poʻstunggʻa»* maqoli *(b.76.) «Jau joq deme, jar astыnda»* (b.99.) deb tarjima qilingan.

E'tibor bersak, ikkinchi maqolning muqobili aynan Bobur aytmoqchi boʻlgan fikrni ifodalamagan. Chunki Bobur doʻstining xoinligini ta'kidlamoqchi, qozoqchada esa atrofning xatarlarga toʻla ekanligiga urgʻu qaratilgan. Holbuki, tarjimon asliyatda berilgan maqollarning tarjima tilida mavjud muqobillarini izlashi, ularni saralashi hamda muqobili mavjud boʻlmaganlarini esa qisqa va loʻnda izohlar orqali ifodalashi lozim.

Misol: Qopudagʻini qopmasa, qarigʻuncha qaygʻurur (b.74) – *Өz ayagʻыmen kelip, qolыmыzgʻa tүskeli tұrgʻan jau yesh shыgʻыnsыz, jыlыstap ketti.(95*), Korhoro bavaqt boyad just, Kori bevaqt sust boshad sust (b.74) – *Der kezinde bitken is paydalыsы, Kүni өtken soң bolmaydы jay-mәnisi (95).*

Koʻrinadiki, tarjimon maqollarni tarjima qilish jarayonida oʻz tilida mavjud boʻlgan ekvivalentini qoʻllash metodidan foydalangan, biroq tanlangan bu metod oʻzini u qadar oqlamagan. Buning oqibatida, «Boburnoma»ning asl ifoda uslubi buzilgan, tasviriylik aks etmagan. Bu holatni gap tuzilishlarining oʻzgartirilganligida ham koʻrish mumkin.

Islom Jemeney tomonidan chop etilgan qozoqcha tarjima (Babirnama) afgʻonistonlik olim Hidayatulla Hidoyat tomonidan 2008 yilda Mozori Sharifdagi "Ulugʻbek" nashriyotida chop etilgan "Boburnoma"ning qoʻlyozma nashriga asoslangan holda toʻgʻridan toʻgʻri tarjima etildi.

Qozoqcha tarjima "Muqaddima" (3-4), Zahiriddin Muhammad Bobur haqida ma'lumotlar(5-10), "Boburnoma"da qozoqlar haqida" (10-18) "Boburnoma"da turkiy soʻzlar"(18-20) va "Boburnoma" lugʻati(20-23) hamda "Boburnoma" - Fargʻona voqealari (23-132), Kobul voqealari (133-268), Hindiston voqealari (269-404), Ismlar koʻrsatgich jadvali(405-427) va oʻrin-joy koʻrsatgichlari(428-439) shuningdek, adabiyotlar roʻyxatidan(439-443) tarkib topgan [Hayitov 2023, 423-429 ].

Olim muqaddimada u 2007-yildan buyon "Boburnoma"ning boshqa tillarga qilingan tarjimalari, uning tarix va madaniyatga qoʻshgan hissasini chuqur oʻrganib kelayotganini tilga oladi. Kitobning "Zahiriddin Muhammad Boburga doir ma'lumotlar" qismida "Boburnoma"ning yozilishi tarixi, unda tasvir etilgan davrlar, Burshohning Afgʻoniston va Hindistonda barpo etgan qudratli imperiyasi xususida qimmatli ma'lumotlar berilgan. – Boburning Hindiston, Eron, Oʻrta Osiyo bilan bir qatorda jahon sivilizatsiyasiga qanday ta'sir koʻrsatganligini yangicha, chuqur oʻrganish zarur, – deya yozadi. Unga koʻra, Bobur oddiy podshoh, sarkarda, shoir yoki

yozuvchi emas, balki yana koʻplab buyuk qobiliyatlar egasi, oʻzigda noyob insoniy fazilatlarni oʻzida mujassam etgan shaxsdir. Ana shunday goʻzal xislatga ega inson boʻlgani bois ham u millatparvar, odil, mard va jusur, shariatpanoh sarkarda boʻlgan davruq qozongpn. Uning nomi ushbu goʻzal insoniy fazilatlari tufayli hamki soʻnmaygay, avlodlardan avlodlarga ibrat namunasi ularoq koʻrsatib borilgay.

I. Jemeney Boburning hayot faoliyati, u yashagan davr, uning davlati va sarkardalik mahorati, adabiyot va san'atga qiziquvchi ilgʻor fikrli kishi boʻlganini, buyuk mutafakkir asarlari va ularga boʻlgan dunyodagi qiziqish jumladan, "Boburnoma"ning shuhrati va oʻrganilishi, tarjimalari, bu shoh asar haqida bildirilgan ilmiy fikrlarni eron, turk, qozoq, arab tilidagi manbalaridan izlaydi. Fikrlarini ushbu yurt olimlari tomoindan aytib oʻtilgan ilmiy fikrlar orqali ifodalaydi.

Olim tarjima soʻnggida foydalanilgan adabiyotlar roʻyxatini ilova qiladi. Tarjimada soʻzlar izohi va lugʻat qismlarini tuzishda oʻzbek, qozoq, turk, fors va arab tilidagi lugʻadlardan foydalanganini, shuningdek, Mirzo Muhammad Haydarning "Tarixi Rashidiy" asariga hamda "Boburnoma"ning oʻzbekcha (2002), qozoqcha (1993), shuningdek, "Bobur ensiklopediyasi"ga murojaat qilganini qayd etadi.

Топшириқ шаклини озгина ўзгартирган ҳолатда бериш ҳам мумкин. Бунда ўқувчилар ҳукмига камида эллик ёки олтмишта дори номи ёзилган жадваллар (масалан, аспирин, аноперин, демидроль, аналгин, тримоль, сенипар, баральгин, гепарин, дибазол, энам, энап, норсульфазол, сульфазол…) тақдим этилиб, жадвалдаги дори номлари асосида ўқув топшириғини бажартириш ҳам фойдалидир.

Ёки–

Масалан, «Уядошлар ва уларнинг услубий хусусиятлари» мавзуси тиббиёт техникумида ўқитилаётганда таҳсил олувчига қуйидагича ўқув топшириғи берилиши мумкин:

1-топшириқ. Берилган қаторларни давом эттиринг.

"Дори-дармонлар" уяси

1) томчи дорилар (дибазол, аналгин, демидрол…)

а) беморга фақат томир орқали юбориладиган томчи дорилар: (кальций глюканат, ...)

б) беморга фақат тери орқали юбориладиган томчи дорилар: (…)

д) беморга ҳам тери, ҳам томир орқали юборилиши мумкин бўлган томчи дорилар: (…)

2) таблеткалар (ситрамон, тримол, сульгин, тетрациклин, …)

а) оғриқ қолдирувчи таблеткалар: (синипар, …)

б) даволовчи таблеткалар: (амписилин, …)

3) ҳам томчи дори, ҳам таблетка кўринишидаги дори-дармонлар: (аналгин, демидрол, феррумлик, …)

4) суртма дорилар: (вазилен, глецерин, …)

а) бел оғриғида суртиладиган дорилар: (…)

б) оёқ оғриғида суртиладиган дорилар: (…)

д) кўз оғриғида суртиладиган дорилар: (…)

е) бўйин оғриғида суртиладиган дорилар: (…)

Мазкур қаторларни бош оғриғида ишлатиладиган таблеткалар, қорин оғриғида ишлатиладиган таблеткалар, юрак оғриғида ишлатиладиган

таблеткалар, қувватлантирувчи таблеткалар ёки биринчи ёрдам сифатида ишлатиладиган уколлар кабилар билан ҳам давом эттириш мумкин.

Қуйидаги мазмунда тест намуналарини ҳам тавсия этиш ўринли:

**Тест намуналари**

1. Суртма дорилар: вазилен, глецерин, сенипар гел, юлдузча, ёд, тетрасиклин, спирт. Берилган гуруҳдаги бегона сўзни топинг.

А) юлдузча *Б) тетрасиклин С) глецерин Д) сенипар гел

2. Таблеткалар: ситрамон, тримол, сулгин, тетрасиклин, глецерин, сенипар, аналгин, калсий глуканат. Берилган уядаги бегона сўзни топинг.

А) кальций глюканат Б) сульгин *С) глецерин Д) сенипар

3. Бош касалликлари: менингит, ўсма, инсулт, отит. Берилган уядаги бегона сўзни топинг. *А) отит Б) инсульт С) ўсма Д) менингит

4. Даволовчи таблеткалар: ампицилин, баралгин, трихопол, аналгин, калий аортат. Берилган уядаги бегона сўзни топинг. А) трихопол Б) ампицилин С) калий аортат *Д) анальгин

5. Оғриқ қолдирувчи таблеткалар: таблеткалар:демедрол, аналгин, тримол, тетрациклин, аспирин, парацетамол, но-шпа, глюкоза. Берилган уядаги бегона сўзни топинг.

А) тримол Б) тетрациклин *С) глюкоза Д) аналгин

6.Терапевт-кардиолог-лор-стомотолог-жарроҳ- гнеколог- уролог-фармацевт-руҳшунос-дифтолог-психотерапевт-ендикренолог. Берилган уядан юрак шифокори номини топинг.

А) терапевт Б) гнекологС) лор *Д) кардиолог

7.Терапевт-кардиолог-лор-стомотолог-жарроҳ- гнеколог- уролог-фармацевт-руҳшунос-дифтолог-психотерапевт-ендикренолог. Берилган уядан буйрак шифокори номини топинг.

А) терапевт Б) гнеколог *С) уролог Д) дифтолог

8.Терапевт-кардиолог-лор-стомотолог-жарроҳ- гнеколог- уролог-фармацевт-руҳшунос-дифтолог-психотерапевт-ендикренолог. Берилган уядан аёллар шифокори номини топинг.

А) терапевт *Б) гнеколог С) эндикренолог Д) дифтолог

9.Терапевт-кардиолог-лор-стомотолог-жарроҳ- гнеколог- уролог-фармацевт-руҳшунос-дифтолог-психотерапевт-ендикренолог. Берилган уядан буқоқ касаллиги шифокори номини топинг. А) терапевт Б) стомотолог *С) эндикренолог Д) дифтолог

10.Терапевт-кардиолог-лор-стомотолог-жарроҳ- гнеколог- уролог-фармацевт-руҳшунос-дифтолог-психотерапевт-ендикренолог. Берилган уядан ички касалликлар шифокори номини топинг. *А) терапевт Б) стомотолог С) эндикренолог Д) дифтолог

11. Сил-бод-бронхит-асма-сарғайма- камқонлик- қандли диабет-стоматит-ангина-менингит-бурселлоз-буқоқ. Берилган уядан жигар касаллиги номини топинг.

А) сил Б) асма *С) сарғайма Д) стоматит

12.Термометр-қисқич-қайчи-тонометр-фонендоскоп-ендоскоп-зонд-катетер-електр сўргич- бурселлоз. Берилган уядан қайси бири тиббий анжомлар сирасига кирмайди?

А) тонометр Б) эндоскоп *С) бурселлоз Д) зонд

13.Термометр-қисқич-қайчи-тонометр-фонендоскоп-ендоскоп-зонд-катетер-електр сўргич-тиббиёт болғачаси. Берилган уядан қайси бир тиббий анжомни, одатда, асаб касалликлари шифокори Мишлатади?

А) катетер Б) фонендоскоп *С) тиббиёт болғачаси Д) электр сўргич

14. Бинт-жгут-тиббий пахта-шприс-спирт-система-зонд. Берилган уядан қайси бири шошилинч тиббий ёрдамда ишлатиладиган воситалар сирасига кирмайди?

А) жгут Б) система *С) зонд Д) бинт

15. Калсий хлорид-нашатир--инсулин-бриллиант кўки-аналгетиклар-бронхолитик-антибиотик- йод-тиббиёт болғачаси. Берилган уядан қайси бири шошилинч тиббий ёрдамда ишлатиладиган воситалар Мсирасига кирмайди? *А) тиббиёт болғачаси Б) бриллиант кўки С) йод Д) нашатир

16. Кетанол, дибазол, аспирин-П, но-шпа, глюкоза, натрий хлорид, гепорин, кофеин, лидокаин. Берилган уядан қайси бири тузли эритма ҳисобланади?

А) глюкоза Б) лидокаин С) гепорин *Д) натрий хлорид

17. Кетанол, дибазол, аспирин-П, но-шпа, глюкоза, натрий хлорид, гепорин, кофеин, лидокаин. Берилган уядан қайси бири қандли восита ҳисобланади?

*А) глюкоза Б) лидокаин С) гепорин Д) натрий хлорид

18. Кетанол, дибазол, аспирин-П, но-шпа, глюкоза, натрий хлорид, гепорин, кофеин, лидокаин. Берилган уядан қайси бири яллиғланишга қарши восита ҳисобланади?

*А) кетанол Б) лидокаин С) гепорин Д) натрий хлорид

19. Кетанол, дибазол, аспирин-П, но-шпа, глюкоза, натрий хлорид, гепорин, кофеин, аскорбин, новокаин, лидокаин. Берилган уядан қайси бири витамин С гуруҳига мансуб?

*А) аскорбин Б) лидокаин С) гепорин Д) новокаин

20. Корвалол, валидол, барбовал, лидокаин. Берилган уядан қайси бири эфир ёғли восита ҳисобланади? *А) валидол Б) лидокаин С) корвалол Д) барбовал

Касб-ҳунар ўрганаётган ўқувчига она тили машғулотларида бу каби ўқув топшириқларини бажартириш, таҳлил қилдириш, биринчидан, фанлараро боғланишни вужудга келтирса, иккинчидан, ўқувчида ихтисосий ижодий тафаккурни шакллантиради ва ривожлантиради.

Кўриниб турибдики, таълим мақсадига ўқитиш воситаларининг мувофиқлигини таъминлаш учун дарс жараёнида ўқувчи олдига унинг эҳтиёжлари ва имкониятларига мос келадиган ўқув топшириқлари қўйилиши керак. Бундай ўқув топшириқлари ўқув юкламасининг асосини ташкил этишига эришиш ўта муҳим. Ўқувчиларнинг тафаккур доираси ва нутқий равонлик даражасини синчиклаб ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, таълим жараёнида ўқувчи шахси олдига у ёки бу муаммони ечиш вазифаси қўйилар экан, «Бундай муаммонинг қўйилиши таълим мақсадига мувофиқми?» деган саволга дидактика нуқтаи назардан доимо ижобий жавоб бўлиши ҳам лозим. Ўқувчи олдига қўйилган муаммонинг ечими уни ўйлашга, мустақил фикрлашга ва муайян ҳолатларда мантиқий хулосалар чиқаришга ундай олиши лозим. Ана

шунда биз касб-ҳунар коллежи ўқувчисининг касбий малакасини оширишга кўмаклашган бўламиз.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Юлдашева Д.Н. Таълим мақсади таълим жараёнининг энг асосий тушунчаси *(она тили таълими асосида).* – «Тилшунослик ва методика масалалари» илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Фан, 2008. –С.45-50.

2.Мустақил фикрлашни шакллантириш омиллари //Вилоят илмий-амалий конференцияси материаллари (2005 йил 13 декабрь). – Бухоро, 2005. –116 с.

## АЛИШЕР НАВОИЙ КУЛГИ ОДОБИ ҲАҚИДА

**Маҳфузулло Раҳмонов,**
**филология фанлари номзоди, доцент**
**Ўзбекистон, Фарғона давлат университети**
**Тел: +99 897 336-04-26 e-mail**: sgafurova@gmail.com

**Аннотация.** Бұл мақалада ұлы ойшыл, ғалым, ақын және мемлекет қайраткері Әлішер Науаи және оның шығармашылығы талданады. Бұл Науаидың өз өлеңдеріндегі сезімдік күлкі сезімін, олардың арасындағы мағыналық нәзіктіктерді қалай әкелгенін көрсетеді.

**Түйін сөздер:** олең, шығарма, күлкінің эмоционалдық күйі, мағынасы, мазмұны, синонимі, көп мағыналылығы, сема, лексемасы, сөз, стиль, ақын

**Abstract.** This article analyzes the great thinker, scientist, poet and statesman Alisher Navoi and his work. It shows how Navoi brought the emotional feeling of laughter in his verses, the subtleties of meaning between them.

**Key words:** poem, work, emotional state of laughter, meaning, content, synonym, polysemy, sema, lexeme, word, style, poet.

*Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,*
*Ажаб саодат эрур чиқса, яхшилик била от.*
**Алишер Навоий**

Алишер Навоий ўлмас асарлари билан ўз халқи адабиётини жаҳон адабиёти миқёсига кўтарган ва илғор инсоният маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшган адибдир. Унинг биргина “Хамса” асарини инсоният бадиий тафаккурида содир бўлган ҳодисалардан бири десак, муболаға бўлмайди.

Ёши қиркдан ошган, бой ҳаётий тажриба тўплаган улуғ шоир ва Хуросон давлатида ”вазири равшан замир” Навоий 1483 йили улуғ устозлари Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий анъаналарини ижодий ривожлантириб, ўзининг кўпдан буён ўйлаб юрган буюк ниятини амалга ошира бошлади. У туркий тилда беш достондан иборат улкан шеърий обида яратишга киришди.

“Хамса”нинг биринчи достони – “Ҳайратул - аброр” фавкулодда юксак суръат билан битилган. Достон салкам тўрт минг байтдан иборат бўлиб, кейинчалик уни шоир “оби зиндагоний”, яъни халкка ҳадя этилган “ҳаёт суви” деб таърифлаган эди. “Ҳайратул - аброр” (“Яхшилар ҳайрати”) фалсафий – таълимий асардир. Бу асарни Алишер Навоий мутафаккир, назариётчи, файласуф ҳамда зўр санъаткор сифатида яратди. Асарда бир қанча инсоний

фазилатлар: карам, одоб, қаноат, вафо, ростгўйлик ва илмли бўлиш каби хислатлар улуғланади, уларга алоҳида тўхталиб ўтилади.

Жумладан, “Адаб ҳақида”ги бобда шоир “*қаддини хизмат юки паст қилган одам*”га қарата шундай дейди:

*Эй талаб уйида нишаст айлаган,*
*Қаддини хидмат юки паст айлаган.*
*Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,*
*Паст этар ул хайлни чархи баланд.*

Алишер Навоий асарларида инсон учун зарур бўлган барча фазилатларга кенг ўрин берилади. Жумладан, кишиларнинг юриш-туриши, яшаш тарзи, одамлар билан муносабати кабилар шоир асарларининг ҳар бир байтида, ҳар бир асарида намоён бўлади. Биргина кишиларга хос бўлган кулги ҳақида жуда кўп асарларида алоҳида тўхталади.

Маълумки, кулги инсонларнинг ҳис-туйғуларини, ички эмоцияларини, шодлик ва қувончларини, хурсандчилигини кўрсатувчи белгидир. Кулгининг турлари жуда кўп: шодон кулиш, қаҳқаҳ уриб кулиш, жилмайиш, табассум қилиш, хандон отиб кулиш каби ижобий белгига эга бўлган кулгилар, шунингдек, иршаймоқ, тиржаймоқ, ишшаймоқ, илжаймоқ каби салбий бўёққа эга бўлган кулгилар шулар жумласидандир.

Алишер Навоий очиқ чеҳра билан, миннатсиз қилинган яхшилик саховат устига саховат эканлигини алоҳида таъкидлайди:

*Кулар юз ила ато - сахо устиға сахо.*

Шоир одобнинг ҳам, одобсизликнинг ҳам бир кўриниши кулги эканлигини алоҳида таъкидлайди. У ўз асарларида ноўрин кулги, ўринсиз қаҳқаҳа одобнинг ёмон белгилари эканлигини уқтиради:

*Тарки адабдин бири кулгу дурур,*
*Кулгу адаб таркиға белгу дурур.*

Навоий қаҳқаҳа отиб кулиш яхшиликка олиб келмаслигини изоҳлаб, каклик қаҳқаҳа солиб кулгани учун овчилар овозидан билиб, уни тутиб олишади, дейди:

*Қаҳқаҳадин кабк наво келтуруб,*
*Бошиға ул кулгу бало келтуруб.*

Шоир яна бир байтда кулишни ғунчанинг очилишига ҳамда ўз-ўзидан тўкилиб қуришига ўхшатади:

*Ғунча кулуб бўлди очилмоқ анга,*
*Етти очилмоқда сочилмоқ анга..*

Бошқа ўринда инсоннинг кулгиси уни ерга пастлатиб, туфроққа киритиши чақмоқ мисолида баён этилади:

*Барқни кулгу йиқибон тоғ аро,*
*Балки қилиб ер қуйи тупроғ аро.*

Алишер Навоий айтганидек, одобли одам кулиш учун оғиз очмайди, лекин ҳаё булути томчисиз эмас:

*Кимда адаб – кулгуга очмас оғиз,*
*Лек ҳаё абри эмас қатрасиз.*

Одоб бергувчи йиғи меъёридан ошиб кетган кулгидан яхшироқдир деб, таъкидлайди:

*Кулгуки ўз ҳаддидин ўлди йироқ,*

*Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ.*

Бунинг сабабини қуйидагича изоҳлайди: шам ҳар кеча ёнгани учун тобора равшан бўлади, ғунча эса кулгани боис, уни шамол учириб кетади; булут йиғлаб, кўз ёши тўкиши билан дур сочувчи бўлади, чақмоқ эса кула-кула йўқ бўлди:

*Равшан этиб шамъни ҳар тун йиғи,*
*Елга бериб ғунчани хандонлиғи.*
*Қилди булут ашки била дур нисор,*
*Бўлди чоқин кулгусидин хоксор.*

Шоир йиғи сўзини кенг маънода қўллайди: *шам ўз нури билан қоронғу тунни ёритади, инсонларга ёруғлик улашади; булут эса ўз томчилари орқали ерга барака уруғини экади. Худди шундай ҳар бир инсон атрофидагиларга қўлидан келганча яхшилик қилиши, ёрдам бериши, ҳайрли ишларни амалга ошириши лозим. Ўйин-кулги билан вақт сувдай оқиб кетади, кўз очиб юмгунча манзилга етиб қоламиз, бу дунёда абадий қолмоқ мумкин эмас, шунда бизни фақат эзгу амаллargина сақлаб қолади, зеро,* ***яхшилик билан ном чиқариш катта саодатдир***.

Алишер Навоий 1491-92 йиллардан бошлаб туркий тилда ёзилган ҳамма шеърларидан янги, йиғма девон тузишга киришди ва бу иш 1498-99 йилда ниҳоясига етди. Девоннинг умумий номи «Хазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси») бўлиб, 4 қисмдан иборат бўлганлиги учун «Чор девон» деб ҳам аталган. Девон шоирнинг бутун ҳаёти давомида ёзилган шеърларини қамраб олган, уларда Алишер Навоийнинг барча даврларидаги кайфияти, дунёқараши, орзу-умидлари ифодалаб берилган.

Тахминан, шу йилларда Алишер Навоий форсий шеърларидан ташкил топган «Девони Фоний» («Фоний девони»)ни, форсий тилдаги 2 қасидалар мажмуаларини тузиб, форсий шеърият тараққиётига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Хуросонда форсийзабон халқлар кўпчиликни ташкил этганлиги инобатга олинса, Алишер Навоийнинг бу тилда ҳам самарали ижод қилгани мамлакат маънавий эҳтиёжини яхши ҳис этганлигини билдиради. Алишер Навоийнинг шеърий даҳоси XV аср охирларига келиб яна жўш урди.

У 2 йил мобайнида 2 та йирик асар — «Лисон ут-тайр» («Қушлар тили») достонини ва «Муҳокамат ул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси») номли илмий асарини яратди. Алишер Навоийнинг сўнгги буюк асарларидан яна бири насрий панднома йўсинида ёзилган «Маҳбубул-қулуб» («Қалблар севгани»)дир. У Шарқ адабиёти тарихида Шайх Саъдийнинг «Гулистон», Кайковуснинг «Қобуснома», Низомий Арузи Самарқандийнинг «Чор мақола» каби асарлари қаторида туради. Бу асарида Алишер Навоий ўзининг ҳаёт йўлини, бошидан кечирган турмуш машаққатларини ёрқин тасвирлаб берган.

1500 йилнинг декабрда Ҳусайн Бойқаро исён кўтарган ўғли – Муҳаммад Ҳусайн билан сулҳ тузиб, Ҳиротга қайтар экан, Алишер Навоийни ҳам уни кутиб олиши лозимлигига ишорат қилади. Орада 2-3 кунлик йўл бор эди. Алишер Навоий ўзининг сўнгги шеърини Поёб работида ёзган ва ундан нусха кўчиртириб, келаётган Ҳусайн Бойқарога юборган. Учинчи куни Алишер Навоий ҳукмдор истиқболига яқинлашаётганида ўзини ёмон ҳис этган, у билан кўришаётганда ҳушидан кетиб, қайтиб ўзига келмаган ва ҳаётдан кўз юмган.

**Foydanalingan adabiyotlar:**

1. Hamroyev M, Muhamedova D, Shodmonqulova D, G‘ulomova X, Yo‘ldosheva Sh. Ona tili. – Toshkent: “Iqtisod-moliya” 2007.
2. Mahmudov N. Til dahosi. 2006. Ziyouz.com
3. Абдуллаев К. Ватан каби мангу Навоий, – Тошкент: “BOOKMANY PRINT” 2022.
4. Воҳидов Э. Сўз латофати. – Тошкент: “O‘zbekiston” 2014

# NAMANGAN VILOYATI FOLKLORIDA BOLALAR QO‘SHIQLARIGA XOS XUSUSIYATLAR

**Saydaxmedova Nigora Sulaymonovna**
**O‘zbekiston, NamDU o‘zbek adabiyotshunosligi kafedrasi o‘qituvchisi, pedagogika fanlari falsafa doktori (PhD)**
**Tel: +998974688833 saydaxmedovanigora@gmail.com**
**Ismoilova Munira A’zamjon qizi**
**O‘zbekiston, NamDU o‘zbek tili yo‘nalishi III bosqich talabasi**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada o‘zbek xalq og‘zaki ijodida bolalar qo‘shiqlarining ba’zi mavzulari yoritib berilgan. Tahlillar Namangan viloyati bolalar qo‘shiqlari misolida berib borilgan. Qo‘shiqlar mavzusining dolzarbligi yoritilgan.

**Kalit so‘zlar:** ta’lim-tarbiya, alla, she’r, doston, kompazitsiya,qo‘shiq, afsona.

**Аннотация:** В данной статье освещены некоторые темы детских песен в узбекском фольклоре. Анализ дан на примере детских песен Наманганской области. Подчеркивается актуальность темы песен.

**Ключевые слова:** образование, алла, поэма, эпос, сочинение, песня, миф.

**Annotation:** This article highlights some themes of children's songs in Uzbek folklore. The analysis is given using the example of children's songs in the Namangan region. The relevance of the theme of the songs is emphasized.

**Key words:** education, alla, poem, epic, composition, song, myth.

Professor Safo Matchonov “Avlod-ajdodlarimiz asrlar mobaynida intilib kelgan ma’naviy-ahloqiy barkamollik, avvalo, insonning o‘z-o‘zini anglashi bo‘lib, ta’lim-tarbiya orqali amalga oshiriladi. O‘z-o‘zini anglash esa boshqalarni anglash, demakki, dunyoni anglash, ... uning sir-asrorlarini tushunishning ildizini kishilik jamiyatining ilk davridan, xalq og‘zaki ijodi namunalari ijrosidan izlamoq kerak”– deydi. [Qahramonov, 2007: 20-21-b].

Adabiyot darslarida xalq og‘zaki ijodi namunalarini milliy qadriyatlarga bog‘lab o‘rgatish dolzarb pedagogik muammo ekanligi yoshlarda komil insonga xos sifatlarni shakllantirish va ularni tarbiyalash bilan chambarchas bog‘liq jarayon ekanligida ko‘rinadi. Bu jarayonda: bola tug‘ilgan zahoti dunyodagi eng mehr bilan aytiladigan qo‘shiqni eshitadi. Alla ana shu qo‘shiq hisoblanadi. Sevimli shoiramiz Cho‘lpon alla haqida shunday degan edi: “Bir bola uxlamasa, alla aytadilar. Bola tez uxlab ketar. Chunki ul andin bir lazzat his qilur.” [Жиззах, Республика илмий амалий анжуман, 2001]. Bu ifodada allaning eng muhim fazilati – bola ruhiga ta’siri aks etgan. Keksalarimiz allaning sadolari bola ruhiga iymon, vataniga muhabbat, halqiga hurmat, o‘zi tug‘ilgan oilaga izzat bo‘lib quyilishini ko‘p aytganlar.

Alla aytish an’anasi bizga uzoq oʻtmishdan meros boʻlib kelgan. Akademik shoirimiz Gʻafur Gʻulom soʻz mulkining sultoni Alisher Navoiyning “Farhod va Shirin” dostoniga bergan sharhida Farhodning beshigi atrofida yigʻilishib: “Yuz ohang bilan alla aytar edilar”, – deydi. Yodimizda boʻlishi kerakki, dunyoda oʻz kashfiyotlari, she’r va dostonlari bilan mashhur boʻlgan hamma odamlar goʻdakligida alla eshtib ulgʻaygan.

Alladagi fazilatlarni Abu Ali ibn Sino ham alohida ta’kidlaydi. Xususan, shifokor alloma allaning bola ruhiy tarbiyasiga ijobiy ta’sir kursatishini alohida uqtiradi. Shunday qilib, qoʻshiqchilikda ilk oʻquvni onalardan olgan ikki, uch yoshlik bolalar atrofidagi voqea – hodisalarga taqlid qila boshlaydilar. Turli yoshdagi bolalarning voqelikka poetik munosabatlari chuqurlashgan sari qoʻshiqlar ham shakl, ham mazmun jihatdan teranlashib takomillashib boradi. Shu zaylda uchlik, turtlik, beshlik, oltilik va sakkizlik shaklidagi qoʻshiq namunalari yuzaga kelgan. Ayniqsa toʻrtlik shakli bolalar repertuarida keng tarqalgan. Kompazitson jihatdan dialog asosida qurilgan qoʻshiqlar ham bir talay.

Odatda bunday qoʻshiqlar aytishuvlar (aytishmalar) ham deyilgan. [ Абу Али ибн Сино, Тиб қонунлари. 1-китоб. 1959: 326].

Bolalar qoʻshiqlari bolalar fol’klorining asosini tashkil etiladi. Qoʻshiqlarni shovqin solib, harakatli oʻyin davomida, yakka oʻzi yoki xor boʻlib ijro etiladi. Shu oʻrinda hammammizga qadrdon boʻlgan “ Oq terakmi, koʻk terak ?” qoʻshigʻini eslatish oʻrinli.

Boychechak oʻlib–tiriluvchi tabiat ramzidir. Qishda ramziy ma’noda “oʻlgan” tabiat ilk koʻklam kelishi bilan tiriladi, ya’ni qor ostidan boychechak boʻlib unib chiqadi.

“Boychechak xabari” bilan bogʻliq an’analar tabiat hodisasi sharafiga oʻtkazilgan qadimiy bolalar oʻyinidir.

Bu qoʻshiq: *Adirlar toʻla chechak ,*
*Biz keldik ucha-ucha,*
*Boychechagim, boychechak,*
*Kutib oling, hoy checha*

deya kuylashadi. [ Наманган халқ оғзаки ижоди намуналари, 1993: 23].

Halinchak uchish oʻzbeklarning qadimiy ommaviy oʻyinlaridan biri boʻlgan. Kelib chiqish tarixiga koʻra halinchak uchish oʻyini aslida hosildorlik ishlariga aloqador qadimgi marosimlar tizimida yuzaga kelgan.

Oʻtmishda yashagan dehqonlar yosh qizlar, kelinchaklarning bahor kelishi sharafiga oʻtkazilgan dehqonchilik bilan bogʻliq marosimlar chogʻida mevali daraxtlarga arqon tashlab yasalgan halinchakda uchishlari kelayotgani dehqonchilik yilining barakali boʻlishiga sirli ravishda ta’sir koʻrsatadi deb hisoblaganlar. Demak, dastlab magik vosita deb qaralgan halinchak uchish udumi keyinchalik ommaviy oʻyin harakatiga aylangan. Halinchak uchish bilan bogʻliq qoʻshiq turli xil boʻladi. Halinchak uchish oʻyinini oladigan boʻlsak, (A.K. Barovkov tomonidan o`tgan XX asrning 20-yillarida yozib olingan qadimiy qoʻshiq) qizlar boqqa chiqib daraxtlarga arqon bogʻlab, halinchak yasaganlar. Qizlardan bittasi halinchakka oʻtirib uchadi, boshqa qizlar esa uni uchirib turib:

Halinchagim – salgimchak, opayam salom,
Dodayam salom, deb qoʻshiq aytishadi [ Наманган халқ оғзаки ижоди намуналари, 1993: II-том 26].

Qo‘shiqning tarixi uzoq o‘tmishiga borib taqaladi. Afsonaviy qush “Semurg‘” va “Qaldirg‘och” rivoyatlari asosida kelib chiqqan. Bu qo‘shiq barcha viloyatlarda turli yo‘nalishlarda qo‘llanadi.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, qo‘shiqlar qanday mavzuda aytilishidan qat’iy nazar bolalar hayotida muhim ahamiyat kasb etadi.Har birining alohida o‘rni bor.

Bolalarning xilma-xil jarangdagi qo‘shiqlari ya’ni “Aldamachoqlar”, “Chandishmalar” , “Tegishmachoqlar”, “Hukumlagichlar” – bularning bari aslida biron maqsad sari yo‘naltirilgan bo‘ladi. Bular hammasi hayotda o‘z o‘rnini topgan, keng tarqalgan qo‘shiqlardir. Qo‘shiqlar bolani badiiy so‘z vositasi bilan tarbiyalashga xizmat etadi va uning aqliy, fizologik va estetik jihatdan mukammal o‘sishiga yordam beradi.

Barcha-barcha mavzudagi qo‘shiqlar bolaning ruhan , tabiatan o‘zbek bo‘lib voyaga yetishiga xizmat qilgan. Bu an’ana ,ayniqsa, mustaqillik yillarida yana ommalashdi.

Binobarin, asarlar oldin yaratilgan bolalar fol’klori namunalari bugungi kunda ham o‘z vazifasini bajarmoqda.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. Qahramonov Q. An’ana va zamonaviylik. – T.: Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2007.
2. Баркамол авлод тарбиясида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни. Республика илмий амалий анжуман. – Жиззах: 2001.
3. Абу Али ибн Сино, Тиб қонунлари. – Тошкент: 1-китоб. 1959.
4. Наманган халқ оғзаки ижоди намуналари. – Наманган: 1993.

## DAVLAT TILI (O‘ZBEK TILI) MUAMMOLARI YUZASIDAN AYRIM MULOHAZALAR

**Abdurahmanov Shavkatjon Ashurovich, filologiya fanlari nomzodi, dotsent,**
**Namangan davlat universiteti +998934062939**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada o'zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzini oshirish bo'yicha amalga oshirilayotgan islohotlar va dolzarb masalalar tahlil qilinadi.

**Kalit so'zlar:** davlat tili, rasmiy hujjatlar, til, nutq, grafika, o'zbek alifbosi, imlo.

**Аннотация.** В этой статье анализируются проводимые реформы и актуальные вопросы по повышению имиджа узбекского языка как государственного.

**Ключевые слова:** государственный язык, официальные документы, язык, речь, графика, узбекский алфавит, орфография.

**Annotation**. This article analyzes the ongoing reforms and current issues to enhance the imge of the Uzbek language as the state language.

**Key words:** state language, official documents, language, speech, graphics, uzbek alphabet, orphography.

Milliy til har bir millatning millat sifatida ko'rsatadigan o'ziga xos belgisi hisoblanadi. Shuning uchun milliy tilga davlat tili maqomining berilishi uning xalq madaniy, ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy hayotidagi o'rni va mavqeini oshiruvchi muhim omil sanaladi. Binobarin, o'zbek tiliga davlat tili maqomining berilishi ham o'zbek xalqi va o'zbek tili uchun o'ta zaruriy ahamiyatga ega hodisadir. Keyingi yillarda mamlakatimizda davlat tilining jamiyatdagi o'rni va nufuzini yuksaltirish borasida qator farmon va qarorlar qabul qilindi. Ko'plab xayrli ishlar amalga oshirildi. Prezidentimizning 2019-yil 21-oktabrdagi "O'zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeini tubdan oshirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi Farmoni bu boradagi katta qadam bo'ldi. Ayni shu Farmonda mamlakatimiz ijtimoiy hayotining barcha sohalarida, jumladan, davlat boshqaruvi, zamonaviy innovatsion texnologiyalar, sanoat, bank-moliya tizimi, huquqshunoslik, diplomatiya, harbiy ish, tibbiyot va boshqa sohalarda davlat tilining imkoniyatlaridan to'liq foydalanish va to'g'ri foydalanishga erishish; ta'lim muassasalarida davlat tilini o'rgatish va uni bilish darajasini baholash tizimini yanada takomillashtirish, davlat tilining ilm-fan tili sifatidagi nufuzini oshirish; davlat tili sofligini saqlash, uni boyitib borish va aholining nutq madaniyatini oshirish"; davlat tili qoidalarining buzilishi bilan bog'liq holatlarni muntazam va har tomonlama o'rganish, ularni bartaraf etish chora-tadbirlarini ishlab chiqish [1] kabi qator vazifalar aniq belgilab berilgan.

Amalga oshirilgan ishlar va belgilangan chora-tadbirlarga qaramay, davlat tilining jamiyatdagi turli soha va tarmoqlarda qo'llanishida qator kamchilitklar mavjudligi bugun har bir tilshunos olimni o'ylantiradi. Bu muammolarning ildizi chuqur.

Bugungi kunda davlat tilining qo'llanishi bilan bog'liq kamchilik va muammolar turli ko'rinishlarda namoyon bo 'lmoqda. Jumladan:

1. Ayrim davlat va nodavlat idoralarida (ko'proq bank-moliya sohasida) hali ham ish yuritish, rasmiy hujjatlar tili sifatida rus tilidan foydalanilayotgani.
2. Ish yuritish o'zbek tilida olib borilayotgan davlat va nodavlat idoralari rasmiy hujjatlarida adabiy til imlo, uslubiy, grammatik me'yorlarining buzilishi holatlarining uchrashi.
3. Jamiyatdagi turli sohalarda lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosining to'liq amalga kiritilmaganiligi. Ikki yozuvlilik hukm surayotgani.
4. O'zbek tilini o'qitishga doir zamonaviy darslik va qo'llanmalarning etarli emasligi.
5. Bosma nashrlarda imlo va uslubiy xatolarning kuzatilayotgani.
6. Internet manbalarida imloviy va uslubiy xatolarning juda ko'p uchrashi.
7. Keng aholi qatlamining, shu jumladan, ziyoli qatlamning ham imloviy savodxonlik darajasi pastligi.
8. Tashqi yozuvlar, reklamalar matnida imloviy va uslubiy xatolarning ko'p uchrashi.
9. Tashqi yozuvlar, reklama matnlarining xorijiy tillarda yozilishi.
10. Noo'rin o'zlashmalarning til va nutqda barqarorlashayotgani.

11. Davlat va nodavlat muassasa, tashkilot, korxonalarning xorijiy tillarda nomlanishi.

12. Milliy mahsulotlarning xorijiy tillarda nomlanishi.

13. Davlat tilida olib boriladigan teleko'rsatuvlarning xorijiy tillarda nomlanishi, ayniqsa, mahalliy televideniyalarning turli ko‘rsatuvlarida adabiy til me’yorlariga amal qilmaslik kabi qator holatlar tilimizga yanada e’tiborli bo'lishimiz va yuqoridagi holatlarni bartaraf etish chora-tadbirlariga tizimli yondashuvni talab etadi.

Bugungi kunda noo'rin o'zlashmalarning til va nutqda barqarorlashayotgani tilimiz sofligiga putur etkazayotgan omillardan biridir. Mazkur o'zlashmalarning aksariyati internet orqali kirib kelayotgani sir emas va ularning lug'aviy ma’nosi, mazmunini ommaga to'liq tushunarli deb bo'lmaydi, vaholangki, bu so'zlar ommaviy axborot vositalarida va kundalik hayotda faol qo'llanmoqda. Bunday o'zlashmalar turli sohalarga oid:

1. Savdo sohasiga oid: brend, kroudsoursing, lozung, autsorsing, klaster, trend, market, supermarket, gipermarket, xop-shop va hokazo.

2. Bank-moliya tizimiga oid: overdraft, mikrokredit, makrokredit, konsalting va hokazo.

3. Ta’lim sohasiga oid: kompetentsiya, keys, monitoring, kreativlik, kognitiv faoliyat va hokazo.

4. Axborot texnologiyalari sohasiga oid: interfeys, onlayn, platforma, slayd, sayt, dizayn, prezentatsiya va hokazo.

5. Turli sohalarga oid: avtotyuning, bloger, logotip, neyming, tender, assotsiatsiya, sektor, sertifikat, modernizatsiyalash, liberallashtirish, resurs, model`, stereotip va hokazo.

Yuqoridagi kabi muammolar yechimini topish, davlat tilining jamiyat hayotidagi nufuzini yuksaltirish maqsadida qator ishlar amalga oshirilmoqda. Vazirlar Mahkamasi tomonidan 117-sonli qarorning qabul qilinishi, Vazirlar Mahkamasi huzurida Davlat tilini rivojlantirish departamentining tashkil etilishi bu boradagi asosiy qadamlardan bo'ldi.. “Davlat xizmatchilarining o'zbek adabiy tili me’yorlari, lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosi va imlosi, davlat tilida ish yuritish asoslari, rasmiy hujjatlar va ularni yozish bo'yicha amaliy bilimlari, ko'nikma va mahoratlarini uzluksiz oshirib borish mexanizmlarini joriy etish; aholining yozma va og'zaki savodxonligini oshirish, o'zbek adabiy tili meъyorlari, o'zbek tilining tuzilishi bo'yicha amaliy bilim va ko'nikma va mahoratini tizimli asosda oshirib borish bo'yicha ta’sirchan choralar ko'rish” maqsadida Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti huzurida Davlat tilida ish yuritish asoslari o'qitish va malaka oshirish markazi tashkil etildi. Mazkur markazning Qoraqalpog'iston Respublikasi hamda viloyatlardagi hududiy bo'linmalari ham o'z faoliyatlarini olib bormoqda. Mazkur markazlar aholiga orasida ham davlat tilini targ‘ib qilishni ham o‘z oldilariga maqsad qilib qo‘ygan va bu borada ham ma’lum bir ishlar amalga oshirilmoqda.

Ayni paytda, tilimizga bo'lgan e’tibor, o'zbek tilining turli sathlari tahliliga oid ilmiy izlanishlarning sifat va samaradorligini oshirish hukumatimiz tomonidan kun tartibiga qo'yilmoqda. “O'zbek tilining izohli lug'ati”, “Davlat tilida ish yuritish”, maktab yoshidagi bolalar uchun “O‘zbek tilining izohli lug‘atchasi” kitoblarining nashr etilishi bu boradagi eng ahamiyatli amaliy ishlardan bo'ldi. O'zbek tili imlosi, etimologiyasi, iboralari, maqol va matallari, fan-texnika, harbiy, bank, axborot

texnologiyalari, diplomatiya va shu kabi o'nlab sohalarga oid atamalarning mukammal lug'atlarini yaratish, minglab nusxalarda chop etish va aholi orasida targ'ib qilish davr talabiga aylanib bormoqda.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони.// lex.uz

2. Абдумажидов Ғ. "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида" ги Қонунига шарҳлар. – Тошкент, 2004.

3. SA Abdurahmanov, MB Askarova. HISTORICAL ANTHROPONYMIS OF THE UZBEK LANGUAGE (Based on Salohiddin Tashkendi's "Temurnoma")ISJ Theoretical & Applied Science,

4. Shavkatjon Ashurovich Abdurahmonov. THE ROLE OF GENDER FACTORS IN FORMATION OF PERSONALITY SPEECH. Published by Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology: Vol. 1: Iss. 3, Article 32. Available at: https://namdu.researchcommons.org/journal/vol1/iss3/322019 …182-186, 2019

5. Babaxanova, D. A., & Sobirova, M. Y. (2019). ABOUT THE HISTORY OF SPEECH CULTURE AND ART OF ORATORY. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (80), 275-277. Retrieved from: https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=dXYpKnsAAAAJ&authuser=2&citation_for_view=dXYpKnsAAAAJ:u5HHmVD_uO8C

6. Shavkatjon Abdurahmonov, Nozima Abdulbokievna Kozokova. EXPRESSION OF PRAGMATIC MEANING IN LEXICAL UNITS. International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. Year: 2021 Issue: 08 Volume: 100 https://e-library.namdu.uz

# SO'Z GUHARIGA ERUR ONCHA SHARAF

**Saydaxmedova Nigora Sulaymonovna**
**O'zbekiston, NamDU o'zbek adabiyotshunosligi kafedrasi o'qituvchisi, pedagogika fanlari falsafa doktori (PhD)**
**Tel: +998974688833 saydaxmedovanigora@gmail.com**
**Zokirova Mohidil Mirzohid qizi**
**O'zbekiston, NamDU o'zbek tili yo'nalishi IV bosqich talabasi**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada milliy tilni ulug'lash, qadrlash, so'z qudrati haqida fikr yuritilgan. Adabiy til va milliy tilning o'xshash va farqli tomonlari ko'rsatilgan. Milliy til va xalq shevalari solishtirilgan.

**Kalit so'zlar:** adabiy til, milliy til, xalq shevalari, davlat tili, so'z qudrati.

**Аннотация:** В данной статье размышляется о прославлении, ценении национального языка и силы слова. Показаны сходства и различия литературного языка и национального языка. Сравниваются национальный язык и диалекты.

**Ключевые слова:** литературный язык, национальный язык, народные диалекты, государственный язык, лексика.

**Abstract.** This article reflects on the glorification, appreciation of the national language and the power of speech. The similarities and differences between the literary language and the national language are shown. The national language and dialects are compared.

**Key words:** literary language, national language, folk dialects, state language, vocabulary.

Oʻzbek tili turkiy tillar oilasiga mansub boʻlib, u yer yuzidagi eng qadimiy va boy tillardan hisoblanadi. Bu tilning ildizlari eramizdan oldingi davrlarga borib taqaladi. Oʻzbek tilida olamga mashhur koʻplab ilmiy va badiiy asarlar yaratilgan. Bugun oʻzbek tili mustaqil Oʻzbekistonning davlat tili sifatida davlatimiz ramzlari qatorida e'zoz va ehtiromga sazovordir. Oʻzbek tilining taraqqiyoti yurt istiqloli tufayli benihoya jadallashdi. Tildagi oʻsish - oʻzgarishlarning xolis va birlamchi koʻzgusi uning lugʻat boyligidir, jamiyatdagi har qanday oʻzgarishlar, eng avvalo, aynan xuddi shu boylikda oʻz aksini topadi. Yurtimiz hayotida yuz berayotgan iqtisodiy, siyosiy, madaniy-ma'rifiy yangilanishlar tilimizning lugʻat boyligida namoyon boʻlmoqda, bunday oʻzgarishlar tilimizni yangi tushuncha va tasavvurlar bilan, ularni ifodalashga xizmat qiluvchi yangi soʻzlar bilan boyitib bormoqda.

Deniel Defoning mashhur "Robinzon Kruzoning sarguzashtlari" esingizdami? Avval u toʻtiqushga, keyin Jumaboyga gapirishni - tilni oʻrgatadi. Til orqali u Jumaboyning oilasi bilan tanishadi va bilganlarini tushuntirishga harakat qiladi. Asarga asoslangan filmda bir qiziq narsa bor: Robinzon Jumaboyga minglab til qoidalarini oʻrgatmaydi, u baribir oʻz shevasini oʻrganadi. Ha, til mavjudlikni anglash va ifoda etish vositasidir. Dunyoda millatlarni bir-birlaridan ona tili ajratib turadi, bu ularning oʻziga xosligini namoyish etadi. Ammo, hamma tillarda ham turli xil shevalar mavjud emas, ammo xalqimizning boy ma'naviy merosga ega boʻlishining yana bir omili - bu turkiy tilning uchta yirik irmogʻi-qarluq, qipchoq, oʻgʻuz shevalari, ularning barchasi bizning ona tilimiz. Bu oʻzbek xalqi turk ma'naviyatining qaymogʻini oʻzida mujassam etgan buyuk xalq ekanligidan dalolatdir. Olimlarning taxmin qilishicha, yer yuzida 5000 dan ortiq til mavjud. Bu tillar tarqalishi va ijtimoiy vazifalariga koʻra ham, fonetik, leksik va grammatik xususiyatlariga koʻra ham farq qiladi. [ Hamroyev, Ona tili. 2007: 59].

Ma'lumki, milliy tilda dialekt, ogʻzaki nutq, varvarlik, jargon, vulgarizm kabi guruh soʻzlari mavjud. Adabiy til - bu milliy tilning barcha til egalari uchun tushunarli boʻlgan, ma'lum qoidalarga boʻysunadigan, mutaxassislar tomonidan ishlab chiqilgan va doimiy ravishda takomillashib boradigan shakli. Shevaga xos soʻzlar faqat ma'lum darajada qoʻllaniladi va faqat ushbu mintaqaning vakillari tomonidan tushuniladi. Til borki ularning har biri oʻzining sobit sohibi, poydor posboniga ega. Zotan, oʻzini, oʻzligini qoʻrishni uddalay olmagan qavmning tili oʻzi bilan birga tarix qarida yoʻqlikka mahkum boʻlganki, bu tillar endilikda "oʻlik tillar" nomini olgan. [ Mahmudov N, Til dahosi. 2006. Ziyouz.com]

Adabiy tilning asosiy vazifasi millatni birlashtirishdir. Aslida, shunday. Shevaning unda oʻz oʻrni bor. Shu bilan birga, shevaning ham oʻz oʻrni va vazifasi borligini yodda tutish kerak. Turli vaziyatlarda, masalan, rasmiy murojaatlarda va turli xil yozuvlarda iboralar va talaffuz qoidalaridan foydalanish, hatto adabiy nutq madaniyatiga putur etkazishi mumkin. Bugungi kunda bu borada eng dolzarb muammolardan biri bu oʻquv jarayonining adabiy til me'yorlariga mos kelmasligi, eng muhimi, bu oʻquvchilarning adabiy nutqi va yozma savodxonligini shakllantirishga salbiy ta'sir koʻrsatishi. Hazrat, Alisher Navoiy ta'kidlaganidek, tilga beparvolik bu odamlarga, xalq ma'naviyatiga, avlodlar kelajagiga beparvolikdir. Shu ma'noda til va adabiyot oʻqituvchisi, avvalambor, mohir notiq, adabiyot olami me'yorlariga rioya qilishda oʻz shogirdlariga oʻrnak boʻlishi kerak. Bu, oʻz navbatida, bir nechta jihatlarni qamrab oladi. Nutqning kommunikativ sifati. Oʻqituvchining nutqi adabiy til

me'yorlariga mos ravishda shakllantirilishi kerak. Bunday nutq to'g'ri, aniq, mantiqiy, ifodali va boydir. Nutqning aniqligi uning asosiy kommunikativ sifatidir. Ushbu nutq tarkibidagi adabiy til leksikasi, fonetik, morfologik, sintaktik me'yorlarga to'liq mos kelish. Nutqning aniqligi - bu so'zning uning lisoniy ma'nosiga muvofiqligi. Bu uning leksik va semantik aniqligi bilan bog'liq. Sinonimiya, polisemiya va paronimika kabi hodisalar nutqning aniqligini ta'minlashda muhim rol o'ynaydi. Nutqning tozaligi. O'qituvchining nutqi adabiy til va axloq normalariga begona bo'lgan barcha elementlardan xoli bo'lishi kerak. Dialektal so'zlar va iboralarni ishlatish, dialektal talaffuz, noo'rin begona so'zlarni ishlatish, jargon, qo'pol so'zlar (noo'rin takrorlanadigan so'zlar) va, avvalo, "adabiyot". Bu borada o'qituvchi nutqining boyligi ham muhimdir. Demak, uning so'zlaridan sinfda o'rinli, samarali va oqilona foydalanish mumkin. Til – inson aqliy, ruhiy va amaliy faoliyatining quroli va harakatlantiruvchi kuchi, bu faoliyat natijasi sifatidagi tajribalarning jamlovchisi va saqlovchisi, kishilar o'rtasidagi, ajdod va avlod orasidagi bilim - u axborot "oldi – berdisi"ning timsolsiz ta'minlovchisi. U yo'qolsa, tamaddun tugaydi, u salomat bo'lmasa, millat sochilib ketadi. Shuning uchun esi o'zida xalq, erki o'zida davlat til muhofazasini muhtasham maqsad deb biladi, uni taraqqiy qildirish qayg'usini bir on unutmaydi. Mustaqil O'zbekiston davlati erkinlikning dastlabki yillaridanoq o'zbek tilining muhofazasi va taraqqiyoti uchun barcha qonuniy asoslarni yaratdi. O'ttiz yildann oshdiki, o'zbek tili davlat tili sifatida o'ttiz uch milliondan ortiq nufusning nufuzli tili maqomida rivoj topib bormoqda. O'zbek tili istiqlol bois misli ko'rilmagan taraqqiyot yo'lidan bormoqda, jamiyatimizning tubdan yangilanishi, ko'lamli islohotlar tilimizning yanada boyishiga omil bo'lmoqda. Shu bilan birga, dunyo miqyosida yuz berayotgan o'zgarishlarning ta'siridan ham tilimiz tashqarida emas, muayyan bir jamiyat yoki xalq doirasidagina emas, balki bugungi globallashuv zamonida jamiyatlar va xalqlar hayotida minglab yangidan yangi tushuncha-tasavvurlar paydo bo'lmoqda va ular hech qanday to'siqni pisand qilmay, sur'at bilan dunyoning turli burchaklariga yetib bormoqda. Dunyoning qaysi bir burchidagi til bo'lmasin, uning lug'at tarkibi mahalliy, mintaqaviy va global miqyoslardagi ana shunday turfa o'zgarishlarga muvofiq ravishda kengayib, muntazam o'zgarib bormoqda va bu, albatta, tabiiy bir holatdir. So'nggi paytlarda, olimlarning hisob-kitoblariga ko'ra, insoniyat tasarrufidagi bilimlar hajmi har o'n yilda ikki barobarga ortib bormoqda va bu holat ham til lug'at tarkibining jadal sur'atlar bilan boyib borishiga olib kelmoqda. Ma'lumki, tilning taraqqiyoti uning lug'at boyligida, bu boylikning ko'payishi, so'zlar ma'no tarkibining ko'lamdorlik kasb etishida, muayyan morfologik va sintaktik shakllarning rang- baranglashishi hamda me'yorlashishi kabi bir qancha jarayonlarda namoyon bo'ladi. Mir Alisher Navoiyning aksariyat asarlari, xususan, "Xamsa"dagi bir necha boblar so'z ta'rifiga bag'ishlangan. Ularni mutolaa qilar ekanmiz, so'zning qudrati, ta'sir kuchi, jilvasiga alohida urg'u berilganligiga guvoh bo'lamiz. Shoir, avvalo, hayot mohiyati hisoblangan to'rt unsur: suv, havo, olov, tuproqning ham, yetti qavat osmondagi yetti sayyoraning ham so'z tufayli vujudga kelganini ta'kidlaydi. Insonni hayvonot olamidan farqlovchi asosiy belgi ham so'z ekanligini aytadi:

*Insonni so'z ayladi judo hayvondin,*
*Bilkim, guhari sharifroq yo'q ondin. [Abdullayev, 2022:32].*

Shunday ekan, so'z gavharining sharofati shunchalar yuksakki, uning qarshisida eng qimmatbaho narsalar ham qadrsizlanadi:

*So'z guhariga erur oncha sharaf,*
*Kim bo'la olmas anga gavhar sadaf. [Abdullayev, 2022:57].*

Xullas, Alisher Navoiy asarlari bizni dunyoning eng sirli mo'jizasi hisoblangan so'zga ehtiyotkorlik va mas'uliyat bilan munosabatda bo'lishga, uni qadrlashga chorlaydi .

**Foydanalingan adabiyotlar:**

1. Hamroyev M, Muhamedova D, Shodmonqulova D, G'ulomova X, Yo'ldosheva Sh. Ona tili. – Toshkent: "Iqtisod-moliya" 2007.
2. Mahmudov N. Til dahosi. 2006. Ziyouz.com
3. Абдуллаев К. Ватан каби мангу Навоий, – Тошкент: "BOOKMANY PRINT" 2022.
4. Воҳидов Э. Сўз латофати. – Тошкент: "O'zbekiston" 2014.

## ДРАМАДА ҚАҲРАМОН СПЕЦИФИКАСИ

**Рустамова Ибодатхон Икрамовна,**
**Ўзбекистон, Фарғона давлат**
**университети ўқитувчиси, филология фанлари доктори**
**ibodatrustamovna@gmail.com**

**Annotatsiya.** Ушбу мақолада таниқли драматург Шароф Бошбековнинг "Темир хотин" дарамаси драматик қаҳрамон спецификаси аспектида таҳлил этилади.

**Kalit so'zlar:** drama, sahnad, qahramon, badiiy, talqin, mahorat, ma'naviyat.

**Abstract.** In this article, the famous dramatist Sharof Boshbekov's play "The Iron Woman" is analyzed in terms of the specifics of the dramatic character.

**Key words:** drama, stage, character, artistic, interpretation, skill, spirituality.

**Аннотация.** Бұл мақалада белгілі драматург Шароф Бошбековтың «Темір әйел» пьесасы драмалық кейіпкердің ерекшелігі тұрғысынан талданады.

**Түйінді сөздер**: драматургия, сахна, мінез, көркем, интерпретация, шеберлік, руханият.

Драмада қаҳрамон спецификаси, энг аввало, драма қаҳрамонининг коллектив сезимга эга эканлигида, яъни саҳнада фаолият кўрсатишида, мустақил ҳаракат қилишида, характерининг бўрттирилишида, Шунингдек, муаллиф ремаркаси ёрдамида унинг фаолияти юзага чиқишида кўринади.

Демак, хусусиятларига кўра ремаркаларни жой тасвири, ҳаракат тасвири, ҳолат тасвири, психологик тасвир кабиларга ажратиш мумкин.

Драма қаҳрамонининг специфик хусусиятидан яна бири муаллиф концепцияни ифодалашдаги унинг ўзига хослигидир. Яъни муаллиф концепцияси – драматик қаҳрамон муносабатларининг ўзига хос ифодаланишидир.

Насрий асарларда муаллиф ўз концепциясининг асар сюжетининг истаган ўрнида бериши, бош қаҳрамон образига муносабат билдириши, маъқуллаши, инкор қилиши, ёки таҳлил қилиши мумкин. Драматик тур бундай аралашишга муҳтож эмас. Худди Шу "муҳтож эмаслиги"дан драма қаҳрамонининг

муаллиф концепциясини ифодалашдаги ўзига хослиги келиб чиқади. “Юзаки қараганда, ҳикоячи тушунчаси аҳамиятсиз кўринса ҳам, бироқ бу тушунча фақат адабиёшунослик учунгина эмас, балки бадиий ижод учун ҳам зарурий тушунчадир.[ 1.266.] Шунингдек, “Ҳикоячи ўз навбатида асарнинг руҳий об-ҳавосини белгилайди”. [2.]

Драматургия жанрида ҳикоячи вазифасини ким бажаради, унинг драмадаги кўриниши қандай? Чунки муаллиф муносабати насрда кўпроқ муаллиф ҳикоячи нутқида берилади. Драмада умуман муаллиф нутқи иштирок этмайди. Шунинг учун муаллиф қарашлари драматургияда қисман муаллиф ремаркасида, бош қаҳрамон образида, иштирок этувчиларнинг нутқларида берилади. “Темир хотин” жиддий комедиясида муаллиф қараши биринчи навбатда бош қаҳрамон Қўчқорнинг нутқига сингдирилди. Драматик асарда кўпроқ муаллиф нияти бош ижобий қаҳрамон фаолиятига сингдирилиши маълум. Комик хусусиятлар етакчи бўлган бу драмада муаллиф қараши бош қаҳрамон Қўчқор, Олимтой образларида ифодаланади. Драматург халқ қалбининг туб-тубида турган армонларни Қўчқорнинг қуйидаги нутқида беради: “Олимжон: Ана Шунақа гапларни гапирманг-да, Қўчқор ака! Сиз биласизми, ё юқоридагилар биладими?! Гапингизни қаранг! Қўй қаёқда, ўзбек қаёқда?! Бу ерда гап халқнинг турмушини яхшилаш ҳақида боряпти. Ахир ўзингиз мундоқ бир қаранг, айниқса қишлоқларимиздаги турмуш даражаси ниҳоятда паст”.[3.170.] Олимжоннинг бу гапидан сўнг томошабин қишлоқ кишиларининг ҳаётини кўз олдига келтиради. “Сиз биласизми, ё юқоридагилар биладими?!” унинг бу риторик сўроқ гапидан биринчидан, фақат юқоридагилар билан ҳисоб-китоб қилиб кўрсатма билан иш қиладиган, мустақил бўлмаган, инсоний қиёфасини унутиш даражасига етган образнинг ички дунёси кашф этилса, иккинчидан, муаллифнинг пахтакорнинг аянчли турмушига бўлган киноясини ётади.

Муаллифнинг “дарди” кинояси Қўчқорнинг нутқида янада кескинлашади.“Қўчқор. (асабий) Паст дегин? Сенларнинг турмушларинг баланд-ми? Давлат ўқитди, одам қилди, олим деган номинг бор, кўтарда паст бўлса! “Пиринг - рес-мирингрес” қиласан бу ерга келиб олиб! Хотинларнинг қорнига осилгунча пахта терадиган машинани тўғрила”.[3.170.] Бу нутқ ҳақиқий пахтакорнинг - ўзбек деҳқонининг нутқи, бу талаб ўзбек пахтакорининг талаби эканлигини ҳис қиламиз. Қўчқор образи ҳақиқий ўзбек пахтакорининг тимсолидир. Айнан Шу нутқда муаллифнинг пахтакор ҳаётига, унинг турмуш тарзига бўлган муносабати ётади.

Гарчи муаллиф драмада бевосита иштирок этмаса ҳам, унинг кинояси, масхараси иштирокчиларнинг нутқларида тасвирланади. Олимтойнинг “Сиз биласизми, ё юқоридагилар биладими?” деган гапидан авваллари ҳамма нарса юқоридан белгиланганлиги, пахтакорнинг моддий ва маънавий аҳволи билан ҳеч кимнинг иши бўлмаганлигига ишора қилинади.

Яна Қўчқор: “Э, битта пахта терадиган машинани эллик йил ўйладими? Гоҳ рулини ўзгартирасанлар, гоҳ кабинасини, гоҳ ўтиргични, бўлди! Биз “янги машина келар экан” деб дўппимизни осмонга отиб юрамиз! Қарасак, ўша-ўша Ҳолхўжанинг таёғи!”. [ 3.170.] Бу нутқда меҳнаткаш инсоннинг ғазабкор сўзи янграйди. “Бўлди” сўзи унинг ичидан отилиб чиқади. Қуруқ ваъдалар, олди-

қочди гаплар, қуруқ мақтовлар бир лаҳзали на моддий, на маънавий аҳволини ўзгартирмаслигини билган Қўчқор Олимтойнинг баландпарвоз гапларини эшитишга ўзида куч тополмай, "Бўлди!" деб жеркиб беради. Ҳар қандай шароитга кўниб яшайдиган, "олим", "шаҳарлик" деган сўзларни ҳурмат билан тилга оладиган, уларга фариштадек қарайдиган муте, содда бош қаҳрамонда кутилмаганда исён бошланади. Бу инсоннинг турфа оламини кўрсатишдаги муаллифнинг муваффақияти эди. Муаллиф қарашларининг ифодаловчиси бўлган учинчи образ Аломат образидир. Туну кун меҳнат қилиб, бирор кун яхши ҳаёт кечирмаган меҳнаткаш инсоннинг аянчли ҳаётини фалсафий қарашларда муаллиф қуйидагича ифодалайди. Қўчқорнинг Олимтой билан бўлган суҳбатида, гарчи норозилик сезилса-да, ҳали у ўзининг бахцизлигини тўлиқ ҳис қилмаган эди. Аломатнинг қуйидаги нутқида Қўчқор ўзини англай бошлайди. "Аломат. Йиғлайсиз.. йиғлайсиз.. Чунки жуда эзилгансиз. Юрагингизга қил ҳам сиғмайди. Ич-ичингиздан бир нима тошиб келяпти. Ҳеч кимнинг раҳми келмайди, биров дардингизга шерик ҳам бўлмайди.. Ўз ёғингизга ўзингиз коврилиб яшайсиз. Афт-ангорингизга бир қаранг, қирққа кирган қирчиллама йигитсиз-у, кўрган одам сизни элликка кирган деб ўйлайди. Қуриб қақшаб боряпсиз.. Эсингизни танибсизки, тинмай меҳнат қиласиз: лекин ҳеч бирингиз икки бўлмайди. Рўзғор, бола-чақа ташвиш дейсиз, афсуски, бу ташвишларнинг чеки йўқ. Эрталабдан кечгача чумолидай ғимир-ғимир қиласиз-у, роҳатини кўрмайсиз". [3.199.] Аломат ички коллизион конфликтнинг ривожлантиришда катализаторлик вазифасини бажаради. Унинг ҳар бир гапида, ҳар бир сўзида Қўчқорнинг қалб тубида ётган армонлари бош кўтаради, муаллиф Шу йўл билан қаҳрамон руҳиятини кашф қилиш усулини топди. Аломатнинг ҳар бир гапида муаллифнинг киноясй, дарди, армонлари ётади. Яна муаллиф давом эттириб: "Ўзингизга бир ташқаридан қаранг, қайси замонда яшаяпсиз ўзи? Кимга ўхшайсиз? (эски кўрпачани кўрсатиб) "Пахтакорман" деб кўкрагингизга урасиз-у, кўрпангизга пахта тополмайсиз! [ .1.201.] Қўчқор учун бундан ортиқ азоб, бундан ортиқ давосиз дард йўқ. Умуман, пахтакорга меҳнат бору, аммо яхши кун йўғ" - деган муаллифнинг фалсафий қараши ётади. Муаллифнинг «пахтакор ҳаёти, пахтакор меҳнати, унинг дарду-армонларига нисбатан берган баҳоси ўз аксини топади. Қўчқор: Исмлари Аломат (Довдираб) Хўш, деганларингиздан билсак, оталари қазо қилиб кетганлар, тақсир.. Сариқ бўлганларда сариқ Биласиз-ку, қишлокда нима кўпсариқ кўп. Дўхтирга оборишса, жигарингиз қозон сочиқ бўп кетибди-ку, дейди, кейин тақсир қизил ўнгачлариям.. [3.182.] Драмада муаллиф концепциясини ифодалаш жараёнида жуда кўплаб муаммоли воқеаларнинг олиб киритилишига қарамай, драма кулгили ситуацияларга, комик завққа бойдир. Шунинг учун ҳаётнинг турли зиддиятларидан тўйган томошабин кулиш учун, ғамлардан қутулиш учун бу драмани қайта-қайта томоша қилади. Унинг асосий сабаби муаллиф томонидан Қўчқор характеридаги кулгили томонларнинг тасвирлаб берилишидадир. Қўчқор ўзгаларнинг саводсизлиги, ҳаётни тушунишмаслигидан ўзича кулади, аммо у ўзининг кемтик томонларидан кулади. Унинг маҳалла оқсоқоли ҳақидаги фикри:

Қўчқор. Ҳо-о, қарорни биларканларми? Ўзи саккизинчи синфда қолиб кетган! Чаласавод. Расми йўг экан, деб газит ўқимайди.

Юқорида берилган сўзлар томшабиннинг завқини оширади, айниқса, «расми йўг экан, деб газит ўқимайди» - жумласида гўзал комик хусусият ифодаланган. Шунингдек, маҳалла оқсоқолини фош этаётган Қўчқор, ўзининг ҳам қандай саводга эга эканлигини ошкора қилиб қўяди. Бу нарса “газит” сўзининг берилиши билан амалга оширилади. Яъни газета сўзининг ўрнига “газит” сўзини қўллаган бош қаҳрамоннинг саводи ҳақида ҳам ма`лумотга эга бўламиз. Айнан Шу муносабат кишиларда “ўзинг кимсану, кимнинг устидан куляпсан” - деган қараш билан завқ уйғотади.

Шундай қилиб, драматик қаҳрамоннинг ўзига хослиги шундаки, у ўзгаларнинг таъриф ва таснифи ва ўзини фош этиши, саҳнада ҳаракат қилиш билан ажралиб туради. Муаллиф иштирокини ҳазм этмаслиги унинг энг асосий хусусиятларидан бири саналади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Ўша китоб. 266-б.
2.Мелиев С. Ўғригина боланинг иззати, ёҳуд меҳр сеҳри. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1999. 26-феврал.
3.Ш.Бошбеков. Эшик қоққан ким бўлди? –Т., 1989. 163-б. Кейинги кўчирмалар, шу манбадан олинади

# O'XSHATISH PRAGMATIK VOSITA SIFATIDA

**Qazaqova Nozima Abdulboqiyevna**
**O‘zbekiston, Namangan davlat universiteti,**
**Filologiya fanlari bo’yicha falsafa doktori, dotsent**
**Tel: +998 99 811 28 81 e-mail:** nozimakozakova2@gmail.com

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada G'afur G'ulom asarlarida qo'llangan o'xshatishlarning badiiy matn emotsional-ekspressivligini oshirishdagi roli, so'zlovchi va tinglovchi o'rtasidagi ijobiy yoki salbiy munosabatlarni to'liq ochib berishdagi ahamiyati tahlil qilinadi. O'zbek tilidagi o'xshatishlarning muayyan shaxs nutqini individuallashtirishdagi pragmalingvistik xususiyatlari yoritiladi.

**Kalit so'zlar:** o'xshatish, pragmatika, nutqiy faoliyat, muallif intensiyasi, ijobiy baho, salbiy baho, sintaktik figura.

**Аннотация.** Бұл мақалада Ғафур Ғұлама шығармаларында қолданылған теңеулердің көркем мәтіннің эмоционалды-экспрессивтілігін арттырудағы рөлі, сөйлеуші мен тыңдаушы арасындағы жағымды немесе жағымсыз қарым-қатынасты жан-жақты ашудың маңыздылығы талданады. Өзбек тіліндегі теңеулердің белгілі бір тұлғаның сөзін даралаудағы прагмалингвистикалық ерекшеліктері атап көрсетілген.

**Түйін сөздер:** теңеу, прагматика, сөйлеу әрекеті, автор ниеті, оң бағалау, теріс бағалау, синтаксистік тұлға.

**Abstract.** This article analyzes the role of similes used in the works of Gafur Ghulam in increasing the emotional-expressiveness of the artistic text, the importance of fully revealing the positive or negative relationship between the speaker and the

listener. The pragmalinguistic features of similes in the Uzbek language in individualizing the speech of a certain person are highlighted.

**Key words:** simile, pragmatics, speech activity, author's intention, positive evaluation, negative evaluation, syntactic figure.

Badiiy tafakkurning eng qadimiy, sermahsul usullaridan biri o'xshatish hisoblanadi va sintaktik figuralar qatoriga kiradi. Chunki o'xshatish o'zi birikib, izohlab, to'ldirib kelgan birlik bilan birgalikda to'liq mazmun kasb etadi. So'nggi yillarda bu tipdagi vositalarning uslubiy, lingvopoetik va lingvokulturologik jihatlari tilshunoslarimiz e'tiborini tortdi [35-36] Bilish jarayonida qiyoslash va o'xshatish muhim mantiqiy amal hisoblanadi. Ikki yoki undan ortiq tushunchaning, voqea-hodisaning, belgi-xususiyatning, harakat va holatning o'zaro o'xshash yoki farqli jihatlarini aniqlash, ularni qiyoslash, taqqoslash insonning bilish faoliyatida keng kuzatiladi. Bu jarayon inson tafakkurining reallashuvi bo'lgan nutqiy faoliyatda yuzaga chiqadi. Voqelikni o'xshatish asosida ifodalash til egalari uchun kognitiv va psixologik tomondan umumiylikni hosil qilsa, pragmastilistik jihatdan muayyan shaxs ifoda usulining o'ziga xosligini namoyon qiladi. O'xshatishlar o'ziga xos obrazli tafakkur tarzining mahsuli sifatida yuzaga kelar ekan, ijodkorning badiiy tasvir maqsadiga muvofiq ravishda yaratilgan o'xshatishlar o'zining kutilmaganligi, oxorliligi bilan muayyan holat, xususiyat yoki predmetlar haqida yorqin taassurot uyg'otadi. She'riy asarlarda yaratilgan o'xshatishlar badiiy bo'yoqdorligi bilan ajralib, ijobiy yoki salbiy bahoni bo'rttirib ifodalasa, nasriy asarlarda nutqning jonliligi, tasvirning aniqligini ta'minlaydi.

G'afur G'ulom asarlarida tilimizda odatiy qo'llanuvchi o'xshatishlarni ham uchratamiz. Jumladan, *danak topgan tentakdek quvonish, ishtahaning namozshomgulday ochilishi, it quvlagan tulkiday* o'xshatishlari tilimizda bugungi kunda ham faol qo'llanadi. Xususiy-muallif o'xshatishlari esa yozuvchining o'z nigohi, kuzatuvchanligi, badiiy taxayyuli, analogiya quvvati asosida xalq tilidan foydalangan holda yaratgan o'xshatishlaridir. Bunday o'xshatishlarda originallik, obrazlilik va ekspressivlik hamisha yorqin ifodalangan bo'ladi. Xususiy-muallif o'xshatishlarini badiiy matnni shunchaki bezovchi, go'zallashtiruvchi vosita sifatidagina qarash to'g'ri bo'lmaydi. Mahoratli yozuvchi bunday o'xshatishlarga badiiy-estetik ehtiyoj zaruriyati bilan murojaat qiladi. Shundan kelib chiqqan holda o'xshatishlar o'ziga xos semantik va pragmatik funksiyani bajaradi. Chunki har qanday o'xshatish muallif ichki niyatiga asoslangan holda maqsadli qo'llanadi. Quyida o'xshatishlarni muallif intentsiyasi bilan bog'lagan holda tahlil qilib o'tamiz. Ma'lumki, o'xshatishlar tasavvur qilish qiyin bo'lgan, mavhum tushunchalarni aniq ifodalash, shaxs, narsa, hodisa, holat, belgi-xususiyat, harakatning eng ahamiyatli jihatlarini o'quvchi ko'z o'ngida yaqqol gavdalantirishda muhim vositadir. Masalan: *Uzoqdan qaragan kishiga qorong'idagi mushukning bir ko'ziga o'xshab yiltirab ko'rinadi ("Shum bola").*

Ifodaning subyektiv modal aspektiga aloqador baho bildiruvchi vositalar pragmalingvistikaning asosiy o'rganish obyektlaridan biri ekanligini yuqorida ham aytib o'tgan edik. Olamni bilish jarayonida baholash kategoriyasining ahamiyati katta. O'xshatish va qiyoslash jarayonida ham baho kategoriyasi asosiy shakllantiruvchi vositalardan bo'lib, shaxs sub'ektiv munosabat va baho asosida o'xshatish etalonini tanlaydi. Har bir xalqning o'ziga xos o'xshatishlari bor. Tilimizda ramziy obrazlar

orqali yaratilgan o'xshatishlar talaygina. Jumladan, *tulkiday ayyor, qo'yday (qo'zichoqday) yuvosh, musichaday beozor* kabi. Xalqona o'xshatishlarning aksariyati jonivor va qushlar, o'simliklar obrazlari bilan bog'liq. Badiiy matnlarda ham shu turdagi o'xshatishlar keng uchraydi. Masalan: *Yana o'sha mustahab qilmagan, yog' bosgan basharalar, uzun-uzun rastalarning do'konchalarida gazcho'p ushlab, xaridor kutgan yalqov boyvachchalar, charvi yegan mushukdek ko'zi yaltiroq xannotlar, oqsoq laylakning soyasiday arang-arang sudraluvchi bir to'da tilanchilar ("Shum bola").*

O'xshatishlar ijobiy baho munosabatini ifodalashda faol vositalardandir. Masalan: *Ich-ichimdan Hindistonga bora olish havasi buloqday qaynab toshar edi ("Shum bola"). Patlarining rang-barangligi Oysha chevarning ish qutisidagi ipaklarday tovlanar edi ("Shum bola").* Buloq va ipak etalonlari, odatda, ijobiy ma'no qirralariga ega bo'ladi. Salbiy baho munosabatini ifodalashda shaxsga oid belgi, xususiyat, holat va harakatlarni jonsiz predmetlarga o'xshatishdan ham tilda samarali foydalaniladi: *Agar u badbaxt imildoq xotin o't yoqishda davom etaversa, tandirda kabobday jizg'inak bo'lar edim. ("Shum bola") Nimasi yetishmaydi, fuqarosi bo'lsa, xom go'shtday itoatli, mirshabu paliskalar qilichday ("SHum bola"). Keyin siltab-siltab tortib nog'ora bozorning oqovadan botqoqlangan ko'chasiga bir qop dondek irg'itib yubordilar ("Shum bola").* Mazkur o'xshatishlarning barchasi xususiy-muallif o'xshatishlari bo'lib, belgi va holatni aniq va badiiy ifodalashga xizmat qilmoqda. Bosh qahramon nutqida qo'llangan bu o'xshatishlar zamirida nafaqat uning, balki muallifning yashirin munosabati ham seziladi. *Xom go'shtday itoatli, bir qop dondek* o'xshatishlarining insonlarga nisbatan qo'llanishi asar voqealari tasvirlangan davrda inson qadr-qimmati shu darajada pasayganiga ishora deyish mumkin. Tilimizda salbiy baho hosil qilish uchun parranda va jonivorlar etalonidan foydalanish keng kuzatiladi: *Mast bo'lgan tuyadek og'izlaridan ko'piklar sochib, jazzavai tom bilan talqin aytib kelar edilar ("Shum bola").* Tuya etaloni boshqa o'rinda ham ishlatilgan: *Domla esa bir necha tom narida harsillab-gursillab, quturgan nor tuyaday ko'pirib quvlab kelar edi. ("Shum bola").* Tuya etaloni tilimizda baland, katta ma'nolarida hajm jihatdan bo'rttirib tasvirlash uchun tuyaday bo'y, tuyaday ayb kabi birikmalarda, harakat o'xshashligini obrazli tasvirlash uchun tuyaday lo'killamoq, tuyaday o'kirmoq birikmalarida qo'llanadi.

G'afur G'ulom yuqoridagi o'xshatishda an'anaviylikka o'zgarish kiritib, g'azablanish darajasining kuchliligini, domlaning o'ta darg'azab holatini aniq tasvirlaydi, quturgan, nor so'zlari bu ma'noni yana-da kuchaytiradi, tuya etalonidan foydalanish asar bosh qahramonining domlaga nisbatan vaziyatdan kelib chiqqan salbiy munosabatini ta'sirli ifodalaydi. Domladan qochib borayotgan shum bolaning holati *tulki quvlagan tovuqday* o'xshatishi bilan tasvirlanadi. Aslida tilimizda qochish harakatiga nisbatan *it quvlagan soqovday* o'xshatishi qo'llanadi. Lekin muallif qahramonning tomma-tom sakrab yugurishini aniq va kulgili tasvirlash maqsadida *tulki quvlagan tovuqday* o'xshatishidan foydalanadi. Mana shu epizod davomida yana bir nechta o'xshatishlarni kuzatamiz: *Haytovur, domla ishtonbog'ini mahkam bog'lamagani uchun chopish vaqtida oyog'iga tushib kishan bo'lib, paypoqdor tovuqday kalovlab qoldi-da, men qochib qutuldim ("Shum bola").* Yozuvchi shum bola tilidan boshqa qahramon holatiga nisbatan yuqoridagi o'xshatishni qo'llash orqali yumoristik kayfiyat hosil qiladi. O'quvchi uchun kutilmagan, individual o'xshatish ta'sir samaradorligini oshiradi.

Shaxsga va uning harakatlariga nisbatan jonivorlar bilan bog'liq o'xshatishlarni qo'llash kulgi hosil qilishda yetakchi vositalardandir. "Shum bola" qissasida o'ndan ortiq ana shunday o'xshatishlarni kuzatdik. Masalan: *...Mosh yegan xo'rozday qizil yuzlaridan "nur yog'ilib" turgan hast eshon tamannolik bilan yerni "Minnatdor bo'lsang, bosaman", deb chiqib keldilar ("Shum bola")*. Mazkur misollarda tovuq, xo'roz obrazlari kishida yumoristik kayfiyat uyg'otadi va salbiy bahoni bo'rttirib ko'rsatadi. Bunday o'xshatish tashqi o'xshashlik, harakat o'xshashligi asosida yuzaga keladi. Aslida esa so'zlashuv nutqida xo'roz so'zi mard, tanti ma'nolarini ifodalaydi. O'zbek tilida ko'zni ijobiy yoki salbiy ma'noni bo'rttirish, badiiylikni ta'minlash maqsadida turli predmet va jonivorlarga qiyoslash ko'p kuzatiladi. Jumladan, ijobiy baho ifodalash uchun ohu, jayron, yulduz, munchoq tashbehlari qo'llansa, salbiy munosabatni ko'rsatish uchun piyola, kosa, o'ra, bit (so'zlashuvda) o'xshatishlari qo'llanadi. G'afur G'ulom nasriy asarlarida ham ko'z bilan bog'liq bir nechta o'xshatishlar mavjud. Masalan: *Uning ko'zlari changdan paxsa devorga munchoq qadaganday yiltirar edi ("Shum bola"). Madmisaning hangu mangligi yana oshib, ...ko'zlari bir juft g'ayin olxo'riday qinlaridan chiqib ketayozdi ("Kim aybdor").* Ko'zni g'ayin olxo'riga o'xshatish "Shum bola" qissasida ham kuzatiladi: *Tepamda xalta ko'ylakli, bir qo'li bilan istibro kesagini ushlagan, har ko'zi g'ayni olxo'ridek qinidan chiqib ketgan domla pochcham turar edi ("Shum bola"). Chumchuq* so'zi shaxslarga, jonivorlarga nisbatan ijobiy yoki salbiy munosabatni ifodalash uchun qo'llanadi. Ba'zan salbiy munosabat va baho ifodalash uchun kichkina ma'nosida ishlatiladi: *"Chumchuqday joni bilan bularga sipohigarchilikni kim qo'ygan ekan, izzat-obro' bo'lsa qildim, birov ovqat yeyayotganda qarab turish yaxshi emas", deb chiqib ham ketdim ("Shum bola").* Iltijo qilish, zorlanish, kuyunib gapirish ma'nosida chumchuqday chirqillamoq birikmasi tarkibida keladi. G'afur G'ulom odatdagi qo'llanishdan farqli tarzda ona chumchuqday birikmasini qo'llab, chumchuq so'ziga mehribonlik, g'amxo'rlik konnotativ ma'nolarini yuklaydi: *Qatorda eng so'nggi bo'lib ona chumchuqday qora buvim yotadilar ("Mening o'g'rigina bolam").* O'xshatishlarning muayyan qismi badiiylikni oshirish maqsadida qo'llanadi. Matn subyektini o'xshatish asosida ifodalash natijasida o'quvchi ongida yangi va noreal ob'ekt haqidagi tasavvur paydo bo'ladi. Bunday matnlarda yangi ifodalar yuzaga kelib, lingvokreativlik hodisasi namoyon bo'ladi. Masalan: *Uning umrlari allaqaysi menga qorong'i o'tmish yillarning shox-butoqlarida olma tergan qizlarning etaklariday ilinib qolgan ("Yodgor").*

Qahramonlar tashqi ko'rinishini tasvirlashda o'xshatish faol qo'llanadi. Bunda o'xshatish ko'pincha yuz qismidagi a'zolarga nisbatan ishlatiladi: *Qalandarlardan oldinda otliq mo'ylovlari arqon tishlagan itday, katta qilichi otning belidan pastga tushib turgan bir gorodovoy qamchi o'ynatib, qalandarlarga yo'l bo'shattirib kelar edi ("Shum bola"). Tepamizda saman otga mingan, moshkichiri soqolli, burni xuddi paxtalik to'nga qadalgan tugmaday ichga botib ketgan puchuq bir kishi qamchi o'ynatib, siyosat qilar edi ("Shum bola").*

G'afur G'ulom nasriy asarlarida muayyan harakat yoki holatdagi predmetlarga nisbatan o'xshatishlarni qo'llash ko'p kuzatiladi. Bunda harakat yoki holat sifatdosh yoki sifatdosh oboroti, harakat nomi orqali ifodalanishi mumkin. Masalan: *Zirapchani nina bilan olganday, jinning gapi jinniga ma'qul tushib, odamlarni yurishdan to'xtatdi ("Shum bola")* Holatni o'xshatish: *Bu ishimiz xuddi qorong'i kechada qora*

*palos ustidan chumolining qora ko'zini qidirishday qiyin ko'chgan edi («SHum bola») Qolgan besh qo'yni qidirish quduqqa tushgan nozik munchoqni qidirish bilan baravar edi ("Shum bola").*

Jonli narsani jonsiz narsaga o'xshatish natijasida tasvirlanayotgan nutq obyekti va unga xos bo'lgan biror harakat yoki holat bo'rttiriladi: *Jon bermoqchi bo'lgan hayvon eng so'nggi nafasda ma'rab qolmoqchi bo'ldimi, ichidan butun o'pkaning siqilib yoyilishidan paydo bo'lgan hansirash bilan katta hammomning dudbo'roniday pishqirib yubordi ("Shum bola"). Qulog'imga xumga tushgan arining ovoziday g'o'ng'ir-g'o'ng'ir gapirishlari eshitilar edi ("Shum bola").* Tilda o'z-o'zini baholash munosabati nutq egasining o'ziga obyektiv yoki subyektiv yondashuvi asosida hosil bo'ladi. Bunday munosabatning hosil bo'lishida nutq vaziyati, kontekst, shaxs va uning xususiyatlari kabi pragmatik omillar muhim o'rin tutadi. Inson o'zining imkoniyatlari, muvaffaqiyatlari yoki ruhiy kechinmalari kabilarni tasavvurida tiklaganda o'ziga obyektiv baho beradi. Ammo ba'zan inson manfaatlari ustunlik qilgan holatlarda baho subyektiv tus olishi ham mumkin. Bunday vaqtlarda inson o'ziga ortiqcha baho berib yuboradi. Ob'ektiv bahoning sub'ektivlashuviga ba'zan nutqiy vaziyat, shaxslar o'rtasidagi o'zaro munosabatlar ham ta'sir ko'rsatadi. Ifodalanayotgan bahoda emotsional, modal va illokutiv belgilar kuzatilsa, bahoning subyektivligi kuchayadi. "Shum bola" qissasida qo'llangan o'xshatishlarning bir qismi asosiy qahramonning ruhiy holati va o'z-o'ziga tanqidiy munosabatini yaqqolroq, lekin asardagi yumoristik kayfiyatni pasaytirmasdan ifodalashga xizmat qiladi. Jumladan, bosh qahramon o'z og'zini, tishi va jag'ini jodiga, qo'lini tama kapgiriga, beqaror sayoqligini simobga, ilojsiz holatda qolgan o'zi va Omonning holatini dard tekkan yaproqqa o'xshatadi: *Darbadarlikdan, o'zimning simobday beqaror sayoqligimdan juda o'kinar edim ("Shum bola"). Onam sho'rlikning beva-kambag'al ro'zg'origa jodiday jag' bilan borishim o'zimga ham o'ng'aysiz... ("Shum bola"). Og'zim, jag'im, tishim jodidek, istagan xashakni qirqib chiqarishga yaraydi ("Shum bola"). Yer sovuq, oyog'imni objuvozning poyko'piday birisini olib, birisini qo'ymoqdaman ("Shum bola"). Qo'l qorin hukmi bilan ba'zida eng past kishilarga tama kapgiriday cho'ziladi ("Shum bola")*

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, G'afur G'ulom nasriy asarlarida o'xshatishlarning o'ziga xos o'rni mavjud. O'xshatish badiiy tafakkur mahsuli sifatida muallifning ichki maqsadini obrazli va ta'sirchan ifodalash quroli sanaladi. Bu sintaktik figura baho munosabatini aks ettirish, belgi-xususiyatlarni kuchaytirib ko'rsatishi bilan pragmatika uchun ahamiyatli.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Yo'ldoshev M. Badiiy matn va uning lingvopoetik tahlili asoslari. – Toshkent: Fan, 2007. – B 99.
2. Yo'ldoshev M. CHo'lponning badiiy til mahorati ("Kecha va kunduz" romani misolida): Fil.fan.nomz.dissertatsiyasi. – Toshkent, 2000. – B. 103
3. Mahmudov N., Xudoyberganova D.O'zbek tili o'xshatishlarining izohli lug'ati. – Toshkent: Ma'naviyat, 2013. – B. 228 82
4. Siddiq Mo'min. Muloqot mezoni. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2004. B. 35-36.
5. Xudoyberganova D. Matnning antropotsentrik tadqiqi. − Toshkent: Akademnashr, 2013. B. 56.

**Muallifning boshqa asarlari:**

6. Nozima Kozakova. Main Concepts in Pragma Linguistic Analysis of Literary Text (In the Examples of Gafur Gulyam's Works) International Journal of Science and Research (IJSR)

ISSN: 2319-7064 ResearchGate Impact Factor (2018): 0.28 | SJIF (2018): 426https://www.ijsr.net/archive/v8i5/ART20197904.pdf
7. Badiiy matn pragmatikasi (G’afur G’ulom nasriy asarlari misolida) / Monografiya https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=LxG3sGAAAAAJ&citation_for_view=LxG3sGAAAAAJ:IjCSPb-OGe4C

# НУР МАНБАЛАРИНИНГ РАУФ ПАРФИ ЛИРИК ОЛАМИДАГИ ИФОДАСИ

**Абдурахмонов Абилжон Абдусаматович**
**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**
**abdurahmonov1970@mail.ru +998916664670**

**Аннотация.**Ушбу мақолада нур манбалари бўлган қуёш ва юлдузнинг Рауф Парфи ижодидаги бадиий-эстетик талқини масаласи тадқиқ этилади. Рауф Парфи замонавий ўзбек лирикасида қуёш ва юлдузнинг бадиий фалсафий ечимини ифода этувчи мантиқий асосини таъминлашига салмоқли ҳисса қўша олганлиги шеърий мисоллари исботланади.

**Калит сўзлар:** нур, нур. манбалари, қуёш, юлдуз, бадиий ифода, бадиий талқин, поэтик ғоя, лирик асар, лирик қаҳрамон, образ.

**Аннотация.** Bu makale, Rauf Parfi'nin eserlerinde ışık kaynağı olan güneş ve yıldızın sanatsal ve estetik yorumu konusunu incelemektedir. Rauf Parfi'nin şiirsel örnekleri, onun modern Özbek güftelerinde güneş ve yıldızın sanatsal ve felsefi çözümünü ifade eden mantıksal temeli sağlamada önemli bir katkı yapabildiğini kanıtlamaktadır.

**Түйінді сөздер:**: ışık, ışık kaynakları, güneş, yıldız, sanatsal ifade, sanatsal yorum, şiirsel fikir, lirik eser, lirik karakter, imge.

**Abstract.**This article examines the issue of the artistic and aesthetic interpretation of the sun and star, which are sources of light, in the works of Rauf Parfi. Rauf Parfi's poetic examples prove that he was able to make a significant contribution to providing the logical basis that expresses the artistic and philosophical solution of the sun and star in modern Uzbek lyrics.

**Key words:** light, light sources, sun, star, artistic expression, artistic interpretation, poetic idea, lyrical work, lyrical character, image.

Нурнинг бадиий ифодаси Рауф Парфи ижодида ўзига хос талқинга эга бўлиб, шоирнинг бадиий-эстетик қарашларини юзага чиқарувчи муҳим восита сифатида намоён бўлади.

Маълумки, нурнинг лирик асардаги бадиий талқинланишини икки кўриниши мавжуд: 1) нурнинг билвосита бадиий талқинланиши (адолат, маърифат, муҳаббат, меҳр каби абстракт образ сифатида); 2) нурнинг бевосита бадиий талқинланиши (қуёш, ой, юлдуз кабиларнинг конкрет образлари кўринишида).

Лирик асарда нур бевосита муайян субъект тимсолида намоён бўладики, бунда у ўзининг бирламчи – ёритиш вазифасини бажаргани ҳолда ўз субъектив хусусиятидан келиб чиқиб объектив, ғоявий-эстетик вазифаларни бажаришга

йўналтирилади. Яъни, нурнинг функцияси лирик субъект – нур манбаи бўлган образда мужассамлашади. Бунга лирик асарларда қўлланадиган нур манбалари бўлган кўплаб осмон ва ер ёритгичлари образларини келтиришимиз мумкин. Осмон ёритгичлари қуёш, ой, юлдуз, чақмоқ, ёғду кабилар бўлса, ер ёритгичлари сифатида бевосита инсон қўли билан яратилган нур манбалари чироқ, шам, фонус, машъал, маёқ, гулхан кабиларни келтириш мумкин.

Нур манбаи сифатида ушбу "ёритгич"лар "мавқеидан келиб чиққан ҳолда" поэтик талқинда лирик макондаги ўзига топширилган "ролни ижро этади". Аммо унга параллел равишда лирик асардаги нурнинг билвосита иштироки ҳам аҳамиятини йўқотмайди, албатта. Улкан қуёш образи тимсолида қудрати ошган, учқунда эса ожизлашган нур кучининг даражасидан ижодий мақсадга мос образ хусусияти поэтик мақсаднинг ғоявий-эстетик аҳамиятини ёритиб беради.[1.26]

Нур, яъни ёруғлик манбалари – осмон ёритгичлари бўлмиш *қуёш, юлдуз* кабиларга инсонлар ҳаётий эҳтиёжларининг қондирувчиси сифатидаги муносабатлар қадимги миф ва ривоятлардан бадиий адабиётга қадар шаклланиб келган. Уларга муносабат қай даражадаги нур манбаи эканлигига боғлиқ ҳолда муайян даврнинг ижтимоий-эстетик қарашлари табиатидан келиб содир бўлган. Шеъриятдаги бадиий талқинига эга муносабат тадрижийлиги билан характерланади.

Маълумки, қуёш – нур манбаларидан асосийси ҳисобланади. Ердаги ҳаётнинг мавжудлиги бевосита у билан боғлиқлиги туфайли тирикликнинг бош ҳомийси сифатида инсоният тараққиётининг илк даврлариданоқ мифологик, эътиқодий қарашларда талқин этила бошлаган. [1.27]

Рауф Парфи ижодида ҳам қуёш бадиий ғоя ифодасидаги муҳим воситалардан бири сифатида қуйидаги жиҳатларни акс эттиради:

а) Рауф Парфи қуёшнинг замонавий ўзбек адабиётидаги қамров ва функциясини кенгайтирди. Бу ҳодиса даврнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжи ва талаби сифатида шаклланди;

б) Қуёшнинг замонавий ўзбек адабиёти шаклланганига қадар бўлган маънавий жиҳатларидан кўра моддий жиҳатлари асосида поэтик ғояни ифодалаш сезиларли фаоллашишига сезиларли таъсир кўрсатди;

с) Қуёшнинг бадиий талқинини эътиқодий моҳиятдан ижтимоий-сиёсий моҳият касб этиш кўринишида акс эттирди;

д) Дастлаб фақатгина ягона – диний моҳиятнигина ўзида ифодаловчи образ бўлган қуёш Рауф Парфи ижодида Чўлпон ва Усмон Носирдан кейинги даврда яққолроқ акс этиб, реал ҳаётий воқеликдаги реал кишиларнинг эҳтиёжларини ўзида акс эттирувчи ҳалоскорлик манбаи кўринишидаги талқинга учради.

Рауф Парфи шеъриятида жамият ижтимоий онгида маънавий муносабатларнинг миллийлик ва эрк руҳиятида шаклланиши асосан қуёшнинг бадиий ифодасида акс этди. Рауф Парфи ижодидаги қуёш аср бошидагидек ботаётган эмас (Чўлпон, Усмон Носир шеъриятидагидек), чиқаётган қуёш эканлиги билан ғоявий-эстетик жиҳатдан тубдан фарқланди:

*Уйғонар Туркистон,*
*Уйғонар дунё,*
*Порлоқ умидларга тўлиб кун чиқар.* [2.14]
*(Р.Парфи. "Уйғон Туркистон...")*

Қуёшга лирик қаҳрамоннинг ички олами билан ташқи олам ўртасидаги воситачилик вазифаси юкланди. Қуёш инсонга хос образлаштирилди:

*Қуёш кулар, кулар ҳаёт.* [2.24]
*(Р.Парфи."Борми, баҳорим...")*,
*Кечки қуёш турмаклар сочин,*
*Жозибали бўлар эртага!*[2.12]
*(Р. Парфи. "Кундуз ўйга чўмар...")*,

Қуёш асосий нур манбаи сифатида зулматга қарши курашувчи образида ифодаланди:

*Лов-лов ёнаётир қуёш – ул нажот,*
*Осмон чорлаётир, чорлар юксак тоғ.*[2.63]
*(Р.Парфи."Муҳаббат")*

Шундай қилиб, Рауф Парфи замонавий ўзбек шеъриятидаги қуёш табиий (коинот) нури ҳамда маърифий (руҳий) нур манбаи сифатида ижтимоий-маънавий масалаларни, индивидуал-психологик муносабатларни акс эттиришда образ, тимсол шаклида бутун шеърий мотивни шакллантиришга хизмат қилди.

Юлдуз ҳам табиий нур манбаларидан сифатида лирик асарларда муайян бадиий-эстетик функция бажаради. Юлдуз нур манбаи бўлса-да заминни ёритишга қодир эмаслиги унга муносабатда ҳам ўз ифодасини топган. Жажжигина ойнинг бажарган беминнат хизматини, аслида қанчалар улкан бўлмасинлар, юлдузлар бажара олмаслигига асосланиб лирик муносабат шаклланган.[1.45] Рауф Парфи ижодида юлдузнинг қуйидаги жиҳатларни ифодалаши фаол учрайди:

а) танҳоликдаги лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, кечинмаларини ифодалайди;

б) йироқдаги орзу, умид тимсолида акс этиб, шоир қарашларининг ғоявий-эстетик хусусиятларини очиб беришда асосий омил бўлади;

с) лирик қаҳрамон ўзлигининг ифодаси.

Юлдуз образ сифатида лирик қаҳрамоннинг тун аро ёлғизликда, танҳоликдаги руҳий ҳолати, кечинмаларини ифодалайди.

Кўринадики, юлдуз йироқдаги орзу, умид тимсолида акс этиб, шоир қарашларининг ғоявий-эстетик хусусиятларини очиб беришда асосий омил бўлиб келган.

XX аср охирлари замонавий ўзбек лирикасида, аниқроғи айнан Рауф Парфи ижодида анъана сифатида қайта кўриниш олди:

*Қара, қандоқ порлоқ эрур кўк,*
*Тингла, қўшиқ айтар юлдузлар.*
*Бу – тўккан шуъла эмас, йўқ,*
*Бу – навога айланган сўзлар.* [3.74]
*(Р.Парфи. "Саболарда ўйнайди наво")*

Ёки:

*Бахт сингари олис юлдузлар гўё*
*Азал гўзалликнинг шаъмини ёқар.* [2.22]
*(Р.Парфи. "Уйғонар Туркистон...")*

Маълум бўладики, қандайдир руҳий далда илинжида лирик қаҳрамон айнан юлдузга эътибор қаратади. Гарчи, қанчалар олисда бўлмасин, унинг

шуъласига муҳтожлик замирида лирик маконнинг ижтимоий-маънавий манзарасидан дарак берувчи восита бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, руҳий параллеллик юлдуз образига йўналтирилиб, бадиий ғоя динамикасини ҳаракатга келтириши кузатилади:

*Юр, юлдузим.*
*Юлдуз санаймиз.*
*Юр, шу ёниқ ўтларга қараб.* [2.105]
*(Р.Парфи."Юлдузлар бунча беҳисоб")*

Яна:

*Юлдузларга сени топширдим*
*Юлдузларнинг раҳми келади.* [2.81]
*(Р. Парфи. "Мана заҳар...")*

Ёки:

*Юлдузларнинг нурлари оғрир*
*Кўзларимга кириб санчилиб.* [2.124]
*(Р.Парфи. "Осмон шу қадар тоза...")*

Мисоллардаги юлдузнинг "ёниқ ўтлиги", "раҳми келиши" ҳамда лирик қаҳрамоннинг ҳаётида изтиробларни кўравериб тўлган кўзига санчилиб "нурларининг оғриши" чуқур драматик манзарани ошкор этишга хизмат қилади.

Юлдуз образи жонлантирилиб, лирик қаҳрамон руҳий ҳолатига пейзаж параллел қўйилади:

*Туманларда бир юлдуз мунча ғамгин турар.* [2.25]
*(Р.Парфи."Ойдинлик")*

Рауф Парфи шеъриятида юлдузнинг қуйидаги вазифалари фаоллиги кузатилади:

1) **лирик қаҳрамон ўзлигининг кўринишида**:

Абадий коинот бирла қоламан,
Ўлсам чирқирайди овозим танда.
Энг ёрқин юлдузни узиб оламан. [2.127]
(Р.Парфи. "Зангори оғочман..."),

Яна:

Юлдузларнинг аччиқ нурларига чирмашар,
Фалакка термулиб қолган кўзларинг. [2.122]
(Р.Парфи."Тонг саҳардан ўлтирибсан")

Ёки:

Юлдузларни тугма каби юлсалар. [2.175]
(Р.Парфи. "Микаланжело севгиси")

2) турли ўхшатишлардаги **бадиий ечим сифатида**:

Ул юлдуз, ойларнинг сўзин ўқирдим. [2.77]
(Р.Парфи."Йўловчи").

Демак, Рауф Парфи лирикасида юлдузнинг бадиий талқини кескин ижтимоий-сиёсий муҳитдаги ижодкорларнинг этишолмаган орзу, амалга ошмаган ғоявий ниятларининг рамзий инъикоси сифатида давр шеъриятида намоён бўлди. Лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатига юлдуз образ сифатида жонлантириш, ўхшатиш воситаларида параллел қўйилди. Юлдуз пассив нур

манбаи бўлгани сабабли уни лирик қаҳрамон интилишларида маёқ вазифасидагина кузатишимиз мумкин бўлади.

Шундай қилиб, Рауф Парфи замонавий ўзбек лирикасида нур манбаларининг шахс ва жамият масалаларини ўзлик ҳамда мафкура фонида бадиий фалсафий ечимини ифода этувчи мантиқий асосини таъминлашига салмоқли ҳисса қўша олди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдурахмонов А. Нур ва сурур. Монография. – Фарғона, 2022.
2. Рауф Парфи. Сўнгги видо. – Т.: Миллий кутубхона нашр, 2006.
3. Рауф Парфи. Сакина. Сайланма. –Т.: Муҳаррир, 2013.

## ТАРИХИЙ РОМАНЛАРДА ПОРТРЕТНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК ФУНКЦИЯСИ

**Орипова Гулноза Муродиловна,**
**филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),**
**Ўзбекистон, Фарғона давлат университети**
**Тел: +99 890 300-68-02 e-mail**: gulnoza_oripova81@mail.ru

**Мирзажонова Гулбаҳор Алишер қизи**
**1-курс магистранти**
**Ўзбекистон, Фарғона давлат университети**
**Тел: +998 93 971 69 61 e-mail** gulimirzajonova20@gmail.com

**Abstract:** In the article, the artistic-aesthetic function and importance of the portrait in the composition of the historical novel is studied on the example of the novel "Bibikhanim" by Shahodat Isakhanova. The writer's ability to create portraits is illuminated by the image of historical figures.

**Keywords.** plot elements, compositional tools, image, portrait types, historical fact, historical novel

**Аннотация:** Мақалада тарихи роман композициясындағы портреттің көркемдік-эстетикалық қызметі мен маңызы Шаходат Исахалованың «Бибіханым» романы мысалында зерттеледі. Жазушының портрет жасау қабілетін тарихи тұлғалардың бейнесі нұрландырады.

**Негізгі сөздер**. сюжеттік элементтер, композициялық құралдар, образ, портрет түрлері, тарихи дерек, тарихи роман

Бадиий адабиётдаги бадиий портрет тасвирий санъатдаги портрет жанри билан ўхшаш бўлиб, тасвирий санъатда портрет турғун тушунча, у ўзгаришга учрамайди, аммо унинг тасвиридан кўрувчи, завқланувчилар ўзининг тафаккури доирасида баҳо беради. Бадиий портрет ўзгарувчан характерга эга, хусусан, воқеалар давомида замонлар оша, даврлар оша турли кўринишда гавдалана олади бу эса ёзувчининг ўзига хос маҳоратидан дарак беради.Тасвирий санъатда портрет мустақил жанр бўлиб, унинг мақсади моделнинг хусусиятларини

кўрсатишдир. Тасирий санъатда, портрет – тирик юзнинг пластик шаклларда, чизиқлар ва рангларда такрорланиши ва шу билан бирга унинг ғоявий-бадиий талқини ҳисобланади. Портрет жанри – тасвирий санъатда энг мураккаб жанр ҳисобланиб, французча "портраит" – "чизиқ ёки чегарани акс эттирмоқ", лотинча персона – "шахс, киши" сўзларидан олинган бўлиб, кишиларнинг чеҳрасини худди ўзига ўхшатиб тасвирлаш деган маънони англатади. Портрет жонли тарзда кўзнинг жозибасини, юзга тушаётган соя ва нурлар фарқини, ранглар жилвасини, инсонларнинг ички оламини, харакатини кўрсатишга қодирдир. Бундан ташқари портретда колорит ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Қадимий Рус тасвирий санъатида XVIII-XIX асрларда портрет жанри бир оқимда эмас, балки бир неча тармоқларда амалга оширилиб боради. Хусусиятларини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

- нусха кўчириш - портрет асл нусхага фақат ташқи кўринишда ўхшайди ("ҳарфий" тасвир);

- тасвир - портрет учун ҳақиқий шахснинг юзи қўлланилади ва рассомнинг ўзи унинг образини яратади (қадимги Рим саркардаси, подшоси тимсолидаги шахс);

- яхши портрет нафақат ташқи кўринишни, балки ички дунёни ҳам кўрсатади, модель билан ҳиссий жиҳатдан ўхшаш бўлиши керак (яъни, портрет мавжуд бўлганда, одамнинг ўзи борлиги сезилади), бунинг учун рассом оғиши мумкин.

Тасвирий санъатда "Портрет нафақат шахснинг индивидуаллигини, балки муаллифнинг бадиий шахсининг индивидуаллигини ҳам ифодалайди. Мусаввир моделнинг ташқи кўринишига ўрганиб қолади, бунинг натижасида у инсон индивидуаллигининг руҳий моҳиятини тушунади. Натижада актёр ва унинг роли ўртасидаги каби янги бирлик пайдо бўлади. Ушбу синтез туфайли портретдаги модель гўё тирикдек кўринади."

Портрет муаллифи, қоида тариқасида, тасвирланаётган шахснинг ташқи ва ички хусусиятларини бефарқ қайд этувчиси эмас: рассомнинг моделга шахсий муносабати, ўз дунёқараши, ижодий услуби асарда кўринадиган из қолдиради. Николай Эвреиновнинг таъкидлашича, маданиятсиз халқлар орасида портретга нисбатан хурофий хурофот мавжуд. Тирик жон одам бўялган тасвирга айланади; лекин, аслида, портрет рассомининг руҳи унинг бир лаҳзалик, дақиқалик ёки соатлик тажрибасида забт этилади.

Бадиий асар бўлаклари ва унсурлари, деталлари ва тафсилотлари, тасвир воситалари муаллиф ниятига мувофиқ тарзда киритилади. Асар таркибидаги сужетдан ташқари унсурлар, композицион воситалар асар қисмлари манзараларини бир-бирига боғлаш, асар мазмунини кенгроқ ёритишга ва муаллиф ниятини тўлақонли акс эттиришга хизмат қилади. Бадиий адабиётнинг асосий предмети инсон тасвири, шу билан биргаликда инсон тасвири бадиий адабиётда бош ва марказий вазифани ташкил қилади. "Адабий асарда ҳар ким ўзини, ўзига ўхшаш ёки ўзининг зидди бўлган бошқа инсонни кўради. Инсон тасвири адабиётнинг фақат маърифий ва тарбиявий аҳамиятини тайин этмасдан, балки уни бой эстетик ҳис манбайига айлантиради".

Ижодкор бадиий асарга қаҳрамонларни олиб кирар экан, уларнинг ташқи қиёфалари, феъл-атворлари, қилиқ ва одатларини ёритиб ўтади. Бу китобхон кўз

ўнгида қаҳрамоннинг тасаввурий сувратини чизишга ва шу орқали асар мазмунини янада чуқурроқ ҳис қилишга, бадиий асардан эстетик завқ олишга кўмаклашади. Ўқувчи тасаввурида инсон образини тўлақонли жонлантиришда бадиий портрет муҳим аҳамиятга эга. “Кишиларнинг асарда бадиий сўз воситасида чизилган ташқи қиёфаси портрет деб аталади. Портретга яна қаҳрамоннинг гап оҳанги, ўзига хос қилиқлари ва турли руҳий ҳолатлар муносабати билан унинг юзида бўладиган ўзгаришлар ҳам киради”.

Маҳоратли ёзувчи Шаҳодат Исахонова “Бибихоним” романида қаҳрамонлар портретини чизиш орқали китобхонни ўша давр руҳиятига олиб киришга эришади. “Пир Муҳаммад Мирзо феълда ҳам, келбатда ҳам отаси Жаҳонгир Мирзога тортган эди. Бўйлари баланд, йелкалари кенг, паҳлавонлардай қорувли шаҳзоданинг қарашлари жиддий, ўзи камгап эди. Фикрларини жуда қисқа ва аниқ баён этарди. У болалигиданоқ бобоси билан ҳарбий юришларда биргалиги боис, жиҳоднинг барча қонун-қоидаларини пухта эгаллаган, ҳатто энг майда икир-чикирларгача назаридан қочирмасди”.

Тарихий романларда муаллиф тарихий ҳақиқатдан чекинмаслиги, тарихни бузиб кўрсатмаслиги ва китобхонга тарихий шарт-шароит, вазиятни тўғри англата олиши жуда муҳимдир. Романда муаллиф Амир Темур ва шаҳзодалар ўртасидаги зиддият муносабатларини ёритар, соҳибқироннинг тахт вориси танлаш масаласидаги қарашларини очиқлар экан шаҳзодаларнинг портрети орқали китобхонни улуғ амир билан ҳамфикрликка чорлайди:”Болаликдан серҳаракат, ҳар нарсага қизиқувчан, тарбиячиларининг қулоғини қоқиб қўлига берадиган серсавол толиб саналган шаҳзода ўйинқароқлиги учун табиий фанлардан илми мукаммал бўлмай қолган эди. Унинг кейинги йиллардаги ҳарбий салоҳияти соҳибқироннинг кўнгли тўлар даражада эмасди. У жанг-у жадалларни негадир ёқтирмай қолган, базм-у жамшидларнинг ҳадисини олган шаҳзоданинг сарсон-саргардонликда кечадиган таҳликали ҳаётга тоб-тоқати йўқ эди.” Асарни ўқир эканмиз кўз ўнгимизда Мироншоҳ Мирзо гавдаланади. Кўриниши кўркам, завқи баланд, ҳазил-аскияга ўч, таъсирчан, тез қарор бериб, тез қайтувчи шаҳзодадаги бу ҳислатларни кетказишга аткаси Арслон Барлос нечоғлик уринмасин бари бефойда. Ҳукмдор бўлгач давлат ишларига аралашиб, кераксиз нарсалардан ўзини тияр деган хаёлга борган Амир Темур унга баъзи вилоятларни бошқариш ҳуқуқини беради. Аммо “Ўзи хон – кўланкаси майдон” бўлган шаҳзода кўнглига келган ишларни қилар, ҳатто хизматкорлари билан бирга майхўрлик қилар, бир хизматкорни бир кечада беклик даражасига кўтаргани ҳақидаги хабар соҳибқиронни ҳам қулоғига етиб ундан қаттиқ ранжийди. Муаллиф барча шаҳзодаларнинг, амр ва бекларнинг портретлари орқали даврни, соҳибқирон салтанатидаги ички муҳитни ёритади, ҳар бир қаҳрамонга алоҳида тўхталиб унинг ички дунёсини очиш орқали давлат ва жамиятдаги ўрнини кўрсатишга ҳаракат қилади. Масалан: “...амир Худойдот Ҳусайний суяги жангларда қотганлиги учун дийдаси қаттиқ, ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган, фойдасиз ишларга ҳеч қачон бош қўшмайдиган одам эди. У бирор улушсиз иш қилса ётиб уйқуси келмасди. Бунинг устига жанжалкаш, йўқ жанжални ҳам пулга сотиб оладиганлар хилидан эди. Соҳибқирон ва шаҳзодалардан бошқа ҳеч кимни мирламас димоғидан қурт ёғиларди. Унинг ана шу феъли ҳозирги мушкул вазият учун жуда қўл келарди. Чунки амир ва

бекларнинг кўпчилиги ундан қўрқар, ҳайиқмаганлари ҳам у билан ўчакишдан фойда йўқлигини, қайтага бошларини бирор балога дучор қилиши мумкинлигини ўйлаб, тирлашишдан ўзларини тийишар эди." Юқоридаги портрет тасвиридан ҳам кўриниб турибдики, ёзувчи асар қаҳрамонларининг феъл-хусусиятлари орқали уларнинг жамиятдаги ўрни ва бошқа шахслар билан алоқа-муносабатини давлатдаги, шунинг баробарида асардаги ушбу персонажнинг аҳамиятини кўрсатиб ўтмоқда. Маълумки, бадиий асарда портретнинг функцияси хилма-хилдир. Портрет ёзувчининг шахсий услуби ва ниятига мувофиқ ҳолда турли даражада келтирилиши мумкин, яъни ёзувчи баъзан персонажларнинг ташқи қиёфасини кенг ёритади ва бу орқали унинг руҳий дунёсини ҳам очиб беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳар қандай бадиий асар образлар воситасида ёритилади, портрет эса образ яратишнинг муҳим шартидир. Зеро образ ҳақидаги илк тасаввурни берувчи муҳим композицион унсур портрет ҳисобланади. "Бибихоним" романида келтирилган образларнинг портретлари ёзувчининг бетакрор услубий маҳоратидан дарак беради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Қуронов Д., Мамажонова З.,Шералиева М.Адабиётшунослик луғати.–Т: Akademnashr, 2010.
2. Ш.Исахонова. Бибихоним. – Тошкент: Kamalak-Press, 2014. 7-bet
3. Izzat Sulton. Adabiyot nazariyasi. – Toshkent: O'qituvchi, 2005. 102-bet
4. Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011.
5. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: Bookmany print, 2022

# Х.ДЎСТМУҲАММАДНИНГ "БОЗОР" РОМАНИДА УЧЛИК ТИМСОЛИНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК КОНЦЕПЦИЯСИ

**Ходжаев Сидиқ Ахмедович,**
**филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**
**Ўзбекистон, Фарғона давлат университети**
**Тел: +99893 976-75-77 e-mail: xodjayev_sidik60@mail.ru**

**Abstract.** The artistic-aesthetic function of the triad in literary literature is illuminated based on the analysis of the novel "Bazar" by Khurshid Dostmuhammad. The principle of the Trinity is based on the fact that an artistic work is an important element that ensures the unity of form and content.

**Key words**: trinity, symbol, form and content, important element, image, character.

**Аннотация**. Әдеби әдебиеттегі триаданың көркемдік-эстетикалық қызметі Хуршид Достмұхаммедтің «Базар» романын талдау негізінде жарық көреді. Үштік қағидасы көркем шығарманың форма мен мазмұнның бірлігін қамтамасыз ететін маңызды элемент екендігіне негізделген.

**Түйін сөздер**: үштік, таңба, пішін және мазмұн, маңызды элемент, бейне, кейіпкер.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида ўзбек адабиётида бозор ва у билан боғлиқ учлик тимсоллари фаоллашди. "Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида яшаётган инсон тафаккурида бойликка эришиш истаги ҳал қилувчи ўрин тутади. Бу ҳодиса бадиий адабиёт олдига ҳам муҳим вазифалар қўймоқда. Энг аввало, қаҳрамон концепциясини янгилаш талаб этиларди. Шу пайтгача яратилган персонажлардан фарқли ўлароқ, энди бозор муносабати шароитида шаклланаётган одамлар характерини яратиш зарур эди". Натижада, XX аср охири XXI аср бошларида адабиётимизда шу мавзуга оид бир қатор асарлар пайдо бўлди.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг XX аср охирларида бозор фонида яратилган "Бозор" романида ҳам турли мавзудаги учликларни кузатиш мумкин. Масалан, романда ёзувчининг ижодий тизими учун тўлиқлик, уйғунлик, англов учлиги муҳим ўрин тутади ва бадиий камолот калити бўлиб хизмат қилади, нутқнинг уч шаклини: ташқи ҳаракат ифодасини ички нутқни ва персонаж нутқини ажратиб кўрсатиш мумкин, асарнинг бош қаҳрамони Фозилжонни уйламоқчи бўлган уч аёл, авлодлар учлиги, отаси Қосимбекнинг ишга бўлган муносабатидаги учлик, бош қаҳрамоннинг дўсти Бахтиш эзманинг инсон табиати билан боғлиқ фикрларидаги учлик, Фозилбекнинг оила қуриш ҳақидаги мулоҳазасидаги уч тамойил каби учликлар кўзга ташланади. Қизиғи, уларнинг барчаси сюжет линиясидаги иштирок билан персонаж ёки асар моҳиятини очишга у ёки бу даражада хизмат қилиб, муаллиф бадиий-эстетик концепциясини ифодалайди. "Бозор" романи – мотивлар романи бўлиб, улар асарнинг бадиий мазмунини ташкил қилади.

"Бозор"даги мотивлар ўзаро боғлиқ бўлиб, аниқ мақсадга йўналтирилган фалсафий ва бадиий тизимга эга. Романдаги мотивлар тизимида икки даражани кузатиш мумкин. Биринчиси, предмет мотивлари бўлиб, уларда "бозор мотиви", "ножинс мотиви", "инсофийлар мотиви" кабилар асосий ҳисобланади. Иккинчи, олий даражани фалсафий мотивлар ташкил қилади. Бу ерда "ғайритабиийлик мотиви" ва "кураш мотиви" марказий ҳисобланади. "Бозор" романидаги мотивлар таҳлилига "бозор мотиви"ни мисол қилиб олиш мумкин. У "бирламчи – оқибат – хулоса" фалсафий учлигининг биринчи бўғинига тааллуқли. Ундаги рамзий маъно бозорнинг табиий хусусиятларидан олинган: бозорда нималардир ўзгармоқда, одамлар лоқайд бўлиб бормоқда, шу сабаб бозор жамият руҳининг рамзи сифатида берилган. Масалан, асар қаҳрамони Фозилбекнинг онаси вафотида ўзини айбдор деб билиши ва шунинг учун "муносибига" уйланиш ҳақидаги фикрларидан кейин уч аёл – онаси, опаси ва кеннойисининг қистовини олиб кўрайлик. Онаси вафот этгач, отаси қайта уйланган, Фозилбек вояга етган пайтда эса ўгай онаси(Умри она, кичик она) қизи ва келини билан биргаликда Фозилбекни уйлаш мақсадида "пухта ўйланган режа бўйича иш кўришиб,... розилигини олмоқчи бўлишади.

...Икки йилдан ошди – дам кичик онаси, дам кеннойиси, дам опалари бири олиб-бири қўйиб уни уйлантириш ҳаракатига тушган, қаерлардандир муносиб қиз топишади, бирров бориб кўриб келса ва "маъқул" деса вассалом – олам

гулистонлигини айтиб ҳоли-жонига қўйишмайди. Фозилбекнинг ҳар сафар кўрган қизларини "менга муносиб эмас" деган сўзлар билан рад этиши, яқинларини ўйлантира бошлайди, турли хаёлларга етаклайди. Аслида Фозилбекнинг орзуси эса ўзига муносиб ёр, умр йўлдошини топиш, дунёдан "бўлганича бўлди" тарзида яшаб ўтмаслик эди.

Фозилбекнинг бундай муносабати оила, жамият ҳақидаги фикрлари, тушунча ва қарашларининг ифодаланишига хизмат қилиб, унинг характери моҳиятини очиб беради. Ўз навбатида, бу мулоҳазалар сюжет линиясида алоҳида ҳалқа вазифасини бажаради. Зеро,"характерларда ҳам, воқеалар таркибида ҳам доимо зарур ёки эҳтимолликни излаш керак, яъни кимдир қайсидир гапни, ё ишни зарурият туфайли, ёки эҳтимол тутилганидай гапирсин, ё бажарсин ҳамда қандайдир воқеа бошқа воқеа туфайли зарурият тақозоси билан ёхуд эҳтимол тутилганидай содир бўлсин", деган тамойил ана шу ерда юз кўрсатади". Чунки Фозилбекнинг уйланиш масаласини ортга суришида, отаси, ўгай онаси ва опасининг уни уйлашга қатъий киришишида мазкур персонажларнинг характер қирралари намоён бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ушбу романда авлодлар учлигини ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, биринчи ўринда, Фозилбекнинг отаси Қосимбек оқсоқол қирқ йилдан ортиқроқ бозорбошилик қилгани, иккинчи ўринда, Валийбек бобосининг умри тўнфурушлик, мўйнафурушлик билан ўтгани ҳақида ҳам бадиий информация берилади. Учинчи жойда эса Валийбек бободан ҳам катта бобоси Қадимбекнинг асрни қаритган умри савдо карвонида кечгани таъкидланган.

Ўзидан катта уч авлод пул ҳасратида яшаган бўлса, Фозилбек улардан фарқли равишда, акаси Диёрбек тили билан айтганда "пулбезори, девона одам бўлади". Фозилбек: "Дунёнинг осойишталиги учун пулга ҳирс қўйганлар кўпроқ керакми ёки пулдан безор бўлганларми – бу савдога қозилик қилиш маҳол..."

Фозилбек фикрича, "бозор – одамларнинг асл башарасини кундай равшан кўриш мумкин бўлган энг қулай жой".

Қосимбек оқсоқол уч ойда уч марта уйига қамалиб олиб ҳеч ким билан гаплашмади, фақат ўй сурди. У анчадан бери бозорда, жамиятда бўлаётган салбий ўзгаришларни ички бир туйғу билан сезган, лекин унинг ечимини топа олмаган. "Бозорга нотўғри муносабатда бўлиб, уни тирикчиликнинг воситаси эмас, балки тирикликнинг олий мақсадига айлантириш алалоқибат инсоннинг қабрига айланиши мумкин".

Фозилбекнинг бозор ҳақидаги фикри эса қуйидагича: "Бозор – қутурган йўлбарс, шафқат билмайди, қанча одам бўлса барини ғажиб ташлайди".

Фозилбекнинг дўсти Ғуломжон: "... 1.пулни ўпинг, 2.пулни севинг, 3.пулни ардоқланг. Пулни, пулни-и!.. Пул магарки, ҳақиқатга дош берсангиз, айтай, пул – худога айланди!..", деб ўзининг пулга бўлган муносабатини билдиради.

Учлик тимсоли асосида табиий фалокат ва ижтимоий ҳалокат омилларини талқин қилиш жаҳон адабиётида кўплаб учрайди. Бундан ўзбек адабиёти ҳам мустасно эмас.

Фозилбекнинг Қадрия билан суҳбатда айтгани: "Бу дунёда белгисиз ҳеч бир нарса йўқ. Осмони-фалакда юз берадиган талотўпни ерда ҳаммадан бурун сезади. Сичқон ер остидан қочиб чиқиб, ўзини одамлар орасига уради".

Юқоридаги парчалардан маълум бўлишича, одамларнинг аксарияти пул, бойлик касалига дучор бўлган, пул худога айланган пайтда маънавиятга путур етиб, жамият ҳалокат ёқасига келади, ножинслар, яъни сичқону каламушлар кўпаяди.

Бозордаги деярли ташландиқ бўлиб қолган қироатхонада ҳақиқатни, қадриятларни ҳимоячи қилувчи уч аёл(буларни ҳам Фозилбек каби инсофийлар қаторига қўшиш мумкин) бор. Замон ҳақида фикр юритган, уч аёлдан бири бўлган Қадрия Ножинс ўлмаса керак, деган хулосага келади. Шу ўринда француз ёзувчиси А. де Сент-Экзюперининг “Кичкина шаҳзода” эртаги қаҳрамони ҳар куни бажарадиган иши, яъни сайёрасини баобаблардан тозалаб туришини ёдга олишни эслаш жоиз. Шаҳзоданинг айтишича, агар ўз вақтида баобаб(Ножинслар)лардан тозалаб турилмаса, улар бутун сайёрани эгаллаб, уни нобуд қилиши мумкин экан. Яъни “одам ўғриси, мол ўғриси оддий ҳодисага айланган, оддий одамлар тугул, бозор эгалари ҳам сичқонга, зиғирдек Ножинсга бас келолмаган, бутун бозор бир бўғоз бияни неча ўн кунлаб ҳандақдан халос эта олмаган, ҳар киши алангаи оташ бўлиб гулханга айланаётганини ҳам сезмай, сезгани қўй пўстинига ўралиб бўлса-да, олди-сотдисини канда қилмаган,қайтмас сафарга равона бўлган марҳумни тупроққа қўймай сарсон қилган, маҳбуслари ҳибсхонадан гурра-гурра қочган, ошини ошаб-ёшини яшаган кампирларини туғишга мажбур қилган ...одамларнинг жамики сиру синоатини, астар-аврасини ағдар-тўнтар қилиб фош этиб ташлаган бозор жодуси жунбушга кирган, тимдаги ножинс болалаган” замонда, гарчи бу пайтда кам сонли бўлса-да, уларга қарши курашадиган Инсофийлар майдонга чиқади. Асарнинг бутун мазмун-моҳияти, фалсафаси, ғояси шу парчада берилгандек.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, замонавий адабиётда учлик тимсоли рамзий, мажозий маъно ташиш функциясини бажаради ва адиблар бадиий асар яратишда учлик тамойилини образларнинг бадиий-эстетик вазифаси ва ўзаро муносабатини инобатга олган ҳолда, учлик тамойилининг бадиий асар шакл ва мазмун бирлигини таъминловчи муҳим унсур сифатида қўллашади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Солижонов Й. Адабиёт хиёбони. – Фарғона: “Фарғона”, 2020. – 324 бет.
2. Хуршид Дўстмуҳаммад. Бозор. – Тошкент: “Шарқ”. 2000. – 191 бет.
3. Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 31-32 бетлар
4. Ҳамдам, Улуғбек. Жаҳон адабиёти: модернизм ва постмодернизм. – Т.: “Akademnashr”, 2020. – 288 бет.
5. Дўстмуҳаммад, Хуршид. Донишманд Сизиф. – Тошкент:Ўзбекистон, 2016. – 240 бет.

## O‘ZBEK TILIDA VATAN KONSEPTINING IFODALANISHI

**Ahmedova Nargiza Shixnazarovna,**
**Oriental universiteti dotsenti, filologiya fanlari nomzodi**
**ashnargiza@gmail.com**

**Annotatsiya**. O‘zbek tilida vatan konsepti milliy-madaniy xususiyatga egaligi, faol qo‘llanishi, leksik, paremiologik, sintaktik ifodalovchi birliklar orqali voqelanishi

bilan ajralib turadi. Vatan konsepti diniy, ma'rifiy, ma'naviy, ijtimoiy-siyosiy tushunchalarning asosi hisoblanadi.

**Kalit so'zlar:** antroposentrik tilshunoslik, kognitiv tilshunoslik, konsept, assotsiatsiya, assotsiativ maydon, leksik birliklar, sintaktik birliklar.

**Аннотация.** Өзбек тілінде otan ұғымы ұлттық-мәдени сипатымен, белсенді қолданылуымен, лексикалық, паремиологиялық, синтаксистік экспрессивтік бірліктер арқылы жүзеге асуымен ерекшеленеді. Отан ұғымы діни, тәрбиелік, рухани, қоғамдық-саяси ұғымдардың негізі болып табылады.

**Түйін сөздер:** антропоцентристік лингвистика, когнитивтік лингвистика, концепт, ассоциация, ассоциативтік өріс, лексикалық бірліктер, синтаксистік бірліктер.

**Abstract.** In the Uzbek language, the concept of the homeland is distinguished by its national-cultural character, its active use, and its realization through lexical, paremiological, and syntactic expressive units. The concept of the homeland is the basis of religious, educational, spiritual, socio-political concepts.

**Key words:** anthropocentric linguistics, cognitive linguistics, concept, association, associative field, lexical units, syntactic units.

Kognitiv tilshunoslik tilni madaniy hodisa sifatida o'rganadigan, insonning bilim va tajriba ko'nikmasiga tayangan holda ish yuritadigan fandir. Bilim olish va saqlash, uni amalda qo'llash hamda uzatish manbai va nihoyat uni shakllantiruvchi vosita bo'lgan til tizimi – kognitiv tahlil obyekti hisoblanadi.

Dunyoni ko'rishni olam haqidagi bilimga ega bo'lish deb ham qarash mumkin. Uning asosida bilish jarayonidagi individuallik va ijtimoiylik yotadi. Til tizimi bilish jarayoni talablarini bajaradi. Dunyoning konseptual manzaralari turli ijtimoiy guruhlar, turli yoshdagi guruhlarda turlicha kechishi kuzatiladi. Bundan tashqari, kishilar har xil tillarda so'zlashishlariga qaramasdan, dunyoni ko'rishning bir-biriga yaqin konseptlariga ega bo'lishlari ham mumkin. Ikkinchi tomondan, bir tilda so'zlashuvchi odamlarda ham konseptlar turli darajalarda bo'lishi mumkin. Xullas, dunyoni ko'rishning konsepti umuminsoniy, milliy va individual xususiyatlarning aloqadorligida namoyon bo'ladi.

Konsept muammosi antropotsentrik paradigmaning markaziy muammolaridan biri hisoblanadi. Konsept atamasi tilshunoslik tadqiqotlarida XX asrning birinchi yarmidan paydo bo'la boshladi. Bu termin o'zbek tilshunoslari N.Mahmudov, Sh.Safarov hamda A.Mamatov kabi olimlar tomonidan izohlangan[1, 3-16].

Konsept inson ongida yashaydi va ehtimollar doirasidagi tushunchalarga ishora beribgina qolmasdan insoniyatning tarixiy, ijtimoiy, ilmiy tajribasini namoyon etadi. Konseptlarni aniqlashda ma'lum bir madaniyatga mansub bo'lgan tayanch so'zlar inobatga olinadi.

Ma'lumki, konsept – mavhum tushuncha. Uni bevosita kuzatish mumkin emas. Insonning kognitiv faoliyati bilan bog'liq bo'lgan bu hodisani uning tildagi korrelyatlari orqali aniqlash mumkin[2,70].

Vatan konsepti til egalari lisoniy zaxirasida yuqoridagi ma'nolarni ifodalagan holda assotsiativ tarzda gavdalanadigan, millat bilan bog'liq tarzda qadimdan mavjud bo'lgan, nafaqat mutafakkirlar, ijodkorlar, balki xalq tomonidan e'zozlanadigan, qadriyat darajasida ulug'lanadigan, turmush darajasiga singib ketgan konseptdir.

Vatan leksemasiga "O'zbek tilining izohli lug'ati"da quyidagicha ta'rif berilgan: Vatan *[arabcha* - tug'ilib o'sgan joy, yurt] **1** Kishining tug'ilib o'sgan o'lkasi, shahri yoki qishlog'i; yurt, diyor; **2** Kishi tug'ilib o'sgan va o'zini uning fuqarosi hisoblagan mamlakat; ona yurt; **3** Turarjoy, boshpana, maskan, uy; **4** O'simlik va sh. k. larning asli kelib chiqqan yerini bildiradi; vatan qilmoq – yashash joyi qilib o'rnashmoq.

O'zbek tilida vatan konseptiga ishora qiluvchi leksik, paremiologik, sintaktik vositalar mavjud bo'lib, ular o'zbek muloqot jarayonida faol qo'llanadi. Vatan tuyg'usi, vatanparvarlik, vatanga xizmat qilish, uni himoya qilish kabi holatlar o'zbek millati uchun o'lmas qadriyatlar sanaladi. Vatanni ulug'lab onaga qiyos qilishadi, vatan yagona, vatan bittaligi doimo ilgari suriladi.

Til egalari xotirasida bevosita vatan konseptiga ishora qiluvchi leksik birliklarni quyidagicha guruhlash mumkin:

1) ma'nodoshlik ma'noli so'zlar: *el, yurt, o'lka, diyor, mamlakat, mulk* kabi.

2) belgi ma'noli so'zlar: *serquyosh, ona, mangu, ozod, obod, hur, keng, yorug', mustaqil,abadiy* kabi.

3) o'rin ma'noli turdosh leksemalar: *uy, ostona, oila, mahalla, shahar turarjoy, boshpana, maskan* kabi.

*4)* o'rin ma'noli atoqli leksemalar: *O'zbekiston, Toshkent, Xorazm, Xonqa, Navro'z mahallasi* kabi.

*5)* shaxs ma'noli birliklar: *ota, ona, aka, uka, opa, singil, bobo, buvi, vatan posbonlari, vatan himoyachilari* kabi.

6) ijtimoiy jihatdan bog'liq so'zlar: *fuqaro, aholi, xalq, prezident, chegara, sarhad, hudud, musofirlik, viloyat, tuman* kabi.

7) mavhum ma'noli birliklar: *sadoqat, vafo, burch, bolalik, vatanparvarlik,* vatan tuyg'usi, *ajdodlar ruhi, ma`naviy meros obidalari, qadriyatlar, millat birligi, mentalitet xususiyatlari* kabi.

8) harakat va holat bildiruvchi leksemalar: *asramoq, tug'ilmoq, avaylamoq, ulug'lamoq, qadrlamoq, sevmoq, kurashmoq, vatan qilmoq, xiyonat qilmoq sotmoq* kabi.

9) ko'chma ma'noli birliklar: *tuprog'i oltin, oltin beshik, ona suti, ona yurt, oq sut, tuprog'ida oltin gullaydigan maskan, kindik qoni to'kilgan maskan,*

10) so'z yasalishi bilan bog'liq so'zlar: *vatangado, vatangadolik, vatandosh, vatanjudolik, vatanli, vatanparvar, vatanparvarlik, vatanfurush, vatanfurushlik, bevatan, vatan qilmoq, vatan tutmoq* kabi.

2. Бердимурадова А. Философско-методологические проблемы современной экологической ситуatsiи (на материалах Приаралбя) Дисс ...док. филос. наук. –Ташкент:1999. – 263 с.; Аимбетов Н.К. Мураккаб экологик вазият шароитида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни моделлаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида) Дисс ...тарих. фан. докт. – Тошкент: 2000. 280.б.: Икрамова Н. Минтақа экологиясини тартибга солиш муаммолари. – Тошкент: 2006. 100.б.; Бекимбетов Б. История общественно-политического движения за спасение Аральского моря (1960-1990 гг.). Дисс ...канд. ист. наук. –Нукус: 2007. – 159 с.; Давлетов С. Ўзбекистонда экологик хавфсизликнинг миллий омиллари// Ўзбекистон тарихи. Тошкент. 2016. № 2. –Б. 68.; Усманов Б. Сотрудничество республик Центральной Азии в вопросе решения с Аральского кризиса// Ўзбекистн тарихи. 2009. №4. –Б. 83.; Sobirjonovna, R. G., & Usmonjonovna, O. V. (2023). Physical And Environmental Factors In The Complex Treatment Of Allergic Diseases In Children. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 2251-2256.
3. Бердимурадова А. Философско-методологические проблемы современной экологической ситуatsiи (на материалах Приаралбя) Дисс ...док. филос. наук. –Ташкент:1999. – 263 с
4. Бекимбетов Б. История общественно-политического движения за спасение Аральского моря (1960-1990 гг.). Дисс ...канд. ист. наук. –Нукус: 2007. – 159 с
5. Ўзбекистонда Республикасида атрф-мухит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Миллий маъруза- 2008. –Тошкент: 2010.–Б. 65.
6. Қорақалпоғистон РМДА. 177-фонд, 1-рўйҳат, 194-йиғма жилд, 12-варақ.
7. Камалов С. Расцвет Советской Каракалпаки в братской семье народов СССР. – Ташкент: Ўзбекистон, 1985. – 26 с.
8. Sobirjonovna R. G., Usmonjonovna O. V. Physical And Environmental Factors In The Complex Treatment Of Allergic Diseases In Children //Journal of Pharmaceutical Negative Results. – 2023. – С. 2251-2256..

# TILSHUNOSLIKDA FRAZEOLOGIK KONTAMINATSIYA TADQIQI MASALASI

**Ganiyeva Shodiya Azizovna,**
**Farg‘ona davlat universiteti dotsenti,** ganiyevaphd@gmail.com

**Annotatsiya.** Maqolada jahon va o‘zbek tilshunosligida frazeologik birliklar kontaminatsiyasi masalasining o‘rganilishi, ularga turli xil yondashuvlar haqida fikr yuritiladi. Shuningdek, kontaminatsiya hodisasining boshqa yondosh hodisalar bilan farqi singari masalalar yoritilgan.

**Kalit so‘zlar:** frazeologik birlik, transformatsiya, kontaminatsiya, frazeologik kontaminatsiya, okkazional frazeologik birlik, yaxlitlik, barqarorlik, boshlang‘ich frazeologik birlik, tayanch frazeologik birlik, sinkretizm, konvergensiya.

**Аннотация.** Мақалада дүниежүзілік және өзбек тіл біліміндегі фразеологиялық бірліктердің контаминациялану мәселесі қарастырылып, оларға әртүрлі көзқарастар қарастырылған. Ластану оқиғасы мен басқа байланысты оқиғалар арасындағы айырмашылық сияқты мәселелер де қамтылған.

**Негізгі сөздер:** фразеологиялық бірлік, трансформация, контаминация, фразеологиялық контаминация, окказионал фразеологиялық бірлік, тұтастық, тұрақтылық, бастапқы фразеологиялық бірлік, негізгі фразеологиялық бірлік, синкретизм, конвергенция

**Annotation.** The article examines the problem of contamination of phraseological units in world and Uzbek linguistics, and discusses various approaches to them. Issues such as the difference between a pollution event and other related events are also addressed.

**Key words:** phraseological unit, transformation, contamination, phraseological contamination, occasional phraseological unit, integrity, stability, initial phraseological unit, basic phraseological unit, syncretism, convergence.

Jahon tilshunosligida, jumladan, o‘zbek tilshunosligida keyingi yillarda frazeologik birliklar tahlilida ularning leksik-semantik, kognitiv hamda lingvokulturologik xususiyatlari, mazkur birliklarning boshqa lisoniy birliklar bilan munosabati, xususan, leksema, erkin so‘z birikmalari, ayni vaqtda, turg‘un birikmalar bilan munosabati masalasiga alohida ahamiyat berilmoqda. Ayrim tadqiqotlarda frazeologik birliklarning boshqa birliklar bilan o‘zaro sintagmatik munosabati, sintaktik pozitsiyalari, ularning valentligi, shuningdek, transformatsiyasi ham ma’lum darajada o‘rganildi.

Frazeologik kontaminatsiya masalasi ham bugunga qadar aksariyat tilshunoslarning e’tiborini jalb etdi. Masalan, A.N.Molotkov, A.E.Mamatov kabilar frazeologik kontaminatsiyaga okkazional frazeologik birliklar shakllanishining bir ko‘rinishi sifatida, Y.A.Kolobova, Sh.M.Sultonova esa ikki yoki undan ortiq lingvistik frazeologik birliklarning o‘zaro qo‘shilishi natijasida yangi frazeologik birlikning hosil bo‘lishi tarzida qaraydilar. Shuningdek, bir qator olimlar, xususan, V.M.Mokiyenko, A.M.Melerovich kontaminatsiya jarayoni, ushbu jarayonga tegishli lisoniy frazeologik birliklar muammosini ham o‘rtaga tashlaydilar.

Frazeologik kontaminatsiya tushunchasi haqida so‘z yuritilganda, mazkur tushunchaning jahon tilshunosligida turlicha talqinlari mavjud ekanini, bu qarashlarning bir-birini to‘ldirishga xizmat qilgan umumiy jihatlari, shu bilan birga, o‘zaro farqli tomonlarini ham e’tirof etish zarur. A.M.Melerovich hamda V.M.Mokiyenkolar frazeologik birliklarga xos yaxlitlik, nisbatan barqarorlik belgilarini qayd etsalar, frazeologik kontaminatsiyaga bag‘ishlangan monografik tadqiqot muallifi Y.A.Kolobova kontaminatsiya jarayoniga kiruvchi frazeologik

birliklarni belgilashda odatiy frazeologik birlik, boshlang'ich frazeologik birlik, tayanch frazeologik birlik atamalarini keltirib o'tadi.

Olima o'z tadqiqotida turli omillar ta'sirida o'zgarishga uchragan frazeologik birliklarning okkazional variantlari, ularning yuzaga kelish jarayonlari, umumtildagi frazeologik birliklar bilan individual holatlar masalasiga alohida to'xtalib o'tadi. Yuqoridagi qarashlarda frazeologik kontaminatsiya natijasida hosil bo'lgan birliklarga nisbatan oraliq birlik, kontaminatsiyaga uchragan frazeologik birlik sifatida ham yondashish kuzatiladi.

Sh.Sultonova diniy frazeologik birliklarning transformatsiyasi to'g'risida fikr yuritar ekan, diniy frazeologik birliklar kontaminatsiyasini shunday talqin qiladi: «ikki diniy frazeologizm kesishishi orqali yangi frazeologizm hosil bo'lishi tushuniladi».

B.Boltayeva esa o'zbek tilidagi frazeologik birliklarning transformatsiyasi haqida olib borilgan izlanishida kontaminatsiyani transformatsiyaning bir ko'rinishi sifatida talqin etadi.

Kontaminatsiya tushunchasi tilshunoslikka oid lug'atlarda quyidagicha izohlanadi: «Kontaminatsiya (lot. *contamination* – tutashtirish, aralashtirish). Biror munosabat, tasavvurga ko'ra o'zaro bog'liq bo'lgan ikki so'z yoki iborani birlashtirish yo'li bilan yangi so'z yoki iboraning hosil bo'lishi. Masalan, *erga tegmoq* va *turmushga chiqmoq* iboralari asosida *erga chiqmoq* iborasi yuzaga kelgan». Ko'rinadiki, ta'rifda kontaminatsiya tushunchasi ikki so'z yoki iborani birlashtirish asosida yangi birlikning hosil bo'lishini e'tiborga olgan.

Tilga yangi birliklarning kirib kelishi haqida so'z borganda, odatda, leksik birliklarning kengayib borishi nazarda tutiladi. Frazeologik birliklar ham tilda tayyor holda yashovchi yaxlit birlik bo'lganligi sababli, tabiiy ravishda, ularni ikkinchi tilga o'zlashishi ham mumkin.

Diniy frazeologik birliklar tadqiqiga qaratilgan monografik ishida o'zbek tilshunosi Sh.Sultonova ham bu haqda alohida fikr yuritadi. Uning fikricha, frazeologik birliklar, jumladan, «diniy frazeologizmlar ham o'z qatlamga oid va o'zlashgan bo'lishi mumkin. O'z qatlamga oid diniy frazeologizmlar xalqning madaniy, ijtimoiy-iqtisodiy va moddiy turmushining turli davrlari va turli sohalariga oid diniy tasavvurlari asosida shakllangan bo'ladi. Shuningdek, diniy frazeologik zahiraning boyishida frazeologik o'zlashtirishlar muhim o'rin tutgan holda turli tillarning o'zaro aloqasi va ularning boyishiga sabab bo'ladi».

Kontaminatsiya termini «Lingvistik terminlarning izohli lug'ati» da shunday tarzda beriladi: «Kontaminatsiya ikki lisoniy birlik struktur elementlarining tuzilish jihatdan o'xshashligi, funksional yoki semantik yaqinligi asosida nutq jarayonida birlashtirishdir».

O'zbek va ingliz tillaridagi fe'llarning sinkretik tabiati bilan bog'liq tadqiqotida D.Ganiyeva sinkretizm hodisasi bilan kontaminatsiya o'rtasidagi farqli jihatlarni quyidagicha izohlaydi: «qorishiqlik belgisi bilan kontaminatsiya va sinkretizm umumiylikka ega. Lekin kontaminatsiya sintagmatik munosabat mahsuli, sinkretizm esa paradigmatik munosabatda bo'lgan belgilar majmuasi ekanligi bilan bir-biridan farq qiladi».

Keyingi ta'riflar esa ma'lum tuzilish birliklarining tarkibi jihatidan o'xshashligi, ularning vazifasi hamda mazmunan yaqinligi masalasini ham belgilab beradi. Bu ta'riflarning yana bir muhim jihati, unda til va nutq hodisalarining differensial belgisi

ko'rsatiladi, ya'ni kontaminatsiyaning nutqiy hosila ekanligi ham keltiriladi, shu orqali mazkur hodisaning boshqa yondosh til hodisalaridan farqi ham ochib beriladi.

Kontaminatsiya hodisasi konvergensiya bilan bog'lanadi, ammo konvergensiya (lotincha convergo «birlashtirish») – yaqinlashish, «murosaga kelish» jarayoni; divergensiyaning zid ma'nosi. Bu atama tabiiy va gumanitar fanlarda keng talqalgan.

Tilshunoslikda konvergensiya hodisasi, asosan, fonologiya uchun xos bo'lib, birdan ortiq tovushning tarixiy taraqqiyot natijasida bir tovushga birlashishi. Bir matnda ikki yoki undan ortiq frazeologik birlikni birlashtirish asosida yuzaga kelgan birikmani B.Boltayeva frazeologik birliklar konvergensiyasi natijasi sifatida ko'rsatib, transformatsiyaning turi ekanligini ta'kidlaydi.

O'zbek tilshunosligida sintaktik derivatsiya hodisasi bilan bog'liq bir qator ishlar mavjud bo'lib, ayrim ishlarda sintaktik derivatsiyaning qamrovi keng ekanligi ta'kidlanadi. Xususan, Sh.Aliyevaning ko'rsatib o'tishicha: «Transformatsiya va derivatsiya o'rtasida juda yaqin o'xshashlik bor. Eng avvalo, bunday o'xshashlik ularning ichki struktur tuzilishidadir. Har ikkisi uch qismdan tashkil topadi: *asos* + *yaratuvchi vosita* + *hosila*. Ana shunga asoslangan holda, transformatsiya va derivatsiya hodisalari o'zaro kesishadi».

Bu jihatdan kontaminatsiya hodisasi ham transformatsiya va derivatsiya hodisalariga tutashadi, chunki kontaminatsiya jarayonida ham *asos* + *yaratuvchi vosita* + *hosila* qismlar mavjud. Bular o'rtasidagi farq shundaki, transformatsiya va derivatsiya jarayonida asos, ya'ni mohiyat bitta bo'lsa, kontaminatsiyada mohiyatning ikkita bo'lishi kuzatiladi. Ya'ni, aytish mumkinki, transformatsiyada mohiyat bitta bo'ladi va u shaklini o'zgartiradi, yangi mohiyat hosil bo'lmaydi. Derivatsiyada mohiyat, asos bitta bo'ladi va u ikkinchi mohiyatga aylanadi. Kontaminatsiyada esa asos, mohiyat ikkita bo'lib, undan yangi mohiyat hosil bo'ladi.

Demak, transformatsiya va derivatsiyaning, odatda, bitta lisoniy birlik (mohiyat) ishtirok etishi bilan kontaminatsiya va konvergensiya hodisalaridan farq qilishini e'tirof etish kerak.

Bugungi kunda frazeologiya sohasining taraqqiyoti, tabiiy ravishda, frazeologik kontaminatsiya sohasiga ham o'z ta'sirini o'tkazmoqda. Kontaminatsiya natijasida yuzaga kelgan frazeologik birikmalar okkazional birlikka aylanadi, chunki mazkur jarayonda birdan ortiq mustaqil frazeologik birlik asosida obrazli ifodaga ega bo'lgan, semantik jihatdan kuchaytirilgan yangi mohiyat, birikma shakllanadi.

Kontaminatsiya jarayonlarini aktuallashtiruvchi muhim omil shundaki, unda frazeologik birliklarning ma'nosi va shaklida o'xshashlik saqlanadi, asos frazeologik birliklarning komponentlari frazeologik birliklarning yaxlit ma'no tarkibini uyg'unlashtirgan holda ifodalaydi. Shu orqali okkazional frazeologik birliklar semantikasi shakllanadi.

Y.A.Kolobova rus tilidagi frazeologik birliklar kontaminatsiyasi tadqiqiga bag'ishlangan dissertatsiyasida bir qator lisoniy va nolisoniy omillar ta'sirida o'zgarishga uchragan, frazeologik birliklar okkazional variantlarining hosil bo'lishi masalalari borasida batafsil fikr yuritadi. Uning fikricha, «frazeologik kontaminatsiya frazeologik birliklarning muayyan o'zgarish usuli bo'lib, unda ikki yoki undan ortiq frazeologik birlikning qo'shilishi orqali yangi okkazional frazeologik birlik yuzaga keladi».

Frazeologik kontaminatsiyada frazeologik birliklarning kontaminatsiya jarayoniga asos boʻlgan imkoniyati, ayni vaqtda, bu lisoniy birliklarning modellari muhim ahamiyatga ega boʻladi.

**Adabiyotlar roʻyxati**

1. Алиева Ш.А. Тилнинг турли сатҳ бирликлари трансформацияси ва деривацияси: Филол.фан.б.фалс.док. ... дисс.автореф. – Фарғона, 2019. – Б.16.
2. Болтаева Б.И. Ўзбек тили фразеологик бирликларининг трансформацияси(семантик-прагматик таҳлил): Филол.фан.б.фалс.док. ... дисс.автореф. – Самарқанд, 2019;
3. Ганиева Д.А. Турли тизимдаги тилларга мансуб феълларда синкретизм ва полифункционаллик: Филол. фанл. д-ри ... дисс. – Фарғона, 2022. – Б.45.
4. Ганиева Ш.А. Ўзбек фразеологизмлари структураси(шаклий ва мазмуний моделлаштириш): Филол.фан.б.фалс.док. ... дисс.автореф. – Фарғона, 2017;
5. Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов. – М.: Просвещение, 1978; Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси масалалари. – Тошкент: Муҳаррир, 2013;
6. Колобова Е.А. Фразеологическая контаминация: Автореф. дисс. … канд. филол. наук. – Иваново, 2011;
7. Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: СЭ, 1990. – С.238.

# “ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК” АСАРИДА АНТОНИМЛАР ОРҚАЛИ ЗИДЛИК МУНОСАБАТИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

**Розикова Гулбаҳор Зайлобидиновна**
**Фарғона давлат университети профессори, ф.ф.д.,** groziqova2020@gmail.com

**Аннотация:** Мақолада “Девону луғотит турк” асарида қўлланган от лексемалар доирасидаги антонимик бирликлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** антоним, оппозитив муносабат, антонимик жуфтлик, антонимик гуруҳ, бирламчи маъно, ҳосила маъно.

**Аннотация:** Мақалада «Девону лұғотит түрк» еңбегінде қолданылған зат есім лексемаларының ішіндегі антонимдік бірліктерге талдау жасалған.

**Түйін сөздер:** антоним, қарсылық қатынас, антонимдік жұп, антонимдік топ, бастапқы мағына, туынды мағына.

**Abstract:** The article analyzes the antonymic units within the noun lexemes used in the work "Devonu lug'otit turk".

**Key words:** antonym, oppositional relation, antonymic pair, antonymic group, primary meaning, derived meaning.

Антонимлик икки тил бирлиги орасидаги оппозитив муносабат бўлиб, бундай муносабатдаги бирликлар антонимик жуфтликни ташкилқилади. Антонимик муносабат одатда бир туркум лексемалари орасида бўлади. «Девон»да антонимлар кенг қўлланган бўлиб, улар нарса-ҳодисалар ўртасидаги ўзаро зид муносабатларни ифодалашга хизмат қилган. Эски туркий тилда бундай муносабатни ўзаро ўхшаш ёки яқин талаффузга эга бўлган сўзлар ташкил этган: قَقِغْ *қақïғ* «ғазаб, аччиқланиш» (I,252) – قَنِغْ *қанïғ* «роҳатланиш, шодланиш, қониқиш» (I,253); بُشُاغو *бошуғу* «бўшатиладиган вақт, бўшатиш, ечиш вақти»: *ат бошуғу болдï* – отни арқондан бўшатиш вақти бўлди, I,298) – تُشَاغو *тушағу* «боғланадиган, тушовланадиган вақт»: اَتْ تُشاغو بُلْدى *ат тушағу болдï* – отнинг оёғини арқонга боғлайдиган, тушовлайдиган вақт бўлди, I,298) ва ш.к.

Антонимликда лексик маънолар бири иккинчисининг зидди бўлиши лозим, яъни антоним лексемалар умумий, интеграл сема билан бир қаторда, қарама-қарши семага ҳам эга бўлиши лозим. Масалан, асарда келтирилган *чабақ* ва *башған* лексемалари «от», «балиқ», «сувда сузувчи» каби умумий семалар билан бирга, «ҳажм» – «нисбатан кичик» (*чабақ*) ва «нисбатан катта» (*башған*) қарама-қарши семасига ҳам эга: جَبَقْ *чабақ* – турк кўлларида бўладиган бир хил кичик балиқ номи (I,255); بَشْغان *башған* – эллик-юз ритл оғирлигида бўладиган катта бир балиқ (I,292).

Б.Раджабова Маҳмуд Кошғарий ва Алишер Навоийнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида истеъмолда бўлган *ғарб* ва *шарқ* содда сўзларини қўллашларидаги тафовут ҳақида фикр юритади. У XI аср ёдгорликларида, хусусан, «Девону луғотит турк» ва «Қутадғу билиг»да қўлланган *кун тутсуғ* «кун чиқиш, шарқ» ва *кун батсиғ* «кун ботиш, ғарб» сингари қўшма сўзлар Алишер Навоий асарларида истеъмолда бўлмаганини таъкидлайди[179].

Маҳмуд Кошғарий сўзларни изоҳлар экан, уларнинг маъносини турли синтактик қурилмалар воситасида ёритишга ҳаракат қилади. Бунинг ҳам ўз мантиқий асослари мавжуд бўлиб, сўзларнинг ҳақиқий маъноси контекстда реаллашади. Масалан, *чумақ тат бојнїн чапдї* – мусулмон кофирнинг бўйнига урди (II, 7); *Алїм бэрімні сатғади* «у оласи ва берасини бир-бирига қоплатди» (III, 196) гапларида *чумақ* «мусулмон» – *тат* «кофир», *алїм* – *бэрім* антонимик бирликлари қўлланган.

Жуда кўп луғавий бирликлар «эркаклик» ва «урғочилик» белгиси асосида зиддият ҳосил қилади[180]. Бундай зиддиятни мутахассислар «мутаносиб зиддиятлар » деб номлашади[181]. «Ота» маъносини ифодаловчи اَتا *ата* // *һата* (турклар тилида, I,76), اَبا *аба* (тубутлар тилида, I,76) лексемалари «она» маъносини англатувчи اَنا *ана*, اُما *ума* (тубутлар тилида), اُما *аба* (ўғузларда), اَپا *апа* (қарлуқ туркманларида, I,76) лексемалари билан антонимлик ҳосил қилади. «Антонимик жуфтликни ташкил этган ҳар бир сўз ўз синонимларига эга бўлса, у ҳолда антонимик группа деб аталади. Ҳар бир антонимик группада, одатда, бир қанча антонимик жуфтликлар бўлади»[182]. Ёки бошқача қилиб айтганда, «бир сўз ўзаро синоним сўзлар билан ёки ўзаро синоним сўзлар бошқа синонимлар билан антонимик муносабат ҳосил қилади. Шунга кўра, бундай муносабатдаги сўзлар миқдори турлича бўлиши мумкин»[183].

Асарда «эркаклик» ва «урғочилик» белгиси асосида зиддият ҳосил қилувчи луғавий бирликларни кўплаб учратамиз. Масалан, *Эркäк тішіқа қawушдї* «эркак аёлга никоҳ билан боғланди (II,69); *Атасї анасї ачїғ алїмла јэсä, оғлї қїзї тішї қамар* «Ота ёки онаси бирор нордон, қимизак олма еса, болаларининг тиши қамашади» (III, 186) каби.

Антонимлар ҳайвон ва қуш номлари орасида ҳам учрайди. Асарда *эркäк, тіші* сўзлари «эркак ва урғочи қушлар» маъносида ҳам қўлланган. «Девон»да «ҳўкиз» маъносини англатувчи اُكُزْ *öкÿз* (I,298) сўзи «сигир» маъносини билдирувчи *уд* (чигилча, I,50), سِغِرْ *сіғїр* (I,243), اِنْكَكْ *іңäк* (I,92) сўзлари билан

[179] Раджабова Б. Кошғарий ва Навоийда айрим сўзларнинг муштарак талқини //«Девону луғоти-т-турк» –туркий халқларнинг ноёб ёзма ёдгорлиги» мавзуидаги халқаро илмий анжуман материаллари. –Тошкент, 2018. –Б.72.
[180] Қаранг: Дадабоев Ҳ. «Девону луғотит турк»нинг тил хусусиятлари. – Тошкент, 2017. –Б.37-66.
[181] Неъматов Ҳ., Расулов Р.Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. –Б.16.
[182] Шукуров Р. Ўзбек тилида антонимлар. –Тошкент: Фан, 1977. –Б.20.
[183] Шоабдураҳмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. –Б.119.

антонимик жуфтлик ҳосил қилади: *öкӱз – уд; öкӱз – сіғір; öкӱз – іңäк.* Асарда «эркаклик» ва «урғочилик» белгиси асосида зиддият ҳосил қилувчи қуйидаги лексемаларни ҳам учратамиз: تَذُنْ *таӡун* «икки яшар қорамол» – *тіші таӡун* «икки яшар қорамолнинг урғочиси» (I,269); قُچْ *қоч//қочіңар* «қўчқор» (ўғузча, I,220) – سَغْلِقْ *сағліқ* «соғлик, қўйнинг урғочиси»; اَرْكَچْ *äркäч* «серка – эркак эчки» –اِجْكو *эчкӱ* «урғочи эчки» (I,82); بُغْرا *буғра* «эркак туя» – اِنْكَنْ *іңан* «урғочи туя» (I,201); بُغْرا *буғра* «эркак туя» – تِتِرْ *тітір* «урғочи туя» (I,242); جَتُكْ *чäтӱк* «урғочи мушук» (ўғузча, I,261) – كُكْ جَتُكْ *кöк чäтӱк* «эркак мушук» (I,261) каби.

Антонимлар, асосан, мақоллар, шеърий парчалар таркибида қайд этилган бўлиб, улар маълум бир тушунча ва ҳолатларни зидлаш, қиёслаш вазифасини бажаришга хизмат қилган. *Јазїн қатїғланса қїшїн сэвнӱр* – кўкламда тиришган киши қишда севинади (III,108); *Қїш јај bilä тоқушті; Јај қїш bila қарїшті* (II,65) «Ёз қиш би0лан қаршилашди, талашди» каби жумлалар таркибида қўлланган антонимлар фикрнинг исботидир.

*Öкӱз аżақї болғїнча, бузағу башї болса јік* – Ҳўкизнинг оёғи бўлгунча, бузоқнинг боши бўлган яхширок (I, 91–23; ар 58) мақолида қўлланган *аżақ – баш* (*аżақ* сўзидаги «з» товуши XI–XIV асрлардаги диалектнинг таъсиридир) сўзлари ҳам ўзаро бир-бирига қарама-қарши тушунчаларни ифодалайди.

Мақолларда турли маъно ифодаловчи лексемалар бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Масалан, *тӱнлä јуруп кӱндӱз сэвнӱр, кічікдä эwläніб улғазу сэвнӱр* мақолида пайт, вақт тушунчалари зидланади. Бу мақол таркибидаги *тӱн – кӱндӱз* сўзлари ҳозирги ўзбек тилида ҳам антоним ҳисобланади. Ёки *кіші аласї ічтін, јїлқї аласї таштїн* – Одамнинг оласи (бузуқ фикри) ичида, йилқиники ташида, сиртида, I,49) мақолида ўрин маъноли от антонимлар зид муносабат ҳосил қилган. Айрим мақолларда характер-хусусият зидланади: *тӱзӱн bipla уруш, утун bipla тэрішмä* «ювош одам билан уруш, юзсиз одам билан урушма» (I,161). تُزُوْنْ мақолида *тӱзӱн* – «юмшоқ феълли, мулойим одам» (I,278), *утун* – «қаттиқ юзли одам» ва ҳ.к.

Асарда қўлланган *эрін, атїн* «отлиқ» ва «пиёда» антонимик жуфтлиги ўзаро «бирор бир предметга эгалик ёки эга эмаслик» семасига кўра зидланган.

Антонимик гуруҳлар икки қисмдан ташкил топиб, уларнинг аъзолари, доминантлари бир-бирига маънонинг маълум компонентлари билан қарама-қарши қўйилади. بَرْ بَقِرْ يُقْ اَلْتونْ *Бар бақїр јоқ алтун* мақоли «қўлда бор бўлган нарса мисдек қадрсиз, қўлда бўлмаган нарса олтиндек қадрли» (I,242) мазмунини англатади. Мақол таркибида қўлланган *бақїр* ва *алтун* сўзлари ўзаро антоним бўлиб, бу икки лексема қуйидаги муштарак семаларга эга: «кимёвий элемент» «сариқ тусли», «қаттиқ модда», «пул бирлиги» каби. Бу икки лексеманинг фарқловчи семаси уларнинг қийматида кўринади, яъни олтин «қадрли», мис «қадрсиз» семасига эга. Мана шу фарқловчи семалар уларнинг антонимик муносабатига асос бўлган.

Тилимиздаги кўпгина сўзларнинг тўғри маъноси билан ҳам, кўчма маъноси билан ҳам антоним бўла олмагани ҳолда, нутқда бир-бирлари билан мазмунан зид тушунчаларни англатиб келиши, қарама-қарши маъноларда қўлланилиши контекстуал антонимларни ҳосил қилади[184]. Масалан, *алїмчї арслан, берїмчї сїчған* [I, 387–23; ап. 342.] мақолида иккита антонимик жуфтлик

[184] Шукуров Р. Ўзбек тилида антонимлар. –Тошкент: Фан, 1977. –Б.54.

мавжуд бўлиб, уларнинг бири (*алімчї – берїмчї*) лексик антоним бўлса, иккинчиси (*арслан – сичған*) контекстуал антонимдир. Асардаги кўплаб мақолларда ҳайвон, қуш ва бошқа жониворлар ўзаро бир-бирига зидланиб келади: *қуш баласї қусїнчїғ, їт баласї охшанчїғ* [III, 250–20; ап. 176.] ёки *Кічік улуғқа турушмас, қїрғуј соңқурқа қарїшмас* «Кичик чаққон, шижоатли бўлса ҳам, катта билан олишишга қудратсиздир, Чунки каттанинг ҳийла ва зийраклиги бор. Шунга ўхшаш қирғий шунқорга тенг келмас (II,63) каби. Бу мақоллардаги антонимик муносабатлар бир тушунчани иккинчи бир тушунчага (қуш боласи ит боласига, қирғий соңқурқа «оқ лочин»га) қиёслаш асосида юзага келган. Мазкур сўзлар мақоллар таркибида зидликни юзага келтирган бўлса-да, матндан ташқарида улар антоним жуфтлик саналмайди.

Халқ мақоллари таркибида қўлланган антоним мақоллар, асосан, антитезани воқелантириш учун хизмат қилади ва баъзи ўринларда қиёслаш, таққослаш, зидлаш каби характерга эга бўлади: *Тӱнlä јуруп кӱндӱз сэwнӱр, Кічікдä эwläніб улғазу сэwнӱр* «Кеч билан юриб кундуз севинади, чунки у йўлни кўрмасдан босади. Ёшликда уйланган киши қариганда севинади, чунки унинг болалари унга ёрдам берадилар, у роҳат кўради» (III,58-59).

Антонимлик турли лексик маънолар орасида юзага чиқади:

1) бирламчи (тўғри) маънолар орасида: *тӱн кӱнӱң қаршїси ол* – тун кундузнинг қаршисидир (I,284);

2) ҳосила маънолар орасида: أُدُقْلُقْ *удуқлуқ* «одамнинг бир нарсадан ғофиллиги, ҳушёр эмаслиги, хабарсизлиги» (I,118) – أَدْغُلُقْ *уӡуғлуғ* «ишда ҳушёрлик, сезгирлик» (I,118); أُشَقْلِقْ *ушақлїқ* «ишда ёшлик қилиш» (I,118) – أُلُغْلُقْ *улуғлуқ* «ёши катталик, катта ёшлик» (I,118) каби;

3) туб ва ҳосила маънолар ўртасида: *бақїр* «мис» – *алтун* «олтин». *Бақїр* туб сўз бўлса, *алтун* ясама сўздир. *Олтин* сўзи қадим «зар» (золото) маъносида туркча *ал* (қизил) ва хитойча *тун* (мис) сўзларидан таркиб топган бўлиб, «қизил мис» маъносини билдирган[185].

Асарда отлашган сўзлар антоним бўлиб келган мақоллар ҳам салмоқли миқдорни ташкил этади: *қїрқ јїлқа тэгїн бај чїғај тӱзlänӱр* «қирқ йилгача бой билан камбағал тенглашади, яъни замон ўзгариши билан ёки ўлим билан шундай бўлади» (I,236); *А:ч нэ јэмäс, тоқ нэ тэмäс* «Оч нималар емайди, тўқ нималар демайди» (I,71); *äрік эрні јағlїғ эрмäгӱ башї қанlїғ* «тиришқоқнинг лаби ёғлик, эринчоқнинг боши қонлик» (I,65), «*тэгмä кішї öз болмас, jat јағуқ тӱз болмас* «ҳар бир киши ўзингдай бўлмайди, бегона ва яқинлар бир хилда бўлмайди» [I, 406–26; ап. 362.]. Келтирилган мақолларда сифат туркумига оид *бај – чїғај, а:ч – тоқ, эрік – эрмäгӱ, jat–јағуқ* сўзлари отлашиб келган ва антонимик муносабатга киришган. Мазкур лексемалар шахс тушунчасини ифодалаган ва шахсларни турли жиҳатдан тавсифлаган, шунингдек, улар отлашиб, отга хос бўлган грамматик шакл ва вазифаларни ҳам бажарган.

Хулоса қилиб айтганда, «Девону луғотит турк»да қўлланган лексемаларни шакл ва маъно муносабати асосида ўрганиш тил тарихига оид муҳим хулосалар чиқариш имконини беради.

---

[185] Турсунов У., Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи. –Тошкент: Ўқитувчи, 1982. –Б.35.

# PIKTOGRAMMA VA RAMZLARNING INSON HAYOTIDAGI O'RNI VA TA'SIRLARI

**Quraqova Shoxida Dagar qizi**
**Alisher Navoiy nomidagi**
**Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti o'qituvchisi**
***shquraqova@gmail.com***

**Annotatsiya.** Tilshunoslikning zamonaviy yo'nalishlaridan biri bo'lgan semiotikada "piktogramma" va "ramzlar" inson hayotida ahamiyatga ega bo'lgan kommunikatsiya vositasilaridir. Bu vositalar insonlar o'rtasida ma'lumot almashishni, o'rgatishni yoki biror xabarni yetkazishni osonlashtirish uchun ishlatiladi. Ushbu maqolada piktogramma va ramzlarning ta'sirlarini, ma'nolari va o'zgaruvchanligini o'rganish, insonlar hayotida ma'lumot almashish va izohlash jarayonlarida juda foydali va samarali ekanligi haqida asosli ma'lumotlar berilgan. Piktogrammalar va ramzlar, tasvir etgan jismlarning ko'zga ko'rinadigan oddiy grafik tasvirlardir.

**Kalit so'zlar:** Piktogramma, ramz, aloqa vositasi, unversallik, atrof-muhit.

**Аннотация.** Тіл білімінің қазіргі бағыттарының бірі болып табылатын семиотикада «пиктограммалар» мен «таңбалар» адам өміріндегі маңызды қатынас құралы болып табылады. Бұл құралдар адамдарға ақпарат алмасуды, оқытуды немесе хабарды жеткізуді жеңілдету үшін пайдаланылады. Бұл мақалада иконалар мен белгілердің әсерлерін, мағыналарын және өзгергіштігін зерттеу адамдардың өміріндегі ақпарат алмасу және түсіндіру процестерінде өте пайдалы және тиімді екендігі туралы негізгі ақпарат берілген. Пиктограммалар мен белгілер олар бейнелейтін объектілердің қарапайым графикалық бейнелері болып табылады.

**Негізгі сөздер**: Пиктограмма, таңба, байланыс құралы, әмбебаптық, қоршаған орта.

**Abstract.** In semiotics, which is one of the modern directions of linguistics, "pictogram" and "symbols" are important means of communication in human life. These tools are used to make it easier for people to share information, teach, or deliver a message. This article provides basic information about the fact that studying the effects, meanings and variability of icons and symbols is very useful and effective in the processes of information exchange and interpretation in people's lives. Pictograms and symbols are simple graphic representations of the objects they represent.

**Key words:** Pictogram, symbol, means of communication, universality, environment.

Ijtimoiy hayotda odamlar turli maqsadlarda ramzlar, piktogrammalar va tana tili kabi turli xil belgilardan foydalanadilar. Aloqa vositalari deb ataydigan bu belgilar odamlar hayotiga ongli yoki bilmagan holda ta'sir qiladi. Ular jamiyat a'zolarining umumiy kelishuvi natijasida paydo bo'lgan. Turli xil tushunishlar natijasida paydo bo'lgan bu belgilar turli madaniyat vakillarining bir-birini tushunishiga yordam berish, tezroq va samaraliroq muloqot o'rnatish, hayotni osonlashtirish, bir so'z bilan aytganda, universal muloqotni ta'minlash nuqtai nazaridan odamlar uchun juda muhimdir. Biroq, bu belgilar o'z maqsadiga erishish uchun jamiyat va shaxs uchun

ijtimoiy-madaniy shart-sharoitlarni texnologik va universal sharoitlarni hisobga olgan holda ishlab chiqish kerak. Aks holda, bunday belgilarda vizual aloqaning yetarli emasligi yoki yuqorida aytib oʻtilgan zarur shartlarning bajarilmasligi aloqa tartibsizliklari yoki turli nizolarni keltirib chiqaradi.

Shuning uchun ham piktogrammaning asosiy vazifasi soʻzlashuv tilidan qat'i nazar, foydalanuvchiga oʻzi ifodalagan tushuncha yoki vaziyatni toʻgʻridan toʻgʻri yetkazishdir.

Pikrogramma va belgilarning inson hayotida atrof-muhitni tushunishda, ob’ektlardan oʻz maqsadlari uchun foydalanishda va ijtimoiy munosabatlarni tashkil etishda qanchalik muhim ekanligi ayon boʻladi. Piktogrammalarning muloqot uchun zarurligi shubhasizdir, chunki ular yozishdan ko'ra ko'proq muvaffaqiyatli muloqot qilish imkonini beradi, ayniqsa ko'p madaniyatli sohalarda [Cooper, 2010: 94]. Piktogrammalarning tarixdagi oʻrni va yozuv bilan aloqasi yozuv paydo boʻlgan davrlarga borib taqaladi.

Bugungi kunda poezdlar, aeroportlar yoki mehmonxonalar kabi dunyoning turli xalqlariga tegishli vazifalari oʻxshash boʻlgan joylarga odamlarni bir xil maqsadlarga yoʻnaltiruvchi belgilar yagona standart shaklni aks ettirmaydi va ular oʻrtasida kichik farqlar boʻlsa ham, ular har doim va hamma joyda bir xil, majburiydir. Ular har vaqt va har yerda bir xil ma’noda qoʻllaniladi.

Inson hayotiga ongli yoki bilmagan holda ta'sir koʻrsatadigan bu tizimlar odamlarning muloqot qilish zarurati natijasida paydo boʻlgan. Vizual aloqa tizimlari jamiyatlarning tarixiy oʻtmishida bugungi kabi muhim rol oʻynagan. Bugungi kunda jadal rivojlanayotgan jamiyatlararo munosabatlar, axborot koʻpayishi, aholining ortishi va tezkor transport sharoitlari pikrogramma va belgilarga universal oʻlchovlar beradi [Abdullah Rayan and Hubner. 2006. – 138 b.].

Umumjahon oʻlchamiga ega boʻlgan piktogramma va belgilar “Rasm ming soʻzdan koʻra samaraliroq” degan naqlni qaysidir ma’noda oqlaydi. Misol uchun, kimgadir galstuk bogʻlashni oʻrgatmoqchi boʻlgan kishi tez orada boshqa odam buni nafaqat tushunmasligini, balki tushuntira olmasligini ham koʻradi. Usullar yozilgan boʻlsa ham, ular yetarli darajada samarali emas. Biroq, bu vazifani bir qator rasmlar bilan vizual tarzda tushuntirish, albatta, samaraliroq boʻladi [Ambrose G., Harris P., 2010.]. Biroq, istalgan samaradorlikka erishish uchun ishlatiladigan vizual elementlarni tanlashga e'tibor berish kerak. Chunki bu elementlar moʻljallangan xabarni ham tezroq, ham samaraliroq yetkazishi kerak. Bugungi kunda ramzlar va piktogrammalarni yaratuvchi dizaynerlar oʻz dizaynlarini shularni hisobga olgan holda amalga oshiradilar.

Bugungi kunda umumbashariy miqyos kasb etgan piktogramma va belgilar loyihalash jarayonida mutaxassislar tomonidan tekshirilib, ularning fiziologik, psixologik holati va odamlarga ta’siri aniqlangandan keyin foydalanishga topshirildi. Odamlarda fiziologik ta'sirlar vizual, hissiy va fakt sifatida rivojlanadi. Biroq, bizning mavzuimiz vizual effektlarni oʻz ichiga oladi. Odamlarga fiziologik yoki psixologik ta'sir koʻrsatishi uchun odamlar birinchi navbatda bu belgini koʻrishlari kerak. Belgini odamlar koʻrgandan soʻng, koʻzda jismonan boshlangan vizual hodisa nervlar orqali va u yerdagi hujayralarni ragʻbatlantirish natijasida fiziologik ravishda miyaga uzatiladi; Psixologik ta'sirlarning paydo boʻlishi bilan insonning xatti-harakati ham paydo boʻla boshlaydi.

Germaniya avtomagistrallarida olib borilgan tajribalarda haydovchilarning odatiy belgilardan ancha farq qiluvchi mavhum yoʻl belgilariga munosabatini aniqlashga harakat qilindi. Ayrim psixologlar bilan hamkorlikda qisqa kuzatuv davridan keyin haydovchilarning hattoki ong ostiga ham kuchli taʼsir koʻrsatadigan ayrim belgilar ishlab chiqildi.

Masalan, Sovet ittifoqidan AQShga yuboriladigan oʻyinchoq solingan karton quti ustida manzilidan tashqari ikkita oʻq, qadah va soyabon ham bor. Qutining ichida nima borligi haqida ma'lumot beruvchi bu uchta belgi ikkita oʻqni (bu yoʻnalishda), stakan (u sinadi) va soyabonni (quruq holda saqlang) maʼnosini anglatadi [https://blog.romashin-design.com/piktogramma-ili-ikonka.html]. Ushbu joʻnatilgan paketning AQShga yetib borgunga qadar Istanbul, Parij, Genuya va Lissabondan oʻtishi va har bir portdagi tashuvchilarning oʻz tillaridan boshqa tillarni oʻqiy olmasligi hisobga olinsa, bu uch belgi oltita tilda gaplasha oladi. Boshqacha qilib aytadigan boʻlsak, paketga har bir davlat tilida bayonot berilishi kerak boʻlsa, olti xil tilda bayonot berilishi kerak edi. Bunday holda, butun paket matn bilan qoplangan boʻlishi mumkin va ba'zi chalkashliklar paydo boʻladi. Biroq, ushbu uchta universal ramz tufayli har bir kishi aniq va oson tushuntirishni berishi mumkin.

U misollarni bugungi kunda qoʻllanilayotgan piktogramma va belgilar bilan yanada koʻpaytirish mumkin. Masalan, polietilen paketlar, meva sharbatlari paketlari yoki koʻp isteʼmol qilinadigan mahsulotlarning qadoqlarida soʻnggi paytlarda tez-tez uchrab turadigan piktogramma va belgilar mavjud boʻlib, ularni istalgan vaqtda istalgan joyga tashlab yuborish mumkin. Ularning shakllanishidagi asosiy gʻoya ekologikdir. Ushbu belgilardan biri axlat qutisiga axlat tashlayotgan odamni anglatadi (1-rasm)[https://media.contented.ru/glossary/piktogramma/].



1-rasm. Axlat qutisi.

Bu yerda neylon xaltalar, plastik butilkalar yoki bir xil turdagi mahsulotlarning chiqindilarini mana shu axlat qutilariga yigʻish va atrof-muhit ifloslanishining oldini olish nazarda tutilgan. Odamlar bu ramzlarni koʻrganlarida, ular avvalgi tajribalarini esga olishadi va chiqindilarni toʻgʻridan toʻgʻri ushbu qutiga tashlaydilar va shu bilan atrof-muhit ifloslanishining oldini oladi. Bunday chiqindilarni birga yigʻishning sabablaridan biri shundaki, ularning bir qismi eritilib, qayta ishlatilishi mumkin. Shunday qilib, transformatsiya boʻladi va moddiy chiqindilarning oldi olinadi. Aks holda, bu qoplar qutilarga tashlanmay, tasodifiy ravishda atrof-muhitga tashlansa, atrof-muhit ifloslanadi va moddiy chiqindilar tufayli katta iqtisodiy yoʻqotishlar sodir boʻladi.

Bunday mahsulotlarni qayta yaratish va ulardan foydalanishning yana bir sababi - bugungi kunda ekstremal darajada boʻlgan havo ifloslanishini, shuningdek, atrof-muhitning ifloslanishini minimallashtirishdir. Ifloslangan havoni tozalash orqali kislorod ishlab chiqaradigan daraxtlarni kesish havoning ham ifloslanishiga, ham

ko‘katlarning yo‘qolishiga olib keladi. Qog‘oz xom ashyosi bo‘lgan sellyuloza daraxtlardan olinadi. Isrof qilingan har bir qog‘oz uchun yana bitta daraxt kesiladi va natijada havo biroz ifloslanadi.

Bu holatning oldini olish uchun ekologlar ushbu ramzlarni yaratdilar va butun dunyo bo‘ylab universal aloqa tarmog‘ini o‘rnatdilar va shu orqali atrof-muhit va havo ifloslanishining oldini oldilar. (2-rasm)

2-rasm. Ekologik piktogrammalar.





Kundalik hayotda odatda har bir kishi tomonidan qo‘llaniladigan ushbu piktogramma va belgilardan tashqari, jamiyatning turli qatlamlariga, masalan, turli kasbiy guruhlarga murojaat qiladigan piktogrammalar va belgilar ham mavjud. Ushbu pikrogrammalar va belgilar faqat bir xil professional guruhdagi odamlarga murojaat qiladi va faqat o‘sha jamoa tomonidan qo‘llaniladi. Misol uchun, chet tilini bilmasa, zavodda mashinadan foydalanish mumkin bo‘lmaydi. Biroq, butun dunyo bo‘ylab bir xil professional guruhlar tomonidan universal ishlatiladigan mashinadagi belgilar nimani anglatishi ma'lum bo‘lsa, barcha muammolar bartaraf qilinadi.

Xulosa qilib aytganda, odamlarning kundalik hayotining barcha bo‘g‘inlaridan tortib sanoatgacha bo‘lgan katta maydonni qamrab olgan bu ko‘rgazmali belgilar o‘z maqsadiga erishishi va o‘rinli foydalanishi uchun ,avvalo, odamlarning madaniy farqlarini hisobga olish kerak. Keyinchalik, sanoatda ishlatiladigan asboblar va mashinalardan foydalanuvchilarning fiziologik va idrok ko‘rsatkichlarining yetarliligi va ularning vizual aloqa imkoniyatlarini hisobga olish kerak. Shuni esdan chiqarmaslik kerakki, agar zarur shart-sharoitlar bajarilmasa, bu belgilar insoniy munosabatlarda va ishlab chiqarishda yetarli darajada aloqa o‘rnatilmasligi, idrok etish davrining uzayishi va istalmagan salbiy holatlarning paydo bo‘lishiga olib keladi. Shuning uchun to‘g‘ri tuzilgan piktogrammalar bilan aloqa jarayonini muvaffaqiyatli yakunlash mumkin bo‘ladi. Shu nuqtada, semiotika fanidan foydalanish va maqsadli foydalanuvchilar uchun tushunarli bo‘lish bo‘yicha tadqiqotlar orqali belgi turlari bilan umumiy fikrlarni hisobga olish va dizayn jarayonini sinchkovlik bilan boshqarish kerak. Shunday qilib, millionlab foydalanuvchilarning dizayn ehtiyojlari muvaffaqiyatli hal qilinishi mumkin.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Abdullah Rayan and Hubner. Pictograms, Icons and Signs. Thames Hudson, 2006. – 138 b.
2. Ambrose G., Harris P., Görsel Grafik Tasarım Sözlüğü, İstanbul. Literatür Yayınları, 2010.
3. Cooper, R.; Wayfinding For Healthcare, AHA Press, 2010.
4. https://blog.romashin-design.com/piktogramma-ili-ikonka.html
5. (https://media.contented.ru/glossary/piktogramma/).

## SAID AHMADNING “QORAKO‘Z MAJNUN” HIKOYASIDA BADIIY BELGINING POETIK FUNKSIYASI

**Ashurov Bekzod Shavkatjon o‘g‘li**
**NamDU O‘zbek adabiyotshunosligi kafedrasi o‘qituvchisi**
**E-mail: bekzod.ashurov.1994@mail.ru**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada yozuvchi Said Ahmadning “Qorako‘z Majnun” hikoyasida badiiy belgining poetik funksiyasi, it obrazining badiiy-estetik vazifasi, asar qahramoni Saodat aya ruhiyatini tasvirlashda it obrazi badiiy belgi vazifasida kelganligi, it obraziga xos xarakterli xususiyatlar yoritilgan.
**Kalit so‘zlar.** Said Ahmad, hikoya, obraz, badiiy belgi, oila, personaj, “Qorako‘z Majnun”, it, Saodat aya, Bo‘rixon, Qumri.
**Аннотация.** В данной статье освещены поэтическая функция художественного символа, художественно-эстетическая задача образа собаки, использование образа собаки для изображения психики героя произведения Саадат ая, характерные черты, присущие образу собаки в рассказе Саида Ахмада «Коракуз Меджнун».
**Ключевые слова.** Саид Ахмад, рассказ, образ, художественный символ, семья, персонаж, «Коракуз Меджнун», собака, Саадат ая, Бурихан, Кумри.
**Abstract.** This article discusses the poetic function of the artistic symbol, the poetic-esthetic function in the image of the dog and characteristic features in the image of the dog in the story “Koraкòz Majnun” by Said Akhmad. Additionally, It highlights that the image of the dog served as an artistic symbol in describing the psyche of the heroine of the work (Saodat aya).
**Keywords.** Said Ahmed, story, image, artistic character, family, character, “Korakoz Majnun”, dog, Saodat aya, Borikhan, Qumri.

Badiiy adabiyotdagi jonivorlar obrazlari, hayvon va insonlar o‘rtasidagi munosabat, inson ruhiyatini tasvirlashda jonivorlarning o‘rnini jahon adabiyotida Jek London: “Oq so‘yloq” [3, 160], Ernest Tomson Seton: “Yovvoyi yo‘rg‘a”, Muxtor Avezov: “Ko‘kyol” [2, 132], o‘zbek adabiyotida esa Normurod Norqobilov: “Qoraquyun” [4, 214], “Changalzor iti” [5, 108-190], Said Ahmad: “Qorako‘z Majnun” [8, 88-104] kabi asarlarida uchratish mumkin. Biz avvalgi maqolamizda Said Ahmadning “Qorako‘z Majnun” hikoyasidagi it obrazi haqida NamDU ilmiy axborotnomasining 10-sonida fikr yuritganmiz [1, 291-297].

Ma’lumki, badiiy obraz va obrazlilik tushunchasi o‘rniga ko‘pincha “badiiy belgi” atamasi ham qo‘llaniladi. Zero, “Belgi – moddiy predmet bo‘lib, vakil yoki boshqalarning o‘rnini bosuvchi, predmetni (yoki o‘ziga xos xususiyat va munosabatni) oldindan anglatadi. Belgilar tizim tashkil etib, ma’lumot olish, saqlash va boyitishga, ya’ni birinchi galda anglash ahamiyati uchun xizmat qiladi” [6, 102]. Shu ma’noda yozuvchi Said Ahmadning “Qorako‘z Majnun” hikoyasidagi it obrazi asarda hayvonlik xususiyatidan ko‘ra ko‘proq belgi sifatida keladi hamda asar qahramoni Saodat aya va unga bog‘liq bo‘lgan boshqa obrazlar o‘rtasidagi munosabatning ahamiyatini kuchaytirishga, ularning oldindan amalga oshiradigan harakatlarini ham belgilashga, ko‘rsatishga yordam beradi. Masalan, quyidagi asardan keltirilgan parchada it Saodat ayaning ruhiyatidagi ijobiy o‘zgarishni oldindan anglab, o‘quvchiga bu haqda xabar bermoqda: “Qachongacha chilla o‘tiraman, deb kampir bugun qizinikiga otlanib qoldi. Kampirning niyatini sezgan Qorako‘z ostonaga borib o‘tirib oldi. Yaqin bir oydan beri hech qayoqqa bormagan Qorako‘z o‘zida yo‘q shod edi. Boshini bir tomonga egib

irg'ishlar, tezroq chiqmaysizmi, degandek, har xil ovoz chiqarib g'ingshirdi" [8, 92]. Keltirilgan iqtibosdan ko'rinib turibdiki, hikoya syujetning shu yerida it tasviri, uning xursandchilikdan ovoz chiqarib, turli qiliqlar qilishi asar bayoniga rang-baranglik olib kirgan, Saodat ayaning qalbidagi ko'tarinkilikni ifodalagan, desak ham o'rinli. Lekin Saodat aya obraz sifatida yoshiga munosib harakatlanadi, itga qarama-qarshi ravishda bosiqlik bilan, sekinroq harakat qiladi, erinmasdan bir bo'yradek joyga ekilgan o'smaning sersuv, bo'liq barglarining tagidan kertib uzadi, rayhonning gul otmagan shoxlaridan sindirib oladi, so'ngra o'smaga qo'shib, dastro'molga o'raydi. Bu harakatlarni u shoshmasdan bajaradi. It esa tezkor u shoshadi. Xususan, qizining uyiga yaqinlashganlarida it kampirdan ancha ilgarilab ketadi va Saodat ayaning nabiralarni Qorako'zni tanib buvim kelyapti, deya itga peshvoz chiqishadi. Voqeaning shu o'rnida itning personajlarga oldindan xabar beruvchi ekanligi ko'rinadi.

Saodat ayaning o'g'li Bo'rixon kelgan kuni esa it kampirning oyoqlari ostiga yotib, Bo'rixonga nisbatan salbiy munosabatda bo'lishida ham Saodat aya va ruslashib ketgan o'g'il o'rtasidagi sovuqlikni sezib, Bo'rixonga nisbatan "*g'ashliq qilib, tinmay irrilaydi*" [8. 95]. Aynan shu tasvirda ham it obrazdan ko'ra, kengroq vazifani bajarishi, ya'ni badiiy belgi ekanligi ko'zga tashlanadi. Chunki u kampir kutgan o'g'li tez kunda tashlab ketishini, bu yerlar unga begona ekanligini oldindan sezadi. "Shu tariqa "belgi" tushunchasi obraz va obrazlilik haqidagi an'anaviy tasavvur bekor qilmadi, balki mazkur tasavvurlarni yangi, yanada kengroq mazmuniy kontekstga olib chiqdi. Til haqidagi fanning mohiyatini ko'rsatuvchi belgi tushunchasi adabiyotshunoslik uchun, birinchidan, badiiy asar materialidagi so'zni o'rganish sohasida, ikkinchidan, asardagi shaxslarning xatti-harakatining shakli va portretli tavsifiga murojaat qilganda ham muhimdir" [7, 104]. Shu mulohazalardan kelib chiqib fikr yuritilsa, it obrazining badiiy-estetik vazifasi kengayib, u adabiyotshunoslikdan umummadaniy darajaga o'sib chiqadi. It belgi sifatida turli personajlarning ruhiy holati, portreti va syujet doirasidagi harakatining tavsifini boyitadi. Buni Qorako'zning Saodat aya bilan "dom"da yashovchi qizi Dilbarxonnikiga borayotgandagi holatidan anglaymiz. Yozuvchi itning yo'ldagi turli sarguzashtlarini erinmasdan tasvirlaydi: "Nihoyat, kampir tugunni qo'ltiqlab chiqdi. Qorako'z o'tirgan joyidan bir sapchib, ko'cha tomon otildi. Kampir uning ketidan borarkan, "Hoy, muncha shoshasan, sekinroq", – deb javrardi.

Qorako'z, gapga tushungandek, ko'cha o'rtasida to'xtab, orqasiga qaraydi. Kampir yetib kelguncha yayrab qulog'ini qashlaydi. Bir qulog'ini dikkaytirib, bittasini shalpaytirib erkalik qiladi. Orqa oyog'ida turib, bir-ikki aylanadi. Kampir yetib kelishi bilan yana o'ynoqlab yugurib ketadi. Yo'lda uchragan mushuklarni tiraqaylatib quvib, nim qizil tilini osiltirgancha hansirab qaytib keladi. Daraxtlardagi musichalarga irg'ishlab akillaydi. Ariqdan shapillatib suv ichadi, Ba'zan yo'l chetiga chiqib, paxsa devor tagini ho'l qilib qaytadi. Velosiped minib o'tgan bolalarga ergashib uzoqlarga ketib qoladi.

Kampir uning qiliqlariga andarmon bo'lib, yo'l yurganini sezmaydi". [8, 92-93]

Rivoya markaziga itning chiqarilishi mazkur obrazning faoliyati kengayib, asar syujeti, obrazlar kompozitsiyasidagi vazifalari teranlashib borganligini anglatadi. Xususan, keltirilgan tasvirlarda itning obraz sifatida umumlashma obraz ekanligini ko'ramiz. Bitta it bir safargi sayohatda shuncha qiliqlarni qilishi uchun Qorako'z o'ta quvnoq, o'yinqaroq it, shuningdek, kampirni tushunuvchi hamroh sifatida berilgan. Boshqa tomondan esa u kampirning gapiga kiryapti, Saodat ayaga maslahat solyapti,

qay tomonga borishni soʻramoqchidek yoʻlda toʻxtayapti. Uning harakatlarini toʻgʻri anglagan aya qizinikiga yoʻlni buradi. Shu yerda roviy obrazni assotsiativ tarzda Saodat kampirning oʻgʻli Boʻrixon bilan qiyoslashga undaydi. Toʻgʻri, kompozitsiyada bunday holat berilmagan. Ammo it obraz sifatida kampirga shu qadar yaqinligini va uning umumlashma harakatlarini asoslash asnosida beixtiyor kampirning qalbidagi armoni, boshqa dinga oʻtib, xristian qiziga uylanib, onasini, uyini, dinidan voz kechgan bevafo oʻgʻli bilan solishtirish imkoni yuzaga keladi. Chunki, birinchidan, obrazlar oʻzaro solishtirilganda zimmalaridagi badiiy-estetik vazifa ochiladi. Ikkinchidan esa itning tasviriga bu qadar katta e'tibor berilishi va kampir uni oʻz farzandidek koʻrishi zamirida oʻgʻil va it obrazlarini solishtirish ehtiyoji tugʻiladi. Shu yerda it obrazining kampir ruhiyatini ochishdan tashqari, hikoya kompozitsiyasidagi syujet rivojini ta'minlashdek vazifasi borligi koʻrinadi.

It alohida nom bilan atalashi, kampirning ovunchogʻi ekanligi, unga har doim hamroh boʻlib yurishi mazkur obrazning yuzaga kelishida muallifning voqelikni, mavjudlikni hissiy-emotsional tushunishi, adib idrokida ona va uning cheksiz mehri oʻz farzandi yoki boshqa yaqinlariga, bu yerda itga, nisbatan doimiy harakatda boʻlishi talab etishi, ona tasavvuri va unda qayta yaratilgan shaxs va jamiyat oʻrtasidagi tasvir mavjud. Saodat ayani birinchi galda inson, ikkinchi oʻrinda ona va uchinchi oʻrinda hikoyadagi ayol tasviri sifatida ham umumlashma obraz, ham individuallashgan obraz sifatida tushunish toʻgʻri boʻladi. Umumlashmaligi ona sifatida oʻgʻlini kechiradi va uni sogʻinadi. Lekin individual obraz sifatida namozxon, haj badal uchun pul bergan musulmon kishi itni shaxs sifatida tushunishida individuallik koʻrinadi. Shuningdek, shu yerda it obrazining borliqqa hissiy-emotsional munosabatda (*kampir koʻchaga chiqmoqchi boʻlganda xursand boʻlishi, musichalarga akillashi, bolalar ortidan yugurishi, kampir uni meni tashlab ketding, bevafo deb urishganida aybdordek tutishi* kabilar) boʻlishi obrazning yana bir muhim xususiyatini namoyon etadi. Muallif itlarga xos xususiyatlarni bir joyga jam qilishda esa tafakkurga va mantiqqa asoslangan fikrlash orqali obrazga aniqlik, shartlanganlik sifatini bergan. Natijada it obraz sifatida olamni teran tushunadigan, aqlli, mehribon, kampir va uning nabiralariga bogʻlanib joʻshqin hayot kechirguvchi sifatida namoyon boʻladi. Obrazga xos bir nechta xususiyatlarning bunday yaxlitlashuvi yozuvchining mazkur obrazni yaratishdagi aniq ijodiy konsepsiyasi, yirik maqsadi boʻlganini va uning yuksak darajadagi ifodasidan dalolat beradi.

Aslida "Badiiy adabiyotda uch tugʻishgan – jamodot, nabotot va jonzot orasidagi bogʻlikni ifodalagan obrazlar serob" [6, 130] Yozuvchi hikoyada ana shu jamodotlardan hayvon va odamning oʻzaro munosabatini badiiy aks ettirar ekan, birinchi galda Yaratgan barcha jonzotlarga bir-birini harakatdan tushunish, umumiy tirik qoidalari va oʻzaro anglash muammosini oʻrtaga qoʻyadi. It uyda yotaverib, zerikkan oʻyinqaroq bola kabi turli qiliqlar qilishi Saodat ayani yoʻl azobidan qutqaradi. Ikkinchidan esa uni yosh bola deb bilishi ortidan onalarga xos xususiyat barcha kichik jonzotlarga mehribonlik, olam mohiyati Yaratgan maxluqotlari oʻrtasidagi oʻzaro mehr ulashish ekanligini tabiiy ravishda aks ettiradi. Buni quyidagi tasvirda yaqqolroq koʻramiz: "Qorakoʻz donlab yurgan tovuqlarni qaqagʻlatib, toʻrt tarafga toʻzgʻitib yuboradi. Yoʻlda uchragan itlar bilan iskashib, quvlashmachoq oʻynaydi. Koʻcha betidagi uy ostonasida tinmay akillayotgan kalamushdek kuchukchani tuproqqa qorishtirib bulgʻaydi. Ariq boʻyidan qoʻporib tashlangan

toʻngak soyasida yotgan boʻribosar itga ham zoʻrlik qilmoqchi boʻlgandi, taʼzirini yedi. Boʻribosar uning gardanidan tishlab, uloqtirib tashladi. Yoʻl oʻrtasiga borib tushdi. Tuproqqa qorishdi.

Kampir boshini sarak-sarak qildi:

– Hoy, jinni, senga kim qoʻyibdi otang tengi it bilan olishishni!

Qorakoʻz unga qaray olmadi”. [8, 93]

Parcha tahlilidan yana bir narsa koʻrinadi, kampirning tushunchasi boʻyicha itlar ham oʻz tengi bilan hazillashishi, kurashishi kerak. Bu jamodot oʻrtasidagi ijtimoiy adolat tushunchasining aniq ifodasi sanaladi.

Yozuvchi hikoyada it obrazini tasvirlar ekan, birinchi galda unga oʻzining taʼrifini beradi, Qorakoʻzni oʻzi istagan tavsifda harakatlantiradi. Natijada Qorakoʻz obraz sifatida muallif istagan, lekin itga xos xususiyatlarda doirasidan chiqmagan holda, asosiy xususiyatlarga ega boʻladi. Buni adib mazkur hikoyada asar boshidan boshlab sekin-astalik bilan keltiradi. Dastlab ozgina berilgan taʼrif, Saodat aya qizinikiga ketayotgani yanada kengroq va atroflicha tasvirlanadi. Koʻrinadiki, shu yerda syujetning markaziga it obrazi chiqadi. Bu esa oʻquvchida Saodat aya haqida yagona tasavvur hosil qilish imkonini beradi. Uning syujet kompozitsiyasidagi keyingi gap-soʻzlari, xatti-harakati yoki soʻz bilan ifodalash imkoni boʻlmagan botiniy holati, kechinmalari haqida kengroq maʼlumot beradi. Shu maʼnoda it obrazi aynan Saodat aya ruhiyatini tasvirlashda badiiy belgi vazifasida kelgan.

**Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati**

1. Ashurov B. “Qorakoʻz Majnun” hikoyasi kompozitsiyasida it obrazining oʻrni. NamDU ilmiy axborotnomasi 2023-yil 10-son. 291-297-betlar.
2. Авезов М. Кўкёл. // Қараш-қараш. Повесть ва ҳикоялар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1962. – 132 бет.
3. Jek London. Oq Soʻyloq. Rus tilidan Olim Otaxon tarjimasi. – T.: Gʻafur Gʻulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2010. – 160 b.
4. Норқобилов Н. Қоракуюн. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. 214-бет.
5. Норқобилов Н. Қорабўри. // Қиссалар. – Тошкент: Адабиёт, 2022. – Б. 108-190.
6. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 336 б.
7. Хализев В.Е. Терия литературы. – Москва: Высшпя школа, 2004. – 405 с.
8. Said Ahmad. Qorakoʻz Majnun. // Hikoyalar. – Toshkent: Sano-standart, 2016. –B.88-104.

# ТАЛАБА-ҚИЗЛАРДА ЛИДЕРЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ ВА ТАЪЛИМИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Джаббарова Нилуфар Бахтияровна**
**Ўзбекистон, Урганч РАНЧ технологиялар университети, Педагогика ва филология кафедраси ўқитувчиси. тел: +99899-501-59-55. nilush-90@mail.ru**

**Аннотация.** Мақалада студент қыздардың көшбасшылық қасиеттерін қалыптастыру ерекшеліктері қарастырылған. Сондай-ақ көшбасшылық қасиеттерді дамытудың қажеттілігі мен маңыздылығы, көшбасшылық түсінігі және оның түрлері, көшбасшылық қасиеттерді қалыптастыру міндеттері және оны тәжірибеде қолдану сипатталған.

**Түйінді сөздер:** көшбасшы, көшбасшылық, тұлға, білім жүйесі, дүниетаным, менеджер, белсенді көшбасшы, интеллектуалды көшбасшы, эмоционалды көшбасшы.

**Abstract.** The article discusses the features of the formation of leadership qualities among female students. The need and importance of developing leadership qualities, the concept of leadership and its types, tasks associated with the formation of leadership qualities and its practical application are also described.

**Keywords:** leader, leadership, person, education system, worldview, manager, active leader, intellectual leader, emotional leader.

Бугунги кунда жамиятимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар, инсонларнинг турмуш тарзи ва салоҳияти, уларнинг мақсадлилиги ва динамикаси ҳозирги кун замонавий ёшларига қўйиладиган талабларни аниқлашда ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишни назарда тутади.

Жамиятимизнинг жадал суратларда ривожланиб келаётгани ўз навбатида ҳар биримиздан тезкорликни ва ташаббускорликни талаб этмоқда ва бу нафақат ишлаб чиқариш, меҳнат шароитларида, балки таълим тизимининг ҳар бир босқичида рўй бераётган ўзгаришлар ва янгиланишларда ҳам ўз аксини топмоқда.

Жамиятимиз келажаги сифатида эътироф этилиб, эъзозланиб келаётган Янги Ўзбекистон ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, илмий ва маданий ривожланган, касбий фаол, мамлакатимизда ва бутун дунёда рўй бераётган воқеа ва ходисаларга диққатли, юртимиз келажаги ва манфаати йўлида қайғурувчи ва халқ тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ташаббускор ёшларни кўришни хохлайди.

Муҳтарам Юртбошимиз ҳар доим ўз чиқишларида ёшларга юзланиб, уларга ишонч билан қарар экан, ёшлар жамиятимизнинг келажаги, унинг бугунги кундаги мавжуд муаммоларини ҳал қилишда янгича назар билан қарайдиган, Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий фаровонлигини таъминлашда ўз тенгдошларини етаклай оладиган ҳақиқий лидер ва ташаббускор ёшларга доимо эҳтиёж борлигини таъкидлайди.

Бунинг учун эса ёшлар ўзининг шахсий ва касбий билимларини, қобилият ва маҳоратларини чинакам халқ фарзанди, жамият етакчиси ва ўз соҳасининг етук мутахассиси сифатида камол топиши зарур бўлади.

Ушбу мақсадларни амалга оширишда бевосита талаба-ёшларни ҳаётга тайёрлашда олий таълим тизими ва таълим жараёни жуда муҳим аҳамият касб этади.

Олий таълимда талабаларда айниқса, талаба-қизларда лидерлик, етакчилик фазилатларини ривожлантириш асосида талабаларнинг ҳаётий позициясини фаол тарзда шакллантириш, лидерлик имкониятлари ва лидерлик потенциалини ўрганишга эътибор ва қизиқишнинг кучайишини белгилайди.

Таълим тизимининг барча бўғинларида таълим-тарбия олаётган ёшларга берилаётган билимлар ва уларнинг мазмуни, мақсад ва вазифалари ҳам айнан миллий қадриятларимизни мустаҳкамлаган ҳолда замонавий ва инновацион таълим тизимини жорий қилиш, фан ва таълимда нано технологиялар,

инновацион технологиялар ва дастурий таълимларни жорий қилган ҳолда ёндашиш, бунинг учун эса ҳар бир педагогнинг ўзи ҳам янгилик ва яратувчанликка интилиши лозим бўлади.

Бинобарин, таълим жараёни, шахсда етакчилик фазилатларини шакллантириш қулай муҳитда ўқувчиларга маълум билим, кўникма ва етакчилик қобилиятларини энг муваффақиятли ва самарали ўзлаштиришга имкон берадиган муайян педагогик шарт-шароитларни яратишни ўз ичига олади. [Андреева Г.М, 1999:45]

Олий таълим тизимида таҳсил олаётган ёшларнинг имкониятлари осмон қадар, аммо, ҳамма талабаларимиз ҳам бирдек илмий салоҳиятли бўлиб етишиб чиқаётгани, ҳалигача меҳнат бозорида ўзларига муносиб ўрин топа олмаётгани ачинарли ҳол. Хўш, бунга нималар сабаб бўлиши мумкин?

Талабалар куннинг катта қисмини айнан олий таълим даргоҳида ўқитувчилари ва курсдош ўртоқлари билан ўтказадилар. Шундан фойдаланган ҳолда уларнинг келажакда лидер, бошқарувчи мутахассис, ўз соҳаси доирасида салоҳиятли кадр бўлиб етишишлари, маънавий ва моддий дунёсини бойитишда олий таълим даргоҳи биз педагогларга ҳақиқий ёрдамчи куч, талабаларга эса ҳақиқий ҳаёт мактаби бўла олади.

Ёшлар фаоллигини таъминлашда аввало уларнинг етакчилик ташаббусларини ва лидерлик қобилиятини ривожлантириш, бунда уларга "лидер", "лидерлик сифатлари", "бошқатувчи шахс", "раҳбарлик маҳорати" каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини англатиш зарур.

Лидерлик ҳақида сўз юритишдан олдин "лидерлик" атамасининг мазмун-моҳиятини аниқлаш лозим. Лидер деганда кўз олдимизга сиёсий, миллий етакчилар яъни мураккаб вазиятларда тарихни ўзгартира олган шахслар келади. Ҳозирги даврда ушбу атама нафақат бизнесда, балки таълим тизимида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Энг муҳими, лидерлик - бу туғма қобилият эмас, лидерлик - бу салоҳият. Яъни ҳар ким, ҳар бир ўқувчимиз ҳам, у ўғил бола ёки қиз бола бўлсин, албатта лидер бўла олади. Демак, лидер гурухнинг шундай аъзосики, у гўёки барча гуруҳий жараёнларнинг бошида туради ва хулқи билан ўзгаларга таъсир қила олади.

Ғарб психологиясида гуруҳнинг норасмий бошлиғини тавсифлаш учун лидер тушунчаси ишлатилаверади. Лекин аслида бизнинг тушунчамизда гуруҳда расмий муносабатларни мувофиқлаштирувчи, уни бошқа ташкилот ва инсонлар олдидаги ваколатини амалга оширувчи, иш бериб, ишни назорат қилувчи шахс рахбар деб аталади [Э.Ғозиев, 2006:176]

Лидер эса шундай шахски у ўзидаги айрим ижобий ва кучли фазилатлари туфайли кундалик мулоқот ва муаммолар жараёнларида обрў орттирган мавқеи баланд кишидир. У аслида раҳбарликка даъво қилмайди, лекин юриш-туришлари кўпчиликка маъқул бўлганлиги сабабли, уни одамлар сайловларда танлашлари ёки раҳбарликка захира танлашганда айнан унинг номзодини қўйишлари мумкин. Бир гурухда унинг ҳажми ва катта кичиклигига қараб, одатда битта раҳбар ва бир нечта лидер бўлиши мумкин.

Бири – жамоадаги меҳнат ёки ўқиш фаолияти мақсадларини хаммадан хам аниқ англагани учун ишчан лидер бўлиши, бошқаси қарорлар қабул қилиш ва

маъсулиятли вазифаларни ечиш вақтларида хаммага ақл ўргатадиган интеллектуал лидер, яна бири– турли вазиятларда одамлар кайфиятларини кўтарувчи, уларни руҳан қўллаб-қувватлашга уста емоционал лидер бўлиши мумкин. [В.М. Каримова, 2000:38]

У ёки бу турли лидернинг мавжудлиги ўша гурухдаги реал вазиятларга, гуруҳий фаолиятининг мақсадларига боғлиқ. Масалан жамоада, ўқув юртида қайсидир байрамни ўтказиш ва тадбирларни ташкил этишда бош-қош бўлган эмоционал лидер. Байрам ўтгач, сессия олдидан ёки маъсулиятли янги топшириқ берилиши муносабати билан ўз лидерлик мавқеини бошқа гуруҳдошга яъни ишчан лидерга бериши мумкин.

Хар бир раҳбарми ёки лидерми, унинг ўз иш услублари ва меҳнатни ташкил қилишга қарашлари бўлади. Бу эса ўша шахснинг ўзига хос бўлган характер-хусусиятлари, олган билим ва тажрибаларига бевосита боғлиқ бўлади.

Талаба-қизларда лидерлик сифатларини ривожлантиришда қуйидаги муҳим вазифаларга эътибор қаратиш лозим:

1) ўқув-тарбия жараёнида талаба-қизларнинг психологик-педагогик диагностика қилиш асосида уларнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш;

2) талаба-қизларда лидерлик фазилатларини аниқлаш динамикасини кузатиш учун замонавий диагностика усулларидан мақсадли фойдаланиш;

3) талаба-қизларда мавжуд лидерлик салоҳиятини юзага чиқаришларида уларга тўсқинлик қилувчи уятчанлик, жамоага мослаша олмаслик, ўзини намоён қилишга мотивация йўқлигини инобатга олган ҳолда уларга педагогик ва психологик таъсир кўрсатиш;

4) талаба қизларда лидерлик фазилатларининг намоён бўлишига ёрдам берадиган турли тадбирларнинг тегишли мазмунини танлаш ва талабаларга тадбиқ қилиш;

5) шахсга йўналтирилган таълим ва тарбиянинг шахснинг ижтимоий ривожланиши учун вақтинчалик ёки доимий ўз-ўзини намоён қилиш имкониятини яратиш;

6) таълимнинг гуманистик тушунчалари нуқтаи назаридан ўқувчиларнинг лидерлик қобилиятларини ривожлантиришга раҳбарлик қилувчи педагогик технологияларни жорий этиш;

7) университетда талаба-қизлар ўртасида ўзларининг етакчилик фазилатларини юзага чиқаришга имкон берувчи педагогик технологияларни ишлаб чиқиш;

8) талабаларда етакчилик ва лидерлик фазилатлари ва етакчилик позицияларини шакллантириш жараёнининг педагогик мониторингини ташкил этиш;

9) университетда талабалар ўртасида етакчилик фазилатларини шакллантириш жараёнини қўллаб-қувватлашнинг педагогик технологиясини ишлаб чиқиш;

10) талаба-қизларда лидерлик сифатларини ва етакчилик позицияларини шакллантириш жараёнининг педагогик мониторингини ташкил этиш.

Шунингдек, талаба-қизларда лидерлик сифатларини ривожлантиришда уларнинг ўз олдиларига мақсад қўя олишлари, мулоқот қилишга ўзида қизиқишни шакллантириш, фаоллик, шахслараро муносабатларда ташаббускор

бўлишлари, масъулиятлилик, ташкилотчилик ва ҳамкорлик каби фазиларларнинг юзага чиқиши ҳар бир талабада лидерлик сифатларининг шаклланиши ва ривожланишида катта ёрдам беради.

Шундай экан, талаба қизларимизда ушбу сифатларни ва лидерлик салоҳиятини ривожлантириш нафақат уларнинг юқори малакали мутахассис, қобилиятли бошқарувчи шахс бўлишига, балки, келажакда фарзандларига ҳам ўзидаги лидерлик салоҳияти ва бой билим-тажрибалари, ўз билими ва салоҳияти ортидан ўзгаларни эргаштира оладиган кучли мотиватор бўлишида, тарбия бера оладиган, оиласида соғлом ижтимоий педагогик ва психологик муҳит ярата оладиган мукаммал уй бекаси, салоҳиятли она бўла олишларига хам катта ёрдам беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

**1.** Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент. Ўзбекистон. 2021 у. -B. 141.
**2.** Андреева Г.М., «Социальная психология», М., 1999.-45
**3.** В.М. Каримова, Ф.А.Акрамова, Психология, Т., 2000. -38.
**4.** Э.Ғозиев, Р.Тошимов, «Менежмент психологияси», Т., 2001. Бтаршев А. В. Мулоқот қилиш қобилиятининг диагностикаси. -Санк-Петербург: Питер, 2006. – 176ст. - (Амалий психология).

## BOLALAR LUG'ATINI BOYITISHDA TA'LIMIY O'YINLARNING PEDAGOGIK AHAMIYATI

**Eshova Dilbar Shonazarovna**
**Buxoro davlat pedagogika instituti "Maktabgacha ta'lim" kafedrasi katta o'qituvchisi,**
**eshovadilbar67@gmail.com**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada bolalarning lug'atini o'stirishda ta'limiy o'yinlarning ahamiyati haqida fikr yuritilgan. Ta'limiy o'yinlarning bir necha turlari tahlilga tortilgan bo'lib, uning bolalarning nutqini oshirishdagi bir qator vazifalari yoritilgan.

**Kalit so'zlar:** ta'lim, tarbiya, lug'at, maktabgacha ta'lim, o'yinlar, rivojlanish, nutq, didaktika, jarayon.

**Аннотация:** Бұл мақалада балалардың сөздік қорын дамытудағы оқу ойындарының маңыздылығы қарастырылады. Оқыту ойындарының бірнеше түрлері талданып, олардың балалардың сөйлеу тілін жетілдірудегі бірқатар қызметтері атап көрсетілген.

**Негізгі сөздер**: білім, тәрбие, сөздік, мектепке дейінгі тәрбие, ойын, дамыту, сөйлеу, дидактика, процесс.

**Abstract:** This article discusses the importance of educational games in developing children's vocabulary. Several types of educational games are analyzed, and a number of their functions in improving children's speech are highlighted.

**Key words**: education, education, vocabulary, preschool education, games, development, speech, didactics, process.

Har bir mamlakatning taraqqiyoti, istiqboli, farovonligi, ma'naviy yuksalishi, jahonning eng rivojlangan davlatlar qatoridan o'rin olishi - bilimli, yuqori intellektual

salohiyatli, qalbiga va ongiga ezgu fazilatlami mujassamlagan yoshlarga bog'liq hisoblanib, har jihatdan yetuk va barkamol, Vatan taqdiri uchun sidqi dildan xizmat qiladigan, fidoyi, iymonli avlodni voyaga yetkazish, o'qitishni sifatli va mazmun jihatdan yuqori pog'onalarga olib chiqish awalo o'qituvchi va tarbiyachi murabbiylar zimmasiga sharafli va ayni paytda mas'uliyatli vazifani yuklaydi. Maktabgacha yoshdagi bolaning o'yin faoliyati mazmun jihatdan har kungi vaziyatga qarab o'zgarib turadi. O'yin doimo o'zgarib turganligi tufayli bola o'ynab charchamaydi, zerikmaydi. Bolaning atrof muhitga, kishilarga, narsalarga va o'ziga bo'lgan turli munosabatlari mazmun hamda shakl jihatdan har doim o'zgarib turadigan o'yin jarayonida namoyon bo'ladi. Bolalarning turli ehtiyojlari, istak va qiziqishlari, qobiliyatlari hamda bir qancha shaxsiy fazilatlari o'yin jarayonida bevosita rivojlanadi. O'yin jarayonidagi bolalar faol faoliyatining psixik taraqqiyot uchun ahamiyati shundaki, bolalarning turli sifat va fazilatlari o'yin jarayonida faqat namoyon bo'libgina qolmasdan, bunda sifat va fazilatlar mustahkamlanadi, o'zlashtiriladi. Shuning uchun psixologik nuqtai nazardan oqilona, ya'ni, to'g'ri tashkil qilingan o'yin bola shaxsini har tomonlama o'stiradi va shuning bilan birga bolaning butun psixik jarayonlarida – sezish, idrok, diqqat, xotira, tafakkur, hayol va irodani ildam rivojlanishiga yordam beradi. O'yin o'z mohiyati jihatidan katta kishilarning xatti-harakatlari va xulq-atvorlariga faol taqlid qilishdan iborat bo'lishi tufayli bolalarda ma'naviy sifatlarning mustahkamlanishi uchun va odob-axloq qoidalarini bilib olishlari uchun keng imkoniyatlar beradi. Maktabgacha yoshdagi bola o'yin jarayonida shifokorlik yoki o'qituvchilik rolini bajarayotgan bo'lsa, shu kasbga tegishli barcha sifatlarni namoyon qilishga intiladi. Ular o'yinga juda berilib ketsalar, bajarayotgan rollariga xos sifatlar shunchalik samimiy, ijodiy tarzda namoyon bo'ladi. Bolalar uchun o'yin mazmunining hech bir chegarasi yo'q. Maktabgacha yoshdagi bolalar kattalar hayotini hamma tomonlarini o'z o'yinlarida aks ettira oladilar. O'yinning ahamiyati bola shaxsining o'sib kamolotga yetishiga ta'sir ko'rsatishdin iboratdir. O'yin har bir yosh bosqichda bolaning tevarak atrofdagi dunyoni va kishilar o'rtasidagi munosabatlarni bilib olishni ifodalaydi. Hozirgi paytda maktabgacha katta yoshdagi bolalar nutqini rivojlantirishga yanada yuqori talablar qo'yilmoqda. Bu talablarga javob berish nutqni rivojlantirishga oid yangi izlanishlami taqozo etadi. Shunday qilib, pedagogika ilmining hozirgi bosqichida maktabgacha katta yoshdagi bolalar nutqini rivojlantirishga nisbatan qo'yiladigan talablar bilan ushbu talablar ijrosi o'rtasida ziddiyatlar namoyon bo'lmoqda. Ta'limiy o'yinlar ta'limiy o'yin sifatida bolalarning yosh xususiyatlariga mos keladigan o'yinlar sirasiga kiradi. Didaktik o'yinlarning muhim belgisi undagi qoidalaming mavjudligidir. O'yinda o'yin maqsadi, o'yin qoidalari, o'yin harakatlari o'rtasida uzviy aloqa mavjud. O'yin maqsadi o'yin harakatlarining tabiatini belgilaydi. O'yin qoidasi esa, o'yin harakatlarini, vazifasini hal etishga va o'yindagi harakatlami amalga oshirishga yordam beradi. Ta'limiy o'yinlar orqali bolalarga yangi bilimlar, tushunchalar berib boriladi. Bu o'yinlarda bolaning har tomonlama rivojlanishi, bilim jarayoni, sensor madaniyati, nutq faoliyati, aqliy qobiliyatlari takomillashadi. O'yin qoidasiga rioya qilish, unga amal qilish o'yin mazmunini boyitadi. Ta'limiy o'yinlarda tabiiy narsa va buyumlardan keng foydalaniladi. Bolaning kun tartibida ta'limiy o'yin uchun vaqt va joy ajratilishi kerak. Bunday o'yinlar mashg'ulot jarayonida va o'yindan tashqari vaqtlarda guruh yoki yakka-yakka o'tkaziladi. Bunda o'yin mazmuni va natijasi puxta aniqlanadi. Ta'limiy o'yinlarda quyidagi qoidalarga amal qilinishi kerak:

1. Navbatma-navbat ta’sir etish.
2. So‘ralganda javob berish.
3. O‘rtoqlari fikrini eshita olish.
4. O‘yin jarayonida boshqalarga xalaqit bermaslik.
5. O‘yin qoidasini bajarish.
6. O‘z xatosini tan olish.

Ta’limiy o‘yinlarda bolalarning yosh, individual xususiyatlarini hisobga olish lozim. O‘yinda o‘yin tempi va ritmi katta rol o‘ynaydi, juda sekin va bir tekisdagi temp bolani ko‘p kuttiradi, juda tez temp esa bolalarni hayajonga soladi, turli bahs-munozaralarga olib keladi. Kattalar tomonidan o‘yin ishtirokchilarini to‘g‘ri baholash muhim ahamiyatga ega. Ta’limiy o‘yinlaming quyidagi turlari mavjud: a) buyum va o‘yinchoqlar bilan o‘ynaladigan; b) stol-bosma; d) og‘zaki so‘z o‘yinlari. Buyum va o‘yinchoqlar bilan o‘ynaladigan o‘yinlar bolaning ilk yoshidan boshlab, to maktab yoshiga yetgunga qadar o'ynaladigan o‘yin turi hisoblanadi. Bunda bolalarning tasawurlari, diqqatlari o‘yin asosini tashkil etadi. Ularda tevarak-atrofdagi narsa va buyumlar, ulaming sifati, foydali tomonlari to‘g‘risida umumiy tushuncha hosil bo‘ladi. O‘yinda o‘ynaladigan har bir buyum yoki o‘yinchoq o‘zining tashqi ko‘rinishiga ega bo‘lishi, narsaning asosiy belgisini ajrata bilish imkonini berishi lozim. Bunday o‘yinlar bolalarning narselarning shakli, hajmi, belgisi, sifati haqidagi bilimlarini kengaytiradi. Stol-bosma o‘yinlari bolalarning tevarak-atrof haqidagi tasawurlarini aniqlash, bir tizimga solish, tafakkurini (tahlil qilish, sintez, umumlashtirish, tavsiflash) o‘stirish imkonini beruvchi o‘yin usulidir. Bu o‘yin turiga a) loto; b) juft rasmlar; d) domino; e) labirint kiradi. 2. Lug‘atni boyitish uchun yordam beradigan ta’limiy o‘yinlarning turlari. Ta’limiy o‘yinlar. Didaktik o‘yinlar ta’limiy o‘yin sifatida bolalarning yosh xususiyatlariga mos keladigan o‘yinlar sirasiga kiradi. Didaktik o‘yinlaming muhim belgisi undagi qoidalaming mavjudligidir. O‘yinda o‘yin niyati, o‘yin qoidalari, o‘yin harakatlari o‘rtasida uzviy aloqa mavjud. O‘yin niyati o‘yin harakatlarining tabiatini belgilaydi. O‘yin qoidasi esa, o‘yin harakatlarini, vazifasini hal etishga va o‘yindagi harakatlami amalga oshirishga yordam beradi.

Didaktik o'yinlar orqali bolalarga yangi bilimlar, tushunchalar berib boriladi. Bu o‘yinlarda bolaning har tomonlama rivojlanishi, bilim jarayoni, sensor madaniyati, nutq faoliyati, aqliy qobiliyatlari takomillashadi. O‘yin qoidasiga rioya etish, unga amal qilish o‘yin mazmunini boyitadi. Didaktik o‘yinlarda tabiiy narsa va buyumlardan keng foydalaniladi. Bolaning kun tartibida didaktik o‘yin uchun vaqt va joy ajratilishi kerak. Bunday o‘yinlar mashg‘ulot jarayonida va o‘yindan tashqari vaqtlarda guruh yoki yakka-yakka o‘tkaziladi. Bunda o‘yin mazmuni va natijasi puxta aniqlanadi. Didaktik o‘yinlarda bolalaming yosh, individual xususiyatlarini hisobga olish lozim. O‘yinda o‘yin tempi va ritmi katta rol o‘ynaydi, juda sekin va bir tekisdagi temp bolani ko‘p kuttiradi, juda tez temp esa bolalami hayajonga soladi, turli bahs-munozaralarga olib keladi. Kattalar tomonidan o‘yin ishtirokchilarini to‘g‘ri baholash muhim ahamiyatga ega. Xulosa o‘rnida har qanday lug‘at ishini tashkil etishda ta’limiy o‘yinlarning o‘rni katta va bunday o‘yinlar mashg‘ulotlarni qiziqarli o‘tishida ham ko‘maklashadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. Sodiqova Sh. Maktabgacha pedagogika. – T.,”Tafakkur bo‘stoni”, 1992.
2. Xasanboeva O.U. va boshq. Maktabgacha ta’lim pedagogikasi. T.: Ilm ziyo. 2006
3. D.R.Babayeva. Nutq o‘stirish metodikasi. T.: Fan va texnologiyalar. 2009-yil. O‘quv qo‘llanma.

4. S.Shodiyeva “O‘rta guruh bolalar nutqini o‘stirish” T.: “O‘qituvchi”, 1993-y. O‘quv qo‘llnma.
5. Ibragimov X.I., Abdullayeva Sh.A. Pedagogika nazariyasi. - T.: “Fan va texnologiyalar” nashriyoti, 2008.

# NATAN MALLAYEV – QARDOSH XALQLAR TADQIQOTCHISI

**Davlataliyeva Kumush Akmaljon qizi,**
**(O`zbekiston) Namangan davlat universiteti**
**O`zbek dabiyotshunosligi kafedrasi o’qituvchisi** davlataliyevakumush438@gmail.com

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Ozbekistonda xizmat ko`rsatgan fan arbobi, adabiyotshunos olim, qardosh xalqlar tadqiqotchisi, tarjimon Natan Mallayevning qardosh xalqlar adabiyoti bo`yicha qilgan tadqiqotlari va o`zbek adabiyoti rivojiga qo`shgan ulkan hissasi haqida so`z boradi.
**Kalit so`zlar.** Natan Mallayev, “O`zbek adabiyoti tarixi”, Firdavsiy, “Shoxnoma”, “Avesto”, Nizomiy Ganjaviy, Qutb Xorazmiy.
**Аннотация.** Бұл мақалада Өзбекстанда қызмет еткен көрнекті ғалым, әдебиеттанушы, туысқан халықтарды зерттеуші, аудармашы Натан Маллаевтың туысқан халықтар әдебиеті туралы зерттеулері мен өзбек әдебиетінің дамуына қосқан зор үлесі туралы айтылады.
**Негізгі сөздер**. Натан Маллаев, «Өзбек әдебиетінің тарихы», Фирдавси, «Шохнома», «Авеста», Низами Гянджави, Құтб Хоразми.
**Abstract.** This article talks about the great contribution to the development of Uzbek literature and the researches of Natan Mallayev, a distinguished scientist, literary scholar, researcher of sister nations, translator, who has served in Uzbekistan, on the literature of sister nations.
**Key words.** Natan Mallayev, "History of Uzbek literature", Firdavsi, "Shokhnoma", "Avesta", Nizami Ganjavi, Qutb Khorazmi.

Butun umri davomida faqat ilmni deb, oliy ta`lim ravnaqini ko`zlab, shogirdlar kamolini o`ylab yetmish to`rt yillik umrini fido etgan Natan Murodovich Mallayev (1922.22.1 — Toshkent — 1996) — adabiyotshunos, tarjimon. O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan fan arbobi (1973). Filologiya fanlari doktori (1978), professor (1980). Toshkent pedagogika institutini tugatgan (1942). "Qardosh xalqlar adabiyoti" (hozirgi o‘zbek klassik adabiyoti) kafedrasi mudiri (1965-91). M. "O‘zbek adabiyoti tarixi" (o‘rta maktablar uchun, 1953-72), "O‘zbek adabiyoti tarixi" (un-t va pedagogika institutlari uchun, 1963-65) kabi darsliklar mu-allifi. Asosiy ilmiy tadqiqotlari Navoiy ijodini o‘rganish va mumtoz adabiyot bilan xalqog‘zaki ijodining uzaro ta’sirini tadqiq etishga karatilgan ("Ulug‘ shoir va mutafakkir", 1969; "Navoiy ijodining xalqchil negizi", 1973; "So‘z san’atining gultoji", 1991 va boshqalar). M. "Abulqosim Firdavsiy" (1962) monografiyasini yozgan. S. Ayniyning "Qisqacha tarjimai holim" asarini o‘zbek tiliga tarjima qilgan. Firdavsiy "Shohnomasining 2 jilddan iborat nasriy tarjimasini, Majlisiy ("Qissai Sayfulmulk" dostoni), Navoiy (ruboiy, tuyuq, lirika) asarlarini nashrga tayyorlagan. M. Navoiy asarlarining ruscha 10 jildli nashrini (5- va 10-j.lar, 1968) tay-yorlashda qatnashgan. Oliy o‘quv yurtlari va o‘rta maktablar uchun dastur va xrestomatiyalar tuzgan (1952-74)[186]. Natan

[186] O‘zME. Birinchi jild. –Toshkent, 2000. 159-bet.

Mallayev tomonidan maktablar va oliy o`quv yurtlari uchun yaratilgan darsliklari, majmua va xrestomatiyalar davr maorifi taraqqiyotiga ulkan hissa qo`shgan. Aspirant, doktorant va mustaqil tadqiqotchilarga ilm yo`lida ko`mak berdi va o`nlab yoshlarning fan nomzodi, doktori bo`lishiga rahnamolik qildi.

Olimning ilm yo`lidagi jasorati haqida gap ketganda shuni alohida ta`kidlash kerakki, o`tgan asrning 60-yillari boshlariga qadar o`zbek adabiyotidagi mumtoz namunalarning juda ko`pi hali jiddiy o`rganilmagan, tadqiqotlar olib borilmagan, nashr qilinmagan edi. Ular asosan, qo`lyozma, ayrimlari, toshbosma uslubida chop etilgandi, xolos. Shu boisdan ham tadqiqotchi olim Natan Murodovich Mallayev oliy o`quv yurti talabalari uchun "O`zbek adabiyoti tarixi" darsligini birinchilardan bo`lib yozishga kirishar ekan, aksariyat asarlarni qo`lyozma nusxalardan, toshbosma usulidagi nashrlardan o`qib, arab yozuvidagi davriy nashrlardan saralab tahlil qilgan va bu jarayonda olim o`zida katta matnshunoslik va manbashunoslik salohiyati borligini namoyish qilgan. Professor Natan Mallayevning "O`zbek adabiyoti tarixi", "Navoiy va xalq og`zaki ijodi", "Nizomiy Ganjaviy", "Buyuk shoir va mutafakkir" kabi kitoblarining ko`p ming nusxada qayta nashr qilinganligining o`zi ham buni tasdiqlab turibdi. Olimning vatanimiz yoshlari ta`limi rivojida va ilm-fan ravnaqi yo`lidagi xizmatlari beqiyosdir.

Tarixiy manbalardan ma`lumki, bizning ota-bobolarimiz ya`ni o`zbek xalqi qadimdan Markaziy Osiyo, Chin va Kavkaz xalqlari bilan siyosiy, iqtisodiy, ma`naviy-madaniy aloqada bo`lib kelgan. Hech shubhasizki, ushbu madaniy-siyosiy aloqalar jarayonida mintaqa xalqlarining og`zaki va yozma badiiy ijodi ham bir-biriga o`tgan va shaxsiylashgan. Buning natijasida ushbu xalqlar adabiyotida an`anaviy mavzular, obrazlar va mushtarak syujetlar vujudga kelgan. Tadqiqotchi olim Natan Mallayev badiiy ijoddagi bu kabi qonuniyatlardan kelib chiqqan holda qardosh xalqlar adabiyoti tahlili va talqiniga alohida e`tibor qaratgan. Agar olim o`tgan XX asrning 50-yillarida qardosh va qo`shni xalqlar adabiyoti vakillari haqida muxtasar ocherklar yaratgan bo`lsa, 60-yillarga kelib, muammoga kengroq yondashib, u yoki bu buyuk ijodkor haqida maxsus risolalar yaratishga kirishdi. 1962-yilda yozilgan "Abulqosim Firdavsiy" kitobi olimning shu yo`nalishdagi dastlabki jiddiy ilmiy ishi bo`ldi. Garchi, buyuk Firdavsiy ijodi o`sha yillari Sadriddin Ayniy, Abdulhamid Cho`lpon, Abdurauf Fitratlar tomonidan o`rganilgan bo`lsa ham shoir hayoti, adabiy merosi haqida maxsus kitob bitilmagan edi. Olim ushbu risolasini yozishda, bir tomondan, "Lubob ul-albob", "Chahor maqola", "Tazkirat ush-shuaro" kabi birinchi sarchashmalarga suyangan bo`lsa, ikkinchi tomondan, Bertels, Sadriddin Ayniy, Braginskiy, Dyakonov, M. Osmonov singari mashhur sharqshunoslarning Firdavsiy haqidagi tadqiqotlaridan fayz topgan, ularning an`anasini o`ziga xos tarzda davom ettirgan[187].

Dastlab risolada Abulqosim Firdavsiyning hayoti va ijodiy faoliyatini ancha batafsil yoritgan: "Buyuk shoir Abulqosim Firdavsiy Xuroson viloyatining Tus shahrida kambag'al oilada dunyoga keldi. Firdavsiy keng qamrovli va chuqur ilm egasi bo'lib yetishdi. Shu bois uni «hakim», «donishmand» deb ulug'laganlar. Shoir ijodining ayni gullagan davrida G'azna shahrida (hozirgi Afg'oniston hududi) — turk sultoni Mahmud G'aznaviy saroyida yashab, ijod qildi.

[187] Homidiy H., Sulaymonov M. Matonat. Kafolat print kompaniy nashriyoti, - Toshkent, 2022, 20-bet.

Firdavsiy Mahmud G’aznaviyga bag‘ishlab mashhur «Shohnoma» asarini yozdi. Lekin bu asar Mahmud G’aznaviy tomonidan yetarli qadrlanmadi”[188]. “Shohnoma”ning yozilish sababi, “Firdavsiy va Sulton Mahmud G`aznaviy” munosabatlari haqidagi rivoyatga atroflicha to`xtalgan: “Rivoyat qilishlaricha, sulton G’aznaviy Firdavsiyning yozilajak «Shohnoma» asarining har bir bayti uchun bittadan oltin tanga berishni va’da qiladi. 60.000 baytdan iborat asar tayyor bo‘lgandan keyin esa G’aznaviy va’dasidan qaytadi. Firdavsiyga G’aznaviy karvon orqali berib yuborgan tangalarning hammasi kumush bo‘lib chiqadi. Bundan qattiq ranjigan shoir tangalarning bir qismini karvondagilarga, boshqa qismini hammollarga ulashadi. Tangalarning qolgan hammasiga esa yaxna ichimliklar sotib oladi. Uning bu harakatlari hukmdorga qarshi norozilikning yaqqol ifodasi edi. Sulton G’aznaviy shoirni filning oyoqlari ostiga tashlab, jazolash haqida farmon beradi. Firdavsiy tug‘ilgan yerini tashlab, musofirlikda hayot kechirishga majbur bo‘ladi”[189]. Natan Mallayev ushbu monografiyasida bu xususdagi tadqiqotlarga ancha keng va batafsil munosabat bildirgan.

Shundan so`ng Natan Murodovich Mallayev Abulqosim Firdavsiyning shoh asari hisoblanmish “Shohnoma”ni yozishda foydalangan manbaalar tasnifiga batafsil to`xtalib o`tadi. Firdavsiy "Shohnoma"si o‘zidan keyin yaratilgan Sharq adabiyotiga o`zining sezilarli ta’sirini ko‘rsatgan, unga javoban ko‘plab "Shohnoma"lar yozilib, o‘ziga xos shohnomanavislik an’anasi vujudga kelgan. Bu an’anani Asadiy Tusiy boshlab bergan.U 1066-yilda 145 bob, 9000 baytdan iborat "Gershaspnoma" dostonini yaratgan. qadimiy Eronning afsonaviy qahramoni bo‘lgan Gershasp Jamshidning oltinchi avlodi, Firdavsiy qahramoni Rustamning katta bobosidir. Firdavsiy "Shohnoma"sida Gershasp haqida batafsil to‘xtalmagani uchun Asadiy Tusiy uning faoliyatini keng yoritishni maqsad qilgan.

Firdavsiy vafotidan so‘ng, "Shohnoma" jiddiy o‘zgarishlar va buzilishlarga duch keldi. Bizgacha etib kelgan fors tilidagi eng qadimgi Shohnoma ro‘yxati 1276-1277-yillarga to‘g‘ri keladi. Shunday qilib, u Firdavsiy vafotidan 250 yil o‘tgach tuzilgan[190]. Bu asarlarning birortasi g‘oyaviy-badiiy jihatdan Firdavsiy "Shohnoma"-si darajasiga ko‘tarila olmagan, adabiyot taraqqiyotida ham sezilarli rol o‘ynamagan.

Tadqiqotchi olim Natan Mallayev o`zining risolasida “Shohnoma”ning tarkibi, kompozitsion tuzilishi, afsonaviy, asotiriy, qahramonlik, tarixiy qismlarning izchil tahlilini bergan, har bir dostonning muxtasar syujetini, voqealar rivojini bayon etgan. Kitobning yuksak ideallarni nechog`li yuksak badiiylikda tasvirlanganligi, “Shohnoma”ning g`oyaviy motivlari tahliliga bag`ishlangan sahifalari bag`oyat maroqli tarzda bitilgan. Boisi, tadqiqotchi, asarda o`z badiiy ifodasini topgan xalqsevarlik, vatanparvarlik, ijtimoiy adolat uchun kurash, markazlashgan davlatning butunligini saqlash, odil va adolatli shoh, jangnomalar so`ngida keladigan pandnomalarni g`oyat teran nigoh bilan kuzatgan, ibratomuz xulosalar bergan: Ey hukmdor, idrokli, saxiy, adolatli bo‘l. Elning baxti hukmdorning baxtidir. Ey hukmdor, yolg‘onni toj-taxtga yaqinlashtirma. Doimo haqiqat yo‘lini tut. Ey hukmdor, ezgu ishlar uchun mablag‘ni ayama. Yuragingga bir lahza ham qo‘rquvni yo‘latma. Aks holda, qo‘shni shoh dadillanib, bosh ko‘targay. Bu serkulfat hayotda

---

[188] Mallayev N. Abulqosim Firdavsiy, Toshkent, 1962. Bundan so`ng ushbu asardan olingan parchalar o`sha manba tarzida havolada berib o`tiladi.
[189] O`sha manba
[190] Бертельс. Е.Э. Фирдоуси. Шахнаме. Критический текст.Т.1. – М:.1960. С. 9-12.

dono va bardam bo'l. Yuz bergan har bir hodisaga munosib baho bera bil. Yana shuni bilgilki, kim osmon qadar bag'ri keng, saxiy bo'lsa, o'sha sultonlikka loyiqdir. Nodon maslahatchilardan saqlan. Tuban kishilarning so'zlariga quloq osma: ularning yuragida hasad mujassam. Siringni hatto eng yaqin odamingga ham aytma, aks holda kulfatlarning keti ko'rinmay qolur. O'zini hammadan ustun qo'yuvchilarni mashvaratga yaqinlashtirma[191]. Ushbu parchalar pand-nasihat ruhida yozilgan va bu parchalarni olim teran nigoh bilan tadqiq qilgan.Natan Mallayev Firdavsiy "Shohnoma"ning asotiriy qismini yozishda qadimiy manba hisoblanmish "Avesto"ga suyanganligini aniq dalillar orqali ta'kidlab o'tgan. Natan Mallayevning jahon firdavsiyshunosligida erishilgan yutuqlar haqidagi umumlashma fikrlarni ham aniq-ravshan ochib berganligini ham ta`kidlab o`tish joiz. Eng muhimi, Olim o`zining monografiyasida "Firdavsiy va o`zbek adabiyoti" muammosiga e`tibor qaratib, adabiyotshunosligimizda birinchilardan bo`lib "Shohnoma" syujetlarining o`zbek xalq og`zaki ijodi, yozma adabiyotga kirib kelishini asoslab ko`rsatgan.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Бертельс. Е.Э. Фирдоуси. Шахнаме. Критический текст.Т.1. – М:.1960. 9-12-бет.
2. Mallayev N. O`zbek adabiyoti tarixi (Oliy o`quv yurtlari uchun darslik), Kafolat print kompaniy nashriyoti, Toshkent, 2021.
3. O`zbekiston Milliy Entsiklopediyasi. Birinchi jild, Toshkent, 2000.
4. Homidiy H., Сулаймонов M. Matonat. Kafolat print kompaniy nashriyoti, Toshkent, 2022,
5. Bertels Y.A. Predisloviye // Firdousi. Shakh-name. Kriticheskiy tekst. T.1. Pod redaktsiyey Ye.A.Bertel'sa. M., 1960. 9-12-bet.

# ҚАДИМИЙ ЎГИТЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ

**Жўраев Ислом Мамасодикович**
**Инглиз тили кафедраси ўқитувчиси**
**Ўзбекистон, Фарғона давлат университети**
**Тел: +998902748280 e-mail: omad2107@mail.ru**

**Abstract:** The article deals with universal aspects of didactics in ancient Chinese sources and mutual literary influence.

**Key words:** ancient sources, culture, household problems, social relations, community, interaction

**Аннотация:** Мақалада ежелгі қытай деректеріндегі панднoмдардың әмбебап аспектілері және өзара әдеби ықпалы қарастырылады.

**Түйін сөздер**: көне дереккөздер, білім, тұрмыстық мәселелер, әлеуметтік қатынастар, қауымдастық, өзара әрекеттестік.

Антик тарихга эга бўлган Хитой сўз санъати шахс, оила, маиший турмуш, ижтимоий воқелик, жамият сингари муаммоларини ўз ичига олганлиги билан характерлидир. Унда келтирилган ҳикоят ва ривоятларда маиший турмушда оила аъзоларининг ўрни, ўзларини қандай тутишлари кераклиги, фарзанд

[191] O`sha manba

тарбиясига эътибор ҳақидаги қарашлар қизиқарли ва бадиий жиҳатдан таъсирли баён этилади.

Масаллар, ҳикоят ва ривоятларни ўқиганингиз сари бир ғаройиб оламга кириб борасиз. Бу оламда оилавий доирадаги завқ-шавқ, қувонч, ғам, ташвиш кабиларни туйиш мумкин. Қадимги Хитой маънавияти ва маърифати, маданияти ва руҳонияти қалбингизга синга боради. [1.7]

Дарҳақиқат, қадимги Хитой жаҳон донишмандлиги марказларидан бири ҳисобланади. Илдиздан ажраган ҳолда униб-ўсиш, ривожланиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам хитойликлар ўзларининг ўтмишдаги машҳур сиймолари, аллома ва ҳакимлари образлари орқали оилавий-маиший муаммолар, ижтимоий-маънавий масалаларга катта эътибор билан ёндашадилар. Хитойнинг қадимги адабий меросида тарихий шахслар иштирокидаги рамзий ҳикоят (притча)ларга кенг ўрин ажратилган. Бу эса воқеа ва ҳодисаларнинг ўқувчи ёки тингловчи хотирасида сақланиб қолишига ёрдам беради ҳамда тарбиявий-эстетик таъсирчанлигини оширади. Масалан, хитойнинг антик давр шоирларидан бири бўлган Ли Бай ҳақида сўз борар экан, унинг камолоти, эришган ютуқлари омилларини маиший турмушдаги кичик ҳодисалардан ҳам катта хулосалар чиқара билишидан изланади, шунинг натижасида жамият учун керакли, маърифатли ва курашувчан зот бўлиб етишганлиги бадиий далиллашга ҳаракат қилинади. Шундай ривоятларидан бири "*Қарайверсанг, тўқмоқ ҳам нина бўлар*" деб номланади. Ундан маълум бўлишича, Ли Бай – Танг сулоласи замонида яшаган буюк ҳассос шоир. Хитой халқи орасида у ҳақда жуда кўп ривоятлар юради. Айтишларича, ёшлигида жудаям ўйинқароқ бола бўлиб, ўқишга сираям ҳафсала қилмаган.

Кунларнинг бирида далада ўйнаб юриб, кичик дарё ёқасида қўлидаги йўғон темир тўқмоқни куйиб-пишиб тошга ишқаётган бир кампирга дуч келибди. Ли Бай ҳайрон бўлиб, кампирдан нима қилаётганини сўраганида "Қайраб, ундан кашта нинаси қилмоқчиман", дея жавоб беради. Боланинг ажабланаётганини сезган кампир "сабр билан меҳнат қилсанггина темир тўқмоқ нина бўлар" дея изоҳ беради. Ли Бай бу гапнинг замирида катта маъно борлигини англаб, қатъият билан ўқишга киришади. Кейинчалик Ли Бай чиндан ҳам буюк шоир бўлиб етишди, бу унинг сабр-тоқат ва машаққат билан ўқиб-ўрганган иши самарасидир, дея хулоса қилинади ривоят сўнггида. [1.9]

Ҳикояда тилга олинган воқеа, мавзу ва унинг ғояси бизга ҳам бегона эмас. Халқимиз фарзандларини чидамли, тоқатли қилиб тарбиялашга жуда қадимдан эътибор бериб келади. Шундай ҳолатларга даъват этувчи мақол ва маталлар талайгина. "Сабр қилсанг ғўрадан ҳалво битар" сингари мақол, илмни "игна билан қудуқ қазиш"га ўхшатиш фикримизнинг исботидир. Бу эса бизни Хитойнинг қадимий қадриятлари, ёшларни тарбиялаш ва ижтимоий турмушга тайёрлаш усуллари билан руҳан яқинлаштиради. Шу билан бир қаторда, бадиий адабиётда акс этган оилавий муҳитдаги шахс тарбиясининг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти ҳақидаги тушунчаларимизни янада бойитади.

Қадимги Хитой ривоятларидан бири "*Ярим йўлдан қайтмоқ*" деб номланади. Унда Хитой тарихидаги Уришқоқ подшоликлар даврида Сариқ дарё соҳилида яшаган Ле Янгзи исмли бир кишининг ҳаётда ўз ўрни ва йўлини топишига оқила ва фозила хотини сабабчи бўлганлиги ҳикоя қилинади.

Кунларнинг бирида Ле Янгзи йўлдан бир бўлак тилла топиб олиб, хотинига берибди. Хотини бўлса унга одоб билан насиҳат қилиб дебди: “Ахлоқли киши ўғрилик булоғидан сув ичмагай деб эшитганман, виждони пок киши таҳқиромуз хайр-садақани қабул қилмас, айниқса, қандай қилиб ўзгаларнинг йўқолган нарсаларини ўзлаштириб олиб ўз номини булғасин?” Буни эшитган Ле Янгзи ниҳоятда хижолат бўлиб, топиб олган нарсасини яна қайтариб жойига қўйиб келибди. Бугина эмас, Ле янгзининг рафиқаси эрини сабот ва чидам билан илм олишга ҳам даъват этади. Ўринли танбеҳлари, ибратли хатти ҳаракатлари, оилада ибратли муҳит яратиши билан турмуш ўртоғини ижтимоий ҳаётда нуфузли ва рутбали шахс бўлиб етишишига имкон яратади.[1.10]

Кўринадики, бу ҳикояда олға сурилган илм олиш ва машаққатларини енгиб ўтиш, келажакда элга манфаат келтириш сингари ғоялар маиший турмуш фонида кўрсатилади. Бежиз халқимиз “эр бош бўлса, хотин бўйин” ёки “эрни эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин” деган мақолларни бизга қолдирмаган. Ҳақиқатан ҳам оқила хотин эрига руҳий маънавий таъсир ўтказиб унда сабр-тоқат ва матонат туйғуларини уйғотишга мушарраф бўлади.

Антик давр хитой сўз санъатига мансуб ушбу ҳикояда олға сурилган ғоя ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари томонидан ҳам миллий руҳ асосида давом эттирилган. Хусусан, Алишер Навоийнинг “Оз-оз ўрганиб, доно бўлур, Қатра қатра йиғилиб, дарё бўлур” сингари ҳикматли сўзлари шундан далолат беради.

Қадимги Хитой ривоятларидан яна бири “*Хотинларига гердайган тиланчи*” деб номланади. Каттагина рўзғори бўлишига қарамай, фақат ўз маишатини ўйлайдиган ҳикоят қаҳрамони кўча-кўйда тиланчилик қилиш, нафси йўлида ғурурини оёқ ости қилишдан ҳам тоймайди. Аммо уйга қайтгач, ўзини обрўли, эл ўртасида рутбаси баланд одамлардек тутади.[1.16]

Рўзғор ташвишларини ўйламайдиган, худбин, нафс бандаси бўлган бундай кимсалар ҳамиша, ҳар бир даврда бўлган. Жамият орасида ўрнини тополмайдиган, сохта обрў учун ўлиб-тириладиган бундай кишиларнинг ҳақиқий башаралари фош бўлиб, оиласи ҳам дарз кетиши табиий.

Бу ҳикоядан кўриниб турибдики, заиф ва иродасизларга хос бўлган нуқсон ҳамда камчиликлар оқибатда инсонни шарманда қилади. Шундай ҳолатлар маъносида мужассам бўлган мақол ва маталлар ҳам бор. Масалан “Кўрпангга қараб оёқ узат,” “ Бор мақтанса ярашар”, “Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига”, “Уйида чакса уни йўқ, том бошида қўш тандир” каби мақолларни келтириш мумкин. Инсон, энг аввало, маиший турмушни йўлга қўйиши, оилани барқарор қилиши, унинг фаровонлиги учун курашиши лозим. Аксинча, кўча-кўйда ўз фароғатини ўйлаб юриши, оилани пароканда қилиши, афсуски, бугунги кунда ҳам кузатилмоқда. Ана шундай тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ривоят ёки ҳикоя орқали қадимги Хитой алломалари ўзларининг панд-ўгитларини келгуси авлодларга қолдирганлар.

Яна бир қадимги Хитой ривоятларидан бири “*Қари от йўл билар*” деб номланади. Унда айтилишича, Чи подшоси Хуан-гунг ҳарбий юришларининг биридан ғалаба билан қайтаётганида ярим йўлда адашиб қолишади. Дарани бир неча кун айланишса ҳам тоғдан чиқиш йўлини топишолмайди. Шунда мулозимлардан бири йўлни топиш учун қари отдан фойдаланишни маслаҳат

беради. Қари от, дарҳақиқат, йўлдан адашган қўшинни дарадан зиён-заҳматсиз олиб чиқади.[1.20]

Бизда ҳам "Қари билганни пари билмас", "Қариси бор уйнинг париси бор", "Ёшлар ойнага қараб кўрмаганни кексалар ғиштга қараб кўра оладилар" деган нақл юради. Шунингдек, бунга алоқадор қадимий ҳикоят ва ривоятларимиз бор. Масалан: Ўтмиш ҳукмдорларидан бири мамлакатдан кексаларни бадарға қилиш ҳақида фармон чиқаради. Унга кўра ҳамма ўзининг кекса ота-онасини саҳрога элтиши керак бўлган. Шунда бир ёш йигит ҳам ўз отасини саҳрога олиб бориб ташлайди. Сўнг ортига қайтиб кетаётганида отаси беихтиёр кула бошлайди. Ўғли сўрайди: Нега куласиз? Сизни кимсасиз чўлга қолдириб кетаяпман-ку. Олдингизда муқаррар ҳалокат турганини билмаяпсизми?" Ота: Бир пайтлар мен ҳам отамни шу жойга ташлаб кетгандим." Отасининг бу гапидан таъсирланган ўғил нима бўлса бўлар деб отасини уйига қайтариб олиб кетади ва эл кўзидан пинҳона парвариш қила бошлайди. Иттифоқо, мамлакат подшосининг бошига бир неча синовлар тушади. Масалан, у ёқтирган қўшни мамлакат маликаси бир неча шартлар қўяди. Шартлардан бири, иккита бир хил отни бир биридан ажратиш. Ҳеч ким қайси бири онаси, қайси бири боласи эканлигини ажрата олмайди. Шунда ҳалиги йигит отаси билан шу масала бўйича пинҳона гаплашади. Ота маслаҳат берадики, ҳар икки отнинг олдига баробар ем солиш керак. Боласи аввал озиқланади, она от эса уни кутиб туради. Синаб кўрилганда ота ҳақ бўлиб чиқади ва подшо шартни бажарган ҳисобланади. Подшо йигитдан бу ечимни қаердан билганлигини қистовга олиб сўрайди. Ўғил ноилож отасидан билганлигини айтади. Бундан таъсирланган подшо ўз фармонини бекор қилиб, қарияларга ҳам иззат-икром кўрсатишга амр этади. Демак, қадимги Хитойда, бошқа мамлакатларида бўлганидек, қарияларнинг билим ва тажрибаларига таяниш ва уларнинг ўгитларидан хулосалар чиқариб яшаш кераклиги уқтирилмоқда.

Келтирилган ҳикоятда ҳам бизнинг Шарқ халқлари ижтимоий воқелигидаги ҳодисаларга муштараклик бор. Чунки, ота-онани иззат қилиш, уларни камситмаслик, қариган чоғида хўрламаслик ҳақидаги ўгит ва насиҳатлар қадимдан фарзандлар онги ва қалбига қуйиб келинади. Лекин, шундай бўлса ҳам жамиятнинг ичидан пароканда қилувчи ҳодиса – аждодлар билан авлодлар ўртасидаги муносабатлардаги кескинлик, ўзаро тушунмовчиликлар эканлиги бор гап. Шу маънода, қадимги Хитой ҳикоят ва ривоятларида келтирилган юқоридаги мисоллар оила аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкам бўлишига ундайди.

**Адабиётлар:**

1. Сариқ аждар ўгитлари. Т.: Академнашр. 2015
2. Бадойиъу-р-ривоёт. Т.: Ёзувчи. 1995
3. Абдуллаева Д. Ўзбек мумтоз адабиётида "масал" лар генезиси. Т.: Муҳаррир. 2020

# БЎЛАЖАК МУСИҚА ЎҚИТУВЧИСИНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ

**Бахтиёр Алимов,**

**Ўзбекистон давлат хореография академияси,
таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи,
мустақил тадқиқотчи**

**Аннотация:** Бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантиришда илғор педагогик тажрибалар муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мақолада касбий компетенцияни такомиллаштиришнинг инновацион усуллари тадқиқ қилинади.

**Abstract:** Advanced pedagogical experiences are important in the development of professional training of future music teachers. This article explores innovative methods of improving professional competence.

**Аннотация**: Болашақ музыка мұғалімдерінің кәсіби дайындығын дамытуда озық педагогикалық тәжірибелердің маңызы зор. Бұл мақала кәсіби құзыреттілігін арттырудың инновациялық әдістерін зерттейді.

**Калит сўзлар:** мусиқа маданияти, таълим тизими, ўқитувчи, инновацион технология, дарс.

**Key words**: music culture, educational system, teacher, innovative technology, lesson.

**Түйін сөздер**: музыка мәдениеті, білім беру жүйесі, мұғалім, инновациялық технология, сабақ.

Глобаллашув жараёнида таълим тизимида ҳам фанлар аро интеграциянинг тезлашиши табиий ҳолдир. Хусусан, мусиқа маданиятининг психологик ва маърифий таъсирини ўрганишга эҳтиёж катта. Шарқ мумтоз санъати мутафаккирларининг меросига назарий ёндашув, уларнинг бадиий - эстетик қарашларига мутаносибликни таъминлаш асосида бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг касбий маҳоратни эгаллаш жараёнларини педагогик стратегиялар орқали такомиллаштиришда инновацион усуллардан фойдаланиш ижобий самара беради. Яъни, бўлажак мусиқа ўқитувчисининг касбий маҳорати, илмий салоҳияти мактаб ўқувчилари ёки техникум даражасидан анча баланд ва пухтароқ бўлиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида тўғри таъкидланганидек, “ўқувчи ва талабаларнинг мусиқий билим ва кўникмаларини ошириш, уларнинг қалбида миллий маданиятга бўлган муҳаббатни шакллантириш”[192] таълим-тарбия тизимининг энг долзарб масалаларидан биридир.

Махсус мусиқа олий ўқув юртларида етук ва рақобатбардош мутахассис катта меҳнат ва маҳорат талаб қилиши ҳеч кимга сир эмас. Маълумки, мусиқа тили романтик ҳиссиётлар, ички кечинмалар, рангин ҳайратлар тилидир. Ўқитувчи томонидан мазкур жиҳатларни ўрганиш ва идрок қилиш талаб этилади. Бинобарин, ҳамма замонларда ҳам тингланган мусиқага нисбатан инсонда кайфият туғилади ва бу кайфият жамиятга муносабатни шакллантиради. Мутафаккир Абдураҳмон Жомийнинг фикрича, “Билгилки (тингловчи) ўн икки

[192] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил, 4 февраль, 25- сон.

давоир(мақомлар) овозлар ва шўъбаларнинг ҳаммасидан лаззат олинишидан ташқари, ўзига хос таъсирлари ҳам бор. Чунончи, Ушшоқ, Наво ва Бўсалик мақомлари қувват ва шижоат бахш этади; Рост, Ироқ ва Исфаҳон мақомлари шодлик ва фараҳ этишда фойдалидир; Бузург, Зирафканд, Роҳавий ва Зангула мақомлари ҳазинлик ва андуҳлик келтиради; Ҳижоз ва Ҳусайний мақомлари завқ ва шавқни ҳузн ва андуҳга уйғун ҳолда бағишлайди" [193].

Дарҳақиқат, мусиқа маданияти жамият ҳаётининг таркибий қисми сифатида қудратли кучга эга. Бўлажак мусиқа ўқитувчиси мусиқий асарларнинг ўқувчилар руҳиятига таъсири ҳақида етарли тушунчага эга бўлиши зарур. Айниқса ўсиб келаётган ёш авлодда юрт тарихини ўрганишга, Ватанни ардоқлашга, миллий қадриятларни севишга даъват этувчи мусиқий асарларнинг тарбиявий - маърифий таъсири ҳам беқиёс бўлади. Бўлажак мусиқа ўқитувчилари томонидан мусиқанинг ўқувчи онгу – шуурига, ҳиссий - руҳий таъсир имкониятлари ва механизмларини илмий асосда чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Ўқитувчининг мусиқий идрок фаолияти маълум асар бадиий мазмунини тингловчига етказилишида муҳим омил вазифасини ўтайди. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг лаёқатлари даражасини енгил тестлар орқали аниқлаш ва бу борада махсус ривожлантирувчи машғулотлар ташкил этиш ҳам мумкин. Бунда ўқитувчининг психологик билимларга қай даража эга эканлиги ўқувчиларни мусиқа маданиятига қизиқтира олишида намоён бўлади.

Мусиқа ўқитиш услубиётини шакллантиришда замонавий – инновацион усуллар билан қаторда Шарқ педагогикасининг, буюк алломалар маданий меросларининг аҳамияти катта бўлади. Педагогик исътедод қобилият ва маҳорат ҳамда педагогик техника ўқитувчининг шахсий фазилатлари яъни, ўқувчиларни яхши кўриши, ҳушмуомаласи, ички маданияти билан уйғунлашиши зарур.

Бола дунёга келиб, ўзлигини англай бошлагач, маънавий баркамол инсон, етук шахс масаласи ҳар бир жамиятнинг долзарб муаммосига айланади. Юксак маънавиятли инсон камолотида мусиқанинг нақадар таъсирчан кучга эга эканлигини буюк алломалар қайта – қайта таъкидлашган, ҳаётий мисоллар билан исботлашган. Мусиқа маданиятини ўқитишда унинг барча ифода воситалари ишга солинганидек ўқитувчининг педагогик маҳорати, ўқувчилар руҳиятини тушуниши муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, мусиқа соҳасида янгича фикрловчи, ижодий қобилиятга эга шахсларни тарбиялашда мусиқий билимнинг ўзи етарли эмас.

Буюк аллома Абу Али Ибн Синонинг "Тадбири манзил" асарида айтилганидек, ўқитувчининг инсонпарварлиги, бағрикенглиги энг муҳим фазилатлардан биридир. Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотга киришганда керакли сўзни, оҳангни, имо-ишорани тез ва тўғри топиши, зиддиятли вазиятларни сокинлик билан таҳлил қилиш қобилияти сақлаб қолиши муҳим. Ўқувчилар унинг нутқи, имо-ишоралари ва мимикасини кузатиб туришади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бўлажак мусиқа ўқитувчисининг касбий маҳоратини такомиллаштиришнинг муҳим жиҳатлари қаторида ўқувчиларни мусиқий маданиятга қизиқтириш, мусиқий билим орқали уларнинг ижодий қобилиятини шакллантириш алоҳида ўрин эгаллайди. Қизиқиш ва қобилият орқали ўқувчининг маънавий-маърифий қиёфасини, дунёқарашини,

---

[193]Жомий А. Рисолаи мусиқий.Т.: "Фан" нашриёти, 1992. Б.27..

келажакдаги мақсадларини аниқлаш мумкин. Яъни, билим, кўникма ва малакалар тизими, уларнинг барқарорлигини текшириб туриш мақсадга мувофиқ. Аслида қабилиятлар фақат кўникма ва билимда акс этмайди, балки уларни эгаллаш учун интилиш ва ҳаракатда тўлиқроқ намоён бўлади. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг касбий маҳоратлари тизими мусиқий билим, педагогик қобилият, ижодий ёндашув, мусиқий дид, интилиш, ҳаракат, эстетик малака каби тамойиллардан иборат.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил, 4 февраль, 25- сон.
2. Жомий А. Рисолаи мусиқий.Т.: “Фан” нашриёти, 1992.
3. Юлдошев Ш., Усманов С. Основы педагогической технологии. - Ташкент, - Наука, 2001 - год.
4. Бекенова, Д. У. Информационные технологии в музыкальном образовании / Бекенова Д.У. Мухатаева Ж.А. — Текст : непосредственный // Актуальные задачи педагогики : материалы III Междунар. науч. конф. (г. Чита, февраль 2013 г.). — Т. 0. — Чита : Издательство Молодой ученый, 2013. — URL: https://moluch.ru/conf/ped/archive/67/3328/
5. Нурматов Х.Н. Мусиқанинг долзарб назарий муаммолари. Тошкент-2002.
6. Гафурова Ш.А. Основы работы с нотным редактором “ENCORE” 4.0 Тошкент. 2003.

# ARABCHA O’ZLASHMALARNING LEKSIK-SEMANTIK VA USLUBIY XUSUSIYATLARI

**Yunusxon Rahmatullayev,**
**O‘zbekiston, Namangan davlat universiteti, katta o’qituvchi**
**Tel: +998 93 492 88 66 e-mail:** rahmatullayevyunusxon@gmail.com

**Annotatsiya:** Maqolada tillarning o’zaro ta’siri, o’zbek tilining taraqqiyot bosqichlari, bu bosqichlarda o’zaro ta’sirlashish, o’zbek tiliga arab tili ta’siri, fors-tojik tili ta’siri va buning natijasida o’zbek tili grammatik qurilishi va leksikonidagi o’zgarishlar. Tillararo aloqaning muhim omillari yuzasidan muayyan fikrlar ilgari surilgan.

**Kalit so’zlar;** til, madaniyat, xalq, o’zbek tili, arab tili, fors-tojik tili, milliylik, grammatika, leksikon, ta’sirlashish, til birliklari.

**Аннотация:** Мақалада тілдердің өзара байланысы, өзбек тілінің даму кезеңдері, осы кезеңдердегі өзара байланыстар, араб тілінің өзбек тіліне әсері, парсы-тәжік тілінің әсері және соның нәтижесінде , өзбек тілі.тілдің грамматикалық құрылысы мен лексикасындағы өзгерістер. Тіларалық қатынастың маңызды факторларына қатысты белгілі пікірлер айтылды.

**Түйінді сөздер:** тіл, мәдениет, халық, өзбек тілі, араб тілі, парсы-тәжік тілі, ұлт, грамматика, лексика, экспозиция, тілдік бірлік.

**Annotation:** In the article particular notions are carried about interactions of languages, the development phases of the Uzbek language, mutual influences in these

phases, the influence of the Arabic, the Persian-Tadjik languages to the Uzbek language and, as a result the grammatical construction and changes in lexicons of Uzbek, essential factors of interlanguagecal contact.

**Key words:** Language, culture, public, Uzbek, Arabic, Persian-Tadjik, grammer, lexicons, influense, language units.

Ma'lumki, har bir tilning lug'at tarkibida boshqa tillardan o'tgan so'zlar o'ziga xos o'rin egallaydi. Chunki, har qanday jamiyat o'z tarixiy taraqqiyoti davomida boshqa jamiyat bilan siyosiy-iqtisodiy va madaniy munosabatda bo'ladi. Til xalq taraqqiyotining ajralmas hamrohidir. Boshqa tillar ta'siridan ajratib, ma'lum bir qobiqqa solib qo'yilgan tilning o'zi yo'q. Tillarning o'zaro munosabatda bo'lishi til taraqqiyoti jarayonining asosiy xususiyatlaridan biridir. Dunyodagi hech bir til o'zining shishadan yasalgan qalpog'i ostida rivojlana olmaydi.

Tillarda "o'z " va "begona" so'zlar bo'lishining o'zi tildagi "ichki" va "tashqi" qismlarga ajralishni to'g'riligini ko'rsatib turadi. Tildagi muhim o'zgarishlar "ichki" va "tashqi" ko'rsatkichlarning hosilasidir. Demak, xalqlar doimo o'zaro munosabatda bo'ladilar. Bu xalq taraqqiyotining eng asosiy va zarur sharti hisoblanadi. Xalqlarning doimiy o'zaro munosabatda bo'lishi barcha tillarning o'zaro aralashuvi sababidir. Til leksik qatlamning o'zgarib borishida "ichki" va "tashqi" faktlarning ta'siri sezilarlidir. Leksika tillarni bir-biridan farqlashdagi elementdir. Shu bilan birga harakatchan tez qabul qilib olish xususiyatiga ega bo'lgan til bo'limidir.

Leksika tillarning o'zaro yaqinlashuvining omillaridan biridir. Tildagi so'z o'zlashtirish hodisasi, xalq tomonidan kirib kelganligi yangi hodisa, yangi tushunchalarni ifodalashning o'zlashtirilishning ko'rsatkichidir. Barcha o'zlashma so'zlar odatda yangi predmet va yangi voqealarning ifodalanishidan kelib chiqadi. Masalan, o'zbek tilining lug'at tarkibida ham ko'plab arabcha - forscha, ruscha – baynalmilal va boshqa tillardan kirgan o'zlashma so'zlarni ko'ramiz. O'zbek tilidagi o'zlashma so'zlarni lingvistik nuqtai nazardan tadqiq qilish o'zbek hamda chet el tilshunoslarining ko'plab ilmiy izlanishlarida, asarlarida uchraydi.

O'zlashma so'zlarning fonetik - morfologik va sintaktik xususiyatlarini o'rganish bir qancha olimlarning diqqatini o'ziga tortgan.Turli guruhlarga mansub tillardagi o'zlashma so'zlarning u yoki bu xususiyatlarini ochib berish jarayonida, o'zlashma so'zning o'ziga quyidagicha ta'rif berishadi : O'zlashma so'z bu chet tilidan ko'chgan leksema bo'lib o'zlashtiruvchi tilning va jamiyatda fonetik, leksik - semantik, garmmatik qobig'iga bo'ysungan bo'ladi. O'zlashgan so'zlar haqidagi bu fikr boshqa olimlarning ishlarida ham ko'rsatilib o'tiladi. Inson nutqining ijtimoiy xarakteri, jamiyat taraqqiyotini ko'rsatuvchi faktlar bir til elementlarining boshqa til tomonidan o'zlashtirilishi bir tilning boshqa tilga ta'sir etishini ko'rsatadi. Bu jarayon tilning lug'at tarkibida aniq ko'zga tashlanib turadi.

Umuman har bir tilning leksikasi xalq bilan birgalikda doimiy taraqqiyotda bo`ladi va jamiyatda sodir bo`ladigan barcha o`zgarishlar uning qatlamlarida aks etmay qolmaydi. Ma`lum bir tilning leksikasi o`sha tilda gaplashuvchi xalqning tarixini boshqa xalqlar bilan bo`lgan munosabatini aks ettiradi.

Markaziy Osiyo, kishilik madaniyati tarixining eng qadimiy markazlaridan sanaladi. Jahon madaniyatini yaratishda boshqa xalqlar bilan teng huquqda ishtirok etgan o'zbeklar Markaziy Osiyoning qadimiy xalqlaridan biri sifatida juda uzoq va murakkab tarixiy yo'lni bosib o'tdilar.

Arablar istilosidan so'ng deyarli 150 yil davomida Markaziy osiyoda arablar va ularning tili hukmron edi. Ana shu davrlarda davlat ishlarida, ilm-fanda arab tili adabiy til sifatida qo'llangan. X-XI asrlarda yashagan ko`pchilik olimlar qaysi millatga mansub bo'lishlaridan qat'i nazar falsafa, tarix, falakiyot, tibbiyot va boshqa fanlarga oid o'lmas asarlarini arab tilida yozadilar. Fikrimizning dalili sifatida Beruniyning Hindiston tarixi va madaniyatiga oid "الجماهير في الجواهر Al - jamohir – fil –javohir " Ibn Sinoning "القانون في الطب Al- qonunu fit-tib", Al- Xorazmiyning "الجبر و المقابلة Aljabr val muqobala" va boshqa asarlarini ko'rsatib o'tish mumkin. Abu Mansur as-Saolibiyning " يتمة الدهرYatimat ud-dahr" tazkirasida Movorounnahr, Xuroson va Xorazmda arab tilida ijod etgan bir yuz yigirma to'rt nafar shoir ko'rsatib beriladi.

Biroq arablar mahalliy tillar rivojini adabiy-madaniy jarayonning umumiy tarqqiyotini tabiiy to'xtata olmadilar. Arablar istilo qilgan juda katta maydonda yashagan xalqlar o'z tillarini saqlab qolib madaniyatlarini rivojlantirib bordilar.

Arab tilining keng tarqalishi o'zbekcha–arabcha, o'zbekcha ikki tillilik davriga to'g'ri keladi va shu davrlardan turkiy tillarga ko'pgina arabiy so'zlarning kirib kelishiga va o'zlashishiga olib keladi. Arabcha o'zlashmalarning o'zbek tiliga kirib kelishiga sabab bo'lgan muhim omillar quyidagilar :

Birinchisi, arab tili davlat tili, rasmiy va adabiy til edi. Davlatning barcha rasmiy yuridik hujjatlari arab tilida olib borilar va rasmiylashtirilar edi. Davlat sud va xo'jalik ishlari arab tilida yurgizilar edi. Arab tili o'sha davr ma'muriyati tili edi. Bu omil arab tilining mahalliy tilga ta'sirini kuchaytirdi,

Ikkinchisi, arab tili rasmiy ravishda badiiy adabiyot tili edi. Mahalliy xalqdan chiqqan adiblar o'z asarlarini arab tilida yozdilar. Arab tilidagi badiiy adabiyotni mutolaa qilish turkiy tillarga arab tilining ta'sirini kengayishiga sabab bo'lgan omillardan biridir.

Uchinchisi, arab tilining turkiy tillarga jumladan o'zbek tiliga kuchli ta'siri ma'lum darajada o'sha davrda yashagan ko'pchilik xalqlar uchun umum tillilikni bajarganligi bilan ham bog'liqdir. Arab tili qariyb uch yuz yil davomida O'rta Osiyo xalqlari uchun umum adabiy til vazifasini bajargan.

Yuqoridagi ijtimoiy-tarixiy sabablarga ko'ra o'zbek tiliga ma'lum miqdorda arabcha so'zlar kirgan ular o'zbek tilida turli fonetik- morfologik, semantik o'zgarishlarga uchragan.

Tilimizda uchraydigan o'zlashma so'zlardagi fonetik moslashuvini Odil Yoqubovning "Ko'hna dunyo" romanida uchraydigan arabcha o'zlashma so'zlar misolida ko'rib chiqamiz. Odil Yoqubovning "Ko'hna dunyo" romanida uchraydigan arabcha o'zlashma so'zlar miqdori 700 dan ortiq bo'lib ularning ba'zilari bir necha o'nlab marta ishlatilgan. Xususan, ularni asarda ishlatilish nuqtai nazardan uch guruhga ajratish mumkin :

1.Asarda ko'plab uchraydigan arabiy so'zlar. Ular o'n martadan ortiq qo'llanilgan. Masalan, olam, amr, libos, ammo, lekin, xayol, umr, fikr, ilm, nazm, qahr, odat, ustod, fotih, muzaffar, mo'min kabi so'zlar; O'shal dong'i **olamga** ketgan hakimi davron Abu Ali Ibn Sino xazratlari emish [1. 2-bet]. Ushbu o'rinda qo'llanilgan olam so'ziga e'tiborimizni qaratsak. O'zbek tilining izohli lug'atida quyidagi izohlar beriladi: **Olam**. عالم{a – dunyo, jahon; koinot; xalq, omma} 1. Butun mavjudot, borliq, koinot, dunyo. 2.Odamning ma'naviy, ichki dunyosi; o`ziga xosligi. … 7. eski. Zo'r, ulug`. Podishohi olam.[4. 1-tom 105-bet]

Yo’q taqsiri **olam !** Ibn Sino xazratlari Buxoroi sharifda tavallud topganlar. [1. 15-bet].

2.O’rtacha me’yorda ishlatiladigan arabiy so’zlar. Bu so’zlar 5 dan 10 martagacha ishlatiladi. Masalan, ibodat, qasr, ne’mat, ilohiy, risola, tabib, dorus-saltanat, davlat, tashrif kabi so’zlar

Dardiga davo ko’ngliga orom beruvchi na bir **tabibi** bor, na bir habibi. [1. 24-bet].

Olib kelguncha esa yetti iqlim tabiblariga ko’rsatganlar ammo hech bir tabib na Yapon, na Hind va na Rum **tabibl**ari oro kirganlar dardiga davo topganlar.[1. 74-bet]. Bu o’rinda qo’llanilgan tabib leksemasiga e’tiborimizni qarataylik. Hozirgi kunda ushbu so’z tilimizga chuqur singib ketgan leksemalardan bo’lib, bir qarashda bu so’z turkiy so’zday tuyulishi ham mumkin. Bu so’zga o’zbek tilining izohli lug’atida quyidagicha ta’rif beriladi: **Tabib** طبيب { a – shifokor, davolovchi; vrach} 1. esk. Bemorlarni davolovchi mutaxassis; vrach. 2.Tibbiyot ilmidan muayyan mutaxassis tayorlovchi, o`quv yurtida ta’lim olmagan, o`z harakati, hayotiy tajribasi orqali bemorlarni davolash bilan shug`ullanuvchi shaxs. [2. 3-tom. 627-bet]

3.Kam ishlatiladigan arabiy so’zlar bu so’zlar 1 dan 5 martagacha ishlatiladi. Masalan, nahr, kufr, junun, salotin, tavahhum, taassuf, muhtasham, Qur’on, mashriq, musharraf, ma’bud, qabr, izdihom, qibla kabilar.

Hindiston tomonda qaysi bir **nahr** o’rtasidagi orolda ne’mati ilohiy degan g’aroyib bir daraxt o’sar emish. [1. 24-bet]. Asarda keltirilgan nahr so’zining ma’nosi **Nahr** نهر [a – daryo] esk. Dunyo.[4. 1-tom. 31-bet.]

Anov **qibla** tomondan tuynuk ochinglar. [1. 86-bet]. **Qibla.** قبلة {a – ro`parada turgan narsa; namoz paytida yuz qaratiladigan tomon [Makka tomoni]; mehrob; janub} 1.din. Musulmonlar namoz o`qiyotgan paytda yuzni qaratib, o`tirib turadigan tomon, Makkaga qaratib joylangan tomon. 2. eski. G`arb, kunbotish tomon.[3. 5-tom. 273-bet] asarda qibla tomondan bir tuynuk ochish tushunchasi ifodalanib kelmoqda.

Birov uni allaqanday davosiz dardga yo’liqqan desa birov **tavahhum** kasaliga giriftor bo’lib, vasvas bo’lib qolgan deydi. [1. 15-bet]. Bu o’rinda keltirilgan tavahhum so’zi hozirgi kunda keng iste’molda bo’lmasa ham asarda muallif mazmundorlikni yanada oshirish uchun unumli foydalangan. Ushbu leksema quyidagi ma’nolarni anglatadi: **Tavahhum** توهم {a – hayol qilish, tasavvur etish; tahmin qilish, shubhalanish; vahimaga tushish} esk. Qo`rqish, vahimaga tushish, qo`rquv.[2. 3-tom. 631-bet.]

Ko’rish mumkinki, Odil Yoqubov tilimizga o’zlashgan arabcha leksemalardan unumli foydalanib, asarga yanada sermazmunlilik baxsh etish maqsadida arab tilidan o’zlashgan va go’yoki, turkiy leksemalarga aylanib ketgan so’zlardan o’z o’rnida foydalanadi. Bu esa asarning keng tarqalishi uchun yetarlicha ta’sir ko’rsatgan omillardan biriga aylangan desak mubolag’a bo’lmaydi.

Yana shularni ta’kidlash lozimki, o’zbek tiliga o’zlashgan arabcha so’zlar anchagina miqdorni tashkil etadi. Bu esa tilimizning va nutqimizni yanada serjilo bo’lishi uchun xizmat qilmoqda. Ajdodlarimiz nutqida arabcha leksemalar keng qo’llanilgan. Hozirgi kunda zamon shiddati tilda ham aks etib, turli tillardan so’z olish barcha tillar uchun oddiy holga aylandi. Nutqimizda qo’llanuvchi arabcha leksemalar esa biz uchun huddi ona tilimizdagi so’zdek, nutqimizning bo’linmas qismiga aylandi.

**Adabiyotlar:**

1. Yoqubov O. Ko'hna dunyo. –T. "Yangi asr avlodi". 2015-yil. 2. 15, 24, 86-bet.
2. O`zbek tilining izohli lug`ati: - T. "O`zbekiston milliy ensiklopediyasi". Davlat ilmiy nashiryoti, 2006. 3-tom. 627, 631-bet.
3. O`zbek tilining izohli lug`ati: - T. "O`zbekiston milliy ensiklopediyasi". Davlat ilmiy nashiryoti, 2006. 5-tom. 273-bet
4. O`zbek tilining izohli lug`ati: - T. "O`zbekiston milliy ensiklopediyasi". Davlat ilmiy nashiryoti, 2006. 1-tom . 31,105, 169-bet

# BOSQICHLI MASHQLARNING ONA TILI O'QITUVCHILARIDA ADABIY TALAFFUZNI RIVOJLANTIRISHDAGI ROLI

**Do'stmurodov G'iyos Husan o'g'li**
*Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti o'qituvchisi,*
***beshkapa8565@gmail.com***

**Аннотация:** Ана тілі пәні мұғалімдеріндегі әдеби айтылымның маңыздылығының деңгейі туралы пікірлер мен пайымдаулар беріліп, жаттығулар мен тапсырмалардың әдеби дыбысты қалыптастырудағы рөлі ашылды. Жаңа үлгідегі жаттығулар кезең-кезеңімен әзірленіп, мысалдар келтірілді.

**Негізгі сөздер:** әдеби айтылым, жаттығу, тапсырма, диалект, емле, емле.

**Abstract.** Opinions and opinions are given about the importance of literary pronunciation in native language teachers, and the role of exercices and assignments is revealed. The exercises of the new type are developed in step-by-step form and examples are given.

**Key words:** literary pronunciation, exercise, assignment, dialect, spelling, spelling.

Ona tili fani o'qituvchilarining adabiy talaffuzga, ayniqsa, dars jarayonida qat'iyan rioya qilishi boshqa nutq bilan shug'ullanuvchilarga qaraganda juda muhim. Zero, bu yetuk savodxon yoshlarni tarbiyalashning muhim omilidir. Ona tili mashg'ulotlarida orfoepiya ta'limining maqsadi, mazmuni takomilini ta'minlashda nutq tovushlariga oid mashqlarning o'rni benihoya katta. Chunki ular yordamida talaba uchun adabiy tilda so'zlashish, uning rang-barang imkoniyatlaridan foydalanish sharoiti paydo bo'ladi. Mazkur masala, ya'ni dasliklarda fonetik materiallar talqini masalasi ingliz, nemis, fransuz tili darsliklarida ancha mukammal, to'liq, rang-barang shakllarda berilgan va e'tiborga molik tomoni shundaki, fonetik mashqlardan foydalanish boshlang'ich sinflardan keyingi ta'lim jarayonlarida ham davom ettiriladi. Xususan, ingliz tilida "spelling" atamasi mavjud va bu so'zlarni, hatto raqamlarni tushunarsiz talaffuz qilganda so'zlovchi tomonidan harfma-harf qayta takroran aytishni anglatadi.

N. Mahmodovning ta'kidlashicha, faoliyatining asosiy quroli nutq bo'lgan kasblar orasida o'qituvchilik birinchi o'rinda turadi, buning ustiga, o'qituvchilar soni ham ayni tur kasblarning boshqalarida mashg'ul bo'lganlar sonidan sezilarli darajada ortiqdir [Mahmudov, 2007: 188]. Bu esa o'qituvchilarning adabiy talaffuz

me'yorlariga, nutq texnikasiga, diksiyaga, shuningdek, nutq tovushlari sifatiga e'tibor qilgan holda nutq so'zlashi lozimligini ko'rsatadi.

Adabiy til va uning muhim tarkibiy qismi bo'lgan talaffuz me'yorlari millatning yuzi, madaniyatlilik belgisi sifatida namoyon bo'ladi, shuningdek, shu millat vakillarining o'zaro muloqotlari tushunarli va samarali bo'lishini ta'minlaydi. Ona tili darslarida talaffuz ustida ishlanar ekan, hamma tovushlarning to'g'ri talaffuzi ham maxsus mashqni talab etavermaydi. Har bir tilda ham talaffuz va imlosi muammoli bo'lgan nutq tovushlari mavjud. Jumladan, o'zbek tilida ham. Asosan, talabalar, barcha soha vakillari, eng achinarlisi, ayrim mutaxassis-o'qituvchilar ham [*x*] – [*h*], [*u*] – [o'], [*i*] – [*e*] va ayrim hududlarda [*q*], [*ng*] kabi tovushlarning aytilishi va yozilishida muntazam xatoga yo'l qo'yadilar.

O'. Usmonova bu masalani hal qilishdagi qiyinchiliklarga shevalarni sabab qilib ko'rsatadi [Usmonova, 1976: 3]. Tadqiqotchi talaffuz masalasi o'zbek tilida o'rganilmasdan kelinayotganligini ta'kidlaydi va bu borada o'z ishida adabiy talaffuz me'yorlarini belgilash ishlariga birinchi bo'lib qo'l urgan olim F.K.Kamolov hamda professor S.I.Ibrohimovlarning qimmatli fikrlariga tayanadi.

Bugungi kunda ham ayrim unli va undoshlar talaffuzini o'rgatishda qiyinchiliklarga duch kelinadi. Talaffuzdagi har xillikka sabab sheva ekanligi nazarda tutilsa, adabiy talaffuzni shakllantirishning samarali yo'li bu – fonetik mashqlar ustida ishlash ekanligi ma'lum bo'ladi. Talaffuzda ham, yozuvda ham eng ko'p chalkashlik unlilardan [u], [o'], [i], [e] hamda undoshlardan [h], [x], ayrim hududlarda esa [q], [ng] bilan bog'liq. Uni bartaraf qilish uchun quyidagicha mashq va topshiriqlardan foydalanish tavsiya qilinadi.

G'.Hamroyev nutqiy ko'nikmalarni rivojlantirishda mashqning o'rni qay darajada ekanligini ilmiy-nazariy asoslaydi. Quyida har bir atama o'z mazmun-mohiyatiga ega ekanligini anglashimiz mumkin. Ya'ni, mashq – muayyan harakatni, bir necha bor aynan takrorlash orqali shu mashg'ulotdan ko'zlangan ko'nikma va malakaga ega bo'lishni nazarda tutsa, topshiriq kishining, jumladan, talabaning zimmasiga biror mazvuni mustahkamlash maqsadida bir marta bajarish uchun beriladigan ish, vazifani anglatadi [Hamroyev, 2019: 28].

Demak, mashq – ko'nikma yoki malaka hosil qilish vositasi. Topshiriq esa ma'lumotlarni xotiraga kirituvchi qurilmaga o'xshaydi. U yo'naltiruvchi xususiyatga ega. Topshiriq orqali talabani fikrlashga, mustaqil ishlashga o'rgatish mumkin. Zero, mashqlar ham, topshiriqlar ham "Ona tili" darsliklarining muhim tarkibiy qismi hisoblanadi. Nazariy ma'lumotlar, ya'ni grammatik qoidalar talabada belgilangan mavzu doirasida bilim, tushuncha hosil qiladi. Ta'lim mazmunida talaba egallashi ko'zda tutilgan ko'nikma va malakani, asosan, mashqlar shakllantiradi. Topshiriqlar bu o'rinda ko'proq talaba bilimini boyitishga xizmat qiladi. Ularni talaffuzi qiyin tovushlar ustida mashq qilishga yo'naltiradi va o'zlashtirgan bilim va ko'nikmalarni baholashga xizmat qiladi.

Bizningcha, bo'lajak ona tili va adabiyot fani o'qituvchilarida adabiy talaffuz ko'nikmalarini rivojlantirish uchun o'qituvchi nutqiga qo'yiladigan asosiy talablarni ishlab chiqish eng muhim vazifalardan biridir.

Buni quyidagi bosqichli mashq va topshiriqlar tizimi orqali ham shakllantirish mumkin:

**"U" harfining to'g'ri talaffuzini shakllantiruvchi mashq va topshiriqlar**

***I bosqich***

[u] – nutq tovushlari tizimida lablashgan, yuqori tor, til orqa unlisi hisoblanadi. Asosan, so'z boshida va so'z o'rtasida, ba'zi holatlarda so'z oxirida ham keladi: *uka, usta, uxlamoq; mafkura, tilshunos, shovullamoq; ma'lum, qayg'u, tuyg'u.*

***II bosqich***

**Mashq. Quyidagi birliklarni o'qituvchingiz yordamida to'g'ri talaffuzini mashq qiling.**

**1. Tovush** – *u – u – u // u – u – u // u – u – u // u – u – u // u – u – u*

**2. Bo'g'in –** *nu, – ul, – mush, – us, – zu, – suz, – mu, – du, – g'u, – bul, – hu*

**3. So'z** – *uzum, uzuk, usul, uchun, bulut, qayg'u, urush, husn, xushsurat, uka, uqubat, tovush, xunuk, sovuq, qovun, muomala, tovuq, sovuq, kumush, hukumat.*

**4. Tez aytish –** *Uchuvchi suzuvchini uchratdimi,*
*Suzuvchi uchuvchini uchratdimi?*
*U yon-bu yon yurar quyon,*
*Yov yovlasa, yugurar quyon.*
*Tovuq sovuqda sovqatadimi?*
*Sovuqda tovuq sovqatadimi?*

**5. Maqol** – *Har kechaning kunduzi,*
*Har kunduzning kechasi bor.*
*Muzdan o'tsang, oldin o't,*
*O'yilguncha o'tarsan.*
*Suzishni bilmasang, suvga tushma.*

**"O'" harfining to'g'ri talaffuzini shakllantiruvchi mashq va topshiriqlar**

***I bosqich***

[o'] – lablanmagan, o'rta keng, orqa qator unlisini ifodalaydi.

[o'] unlisinining tilimizda bir xil talaffuz etilmasligi ma'lum. Dastlab [o'] unlisining ikki xil talaffuzini farqlab olish uchun misollar shakldosh so'zlardan keltiriladi va o'qituvchi ko'magida birma-bir talaffuz qilinadi:

| | |
|---|---|
| to'r (uyning to'ri) | to'r (setka) |
| o'r (sochni) | o'r  (o'tni) |
| o't (harakat ) | o't (maysa) |
| o'sma (harakat) | o'sma (ot) |

So'z tarkibida talaffuz qilib bo'lgandan so'ng quyidagi mashq va topshiriqlar orqali mustahkamlab olamiz.

***II bosqich***

**Mashq. Quyidagi birliklarni o'qituvchingiz yordamida to'g'ri talaffuzini mashq qiling.**

**1. Tovush** – *o' – o' – o' // – o' – o' – o' // – o' – o' – o' // – o' – o' – o'*

**2. Bo'g'in –** *no', – o'l, – to'sh, – o's, – zo', – so', – mo', – do', – g'o', – qo'l*

**3. So'z** – *o'lka, cho'l, xo'roz, jo'ra, o'simlik, qo'ra, o'zbek, ro'mol, o'rmoq, o'sma, o'quvchi, obro', qo'l, so'roq, mo'jiza, mo'tabar, qo'yin, o'rin, qo'zichoq.*

**4. Tez aytish –** *O'tkir o'tkir o'roqda o't o'rdi.*
*Ko'k karam ko'pmi?*
*Po'k karam ko'pmi?*
*Bir juft cho'p ko'pmi?*
*Qo'sh juft cho'p ko'pmi?*

**5. Maqol –** *Rang ko'r, hol so'r.*
*O'lgan o'zbekning qo'ynida noni bor.*
*Tejog'liq ro'zg'or – bejog'liq qo'g'irchoq.*

**Topshiriq. Tushirib qoldirilgan harflarni o'rniga qo'ying.** [Izoh: bunda matnni o'qituvchi adabiy talaffuz meyorlariga amal qilgan holda o'qiydi]

**Olim bo'lish uchun…**

Bir …smir yigit bir olimning oldiga kelib s…radi:

– Ustoz, sizday donishmand olim bo'lishim uch…n nima qilishim kerak? Donishmand javob bermadi. O'spirin uning ortidan bir necha kun ergashib y…rdi, savolini takrorlayverdi. Nihoyat olim unga "ortimdan yur", deganday ishora berdi, daryoga boshlab bordi. Suvga t…shishdi. Shu payt donishmand o'smirning yelkasidan qattiq tutib, suvga botirdi. Bola bechora qut…lishga ming chiranmasin, …ddasidan chiqolmadi. Ozroq vaqt …tgach, olim uni q…yib yubordi. O'smir …pkasini t…ldirib-t…ldirib nafas oldi, birozdan so'ng sal-pal o'ziga keldi. Shunda …stoz so'radi:

– Bolam, suvda dimiqib t…rgan payting eng ko'p istagan narsang nima bo'ldi?

– Havo! Faqat havoga yetishishni istadim, – dedi o'spirin hech ikkilanmay.

– Uning o'rniga boylikmi, k…ngil xushlikmi, sevgi-muhabbatnimi istamadingmi? – deb so'radi donishmand.

– Aslo y…q. nafasim tugab b…g'ilib qoldim, faqat havo olishnigina istadim, – dedi yigit shosha-pisha.

– Olim bo'lish uch…n, b…talog'im, – deb so'zida davom etdi ustoz, xuddi ana sh…nday xohish kerak. Sen boshqa maqsadlarni chetga s…rib faqat harakat qilishing kerak. Bu maqsad kecha-yu kunduz xayolingni band etishi zarur. Agar olimlikka shunday g'ayrat bilan intiladigan b…lsang, albatta, niyatingga yetasan.

*"Boshlang'ich ta'lim" jurnalining 2015-yil 1-sonida chop etilgan*

Umumta'lim maktablarida orfoepiya o'qitishda, asosan, fonetik mashqlardan unumli foydalanish lozim. Talabalarga adabiy talaffuzni, imloni o'rgatish mashqlar orqaligina amalga oshiriladi. Fonetik mashqlar ko'nikma va malakani hosil qiladi. Topshiriqlar esa talabani bilim olishga yo'naltiradi, fikrlashga undaydi. Xulosa qilib aytganda, orfoepiya o'qitishda topshiriqlar mazmuni iboralar, xalq maqollari, aforizmlar, donolar o'giti, hadislardan iborat bo'lsa, dars har tomonlama samarali bo'ladi, orfoepiya o'qitishda darslik materiali yetarli bo'lmasligiga yana bir asos shuki, mamlakatning turli hududlari bilan bog'liq turli nutq tovushlari talaffuzida muammolar borligi aniqlandi, darsliklar tuzishda tovushlar talaffuzining hududiy muammolarini inobatga olish yoki maxsus fonetik mashq va topshiriqlar tizimini joriy qilish lozim.

**Adabiyotlar ro'yxati:**

1. Махмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. Бакалавриатнинг "Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани"билим соҳаси талабалари учун дарслик. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кугубхонаси нашриёти –Тошкент. 2007. 188 б.

2. Ғ.Ҳамроев Умумий ўрта таълим тизимида фонетикага доир ўқув материалларнинг методик таъминотини такомиллаштириш. Педагогика фан-ри бўйича фал.д-ри. Автореф. – Самарқанд. 2019. – 28 б.
3. Усмонова Ў. Талаффуз маданияти. –Т.: Фан, 1976. – 3 б.

# TALABALARDA XULQ OG‘ISHINI OLDINI OLISHNING IJTIMOIY PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK SHARTLARI

**Akbaraliyeva Asilaxon Tojiddinovna**
**Toshkent Amaliy fanlar universiteti**
**“Psixologiya” kafedrasi o‘qituvchisi**

**Annotatsiya:** Bozor munosabatlarga asoslangan jamiyatda kundan kunga turli deviant va delikvent xulq-atvor namunalari yuzaga kela boshladi. Jamiyatdagi ma’naviy muhitning ta’sirini kuchaytirish, yoshlarga ta’lim-tarbiya berish shaxs ijtimoiylashuvning tizimli amalga oshishiga ko‘maklashadi. Jamiyatda mavjud ma’naviy axloqiy me’yorlar yoshlarimizni jamiyatda o‘z o‘rinlarini topishlariga, intiluvchan, vatanparvar qilib tarbiyalashda muhim ahamiyatga ega. Mustaqil O‘zbekistonimizda har qanday mafkuraviy va g‘oyaviy to‘siqlarning olib tashlanganligi va barcha soha olimlariga to‘la ijodiy erkinlik berilganligi respublikamizda deviant xulq-atvorning barcha turlarini ilmiy o‘rganish imkoniyatini berdi. Maqolada yoshlar, ayniqsa, talabalar orasida deviant xulq-atvor psixoprofilaktikasini tashkil etishning psixologik xususiyatlari tadqiqot natijalarini sharhlash orqali keltirilgan.

**Kalit so‘zlar:** devinatlik, xulq og‘ishi, profilaktika, ijtimoiy omil, psixologik xizmat, yosh davrlari, tarbiya jarayoni, motivlar.

**Аннотация:** Нарықтық қатынастарға негізделген қоғамда әртүрлі девианттық және деликвентті мінез-құлық үлгілері күннен-күнге қалыптасып келеді. Қоғамдағы рухани ортаның ықпалын күшейту, жастарға білім беру жеке тұлғаның әлеуметтенуін жүйелі түрде жүзеге асыруға көмектеседі. Жастарымызды қоғамда өз орнын табуға, өршіл, отансүйгіштікке тәрбиелеуде қоғамда қалыптасқан рухани-адамгершілік нормалардың маңызы зор. Тәуелсіз Өзбекстанымызда барлық идеологиялық-идеологиялық кедергілердің жойылып, барлық сала ғалымдарына шығармашылық еркіндіктің берілуі республикамыздағы девианттық мінез-құлықтың барлық түрлерін ғылыми тұрғыдан зерттеуге мүмкіндік берді. Мақалада зерттеу нәтижелерін түсіндіру арқылы жастардың, әсіресе студенттердің девиантты мінез-құлық психопрофилактикасын ұйымдастырудың психологиялық ерекшеліктері берілген.

**Негізгі сөздер:** девианттылық, девианттылық, алдын алу, әлеуметтік фактор, психологиялық қызмет, жас кезеңдері, оқу-тәрбие процесі, мотивтер.

**Аннотация:** В обществе, основанном на рыночных отношениях, изо дня в день возникают различные модели девиантного и делинквентного поведения. Усиление влияния духовной среды в обществе, обеспечение образования молодежи будет способствовать планомерной реализации социализации личности. Существующие в обществе духовно-нравственные нормы важны для

воспитания нашей молодежи, чтобы она нашла свое место в обществе, была амбициозной и патриотичной. Тот факт, что в нашем независимом Узбекистане сняты все идеологические и мировоззренческие барьеры и предоставлена полная свобода творчества ученым всех направлений, дало возможность научно изучить все виды девиантного поведения в нашей республике. В статье представлены психологические особенности организации психопрофилактики девиантного поведения у молодежи, особенно студенческой, путем интерпретации результатов исследования.

**Ключевые слова:** девиантность, девиантность, профилактика, социальный фактор, психологическая служба, возрастные периоды, воспитательный процесс, мотивы.

**KIRISH.** Mustaqillikga erishganimizdan so‘ng jamiyatda islohotlar, yangilanishlar amalga oshirilmoqda. Bu o‘zgarishlar jamiyatda mavjud eski muvozanatlarning o‘zgarishi, yangi me’yorlarning kirib kelishiga asos bo‘ladi. Dunyo miqyosidagi global ijtimoiy o‘zgaruvchanlikning kuchayishi muhtojlik, ishsizlik, millatlar o‘rtasidagi nizolar, jinoyatchilik, kabi dolzarb ijtimoiy muammolarni yuzaga keltirmoqda. Dunyo mamlakatlarida demografik inqiroz, oila inqirozi, alkogolizm, zo‘ravonlik, o‘zaro munosabatlardagi ziddiyatlar, yoshlarning qarovsizligi, jinoyatchilik va boshqa ijtimoiy xatarli hodisalarda shaklida namoyon bo‘lmoqda. Yoshlarga tarbiya berishda an’analar, xususan, diniy an’analarning o‘rni beqiyosdir. Islom dini shariatiga e’tibor qaratadigan bo‘lsak, unda asosiy masala insonni axloqiy kamolotga yetkazish hisoblanadi. Hozirgi kunda yoshlar tarbiyasiga yetarli ahamiyat berilmasligi, ularni tarbiyalashda avloddan avlodga o‘tib kelayotgan tarbiya usullaridan foydalanmaslik bu borada ko‘plab qiyinchiliklar va salbiy oqibatlarni keltirib chiqarmoqda. Ushbu masalaning yechimi sifatida ta’lim-tarbiya jarayonida ota-bobolarimiz qo‘llab kelgan din omili, undagi tarbiyaviy masalalarni amalda qo‘llash zarurati ortib bormoqda. Mustaqil O‘zbekistonimizda har qanday mafkuraviy va g‘oyaviy to‘siqlarning olib tashlanganligi va barcha soha olimlariga to‘la ijodiy erkinlik berilganligi respublikamizda deviant xulq-atvorning barcha turlarini ilmiy o‘rganish imkoniyatini berdi.

Ma’lumki, maxsus adabiyotlarda “og‘ishgan xulq” atamasi ko‘pincha deviant axloq (deviatio – lotin tilida “og‘ishgan”) sinonimi bilan almashtiriladi. Kelgusida biz o‘zaro bir-birining o‘rnini to‘ldiruvchi sifatida har ikkala atamani ya’ni, “og‘ishgan”, “deviant” so‘zlarini qo‘llaymiz. Bunda birinchi atama ilmiy, aniq va o‘rganilgan bo‘lgani sababli ko‘proq afzal ko‘riladi. O‘rganilayotgan tushunchaning murakkabligi hamda, uning fanlararo xarakterga ega ekanligini ta’kidlash o‘rinlidir. Hozirgi vaqtda atamadan ikki asosiy mazmunda foydalaniladi. Deviant xulq, birinchidan, “rasman o‘rnatilgan yoki haqiqatda ushbu jamiyatda yuzaga kelgan me’yorlarga mos kelmaydigan muomala va inson harakati”ma’nosida psixologiya, pedagogika va psixiatriyaning predmeti sifatida namoyon bo‘ladi. Ikkinchidan, “Inson faoliyatining ommaviy va mustahkam shakllarga nisbatan ifodalanuvchi va rasman o‘rnatilgan yoki ushbu jamiyatda haqiqatda mavjud bo‘lgan me’yorlar va umidlarga mos tushuvchi ijtimoiy ko‘rinish” – ma’nosida u sotsiologiya, huquq, ijtimoiy psixologiyaning predmeti hisoblanadi [1] Shaxs xulq-atvoridagi buzilish ijtimoiy muhitning o‘ziga xos jihatlari, ya’ni sog‘lom va nosog‘lomligiga, individning fe’l-atvori, xarakter

xususiyatlari, ijtimoiy me'yorlar va shaxs o'rtasidagi ziddiyatlar hamda ularning zo'rayib borishi kabilarga bog'liq bo'ladi.

Shaxsning dunyoqarashi, ya'ni qadriyatlar oriyentatsiyasi, ijtimoiylashuvi va individual hissiyotlarining ijobiy tarzda shakllanishi va namoyon bo'lishi uni va insoniyat uchun foydali bo'lgan xatti-harakatlarga undaydi. Shuni unutmaslik kerakki, tashqi muhit yoki ijtimoiy voqea-hodisalar har doim ham xulq og'ishi va tarbiya buzilishining kelib chiqishi uchun asos bo'lib xizmat qilmaydi. Qachonki, ijtimoiy voqea-hodisalar va individ o'rtasida qarama-qarshilik va ziddiyatlar yuzaga kelsa, jamiyatda hukm surayotgan ijtimoiy me'yorlar individ tomonidan qabul qilinmasa hamda ijtimoiy muhitda xulq og'ishi va tarbiya buzilishining kelib chiqishi uchun yetarli shart-sharoit mavjud bo'lsa, xulq og'ishi va tarbiya buzilishi kelib chiqishi mumkin.

Shaxs, ijtimoiy guruh, umuman jamiyat manfaatlariga yetkazilgan zarar darajasiga, ikkinchisi esa, buzilgan normalar turiga qarab, deviant xulq-atvorning quyidagi asosiy turlarini ajratish imkonini beradi [2]:

1. Faqatgina shaxsning o'ziga zarar yetkazadigan va umuman qabul qilingan ijtimoiy va axloqiy me'yorlarga mos kelmaydigan buzg'unchi xatti-harakatlar - konformizm, mazoxizm va boshqalar.

2. Shaxsga va ijtimoiy jamoalarga (oila, do'stlar guruhi, qo'shnilar) zarar yetkazadigan va alkogolizm, giyohvandlik, o'z joniga qasd qilish va h.k.larda namoyon bo'ladigan ijtimoiy xatti-harakatlar.

3. Ham axloqiy, ham huquqiy normalarni buzadigan va talonchilik, qotillik va boshqa jinoyatlar bilan ifodalanadigan delinkvent (noqonuniy) xatti-harakatlar. Huquqbuzarlik odatda shaxsda maktab davri "tengdoshlari" guruhiga qo'shilishdan boshlanadi. Buning ortidan mayda bezorilik, yosh va o'zidan kuchsizlarni jazolash, bolalardan kichik cho'ntak pullarini olish, velosiped va motosikllarni o'g'irlash (haydash maqsadida) kuzatiladi. Jamoatchilik orasida firibgarlik va kichik spekulyativ harakatlar bu yosh davrida kamroq uchraydi. Bunga oz miqdordagi pulni "uydan o'g'irlash" larni ham qo'shish mumkin. Voyaga yetmagan yoshdagi bu harakatlar jinoyat kodeksiga muvofiq jazo uchun asos bo'lmaydi. Biroq, o'spirinlar va yoshlarda bunday harakatlarning oqibati ularni huquqbuzarga aylantirishi va shu bilan birga ularning faoliyati uchun katta xavf tug'diradi.

Deviant xulq-atvorning rivojlanish bosqichlari quyidagicha ajratilgan [3]:

• aksariyat bolalar va o'spirinlarda epizodik ravishda kuzatiladigan, masxarabozlik, buzuqlik, itoatsizlik, bezovtalik, qaysarlik va boshqalar bilan bog'liq xatti-harakatlar;

• atrofdagilarni, o'qituvchilarni, ota-onalarni ozmi-ko'pmi qattiq qoralashga sabab bo'ladigan senzurali xatti-harakatlar (intizomning epizodik buzilishi, qo'pollik, beparvolik, aldamchilik, vijdonsizlik holatlari);

• muntazam yoki odatiy holga aylangan axloqiy jihatdan salbiy harakatlar (vijdonsizlik, hiyla-nayrang, yolg'on, ikkiyuzlamachilik, xudbinlik, egosentrizm, ziddiyat, tajovuzkorlik, o'g'irlik va boshqalar)ga asoslangan deviant xatti-harakatlar;

Ushbu an'anaviy bosqichlar odatda bir-birini almashtirib, rivojlanishning ma'lum bir yo'nalishini tashkil etadi. Albatta, ba'zi hollarda ular bir-biriga bog'liq bo'lmasligi mumkin. Masalan, noqonuniy xatti-harakatlar to'satdan paydo bo'lishi mumkin, bundan oldin hech qanday noqonuniy harakat qilmagan o'spirin yoki yosh shaxsning

to'satdan qonunlarni buzish hollari. Bu tashqi tomondan kuchli ta'sirlanish (o'rtoqlar, tanishlar, moda), vaziyatlarning tasodifiyligi, psixologik stress va boshqa yuqori ta'sir ko'rsatadigan patogen omillarning natijasi bo'lishi mumkin. Ammo aksariyat hollarda bu uzoq muddatli noqulay omillarning natijasidir, masalan, muntazam ravishda akademik muvaffaqiyatsizlik, oilada, maktab jamoasidan begonalashish, psixologik bezovtalik va boshqalar. Bu kabi omillar psixologik beqarorlikka olib keladi, shaxsning qadriyatlar yo'nalishini buzadi, atrofni o'rab turgan mikromuhitda shaxsning xulq-atvorida og'ishlar paydo bo'lishiga sababchi bo'ladi [4].

Yoshlarning xatti-harakatlarini shaxsning ma'lum bir holatini, uning rivojlanishining ma'lum bir tendensiyasini ko'rsatadigan hodisa sifatida ko'rib chiqqan holda, psixologlar xulq-atvorning bir xil tashqi o'xshash xususiyatlari shaxsning psixikasida sodir bo'ladigan turli xil jarayonlarni va aksincha bo'lishi mumkinligi, ya'ni bir xil mikromuhit hodisalarining shaxs subyektiv dunyosiga turlicha ta'sir qilinishini tushunishi kerak. Boshqacha qilib aytganda, xulq-atvorning tashqi xususiyatlarini ko'rish orqali, ularni keltirib chiqaradigan sabablarni ham o'rganish maqsadga muvofiqdir.

Inson xulq-atvorining shakllanishiga ta'sir qiluvchi uchta asosiy omil guruhi mavjud: biologik, ijtimoiy va psixologik. Zamonaviy psixologiya xulq-atvorni makon va zamonda rivojlanib boruvchi jarayon deb biladi. Ushbu jarayonning asosiy bosqichlari: ehtiyojni realizatsiya qilish, motivning paydo bo'lishi va shakllanishi, maqsadni ishlab chiqish, unga erishish yo'llarini tanlash, rejalashtirilgan harakatlarni, kerakli va amalga oshuvchi natijalarni bashorat qilish, qarorlar qabul qilish, xatti-harakatlarni nazorat qilish va tuzatishdir. Shaxs psixologiyasi oldida turgan asosiy vazifalardan biri – shaxs xulq-atvori va harakatlari ortida nima yotganligini aniqlashdir. Har qaysi shaxsning ichki olami mavjud. O'zining shaxsiy tasavvurlari, emotsional reaksiyalari, his-kechinmalari va aniq harakat obrazlariga shaxs doim ega bo'lib kelgan. Bu kabi xatti-harakatlar qanday qonunlar asosida amalga oshiriladi? Bu kabi savollarga javob shaxsning ichki olamini u yoki bu tarafdan yoritilishiga bog'liqdir [5].

Har qanday shaxs to'g'risidagi nazariyalar g'oyalar sistemasi bo'lib, xulq-atvorini qanday boshqarishi, o'z ichki olamida nimalar sodir bo'lishi va uni xulq-atvorida qanday namoyon bo'lish mexanizmlarini tushuntirishga intiladi. Shaxs nazariyalari – empirik dalillarga asoslanib shaxs tabiati haqida isbotlangan xulosalar chiqaradi. Nazariyalar faqatgina o'tmish va hozirdagi shaxs xulq-atvori haqidagi savollarga javob berib qolmasdan, balki kelajakdagi shaxs xatti-harakatlari sababini keltirib chiqaruvchi omillarga ham e'tibor berishi lozim. Shunday qilib, shaxs nazariyalari shaxsning xulq-atvorini tavsiflaydi, tushuntiradi va oldindan bashorat qiladi. Agar shaxs nazariyalari quyidagi vazifalarni bajarmasa hamjamiyat tomonidan ishonchsiz ma'lumotlar bazasi sifatida rad etiladi.

Yana shunisi ahamiyatliki, har qaysi shaxs nazariyasi – murakkab tuzilmaga ega bo'lgan shaxs strukturasining soddalashtirilgan modelidir. Shaxs nazariyalardagi farqlarga qaramasdan ulardagi asosiy komponentlar shaxs tabiati to'g'risidagi jiddiy savollarga javob topishga qaratilganligi bilan ajralib turadi.

Xulosa qilib shuni aytishim mumkinki,og'ishgan(deviant) xulq deganda ma'lum bir jamiyat tomonidan ijtimoiy va madaniy rivojlanish darajasida qabul qilingan axloqiy me'yorlardan chetga chiqadigan va sanksiyalarni keltirib chiqaradigan xatti-

harakatlar tushuniladi. Deviant xatti-harakatlar ijtimoiy, axloqiy va huquqiy normalardan chetlanishda namoyon boʻladi. Unga intizomga qarshi, ijtimoiy-axloqiy, huquqbuzarliklarga oid noqonuniy va autogressiv (oʻz joniga qasd qilish va oʻziga zarar yetkazish) harakatlar kiradi.

Deviant xulq-atvorni keltirib chiqaradigan sabablar qatorida ijtimoiy-psixologik, psixologik-pedagogik, psixobiologik omillar ham mavjud. Deviant xatti-harakatlarning shakllanishiga oila, oilaviy munosabatlar, oʻsmir shaxsining xarakter xususiyatlari, ruhiy va jismoniy kasalliklarga moyilligi, shuningdek, ijtimoiy muhit ta'sir qiladi. Shaxsni rivojlantirish jarayonida vujudga kelgan ijtimoiy munosabatlar, ijtimoiy xatti-harakatlar bir-biri bilan oʻzaro bogʻliq va oʻzaro ta'sirga egadir, shuning uchun toʻlaqonli ta'lim va korreksion(tuzatish) ishlari boʻlmagan taqdirda, yoshlarda xarakterning "qiyinlashuvi" kuchayadi, bu esa shaxs rivojlanishida asotsiallikning yangi belgilarining paydo boʻlishi yoki mavjudlariga e'tiborsizlik darajasini oshiradi.

Xulqi ogʻishgan yoshlarda ijtimoiy normalarga nisbatan salbiy ustanovkalar mavjudligi, qoida va normalarni buzishga, addiktiv xulq-atvorga, zoʻravonlik va agressiyaga, delikvent xulq-atvorga moyillik va emotsional reaksiyalarni irodaviy nazorat qila olmaslik kuzatiladi. Yuqorida keltirilgan jihatlarni ijobiy tomonga muvofiqlashtirish uchun profilaktik tadbirlar sifatida ijtimoiy pedagogik-psixologik treninglarni tizimli olib borish darkor.

**Adabiyotlar roʻyxati:**

1. Александров А.А. Типология делинквентного поведения при психопатиях и акцентуациях характера / Нарушения поведения у детей и подростков.– М.: Академия, 2008 . – С. 64–72.
2. Бадмаев С.А. Психологическая коррекция отклоняющегося поведения школьников / С.А.Бадмаев. – М.: Изд-во Магистр, 2009. – 186 с.
3. Бандура А., Уолтерс Г. Подростковая агрессия. – М., 2005. – 284 с.
4. Барановский Н.А. Пьянство как социальная проблема и стратегия антиалкогольной политики в Беларуси / Н.А.Барановский // Социология.– 2012. – №2.–С. 75–81.
5. Бэрон Р., Ричардсон Д. Агрессия.– СПб.: Питер, 2012. – 368 с.

# BOʻLAJAK OʻQITUVCHILARDA KREATIVLIK SIFATLARINI RIVOJLANTIRISH YOʻLLARI

**Gʻaniyeva Adiba Tursinboy qizi**
**Oʻzbekiston UrIU "Pedagogika va boshlangʻich ta'lim metodikasi" kafedrasi oʻqituvchisi**
**Tel: +998995787797 e-mail: Adibaxon97@gmail.com**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada pedagoglarning kreativlik imkoniyatlari, pedagoglarning kreativlik imkoniyatining muhim darajalari, shaxsning kreativligi darajasini aniqlovchi mezonlar hamda oʻqituvchidagi pedagogik malakalar yoritib berilgan.

**Kalit soʻzlar:** Sifat, kreativlik sifatlari, malaka, ijodiy faoliyatni malakalari, kreativ sifatlarni rivojlantirish yoʻllari, pedagoglarning kreativligini ifodalovchi

belgilar, shaxs kreativligini rivojlantirish tamoyillari, pedagoglarning kreativligini ifodalovchi belgilar.

**Аннотация:** Бұл мақалада педагогтардың шығармашылық мүмкіндіктері, педагог шығармашылығының маңызды деңгейлері, тұлғаның шығармашылық деңгейі мен мұғалімнің педагогикалық шеберлігін анықтау критерийлері көрсетілген.

**Түйін сөздер:** Шығармашылықтың сапасы, сапалары, шеберліктері, шығармашылық іс-әрекет дағдылары, шығармашылық қасиеттерді дамыту жолдары, педагогтардың шығармашылық белгілері, жеке шығармашылықтың даму принциптері, педагогтардың шығармашылық белгілері.

**Annotation:** In this article, the possibilities of creativity of pedagogues, the important levels of creativity of pedagogues, the criteria for determining the level of creativity of a person and the pedagogical skills of a teacher are highlighted.

**Key words:** Quality, qualities of creativity, skills, skills of creative activity, ways of developing creative qualities, signs of creativity of pedagogues, principles of development of personal creativity, signs of creativity of pedagogues.

Bugungi globallashuv jarayonida zamonaviy texnologiyalarning rivojlanishi birinchi navbatda jamiyatning intellektual salohiyatiga, jumladan, ta'lim sohasining rivojlanishiga bog'liq. Ta'lim mazmuni va sifati masalalari jamiyatda ustuvor yo'nalish sifatida qaralmoqda. Dunyoning rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlarida ta'limni texnologiyalashtirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Ta'limni rivojlantirish, uning samaradorligini oshirish yo'llari izlanmoqda, shuningdek, pedagogik texnologiyalarni joriy etish ta'lim sohasidagi islohotlarning diqqat markazidan o'rin olgan. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. M. Mirziyoyev "Oldimizda yoshlarga tarbiya berish, psixologiya va boshqa turli sohalarda kadrlarni tayyorlash va qayta tayyorlash bo'yicha murakkab vazifalar turibdi. Yana bir muammoni hal etish muhim hisoblanadi: bu – pedagoglar va professor-o'qituvchilar tarkibining professional darajasi, ularning maxsus bilimlaridir. Bu borada ta'lim olish, ma'naviy-ma'rifiy kamolot masalalari va haqiqiy qadriyatlarni shakllantirish jarayonlariga faol ko'mak beradigan muhitni yaratish zarur." [1.104-bet] deb ta'kidlab o'tganlar. Mamlakatimizda ta'lim tizimini tubdan takomillashtirish davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi sifatida e'tirof etilmoqda. Bu maqsadni amalga oshirishda ta'limning yangi-yangi modellari yaratilmoqdaki, uning nazariy-metodik asoslari yetakchi mutaxassis-olimlar tomonidan ilmiy-amaliy tarzda isbotlab berilmoqda. Hozirgi davrda pedagoglarga xos kreativ sifat va ijodiy-pedagogik faoliyat malakalarini shakllantirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Boshqa har qanday sifat (fazilat) kabi kreativlik ham birdaniga shakllanmaydi. Kreativlik muayyan bosqichlarda izchil rivojlantirilib boriladi. Xo'sh, shaxs faoliyatida kreativlik xususiyatlari qachondan namoyon bo'ladi? Odatda kreativlik bolalarning faoliyatida tez-tez ko'zga tashlansada, biroq, bu holat bolalarning kelgusida ijodiy yutuqlarni qo'lga kiritishlarini kafolatlamaydi. Faqatgina ular tomonidan u yoki bu ijodiy ko'nikma, malakalarni o'zlashtirishlari zarur degan ehtimolni ifodalaydi. Bolalarda kreativlikni rivojlantirishda quyidagilarga e'tibor qaratish zarur:

1) ular tomonidan koʻp savollar berilishini ragʻbatlantirish va bu odatni qoʻllab-quvvatlash;

2) bolalarning mustaqilligini ragʻbatlantirish va ularda javobgarlikni kuchaytirish; 3) bolalar tomonidan mustaqil faoliyatni tashkil etilishi uchun imkoniyat yaratish; 4) bolalarning qiziqishlariga e’tibor qaratish kategoriyalari va tushunchalarini bilish; asosiy pedagogik faktlarni bilish; ta’lim va tarbiyaning umumiy uslubi haqidagi amaliy bilimlarni egallash.[3]

Kreativ jihatdan rivojlanishda har bir shaxs hayotida davr va bosqich muhim ahamiyat kasb etadi. Demak: **Kreativlikning rivojlanish davri** – ma’lum kreativlik sifatlarining rivojlanishi yakuniga yetgan qandaydir vaqt birligi.

**Kreativlikning rivojlanish bosqichi** – muayyan kreativlik sifatlarining rivojlanganlik darajasi.

Boʻlajak pedagoglarda kreativ faoliyatni tashkil etishga imkon beradigan malakalar guruhlari:

1) bilishga oid (gnostik) malakalar;
2) loyihalash malakalari;
3) ijodiy-amaliy (konstruktiv) malakalar;
4) tadqiqotchilik malakalari;
5) muloqotga kiruvchanlik (kommunikativ) malakalari;
6) tashkilotchilik malakalari;
7) izchillikni ta’minlovchi (protsesssual) malakalar;
8) texnik-texnologik malakalar.

Ushbu malakalar har bir pedagogda boʻlishi lozim. Bunda asosiy urgʻu kreativ fikrlash koʻnikmalarini shakllantirish asosiy e’tibor markazida boʻlib, talabalar fe’llar yordamida kreativ xarakterdagi harakatlarning mohiyatini ifodalashga yoʻnaltiriladi. Xususan, oʻqituvchilar kreativ fikrlash koʻnikmasini samarali shakllantirish maqsadida talabalarga ularni fikrlashga undovchi savollar tarkibida zarur fe’llarning boʻlishiga e’tibor qaratiladi. Bu holat misollar bilan tushuntirilsa, talabalardan “yurak va qon aylanish tizimi oʻrtasidagi bogʻliqlikni ta’riflab bering” mazmunidagi nazorat savoli ularda kreativlikni shakllantirmaydi. Zero, savol tarkibidagi “ta’riflab bering” tushunchasi oʻz mohiyatiga koʻra “mavjud bilimlaringizni birma-bir aytib oʻting” deyish bilan teng. Nazorat savollarini berishda talabalarni fikrlashga undovchi soʻz (fe’l)lardan foydalanish ularning kreativ fikrlashlarini osonlashtiradi. Shu sababli shaxsda kreativ sifatlarni shakllantirishning birinchi yoʻliga koʻra pedagoglar turli, antiqa, noan’anaviy hamda puxta javobni berishga majbur qiluvchi soʻz (fe’l)lardan foyalanishlari maqsadga muvofiqdir. Masalan: “bogʻliqlikni toping”, “yarating”, “bashorat qiling”, “fikrni mantiqan bayon eting”, “tasavvur qiling” kabi soʻz (fe’l)lardan foydalanish amaliy jihatdan samarali sanaladi.[4]

Agarda pedagog talabalardan “yurak va qon aylanish tizimi oʻrtasidagi bogʻliqlikni ta’riflab berish”ni talab qilish oʻrniga, “yurak va qon aylanish tizimi oʻrtasidagi bogʻliqlikning barcha turlarini keltirish”ni soʻrashi lozim. Natijada talabalar ham mavjud bilimlarni umumlashtirish, ham yangi fikr va gʻoyalarni ilgari surish imkoniyatiga ega boʻladi.

Boʻlajak pedagoglar birinchi yoʻlni qoʻllash – oʻquvchilarda kreativlik koʻnikmasini shakllantirishda yosh oʻqituvchilarning “Kreativlik xaritasi”dan foydalanishlari maqsadga muvofiqdir.

Oliy ta'lim muassasalarida ham o'qituvchilar talabalarda kreativ fikrlash ko'nikmalarini shakllantirish va rivojlantirishda ularning jamoa bo'lib, kichik yoki katta guruhlarda ishlashlari uchun zarur shart-sharoitni yaratib bera olishlari zarur. Zero, katta va kichik guruhlarda ishlash jarayonida bildirilgan har qanday fikrni kreativ jihatdan rivojlantirish imkoniyati yuzaga keladi. [2]

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, o'qituvchi kreativlik darslarida jamoa tuyg'usining ahamiyatini angalagan holda, doimiy ravishda guruhlarni o'zgartirib, talabalarda jamoa bo'lib ishlash, boshqalar qobiliyati va mahoratini hurmat qilish ko'nikmasi shakllantiradi. Vaholanki, yakka tartibda ishlash ma'lum vaziyatlarda samara bersa, kreativlik darstarida kichik guruhlarda ishlash maqsadga muvofiqdir. O'qituvchi kreativ faoliyatni tashkil etishga imkon beradigan malakalar orqali dars jarayonini to'g'ri va samarali tashkil qila oladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Mirziyoyev Sh.M.Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. Toshkent: O'zbekiston. –2017.-104 b.
2. Pedagogika nazariyasi/OTMuchun darslik. Mual.: M.X.Toxtaxodjaeva va b. Prof. M.X.Toxtaxodjaevaning umumiy tahriri ostida. – T.: "Iqtisod-moiya", 2010. – 136.
3. Ro'zieva D., Usmonboeva M., Holiqova Z. Interfaol metodlar: mohiyati va qo'llanilishi / Met.qo'll. – T.: Nizomiy nomli DTPU, 2013.
4. I.S.Xatimov, M.K.Olimov, G.R.Madrahimova, I.S.Faziljanov "Kreativ fikrlash" o'quv qo'llanma.Toshkent – 2022.
5. Pedagog.uz
6. Ziyo.net.uz

# ТАЛАБАЛАРДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Тиллаев Баходир Одилжонович,**
**(Ўзбекистон) НамДУ Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси**
**Тел: +99894-634-60-10 gmail:bahodirtillayev...@gmail.com,**
**Абдивалиев Обитжон Одилжонович,**
**(Ўзбекистон) НамДУ Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси**
**тел. +99899 922 27 55**

**Аннотация.** Жеке тұлғаның интеллектуалдық дамуының тиімділігіне бағытталған ғылыми-зерттеу жұмыстары оқушылардың логикалық және шығармашылық қабілеттерін, еркін ойлауын, белсенділігі мен дербестігін, бір сөзбен айтқанда танымдық белсенділігін арттыруға қызмет етеді. Шағын сабақтарды жүргізу балалардың логикалық ойлауын дамытады, орынды жауап іздеу процесінде дұрыс емес жағдайларды сабырлы түрде шеше білу, мәселеге бейтарап қарау қабілетін дамытады. Нәтижесінде оқушыларда сұраққа зейінділік, ұқыптылық, қиын жағдайда болған оқиғаларды объективті бағалау, шығармашылық қабілеттері қалыптасады. Мақалада осы аспектілер туралы айтылады.

**Тірек сөздер:** зерттеушілік, модульдік оқыту, танымдық іс-әрекет, зерттеу сабағы, ойлау сабағы, рефлексия, шығармашылық жұмыстар жасау.

**Annotation.** Scientific and research activities aimed at the effectiveness of personal intellectual development serve to increase students' logical and creative abilities, free thinking, activity and independence, in a word, cognitive activity. Conducting small research develops children's logical thinking, the ability to calmlysolve wrong situations in the process of finding a reasonable answer, and the ability to have an impartial attitude to the problem. As a result, students develop the skills of being attentive to the issue, accuracy, objective assessment of events in complex situations, and creativity. The article talks about these aspects.

**Key words:** inquiry, modular education, cognitive activity, research lesson, thinking lesson, reflection, creation of creative works.

Жамият тараққиётнинг ҳозирги босқичида янги ижтимоий шарт-шароитларга мослашувчан, турли фаолият шаклларига қизиқадиган, эркин фикрловчи, шахсий позицияга эга, ижодкор ва рақобатбардош кадрларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Бу эса талабаларнинг индивидуал билим, кўникма ва малакаларинигина эмас, балки тадқиқотчилик тоифасидаги компетенцияларни шакллантириш вазифасини ҳам кун тартибига қўймоқда. Шу боис ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш, талабаларда тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш, изланиш, ўз устида ишлаш ва мақсадли фаолиятга йўналтирадиган ёндашувларни таълим амалиётига интенсив қўллаш бош масала сифатида қаралмоқда.

Ижодга йўналтирувчи тадқиқотчилик фаолияти масалага илмий жиҳатдан ёндашиш, шахснинг ўзлаштирган билим, малака ва тажрибасига таяниш ва яратувчанлик сифатлари такомили учун омил бўлган бой моддий-техник базани тақозо этади. Бу таълим муассасаларининг тегишли адабиётлар ва жиҳозлар билан таъминланганлик даражасини ҳам ўзида акс эттиради.

Мавзу доирасидаги муаммонинг моҳиятини очишга киришишдан аввал "тадқиқотчилик" сўзининг маъносига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да тадқиқот арабча сўз бўлиб, "1 тадқиқ иши, текшириш, ўрганиш; 2 илмий текшириш ишининг натижаси; тадқиқотчилик "тадқиқот билан машғул бўлиш, тадқиқот ишлари"[194] тарзида таъриф берилади.

Шу ўринда ўтмиш аждодларимиз томонидан тадқиқот иши, тадқиқотчилик ёндашуви, унинг бошқа билиш жараёнларидан фарқли белгилари, инсонга хос яратувчанлик сифатлари ва уларни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар борасидаги қарашларига тўхталиш жоиз. Зеро, инсоннинг тадқиқотчилик қобилияти азалдан, яъни унинг билишга бўлган эҳтиёжлари англаниши замирида пайдо бўлган.

Мазкур ёндашувнинг кенг ёйилишига донишманд Суқротнинг таъсири катталиги фанда яхши маълум. Унинг таълимотида янги билимлар фақат илм-ҳунар ва жиддий меҳнат натижасида эгаллиши таъкидланади. Албатта, инсон мана шу сифатлари туфайлигина гўзал ахлоққа – камолотга эришади.

[194] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т ҳарфи. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. – 16-б. www:ziyouz.com kutubxonasi.

Кашфиётларга қўл уради. Суқротона ўқитишнинг самараси билимларни тайёр ҳолда эмас, балки мавзуга оид муаммолар бўйича ўқув тадқиқотларини олиб бориш орқали ўзлаштирилишида кўринади. Файласуф таълимоти асрлар давомида савол-жавоб усули воситасида масалага мантиқан ёндашиш, нутқнинг равонлиги, танқидий ва ижодий фикрлашга ўргатишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Албатта, бунда муаммо мазмуни бола мотивларига мувофиқлаштирилиши, фаолиятга олиб киришда рағбатлантириш усулидан фойдаланилиши, нотўғри фикрларнинг белгилаб борилиши, муаммоли вазиятлар яратилиши ва хатоларини тузатишга йўл-йўриқ кўрсатилиши шартлари мавжуд.

«Бир» лексемаси «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «санок сон, 1 рақами ва шу рақам билан ифодаланадиган энг кичик сон, миқдор» шаклида ва шу каби 10 та маъноси изоҳланади. Ушбу лексема бир сони билан боғлиқ миқдорни билдиради. Унинг рамзий маъноси кенг бўлиб, юзага келиши ўзининг тарихий босқичларига эга. Мазкур сон дунёнинг кўплаб халқларида «ягоналик», «танҳолик», «бетакрорлик» каби маъноларни рамзлаштиради. Унинг рамзийлиги дастлаб, яратувчилик хусусиятига эга бўлган Қуёшнинг яккалиги асосида юзага келган бўлса, кейинчалик динлар таъсирида, жумладан, ўзбек тилида ҳам Ислом дини таълимоти таъсирида мукаммаллашди. Ўзбек мумтоз адабиётида рақам рамзларини ўрганган С.Жумаева «тасаввуфий адабиёт намуналарида Яратганнинг якка-ю ягоналигини эътироф этиш мақсадида бир рақамига тез-тез мурожаат этилагини» қайд этади»[Жумаева С. 2006,12].

**Бир бўлу бир кўру бир де, бир тила,**
**Майл қилма бунда иккилик била. (Алишер Навоий)**

Тасаввуфда инсоннинг жон ва тани ишқ ўтида ёнганда, «иккилик» ўртадан кўтарилади, шундагина Ҳақ таолони билиш, тавҳид асрорига етишиш мумкин бўлади»[Жумаева С. 2006,13]. Юқоридаги байтда шу каби мазмун ифодаланади.

«Бир» лексемаси «ўз» олмоши билан бирга келганда Яратган, унинг қудратига ишора қилади. Аҳмад Яссавий ҳикматида келтирилган «Ман дафтари соний ойдим дардга дармон, Биру борим бандам деса қолмас армон...» ёки «Биру борим, дийдорингни кўрарманму?» каби жумлаларда «бир» лексемаси Аллоҳга ишора эканини кўриш мумкин. Бунда Аллоҳнинг ягоналигига ишора орқали бир, ягона каби лексемалар рамзий маънода қўлланади.

Шу билан бирга, ушбу лексема ҳисоб сўзлари билан бирга қўлланиб, миқдордан ташқари маъноларни ҳам ифодалайди. Масалан, «бир қарич» бирикмаси омонимлик хусусиятига эга бўлиб, бирикма «тил» лексемаси билан бирга қўлланилганда «узунлик» (тили бир қарич), «ер» сўзи билан қўлланганжа эса, «камлик», «озлик» (бир қарич ер) маъноларини ифодалайди. Шунингдек, «бир» лексемаси нутқ жараёнида «ягоналик», «озлик», «энг кам миқдор» каби маъноларни ифодалаши кўп учрайди. Хусусан, «яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи», «минг қарғага бир кесак» каби мақолларда юқоридаги маънолар юзага чиқади.

«Бир» лексемаси бадиий асарларда лаҳза, дам, он, нафас каби луғавий бирликлар билан бирга қўлланиб, вақт қадри, ўткинчи вақт кабиларни рамзлаштиради. «Вақтнинг энг кичик бирлиги ҳисобланган дам ва лаҳзаларга тасаввуф аҳлининг алоҳида аҳамият беришлари, бир дам, бир лаҳза. Бир нафас

сингари вақт бирликларига катта эътибор беришлари Навоий шеъриятида ёрқин кўзга ташланади» »[Жумаева С. 2006,54].

Икки рақамининг рамзий маъноси кўплаб халқлар маданиятида бир хил маънони, яъни жуфтликни, жуфтлик орасидаги умумийлик, зиддиятли муносабатларни ифодалайди. Масалан, осмон ва ер, ҳаёт ва ўлим, эркак ва аёл каби. Ўзбек тилида ишлатиладиган «икки дунё», «икки олам», «икки эшик» каби бирикмалар таркибида «икки» лексемаси ҳаёт ва ўлим маъноларини рамзлаштиради. Масалан,

Мен кимман, аён эт, эй олий самар,
Икки жаҳон аро этдинг дарбадар.

(О.Матжон, «Мен кимман...»)

Қуйидаги матнда ҳам «икки» сони орқали болалик ва кексалик ўртасидаги ҳаёт маъноси акс эттирилади:

– Болалар ўт ўйнашни, чоллар ўтга ҳараб хаёл суришни ёқтиришади. Икки оралиқдагилар-чи? – Уларнинг ҳаёти ўзи олов-ку!

Юқоридагилар билан бир қаторда, икки сони эркак ва аёл маъносидаги бирликлар билан бирга қўлланганда, «мустаҳкам жуфтлик», «бахтиёрлик», «бузилмас аҳд-паймон» каби тушунчаларни рамзлаштириши мумкин. Масалан,

Бу икки ошиқдир, икки бахтиёр,
Бир дардга айланган бу икки юрак. (Р.Парфи, «Қадаҳ»)

Баъзида «икки» лексемаси энг кам миқдорни ифодалвочи «бир» сонига зид равишда қўлланиб, кўплик маъносини ҳам ифодалайди.

Бир қамар басдир фалакка, иккиси кўплик қилар,
Бир самар басдир тилакка, иккиси кўплик қилар.

(О.Матжон «Бир қамар...»)

Кўринадики, икки сони ўзи билан бирга қўлланган бирликлар билан умумий ҳолда турли мавҳум тушунчаларни рамзлаштиради. «Икки қадам», «икки қулоч», «икки оғиз» каби жумлалар таркибида яқин (масофа), калта, оз, кам каби ўлчов билан боғлиқ маъноларни ҳам ифода этади. «Бири икки бўлмоқ», «Ўқиганнинг тили — икки» каби ибора ва мақолларда икки рақами «кўплик», «барака», «обрў-эътиборлилик» каби маъноларни рамзлаштириши кузатилади.

Уч рақами (сони)да юқоридаги бир ва икки сонларига нисбатан олганда илоҳийлик мазмуни юқори ҳисобланади. Бу биргина ўзбек тилида эмас, дунёнинг аксарият халқлари маданиятида учраб, «илоҳийлик», «муқаддаслик», «бахт»ни рамзлаштиради. Унинг бу каби мазмун касб этишига қатор омиллар сабаб ўлган. «Уч» рақами дунё тилларида илоҳий учлик деб аталиб, Ғарб ва Шарқ маданиятларида диний-мистик руҳият касб этади. Масалан, Қадимги юнон афсоналарида уч ака-укалар – Зевс, Посейдон ва Аид ер, океан ва ер ости дунёси устидан ҳукумронлик ўрнатгани қайд этилади. Мисрда эса Исис, Осирис ва Ҳорусдан иборат учлик маъбудларга, ҳиндлар - Браҳма, Вишну ва Шива худоларига сиғинишган. Масиҳийликда «муқаддас учлик (Ота, Ўғил ва Муқаддас руҳ)» алоҳида ўрин тутади [Сергеев В. 2015,275]. Юқорида номлари келтирилган илоҳлар таъсирида «уч» сони илоҳий ва рамзий маъноларга эга бўлган, деган хулосага келиш мумкин.

Шунингдек, Хитойда «Осмон – Ер - Одам» учлиги, бошқирд тилида вақт бирлиги – «кеча – бугун – эрта» асосида рамзий маънолар юзага келганлиги қайд этилади. Ислом динида ҳам уч сони муқаддас саналади ва диний ибодат билан боғлиқ кўплаб ҳаракатлар (таҳоратда покланиш, намоздаги зикрлар) уч марта бажарилади. Айтиш жоизки, ўзбек халқида ҳам «уч» бахтли рақам сифатида қаралади. Шу сабабли урф-одатларда ҳам уч рақами кўп ўринларда учратилади. Қўлни уч марта ювиш, чойни уч марта қайтариш, садақани бошдан уч марта айлантириб бериш, аза маросимларида учинчи куни маросим («уч») ўтказиш кабиларда ҳам уч рақамининг илоҳий ва рамзий маънолари етакчилик қилади.

Бундан ташқари, «уч» лексемаси кўп ҳолларда «кун» лексемаси билан бирга қўлланиб, «янги» (уч кунлик келин), қисқа вақтлилик (уч кунлик меҳмон), ўткинчилик (уч кунлик дунё), тез фурсатда (уч кун ўтмай) каби маъноларни ҳам ифодалаб келади. Масалан,

Бу уч кунлик дунёда
Савлатингта керилма.

(М.Юсуф, «Шукр дейсан сен қачон?»)

Тонар бўлса қўлимдаги тор, дунё,
Уч кун ўтмай унутгай дўст-ёр, дунё.

(М.Юсуф, «Онаизор»)

«Уч кунда соғинсам нима қилайин?..», «Ҳар йил баҳор уч кун яшар бойчечак» каби шеърий сатрларда ҳам «уч кун» жумласи қисқалик, оз фурсат маъноларини ифода этади. Матн талабидан келиб чиқиб «уч кун» бирикмаси узоқ вақт маъносида ҳам қўлланади. Масалан, «қўрққан ит уч кун ҳурар» мақолида айнан шу мазмун ифодаланади.

Кўплаб халқлар қатори Хитой маданиятида ҳам уч рақами комиллик, мукаммаллик рамзи саналади. Ҳудди шундай тушунчалар, ўзбек тилида ҳам учрайди. Хусусан, афсоналар, эртакларда қаҳрамонга уч савол берилади ёки уч шарт орқали унинг баркамоллиги, зеҳни синаб кўрилади.

Подшоҳ:

- Сизлар азамат йигитлар экансиз. Бир гўзал қизим бор. Уч шарт қўяман, агар бажарсангиз, иккингиздан бирингизга қизимни бераман, яна бирингизни давлатга эга қиламан,— деди. Йигитлар:

- Айтинг шартингизни! — дейишди.

(«Соҳибжон билан Аҳмаджон» эртагидан)

Кўринадики, ушбу лексемада «комиллик», «мукаммаллик», «етуклик»нинг рамзий ифодаси мавжуд.

Умумий ҳолда яна шуни таъкидлаш керакки, ўзбек тилида Ислом таълимотлари асосида тоқ ёки жуфт сонлар ўзига хос рамзий маънода қўлланиши мумкин. Тоқ сонлардан диний ибодатлардаги амаллар адади, сонини белгилашда фойдаланилади. Жуфт сонлар, жуфтлик маъноси эса, одатда инсон (эр-хотин) жуфтлиги назарда тутилади. Миллий анъаналаримизда ўлим билан боғлиқ маросимларда дастурхонга тортиладиган неъматлар сони тоқ бўлиши иримига эътибор қаратиш ҳолатлари мавжуд бўлиб, бу тоқ соннинг ўлим билан боғлиқ маънолари борлигини кўрсатади.

Маъно етакчилик қилгани боис, тил бирликларининг семантикасига оид қатор ҳодисалар рамзларда ҳам учрашини, уларнинг айримларини кўриб чиқдик. Уларни ўрганиш рамзлар табиатини чуқур тадқиқ этишга хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Богатирева З., Арутюнян О., Голотина Ю. К вопросу о символическом значение чисел «семь» и «девять» в произведениях литературы, в искусстве и науке. – М.: Мир науки, культуры, образования. № 2 (75) 2019.
2. Жумаева С. Ўзбек мумтоз шеъриятида рақам рамзлари ва уларнинг маъно талқини (XII-XV асрлар). Филол.фан.б.фалс.док...дисс. – Тошкент, 2006.
3. Жўраев М. «Сеҳрли» рақамлар сири. – Тошкент: Фан, 1990. – Б.13.
4. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. A.Madvaliyev tahriri ostida. T.: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» nashriyoti, «B» harfi.
5. Рахимова Э.Ф., Сагитова А.Ф. Лингвокогнитивные факторы формирования культурного смысла у сакральных чисел (на материале русского и башкирского языков// Современные проблемы науки и образования, 2014. № 2.
6. Сергеев В.И. Нумерология и символика чисел в жизни людей и судьбе человечества (этнолингвистический этюд) // Вестник Чувашского университета. – 2015. – № 4.

# ИЛМИЙ МУШОҲАДА ТИПИДАГИ МАТНЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ БЕЛГИЛАРИ

**Халилова Муяссархон Толиповна**
**Ўзбекистон, Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси,**
**Тел: 998 90 626 77 32 e-mail:** muyassar.1969@gmail.com

**Аннотация:** ушбу мақола илмий мушоҳада типидаги матнларнинг функционал ўзига хос белгилари таҳлилига бағишланган. Бунда мушоҳада типидаги матнларнинг хусусиятлари бошқа услубга хос матнларга қиёслаб таққосланган ҳолда очиб берилган.

**Калит сўз ва иборалар:** нутқ типлари, стилистика, матн, илмий услуб, илмий мушоҳада, тафаккур, тил стиллари, тил функциялари, хабар ифодалаш, функционал, экстралингвистик омиллар, фан объекти, илмий ижод психологияси, фикрий аниқлик, мантиқий изчиллик, объективлик, алоҳида вазият, мукаммаллик, индивидуаллик, қиёсийлик.

**Abstract:** this article gives information about the analysis of functional characteristics of scientific observation type texts. In this, the characteristics of observation type texts are revealed by comparing them with texts of other styles.

**Key words and phrases:** types of speech, stylistics, text, scientific method, scientific observation, thinking, language styles, language functions, message expression, functional, extralinguistic factors, object of science, psychology of scientific creativity, intellectual accuracy, logical consistency, objectivity, separate situation, perfection, individuality, comparative.

Функционал стилистикага доир кўплаб тадқиқотлар олиб борилган рус тилшунослигидаги илмий манбаларда адабий тил услублари тил функциялари асосида тасниф қилинган. Буни биз дастлаб профессор А.М.Пешковский, Л.В.Щерба, В. Гавранек, академик В.В.Виноградов тадқиқотларида кузатамиз

[7;1,6]. Ўзбек тилшунослигида функционал услубларни ўрганиш борасида адабий тил услубларининг тил функциялари асосида юзага келиши, уларни тавсифлашда тил бирликлари асос бўлганлиги кўп бора тилга олинади [10,21-23;12,13].

Стилистик тадқиқотлар тараққиётида ушбу олимларнинг фикрлари янада ривожлантирилиб, тилнинг алоқа жараёнидаги шу уч вазифаси кишиларнинг ижтимоий хизмат доираларига боғланиши ва ижтимоий хизмат нуқтаи назаридан функционал стилларга бўлиниши, яъни функционал стиллар экстралингвистик омиллар асосида ҳам юзага келиши айтиб ўтилади. Буни айниқса, М.Н. Кожина, Н.М. Разинкина, Э.С.Троянская тадқиқотларида кўриш мумкин [4; 8; 11].

Ўзбек тилшунослигида функционал услубларнинг тил функциялари ҳамда экстралингвистик омиллар асосида вужудга келиши масаласи профессор С.Каримовнинг тадқиқотларида тўлиқ ёритилади[3]. Шунингдек, илмий услубнинг ҳам тил функциялари ҳам экстралингвистик омиллар асосида вужудга келиши масаласи М.Мукаррамовнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили» (Тошкент: Фан,1984) монографиясида батафсил изоҳланган [6,17].

Функционал стилларнинг шаклланишида иштирок этган экстралингвистик омиллар ушбу услубнинг ўзига хослигини келтириб чиқаради ва бу ўзига хослик барча лингвистик сатҳлар элементларининг сараланган ҳолда, матн мазмунига мос тарзда қўлланишини тақозо этади.

«Экстралингвистик омиллар,- дейди М.П.Сенкевич, - бу муайян фаннинг тараққиёти ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти, илмий амалиёт мақсадлари, ушбу фан объектининг ўрганилганлик даражаси ва соҳаларининг ихтисослашуви, шунингдек, илмий ижоднинг психологик хусусиятларидир» [9,25] Ушбу омилларни ёрқин тасаввур этишимиз учун қуйидаги фикрларга эътиборимизни қаратамиз: «Мустақиллик шароити Ўзбекистонда фаннинг ривожланишига катта ижобий таъсир кўрсатди. Аввало, фанимиз структураси кескин ўзгарди: маънавий фанлар ҳисобланувчи тасаввуф илми тикланди, Ҳадис билимларига йўл очилди, бинобарин, зиёлиларимиз, талабаларнинг руҳий дунёси анча бойиди, янги олий ўқув юртлари, университетлар ташкил қилинди; илм ахли чет элдаги олимлар билан мустаҳкам ижодий алоқалар ўрнатди. Бунинг натижасида табиат ва техника-технологиялар ҳақидаги фанларимиз ҳам жаҳон андозаси даражасига кўтарила бошлади. Олимларимиз илм-фаннинг долзарб соҳаларида тадқиқот олиб боришга киришдилар» [13,183].

Англашиладики, мустақиллик йилларида мамлакатимизда табиий ва гуманитар фанларнинг ривожланишига кенг имкониятлар яратиб берилди. Аммо уларнинг хеч бирига тилдан фойдаланишдаги юксак маданият ва саводхонликсиз эришиб бўлмайди. Бинобарин, ўзбек тили доирасидаги ўзига хос қоида-қонунларга эга бўлган фан тили ва услуби ҳам амалда бўлмоғи лозим. Ўзбек тилининг илмий услубини такомиллаштиришга бўлган муносабат ва асъулият ҳам ана шундан келиб чиқади.

Илмий мушоҳада юритиш фикрлашнинг ўзига хос усули бўлиб, объектив борлиқни идрок этишда фақатгина далил ва фактларга таянади, экстралингвистик омиллар эса нутқнинг ушбу турининг шаклланишида, бинобарин, нутқий меъёрнинг ўзига хос турининг юзага келишида муҳим омил

саналади. Шунинг учун ҳам, худди бошқа функционал услубларда бўлгани каби бу услубда ҳам лингвистик омиллардан фойдаланишдаги ўзига хосликларни экстралингвистик омиллардан ташқарида ўрганиб бўлмайди.

Мушоҳада матнидаги фикрий аниқлик, мантиқий изчиллик, объективлик, ихчамлик, қисқалик, китобийлик, мукаммаллик, алоҳида вазият, индивидуаллик, қиёсийлик кабилар илмий услубга хос бўлган асосий экстралингвистик аломатлар саналади ва улар лингвистик бирликларнинг мазкур услуб доирасида қатъий тартиб билан танланиш ва хосланиш тамойилларини белгилайди. Уларнинг айримларини кўриб ўтамиз.

**1.Аниқлик.** Барча ФУларда бўлгани сингари илмий баёнда ҳам, шубҳасиз, аниқлик талаб қилинади. Шунинг учун бу услубда сўзларни асосан бир маънода қўллаш, синонимик қатордаги вариантларидан масаланинг моҳиятини бирмунча аниқ ифода этадиган кўринишини танлаш, ҳеч бўлмаганда, нейтрал вариантини қўллаш талаб этилади. Илмий услуб тадқиқотчиларидан бири И.А.Волнина “Илмий терминологиянинг хусусиятларидан бири полисемиядир”, деган фикрни ҳам айтган ва унинг исботи учун тил сўзининг маънолари шарҳланган: 1) аниқ бир тил – рус тили; 2) маълум бир тилнинг услуби – илмий тил, газета тили; 3) «нутқ»қа қарама-қарши турувчи тушунча; 4) диалектик яхлитлик: тил – нутқ; 5) бошқа семиотик тизимнинг қарши томони; 6) «тил эмас»нинг зиди [2,26].

Терминлар ана шу талабга жавоб бера оладиган лексик бирликлар бўлгани учун улар мазкур услубнинг асосий луғавий фонди саналади ва маълум бир тил элементлари, масалан, соҳавий терминология қўлланиш частотасининг юқорилиги билан характерланади.

М.Н.Кожина «Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги замон фани учун, айниқса, математик мантиқ қўлланиладиган дедуктив методнинг кенг тарқалиши билан боғлиқ ҳолда фикрни мавхумлаштириш ва объективлаштириш тенденцияси характерли бўлиб қолди», деб ёзиш билан биргаликда, бу тенденциянинг илмий услубдаги барча жанрларга ҳам тегишли эмаслигини айтади: «Аслида мавхумлаштириш ва объективлаштириш тенденцияси тафаккур жараёни сифатида ҳам, илмий фактларни баён қилиш усули сифатида ҳам интуициянинг пайдо бўлишига, образлилик, эмоционаллик ва илмий ижодда мантиқий фикрлашдан ташқарида бўлган бошқа шаклларга зид эмас» [5,15].

**2. Мантиқий изчиллик.** Илмий баён услубининг ўзига хос хусусиятини ташкил этади. Матнда сўзлар, гаплар, абзацлар ўзаро мантиқий боғланган бўлади ва бу изчилликни юзага келтирувчи маълумки, маълум бўладики, таъкидлаш лозимки, таъкидлаш ўринлики, дарҳақиқат, бинобарин, шундай экан, биринчидан, иккинчидан, кўринадики, таъкидлаш жоизки, хулоса қилиб айтганда, хулоса қилганимизда, биргина мисол, фақат бугина эмас сингари кўплаб боғловчи вазифасини бажарадиган сўз ва бирикмаларнинг қўлланилади ва мантиқий изчилликни вужудга келтиради. «Илмий асарнинг вазифаси маълум коида ва гипотезаларни исботлаш, илмий муаммоларни аниқ ва тартиб билан баён этишдан иборат, - деб ёзади М.П. Синкевич.- Шунинг учун ҳам илмий проза, асосан, мулоҳазалар занжиридан иборат бўлади» [9,25].

**3.Объективлик.** Илмий адабиётларда бу услуб доирасида тил материали фикрнинг хаққонийлиги, объективлигига хизмат қилиши лозимлиги уқтирилади [6,15].

Объективлик ҳақиқат шаклларидан бири бўлиб, амалиётда тасдиқланган билимдир [14,323] Бинобарин, илмий баённинг объективлиги дейилганда, ҳам борлиқдаги нарса-ҳодисаларни ҳаққоний акс эттириш ва холисона муносабат билдириш тушунилади. Аммо бу жараён ниҳоятда мураккаб бўлиб, унинг реаллашувида фақат тил бирликларига таяниб иш кўриш қийин кечади. Чунки, «ҳақиқат мазмунан объектив, лекин шаклан инсон тафаккури фаолиятининг натижаси сифатида субъективдир» [14,323]. Илмий матнда ҳам, гарчи объектив борлиқ ҳодисалари ҳақидаги мушоҳадалар акс этса-да, унинг муаллифи муайян шахс ҳисобланади, бинобарин, субъектив фикрлар баён этилади. Бу субъективлик эса ҳаёт ҳақиқати билан ҳамиша мос келавермаслиги мумкин. Бу, айниқса, гуманитар фанларда, масалан, тарих ва адабий танқидга оид тадқиқотларда яққол сезилади.

Илмий услубнинг ўзига хос хусусиятлари уни бошқа услублар билан қиёслаганда яққол намоён бўлади. Тил материалидан фойдаланишдаги жуда кўп жиҳатлари, айниқса, фикрнинг аниқлиги ва равшанлиги, баённинг тўлиқлиги ва объективлиги, фикрий ифоданинг равонлиги ва реаллиги, стандарт жумлаларнинг кўплиги, умуман, фикрни стандарт андозаларда беришга интилиш, эмоционал-экспрессивликнинг хос эмаслиги каби экстралингвистик омиллар билан расмий услубга яқин туради.

Баёнда бутунлай бошқа хусусиятлари, масалан, тарғибот-ташвиқот характери, эмоционал-экспрессивликнинг ва образлиликнинг кучлилиги, ифоданинг танқидийлиги ва, умуман, баҳолаш муносабатининг мавжудлиги, кўппланлилик ва кўпмаънолилик, нутқнинг монологик ва диалогик характери, нутқнинг муаллиф, персонаж ва ўзгалар нутқига бўлиниши устун бўлган публицистик ва бадиий услубга қарама-қарши туради. Шу маънода илмий ва расмий услуб, публицистик ва бадиий услубга кучли оппозициядадир. «Бир томондан, илмий нутқнинг, иккинчи томондан, бадиий нутқнинг ўзига хос хусусиятини функционал-стилистик аҳамиятга эга бўлган (жумладан, тил бирликларининг муайян мулоқот доираси ва маъно типларида қўлланиши билан қатъий шартланилганликда ўз ифодасини топган) мавҳум-умумийликнинг /аниқликнинг функционал-семантик категориялари асоссидагина объектив белгилаш мумкин», деб ёзади М.Н.Кожина [5,16].

Илмий матнларнинг фактик материалларга бой бўлишлиги, баённинг ахборот характерида эканлиги, бу ахборотнинг лўнда ва қисқалиги, ҳар қандай илмий муаммонинг изчил ва аниқ баён этилиши билан биргаликда муайян бир жанр доирасида тил бирликларидаги чегаралангaнлик ҳам истисно қилинмайди. Демак, функционал услублар, жумладан, илмий услубнинг шаклланишида лингвистик бирликлар билан бир қаторда экстралингвистик омиллар ҳам муҳим ўрин тутади. Чунки экстралингвистик омиллар илмий услубга хос матнларнинг шаклланишида муайян тил бирликлари орқали ифода этилган ҳақиқийлик – мавжудликдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – М., 1963, стр.6.
2. Волнина И.А. О специфике научного стиля // Язык и стиль научной литературы. – М.: Наука, 1977, с.26.
3. Каримов С. Ўзбек тили функционал стилистикаси. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. -192 б.

4. Кожина М.Н. К основаниям функциональной стилистики. – Пермь, 1968.
5. Кожина М.Н. Сопоставительное изучение научного стиля и некоторые тенденции его развития в период научно – технической революции // Язык и стиль научной литературы. – М.: Наука, 1977, с.15 – 16.
6. Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. – Тошкент: Фан, 1984. – Б. 17.
7. Пешковский А.А. Роль грамматики при обучении стилю. В кн. А.М. Пешковский Избранные труды.
8. Разинкина Н.М. Контрастные категории и их роль в лингвостилистическом изучении научной прозы. В сб. Преподавание иностранных языков и его лингвистические основы.- М., 1972.
9. Сенкеевич М.П. Стилистика научной речи и литературное редактирование научных произведений, 25.
10. Сулаймонов А. Тил стиллари ҳақида // Совет мактаби, 1964, №6. – Б. 21 – 23.
11. Троянская Э.С. К общей концепции понимания функциональных стилей. В сб. Особенности стиля научного изложения – М., 1976.
12. Халилова М. Илмий-оммабоп нутқ матнлари ва уларнинг услубий хусусиятлари // З.М.Бобур номидаги Андижон давлат университети / Илмий хабарнома. Серия: Гуманитар тадқиқотлар, 2021, №1 (53). – Б. 124 – 131.

# АДАБИЁШУНОСЛИКДА ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛ МУАММОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

**Ahmadjonova Oqilaxon Abdumalikovna**
**FarDU, adabiyoshunoslik kafedrasi o'qituvchisi (PhD)**
**aoqila@list.ru**

**Annotation:** In this article, the psychological analysis of the artistic work in the world and Uzbek literary studies, the scientific-theoretical views on the problems of the creative style are analyzed.

**Key words and phrases:** hero, artistry, state of mind, psychology, character, estopsychology, style.

**Аннотация:** Бұл мақалада дүниежүзілік және өзбек әдебиеттану ғылымындағы көркем шығармаға психологиялық талдау жасалып, шығармашылық стиль мәселелеріне қатысты ғылыми-теориялық көзқарастар талданады.

**Негізгі сөздер мен тіркестер:** қаһарман, әртістік, көңіл күй, психология, мінез, эстопсихология, стиль.

Бадиий адабиёт азалдан инсон ички оламини тадқиқ этиш, қаҳрамон ташқи фаолиятини унинг ички олами билан боғлиқ ҳолда асослаш билан шуғулланиб келади. Ҳаёт ва адабиётнинг бош қаҳрамони – инсон. Уни ўқувчига яқин қилиш, сурати ва сийратини ўзаро боғлиқликда акс эттириш мақсадида қаҳрамон ички дунёсида рўй бераётган кечинмалари, гоҳ яхлит, гоҳо қоришиқ ҳис-туйғуларини имкони бор бўйича ифодалаш, воқеа-ҳодисалар ва нарса-буюмларга муносабатини билдириш характер яратишда ёзувчи олдида турган муҳим вазифалардан бири саналади. Характер индивидуаллигидан келиб чиқиб, маълум муаммога ҳар бир ижодкор ўз услуб маҳоратига кўра ёндашади. Реал ҳаёт санъаткор қалбида, унинг ижодий

лабораториясида муайян ғоявий-бадиий ният, консепсия асосида сараланади. Мана шу жараёндаги руҳий ҳолат, кечинма, хатти-ҳаракатларни турли санъаткорлар ўзига хос тарзда тасвирлайдилар.

Психологик таҳлил образлар моҳиятини, характерлар такомиллашувининг нозик қирраларини, романдаги бутун ғоявий мазмунни очишда бош восита ҳисобланади. Романда ёзувчининг тасвирлаш усуллари кенг бўлиб, бир-бирини такрорламайдиган характер, манзара ва образлар яратади, қаҳрамонларини ҳар хил драматик саҳналарда психологик вазиятларга солади. Бу жараённи ёзувчи персонажлар ва муаллиф нутқи, онг оқими орқали, асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракати воситасида очиб беради.

Бадиий адабиётдаги психологизм таҳлили ижодкорнинг ҳис-туйғу ва ижод жараёнидаги ҳиссий кечинмаларига, психофизиологик ҳолатларига ва руҳий-маънавий дунёсига, айни вақтда, бадиий асар ўқувчисининг руҳий олами, мутолаа жараёнидаги субектив кечинмаларига ҳам эътибор қаратади. Бадиий адабиётда ижтимоий ҳаётнинг турфа хил кўринишлари сўз орқали образли акс этади. Бу ижодий жараёнда ёзувчи шахси, ижтимоий-фалсафий қарашлари етакчи ўринни эгаллайди. Инсон психологиясини тасвирлаш бадиий ижоднинг энг муҳим белгиларидан биридир. Ўз фикрларини маълум бир образ воситасида ифода этади ва унинг индивидуаллиги учун қайғуради, персонаж руҳий дунёсига хос олам яратади, улар билан суҳбатлашади, кулишади, дардлашади. Агар ўқувчи ҳам шундай ҳиссиётларни бошидан кечира олса, бадиий асар оригиналлиги қайд этилади. Бадиий асар оригиналлигини таъминловчи асосий воситалардан бири эса психологизмдир.

“Психологизм – бу аниқ адабий воситалар ёрдамида асар қаҳрамонининг ҳис-туйғулари, фикрлари ва тажрибаларини етарлича тўлиқ, батафсил ва чуқур тасвирлашдан иборатдир”, – деб таъкидлайди А.Б.Есин[1.– С.176.]. Замонавий ўзбек адабиёшунослигида эса психологизмнинг қуйидагича таснифланганини кузатамиз: “Адабиётда инсон ички дунёсининг чуқур бадиий тадқиқи “бадиий психологизм” деб аталади. Психологизм бадиий адабиётда уч асосий кўринишда: адабиётнинг туғма белгиси, муаллиф психикасининг муайян ифодаси, муаллиф томонидан онгли танланган, асар яхлитлигини белгилайдиган эстетик тамойил сифатида намоён бўлади”[2. – Б.63.]. Демак, сўз санъати ўзининг юксак бадиийлиги билан эшитиш, ҳис қилиш, таъсирланиш каби ҳолатлар орқали бевосита инсон ички руҳиятига алоқадор бўлиб, психологизм шахс руҳияти орқали бир вақтнинг ўзида давр ва жамият конфликтларини ҳам акс эттиради. Давр зиддиятлари айнан қаҳрамон руҳияти, унинг ички кечинмаси, ўй-мулоҳазалари орқали яққол намоён бўлади. Инсон адабиётда алоҳида ҳиссиёт ва фикр эгаси бўлган шахс (характер) сифатида намоён бўлади.

Жаҳон адабиёшунослигида психологик таҳлил методи XIX асрнинг сўнгги чорагида вужудга келган бўлиб, бунда Ғарбий Европа ва Россия илмий мактабларида ёзувчи ва ижоднинг психологик жиҳатларига эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этган. Хусусан, француз олими Эмил Эннекин адабий танқиднинг эстопсихологик тамойилларини илгари суради. У бадиий матн

маъносини идрок этиш (қабул қилиш)да ўқувчи психологик жиҳатдан китоблари манзур ёзувчига ўхшаш бўлиши, ижодкор қалб кечинмаларини англашда ҳар бир ёзувчининг услуби ўзига хос эканлигига асосий эътиборни қаратади.

Эстопсихологик тадқиқот бадиий асар таҳлилида эстетик, психологик, социологик жиҳатлар синтезлашувига диққат қаратади. Э.Эннекен эътирофича, эстопсихология ғоя ва ҳис-туйғулар механизмини англашга ёрдам беради. Ушбу тадқиқот йўналиши бадиий асарни ўрганишда ўз олдига учта вазифани қўяди:

1) асарнинг таркибий қисмларини – у нимани ифодалайди ва қандай ифода этиш усулига эга, каби саволларни таҳлил қилишдан иборат;

2) илмий психология асосида психофизиологик ҳолатнинг кўриниши бўлиб, бадиий асардан олинган маълумотларнинг қай даражада ифодаланганлигини тушунтиради;

3) тадқиқотчи ҳар қандай асарни ёзувчи психологиясининг ифодаси деб билади.

Эмил Эннекен ёзувчи ва унинг мухлислари ўртасидаги муносабатлар ҳақида гапирар экан, ўқувчи яшайдиган шароит – муҳит ва адабий ҳодисалар генезиси масалаларини эътиборсиз қолдиради [3. – С.203.]. Зеро, антик давр ёки ўрта асрлар даври билан ҳозирги давр кишиси онгидаги олам ва одам ҳақидаги билимлар орасидаги фарқ турличадир. "Бадиий асарга бундай "естопсихологик" ёндашувнинг рус олимлари орасида ҳам тарафдорлари бор эди. А.А.Потебня, Д.Н.Овсянико-Куликовский, А.Г.Горифелд, Т.Райнов, Б.Лезин каби филолог олимлар бадиий асарларни шу метод асосида тадқиқ қилди. Улар поэтик тил ва тафаккур, бадиий образ назарияси, бадиий ва илмий ижод психологияси ҳамда бадиий асарни ўзлаштириш масалаларига жиддий эътибор берди".

Адабиёшуносликда XIX аср охири ва XX аср бошларида "психоанализ" назариясига асос солган австриялик олим Зигмунд Фрейд қарашларига ҳам эътибор анча кучайди. "Психоанализ" "психологик анализ"нинг қисқартмаси эмас. "Психологик анализ" адабиёшуносликка хос атама бўлиб, у талқин этилган бадиий асар таҳлилига тадқиқотчининг психологик метод асосида ёндашувидан иборат.

Рус адабиёшунослиги кўп йиллик илмий тарихга эга бўлганлиги учун психологик таҳлил тўғрисидаги тадқиқотлар кўплаб яратилган ва бу борада катта бой тажрибага эга. Масалан, машҳур рус психологик мактабининг асосчиси А.Потебня ва унинг издошлари бадиий асар, давр, бадиий образ, ижодкор, ижодий услуб сингари мустақил маънога эга бўлса-да, ўзаро боғлиқ тушунчаларга нисбатан психологик ёндашув қонуниятларини яратди, бу эса адабиёшунослик илмида ўзига хос янгилик бўлди. А.Потебня бадиий асарга нисбатан илмий талқин ҳамда ўқувчининг ҳиссий муносабатини психологик таҳлилнинг асосий тамойилларидан бири, деб ҳисоблайди. Рус адабиёшунослигида Н.Г.Чернишевский илк марта "психологик таҳлил" тушунчасини қўллаб, унинг йўналишларини аниқлашга ҳаракат қилган бўлса, академик М.Б.Храпченко эса психологик таҳлилнинг учта:

**динамик**;

**типологик**;

**аналитик** принципларини кашф этди[5. – С.471.].

М.Храпченконинг белгилашича, **динамик** принципда ёзувчи қаҳрамон руҳий қиёфасини очишда кўпроқ унинг хатти-ҳаракатлари тасвирига урғу беради. Характер, тип яратишда ёзувчи унинг ташқи кўринишидаги ўзига хослиги, юз ифодаси ва қилиқларидан ажрамаган ҳолда тасвирлашга ҳаракат қилади. Баъзи асарларда кишиларнинг руҳий ҳолатлари тасвирланар экан, ёзувчи маълум маънода "туйғулар тафсилотини" четда қолдиради. Динамик принципда қаҳрамон ички кечинмаларини тасвирлаш доимо қисқа, зарур бўлгандагина ифода этилади. Сюжетнинг динамик ривожланиши билан мустаҳкам боғланган ҳолда олиб борилади. Иштирок этувчи шахсларнинг руҳий дунёси асосан муаллиф нутқи билан очилади ёки ҳикоячи-муаллиф ремаркалари орқали кўз қарашлари, юздаги ўзгаришлар, овозидаги оҳангни таъкидлаш билан ишора қилинади. Масалан,

" – Кўрдингизми? – деган ҳирқироқ товушидан чўчиб тушди.

– Нимани айтяпсиз?

– Қўлингиздагини.

– Ҳа, – деди Ориф ака қоғозни ҳамон қўлидан қўймай. Унинг товушида оғир изтироб, ожизлик, ҳорғинлик бор эди"[6. – Б. 99.]. Ушбу мисолдан кўринадики, хатни ўқиган қаҳрамоннинг руҳияти муаллиф нутқи орқали очиб берилади. Орифнинг қалбидаги изтироб, ўзини ожиз ҳис этаётгани сабаблари қаҳрамон ҳис-туйғулари асосида муҳокама этилмайди.

Психологик таҳлилнинг **типологик** принципида асарда иштирок этувчи шахсларнинг ички дунёси улар мансуб бўлган ижтимоий турмуш тарзи билан узвий боғланган ҳолда баён қилинади. Қаҳрамонлар маълум даражада шаклланган ички ва ташқи қиёфаси билан ўзлари алоқадор бўлган муҳитдан чиққан бўладилар. Бу муҳит, ҳолат ва ижтимоий ҳаётнинг типик белгиларини ифодалаш учун асар муаллифи баёнда маиший турмушнинг икир-чикирларигача тасвир этади.

Рус адабиёшунослигида М.Лермонтов "Замонамиз қаҳрамони" асари билан психологик таҳлилнинг янги – **аналитик** принципни бошлаб берди. Бу принципда "воқеалар тафсилоти"нинг тасвирига нисбатан "ҳис-туйғулар тафсилоти" тасвири биринчи ўринга чиқади. Қаҳрамоннинг руҳий жараёни, бу жараённинг бетиним ўзгарувчанлиги, фикрлар, ҳислар ва кечинмаларнинг ривожи кенг таҳлил этилади. Асар қаҳрамонларининг кечинмалари фақат баёнчи томонидан таҳлил этилибгина қолмай, балки қаҳрамонларнинг ўзи ҳаётни идрок этиши орқали ўз ҳис-туйғуларини ўзлари таҳлил қиладилар. Ички монолог, онг оқими орқали мулоҳаза юритадилар. Адабиёшунос Ҳ.Умуровнинг таъкидлашича, ушбу принцип XIX аср Ғарбий Европа ва рус адабиётида Стерн, Стендал, Лермонтов ижодида юзага келган бўлиб, Л.Н.Толстой томонидан ривожлантирилди. Натижада психологик таҳлилнинг "қалб диалектикаси" шакли кашф этилди. Ташқи кўриниш ва ички руҳиятнинг мустаҳкам уйғунлигига, унинг эстетик жиҳатдан гўзал ифодаланишига эришди. Қалб гўзаллиги, ҳиссий кечинмалар, асосан, кўзнинг турли маънодаги қарашлари, юз ифодасидаги турли мимикаларда акс этади.

“Ўзбек романчилигида биринчи бор А.Қаҳҳорнинг “Сароб” романида психологизмнинг аналитик принципи яққол кўзга ташланади”[7.–Б.23.]. А.Қаҳҳор “Сароб” романида қаҳрамоннинг ўз шахсидаги қарама-қарши фикрлар жангига, ҳис-туйғулар курашига асосий диққатини қаратади. Қаҳрамон қалб кечинмаси – тасвир этилаётган ижтимоий муҳитнинг ҳар томонлама реал тасвирига олиб келади.

Ўзбек адабиёшунослигида бадиий асар таҳлилининг психологик тадқиқ этиш муаммолари XX асрнинг 70-80-йилларига келиб алоҳида тадқиқот обекти сифатида ўрганила бошланди.

Бугунги кунда ўзбек адабиёшунослигининг илмий-назарий адабиётлари ва луғатида “психологик детерминизм”, “психологик мактаб”, “психологик метод”, “психологизм принциплари” каби атамаларга дуч келамиз. Муаллифлар томонидан психологизм, унинг бадиий асардаги ўрни ҳақида илмий фикрлар берилган. Б.Каримовнинг “Руҳият алифбоси” номли илмий асарида психологик методнинг жаҳон адабиётида пайдо бўлиши, метод сифатида шаклланиши Ғарбий Европа олимлари, рус олимларининг қарашлари ва фикрлари ҳақида маълумот берилади[8.– Б.178].

Бадиий асар қаҳрамонларининг руҳий кечинмалари, характер хусусиятларини таҳлил этиш кўплаб тадқиқотларда, ёзувчининг услубий маҳоратини таҳлил қилиш маъносида учрайди. Уларнинг баъзиларидагина психологик принципнинг назарий асослари тадқиқ этилган. Бу масалада Н.Шодиев, Ҳ.Умуров, Й.Солижоновнинг илмий-тадқиқот ишларида илгари сурилган фикрлар академик М.Б.Храпченко назарий қарашлари билан умумийлик касб этади. Лекин адабиёшунос Ҳ.Умуров учала принципдан типологик принципнигина психологизм формаси эканлигини, психологизмнинг ҳар хил шаклларини (йўналишларини) принцип даражасига кўтариш ноўрин хулосаларга, чалкаш фикрларга олиб к элиши мумкинлигини таъкидлайди. Дарҳақиқат, характер намоён бўлиши учун асарда қандай психологик принцип устувор бўлишидан қатъи назар ижтимоий муҳит тафсилотлари ёзувчи ниятига қараб қисман ёки батафсил тасвир этилади, Ҳ.Умуровнинг ушбу фикрларига қўшилган ҳолда, қаҳрамоннинг ижтимоий ҳаётдаги хатти-ҳаракати, кечинмаларини психологизм йўналишларидан бири сифатида қараймиз.

Психологик таҳлилда “ёзувчи – матн – ўқувчи” муаммоси турар экан, бадиий асарни психологик жиҳатдан ўрганишда психологизм табиатининг мураккаблиги ҳисобга олинади. Унинг қўлланилиш жараёнлари этика-естетика, фалсафа, тарих, физиология ва бошқа соҳалар билан ўзаро алоқадорликда, психологик методнинг биографик, социологик, структурал, герменевтик таҳлил методлари билан боғликликда олиб борилади.

Муаллифнинг туйғулар ва фикрларини ўқувчига етказиш усулларини, қаҳрамон ҳиссиётлари ва ички кечинмаларини, имо-ишоралар ва физиогномия каби ҳолатларнинг талқинини қаҳрамонлар шахсиятида таҳлил этиш лозим.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Есин А.Б. Психологизм русской классической литературы. – М.: Просвещение, 1988.

2. Бобохонов М. Ҳозирги ўзбек романлари структурасида психологизм муаммоси. Фил.фан. док. дисс...– Самарқанд, 2022.

3. История русского литератураведения (Опыт построения научной критики). – М.: Высщая школа, 1980. https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/1210919
4. Осьмаков Н.В. Психологическое направление в русском литературоведении. – М., 1981.
5. Потебня А. Эстетика и поэтика. – М.: Искусство, 1976.
6. Храпченко М.Б. Лев Толстой как художник. – М.: Сов.писатель, 1963.
7. Muxtor A. Chinor. – Тошкент: Yangi asr avlodi, 2015.
8. Умуров Ҳ. Бадиий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. – Тошкент: Фан, 1983.
9. Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018.
10. Умуров Ҳ. Бадиий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. – Тошкент: Фан, 1983.

## ПОЭТОНИМЛАР – НУТҚИЙ ТАЪСИР ВОСИТАСИ

**Комила Мамадиёрова,**
**Самарканд давлат чет тиллар**
**институти ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи**

**Аннотация:** Мазкур мақолада бадиий мақсад билан танланган ҳар қандай ономастик номлар поэтоним сифатида матнда ёзувчининг ғоявий-бадиий ниятини юзага чиқаришда ўзига хос нутқий таъсир воситаси бўла олиши ҳақида фикр юритилади.

**Annotation**: In this article, it is considered that any onomastic names chosen with an artistic purpose can be a unique means of speech influence in the text, as poetonyms, in revealing the writer's ideological and artistic intention.

**Аннотация**: Бұл мақалада көркемдік мақсатпен таңдалған кез келген ономастикалық атаулар жазушының идеялық-көркемдік ниетін ашуда поэтоним ретінде мәтіндегі сөздік әсер етудің бірегей құралы бола алатыны қарастырылады.

**Калит сўзлар:** ономастик номлар, поэтоним, антропоним, топоним, космоним, артионим, антропопоэтоним, артиопоэтоним.

**Key words**: onomastic names, poetonym, anthroponym, toponym, cosmonym, artionim, antropopoetonym, artiopoetonym.

**Тірек сөздер**: ономастикалық атаулар, поэтоним, антропоним, топоним, космоним, артионим, антропопетоним, артиопоетоним.

Ҳар қандай фан терминологияси доимо ўзгариб, ривожланиб боради. Аввало, соҳа ривожланиши билан боғлиқ янги-янги тушунча ва предметларнинг кириб келиши уларни номловчи сўз ва бирикмаларнинг ҳам пайдо бўлиши ёки бошқа тиллардан ўзлаштирилиши зарур бўлади. Шунингдек, илмий тадқиқот соҳасининг кенгайиши ёки тадқиқот объектларининг ҳар бири ҳақидаги ғояларнинг чуқурлашиши билан ҳам боғлиқ ҳолда терминларнинг қўлланиш доираси ўзгариши мумкин. Шу маънода кейинги йилларда тилшуносликда ономастика ва унинг тадқиқи доирасида ҳамда ономастика тармоқларини номлаш мақсадида *поэтоним, эпоним, агоним, артионим, годоним, деопоэтоним, антропопэтоним, зоопоэтоним*, *топонопоэтоним* каби қатор терминлар кириб келди.

Хусусан, *поэтоним* атамасига тўхталадиган бўлсак, онимларнинг бадиий асарларда поэтик мақсадда қўлланиши назарда тутилади. Илмий манбаларда поэтоним - бу бадиий асарда хизмат қиладиган ҳар қандай атоқли от эканлиги таъкидланмоқда. К.С.Федотовага кўра, В.М.Калинкиннинг тавсифи асосида "оним" ва "поэтоним" тушунчалари ажратила бошланди. Шундай қилиб, агар "оним" атамаси орқали тил факти сифатида, умуман, атаб қўйиладиган номлар тушунилса, "поэтоним" тушунчаси фақат бадиий матн доирасида чекланган.[196]

Бироқ, бизнингча, поэтонимларнинг экспрессив-эмоционал функциясини фақат бадиий матн доирасида чегаралаб қўйиш керак эмас. Экспрессивлик категориясининг таъсир қилиш функциясини ҳисобга оладиган бўлсак, тил бирликларининг эмоционал-экспрессив мақсадда қўлланиши, асосан, бадиий матнга хос хусусият деб қаралиши масаласи, бизнингча, бироз мунозаралидир. Негаки, тил бирликларининг қисман публицистик ва илмий-оммабоп услубларда, сўзлашув услубида эса анчагина фаол нутқий таъсири кузатилади. Демак, экспрессивликнинг юзага келишини таъминловчи тил ҳодисаларини тадқиқ этиш ўзаро мулоқотнинг дискурсив моҳиятини кенг ва атрофлича ўрганишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, ономастик бирликларнинг эмоционал-экспрессив мақсадда қўлланилиши масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Атоқли отлар номинатив бирликлар тизимининг аъзоси сифатида икки жиҳат – **индивидуаллаштириш** (шахсни жамоадан ажратиш) ва **интеграциялаш** (атоқли от эгаларини умумий синфга бирлаштириш) функциясини бажаради. Онимларнинг асосий жиҳатларидан бири шундаки, улар тилнинг аккумулятив функциясини ҳам амалга оширишга хизмат қилади, яъни матн таркибида ўз ташувчилари - олимлар, ёзувчилар, рассомлар, сиёсатчилар, адабий қаҳрамонлар ва бошқа шахслар фаолияти билан боғлиқ маълумотларни сақлайди ва шу ном орқали матнни қабул қилувчи онгида гавдалантиради. Ономастик бирликлар, айнан, мана шу жиҳатдан поэтоним даражасига кўтарилади.

Ҳар қандай асарда адабий қаҳрамон образи унинг номи билан боғлиқ бўлиб, ўқувчи онгида ҳар қандай ўзига хос хусусиятга ега бўлган қаҳрамон образи пайдо бўлади. Янги номларнинг пайдо бўлиши еътиборни тортади, мафтун етади, муайян ассоциацияларни уйғотади, ўқувчида ҳиссиёт муҳитини яратади.

Бадиий асарда адабий қаҳрамонларнинг номлари тасодифий олинмайди. Уларнинг мазмуни, шакли ва қўлланиш ҳолати муаллиф ниятини ифодаловчи бадиий ва тасвирий воситалар билан чамбарчас боғлиқдир.

Тадқиқотчи М.Қосимова Тоғай Мурод “Отамдан қолган далалар” романида нега айнан Деҳқонкул антропонимини танлагани ҳақида шундай ёзади: “...ёзувчи Деҳқон сўзига ўзбек исмларига қўшиб айтиладиган -бой, -жон, -бек каби шакл ҳосил қилувчи қўшимчалардан бирини эмас, айнан “қул” морфемасини қўшади. Бунда “қул” сўзининг кўчма маънодаги “кимсага кўр-кўрона хизмат қилувчи, бўйсунувчи, итоатгўй, малай, хизматкор” семалари юзага бўртиб чиқади. Натижада шўролар мустамлакаси даврининг муте,

---

196 Федотова К.С. Поэтонимография как новое направление авторской лексикографии // Языкознание и литературоведение. 2017.DOI: 10.17223/22274200/11/3. – С. 39-52.

итоатгўй, ҳокисор қурбони бўлган Деҳқонқул образи китобхон кўз ўнгида яққол намоён бўлади.”[197]

Ономастик номнинг мажозий ва бадиий талқини бадиий асардаги атоқли номларнинг вазифасига таъсир қилади. Бадиий матн ономастик номларнинг нутқий таъсир воситаси сифатида маълум бир бадиий-эстетик вазифа бажариши учун энг қулай майдондир. Бунда номлар асарнинг узвий элементи сифатида тавсифловчи характер касб этади ва воқелик баёнидаги мазмунни кучайтиришга ёрдам беради. Нопоэтикдан поэтикка ўтиш жараёнининг асоси лисоний тасвирнинг бадиий тасвирга ўзгаришидир. Ёзувчилар реал антропоним, топоним, космоним каби атоқли отлар билан бирга хаёлий номлардан ҳам фойдаланиши, бадиий маконни кашф қилинган номлар билан ҳам тўлдириши мумкин. Қандай ном танланишидан қатъи назар муаллиф ономастик номларга ўзига хос маъно юклашга ҳаракат қилиши табиийдир.

*У ашулани “Кўча боғи”дан бошлади, овозини баралла қўйиб, шу дамгача кўрилмаган ва бутун вужудини қамраб олган иштиёқ билан, зўр илҳом билан айтди. Ашула оҳангидаги ранг-баранг тароналар Ғуломжон ҳаяжонига пайванд бўлиб оқар, унинг шинам овози гўё “Кўча боғи” учун, “Кўча боғи”нинг мафтункор оҳанги эса Ғуломжон учун яралгандек янграр эди. “Кўча боғи” унинг овозига қовушиб, ажойиб бир қувноқлик, жозибали бир жўшқинлик билан теварак-атрофда, узоқ-узоқларда, кенг фазода янграрди. Ғуломжон бу ўтли куйларини ким учундир айтар, айта туриб, кўзлари билан кимнидир излар эди. Вали ака Ғуломжоннинг ёниб куйлашига, кўзларининг ғўзалар ичида нигорон бўзлашига ҳайрон бўларди. У ўғлини таний олмайди.*

*Ғуломжон “Кўча боғи”ни тугатиб, олдида турган жийда гул пиёладаги кўк чойдан бир-икки хўплади.*

*- Э, умрингиздан барака топинг, мулла, - деди Мадаминхўжа энди бошини кўтариб.*

*Ғуломжон мийиғида кулиб қўйди. Кейин чолларнинг яна гапга тушиб кетишларидан ё отаси “жўнайлик” деб қолишидан қўрққандек, дарров “Дугоҳ”ни бошлаб юборди.* (М.Исмоилий, “Фарғона тонг отгунча”, 9-б.)

Ушбу матнда “Кўча боғи” ва “Дугоҳ” қўшиқлари номи артионимлар гуруҳига киради. **Артионим** – санъатнинг барча турларига оид атоқли отлар: ранг-тасвир ва ҳайкалтарошлик асарлари, куй, қўшиқ, рақс, кино, спектакль номлари кабилар.[198]

Бадиий матнда уларнинг поэтик восита эканлигини назарда тутиб ***артиопоэтоним*** деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Юқорида келтирилган парчада Ғуломжоннинг руҳий ҳолатини қабариқ ҳолда тасвирлаш мақсадида қўлланган “Кўча боғи” ва “Дугоҳ” қўшиқ номлари артиопоэтонимга айланган. Масалан, *чолларнинг яна гапга тушиб кетишларидан ё отаси “жўнайлик” деб қолишидан қўрққандек, дарров “Дугоҳ”ни бошлаб юборди* жумласининг тагмаъносида Ҳаётхонни кўриш ниятида ўртанаётган Ғуломжон шу ерда кўпроқ

---

[197] Қосимова М.Б. Бадиий нутқ индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари (Тоғай Мурод асарлари асосида): филол.фанлари номз.дисс... Тошкент, 2007. – Б. 43

[198] Хамраева Х.Х. Ўзбек миллий рақс санъати терминлари тадқиқи: филология фанлари д-ри (DSc) дисс... Бухоро, 2021. – Б. 181

қолиш илинжида кейинги қўшиқни ҳам бошлаб юборганлиги акс эттирилган. Демак, бу ерда қўшиқ номлари поэтик “юк” билан тўйинтирилган.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Федотова К.С. Поэтонимография как новое направление авторской лексикографии // Языкознание и литературоведение. 2017.DOI: 10.17223/22274200/11/3.
2. Хамраева Х.Х. Ўзбек миллий рақс санъати терминлари тадқиқи: филология фанлари д-ри (DSc) дисс... Бухоро, 2021.
3. Қосимова М.Б. Бадиий нутқ индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари (Тоғай Мурод асарлари асосида): филол.фанлари номз.дисс... Тошкент, 2007.
4. Арутюнян М.А.Структура, семантика и прагматика стилистического приема "антономазия" на материалах немецкого языка: автореф. дисс...канд. филол. наук. Москва, 2010.
5. Йўлдошев Б. “Ўзбек ономастикаси масалалари” танланма фаиидан услубий қўлланма. Самарқанд: СамДУ нашри, 2011.

# МЕТОДИЧЕСКИЕ РЕКОМЕНДАЦИИ ПО ПРОВЕДЕНИЮ ПРАКТИЧЕСКИХ ЗАНЯТИЙ РУССКОГО ЯЗЫКА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

**Икрамов Махаммад-Шухрат Эркенович**
**Ташкентский Аграрный университет, преподаватель кафедры «Узбекского языка и литературы» +998909847828** ikramovmahamadsuhrat@gmail.com

**Аннотация:** В данной статье проведен анализ использования современных пелагических технология при проведении занятий по русскому языку. Изучены работы других авторов по эффективному использованию современных технологий, проанализированы факторы, способствующие повышению внедрению их в учебный процесс.

**Annotation:** This article analyzes the use of modern pelagic technologies when conducting Russian language classes. The works of other authors on the effective use of modern technologies have been studied, and factors that contribute to increasing their implementation in the educational process have been analyzed.

**Аннотация:** Бұл мақалада орыс тілі сабақтарын өткізу кезінде заманауи пелагикалық технологияларды қолдану талданады. Заманауи технологияларды тиімді пайдалану бойынша басқа авторлардың еңбектері зерттеліп, олардың оқу-тәрбие процесіне енгізілуін арттыруға ықпал ететін факторлар талданды.

**Ключевые слова:** Национальная программа, современные педагогические технологии, система подготовки кадров, дидактические формы, методы, логическое мышление, этапы занятия.

**Key words:** National program, modern pedagogical technologies, personnel training system, didactic forms, methods, logical thinking, stages of the lessons.

**Түйін сөздер:** Ұлттық бағдарлама, заманауи педагогикалық технологиялар, кадрлар даярлау жүйесі, дидактикалық формалар, әдістер, логикалық ойлау, сабақ кезеңдері.

**Введение.** Национальная программа по подготовке кадров в Республике предусматривает коренное реформирование структуры и содержание непрерывного образования с широким освоением прогрессивных технологий. Основной целью Национальной программы является развитие системы подготовки кадров на основе создания правовых, экономических и организационных условий, формирование профессиональной компетентной, социально-активной личности.

Современные образовательные технологии представляют собой специальный комплекс. Этот комплекс включает специальный подбор и компоновку дидактических форм, методов, способов, приёмов и условий, необходимых для процесса обучения.

**Постановка задачи.**

**Методика исследований.** На каждом занятии при проведении вступительной (вводной) части, основной части, в которую входят работа по тексту, предъявление нового грамматического материала, а также заключительной части можно использовать нетрадиционные методы обучения.

1. Вступительная часть предполагает использование следующих методов:

Разминка (повторение пройденного материала);

- метод «**Проект**». Этот метод предусматривает индивидуальную работу студентов по карточкам. Карточки содержат пронумерованные слова с одной стороны и перевод данных слов с другой стороны без числового обозначения. Студентам необходимо найти эквивалентный перевод данных слов. Цель этого метода – пополнение словарного запаса студентов, закрепление пройденного материала.

- метод «**Мозговая атака**» предусматривает вопросно-ответную работу по изучаемой теме. Этот метод предусматривает развитие логического мышления студентов и закрепление лексико-грамматических моделей

II. Основная часть занятия.

1. Основная часть состоит из:

а) работы по тексту, которая предусматривает применение следующих методов: чтение по цепочке.

**Цель** – сосредоточить внимание студентов на новом тексте, помогает сосредоточить внимание студентов на новом тексте, отработать навыки правильного чтения и произношения.

-«**Разбивка на кластеры**». Этот метод помогает студентам свободно думать по поводу какой-либо заданной темы. Она требует выделения лишь тех структур, которые дают возможность размышлять о связях между идеями, развивает логическое мышление студентов.

Разбивка на кластеры может использоваться на этапе вызова и размышления. Также этот метод может применяться и в качестве средства для подведения итогов пройденного материала. Разбивка на кластеры, может осуществляться индивидуально, по группам преподавателем. Цель этой работы заключается в том, чтобы повысить качество знаний студентов, выявить уровень знаний по теме и дополнительному материалу, развивать память студентов и их логическое мышление.

- технология «**Скорбей**». Эта технология перекликается с предыдущей технологией. Разница в том, что первая даёт возможность стимулировать студентов, а вторая – учит более целенаправленно, конкретно размышлять на заданную тему. При работе по этой технологии развивается ассоциативное мышление, логика, память, формируются умения свободно высказывать свои мысли по конкретной проблеме. Данная технология применяется после работы с текстом для закрепления пройденного материала, даёт возможность проверить, как студенты усвоили пройденный материал.

Также эту технологию можно использовать на разных этапах учебного занятия: в начале темы в процессе изучения темы, для закрепления полученных знаний и подведения итогов.

б) Подача грамматического материала. Подача грамматического материала может проводиться как традиционными методами, так и с использованием новых технологий.

- «**Мозговой штурм**». Студентам даётся лист со словами, даётся время на то, чтобы курсанты сами могли увидеть разницу и сделать соответствующие выводы по данной грамматической теме.

Второй вид работы.

На проекторе выводятся лексико-грамматические выражения по изучаемой теме. На примере этих моделей студенты составляют свои примеры. Цель данной работы - активизация и закрепление лексико-грамматического материала.

в) тренировочные упражнения.

На данном этапе занятия возможно использование технологии «Бумеранг». Этот метод работы направлен на творческое осмысление, свободное овладение учебным материалом за одно занятие. Группа делится на подгруппы по 3-4 человека, получает микротекст по изучаемой теме. Студентам даётся время для ознакомления с текстом, затем группы меняются текстами. Таким образом, охватывается целый текст. Преподаватель готовит вопросу по всему материалу. Группа, набравшая большее количество баллов, объявляется победителем. Эта технология способствует формированию критического мышления, логики, развитию памяти, навыков изложение своего мнения, аргументов. Она помогает студентам развивать свой кругозор, память, словарный запас.

**Выводы:** III. Заключительная часть.

Подведение итого занятия и контроль усвоение материала проводится с использованием «Перекрестного опроса». Это серия коротких вопросов, задаваемых друг другу, своеобразный поиск информации, полученной на предыдущем занятии. Во время перекрёстного опроса нельзя вступать в дискуссию. Это время для опросов, а не для споров. Цель – научить студентов правильно составить вопросы и давать исчерпывающий ответ (порядок слов в предложении). При проведении промежуточного контроля проводится контрольные работы, опросы и тестирование. Помимо описанных выше технологий можно на всех этапах занятия можно использовать компьютер, аудио, видео записи.

**Использованная литература:**

1.Б.Файберман «Рекомендации по использованию проблемно-поискового подхода в обучении для развития творческих способностей студентов»./
«Таълим муаммолари» 2000г. №1-2

2.Р.Джумабоев «Роль и место оценивания в педагогической технологии». / «Таълим муаммолари» 2000г. №4

3.Г.Мирсаидов «Методические основы разработки учебных планов». / «Таълим муаммолари» 2000г. №2

4. Материалы научно-практической конференции «Использование новых технологий при обучении иностранным языкам»/ Ташкент, ТВОКУ. 2008 г.

5. Материалы «Частная методика преподавания иностранного языка в ТВОКУ». / Ташкент. ТВОКУ. 2014 г.

## ТЕРМИНОЛОГИЯ КАК ОБЪЕКТ ТЕЗАУРУСНОГО МОДЕЛИРОВАНИЯ

**Аширматова Манзура Жуманбаевна**
**Ташкентский государственный аграрный университет, старший преподаватель,**
manzuraasirmatova274@gmail.com

**Аннотация.** Тезаурус, тезаурустық лексикография және графика термині ұғымдары қарастырылады. Автор электронды терминологиялық тезаурилерде және терминологиялық деректер банктерінде орыс тілінің материалын пайдалана отырып, ауылшаруашылық терминдері терминологиясының тезаурустық берілуіне талдау жасайды.

**Annotation.** The concepts of thesaurus, thesaurus lexicography and the term graphy are considered. The author analyzes the thesaurus representation of the terminology of agricultural terms using the material of the Russian language in electronic terminological thesauri and terminological data banks.

**Ключевые слова:** тезаурус, компетенции, терминология экологии, терминологический банк данных, тезаурусная лексикография, тезаурусная термин графия, русский язык.

Специфика обучения студентов в аграрном университете такова, что русский язык необходим им в первую очередь для получения специальных знаний в сфере аграрных наук. Студент в той или иной мере обладает набором фоновых знаний – системой знаний в определенной предметной сфере. В его сознании (внутреннем лексиконе) представлены основные понятия, их ассоциативные связи, иерархия этих понятий, все виды операций – обобщения, деления, определения понятий, однако все эти знания закреплены средствами родного языка. При этом перед студентом- стоит задача включения в профессиональную коммуникацию на неродном (в данном случае – русском) языке, что затруднено по причине несформированной так называемого профессионального лексикона.

Овладение студентами профессиональной лексикой может быть успешным в случае осуществления отбора специальной лексики с учетом профессиональной направленности обучения. Выявление слоя профессиональной лексики является одной из важнейших научно-теоретических и практических задач в области формирования лингвистической компетенции.

Основная цель отбора лексического (терминологического) минимума – объема языковых средств, который должен быть усвоен на определенном этапе обучения, заключается в создании в перспективе необходимой и достаточной терминологической базы, обеспечивающей реализацию целей учебно-профессиональной коммуникации. Важная роль терминологической лексики в реализации коммуникации в профессиональной сфере связана с ее функциями – термины выполняют наряду с номинативную и дефинитивную функцию, и с ее (лексики) особенностями: она точно соотнесена с определенным понятием, в которых отражены специфические свойства обозначаемых предметов и явлений.

По результатам исследований (Серова Т.С., Шишкина Л.П. и др.), «оптимальным способом иерархической организации совокупности понятий в той или иной области знаний со всей относящейся к ним лексикой, образующей вокруг них особое множество (семантическое поле), является тезаурус». Тезаурус – от греч. Thesaurus «сокровищница, запас» – термин, обозначающий в современном научном знании «некоторым образом оформленное накопление», структурированное представление и общий образ той части мировой культуры, которую может освоить субъект», «полный систематизированный состав информации (знаний) и установок в той или иной области жизнедеятельности, позволяющий в ней ориентироваться»  модель мира, отраженный и упорядоченный в сознании лексикон, идеальная картина мира, а также семантический словарь, фиксирующий различные виды отношений между составляющими его лексическими единицами и понятиями, которые эти единицы языка отражают.

В контексте данного описания под тезаурусом понимается семантический словарь как способ организации лексики, в явном виде фиксирующий все семантические отношения между составляющими его единицами. В чем же преимущества использования такого ресурса?

Во-первых, словарь-тезаурус является проекцией фрагмента картины мира, он отражает накопленные и систематизированные знания в определенной предметной сфере.

Во-вторых, тезаурус представляет собой тематическое, смысловое единство, несмотря на фрагментарность составляющих его элементов.

В-третьих, словарь тезаурусного типа отражает систему понятий и выражающих их лексических единиц в иерархической взаимосвязи: от более общих (в психологическом смысле более богатых по смыслу) к частным, более конкретным понятиям, и наоборот. При этом в процессе обобщения происходит локализация определенного понятия «в определенной системе отношений общности, отношений, которые являются самыми основными, самыми естественными и важными связями между понятиями».

В-четвертых, словарь-тезаурус представляет собой иерархическую структуру, в которой ядром является наиболее «ценностные», общие элементы. Словарная статья в словаре-тезаурусе представляет собой развернутое понятие, в котором можно обнаружить всю совокупность его отношений: если человек оперирует понятием, то он оперирует и всей системой понятий, связанных с ним.

В-пятых, словарь-тезаурус моделирует естественные когнитивные механизмы, используемые для организации, сохранения и передачи ментального

опыта средствами языка: механизм ассоциации, внутренней речи, глубинной предикации, механизм внутреннего оформления высказывания, механизм внешнего оформления высказывания, механизм кодирования/декодирования информации, выхода на образ мира с учетом многообразных выводных знаний (энциклопедических и языковых).

В-шестых, словарь-тезаурус опирается на использовании психологических принципов узнавания, категоризации, использования различных видов опор (функциональность, динамичность, интерактивность, кодовая вариативность; принцип опоры на признаки и признаки признаков, параллельная опора на перцептивный, когнитивный, эмоционально-оценочный (вербальный и невербальный) опыт), принцип смысловых замен и принцип субъективной эквивалентности].

И, наконец, словарь-тезаурус участвует в формировании ментального тезауруса и отражает его специфику: открытость структуры, изменчивость границ при сохранении ядра, изменчивость структуры и т.п., действенность (влияние на поведение субъекта).

По словам исследователей – создателей наиболее полного тематического тезауруса, подобный вид словаря может рассматриваться трояко: 1) как способ описания и организации системы знаний в определенной области через посредство системы лексических средств, 2) как словарь-справочник с ключевыми словами и их отношениями (синтагматическими, парадигматическими, эпидигматическими), 3) как прообраз ментальной структуры, структуры долговременной памяти студента.

Как утверждают исследователи, наиболее эффективная модель словаря-тезауруса – четырехкомпонентная:

классификационная часть с логико-семантическим структурами тем и подтем;

контекстная часть с дефинициями ключевых понятий;

идеографическая часть, в которой представлены словарные понятийные статьи ведущих слов – понятий темы;

алфавитный указатель слов.

Основа предлагаемого словаря – понятие, стоящее во главе словарной понятийной статьи, обладающее ассоциативными связями, которые выражены в тексте языковыми средствами. Предлагаются ассоциативные связи слов, как парадигматические (синонимия, родовидовые отношения, антонимия), так и синтагматические (атрибутивные, причинно-следственные, функциональные, временные, пространственные, динамические связи и т.п.

Источниками материала для словаря стали учебные пособия по электротехнике, справочники и учебные словари, терминологические словари, как толковые, так и переводные.

Приведем примеры организации структурных элементов разрабатываемого словаря




Тезаурусный подход к разработке учебного словаря позволит использовать словарь как гипертекстовый электронный ресурс. Это сделает словарь-тезаурус актуальным и технологичным, позволит использовать его при обучении студентов с разным уровнем владения русским языком; применять для организации аудиторной и самостоятельной работы. Кроме того, данный учебно-методический ресурс позволит решить ряд проблем, связанных со спецификой мышления и восприятия современных студентов, поможет сгладить ситуацию, связанную с не конгруэнтностью когнитивного кода и асимметрией предметных (фоновых, выводных) знаний преподавателей русского языка и преподавателей аграрных дисциплин. Тот факт, что создание таких словарей потребует объединения усилий преподавателей аграрных дисциплин и преподавателей русского языка, позволит организовать обучение в университете по принципу интерактивности и приведет к созданию учебно-методических ресурсов нового поколения, а само обращение к актуальному для студентов материалу при обучении русскому языку поддержит высокий уровень мотивации студентов в процессе языковой подготовке.

**Список литературы:**

1.Лингвистический энциклопедический словарь / под ред. В.Н. Ярцевой. М.: Советская энциклопедия, 1990. С. 506.

2.Там же. С. 506–507. 3 Герд, А.С. Научно-техническая лексикография / А.С. Герд // Прикладное языкознание: учеб. СПб.: Изд-во С.-Петерб. гос. ун-та, 1996. С. 171.

3.Горбунов, Ю. И. Тезаурусное моделирование лингвистической терминологии: диссертация д-ра филол. наук / Ю.И. Горбунов. Тольятти, 2004. С. 61

4. URL: www.urbamet.com

5. URL: www.thesaurus.gc.ca

# SIYOSIY MATNLARNING LINGVOMADANIY XUSUSIYATLARI TAHLILIGA DOIR

**Yokubbayeva Umida Abduvaxob qizi**
**Namangan davlat universiteti tayanch doktoranti**
**+998930400270 uyokubbayeva92@gmail.com**

**Аннотация.** Мақалада саяси мәтін және оның тілдік және мәдени аспектілері қарастырылады. Талдау саласында ассоциативті өріске сүйене отырып, «Өзбекстан дамуының жаңа стратегиясы» еңбегінде қолданылған ұлттық бояуы бар лексемалар талданып, функционалдық ерекшеліктері мен олардың мәтін мазмұнына әсері анықталды.

**Негізгі сөздер:** антропоцентристік зерттеулер, лексема, этноним, мәдени сема, лингвомәдениет, лингвомәдениеттану

**Annotation.** The article delves into an in-depth analysis of the political discourse, focusing on its linguistic and cultural dimensions. Within the scope of our analysis, we employ the concept of the associative field to scrutinize the lexemes imbued with a distinct national character found in the document titled "New Strategy for the Development of Uzbekistan". This examination helps us unveil their functional attributes and their consequential impact on the textual content.

**Keywords:** anthropocentric studies, lexeme, ethnonym, cultural seme, linguocultureme, and linguoculturology.

Siyosiy matnlarda qo'llanuvchi lingvokulturologik birliklar til va madaniyat mafkuralarini yetkazish, muayyan qadriyatlarni targ'ib qilish, o'quvchilar yoki auditoriyani ishontirish yoki ularga ta'sir o'tkazishda muhim rol o'ynaydi. Muayyan so'zlar, metaforalar, ritorik vositalar va ishontirish usullaridan foydalanish kabi lingvistik tanlovlar siyosiy xabarlarni idrok etishni shakllantirishi mumkin. Madaniy ma'lumotnomalar, ramzlar va an'analar ko'pincha muayyan guruhlarga murojaat qilish yoki muayyan his-tuyg'ularni qo'zg'atish uchun ishlatiladi.

Siyosiy matnlardagi lingvokulturemalarni tahlil qilish til va madaniy elementlarning siyosiy rivoyatlarni qurish, o'ziga xoslikni yaratish, kuch dinamikasini o'rnatish va qo'llab-quvvatlashni safarbar qilish uchun qanday ishlatilishini o'rganishni o'z ichiga oladi hamda siyosiy ishtirokchilarning asosiy mafkuralari, strategiyalari va niyatlarini yoritib berishda muhim omil hisoblanadi.

Tilshunoslikda siyosat va til munosabatiga qaratilgan tadqiqotlar ilk bor A.Chudinov, N.Chomskiy, N.Fairclough [Fairclough, 1989] tomonidan amalga oshirilgan. Xususan, siyosiy matnlar doirasida dunyo prezidentlarining turli mavzuga oid nutqlariga xos madaniy xususiyatlarni o'rganib chiqishga katta e'tibor qaratilgan. Chunonchi, O.V.Spiridovskiyning nomzodlik ishi [Спиридовский, 2006] siyosiy diskursda prezident nutqining madaniy jihatlari qay tarzda namoyon bo'lishi va mazkur madaniy birliklar siyosiy nutq doirasida nimaga xizmat qilishi haqidagi nazariy fikrlarga qaratilgan. Tilshunos M.V.Gavrilova [Гаврилова, 2004] va A.V.Xudyakov [Худяков, 2019] tadqiqotlarida siyosiy matnlar tadqiqiga e'tibor qaratib, dissertatsiyaning ayrim o'rinlaridagina prezidentlar nutqining madaniy jihatlariga to'xtalib o'tilgan.

Sh.Usmonova lingvokulturologik tadqiqotlarda tadqiq etiluvchi masalalarni to'rt turga bo'larkan, ulardan birini "muayyan uslubda yozilgan asardagi lingvomadaniy konseptning ifodalanish tadqiqi" [Usmonova, 2014: 21] sifatida izohlaydi hamda mazkur tadqiq jarayonida badiiy va nasriy asarlar madaniy tahlil etilishini ta'kidlaydi. A.Mamatov badiiy, publitsistik va so'zlashuv uslubi doirasidagi matnlarning lingvomadaniy jihatlarini tahlil qilish pragmatik tahlilga nisbatan muhimroq ekanligini e'tirof etgan. Tilshunos pragmatik matnlarda emotsionallik, boshqa millat vakili

tushunishida qiyinchilik tug'diruvchi holatlar mavjud bo'lmasligi haqida nazariyalar berib o'tadi [Mamatov, 2019]. Tilshunoslikda prezident asarlarining siyosiy matn sifatida lingvomadaniy jihatdan o'rganilishi, mazkur asarlardagi til, madaniyat va siyosat sohasida yuz beruvchi o'zgarishlarni ommaga tushuntirishga yordam beradi. Ushbu tadqiqotlar orqali matnlarning shakllanishi, siyosatning tilga ta'siri, madaniy va ijtimoiy muhitdagi o'zgarishlar, siyosat diskursi, madaniy diskurslar va o'zbek tilining madaniy jihatlariga bog'liq tushunchalar yoritiladi. Lingvokulturologik birliklarning prezident asarlari uchun ahamiyati juda katta bo'lib, aniq va kuchli ifodalarni yaratishda, ma'nolarni tushuntirishda va siyosiy ko'rsatkichlarni oshirishda o'z ta'sirini ko'rsatadi. Madaniy fonni yaratuvchi vositalardan biri bo'lgan lingvokulturemalar milliy-madaniy birlik sifatida nutqni sayqallovchi, har bir til egalarining takrorlanmas qadriyatlarini ifodalovchi vositalar hisoblanadi. Tilshunos V.V.Vorobyov ilk bor lingvokulturemalar haqida o'z nazariy qarashlarini berish davomida xalqning poetik ijodi, ilmiy tadqiqotlari, aforizmlari, ma'lum bir xalqning boshqa bir xalq madaniyati haqidagi fikrlarini lingvokulturemalarning obyekti sifatida keltirgan [Воробьев, 1997]. Ulardan ayrimlarini siyosiy matnlardagi lingvomadaniy xususiyatini ko'rib chiqamiz.

*Maslahat* leksemasi arab tilidan olingan bo'lib, "biror ishni qanday qilish yoki umuman nima qilish kerakligi haqida yo'l-yo'riq tarzidagi fikr, mulohaza" [6; 551], degan ma'noni anglatadi. Mazkur birlik atrofida u bilan assotsiativ munosabatga kirishuvchi turli strukturaga ega birliklar shakllangan. Masalan, ota-onaga nisbatan *maslahatgo'y*; *atrofidagilarga maslahat solmoq* kabi shakllarda qo'llanadi. O'zbek xalqida to'y-marosimlar o'tkazishdan avval odatga aylanib, qadriyat tarzida shakllanib kelayotgan *"maslahat oshi"* deb nomlanuvchi, asosan, yaqin birodar, qon-qarindoshlar jamlanmasidan iborat yig'in mavjud bo'lib, bu kichik bir davrada marosim shaklida amalga oshiraladigan, to'y yumushlarini oila kattalarining ko'rsatmalariga muvofiq yig'in qatnashchilari o'rtasida taqsimlanishi uchun o'tkaziladi. Mazkur an'analar uzoq tarixdan takrorlanib kelinayotganligi xalqimiz nutqida ushbu mavzu doirasidagi paremiologik birliklarni shakllanishiga olib kelgan. Jumladan, "Maslahatli to'y buzilmas", "Maslahatli osh achimas", "Maslahatli to'n tor kelmas" [6; 551]. Mazkur maqollarda *maslahat* leksemasi o'zbek xalqining milliy taomi, kiyimi va marosimiga nisbatan qo'llanayotgan bo'lsa-da, tag ma'no *"jamoani har qanday jarayonda birdamlikka chaqirish"*dan iborat. Yurtimizning bir qator hududlarida mahalla va qishloq markazlari mavjud bo'lib, xalq tilida *guzar* nomi bilan yuritiladi. Ushbu obyekt mahalladagi turli ijtimoiy muammolar mahalla oqsoqollari boshchiligida o'z yechimini topadigan markaz vazifasini o'taydi. Shu boisdan mazkur makonga nisbatan *"maslahat guzari"* nomini qo'llash odat tusiga kirgan.

O'zi ishtirok etgan matn mazmuniga etnik madaniyat haqidagi komponentlarni uyg'unlashtiruvchi *maslahat* leksemasining semantik doirasiga siyosiy matn tarkibida ijtimoiylik xususiyati qo'shilib, semantik jihatdan takomillashganligini ko'rish mumkin. Masalan, *"2017-2021-yillarda mamlakatni rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini amalga oshirishda fuqarolarimiz bilan keng muloqot qilib, bamaslahat ish tutdik"*[Мирзиёев, 2022: 41]. Asarda *bamaslahat* leksemasi "maslahatlashgan holda" shaklida butun bir jamiyat vakillarining dard-u tashvishlarini tinglagan holda, qonunlar ijrosini ta'minlashga nisbatan qo'llangan. Asarda milliy qadriyat shaklida asrlar osha bizgacha yetib kelayotgan maslahatlashish

yig‘inlari, oila boshlaridan maslahat olish kabi erkin shakldagi jarayon emas, ma’lum qonunlar bilan tartibga solingan, mas’ul rahbarlar boshchiligidagi aholi bilan bo‘ladigan uchrashuvlar, saylovoldi tashkil etiladigan, aholining taklif va mulohazalari mazmuni, miqdoriga qaratilgan davlat nazoratidagi siyosiy tashkiliy jarayonlar nazarda tutilgan. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasiga qayta o‘zgartirish kiritish avvalidagi aholi murojaatlarini onlayn shaklda qabul qilish jarayoni yuqoridagi fikrlarimizni qanoatlantiradi. Mahalla yig‘inlarida tashkil etiladigan mahalla faxriylari va ziyolilar ishtirokidagi rasmiy yig‘ilishlar ham qadriyatlarimizning rivojlantirilgan, demokratlashgan mantiqiy davomidir.

*Mahalla* leksemasi etnik jihatdan milliy-madaniy odat va an’analarni atrofida jamlovchi lingvokulturema hisoblanadi. *Mahalla* leksemasining kelib chiqishi qadim tarixga borib taqalib, o‘zbek tilidagi “joy” ma’nosini ifoda qiluvchi arabcha “mahallun” so‘zidan kelib chiqqan [G‘aniyev, 2023: 89-94]. Mahallaning o‘zbek millati uchun ahamiyatliligi, har bir jamiyat vakilida boshqa lingvokulturemalarga nisbatan ko‘proq tushuncha mavjudligi B.Tojiboyevning tadqiqot ishida keltirilgan [Тожибоев, 2020]. Turar joy ma’nosini ifodalovchi mazkur leksema bir qator odat va an’analarni o‘z atrofida birlashtiradi. Masalan, *hashar, qo‘shnichilik, to‘y va aza marosimlari* kabi. O‘zbek xalqida mahallaga oliy qadriyat sifatida qaraladi. Mahalla rahbari (oqsoqol, rais), mahalladagi har bir jarayon uchun javobgar hisoblanadi. Mahalla tarbiya maskani ekanligini “Bir bolaga yetti mahalla ota-ona” maqolidan ham bilish mumkin. Xalqimizda mahallaga milliy qadriyatlar maskani sifatida qaralishi omma nutqida “Mahalla-ko‘y nima deydi”, “Mahallada duv-duv gap”, “Yaxshi qiz mahalladan chiqmaydi”, “Yetti mahalla eshitdi/etsin”, “Bir qizga yetti qo‘shni – ota-ona”, singari ajralmas birliklar shakliga kelgan jumlalarni qo‘llanishiga sabab bo‘ldi. *Mahalla* so‘zining milliylik semasi “qo‘shnichilik” bilan bog‘liq an’analarda yanada oydinlashadi. Jumladan, “Uzoqdagi qarindoshdan yaqindagi qo‘shning yaxshi” maqolida turli marosimlarda mahalla ahlining bir-biriga suyanishi, biror oilada yuz beruvchi mushkulotga mahalladagi qo‘shnilarning dastlabki ko‘makchi bo‘lib turishi, “Gilam sotsang, qo‘shningga sot. Bir chetida o‘zing o‘tirasan” maqoli, yon qo‘shnilarga taom ulashish odati kabilarni misol qilish mumkin. Mazkur jarayonlarda mahallada o‘zbekona qadriyatlar poydevori bo‘lgan “ahillik”ni ko‘ramiz.

Umumnutq doirasida odamlar jamoasi va mavzesiga ishora qiluvchi mazkur leksema siyosiy matn tarkibida qarorlar ijrosi taminlanadigan, markazlashgan boshqaruvning dastlabki bosqichi sifatida qaralganligini ko‘ramiz. Masalan, *mahallalar kesimida ishlash, mahallabay ishlash; “Bir ziyoli – bir mahallaga ma’naviy homiy” tamoyili asosida yangi ish tashkil etish; ...barcha darajadagi rahbarlar pastga tushib, o‘z sohasi bo‘yicha mahallalardagi muammolarni o‘rganishi va ularga yechim topishi shart* [Мирзиёев, 2022: 440].

*Duogo‘y* leksemasi arab tilidan olingan bo‘lib, *duo* leksikasi asosida shakllangan. Mazkur leksema “duo qiluvchi”, “duo o‘quvchi” ma’nolarini anglatadi. Mazkur leksema o‘zbek xalqida ko‘p qo‘llanadi. Turli uslub doirasida *duogo‘y* leksemasini turfa ma’nolarni ifodalab kelishini ko‘rish mumkin: 1. Duo qiluvchi; 2. Issiq-sovuq qiluvchi, azayimxon; 3. Ko‘chma ma’noda kishiga yaxshilik tilovchi, mehribon [6; 666]. Tilshunos N.Amanlikova *duogo‘y* leksemasining etimologik, semantik xususiyatlari haqida quyidagicha fikrlarni bildirib o‘tgan: “O‘zbek tilida, odatda, yosh jihatidan chegaralangan, asosan, yoshi katta, ma’lum turmush

tajribasiga ega boʻlgan insonlarga nisbatan ishlatiladi. Badiiy matnda yoshlarga nisbatan qoʻllanish holatlarini ham koʻrishimiz mumkin. Mazkur soʻzlarning “Oʻtkan kunlar” qahramoni Otabek taʼrifida ishlatilishi bunga misoldir. Bu oʻrinda shaxsning yosh boʻlishiga qaramasdan, dono, aqlli ekanligi taʼsirchan ifoda etiladi” [Amanlikova, 2021: 55-56]. D.Ashurov “Alpomish” dostonining madaniy tahlilini qilish asnosida duolarni sof xalqona milliylikni koʻrsatuvchi lingvokulturemalar sifatida bir necha turlarini farqlagan: “duoyi xayr (olqish), duoyibat (qargʻish), duoyi fotiha (bir ishni boshlash uchun), dam duo (Qurʼon suralaridan ayrimlarini oʻqib, dam solinadigan duo: inson taqdiriga taʼsir etishi uchun turli buyum, suratlarga solinadigan va islom dinida qoralanadigan duo)” [Ashurov, 2021: 39]. *Duo* leksemasi doirasida lingvokulturologik jarayonlar bilan bogʻliq “dasturxonga duo bermoq (oilada, toʻy-marosimlarida mehmondorchilikning boshlanish va tugash qismida); kimgadir duo bermoq (safarga ketayotgan, yangi hayot boshlayotgan (kelin va kuyovga), yangi jarayon bilan shugʻullanish arafasida turgan shaxsga); duo olmoq ( kimnidir hursand qilgan, rozi qilib duosini olgan, farzandni ota-onasidan duo olishi – ayni bir vaziyatdagi emas butun hayoti davomidagi faoliyatining ijobiy natijasi)” kabi jumlalar milliy qadriyat sifatida shakllangan. *Duo* soʻzi bilan bogʻliq bir qator maqollar ham umumnutqda faol qoʻllanadi. Masalan, *Oltin olma duo ol; Duo olgan omondir, qargʻish olgan yomondir* kabi paremalar *duo* leksemasining milliy-madaniy semasini ochib berishda ishtirok eta oladi. Asarda mazkur leksemani quyidagi shaklda uchrashini kuzatamiz: *“ ...duogoʻy otaxon va onaxonlarimizni eʼzozlash, ularni hayotdan rozi qilish, umrlarini uzaytirish eng ulugʻ qadriyatlarimizdan biri boʻlib kelmoqda”* [Мирзиёев, 2022: 209]. Matnda *duogoʻy* leksemasi oʻzbek xalqida oila kattalarini hurmat-ehtirom qilish, otaxon va onaxonlarimizga xos doimo farzand va nabiralarga yaxshilik tilash, mehribonlik qilish xislatlari asrlar davomida avloddan-avlodga meros boʻlib kelayotgan, odatda, ota-onalarimiz va qariyalar tiliga xos leksik birlik sifatida qoʻllangan.

Xulosa sifatida, siyosiy koʻrsatkichlarni ifoda qilishda lingvomadaniy birliklar katta ahamiyatga ega. Ular rivojlanishni anglash, siyosiy odatlarni koʻrsatish, vazifalarni yoritish, fikr bildirish kabi siyosiy koʻrsatkichlarni taʼminlashda ishlatiladi. Lingvomadaniy birliklar siyosiy matnlarda siyosiy tushunchalarni aniq va samarali tarzda ifoda qilishga yordam beradi. Ular muammo, masʼuliyat, himoya, huquqiy rivojlanish, huquqiy muloqot va boshqalar kabi siyosiy tushunchalarni tushuntirishga funksional taʼsir koʻrsatadi. Tarixiy va milliy koʻrsatkichlarni yoritishda lingvomadaniy birliklar keng qoʻllaniladi. Ular tarixiy voqealar, milliy odatlar, rahbariyatning fikriy mundarijasi, mustaqillik, hamkorlik va qoʻshni xalqlar bilan munosabatlar kabi mazmunlarni ifodalashda muhim rol oʻynaydi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: Oʻzbekiston, 2022
2. Fairclough N. Language and power. – New York, Longman Group UK Limited. 1989.
3. Воробьев В.В. Лингвокультурология (Теория иметоды). – Москва: 1997.
4. Гаврилова М.В. Когнитивные и риторические основы президентской речи (на материале выступлений В.В.Путина и Б.Н.Ельцина). – СПб.: Изд-во филологического факультета СПбГУ, 2004.
5. Спиридовский О.В. Лингвокультурные характеристики американской президентской риторики как вида политического дискурса: Дисс. ... канд. филол. наук. – Воронеж, 2006.

6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
7. Худяков А. В. Лингвокогнитивные особенности президентского дискурса конца XX – начала XXI веков: на материале дискурсов президентов России и Франции: дисс. ... канд. филол. Наук. – Москва, 2019.
8. Usmonova Sh. Lingvokulturologiya. – Toshkent: Universitet, 2014. – B. 21.

# ЎЗБЕК БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР РАҚСЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АҲАМИЯТИ

**Шодиева Ҳуснора Бахтиёр қизи,**
**Ўзбекистон давлат хореография академияси**
**1-босқич магистри**
***Илмий раҳбар: Ҳ. Ҳамроева, филология фанлари доктори (DSc)***

**Аннотация**: Мазкур мақолада ўзбек болалар фольклор ракс санъатининг маънавий – маърифий, тарбиявий аҳамияти мисоллар билан изоҳлаб берилган.
**Калит сўзлар**: миллий қадрият, тарих, маросим, болалар фольклори, образ, эстетик тафаккур, таҳлил, мусиқа, рақс, тарбия .
Аннотация: Бұл мақалада өзбек балалар фольклорлық биінің рухани, тәрбиелік және тәрбиелік мәні мысалдар арқылы түсіндіріледі.
Тірек сөздер: ұлттық құндылық, тарих, салт-дәстүр, балалар фольклоры, образ, эстетикалық ойлау, талдау, музыка, би, тәрбие.
**Abstract.** In this article, the spiritual, educational and educational value of Uzbek children's folk dance is explained by examples.
**Key words:** national value, history, traditions, children's folklore, image, aesthetic thinking, analysis, music, dance, education.

Туркий халқлар қадим замонлардан фарзандларнинг маънавий ва жисмоний тарбиясига алоҳида эътибор билан қараган. Агар аллалар, эртаклар унинг маънавий дунёсини бойитса, турли ўйинлар: қувлашмачоқ, бекинмачоқ, чиллак, варрак учириш кабилар жисмонан чиниқтирган. Тез айтишлардан тортиб аллаларгача, топишмоқлардан тортиб санамачоқларгача бевосита ёш авлод тарбиясига бағишланган болалар фольклори жанрлари, намуналарини ташкил этади. Фольклор намуналари фарзандларимизнинг маърифий озуқаси ҳисобланади. Бу асарлар болаларда гўзалликкка ошнолик ва орзу қилиш туйғуларини ҳам шакллантиради.

Ўзбек болалар фольклори жанрлар ранг-баранглиги, асарлар бадиияти ва сон кўлами жиҳатидан бошқа халқлар оғзаки ижоди қаторидан муносиб ўрин олишга лойиқдир. Болалар фольклори намуналари халқнинг, юртнинг келажагига масъулият туйғусини яхши ҳис этишга қанчалар эътибор билан қараганини кўрсатади. Бу эътибор ўз навбатида халқимиз онгида аждодлар хотирасига ҳурмат туйғусининг кучли бўлишига олиб келган.

Болалар фольклорининг энг эски ва илк туғилган кунлариданоқ эшитиладиган тури бу – алладир. Бола учун алланинг сўзи эмас, куйи – ёқимли ва муҳим. Чунки ҳали сўзни англамайди. Бир хил оҳангдаги куй бола маънавий эҳтиёжининг дастлабки қондиргичи сифатида хизмат эта бошлайди. Бола

биринчи ойлигидаёқ мусиқий идрокини – ритм ва оҳангни идрок эта олишини намоён этади; лекин унга фақат мураккаб бўлмаган товушларнинг алмашиниши ритмикасигина тушунарли бўлади. Бироқ шу монотон оҳанг турли хилдаги ҳаракатлар жўрлигидагина аллаларнинг композицион яхлитлигини таъминлайди. Чунки аллалар ҳар қандай ҳолатда ҳам жисмоний ҳаракат, ҳам психик фаолият билан узвий боғлиқдир.

Сурхондарёнинг "Бойчечак", "Таёқ ўйини", Қашқадарёнинг "Сандиқча", "Сибизға", "Чавандозлар", "Куви", Хоразмнинг "Уч патир", "Қовун", "Хуббимбой", "Ашшадарози", Фарғонанинг "Кашта", "Доира", Сирдарёнинг "Сават", "Тулкичам", "Сумалак сайли", Андижоннинг "Дўппи", "Дутор" каби болалар фольклор рақсларида энг мунаввар урф - одатларимиз, анъаналаримиз намоён бўлади. Бинобарин, мамлакатимизда ҳар бир вилоят ва туман ўз фольклор рақсларига эга ва улар бир-биридан фарқланади. Либослари, тақинчоқлари, ифода услублари билан ҳар бири ўз ҳудудига хос миллий қадриятларни ифодалайди. Фольклор рақсларида ўзбек халқи ўзининг миллий – маданий олами чизгиларини, ички кечинмалари, қувончу ташвишларини, орзулари ва армонларини акс эттиради.

Жисмоний ҳаракат боланинг муттасил ўсишини, организмининг физиологик чиниқишини рағбатлантирувчи муҳим восита бўлса, аллаларнинг монотон оҳанги эса шу жисмоний ривожланишини маънавий улғайишга улайдиган канал бўлиб, бола психик фаолиятини ҳаракатга солишга ва фаоллаштиришга хизмат қилади.[199] Бола ўсиб боргани сари унга эртак, халқ қўшиқлари, тез айтишлар, айтимлар хуллас миллий фольклорнинг барча йўналишларини ўргатамиз ва шулар таъсирида улғайтирамиз. Эътибор бериб қаралса, кўпинча эртак ва масалларнинг қаҳрамонларини ҳайвонлар ташкил этади. Аслида бу образлар ортида инсонлар яширинган бўлади. Бу орқали инсонлардаги камчиликлар, ютуқлар, яхши ва ёмон томонлар ибратли ҳикоялар орқали очиб берилади. Ҳайвонларга бағишланган эртак ва масаллар болаларда ҳайвонларга, она табиатга нисбатан меҳр-шафқат ва уни асраб, авайлаш сингари туйғуларнинг шаклланишига ёрдам беради. Шу жумладан миллий қўшиқларда ҳам шундай тарбия воситаларини кўришимиз мумкин. Болалар учун яратилган фольклор қўшиқлари сўзларининг қофиялилиги, қувноқлиги, рақслар эса либосларининг ранг-баранглиги, жилолилиги билан ёдда қолади ва ўзига жалб қилади.

Уларни тинглаш ва ўрганиш орқали ёш авлодни миллий маданиятимиз билан таништириш, уларнинг моҳиятини англатиш имконияти пайдо бўлади. "Доира", "Қайроқ лазгиси", "Дилҳирож", "Сумалак сайли", "Алла қўғирчоғим", "Чаманда гул", "Майда-ё, майда" сингари қўшиқ ва рақс уйғунлашган фольклор намуналарини барча кичик ёшдаги ва ўсмир йигит-қизлар қувонч ва шодликка тўлиб ижро қилишади. Боғча ёши давриданоқ буларнинг бари таълим муассасаларида ўргатиб борилади. Бугунги кунда республикамиздаги барча боғчаларда мусиқа тўгараклари ташкил қилинган. Улар бадиий ва ғоявий жиҳатдан ниҳоятда бой. Ёшга қараб гуруҳга бўлинган тарбияланувчиларга имкониятини ҳисобга олган ҳолда мусиқий билим берилади. Узлуксиз машғулотлар давомида бола товуш хоссаларини билади, уларни узун-қисқа,

[199] "O'zbek bolalar folklori" Safarov O. Toshkent – 2007. 17-bet

паст-баланд, чўзиб, узиб-узиб куйлашни ўрганади. Шунингдек, бола мусиқага оҳангига қараб шахдам, секин, енгил ва тез юришни ўрганади. Бундай турдаги машғулот боланинг нутқ маданиятини, дунёқараши, ақлий тафаккури ва ҳис қилиш имкониятини шакллантиради. Машғулот тарбиячиси болага ўзбек мусиқа мероси, фольклор, халқ куй ва қўшиқларини куйлаш, рақсга тушиш, мусиқа асбобларининг кўриниши ва ижро этилишини ёшига қараб белгилайди ва ўргатади. Лирик, мунгли ва шўх рақс ҳаракатларини бажариш болада ҳавас ва шахдам юриш хислатларини шакллантиради. Бола дутор, шақилдоқ, қайроқ, ноғора, доира ва бошқа мусиқа асбобларини билиши унинг мусиқий билим ва ижро маҳоратини оширади. Мусиқанинг нозик сирлари, жозибали жаранги, жўшқин ва сокин эшитилиши, ритм тузуклари орқали чиройли ҳаракатлар бирлиги боланинг ички ҳиссиётини бойитади.

“Қарсак” номли болалар рақсида болалар кўп марта қарсаклар чалиш орқали рақсни ижро этишади. Бу ва бошқа болалар рақсларида кўпинча шу ва сакраш ҳаракатидан кўп фойдаланишади. Қарсакни баланд ва сакраган ҳолда чалиш кайфиятни кўтариши илмий жиҳатдан асосланган. Болаларга завқ улашиш мақсадида бўлса керак кўпинча болалар рақсларининг барча турларида шу ҳаракат ишлатилганининг гувоҳи бўламиз. Барчамиз бу қўшиқ ва рақсларни турли сайлларда, мактаб тадбирларида ва ҳаттоки уйимизда ҳам оила аъзоларимиз билан ижро қилганмиз. Бу орқали жамоа бўлиб ҳаракатланиш, дўстона муносабатлар ўрнатиш, бўш вақтимизни мазмунли ўтказиш, ёд олиш ва саҳна маданиятини ўрганганмиз. Бу ижод намуналари айнан шулар учун яратилгандек туйилади гўё. Инсонларни бир-бирига яқинлаштириш меҳрли бўлишга ундагандек. Чунки булар айнан бир муаллифга тегишли эмас. Булар содда, меҳнаткаш, болажон халқ томонидан яратилган. Аммо, негадир бугунги кунда шундай гўзал оғзаки ижод намуналаридан баъзи ота-оналар ва болаларнинг умуман фойдаланмаётгани дилимизни хира қилади. Алла ўрнига смартфон ёки аудиоплеердан қўйилган қўшиқлар, мусиқаларни тинглаётган, эртак ўрнига мультфильм ёки компьютер ўйинларини ўйнаётган, кўчада маза қилиб ҳар хил ўйинлар ўйнаш ўрнига тельефон титкилаб ўтирган болаларга кўзимиз тушади. Уларга қараб раҳминг келади киши. Чунки бу ёқимсиз ишлар уларнинг фикрлашига ҳам, соғлигига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмайди. Оила эътиборидан четда қолган фарзанд албатта уларга ҳам бееътибор бўлади, оқибатда ота-оналарнинг ёшлари бир жойга бориб қолганида фарзандларининг уларга бефарқ эканлигини кўриб кўнгиллари ранжиши аниқ ва шунда улар ўзларига биз тарбия беришда қаерда хато қилдик, дея саволлар ёғдира бошлайдилар.

Буларнинг олдини олиш учун эса бола тарбиясига бошидан эътиборли бўлиш керак. Бу хатони фақатгина фольклор намуналари тўғирлайди деёлмаймиз албатта, лекин бунда миллий фольклор намуналарининг ўрни беқиёсдир. Улардан тўғри ва вақтида фойдалана билиш учун ота-оналар масъулиятни ҳис қилган ҳолда оғзаки ижод намуналаридан ўрганиб қўйишса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Билмайман, куйлаб беришга уяламан сингари турли баҳоналар бўлмаслиги керак. Билмаган тақдирларида ҳам энди ҳам кеч эмас ҳозир ҳам ўрганишнинг айни вақти. Зеро,билиш ва ўрганиш – билмасликдан яхшироқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Askiyalar// Ozbek folklori ocherklari. Imomov K, Mirzayev T, Sarimsoqov B, Safarov O, 2-tom Toshkent “FAN”, 1989
2. “OЪzbek xalq ogЪzaki poetik ijodi. Darslik” Omonulla Madayev. Toshkent “OЪqituvchi” 1990.
3. “Bolalar adabiyoti va folklor” Mamasoli Jumaboyev “OЪzbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamgЪarmasi” nashriyoti Toshkent – 2006.
4. “OЪzbek bolalar folklori” GЪ.Jahongirov, Toshkent – 1975.
5. “Alpomishga alla aytgan momolarim” S.R.Mirzayeva, Andijon – 2012.
6. “Ozbek bolalar adabiyoti. M.Jumaboyev, Toshkent. Andijon – 2002
7. “OЪzbek bolalar folklor raqslari” Hulkar Hamrayeva, Shuhrat ToЪxtasimov, Toshkent – 2023.
8. “OЪzbek kinoqissalari tilining sotsiopragmatik tahlili” Mexrinisa Xolmurodova Toshkent “FAN ZIYOSI” 2023.

# ЎЗБЕКИСТОНДА МЕДИАЛИНГВИСТИКА РИВОЖИ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

**Пайзиев Комилжон Собирович, НамДУ тадқиқотчиси**

**Аннотация.** Ушбу мақолада муаллиф медиалингвистика назарияси ва амалиётидаги айрим муаммолар, хусусан, бугунги глобаллашган замонда жанрлар конвергенциялашиб бориши ва у билан боғлиқ ҳолда омммавий ахборот воситалари тили ва услубида рўй бераётган айрим ўзгаришлар ва уларнинг илмий таснифи ҳақида сўз юритади ва маълумотлар келтирилади.

**Калит сўзлар**: медиалингвистика, оммавий ахборот воситалари, тил, услуб, таҳлил, нутқ.

**Аннотация.** Автор бұл мақаласында медиалингвистика теориясы мен тәжірибесінің кейбір мәселелеріне, атап айтқанда, бүгінгі жаһандану дәуіріндегі жанрлардың жақындасуына, соған байланысты бұқаралық ақпарат құралдарының тілі мен стиліндегі кейбір өзгерістер мен олардың ғылыми классификациясына тоқталады.

**Негізгі сөздер:** медиалингвистика, БАҚ, тіл, стиль, талдау, дискурс.

КИРИШ

Бугунги глобаллашган замон медиамаконда ҳам ўзгаришларни келтириб чиқармокда, жанрлар конвергациялашуви жараёнини тезлатиб юбормокда, бу эса ўз навбати медиаматн тили, услуби ва таҳрири соҳасидаги назарий билимларни янада такомиллаштиришни тақозо этмокда, медиаматнлар таъсирчанлигини ошириш, ўзбек адабий тилининг нуфузини оширишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш вазифаларини ҳаётнинг ўзи тақозо этмокда. Ушбу кичик тадқиқотда ана шу жараёнларга илмий ёндашган ҳолда хулосалар чиқаришга ҳаракат қилинган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Медиалингвистика – бу медиа соҳасидаги замонавий босма, аудио-визуал, интернет тилини ўрганадиган йўналишдир. Мамлакатимизда бу борада муайян илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмокда. Филология, фалсафа ва бошка

йўналишларда номзодлик, докторлик илмий даражаси олган олимларимиз ҳам бор. Уларнинг диссертацияларида, монографияларида, илмий мақолаларида мавзунинг у ёки бу масалалари тадқиқ этилиб, назарий хулосалар чиқарилган.

Д.Тешабоева, Г.Бакиева, М,Исроил, Л.Тошмуҳамедова, М.Нуритдинова хаммуаллифлигида тайёрланган «Медиалингвистика ва таҳрир» номли ўқув қўлланмаси ҳам бу ишларнинг самараси, деб билиш мумкин.[200] Унда медиа тили ва услуби хусу-сиятлари,медиамаконда нутқ маданиятининг замонавий концепция-си,нотиқлик санъати ва таҳрир маҳорати ҳақидаги билимлар ёри-тилган.Шунингдек,медиа тилининг замонавий тенденциялари, стан-дартлик ва экспрессивлик, медиамаконда матн яратилиш принциплари ва медиаматннинг коммуникатив функциялари ҳакида маълумотлар берилган.[201]

Президентимизнинг 2023 йил 27 июнь куни матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригида ҳозирги кунда юртимизда 2140 та ёки 2016 йилга нисбатан 626 та кўп оммавий ахборот воситаси фаолият юритаётганлиги, уларнинг 65 фоизи нодавлат медиа воситалари экани, интернет нашрлар ҳам жадал суръатда ривож-ланиб,уларнинг сони 745 тага етгани, бугунги глобаллашган замонда дунёнинг айрим минтақа ва ҳудудларида оммавий ахборот воситалари муайян сиёсий кучлар қўлида информацион урушни авж олдиришга, жамоатчилик фикрини чалғитишга, оқни–қора, қорани–оқ, деб кўрсатишга хизмат қилаётганини афсус билан қайд этилгани ҳам масаланинг қанчалик долзарб ва зарур эканлигидан далолатдир.[202]

Ахборот олиш, уни қайта ишлаш ва тарқатишда энг замонавий технологиялардан фойдаланилаётгани, ўқувчи, тингловчи, томошабиннинг тафаккури, дунёқараши ўзгараётгани, жанрлар конвергенцияси жараёни тобора тезлашиб бораётгани медиалингвистикада ҳам айрим муаммоларни юзага келтирмоқда.

Бу соҳада эришилган натижаларни эътироф этган ҳолда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги шиддатли давр ахборот йўналиш-ларида,шу жумладан,медалингвистика тизимидаги ишларни янада тако-миллаштиришни, ривожлантиришни, оммавий ахборот воситалари тили-ни жамият, тафаккур, сиёсат, маданиятшунослик каби ижтимоий-сиёсий ҳодисалар билан узвий боғлиқ ҳолда чуқур ўрганишни, илмий хулосалар чиқаришни тақозо этмоқда.

МУҲОКАМА

Юқоридаги фикрларимиз исботи учун айрим оммавий ахборот воситалари лингвистикаси бўйича кузатишларимиз билан ўртоқлашамиз.

Интернет нашрлар орасида энг фаол, оммабоп, минглаб ўқувчи-ларига эга бўлган «Kun.uz»да жорий йил 29 октябрь куни «Исроил Россияни яҳудийларнинг хавфсизлигини таъминлашга чақирди» номли хабар берилган.

Бир қарашда сарлвҳада камчилик йўқдай. Бироқ эътибор билан ўқисак, унда ўзбек тилида қаратқич келишиги қўшимчасини белгили ва белгисиз ишлатиш ҳақидаги қоидаси талабига амал қилинмаганлигига гувоҳ бўламиз. Яъни «яҳудийларнинг» сўзида қаратқич келишиги қўшимчасини қўллаш шарт эмас эди.

---

[200] Д.Тешабоева, Г.Бакиева, М,Исроил, Л.Тошмуҳамедова, М.Нуритдинова хаммуаллифлигида тайёрланган «Медиалингвистика ва таҳрир» Т."O'ZBEKISTON" НМИУ, 2019

[201] Медиалингвистика ва таҳрир.Тошкент "O'zbekiston".2019

[202] ."Янги Ўзбекистон" газетаси 2023 йил 27 июнь.

Матнда яна шундай жумла учрайди:«Маълум қилинишича, бу «Фарғона ХЕТК» АЖ ҳамда тегишли ташкилотлар вакиллари ҳамкорлигида истеъмолчиларнинг ноқонуний электр энергиясидан фойдаланишларини олдини олиш мақсадида Қўқон шаҳрида ўтказилган тунги рейд давомида аниқланган. Бу жумлада «фойдаланишлари» сўзида қаратқич келишиги қўшимчасининг ўрнига тушум келишиги қўшимчасини ишлатилган. Шунингдек, «…истеъмолчиларнинг ноқонуний электр энергиясидан фойдаланишлари» жумласида “электр энергияси ноконуний” деган маъно келиб чикяпти, аслида эса «истеъмолчиларнинг электр энергиясидан ноқонуний фойдаланишлари» деб ёзилса, тўғри бўларди.

Давом этамиз: «…мазкур ҳолат юзасидан президентнинг тегишли қарорларига асосан ноқонуний фойдаланилган майнинг фермерларга нисбатан жарима жазоси қўлланди» жумласидаги ғализлик шундаки, ноконуний фойдаланиш президент карорларига асосан деган маъно келиб чикяпти. Аслида «электр энергиясидан ноқонуний фойдаланган майнинг фермерларга нисбатан президент карорларига асосан жазо чораси қўлланди» деб ёзилса,мантиқан тўғри бўларди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси муасссислигидаги “XXI asr” газетасининг 2023 йил 21 сентябрь 31-сонидаги “Изланганга имкон эшиклари очиқ» сарлавҳали материалда «Очиқ эшиклар куни»да мактабда ташкил этилган 7 та йўналиш бўйича тўгарак аъзоларининг ижод намуналаридан ташкил топган кўргазмалар, концерт дастурлари, ижодий чиқишлар ҳамда тўгарак раҳбарлари томонидан маҳорат дарслари ташкил этилди» жумласида «ташкил этилган» бирикмаси уч марта, “тўгарак” сўзи икки марта такрорланяпти.

Ушбу нашрнинг 2023 йил 24 август 34-сонидаги «Тадбир-корлигимдан фахрланаман» номли материалда «Катта-катта марраларни рўёбга чиқариш учун келгуси етти йиллик ислоҳотларимиз дастури август ойи бошида кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди» жумласидаги «марраларни рўёбга чиқариш учун» деган бирикмада ғализлик бор, яъни марралар рўёбга чиқарилмайди, балки эгалланади, забт этилади.

Газетанинг 2023 йил 24 август 34-сонидаги «Кластерга кенг йўл очиляпти» номли мақолада эса «Сўнгги йилларда турли соҳаларда, жумладан, саноат корхоналарида кластер тизими(нинг) жорий этилгани (нинг) самарасини Бухоро вилояти мисолида кўрса бўлади» жумласида -нинг қаратқич келишиги қўшимчасини қўллашда такрорга ва ғализликка йўл қўйилган.

Яна шу материалнинг ўзида «Бухоро агрокластер» МЧЖ га қарашли 40 дан ортиқ сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий мажмуа…»деган жумлада «40 дан ортиқ» бирикмаси «сут ва сут маҳсулотлари» бирикмасигига боғланиб келгани учун маънони ўзгартириб юборган, яъни «40 дан ортиқ сут ва сут махсулотлари» эмас,балки «40 дан ортиқ мажмуа» бўлиши керак эди.

Мазкур газетанинг 2023 йил 24 август 34-сонида чоп этилган «Болаларга меҳр берсак» номли материалда эса «Ҳозирги кунда вилоятимизда қурилаётган кўп қаватли уйларда бугунги кунда 25 м2 ли хонадонлар мавжуд эмас” деган жумлада бир маънони англатувчи «ҳозирги кунда» ва «бугунги кунда»

бирикмаларидан такрор ва ортиқча фойдаланилган. Аслида шу маънони ифодалаш учун бу бирикмаларнинг биттаси кифоя эди.

Ушбу сондаги «Ишбилармон аёл» танлови рақобат,тажриба ва муваффаққият моҳирона фойдаланган. Бу шеърда жонлантириш санъ-ати қўлланилган. Шоир асарлари китобхонларда катта таассурот қолдирди. Шоир номи барҳаёт экан, пурмаъно асарлари асрлар оша халқимиз қалбида яшай-веради». Биргина шу жумланинг ўзида «шоир» сўзи уч марта қайтарилган бўлиб, унда шундай жумлани ўқийсиз: «Темурийлар авлодлари томонидан бунёд этилган боғларнинг ўзига хос усуллари ва ўрта аср даври рассомларининг миниатюраларида ҳам ўз тасвирини топган» Биринчидан, боғларнинг ўзига хос усуллари бўлмайди, уни яратишдаги усуллар хилма-хил бўлиши мумкин. Иккинчидан, бу усуллар миниатюраларда уз ў тасвирини топган дейилиши ҳам тўғри эмас.

«Динозаврлар» номли материалда эса шундай жумлага дуч келасиз: «Айрим олимлар динозавр иссиқ қонли бўлган,лекин уларнинг иссиқни сақлайдиган тери қоплами бўлмаганлиги тахмин қилинади». Бу жумлада «томонидан» сўзи тушириб қолдирилгани учун маънога путур етган. Яъни «айрим олимлар томонидан тахмин қилинади” дейилиши керак эди. Ёки шу сўз ноўрин ишлатилган яна бир бошқа жумлага эътиборингизни қаратамиз: «Самарқанднинг ғарбида жойлашган бу боғни Соҳибқирон Амир Темур томонидан 1378 йилда ўзининг суюкли рафиқаси Хайринисога атаб барпо этганди». Бу жумлада «томонидан» сўзи ортиқча ишлатилган.

Ҳозирги ахборот алмашинуви шиддат билан ривожланаётган даврда сарлавҳаларни тўғри танлаш, уларни ўрнида қўллашнинг ҳам аҳамияти жуда катта. Эътироф этиш керак, кейинги йилларда юртимиз медиамаконида бу борада изланишлар, ижобий ўзгаришлар, жумладан, сарлавҳа танлашда уларда таъсирчанлик, омма эътиборини ўзига тортиш,эмоциал жиҳатларини бўрттириш каби жиҳатлар кўзга ташланади.

Таникли публицист Аҳмаджон Мелибоев ўзининг «Қирқ бешинчи бекат» деб номланган китобида шундай дейди: Газетачиликда сарлавҳа топиш–ярим муваффаққият, десам муболаға бўлмайди. Бошқа ҳамкасб-ларимнинг фикри қандайлигини билмайман, матбуотда ўтган умрим давомида шунга амин бўлдимки, яхши сарлавҳа топиш осон иш эмас. Баъзан каттакон бир мақолани ёзиб тугатасан, қайта кўчирасан, таҳрир қиласан,лекин уни қандай номлашни билмай бошинг қотиб кетади. Карим Баҳриевнинг «Миллий тикланиш» газетасида эълон қилинган мақолалардан бири «Салтанат матбуотидан – матбуот салтанатига» деб номланган эди. Шу сарлавҳанинг ўзиёқ катта бир асардай туюлади менга.[203]

Муаллиф тўғри таъкидлаганидек,ҳали ҳам айрим босма нашрларда “Ғолиблар аниқланди”, ”Қизикарли учрашув”, ”Танловга марҳамат”, ”Мукофотлар топширилди” каби сийқаси чиқиб кетган сарлавҳа-лардан фойдаланилаётганлиги ачинарлидир.

Ҳозирги замон медиалинвистикаси ҳакида фикр юритганда албатта, радио, телевидение тили билан боғлиқ айрим муаммоларга хам тўхталиб ўтиш жоиз. Жумладан, радиоэшиттиришларда, телевидениеда берилаётган айрим

[203] Мелибоев А.”Қирқ бешинчи бекат”Тошкентғ-2008.52-бет

кўрсатувларда адабий тил меъёрларига амал қилмаслик, шевага хос сўзлардан фойдаланиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Тўғридан-тўғри мулоқотларда тезкорликка амал қиламан деб сўздан фойдаланиш, гап тузишда хатоликларга йўл қўйилмоқда.

ХУЛОСА

Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулосага келиш мумкин: Биринчидан, тезкорлик, ҳозиржавоблик, қисқалик ва лўндалик тамойилидан келиб чиқиб, матбуотнинг тасвир, таҳлил ва таъсир функциялари тўлик бажарилмай қоляти.[204]

Иккинчидан, жанрлар конвергенцияси туфайли ҳар бир услубга хос лингвистик имкониятлардан фойдаланиш чекланмоқда.

Учинчидан, медаматнларни таҳрир қилишдаги камчиликлар туфайли уларда орфографик, пунктуацион ва стилистик хатолар кўпайиб бормоқда.

Тўртинчидан, масалани маънавий-маърифий жиҳатдан олиб қараганда, оммавий ахборот воситалари орқали ўзбек тили нуфузини янада ошириш имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Бешинчидан, бугунги глобаллашган замонда медиамаконда рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда босма, интернет нашрлар, радио ва телевидение тилини чуқур таҳлил қиладиган, нутқ маданияти ва нотиқлик маҳорати билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этадиган илмий ишларни яратиш шу куннинг энг долзарб  вазифаларидир.

Таниқли адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев таъкидлаганидек, кейинги ярим асрда шиддат билан кечаётган глобаллашув сабаб жуғрофий чегаралар омонатлашиб, ахборот олиш умумий бўлгани сари башарият ҳам универсиллашиб,глобал дунё бир тилга интилиб бораётир. Ана шундай шароитда ўз қиёфасини сақлаб қолмоқчи бўлган этнос миллий тили тўғрисида жиддий қайғуриши керак. Ота тилимиз шу вақтгача бизнинг миллий қиёфамизни сақлаб келди. Энди уни замонлар синовидан эсон-омон олиб ўтиш бизнинг илмий, маданий ва инсоний савиямизга боғлиқ.[4].

**Адабиётлар  рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.WWW.Lex.UZ.30.04.2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон - 2030" стратегияси тўғрисида"ги ПФ-158 сонли Фармони.WWW.Ltz.uz.12.09.2023.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2023 йил 27 июндаги Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табриги.Янги Ўзбекистон газетаси.2023 йил 27 июнь.
4. Бобонова О. Маънавий иммунитет зарурати.Ўзбекистон матбуоти.2012.-№3.-54-56. б.
5. Медиалингвистика ва тахрир. Тошкент. "Ozbekiston".2019.
6. Мелибоев А. Қирқ бешинчи бекат.А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Т-2008.
7. Муратова Н.ОАВ  ва замонавий журналистиканинг янги кўринишлари.Ўзбекистон матбуоти.2005.-№4.-37-40.б.
8. Онлайн журналистика  ва медиада янги трендлар.-Т.:  "Тафаккур".2011.
9. Намозов Ж. АКТ ва Интернет журналистикаси ривожланиши тарихи,асосий хусусиятлари ва жаҳон тажрибаси. Ўзбекистон матбуоти. №3. 59-61.б.
10. Раҳмонов Н.,Эшбеков Т.Ахборотлашган жамият ва тараққиёт концепцияси.Ўзбекистон матбуоти.2011.№3.-27-33.б.

[204] ."XXI asr"  газетаси 2023 йил 12 октябрь.41-сон

11. Тошалиев И.Сарлавҳа стилистикаси.-Т:”Университет”1995.
12. Тошалиев И.Абдусаттаров Р.Оммавий ахборотнинг тили ва услуби.-Т: “Зар қалам”,2006.
13. Тешабоева Д.М., Жабборова Ш. Оммавий ахборот воситалари тили маданияти. Филология масалалари,2017.№1.42-47 б.

# ЭКСПЕДИЦИЯ НА БАЛХАШ ПОД РУКОВОДСТВОМ ТОПОГРАФА Т. Ф. НИФАНТЬЕВА

**Содиков Сомон Рахимкулович**
**Магистрант 2-го курса Худжандского государственного университета имени академика Бабаджана Гафурова, г. Худжанд, Таджикистан,**
**E-mail:** somonsodikov8@gmail.com

**Abstract.** The article provides information about the scientific (topographical) expedition of tsarist Russia to Lake Balkhash. This article also contains information about the study of Lake Balkhash by scientists Humboldt, Spraner, Abel-Ryamuzy, Yakinf Bichurin, Klaproth, ensign Podzorov, General Islenev, centurion Asapov, General Shrenk. The main part of the article is devoted to the Balkhash topographic expedition led by topographer T.F. Nifantiev in the second half of the 19th century.

**Keywords:** Expedition, lake, Balkhash, topography, T.F. Nifantieva, colonel, Babkova, versts, arshin.

**Аннотация.** Мақалада патшалық Ресейдің Балқаш көліне жасаған ғылыми (топографиялық) экспедициясы туралы мәліметтер берілген. Бұл мақалада ғалымдар Гумбольдт, Шпранер, Абель-Рямузы, Якинфа Бичурина, Клапрот, прапорщик Подзоров, генерал Исленев, центурион Асапов, генерал Шренктің Балқаш көлін зерттегені туралы мәліметтер берілген. Мақаланың негізгі бөлімі 19 ғасырдың екінші жартысындағы топограф Т.Ф.Нифантиев басқарған Балқаш топографиялық экспедициясына арналған.

**Түйін сөздер:** экспедиция, көл, Балқаш, топография, Т.Ф.Нифантева, полковник, Бабкова, версттер, аршын.

Уникальная и чарующая природа, сверкающие горы и целебные воды Среднеазиатского края издревле привлекали внимание российских ученых и исследователей. Считалось, что географическая область Центральной Азии имеет возвышающиеся горы, высокие вершины, золотые долины, прекрасные моря и озера.

Озеро Балхаш (Денгиз), одно из крупнейших озер Азии, расположено к востоку от Каспийского и Аральского морей. Он расположен между 45°, 20°, 35°, 47°, 10°, 15° широты и 43°, 3°, 25°, 49°, 0°, 35° долготы [3, 165-166; 5, 152].

Согласно трудам Л.Ф.Костенко, озеро Балхаш расположено между горами Култандики-Каранташ, Байгаси, Булантай, Ак-тош, Мата-Кизил-Кизил, Таргил и другими. На Балхаше много полуостровов, среди которых наиболее крупными являются Тюбек, Кен-тубек, Кук-тубек и Чукар. Имеются также полуострова Бертис, Кос-агач, Коржун-тубек, Жадели-тубек, Бирлю-тубек и Ит-жон, Узун-арал, Сарысык, Ок-тюбе, Акамбай, Карлыбой и другие. В Балхаше есть такие острова, как Байгабиль, Корджун, Ултаракти, Тош-Арал и Уч-Арал [3, 167-169].

Первые историко-географические сведения об озере Балхаш можно найти в китайских источниках. В китайских источниках материковая часть Азии упоминается под названием Си-юй, то есть «страна Запада», потому что находилась на западе от «Великой Китайской стены». Александр фон Гумбольдт отмечает, что озеро Балхаш было известно у китайцев как Си-хай, что означает «Западное море». В 1855 году подполковник Баварского Генерального штаба Спраннер подготовил исторический атлас и обозначил озеро Балхаш как «Западное море». Что же касается Абеля-Рёмузы и Якинфа Бичурина, то они ошибочно интерпретировали его как Дже-хай, что означает «теплое озеро». Александр фон Гумбольдт отвергает мнение Абеля-Рёмузы и Якинфа Бичурина и отождествляет Дже-хай с современным Иссык-Кульем, который в переводе с тюркских языков означает «теплое озеро» [1, 329-330].

Балхаш получил свое название благодаря джунгарам. На карте Средней Азии, составленной Юлиус Генрих Клапротом в 1833 году, он уже упоминается под названием Балхаш. Кыргызы называли Балхаш Денгизом или Тенгизом, что означает «море».

Озеро Балхаш частично исследовалось рядом ученых, географов и туристов до второй половины XIX века. В частности, в 1716-1719 годах его изучал губернатор Омской губернии, в 1748 году прапорщик Подзоров Н.А., в 1777 году генерал Николай Александрович Исленев, в 1839 году сотник (командующий - С.С.) Асапов, в 1840 году генерал Леопольд Иванович Шренк [2, 6].

С целью изучения топографии озера Балхаш сюда в 1851-1852 годах была направлена экспедиция под руководством топографа, прапорщика Т. Ф. Нифантьева. В научный состав экспедиции вошли местные специалисты Нифантьев Т.Ф., Булатов, Сонин и Шестаков, а также 76 казаков [4, 71; 1, 340; 2, 6; 6; 8].

Учебный маршрут был направлен в сторону озера Балхаш, они должны были посетить южные берега озера, устье рек Аксу, Лепси, Каратол, Или, Аягуз, северо-восточное побережье озера Балхаш от полуострова Чаукар до р. Аягузское побережье [4, 71].

Отчет Нифантьева об экспедиции не опубликован и сохранились его рукописи, но результаты экспедиции были опубликованы генералом-штаба полковником Бабкова под названием «О ходе топографических исследований озера Балхаша и его прибрежий» в журнале «Записки императорского Русского географического общества по общей географии» в 1867 г. [5, 152].

Согласно трудам полковника Бабкова, экспедиция длилась два года (1851-1852) и была направлена на определение топографии озера, побережья, глубины воды и возможности плавания в ней больших кораблей.

По известию Бабкова, экспедиция готовилась к организации с начала весны 1851 года. Прежде всего, они должны были построить корабль и взять с собой все необходимое оборудование. По плану члены экспедиции должны были добраться до озера Балхаш по реке Лепси, но из-за маловодья в реке Лепси и невозможности плавания в ней судов перевезли все оборудование из Омска до Семиречья верблюдами, что заняло 2 $^{1}/_{2}$ (2,5 – С.С.) месяцев. Члены экспедиции достигли берегов Лепси в середине августа [1, 340-341].

По словам полковника Бабкова, их работа не стала легкой, когда экспедиция прибыла на берег реки Лепси. Они должны были добраться до берега озера Балхаш на лодке через реку, но препятствий было еще много. В частности, расстояние от реки до озера составляло 2 (две) версты[205] (2133,6 метра - С.С.), где было тростниковое поле и купаться там было нельзя. Чтобы пройти через поле сахарного тростника, прапорщик Нифантьев приказал прорыть у реки старую протоку длиной две версты (2133,6 метра - С.С.) и шириной 5 аршин[206] (3,556 метра - С.С.) и пустить воду, это заняло 5 дней. После этого члены экспедиции построили 2 юрты[207] у озера Балхаш и приступили к изучению озера Балхаш [1, 341].

По словам полковника Бабкова, после доставки кораблей на озеро Балхаш Нифантьев передал судно топографу Булатову и поручил ему разведку от озера Аксу до полуострова Чаукар, затем с северной стороны озера Балхаш до побережья Аягуза. Он поручил другому топографу (Сонину - С.С.) изучить другой берег Балхаша от Аксу до Каратола на протяжении 50 верст (53340 метров - С.С.). Сам прапорщик Нифантьев изучал южное побережье озера Балхаш [1, 342].

За 2 месяца 1851 года экспедиция исследовала северо-восточную часть озера Балхаш от Чаукарского полуострова до Аягузского берега, от Аягузского берега до реки Лепси и от Лепсского берега до Каратола. Общая площадь, изученная членами экспедиции, составляет 8500 квадратных метров верста[208] (9673,85 км$^2$ – С.С.) [1, 343].

С началом весны 1852 года Балхашская экспедиция во главе с местным знатоком Нифантьевым продолжила свою деятельность. 22 июля экспедиция во главе с Нифантьевым приступила к работе.

Группа во главе с прапорщиком Нифантьевым начала изучение с северо-западной стороны Балхаша. Исследовали от берегов реки Или до реки Аксу и Каратол. Прапорщик Нифантьев с 4 казаками осмотрел бухту Узун-чаган и направил другую группу во главе с топографом Шестаковым в сторону реки Или. С 27 сентября по 4 октября членами экспедиции были изучены низовья реки Или, и на этом работа Балхашской экспедиции была завершена.

Так, за два месяца 1852 года шириной 10 верст (10668 метров - С.С.) юго-восточная сторона Балхаша от берега реки Каратол до берега Или на расстоянии 270 верст (288036 метров - С.С.) и реки Или 50 верст (53340 метров – С.С.). Всего в 1852 г. экспедиция изучила 3000 кв. верст[209] (3414,3 км$^2$ – С.С.). За время деятельности миссии в 1851-1852 гг. он исследовал 11 500 квадратных верст (13 088,15 км$^2$) [1, 347].

В ходе экспедиции определялось состояние берегов озера Балхаш, глубину и возможность движения в озере больших и малых кораблей [9, 147].

Наконец, следует отметить, что Балхашская экспедиция под руководством Нифантьева была полностью ориентирована на географию, в ходе экспедиции было установлено, что вода озера Балхаш менее соленая, чем вода Аральского

---

[205] Единица измерения расстояния в Древней Руси, равная 1066,8 метра.
[206] Единица измерения ширины в древнерусском языке, равная 0,7112 метра.
[207] Каркасный дом из войлока тюркских и монгольских кочевников.
[208] 1 кв.верст = 1,1381 км².
[209] Заливы и полуострова южного берега Балхаша не учитываются, если их учитывать, то он занимает в общей сложности 3975 кв. верст (4524 км$^2$ – С.С.).

моря [7]. Топографические особенности экспедиции показали, что западные части крутые, скалистые и высокие и почти лишены растительности. Восточные и южные районы низкие, песчаные, покрыты различными сорняками и колючками.

Нифантьев дал подробную информацию о флоре и фауне и климате озера Балхаш. Кроме того, он собрал интересные сведения о дорогах от Кашгара до Иссык-Кульского моря.

**СПИСОК ИСТОЧНИКОВ И ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:**

1. Бабков. О ходе топографических исследований озера Балхаша и его прибрежий.//Записки Русск. Геогр. Общество по общей география. Т.1. - Спб, 1867. – С.329 – 347.
2. География Казахстана. Учебно-методический комплекс дисциплины. -Уральск,2016.61 с.
3. Костенко Л.Ф. Туркестанский край. Опыт военно – статистического обозрения Туркестанского военного округа. Т.1. - Спб., 1880. – 452 с.
4. Маслова О.В. Обзор Русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Ч.1.- Ташкент, 1955. – 82 с.
5. Мушкетов И.В. Туркестан. Т.1, ч.1. - Спб., 1886. – 311 с.
6. Нифантьев Т.Ф. Гидрогеограф. [Электронный ресурс] // https://centrasia.org/person2.php?st=1094817035 (Дата обращения: 17.01.2023)
7. Освоение Казахстана в XIX веке. [Электронный ресурс] // https://silkadv.com/en/content/osvoenie- kazahstana-v-xix-veke (Дата обращения: 17.01.2023)
8. Путешествия по Туркестанскому краю. [Электронный ресурс] // https://www.vostlit.info/Texts/Dokumenty/M.Asien/XIX/1840-1860/Severcov_2/framepred11.htm (Дата обращения: 17.01.2023)
9. Сыворткин В.Л. “Каспийский узел” и его исследователи // Пространство и время 1(3). Москва, 2011. – С. 144 – 148.
10. Туркестан. Глава 11.[ Электронный ресурс] // https://discover-history.com/chapter_411.htm (Дата обращения: 16.01.2023)

# THE ROLE OF PSYCHOLOGY IN LEARNING FOREIGN LANGUAGES

**Karimova Mukhabbat Maratovna**
**Uzbekistan, EMU University**
**Latin and English Teacher at the Department of Social Sciences**
**Phone: +99890 9273749 e-mail: mukulya74@gmail.com**
**Muksinova Dinora Azamat qizi**
**Uzbekistan, Tashkent University of Applied Sciences**
**Assistant at the Department of Psychology**
**Phone: +99899 3409546 e-mail: muksinovadinora@gmail.com**

**Abstract:** This article is devoted to the role of psychology in the study foreign languages. The focus is on the problem of studying training highly qualified specialists working in system of human-human interaction. The article analyzes features of the “teacher-student” relationship and approaches, helping to increase the psychological adaptation of students, which influences the success of learning and is reflected in their professional activities in the future.

**Key words:** practical activity, psychological adaptation, teacher qualities, educational motivation, competence, psychological climate, linguistic psychology, training foreign language, learning a foreign language.

**Аннотация:** Данная статья посвящена роли психологии в изучении иностранных языков. В центре внимания находится проблема изучения подготовки высококвалифицированных специалистов, работающих в системе взаимодействия человека с человеком. В статье анализируются особенности взаимоотношений “преподаватель-студент” и подходы, способствующие повышению психологической адаптации студентов, что влияет на успешность обучения и отражается на их профессиональной деятельности в будущем.

**Ключевые слова:** практическая деятельность, психологическая адаптация, качества преподавателя, учебная мотивация, компетентность, психологический климат, лингвистическая психология, обучение иностранному языку, изучение иностранного языка.

**Аннотация:** Бұл мақала шет тілдерін оқытудағы психологияның рөліне арналған. Адам мен адамның өзара әрекеттесу жүйесінде жұмыс істейтін жоғары білікті мамандарды даярлауды зерттеу мәселесі басты назарда. Мақалада "Оқытушы-студент" қарым-қатынасының ерекшеліктері мен студенттердің психологиялық бейімделуін арттыруға ықпал ететін тәсілдер талданады, бұл оқудың сәттілігіне әсер етеді және болашақта олардың кәсіби қызметіне әсер етеді.

**Түйінді сөздер:** практикалық қызмет, психологиялық бейімделу, оқытушының сапасы, оқу мотивациясы, құзыреттілік, психологиялық климат, лингвистикалық психология, шет тілін оқыту, шет тілін үйрену.

Over the past quarter century, modern society has experienced radical social changes, which led to the need in professional psychologists. The need for specialists who are able to solve practical problems in implementing psychological support and solutions to important acute social problems problems have only increased in recent years. Despite high demand in society, not all graduates are ready or suitable for practical activities. What is possibly caused by for the most part, both by shortcomings in the education of students, and may be a consequence of mental and behavioral disorders in students received during the training process.

Because of this, the problem of studying training of highly qualified specialists working in human-human interaction system. In this regard, an important issue in this problem, which deserves special attention, is the study of students' mental development and the factors that influence them in the process of learning. One of the features of the "teacher-student" relationship is the following individual approach and status-role differences in behaviour. First of all, it depends on the general psychological climate in the educational institution. educational institution. For a student, an adequate assessment of relations to the teacher is formed in conditions of creative co-operation.

Such relationships increase interest in both the personality of the teacher and and to the object itself, thanks to which transformation is possible the student’s thinking, the level of his cognitive development activity, interests and attitude towards educational activities.

The "personality" of the teacher is always of interest to the student. Sitting in audience and encountering this subject for the first time, a fear of the one giving the lecture? Questions arise: Does the teacher know a subject? Will the lecture be interesting? Which ones are new? Will he (the student) find out the facts? How is the test/exam conducted? This is only a small part of the questions that listeners ask themselves. The communicative features of the teacher also characterize him personal qualities.

Approaches to learning foreign languages are largely determined by the age at which a person begins to learn a language. In adolescence and youthful, the process of cognition development is actively underway [1, p.30]. Teenagers have already developed logical thinking and the ability to introspect. They are able to reflect on various topics, draw general conclusions based on particular premises and, conversely, reason from the general to the particular. Leontiev A.A. showed that with increasing age, there is a gradual improvement in direct memorization, and faster than indirect. In comparison with an adult learner is considered by a child as an active subject of pedagogical interaction, who can independently organize his activities. The actions of an adult subject are characterized by a specific orientation of cognitive and communicative activity.

An adult has certain strategies of life and activity, so an adult learner has a number of differences from a learning child, which are as follows:
• it is an independent self-governing personality;
• having a lot of life experience;
• initially high specific motivation for learning (as a rule, it is an opportunity to solve professional problems or self-realization of oneself as a person in general);
• striving for the practical application of the acquired knowledge and skills in everyday and professional life;
• the educational activity of an adult is subject to professional,
social and other restrictions;
• high requirements for the quality and results of training.
• pragmatic attitude to education, increased responsibility. [1].

Educational motivation is directly related to the level of intellectual development of the student and the structural organization of the educational process both in general and in the sequential study of foreign languages. In order to maintain academic motivation, it is necessary to give more opportunities for individual work and self-expression.

Modern foreign language teaching is based on a personality-oriented approach to learning (L.S. Vygotsky, S.L. Rubinstein, B.G. Ananyev, I.A. Zimnaya), suggesting that all methodological decisions of the teacher "should be refracted through the prism of the student's personality - his needs, motives, abilities, activity, intelligence and other individual psychological characteristics" [11, p.174]. n this case, the student's personality is considered as a subject of pedagogical activity, which independently determines the nature of this activity and communication.

Of particular importance today is the differentiation and individualization of the learning process. According to G.V. Elizarova, in the process of learning a foreign language "should have such an impact on a person, as a result of which she is transformed into a self-developing emotionally mature intellectually cognitive

organism capable of coping with unforeseen culturally conditioned communication situations by identifying or creating unique tools for searching, processing and practical application of information" (G.V. Elizarova).

In this regard, the problems that are associated with taking into account the cognitive styles of students in teaching become relevant. Many foreign and domestic psychologists and educators (G. Witkin, B. Lu Leaver, V.S. Merlin, M.N. Berulava, G.A. Berulava, V.A. Kolga, I.M. Paley, M.A. Kholodnaya and others. B. Lou Leaver) believe that attentive attitude to cognitive styles seems to be the most effective principle of language teaching today, since there is no universal method of teaching for everyone (O.A. Obdalova, A.V. Soboleva).

The study of cognitive styles directly expresses individual originality of the nature of the connection between all human properties (V.S. Merlin). The creators of one of the most famous multicomponent systems of individuality J. Royce and A. Powell define individuality as a structure of psychological characteristics, which is determined by six interacting systems - sensory, motor, cognitive, affective, as well as a system of styles and a system of values (O.A. Obdalova, A.V. Soboleva).

Based on all of the above, it can be concluded that cognitive style refers to the procedural characteristics of cognitive activity. The style parameters are measured with many different psychological characteristics of the individual (features of sensorimotor and psychophysiological characteristics, including temperament). Cognitive style is associated with all levels of individual properties, affects the individual style of activity and depends on it.

Being between the mental and personal levels of individuality, cognitive styles are considered as a way for an individual to master the picture of the world, including language. And so as language is an inseparable and important part of cognition and a means of forming a linguistic picture of the world, the process of teaching a foreign language should be based on the peculiarities of the cognitive area of the personality of students.

As M.A. Kholodnaya notes, learning to communicate in a foreign language, taking into account cognitive styles, implies creating conditions both for updating the existing system of stylistic characteristics of intellectual behavior, and for expanding the composition of stylistic behavior by mastering different styles at different levels of stylistic behavior, as well as for the interaction of various cognitive styles when studying any educational topic, mastering concepts and solving problems [17, p.189].

Thus, the language in the psycholinguistic approach is considered not as a subject for study, but as a skill that a person needs to master and be able to use it correctly. From this position, the task of the teacher is to develop this skill. Therefore, in such a process, it is necessary to use not only linguistic, but also psycholinguistic techniques that rely on the true motives of human behavior.

Taking into account cognitive styles in the learning process is directly related to the development of information, the formation of knowledge, skills, and skills, and contribute to further interpersonal communication.

To sum up, the implementation of a systematic approach to the consistent teaching of foreign languages in linguopsychology involves turning it into a way of analyzing both the features of the already established psychological organization of the

individual and the process of gradual development of the individual in the processof learning a foreign language.

**References:**

1. Boyd R.L. Language-based personality: a new approach to personality in a digital world / R.L. Boyd, J.W. Pennebaker // Current opinion in behavioral sciences. - 2017. - Vol. 18. - C. 63-68.
2. Dumnova, N.I. Personality dynamics in the course of learning a foreign language / N.I. Dumnova, D.V. Soldatov // Psychology of Education in a Multicultural Space. - 2016. - Vol. 36. - № 4, - P. 8-14.
3. Leontiev, A.A. Basics of psycholinguistics / A.A. Leontiev. - Lan, Smysl, 2017. - 288 p.
4. Melnichuk M.V., Nenyuk E.A., Alisevich M.V. Psycholinguistic aspects as the basis for the practical study of a foreign language // Austrian Journal of Humanities and Social Sciences. - 2014. - No. 9-10. - S.100-104
5. Vygotsky, L.S. Thinking and Speech / L.S. Vygotsky: Natsionalnoe obrazovanie., 2016. - 368

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ГАВҲАР МАТЁҚУБОВАНИНГ “ЛАЗГИ АФСОНАСИ” РАҚС – КОМПОЗИЦИЯСИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

**Дилноза Мавлонова,**
**Ўзбекистон давлат хореография академияси талабаси, Мукаррама Турғунбоева номХалқаро танлов Гран – при соҳибаси**
**Дилноза Артиқова,**
**Ўзбекистон давлат хореография академияси талабаси, “Ниҳол” давлат мукофоти совриндори, “Лазги” Халқаро фестивали Гран – при соҳибаси**

**Аннотация.** Мазкур мақолада Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Матёқубованинг “Лазги афсонаси” рақс композициясининг бадиий эстетик, тарихий фалсафий хусусиятлари тадқиқ қилинган .

**Калит сўзлар.** тарих, афсона, Хива, Гавҳар Матёқубова, “Лазги”, қоятош, қадрият, майдон, таҳлил.

**Аннотация.** Бұл мақалада Өзбекстанның халық әртісі Гавхар Матёкубованың «Лазги аңызы» би композициясының көркемдік эстетикалық, тарихи-философиялық ерекшеліктері зерттеледі.

**Негізгі сөздер:** тарих, аңыз, Хиуа, Гавхар Матёкубова, «Лазги», жартас, құндылық, өріс, талдау.

Учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётган Ўзбекистонда милий рақс санъатига алоҳида эътибор берилмоқда. Миллий рақс санъати таълими ва тарғиботида ҳам янги саҳифалар очилмоқда. Дунёни ҳайратга солаётган “Лазги” туркуми мангуликка дахлдор “Авесто” “гоҳ”ларига оҳангдош, буюк аждодларимизнинг кўп асрлик бадиий тафаккур дурдоналарини ўзида мужассамлаштирган миллий қадриятлар тизими ҳисобланади. Миллий заминда “Лазги”нинг қадим илдизлари мустаҳкамланиб, таъсир доираси кун сайин кенгаймоқда. Қадимият унсурлари замон билан бирга ҳамнафас яшаб, сайқалланиб бормоқда.



Ўзбекистон халқ артисти Гавҳархоним Матёқубова ижодида тарихий мавзу етакчилик қилиши у яратаётган рақсларда кўзга яққол ташланади. 1997 йил қадимий ва ҳамиша навқирон, афсоналар хазинаси Хиванинг 2500 йиллик юбилейи халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан юқори савияда ўтказилди.Унда дипломатик корпуслар вакиллари билан бирга таниқли олимлар, сиёсатчилар, санъаткорлар ва қадимшунос мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам қатнашди.

Санъат – бу халқнинг ўтмиши. Олам ва одам, инсоният ва тараққиёт уйғунликда босиб ўтган йўл. Унинг давомийлиги бугуннинг одамларига боғлиқ. 1997 йилнинг май ойида Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи Франциянинг Париж шаҳрида ҳам олий даражада нишонланди. Унда табаррук шаҳарнинг ёрқин саҳифалари миллий санъат воситасида намойиш қилинди.

Атоқли санъатшунос мунаққид Аҳмаджон Раҳимов ўзининг "Рақс шоираси" мақоласидаги мазкур таъриф барча санъат ихлосмандларини ҳайратга солади: "Раққоса, рақс устаси, олима, ёшларнинг меҳрибон мураббийси бўлган Гавҳар Матёқубованинг ижоди ҳар томонлама бой ва кўп қирралидир. Ўзбекистон халқ артисти, таниқли ҳофиз Комилжон Отаниёзов бир суҳбатда шундай фикр билдирган эканлар: "Бу раққоса рақсга тушганда мен тўхтамай куйлагим келади. Қадимий ва афсонавий Хива обидаларига эса жон киргандай бўлади. Гавҳарнинг санъати гавҳар тошдек тоза ва мустаҳкам. Унинг имкониятлари кенг ва чуқур, энг асосийси, "Лазги" рақсининг барча қирраларини очиб беради." Ҳа, у ўз устози билдирган ишончни оқлади, десак, янглишмаймиз.Бугун унинг ижоди ҳар томонлама очилган ва гуллаган пайти. Хоразм элининг фахри ва рамзи бўлган "Лазги" рақсини у нафақат Ўзбекистонда, хорижий мамлакатларда ҳам тарғиб этмокда, ривожига ривож қўшмокда"[210].

Дарҳақиқат, Гавҳархоним яратаётган рақсларнинг асосий фазилати шундаки, унда тарих лавҳаларининг инсон тақдири, ҳиссий кечинмалари, ларзага солувчи эҳтирослари билан вобаста ғоят гўзал, сирли ифодаларига дуч келамиз. Халқаро миқёсда нишонланадиган тадбир учун Ўзбекистон халқ артисти, атоқли балетмейстер ва санъатшунос-этнограф Г.Матёқубова яратган "Лазги афсонаси" номли рақс – композиция иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Ўтмиш билан туташган ҳис-туйғу ва фикр бўёқлари, рангларни ифодалаш шу қадар хилма-хилки,беихтиёр майин ирмоқ сингари жилдираб қалбларга оқиб киради.Шўх тўлқинлар мавжланиб, завқ-шавқ бахш этади. Миллий рақс ҳамиша миллий руҳ билан чамбарчас боғланган."Лазги афсонаси"да ўтмишнинг руҳи ва халқнинг тарихи инсон қалбидан жой олиб, келажак билан туташиб ниҳоятда латиф, жозибадор ҳаракатлар билан ифода этилган. Тарих руҳи бўртиб турган композицияда 20 қиз ва бир йигит қайроқ ижросида рақсга тушади. Тўққизта

[210] Рахимов А. Рақс шоираси. Саҳна сирлари мунаққид нигоҳида. Т.: "Турон замин зиё" нашриёти, 2016. – Б. 226.

“Лазги”ни бир-бирига улаб, унинг тарихий босқичларини очиш орқали томошабинни Хоразм ўтмиши билан таништиради.



Сирли қаср ўртасида ёниб турган оловда қадимият нурлари ўйинга тушяпти. У гоҳ атрофга ёғду сочади, гоҳ ўйга толади. Унинг атрофида заррин либосдаги, юзларига чиммат тортилган қизлар сеҳрлангандек қотиб туришибди: қўлларида милтиллаб турган шам, кимдир ноз билан, ким изтироб билан хаёлга чўмган. “Лазги” куйи рез билан бошланади. Саҳнанинг ўнг томонида дарвиш ҳикоя бошлайди: “Дастлаб инсон танаси алоҳида-алоҳида бўлган экан. Жонга, “танага кир”, дедилар. Жон танага кирмади. “Нечун танага кирмайсан”, деб жондан сўрадилар, У: “Қўрқаман”, деди. Шунда самодан бир куй таралибди. Бу куйга мафтун бўлган жон танага кирганини ўзи ҳам сезмай қолибди. Олдин бармоқларга, панжаларга, билакларга, елкаларга, кейин бошга жон кириб, инсон тирилибди...

Юракларни жунбушга келтирган бу илоҳий мўъжиза “Лазги” куйи эди. “Авесто”нинг тамал тоши қўйилган афсонавий ўлка халқи қадим замонларда оловга сиғинганлар, гулхан атрофида ўтириб, етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма бирдек рақсга тушишни яхши кўрганлар. Уч минг йиллик тарихга эга “Лазги”нинг илк куртаклари ўша илдизлар билан боғлиқ. Бу куй минг бир фожиани бошидан ўтказиб, балки 90 минг турини йўқотиб, 9 хилини бугунги авлодлар учун сақлаб қололди. Ўтмишдаги устозлар у муқаддас, илоҳийдан келган куй бўлгани учун унга сўз боғлашга журъат этолмаган эканлар, фақат Комилжон отлиғ ҳофиз “Лазги” куйига сўз боғлабди. Шундан кейин куй мангуликка юз тутибди”, деб дарвиш ўз ҳикоясини тамом қилади.

Халқ мероси чашмаларидан баҳраманд бу сўзлар “Лазги” куйининг рез қисми чалиниб турганда айтилади. Поэтик ва эстетик руҳ уйғунлашиб,замон билан ҳамнафасликда чиройли манзара яратади. Шу ҳикоя айтилиб, рез чалиниб турган вақтда ўртадаги олов ичидан жон қиёфасидаги раққоса мусиқага монанд аста чиқа бошлайди. Қўллар қалтираган, бўлак-бўлакларга бўлиниб, рақс ҳаракатлари билан ўрнидан тура бошлайди. Юзида қайғули ифода. “Жон” бориб, аста даврани айлана бошлайди ва шам тутиб турган қизлардан бирининг ёнига бориб тўхтайди. Қўлини ҳайкалдай қотиб турган қизга теккизади. Қиз сесканиб аста қимирлай бошлайди. “Жон” югуриб, бошқа қиз олдига боради, унга ҳам қўлини теккизади, шам ушлаб қотиб турган бу қиз ҳам аста қимирлай бошлайди. “Жон” ни ижро этувчи раққоса саҳнадаги 20 қиз ёнига бориб ҳаракатни такрорлайди.



Муқаддас куй оҳангида гўё қизларга бир-бир жон кирганидан сўнг раққосалар қўлларидаги шамни аста ерга қўядилар. Юзларидаги пардаларни очиб, турган жойида айланиб, бир қўли тепада қотиб қоладилар. “Лазги”нинг асосий позициясининг ҳаммаси ҳикоя давомида, куйнинг рез қисмига монанд ижро этилади. Шундан сўнг, куйнинг асосий қисми бошланади. Соз бир нола қилади. Қўллар юқорида қотган. Соз яна бор кучи билан фарёд чекади, фарёду нола, нолаю фарёд еру-кўкни эгаллаб олади... Аввал бармоқлар, кейин панжалар, билаклар, елкалар олдинма-кейин ҳаракатга кела бошлайди. Бошлар ҳам қимирлайди. “Жон” гўёки қон бўлиб, аъзойи баданга югуради, гўёки коинот гули инсон тирилади, нафас ола бошлайди, унинг нафасининг ўзи ҳам куй эди...

1. “Лазги” гўё рамзий маънода тамом бўлади. Мусиқа пасайиб келади.

2. Куй яна авжига чиқади, олдиндаги уч қиз нафис ва жўшқин ҳаракатларда ўйинга тушади.

3. Тўлқинсимон ҳаракат билан қатор охиридаги икки қиз чиқа бошлайди.

4. Икки тарафдан икки қиз ҳайратдан кўзлари чақнаб, ўртага чиқади.

5.Ўтмиш ва бугуннинг ёғдулари ёғилиб турган саҳна ўртасидаги жон қиёфасидаги раққоса завқ билан ўйинга тушади.

6. Нур ўйнаётган саҳна ичкарисидан қўлида қайроқ ўйнатиб раққос чиқиб келади.

7. Раққосалар жўшқинлик билан унга жўр бўладилар.

8. Гўё давра олиб, рақсга тушади.

9. Буюк ҳофиз Комилжон яратган “Яллали Лазги” бошланади.

10. Ракс ва мусиқада замонлар туташади - жон образидаги қиз билан раққос йигит даврада баҳслашганча, еру-кўкни завққа тўлдирадилар...

Ярим ой шаклидаги даврага гўё Хоразм осмонининг юлдузлари учиб келади – гўзал қизлар икки тарафга бўлиниб, ўз раққос ва раққосаларини олқишлаб, уларга жўр бўладилар. Иккинчи бўлим ёпилади.

Томошабинлар яна бир мўъжизага гувоҳ бўладилар: саҳнадаги раққосалар бир оёқни олдинга, бир оёқни орқага ташлаб, хоразмча оёқ услуби билан ўртадаги йигит ва қиз атрофида айлана бошлайдилар. Ўйин охирида ҳамма қўлдаста қарсини уриб, кутилмаганда раққос ўртада оловни, қизлар шамни кўтарган ҳолда – ўтмишнинг ёғдулари, улуғ аждодларимиздан мерос бебаҳо хазиналар ҳамон дунёни ёритиб, ўз ҳароратлари билан жаҳон аҳлини меҳр ва муҳаббатга чулғамоқдалар деган рамзий ифода ила рақсни якунлайдилар. “Лазги” инсоният билан туғилиб, асрлар оша бирга яшаб, машаққатларни бирга енгиб, ўзлигини сақлаб қолди. “Лазги” рақси авлоддан-авлодга ўтиб келган. Неча замонлардан буён у инсонларга завқ-шавқ улашиб, бутун инсониятни ўзининг сеҳрига тортиб, жамиятлар ўртасида дўстликни бирлаштирувчи, инсоннинг

кўнглига таскин берувчи фақат шодлик улашувчи рақс сифатида намоён бўлмоқда. Шунинг учун “Лазги” мангуликка дахлдордир.

Хоразм рақс санъатининг мукаммал тизимини шакллантириш, унутилаётган қирраларини қайта тиклаш борасида Гавҳархоним Матёқубованинг хизматлари беқиёсдир. У қадим ўлка рақс санъатини дунёга ёйишга ва уни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган жонкуяр балетмейстер, мактаб яратган атоқли санъаткор сифатида ёшларга ибрат



бўлмоқда.

Тафаккур баҳоси – эътироф билан, бойлик қиммати – саховат, меҳнат қадри иззат билан ўлчанганидек, ҳақиқий ижодкор умри яратган асарлари, илмий тадқиқотлари, шогирдларининг истеъдоди, жамиятдаги нуфузи билан белгиланади. Миллий рақс санъатининг етук намояндаси, атоқли санъатшунос-этнограф, тажрибали балетмейстер - педагог, жонкуяр тарғиботчи, Ўзбекистон давлат хореография академияси профессори, Ўзбекистон халқ артисти Гавҳархоним Матёқубова ҳам умр бўйи шу ақидага амал қилади. Ижод ва илм уйғунлиги қалбни поклаб, гўзал орзулар ва олий мақсадларга ошно қилишига ишонади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Толстов С. Древний Хорезм. М.: изд.МГУ, 1948.
2.Муҳаммаджонов А. Тарих фалсафаси – маънавият кўзгуси. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2015.
3.Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 7-ж. Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.
4. Рахимов А. Рақс шоираси. Саҳна сирлари мунаққид нигоҳида. Т.: “Турон замин зиё” нашриёти, 2016.
5.Матёқубова Г. Тохтасимов Ш. Ҳамроева Ҳ. Хоразм “Лазги” рақси:тарихи ва тавсифи. Тошкент.: 2022.
6.Матёқубова Г. “Лазги” рақси: тарихи ва тадқиқи. Тошкент.: “Наврўз” нашриёти, 2023

# O'SMIRLIK DAVRIDA AGRESSIV XULQ-ATVOR NAMOYON BO'LISHIGA TA'SIR ETUVCHI PSIXOLOGIK PREDIKTORLAR

**Tulyaganova Dilnoza Ravshanbekovna**
**Toshkent amaliy fanlar universiteti "Psixologiya" kafedrasi o'qituvchisi**

**Annotatsiya:** So'nggi o'n yil ichida butun dunyoda o'ta shafqatsizlik bilan bog'liq zo'ravonlik harakatlarining ko'payishi kuzatildi. Odatda ichki (shaxsiy) va tashqi (ijtimoiy) omillardan kelib chiqadigan tajovuzkorlik va tajovuzkorlik tushunchalari bilan bog'liq bo'lgan bunday ijtimoiy xavfli ko'rinishlar jiddiy tashvish uyg'otadi. Agressiya muammosi jahon psixologiyasining eng dolzarb mavzularidan biriga aylandi. O'smirlik davrida agressiv xulq-atvor namoyon bo'lishiga ta'sir etuvchi psixologik omillarni o'rganish orqali deviant xulq-atvor prevensiyasini amalga oshirish mumkin. Maqolada o'smirlik davrida agressiv xulq-atvor namoyon bo'lishiga ta'sir etuvchi psixologik prediktorlar tahlili amalga oshiriladi.

**Kalit so'zlar:** agressiya, devinatlik, xarakter aksentuatsiyasi, kriminologiya, disfunksional oilalar, agressiya motivi, emotsional holat.

**Аннотация:** За последнее десятилетие во всем мире наблюдается рост числа насильственных действий, сопряженных с крайней жестокостью. Вызывают серьезную тревогу такие социально опасные проявления, которые обычно связывают с понятиями агрессии и агрессии, возникающей вследствие внутренних (личностных) и внешних (социальных) факторов. Проблема агрессии стала одной из самых актуальных тем мировой психологии. Предупредить девиантное поведение можно путем изучения психологических факторов, влияющих на проявление агрессивного поведения в подростковом возрасте. В статье анализируются психологические предикторы, влияющие на проявление агрессивного поведения в подростковом возрасте.

**Ключевые слова:** агрессия, девиация, акцентуация характера, криминология, неблагополучные семьи, мотив агрессии, эмоциональное состояние.

**Аннотация:** Соңғы онжылдықта бүкіл әлемде өте қатыгездікпен байланысты зорлық-зомбылық әрекеттерінің өсуі байқалды. Әдетте ішкі (жеке) және сыртқы (әлеуметтік) факторлардан туындайтын агрессия ұғымдарымен байланысты мұндай әлеуметтік қауіпті көріністер елеулі алаңдаушылық тудырады. Агрессия мәселесі әлемдік психологияның өзекті тақырыптарының біріне айналды. Жасөспірімдік кезеңде агрессивті мінез-құлық көрінісіне әсер ететін психологиялық факторларды зерттеу арқылы девиантты мінез-құлықтың алдын алуға болады. Мақалада жасөспірімдік кезеңдегі агрессивті мінез-құлық көріністеріне әсер ететін психологиялық предикторлар талданады.

**Түйінді сөздер:** агрессия, девианция, мінез акцентуациясы, криминология, дисфункционалды отбасылар, агрессия мотиві, эмоционалдық күй.

Insonning agressiv xulq-atvori hodisasini tahlil qilish, uning sabablarini tushunishga qaratilgan birinchi urinishlar ilm-fangacha bo'lgan davrda - din sohasida amalga oshirilgan va agressiyakorlikning sabablarini turli pozitsiyalardan ko'rib chiqadigan falsafiy tadqiqotlarda davom ettirilgan. Umuman olganda, ushbu muammoni o'rganishning dastlabki davrlarida agressivlik insonning ijobiy mohiyatiga

zid bo'lgan xatti-harakatlar sifatida baholanadigan yondashuv ustunlik qildi. A.Rean mazkur tushunchani "axloqiy-gumanistik" deb ta'riflagan [1]. XIX asrda tabiiy va gumanitar fanlarning rivojlanishi agressiya va uning sabablarini tushunishga ma'lum turtki berdi. Shunday qilib, Charlz Darvin o'zining yoki boshqa turining vakillarini yo'q qilishni (aslida agressivlikdir) tabiiy tanlanish va tirik mavjudotlarning o'zini o'zi saqlab qolish mexanizmlaridan biri deb hisobladi [2].

A.A.Reanning fikriga ko'ra, bu holatlar agressiya muammosiga yangi yondashuvning paydo bo'lishiga olib keldi, unga ko'ra bu tirik mavjudotning omon qolishi va moslashishiga yordam beradigan biologik maqsadga muvofiq xulq-atvor shaklidir [3].

XX asr boshlarida ikkita asosiy nazariy tendentsiya psixoanaliz va bixeviorizm ikkita asosiy nazariyaning paydo bo'lishi bilan. Agressiya konsepsiyasiga yondashuv: shaxsning tug'ma xususiyati sifatida (doktrinasi Z.Freyd tomonidan "tanatos") va noqulay tashqi stimulga reaktsiya sifatida (D.Dollard va N.Miller tomonidan "frustratsiya-agressiya" tushunchasi) paydo bo'ldi[4] Agressiya muammosini o'rganishda 1960-yillarda bir qator tabiiy va gumanitar fanlar (psixologiya, sotsiologiya, biologiya, ekologiya) bo'yicha bilimlarni umumlashtirish, shuningdek, ilmiy metodologiyaning rivojlanishi natijasida sezilarli muvaffaqiyatlarga erishildi. Agressiyani o'rganishda yangi eksperimental texnologiyalar faolroq qo'llanila boshlandi. Aynan o'sha paytda empirik bilimlar to'plandi va agressiyani o'rganishning asosiy nazariy tamoyillari shakllantirildi. Bular A.Bass, L.Berkovits, A.Bandura va boshqalar kabi tadqiqotchilarning ishlari edi. Keyinchalik zo'ravonlik va agressiya muammolari bo'yicha ixtisoslashtirilgan davriy nashrlar, xususan, «Child Abuseand Neglect» ("Bolalarga nisbatan zo'ravonlik va qarovsizlik") «Aggressive Behavior» ("Agressiv xatti-harakatlar"), «Journal of Interpersonal Violence» ("Shaxslararo zo'ravonlik jurnali") va boshqalar. Bu qisman G'arb jamiyatida (birinchi navbatda, AQShda) zo'ravonlik jinoyatining tarqalishi bilan bog'liq bo'lsa, ikkinchi tomondan, agressiya hodisasini o'rganish sovuq urush davridagi ijtimoiy-siyosiy muhit tomonidan rag'batlantirildi.

Agressiyaga oid ko'pgina tadqiqotlarning uslubiy asosi istisnolar mavjud bo'lsa-da, neobexeviorizm bo'lib kelgan va shunday bo'lib qoladi. Shunday qilib, etnolog K.Lorens [5] Freyd nazariyasiga yaqin bo'lgan tug'ma agressivlilik instinktining mavjudligi haqidagi g'oyani ilgari surdi, E.Fromm [6] agressiyani neofreydizm nuqtai nazaridan ko'rib chiqdi. Kognitivizm (agressiyani idrok etish va boshqalar) doirasida ham ma'lum tadqiqotlar o'tkazildi. Rus psixologiyada 1980-yillarning oxirigacha agressiya hodisasiga G'arbdagidek e'tibor berilmagan. Agressiv xulq-atvor muammosining alohida jihatlari, xususan, psixofiziologik [7], tibbiy [8] va kriminologik [9] o'rganildi. Chet el, xususan, Freydning agressivlik nazariyalarini tanqid qilgan yagona nashrlar bundan mustasno. Aksariyat ilmiy manbalarda «agressiya» va «agressiyaviy xulq» atamalari umuman ishlatilmagan. Marksistik metodologiya, birinchi navbatda, har qanday xatti-harakatlarning, shu jumladan agressiv xatti-harakatlarning ijtimoiy omillarini o'rganishga qaratilgan. Shu sababli, psixologik, pedagogik va kriminologiya fanlari doirasida agressiv shaxs, jinoyatchi "ijtimoiy muhitning mahsuli", deb hisoblangan "ijtimoiy hodisa" sifatida qaraldi.

O'smirlik agressiyasi muammosi uzoq vaqt mobaynida yopiq bo'lgan mavzular sirasigakiritilganligi bois, yetarli darajada o'rganilmagan mavzulardan biri

hisoblanadi. Agressiya oʻsmirlarda yuzaga kelgan ijtimoiy vaziyat, hodisalar ustidan oʻziga xos nazorat qilishning maqbul usuli sifatida qabul qilinadi. Gʻ.B.Shoumarov fikriga koʻra, oʻsmirlik davrining ogʻir, murakkab davr ekanligi koʻplab psixologik, fiziologik, ijtimoiy omillar bilan bogʻliq.Bu davrda rivojlanishning barcha jihatlari: jismoniy, aqliy, axloqiy, ijtimoiy va shu kabilarning mazmun-mohiyati ham oʻzgaradi. Bu davrda oʻsmir hayoti, ruhiyati, organizmining fiziologik jarayonlari, uning ijtimoiy holatida jiddiy oʻzgarishlar sodir boʻladi. Aksariyat vaziyatlarda ularda bir-biriga qarama-qarshi boʻlgan turli xil holatlar kuzatiladi.

Oʻsmirlarda agressivlikning shakllanishiga qator shaxs xususiyatlari taʻsir qiladi: tarbiyaning muvozanatlashmagan shakllari: oʻz-oʻziga haddan ziyod past baho berish, yuqori darajada impulsivlik, spirtli ichimlik va giyohvand moddalar iste'mol qilish, kompyuter oʻyinlariga tobelik, tavakkalchilikka tayyorlik holatlari, oʻz oʻzini himoya qilish hislarining chegaralanganligi xulqiy omillar: oʻz vaqtini maqsadsiz oʻtkazish, maktabdagi darslarni sababsiz qoldirish, oʻzlashtirish darajasining pastligi, erta jinsiy aloqalarga kirishish va hokazo; ijtimoiy omillar (OAVning psixologik taʻsiri, jamiyatdagi udum va marosimlar, ota-onaning xulqiy buzilishlarga ega ekanligi, oila ijtimoiy mavqeining pastligi, tarbiyachilarning oʻzgarishi (oʻgay ota, oʻgay ona va hokazo); oʻsmirning xulqiy ogʻishlar shakllangan doʻstlar bilan yaqin ijtimoiy aloqalarni oʻrnatishi (taqlid fenomeni) ichki oilaviy nizolar (ota-onaning ajrashishi, ikkinchi nikohdagi farzandlar, oʻsmirning oʻzlashtirishiga ota-ona tomonidan oʻsmir qobiliyatlari, qiziqishlari inobatga olinmagan holda haddan ziyod yuqori talablarning qoʻyilishi.

Disfunksional oilalarda tarbiyalanayotgan oʻsmirlarda agressiv xulq koʻrinishlarining shakllanishi ehtimoli funktsional oilalarda tarbiyalanayotgan oilalardagi oʻsmirlarga nisbatan yuqori ekanligi aniqlangan.

1. Oilada oʻsmir erkinliklarini haddan ziyod cheklash, yoki aksincha, ota-ona tomonidan surunkali befarqlik ham agressiv xulq koʻrinishlarining shakllanishga olib keladi.

2. Agressiv xulq oilada oʻsmirning erkinliklari haddan ziyod chegaralanganda yoki unga haddan ziyod erkinliklar berilganda ham shakllanishi mumkin. Agar oʻsmir oilada barcha ehtiyojlarining tezlik bilan qondirilishiga oʻrganib qolgan boʻlsa, tengdoshlari jamoasida uning ehtiyojlariga toʻsqinlik qilganlarga nisbatan agressiv munosabat bildiradi. Oilada emotsional inkor etilganlik holatlarida ham oʻsmirlar agressiv xulq koʻrinishlari bilan oʻzlariga e'tiborni qaratishga harakat qiladilar. Ota-onaning oʻsmir xulqidagi oʻzgarishlar sababini izlashi yuzaga kelgan muammolarni konstruktiv tarzda hal etishi asosida amalga oshirilishi maqsadga muvofiq.

Agar oʻsmirning oila a'zolari muntazam tarzda oʻzaro nizolar, baqiriqlar orqali ta'sir oʻtkazish asosida muammolarini hal etishga oʻrgangan boʻlsalar, boshqa ijtimoiy vaziyatda oʻsmir aynan oʻzini shunday tutishga intiladi; shaxsiy muammolar (fiziologik va psixologik xarakterdagi muammolarning kelib chiqishiga sabab boʻluvchi oʻsmirlarda jinsiy rivojlanish xususiyatlari – pubertat davri xususiyatlarining namoyon boʻlishi); - oʻzining tashqi koʻrinishidan norozi boʻlish «Terzit kompleksi» (kattalar tomonidan noadekvat idrok qilinishi). Oʻsmir oʻzini kattalardek his etishida unga bolalar kabi munosabatda boʻlish yoqmaydi; oʻsmirdagi tafakkurning tanqidiyligi – kattalar hatti-harakatiga nisbatan shubha bilan qarash, ularda oʻrnatilgan axloqiy me'yorlarga nisbatan e'tiroz hislarining shakllanishga olib keladi; oʻsmirga nisbatan

ma’lum bir ijtimoiy tamg‘alarning bosilishi (o‘qituvchilar tomonidan o‘smirning o‘zlashtira olmasligi, tarbiyasizligi, u bilan gaplashish befoydaligini ta’kidlash); ijtimoiy omillar (jamiyatda muammolarni kuch ishlatish orqali hal etilishi haqidagi g’oyasining o‘rnatilganligi, maktablardagi o‘quv sinflarning haddan ziyod to‘laligi, maktabdan haddan ziyod charchash, asabiylashish).

Agressiv xulq shakllanishida «agressor» va «qurbon» rollari ajratiladi. O‘smirlardagi xulqiy ko‘rinishlarni A.Bandura, R.Uolterslar «passiv melanxoliya» va «agressiv himoyalanish» deb atab, «agressor» va «qurbon»lar mavqeining almashib turishi haqida fikrlarni bildirganlar. Norvegiyalik psixolog D.Olveus «agressor»lar va «qurbon»larning tipik xulqiy ko‘rinishlari tasnifini keltirgan .Maktabdagi «agressorlar» tengdoshlari va kattalarga nisbatan o‘zlarini yuqori tutadilar, ruhiy og‘riqqa nisbatan og‘riqni his etmaydilar, o‘zlarini dominant tutadilar, yuzaga kelgan nizoli vaziyatlarni jismoniy kuch ishlatish orqali hal etadilar.

Bu ko‘proq o‘g‘il bolalarda kuzatiladi. «Agressorlar» affekt holatlarida o‘z o‘zini yetarli darajada idora eta olmaydilar. O‘zlarini tengdoshlariga nisbatan kuchliroq his etib, o‘zlaridan kuchsiz bo‘lganlarni «qurbon» sifatida tanlaydilar. Tarbiyaviy ishlarni tashkil etishda nafaqat «agressorlar», balki «qurbonlar» ham pedagog va psixologlar e’tiborini talab qiladi. Ya’ni ushbu toifadagi o‘smirlar «ijtimoiy autsayder» atamasi bilan nomlanadi. Ushbu o‘smirlar passiv va namoyishkorona turlarga ajratiladi. Passiv tipdagi «qurbonlar» bosiq, hadiksirovchi qo‘rqoq bo‘ladilar. Odatda, ularda o‘z-o‘ziga past baho berish, o‘zlarini ko‘rimsiz, kuchsiz deb baholash kuzatiladi. Ularga nisbatan agressiya jarayonida yig’laydilar, qochadilar.

Maktabda, mahallada o‘rtoqlari kam bo‘ladi. Ikkinchi guruh namoyishkorona tipdagilar uchun «agressorlar»ga xos bo‘lgan xususiyatlar namoyon bo‘ladi. Bu o‘smirlarda bir vaqtning o‘zida agressiya va qo‘rqish holatlari namoyon bo‘lishi asosida impulsiv, agressiv xulq ko‘rinishlari bilan ulardagi qo‘rqish va xavotirlanish holatlari birgalikda namoyon bo‘lishi, doimiy tarzda kurashga tayyorlik holatlari kuzatiladi. O‘zlarining xulqi bilan ular atrofdagilarning noroziligi, agressivligini jalb qiladilar. Bir tomondan, xulqi bilan atrofdagilarning agressiv munosabatlarini o‘zlariga jalb qilsalar, boshqa tomondan kuch ishlatish usuli orqali muammolarni hal etishga moyil bo‘ladilar. Ushbu toifadagi o‘smirlarni tengdoshlari, kattalar yoqtirmaydilar. Agressivlik o‘z-o‘zidan paydo bo‘ladigan holat emas. Ko‘p hollarda psixologik muammolarni hal etishda ojizlik holatlari ta’sirida shakllanadi.

Agar o‘smir haddan ziyod charchagan bo‘lsa, psixik agressiya psixik resurs imkoniyatlari cheklanganligi oqibatida shakllanadi. O‘z-o‘zini negativ idrok etish. «Men yomon odamman. Shuning uchun o‘zimni shunday tutaman». Tobora yomonlik hissi o‘smir uchun chuqur, ma’lum bir hatti-harakatni bajarishga psixofiziologik tayyorlik xolati – ustanovkaga aylanadi. Bu toifadagi o‘smirlarda arzimagan, yumshoq tanqid ham psixik og‘riqning shakllanishiga olib keladi.Agar o‘smir insonlar bilan munosabatlarda salbiy tajribaga ega bo‘lsa, u ertaroq himoyalanishga intiladi. Ko‘p hollarda uning hayotiy tajribasida shunga o‘xshash holatlar uchragan, o‘zi uchun xavfli deb hisoblagan vaziyatdan himoyalanishga harakat qiladi. O‘smirda ijtimoiy muhitdagi insonlar bilan yaqin emotsional munosabatlar o‘rnatilmaganligi, o‘zini himoyasiz hisoblashi xavotirlanish darajasining ortishiga olib keladi. O‘smirlar agressiyasi muammosini o‘rganish bevosita ommaviy axborot vositalari, videofilmlar orqali berilayotgan ko‘rsatuvlar o‘ziga xos taqlid fenomeni sifatidagi ahamiyatini o‘rganishni

talab qiladi. Xulqiy agressiv holatlar oʻsmirlarda yaqin emotsional munosabatlarga nisbatan ehtiyojlari frustratsiyasi oqibatda kelib chiqadi. Bu vaziyatda agressiya atrofdagilar unga boʻysunishi, uning istak larini soʻzsiz bajarishi, ya’ni oʻzi istagan e’tibor va hokimiyatga erishishning nisbatan oson usuli boʻlib koʻrinadi. Albatta, oʻzini-oʻzi namoyon qila olmagan va frustratsiya holatida boʻlgan barcha odam ham agressiv harakatlarni amalga oshiravermaydi.

Bunda biologik omillar bilan bir qatorda turli ijtimoiy omillar, tarbiya va muhitning shaxs shakllanishidagi oʻrni, insonning turli destruktiv, salbiy psixologik-manipulyatsion ta’sirlarga tushish xususiyatlarini ham inobatga olish zarur. Agressiv xulqli oʻsmirlar odatda quyidagi hislarga ega boʻladilar:

• ular atrofdagilardan dushmanlik munosabatlarini kutadilar;
• oʻzlarining dushmanlik holatlarini yetarli darajada baholay olmaydilar;
• oʻzlarining muammolarida atrofdagilarni doimiy tarzda aybdor deb topadilar;
• muammoli vaziyatlarni hal etish usullari ularda chegaralangan;
• oʻzlarining hislarini soʻzlar bilan kamdan-kam hollarda ifodalaydilar, koʻproq harakat qilishga intiladilar. Oʻsmirlik agressiyasini keltirib chiqaruvchi sabablarni aniqlash, ularning emotsional kechinmalari, hislarini tushunish, ular bilan olib boriladigan psixologik korreksiya imkoniyatlarini belgilash imkonini beradi.

**Adabiyotlar roʻyxati:**

1. Реан А. А. Агрессия и агрессивность личности [Текст] / А. А. Реан // Психологический журнал. - 1996. - Т. 17. - №5. – С. 4.
2. Сукиасян С. Г. Агрессия: социальный или биологический феномен? [Текст] / С. Г. Сукисян. - Ер.: Асогик, 2002. – 177 с.
3. Ахметшина Ф.А. Воспитание эмпатической культуры в вузе [Текст] / Ф.А. Ахметшина // Вестник ТИСБИ. - 2002. - Вып.1. - С. 32-34.
4. Лоренц К. Агрессия (так называемое «зло») [Текст] / К. Лоренц. – М.: РИМИС, 2012. - 352 с.
5. Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности [Текст] / Э. Фром. - М.: АСТ, Neoclassic, 2014. - 624 с.
6. Колчина Л. П. Связь поведенческого и вербального показателей социальной агрессивности и агрессивности при фрустрации [Текст] / Л.П. Колчина // Темперамент / Под ред. В. С. Мерлина. - Пермь, 1976. -С. 45-64.
7. Левитов Н. Д. Психическое состояние агрессии [Текст] / Н. Д. Левитов// Вопросы психологии. – 1972. - № 6. – С. 168–173.
8. Личко А. Е. Психопатии и акцентуации характера у подростков [Текст] / А. Е. Личко. – СПб.: Речь, 2010. – 256 с.
9. Ениколопов С. Н. Профилактика агрессивных и террористических проявлений у подростков [Текст]: методическое пособие для педагогов, школьных психологов, родителей / С. Н. Ениколопов, Л. В. Ерофеева, И. Соковня и др.; под ред. И. Соковни. – М.: Просвещение, 2005. – 160 с.

## ХОРИЖ АДИБЛАРИ АСАРЛАРИДАГИ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

**Норов Жамшид Нуруллоевич,**
**Бухоро педагогика институти таянч докторанти**

**Аннотация.** Мақолада ўрта умумтаълим мактабларининг адабиёт дарслари таркибидаги чет эл адиблари асарлари, хусусан, жаҳон халқлари бадиий тафаккури тараққиётида алоҳида ўринга эга Эзоп масалларини ўқитишда уларда ифодаланган лингвокультурологик бирликларни таҳлил этиш усуллари ҳавола этилган, лингвомаданий бирликларнинг моҳият-мазмуни тегишли мисоллар билан очиб берилган, ўқувчиларга уларни етказиб бериш йўл-йўриқлари бўйича айрим тавсиялар берилган, таълим сифати ва самарадорлигини ҳар томонлама ошириш учун лингвомаданий бирликларни дарс жараёнида мунтазам таҳлил этиб бориш зарурлиги фактик материаллар билан далилланган.

**Калит сўзлар:** ўрта умумтаълим мактаби, адабиёт, лингвокультурология, тил, маданият, чет эл адабиёти, Эзоп, масал, таҳлил, тавсиф, ўқитиш, илмий-методик асос.

**Аннотация.** Мақалада дүние жүзі халықтарының көркемдік ой-өрісін дамытуда ерекше орын алатын шетел жазушыларының шығармаларындағы тілдік-мәдени бірліктерді талдаудың әдіс-тәсілдері, әсіресе, Эзоп тақпақтары әдебиет сабағында берілген. жалпы орта білім беретін мектептердегі тілдік-мәдени бірліктердің мәні мен мазмұнын тиісті мысалдармен ашып, оларды оқушыларға жеткізу бағытында әдістемелік нұсқаулар, тілдік-мәдени бірліктерге жүйелі талдау жасау қажеттігі туралы нақты мысалдар келтірілді. сабақтың білім сапасы мен тиімділігін арттыру мақсатында жүргізілетіні нақты материалдармен дәлелденді.

**Негізгі сөздер:** жалпы білім беретін орта мектеп, әдебиет, тіл мәдениеті, тіл, мәдениет, шетел әдебиеті, Эзоп, теңеу, талдау, сипаттау, оқыту, ғылыми-әдістемелік негіздері.

Лингвомаданий бирликлар (ўхшатиш, метафора, реалиялар кабилар)ни замонавий методология ва методлар бўйича ўрганиш, ўрта умумтаълимда дарс сифатида ўтиш ҳозирги кунда ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий жиҳатдан халқаро алоқаларнинг тобора жадал суръатларда ривожланиб бориши мазкур масалага алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Хорижий адибларнинг асарлари таҳлили учун жами адабиёт дарслари соатларининг қарийб бешдан бир қисми ажратилган. Унда жаҳон халқлари бадиий тафаккури тараққиётида алоҳида ўринга эга бадиий асарларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Бунга мисол сифатида Эзоп масалларини айтиб ўтиш мумкин. Адабиёт дарслигида адибнинг "Ёввойи эчкилар", "Кийик билан токзор", "Бўри билан лайлак", "Эшак билан бақалар", "Устига туз юкланган эшак", "Бургут, зағча ва чўпон" масалларини ўқиш ва таҳлил қилиш вазифаси қўйилган.

Маълумки, Эзоп миллоддан аввалги 6-асрларда қадимги Юнонистонда яшаган ва ижод этган. Уни жаҳон масалнависларининг бобокалони сифатида таърифлашади. Адибнинг уч минг йил илгари яратган содда, мазмунли ва аҳамиятли масаллари ҳамма даврларда ҳам ўзининг ҳаётийлигини йўқотмаган, улар ҳанузгача инсониятга энг ноёб ва ибратли сабоқ бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Адибнинг масалларида айрим лингвокультурологик бирликлар қўлланган. Бунга мисол сифатида адибнинг "Бургут ва қўнғиз" масалидаги Зевс прецедент номини айтиш мумкин. Маълумки, Зевс юнон афсоналарида олий худо; худолар ва одамлар ҳукмдори бўлиб, Кронос ва Реянинг ўғлидир. У худоларнинг

учинчи авлодига мансуб бўлиб, тартарда ўз отаси ва бошқа титанларни енгиб, Олимп тоғида ҳукмрон бўлади, оламни қайтадан тузади, худоларни яратади, қонунлар чиқаради, тартиб ўрнатади, фан, санъат, ахлоқ меъёрларини жорий этади. Зевс худоларнинг иродасини ва яхши ниятларини рўёбга чиқарувчи кўплаб қаҳрамонлар — Геракл, Персей кабиларнинг отасидир. У куч билан бир неча марта одам зотини йўқ қилиб, ундан ҳам мукаммал инсонни яратишга уринади.

Асарларда *Аид* номи ҳам учрайди**.** У Крон билан Реянинг ўғли, Зевснинг акаси, ер остидаги ўликлар салтанати худоси. Унинг исми маъноси *кўринмас* деган маънони билдиради ва бандаларни даҳшатга солувчи ўзга ном (дўзах) билан ифодаланади. *Аид* салтанати ёки кўпинча соддагина қилиб *Аид* дейилганда, ўликлар салтанати, нариги дунё кўзда тутилади. Чет эл адибларининг асарларида айрим мусиқа асбобларининг номи ҳам ифодаланган. Шундай мусиқа асбобларидан бири *кифара*дир. У қадимги Юнонистонда торли мусиқа асбоби бўлиб, у кўп жихатдан лирага ўхшаб кетади. Бироқ ундан ҳажман кенгроқ ва калтароқ. Кифаранинг акустик хусусияти лирадан сифатлироқ бўлиб, унинг торлари кўпроқ ва жаранглаш қобилияти юқорироқ.

Эзоп масалларида юнон ва ўзбек тилларида бир хил мажозий маъноларда қўлланган айрим метафоралар қўлланган. Масалан, *бургут* номи кўчма маънода *йиртқич, ёвуз одам* маъносида Эзоп асарлари тилида қўлланган бўлса, ўзбек тилида ҳам шу маънода қўлланилиб келмоқда. Бироқ Эзоп асарларида мазкур қушнинг *жасур, қайтмас, эпчил* кўчма маъносида қўлланилиши ўзбек бадиий матнларига нисбатан оз учрайди. Эзопнинг "Кема ҳалокатига учраган одам" масалида ҳам Зевс номи ифодаланган. Масалнинг мазмуни қуйидагича: Афиналик бир бадавлат одам кўпчилик йўловчилар билан денгизда сузиб бораётган эди. Шу пайт кучли тўфон кўтарилиб, кемани ағдариб юборади. Йўловчилар жон сақлаш учун суза бошлайдилар; фақат афиналик бой тангри Зевсга сиғиниб, унга бемисл ваъдалар қила бошлайди. Унинг ёнидан сузиб ўтаётган йўловчилардан бири унга шундай дейди: «Зевсдан мадад сўрашга сўра-ю, лекин ўзинг ҳам ҳаракат қилгин-да». Адиб масал охирида хулоса ясаб, шундай дейди: "Бизлар ҳам худоларга сиғинишга сиғинайлик, аммо ўзимиз ҳам ҳаракат қилайлик-да. Ҳаракатда баракат, деганлар ахир".

Исмларнинг лингвомаданий хусусиятлари бир қатор тилларда тадқиқ этилган. Уларга оид кенг тарқалган қарашлардан бири прецедент номлар ҳақидаги назариядир. Маълумки, машҳур исмлар, матнлар ёки вазиятлар билан боғлиқ бўлган номлар, шунингдек, муайян сифатларнинг намунавий йиғиндисига ишора қилувчи рамзий номлар прецедент номлар ҳисобланади. Тилшунос В.А.Маслованинг фикрича, муайян миллат вакилларига яхши таниш бўлган матн ёки воқеалар билан боғлиқ бўлган шахс номлари прецедент номлар бўла олади. Масалан: *Обломов, Тарас Бульба* каби [5, 53].

Прецедент номларнинг икки муҳим хусусияти эътироф этилади. Бу – машҳурлик, танилганлик, яъни тил эгалари лисоний хотирасидан мустаҳкам ўрин олиш ҳамда рамзийлик – муайян сифатлар жамулжамининг намунаси бўлишдан иборат. Рус олими Е.А.Нахимова бундай номларга нисбатан ўндан ортиқ ёндашув мавжудлиги ҳақида ёзади. Булар: прецедентлик, маданиятлараро мулоқот, исмларнинг кўп маънолилиги, аллюзия, шунингдек, метафора ҳақидаги

анъанавий назариялардир. Бу прецедент номлар моҳиятан кўп қиррали ва кўп вазифали лингвомаданий бирлик эканлигини ифодалайди.

Чет эл адиблари асарларидаги прецедент номларни тадқиқ этиш халқнинг миллий тафаккури ва психологияси, миллий маданияти, тарихи, урф-одатлари билан алоқадор жиҳатларини кўрсатиб беришга хизмат қилади. Прецедент номлар алоҳида олинган чет эл ижодкорлари асарлари мисолида ҳам тадқиқ этилиши мумкин. Бу ўша ижодкорнинг умумжаҳоний ва умуммиллий маданиятдан нечоғлик хабардор эканлигини кўрсатиши билан бирга унинг муайян миллатнинг ақлий салоҳияти, руҳий олами, бадиий тафаккури, маданиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссасини аниқлаш имконини ҳам беради.

Лингвокультурологияга доир тадқиқотларда прецедент номлар миллий ва универсал турларга бўлинади. Миллий прецедент номларга *Алпомиш, Кумуш, Отабек, Усмон, Чўлпон* кабиларни; универсал прецедент номларга эса *Колумб, Отелло, Буратино* кабиларни мисол тарзида айтиш мумкин. Ҳозирги глобаллашув даврида адабиёт, оммавий ахборот воситалари орқали спорт, санъат, сиёсат, маданиятга оид бир қанча прецедент номлар ўзбеклар орасида ҳам машҳур бўлдики, уларнинг нолисоний омиллари, хусусан, ўзбек лингвомаданиятида тутган ўрни алоҳида ёндашувни тақозо этади.

Прецедент номларнинг аллюзив ном вазифасида қўлланишини билиш муҳим саналади. Прецедент номларнинг функсионал турларидан бири аллюзив номларга услубий фигура сифатида қаралса, лингвокультурологияда улар икки маданий – семиотик майдонни ўзаро туташтирувчи восита сифатида эътироф этилади. Бунда қуйидаги икки жиҳат эътиборга олинмоғи керак: а) аллюзив номларнинг адабий фактга ишора этиши; б) уларнинг турли ижтимоий-тарихий фактга ишора қилиши.

Маълумки, аллюзив номлар машҳур адабий, тарихий-маданий фактга ишора қилувчи ном ҳисобланади [1, 149]. М.В.Калинкин сўзлари билан айтганда, ҳар қандай ном матнга тарихий, маданий, географик, коннотатив маълумотлар йетказиб берувчи ўзига хос “транспорт воситаси”дир [3, 84]. Бунда аллюзив фактнинг машҳурлиги, аллюзия қатнашган горизонтал (вербал) матн, горизонтал матн билан имплитсит матннинг ўзаро мазмуний ҳамкорлиги аллюзив жараён ҳосил бўлишининг муҳим шартлари ҳисобланади [6, 25-33]. Чет эл адиблари асарларидаги лингвомаданий бирликларни ўрта мактабларда ўқитиш бўйича қуйидаги методик тавсияларни бериш мумкин:

1)бадиий матнни 2-3 марта ўқувчиларга ўқитиш, уларнинг талаффузига эътибор қаратиш, хато ўқишларини бартараф этиб бориш лозим;

2) тушунарсиз, изоҳталаб сўзларни доска ва тегишли дафтарда қайд этиш, илмий манба ва луғатлардан фойдаланиб, уларни тавсифлаш керак;

3) бадиий матндаги ўқувчига маъно ва мазмуни номаълум бўлган лингвокультурологик бирликни аниқлаш, унинг бошқа халқлар маданиятига тегишли бирлик эканлигини изоҳлаш, ўз ва кўчма маъноларини чуқур талқин этиш шарт.

Эзоп масалларидаги лингвомаданий бирликлар

| **Лингвомаданий бирлик** | **Кўчим тури ёки маданий бирлик** | **Ўз ёки мажозий маъноси, варианти** |
|---|---|---|

| | | |
|---|---|---|
| Зевс | прецедент ном | энг олий адолатпаноҳ, обидлар (ибодат қилувчилар) ва мусофирлар ҳомийси |
| бургут | Метафора | йиртқич, ёвуз одам |
| тулки | Метафора | айёр, ёлғончи киши |
| дирхам | реалия | пул бирлиги |
| тунес | Реалия | *йирик йиртқич денгиз балиғи.* |
| ҳекатомба | Реалия | *тангриларга аталган энг йирик қурбонлик* |
| бешкураш | Реалия | *Юнонистонда гимнастик ўйинларнинг асосий мажмуаси ҳисобланган; унинг таркибига: югуриш, баландга сакраш, кураш, ляппак отиш ва найза отиш мусобақалари кирган* |
| Эртанги товуқдан бугунги тухум яхши | Мақол | Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши |
| Ҳар тонгнинг бир шоми бўлади | Мақол | Ҳар мева ўз вақтида пишади |

Аллюзив номлар қатнашган матнни тушунишнинг энг муҳим шарти – ўқувчи билимларининг даражасидир. Аллюзив ном матн яратувчининг нечоғлик чуқур билим соҳиби эканлигини кўрсатиши билан бирга ўқувчи билимлари синаладиган кенг “майдон” ҳамдир. Образли қилиб айтганда, аллюзив ном матндаги яширин мазмунга олиб кирувчи эшик бўлса, ўқувчининг билими бу эшикни очиб берувчи очқичдир. Вертикал контекст назариясига кўра, аллюзив ном икки турдаги, яъни филологик ва ижтимоий-тарихий фактларга ишора қилади. Бу фактлардан бехабар бўлиш, аллюзив факт қанчалик машҳур бўлмасин, матнда ифодаланган мазмунни, унинг ғоявий-эстетик моҳиятини тушунмасликка олиб келади.

Юқорида айтилганидек, бадиий матнлар аксарият ўринларда филологик, ижтимоий-тарихий ва маданий фактлар ҳақидаги ахборотни ўзида сақлайди. У бу каби аккумулятив хусусияти билан лингвокультурологик жиҳатни намоён этади. Чет эл халқларининг адабий-бадиий асарларида қўлланган аллюзив номлар маълум маънода ўша халқ томонидан эгалланган маданият ва интеллект ҳақида тасаввур бера олади. Лингвомаданий бирликларни адабиёт дарсларида мунтазам тарзда чуқур таҳлил этиб бориш, изоҳлаш ва тавсифлаш таълим самарадорлиги ва сифатини ҳар томонлама оширишга асос бўлиб хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Гудков Д.П. Теория и практика межкультурной коммуникации. – М.: Гнозис, 2003. - 124 с.
2. Жўраев Л. Шахсга йўналтирилган таълим нима? // Тил ва адабиёт таълими, 2013. -№ 2. –Б. 3-7.
3. Калинкин М.В. От литературной ономастики к поэтонимологии // Логос ономастики. -2006. -№ 1. – С. 84-87.
4. Кун Н.А. Қадимги Юнонистон афсона ва ривоятлари. –Т.: Ўзбекистон, 2013. –498-б.
5. Маслова В.А. Лингвокультурология. –М.: Academia, 2001. -215 с.

6. Машкова Л.А. Аллюзивность как категория вертикального контекста // Вестник МГУ. Серия 9. Филология. –№ 2. –1989. –С. 25–33.
7. Сабитова З.К. Лингвокультурология: Учебник. – М.: Флинта: Наука, 2013.
8. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Т.: Янги аср авлоди, 2006.
9. Qosimov B. va boshqalar. Adabiyot-5. O'qituvchilar uchun metodik qo'llanma. -T.: Ma'naviyat, 2003.

# DILSHOD RAJAB SHE'RLARINI ZAMONAVIY METODLAR ASOSIDA O'RGANISH

**Botirova Nigora Nurulla qizi**
**Alisher Navoiy nomidagi O'zbek tili va adabiyoti universiteti**
**o'zbek tili va adabiyoti fakulteti magistranti**
Botirova010793@mail.ru

**Annotatsiya:** Maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qish darslarida o'zbek bolalar adabiyoti vakillaridan Dilshod Rajab ijodini o'rganish, tahlil qilish hamda pedagogik texnologiyalar asosida yoritish xususida ma'lumotlar keltirilgan. Shuningdek, ushbu maqolada o'quvchilarga ta'lim-tarbiya berish bilan birga, adabiyot orqali og'zaki va yozma nutqini to'g'ri shakllantirish va nutq madaniyatini o'stirishga ham to'xtalib o'tgan.

**Kalit so'zlar:** ijodkor, yozuvchi, ertak, bolalar adabiyoti, nutq, ko'nikma, nutq o'stirish, pedagogik texnologiya, metod, ta'lim-tarbiya, o'quvchi, adib, bolalar adabiyoti.

**Аннотация:** Мақалада бастауыш сынып оқушыларының педагогикалық технологиялар негізіндегі оқу сабақтарында өзбек балалар әдебиеті өкілдерінен Дилшод Раджабтың шығармашылығын зерттеу, талдау және қамту туралы мәліметтер берілген. Сондай-ақ бұл мақалада оқушыларға білім берумен қатар ауызша, жазбаша сөйлеуді дұрыс қалыптастыруға және әдебиет арқылы сөйлеу мәдениетін тәрбиелеуге де назар аударылған.

**Тірек сөздер:** жасаушы, жазушы, ертегі, балалар әдебиеті, сөйлеу, шеберлік, сөйлеуді дамыту, педагогикалық технология, әдістеме, тәрбие, оқушы, жазушы, балалар әдебиеті.

**Annotation:** the article provides information on the study, analysis and coverage of the work of Dilshod Rajab from representatives of Uzbek children's literature in the reading lessons of Primary School students. In addition to providing education to students, the article also addresses the correct formulation of oral and written speech through literature and the cultivation of a culture of speech.

**Keywords:** creator, writer, fairy tale, children's literature, speech, skills, speech cultivation, pedagogical technology, method, education, reader, writer, children's literature.

Maktablarda boshlang'ich sinf o'quvchilariga ta'lim-tarbiya berishdagi, ularning bilim va ko'nikmalarini yanada oshirishdagi muhim vazifalar o'qish mashg'ulotlari orqali amalga oshiriladi. O'qish va nutq o'stirish darslari jarayonida Davlat ta`lim standarti belgilagan mavzular asosida o'quvchilarga muayyan bilim beriladi. O'qish ko'nikmalarini takomillashtira borish bilan bir qatorda o'quvchilarni

barkamol yetuk inson ruhida tarbiyalash vazifasi ham diqqat markazda bo'ladi. Boshlang'ich ta'limda o'qish va nutq o'stirish dasturining maqsad va vazifalariga ko'ra o'qish mashg'ulotlari orqali o'quvchilar to'g'ri, ongli, ravon, tez va ifodali o'qishga o'rgatiladi. Bolalar bu jarayonda kitob bilan ishlash ko'nikmasiga ega bo'la boradilar va ularga kitobga muhabbat tuyg'usi uyg'otiladi.

O‘qish darslarining asosiy vazifasi bolalarda xalq og‘zaki ijodiga, adabiyotga qiziqish uyg‘otish, kitobni sevish, undan mustaqil foydalana olish ko‘nikmalarini shakllantirish, ma’naviy barkamol insonni tarbiyalashdan iborat. Albatta, bular muayyan asar ustida ishlash orqali amalga oshiriladi. Boshlang‘ich sinf o‘qish darslarida chet el adiblarining asarlarini o‘qish, asar matni ustida ishlash uchun dars soatlari ajratilgan.

O‘qish darslarida bolalarning ijodiy faolligini oshirish uchun o‘quvchilarning o‘qilgan va kuzatgan materiallar asosida asarni sahnalashtirish, hikoya qilish, og‘zaki hikoyalar tuzish, rollarga bo‘lib o‘qish, tanlab o‘qish kabi topshiriqlarni bajartirish foydalidir. Bolalarni o‘qishga o‘rgatishda ularning ko‘rgan-bilgan voqealaridan, shuningdek, ilg‘or pedagogik texnologiya metodlaridan foydalanish ham nazarda tutilgan.

Dilshod Rajab o'zbek bolalar she'riyatining istedodli vakillaridan biri. U 1964-yil Buxoro viloyatining Shofirkon tumanida ziyoli oilasida tug'ildi. 1982-yil A. Navoiy nomli 4-o'rta maktabni oltin medal bilan bitirib, Nizomiy nomidagi Toshkent Davlat pedagogika instituti (hozirda universitet) o'zbek tili va adabiyoti fakultetiga o'qishga kirdi. 1983-1985-yillar harbiy xizmatda bo'lib qaytgach tahsilni davom ettirdi. 1989-yil oliy dargohdagi tahsilni tugatib, o'zi o'qigan 4-maktabda o'qituvchi bo'lib ishladi. 1990-1993-yillar Nizomiy nomidagi TDPI aspiranturasida o'qib. Filologiya fanlari doktori, professor P.Shermuhamedov ilmiy rahbarligida “80-yillar o'zbek bolalar she'riyatida poetik mahoratning ayrim masalalari” mavzusida nomzodlik ishini yozib, himoya qildi.

U 1994-2004-yillarda O'zbekiston Davlat matbuot qo'mitasida, O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi “Adabiyot jamg'armasi” nashriyotida, Respublika “Shahidlar xotirasi” xayriya jamg'armasida turli lavozimlarda ishladi. 2005-yildan buyon O'zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligining “Muhofaza+” jurnali, “Vaziyat” gazetasi birlashgan tahririyatida bosh muharrir lavozimida faoliyat yuritmoqda. Yuzdan ortiq ilmiy, ilmiy-ommabop va publisistik maqolalari chop etilgan.

Jurnalistika sohasida VI “Oltin qalam” Milliy mukofoti uchun xalqaro tanlov sovrindori (2011-yil).

Shoir, filologiya fanlari nomzodi Dilshod Rajab o'zining bolalarga atalgan qator kitoblari, ilmiy va ilmiy-ommabop maqolalari bilan o'zbek bolalar adabiyoti rivojiga o'z hissasini qo'shib kelmoqda.

Uning bolalarga atalgan “Qorqiz sovg'a keltirdi” (1989-yil, hammualliflikda), “Hazilkashlar davrasida” (1991, hammualliflikda), kitoblari chop etilgan.

Xususan mustaqillik davrida faol ijod qilib quyidagi to'plamlarni chop ettirdi:

“Otamning bog'i” (“Cho'lpon” nashriyoti, 1996-yil),

“Daryo ko'ngil” (G'.G'ulom nomidagi nashriyot 1997-yil),

“Jilvon o'g'loni” (“O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi adabiyot jamg'armasi” nashriyoti 2001-yil),

"Alifbo" ("O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi adabiyot jamg'armasi" nashriyoti 2001-yil),

"Tanish tovushlar" ("Zarqalam" nashriyoti 2006-yil),

"Sukut sarhadi" ("Zarqalam" nashriyoti 2006-yil),

"O'n o'rtoq" ("O'qituvchi" nashriyoti 2011-yil)

"Hamro polvon" ("Abu Matbuot" nashriyoti 2011-yil)

"Poyezdning bolasi" ("Muharrir" nashriyoti 2013-yil)

Dilshod Rajab, shuningdek, mustaqillik davrida davriy matbuotda yuzga yaqin chiqishlar qildi. O'ndan ziyod to'plamlarga so'z boshi va taqrizlar yozdi. U ayni paytda O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi bolalar va o'smirlar adabiyoti kengashi a'zosi sifatida ham faoliyat ko'rsatmoqda.

Ijodkorning bolalarga bag'ishlangan bir necha she'rlarini o'quvchilarga zamonaviy pedagogik texnologiyalar asosida tushuntirish dars sifatini, o'qituvchi metodologik g'oyalarini o'sishiga, rivojlanishiga xizmat qiladi.

**OSHQOVOQNING SHIKOYATI**

O'ylamasdan bir gapni
Aytaverar Mirsaid,
Men bekorga pushtada
Yotmayman-ku ishshayib,
Xo'p mazali qilaman
Odamlaming oshini,
Nega menga o'xshatar
Norbo'taning boshini.

**QISHKI YURISH**

Nima bizga qish-chilla,
Chiniqqanmiz po'latday.
Izg'irin qilichiga
Qalqon bizning ko'kraklar.
Yo'l olamiz maktabga
Ayozdan qo'rqmay, olg'a!
Gijirlaydi g'azabdan
Qishning tishi - oq qorlar.

**QARASH**

Kungaboqar chindanam
Menga juda yoqadi.
U doim yolg'izlikka,
Yuksaklikka boqadi.
Lekin hamma ham unga
Shu ko'z bilan qaramas.
Ba'zilar bor hayotda
Fikri-zikri qorin, nafs.
Farqi yo'qdir ularga
Qay tomonga boqishi.
Ular uchun muhimi

Pistasini chaqishi.

**TANDIRGA HAZIL**
Sen borki, non — hayot bor,
Jon tandirjon, olma san.
Lekin, lekin bunchalar
Og'zi ochiq bo'lmasang.
Kuyib-pishib qolasan,
Qiynab shirin joningni,
Uzib olib ketarlar,
Og'zingdagi noningni.

**QO'YNING SHIKOYATI**
Echkivoy bilan yashash—
Rosti, tegdi jonimga.
Bigizday shoxlarini
Niqtab turar qornimga.
Yem-hashakning yaxshisin—
Tanlab, avval u yeydi.
Bir gap desam, shoxlarin—
O'qtalib, „jim bo'l", deydi.
Ne ham derdim, ko'naman,
Buncha zolim bo'lmasa?!
Qiyin ekan yashamoq—
Boshda shoxing bo'lmasa!

**PIYOLANING HAZILI**
Choynak, do'stim, ne uchun
Burning doim osmonda?
Haa, bilaman, og'zingga
Quyib turar Qumg'onlar.
Lekin menga kerilma,
Jilmasdan shu o'rnimdan
Ichganingni barini
Tortvolaman burningdan.

Ijodkorning bola tarbiyasida muhim o'rin tutgan yuqoridagi she'rlarini o'rganish hamda o'rgatishda turli xil metodlardan foydalanish mumkin.

**"CHARXPALAK METODI".** O'quvchilar guruhlarga bo'linib, ularga she'r yuzasidan topshiriqlar yozilgan varaqa tarqatiladi. Ushbu metod orqali o'quvchilar she'r badiiyati, muallif ko'zlagan maqsadni bilib oladilar hamda mantiqan fikrlab, berilgan savollarga mustaqil ravishda to'g'ri javob berish va o'zini-o'zi baholashga o'rgatadi va qisqa vaqt ichida o'qituvchi tomonidan barcha o'quvchilarni egallagan bilimlarini baholashga qaratiladi. Ushbu metodni qo'llash jarayonida o'quvchilar o'z fikrlarini mustaqil bayon etishga, guruh bo'lib ishashga, boshqalar fikrini hurmat qilishga o'rganadilar.

Xulosa qilib aytganda, O'qish darslarida o'quvchilar asarning o'xshatish, sifatlash, mubolag'a, jonlantirish kabi badiiy-tasviriy vositalarni, yaqin ma'noli,

qarama-qarshi ma'noli, ko'p ma'noli so'zlar, iboralar ustida ishlashni, she'riy asarlarni o'qiganda misralarni sharhlashni o'rganadilar. Bu esa o'quvchilarning estetik didini oshirish imkonini beradi. O'qish darslari tevarak-atrof, ijtimoiy foydali mehnat bilan o'zaro uzviy bog'liq holda bo'lishi lozim.

**Adabiyotlar:**

1. Dilshod Rajab hayoti vaijodi. Dilshod Rajab she'rlari to'plami https://ilmlar.uz/ dilshod-rajab-hayoti-va-ijodi/
2. Dilshod Rajab (1964) https://n.ziyouz.com/portal–haqida /xarita/ uzbek-sheriyati/ zamonaviy-o-zbek-she-riyati/dilshod-rajab-1964
3. Dilshod Rajab hayoti, faoliyati,asarlari, mukofotlari https://baxtiyor.uz/dilshod-rajab-haqida-ma-lumot/
4. https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/8587/6307
5. file:///C:/Users/User/Downloads/Telegram%20Desktop/2023%20Chexiya%20maqolam.pdf

# РУҲИЙ ҲОЛАТЛАРНИ ИФОДАЛОВЧИ ЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАР
## (Ш.Исахонова романлари мисолида)

**Шоирахон Умарова**,
**Ўзбекистон давлат хореография академияси**
**матбуот котиби, мустақил тадқиқотчи**

**Аннотация**. Мазкур мақолада таниқли ўзбек ёзувчиси Шаҳодат Исахонованинг тарихий романларида инсон психологик ҳолатини ифодаловчи лингвистик воситалар тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** руҳият, ҳолат, ифода, бирикма, феъл, муносабат, эмоция, тасниф, изтироб, инсон.

**Аннотация.** Бұл мақалада белгілі өзбек жазушысы Шаходат Исахanованың тарихи романдарындағы адамның психологиялық күйін білдіретін тілдік құралдар зерттеледі.

**Түйін сөздер:** рай, күй, өрнек, жалғау, етістік, қатынас, сезім, жіктеу, азап, адам.

Таниқли адиба Ш.Исахонова сўз қадри ва масъулиятини чуқур ҳис қилади. Унинг тарихий романларида руҳий ҳолат феъллари ва унинг равишдош, сифатдош шакллари шунингдек, сифатлар ва иборалар муаллиф нутқида, яъни персонажлар характери ва руҳий ҳолатини тавсифловчи ёки бир персонажнинг бошқа бир персонаж тавсифини келтирган ўринларда нисбатан кўпроқ қўлланади. Зеро, инсоннинг психологик ҳолати ҳолат ифодаловчи *феъллар, иборалар, кенгайган бирикмалар, ундов сўзлар* ва бошқа тил бирликлари орқали ифодаланиши мумкин. Шаҳодат Исахонова асарларида ана шундай қуюқ бўёқдор тасвирий ифодалар самарали қўлланган.



Маълумки, ўзбек тилида ҳолат феъллари 4 турга ажратилади:

а) ички ҳолат (руҳий кечинмалар билан боғлиқ): *эслаш, унутиш, ёдлаш, тубанлашмоқ;*

б) ташқи ҳолат (ички ҳолатнинг намоён бўлиши билан боғлиқ): *хафа бўлмоқ, шодланмоқ, эсанкирамоқ, довдирамоқ, ғазабланмоқ;*

в) жисмоний ҳолат (инсон танаси билан боғлик): *ҳолсизланмоқ, куймоқ, кучланмоқ, заифлашмоқ;*

г) ижтимоий ҳолат (жамият билан боғлик): *бойимоқ, камбағаллашмоқ, кўтарилмоқ, урилмоқ, қувғин бўлмоқ*[211]

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, жисмоний ҳолатни ифодаловчи айрим феъллар кўчма маънода *руҳий ҳолатни ифодаловчи феъл*га айланади.

1. *Аямнинг қўли* ***куйиб*** *уйда касал ётибди, ишга боролмаяпти", - дедим…*(Сўзлашув нутқидан)

2. *Операция ва дори-дармонлар Зумрад Содиқовнани анча* ***заифлаштириб қўйган экан.*** *Зинапоядан тўртинчи қаватга кўтарилгунча нафаси тиқилиб, уч-тўрт марта тўхтаб олди.* (П.Қодиров, “Олмос камар”)

3. *Ёлғиз қизидан бир умр айрилганига* ***куйиб,*** *адойи тамом бўлаёзган аёл худди сувсизликдан қовжираб, сўлий бошлаган ниҳол бехос ёққан ёмғирдан тирилгани каби қоқсуяк танасига жон экиб, ғам-андуҳдан бемаврид ажин тушган юзи ёришганича, унга тикилиб-тикилиб қарар, ўзини қўярга жой тополмай, жилмаярди.* (Ш.Исахонова, “Бибихоним”)

4. *Бибихоним гапираркан, кўксини аччиқ бир нарса* ***куйдириб ўтганини*** *ҳис қилди.* (Ш.Исахонова, “Бибихоним”)

5. *Гавҳаршод бегим зиналардан пастга қандай энди, ўзи ҳам билмади.* ***Бўғзини куйдираётган*** *хўрлик, бағрини эзаётган андуҳ шу қадар кучли ва аламли эдики, бундай аччиқ изтиробни у ҳаёти давомида иккинчи маротиба туймоқда эди...* (Ш.Исахонова, “Гавҳаршодбегим”)

6. *Бибихоним Кўксаройга элтадиган мармар йўлаклардан юриб бораркан, кечадан бери хаёлини таъқиб этаётган ички бир ваҳимани қувишга ҳаракат қилар, ўзини чалғитиш учун ҳаётидаги ширин ва қувончли дамларни эслар, лекин негадир тобора* ***заифлашиб,*** *сўниб* ***бораётган руҳи*** *ихтиёрига бўйсунмаётган эди.* (Ш.Исахонова, “Гавҳаршодбегим”)

1-, 2-жумлалардаги *куймоқ, заифлашмоқ* феъллари ўз маъносида жисмоний ҳолатни ифодаласа, 3-, 4-, 5-, 6-жумлалардаги шу феъллар кўчма маънода руҳий ҳолатларни ифодалаган.

Ҳолат феъллари Р.Расулов томонидан монографик планда тадқиқ қилинган. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари объектив асосига кўра табиат ва

---

[211] Сайфуллаева Р.Р., Менглиев Б.Р., Боқиева Г.Ҳ., Курбонова М.М., Юнусова З.Қ., Абузалова М.Қ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. Т.: 2006. – Б. 178

жамиятдаги, ўсимликлар ва ҳайвонот оламидаги, инсон биологияси, физиологияси ва психикаси билан боғлиқ муайян жараёнларни ўз ичига олади. Демак, ҳолат феъллари моддий асосига (объектига) кўра кенглиги ва мураккаблиги, материяга хос турлича ҳолатларни ўзига "жойлаштириши" билан бошқа семантик майдонга кирувчи феъл лексемалардан ажралиб туради.[212] Шу билан бирга, "Фарқловчи семалар ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг мустақиллигини кўрсатувчи семантик белги сифатида хизмат қилади. Уларда сўз маъносининг ўзига хосликлари, ҳиссий-таъсирчан бўёғи, нутқий хосланиши акс этади"[213].

М.О.Абдуллаева "Салбий муносабат ифодаловчи руҳий жараён феъллари" мақоласида Абдулла Қодирий романларида бундай феъллар хабар (дарак) мазмуни билан бирга таъсирчанлик ифодалаши, баъзи ҳолларда эса таъсирчанлик хабар (дарак) мантиқий ифодасига нисбатан устунлиги, ортиқлиги билан фарқланиши хусусида фикр юритилади. Демак, хулоса қилиб айтиш мумкинки, руҳий ҳолат ифодаловчи феъллар ижобий ва салбий эмоционал жараёнлар ва улар билан боғлиқ ҳолда инсоннинг кайфиятида, руҳиятида рўй берадиган турлича ўзгаришларни ифодалайди. Ўзбек тилида уларнинг кўлами анча кенг бўлиб, нутқимизда фаол қўлланади.

Руҳий ҳолат билдирувчи сифат ҳолат билдирувчи сифатларнинг ички тури сифатида белгиланади: *хафа, ғамгин, маъюс, хурсанд, шод*.[214]

*Хонлар бегимнинг* ***мамнунлигини*** *ҳам,* ***хафалигини*** *ҳам билиб бўлмасди.* (Ш.Исахонова, "Бибихоним")

*– Мавлоно ҳазратлари, сизни кўрганимдин* ***хурсандмен...*** *– деди Шоҳрух мирзо жилмайишга ўхшаш кинояли табассум билан. – Лек қулоқларим туйган хабардин дилим қанчалик озор чекканини сўйлашга тилим бормайдур! Ёш, тажрибасиз шаҳзодамизга сиздай ёши улуғ, кўпни кўрган, донишманд, энг асосийси, ота қадрдонимиз суянч, таянч бўладур деган маънода ўзим ҳузурига йўллаганимдин афсусдамен. Чунки бул қадар шаккокона байтлар бирлан анинг кўнглини бузмоқни ҳар касдин кутган бўлсам ҳам, сиздин бекламаган эрдим!* (Ш.Исахонова, "Гавҳаршодбегим")

Мазкур парчада эса *хурсанд* сифати кесим вазифасида келиб, киноя усули билан тескари маъно англатиб, сўзловчининг *хурсанд* эмас, аксинча, ҳамсуҳбатидан хафа эканлиги ифодаланмоқда. Кейинги жумлаларда эса ана шу хафалик сабаблари изоҳланган.

---

[212] Расулов Р Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. Тошкент: Фан, 1989.
[213] Р. Ўзбек тили феълларининг маъно тузилиши. Монография 2-. нашри. – Т: 2008. – Б. 6 (142 б.)
[214] Сайфуллаева Р.Р., Менглиев Б.Р., Боқиева Г.Ҳ., Қурбонова М.М., Юнусова З.Қ., Абузалова М.Қ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. Т.: 2006. – Б. 224 (– 391 б.)

*Хафа, хурсанд* лексемалари, кўпинча, *хафа бўлмоқ, хурсанд бўлмоқ* каби




қўшма феъллар таркибида учрайди.

- *Менинг кўнглимга эрса, негадур ғалати бир совуқлик кирмиш,* - *деди* ***хафа бўлган*** *Бибихоним ва кўзларига қалққан ёшни кўрсатмаслик учун юзини ўгирди-да, тез-тез юрганича, бориб манқалнинг кул босган чўғларини пуфлай бошлади.* (Ш.Исахонова, “Бибихоним”)

– *Маҳди улё малика бибимиз менинг тирик эрканлигимни билдиларму? – деди эшик оғасининг ортидан ичкарига кирган Турконшоҳга. – Камон ўқининг оғриғига қандай чидаганимни ҳам айтдингизму?*

– *Айтдим, ҳаммасини айтдим, олампаноҳ! Неки деган бўлсангиз ҳеч бирини қолдирмадим! Маҳди улё бибингиз роса* ***хурсанд бўлдилар****! – қўлидаги тугунни бир четга қўйганича, таъзим қилди Турконшоҳ ва Алишербекка кўзи тушиб, салом берди. – Сизларга маликамизнинг бир дунё саломларини келтирдим!* (Ш.Исахонова, “Гавҳаршодбегим”)

Одатда, жисмоний ҳолат феъллари билан ифодаланадиган инсоннинг ташқи кўринишидаги ҳолатлар ва хатти-ҳаракатлар ҳам, кўпинча, ички руҳий ҳолат билан боғлиқ равишда кечади. Хусусан, Ш.Исахонова асарларида ана шундай вазиятлар **сифатдош оборот + кўйи кўмакчиси + феъл (ёки ибора)** шаклида ифодаланиши кузатилди.

- *Шод Мулк... – устанинг оғзидан ҳайрат тўла мана шу сўздан бошқа жўяли гап чиқмади. Шошиб қолганидан* ***ақли-хуши бошидан учган кўйи*** *сўз ахтариб, ёнидаги жиянига ўгирилди. – Уни танидингму?! Ўзимизнинг Шод Мулк эркан!* (Ш.Исахонова, “Бибихоним”)

Матндаги *ақли-хуши бошидан учган кўйи* ифодаси персонажнинг ҳаяжонланганини, ички руҳиятида зўриқиш, хурсандлик кучлилигини англатади.

*Амир Худойдод Ҳусайнийнинг кўзлари тубига яширинган ҳадикни, қўрқув аралаш қаҳрли шумликни биргина эшик оғаси илғади. Лекин кўнглига келган*

*гумонни Шод Мулкка билдиришнинг имконини тополмади, томоқ қирганича, атрофида айланган бўлса-да, шубҳасини ичига ютди. Юраги ёмонликни ҳис этиб, тахтиравонли шоҳона арава кўздан йўқолгунича, **мум тишлаган кўйи** нуқтага айланаётган суворийларга термулиб қолди.* (Ш.Исахонова, "Бибихоним")

Айтилиши керак бўлган гапни айта олмайдиган вазиятда инсон ботинида ички зиддият кучаяди, ўзи билан ўзи курашиб, индамасликка мажбур бўлади. Эшик оғасининг мана шундай ҳолатини *"мум тишламоқ"* ибораси ўринли ифодалай олган.

Ю.Д.Апресян ва Л.М.Васильевларнинг фикрларига таянган ҳолда ўзбек тилидаги руҳий ҳолат ва унинг физиологик кўринишларини ифодаловчи кўчма маъноли сўзлар ва фразеологизмларни таҳлилга тортамиз.

*Ирисқулибий "ҳеч нарсадан хабарим йўқ" дегандай бош чайқади. Ер остида илон қимирласа биладиган Жумабий қайтоқи ҳам елка қисгач, шайхулисломнинг **патагига қурт тушди.*** (Ш.Исахонова, "Нодираи даврон")

**Патак** – оёқ кийими ичига қалин ва юмшоқ матодан қирқиб солинадиган тўшама. ***Патагига қурт тушди*** айн. ***пайтавасига қурт тушди*** иборалари *безовта бўлиб, ташвишланиб, елиб-югуриб қолди* (ЎТИЛ, 3-жилд, 204-, 236-б.) деган маънони англатади.

*Абусаид мирзо ялт этиб волидасига қаради. Қовоқларини уйганича, нимадир дейишга чоғланди-ю, лекин индамади. У чиндан ҳам Робия Султонни ёқтириб қолган, лекин бу ҳақда ҳатто волидасига ҳам оғиз очишга **юраги бетламасди.*** (Ш.Исахонова, "Гавҳаршодбегим")

*– Ўлим ҳақ... – Шоҳрух мирзонинг кўзларидаги нур сўнгандай бўлди. Гавҳаршод бегимнинг қўлларини тутиб турган бармоқлари ҳам бўшашди. – Лек менсиз, ёлғиз сизга қийин бўладур, Гавҳарим...*

*Гавҳаршод бегимнинг **юраги бир қалқиб тушди**.* (Ш.Исахонова, "Гавҳаршодбегим")

Контекстдаги ***юраги бир қалқиб тушди*** ибораси Шоҳрух мирзо фақат илк келинлик даврида шундай чақирганлиги ёдига тушиб, маликанинг қалбидаги ширин хотиралар уни ҳаяжонга солганлигини қисқа ва лўнда, образли тарзда ифодалашга хизмат қилган.

*– Маҳди улё маликам... – **нафаси ичига тушиб кетган** меъмор Шерозий елкаларини қисди.*

*– Э, э, э... ас... салому алай...кум! – қиз кириб кетган хонақоҳдан чиққан Бойсунғур мирзонинг афт-ангорига кўзи тушган маликанинг **юраги орқасига тортиб кетди.** Шаҳзода оёқда базўр турар, сўзларни қийналиб гапираётганлигидан лаблари қийшайиб кетарди.* (Ш.Исахонова, "Гавҳаршодбегим")

Бойсунғур мирзонинг қурилиш майдонида канизак билан қувалашиб юргани устига маҳди улёнинг келиб қолиши меъморни ҳам ноқулай аҳволга солиб қўяди, бундан ўта хижолат бўлган ва ҳаяжонланган ҳолати ***нафаси ичига тушиб кетган*** ибораси орқали ифодаланган. Шаҳзоданинг ўзини бу тахлит тутиши эса Гавҳаршодбегимга ҳам қаттиқ таъсир қилади, унинг ҳолатидан чуқур изтиробга тушади. Маликанинг воқеликка нисбатан ички руҳий муносабати

***юраги орқасига тортиб кетди*** иборасида образли тасвирланиб, экспрессивликни таъминлаган.

Хулоса қилиб айтганда, турли психологик-эмоционал ҳолатларнинг бадиий ифодасида ҳолат феъллари, сифат, равиш, кенгайган бирикма ва иборалар фаол қўлланилиб, ҳар бирининг ўзига хос функционал жиҳатлари намоён бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Апресян Ю.Д. Образ человека по данным языка: попытка системного описания // Вопросы языкознания. 1995. № 1. – С. 37-65
2. Долиева Л. Эмотив фразеологизмлар – ҳиссиётлар инъикоси (француз тили материалида) // Хорижий лингвистика ва лингводидактика.. 2023, № 2. – Б. 22-30
3. Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. Тошкент: Фан, 1989.
4. Расулов Р. Ўзбек тили феълларининг маъно тузилиши. Монография 2-нашри. – Т:2008.
5. Сайфуллаева Р.Р., Менглиев Б.Р., Боқиева Г.Ҳ., Қурбонова М.М., Юнусова З.Қ., Абузалова М.Қ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. Т.: 2006.

# MA’NO KO’CHISH HODISASINING OG‘ZAKI VA YOZMA NUTQDAGI AHAMIYATI

**Mahkamova Guluzroxon Abdumutalibovna**
**Andijon davlat pedagogika instituti**
**Boshlang‘ich ta’lim metodikasi kafedrasi o‘qituvchisi**

**Annotatsiya.** Ona tili o‘qitishning asosiy maqsadlaridan biri o‘quvchilarga ona tilidagi so‘zning ma’no va mohiyatini o‘rgatishdan, so‘zni his etishga yo‘llashdan iborat. Bunda so‘z ma‘nolarini o‘zlashtirish, uni nutqda to‘g‘ri va o‘rinli qo‘llash malakasining hosil qilinishi alohida o‘rin tutadi. Ushbu maqolada ma’no ko‘chish hodisasining og‘zaki va yozma nutqdagi ahamiyati haqidagi fikrlar berilgan.

**Kalit so‘zlar:** Metafora, metonimiya, sinekdoxa, vazifadoshlik, og‘zaki va yozma nutq, to‘g‘ri va ko‘chma ma‘no.

Metafora, metonimiya, sinekdoxa, vazifadoshlik kabi ma’no ko‘chish turlarini nutqda qo‘llashdan ko‘zlangan asosiy maqsad va uning ta‘siri ma’no ko‘chish turlarining uslubiy ahamiyatini, ko‘chma ma’noli so‘zlarning ma’no nozikliklarini o‘rganish orqali ochib beriladi. Jumladan, metaforaning uslubiy ahamiyati shundan iboratki, nutq jarayonida undan o‘rinli foydalanish nutqimizni ta’sirchan va jozibali bo‘lishiga sabab bo‘ladi. Metafora nutqning ta‘sirchanligiga o‘zining ta‘sirini ko‘rsatishini bir qancha misollar yordamida ko‘rib chiqishimiz mumkin. Masalan, *odamning burni – geografik burun, ko‘ylakning etagi – daryoning etagi* kabi. Bu o‘rinda predmatlarning tashqi o‘xshashliklariga alohida ahamiyat berilgan. Shuningdek, ularning ichki o‘xshashliklari, vazifaviy bir xilliklari asosida ham ma’no ko‘chiriladi. Misol uchun: *toza kiyim – toza odam, to‘g‘ri chiziq – to‘g‘ri gap, onam keldi – suv keldi* kabilarni keltirish mumkin. Metafora hosila ma’no yuzaga kelishi hodisalarining eng faoli hisoblanadi. U tilshunoslikda qayd etilishicha, hosila ma’no yuzaga kelishini hosil qiluvchi va hosila ma’nolari o‘zaro o‘xshash kelishiga asoslangan ko‘rinishidir. Bu izoh deyarli tilshunoslar tomonidan tan olingan. Metafora

va uning uslubiy xususiyatlarini oʻrganish jarayonida badiiy asarlardan olingan misollarni tahlil qilish oʻquvchilarni oʻylashga, mushohada yuritishga oʻrgatadi.

*Senga nimadir aytmoqchi boʻlar,*
*Sogʻinchdan titranib mangulik labi*. (U. Azim)
*Novdalarning titroq tanida*
*Sirgʻanadi shamolning qoʻli*. (U. Azim)
*Men koʻcha kezaman. Yogʻa boshlar qor*
*Oppoq qoʻlchalarin yelkamga tashlab*. (U. Azim)

Keltirilgan misollardagi metaforalar, asosan, tashqi oʻxshashlik asosida inson aʻzolarining nomlarining tabiat hodisalariga koʻchishi natijasida hosil boʻlgan boʻlib, ularni topish, badiiylikni taʻminlashdagi oʻrnining nimadaligini aniqlash oʻquvchilarga topshiriq sifatida beriladi, ularning fikrlari tinglanadi. Bunday topshiriqlarni bajarish oʻquvchilarning nutqini oshirishga xizmat qiladi. Badiiylikni oshirishda anʻanaviy metaforalardan koʻra xususiy-muallif metaforalarning ahamiyati katta ekanligini aytib oʻtish, oʻquvchilarga hayvon nomlari, oʻsimlik nomlari asosidagi koʻchishlar haqida ham maʻlumot berib oʻtish lozim. Metaforadan unumli va toʻgʻri foydalanish uslubiy jihatdan juda katta ahamiyat kasb etadi. Metafora kabi metanomiya ham oʻquvchi nutqining taʻsirchan, hissiy boʻyoqlarga boy boʻlishida juda muhim vosita sanaladi. Navoiyni oldim qoʻlimga deydilar. Navoiyni qoʻlga olib boʻladimi? U buyum emas-ku qoʻlda koʻtaradigan!? Bedilni oʻqir edim deydilar. Bedil kitob emas-ku!? Samovarda osh yedik deymiz. Samovar ustiga oʻtirib osh yeb koʻring-chi, kuyib qolasiz... Hojiboy Tojiboyevning “Oʻzbekning gapi qiziq” ruknidagi bunday ichakuzdi hangomalarini koʻp eshitgansiz va huzur qilib kulgansiz, lekin bu hangomalardan nima uchun kulishimiz sababini bilasizmi? Hojiboy Tojiboyevning mahorati shundaki, u soʻzning toʻgʻri va koʻchma maʻnolarini anglagan holda koʻchma maʻnolarda qoʻllangan soʻzlardan toʻgʻri va oʻrinli foydalana oladi. Shuning uchun ham uning hangomalariga hammamiz miriqib kulamiz. Yuqoridagi keltirilgan gaplar tarkibida kulgi qoʻzgʻatish uchun asos boʻlgan soʻzlarning barchasi koʻchma maʻnoning bir turi metonimiyaga asoslangan. Metonimiya orqali koʻchma ma’no hosil qilish fikrimizni loʻnda, ifodali, ta’sirchan bayon qilishning bir yoʻli sanaladi. Bulardan tashqari metonimiyaga yana quyidagicha misollar keltirishimiz mumkin. Masalan: 1. *Rossiya*ga qanday borsam boʻladi? (bekatdagi yoʻlovchining murojaati). 2. *Ichak-chovog*ʻim tugadi, endi *kalla* sotaman. (qassobning gapidan). 3. Mabodo, *“Besh bolali yigitcha”* kelmadimi? (kitobxonning sotuvchiga bergan savolidan). 4. Navbatim sumka koʻtargan *jinsi*dan keyin. (xaridorning javobi). Ma’no koʻchish turlarining yana bir turi sinekdoxa haqida gap borar ekan, uning nutqimizning yanada taʻsirchan va boʻyoqdor boʻlishidagi taʻsirini inkor etib boʻlmaydi.

— Farzandi bormi?
— *Tirnoqqa* zor.

Yuqoridagi dialogda tinglovchi soʻzlovchining savoliga “Yoʻq!” deb javob berishi ham mumkin edi, lekin u “tirnoqqa zor” iborasini ishlatishni maʻqul koʻrdi. Bu bilan suhbat mavzusiga aylangan shaxsning farzandi yoʻqligini bayon qilish bilangina cheklanib qolmasdan, uning farzand koʻrishga tashnaligini ham alohida taʻkidlab koʻrsatdi. Nima uchun farzand yoki bola oʻrniga tirnoq soʻzi ishlatilyapti? Tirnoq bolaning bir kichkinagina aʻzosi. Shu aʻzoga ham zorligi, tashna ekanligini bildirish bilan bolaga zor ekanligi boʻrttirib koʻrsatilyapti. Koʻchalarni *chiroq*lar yop-yorugʻ

qilib turibdi. *Chiroq* piligini pasaytirdi. Yuqoridagi ikki gapda qoʻllanilgan *chiroq* soʻzining maʻnosiga eʻtibor bersangiz, u bir xil vazifa bajaruvchi ikkita bir-biriga oʻxshamaydigan narsalarni ifodalayotganining guvohi boʻlasiz. Birinchisida "elektr toki orqali yorituvchi noksimon (lampochka) yoki tayoqsimon asbob"ni, ikkinchisida esa "kerosinga pilik solish vositasi bilan yorituvchi, asos va shisha qismlardan tashkil topgan asbob"ni bildiradi. Bu asboblar shakliga koʻra bir-biriga oʻxshamaydi, makon va zamonda ularning aloqadorligi ham yoʻq, lekin har ikkisi yoritish vazifasini bajaradi. Ana shu vazifaviy bir xillikka koʻra ilgari yogʻga pilik tekkizish orqali yoritiladigan shishasiz, ochiq asbob nomi keyinchalik asos qismga shisha oʻrnatilgan yoritgich asbobni, keyinroq esa elektr tokidan foydalanishga oʻtilgandan soʻng lampochkalarni ham ifodalash uchun qoʻllaniladi. Natijada chiroq soʻzi bir-biriga oʻxshamaydigan xilma-xil yorituvchi vositalarga nisbatan qoʻllanila boshlandi. Vazifadoshlik deb muayyan narsaning vazifasini ikkinchi bir narsa bajarishi natijasida avvalgisining nomi bilan keyingilarini ham ifodalashdir. Vazifadoshlik asosida vujudga kelgan soʻzlarni bilish, ularning ilgari qanday shakldagi narsalarni ifodalaganligini anglash tilimiz imkoniyatlarining naqadar boy ekanligini his qilishimizga yordam beradi. Ma'no koʻchishining vazifadoshlik kabi turi ham nutqimizning ta'sirchanligini oshirishda, ifodali, jozibali boʻlishida katta ahamiyatga ega. Oʻquvchilarning nutqining goʻzalligi, boyligi, taʻsirchanligi asosan ularning lugʻat boyligi bilan bogʻliq. Boshlangʻich sinflardan boshlab akademik litsey va kasb-hunar kollejlarigacha boʻlgan davrda oʻquvchilar oʻrganadigan soʻzlar lugʻati kengaytirilib boriladi. Bunda bir qator xususiyatlar eʻtiborga olinadi. Xususan:

- soʻzlarning amaliy ahamiyati, yaʻni butun taʻlim jarayoni uchun maʻrifiy ahamiyatga ega boʻlgan soʻzlar;
- soʻzlarning amaliyotda qoʻllanish darajasi, uning muntazam yoxud alohida holatlardagina qoʻllanishi;
- soʻz maʻnosining toʻla tushunilishi, oʻrinli va nutqiy vaziyatga mos ravishda ishlatilishi nazarda tutiladi.

Soʻzning oʻz va koʻchma maʻnosini oʻrganish ham ushbu xususiyatlarni yuzaga chiqarishda muhim mavzu hisoblanib, uni oʻrganish jarayonini quyidagilarni eʻtiborga olgan holda olib borish mumkin.

Topshiriq: quyidagi gaplarni oʻqing. Oʻz va koʻchma maʻnoda kelgan soʻzlarni ajrating. *Meʻmornikida bir yorqin Havo ochiq. Yulduzlar Yulduz oʻsyapti. U yulduz – Badia. Yorqin nur sochadi. (Mirmuhsin) (Mirmuhsin) Hovlimizda bur gul bor, Har oʻzbekning hovlisini Uning ismi – Zulxumor. Gilam kabi gul bezar. (A. Suyun)*

1-topshiriq. Berilgan gaplardagi *gul*, *yulduz* soʻzlarining maʻnolarini aniqlang. Namuna: 1-ustunda berilgan gaplardagi *yulduz, gul* soʻzlari qiz, farzand maʻnosini beradigan koʻchma maʻnoda qoʻllanilgan. 2-ustundagi mazkur soʻzlar esa oʻz maʻnosida qoʻllangan. Demak, bir xil shakldagi soʻzlar ikkinchi tur maʻnoda ham qoʻllaniladi va mazkur holatni soʻzning koʻchma maʻnosi deb yuritiladi.

2-topshiriq. Gapdagi *gul va yulduz* soʻzlarining uyadoshlarini toping. Namuna: gul – atirgul, chinnigul, gulsafsar, boʻtakoʻz; gul-qiz, farzand, ona, ayol, singil; yulduz – sayyora, Yer, Oy, Quyosh, Mars, Yupiter, Neptun, yulduz – qiz, goʻzal qiz, tarbiyali, aqlli, ilmli qiz va h…

Bu kabi oʻyin topshiriqlar oʻquvchilardagi mantiqiy tafakkurni rivojlantiradi, mustaqil mushohada malakasini chuqurlashtirishga, soʻz boyligini oshirish va boyitishga ijobiy taʻsir koʻrsatadi.

Koʻrib turganingizdek, ma’no koʻchishining turlarini oʻrganishda bilimlarni mustahkamlash, takrorlash va umumlashtirishda soʻzning lugʻaviy maʻnosini tavsiflash, shu jarayonda toʻgʻri va oʻrinli soʻzlash mahoratini egallash uchun leksik tahlildan foydalanish yaxshi natija beradi. Demak, ma’no koʻchish turlarini oʻqitish jarayonida, eng avvalo, oʻquvchilarga uning nutqdagi ahamiyatini tushuntirish, oʻquvchilarni soʻzlarni oʻz va koʻchma maʻnolarini farqlashga, koʻchma maʻnodagi soʻzlarni aniqlay olish, ularni izohlash va oʻz nutqlarida qoʻllay olish darajasidagi bilim, koʻnikma va malakalar bilan qurollanishiga asosiy eʻtiborni qaratish kerak.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Almamatov T., Yadgarov Q. va Almamatova Sh. Oʻzbek tilini oʻqitishda innovatsion pedagogik texnologiyalardan foydalanish. –Toshkent, 2013.
2. Mirtojiyev M. Oʻzbek tilida polisemiya. –T.: Fan. 2010.
3. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз. 2010.
4. Никитина Г.Г. Обучение младших школьников творческим работам на основе интеграции языковой и литературной подготовки. Составление рассказа по серии сюжетных картинок // Начальная школа. – 2007. – № 5.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т. I - М..: Русский язык, 1981.-Б. 380.

# FEATURES, TASKS AND PROBLEMS OF IMPLEMENTATION OF THE CREDIT-MODULAR SYSTEM

**Gulnoza Khasanova Rakhatjanovna**
**Republic of Uzbekistan, is a teacher of Urganch Innovation University**

**Abstract.** The article discusses the pedagogical aspects of the features, tasks and problems of the implementation of the credit-modular system in universities.

**Keywords:** classroom load, module, modular principle, mobility, credit unit, lectures, seminars, academic working hours, independent work.

**Аннотация.** В статье рассматриваются педагогические аспекты особенностей, задач и проблем внедрения кредитно-модульной системы в вузах.

**Ключевые слова:** аудиторная нагрузка, модуль, модульный принцип, мобильность, кредитный блок, лекции, семинары, академическое рабочее время, самостоятельная работа.

The European style of education implies a high activity of students in the educational process, not only as objects of learning, but also as people who directly influence the education system. This requires, on the one hand, a high level of student self-awareness and, on the other hand, dictates the need to change the relationship between student and teacher. Unlike the traditional education system, which can be imagined as a conveyor belt, where a student moves from subject to subject along a predetermined trajectory (general curriculum, the same for everyone), the credit-modular system allows you to recruit various modules, in addition to compulsory

subjects, that is, to form individual curriculum. Thus, the student forms his own educational route, focused on individual needs. In the learning process, each student earns credits, which are a measure of the labor intensity of the student's activity. This system also assumes a project-based form of training - the development and protection of individual or group projects on relevant topics. Other advantages of this system are: a smaller number of simultaneously studied disciplines, individualization of the pedagogical process, practical orientation, as well as the disclosure of students' creative abilities. In modern conditions, this system allows you to train more mobile, competent and in-demand specialists [4].

For European universities, filling the concept of "module" with real content has become an urgent problem. As practice shows, it is difficult to determine the basis for the formation of modules. There may be several options: assembly of modules according to the content-thematic or organizational-structural principle.

In the experience of European universities, there is a double understanding of the module. In the first, a module is understood as a block of disciplines that form a certain interconnected integrity as part of an educational program, which can be regarded as a logical substructure within the general structure of the program. The measure of independence of an educational module is determined by its relative thematic isolation. Here the module is interpreted as a unit of the curriculum in the direction, representing a set of academic disciplines that meet the requirements of the qualification characteristics [2].

The second understanding of the module considers it as a relatively independent organizational and methodological structural unit within the academic discipline, which includes didactic goals, a logically completed unit of educational material, methodological guidance for its development and a control system. The combination of such modules forms the educational and methodological complex of the discipline. When applied to European higher education, the term "module" often refers to the documented completed part of the educational and vocational curriculum (EEP) of an academic discipline. According to the tradition that has developed in Europe, the module is understood as part of the course, for example, as a logically completed part of the subject, timed to coincide with calendar dates.

The mastering of each such module, that is, the fulfillment of the tasks laid down in it, is part of the final grade given as a result of studying the discipline, and in this the modular principle is similar to the rating. The total score given for each course at a European university is usually made up of several components that have a cumulative effect. The mastering of each such module, that is, the fulfillment of the tasks laid down in it, is part of the final grade given as a result of studying the discipline, and in this the modular principle is similar to the rating. For example, 30% of the total mark may depend on the student's academic activity in lectures and seminars, another 30% - on the results of an intermediate test (essay on a given topic, independent work, intermediate control in the form of testing, etc.) and only the remaining 40% - from the examination mark of each course in a European university, usually consists of several components with a cumulative effect. A student who missed a lot of classes, did not pass the intermediate control successfully, can only count on a satisfactory mark on the exam. Conversely, a student who is active in the course of completing current tasks and has accumulated a high rating, even in the case of a not entirely successful answer

on the exam, can receive a high final grade. However, this approach does not take into account the position of the module in relation to other disciplines of the educational program [1].

In the conditions of a credit-modular system, each module should be a completed segment of the educational program, the result of mastering which is the acquisition of a certain set of competencies by the student. And these competencies must be tested and evaluated without fail. It is clear that competencies will be formed over a fairly long time period (at least one semester, and, more likely, several semesters). It seems that the concepts of "section", "subsection", "topic" are more suitable for defining relatively completed educational segments within a semester, but not a module. The module can be understood as a separate fragment of a training course, a thematic block that combines several educational topics mastered in lectures and seminars [3].

Phraseological unity is a semantically indivisible phraseological unit the whole meaning of which is motivated by the meanings of its components.

In general, phraseological unities are the phrases where the meaning of the whole unity is not the sum of the meanings of its components but is based upon them and may be understood from the components. The meaning of the significant word is not too remote from its ordinary meanings. This meaning is formed as a result of generalized figurative meaning of a free word-combination. It is the result of figurative metaphoric reconsideration of a word-combination.

To come to one's sense –to change one's mind;
To come home – to hit the mark;
To fall into a rage – to get angry.

Phraseological unities are characterized by the semantic duality. One can't define for sure the semantic meaning of separately taken phraseological unities isolated from the context, because these word-combinations may be used as free in the direct meaning and as phraseological in the figurative meaning.

Phraseological combination (collocation) is a construction or an expression in which every word has absolutely clear independent meaning while one of the components has a bound meaning .It means that phraseological combinations contain one component used in its direct meaning while the other is used figuratively.

To make an attempt – to try;
To make haste – to hurry;
To offer an apology – to beg pardon.

Some linguists who stick to the general understanding of phraseology and refer to it communicational units (sentences) and winged words, define the fourth type of phraseological units.

Phraseological expression is a stable by form and usage semantically divisible construction, which components are words with free meanings.Phraseological expressions are proverbs, sayings and aphorisms of famous politicians, writers, scientists and artists. They are concise sentences, expressing some truth as ascertained by experience of wisdom and familiar to all. They are often metaphoric in character and include elements of implicit information well understood without being formally present in the discourse.

Prof. A.I. Smirnitsky worked out structural classification of phraseological units, comparing them with words. He points out one-top units which he compares with derived words because derived words have only one root morpheme. He also points out two-top units which he compares with compound words because in compound words we usually have two root morphemes.

Among one-top units he points out three structural types:

a) units of the type "to give up" (verb + postposition type);

To back up – to support;
To drop out – to miss, to omit.

b) units of the type "to be tired".

Some of these units remind the Passive Voice in their structure but they have different prepositions withthem, while in the Passive Voice we can have only prepositions «by» or «with»:

To be tired of;
To be surprised at.

There are also units in this type which remind free word-groups of the type "to be young":

To be akin to;
To be aware of.

The difference between them is that the adjective "young" can be used as an attribute and as a predicative in a sentence, while the nominal component in such units

can act only as a predicative. In these units the verb is the grammar centre and the second component is the semantic centre:

c) prepositional-nominal phraseological units:

On the doorstep - quite near;

On the nose – exactly.

These units are equivalents of unchangeable words: prepositions, conjunctions, adverbs, that is why they have no grammar centre, their semantic centre is the nominal part. Among two-top units A.I. Smirnitsky points out the following structural types:

a) attributive-nominal such as:

A month of Sundays;

A millstone round one's neck.

Units of this type are noun equivalents and can be partly or perfectly idiomatic (if the expression is idiomatic, then we must consider its components in the aggregate, not separately). In partly idiomatic units (phrasisms) sometimes the first component is idiomatic: high road; in other cases the second component is idiomatic: first night.In many cases both components are idiomatic: red tape, blind alley, bed of nail, shot in the arm and many others.

b) verb-nominal phraseological units:

To read between the lines;

To sweep under the carpet.

The grammar centre of such units is the verb, the semantic centre in many cases is the nominal component: to fall in love. In some units the verb is both the grammar and the semantic centre: not to know the ropes. These units can be perfectly idiomatic as well: to burn one's boats, to vote with one's feet, to take to the cleaners' etc. c) phraseological repetitions, such as:

Now or never;

Part and parcel (integral part)[3].

Such units can be built on antonyms: ups and downs, back and forth; often they are formed by means of alliteration: cakes and ale, as busy as a bee. Components in repetitions are joined by means of conjunctions. These units are equivalents of adverbs or adjectives and have no grammar centre. They can also be partly or perfectly idiomatic: cool as a cucumber (partly), bread and butter (perfectly).

Phraseological units the same as compound words can have more than two tops (stems in compound words):

To be a shadow of one's own self,

At one's own sweet will[4].

In linguistics, phraseology is the study of set or fixed expressions, such as idioms, phrasal verbs, and other types of multi-word lexical units (often collectively referred to as phrasemes), in which the component parts of the expression take on a meaning more specific than or otherwise not predictable from the sum of their meanings when used independently. The basic units of analysis in phraseology are often referred to as phrasemes or phraseological units.

Phraseological units are stable word-groups with partially or fully transferred meanings. Phraseological unit is a lexicalized, reproducible bilexemic or polylexemic word group in common use, which has relative syntactic and semantic stability, may

be idiomatized, may carry connotations, and may have an emphatic or intensifying function in a text.

**References:**

1.Кунин А.В. Английская фразеология. ( Теорет. курс. ) М., «Высшая школа»,1970.
2. Арнольд И.В. Лексикология современного англ. языка: [Учеб. для ин-тов и фак. иностр. яз.]. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Высш. шк., 1986.
3.*Федуленкова Т.Н.* Фразеологическая компрессия (на материале современного английского языка) / Московский пед. гос. ун-т, Москва, 2001.
4.*Fedulenkova T.* Phraseological Abstraction // Cross-Linguistic and Cross-Cultural Approaches to Phraseology: ESSE-9, Arkhangelsk; Aarhus, 2009.

# УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИ ЎҚУВЧИЛАРИДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Султанова Венера Калмуратовна**
**Ўзбекистон, Қорақалпоғистон тиббиёт институти**
**Тиллар, ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси**
Телефон:+998907283831 e-mail:sultanovaveneraxalmuratovna@gmail.com

**Аннотация.** Мақалада жалпы білім беру саласында оқушылардың коммуникативтік мәдениетін қалыптастыру мәселелері қарастырылады.

**Түйінді сөздер:** оқушылар, коммуникативтік дағдылар, принциптер, білім беру жүйесін жаңғырту, достық қарым-қатынас.

**Annotation.** The article deals with the formation of the communicative culture of schoolchildren in the field of general education.

**Keywords:** schoolchildren, communication skills, principles, modernization of the education system, friendly relations.

Жамиятимиздаги маданий, иқтисодий ва маънавий тараққиёт шароитида таълим-тарбия соҳасида ўқувчиларнинг мулоқот маданиятини шакллантириш муаммоси, яъни мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия самарадорлигини ошириш борасидаги изланишлар катта аҳамиятга эга бўлиб, бу муоммо кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Мулоқот – бу икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг шахслараро муносабатни ўрнатиш ва сақлаш учун ўзаро алоқага киришишидир. Шунингдек, мулоқот биргаликдаги фаолият натижасида эришилган ютуқларни ҳам ифодалайди.

Мулоқот – ўсиб келаётган ёш авлодга таъсир кўрсатиш, уни ривожлантириш ҳамда билишга бўлган қизиқишларини мустаҳкамловчи муҳим омиллардан биридир.

Ўзбек халқининг буюк мутаффаккирлари асрлар давомида шарқона инсоний фазилатлар доирасида шахслараро мулоқотни ҳар томонлама таҳлил этганлар.

Ҳазрат А.Навоий мулоқот йўли билан турли шахслар ва гуруҳлар орасидаги низоларни тинчитиб, уларни якдил қилганлари тарихдан маълум. Улуғ мутаффаккирнинг:

«Асли мақсуд соридур йўл суҳбат,

Фархунда кишики, топқай ўшал суҳбат
Яхши кишилар бирла тутар бўл суҳбат,
То бергай амон шарирдин ул суҳбат»

Унинг шарҳи қуйидагича: Суҳбат аслида мақсадга олиб борадиган йўл ҳисобланади. Бундай суҳбатга бахтли киши муяссар бўлади. Яхши кишилар билан ҳамсуҳбат бўл, бу сени ҳар қандай ёмонликлардан асрайди. [А.Навоий. Ҳикматлар, 2006: 18-19-бетлар]. Алломанинг бу каби пурмаъно ҳикматлари ўқувчиларда мулоқот маданияти кўникмаларини шакллантиришда қимматли восита бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, мактабда икки асосий шахс ўқувчи ҳамда ўқитувчи мулоқотга киришади. Бу мулоқот маданий, демократик асосларга таянган ҳолда ташкил этилиши лозим. Ўқув жараёни атрофдагиларнинг ўқувчиларга кўрсатадиган таъсирини яққол ифодалайди. Улар таълим мазмуни, ота-оналар, атроф-муҳит ва ўқитувчиларнинг таъсири остида шаклланиб, мунтазам ривожланадилар. Бундай вазиятда ўқитувчи ҳамда ўқувчилар орасидаги муносабатлар, миллий ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда демократлаштириш талаб этилмоқда. Бу ўринда ўқувчиларда мулоқот маданияти ва ғурур туйғусини қарор топтириш ниҳоятда муҳимдир.

Бизнинг мамлакатимизда таълим тизимини демократлаштириш ва инсонпарварлик талаблари асосида модернизациялаш жараёни амалга оширилмоқда. [Р.Сафарова, У.Мусаев ва б. Умумий ўтра таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик параметрлари., 2008:4] Барча ўқув предметлари, шу жумладан она тили ва адабиёт таълими жараёнида ўқувчиларнинг мулоқот маданиятини шакллантириш имкониятларини кенгайтириш лозим. Биринчи навбатда, ўқитувчилар ўқувчиларнинг мулоқот кўникмалари ва миллий маданиятни эгаллашларига кўмаклашишлари керак. Бундай маданиятни шакллантирмасдан туриб ўқувчиларнинг ўз-ўзларини англашларига эришиб бўлмайди. Турли даражадаги ахборотларнинг жадал кириб келиши ўқувчиларнинг маданий савияси, шу жумладан мулоқот кўникмалари шаклланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мактаб ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантирувчи марказ сифатида хизмат қилиши керак. Ҳар қандай мулоқот аввало миллий характерга эга. [Артаев С.Н. Национально-культурная специфика коммуникативного поведения, 2020:3] Худди мана шу нарса мулоқот маданиятининг янги, ижтимоий-педагогик аҳамиятини белгилайди.

Ўқитувчи ҳамда ўқувчилар орасидаги муносабатлар узоқ асрлар давомида шундай давом этиб келган. Ўқитувчи зиммасига унинг узоқ йиллик тажрибаси ва педагогик маҳоратидан келиб чиққан ҳолда, демократик, дўстона мулоқот ўрнатиш вазифаси юкланган. Бунинг учун, ўқитувчи мунтазам тарзда ўқувчиларнинг хулқ-атвори, билим даражаси ва мулоқот кўникмаларини ўрганиб, таҳлил қилиб бориши керак.

Жамият ҳаётини демократик асосларга таянган ҳолда модернизациялаш жараёнида умумий ўрта таълим жараёнининг муҳим вазифаларидан бири, ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантиришдан иборат. Бу уларда ўзларини ўраб турган кишилар ва ўз тақдирлари учун масъулият ҳиссини тарбиялайди. Ўзгалар билан курашиш эмас, балки мулоқот йўлини танлаш, шу

орқали мактабда ва бутун жамиятда ҳамжиҳатлик ўрнатиш кўникмаларини таркиб топтиришга хизмат қилади. Бу эса кўп жиҳатдан ўқитувчи, унинг билими, ўқувчилар билан тўлақонли, ишчан мулоқот ўрната олишига боғлиқ.

Биз изланишларимиз жараёнида шунга амин бўлдикки, ўқитувчилар ҳар доим ҳам ўқувчилар билан ишчанлик руҳида алоқа ўрната олмас эканлар. Кўпгина ўқитувчилар мулоқот жараёнини ўқувчилар мураккаблаштирадилар, деган фикрдалар. Аксарият ўқитувчилар вужудга келган қарама-қаршиликка ўзларининг ҳатти-ҳаракатлари ҳам сабаб бўлаётганини тушуниб етмаяптилар. Ўқитувчи ҳамда ўқувчи муносабатларида асосий восита талабчанлик, ўзаро ҳурмат ва демократия тамойилларига амал қилишдан иборатлигини англаб етишлари лозим. Чунки, мулоқот маданияти ўз таркибида ўқитувчининг юксак касбий маҳорати, ўқувчи билан ўзаро алоқаси ва ўқувчиларнинг ўқитувчига нисбатан ҳурматга асосланган муносабатини мужассамлаштиради.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқоти жараёнида барча нохуш ҳиссиётлар бартараф этилиши керак. Ўқувчилар ўз ютуқлари ва фаолиятлари натижаларидан мамнун бўлишлари лозим. Ўқув-билув жараёнида ижтимоий психологик қулайлик ва соғлом муҳитнинг таркиб топиши кўп жиҳатдан ўқувчилар ва ўқитувчининг мулоқот маданиятига эга бўлишларига боғлиқ.

Ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантириш тизимини вужудга келтиришдан олдин мулоқот маданияти тушунчасининг вазифалари ва таркибини аниқлаш лозим.

Модомики мулоқот икки ва ундан ортиқ шахс орасида бевосита амалга оширилар экан, у мулоқот жараёни субъектларининг билим даражаси, дунёқараши ва маданиятини намоён қилади. Ўқувчилар учун ўқитувчининг ўзига хослиги алоҳида аҳамиятга эга. Улар ҳар бир ўқитувчининг ўзига хослигини алоҳида ва гуруҳ бўлиб баҳолайдилар. Ўқувчилар ҳар бир ўқитувчи ҳақида аниқ фикрга ҳам эга бўладилар. Улардан бошқа барча ижобий сифатлар қатори мулоқот маданиятини ҳам ўрганадилар. Агар ўқитувчи элементар тарзда мулоқот этикасига риоя қилмаса, ўқувчилар наздида ўқитувчилик касбининг мавқеи пасаяди. Натижада ўқитувчининг ўқувчиларга кўрсатадиган таъсири кескин камаяди.

Ўқитувчининг мулоқот маданиятига эгалиги унинг ўз фанини яхши билишига ҳам боғлиқ. Худди мана шу ҳолат унинг касбий сифатларига ҳам таъсир кўрсатади.

Ўқитувчи мулоқот жараёнининг субъекти сифатида ўзи ва ўқувчиларнинг мулоқот кўникмаларини таҳлил қилиб бориши керак. Ўқув жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи мулоқоти ижтимоий педагогик характерга эга бўлиб, у ўқувчини микросоциумда фаол ҳаракат қилиш, ижтимоий муносабатларга жадал киришишга тайёрлайди.

Ўқитувчи ҳамда ўқувчи мулоқоти яхлит педагогик жараён сифатида қуйидаги вазифаларни бажаради: шахсни билиш, ўзаро ахборот алмашиниш, биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш, ўзаро рол алмашиш, ҳамжиҳатлик ўрнатиш ҳамда ўз-ўзини намоён қилиш имконини беради. [Холиқов А. Педагогик маҳорат. Т., 2010: 94]

Ўзаро ахборот алмашинишга асосланган мулоқот жараёнида ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам моддий ва маънавий қадриятларни ўзаро айирабошлаш

имкониятига эга бўладилар. Бундай мулоқот натижасида ўқув-тарбия жараёнида ижобий муҳит вужудга келади. Ўқувчилар ҳамжиҳатлик билан муаммоларнинг ечимини излайдилар ва биргаликда ўйлай бошлайдилар.

Ўқитувчилар ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантиришда қуйидагилардан фойдаланишлари керак:

- ўқувчиларни мулоқот жараёнига жалб этиш учун уларга яширин тарзда кўмак бериш;
- мулоқот жараёнида ўқувчининг ўзига қийинчиликларни бартараф этиш учун қулай имконият яратиш ёки бу соҳада синфдошлари кўмагидан фойдаланиш учун зарур бўлган шароитни вужудга келтириш;
- мулоқот жараёнида зиддиятларни бартараф этиш мақсадида ўқувчилар учун аҳамиятли бўлган ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш;
- ўқувчиларни ишчан мулоқотга жалб этиш учун уларга буйруқ оҳангида эмас, балки илтимос тарзида мурожаат қилиш;
- ўқувчиларнинг қизиқишлари барқарор бўлиши ва мулоқот жараёнининг қизиқарлилигини таъминлашга хизмат қиладиган воситалардан фойдаланиш имкониятини вужудга келтириш;
- ўқувчилар билан амалга ошириладиган таълим-тарбиявий ишлар жараёнида улар орасида соғлом мулоқот, ўзаро ҳамкорлик, ҳамфикрлилик, ўзаро ҳурматни қарор топтириш;
- мулоқот жараёнида ўқитувчи ҳеч қачон ўқувчиларни бир-бирлари билан қиёсламаслиги;
- ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантиришда ўқитувчи мазкур жараённи бошқаришнинг авторитар усулларини қўлламаслиги, балки оптимал усулларни ўқувчиларга тавсия этиши;
- мулоқот жараёнида ўқувчиларда ўзи ҳақида ўйлаш, реал фикрлаш, характерини ўзгартириш, ўз шахсий сифатларини такомиллаштириш эҳтиёжларини ривожлантириш;
- ўқувчилар олдига шундай саволлар қўйиш keракки, уларга жавоб бера туриб, ўқувчилар ўз жамоаларини тавсифлашга ҳаракат қилишлари, ўзларининг жамоадаги ўринларини аниқлашлари, уларда жамоавийлик ҳиссининг қанчалик шаклланганлигини билишлари;
- ўқувчиларнинг бир-бирлари билан мулоқот қилишлари учун зарур муҳитни таркиб топтириши ва бу жараённи эҳтиёткорлик билан бошқариши;
- ўқувчилар гуруҳда ўзаро янги муносабатлар таркиб топганлигини кўришлари, билишлари ва ҳис эта олишлари;
- мулоқот ўқувчилар орасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаб, уларни кўча-куйдаги ёмон таъсирлардан асраши;
- муайян синф ўқувчиларининг ўзаро муносабатлари ва мулоқотларини самарали ташкил этиш учун авваламбор ўқитувчи ўқувчиларнинг муаммоларини аниқлаши ва уларни бартараф этиш йўлларини излаб топиши;
- ўқувчи мулоқот жараёнини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиши учун жамоавий фаолиятнинг барча шаклларидан унумли фойдаланиши, жумладан, атроф-оламни биргаликда билиш, биргаликда ўйинлар ўйнаш, дам олиш, спорт машғулотлари ва ижтимоий фаолиятга иштирок этиш каби;

- ўқитувчи мулоқот жараёнида ҳар бир ўқувчининг қизиқишларини кашф этиши, уларни умумий қизиқишлар асосида биргаликдаги фаолиятга жалб қилиши;

- ўқитувчи ўқувчиларнинг мулоқот маданиятини самарали шакллантириш учун мунтазам тарзда бўлиб ўтган воқеаларга оид суҳбатлар, мулоқот маданиятига оид диспутларни ташкил этиши лозим. Бу жараёнда ўқувчилар қандай мулоқот қилиш кераклиги, мулоқотдоши билан ўзаро муносабатлари, унга ҳурмат билан қараш зарурлиги, мулоқот мавзуси, бу жараёнда ўзларини қандай тутишлари кераклигини билиб олишлари керак.

Ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантиришда ўқитувчининг ўрни ва кўрсатадиган таъсири ўзига хос бўлиб, бу жараёнда у алоҳида педагогик вазифаларни бажаради. Ўқувчиларда мулоқот маданиятини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараѐнда ўзига хос иш шакллари ва методларидан фойдаланиш натижасидагина кутилган самарадорликка эришиш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алишер Навоий. Ҳикматлар. Т.: Шарқ, 2006.
2. Артаев С.Н. Национально-культурная специфика коммуникативного поведения.М., 2020.
3. Р.Сафарова, У.Мусаев ва б. Умумий ўтра таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик параметрлари. –Т.: Фан, 2008. 222 б.
4. Холиқов А. Педагогик маҳорат. Т.: «Iqtisod moliya» нашриёти, 2010.

# THE THEORY OF EQUIVALENCE AND THE BILINGUAL THEORY OF TRANSLATION

**Жетекші:Исламова М.М. - п.ғ.м., аға оқытушы (islamova.makhabbat@mail.ru)**
**«Жұмабек Ахметұлы Ташенев атындағы университет», Шымкент қаласы**
**Оразбай А. Қ. - ФИ- 20-9к тобының білім алушысы, «Жұмабек Ахметұлы Ташенев атындағы университет», Шымкент қаласы**

**Аннотация.** Мақалада аударманың өзіндік мақсаты, құралдары, жүзеге асыру тәсілдері, нәтижелері, құрылымы бар сөйлеу әрекетінің белгілі мамандырылған түрлерінің ерекшеліктері, эквиваленттік теориясы және екітілді аударма теориясы зерттеледі.

**Түйінді сөздер:** тіл стилі, эквиваленттілік теориясы, аударманың екі тілдік теориясы, аударма түрлері.

**Аннотация.** В статье рассматриваются исходная цель перевода, средства, способы осуществления, результаты, особенности известных специализированных видов структурированной речи, теории эквивалентности и теории двуязычного перевода.

**Ключевые слова:** языковые стили, теории эквивалентности, двуязычные теории перевода, виды перевода.

In the development of language at any stage there is a process of gradual change in the forms of language and their meaning. Some people think that in order to understand the norm of language and its possible variants it is necessary to have a

"sense for language". But this feeling is based on an unconscious knowledge of the laws that correspond to the functions of language, and even in its history, a profound knowledge that explains more the direction of progress. The sense of rules, which grows with the knowledge of the language of the law, begins to appreciate the beauty of a reasonable variance when the mental behind. Therefore, the translation of the adopted standard of this period into the language is very important that certain forms correspond to the recognized norm of the corresponding period.

Paradoxes, but even though it may seem, can be accepted by the norm, but is set only when there are deviations. Therefore, it is associated with the fact that it destroys. In this regard, with reference to the following comments of Sheba: "... to achieve fluency in literary language, you even need to read yourself, he usually deviates from the norm, but a little-preferred writers. When dealing with different concepts of the term "Style" should be noted the usual accepted conglomeration of style as a decoration of the language. The understanding of this style is fixed in some scientific articles on literary criticism. Language and style are seen as separate bodies as elegance.

According to this idea, the language can be easily spread in style, as it is similar to stylish clothes. In addition, style is seen as something that hinders understanding as a decoration of language. That is, this language belongs to the Earth, so the language should be removed from the competitions of scientists.

Therefore, all modern books on grammar and General linguistics do not solve the problems of style, or primarily associated with them. The concept of style as expressiveness involves the use of naked language forms, devoid of any stylistic means, specially used means of expression. In this regard, Middleton Mary writes that:

"The style patterns used were the reason for its emergence in the traditions of the school of rhetoric in Europe and its teaching. The concept wasn't as terrible as it is today. Rhetoric was responsible for training their students in a respectful explanation or generalization statements. Classification of rhetorical devices, of course, was the official and extravagant. The use of style as an applied ornament the most popular of all the fake style comments"[1].

The notion of style as embellishment of language is completely wrong. Although the style is considered, it is the result of the writer's intentions to shape his ideas, adding importance to ensure the correct implementation of his ideas. An invitation to a stylish decoration is a violation of its essence, i.e. it does not require elements that ensure the diverse use of language units. No words, there are words that contain different stylistic means. In addition, there are writers with such a speaking style. But they, or those who choose the form, try to find new ways to present their ideas, to experiment at the expense of the problem or with the possibilities of language means. In both cases, the reader encounters difficulties in decoding the message and this is a big obstacle to understanding.

The style of language teachers is very popular; it is a technique of expression style. In this context, style is generally defined as the ability to write accurate, correct, and understandable, calculated with interest in the reader. Although the latter requirement does not exist among the elegant, it is still found in many practical style guides, many of which can be combined under the name "composition and style"[2].

This is a pure utilitarian approach to the problem. If this is true, you can teach style. In this context, style studies the normal forms of language. The educational

process is aimed at the authenticity of expression. It sets out a number of rules regarding good speech and writing, and generally excludes all kinds of deviations as a violation of the rules. The norm in this work is seen as something unattractive, providing itself and to a very large extent.

Approximately from the same point of view, A. M. P. Gvozdev and F. L. According to Gvozdev, "Style has practical value, teaches students to speak the language, to form a conscious approach to the language " and the objectives of the course in the style of Lucas:

a) Learn to write and speak;

b) Improvement of the writer's style;

c) Give him the opportunity to improve his ability to Express his ideas.

What is called a practical approach to the problem of style cannot be regarded as erroneous. The practical side of the problem can hardly be assessed. It is necessary to write clearly and to know and to teach. This is the domain of grammar, which today refutes the laws and compositional means. The concept of steel cannot simply be reduced from a practical point of view, since in this case there is no theoretical basis for practical purposes. In addition, stylistics, as a sphere of linguistics, requires the study of the nature of this language, which adds aesthetic value.

The relationship between lexicology and lexicography is perceived as theory and practice, so theoretical and practical stylistics should be considered as two interrelated areas of linguistic science. Each of these branches can develop a method and an individual approach to the study of linguistic data. The term "Style" is widely used in literature denoting the literary genre. Thus, the classic style or classic style, real style, style, romance, etc.The use of the word "style" sometimes switches to understanding length and eliminates terminological aspect of the word. Different kinds of literary works: story, novel, ballad, story, etc. applied. The term is also used to refer to how the plot works, used to form whole parts of the literary composition. place and role in describing and portraying the characteristics of events[2].

Now let's move on to a discussion of an issue that requires the study of stylistics, i.e. the dichotomy of language and speech, or explaining the problem in different ways, as a language, as a system and action in language. This problem lies not only in the fact that, at least in recent publications on linguistic problems, but at the same time, as we see later, the feature of many stylistic devices, these are the two above-mentioned concepts. The simplicity of the question is somewhat misleading. On the page, the person looks to perceive the signs in the language-language and organize them to transmit the target message.

Language-a-system can be displayed as a user of actions in the language expressed in the image. All rules and patterns grouped and classified in works on grammar, phonetics, lexicology, and stylistics first work in a language that is generalized and formed as rules and patterns of the system as the language of the system. It is important to pay attention to the process of formation of scientific concepts. When we observe a phenomenon that stands out from the mass of linguistic facts, we give it a name that determines the properties of the phenomenon. Then collected and classified phenomena are among the units of language -a-system. It should be noted that many of the observations on the nature and functioning of language units are based on the written diversity of the language. This is due to the

statement of the written word, subordinating the scientists of this language to analyze the functioning of its constituent parts, disrupting the continuous flow of speech. For example, stylistic devices. Those born from the word were gradually recognized as known structural structures: phonetic, morphological, lexical, phraseological and syntactic, and words from the mother, speech and independent family members, language.

In addition, there is a problem with the functional style of the language. Once they have been recognized as independent, more or less closed substrates of conventional literary language, they should be treated as language styles rather than speech styles, as they are in each style type of relationship between parts of a component. In addition, these functional styles have been subjected to different classifications, indicating that the phenomena are now in the language-a-system domain. However, keep in mind that those parts that belong to this domain are abstract in nature. Functional styles can be implemented in language forms models, schemes, devoid of only material objects. When materializing in language forms, they practically implement abstract schemes and indicate variants of the corresponding invariants of samples.

It will be useful for those people who have a relatively new science, style, linguistic background. Expressive means and stylistic means used in English and literary language is understood only with a thorough knowledge of the system of this language - a -, that is, phonetic, grammatical and lexical data. It is obvious that the student is more flexible assessment of the identity of language in the media will be easier. The basis for solving this problem is that some language scientists are afraid of students studying style, as this topic can only be studied on the basis of the ideal command of the language. Such scientists, who know variables and unknowns, tend to try to abandon those that may pose a threat to well-thought-out theories about their laws.

With regard to the language of action, there should be a characteristic warning, but it can develop to the extent that it is necessary for the aesthetic evaluation of the works of letters. For this, first of all, it is necessary to understand the meaning of the concepts of "expressive instrument" and "stylistic devices"[3].Words spoken in linguistics have different terms so that they are clearer, more effective, and can provide some additional information. They are called expressive means, stylistic means, stylistic markers, stylistic devices, paths, speech words and other names. All these terms are used unclear, and we will oppose those instruments that are conventionally called neutral. Many linguists differ from simple (including important, referential) semantic and stylistic differences.

In fact, all languages have meaning, some of which usually consist of recognized grammatical and lexical meanings, others also contain specific meanings called stylistic. Such values are accompanied by initial values, and they are put on them. Stylistic values automatization. As you know, the automation process is the ability to quickly and sub-processor the use of language data, easy and fast decode communication. But if there is a stylistic sense, the automation process checks the reader's understanding of the language. As can be seen later, the use of these two-fold language tools in some cases is not difficult. As it is used as a Metaphor or simulation, it can even see. But in some texts, it may be difficult to grammatical superfluous forms

or minor forms needed to Express stylistic meanings that get the necessary additional information.

The category of expressiveness has long been the subject of heated discussions among linguists. In its etymological sense expressiveness may be understood as a kind of intensification of an utterance or of a part of it depending on the position in the utterance of the means that manifest this category. Therefore, it is necessary to distinguish between a stylistic use of a language unit, which acquires what we call a stylistic meaning, and a stylistic device, which is the realization of an already well-known abstract scheme designed to achieve a particular artistic effect. But most of them have not yet been raised to the level of SDs because they remain systematized and so far perceived as nonce uses. They are, as it were, still wandering in the vicinity of the realm of SDs without being admitted into it. This can indirectly be proved by the fact that they have no special name in the English language system of SDs. An exception, perhaps, is the Historical Present which meets the requirements of an SD[4].So far the system of stylistic devices has not been fully recognized as legitimate members of the general system of language. This is mainly due to the above-mentioned conception of grammatical theory as dealing exclusively with a perfectly organized and extremely rigid scheme of language rules, precise and accurate in its application.

To create style creation tools, you must define the formal tools that the author uses to create his style. Of course, the author of some formal means can often use, and others can never excite words. Thus, the official forms, often used by the author and characteristic of his works, are a stylistic and constructive tool of this author; and their transfer is a copy of the author's style. However, this was violated not only with the constant repetition of some elements, but also with the violation of the author's original language norms, but also with the violation of its established style: the use of means that avoid the usual; and the exclusion of means that were previously used.

Before discussing this poem, G. Should describe some common characteristics inherent in the style of Byron. Astana Despite the fact that Byron recognizes the power of educators, his work used the poetic achievements of classical and sentimentalism, he is A Representative of romanticism, which develops the stylistic novelty of word-worth. In literature, romanticism has generally found criticism or criticism of the past period, recurring themes of "focusing on women and children, isolating the artist's or interlocutor's feat and new, desert, unspoiled and" respect"[5].

Unlike linguistically oriented approaches to translation, which assume that the source text occupies a primary position and that it is considered critical for determining not only the translation process, but also the degree of its success, goal-oriented approaches consider the source text as a starting point for translation. the translation process and mainly focus on cultural, historical and socio-political factors related to translation, thus considering it as a cultural phenomenon. Despite its shortcomings, it should be emphasized that equivalence is still one of the key defining axes of translation, since it serves as a reminder of the main problems that a translator faces in the translation process.

**References:**

1. Gasagrade, J. “The Ends of Translation”, International Journal of American Linguistics”, 1954. Vol. 20, pp. 335-40.
2. Giles, D. Basic Concepts and Models for Interpreter and Translator Training. Amsterdam, 1995. John Benjamins Publishing.
3.Adams, Hazard. The Interests of Criticism. New York: Harcourt Brace and World Inc., -1967.
4.Ilyas, A. Theories of Translation: Theoretical Issues and Practical Implications. Mosul: University of Mosul.,-1989.
5. Bell, R. T. Translation and Translating. London and New York: Longman,- 1991.

# ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Турдалиева Дилфуза Салоҳидиновна,**
**PhD, ҚДПИ докторанти, dturdaliyeva79@gmail.com**

**Аннотация.** Бұл мақалада мақалдердің ерекше бір түрі болып табылатын соматикалық мақал-мәтелдер және олардағы дене мүшелері немесе дене қызметі туралы мәлімет беру үшін метафораның қолданылуы мысалдар негізінде берілген. Өзбек халық мақал-мәтелдерінің ішінде соматикалық мақал-мәтелдер ерекше көзге түседі. Жеке лексика-семантикалық топ ретінде адамның дене мүшелерінің атауларына қатысты соматикалық мақалдердің мағыналық және прагматикалық ерекшеліктері туралы пікірлер дәлелденді.
**Негізгі сөздер**: соматикалық мақал-мәтелдер, метафора, идиома, тіл, фразеологиялық бірліктер, антитеза, сөйлем мүшелері, лексема, рифма.
**Annotation.**This article, based on examples, presents somatic proverbs, which are a special type of proverbs, and their use of metaphor to convey information about body parts or body functions. Among Uzbek folk proverbs, somatic proverbs stand out. The opinions about the semantic and pragmatic features of somatic proverbs relating to the names of parts of the human body as a separate lexical-semantic group are substantiated.
**Key words**: somatic proverbs, metaphor, idiom, language, phraseological units, antithesis, parts of speech, lexeme, rhyme.

Тана аъзолари номлари билан ишлатилувчи лексик бирликлар, турғун бирикмалар, фразеологик бирликлар, мақол ва маталлар тилимизда салмоқли ўринни эгаллайди, чунки тарихдан маълумки, қадимда инсонлар оламни ўз таъна аъзоларига, асосан, бош, қўл ва оёқларга қиёсан идрок эта бошлаган. Тана аъзоларини кўчма маънода қиёслашда, метафора ва идиомаларда,мақолларда инсонлар ўз фикрларини ёки таассуротларини янада таъсирли қилиб етказиш мақсадида қўллашган. Мулоқот жараёнида сўзловчи тингловчини бошқариши, унга ўз фикрини уқтириши, ҳиссий эмоционалликни ошириши учун халқнинг ҳукмини ифодалайдиган мақоллардан кенг фойдаланилади.

Бундай мақолларнинг аксариятида тана аъзолари кўп сонни ташкил этади,чунки инсон ўз гавдасини жуда яхши билади. Шу сабабдан тана аъзолари номлари бугунги кун тилшунослигида муҳим объект ҳисобланади.

Кўпчилик соматизмлар(тана аъзолари номлари) инсон хатти-ҳаракатини ифодаловчи мақоллар сирасига киради, шунга кўра,лексик омиллар ҳамиша ҳам бевосита инсон хатти-ҳаракатини ифода қилмаслиги мумкин,аммо қайсидир маънода хулқ-атворга оид кичик аспектларни ўзида акс эттириши мумкин.

Кўп ишлатиладиган сўзлар бош, сочлар, пешона, кўз, бурун, оғиз, тил, соқол, қўл(бармоқлар, тирноқлар, елка),оёқ (тизза, панжа),юрак, кўкрак, қорин, орқа, қон, хол ва ҳоказо. Одатда, соматик мақоллар ўзида тарихий маданий ёки ижтимоий фактларни акс эттирмайди. *Кўз, қўл* ва *бош* компонентли соматик мақолларнинг прагматик жиҳатларини ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

"Кўз қўрқоқ-қўл ботир" мақолида кўз лексемаси умумтуркий сўз[223] ҳисобланади. ***Кўз*** компонентли соматик мақоллар инсоннинг чексиз ва турли ҳис-ҳаяжонини, физиологик жараёнларини ифодалашга хизмат қилади, уларнинг асосий қисми структурал жиҳатдан от+феъл тузилишига эга бўлади. Мақолда антитеза усулидан унумли фойдаланилган.

"Кўз-тарози, кўнгил-қози", мақолида кундалик ҳаётда ишимиз тушиб турадиган тарозилар ҳақида фикр боради.Агар тарозидан фойдаланаётган сотувчининг кўнгли ҳалолликка мойил бўлса шубҳасиз, унинг тарозиси тўғри ва аниқ ишлайди. Зеро, тарози ҳалоллик рамзи эканлиги, унга хиёнат қилиш жуда катта гуноҳ бўлиши катта авлод вакиллари томонидан доимо уқтирилиб келинади. Тарози ҳамда қози лексемалари қофия тартибида келтирилган. Ҳар қандай халқ мақоли матнга ўхшатиш усули орқали олиб кирилади,бу ерда кўз тарозига, кўнгил қозига ўхшатилган.

"Кўз-кўз қилма, кўз тегар, мақтанчоққа сўз тегар" мақолида мақтанчоқлик сифатлари қораланган. Бу ерда маънони кучайтириш учун такрор воситасидан фойдаланилган. Кўз тегиши деганда, инсоннинг нигоҳи тушиши назарда тутиляпти. Қадимда момоларимиз кўз тегишидан асраш учун фарзандларига кўзмунчоқ тақиб қўйишган. Кўзмунчоққа назардан сақловчи восита сифатида қарашган.

"Аяган кўзга чўп тушар" мақоли кўпинча фарзандларни ҳар қанча авайласа ҳам, кўпинча касал бўлиб қолишлари, ҳомиладор аёллар ўзларини қанча эҳтиёт қилса ҳам, жуда кўп ўринларда ҳомиласидан айрилиб қолишлари ҳаёт тажрибаларидан кўриниб туради.

"Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди". Бу мақол кундалик ҳаётимизда жуда сермаҳсул ишлатиладиган мақол бўлиб, кўпинча, ҳаётимизда кўп учрайдиган "таниш-билишчилик"ни ифодалаб бериш учун ҳам шу мақолдан фойдаланамиз. Биз кўпинча муаммоларимизни ҳал қилишда шундай инсонларга дуч келамизки, улар кўпинча юқоридаги ҳолатга йўл қўйиб ҳафсаламизни пир қиладилар. Бу мақолни айниқса, таълим соҳасида жуда кўп учрайдиган вазиятларга нисбатан ҳам ишлатса бўлади. Қарға мисолида бир-бирини айбини ёпадиган кимсалар танқид остига олинган. "Сендан-угина, мендан-бугина" қабилида иш қиладиганларни ушбу мақол мазмунидан ҳам англаш мумкин.

Кўп мақоллар ижтимоий ёки психофизиологик характер омилларга боғлиқ ҳолда пайдо бўлади. Бунда инсон оддий, моддий, маънавий (кўнгил, юрак, ақл-идрок, виждон, эшитиш, кўриш, хоҳиш ва бошқалар) органлар орқали муҳокама қилинади. Охирида инсон руҳиятига алоқадор бўлган функциялар ёритилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2000. – Б.221.

[223]Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2000. – Б.221. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдли, Иккинчи жилд. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. –Б. 443-447.

2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдли, Иккинчи жилд. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. –Б. 443-447.

# CHUSTIYNING OBRAZ YARATISH MAHORATI

**Otaxanova Mahmuda Mamadaliyevna (O`zbekiston)**
**Namangan davlat universiteti, o‘zbek adabiyotshunosligi kafedrasi o‘qituvchisi**
**E-mail:otaxanovamahmuda30@gmail.com** Tel:+998936768400

**Annotatsiya**: Ma’lumki, ijodkor salohiyati va mahoratini belgilovchi unsurlardan biri obraz yaratishdir. Ushbu maqolada aruznavis shoir Chustiy lirikasida yaratilgan oshiq obrazi va uning o‘ziga xos xususiyatlari tadqiq etilgan. Shuningdek, shoirning obraz yaratishsh bilan bog‘liq yuksak badiiy mahorati o‘rganilgan.
**Kalit so‘zlar**: obraz, shoir shaxsi, lirik qahramon, dunyoviy ishq,lirika, oshiq, ma’shuqa, raqib, vafodorlik, sadoqat, hijron, azob, ayriliq, sabo, badiiy mahorat.
**Annotation**: It is known that one of the determinants of creative production is image skill. In this article, the image of a lover in the lyrics of the poet Chustiy and his unique article are studied. The high skill of the poet and the poet in connection with the image has been studied.
**Key words**: image, poet's personality, lyrical hero, worldly love, lyrics, lover, mistress, rival, loyalty, loyalty, emigration, suffering, separation, virtue, artistic skill.
**Аннотація:**Шығармашылық өндірісті анықтаушы факторлардың бірі образдық шеберлік екені белгілі. Бұл мақалада ақын Чустий лирикасындағы ғашық бейнесі және оның бірегей мақаласы зерттеледі. Ақын мен ақынның образға байланысты жоғары шеберлігі зерттелді.
**Кілт сөздер**: образ, ақын тұлғасы, лирикалық қаһарман, дүниелік махаббат, лирика, ғашық, ғашық, бақталас, адалдық, адалдық, көшіп-қону, азап, бөлектеу, қасиет, көркемдік шеберлік.

Chustiy (Nabixon Xo‘jayev)ning hayotbaxsh lirikasi insonni yashashga, sevishga da’vat etadi. Ijodkor yaratgan asosiy timsollarni o‘rganish, ularning mohiyatini belgilab olish katta ahamiyatga ega bo‘lib, shoir ijodini to‘laroq va kengroq tushunishimizga yordam beradi.

Shoirlar lirikada o‘zlarining borliqqa: tabiatga va jamiyatga bo‘lgan munosabatlarini aks ettiradilar. His-tuyg‘ularini, o‘y-fikrlarini, dunyoqarashlarini obrazlar orqali ifodalaydilar. Shu nuqtai nazardan olib qaraganda, lirik qahramon shoirning o‘zi deyish, bir hisobda to‘g‘ri ham. Lekin hamma o‘rinlarda, xususan, XX asr adabiyoti she’rlaridan shoir shaxsini qidirish, ularda aynan shoir hasbi holi tasvirlangan deyish hamisha ham to‘g‘ri bo‘lmaydi. Shu bilan birga g‘azallarda real hayot tasviri, hayot tajribasi va biografik dalil qayd etilgan baytlar ham mavjud bo‘ladiki, bunday holatda lirik qahramon shoirning o‘zi bo‘ladi. Shuning uchun lirik qahramon tushunchasi shoir shaxsiga qaraganda kengroq tushunchani anglatadi.

“Badiiy obraz — obrazlilik tushunchasining o‘zagi. Obrazlilik — adabiy ijodning mohiyatini, umumiy xususiyatlarini: adabiy qahramon, badiiy til, tabiat, buyumlar, jismlar, narsalar, hayvonot dunyosi tasviri va hokazolarni o‘z ichiga qamrab oladi”[1,41]. Chustiy lirikasida ham mazkur holatni kuzatamiz. Lekin uning aksariyat she’rlari, xususan, g‘azallari dunyoviy ishq mavzusidadir. Shundan kelib chiqib, shoir

ijodida lirik qahramon shoir bilan birga oshiq, mutafakkir sifatida namoyon boʻladi. Bulardan tashqari maʼshuqa va raqib obrazlari ham salmoqli oʻrin egallaydi.

Chustiy ijodidagi asosiy lirik qahramon oshiqdir. Bu oshiq aynan shoirning oʻzi emas, ammo oshiq ijodkor his-tuygʻularini, oʻy-fikrlarini, qarashlarini ifodalaydi.

Shoirning quyidagi baytida boshidan koʻp hayot tajribalarini oʻtkazgan, muhabbatda hijron azobini-yu visol zavqini totib koʻrgan keksa mutafakkir obrazi koʻzga tashlanadi. Oshiq hijron azoblari, ishq oʻtidan malomat qilsa, u haqiqiy oshiq emas, agar koʻngilda gulxan yonmas ekan, u pok (ravshan) boʻlmaydi, deydi mutafakkir:

Ishq oʻtidan kimki shikoyat aylasa, oshiq emas,
Boʻlmagay ravshan koʻngil, gar unda gulxan yonmasa.[3,36]

Ishq va oshiqlik bir-biridan ajralmas tushunchalardir, shuning uchun Chustiy lirik qahramoni haqida fikr yuritar ekanmiz, birinchi navbatda, oshiq obrazi haqida soʻzlasak, maqsadga muvofiq boʻladi deb hisoblaymiz.

Chustiy lirikasida ishq, muhabbat mavzusi keng maʼnoda, yaʼni insonning insonga muhabbati, insonning tabiatga, hayotga, Vatanga boʻlgan muhabbati tarzida tushunilganidek, oshiq timsolini ham keng maʼnoda tushunmoq kerak.

Ijodkor yaratgan oshiq, birinchi navbatda, hayotiy maʼshuqaga mehr qoʻygan inson obrazidir, qolaversa, tabiat muhibi, xalq, Vatan oshigʻi hamdir.

Oshiq Sharq adabiyotida anʼanaviy va oʻlmas timsollardan biridir. Ishqiy sheʼrlar, xususan, gʻazallar yaratila boshlangan vaqtdan beri oshiq obrazi anʼanaviy obraz boʻlib kelgan. Oshiqqa xos fazilatlar, u bilan bogʻliq tasvir vositalari ham asrlar osha sheʼrlardan sheʼrlarga koʻchib yurgan.

Chustiy lirikasidagi oshiq obrazi ham oʻzida anaʼanaviy xislatlarni mujassamlashtirgan. Shoir anʼana boʻlib kelayotgan sheʼriy sanʼatlardan unumli foydalangan holda yangi fikr aytishga, uni oʻziga xos obrazli ifodalashga harakat qiladi.

Bu oʻrinda Navoiy lirikasini tadqiq etgan professor Abduqodir Hayitmetovning quyidagi fikrlarini keltirishni joiz deb topdik: «… oshiq - Navoiy koʻp jihatdan oʻz davridagi oshiq, oʻzida maʼlum darajada shu davr ruhini aks ettiradi»[3,198]. Bu fikrlarni Chustiy lirikasidagi oshiqqa nisbatan ham qoʻllashimiz mumkin. Shoir yaratgan oshiq obrazi aksariyat hollarda anʼanaviy oshiq xususiyatlarini oʻzida jam etgan boʻlsa, ayrim hollarda zamon, davr oshigʻining yaxlit koʻrinishi sifatida namoyon boʻlgan. Chustiy koʻplab publitsistik gʻazallarida oʻz davridagi oshiq timsolini gavdalantirgan. Maʼlumki, 1941-1945 yillarda xalqimiz nemis bosqinchilariga qarshi kurash olib borgan. Quyidagi gʻazalda ana shu urushda mardonavor jang qilayotgan, oʻz maʼshuqasidan maktub olib va unga javob yoʻllayotgan oshiq obrazi yaratilgan:

Yetib keldi xatingiz, yaxshi soatda salomingiz,
Keturdi gavharistondan xabar har bir kalomingiz [3, 97].

Shoir yaratgan oshiq obrazi oʻzini muhabbat yoʻlida, yor visoli uchun qurbon qilishga tayyor turuvchi, ishqda boylikdan, dindan, hatto oʻzidan ham kechgan haqiqiy fidoiydir:

Agar boshimni dildorim yoʻliga tikmasam, Chustiy,
Uni elkamdan ol, ishqiga loyiq boshga oʻxshatma [3, 26].

Oshiq butun umr oʻz maʼshuqasini sevadi va bu sevgisini sharaf deb biladi, shu asnoda sharafsizlikdan koʻra oʻlimni afzal koʻrib, «Seni sevmoq sharafdir, besharaflikdan oʻlim yaxshi», deydi.

Shoir oshiq ruhiy olamining yor ruhiyati bilan bevosita bogʻliq ekanligini koʻrsatib beradi, yaʼni oshiq maʼshuqaning qaygʻusini ham, shodligini ham oʻziniki deb biladi. Yor koʻzida yosh koʻrinsa, u oshiq koʻzlaridan sel misoli oqadi:

Gʻamli koʻrsam gʻam bosar, xurram esa xurram boʻlur,
Qatra nam koʻrsam koʻzida, sel boʻlur u nam menga [3, 56].

Oshiq yor uchun hamma narsaga tayyor, yorning ogʻzidan chiqqan soʻz oshiq tomonidan bir zumda bajarilgusi. Shoir buni oshiq tilidan ifodalaydi:

Har baland togʻni koʻchirgil, deb ishorat aylasa,
Zavq ila bir gard yangligʻ qoʻndiray mujgonima [3 ,40].

Chustiy lirikasidagi oshiq timsoli vafodorlikda tengsizdir, maʼshuqa esa berahmlikda haddan oshadi: jafo qilganligi kamlik qilib, oshiqni bevafolikda ayblaydi. Oshiq esa jondan ortiq sevgan maʼshuqasiga xiyonat qila olmasligini aytadi va oʻz hayotini oʻrtaga qoʻyib qasam ichadi:

Gar xiyonat aylasam jondan chuchuk jononima,
Boshimi kessin qilich, hanjar qadalsin jonima [3, 40].

Oshiqning maqsadi maʼshuqa visoliga etishdir. Buning uchun maʼshuqa ham oshigʻiga vafo, sadoqat koʻrsatishi lozim. Hech boʻlmasa, jamolini koʻrsatib turishi kerak, aks holda oshiq koʻzidan yoshlar tinmay oqadi va daryo hosil qiladi. Bu oʻrinda shoir mubolagʻa sanʼatidan mohirona foydalangan:

Koʻz yoshimdan nahr boʻlsa, yuzda mingtosh oʻynasa,
Axtarib suv kelgay atrofimga choʻl ohulari [3,143].

Chustiy talqinida oshiq vafodor va sadoqatli kishidir. Garchi maʼshuqa jafokor boʻlsa ham, oshiq undan rozi, yana vafodorlikda davom etaveradi, chunki haqiqiy oshiq uchun sodiqlik «oshu non»dir. Tasvirdagi bu anʼana ham shoir ijodida ayricha koʻrinish va mohiyatga ega:

Sodiq oshiqlar uchun sidqu vafodir oshu non,
Qaysi och yurgan kishi qoʻynidagi nondan kechar [4, 204].

Chustiy juda koʻp oʻrinlarda oshiqqa murojaat qilib, ishq va oshiqlik, vafodorlik haqidagi tushunchalarni pand-nasihat, maslahat tarzida ifodalashga erishadi:

Tikan zahmini rohat bilmasang, gulni havas qilma,
Chidamsizlik uyatdir, mard esang bu shevadan or et [5 ,116].

Mumtoz adabiyotimizda sabo yoki bodi sabo haqidagi baytlar koʻplab uchraydi. Sabo oshiq va maʼshuqa oʻrtasidagi vositachi sifatida tasvirlanadi. Chustiy ham bu timsoldan unumli foydalangan:

Sogʻindim, toqatimdir toq, koʻzim koʻrmoq uchun mushtoq,
Xabar keltirmadi tezroq sabo ham shahsuvorimdan [3, 222].

Oʻtmish adabiyotida boʻlgani kabi Chustiy ijodida ham ishq, oshiqlik haqida shoirning tilidan yozilgan baytlarni uchratamiz. Bu baytlarning ayrimlarida real hayotiy fikrlar ifodalansa ham, aksariyat hollarda oshiqning romantik his-tuygʻulari bayon qilinadi.

Vafodor boʻlsa har kim, shunchalik boʻlgay bu olamda,
Biling, shogird erur yuz Shirinu Laylo Muniramga [5 ,22].

**Abstract.** This article talks about poetic interpretations of the concept of love sung in Erkin Vahidov's ghazals. This issue was studied scientifically based on comparative-typological, formal, structural, linguistic analysis methods. In it, the work of the poet was compared with the samples of works of A. Navoi and the information about Sufism. The results of studies were summarized.

**Key words:** concept, ghazal, mukhammas, musaddas, qita, mustazot, tradition, mysticism, classical poetics.

XX asr o‘zbek adabiyotini O‘zbekiston xalq shoiri Erkin Vohidov she’riyatisiz tasavvur qilish qiyin. Shoir ijod yo‘li davomida katta adabiy meros qoldirdi desak, mubolag‘a emas. Chunki biz Erkin Vohidovni zamonaviy she’riyatimizning yorqin vakili sifatida emas, balki mumtoz adabiyot an’analrining munosib davomchisi o‘laroq shoir qalamiga mansub g‘azal, mustazod, muxammas, qit’a va fardlar orqali yaxshi taniymiz. Shu nuqtai nazardan, mazkur maqolada, Erkin Vohidovning g‘azallarida

kuylangan ishq va oshiqlak masalasining tasavvufiy talqnilarini tadqiq etish va yoritishga harakat qildik.

Erkin Vohidov gʻazallarida ishq yetakchi mavzu sifatida uning estetik idealini namoyish etuvchi muhim vosita sanaladi. Shoir ijodida ishq masalasi boshqa ijodkorlardagi kabi real xarakterdangina iborat emas. Hatto shoirning oʻzi ham suhbatlardan birida gʻazal yozishga sabab ishqni tarannum etish ekanligni ta’kidlab shunday degan edi: “Biz realistlarmiz, biroq romantik kayfiyatlar realistlar uchun yot emas. Aruz, xususan, gʻazal shaxsan menga romantik kayfiyatlarni ifoda etish uchun juda qulay vosita. Romantik kayfiyatlar paytida tabiiyki kishi jinday zamindan yuqoriroq koʻtariladi, obrazli qilib soʻzlashga, balandroq pardalarda kuylashga moyilroq boʻladi. ….gʻazaldagi poetik fikrni, kayfiyatni men barmoqda yoki sarbastda berolmas, “hayotiyroq”, “tabiiyroq” obrazlar bilan ifodalay olmas edim”[231]. Mazkur fikrlar bir tomondan shoir ijodining poetik ildizlari mumtoz adabiyot tendensiyalaridan oziqlanganligini yaqqol koʻrsatib tursa, ikkinchi tomondan gʻazallarda tasvirlangan ishq-muhabbat, oshiq va ma’shuq, koʻngil, yor, jon va jonon singari obrazli tasvir tushunchalarining ifoda yoʻsini an’anaviy ishqiy mavzudagi gʻazallardan tafovutli ekanligini anglatadi, qolaversa, shoirning badiiy asarda shakl va mazmun oʻratsidagi mutanosiblik munosabatini ta’minlashga alohida e’tibor berganligidan dalolat beradi.

Ma’lumki, tasavvuf adabiyotida ishq markaziy tushuncha sifatida chuqur mazmun mohiyatga ega. Buyuk mutafakkir bobomiz Alisher Navoiyning “Mahbub ul-qulub” asarida ham “ishq marotibdur va ul uch qism bila munqasim boʻlur”, deya ishqning uch qismi ajratib koʻrsatiladi hamda ularning avvalini – avom ishqi, keyinini – xavos (xoslar) ishqi, soʻngini esa siddiqlar ishqi ekanligi ta’kidlanib, har bir turning farqli jihatlari batafsil yoritib beriladi. Allomaning mazkur fikrlariga tayangan professor Najmiddin Komilov “ishq — insoniy kamolot darajasini koʻrsatuvchi fazilat”[232], degan xulosaga keladi. Biz ham olimning ushbu xulosalarini asosli va toʻgʻri deb hisoblaymiz. Chunki oʻzbek tilining izohli lugʻatida ham ishq soʻzining — sevgi, muxabbat; oshiqlik, xushtorlik, boshqa jinsdagi shaxsga berilish, intilish (moyillik ) his -sezgisi[233] kabi ma’nolari mavjudligi aytilgan. Shundan kelib chiqib ishqning u xoh dunyoviy, xoh ilohiy ishq boʻlsin insonning ma’lum bir bosqichdan ikkinchisiga oʻtishi va ma’na va ruhan yuksalishini anglatuvchi tushuncha ekanligiga amin boʻlamiz. Agar ishq bunday ma’naviy-ruhiy ta’sirga ega boʻlmaganda Alisher Navoiyning “Layli va Majnun” dostonidagi

*Ey ishq, gʻarib kimiyosen,*
*Bal oinai jahonnamosen*[234].

misralari aytilmagan boʻlar edi, ehtimol. Chunki xazrat Navoiy ishqning moʻtabar va muqaddas tuygʻu ekanligini e’tirof etibgina qolmay uning misli jism ichra jon kabi katta ahamiyatini “Mahbub ul-qulub” asaridagi quyida keltirilgan bayt bilan koʻrsatib beradi:

*Soʻzki ma’nosida ishq oʻti nishoni boʻlmagʻay,*
*Bir taharruksiz badan onglaki, joni boʻlmagʻay*[235].

---

[231] Воҳидов Э. Шоиру шеъру шуур. – Тошкент. Ёш гвардия. 1987. – Б. 147.
[232] Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент. Movarounnahr – O’zbekiston. 2009, – Б. 194.
[233] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томли. 2-том. – Тошкент. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2006.
[234] Алишер Навоий. Хамса: Лайли ва Мажнун. // Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 9-том.– Т.: «Фан». 1992, – Б. 308.
[235] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. //Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 14-том.– Т.: «Фан». 1992, – Б. 68.

Ya'ni so'zning ma'nosida ishq o'tidan nishon bo'lmasa, uni bamisoli bir harakatsiz badan deb bilginki, uning joni yo'q.

Tasavvuf olimlari ishqni inson aqlidan ustun qo'yganliklari bizga manbalardan ma'lum. Shu o'rinda professor Ibrohim Haqqulning buyuk mutasavvuf Farididdin Attor haqidagi fikrlarini eslash o'rinli: "Farididdin Attor ta'rifida oshiqning ishqi – o't, aqli – tutun, o't gurullab yonganda tutun barham topadi"[236]. Demak, tasavvuf kishilari ishqni insonga berilgan aqldan ustun qo'yganlar. Chunki u ilohiyot sirlarini ishq vositasida anglaganlar, aql bilan esa dunyo sir-u asrorlarini anglaganlar.

Hozirgi o'zbek adabiyotida ishq konsepti o'zining tarixiy keng qamrovliligidan real yor – ma'shuqaga bo'lgan tuyg'uni ifodalash darajasida toraygan desak, xató qilmagan bo'lamiz. Chunki bu borda XX asr o'zbek adabiyotida realistik xarakterdagi asarlar keng o'rin olganligini e'tibordan chetda qoldirmasligimiz lozim. Shu nuqtai nazardan tadqiqotimizning markaziy obyektida turgan sevimli shoirimiz Erkin Vohidov ijodida ishq konseptining ham tasavvufiy, ham dunyoviy jihatlari aks etgan o'rinlarni belgilash va yoritishni bosh maqsad qilib belgiladik.

Shuni alohida e'tirof etish kerakki, Erkin Vohidovning "Senga baxtdan taxt tilarman" nomli devoniga shoirning g'azal, muxammas, musaddas, qit'a, fard singari mumtoz she'riyat janrlariga mansub asarlari hamda lirik tarjimalari jamlangan bo'lib, ularni tahlil qilish jarayonida aynan ishq konseptining o'zidan bir yuz ikki o'rinda foydalanganligiga guvoh bo'ldik. Xususan, shoirning devonda keltirilgan bir yuz o'nta g'azalidan qirqtasida ishq so'ziga murojaat qilingan. Bu esa shoirning mazkur tushunchaning mazmun-mohiyatini naqadar teran anglaganligi va unumli foydalanganligidan dalolat beradi.

Bizningcha, shoir she'rlarida kuylangan ishq dunyoviy va tasavvufiy ruhga ega. Chunki g'azallarning ayrimlarida yorga bo'lgan muhabbatning real izhori ifodalangan bo'lsa, ayrimlari ishqni tarannum etish, ulug'lash hamda uning inson ruhiyatiga ilohiy ta'sirini ko'rsatishga intilish tasavvuf she'riyatidagi ilohiy ishq haqida tasavvur uyg'otishga undaydi. Agar shoir "Bandi zulf" nomli she'rida:

*Voh ajabkim, zulfingga dil qayta-qayta bo'ldi band.*
*Necha-necha band bo'lishdan ul yemabdir zarra pand.*
*Ishq so'zin takror etibdir to'tidek har dam tilim,*
*Chunki bu til lablaringdan to'ti yanglig' so'rdi qand*[237].

Tarzida yor tasviriga bo'lgan ishq izhorini berayotgan bo'lsa, "Shirin" sarlavhali g'azalida ishqning hamrohligida yor firoqida chekilgan g'amning o'zi ham Shirin deya e'tirof etadi:

*Sevgining dardi faqat beishq uchun begonadir,*
*Ishqi yor bo'lsa firoq – chekkanda hatto g'am shirin*[238].

Yuqorida ta'kidlanganidek, erkin Vohidov g'azallarida ishq konseptining tasavvuf ruhiga uyg'un tasvirini ham ko'rishimiz mumkin. Zero, shoirning mumtoz adabiyot traditsiyalarini to'la o'zlashtirganligi har jihatdan ham vazn, ham qofiya, ham obraz nuqtai nazaridan ustozlar an'anasini munosib davom ettira olganligi quyida keltirilajak misollarda ham yaqqol ko'zga tashlanadi. Bu borada biz shoirning "Ishq istilosi" nomli g'azalini xarakterli xususiyatga ega deb bildik.

*Ko'ngil mulkini toroj – aylagan ishq istilosidir.*

---

[236] Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент. Ғафур Ғулом нашриёти. 1991, — Б. 88.
[237] Воҳидов Э. Сенга бахтдан тахт тиларман. – Тошкент. Ғафур Ғулом нашриёти. 2017, –Б. 24.
[238] O'sha asar. 47-bet.

*Na bo'lg'ay oxiri, bu istiloning ibtidosidir.*
*Degaylar, do'stlikdan – boshlanur ishq, aksi ermasmi,*
*Biz endi do'st, dedi yor, oh, bu sevgi intihosidir.*

"Najmiddin Kubroning ta'kidlashlaricha, — deydi navoiyshunos olim Ibrohim Haqqul, — "Muhabbatning intihosi ishqning ibtidosi erur. Muhabbat qalb uchun, ishq esa ruh uchundir". Shuningdek, Haq sifatlarining mushohada etilishiga muhabbat, Haq fe'llari nurining idrokiga ishq va Haq zoti nurining mushohadasiga uns deyilmish"[239]. Ushbu fikrlar biz yuqorida keltirayotgan bayt mazmuni bilan hamohanglik hosil qilayotganini ko'rishimiz mumkin.

Shuningdek, professor Najmiddin Komilov ham tasavvufda hol darajalarini izohlar ekan quyidagi fikrlarni keltirib o'tadi: "Muhabbat maqomi qalbda — kuchli tug'yonning ko'tarilishi, betoqat va bezovta bo'lib, barcha go'zalliklar manbai, qudratu nusrat, ne'matu rohat egasi Tangri tomon talpinishdir, shavq — muhabbatning zo'rayishi. uns esa (do'stlashuv) ko'nikish, Xudo mehriga, shafqatiga odatlanishni anglatadi"[240]

Mazkur fikrlarga tayangan holda yuqorida keltirilgan bayt mazmunini ikki xil tushunish va talqin qilish mumkin. Birinchisi o'z ma'nosida odatiy tanishib, do'stona munosabatga kirishgan va keyinchalik har ikki qalb sohiblarining bir-biriga ko'ngil qo'yishi bo'lsa, yorning endi do'stlik rutbasida turishi tasavvuf ilmidagi sevgining nihoyalangan joyidan do'stlikning boshlanishiga tadrijiy izchillik asosiga qurilgan ko'ngil kechinmalarini istifoda etadi. Bu esa ishq konseptining bir baytning o'zida ikki xil ma'noda qo'llanayotganligini anglatadi. Fikrimizni shu g'azalning oltinchi baytidagi poetik ifodalar yanada quvvatlaydi:

*Topindim yor – sanamga men muhabbat sajdagohida,*
*Biling, dinsizlar osiymas, muhabbatsizlar osiydir*[241] .

Baytning mazmuni bir qarashda Alisher Navoiyning "Lison ut-tayr" asaridagi Shayx San'onning tarso qiziga muhabbatini yodga soladi. Baytda tasvirlanayotgan lirik qahramon holati ham Shayx San'ondan kam emas. Uning ishqi ham o'ziga xos darajaga ega. Shuni unutmaslik kerakki, muhabbat faqat pok qalblargagina oshyon quradigan ajib tuyg'u. "Dunyo Mutlaq ruhning ko'zgusi. Inson uning muhabbatining mevasi. Inson o'z xilqati, tuzilishi bilan ilohiy xususiyatlarni aks ettirgan timsoldir, uning qalbi bo'lsa nuri Rahmon maskani. Shuning uchun tasavvufiy muhabbat ikki yoqlamadir, bir tomondan, o'z Yaratuvchisiga muhabbati, ikkinchi tarafdan, Tangrining bandasiga marhamati, xayru ehsoni"[242]. Shoir ta'kidlaganidek, "dinsizlar osiymas" qalbida yaxshiliklarga, Alloh va uning yartiqlariga muhabbati bo'lmaganlar osiy – gunohkor sanaladi. Erkin vohidov ijodida ishqning bu yo'sindagi talqini , albatta, an'anaviylikdan xoli emas. Chunki Alisher Navoiy ham qit'alaridan birida:

*Riyoyi Ka'badin dayri fanog'a*
*Kirib, gar butka zohir qildim imon,*
*Meni yozg'urma, ey shayxi riyoyi*
*Ki, gar kofur edim, bo'ldum musulmon*[243],

---

[239] Иброҳим Ҳаққул. Навоийга қайтиш. – Тошкент. Фан. 2003, — Б. 16.
[240] Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент. Movarounnahr. 2009, — Б. 31.
[241] Воҳидов Э. Сенга бахтдан тахт тиларман. – тошкент. Ғафур Ғулом нашриёти. 2017. –Б. 71.
[242] Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент. Movarounnahr. 2009, — Б. 50.
[243] Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний: Бадоеъ ул-васат.Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том..– Т.: «Фан», 1990, – Б. 371.

– deganda riyokorlik illatini qoralab, u in qurgan qalb bilan Ka’ba ziyoratiga qadam qo‘ymoqlikdan ko‘ra, fano dayrida butga iymon keltirish avloroq ekanligini nazarda tutgan bo‘lsa, ajab emas. Chunki tasavvuf ta’limotida but istilohi Mutlaq ruhning mazhari ekanligi manbalarda keltirilgan. Jumladan, Ibrohim Haqqulning “Navoiyga qaytish” asarida bu borada quyidagi fikrlarni o‘qiymiz: “But so‘zining lug‘aviy ma’nosi – sanam. Bu so‘z sevgili, ma’shuq, matlub mazmunida ham qo‘llanilgan…. Tasavvufda esa but – bu Vahdat, ilmi ilohiyga ortiq darajada ishtiyoq sezgan orifning ko‘ngli demak”[244]. Ushbu fikrlar bizni shoirning “Ishq istilosi” dagi muhabbat va yor – sanam tasviri uning majoziy ishqdan ko‘ra ilohiylikka daxldor, degan xulosaga kelishimizga asos bo‘ladi.

Xulosa sifatida aytishimiz mumkinki, bizningcha, Erkin Vohidov ishq konseptiga har bir g‘azalda o‘z poetik maqsadlarini ifodalovchi muhim vosita sifatida yondashgan. Aks holda g‘azalda ifodalangan fikrlarni o‘z ma’nosida qabul qilish uning mohiyatini sayozlikka chiqarib qo‘yar edi. Bu esa daho shoir fenomeniga zid xususiyat sanaladi. Chunki Erkin Vohidov mumtoz she’riyat shakllarini mukammal bilgani holda, sevgi, muhabbat, ishq, oshiqlik, yor, dard, vasl, hijron singari an’anaviy tushunchalar mohiyatini nihoyat darajada teran anglagan, so‘zning qalbdagi tebranishlar natijasidagi aks sadolarigacha chuqur his qila bilgan ijodkordir. Shoirning “Sevgi otashi”, “Biz anglamagan jahon ekan ishq”, “Menda bor ishq ichra g‘am” singari qator g‘azallarida biz yuqorida tilga olgan ishq konseptining turli talqinlari aks ettirilganki, bu o‘z navbatida shoir ijodining mahurat qirralarini ochish borasida qilinajak ishlar hali bisyor ekanligidan dalolat beradi. Biz kelgusidagi izlanishlarimizda, albatta, bu haqda to‘xtalamiz.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. //Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 14-том.– Т.: «Фан». 1992, – 315 б.
2. Алишер Навоий. Хамса: Лайли ва Мажнун.//Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 9-том.– Т.: «Фан». 1992, – 377 б.
3. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний: Бадоеъ ул-васат. // Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том.– Т.: «Фан», 1992, – 381 б.
4. Воҳидов Э. Сенга бахтдан тахт тиларман. – Тошкент. Ғафур Ғулом нашриёти. 2017, –
5. Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент. Ғафур Ғулом нашриёти. 1991, –
6. Иброҳим Ҳаққул. Навоийга қайтиш. – Тошкент. Фан. 2003, – Б. 16.
7. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент. Movarounnahr. 2009, – 448 б.

# БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА МАТН УСТИДА ИШЛАШГА ОИД ИШ ТУРЛАРИ

**Қорабоев Ҳусниддин Камолович**
**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат**
**ўзбек тили ва адабиёти университети мустақил тадқиқотчиси**
тел:+998979213029 **e-mail:** qoraboyevhusniddin2@gmail.com

**Аннотация:** Ушбу мақолада бошланғич синф ўқувчиларини бадиий асарни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириб

[244] Иброҳим Ҳаққул. Навоийга қайтиш. – Тошкент. Фан. 2003, — Б. 206.

боришда матн устида ишлаш кўникмалариши шакллантиришда турли иш турларидан фойдаланиш методикаси шарҳланган ва методик тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар:** бошланғич таълим, матн, ўқиш саводхонлиги, дарслик билан ишлаш, луғат, мустақил фикр, фаолият, ҳамкорлик, натижа.

**Аннотация:** Бұл мақалада бастауыш сынып оқушыларының көркем шығармашылығын талдау дағдыларын қалыптастыру және дамытуда мәтінмен жұмыс істеу дағдыларын қалыптастыру және дамытуда әр түрлі жұмыс түрлерін қолдану әдістемесі түсіндіріліп, әдістемелік ұсыныстар берілген.

**Түйінді сөздер:** бастауыш білім, мәтін, оқу сауаттылығы, оқулықпен жұмыс, сөздік, өз бетінше ойлау, белсенділік, ынтымақтастық, нәтиже.

**Annotation:** In this article, the method of using different types of work in the formation and development of the skills of working on the text in the formation and development of the skills of the analysis of the artistic work of elementary school students is commented and methodical recommendations are presented.

**Key words:** primary education, text, reading literacy, working with textbooks, vocabulary, independent thought, activity, cooperation, result.

Бошланғич синф она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида уйда бажариш учун бериладиган ҳар қандай вазифалар ўқувчиларнинг имкониятлари, билим ва кўникмалари савияси, ҳаёт тажрибаси каби томонлар сарҳисоб қилинадики, бу масалаларни билиш, муаммоларни маҳорат билан ҳал этиш ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини таъминлаш гарови ҳисобланади.

“Ўқиш: 3-синф” номли методик қўлланмада таъкидланганидек, “Ҳозирги кунда замонавий мактабнинг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларни тарбиялаш ҳамда жамиятда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш ва унга етарли даражада фойда берадиган билимлар билан қуроллантиришдан иборат”. Бу муаммони ҳал этишнинг муҳим йўналишларидан бири ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини ўстириш, уларда билим олишга қизиқиш, мустақиллик ва ижодкорликни ривожлантириш, маънавиятини шакллантиришни кўзда тутадиган ўқитиш методлари ҳамда ўқув-методик материални ишлаб чиқиш ва татбиқ этишдан иборатдир[245]. Ана шу йўналишдаги иш турларидан бири ўқилган ҳажман каттароқ матнда учраган маъноси нотаниш сўзларни уйда дафтарга ёзиб келишдир. Бундай топшириқнинг моҳияти шундаки, ҳар бир ўқувчининг ҳаётий тажрибаси, маиший турмушда орттирган билими ва тажрибаси индивидуалдир. Уларнинг қизиқишлари ҳам, билими ҳам, табиат ҳодисаларидан, тиббиёт илмидан, меҳнат фаолиятидан хабардорлиги ҳам ҳар хилдир.

“Она тили ва ўқиш саводхонлиги” дарсликларида берилган ўқув матнлари турли соҳаларга мансублиги жиҳатидан интегративдир. Масалан, 3-синф дарслиги мундарижасидан билиш мумкинки, ўтиладиган мавзулар байрамлар (Мустақиллик куни ва б.), ер юзи (қитъалар, океанлар, тоғлар ва б.), саломатлик (тиббиёт, витаминлар, вирус ва б.), экин экиш, етти хазина, шахсий фазилатлар, шаҳар (диққатга сазовор жойлари) каби турли соҳаларга оид муҳим масалаларга

[245] O‘qish: 3-sinf. O‘qituvchilar uchun metodik qo‘llanma /Gulzoda Boymurodova, Xadicha Sattorova, Shahnoza Muslimova,Fotima Karimova, Gulsara Saydaliyeva, Zahro Kabilova.– T.: “Sharq”, 2016. – 6-б.

бағишланган. Шу боисдан матнларда қўлланган лексика ҳам кенг соҳаларга тегишли бўлиб, табиийки, ўқувчиларнинг дунёқараши доирасидан анча четга чиқади.

Мисол сифатида “Ватан” матнининг 2-қисмини кўздан кечирайлик.

Айт илтимосингни, – дебди подшо.

– Рухсат берсангиз, ўлимим олдидан Ватанимни бир кўриб, яқинларим билан видолашиб келсам, – деб зорланибди қушча.

Подшо шу қушчага мен яратган боғ ватан бўлмабди, наҳотки унинг ватани бундан ҳам гўзалроқ бўлса, агар шундай бўлса, ундан намуна олишим керак экан, деб ўйлаб, орқасидан пойлоқчи қўйиб, қушчага рухсат берибди.

Қушча етти кеча-ю етти кундуз учиб, ниҳоят бир саҳро-ю биёбонга бориб етибди. Жазирама саҳрода бир туп қуриб қолган дарахт бор экан. Қушча ўшанинг ковагига кириб, Худога минг қатла шукур, ватанимни кўрадиган куним бор экан, оҳ, менинг кўз очган уйим, оҳ, менинг ота-онамни кўрган чиройли ковагим, оҳ, укаларим билан чирқиллашиб катта бўлган масканим деб, кўзига ёш олиб, ковакда тўхтамай думалар, четларини нозик қанотлари билан силаб-сийпалар эмиш. Қушча туғилган маскани билан хайрлашиб, подшонинг ҳузурига қайтибди. Пойлоқчи ҳам бўлган воқеани оқизмай-томизмай сўзлаб берибди. Подшо адолатли ҳам экан. Демак, деб ўйлабди у, ҳаммага, у инсонми, қушми, ким бўлишидан қатъи назар, бегона боғ-роғлардан кўра, ковакдек хароб бўлса ҳам, ўзи туғилиб ўсган жойи қадрли маскан бўларкан, ўша ерни қўмсаб, ўша жойни улуғлаб, эъзозлаб яшаркан. Подшо шуларни ўйлаб, гулзордаги бошқа ўлкалардан келтирилган барча қушларга озодлик берибди.

Ўқувчилар учун нотаниш бўлиши мумкин бўлган сўзлар: *ўлим, яқинларим, видолашиб келсам, зорланибди, наҳотки, пойлоқчи, ниҳоят, саҳро-ю биёбон, жазирама, коваги, худога минг қатла шукур, масканим, кўзига ёш олиб, ҳузурига, қатъи назар, хароб, қўмсаб, эъзозлаб*. Бу сўзларнинг маълум бир қисми матнни ўқишга қадар ва изоҳли ўқиш пайтида тушунтирилгани учун ўқувчилар уйда ёзадиган сўзлар камаяди.

“Она тили ва ўқиш саводхонлиги” дарсликларида асосан илмий мақола типидаги матнлар, қисман адабий материаллар сифатида эртаклар, мақоллар, топишмоқлар, шеърлар акс эттирилган. Бундай ҳолатларда ҳар бир мавзу ўз лексик қатлами билан намоён бўлиб, бир мавзу лексикаси иккинчи мавзуни ўрганишга етарлича ёрдам бера олмайди.

Айрим матнларда асар қаҳрамонига тавсиф берувчи сўзлар учрайди. Масалан, 3-синф дарслигида “Алишер Навоий болалик пайтларидаёқ жуда зийрак, ақлли, одобли бола бўлган экан” гапида (17-бет) *зийрак* сўзи ёш Алишернинг фазилатларидан бири сифатида тилга олинади. Лекин ўқувчи бу сўзни ёзувчи тушунган маънода кенг тасаввур қила олмаслиги мумкин. Бундай сўзларнинг мураккаблиги А.Т.Балтаеванинг “Адабиёт дарсларида ўқувчиларни бадиий асар қаҳрамонларини танқидий баҳолашга ўргатиш технологияси” мавзусидаги тадқиқот ишида[246] махсус изланишларни тақозо этган. Тадқиқотчи бундай сўзларни танқидий фикрлаш (баҳолаш) билан боғлаган. Ўқитувчи

---

[246] Балтаева А.Т. Адабиёт дарсларида ўқувчиларни бадиий асар қаҳрамонларини танқидий баҳолашга ўргатиш технологияси. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2020. – 50 б.

ўқувчиларга бундай сўзларни тушунишда кенгроқ изоҳ бериш йўли билан ёрдам бериши керак..

Одатда, ўқувчиларнинг ўқилган матн мазмунини тушунганлик даражасини аниқлаш мақсадида саволлар асосида суҳбат ўтказилади. Саволлар имкон қадар болаларнинг ҳаёт тажрибаси, кўрган-кечирганларига таяниб берилади, матнда баён қилинганларни ихчам тасаввур қилишга кўмаклашувчи оддийроқ, лекин ижодий жавоб қайтаришга ундайдиган қилиб тузилади. Масалан, “Ватан” матни юзасидан қуйидаги каби саволлардан фойдаланиш мумкин: “Матн нима ҳақида?”, “Подшо қушчага қандай Ватан бераётган эди?”, “Қушча подшодан нимани илтимос қилди?”, “Қушчанинг Ватани қаер эди?”.

Дастлабки бу каби саволлардан кейин матн қайта ўқилиб, дарсликда унга доир берилган муфассалроқ саволларга ўтиш ўқувчиларнинг жавоб топишларини енгиллаштиради.

1. Қушчанинг охирги илтимоси нима экан?
2. Подшо нима учун қушчанинг ортидан пойлоқчи қўйибди?
3. Қушча қаерга борибди?
4. Қушча туғилиб ўсган ковагида нима қилибди?
5. Подшо нима учун бошқа юртлардан келтирилган қушларни қўйиб юборибди?

Дарсликда матн мазмуни юзасидан берилган бундай саволлар режа вазифасини бажариши мумкин. Режа матнни қисмларга бўлиш, қисмларга сарлавҳа қўйиш, шу асосда матн мазмунини қисқа тарзда қайта ҳикоя қилишга тайёрланиш учун хизмат қилади. Бир-икки режа дарсда ўқитувчи раҳбарлиги, синф ўқувчилари жамоа бўлиб ўйлаши тарзида тузилса, кейинги режаларни тузиш иши дарсда қисман оғзаки бошланиб, давомини тугаллаш уйга вазифа қилиб топширилиши мақсадга мувофиқдир.

Матнга режа тузиш иши ўқувчиларни ундаги айрим фактларга муносабат билдиришга ундашдан бошланади. Қ.Ҳусанбоева, Р.Ниёзметоваларнинг “Адабиёт ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмасида таъкидланишича, “Ўқувчилар онгини фаоллаштирадиган бундай иш турлари нафақат асар матнининг чуқур ўзлаштирилишини таъминлайди, балки уларда ҳар қандай бадиий асарни мустақил муҳокама қилишга қодир китобхонни тарбиялайди. Қолаверса, ўқувчилар тузган режа ўқув материалининг улар томонидан чуқур ва мустаҳкам ўзлаштирилишига имконият яратади ва билимлар нисбатан онгли ўрганилишига эришилади”[247].

3-синф “Она тили ва оʻқиш саводхонлиги” дарслигида “Саволларга жавоб беринг” рукни алоҳида белги билан ифодаланган. Саволларнинг айримлари дарсда ўқилажак матн (масалан, “Уч ҳикмат” матни) мазмунидан келиб чиққан ҳолда мавзу бўйича суҳбатга ундаши, матнни ўқишга қизиқиш уйғотиши билан эътиборга молик: улар ўқувчиларни янги мавзуни тушунишга тайёрлайди. Масалан:

1. Ҳикмат деганда нимани тушунасиз?
2. Катталарнинг насиҳати бизга нима беради?

Дарсликда 24-бетдаги каби саволлар бир қанча. “Витаминжон” матнидан олдин “А, Д, К, Э витаминларининг хусусиятларини ёзинг” деган топшириқ

[247] Ҳусанбоева Қ., Ниёзметова Р. Адабиёт ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2017. – 255-б.

келтирилган.

Бундай саволлар тайёр жавоб варианти бўлмаганлиги учун матндан ташқари чиқиш, лекин ундан англанадиган ғояни излашга, мустақил ижодий жавоб ўйлаб топишга мажбур қилади, матнни диққат билан ўқишга ундайди.

Дарсликнинг 26-бетидаги савол матннинг давомини тахмин қилишга қаратилган: Сизнингча, ҳикоянинг давомида нималар содир бўлади?

Айрим ўқув материалларига доир топшириқларда она тили ўқув фани билан интеграсиялаш кўзда тутилган. Масалан, 3-синф дарслигида: Матндан катта ва кичик тўлқинга хос сифатларни, кўплик (-лар) маъносидаги ҳамда ҳажм-ўлчовни билдирувчи сўзларни аниқлаб, ёзинг (48-б.).

Топшириқларнинг айримлари матндаги фактлар асосида ўз фикрларини, тушунчаларини оғзаки ёки ёзма баён қилишга ундайди. Масалан: Топишмоқларнинг жавобини топинг. Ушбу маҳсулотларнинг фойдали жиҳатлари ҳақида фикр билдиринг.

"Бозор" шеърига доир топшириқ: Шеърда тилга олинган табиий дармонларни жадвалга намунадаги каби жойлаш тиринг (75-б.).

Жадвалга солиш, график тасвирлаш, расмлар устида ишлаш сўралган топшириқлар ҳам матн мазмунини аниқроқ, чуқурроқ англаш учун замин яратади. Айни ушбу йўналишдаги иш турлари уйга бериладиган вазифалар мазмунини бойитади. Зеро, "*График тасвирлаш* кўпроқ уйда бажарилади. Бунинг учун ўқувчилар тасвирланадиган матн қисмини ажратадилар, уни диққат билан ўқиб чиқадилар, мазмунини ўзлаштирадилар ва унга мос расм чизадилар. Бунда ўқувчилар билан қандай ранглардан фойдаланиш, ранглар ифодалайдиган маънолар бўйича суҳбат ўтказилади. Расмлар кўргазмаси ташкил этилади. Ҳар бир расм муаллифи ўзи чизган ранг тасвирини изоҳлаб беради. Компютерлаштирилган синфларда график тасвирлаш синфда ҳам бажартирилиши мумкин. Бунда ўқувчиламинг ижодий ёндашувларига имкон берилади"[248].

Мавзу доирасида матндан четга чиқиш, қўшимча савол ва топшириқлар ҳавола қилиш орқали матн мазмунини чуқурроқ англаш ва ўзлаштиришга ёрдам бериш ўқиш бўйича эришиладиган самарадорликка ижобий таъсир кўрсатади. Бу ишлар ўқувчиларни дарсда ўрганган билимларини мустақил равишда гуруҳлашга, ундан муҳимини ажратишга, ўқитувчининг талабларига мос келадиган далиллар топишга ўргата боради. Уларнинг олдида мустақил мулоҳаза юритишни талаб қиладиган янги саволлар пайдо бўлади. Далиллар келтириш учун нафақат фактлар излашга, балки уларни ўз сўзлари билан этказишга ҳам ҳаракат қиладилар. Бу ҳолат ҳам таълимий, ҳам тарбиявий жиҳатидан ўта муҳим ҳисобланади. Ўқувчилар фикрларини ўз сўзлари билан ифодалаган жойда тафаккур фаолияти мустақиллиги тарбияланмаслиги мумкин эмас.

Кўринадики, она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларида ўқилган матн мазмуни доирасида ёки ушбу мазмундан четга чиққан ҳолда ўқувчиларга уй вазифалари мўлжаллаш мақсадга мувофиқдир. Бунда матндаги айрим фактларга

[248] Ona tili oʻqitish metodikasi (Boshlang'ich ta 'lim fakulteti talabalari uchun darslik): |K. Qosimova|, S.Matchonov, X. G'ulomova, Sh. Yoʻldosheva, Sh. Sariyev. — T.: «NOSHIR», - 2009. – 99-b.

муносабат билдириш, суратлар билан ишлаш, график тасвирлаш, жадвалга солиш талаб этиладиган топшириқларга ҳам маълум ўрин ажратилади.

Суратлар (расмлар) борлиқ нарса-буюмлари, жонзотлари билан таништириш, воқеа-ҳодисаларнинг бирор лаҳзаси тасвири орқали шу воқеа-ҳодисаларни китобхон кўз олдида гавдалантириш, нутқий вазиятларни вужудга келтириш, ниҳоят, рассом танлаган ранглар, уларнинг моҳиятига эътиборни қаратиш каби таълимий жиҳатлардан бирини акс эттиради. Шунга кўра ҳам суратлар билан ишлашнинг таълим-тарбиявий аҳамияти катта.

Нарса-буюмлар билан таништириш учун мўлжалланган суратлар кўпроқ шу нарса-буюмлар, уларнинг номлари, талаффузи ва ёзилиши билан таништириш учун мўлжалланади. Ушбу номларнинг аксарият қисми ўқувчилар учун таниш бўлиши мумкин. Шу боисдан бундай расмлар билан боғлиқ топшириқларни уйга вазифа қилиб бериш тақозо этилмайди.

Улар орқали ўқувчилар борлиқдаги нарса-буюмлар, жониворлар, уларнинг ранг-туси, шакли ва бошқа хусусиятлари билан танишадилар. Расмлар рангли бўлса, ўқувчида рангни ҳис қилиш, ундан таъсирланиш, тасвирни, ранглардаги мусиқийликни ўқиш маҳоратини шакллантиради. Оламни, одамни ранглар кўмагида баҳолашга ўргатади. Дарсликда мавзу билан боғлаб берилган суратлар устидаги иш дарсда бошланиши керак. Бунда тасвирланган предметнинг белгилари, ўзига хос жиҳатлари изоҳланади. Ниҳоят, у ҳақда сўзлаш (бир неча гап айтиш) топширилади. Ана шу иш уйга вазифа қилиб топширилади. Расмда бирор воқеа тасвирланган бўлса, ўқувчи ҳодисанинг боши ёки охирини ўйлаб топиш, ҳикоялаб бериш, каби топшириқларни уйда ёзма бажариши ёки оғзаки ҳикоялашга тайёрланиш вазифаси берилиши мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Она тили ўқитиш методикаси (Бошланғич та ълим факултети талабалари учун дарслик): |К. Қосимова|, С.Матчонов, Х. Ғуломова, Ш. Йўлдошева, Ш. Сариев. — Т.: "НОШИР", - 2009. – 99-б.
2.Балтаева А.Т. Адабиёт дарсларида ўқувчиларни бадиий асар қаҳрамонларини танқидий баҳолашга ўргатиш технологияси. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертасияси автореферати. – Тошкент, 2020. – 50 б.
3.Ҳусанбоева Қ., Ниёзметова Р. Адабиёт ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2017. – 255-б.
4.Ўқиш: 3-синф. Ўқитувчилар учун методик қўлланма /Гулзода Боймуродова, Хадича 5.Сатторова, Шаҳноза Муслимова,Фотима Каримова, Гулсара Сайдалиева, Заҳро Кабилова.– Т.: "Шарқ", 2016. – 6-б.

# DINIY TASKIN HISSINING INDIVIDUAL-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

**Yo'ldoshev Javlon Ablanazar o'g'li,**
**Toshkent amaliy fanlar universiteti**
**Psixologiya kafedrasi o'qituvchisi**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada, diniy taskin hissining individual xususiyatlari, inson psixik hayotidagi roli, islom dini, iymon va e'tiqod, katarsis jarayoni, sabr, shukr ne'matlari, tafakkur va iroda xususiyatlari, shaxsning diniy-psixologik

kechinmalari, ro‘y berayotgan jarayonlarga diniy va hayotiy bilimlaridan kelib chiqib iymon va e’tiqodga ishonch tuyg‘usi haqida ma’lumotlar keltirib o‘tilgan.

**Kalit so’zlar:** Shaxs, e’tiqod, iymon, taskin hissining diniy va psixologik jihatlari, jamiyat, shaxs shakllanishi, individual-psixologik xususiyatlar, katarsis, sabr, ishonch, shaxsda kechadigan ruhiy kechinmalar, diniy va dunyoviy bilimlar.

**Аннотация:** Бұл мақалада діни жайлылық сезімінің жеке ерекшеліктері, оның адамның психикалық өміріндегі рөлі, ислам діні, сенім мен сенім, катарсис процесі, сабырлық нығметтері, шүкіршілік, ойлау ерекшеліктері. және ерік-жігер, адамның діни-психологиялық тәжірибелері, діни-өмірлік білімге негізделген сенім мен сенім туралы болып жатқан мәліметтер процестерге жеткізілді.

**Негізгі сөздер:** Тұлға, сенім, жайлылықтың діни-психологиялық аспектілері, қоғам, тұлғаның қалыптасуы, жеке-психологиялық ерекшеліктері, катарсис, шыдамдылық, адамның басынан өткен рухани тәжірибелері, діни және дүниетанымдық таным.

Ijtimoiy-ma’naviy hayot, milliy va demokratik taraqqiyotning uyg’unligi, millat va mamlakatning yuksalib, dunyoga yuz tutish jarayoni yosh avlodning ma’naviy qiyofasi, tafakkur tarsi, milliy, diniy, umuminsoniy qadriyatlarni o’zlashtirishdagi ko’nikma va bilimlarga chambarchas bog’liq. Zero, dinni xolis, ilmiy tadqiq etish, uni yaxlit ijtimoiy fenomen sifatida o’rganish uning bugungi holati va din bilan bog’liq masalalarini tizimli tahlil qilish va istiqbolini belgilash imkonini beradi.

Har qanday din o’z e’tiqod qiluvchilari uchun to’ldiruvchilik, ovutuvchilik, ya’ni “kompensatorlik” vazifasini bajaradi. Masalan, insonda doimiy tasalliga ehtiyoj hosil bo’lishi hodisasini olaylik. Inson o’z hayoti davomida tabiat va jamiyat bilan bo’lgan munosabatlarida maqsadlariga erishishi ilojsiz bo’lib ko’ringanida, unda qandaydir ma’naviy-ruhiy tasalliga, tasking zarurat sezadi. Din bu o’rinda ma’naviy-ruhiy ehtiyojni qondiruvchilik, “taskin beruvchanlik” vazifasini bajaradi.

Islom dinida ham har bir musulmon bu dunyoda erishmagan moddiy yoki ruhiy orzu-istaklariga oxiratda erishishiga ishongan holda dunyo orzu-havaslariga ortiqcha berilmay, turmush mashaqqatlariga sabr qiladi. “Albatta, Alloh sabr qiluvchilar bilan birgadir”, deyiladi islom dinining muqaddas manbasi Qur’onda **(“Baqara” surasi, 153-oyat).**

Din nafaqat odamlarning ongida muayyan g’oya va qarashlarni hayotga tadbiq etgani uchungina emas, balki odamlarning ba’zi ob’ektiv psixologik ehtiyojlarini o’ziga xos tarzda qondirishi, ruhiy hayotning muayyan psixologik holatni yoki diniy ong tizimida bo’lgan o’ziga xos “dinamik steriotiplar” ni qondirgani uchun ham taskin beradi. Dindorlarning ruhiyatiga xos bo’lgan “dinamik steriotiplar” orasida diniy katarsis deb ataladigan jarayonlar, diniy konsepsiyaning asosi bo’lgan psixologik jarayonlar ham hisoblanadi.

Inson psixikasi doimo qiziqarli va shuning bilan birga murakkabki, ruhiyatda sodir bo’ladigan har bir jarayon, hodisa va holatlar ushbu fan olimlari, tadqiqotchilari va hatto boshqa fan vakillarining e’tibor markaziga aylangan. “Katarsis” qadimgi grek tilidan so’zma-so’z tajrima qilinganda “tozalanish”, “qutilish” va “tan ava ruhning sog’ayishi” kabi ma’nolarni bildiradi. Bu tushuncha ruhiy iztirob bo’lib, o’zida tarbiyaviy xususiyatlarni jamlagan holda ongni ijobiy tomonga o’zgartiradi. Bu stress

terapiya bo'lib, bu terapiyadan so'ng insonlarga ulardagi barcha muammolar muammo bo'lib emas balki hayotimizdagi kundalik voqealardan biri bo'lib tuyiladi. Shuning bilan birga, o'sha davrda katarsis hayotning boshqa jabhalarida ham mavjud bo'lgan. Masalan, tibbiyot katarsisi bo'lib, bunda tananing azobli kasalliklardan ozod bo'lishi tushunilgan. Yoki din katarsisi, bunda qalbning gunoh va xatolardan poklanishi tushunilgan. Falsafa adabiyotlarida katarsisning 1500 ga yaqin turlari aytib o'tilgan. Katarsis tushunchasi psixologiyada metod sifatida foydalaniladi. Bu metod insonda keyinchalik psixologik muammoga sababchi bo'lgan hayotidagi og'ir damlarni eslatishga asoslangan. Metod mijozga o'zidagi negative holatdan qutulishiga yordam beradi.

Katarsis insonda bir paytlar ochiq savolligicha qolib ketgan va shuning bilan birga fobiyalardan qutulish imkonini beradi hamda bir qancha quyidagi ijobiy o'zgarishlar sodir bo'ladi;

- Havotirlanish hissi kamayadi yoki butunlay yo'qoladi;
- Salbiy emotsiyalar o'zining kuchini yo'qotadi;
- Shaxs o'zining ichki olamini tushuna boshlaydi;
- Hayotini yaxshi tomonga o'zgartira boshlaydi.

Katarsis ikki turda bo'lishi mumkin. Katarsisning birinchi turi bu, ichimizdagi bor g'azabni tashqariga chiqarib tashlash bo'lib, bunda shaxs o'zining bor alami va nafratlarini yig'lash, baqirish yoki azoblanish orqali chiqarib yuboradi. Masalan, bor g'azabini ma'lum bir narsaga yo'naltirishimiz orqali, bunga boks qopini misol keltirishimiz mumkin. Boks qopi qarshisida turib, avval barcha bizga qilingan nohaqliklar, alamlar va azoblarni birma-bir hayolimizdan o'tkazamiz. Natijada, bizda g'azab paydo bo'ladi, endi bizni shu holatga keltirgan insonlardan alamimizni olgimiz keladi. Qarshimizda turgan boks qopini o'sha odam deb tasavvur qilib uni bor kuchimiz bilan ura boshlaymiz. Birozdan so'ng yengillik his qilamiz va bizni shu holga keltirgan odamni kechirgimiz kela boshlaydi. Bu yo'l juda yaxshi samara beradi.

Katarsisning ikkinchi turi esa, san'at yordamida ruhiy poklanishdir. Ya'ni kitob, film yoki teatrdagi drammatik qahramonlarning o'rniga o'zimizni qo'yib ko'rishimiz orqali. Masalan, bir kitob o'qidik, undagi bizga ko'proq ta'sir etgan qahramonni xohlaymizmi yoki yo'q, biz uning o'rniga o'zimizni qo'yib ko'ramiz. Unga rahmimiz kela boshlaydi va achinamiz. Shu yo'l orqali ichimizdagi salbiy emotsiyalardan yo'qqa chiqarishimiz mumkin.

"Aif" gazetasida yozilishicha, Sank-Peterburglik olimlar emperik tadqiqotlar o'tkazib, ibodat jarayonlaridagi ruhiy o'zgarishlar bilan bog'liq "mexanizm"ni topishga harakat qilganlar va bunda muayyan natijalarni qo'lga kiritganlar. Ular ilohiy hodisalardan bo'lgan – ibodat bilan davolanishning, shifo olishning moddiy mexanizmlarini kashf etishadi. V.Bexterov nomidagi Sank-Peterburg ilmiy tekshirish instituti neyropsixofiziologiya labaratoriyasi rahbari professor Valeriy Slezin ibodat kuchli davolash vositasi deb hisoblaydi, shuningdek, ibodat inson organizmida bo'ladigan hamma jarayonlarni tartibga solib qolmay, ongning zararlangan tizmlarini ham tiklaydi.

Albatta, hissiy kechinmalarning vujudga kelishi asosida insonning moddiy va ma'naviy ehtiyojlari yotadi. Shunga ko'ra, shaxsda shakllanadigan diniy hissiyotlar ham uning ma'naviy ehtiyoji – diniy e'tiqodlaridan kelib chiqadi. Diniy e'tiqodning kuchi vamustahkamligiga qarab, hissiyotlarning namoyon bo'lish intensivligi,

dinamikasi va davomiyligi ham turlicha bo'ladi. Barcha dinlarda mehr-muhabbat, ishonch, umid, qoniqish, poklanish, qo'rquv, tavba hissiy kechinmalar eng muhim tuyg'ular hisoblanib, dindorlarning boshqa ruhiy holat v ava ehtiyojlarni o'ziga bo'ysundirib oladi. Din psixologiyasi bilan shug'ullanuvchi psixologlar diniy hissiyotning o'ziga xosligi diniy ob'ektga, e'tiqod predmetiga yo'nalganligi bilan belgilanadi, deb ta'kidlaydilar. Bu esa, ko'p jihatdan dindor e'tiqodlariga uyqash bo'ladi.

U. Jeyms diniy e'tiqodlarning ichki-hissiy tabiatiga e'tibor berib, ochiq bo'lmasa-da, bunday tuyg'ularning g'ayritabiiy manbai – ilohiy kuch mavjudligini shart qilib qo'yadi "Haqiqiy e'tiqodli kishi turli nevroz kasalliklaridan holidir. Universal nevrozni qabul qilgan odam individual nevrozga chalinish xavfidan yiroq bo'ladi".

Diniy e'tiqodning nazariy asoslariga e'tibor qaratar ekanmiz, bu bobni ikki qismda o'rganishga harakat qildik. Psixologiyada e'tiqod masalasida olib borilgan ishlar Sharq va G'arb olimlarining qarashlari asosida atroflicha o'rganilib shu asosda tahlil qilindi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, diniy taskin masalasi bugun paydo bo'lgan fenomen (hodisa) bo'lmay, u o'zining tarixiga ega ekan. Diniy taskin muammosi psixologik tadqiqotlarda qisman o'rganilgan bo'lib, ammo bu tadqiqotlar diniy taskin tushunchasini to'liq yoritib bergan, deb aytib bo'lmaydi.

O'rganilgan manba va adabiyotlardan kelib chiqib, quyidagi xulosalarni berish mumkin:

Birinchidan, diniy taskin masalasi faqatgina islom diniga bog'liq bo'lmay, balki boshqa dinlarda ham ko'p kuzatiladi.

Ikkinchidan, olimlarning fikriga ko'ra, diniy taskin yaxlit butunga birlashtirib turgan barqaror elementlardan biri – bilimdir. Ma'lumki, inson ijtimoiy va ongli faoliyatida muayyan bilim turlarini egallashga intiladi. Bu bilimlar nazariy yoki emperik mazmundan tashkil topgan bo'lishi mumkin. Gap shundaki, olingan bilimlarning e'tiqodga aylanishi uchun bir necha bosqichlarni o'tadi. Dastlabki bosqich anglash holati bo'lib, unda bilimning ma'no-mazmuniga tushunib yetiladi. So'ngra o'zlashtirib olingan bilimlar, insonning moddiy va ma'naviy ehtiyojlariga aylanadi. Demak, o'zlashtirilgan bilimlar, moddiy va ma'naviy ehtiyojlariga o'zgaradi. Shu jihatdan diniy taskin topa olish uchun ham inson ma'lum bir bilimlarga, ayniqsa diniy bilimlarga ega bo'lishi zarur.

Uchinchidan, Psixologlarning ko'pchilik qismi psixoanaliz dinning o'ziga xoslik va uning aloqadorligining foydali tomonlarini tadbiq etishgan.

To'rtinchidan, diniy taskin – bu iymon bilan bog'langan holda inson qalbida ma'lum bir halovatni paydo qiladi. Iymon bilan bog'langan taskin hissi inson hayotining eng murakkab sharoitlarida to'g'ri yo'l topa olishga imkon beradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Abdurahmonov F, Abdurahmonova Z, "Din psixologiyasi".Toshkent-2011.
2. Abdusamedov A.I. Dinshunoslik asoslari .T.: O'zbekiston, 1995.
3. Z.Freyd. Psixologiya pervobitnoy kulturi i religii. 1997.Z.Freyd
4. S.Saidjalolov – "Dinshunoslik va jahon dinlarini qiyosiy o'rganish"
5. G'oziev E.G', M.M.Mamatov va boshq."Ijtimoiy-psixologik qiyofaning ilmiy-uslubiy asoslari" 1-kitob. O'zMU.T: Mumtoz so'z. 2009.
6. Zufarova "Umumiy psixologiya" Toshkent 2005.

# ФОНЕТИК БИРЛИКЛАР ОРҚАЛИ МИҚДОР ИФОДАЛАШ

**Мамажонова Муножатхон Нажмиддиновна**
**Ўзбекистон, Қўқон давлат педагогика институти катта ўқитувчиси**
**тел.: +998 905078980 e-mail: mamadjanovamunojat1974@gmail.com**

**Аннотация.** Бұл мақалада сандық мағынаның маңызы және сандық мағынаны білдіру үшін қолданылатын формалар, негізінен фонетикалық бірліктер қарастырылады.

**Түйін сөздер:** сан, қарсылық, эмоционалдылық, көптік, сандық салыстыру.

**Abstract.** This article discusses the importance of quantitative meaning and the forms used to express quantitative meaning, mainly phonetic units.

**Keywords:** number, opposition, emotionality, plurality, quantitative comparison.

Тилшуносликда миқдорийликнинг ифодаланиши лексик, морфологик, сўз ясалиши, синтаксис сатҳларида етарли даражада мумтоз таҳлиллар асосида тавсифий йўл билан ўрганилган. Кўпинча, тадқиқотлар сон грамматик категориясини миқдорий муносабатлар ифодалашнинг мунтазам усули сифатида қаралган таҳлилга бағисҳланган. Лекин бой тил материалининг квантитативлик категорияси узвий алоқадорликда, тўлиқ ва тизимли ҳолда тадқиқ қилинмаган. Бу эса мазкур муаммони кўп сатҳли комплекс таҳлил этиш долзарблигини кўрсатади.

Тилда лисоний категориялар изоляцияланган ҳолда мавжуд бўлмайди. Улар тилнинг турли сатҳларида бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда яшайди. Жумладан, квантитативлик категорияси муайян тил материалида объективлашади (лисоний шаклларда маънолар кўринишида мантиқий тушунчаларнинг воқеланиши).

Квантитативлик тарихий тараққиёт жараёнида шаклланадиган онгнинг лингвокреатив фаолияти маҳсули сифатида ўрганилиши керак, шунингдек, контекстда квантитатив ва ноквантитатив тушунчаларни билдирувчи восита сифатида ҳам таҳлил этилиши зарур.

Фонетик сатҳда миқдорийликни, асосан, тўрт жиҳат белгилаб беради. Аввало, унлиларга хос бўлган чўзиқ-қисқалик оппозицияси миқдорий белгининг яққол кўриниши саналади. Туркий тилларга оид чўзиқлик хусусида О.Бетлинк, В.Радлов, Ф.Е.Корш, В.Гронбек, К.Фой, Х.Педерсон, Ю.Немет, А.П.Поцелуевский, В.А.Богородицкий каби қатор олимлар фикр юритишган[Абдуллаев, 1967: 198]. Бу ҳодиса барча туркий тиллар луғатида тарқалган. Баъзи тилларда биринчи бўғинда, бошқа тилларда эса аффиксларда чўзиқликни учратиш мумкин. Туркий тилларнинг биринчи тадқиқотчиси Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони луғатит турк" асарида унлилар чўзиқлигини ифодалаш учун иккита алифдан фойдаланилган.

Туркий тилларда, шу қатори ўзбек тилида ҳам унлиларнинг чўзиқлиги тилнинг кўтарилиш даражаси билан боғлиқ. Тор унлилар кенг унлиларга нисбатан қисқароқ бўлади ва сифат ўзгаришларига мойилроқдир. Доимий чўзиқлик ҳамда қисқаликдан ташқари, беқарор, яъни комбинатор ва позицион шартларга боғлиқ бўлган чўзилиш ёки қисқариш ҳам кузатилади: *текис, қадим.* Ўзбек тилига ўзлашган деярли барча барча биринчи очиқ бўғинлар чўзиқ ҳисобланади: олим, ошиқ каби.

Унлиларга хос чўзиқлик энг кўп от ўзакда кўринади, феъл ўзакда кам учрайди.Чўзиқ унлили от ўзакдан ясалганда, чўзиқлик камаяди, баъзан оддий унлига айланади. Айрим сўзларга унли билан бошланувчи аффикс қўшилганда очиқ бўғинга айланган биринчи бўғиндаги унли чўзилади: *бор–бо:ри, тоғ–то:ғи, йўқ–йў:ғи.*

Урғу ҳам унлилар чўзилишининг омилларидан биридир. Туркий тилларда урғу алоҳида кўринишга эга. Сўздаги асосий урғу тушган бўғин кучлироқ талаффуз қилинади, лекин ёрдамчи урғуни олган унли ҳам қисман чўзилади.

Ундошлар геминацияси ёки қаватланиши морфемалар чегарасида ундошларнинг қўшилиши ва, натижада, сўз шаклининг ўзгариши маҳсулидир: *ўтини–ўтинни.*

Геминация дастлаб нима сабабдан келиб чиққани номаълум. Барча кучли жарангсиз ундошлар икки унли орасида фақат геминат шаклда қўлланади. Геминатларнинг ҳосил бўлишида иккинчи бўғиндаги тор унлининг редукцияланиши катта аҳамиятга эга. Геминация ўзбек тилида бошқа тиллардагига нисбатан кўп учрайдиган ҳодисадир. Масалан, *ялла, катта, ҳамма, жизза каби.*

Геминациянинг ҳосил бўлишига прогрессив ёҳуд регрессив ассимиляция сабаб бўла олади: *қўшсин--қўссин,мендан--меннан* каби. XIII-XIV асрлар ёзма манбаларида ушбу ҳодиса ташдид(w), яъни қаватланишни билдирувчи ҳамда сўз устига қўйилувчи белги билан ифодаланган.

Ундошларнинг қаватланиши сўз маъноларини фарқлашга ҳам хизмат қилиши мумкин: *бошқадан–бошқаттан, қатиқ–қаттиқ, ини–инни, эса–эсса.* Шуниси ҳам маълумки, ўзбек тилида сўз охирида геминация мавжуд эмас. Инсон ўз ҳис-ҳаяжонини аниқроқ етказиш мақсадида бир ундошни такрор қўллаши мумкин. Буни қуйидаги мисоллар орқали тасдиқлаш мумкин: *маза–мазза, текис–теккис, ўзингни–ўззингни, кўзингга–кўззингга.*

Жуфтликни, иккилик сонни билдирувчи -з аффикси биринчи марта В.Банг томонидан кашф этилган, -з аффикси ҳам миқдорий белгининг ифодачисидир. Қадимги тиллардан монгол, манжур-тунгуз, япон, корейс тилларида ҳам иккилик сон мавжуд бўлгани ҳақида маълумот бор.Одатда, бу аффикс инсоннинг жуфт аъзоларини англатувчи сўзларда реаллашади: *тиз–тизза, кўр–кўз.*Ҳозирги ўзбек адабий тилида бу сўзлар кенг итеъмолдаги сўзлар сифатида баҳоланишига қарамай, кўпчилик бу сўзларнинг айнан жуфтликни билдиришини, улар ўртасидаги яқинликни билмайди. Балки *эгиз/ эгизак, юз* сўзлари ҳам қадимги иккилик соннинг намунасидир.

Миқдорийликнинг вужудга келиши турли омилларнинг ўзаро таъсирлануви орқали амалга ошади. Демак, барча омиллар бир-бири билан узвий боғлангандир. Масалан, унлининг чўзилишига урғу, сўздаги ундошнинг тушиши сабаб бўлади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, борлиқнинг (материянинг) барча шакллари ҳамда кўринишлари миқдорий аниқлик асосида тавсифланади. Нарсаларнинг миқдорий аниқлиги уларнинг ташқи белгиларига, яъни катталикка, шунингдек, нарсаларнинг ички табиатига (оғирлиги, иссиқлик сиғимига) тавсиф берувчи хусусиятлар ҳисобланади. Миқдор функционал-семантик майдони ҳодиса, жараён ва нарсаларнинг миқдорий кўрсаткичлари

инсон онгида акс этиши билан узвий боғлиқ тушунчадир. Миқдор семантик майдони мураккаб система ҳисобланиб, ўзига хос семантик ядро, чегара ва структурага эга. Бунда ядро ва периферия муносабати яққол кўзга ташланади.Мазмуний майдоннинг марказида сон сўз туркуми(лексик-грамматик гуруҳланиш ичида), грамматик категориялар ичида от сўз туркумининг сон категорияси туради[Швачко, 1990: 284]. Матнлар таҳлили асосида хулосалаш мумкинки, миқдор функционал- семантик майдонини чуқурроқ ўрганиш учун унинг прагматик аспекти тадқиқи жуда муҳим аҳамият касб этади. Нутқий материалларнинг матний таҳлилида субъект, объект, предикатнинг миқдор ифодалаши аниқроқ кўринади. Дастлаб билишнинг биполяр (икки қутбли) характеридан келиб чиқиб, миқдор ҳақидаги эмпирик ва назарий тасаввурни белгилаб олиш зарур. Миқдор ҳақидаги эмпирик билим амалий фаолият жараёнида юзага чиқади, яъни нутқда ифодаланади. Миқдор ҳақидаги назарий билим математика, фалсафа, мантиқ, психология каби фанлар ёрдамида ишлаб чиқилган таъриф ва тавсифларга асосланади.

Дунё тилшунослигида Ф.Шлегел, А.Шлегел, В.фон Гумболдт, А.Шлейхер, Г.Штейнтал, М.Мюллер, Ф.Мистели, Ф.Финк, И.А.Бодуен де Куртене, Ф.Фортунатов, Э.Сепир, Р.Якобсон, Ж.Гринберг, М.Гухман, Б.А.Серебренников, А.К.Боровков, А.Н.Кононов, В.Г.Гак, И.Мешанинов, В.Скаличка [Гумбольдт , 1960 : 68] каби олимлар лисоний тип муаммосини турли аспектларда ўрганганлар. Ўзбек тилшунослигида эса А.Ғуломов, Ж.Бўронов, А.Абдуазизов, Ў.Юсупов, А.Нурмонов, Т.Мирзақулов, Ғ.Ҳошимов, Д.Набиева [Гулямов, 1963: 78] каби олимларнинг шу соҳага доир тадқиқотлари мавжуд, лекин шу кунга қадар тилларнинг типологик белгиларига миқдорий ёндашув, ўзбек тилида фузиянинг кўринишлари, фузия ва флексия орасидаги тафовут яхлит ҳолда монографик тадқиқот объекти бўлган эмас.

Квантитатив метод ёрдамида тасниф муаммосининг ҳал этилишида Ж.Гринберг тавсия қилган квантитатив метод асосида ўзбек тилида мавжуд морфологик типларнинг миқдорий характеристикалари, уларнинг учраш даражаси аниқ белгиланди.

Тилшунослик фанида назарий тавсифлар билан бирга миқдорий характеристикалар ҳам зарур. Муайян тилнинг қайси типга мансублигини аниқ белгилашда, муайян типологик белгиларнинг тиллардаги мавқейини аниқлашда квантитатив метод жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки илмда баъзан назарий фикрлар амалиёт билан мувофиқ келмай қолади.Бинобарин, фақат қуруқ назариябозлик билан илмий ҳақиқатга эришиб бўлмайди. В.З.Демянковнинг фикрича, Ж.Гринберг тавсия этган метод тилшуносликда мавжуд бўлган картотекалаш усулидан кўра ишончлироқ ва аниқроқдир [Гак, 1989:31]. Ў.Қ.Юсупов ҳам қиёсланаётган тиллардаги анъаналарнинг аниқ белгиланиши зарурлигини долзарб вазифа сифатида кўрсатган. Бундан келиб чиқадики, ҳар қандай тилни *монотипологик аспектда* эмас, балки *олитипологик аспектда* тадқиқ этиш тилшунослик фани учун долзарблик касб этади.

Миқдорнинг глобал лисоний майдонини яратиш учун турли билимлар асосидаги миқдорнинг семантик вариантларини тадқиқ этиш долзарбдир. Миқдор ҳақидаги эмпирик билимнинг моҳияти махсус адабиётларда батафсил ёритилмаган. Ифода плани сифатидаги миқдорнинг вербализацияси турли хил

воситалар ва усуллар ёрдамида ифодаланишини алоҳида таъкидлаш лозим. Бевосита миқдорга тегишли бўлган турфа хил ўлчов системалари ҳамда дискрет миқдорга тегишли бўлган турли ҳисоблаш системалари инсоният томонидан ишлаб чиқилган.

Миқдор номинациясида инсон омили, унинг перцептив ва апперцептив хусусиятлари муҳим ҳисобланади. Қуйидаги ифодада миқдор маъноси инсон омили асосида юзага чиқмоқда: "*бўйи баравар китоб ёзган одам*". Кўплик маъносини билдириш учун "*иши бошидан ошиб ётибди*", камликни билдириш мақсадида "*бармоқ билан санарли даражада*" ифодаларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги ҳолатларда квантитатив бирликлар тилнинг "антропоцентрик табиат"га эгалиги ҳақидаги фикрлар билан мувофиқ келаётганлигини кўрсатади[Сепир, 1986: 78].

- leksik birliklarining izohlanish usulini ko‘rsatish;
- muxaffaf so‘zlarning uslubiy o‘ziga xosligi, morfemik tarkibi va yasalishini ko‘rsatib berishga harakat qilamiz.

Izlanishiniz shuni ko‘rsatadiki, lug’atda muxaffaf ekanligiga ishora qilingan so‘z 43 ta bo‘lib, quyidagilardir: *obdoni (obodlik)*[10], *fishurdan (oyoqqa turmoq va oyoqqa turg’izmoq)*[24], *basma (kiyimga bosilgan naqsh)*[42], *baraband (ishbilarmon, tajribali)*[40], *bavli dodan (qush qo’ymoq)*[45], *baytal (davlat xazinasi), Zaynal, Alodil (atoqli ot)*[48], *darbast (xotima)*[99], *pul*[118], *tahiyya*[67], *tamiz*[64], *joro‘*[70], *joda (yo’l)*[70], *mirhoj (hojilar boshlig’i)*[79], *chilim*[79], *chundar (lavlagi)*[80], *sim (simob)*[134], *so‘za (igna)*[133], *abduhu (men uning bandasi)*[152], *xamo‘shi (majozan sham va otashning so’nishi, yig’idan to’xtamoq; majozan: yig’i, yalinish)*[94], *xamo‘sh (sukut)*[89], *xudro (o’zboshimcha, qaysar)*[95], *zangula (qo’ng’iroq)*[120], *Zindaro‘ (daryo nomi)*[119], *utu (darzmol)*[18], *fig’on*[159], *qirmaz(qirmizi)*[162], *kulah (tanosil azosi[259])*[172], *gavtozi (yolg’on-yashiq; o’rinsiz da’vo, gav (sigir, ho’kiz)*[185], *giranda (oluvchi)*[186], *guh (odam va hayvon axlat)*[186], *ges (soch o’rimi)* [199], *lut(a)*[189], *luch (yalang’och)*[189], *Bade’*[188], *maddi nigah*[192], *mahtobi*[195], *mirzo*[200], *noxudo (kema boshqaruvchisi va egasi)*[186], *Jismir, Suravnj (joy nomlari)*[211] *najaq (gurzi)*[204].

*Bo‘zina, shobosh*[138], *jol*[20], *Mochin*[190], *nuqson*[208], *chumoq*[79], *qalyon, Bulvafo (buloq va shaxs oti)*[46], *chit*[82], *mohyoba*[190] *mahtob*[196] va *yodgor(i)*[218] kabi so‘zlar ham aslida mazmunan qisqartirilgan so‘z bo‘lsa-da, muxaffaf ekanligiga ishora berish lozim ko‘rilmagan.

OBDONI –**obodoni**ning *muxaffafi*, ma’murlik ma’nosida[10].

«Baromadan» so‘zi uchun etimon «**ba dar omadan» (**eshikka kelmoq) bo‘lib, muxaffaflashish natijasida «kirmoq» hamda «chiqmoq» ma’nolarini ifodalovchi “baromadan” shakliga kelgan. «Daromadan» so‘zida ham xuddi shu holat kuzatiladi, bu so‘zning muxaffaflashish hodisasi jarayonida «ba-» ko‘makchisi tushib qolgan. Hofiz Sheroziyning «Фиғонки бахти ман аз хоб дарнамеояд», ya’ni «Fig‘onkim, mening baxtim tushimga ham kirmas va tushimdan chiqmas – ro‘yoga aylanmas» ma’nosida azdod (zid ma’noni ifodalovchi bir so‘z) shaklida qo‘llangan misra keltiradi.

BUZINA - kappi (maymun) ma’nosida, hamduna ham deydilar. Bilginki, bu so‘z aslida *arabcha* abuzinnadir (alif va tashdidli nun bilan), shuningdek «Suroh» va boshqa (lug’at)larda kelgan[44].

[259] Shu va keying tarjimalar bizniki – Ilyos, Jo’rayev. Tarjima qilishda, asosan, kontekstdagi ma’no e’tiborga olindi.

Bu so‘zga muxaffaf ishorasi berilmagan, ammo izohdan muxaffaf ekanligini sezish mumkin. «G’iyos ul-lug’at»da «buzina» muxaffaf so‘z deb ko‘rsatilgan va maymunning kuniyasi, ya’ni abu – «ota», zinna – «tuhmat» (tuhmatning otasi) ma’nosini bildirishi qayd etilgan[8;107].

TAHIYYA – *arabcha* so‘zdir, muhayyo qilmoq - tayyorlamoq, hozirlamoq ma’nosida. Va bu taxfif (tahiya) forslarning odatidir. J**oda** va **qad** so‘zlaridagi kabi. Manbalarda keltirishicha, ushbu so‘zlar qo‘sh undoshli (tashdidli) arabcha so‘zlar bo‘lib, fors tilida tovushlardan biri tushib qoladi[67].

BASMA – **bosma**ning *muxaffafi*. Ba’zi kamtatabbular bu so‘z (to‘g’riligi)ga shubha bilan qaraydilar, bu xatodir.

Muallif so‘zining isboti sifatida mazkur asosdan yasalgan «basmachi» (matoga zarli shakl bosuvchi) so‘zi yasalganligini keltiradi[42].

Bizga ma’lumki, bu birlik «bosmoq» fe’liga ot va sifat yasovchi -ma qo‘shimchasi qo‘shilishi natijasida hosil qilingan, tojik tili uchun o‘zlashma so‘z hisoblanadi, o‘zlashma so‘zlarda ayrim fonetik o‘zgarish bo‘lishi tabbiy holat ekanligini misollarda ko‘rib chiqdik. Masalan, «qoli» so‘zi ham muxaffaf so‘z sifatida qaralmaydi, aslida bu so‘z turkiy qolin (bu so‘z uchun «qalin» sifati etimon hisoblanadi) so‘zi bo‘lib, fors tilida *qoli* va *qolin* shaklida qo‘llanadi[133].

Ayrim o‘rinlarda Alixon Orzu lug’aviy birliklarni izohlashda muxaffaf shaklini ko‘rsatish bilan cheklanadi: «BAYTAL – **baytulmol** (davlat xazinasi)ning *muxaffafi*. **Zaynal Zaynulobidin** va **Alodil Alouddin**ning qisqargani bo‘lgani kabi»[6]; JORO‘ (joro‘b) - supurgi, chundar (chug‘undar) – lavlagi, chig‘ (چیغ، چغ، چغه) – chiy kabi leksik birlikni izohlashda ham faqat muxaffaf shakli ko‘rsatiladi:

CHUNDAR – **chug’undar**ning muxaffafi[80].

Muxxaffaf so‘zlarning qo‘llanishidagi yana bir sabab qatorida so‘zlarning ma’nosini farqlash deb ko‘rsatilgan, jumladan: XOJA ma’ruf – xudovand (ega); Turonda sayyidlar laqabiga qo‘shiladi. Shuningdek, axta qilingan qul ma’nosida qo‘llaydilar, garchi bu ma’noda **xo‘jasaroy** (haram og’asi) shaklida mashhur... Va Hindustonda ma’naviy munosabatlarda farqlash uchun azizlar laqabi bo‘lgan xoja(خواجه)ning alifini tushirib (hazf qilib) xo‘ja (خوجه) shaklida yozadilar va o‘qiydilar. Ba’zi tilshunoslar ma’lumotiga tayanib xoja so‘zi **xvatoy** «shoh», «xo‘jayin», «ega» so‘ziga kichraytirish qo‘shimchasi (-ija, -cha) qo‘shilishi natijasida hosil qilingan va muxaffaflashish natijasida **xvtoyija** – «xoja» shakliga kelib qolganini bilishimiz mumkin[8;96].

Ayrim muxaffaf so‘zlarning muxaffaf yo boshqa sababdan so‘z shaklining qisqarganiga muallifning o‘zi ham aniq bir qarorga kelolmaydi, jumladan: Va chilim (چلیم) tahtoniy (yo) bilan ko‘plik yoki chilim (چلم) uning muxaffafi[79].

JODDA – *arabcha* so‘zdir, yo‘l ma’nosida. Va forslar yo‘lovchilar harakati natijasida yo‘lda qolgan chiziq (iz) ma’nosida qo‘llaydilar. Ko‘pincha taxfif bilan (joda), ba’zan aslidagi kabi tashdid bilan ham qo‘llaydilar[70].

JOLA – tuzoq; *hindcha*da ham tuzoqni «jol» deydilar[70]. Ko‘rinib turganidek, so‘z o‘zlashishi natijasida ham muxaffaf so‘zlar paydo bo‘ladi, bunga asosan qo‘sh undoshlarning biri fors tilida tushirilishi (haqq, qadd, xatt, xadd, tahiyya, jodda, xavoss); kishi ismi va laqablarida ayrim tovush va so‘zlarning tushib qolishida (buzina – abuzinna, bo‘lahab – abulahab, amir – mir), so‘zlarning alif va fatha bilan (basma, bavli, najaq, qoli (qolin)[133]) kabi talaffuz qilinishi da ko‘rishimiz mumkin.

HAQ – *arabcha* so‘zdir, ko‘plab ma’nosi bor. Bilingki, qaysi so‘z oxiri tashdid bilan tugasa, izofasiz yoki boshqa so‘z bilan qo‘shilmaganida tashdid o‘qilmaydi. Shuningdek, **qad** va **xad** *arabcha*da mushaddatuloxirdir. Va Mirzo Zakiy Nadim she’rida qo‘sh undosh bilan qo‘llangan bo‘lib, boshqa o‘rinda bunga o‘xshashi kelmagan. Bayt:

Шуд адоватҳо далели дӯстони мо ба мо,
**Ҳаққҳо** доранд, ёрон, душманони мо ба мо[84-85].

Shuningdek, lug‘atda *3 ta* so‘z *ikkilik (musanno)* shaklida berilgan va bu so‘zlar fors tilida grammatik vazifasini yo‘qotib so‘z yasalishiga xizmat qilgan: *soqayn* va *soidayn (tirsak va tizzani muhofaza qiluvchi jang sovuti)*[122], *na’layn (kovush)*[207] ma’nosida qo’llanadi.

Alixon Orzuning ChH izohli lug’atidagi muxaffaf va ko‘plik shaklidagi so‘zlar berilishini o‘rganish jarayonida shunday xulosaga kelish mumkin:

- muxaffaf so‘zlarning uslubiy o‘ziga xosligi, morfemik tarkibi va paydo bo‘lish sabablari ko‘rsatilgan;
- lug’atdagi qisqargan (muxaffaf) so‘zlar berilganda, asosan, muxaffaf, taxfif yoki hazf (tovush tushish) kabi hamda kop’lik shaklidagi leksik birliklarga jam’ shaklida girammatik izoh berilgan;
- muallif izohlarning ilmiyligini misol va girammatik qoidalar asosida ko‘rsatgan hamda tilshunoslarning fikrlari keltirib o‘tilgan;
- leksik birliklarini izohlash jarayonida fors tilining o‘ziga xos xususiyatlarini ko‘rsatib bergan va muxaffaf va ko‘plik shaklini ifodalashda ilmiy va tanqidiy nuqtayi nazardan yondashgan.

Xullas, Sirojiddin Alixon Orzuning ChH nomli lug’ati noyob leksikografik manba hisoblanadi. Lug‘atdagi qisqargan (muxaffaf) so‘zlar va ko‘plik shaklinining berilishini o‘rganish o‘zbek tilshunosligini yangi nazariy va amaliy ma’lumotlar bilan boyitadi.

**Iqtiboslar/Синоски/Reftrences**

1. Sayfullayeva R.R., Mengliyev B.R., Boqiyeva G.H., Qurbonova M.M., Yunusova Z.Q., Abuzalova M.Q. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. – T.: Fan va texnologiya, 2010. – 404 b.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати (4 томлик). [Э.И.Фозилов таҳрири остида]. Т.: Фан, 1984. – 462 с.
3. Бердиева Т. Назарияи иқтибос. – Душанбе: ТГУ, 1991. – 127 с.
4. Баҳриддин Дарвеш. «Чароғи ҳидоят»-и Орзу ва забони тоҷикии форсӣ. – Душанбе, 1992. – 288 с
5. Забони адабии ҳозираи тоҷик. Қисми 1. Лексикология. Фонетика. Морфология. – Душанбе: Ирфон, 1982. – 462 с.
6. Сироҷуддин Алихони Орзу. Чароғи ҳидоят /А.О.Сироҷуддин. – Душанбе: Ирфон, 1992. –288 с.
7. Маккензӣ Д. Н. Фарҳанги кӯчаки забони паҳлавӣ. Тарҷумаи дуктур Маҳшеди Мирфахроӣ. – Теҳрон, 1379. – 428 с.
8. Рухсора Давлатзода. Усулҳои тафсири тахфифи вожаҳо дар «Ғиёс-ул-луғот»-и Муҳаммад Ғиёсуддини Ромпурӣ. – Хуҷанд: Нури маърифат, 2019. – 168 с.

# ТИЛ ФАЛСАФАСИ ВА ПСИХОЛИНГВИСТИК ТАМОЙИЛ

**Шоирахон Умарова,**
**Ўзбекистон давлат хореография академияси**
**матбуот котиби, мустақил тадқиқотчи**

**Аннотация:** Мазкур мақолада тил фалсафаси ва психолингвистик тамойил масалалари хусусида фикр юритилади.

**Abstract**: This article discusses the issues of language philosophy and psycholinguistic principles.

**Аннотация**: Бұл мақалада тіл философиясы мен психолингвистикалық ұстанымдар мәселелері қарастырылады.

**Калит сўзлар:** психолингвистика, социопсихолингвистика, этнопсихолингвистика, мантиқ, тил фалсафаси.

**Key words**: psycholinguistics, sociopsycholinguistics, ethnopsycholinguistics, logic, philosophy of language.

**Негізгі сөздер**: психолингвистика, әлеуметтік психолингвистика, этнопсихолингвистика, логика, тіл философиясы.

Тил фалсафаси инсон оламидаги сўзлар, номланиш ҳодисасининг табиати, нарса ва тушунчалар билан уларнинг номлари ўртасидаги муносабат каби муаммоларни ўрганса, тилшунослик ана шу ҳодисаларнинг лисоний асосларини, грамматик қонуниятларини, маъно ва товушнинг ўзаро ички боғлиқлиги каби қатор масалаларни субстанциал тил тизими ва нутқий фаолият доирасида тадқиқ қилади.

Н.Маҳмудов нутқий фаолиятнинг Мантиқ илми билан бевосита алоқадорлигига урғу бериб, шундай ёзади: "Тилимизда "мантақ" ва "нутқ" сўзларининг ўзаги айнан бир эканлиги ҳам бежиз эмас. Ҳолбуки, тил ва тафаккур чамбарчас боғлиқ, мантиқ илмисиз ҳақиқий ижодий тафаккур, гўзал ва аниқ нутқ бўлиши маҳол. Икки маълум фикрдан учинчи бир янги фикрни мустақил ҳолатда келтириб чиқариш ва уни маромига етказиб тилда ифодалай олиш учун мантиқ қоидаларидан бохабарлик зарур бўлади." [260]

Дарҳақиқат, аллома олим Форобий ҳам тилни Мантиқ илми билан, нутқни эса тафаккур билан боғлаб текширади. Форобий мантиқни грамматикага ўхшатади: грамматика тил қоидаларининг тўғри ишлашини тартибга солганидек, мантиқ ҳам фикрнинг тўғри йўналтирилишини таъминлашга хизмат қилади деб тавсифлайди:"Бизнинг мақсадимиз ақлни, хатога йўл қўйиш мумкин бўлган барча ҳолларда, тўғри тафаккурга етаклайдиган, унинг ёрдамида ҳар сафар хулоса чиқараётганда адашишга қарши эхтиёт чораларини кўрсатадиган санъатни - мантиқ санъатни ўрганишдир. Унинг асосий қонун-қоидаларининг ақлга бўлган муносабати грамматика санъати қоидаларининг тилга бўлган муносабатига ўхшаш; худди грамматика кишиларнинг тилини тўғрилаш эхтиёжи сабабли яратилгани, унга хизмат қилиши зарур бўлгани сингари, мантиқ ҳам тафаккур жараёнини яхши амалга ошириш мақсадида хатога йўл қуйиш

[260] Маҳмудов Н. Тил. Тошкент: Ёзувчи, 1998. – Б. 23

мумкин бўлган барча ҳолларда ақлни тўғрилаб туради."[261] Шунингдек, аллома мантиқ ва грамматиканинг фалсафий моҳиятини ҳам аниқ ва тиниқ фарқлаб беради: "...мантиқ грамматика билан қисман умумийликка эга бўлса-да, лекин улар ўзаро тафовут қиладилар ҳам, чунки грамматика тил ибораларининг фақат мазкур миллат тилига хос бўлган қоидаларини берса, мантиқ эса барча тиллар учун умумий бўлган тил иборалари учун қоида беради."[262]

Бундан кўринадики, *тил→тафаккур→психика→мантиқ* занжири бир-бирини тўлдиради, тенг ишлайди ва инсон нутқий фаолиятининг тўғрилигини таъминлайди. Тилшуносларнинг эътироф этишларича, Психолингвистика йўналиши, айнан, тилнинг мантиқ илми билан боғлиқлиги негизида шаклланди.

Бу борада Р.Расуловнинг фикрлари ўринлидир: "Хуллас, мантиқий (ёки фалсафий, рационал) грамматика айни бир мазмуннинг турли тилларда турли воситалар билан ифодаланишини ҳисобга олмади. Шунингдек, ушбу грамматика ифода воситаларининг қонун ва категориялари ҳар хил бўлиши мумкинлигини тушунмади. Мантиқий грамматика тилга ўзгармайдиган, бир

хилда турувчи ҳодиса сифатида қараб, айни грамматика ҳар доим мантиқ қоидаларига бир хилда мос келади, деб ҳисоблайдики, бунда ғайри тарихийлик мавжуддир."

Кейинроқ эса инсоннинг нутқий қобилияти жараёнлари психологларни ўзига жалб эта бошлади, яъни тил ва нутқ дихотомияси онг ва тафаккур, маҳсули, психик функциялар натижаси сифатида талқин қилина бошлади. Ушакова бунинг сабабини психик ҳодисалар билан нутқий ҳодисалар ўзаро чамбарчас боғлиқлиги билан изоҳлайди. "Шундай қилиб, нутқнинг мазмунлилиги уни инсон онги билан боғлайди; таъсирнинг нутқий ифодаси – ҳис-туйғулар билан; нутқий идрок этиш – идрок (перцептив функция) тушунчасининг бир кўриниши; сўзлаш – ихтисослашган мураккаб онг тузилмаси актлари билан; тилнинг структураси ва сақланиши хотира турлардан бири сифатида англанади."[263]

Шунингдек, олиманинг таъкидлашича, тил ва нутқнинг онтогенези ва филогенези, лисоний-нутқий қобилиятнинг онгли ва генетик таъминоти, нутқий фаолиятнинг жамиятдаги, кишиларнинг ўзаро мулоқотидаги аҳамияти каби масалалар ҳам, шубҳасиз, Психология соҳасига алоқадордир.[264] Шу тариқа, XIX аср охирига келиб, тил ва нутқ психологияси тушунчаси шакллана бошлади.

Тилшунос олим Н.Маҳмудов ""Тил" рисоласида ҳар қандай миллат фарзандининг руҳияти, тафаккури шаклланишида уни қуршаб турган муҳит ва она тилининг ўрни беқиёс эканлиги хусусида фикр юритади. Жумладан, Вильгельм фон Гумбольдтнинг "Тилларнинг хилма-хиллиги фақат товушларнинг турличалиги эмас, балки ҳар бир миллатдаги дунёни кўришнинг фарқлилиги натижасидир" деган гапини эсга олар экан, "чиндан ҳам, ҳар бир миллатнинг ўзига хос кўриш тарзи бор, ўзига хос идрок интизоми бор, умумлаштириб айтганда, ўзига хос тафаккур тамойили бор. Шунинг учун ҳам "миллий онг", "миллий тафаккур", "миллий туйғу" деган олий тушунчалар минг

---

[261] Бу ҳақда қаранг: Хайруллаев М.М. Форобий ва унинг фалсафий рисолалари. Т.: Фан, 1963. ; Хайруллаев М.М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. Т.: Ўқитувчи, 1993.
[262] Хайруллаев М.М. Форобий ва унинг фалсафий рисолалари. Т.: Фан, 1963.
[263] Психолингвистика: Учебник для вузов / Под ред.Т.Н.Ушаковой. - М.: ПЕР СЭ, 2006. – С.10
[264] Психолингвистика: Учебник для вузов / Под ред.Т.Н.Ушаковой. - М.: ПЕР СЭ, 2006. – С.11

йиллардир одам боласининг қалбидаги нурга қудрат ва қамров бахш этиб келади.”- деб ёзади.[265] Демак, **тил ва тафаккур** масаласи инсоният яралгандан буён мавжуд бўлиб, турли даражаларда таҳлил ва тадқиқ этиб келинган. Фақат XX асрга келибгина бу масаланинг моҳиятини англашга қаратилган уринишлар натижасида Психолингвистика йўналиши фан сифатида шаклланди.

Мулоқотнинг психолингвистик хусусиятлари коммуникантларнинг миллий-маданий оламига, маданий тушунчаларнинг инсон онгида шаклланган минг йиллик қонун-қоидаларига боғлиқдир. В.фон Гумбольдт таъбири билан айтганда, «Ҳар бир тил эгасида ўша тилнинг миллий руҳи акс этади»[266]

Ҳозирги пайтда психолингвистик ғояларнинг тилшунослик ривожига таъсири тобора ортиб бораётганлиги эътироф этилмоқда. Бу эса “соф" тилшунослик қонуниятлари негизида нейролингвистика, социопсихолингвистика, этнопсихолингвистика каби интеграцион соҳаларга оид тадқиқотларда тил ҳақидаги ғояларни бирлаштириш тенденцияси юзага келганлигидан далолат беради. Лингвистик ҳодисаларнинг функционал жиҳатларига қизиқишнинг ортиши ҳам тилшуносликни Психолингвистикага билан яқинлаштиради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Алпанова Ш. Нутқий фаолият жараёнидаги руҳий ҳолатларнинг ўзбек тилининг турли сатҳ бирликлари воситасида акс этиши: Филол. фанл. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2018.

2.Гумьболдт В.фон. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984.

3.Залевская А.А. Введение в психолингвистику. Москва: Рос.гос.гуман. ин-т, 2000.

4.Маҳмудов Н. Тил. Тошкент: Ёзувчи, 1998.

5.Насирова Г.М.Психолингвистик тадқиқотлар аҳамиятининг долзарблиги // Research Focus, Uzbekistan // www.ReFocus.uz

6.Нурмонов А. Тилшуносликнинг психология билан муносабати // Танланган асарлар. 3 жилдлик. – Тошкент: Академнашр, 2012. 1-жилд. Б-116-120

7.Психолингвистика: Учебник для вузов / Под ред.Т.Н.Ушаковой. - М.: ПЕР СЭ, 2006.

8.Расулов Р. Умумий тилшунослик. Тошкент: Fan va texnologiya, 2007.

9.Хайруллаев М.М. Форобий ва унинг фалсафий рисолалари. Т.: Фан, 1963. ;

## ZAMONAVIY QO‘QON TILSHUNOSLIK MAKTABI VA PROFESSOR ODILJON BOZOROV

**Sobirov Muhsinali Mirzaliyevich,**
**Alisher Navoiy nomidagi o‘zbek tili va**
**adabiyoti universiteti mustaqil tadqiqotchisi**
**тел: +998 930034437 e-mail: mirzazodadurdona@gmail.com**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada Qo‘qon tilshunoslik maktabining asoschisi professor I.Rasulov haqida hamda Qo‘qon tilshunoslik maktabini yangi bosqichga olib chiqqan professor O.Bozorov haqida so‘z yuritiladi.

[265] Маҳмудов Н. Тил. Тошкент: Ёзувчи, 1998. – Б. 16

[266] Гумьболдт В.фон. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – С.83.

**Kalit so‘zlar:** tilshunoslik maktabi, yangi bosqich, sistem, pragmatik va antroposentrik, paradigmalar

**Annotation**: This article talks about Professor I. Rasulov, the founder of the Kokand linguistics school, and Professor O. Bozorov, who brought the Kokand linguistics school to a new level.

**Key words:** school of linguistics, new stage, system, pragmatic and anthropocentric, paradigms

Professor O.Bozorov – professor I.Rasulov asos solgan Qo‘qon tilshunoslik maktabining davomchisi va bu maktabni har tomonlama boyitgan tilshunos. Ustoz O.Bozorov Qo‘qon tilshunoslik maktabini yangi bosqichga olib chiqdi. Professor O.Bozorov ilmiy merosini aniq va batafsil tushunish uchun filologik bilimning o‘zi kamlik qiladi. Chunki u kishi dialektik falsafa va dialektik mantiq kategoriya va qonuniyatlari asosida ish ko‘rgan. Dialektik falsaga bosh metodologiya vazifasini o‘tagan. O.Bozorov Qo‘qon tilshunoslik maktabida zamonaviy falsafiy tilshunoslikka asos solgan va uning ustuvorligini ta’minlagan olim sanaladi. Aynan dialektik falsafa kategoriyalari va qonuniyatlariga tayangan holda lingvistik fikrlash O.Bozorov ilmiy merosida yaqqol ko‘zga tashlanib turadi.

O.Bozorov sistem tilshunoslik vakili sifatida o‘z faoliyati davomida bir qator ilmiy g‘oyalarni ilgari surgan. Masalan, u kishining 1977-yil “O‘zbek tili va adabiyoti” jurnalining 2-sonida chop etilgan maqolasida lisoniy fikr ifodalash tizimida gumon gap mavjudligi g‘oyasi ilgari surilgan. Xususan, O.Bozorov o‘z fikrini shunday isbotlagan: **“Bizningcha , so‘roq fikr – so‘roq gap, gumon fikr – gumon gap zaminida vujudga keladi. Gumon gapning o‘zi esa, genetik nuqtai nazardan, so‘zlovchining fikr laboratoriyasida (ichki nutqida ) turli faktorlar va situatsiyalarga bog‘liq holda ikkisidan biri aniq bo‘lishi shart bo‘lgan tasdiq (Ahmad kelgan) va inkor (Ahmad kelmagan) fikrlarining o‘zaro raqobati natjasida vujudga kelgan “oraliq” – sintez xarakteridagi fikrni (Ahmad kelgandir) ifodalovchi gap turidir ”[Bozorov, 1: 24–25].**

Shuni ta’kidlash o‘rinliki, lisoniy fikr ifodalash tizimida gumon gapning mavjudligi tishunoslikda tan olingan bo‘lsa-da (Ahmad kelgan+dir), (Ahmad kel+sa kerak), (Ahmad kel+ar va hokazo), o‘quvchilarning mantiqiy fikrlash, mushohada yuritish va xulosa chiqarishiga qaratilgan zamonaviy maktab darsliklarida hanuzgacha gumon gap alohida gap turi sifatida ko‘rsatilmagan. Yoki fikr ifodalashning tasdiq va inkor shakllari (tasdiq va inkor gaplar) e’tirof etilgan holda, aynan ushbu gradual tizimning ajralmas a’zosi bo‘lgan gumon fikr ifodaalovchi gumon gap masalasi ochiq qoldirilgan. Chunonchi, o‘zbek tilida kesimni shakllantiruvchi tarkibiy vositalar sifatida mayl, zamon, shaxs-son kategoriyalari bilan bir qatorda tasdiq-inkor kategoriyasi ham mavjudligi bugungi kunda hech kimga sir emas **[Shokirova, 2:5].** Gapda fikr ifodalanar ekan, demak, tasdiq va inkor fikr bilan bir qatorda gumon fikr ham mavjudligini inobatga olsak, ta’lim tizimida amaliy tilshunoslikka e’tibor va ehtiyoj asosiy planga chiqayotgan hozirgi vaqtda fikriy ifoda butunligida (sistemasida, paradigmasida) tasdiq gap – gumon gap – inkor gap masalasiga bag‘ishlangan mavzular yangilanayotgan darsliklardan o‘rin olishi shart. O.Bozorov [tasdiq – gumon –inkor gaplar] butunligi va graduonimiyasiga XX asrning 70-yilidayoq e’tibor qaratib, ushu masala yuzasidan asosli xulosaga kelgan bo‘lsa-da, afsuski, hozigacha yaratilgan

maktab darsliklarida bu masalaga e’tibor qaratilmagan. [Masalan, bu haqda qarang:1.N. Mahmudov va boshqalar. Ona tili. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. To‘ldirilgan 4-nashri. – Toshkent: Ma’naviyat, 2015. 2 .M. Qodirov va boshqalar. Ona tili. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik. To‘rtinchi nashri. – Toshkent: Cho‘lpon nomidagi nashriyot-matba ijodiy uyi, 2019.]. Bu holat maktab o‘quvchilarini mantiqiy fikrlash jarayonida muammolarga duch kelishiga sabab bo‘ladi. Chunki har qanday o‘quvchi o‘z ongida tasdiq, inkor, gumon fikriy tizimi yoki darak-xabar, gumon, so‘rash-aniqlashtirish, buyruq, xohish-istak fikrlar tizimi mavjudligini biladi. Maktab darsliklarida bu tizimlar ichiga gumon gapning alohida gap turi sifatida kiritilmasligi o‘quvchining milliy konseptual tafakkuriga jiddiy ta’sir etadi. Bu bilan biz o‘quvchini mantiqiy to‘g‘ri fikrlash jarayonidan chalg‘ityapmiz, xolos. Ta’limda ma’ntiqiy fikrlash birinchi darajali masala ekanligini bugungi kunda hech kim inkor etmasa kerak. Chunki ilg‘or davlatlar o‘z taraqqiyotiga ta’lim tizimida mantiqiy fikrlash jarayonini to‘g‘ri yo‘lga qo‘yganligi uchun erishgan. Aynan shu o‘rinda O.Bozorovning quyidagi fikrlariga e’tibor qarating: **“Voqelik haqida aniq tasdiq yoki inkor fikr uchun ma’lumotlarning yetarli darajada emasligi so‘zlovchida gumon fikrning vujudga kelishiga sabab bo‘ladi. Shaxsning bilish protsessidagi aniklikka intilishi esa undan o‘z fikridagi gumonni “chiqarishni” talab qiladi. Shunday qilib, fikrning aniq tasdiq yo aniq inkor xarakterida bo‘lishini ta’minlash ehtiyoji shaxsni voqelik haqida to‘liqroq xabarga ega bo‘lgan boshqa bir shaxsga murojaat qilishga undaydi. Ushbu kommunikatsiya protsissida ma’lumot oluvchi shaxs, o‘z mohiyatiga ko‘ra, o‘zidagi tasdiq yoki inkor fikrni tekshirib ko‘radi, ya’ni “javob bilan ” so‘raydi. “Ahmad kelgandir” — “Ahmad kelgan”mi? “Ahmad kemagandir”— “Ahmad kelmagan”mi? kabi”[Bozorov, 1:25].**

Darhaqiqat, shaxsning bilish protsessidagi aniqlikka intilishi unda uchta fikrni uzaga keltiradi: gumon fikr, inkor fikr, tasdiq fikr. Shaxs konseptual tahlilliy-tasnifiy asosga ko‘ra gumon fikrdan[noaniqlikdan] aniqlikka tomon boradi. Ya’ni o‘zida mavjud bo‘lgan gumon (ehtimoliy hukm) shaklidagi fikrini yo tasdiqlaydi, yoki inkor etadi **[Xayrullayev, 3:155, 161–163; Komilov, 4:54–56]**. Mantqiy nuqtai nazardan tasdiq fikr [S—P dir], inkor fikr [S— P emas] tarzida ko‘rsatilsa, gumon fikr (ehtimoliy hukm) esa [S ehtimol P dir] yoki [S ehtimol P emas ] formulasi bilan ko‘rsatiladi **[Xayrullayev, 3: 162; Komilov, 4:60–62].** Agar biz maktab darsliklariga til funksiyasinig tabiiy holatdagi ilmiy talqini va tahlilini sodda, aniq va ishonchli shakllarda olib kira olsak, ilg‘or davlatlar darajasiga yetib borishimiz yanada tezlashadi. Chunki mantiqiy to‘g‘ri fikrlovchi va chin ma’nodagi tadbirkor shaxslar jamiyatning barcha jabhalari uchun zarur va bunday shaxslarga doimiy ehtiyoj mavjud **[G‘ulomov, 5:17–21]**. Xullas, qomusiy ustoz H.G‘.Ne’matov va A.G‘G‘ulomovlar ta’biri bilan aytganda, **“hamisha ijodiy tafakkur sohibi – tadbirkor shaxsni xalqimiz bilimdon shaxsdan ustun qo‘ygan. Shuning uchun forsiy tilda maktab “dabiriston”, o‘qituvchi-ustoz esa “dabir” deb nomlanadi. “Tadbir”, “dabir” so‘zlari esa arabcha bir o‘zakdan yasalgan bo‘lib, uning bosh ma’nosi “aqliy yo‘l bilan bir narsaning chorasini topmoq”dir. Shuning uchun “tadbirkor shaxs” degani har bir ishning chorasini hal etish yo‘lini biladigan shaxs demakdir.**

**O‘rta maktablarda ona tili mashg‘ulotlari ham ona tili tadbiri – uning imkoniyatlaridan foydalanish yo‘llarini biladigan shaxslarni yetishtirishga**

**qaratilgan bo‘lishi kerak. Dars samaradorligini belgilovchi bosh me’yor ham tilning o‘quvchi faoliyatidagi ijodiy tatbig‘i (tadbirkorona tadbig‘ – M.S.) bo‘lishi shart”[G‘ulomov, 6:43].**

Ko‘rinadiki, professor O.Bozorov o‘tgan asrning 70-yillaridayoq, ya’ni o‘z ilmiy faoliyatining dastlabki davrlaridayoq tilshunoslikning o‘ta muhim masalalariga o‘z e’tiborini qaratgan va ilmiy asoslangan, mantiqan doimo o‘z kuchini saqlab turuvchi fikrlarni ilgari surgan.

XX asrning 90-yillariga kelib O.Bozorov o‘z ilmiy faoliyatida mutlaqo yangi bosqichga ko‘tarildi. Bu bilan u kishi nafaqat Qo‘qon tilshunoslik maktabini yangi bosqichga olib chiqdi, balki o‘zbek sistem tilshunosligida tub burilish yasadi. Til va nutq birliklarini borliq – ong va til munosabatlar tizimida tahlil etib, tilshunoslik faniga gradual nazariyani olib kirdi. Bu jarayonda qomusiy ustoz H.G‘Ne’matovning xizmati beqiyos bo‘ldi. Chunki, O.Bozorov o‘z oldiga juda katta maqsadlarni qo‘ygan bo‘lib, bu maqsadlarni amalga oshirishda u kishiga fidoiy ustoz zarur edi. Betimsol tilshunos H.G‘.Ne’matov xuddi shunday ustoz edi. H.G‘Ne’matov o‘zbek tilshunosligida o‘z maktabini yaratgan alloma edi. O.Bozorov H.G‘Ne’matov rahbarligida maqsadni yanada aniqlashtirib oldi. Ishga qat’iy kirishdi. H.G‘Ne’matov singari fanning haqiqiy fidoyisiga aylandi.

Tasavvuf ta’limotiga ko‘ra pir (ustoz) tanlash nihoyatda muhim sanaladi. Chunki ustozning maqomat darajasi shogirdning ertasiga va silsilaning davomiyligiga o‘z ta’sirini ko‘rsatadi. Har bir ustoz o‘z silsilasining davomiyligini istaydi. Islomiy ta’limot bilimdoni Musulmon Nomoz o‘zining “Mutolaa maktabi: Bahouddin Naqshband”(2018) nomli kitobida Xojai Buzurg Bahouddin Naqshband hazratlarining silsilalari tarixi haqida to‘xtalar ekan:**“Nafaqat ushbu “Maqomot”da (ushbu o‘rinda gap Abul Muhsin Muhammad Boqir ibn Muhammad Alining “Maqomoti Xoja Bahouddin Naqshband” asari haqida ketmoqda – M.S.) , balki Xojai Buzurgning hayoti va ta’limoti bitilgan boshqa kitob va maqolalarda ham so‘zning avvalida xazratning silsilasi – ta’limotining boshlang‘ich nuqtasidan to o‘zigacha yetib kelgan tartib sanab o‘tiladi. Silsiladan murod tariqatning ildizlarini o‘quvchi ko‘z o‘ngida namoyon qilishdir. Keyinchalik qo‘shimcha aniqlashtirilgan manbalarga binoan, Xojai Buzurg Muhammad Naqshbandning tariqatdagi nisbati va silsilasi quyidagicha e’tirof etilgan: 1.Bahouddin Naqshband. 2.Sayyid Amir Kulol. 3.Xoja Muhammad Boboyi Sammosiy. 4.Xoja Ali Rometaniy. 5.Xoja Mahmud Anjir Fag‘naviy. 6.Xoja Orif Regariy. 7.Xoja Abduxoliq G‘ijduvoniy. 8.Xoja yusuf Hamadoniy. 9.Shayx Abu Ali Formadiy. 10.Shayx Abul Qosim Gurgoniy” [7:46]**

**Musulmon Namoz ushbu mo‘tabar silsilani amirul-mo‘minin Ali, Abu Bakr Siddiq roziyallohu anhu va nihoyat Hazrati Payg‘ambarimiz Muhammad sallallohu alayhi vasallamga borib yetishi haqida ma’lumot bergan[Namoz, 7:46–48].**

Biz islomshunos Musulmon Namozning shogird va pir munosabatlarini aks ettiruvchi Xojai Buzurg Bahouddin Naqshband hazratllari silsilasini bejizga keltirmadik. **“Murod (ya’ni maqsad – M.S.) tariqatning ildizlarini o‘quvchi ko‘z o‘ngida namoyon qilishdir”[Namoz, 7:46]**. Shu ma’noda, O.Bozorovning jahon tilshunosligining yorqin vakili, buyuk tilshunos H.G‘.Ne’matovga shogir tushishi Qo‘qon tilshunoslik maktabi uchun juda katta tarixiy hodisa edi. Ayni vaqtda,

shaxsning sohadagi yo‘nalishi va yo‘li qaysi ildizlarga borib taqalishi uning kelajagi haqida shahodat bera olishini O.Bozorovdek zakiy tilshunosning hayot yo‘li yana bir bor isbotladi. O.Bozorov professor H.G‘.Ne’matov rahbarligida zamonaviy o‘zbek tilshunosligiga gradual nazariyani olib kirdi. Bu nazariya kimyo fanidagi valentlik, fizika fanidagi nisbiylik va maydon, kibernetika fanidagi sun’iy intekllekt, matematika fanidagi koordinata chizig‘i nazariyalari kabi o‘ta muhim nazariyadir. Ushbu nazariya vositasida tilning istalgan sathlari yoki sathlararo munosabatlarini tahlil va tasnif etish mumkin. Mazkur nazariya nafaqat tilshunoslik fani doirasida, balki istalgan fanlar tizimida amal qiladi. Chunki graduallik borliqqa, butun koinotga va butun koinot qonuniyatlartiga xos. Xullas, **darajalanish** nazariyasi butun fanlarga oid nazariyadir. Bu – abadiy nazariya va abadiy qonuniyat.

Professor O.Bozorov o‘z ustozi professor I.Rasulovdan keyin Qo‘qon tilshunoslik maktabining davomiyligini ta’minladi va bu maktabning yangi avlodlarini saraladi shakllantirdi va ularga ustozlik qildi. Bugun Qo‘qon tilshunoslik maktabida bir necha zabardast tilshunoslar faoliyat olib bormoqda. Bularning barchasi O.Bozorovning shogirdlari sanaladi.

Kezi kelganda aytish joizki, professor O.Bozorov ilmiy yo‘nalishini sistem tilshunoslik yo‘nalishi bilangina cheklash xato. Chunki u kishining ustozi H.G‘Ne’matov ham, O.Bozorov ham dialektik tilshunoslar edi. Xususan, H.G‘.Ne’matov shogirdlari M.Qurbonova va B.Mengliyevlar bilan birga yozgan 2005-yilgi rasmiy maqolasida buyuk faylasuf Fridrix Gegelning “Mantiq fani” kitobi haqida to‘xtalib, F.Gegel ushbu kitob muqaddimasida grammatika milliy tilning milliy ruhini va milliy o‘zligini aks ettirishini alohida ta’kidlaganini aytib o‘tgan va ular o‘z fikrlarini shunday davom ettirgan: **“Demak, Vilgelm Gumboldt (1767–1835) ta’kidlaganidek, nafaqat til yaxlitlikda, balki uning grammatikasi ham milliy-ruhiy mohiyatga ega”[ Ne’matov, 8:24].**

Ko‘rinadiki, H.G‘.Ne’matov nafaqat sistem tilshunoslik, balki bugungi kunda eng ilg‘or va o‘zidan oldingi barcha tilshunoslik yo‘nalishlarining eng muhim jihatlarini o‘zida jamlay olgan antroposentrik tilshunoslikning vakili edi. Demak, O.Bozorov ham H.G‘.Ne’matovning chinakam shogirdi sifatida antroposentrik tilshunoslikning haqiqiy vakili edi. Chunki ushbu tilshunoslik hozirgi zamon o‘zbek tilshunosligida o‘z-o‘zidan paydo bo‘lib qolgani yo‘q. Ushbu tilshunoslik mavjud an’anaviy, sistem, pragmatik tilshunoslik zamirida vujudga kelgan tilshunoslikdir **[Nurmonov, 9:53–54]**. Aslida, antroposentrik nazariyaning ilk namunalaridan biri sifatida M.Koshg‘ariyning “Devonu lug‘ot at-turk”(1072-1074) asarini e’tirof etish o‘rinlidir.

**Rivoyat: Bir yosh allomadan so‘rabdilar: “Ilmda sizdan nima qolaishini istaysiz?” “Mendan keyin yozgan narsalarim qolishini istayman”, – debdi yosh alloma. Ikkinchi yosh allomadan so‘rabdilar: “Ilmda sizdan nima qolishini istaysiz?” “Mendan keyin yozganlarim va shogirdlarim qolishini istayman”, – degan ekan u**.

Xullas, yuqoridagilar asosida quyidagi xulosalarni aytish mumkin:

1. Professor In’omjon Rasulov zamonaviy Qo‘qon tilshunoslik maktabiga asos soldi va uning taraqqiyotida hamda ilmiy reytingini ta’minlashda juda katta ishlarni amalga oshirdi.

2. Professor O.Bozorov ushbu maktabning tarbiyalanuvchisi va davomchisi sifatida maydonga keldi. Oʻz uztozi In'omjon Rasulovdan soʻng Qoʻqon tilshunoslik maktabiga yetakchilik qildi.

3. XX asrning oxirgi oʻn yilligida O.Bozorov ilmiy faoliyatida muhim voqealar sodir boʻldi: a) betimsol qomusiy tilshunos H.Gʻ'Ne'matovga shogird tushdi; b)lisoniy birliklar paradigmasida darajalanish munosabatlarini sistem tilshunoslik tamoyillari asosida dialektik tarzda ilmiy tadqiq etdi

4. Oʻzining fidoyiligi natijasida ustozlari I.Rasulov va H.Ne'matovlar ishonchini oqladi: a) mustaqillikning dastlabki yillaridayoq Qoʻqon tilshunoslik maktabini yangi bosqichga olib chiqdi; dialektik falsafa va dialektik mantiq kategoriya va qonuniyatlariga tayangan falsafiy tadqiq usulining ustuvorligini ta'minladi; b) ushbu maktab faoliyatini sistem tilshunoslik nazariyasi bilan boyitdi hamda ilmiy–amaliy talab va ehtiyojlarni toʻgʻri anglagan holda, oʻz shogirdlari faoliyatida sistem, pragmatik va antroposentrik paradigmalar ilmiy uygʻunligini ta'minlashga oʻz e'tiborini qaratdi.

**Adabiyotlar roʻyxati:**

1.O.Bozorov. Oʻzbek tilining yuklama kategoriyasi.//Oʻzbek tili va adabiyoti. 1977, № 2, 24–28-betlar.

2.H.Shokirova. Oʻzbek tilida kesimlik kategoriyasi va shaxs aktanti. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2012.

3.M. Xayrullayev, M.Haqberdiyev. Mantiq. – Toshkent: Oʻqituvchi, 1993.

4.B.Komilov. Mantiq. – Toshkent: Kafolat print company,2019.

5.A.Gʻulomov, H.Ne'matov. Ona tilidan ta'lim mazmunini yangilashning asosiy yoʻnalishlari. – Toshkent, 1993.

6.A.Gʻulomov, H.Ne'matov. Ona tili ta'limi mazmuni. – Toshkent: Oʻqituvchi, 1995.

7.Musulmon Namoz. Mutolaa maktabi: Bahoyddin Naqshband. – Toshkent: Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati, 2018.

8.H.Ne'matov, M.Qurbonova, B.Mengliyev. Milliy istiqlol va milliy grammatika// Istiqlol va til .Oliy ta'lim muassasalariaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari. – Toshkent :Oʻzbekiston davlat jahon tillari universiteti, 2005, 24–25-b.lar.

9.A.Nurmonov.Lingvistik ta'limotning yangi bosqichi.//Oʻzbek tili va adabiyoti, 2008, № 6, 50–54-betlar.

# СЎЗ ВА УНИНГ ТАБИАТИ

**Маҳфузулло Раҳмонов,**
**филология фанлари номзоди, доцент**
**Ўзбекистон, Фарғона давлат университети**
**Тел: +99 897 336-04-26 e-mail**: sgafurova@gmail.com

**Аннотация.** Бұл мақалада сөздердің емдеудегі маңызы, күші және әсерлі рөлі талқыланады. Сөйлеудің адам денсаулығындағы рөлі туралы тақырып қозғалып, дәлелді мысалдар келтірілді..

**Abstract.** This article discusses the importance, power, and effective role of words in treatment. The topic is covered about the role of speech in human health, and valid examples are given.

**Түйін сөздер:** сөз, денсаулық, көңіл күй, жағымды сөздер, жағымсыз сөздер, психология, адам және оның табиғаты, дыбыс, қиял.

**Key words:** word, health, state of mind, positive words, negative words, psychology, man and his nature, sound, imagination.

Тилда сўзга ниҳоятда кўп таъриф берилган. Сўз тилнинг асосини, ядросини ташкил этади. Сўз – нарса-ҳодиса, тасаввур ва тушунчаларни аташ, номлаш учун хизмат қилади. Сўз ўз товуш қобиғига эга бўлиб, гапнинг қурилиш материали саналади. Кишилар ҳаётида сўзнинг қадр-қиммати, аҳамияти катта бўлиб, ўзаро алоқа қилиш, муносабатда бўлиш, фикр баён қилиш учун фойдаланилади. Бусиз улар бир-бирини ҳеч қачон тушунмайдилар. Аввал сўз бўлган, сўз яратилган, дейилади муқаддас китобларда:

*Сўз келиб аввалу жаҳон сўнгра,*
*Не жаҳонки қавм ила макон сўнгра.*

*Алишер Навоий*

Сўз индивидуал лексик бирлик сифатида ҳис-туйғуларнинг маъно таркибида қандай ифодалашини аниқлашимиз керак. Шу мақсадда биз яна бир бор ҳиссиётларни психологик ўрганишга мурожаат қилишимиз лозим, аммо бунда муаммонинг бошқа жиҳатларига эътибор қаратамиз. Аввало, биз ҳис-туйғулар ҳақида гапирганда, тўғридан-тўғри кузатиш учун мос бўлмаган ўта мураккаб ҳодисани ёдда тутишимиз даркор. Инсон психикасининг аффектив томони билан боғлиқ бўлган барча ҳодисаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у билан боғлиқ жараёнлар турли даражадаги хабардорлик доирасида амалга оширилади[267]. Бундан ташқари, ҳар бир алоҳида ҳолатда, масалан, фаолиятнинг аффектив ва когнитив томонларини ажратиш жуда қийин, чунки "инсон ҳис-туйғуларининг ўзи одатда когнитив жараёнлар каби ҳиссий ва интеллектуал бирликни ифодалайди. Интеллектуал ва эмоционал бирликни ташкил этади”[268]. Сўзнинг лексик бирлик сифатидаги эмоционал хусусиятлари ҳақида гапирганда, шуни ёдда тутиш керакки, у ягона ахборот тезаурусига кириш воситаси сифатида ишлайди[269]. Сўз ҳиссий ва интеллектуал ажралмас бир бутунликни ифодаловчи турли хил ақлий жараёнларга киради.

Сўзнинг эмоционаллигининг асосини нима ташкил этишини тасаввур қилиш учун ҳис-туйғулар ва бошқа руҳий жараёнлар, уларнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлигида ўрганиладиган психологик назарияларга мурожаат қилиш фойдалидир. Хусусан, рус психологиясида ишлаб чиқилган фаолият назариясида муҳокама қилинадиган тажриба тушунчаси алоҳида қизиқиш уйғотади.

“Ҳар бир психик факт ҳам реал воқеликнинг бир бўлаги, ҳам воқеликнинг инъикосидир. Инсон онгида доимо бирликда намоён бўлган бу икки жиҳат ҳаракат қилади: тажриба ва билим сифатида. Тажриба ва акс эттирилган мазмуннинг (тасвирлар, билимлар) қарама-қаршилиги нисбийдир, чунки интеграл руҳий ҳодисаларда бу икки қутб доимо диалектик бирликда намоён бўлади[270].

Биз сўзлар руҳиятимизга қанчалик таъсир кўрсатиши ҳақида кўп ўйламаймиз. Зеро, сўзлар даволовчи ва вайрон қилувчи кучга эга бўлади.

---

[267] Хомская Е.Д., Батова Н.Я. Мозг и эмоции. Нейропсихологическое исследование - Москва: Издательство Московского университета, 1992 - с.180

268 Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – М.: Педагогика, 1989.

269 Залевская А.А. Слово в лексиконе человека: Психолингвистическое исследование. – Воронеж: Воронежский ун-т, 1990. – 205 стр.

270 Вилюнас В.К. Психологические механизмы развития мотивации. - Автореферат диссертация на соис. уч. степени доктора психологических наук. – М.,1990.

Ўзимизнинг ва бошқаларнинг саломатлигига зарар етказмаслик учун, айтаётган сўзларимизга эътиборли бўлишимиз керак. Одамлар сўзни инсон маданиятнинг муҳим ва аҳамиятли элементи сифатида биладилар. Муайян сўзлар тўплами ва махсус лексемалар ҳаётимизни ўзгартириши, саломатлигимизга таъсир этиши мумкин. Сўзлар орқали мулоқот қиламиз, сўзлар тасаввуримизда образларни яратади ва биз сўзлар орқали фикрлаймиз. Бу ҳаммаси бизнинг эмоционал ҳолатимизга, руҳиятимизга ва жисмоний соғлигимизга бевосита таъсир ўтказади, шубҳасиз. Барча касалликлар асабдан, деб беҳуда айтишмаган ахир. Сўзнинг кучи орқали ўзимизни омадга, тилакларимиз ижобат бўлишига дастурлашимиз мумкин. У орқали организмимизни касалликлар билан курашишига ўргатсак бўлади.

Сўзнинг вазифаси – мулоқот. Улар инсонлар ўртасидаги ҳиссиётлар ва муносабатларни ифодалайди. Айнан шунинг учун ҳам сўз хафа қилиши, хурсанд этиши, одамларни муҳим ва керакли ишларни бажаришга илҳомлантириши мумкин. Ҳаммамиз ҳам бизни қўллаб-кувватлашларини истаймиз. Бунинг ўрнига салбий сўзлар эшитганимизда бизга қанчалик оғир ботади, шундай эмасми? Тортишиш ёки баҳслашиш пайтида аччиқ устида айтилган сўзлар нафақат буни эшитган инсонга, балки бу сўзларни айтган инсонга ҳам акс таъсир кўрсатади. Вақтида ўринли айтилган сўз даволаши ҳам мумкинлиги кўп маротаба тажрибада синалган.

Бир сўзни айтишингиз биланоқ, мияда аналитик жараён бошланади. Аввалига, сўз тафаккуримиз томонидан қабул бўлади, сўнгра онгимиз уни маълум бир образ билан боғлайди. Чунки ҳар бир сўз онгимизда маълум бир нарса билан боғлиқдир.

Шунингдек, олимлар сувнинг ахборотни сингдириш хислатини аниқлаганлар, уларнинг фикрича, сув эшитилган сўзлар таъсири остида ўз тузилишини ва структурасини ўзгартириши мумкин. Сув ўзи эшитган сўзнинг роҳатбахш ёки таъбни бузадиган маъносига қараб, инсонга ана шундай таъсир ўтказиши исботланган. Одамзот 87 % сувдан иборатлигини инобатга олсак, эшитилган ҳар бир сўз бевосита бизнинг ҳолатимизга ўз таъсирини ўтказишини айтиш ортиқча. Сўзни айтгач, сиз тинглаётган инсонга юбориладиган энергияни шаклга соласиз. Бу энергия инсон асаб импульсларида ўзгаришларни келтириб чиқаради. Импульслар эса ўз навбатида ички органларга, эндокрин безларига ва мускулларга етиб боради. Айтилган сўз биохимик ва биофизик жараёнга айлана бошлайди, бу жараён тўқималар, безлар ва барча органларни бошқариш хусусиятига эга. Агар биз доимо ижобий сўзларни айтиб юрсак, бу онгимизда ижобий дастурлашни яратади, бу эса ўз ўрнида дард ва касалликлардан халос бўлишга олиб келади.

Қуйидаги сўзларни иложи борича камроқ айтишга ҳаракат қилинг : *иш, айб, мажбурман, касал, омадсизлик, мушкул ва ҳ.* Улар салбий ҳислар билан боғлиқлиги учун соғлиғингизга салбий қувватни олиб киради. Тавсиямиз шуки, кайфиятингизга ва ҳолатингизга ёқимли таъсир ўтказувчи, сизни ижобий эмоцияларга тўлдирувчи сўзларни рўйхатини қилинг ва улардан иложи борича тез-тез фойдаланиб туринг.

Турли ёшдаги кишилар даврасида биргина шифокор бўлса ҳам, беихтиёр саломатлик мавзусида гап кетади. Табиийки, даврадагиларнинг ҳар бири

ўзини қизиқтирган саволларга бевосита мутахассисдан жавоб олишга интилади. Ана шундай саволлар сирасига соғлом ва тетик умр кечиришга эришиш сирларини билиш ҳам киради. Бу борада қуйидагиларга тўхталиб ўтиш лозим.

Фақат XX асрга келиб, кекса (60-74) ва қари (75 ва ундан зиёд) ёшларга кирган, узоқ (90 йилдан ошиқ) умр кўриш бахтига сазовор бўлган кишиларни ер куррасининг барча жойларида тез-тез учратиш насиб бўлди. Тош давридан илгарироқ ўртача умр ёши 21 йил бўлган, XIX аср охирларида бу кўрсаткич 35 ёшга тенг эди.

Ҳозир аҳвол тубдан ўзгарди. Масалан, БМТ маълумотларига кўра, 1955 йилда дунё бўйича 65 ва ундан юқори ёшлар 143 млн. (5,2 %) бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда 475 млн. (7,1 %)га етди. 2025 йилга келиб, 822 млн. (9,7 %) бўлади. АҚШда 1980-2030 йиллар оралиғида 65 ёшдан ошган кишилар сони 4 баробар кўпайиб, улар аҳолининг ҳар бештасидан бирини ташкил этади. Шунга яқин кўрсаткичларни Буюк Британия, Франция, Германия, Италия ва Швеция мамлакатлари бўйича ҳам келтириш мумкин. Осиё давлатларида (айниқса, Хитой ва Ҳиндистонда) демографик "портлаш" кузатилиб, 1980-2020 йилларда аҳоли сони 95 %, жумладан, кекса ёшлилар 240 % га кўпайган[271].

Аҳолисининг умри узоқлиги билан ажралиб турадиган Японияда (1988 йил маълумотларига кўра) эркакларнинг ўртача умр кўриши 75,6 ёшга (бу кейинги йилларда жаҳонда биринчи ўринда демакдир), аёлларнинг ўртача умр кўриш ёши 81,4 ёшга тенг. Бу мамлакатда 65 ва ундан юқори ёшлилар 1955 йилда аҳолининг 5,3 % ини ташкил этган бўлса, 2020 йилда кексалар сони барча аҳолининг 1/5 ни ташкил этди. Россияда бундай кўрсаткич ҳозирнинг ўзида мавжуд бўлгани учун (кексалар аҳолининг 20 % идан зиёд) у дунёнинг "кекса" мамлакатлари сафига киради.

Дунёда 80 ва 100 ёшли кишилар, айниқса, аёллар сони ошиб бораётгани қайд этилмоқда. Тахминларга кўра, Европада 2030 йилга бориб аҳолининг 35,2 % ини 80 ёш ва ундан ошган кишилар ташкил этади. Баъзи мамлакатларда юқоридагилар боис нафақа ёши 65-70 га қадар узайтирилмоқда.

Юқорида қайд этилган ҳолат, ўз навбатида, инсон умрини узайтириш масалаларини ўрганувчи геронтология фани ривожланишига, ёши катта кишиларда учрайдиган касалликлар ҳақидаги таълимот-гериатрия шаклланишига олиб келди. Бу соҳаларда тўпланган билимлар ва тиббиёт амалиётида кузатилган айрим далилларга асосланиб, мўътабар ёшли зотлар, улар сафига қўшилаётган кишилар тансиҳатлилигига оид баъзи фикрларга тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Оппоқ соқоли кўксига тушган, атрофдагиларга очиқ чеҳра билан кулиб боқиб, дадил қадам ташлаб бораётган отахонни, қордек оқ рўмолини оҳиста бошига солиб, бағридаги бир этак набира, эвара ва чевараларига одобу ахлоқдан сабоқ бераётган фариштали онахонни кўрган ҳар бир инсон дилида ана шундай бахт ўзига ҳам муяссар бўлишини тилаши табиий ҳолдир.

[271] С.Темиров. Қаримаслик сирлари. –Т.: Адабиёт учқунлари, 2014.

Бундан ташқари, узоқ умр кўриш ҳар бир инсонда тайёр имконият сифатида сақланадиган тил бирликларининг нутқдаги реаллашувига ҳамда бошқа шахсларнинг у инсонга қилган муомаласига ҳам боғлиқ.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Алпанова Ш. Нутқий фаолият жараёнидаги руҳий ҳолатларнинг ўзбек тилининг турли сатҳ бирликлари воситасида акс этиши: Филол. фанл. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2018.
2.Маҳмудов Н. Тил. Тошкент: Ёзувчи, 1998.
3.Насирова Г.М.Психолингвистик тадқиқотлар аҳамиятининг долзарблиги // Research Focus, Uzbekistan // www.ReFocus.uz
4.Нурмонов А. Тилшуносликнинг психология билан муносабати // Танланган асарлар. 3 жилдлик. – Тошкент: Академнашр, 2012. 1-жилд. Б-116-120
5.Расулов Р. Умумий тилшунослик. Тошкент: Fan va texnologiya, 2007.
6.Хайруллаев М.М. Форобий ва унинг фалсафий рисолалари. Т.: Фан, 1963.
7.М.М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. Т.: Ўқитувчи, 1993.

# ЎЗБЕКИСТОНДА МЕДИАЛИНГВИСТИКА РИВОЖИ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

**Пайзиев Комилжон Собирович, НамДУ тадқиқотчиси**

**Аннотация.** Ушбу мақолада муаллиф медиалингвистика назарияси ва амалиётидаги айрим муаммолар, хусусан, бугунги глобаллашган замонда жанрлар конвергенциялашиб бориши ва у билан боғлиқ ҳолда оммавий ахборот воситалари тили ва услубида рўй бераётган айрим ўзгаришлар ва уларнинг илмий таснифи ҳақида сўз юритади ва маълумотлар келтирилади.

**Калит сўзлар**: медиалингвистика,оммавий ахборот воситалари, тил, услуб, таҳлил, нутқ.

**Аннотация.** Автор бұл мақаласында медиалингвистика теориясы мен тәжірибесінің кейбір мәселелеріне, атап айтқанда, бүгінгі жаһандану дәуіріндегі жанрлардың жақындасуына, соған байланысты бұқаралық ақпарат құралдарының тілі мен стиліндегі кейбір өзгерістер мен олардың ғылыми классификациясына тоқталады.

**Негізгі сөздер:** медиалингвистика, БАҚ, тіл, стиль, талдау, дискурс.

КИРИШ

Бугунги глобаллашган замон медиамаконда ҳам ўзгаришларни келтириб чиқармокда, жанрлар конвергациялашуви жараёнини тезлатиб юбормокда, бу эса ўз навбати медиаматн тили, услуби ва таҳрири соҳасидаги назарий билимларни янада такомиллаштиришни тақозо этмокда, медиаматнлар таъсирчанлигини ошириш, ўзбек адабий тилининг нуфузини оширишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш вазифаларини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ушбу кичик тадқиқотда ана шу жараёнларга илмий ёндашган ҳолда хулосалар чиқаришга ҳаракат қилинган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Медиалингвистика – бу медиа соҳасидаги замонавий босма, аудио-визуал, интернет тилини ўрганадиган йўналишдир. Мамлакатимизда бу борада муайян илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Филология, фалсафа ва бошка йўналишларда номзодлик, докторлик илмий даражаси олган олимларимиз ҳам бор. Уларнинг диссертацияларида, монографияларида, илмий мақолаларида мавзунинг у ёки бу масалалари тадқиқ этилиб, назарий хулосалар чиқарилган.

Д.Тешабоева, Г.Бакиева, М,Исроил, Л.Тошмуҳамедова, М.Нуритдинова хаммуаллифлигида тайёрланган «Медиалингвистика ва таҳрир» номли ўқув қўлланмаси ҳам бу ишларнинг самараси, деб билиш мумкин.[272] Унда медиа тили ва услуби хусу-сиятлари,медиамаконда нутқ маданиятининг замонавий концепция-си,нотиқлик санъати ва таҳрир маҳорати ҳақидаги билимлар ёри-тилган.Шунингдек,медиа тилининг замонавий тенденциялари, стан-дартлик ва экспрессивлик, медиамаконда матн яратилиш принциплари ва медиаматннинг коммуникатив функциялари ҳақида маълумотлар берилган.[273]

Президентимизнинг 2023 йил 27 июнь куни матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригида ҳозирги кунда юртимизда 2140 та ёки 2016 йилга нисбатан 626 та кўп оммавий ахборот воситаси фаолият юритаётганлиги, уларнинг 65 фоизи нодавлат медиа воситалари экани, интернет нашрлар ҳам жадал суръатда ривож-ланиб,уларнинг сони 745 тага етгани,бугунги глобаллашган замонда дунёнинг айрим минтақа ва ҳудудларида оммавий ахборот воситалари муайян сиёсий кучлар қўлида информацион урушни авж олдиришга, жамоатчилик фикрини чалғитишга,оқни–қора,қорани–оқ,деб кўрса-тишга хизмат қилаётганини афсус билан қайд этилгани ҳам масаланинг қанчалик долзарб ва зарур эканлигидан далолатдир.[274]

Ахборот олиш, уни қайта ишлаш ва тарқатишда энг замонавий технологиялардан фойдалаланилаётгани, ўқувчи, тингловчи, томоша-биннинг тафаккури,дунёқараши ўзгараётгани,жанрлар конвергенцияси жараёни тобора тезлашиб бораётгани медиалингвистикада ҳам айрим муаммоларни юзага келтирмоқда.

Бу соҳада эришилган натижаларни эътироф этган ҳолда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги шиддатли давр ахборот йўналиш-ларида,шу жумладан,медалингвистика тизимидаги ишларни янада тако-миллаштиришни,ривожлантиришни,оммавий ахборот воситалари тили-ни жамият,тафаккур,сиёсат,маданиятшунослик каби ижтимоий-сиёсий ҳодисалар билан узвий боғлиқ ҳолда чуқур ўрганишни, илмий хуло-салар чиқаришни тақозо этмоқда.

МУҲОКАМА

Юқоридаги фикрларимиз исботи учун айрим оммавий ахборот воситалари лингвистикаси бўйича кузатишларимиз билан ўртоқ-лашамиз.

Интернет нашрлар орасида энг фаол,оммабоп,минглаб ўқувчи-ларига эга бўлган «Kun.uz»да жорий йил 29 октябрь куни «Исроил Рос-сияни яҳудийларнинг хавфсизлигини таъминлашга чақирди» номли хабар берилган.

---

[272]Д.Тешабоева, Г.Бакиева, М,Исроил, Л.Тошмуҳамедова, М.Нуритдинова хаммуаллифлигида тайёрланган «Медиалингвистика ва таҳрир» Т.”O'ZBEKISTON” НМИУ, 2019
[273] Медиалингвистика ва таҳрир.Тошкент “O’zbekiston”.2019
[274] .”Янги Ўзбекистон” газетаси 2023 йил 27 июнь.

Бир қарашда сарлвҳада камчилик йўқдай. Бироқ эътибор билан ўқисак, унда ўзбек тилида қаратқич келишиги қўшимчасини белгили ва белгисиз ишлатиш ҳақидаги қоидаси талабига амал қилинмаганлигига гувоҳ бўламиз. Яъни «яҳудийларнинг» сўзида қаратқич келишиги қўшимчасини қўллаш шарт эмас эди.

Матнда яна шундай жумла учрайди: «Маълум қилинишича, бу «Фарғона ХЕТК» АЖ ҳамда тегишли ташкилотлар вакиллари ҳамкорлигида истеъмолчиларнинг ноқонуний электр энергиясидан фойдаланишларини олдини олиш мақсадида Қўқон шаҳрида ўтказилган тунги рейд давомида аниқланган. Бу жумлада «фойдаланишлари» сўзида қаратқич келишиги қўшимчасининг ўрнига тушум келишиги қўшимчасини ишлатилган. Шунингдек, «…истеъмолчиларнинг ноқонуний электр энергиясидан фойдаланишлари» жумласида “электр энергияси ноконуний” деган маъно келиб чикяпти, аслида эса «истеъмолчиларнинг электр энергиясидан ноқонуний фойдаланишлари» деб ёзилса, тўғри бўларди. Давом этамиз: «…мазкур ҳолат юзасидан президентнинг тегишли қарорларига асосан ноқонуний фойдаланилган майнинг фермерларга нисбатан жарима жазоси қўлланди» жумласидаги ғализлик шундаки, ноконуний фойдаланиш президент карорларига асосан деган маъно келиб чикяпти. Аслида «электр энергиясидан ноқонуний фойдаланган майнинг фермерларга нисбатан президент карорларига асосан жазо чораси қўлланди» деб ёзилса,мантиқан тўғри бўларди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси муассислигидаги “XXI asr” газетасининг 2023 йил 21 сентябрь 31-сонидаги “Изланганга имкон эшиклари очиқ» сарлавҳали материалда «Очиқ эшиклар куни»да мактабда ташкил этилган 7 та йўналиш бўйича тўгарак аъзоларининг ижод намуналаридан ташкил топган кўргазмалар, концерт дастурлари, ижодий чиқишлар ҳамда тўгарак раҳбарлари томонидан маҳорат дарслари ташкил этилди» жумласида «ташкил этилган» бирикмаси уч марта,”тўгарак” сўзи икки марта такрорланяпти.

Ушбу нашрнинг 2023 йил 24 август 34-сонидаги «Тадбиркорлигимдан фахрланаман» номли материалда «Катта-катта марра-ларни рўёбга чиқариш учун келгуси етти йиллик ислоҳотларимиз дастури август ойи бошида кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди» жумласидаги «марраларни рўёбга чиқариш учун» деган бирикмада ғализлик бор, яъни марралар рўёбга чиқарилмайди, балки эгалланади, забт этилади.

Газетанинг 2023 йил 24 август 34-сонидаги «Кластерга кенг йўл очиляпти» номли мақолада эса «Сўнгги йилларда турли соҳаларда, жумладан, саноат корхоналарида кластер тизими(нинг) жорий этилгани (нинг) самарасини Бухоро вилояти мисолида кўрса бўлади» жумласида -нинг қаратқич келишиги қўшимчасини қўллашда такрорга ва ғализликка йўл қўйилган.

Яна шу материалнинг ўзида «Бухоро агрокластер» МЧЖ га қарашли 40 дан ортиқ сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий мажмуа…»деган жумлада «40 дан ортиқ» бирикмаси «сут ва сут маҳсулотлари» бирикмасигига боғланиб келгани учун маънони ўзгартириб юборган, яъни «40 дан ортиқ сут ва сут маҳсулотлари» эмас,балки «40 дан ортиқ мажмуа» бўлиши керак эди.

Мазкур газетанинг 2023 йил 24 август 34-сонида чоп этилган «Болаларга меҳр берсак» номли материалда эса «Ҳозирги кунда вилоя-тимизда қурилаётган кўп қаватли уйларда бугунги кунда 25 м$^2$ ли хонадонлар мавжуд эмас" деган жумлада бир маънони англатувчи «ҳозирги кунда» ва «бугунги кунда» бирикмаларидан такрор ва ортиқча фойдаланилган. Аслида шу маънони ифодалаш учун бу бирикмаларнинг биттаси кифоя эди.

Ушбу сондаги «Ишбилармон аёл» танлови рақобат,тажриба ва муваффаққият моҳирона фойдаланган. Бу шеърда жонлантириш санъ-ати қўлланилган. Шоир асарлари китобхонларда катта таассурот қолдирди. Шоир номи барҳаёт экан,пурмаъно асарлари асрлар оша халқимиз қалбида яшай-веради».Биргина шу жумланинг ўзида «шоир» сўзи уч марта қайтарилган бўлиб,унда шундай жумлани ўқийсиз:«Темурийлар авлодлари томонидан бунёд этилган боғларнинг ўзига хос усуллари ва ўрта аср даври рассомларининг миниатюраларида ҳам ўз тасвирини топган» Биринчидан, боғларнинг ўзига хос усуллари бўлмайди,уни яратишдаги усуллар хилма-хил бўлиши мумкин. Иккинчидан, бу усуллар миниатюраларда уз ў тасвирини топган дейилиши ҳам тўғри эмас.

«Динозаврлар» номли материалда эса шундай жумлага дуч келасиз: «Айрим олимлар динозавр иссиқ қонли бўлган,лекин уларнинг иссиқни сақлайдиган тери қоплами бўлмаганлиги тахмин қилинади».Бу жумлада «томонидан» сўзи тушириб қолдирилгани учун маънога путур етган. Яъни «айрим олимлар томонидан тахмин қилинади" дейилиши керак эди. Ёки шу сўз ноўрин ишлатилган яна бир бошқа жумлага эътиборингизни қаратамиз: «Самарқанднинг ғарбида жойлашган бу боғни Соҳибқирон Амир Темур томонидан 1378 йилда ўзининг суюкли рафиқаси Хайринисога атаб барпо этганди». Бу жумлада «томонидан» сўзи ортиқча ишлатилган.

Ҳозирги ахборот алмашинуви шиддат билан ривожланаётган даврда сарлавҳаларни тўғри танлаш,уларни ўрнида қўллашнинг ҳам аҳамияти жуда катта. Эътироф этиш керак, кейинги йилларда юртимиз медиамаконида бу борада изланишлар, ижобий ўзгаришлар, жумладан, сарлавҳа танлашда уларда таъсирчанлик,омма эътиборини ўзига тортиш,эмоциал жиҳатларини бўрттириш каби жиҳатлар кўзга таш-ланади.

Таниқли публицист Аҳмаджон Мелибоев ўзининг «Қирқ бешинчи бекат» деб номланган китобида шундай дейди: Газетачиликда сарлавҳа топиш–ярим муваффаққият,десам муболаға бўлмайди. Бошқа ҳамкасб-ларимнинг фикри қандайлигини билмайман, матбуотда ўтган умрим давомида шунга амин бўлдимки, яхши сарлавҳа топиш осон иш эмас. Баъзан каттакон бир мақолани ёзиб тугатасан, қайта кўчирасан, таҳрир қиласан,лекин уни қандай номлашни билмай бошинг қотиб кетади. Карим Баҳриевнинг «Миллий тикланиш» газетасида эълон қилинган мақолалардан бири «Салтанат матбуотидан – матбуот салтанатига» деб номланган эди. Шу сарлавҳанинг ўзиёқ катта бир асардай туюлади менга.[275]

Муаллиф тўғри таъкидлаганидек, ҳали ҳам айрим босма нашрларда "Ғолиблар аниқланди", "Қизикарли учрашув", "Танловга марҳамат",

[275] Мелибоев А."Қирқ бешинчи бекат"Тошкентғ-2008.52-бет

”Мукофотлар топширилди” каби сийқаси чиқиб кетган сарлавҳа-лардан фойдаланилаётганлиги ачинарлидир.

Ҳозирги замон медиалинвистикаси ҳакида фикр юритганда албатта, радио, телевидение тили билан боғлиқ айрим муаммоларга ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Жумладан, радиоэшиттиришларда, телевидениеда берилаётган айрим кўрсатувларда адабий тил меъёрларига амал қилмаслик, шевага хос сўзлардан фойдаланиш ҳолатлари кўп учрамокда. Тўғридан-тўғри мулоқотларда тезкорликка амал қиламан деб сўздан фойдаланиш,гап тузишда хатоликларга йўл қўйилмокда.

ХУЛОСА

Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулосага келиш мумкин:

Биринчидан, тезкорлик, ҳозиржавоблик, қисқалик ва лўндалик тамойилидан келиб чиқиб, матбуотнинг тасвир, таҳлил ва таъсир функциялари тўлик бажарилмай қоляти.[276]

Иккинчидан, жанрлар конвергенцияси туфайли ҳар бир услубга хос лингвистик имкониятлардан фойдаланиш чекланмокда.

Учинчидан,медаматнларни таҳрир қилишдаги камчиликлар туфайли уларда орфографик, пунктуацион ва стилистик хатолар кўпайиб бормокда.

Тўртинчидан,масалани маънавий-маърифий жиҳатдан олиб қара-ганда, оммавий ахборот воситалари орқали ўзбек тили нуфузини янада ошириш имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Бешинчидан, бугунги глобаллашган замонда медиамаконда рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда босма, интернет нашрлар, радио ва телевидение тилини чуқур таҳлил қиладиган, нутқ маданияти ва нотиқлик маҳорати билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этадиган  илмий ишларни яратиш шу куннинг энг долзарб вазифаларидир.

Таникли адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев таъкидлага-нидек, кейинги ярим асрда шиддат билан кечаётган глобаллашув сабаб жуғрофий чегаралар омонатлашиб, ахборот олиш умумий бўлгани сари башарият ҳам универсиллашиб,глобал дунё бир тилга интилиб бораётир. Ана шундай шароитда ўз қиёфасини сақлаб қолмоқчи бўлган этнос миллий тили тўғрисида жиддий қайғуриши керак. Ота тилимиз шу вақтгача бизнинг миллий қиёфамизни сақлаб келди. Энди уни замонлар синовидан эсон-омон олиб ўтиш бизнинг илмий,маданий ва инсоний савиямизга боғлиқ.4.

**Адабиётлар рўйхати:**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.WWW.Lex.UZ.30.04.2023.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон -2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158 сонли Фармони.WWW.Ltz.uz.12.09.2023.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2023 йил 27 июндаги Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табриги.Янги Ўзбекистон газетаси.2023 йил 27 июнь.
Бобонова О. Маънавий иммунитет зарурати.Ўзбекистон матбуоти.2012.-№3.-54-56. б.
Медиалингвистика ва таҳрир. Тошкент. “Ozbekiston”.2019.
Мелибоев А. Қирк бешинчи бекат.А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Т-2008.

[276] .“XXI asr”  газетаси 2023 йил 12 октябрь.41-сон

Муратова Н.ОАВ ва замонавий журналистиканинг янги кўринишлари.Ўзбекистон матбуоти.2005.-№4.-37-40.б.
Онлайн журналистика ва медиада янги трендлар.-Т.: "Тафаккур".2011.
Намозов Ж. АКТ ва Интернет журналистикаси ривожланиши тарихи,асосий хусусиятлари ва жаҳон тажрибаси. Ўзбекистон матбуоти. №3. 59-61.б.
Раҳмонов Н.,Эшбеков Т.Ахборотлашган жамият ва тараққиёт концепцияси.Ўзбекистон матбуоти.2011.№3.-27-33.б.
Тошалиев И.Сарлавҳа стилистикаси.-Т:"Университет"1995.

# XALQ OG'ZAKI IJODIYOTIDA HAYVONLAR OBRAZI

**Norkuziyeva Dildora Sheraliyevna**
**Samarqand davlat universiteti 2-bosqich tayanch doktoranti**
**Email: norkuziyevadildor@gmail.com**

**Annotatsiya.** Maqolada xalq og'zaki ijodiyotida hayvonlar obrazi mifik dunyoqarash elementlari sifatida aks ettirilgan. Ibtidoiy tuzim davridan to hozirgi davrgacha badiiy adabiyotda hayvon nomlaridan foydalanilgan. Qadimiy dostonlarda ot, tuya, bo'ri kabi hayvonlar totemizm tushunchalari sifatida qaralgan. Zoonimlar turkiy xalqlar turmushida va badiiy ijodida metaforik qo'llanilishi tufayli shaxsning tengsiz kuch-qudratini, jasoratini va xarakter xususiyatini ifodalovchi vosita bo'lib xizmat qilgan. Ushbu maqolada badiiy adabiyotdan keltirilgan zoonimlar uslubiy va ma'noviy jihatdan tahlil qilingan.
**Kalit so'zlar:** hayvonlar obrazi, mifik dunyoqarash, zoonimlar, dostonlar, semantik maydon.
**Abstract.** The article reflects the image of animals in folk oral creativity as elements of a mythical worldview. From the time of the primitive structure to the present period, animal names were used in fiction. In ancient epics, animals such as horses, camels, Wolves were considered as concepts of totemism. Because of its metaphorical use in the marriage and artistic creation of Turkic peoples, the zoonyms served as a means of expressing the unequal strength, courage and character trait of the individual. This article analyzes the zoonyms cited from the fiction methodically and spiritually.
**Keywords:** animal image, mythical worldview, zoonyms, epics, semantic field.
**Аннотация.** Мақалада халық шығармашылығындағы жануарлар бейнесі мифтік дүниетаным элементтері ретінде көрініс тапқан. Жануар атаулары көркем әдебиетте қарабайыр жүйе дәуірінен бүгінгі күнге дейін қолданылып келеді. Ежелгі эпостарда жылқы, түйе, қасқыр сияқты жануарлар тотемизм ұғымы ретінде карастырылды. Түркі халықтарының тұрмыс-тіршілігі мен көркем шығармашылығында астарлы түрде қолданылуына байланысты зоонимдер адамның қайталанбас күш-қуатын, қайсарлығын, мінез-құлқын таныту құралы қызметін атқарған. Бұл мақалада көркем әдебиеттен алынған зоонимдер әдістемелік және рухани тұрғыдан талданады.
**Түйін сөздер:** Жануарлар бейнесі, мифтік дүниетаным, зоонимдер, эпостар, семантикалық өріс.

**KIRISH.** Qadimgi sivilizatsiyalar tarixidan ma'lumki, o'sha davrlarda odamlarning dunyoqarashi, qabila va elatlarning mafkurasi afsona va rivoyatlar vositasida ifoda etilgan, mifologik qarashlar sifatida mavjud bo'lgan. Jumladan, totemizm, animizm, fetishizm kabi ibtidoiy dinlar jonning abadiyligi, tabiatdagi narsa

va hodisalarning ilohiy quvvatga ega ekani to‘g’risidagi xilma-xil g’oya va qarashlarga asoslangan. Totemizm - odamning ko‘pincha biror hayvon, parranda yoki afsonaviy mavjudod bilan aloqasi borligi, ba’zan ulardan (hayvon va o‘simlikdan) tarqalgani haqidagi ishonch-e’tiqoddan kelib chiqqan diniy tasavvurlar majmuidir. Qadimiy xalqlar ot, ho‘kiz, ilon, bo‘ri, it va boshqa hayvonlarga e’tiqod qilganlar va ularni o‘z ajdodlari bilan aloqador deb bilganlari tufayli ulardan go‘yoki kuch, ruhiy madad olganlar.

Xalq dostonlari tilida, xususan, Ergash shoir dostonlari tilida uchraydigan badiiy ifoda vositalarining aksariyat qismini yuqorida aytib o‘tilgan kabi ibtidoiy tasavvurlar mahsuli sifatida yuzaga kelgan yashirin o‘xshatish, ya’ni metaforalar, ochiq o‘xshatish, sifatlash (epitet)lar tashkil etadi. Ayni paytda bu ifoda vositalari o‘zbek va turkiy epik asarlar tilida ham, dostonlararo keng qo‘llanilishiga ko‘ra ham epik klishelar, uslubiy formulalar va boshqa vositalar singari mushtaraklik kasb etadi.

**ASOSIY QISM.** Zoomorfizmlar semantik maydonida har bir tilga xos bo‘lgan milliylik, xalqning turmush tarzi va madaniyatidan kelib chiqqan holda tanlanadi. Jumladan, badiiy asarlarda qo‘y obrazi ham juda ko‘p keltiriladi. Taniqli tarjimashunos olim G’. Salomov o‘zining “Rus tilidan o‘zbekchaga maqol, matal va idiomalarni tarjima qilish masalasiga doir” nomli risolasida bu mavzuga alohida to‘xtalib, “…yomonlik, zararkunandalik timsoli – ilon, chayon; vahshiylik timsoli – bo‘ri; yuvvoshlik timsoli – musicha (shuning uchun uni “musichai beozor” deydilar), qo‘y; mehnatsevarlik timsoli – chumoli va asalari; kattalik timsoli – fil, tuya; ayyorlik timsoli – tulki; qo‘pollik timsoli – ayiq; befahmlik va befarosatlik timsoli – eshak, cho‘chqa; tinchlik timsoli – kaptar; go‘zallik timsoli – tovus; xushxonlik timsoli – bulbuldir. Ammo turli xalqlarda o‘xshatish obyektlari o‘ziga xos xususiyatga ega bo‘lishi ham mumkin” [1] – deb yozgan edi. Shuningdek, olim Homer asarlarida sigir ma’shuqa go‘zalligi ramzi sifatida talqin qilinar ekan, eshak va chivinning jasorat timsoli sifatida gavdalantirilganini ham ta’kidlaydi.

Jumladan, u badiiy asarlarda yuvoshlik, xotirjamlik timsoli sifatida gavdalanadi. Insonlarga nisbatan ham qo‘y so‘zi turlixil ko‘chma ma’nolarda ishlatiladi.Umumxalq tilida hanuz qo‘y nomlari jinsiga, yoshiga, rangi-tusiga qarab farqlanadi. Ya’ni tilda ularning har birining o‘z nomi bor. Qo‘chqor - ikkiyoshdan oshgan bichilmagan erkak qo‘y. Bu so‘z turkiy tillar tarixida qadimdan ishlatilib, M.Koshg‘ariy uning chbinar, ko‘chbinar shakllarida ishlatilgan o‘g‘uzcha so‘z ekanligini ta’kidlaydi [2]. Shuningdek, umumxalq tilida pichma atamasi bichilgan erkak qo‘yga nisbatan ishlatilsa, ishshak atamasi ikki yashar qo‘yga nisbatan ishlatiladi. Turkiy tillar tarixida qo‘zu, qo‘zi [2] tarzida qo‘llangan atama hozir umumxalq tilida qo‘zi shaklida ishlatilib kelinadi.

**TAHLILLAR VA NATIJALAR.** Bunga misol shulki, avliyolar sardori hazrati Ali: “Doim mening xotirim bo‘ri tekkan qo‘ydek tarqab sochiladi, men esam cho‘pondek, ularni yig’ish bilan ovoraman, ular esa qochish bilan”, degan. (Donish, Navodirul-vaqoe: 2021: 282). Nogoraning tantanali sadolari ostida, qaysi mahallada, qaysi uyda bo‘lmasin, Turon odamlarini izlab topishib bitta ham qoldirmay qo‘ydek bo‘g’izlab tashladilar, nayzalarga ilib, nimta - nimtalab, xor - zor qilib o‘ldirdilar. (Ali, Ulug’ saltanat: 2006. 240). Xuddi bo‘yniga arqon solingan qo‘ydek ergashganim o‘zimga alam qildi. Qo‘yvor! - dedim jildni bo‘ynimdan olib. (Hoshimov, Umr savdosi: 1993, 343). ...bo‘lgan tog’am bu gal o‘zini, negadir, qo‘ydek yuvosh tutibdi.

— Tavba, dedi Bozorvoy amakim ovqatlanib oʻtirgan xotini Lutfi xolamga qarab. (Toʻxtaboyev, Mungli koʻzlar: 1991, 197). Hoʻkiz esa, qassob qoʻlida pichoqni koʻrib itoatkorlik bilan boʻynini choʻzgan qoʻydek, boshini tuproqqa qoʻyib, olaygan koʻzlarini podachiga tikdi. (Xolmirzayev, Saylanma: 2003, 301). Boʻg'izlangan qoʻydek u sarboz yerda qonga belanib, tipirchilab oʻlib qolgan edi. To boʻyni tishlangan odam jim boʻlmaguncha u tepasida ikki qoʻlini burgut qanotiga oʻxshatib silkiganday boʻlib, aylanib yurardi. (Mirmuhsin, Temur Malik: 1986, 367).

Yovvoyi hayvonlardan biri boʻlgan boʻri turkiy xalqlar orasida qadim-qadimdan kuch-quvvat, mardlik, jasorat ramzi sifatida talqin qilinib kelinadi. Qadimgi turkiylarning muqaddas hayvoni, ya'ni totemi — boʻri boʻlgan. Qadimgi davrlardan beri boʻri turkiylarning yoʻl koʻrsatuvchi, aql va jasorat beruvchi, erkinlik va mustaqillikning ramzi sifatida qabul qilingan. Xitoy manbalarida turk xoqoni bilan birga boʻri atamasi barobar tushunilgan, ya'ni kuch-qudratli xoqonlarga «tamoman boʻri xususiyatiga ega odam» deb baho berilgan. - Qamaldan oʻn olti kun oʻtgandan soʻngra och boʻriday ochiqqan koʻp askar kuch bilan kirib, shaharni oldilar. Oʻlja, asirlardan boshqa bu urushda musulmonlardan yetmish ming kishi oʻldirilmish edi. (Sogʻuniy, Turkiston qaygʻusi: 2011. 29). Och boʻriday bir - birimizga tashlandiq. Bolalar qoʻrquvdan dagʻ-dagʻ titrab, uvvos solishyapti. Bas qilinglar yumdalashishni, deydigan kimsa yoʻq. (Guliston, 1992: 29). Polvonning piyoda askarlari qurib qolgan yop ichiga tushib biqinib borardilar, hech kim suhbatlashmas, faqat qir shamoli boʻriday uvillardi ...(Sharipov, Xorazm: 1965, 365). Shu boʻriday tashlanadi. Koʻrganman-da... Oʻzi mard odamlar sodda keladi, toʻgʻrimi? Shu gapingiz toʻgʻri...(Xolmirzayev, Saylanma: 2005, 380). Shofyori hozir oldida boʻlsa boʻriday gʻajib tashlardi. Heh, tavba, kambagʻalning orqa tomiri tarang boʻladi, deb bekorga aytishmaskan-da. (Xazratqulov, Koʻkkoʻl: 2005, 43). Bir - ikki oy silasang, otday boʻlib ketasan, degan edi. Aldaganmi bachchagʻar, foydasini bilmadim. Qani endi, qashqirning ichmoyi boʻlsa. Yoʻq-da. Qashqir moyi yetti yillik choʻloqni ham boʻriday yugurik qilib yuboradi. (Siyoyev, Yorugʻlik: 1986, 289). Bir shisha aroq bilan uni yegandan keyin yana bir shisha aroqni yarim qildi va shundan soʻng och boʻriday uvlab-uvlab uyquga ketdi. (Choʻlpon, Asarlar: 1994, 229).

Oʻzbek tilidagi yirtqich va yovvoyi hayvonlarning nomi koʻpchilikka tanish: sher, yoʻlbars, boʻri, tulki, ayiq, jirafa, qoplon kabilar. Xalq tilida sher deyiladigan hayvonlar shohining asosiy nomi – arslon. Arslon – mushuksimonlar oilasining yirik vakili. Qoʻrquv bilmagani uchun jasur yigitlarni xalqimiz sherga oʻxshatib sheryurak deydi, barvasta va baquvvat yigitlarni sherkelbat deb ta'riflaydi.

Koʻchma shaxsni sherga nisbatlab ataydi (azamat, botir, polvon ma'nosida). - Balli., sher, xatni qoʻlingizdan kim oldi? –Bir chol. (A.Qodiriy, Oʻtgan kunlar. 2013, 16). Figʻon qilgan bunda sherlar, Yoʻlbars, qoplon, bunda erlar. Aynan sherlanmoq yani sher kabi harakat va holatda boʻlmoq manosida ishlatimoqda. Boshqa bir manbalarda turlicha talqinlarni ham uchratishimiz mumkin.

Ali Qushchi oʻzini bosishga qancha urinmasin, goʻyo qafasga tushgan sherday betoqat boʻlib, hibsxonada gir aylanar, qorongʻida turtinib gʻadir - budir devorlarni, temir koplangan ogʻir eshikni qayta-qayta paypaslab koʻrardi. (Yoqubov, Ulugʻbek xazinasi: 1978, 203). Oqibat zanjirband etildi sherdek, lek boshin egmadi boʻysunmas erdek! Diyonat xo'rlandi, bulg'andi iymon, Insof chavaqlandi, boʻgʻildi vijdon. (Boyqobilov, Sokin Xuroson: 1992, 250). Senam joʻna, mingʻirlama qulogʻim tagida!

Yaralangan sherdek birdan bo‘kirdi usta Shamsi, kuzlari xonasidan otilgudek bo‘ldi. (A.Dilmurod, Ko‘chki: 1991, 111). Samarqandliklar sherdek tashlandilar, go‘yo ularni to‘xtatadigan kuch dunyoda yo‘q edi, ularning qo‘li baland keldi. (H.Sattoriy, Hazrat Sohibqiron: 2005, 175).

Azizxon nima qilishini bilmay sherdek o’kirib atrofga qaradi. Kim, kim u nomard? (Ahmad, Ufq: 1980, 173). Bosmachilar sarosimaga tushib, tushib, parokanda bo‘lib turganlarida, o‘t ichidan xuddi qafasdan chiqqan sherdek otilib yetti kishi chiqdi - da, Dushman ustiga tashlandi. Duch kelganini otib qulatib, bosmachilar halqasini yorib o‘tdi. (Yashin, Hamza: 1982, 370).

Bugungi kunda ko‘pgina tarixiy asarlarda “bug‘ra” – bu ikki o‘rkachli tuya ma’nosida keladi, deb qayd etilgan [5]. Bu xususida A.R. Muhammadjonov esa “bug‘ra” – bu og‘ir yuk ko‘taradigan bichilgan tuya ma’nosini anglatadi, deya fikr bildirgan [6]. Ma’lumki, “bug‘ra” yag‘mo qabilasining totemi hisoblanadi.

Yag‘mo qabilasi esa chorvador bo‘lib, ko‘chmanchi hayot tarziga ega bo‘lgan. Ko‘chmanchilik turmushi albatta mashaqqatli bo‘lib, o‘z chorva mollarini vohama-voha, manzilma-manzil haydab yurish osonlikcha kechmagan. Bunda mavjud siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy ziddiyatlar ham barcha ko‘chmanchi qabilalar uchun og‘ir kechib, ular o‘zi yashab turgan hududlarni tez-tez o‘zgartirib turishga, ba’zan esa kimsasiz qumloq cho‘llarda uzoq vaqt qolib ketishlariga to‘g‘ri kelgan. Ushbu qabilalarning diniy e’tiqodi ham mana shunday mushkul og‘ir vaziyatda shakllanib, ular qaysidir jonzotlarni shunday sharoitda o‘zlariga bo‘lgan ko‘magi uchun totem sifatida muqaddas sanab, e’tiqod qo‘yishgan.

Totem, ya’ni o‘z ajdodlarining ibtidosi sifatida ham ko‘pincha aynan shu hayvonni tanlashgan. Demak, yag‘mo qabilasining totemi ham shu asoslardan kelib chiqqan holda “bug‘ra” hisoblangan. “Bug‘ra” bu – tuya hayvoni ekanligi aniq. Lekin har qanday tuya ham totem bo‘lavermagan. Chunki yuqorida keltirilgan turmush sharoitida ko‘proq og‘ir yuk ko‘taradigan nortuyalar katta ahamiyatga ega bo‘lgan. Bunday tuyalar sirasiga esa bichilgan erkak tuyalarni kiritish mumkin. Ularning yuk ko‘tarish quvvati va chidamlilik darajasi ham oddiy bichilmagan va urg‘ochi tuyalarga nisbatan yuqori bo‘lgan. Ko‘rib turganimiz-dek, bu masalada A.R. Muhammadjonovning fikrlarini to‘g‘ri, deb hisoblash mumkin.

Haqiqatdan ham “bug‘ra” bu – og‘ir yuk ko‘taradigan, bichilgan tuya bo‘lib, tuyaning kattasi, ya’ni nortuya hisoblangan. Ko‘chmanchi chorvador yag‘mo qabilasi bejizga bu kuchli hayvonni o‘zlariga totem-ibtido sifatida tanlashmagan. Albatta, o‘sha davrda tuya uzoq, mashaqqatli yo‘llarda tegishli manzilga yetkazib boruvchi transport vositasi sifatida ham juda qadrlangan. Shunday qilib, «bug‘ra» – bu og‘ir yuk ko‘taruvchi bichilgan tuya bo‘lib, yag‘mo qabilasining totemi hisoblangan, keyinchalik hoqonlar nomiga unvon o‘rnida qo‘llanilgan. Ammo “bug‘ra” atamasini unvon o‘rnida qachondan boshlab, nima uchun xoqon nomida qo‘llanilgani haqida manbalarda aniq aytilmagan.

Quyidagi gaplarda tuyaning uzoq muddat suvsiz yurishi va suvni ko‘rganda yutoqib, shosh-pisha ichishi va shuncha ichsa ham to‘ymaydigan insonlar qiyofasida tasvirlagan. Men ham yutoqqan tuyaday ichaveribman. Bir vaqt qarasam, boshqa xonada yotibman. (Xolmirzayev, Saylanma: 2005, 276). Oynisa o‘rik shoxiga osiqlik ketmonni olib ariqdan gulzorga suv ochib yubordi, qatqaloq yer namni chanqoq tuyaday simira boshladi. (H.G‘ulom, Toshkentliklar: 1975, 125). Ba’zan badiiy

asarlarda "mast tuyaday" jumlasi ishlatiladi: Havoning qovog'i soliq, dengiz notinch, katta - katta to'lqinlar mast tuyaday ko'pirib, kemani u yoqdan - bu yoqqa uloqtirar edi. (Qodirov, Avlodlar dovoni: 1994, 187). Oradan bir necha minut o'tgach, aql - hushini yig'ib oldi-yu, Oyqizni haqorat qildi, tobora asabiylashib, mast tuyaday bo'kirdi. (Rashidov, Bo'rondan kuchli: 1982,11). Mast tuyaday o'kirgan Davronning endi hech narsadan qaytmasligini sezadi. O'lim xavfidan o'zini yo'qotib qo'yadi va qo'rqib orqaga tisariladi. (Qodirov, Meros: 1975, 327).

**XULOSA.** Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, xalq og'zaki ijodiyotida hayvonlar obrazi badiiy tasviriy ifoda vositasi sifatida qo'llanilishi uchun qadim-qadim zamonlardan boshlab an'ana tusiga kirib qolgan. Bu esa badiiy asarning uslubiyati va o'ziga xos jihatlari bilan belgilanadi. Badiiy adabiyotda insonga xos xarakter va xususiyatlarni hayvonlar obrazi orqali tasvirlanishi asarga estetik zavq bag'ishlaydi hamda uning ta'sirchanlik darajasini oshirishga xizmat qiladi. Hayvonlar obrazi insonlarning hayvonlardagi har doim ham ko'zga tashlanavermaydigan o'xshashliklarini hisobga olib yondoshishga asoslanadi. Bunda ko'pincha vizual o'xshashlik, mubolag'a va bo'rttirishlar orqali aks ettiradi. Va albatta, bunda xalqning milliy, madaniy, qadriyatlari, urf-odat va an'analari hisobga olingan holda yondashiladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Саломов Ғ. Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1961. – Б. 29.
2. M.Koshg'ariy. Devonu lug'otit turk. III tomlik. T. – 1960. – I tom. 311 b.
3. Каримов И.А. Тинчлик ва Хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга боғлиқ. Ўзбекистон, 2005. 258 б.
4. Salimova Z. Turk tilida zoonim va fitonimlar orqali inson qiyofasiga murojaatning o'ziga xosliklari. "Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences" Scientific journal. 246 b.
5. Кораев О. История Караханидского каганата. – Фрунзе: Илим, 1983. – С. 90.
6. Муҳаммаджонов А.Р. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 110.
7. Djumabayeva J va boshqalar. Doston matnidagi zoomorfizmlar va ularning uslubiy xususiyatlari. "Oriental Art and Culture" scientific-methodical journal. 2020. 138 b.
8. Norkuziyeva D.Sh. Zoomorfizmlarning etnolingvomadaniy xususiyatlari. Fan, ta'lim va amaliyot integratsiyasi. 327-331 b.
9. Jumanazarova G.Fozil Yo'ldosh o'g'li dostonlari tilining lingvopoetikasi (leksik-semantik, lingvostilistik va lingvostatistik tahlil). – Toshkent, 2012. – B.15.

# ABDULHAMID CHO'LPON HIKOYALARIDA AYOLLAR OBRAZI TALQINI

**Jo'rayeva Manzura Ahronqulovna**
**adabiyotshunoslik kafedrasi dotsenti**
**Axrorxo'jayeva Parizoda Murodali qizi**
**Farg'ona davlat universiteti 1-kurs magistranti**
**Parizodaruziboyeva@gmail.com, (91) 059 30 70**

**Annotatsiya:** Jadid adabiyoti, xususan, Cho'lpon ijodi adabiyotimizning durdona asarlari sirasiga kiradi. Bu davrda yozilgan asarlar g'oyaviy pishiqigi, obrazlar mukammalligi, syujetlarning izchilligi bilan ham ahamiyatlidir. Bugunga qadar

jadidchilik harakatining yetakchilaridan biri boʻlgan Choʻlponning nasriy asarlari janr xususiyatlari, hikoyalari strukturasi, nasriy asarlarida tagma'no qatlamlarini oʻrganish borasida ilmiy izlanishlar olib borilgan. Bu kabi izlanishlar esa, choʻlponshunosligimizni yanada boyitadi. Ushbu maqolada esa, Choʻlpon hikoyalaridagi ayyollar obrazi tadqiq etiladi.
**Kalit soʻzlar:** badiiy umumlashma,obyektivlik, kutilmaganlik efekti, izchillik, ziddiyatlar ketma-ketligi, syujet maydoni.
**Abstrakt:** Jadid literature, in particular, the work of Cholpon, is one of the masterpieces of our literature. The works written during this period are also important for their ideological tenacity, perfection of images and consistency of plots. To date, Cholpon , one the leaders of the Jadid movement, has conducted research on the genre features of prose works, the structure of stories, the development of the layers of prose in prose works. Such research enriches our Cholpon studies. This article axamines the image of women in Cholpon stories.
**Keywords:**artistic generalization, objective, unexpected effects, consistency, sequence of contradictions, plot area.

*Kulgan boshqalardir yigʻlagan menman,*
*Oʻynagan boshqalar, ingragan menman.*
*Erk ertaklarini eshitgan boshqa,*
*Qullik qoʻshigʻini tinglagan menman…*
*(Choʻlpon)*

Ayol muqaddas deymiz. Ayol buyuk hilqat deymiz. Mudom ayol shaxsini ulugʻlashga, uning qadr-qimmatini joyiga qoʻyishga intilamiz. Ayol oilaning, jamiyatning yaratuvchisi. Farzandlar tarbiyasida ham ilmli, dunyoqarashi keng boʻlgan onalarning oʻrni beqiyos. Ammo har doim ham ayol shaxsiga bugun biz qarayotgan rakurslardan qaralmagani kishi koʻnglini hira qiladi. Oʻtgan asrning boshlarida jamiyatda ayollarga koʻrsatilgan munosabatni koʻrib, oʻqib xoʻrligi, rahmi keladi odamning. Oʻz erki, oʻz huquqidan bexabar, oʻz taqdirining poydevoriga oʻzi bitta gʻisht qoʻshishga-da haqli boʻlmagan, mudom oyoqosti boʻlgan ayollarimiz haqida oʻqir ekanmiz oʻsha davrdagi ayollarning iztiroblari koʻngil istaklari koʻnglimizga koʻchib oʻtgandek boʻladi. Jadidchilik harakati a'zolarining ham bosh gʻoyalaridan biri ayollar erki, xotin-qizlar ta'limi boʻlganligi ham bejiz emas. Ayol jamiyatning muhim bir boʻgʻini, yaratuvchisi. Ushbu harakat yetakchilaridan biri boʻlgan Abdulhamid Choʻlpon ham oʻzining yozgan asarlari orqali ayollar erku-ozodligi uchun kurashishga, ularning koʻngil istaklarini kuylashga harakat qilgan. Adib oʻzining "Kecha va kunduz " romanida Zebi, "Novvoy qiz" hikoyasida novvoy qiz, "Qor qoʻynida lola" hikoyasida Sharofatxon, Qumribush, "Oydin kechalar" da Xadichaxon obrazlari orqali ayol ruhiyati, kechinmalari , ayol xarakterini ochib berishga harakat qiladi. Choʻlpon iste'dodiga xos lirik nazokat va nafosat shoir nasriy asarlarining ham oʻziga xosligini belgilab keladi. Choʻlpon qaysi mavzuga murojaat etmasin, badiiy voqelikni poetik va obrazlar orqali mujassamlashtirishga erishdi. Shu ma'noda uning oʻtgan asrning 20-yillarida yozgan " Oydin kechalarda", "Seni koʻp koʻrmasun" "Qor qoʻynida lola", "Novvoy qiz" singari hikoyalari oʻzbek adabiyotidagi lirik nasrning dastlabki mumtoz namunalaridir. Choʻlpon bu hikoyalarida oʻzbek xotin-qizlarining ayanchli taqdirini turli badiiy rejada tadqiq etar ekan, har bir jamiyatning taraqqiyot darajasi shu jamiyatning xotin-qizlarga boʻlgan munosabati bilan belgilanadi, degan gʻoyani bu

asarlar orqali anglatishga intilgan. Umuman olganda, o'zbek xotin-qizlarining mustamlakachilik sharoitidagi taqdiri tasviri Cho'lpon she'riy ijodining ham, kichik epik asarlarining ham, "Kecha va kunduz" romanining g'oyaviy yo'nalishini ham belgilab bergan.
Dastlabki e'tiborimizni "Qor qo'ynida lola" hikoyasiga qaratsak:

Bu hikoyada ayol va qizlarning nozik his-tuyg'ulari, taqdir oldida itoatkorligini sabr-toqatini ko'rishimiz mumkin. Hikoya Sharofatxon ismli qizning tengqur dugonalari bilan koptok o'ynayotgani bilan boshlanadi. Bir nechta qizlar koptok o'ynashadi va bir payt Sharoftxonning qo'lidan koptok tushib ketadi. Ortidan yugurib yetguncha koptok hovuzga tushadi. Toji qassobning kichik qizi Turg'unbush tomidagi tut o'tinidan bir butoqni olib tushgach hovuzdan koptokni olishadi. Ayni shu paytda Sharofatxonning bolalarcha "Hu, qochmay o'lgin, tutilding-ku"[277],- deyishida uning bolalarcha beg'uborligi, o'yinqaroqligini ko'rishimiz mumkin. Hikoyani o'qishni boshlagan o'quvchi dastlab ohanglarga e'tibor qaratmaydi. Shuning uchun ham jabrdiyda – Sharofatxonni o'ksik siniq ovozda tasavvur qiladi.Ammo otasining nomi chiqqan savdogarligi, shu jihatdan ham hikoyamiz qahramoni erkalik, o'yinqaroqlikda yakka ekanligi uning ovozida qat'iyat, hukmfarmolik ( -Baribir qancha siqib quritmoqchi bo'lsak-da xo'l to'p chiqmaydir, boshqa kimning to'pi bor?) [278]siltalash, dimog'dorlik, (-Voy, o'la qolay, hech qaysilaringda yo'qmi?)[279] dugonalari uning oldida hijolat tortishi, o'zlarini aybdordek his etishi (-Meniki bor edi-yu, tunov kuni Gulnor o'lgur yo'qotib qo'yibdir)[280] dan uning dugonalar davrasida bechora qiz emas, qat'iyatli qiz ekanligi anglashiladi. Hikoyada gapdan-gapga syujet tadriji o'sib boradi. Qizlar koptokni quritishayotgan paytda Turg'unbushning singlisi Fazilatxon opasining dugonasi Sharofatxonga sovchi kelganini shipshiydi. Bu bir zumda qizlarga ayon bo'ladi. Cho'lpon aslida hikoyaning birinchi qismini qizlar koptokni suvga tushirib yuborgan paytda ham yakunlasa bo'lar edi. Lekin u bunday qilmadi Sovchi kelishi xabari orqali hikoyaning keying voqealariga ishora qiladi…

Sharofatxonning oilasiga keladigan bo'lsak, otasi Samandar aka ilgaridan ot chiqargan bir savdogar edi. Bir necha yil savdosi yurishib o'tgan bahorda kasodga uchragan. Bor-budini qarz to'lash uchun sotgach, juda so'fi bo'lib eshonnikiga qatnaydign bo'lgan. Kunini eshonnikida o'tkazadi. Onasi Qumribibi oddiy, sodda, eriga itoatli bir o'zbek ayoli. Sharofatxon esa bu oilaning yakka-yolg'iz farzandi. Hamma muammo eshonga nazr berish masalasidan boshlanadi. Kimdir qo'y, kimdir sarpo, kimdir oziq-ovqat olib keladi. Samandar akaning esa berishga hech narsasi yo'q. Ko'ngli xijil bo'lib uyiga kelaganida qiziga eshondan sovchi kelganidan xabar topadi. Ayolidan bu xabarni eshitgach :

– To'g'rimi, eshonnikidanmi, to'g'rimi? Eshon nega o'zimga mazmun qilmadilar ekan? [281]–deb ham hayratlanib, ham quvonib ketadi. Xotinining: - Endi katta odam, men sovchilarga hali qizim yosh, endi o'n yettiga chiqdi, dedim. Shunday deb javob bera qolaymi? – degan gapiga "Bitta qizimiz bo'lsa, hazrat eshonimizg'a tutdik sadag'asi ketsun!", - deb javob beradi va shu bilan o'zining boshqa muridlar bera olmagan narsa berishdek niyatiga yetgandek edi. Qumribush bu kutilmagan javobdan

[277]Cho'lpon asarlari. 1-jild. "Akademnashr" Toshkent-2016 319-320-b
[278] Cho'lpon asarlari. 1-jild. "Akademnashr" Toshkent-2016 319-320-b
[279]Cho'lpon asarlari. 1-jild. "Akademnashr" Toshkent-2016. 319-320-b
[280] Cho'lpon asarlari. 1-jild. "Akademnashr" Toshkent-2016. 319-320-b
[281] Cho'lpon asarlari. 1-jild. "Akademnashr" Toshkent-2016 .323-b

oqarib ko'karib, devorga suyanib qoladi. Samandar aka nazr berish chorasini topganidan, eshonga qiz berib qaynota bo'lishidan, obro'si yanada ortishidan sevinib shunday javob bergandi ehtimol. Ammo xotini nima qilsin? Sharofatxon uning ham bolasi. Uning ham orzu-havasi bor. Xali endigina o'n yettiga kirgan qizini ikki xotinlik, soqoli oqargan eshongan beraman deb o'ylabmidi?! Na eriga so'z qota oladi, na qiziga yon bosa oladi. Erning qarori qat'iy. Shikoyatga o'rin yo'q. Shuning uchun ham bir so'z aytishga-da botinolmaydi. Bir so'z aytishgada haqqi yo'q. Sharofatxon-chi? Undan ko'ngil so'rashdimi? O'zi uning gapirishga haqqi bormidi. Zamon nozik edi. Qiz tarbiyali edi. Otaga, onaga tik boqib so'z aytmasdi. Chinakam o'zbek qizi edi. Ehtimol, yostig'ini ho'l qilib tuni bilan yig'lagandir. Ehtimol orzular poymol bo'lgandir…Ehtimol ranglari so'lib, umr bahorida ko'zlariga, badaniga izg'irin nayzalari sanchilgandir, bu bizga noma'lum. Bilganimiz tez fursatda to'y bo'lib o'tdi. Eshon buva kuyov bo'ldi. Sharofatxon kelin bo'ldi. Qiy-chuv, nog'orayu-tog'ora, kuy-qo'shiq avjida bo'ldi. To'yxonada gulxan yoqildi. Madordan qolgan kayvoniy kuyov kelinni ko'tarib oldi"

*"-Ko'taring-a, kuyov pochcha, ko'taring-a!*
*-O'zingizni tetik tuting, taqsir!*
*-Ha, taqsir, ko'taring!*
*-Barakalla, taqsir, barakalla!*
*-Bo'sh kelmadilar taqsirim!"*[282]

Yana qiy-chuv, qarsaklar bo'ldi. Yig'lagan ham, kulgan ham o'z-o'zi bilan bo'ldi. Chidagani uchun, sukut saqlagani uchun, ota so'ziga, taqdiriga va yozug'iga ko'ngani uchun kim olqishladi Sharofatxonni? Kim tinglay oldi sukutini? Kim ayta oladi uni paranji ostida kulyapti deb. Kim ko'rdi uning ko'zlarini? Hech kim! O'zi ahamiyati bormidi uni eshitishning? Siz erta bahorda bodomning gullashini intizorlik bilan kutsangiz-u, bebosh shamol gul yaproqlarini ayamay uchirib ketsa, yerlarga to'kib, loyga qorishtirsa rahmingiz kelmaydimi? Eshonning baxtidan quvonganlar qancha ko'p bo'lsa Sharofatxonning ayanchli taqdiriga achinganlar ham ko'p bo'ldi. Buni eshonning uyidan chiqqan ikki yigitlarning suhbatidan anglasak ham bo'ladi:

"-Ho'x-ho, ko'cha juda qorong'i-ku!
*-Shuni aytgil-a, osmonda dorig'a ham bitta yulduz topilmaydur!*
*-Yuraber. Bu kecha xuddi eshonbobongning ko'nglidagidek bo'libdir.*
*-To'g'ri-da, men qizga achinaman, boyaqish kelib-kelib kimniki bo'ldi-ya!...*
*-Nimasini aytasan, otasining uyi kuysin, odam emas ekan!*
*-Soqolinini oppoq tutadek qilib, nevarasidek bir qizni aravadan olishini qara, kishi chidamas ekan. Shuni bir narsaga o'xshatgum keldi-yu, o'xshata olmadim-da!*
*shu payt urchakda poylab yotgan Mamat qorovul gapga qo'shiladi:*
*-Nimasini aytasiz, yigitlar, dunyo o'zi shunday teskari dunyo ekan… Lolaning ustiga qor yo'g'di…"*[283]

Cho'lpon ushbu hikoyada badiiy umumlashtirishdan mohirona foydalanadi. Sharofatxonning taqdiriga hammaning: ota-ona, qo'ni-qo'shni, eshonning ham aybdor ekanligini yanada aniqlashtirib beradi. To'y daragini eshitib qizga achingan mahalladoshlarining baralla yor-yor aytgan ayyollarni-da qizning ayanchli qismatiga dahldor etadi.

[282] Cho'lpon asarlari. 1-jild. "Akademnashr" Toshkent-2016. 324-325-b
[283]Cho'lpon asarlari. 1-jild. "Akademnashr" Toshkent-2016. 326-b

"Seni koʻp koʻrmasun" hikoyasida ham biz oʻzbek ayolining iztiroblari haqida soʻz boradi. Hikoya qahramoni Xadichaxon ikki oʻgʻilning onasi. Eri Roziqjon qishloqlik dehqon, toʻrt-besh tanob yerda ishlab roʻzgʻorini tebratadi. Roʻzgʻori onasi, xotini, ikki oʻgʻli va oʻzidan iborat. Hammasi binoyidek ketyotgandi. Oʻtgan bahorda Roziqjon xuftongacha daladan qaytmadi. Xotini sodda emasmi, "bugun oʻroqni boʻlsa, narigi joʻgari tomonga suv bogʻlamoqchi edi", - deb oʻylaydi. Zamon esa notinch. Tun yarmida eshi qoqiladi. Eshikni ochgani chiqqan kampir "Voy bolam" qaytib kiradi. Bolasini yoʻlda beklar otib ketganini aytishadi. Ayol otadan keyin eriga suyanadi. Suangan togʻi qulagandan keyin holatini tasavvur qilavering. Bechora ayolning koʻnglidan oʻtgani oʻzi va Xudoga ayon. Xadichaxon erini sogʻinib dalaga chiqadi. Odamlarni, qishloqdoshlarini koʻrib ovunmoqchi boʻladi. Egatlardan, odamlar orasidan erini izlaydi. Qayta dogʻlanadi. Qayda kuyadi.

Bir yillar oʻtgach Xadichaxon yana bir togʻini yoʻqotadi. Qaynonasi qatiq sotib puliga goʻsht olib kelishini tayinlagan oʻgʻli Sobirjondan ham ayrilib qoladi. "Shaharda otishma boʻlgan ekan, oʻq tekkandur… yo armanlar otib ketgandur.." , - deydi Sobirjonni daragini izlab borgan Xolmat. Xadichaxon yigirma uch yoshida ikki marta dogʻlandi. Ona uchun farzand dogʻidan ortigʻi boʻlmaydi. Bilmagan kishilar uni "qari juvon" deb oʻylaydi. U boshiga tushgan koʻrguliklardan es-hushini yoʻqotadi. Qoʻshni bolalar "Hadi jinni" deb ot qoʻyadi.Uni yaqindan bilganlar esa achina boshlaydi. Xadichaxon esa yolgʻiz qolgan oʻgʻli bilan ovunadi. Uning keljagi kamolidan umidvor boʻladi. Yuqoridagi har ikki hikoyada qahramonlarimizning keying taqdiri noayon qoladi. Xuddi "Kecha va kunduz" romanidagi Zebining qamoqdagi va undan keyingi taqdiri mavhumligicha qolgani kabi. Bu kabi yakunlarni Choʻlpon hikoyalarida koʻplab uchratish mumkin. Adib yuqoridagi ikki hikoya orqali zamon zayliga, oʻz taqdiriga koʻngan, chorasiz, kechishni-da, ortga qaytarishnida imkoni boʻlmagan lahzalar qiynogʻida kuymalanayotgan ayollarni bosh qahramon darajasiga koʻtaradi. Ammo biz bu voqealarda ayol qizlarni ayblay olmaymiz.Ehtimol, hamma ayb zamondadir, yoki zamon zayliga koʻnib millat va hayot davomchisi boʻladigan ayol-qizlarni oʻqish va ta'limdan yiroqlashtirgan ota-onadadir.

Zamonaviy oʻzbek hikoyachiligining takomilda Choʻlponning munosib hissasi bor. Xususan, "Oydin kechalarda" novelistik hikoyaning adabiyotimizdagi ilk va mumtoz namunasi sanalishi mumkin. Oʻzi tasvirlayotgan milliy turmush va millliy psixologiyani juda yaxshi bilgan adib hikoyani qurishda jahon adabiyotidagi eng ilgʻor tajribaga tayanadi. Jumladan, adib "obektiv" tasvir imkoniyatlaridan maksimal foydalanadi, badiiy voqelikka turli nuqtalardan qarash intrsospeksiya "kutilmaganlik efekti" kabi vositalardan samarali foydalanadi. Adabiyotimiz uchun yangi boʻlmish mazkur usul va vositalarning milliy ruhga yoʻgʻrilgan holda olib kirilgani oʻquvchi ommani bu xildagi asarlarni qabul qilishga tayyorlashni osonlashtirishi jihatidan muhim edi.[284]

Hikoya shunday tasvir bilan boshlanadi:

"*Zaynab kampir bir narsadan cho'chib uyg'ondi. Oppoq oydin, oy kampir yotgan so'richaning qoq o'rtasidan unda-munda bitta-yarimta uchragan oq bulutlarni yorib, shoshib o'tib borar edi.*

---

[284] D.Quronov:Choʻlpon nasri poetikasi. Toshkent:"Sharq" nashriyoti-2004.282-b

*Kampir u yog'-bu yog'iga yaxshilab qarab, oydinda hech bir qora-mora uchratmagandan keyin yana bolishga boshini qo'ydi…"*[285]

Bunday muqaddima so'zlardan keyin kitobxon Zaynab kampirni hikoyaning bosh qahramoni, deb o'ylashi va uning xatti-harakatlarini diqqat bilan kuzatishi tabiiy. Yozuvchi ham kitobxonda uyg'ongan ana shu taassurotni xuddi sezgandek, kampirning xayollarini tortgan «pilta savat, ko'rpa qavuq ipdan tortib, bu yil pilladan chiqadigan ipakkacha» – hammasini erinmay tasvirlaydi. So'ng kampirning arang uyquga ketgani va ko'p o'tmay, uyqu aralash yig'i tovushini eshitganini aytadi.

Xuddi shu yerdan boshlab hikoyaning syujetlar tadriji o'sib boradi:

"*Bu kim? Kechalari uxlamasdan yig'lab chiqquchi kim? Hamma tinch va rohat uyquga tolgan bir zamonda qalbini yaralab yig'laguchi qanday baxtsizdir?…"*

Kunduzi bu kabi tovushlar eshitilmasligi, yoinki kishi bu kabi tovushlarga e'tibor qilmasligi tabiiy. Ammo tun sukunati tovushlar jarangini nafaqat quloqqa balki yurakka ham yetkaza oladi.

Zaynab xola yig'layotgan ayolni Xadicha otinning kelini desa, bugun uning dugonalari kelib, «ikki xuftongacha» o'yin-kulgu qilishdi. Balki qo'shnining kelinidir.

"*Mana, kampirning o'z kelini, uy-joyi, kiyim-kechagi – hamma narsasi tayyor. Novdadek kuyov yonida.*"

Kampir betoqat bo'ldi. Ko'nglida kechgan xayollar bilan yig'i kelgan tomonga asta borib, ne ko'zlar bilan ko'rsinki, yig'layotgan ayol o'zining kelini edi.

Cho'lpon shu lahzaga qadar voqeani tabiat manzaralrini tasvirlash va kampirning xayollarini jonlantirish orqali ochayotgan edi. Endi qaynona bilan kelin yuzma-yuz kelganlarida, hikoyaga o'z-o'zidan savol-javob usuli kirib keladi: *"– .. .Aylanay, bolam, Qodirjon qani?*

*-Qodirjonni so'ramang, onajon.Mana, kelin bo'lib kelganimga bir yarim oydan oshgan bo'lsa, shu bir yarim oyning ichida ikki kechagina birga bo'ldik… Boshqa kunlarda har kecha kuta-kuta tong ottirib yuboraman. Shuncha kun chidab kelib-kelib, mana bu kun o'z qadrimga o'zim yig'lab yubordim. Qanday qilay? Men odam emasmi?*"

Shu o'rinda bir savol tug'iladi. Nahotki ona o'z o'g'lining bir yarim oydan buyon uyda tunamayotganini semagan bo'lsa? Axir o'zbek onalari farzandiga nisbatan befarq bo'lolmaydi. Bir joyga ketsa qaytgunicha yuragini hovuchlab turadi. Ammo hikoya Zaynab kapirning aynan shu beparvoligi sababidan yuzaga kelgan muammo ustiga quriladi. Yozuvchi aynan shu peparvolikni muammo uchun vosita qilib olgandir ehtimol.

Vaziyatni tushungan kampir nima deyishini ham bilmaydi.

"*- Otasi ham shundoq edi, qizim*"

Kampirning qarigan,qurigan ko'zlariga yiroq-yiroq yerlardan ikki tomchi keladi. Butun tanini, butun a'zolarini bosib, ezib, sidirib kelgan shu ikki tomchi yoshini yengi bilan artgandan keyin shunday deydi kampir. Bu o'rinda "Qush uyasida ko'rganini qiladi" maqolini qo'llash o'rinli bo'lar. Sababi bola otasidan o'rgangani qiladi. Uning kech qaytishi yoki umuman uyga qaytmasligi bu xonadonda yangilik emasdek go'yo.

Xo'sh, Qodirjonning otasi nega uyga kech qaytgan? Qodirjonning o'zi-chi? Ular qanday tashvishlar bilan band? Turmushning qaysi yechilmas tugunlari tufayli ular oilalari bag'rida yashamaydilar?.. Bunday savollarga shu payt mast- alast holda uyga

---

[285] Cho'lpon asarlari. 1-jild. "Akademnashr" Toshkent-2016. 315-318-b

kirib kelib, obrezga yiqilgan Qodirjonning holati va “*Gde, gde maya Anna, gde maya Annushka?*” degan telba-teskari ashulasi javob beradi.

«Qizil shohi ko’ylak, qopqora sochlari yerda sudralgan» iffatning, nafosatning, mehrigiyoning qadrini oyoqosti qilib, otasining iflos odatini davom ettirgan Qodirjon hikoya xotimasida razil va pastkash bir inson sifatida gavdalansa, o’n gulidan bir guli ham ochilmagan kelin go’zallik va ezgulikning xorlangan ma’budasi oʻlaroq koʼrinadi. Yo’q, u razillik va pastkashlik oldida mag’rur qoya singari qad ko’tarmaydi. Balki razillikdan ozor chekayotgan, razillikka qarshi kurashga tayyor bo’lmagan, shuning uchun ham mehr va madadga, koʻmakka muhtoj ayol sifatida e’tiborimizni tortadi.Choʻlponning bu hikoyasida biz ikki holatni koʻramiz. Cho’lpon xotin- qizlarga munosabatning kirib kelishi yaxshi bo’lmagani, ular haq-huquqining kamsitilgani uchun jamiyat e’tiborini ayollar taqdiriga qaratmoqchi bo’lgan. Ikkinchidan mustamlakachilik davrining boshlanishi bilan bizga ichkilikbozlik, axloqsizlik singari illatlar natijasida xotin-qizlarni kamsitish yanada avjiga chiqqan.

Choʻlpon «Oydin kechalarda» hikoyasida ana shu illatlarni bartaraf etish, o’zbek xotin-qizlariga xos vafo, iffat, go’zallik va ruhiy boylikning qadriga yetish hamda ularga boʻlgan munosabatni keskin oʻzgartirish gʻoyasini ilgari suradi. Hikoya hajm nuqtayi nazaridan kichik boʻlishiga qaramay, yozuvchi unda Zaynab kampirning ham, kelinning ham ruhiy holatini katta mahorat bilan ochgan. Badiiy tafsillarning koʻpligi va aniqligi hikoyada hayot haqiqatining yorqin va haqqoniy tasvir etilishiga katta imkoniyat yaratgan. Umuman, muallif bu hikoyasi bilan kelajakda katta epik asar yozish darajasiga yaqinlashib borayotganini namoyish qilgan.

Choʻlpon hikoyalari soʻngida oʻquvchini soʻroqlar qurshoviga otadi. Savolarga koʻmadi. Har bir kitobxonning oʻz fikri, oʻz dunyoqarashi bor. Xulosalar ham shuga yarasha. Derazadan atrofga qaragan mingta odam ming xil narsani koʻradi. Ming xil narsaga e’tibor qaratadi. Adabiyot ham shunday. Har kimning oʻz koʻzi, oʻz soʻzi bor. “Ozod Sharofiddinov asarning yaxlit butunligi, muallifning “kompozitsion tafakkuri” ni e’tiborga olgan holda xulosa chiqaradi: Darhaqiqat, Choʻlpon nigohi tushgan hayot parchasida “milliy turmush” ning botiniy poeziyasiga emas, ma’nan majruh etuvchi biqiqlikka e’tibor beradi."[286]

Adibning “Novvoy qiz” hikoyasida ham yosh bir qizning ayanchli taqdiri aks ettiriladi. Hikoya qahramoni nomusi toptalgan, taqdir aravasining gʻildiraklari ostida qolib yurak bagʻri ezilgan novvoy qiz. Hikoya natijadan boshlanadi. Ya’ni, qizning nomusi poymol boʻlgani haqida soʻz boradi. Ilk satrlarni oʻqigan kitobxon ikki yoshni kelin-kuyov deb oʻylaydi. Bunga asos ham yetarli. Chunki Choʻlpon misralari orqali baxtli lahzalar, baxtli odamlarni tasvirlayotganday tasvirlaydi. “*…koʻcha –koʻy xuddi tong otishidan sal burungʻi vaqtlarday – chuqur, vazmin va tinch bir jimlikka botqon edi. Ba’zi-ba’zidagina bir juft er-xotin musichalarning kukulashlari, qoʻshni hovlidan yosh bolalarning oʻyi ustidagi shovqinlari, koʻcha tomondan yakka-yarim yigitlarning kuchsiz va gʻamli qoʻshiqlari eshitilib qoʻyardi…”*[287] Aslida-chi? Mavhumiyat esa, satrlardan satrlarga oʻtgani sayin ochiqlanadi. Har ikkisini ham soʻfining shomga aytgan azoni hushiga keltiradi, sergaklantiradi. “…Hayya alal falaq… - najotga kelinglar…” . Goʻyo ushbu chorlov orqali gunohkor boʻlgan har ikki yoshni najotga, gʻaflat uyqusidn uygʻonishga, nahs toʻshagidan qoʻzgʻalib, gunohlariga magʻfirat

[286] D.Quronov:Choʻlpon nasri poetikasi. Toshkent:“Sharq” nashriyoti-2004.282-b
[287]Choʻlpon asarlari. 1-jild. “Akademnashr” Toshkent-2016. 346-b

so'rab Yaratganga tavba qilishga chorlayotganday bu azon. Shom payti qilingan ishlar xayrsiz bo'ladi deyshadi. Abdulla Qodiriy ham "O'tgan kunlar" asarini shom azoni eshitilishidan boshlaydi. Demak, shom namozi ishora. Adib belgi orqali ayanchli bir hikoyaga ishora qilayotgani tabiiy. Xo'sh o'zi voqea qanday boshlandi? Nega qizning nomusi toptaldi?Yigit kim edi? Ushbu so'roqlarga javob topamiz. "*Qiz uxlagan bo'lsa, uyg'otib qo'yayin!" deb uning boshiga keldi. Qiz ko'zi ochiq, behol... cho'zilib, xayollanib yotardi. Oppoq oqargan yuzlarini sekingina O'lmasboyga burdi. Xoin erkakning marhamatsiz ko'zlari bilan aldangan qizning so'nik ko'zlari bir-biriga yo'liqishdi. Erkak mag'rur. Zaharli va sovuq bir kulish bilan kuldi. Qiz juda og'ir bir jirkanish bilan yuzlarini burdi..."*[288] ushbu satrlar orqali hikoyadagi muammolar tuguni sekin sekin yechila boshlaydi. Qiz nega yigitdan jirkanib yuz burdi? Yigit nega bepisand,, mag'rur qarash bilan qizga kuldi? Keyingi satrlarni o'qigan kitobxon albatta yechim topadi. Qizning zo'rlangani, O'lmasjon ismli yigit qizning nomusini toptagani va hammasi qizning soddaligi, yigitning quvligi sababidan sodir bo'lgani anglashiladi. Qiz novvoy. Non sotadi. Yigit xaridor bo'lib "Uyimda xatmi-xojam bor, noningni tugal olaman, yur mening bilan birga", deb qizni aldab uyiga olib borib nomusini toptaydi. Qiz esa sodda, ishonuvchan, ko'nuvchan. Bormay desa, bo'maydi. Ishlab pul topishi, kasal onasini boqishi kerak. Bechora qizning ishonuvchanligi, turmush oldida ojizligi pand berdi. Yigitga bas kelolmadi, nomusi toptaldi.Nomus yukini ko'targan qizga ro'zg'or yuki og'irlik qiladi.

Novvoy qiz yigitdan qutulib uyiga ketmoqchi bo'ladi. Ketar oldidan yigitga nafrat bilan aytadiganini aytadi. Yigitning bilagi baquvvat emasmi, qizni xirs bilan quchib yana ketayotgan qizga yo'l bermay yana ortga qaytaradi. Qiz yigitni "Imonsiz" deydi. To'g'ri ham aytadi. Non olish dardida bir begunoh, ma'suma qizning nomusini toptash uchun imonsiz bo'lishi kerak odam. Qiz yigitga tokchadagi piyolani g'azab bilan otadi. Yigit chap berib qoladi. Qiz xo'rligi kelib yig'laydi. Yigitdan nafratlanib, o'ziga achinib yig'laydi. Adib shu o'rinda qizni dengizga, yigitni dengizga mengzaydi:

"*Dengiz shu qadar buyukligi bilan hamma vaqt qirg'oqlardan yengiladi. Achchig'i kelganda, g'azabi qaynaganda zo'r-zo'r to'lqinlar kichik-kichik mavjlarni qirg'oqning tosh-metin gavdasiga qarab otadi...yana bo'linish, yana parchalanish..."*
[289]shu o'rinda adib qizning umri bo'linish va parchalanishdan iborat ekanligiga ishora qilayotganday. Qiz o'zini zindonga tashlanganday his etadi. Bu imonsiz, nomard yigitning qolidan qochinb-qutulish mushkulday tuyiladi. Yozuvchi qiz iztiroblariga qorishiq savollar yog'diradi:

"*Oh! Zindonga kirganlarning osonlikcha chiqishi mumkinmi? Bo'rining changaliga "omon" so'zi o'zi yozilganmi? Sher qo'liga tushganni qo'yib yuborish uchun yaratilganmi? Ajdar agar bor bo'lsa, butun shuhratini marhamat orqasida ciqarganmi? ...Xanjar peshonangizni silaydimi? Qilich o'pish beradimi? Chayon nashtarga o'xshash ignasi bilan chokingizni tikadimi? Yo'q! "*[290]

Bizga tanish bo'lgan novvoy qiz aldanib, xo'rlanib, nomusi toptalib yarim so'mga yetar-yetmas pul bilan uyiga qaytganda onasi o'lim to'shagida yotgan bo'ladi. Qiz non sotgani ketgan vaqtda qarindoshi onasini oldida qoladigan bo'lgan. Onasi ovqatini ham

---

[288] Cho'lpon asarlari. 1-jild. "Akademnashr" Toshkent-2016. 346-b
[289] [289] Cho'lpon asarlari. 1-jild. "Akademnashr" Toshkent-2016. 348-b
[290]Cho'lpon asarlari. 1-jild. "Akademnashr" Toshkent-2016. 348-b

ichmay qiziga ilinadi. O'zi ichsa, qiziga ovqat qolmasligini biladi. Oziq-ovqat bugungidek serob emas. Hech qancha o'tmay qizning onasi vafot etadi. Onasidan o'zga hech kimi bo'lmagan qiz yolg'iz qoladi. O'zining aytishiga qaraganda kampirning o'lgani, ko'milgani mahallaga ham bilinmadi, ammo qizining "allakim" bilan o'ynashib yurgani butun shaharga dovruq bo'lgan edi…

Oradan ikki yil o'tib qiz ikki erga tegib chiqqan. Avval go'zalligi, latofati, yoshligi, tozaligi bo'lgan qizdan asar ham qolmagan. So'nggi eridan chiqqan vaqtda ustida eski bir kiyimi qolgandi xolos. Bechora novvoy qiz taqdirning qaqchatgich zarbalariga duch keldi. Xo'rlandi, zo'rlandi. Onasidan ayrildi. Yoshligi, go'zalligini yo'qotdi. Endi eski, yirtiq bir qator kiyim, ezilgan yurak,charchagan gavda, gangigan esgina qolgandi unda. Xo'sh ayb kimda edi? Qizning bugungi holati non sotib yurgan paytlarida xayolining ko'chasidan ham o'tmagan. Tirikchilik, zamon, nomussiz va o'z nafsidan boshqasini o'ylamaydigan, ayollarga kerak bo'lganda ishlatib, kerak bo'lmaganda irg'itib yuboriladigan buyumdek qarashga o'rgangan zamonning nomard erkaklari shu ko'yga solmadimi? Axir u onasini boqish, ro'zg'or tebratish, kun ko'rish uchun ishlagandi-ku.

Hayot yo'llari tekis emas. Unda har kim qoqilishi, yiqilishi mumkin. Ba'zida kimdir sabab ba'zida o'zi. Ammo yiqiganda turishni har kimning o'zi o'rganadi. O'zi kuch topadi. O'zi kurashadi. Boshi devorga urilganini anglagan inson zamonga qasdma-qasd qadam bosadi. O'z haq-huquqini talab etadi. Ismi bizga noma'lum bo'lgan novvoy qiz paranji- chimmatini irg'itdi… Qiz xotinlar sho'basining rahbari bo'di. O'lmasboy sud qilindi. Ayblari bir-bir sanaldi. O'zini oqladi, aybidan tondi. Hammasi yigit foydasiga hal bo'layotganda xotinlar sho'basi rahbari – novvoy qiz kirib bordi. Qat'iyat bilan, ishonch bilan so'z so'radi. U endi kuchli ayol edi. U endi irodali edi. Baland ovozda gapira olar, o'ziga ishonar edi. Uning endilikda ojiz qiz emas, jasoratli ayol ekanligini baland ovozda, qayta-qayta so'z so'raganidan ham anglash mumkin. U tomoshaga o'ch olomon, sud oldida o'zining kechmishi haqida so'zladi:

*-Men novvoy qiz edim…Besh yildan beri non yopib o'zim va qari onamni boqar edim…Bir kun…Bir kun…*

*U yog'ini ayta olmadi. Nafasi og'ziga tiqildi, bo'g'ildi, badtar qaltiradi. So'ngra birdan yovvoyi "dod" chiqarib yiqildi. Pastdan ham bir hunuk "dod" chiqdi. Unda aybdor ham yiqildi. Ikkovini suyab olib ketdilar. Sud buzildi.*[291]

Cho'lpon bu manzara orqali o'zi ko'rishni istagan mard, jasur, o'z erki, haq-ququqi uchun kurasha oladigan, o'zi orzu qilgan millat ayolini tasvirlaydi. Hikoya so'ngini ham go'zal yakunlaydi:

*Yana sud bo'lganda…*
*Dengiz – qiz qullarday jim turib so'zladi.*
*Qirg'oq – O'lmas tog'larday tinch turib tingladi.*
*Qizrg'oq ag'darildi.*
*Tog' yiqildi.*

*Dengiz mavjlari va to'lqinlarini quchog'iga olib, ularni qirg'oqlardan saqlash: qo'riqlash qayg'usiga botdi*[292].

---

[291]Cho'lpon asarlari. 1-jild. "Akademnashr" Toshkent-2016. 352-b
[292]Cho'lpon asarlari. 1-jild. "Akademnashr" Toshkent-2016. 352-b

Hikoya soʻngida novvoy qizning ayollar himoyachisi sifatida gavdalanishi ham bejiz emas. Axir ayollarga haq-huquqini tanitish, ularni itoatkor qoʻy emas jamiyatda, hayotda oʻz oʻrniga ega, oʻz haq-huquqini anglaydigan ayollarni tarbiyalash masalasi oʻsha davrning, xususan jadidlarimizning ilgari surgan gʻoyalaridan biri edi.

Abdulhamid Choʻlponning "Kecha va kunduz" romanida Maskvaga ketayotgan Miryoqub jadidchilik harakati a'zolaridan biri Ubaydulla Xoʻjayev bilan bilan tanishib qoladi. Ushbu suhbatda ham farzandlar tarbiyasi, jamiyat va millatning taraqqiy etishida bilimli onalarning tutgan oʻrni haqida soʻz boradi:

*-Sizning musulmon xotiningiz ham bormi?*

*-Bor…yoʻq yanglishdim: bore di…*

*-Har holda musulmon xotin bilan turib koʻrgansiz-ku?*

*-Ha…albatta…*

*-Endi, mana, tarbiyaning nimaligini oʻz tajribangiz bilan bilasiz.Tarbiyasiz, ongsiz va nodon musulmon xotin bilan tarbiyalik madaniy ovroʻpolikni solishtirib koʻrasiz. Farq yer bilan osmon qadar! Darhol bilinadi…Millat bolalarining baxti haqiqiy, madaniy onalar qoʻlida boʻlmasa, bizning oqibatimiz yomon! Siz undan koʻp narsa ola bilasiz. Singillaringiz, qizaringiz shularga oʻxshab tarbiya qilsangiz, shundagina vazifangizni bajargan boʻlasiz.*[293]

Albatta farzand tarbiyasida ilmli ona muhim oʻrin tutadi. Farzand boshlangʻich talim-tarbiyani avvalo oiladan, onadan oladi. Shuning uchun ham onalar bilimli boʻlishi kerak.

Xulosa qilib aytganda, buyuk adib Abdulhamid Choʻlpon ham nazm-u nasrida ayollar ta'limi masalasini ilgari surish orqali ayollarning haq huquqini tanishga, oʻzining nimalarga qodir ekanligni anglatishga undadi. Hikoyalarida uquvsiz, irodasiz, zamon zayli, taqdirga osongina koʻnib ketadigan, soddaligi tufayli balolar qozonida qaynagan, qiyinchiliklarni boshidan kechirgan ayol qizlarni koʻzlarini ochishga, dunyoga yanada teranroq nazar tashlashga chorlamoqchi boʻldi. Shuni ham aytib oʻtish joizki, Choʻlpon oʻzining nasriy asarlarida ezilgan, turmush qiyinchiliklari qozonida qaynagan, nomusi, orzulari toptalgan, jamiyatda, oilada bir soʻz aytishga-da haqqi boʻlmagan, oʻz taqdiri oʻzgalar qoʻlida oʻyinchoq boʻlgan xotin-qizlar haqida hikoya qiladi. Bu hikoyalarda voqelik bor. Hikoyani mutolaa qilgan har qanday kitobxonda oʻtgan asr ayollarining kechmishi, turmush manzaralari nomoyon boʻladi. Hayot oq va qora ranglardan iborat. Agar qora rang boʻlmasa biz oq rangni anglamaymiz, tanimaymiz. Buyuk adib oʻz hikoyalarida ana shu qoraliklarni tasvirlaydi. Oʻzining ilgari surgan qarashlari, fikrlari orqali xotin qizlarni ilmli boʻlishga, oʻz taqdirini oʻzlari tanlashga, oʻz orzu maqsadlari uchun kurashishga, oʻzligini tanishga undaydi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Choʻlpon. "Kecha va kunduz". "Gʻafur Gʻulom" nashriyoti.Toshkent-2020
2. D.Quronov. "Choʻlpon nasri poetikasi". "Sharq" nashriyoti. Toshkent-2004 (72-350-354-b)
3. Naim Karimov. "Choʻlpon (ma'rifiy roman)". "Sharq" nashtiyoti. Toshkent-2003
4. Nasiba Norova. "Badiiy obrazlar paradigmatikasi
5. "Choʻlpon asarlar" "Akademnashr" nashriyoti. 2-jild.Toshkent-2016

[293] Choʻlpon. "Kecha va kunduz". Gafur Gʻulom nashriyoti.Toshkent-2016. 229-234-bet

# NODIRA O'Z ZAMONINING DONISHMAND AYOLI

**Nurutdinova Malikaxon Sharabovna**
**O'zR FA Alisher Navoiy nomidagi**
**Davlat adabiyot muzeyi tadqiqotchisi**
malika122yun@gmail.com

**Annotatsiya:** Ushbu maolqda mumtoz she'riyatimizda badiiy tafakkur yuksak sanalishi haqida so'z boradi. Go'zal tabiat, ijtimoiy hayot manzaralari, ezgulik va qabohat, halolik va nopoklik, vafo va xiyonat singari minglab fazilat va illatlar, murakkab insoniy kechinmalarni ifodalagan shoiramiz Nodirabegim asarlarida mavzulari rang-barangligi, g'oyaviy boyligi bilangina emas, balki badiiy tili va uslubi bilan ham ajralib turar edi. Jumladan, Nodirabegimning ijodi bilan tanishar ekansiz uning boshidan kechirgan kechirmishlarini beixtiyor g'azallarida, she'rlarida, tuzgan devonida ko'rasiz. Chunki shoira o'zbek mumtoz adabiyotida o'ziga xos uslubi va tili bor. Nodirabegim yashagan davrda xotin-qizlarning qismati juda og'ir va achinarli bo'lgan. Sharq adabiyotida o'zining qobiliyati va donishmandligi bilan elga tanilgan Nodirabegim kambag'al beva-bechora kishilar ahvoliga achinadi.Ayollarga nisbatan himmatsiz va shafqatsiz bo'lgan davlatmandlardan nafratlanadi. U barcha kechinmalarini asarlarida o'z tili va uslubida aks ettiradi.

**Kalit so'zlar:** mumtoz, zavq, mubolag'a, himmat, tasavvuf ta'limi, shafqat, hozirjavob, Valna'mi Sulton, sitam, lirik qahramon.

**Аннотация:** Бұл өлеңде классикалық поэзиямызда көркемдік ойлаудың жоғары бағаланғаны айтылады. Сұлу табиғат, қоғам өмірінің көріністері, ізгілік пен сұлулық, адалдық пен сатқындық, адалдық пен сатқындық сияқты сан мыңдаған ізгілік пен жамандықты, адам басынан кешкен күрделі оқиғаларды бейнелейтін ақынымыз Нөдірəбегім шығармалары тек бояулы, ойға бай ғана емес. көркем тілі мен стилімен де ерекшеленді Мысалы, Нөдірəбегім шығармашылығымен танысқанда оның ғазалдарынан, өлеңдерінен, шығарған диуандарынан еріксіз басынан өткерген кешірімді көресіз. Өйткені, ақын қыздың өзбек классикалық əдебиетінде өзіндік стилі мен тілі бар. Нəдірабегім өмір сүрген заманда əйел тағдыры өте ауыр, аянышты болды. Шығыс əдебиетінде қабілетімен, даналығымен танылған Нəдірабегім кедей жесірлерге жаны ашиды, əйелге бейқам, қатыгездік танытқан мемлекет қайраткерлерін жек көреді, өз басынан кешкен оқиғаларды өз шығармаларында өз тілі мен стилінде көрсетеді.

**Түйін сөздер:** классикалық, ләззат, әсірелеу, арнау, сопылық тәрбие, жанашырлық, дереу жауап, Вальнами Сұлтан, сөгіс, лирикалық қаһарман.

**Annotation:** In this poem, it is said that artistic thinking is highly regarded in our classical poetry. Our poet Nodirabegim's works, which express thousands of virtues and vices, complex human experiences, such as beautiful nature, scenes of social life, goodness and beauty, integrity and impurity, loyalty and betrayal, are not only colorful and rich in ideas, but also artistic language and style. was also distinguished by For example, when you get acquainted with Nodirabegim's work, you will see the forgiveness he went through involuntarily in his ghazals, poems, and divan he composed. Because the poetess has her own style and language in Uzbek classical literature. During the time when Nadirabegim lived, the fate of women was very difficult and sad. Known for his ability and wisdom in the literature of the East,

Nodirabegim feels sorry for the poor widows. He hates the statesmen who are careless and cruel to women. He reflects all his experiences in his works in his own language and style.

**Key words:** classical, pleasure, exaggeration, dedication, Sufism education, compassion, immediate response, Valna'mi Sultan, reproach, lyrical hero.

Nodira poetikasida badiiy zavq- estetik did ufurib turadi. Hayotiy voqealarni aks ettiruvchi rivoyatlarda g'oyaviy- tematik jihatdan rang-barang tasvirlar, mubolag'alar, tarixiy voqealar va ayrim shaxslar bilan bog'liq bo'lgan voqealar, kishilar turmushi o'sha davrdan xabar beradi. Binobarin u yoki bu voqea haqida xabar berishi va uni tasdiqlash vazifasini o'taydi. Nodira asarlarida lutf va nazokat, aql va tadbir, ishq va vafo, yaxshilik va odamiylik kabi g'oyalar zulm va zo'rlik, haqsizlik va adolatsizlik singari illatlarga qarshi qo'yiladi. Uning she'rlaridagi g'oya hayotiy va uning yechimi ham realdir. Endi shoira xayolot olamida yashashi mumkin emas edi. Nodira o'z zamonidagi voqelik mulkining shaxsiga aylandi. Jamiyat uni endi yupatuvchi sifatida emas, balki, o'z ma'naviy goyaviy hayotining namoyandasi sifatida ko'rishni, eng o'tkir savollarga javob beradigan donishmand sifatida ko'rishni, umuman og'riqlar va kulfatlarni boshqalardan ko'ra oldinroq ko'rib, shu dardlarni she'riy asarlar malhami bilan davolovchi donishmand ayol sifatida maydonga chiqdi.

G'ariblik rasmini quyoshdan o'rgan, u tongda yolg'iz chiqib g'am shomlarida yolg'iz botdi- deya faylasufona fikrlar bildirdi.

*Tojikcha:*
*Саркаши хоҳӣ, туро хоҳад намудан поймол,*
*Шуд ба боло оташу охир ба зери по нашаст.*
*Ma'nosi:*
*Balandmartabalikni istash, seni oyoq osti qiladi,*
*Mana olov yuqoriga bosh tortib, oxiri oyoq ostiga tushdi.( kuyib kul bo'ldi)* [294]

Nodira turmushning biror tomonini , jihatini tasvirlaganda u bu to'g'rida o'z fikrini, o'z hukmini bera olgan. Yuqoridagi misralarda jamiyatda ko'p uchraydigan mansabparast insonlarni to'g'ridan to'g'ri tanqid qiladi. Dediki, olov yuqoriga bosh ko'tarib oxir oqibatda kuyib kul bo'lib oyoq ostida qolganini juda mohirona tasvirlab berayapdi. Jamiyatimizda haqiqatdan ham mana shunday xudbin kishilar uchrab turadi.Olov insonlarni kuydiradi. Mubolag'ani qarang. Nodira tasvirlagan xodisa to'g'risida kitobxon aniq bir fikrga kela oladi va tasvirlangan narsalarga munosabatini belgilay oladi. Shu yaxshi, nima foyda-yu nima zarar ekanligi haqida aniq xulosa qiladi. Shoiraning ijodiy niyati ham shu edi.

Nodira o'z davrining hozirjavob, odil va eng oqila ayoli bo'lgan. U har bir voqea haqida chuqur va haqqoniy xulosa chiqara olar edi.

*Xalq agar har yilda bir qurbonlig' aylar mohi iyid,*
*Men qilurmen necha jon ul oyg'a qurbon har kecha.*

Shoira saxovatli bo'lishga chaqirgan. O'z davri uchun nihoyat darajada katta ahamiyatga ega bo'lgan ijtimoiy-siyosiy qarashlari ham qiziqarli, ko'p qirrali va chuqur mazmunlidir.

*Muridi ishqi olamso'zman ushshoq bazmida,*
*Navoiy nolayi naydek baland etdi maqomimni.*

---

[294] Nodira asarlari 2-jildlik J. 2. 1 kitob.T., G'ofur G'ulom nomidagi badiiy adabiyot nashri.1971. devon.( Nashrga tayyorlovchi va so'z boshi muallifi Mahbuba Qodirova. Muharirlar M.Muyinzoda va R.Komilov) 488 bet.180-181 betlar.

*#*
*Adam iqlimida shohim musofirdur, xudovando,*
*Manga yetkur salomat shahriyor neknomimni.*
*#*
*Chamanda gul tamosho aylabon sarvi ravon ko‘rsam,*
*Qilurman yodi sulton Skandar ihtishomimni.*
*#*
*Sayodat xonadoni, shohi Bobur nasli pokiman,*
*Xudoyo, rahmat ayla, barcha ajdodi izomimni.*
*#*
*Javobi shoh bayti Nodira ul nodiri davron,*
*Tegib sanga ajal, sindurdi miyno birla jomimni.[239-bet]*[295]

Nodiraning ijodiy kamolotga erishishida Alisher Navoiyning o‘rni beqiyosligi, ayniqsa Navoiyning go‘zal va mazmundor asarlari ijodiy ravnaqiga sabab bo‘lgan.

Shoira oilani muqaddas bildi. U farzandlarini dushmanlardan himoya qilishni juda istaydi va ollohdan ularni asrashini so‘raydi.

Amiri odilu vanna’miyu Mahmad Aminxon ham,
Jahon boricha menga bu uchavni yor qil yo rab.
#
Qayu gumraki, gardankashlik etsa Xon janobidin,
Sitam toshi bila boshdin ayog‘ afgor qil yo rab.[N devon 18 g‘azal 74 bet]
#
Lillahul hamdki az xosiyati davlati xon,
Ofiyat topdi chechakdin Valna’mi Sulton.
#
Valna’mini kamolig‘a yetkurgil yo rab,
Qildi olamni mahi tal’ati firdavsnishon.[N devon 131 g‘azal 187-bet]

Bo‘lib Adham sifat yak boragi olamni tark etmak,
Bu ishni hazrati sayid Umarxondin tamosho qil.[Nodira devon 104 g‘azal160-bet]

Nodira she’rlarida islom ruhi, tasavvuf ta’limi va hayot falsafasini chuqur idrok etgan holda hayotga hamma vaqt umidbaxsh nigoh bilan qaraydi va undan yaxshilik urug‘ini qidiradi.

Tojikcha:
Иқболи дастгоҳи Сулаймон ба ҳукми ўст,
Ҳудҳуд расонд муждаи Билқис аз сабо.
Рўзе, ки захми арраи душман ба фарқи ў,
Ҳофил набуд як нафас аз зикри Зикриё.

Tarixiy bir voqea bo‘lgan ekan. Nodira turmush o‘tog‘i Amir Umarxon sarhush xolida Nodirani uyidan haydaydi va o‘ziga qadrli bo‘lgan xohlagan narsasini olib ketishini aytadi. Shunda yarim kecha edi. Nodira ot aravaga sarxush yotgan amirni yotqizib ona yurti Andijonga qarab yo‘l oladi.Tongga yaqin Umarxon o‘ziga kelib qarasa ot aravada ketyapdi. U hayron bo‘ladi va sababini so‘raydi. Nodira uning amrini bajarayotganini eshitib, uning uchun yoridan bo‘lak qadrli narsa yo‘qligini aytganida.

---

[295] Nodira asarlari 2-jildlik . T., 1. G‘ofur G‘ulom nomidagi badiiy adabiyot nashri.1968 . J. 1.. Devon.( Nashrga tayyorlovchi va so‘z boshi muallifi Mahbuba Qodirova. Muharir: Rustam Komilov) 296-bet.

Amir darhol uyiga qaytishini aytadi. Nodira bilan bog‘liq bu voqea Nodiraning donishmandligini, tadbirli ayol ekaniligini bildiradi.Demak qahramonlarimiz tarixiy shaxs, ularning munosabati faktik hodisalarga mos, biroq asar voqealari to‘qima xarakteridadir. Tarixiy shaxs va tarixiy voqealar tasvirlangan voqea va hodisalar o‘sha davr shart-sharoiti, ruhi bilan mosdir.Hozirgi zamonda yosh avlodlarni tarbiyalashda Nodira asarlari yetakchi o‘rinda desak hech mubolag‘a bo‘lmaydi.Makon va zamonda tarbiyaning usullari har doim o‘z dolzarbligini yo‘qotmagan.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. O‘zbek sovet adabiyoti tarixi:Un-t-lar va ped. Ins-tlarining filologiya fak.studentlari uchun darslik / A.Kattabekov, S.Mamajonov, B. Nazarov va boshqalar;[Mas’ul muharir A. Sharopov],-T,:O‘qituvchi, 1989-464 b.
2. Nodira-Komila II-kitobi Toshkent-2004-yil, Alisher Navoiy nomidagi Davlat Adabiyot muzeyi, Toshkent-2004-yil,Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2004 yil.-208 bet.
3. Lapasov Javqon. Mumtoz adabiy asarlar o‘quv lug‘ati: O‘rta maktablar uchun.- T,:O‘qituvchi, 1994.-272bet.83.3 O‘zya2.
4.Rafiyev A., G‘ulomova N. Ona tili va adabiyot:Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari uchun darslik/Taqrizchilar: M.Qodirov, U. Normatov.-T: “Sharq”, 2014.-368b.
5. internet sayt: https://savodxon.uz/izoh?

# O‘ZBEK VA INGLIZ TILLARIDA “OTA-ONA” FREYMI PRAGMA-SEMANTIK XUSUSIYATLARINING QIYOSIY TAHLILI

**Rajabov Elshod Erkinovich**
**Buxoro viloyati G`ijduvon tumani 34-umumiy o`rta ta’lim maktabi ingliz tili fani o`qituvchisi, NavDPI mustaqil tadqiqotchisi, rajabovelshod676@gmail.com**

**Qiyomova Nigora Bahodir qizi**
**Buxoro viloyati G`ijduvon tumani 34-umumiy o`rta ta’lim maktabi ona tili va adabiyot fani o`qituvchisi, nqiyomova@gmail.com**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada o`zbek va ingliz tillari misolida “ota-ona” (parent) freymining tuzilishi, uni tashkil etgan lisoniy (leksik, frazeologik, paremiologik) birliklarning semantik, pragmatik va lingvokulturologik xususiyatlari qiyosan tahlil qilinadi.

**Kalit so`zlar:** freym, oila, ota-ona, ota, ona, semantik maydon, pragmatik va lingvokulturologik xususiyatlar, qiyosiy tahlil, maqollar, iboralar, pretsedent birliklar.

**Annotation.** In this article, the structure of the "parent" frame, the semantic, pragmatic and linguocultural characteristics of the linguistic (lexical, phraseological, paremiological) units that make up it are comparatively analyzed on the example of the Uzbek and English languages.

**Key words:** frame, family, parents, father, mother, semantic field, pragmatic and linguocultural features, comparative analysis, proverbs, expressions, precedent units.

Ma’lumki, jahon tilshunosligining antroposentrik bosqichida eng asosiy e’tibor tilning sotsiomadaniy, pragmatik va kognitiv-semantik omillarini birlashtirgan integrativ tadqiqiga qaratildi. Ayniqsa, chog‘ishtirma aspektda, ya’ni ingliz tili bilan

oʻzbek tilini oʻzaro qiyosiy oʻrganish, bu orqali tilimizning mavqeyini koʻtarish muhim masala sifatida kun tartibiga qoʻyilayotgan bir davrda, lisoniy birliklarni semantik freym asosida talqin qilish hozirgi davr tilshunosligining eng muhim muammolaridan biridir. O`zbek va ingliz tillarida “ota-ona” (parent) freymini ifodalovchi lisoniy birliklarning lingvopragmatik va semantik xususiyatlarining tahlil qilinishi asnosida har ikkala tilda ularning oʻxshash va farqli tomonlarini umumlashtirish ushbu ishning asosiy maqsadlaridan biri hisoblanadi. Bundan tashqari, ingliz va oʻzbek tillaridagi “ota-ona” (parent) freymini qiyosiy oʻrganish har ikkala xalqning milliy-madaniy odatlarini tilda qay daraja aks etganini ifodalash hamda xalqlarning mentalitetidagi oʻzaro oʻxshash va farqli jihatlarini isbotlab berish imkonini yaratadi.

Oila – moʻjazgina bir jamiyat, butun insoniyat jamiyatining daxlsizligi ham uning jipsligiga bogʻliq. Oilaning insoniyat jamiyati bilan uzviy bogʻliqligi uning eng qutlugʻ vazifasi – hayotning abadiyligini, avlodlarning davomiyligini ta’minlashida yaqqol koʻrinadi. Ota-ona esa, shubhasiz, dunyoning barcha xalqlarida oilaning ustunlari sifatida qadimdan e’zozlanib kelinadi.

Ota-ona – farzandni dunyoga keltirishida ishtirok etuvchi, biologik davomchi yoki farzand hayotida ijtimoiy ahamiyat kasb etuvchi ma’naviy, ruhiy eng yaqin qarindoshlik darajasiga ega insonlar [Oila ensiklopediyasi, 2019: 133]. Ota-onaning oiladagi oʻrni, ularning ulugʻ zot sifatida qadrlanishi, ularga koʻrsatiladigan cheksiz hurmat-ehtirom, izzat-ikrom, ota-ona uchun farzandlarning har narsaga tayyorligi nafaqat oʻzbek oilalariga, balki dunyoning boshqa xalqlari, jumladan, ingliz xalqiga ham xos boʻlgan xususiyatlardan hisoblanadi.

Ota – oila boshligʻi, oilaning ishonchi, himoyachi panohi boʻlgan ulugʻ shaxs timsolidir. Oʻzbek oilalarida otaga oilaning mustahkam poydevori sifatida qaraladi va ulugʻlanadi. Ingliz xalqida ham ota oilada alohida hurmat bilan e’zozlanadi.

“Oʻzbek tilining izohli lugʻati”da *ota* leksemasiga quyidagicha ta’rif beriladi:
1) Farzandli, bola-chaqali er kishi (oʻz bolalariga nisbatan). *Ota boʻlmay, ota qadrini bilmas* (Maqol). *Siz otamisiz, nimasiz axir, oʻgʻlingizni tiyib olish sira esingizga keladimi?* (A.Qodiriy, Oʻtkan kunlar).
2) Yoshi katta kishilarga murojaat qilishda yoki ularni hurmatlash uchun ishlatiladi. *Otalar soʻzi – aqlning koʻzi* (Maqol). *Qoratoy Oʻrozni darrov Shokir otaga yubordi* (Oybek, Tanlangan asarlar).
3) Oʻgʻil bolani erkalatish uchun ishlatiladi.
4) koʻchma. Biror ish yoki harakatni boshlab bergan, unga asos solgan kishi haqida. *Abdulla Qodiriy oʻzbek romanchiligining otasidir.*
5) koʻchma. Mehribon boshliq, rahnamo haqida. *U kolxozchilarga ota boʻldi, gʻamxoʻrlik qildi, ish oʻrgatdi* (Oydin, Mardlik – mangulik).
6) El-yurtga boshchilik qiluvchi, yoshi yoki mansabi ulugʻ zot haqida. *Tayyorlan, qizim, Senga yurt otasi, ellikboshimiz gapiradilar* (Oybek, Tanlangan asarlar) [O`TIL, 2007, 3-jild: 151].

Endi *ota* leksemasining ingliz tilidagi semantik xususiyatlari haqida toʻxtalar ekanmiz, dastlab ingliz tili izohli lugʻatlarida *father* leksemasining oʻzbek tilidan farqli ravishda ot va fe’l turkumiga xosligi ifodalanganligini ta’kidlash oʻrinlidir:
*father* (noun):

1) someone’s male parent: My father taught me to drive;

2) a man who begets or raises or nurtures a child;

3) a male ancestor who lived long before you: Spanish was the language of their fathers;

4) a man who creates, orginates or founds something: Chaucer is considered the father of english poetry;

5) an elderly or venerable man used as a title of respect;

6) about a priest, especially a Roman Catholic priest: I need your help, Father;

7) about God in the Christian religion: Heavenly Father, please hear our prayers;

8) the male parent of an animal.

*father* (verb):

1) to procreate as the male parent (to make a woman pregnant and become a father);

2) to act or serve as a father to a child;

3) to create something.

Ona – muqaddas zot. Bu jumla nafaqat o'zbek xalqi uchun, balki butun dunyo xalqlariga xos bo'lgan purma'no hikmatdir. Barcha xalqlar onani mehribon, mushfiq, rahmdil, jonkuyar, farzandi uchun jonini ham ayamaydigan inson sifatida tushunadi va qadrlaydi. Hadisi sharifda "Onalar oyog'i ostidadir ravzayi jannat" deya onalarga bejizga yuksak ta'rif berilmagan. Ingliz xalqida ham onaga g'amxo'r, saxovatli, farzandlariga namuna bo'la oladigan inson timsoli sifatida qaraladi.

"O'zbek tilining izohli lug'ati"da *ona* leksemasining semalari quyidagicha izohlanadi:

1) Farzandi yoki farzandlari bo'lgan xotin (o'z tuqqan farzandlariga nisbatan); bolali xotin. Ko'p bolali ona. *Erka tutsa onasi, taltayadi bolasi* (Maqol).

2) Oila boshlig'i, tarbiyachisi. Bular uchun alohida qozon osilarmidi. *Siz hammasining onasi, u kishi – ota. Usta bolani juda yaxshi ko'radilar* (A.Qahhor, Tomoshabog').

3) Keksa ayollarga hurmat yuzasidan ularning nomiga qo'shilib ishlatiladi. *Tojixon ona, Norjon ona.*

4) Keksa ayollarga hurmat bilan murojaat etish formasi.

5) Bola tug'gan jonivor. *Toychoqning onasi. Ona qo'y. Ona ari urug'lagandan keyin bir sutkada 1500-2000 tagacha tuxum qo'yadi* («Fan va turmush»).

6) ko'chma. Yaratuvchi, vujudga keltiruvchi. *Yer – hayotning onasi*. [O`TIL, 2007, 3-jild: 125].

Ingliz tilida *mother* leksemasining xuddi *father* leksemasi singari ot va fe'l turkumiga xos leksik birlik sifatida ifodalanishi ingliz tili izohli lug'atlarida ham aks etgan:

*mother* (noun):

1) someone's female parent: My mother is a teacher;

2) a female ancestor;

3) a woman who creates, orginates or founds something;

4) a title for a woman respected for her wisdom and age;

5) a creative source, an origin: Philosophy is the mother of the sciences;

6) Roman Catholic Church: A mother superior;

7) the female parent of an animal.

*mother* (verb):

1) to give birth to, create and produce: She mothered a family of ten;

2) to treat someone with care and kindness as though they were a small child: I don't like being mothered.

Yuqoridagi oʻzbek tili va ingliz tili izohli lugʻatlaridan keltirilgan semalardan koʻrinib turibdiki, *ota (father)* va *ona (mother)* leksemalarining farzandli, erkak yoki ayol kishiga nisbatan qoʻllanilish ma'nosi ularning asosiy ma'nosi hisoblanadi.

Oʻzbek tilida *ota* va *ona* leksemalari juftlashib *ota-ona* juft soʻzini hosil qiladi. Ingliz tilida esa bu holat *parents* leksemasining oʻzida mujassamlanadi.

*My **parents** live in Tashkent.*

*Mening **ota-onam** Toshkentda yashaydi.*

Oʻzbek oilalarida shunday odat borki, farzandli boʻlgan er va xotin bir-biriga nisbatan murojaatida hurmat munosabatini ustun qoʻyadi. Er xotiniga *onasi, onajonisi, oyisi* shaklida; xotin eriga esa *otasi, otajonisi, dadasi, dadajonisi* tarzida murojaat qiladi. Ba'zan ushbu soʻzlar farzandining ismidan soʻng, hatto ba'zida farzandining nomi bilan ham atash holatlari uchraydi (*Bahoraning oyisi*, *Bahora* kabi). Bu holat ham oʻzbek tilining milliy-madaniy jihatlarini koʻrsatib beradi va er-xotinning bir-biriga hurmatini ifodalaydi. Ingliz oilalarida esa bunday holatga duch kelmaymiz. Aksincha, er va xotinning bir-biriga oʻz ismini aytish orqali murojaat qilishi ingliz oilalariga xos jihatlardan biridir. Shu oʻrinda umumta'lim maktablari uchun yaratilgan "Tarbiya" darsligida keltirilgan ushbu parchani keltirib oʻtishni lozim topdik:

Jahon tillari universitetida oʻqirdim. Universitetga kelgan xorijlik mehmonning oʻzbek tilida biyron-biyron gapirishi e'tiborimni tortdi. Mehmon oʻzbek xalqi urf-odatlarini oʻrganayotgan ekan, uni uyga taklif qildim. Mehmon:

- Men tushunmayapman, sizlarning oilangizda ham xuddi bizdagidek ota-bolaga bir xil ism qoʻyar ekan-da?
- Nega bunday deyapsiz?
- Hozir onangiz otangizni Murod deb chaqirdilar-ku?! Sizning ham ismingiz Murod-ku, axir?!

Oʻzbek oilalarining ingliz oilalaridan yana bir farqli tomoni shundaki, ota va ona leksemalarining tasviriy ifodalarini qoʻllash holatlari koʻproq uchraydi. Ayniqsa, oʻzbek tilidagi badiiy matnlarda *ota* leksemasining *davlatim, suyangan togʻim, qadrdonim, qiblagohim, togʻday tayanchim; ona* leksemasining esa *jannatim, munisam, mushtiparim, koʻzimning nuri, boshimdagi tojim* kabi tasiriy ifodalariga tez-tez duch kelamiz. Bu ham oʻzbek xalqining ota-onaga nisbatan hurmati cheksizligining bir dalilidir. Fikrimiz isboti sifatida atoqli shoir, Oʻzbekiston Qahramoni Abdulla Oripovning oʻzbek onasiga bagʻishlangan quyidagi misralarini keltirib oʻtmoqchimiz:

Mushtipar ham oʻzing, buyuk ham oʻzing,
Kuyinchak ham oʻzing, kuyuk ham oʻzing,
Olamga tatirlik suyuk ham oʻzing,
Payt keldi aytmoqqa, gapning xonasi,
Ey oʻzbek onasi, oʻzbek onasi.

Oʻzbek oilalarida ota-ona oʻz farzandining tarbiyasiga, kelajak taqdiriga hech qachon befarq boʻlmaydi. Farzandining dunyoga kelganidan to kelajakda qanday kishi boʻlib yetishishlari uchun ota-onalar javobgarlikni oʻz boʻyniga oladilar. Oʻzbek oilalaridagi ota-onalarning bunday fazilatlari boshqa gʻarb xalqlari oilalarida deyarli uchramaydi. Oʻzbek tili badiiy matnlarida ham ota-onaning bunday xususiyatlari ba'zan oʻz ifodasini topadi. Abdulla Qodiriyning "Oʻtkan kunlar" romanida

Otabekning oʻz ota-onasi fikriga "*Aqllik kishilarning oʻz oʻgʻullari ustidan qilgan amallari nomaʼqul boʻlmas*" [Qodiriy A. O`tkan kunlar, 2014, 160] tarzidagi javobi orqali biz oʻzbek oilalaridagi ota-onaning farzandlari taqdiriga befarq emasligi bilan birga, farzandning ota-ona oldida oʻzini tutishi, ularning fikrlariga kamtarona va donolarcha munosabat bildirishi holatlari koʻzga tashlanadi.

Oʻzbek tilida *ota* leksemasining sinonimlari sifatida zamonaviy adabiy tilga xos *dada*, eski oʻzbek tili va diniy nutqqa xos *padar, padari buzrukvor*, *volid* soʻzlari; *ona* leksemasining esa zamonaviy adabiy tilga xos *oyi*, soʻzlashuv nutqiga xos *aya, ena*, eski oʻzbek tili va diniy nutqqa xos *volida, volidayi muxtarama, modar* soʻzlari qoʻllaniladi. Ingliz tilida esa soʻzlashuv uslubiga xos boʻlgan erkalash maʼnosidagi *dad, daddy, pa, papa, pop* soʻzlari *father* leksemasi oʻrnida; *mum, mummy, mom, mommy, ma, mama* soʻzlari esa *mother* leksemasi oʻrnida ishlatiladi. Ammo shuni taʼkidlash kerakki, oʻzbek tilida ham, ingliz tilida ham *ota (father) va ona (mother)* leksemalarining sinonimlari ushbu leksemalarning barcha maʼnolarida qoʻllana olmaydi, faqatgina "farzandi bor erkak/ayol kishi" semasiga xos mazmunni ifodalaydi.

Oʻzbek tilida *ota* leksemasi asosida *otalik* (otaning oʻz farzandiga munosabatlari, mehri, burchi, shu munosabatlarga bogʻliq holatlar. Otalik burchi), *otaliq* (moddiy, madaniy yoki boshqa xil yordam koʻrsatish, shu yoʻl bilan tashkilotlar va kishilarni bir-biriga bogʻlashdan iborat ijtimoiy burch, faoliyat. Otaliqqa olmoq), *otali* (otasi bor, otasi hayot), *otasiz* (otasi yo'q), *otalarcha* (otalar kabi, oʻz otasiday, oʻz otasi kabi. Otalarcha nasihat qilmoq. Otalarcha gʻamxoʻrlik), *otaxon* (keksa yoshdagi begona erkaklarga murajaat, uni hurmatlash, oʻz otasiday koʻrish), *otamlashmoq* (ikki va undan ortiq kishilarning suhbati, hasratlashishi, oʻtirishi, ziyofati, maslahati maʼnosida); *ona* leksemasi asosida esa *onalik* (ona mavqei, unga xos xislatlar – homiladorlik, tugʻish, bolani tarbiyalash va shunga bogʻliq ona burchi; birovga onalik qilish, unga mehribbon boʻlish yoki onaning oʻz farzandiga munosabatlari, onaga xos xislatlarga ega boʻlish. Onalik muhabbati. Onalik hissi); *onalarcha* (onalar kabi, onalarga xos mehribonlik, shafqat bilan. Onalarcha oʻpmoq. Onalarcha gʻamxoʻrlik); *onali* (onasi bor); *onasiz* (onasi yoʻq, onasi vafot etgan. Onasizning umri – xor); *onasizlik* (onasi yoʻqlik, onasiz qolish); *onaxon* (onani yoki keksa yoshdagi begona ayolni sevib, erkalatib, juda yaqin olib murojaat etish, uni hurmatlash) kabi yasama leksemalarni hosil qilish mumkin. Ingliz tilida esa *father* va *mother* leksemalari asosida hosil qilingan quyidagi yasama leksemalar alohida paradigmani hosil qiladi: *fatherhood* – the state of being a father; *fatherly* – like or appropriate to a father, showing the affection of a father: fatherly love, fatherly advice; *fatherless* – having no living father or no known father; *motherhood* – the state of being a mother: It's hard to continue motherhood with a career; *motherless* – without a mother because she is dead; *motherly* – typical of a good mother: motherly love, motherly woman.

Oʻzbek tilida *ota* va *ona* leksemalarining boshqa lingvistik birliklar bilan valentligi quyidagilarda namoyon boʻladi:

*Katta ota, katta dada* – ota yoki onaning otasi; bobo. Katta dadam: "Chalma, sen naychi boʻlasanmi, yomon koʻraman", deydi (Oybek, Tanlangan asarlar);

*Otabezori* – otasining soʻziga quloq solmaydigan, tartibsiz; bezoriligi va dilozorligi uchun hatto oʻz otasi ham yuz oʻgirgan; oqpadar. Boy esa yana otabezori oʻgʻillarining nadomati bilan yuzma-yuz, yolgʻiz qoldi («Yoshlik»);

O'rin-joyni bildiruvchi so'zlar bilan kelib, o'sib-ulg'ayib yashagan makon va shu joyga nisbatan hurmat ma'nosini ifodalaydi: *ota yurt, ota makon, ota shahri*. Bir zumgina chayqalib oldi Ota makon – qirlarim, cho'llar (S.Sayyid);

Vaqt tushunchasini bildiruvchi so'zlar bilan birikkanda, voqea-hodisaning o'tmishda ro'y berganini ifodalaydi: *otam zamonida, otasi davrida;*

*Ota kasb* – ota shug'ullangan kasb (farzandga nisbatan). Beshiksozlik Rahim akaga ota kasb («Saodat»);

*Ota qadrdonim* – otamni taniydigan qadrdonim, otamning do'sti. Ota qadrdonlarim bilan tanishtirganingiz uchun rahmat, amaki (A.Qodiriy, O'tkan kunlar);

*Otameros* – ajdodlardan qolgan meros;

*Otasining ismi* – kishiga ism va familiyadan tashqari, unga qo'shib aytiladigan sharifi. Muso Toshmuhammad o'g'li, Nosir Tursunovich;

*O'gay ota* – farzandning otasi vafot etib yoki onasidan ajralib ketib, boshqa bir shaxsga turmushga chiqsa, shu shaxs bolaga nisbatan o'gay ota hisoblanadi.

*Onaxotin* – 1) qadrli, hurmatli ayol, keksa xotin; boshliq, rahbar ayol. Ro'paramdan kelmoqda rasmona – onaxotin, Namoyishlar egasi salobat bilan bosib (G'.G'ulom). 2) sergap, mahmadona qizchalarga nisbatan aytiladigan hazilona so'z;

*Onayizor, onaizor* (onaga nisbatan asosan achinish ma'nosida) – mehribon, g'amxo'r ona; onaning mushtiparligini, mushfiqligini, mehribonligini ifodalash shakli. Onayizor emasmi, ustunni ushlagancha bolasining tovushi kelayotgan tomonga termilib qoldi (Oydin, Mardlik – mangulik);

*Onaboshi* – oilaning, ro'zg'orning boshlig'i yoki bir to'daga bosh bo'lgan, uni boshqarib turgan hurmatli ayol, ba'zan erkak ma'nosida. Nafisa yoshlar ichida allaqachon bo'lg'usi onalik hurmatini qozongan, gapida, ishida salmoqli, qizlargagina emas, yigitlarga ham onaboshi bo'lib qolgandi. (A.Muxtor, Tug'ilish);

*Ona tili* – 1) bolaning go'daklikdan kattalarga taqlid qilib o'rgangan tili, tug'ma til (odatda gapiruvchi shaxs mansub bo'lgan xalq tili); 2) har bir elatning, xalqning, millatning o'z tili. Ona tili taraqqiyoti har bir elat, xalq va millatning ijtimoiy rivojlanishi bilan uzviy bog'liq;

*Ona qizim* – erkalatish, alqash ma'nosida qo'llanadigan ibora. Shunday ekan, men senga yomonlikni ravo ko'rmasman, ona qizim (T.Ashurov, Oq ot);

*Ona tuproq* – kishi tug'ilgan joy. Keyin bilsam, xuddi o'sha bir quloch yer mening ona tuprog'im ekan (A.Obidjon, Akang qarag'ay Gulmat);

*Ona xalq* – kishining o'zi mansub bo'lgan xalqi. Bechora emas, yo'q, ko'ngli sutday pok, ammo ko'p jabr-u jafo chekkan mening ona xalqim bugun ma'naviy madadga juda-juda tashna. (Gazetadan);

*Qahramon ona* – o'nta va undan ortiq bola tug'ib voyaga yetkazgan onalarga beriladigan faxriy unvon;

*O'gay ona* – farzandning o'z onasi vafot etib yoki otasidan ajralib ketib, bolaning otasi boshqa bir ayolga uylangan bo'lsa, bu ayol bolaga nisbatan o'gay ona hisoblanadi;

*Tutingan ota / ona* – o`z ota / onasidek bo`lib qolgan, munosabat bog`lagan begona kishi ma'nosida;

*Rahmatli ota / ona* – vafot etgan ota / onaga nisbatan;

*Hoji ota / ona* – haj safarini ado etgan ota / onani ulug'lash ma'nosida;

Ingliz tilida ham *father* va *mother* leksemalarining boshqa birliklar bilan sintagmatik munosabatlari mavjud:

*fore fathers / fore bears* – people in your family who lived a long time ago: His fore fathers came to America over a century ago;

*venerable father* – very old and wise or respected man;

*founding father* – one of the people who first started an organization, community, set of ideas, etc;

*birth mother* – the woman who gave birth to a child, altough she may not now be the child’s legal mother;

*full-time mother* – a woman who does not have a job and spends all her time looking after her children;

*expectant mother* – a pregnant woman;

*surrogate mother* – a woman who gives birth to a baby for another woman who cannot have children;

*mother-to-be* – a pregnant woman;

*mother’s boy / mother’s son* – a boy excessively attached to his mother, lacking normal masculine interest;

*mother hen* – someone who looks after another person and worries about them;

*mother tongue* – one’s native language;

*Mother Earth* – used for referring to the world as the place where everything comes from;

*Mother Nature* – used for referring to nature and natural forces;

*Mother superior* – a woman who is in charge of a convent;

*Mother house* – the convent in which the mother superior of a religious community lives;

*own father / mother or biological father / mother* – someone’s natural, real father / mother rather than a man / woman who has adopted them become their legal parent;

*father figure / mother figure* – older man / woman on whom one depends for advices, help, moral support and behaves like a father / mother to someone;

*fatherland / motherland / mother country* – one’s native land, the land of ancestors;

*father-in-low / mother-in-low* – the father / mother of one’s husband or wife;

*step father / mother* – who is not one’s real father / mother;

*late father / mother* – a man / woman who was dead.

*Ota (father)* va *ona (mother)* leksemalari bilan bog‘liq o‘zbek va ingliz tillarida bir nechta frazeologik birliklar ham mavjud. O‘zbek tilida *Ota go‘ri qozixona* (bir kishining arzimagan aybini katta jinoyatga yo’yib ko‘rsatish); *Otangga rahmat* (kimsadan mamnun ekanlikni ifodalovchi olqish iborasi); *Otang temirchimi?* (muncha ezmasan, gapni cho‘zma, degan ma’noda ishlatiladigan ibora); *Otasining xunini so‘ramoq* (biror narsa uchun haddan ziyod pul yoki haq so‘ramoq, biror narsaga juda qimmat baho qo‘ymoq); *Bu ham yo‘q edi, otam bozordan keltirdi* (bolalar biror taom, kiyim-bosh, buyumdan norozi bo‘lib, xarxasha qilib, injiqlik bildirganda shunday deyiladi. Boriga, topilganiga shukur qil, shu ham aslida yo‘q edi, dadang bozordan keltirdi, deya mazkur buyumning narxi oshiriladi, bahosi – qadri ko‘tariladi); *Otang o‘rgilsin* (maqtov ma’nosidagi ibora); *Otasiga tortgan* (jismoniy va xarakter xususiyatlari otasiga o‘xshagan farzand haqida); *Padar la’nati* (otasi la’natlangan,

la'natining o'g'li; umuman, qarg'ash, haqorat ifodasi); *Oq padar* (ota tomonidan la'natlangan, oq qilingan farzandga nisbatan qo'llanadi); *Padarkush* (otasini o'ldirgan yoxud uning o'limiga sababchi bo'lgan farzandga nisbatan ishlatiladi); *Padari qusur* (yosh bolalarni erkalash uchun hazil-mutoyiba tarzidagi engil so'kish ma'nosida ishlatiladi) kabi iboralarda *ota* komponeneti; *Onani yaratmasin* (farzandlari haqida eng ko'p qayg'uradigan onaga nisbatan ishlatiladi); *Oq sut bergan ona* (ko'krak sutini va mehrini berib boqqan onaga nisbatan ishlatiladi); *Ona sutini oqlamoq* (ona tarbiyasi va ishonchini oqlamoq); *Onadan tug'ma bo'lib* (har qanday kasallikdan yoki balo-qazolardan xoli bo'lib, aslidagiday; sog'lom, hech narsa ko'rmaganday); *Ona sutiday pok (yoki halol)* (hech qanday nopoklik, qalbakilik aralashmagan, kishining o'z peshona teri evaziga kelgan); *Onasining qornida yotganday* (juda tinch, betashvish); *Onasining qornida* (1 – hali tug'ilgani yo'q; 2 – ko'chma. Mutlaqo yo'q, yer yuzida topilmaydi); *Onamning o'lishini bilganimda, bir qop kepakka sotib yerdim* (bunaqa bo'lishini bilganimda boshqa ishni qilgan bo'lardim ma'nosidagi ibora); *Onasini uchqo'rg'ondan ko'rsatmoq* (do'q qilish, qo'rqitishni ifodalaydi); *Onasini ko'rsatmoq* (ta'zirini bermoq, jazolamoq); *Ona suti og'zida / Ona suti og'zidan ketmagan / Ona suti og'zidan anqib turgan* (hali yosh, tajribasiz ma'nosida); *Ona suti og'ziga kelmoq* (haddan tashqari qiynalmoq ma'nosida); *Bor otangga, bor onangga* (biror ish yuzasidan sarson-sargardon bo'lib yurganlikni, sansalorlikni ifodalash uchun ishlatiladi) kabi xalqona iboralarda esa *ona* komponenti ishtirok etgan.

Ingliz tilida ham *father* va *mother* leksemalari qatnashgan quyidagi frazeologizmlarni keltirib o'tsa bo'ladi: *from father to son* (from one genration or period in history to the next); *the father of something* (the man who first started something or who first did it succesfully); *to be like a father to someone* (to act like a father to someone); *to be to one's fathers* (to die); *to have a soft spot for father* (to feel a lot of affection for father); *to follow father's footsteps* (to continue forefathers' actions); *old enough to be someone's father* (older than a particular person); *to be like a mother to someone* (to treat somebody as he or she her own child); *the mother of all* (used for emphasising that something is very big, serious or exciting); *necessity is the mother of invention* (used for saying that people find ways to do what they have to or get what they need); *a hen with one chicken* (a woman who takes care of her children); *somebody needs mothering* (someone needs the care of mother).

Bundan tashqari, o'zbek tilida *ota* va *ona* haqida ko'plab xalq maqollari mavjud. Bunday maqollarda ota-onaning buyuk zotligi, ularning oiladagi o'rni beqiyos ekanligi, ota-onani hurmat qilish, e'zozlash keyingi avlod vakillarining muqaddas burchi ekanligi g'oyalari aks etadi: *Yomg'ir yog'sa, to'ning ho'l bo'lur, Otang o'lsa, uying cho'l bo'lur; Gap kelganda otangni ham ayama; Otangdan mol qolguncha, tol qolsin; Otdan toy o'zadi, otadan – bola; Otasi ulgurmaganni o'g'li tugatar; Ota buzganni o'g'il tuzadi; Ota kasbi – davlat kasbi; Otang er bo'lsa, sen sher bo'l; Toy ot bo'lganin sezmas, yigit ota bo'lganin sezmas; Ota – bolaga orqa tayanch; Ota moli qo'shilmasa, bola boyimas; Erta tur otangni ko'r, otangdan so'ng otingni ko'r; Otangni ko'rsang otdan tush; Ota oldidan o'tma, odob oldidan ketma; Otang turgan uyning tomiga chiqma; Olti kun och qolsang ham, otangni mehmon qil; Ota rozi – xudo rozi; Otasini siylamaganni bolasi siylamas; Otadan oldin so'zlagan boladan ko'nglingni uz; Otalar so'zi – aqlning ko'zi; Otasining qarg'ishini olgan aravakash bo'ladi; Ota moliga ishonma, so'ziga ishon; Otaning amaliga suyanma, otang toysa,*

*sen yiqilasan; Oltmishga kirgan otadan osh so‘rama; Ota g‘ayratli bo‘lsa, bola ibratli bo‘lar; Ota bo‘lish osan, otalik qilish qiyin; Otang kim bo‘lsa, shuning o‘g‘lisan; Ota xarid qilganni bola furush qiladi; Ota to‘ni bolaga loyiq kelsa, ota to‘ning tilaydi; Otaning soqoliga qarama, aytgan maqoliga qara; Otang mirob bo‘lsa ham, ariqni tozalab suv ich; Otasi boshqa el bo‘lmas; Otang o‘rgatsa, dono bo‘lasan; Kurash bilmagan otasini yiqitar; Yaxshi ota – yomon bolaga qirq yil oziq; Bir ota o‘n o‘g‘ilni boqa oladi, o‘n o‘g‘il bir otani boqa olmaydi; Otasi yomon osh talashar, yalqov odam ish talashar; Ota dushmani do‘st bo‘lmas; Yelka yag‘iri – otga meros, ota qarzi – o‘g‘liga meros; Ota boyligi yerga singar, mehnat boyligi – elga; Ot mingan otasini tanimas, toy mingan – og‘asini; Ota bilan orsiz talashar; Ota mulki bo‘lsa ham, ayab ye; Otang qozi bo‘lsa ham, gunohkor bo‘lma; Ota-bola bir bog‘, biri – gul, biri – bog‘bon; Ota bezori – xudo bezori; Ota bola uchun taxt yasar, baxt yasata olmas; Otangni o‘ldirganga yaxshilik qil; Ona suti bilan kirmagan aql tana suti bilan kirmas; Onaning ko‘ngli bolada, bolaning ko‘ngli dalada; Bolasi ko‘cha kezar, onasi bag‘rin ezar; Amma-xola yig‘ilib ona bo‘lmas; Ona – hayotning guli, bola – uning bulbuli; Onaning bir qo‘li beshikni, bir qo‘li dunyoni tebratar; Ona – olam faxridir; Onasizning umri – xor; Tug‘gan – ona emas, boqqan – ona; Onangni uch marta Makkaga opichlab olib borsang ham, oq sutini oqlolmaysan; Onaning yaxshiligini bemor bo‘lsang bilarsan; Bola ham ona deydi, ona ham ona deydi; Onasini suyganning bolasini suy; Onangni kiftingda tutsang, singlingni kaftinda tut; Onasi tepgan qulunning eti og‘rimas; Yaxshi ko‘rsang bolasini, izzat qilgin onasini; Ota – olam faxri, ona – olam quvonchi; Oltin-kumushning eskisi bo‘lmas, ota-onaning bahosi bo‘lmas; Ota-ona ekilib dunyoga kelmaydi; Dunyoda har narsa topilar, ota-ona topilmas; Ota – aql, ona – idrok; Ota-ona – oltin qanot; Davlating – ota-onang; Ota-onasini hurmat qilgan – bola-chaqasidan hurmat ko‘radi; Ota-onasini tanimagan tangrisini tanimas; Ota-onasining dilin og‘ritgan murodiga etmas; Alp – otadan, zot – onadan; Ona kulsa – xona to‘lar, ota kulsa – g‘aming ketar; Ota qadrini ota bo‘lganda bilasan, onanning qadrini – ona bo‘lganda; Ota kulfatin ota bilar, ona kulfatini ona bilar*.

Ingliz tilida ham *father* va *mother* komponentli paremiologik birliklar mavjud bo‘lib, quyida ularning ayrimlari bilan tanishib chiqamiz: *See your father, come down the horse; Any man can be a father but it takes a special to be a dad; One father can feed seven children, but seven children can’t feed one father; You only appreciate your father the day you become yourself; Like father – like son; Many a good father has but a bad son; It is easy to become a father, but hard to be done; A father is someone who carries pictures on his wallet where his money used to be; It’s a wise father that knows his own child; A missery father makes a prodigal son; The best academy is the mother’s knee; Like mother – like daughter; From the time we were born, a mother’s love is the one thing we can always take for granted; Like a lioness a mother will always protect her cub; A man loves his sweetheart the most, his wife the best, but his mother the longest; The hand that rocks the cradle is the hand that rules the world; Every mother thinks her own goosling a swan; Experience is the mother of wisdom; The mother-in-low remembers not that she was a daughter-in-low; Sons are anchors of mother’s life; Listen to your father who gave you life, do not despire your mother when she is old; Parents are bankers provided by nature.* Ko‘rinadiki, ingliz xalq maqollarida ham ota-

onaning oila tayanchi ekanligi, ularga mehribonlik koʻrsatish lozimligi haqidagi fikrlar anglashiladi.

Ingliz va oʻzbek tillarida ushbu xalqlarning milliy-madaniy jihatlarini oʻzida aks ettiruvchi markerlangan hodisalar – pretsedent birliklar ham mavjud boʻlib, *ota (father)* va *ona (mother)* konsepti bilan bogʻliq boʻlgan quyidagi misollarni keltirib oʻtishni lozim topdik. "Oʻtkan kunlar" romanida Otabekning Hasanaliga "*ma'naviy ota*" tarzidagi murojaati, "Chinor ostidagi duel" kinofilmida "*Otamni uylantiraman deyapti*" jumlasi, "Uchrashuv" televizion filmida qoʻllangan "*Onamdan qolgan toshoyna qani?*" jumlasi, hadisi sharifda e'tirof etilgan "*Jannat onalar oyogʻi ostidadir*" hikmati, Navoiy qalamiga mansub "*Boshni fido ayla ato qoshigʻa, Jismni qil sadqa ano boshigʻa, Tun-kuningga aylagali nurfosh, Birisin oy ayla, birisin quyosh*" misralari, "*Anori dona-yu dona, qadrli ota-yu ona, Topilur doʻst-u begona, topilmas ota-yu ona*" kabi xalq qoʻshiqlari oʻzbek tilining *ota* va *ona* leksemalari bilan bogʻliq boʻlgan "qanotli soʻzlar"idan sanaladi. Ingliz tilida ham *father* va *mother* komponentli pretsedent nomlar mavjud. Bunday birliklarga "*Father Christmas*" (an imaginary old man with a long white beard and red clothes who brings children their Christmas presents), "*Father's Day*" (a special Sunday in June when people give a card or present to their father), "*Our Father*" (a prayer that Jesus Christ taught to his followers), "*Holly Father*" (a way of talking to or about the Pop), "*Mother's Day*" (a special day when you give cards or presents to your mother to show your love for her), "*Mother of God*" (a title used in some Christian churches for Mary, the mother of Jesus Christ), "*Mother Goose*" (the imaginary author of Mother Goose's tales, a collection of nursery rhymes first published in London in the 18th century) kabilarni kiritish mumkin.

O`zbek va ingliz tillarida "ota-ona" freymiga ishora qiluvchi bunday lingvistik birliklar juda ko`p va ularning barchasi o`zbek va ingliz xalqi muloqot jarayonining ajralmas qismi hisoblanadi. Ushbu maqolada "ota-ona" semantik freymi yadrosini tashkil etgan *ota* va *ona* leksemalarining oʻzbek va ingliz tillari izohli lugʻatlaridagi ma'nolarini aniqlanib, ularning semantik strukturasidagi xususiy va umumiy jihatlari qiyosiy leksikografik jihatdan tahlil qilindi. Ingliz va oʻzbek tillari semantik tipologiyasida "ota-ona" umumiy semali lisoniy (leksik, frazeologik, paremiologik, sintaktik) birliklarga xos kognitiv-semantik, lingvopragmatik va lingvokulturologik xususiyatlar qiyosiy aspektda tahlil qilindi hamda umumiy va xususiy belgilariga a'lohida e'tibor qaratildi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati**:

1. Oila ensiklopediyasi. Toshkent: "O`zME", 2019.
2. O`zbek tilining izohli lug`ati. 5 jildli. Toshkent, "O`zME", 2007.
3. Mirzayev T, Musoqluv A, Sarimsoqov B. O`zbek xalq maqollari lug`ati. – Toshkent, "Sharq", 2013
4. Shomaqsudov Sh, Shorahmedov Sh. Hikmatnoma: O`zbek xalq maqollarining izohli lug`ati. – Toshkent, 1990
5. Shomaqsudov Sh, Dolimov S. Qayroqi so`zlar: xalq iboralarining izohli lug`ati. – Toshkent, "O`zME", 2011
6. Karomatova K.M, Karomatov H.S. English proverbs. Toshkent, 2005
7. Qodiriy A. O`tkan kunlar (roman). Toshkent: "Yangi asr avlodi", 2014.

# “O‘ZBEK TILINING IZOHLI VA O‘QUV LUG‘ATLARIDA FE’LLARNING SEMANTIK DARAJALANISHI”

**Rasulova Mushtariybonu Ahmadjon qizi**
**Toshkent Davlat Alisher Navoiy nomidagi**
**O‘zbek tili va adabiyoti Universiteti 2-kurs magistranti**
**Tel: + 998 90 780-27-14 e-mail: kamron98@umail.uz**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”da fe’llardagi semantik darajalanish hodisasining leksikografik talqini masalasi tanlangan mavzuning dolzarbligini belgilaydi.

**Kalit so’zlar:** grammatik, fe’l nisbatlari, izohli lug‘at, darajalanish.

**Аннотация.** Бұл мақалада «Өзбек тілінің түсіндірме сөздігіндегі» етістіктердегі семантикалық градация құбылысын лексикографиялық түсіндіру мәселесі таңдалған тақырыптың өзектілігін айқындайды.

**Негізгі сөздер:** грамматика, етістіктердің қатынасы, түсіндірме сөздік, градация.

**Annotation:** In this article, the question of the lexicographic interpretation of the phenomenon of semantic degree in verbs in “Uzbek language” determines the relevance of the selected topic.

**Keywords:** grammatical, verb ratios, annotated dictionary, leveling.

O‘zbek tilshunosligida ijtimoiy-madaniy-ma’naviy hayotni o‘zida aks ettiruvchi o‘zbek tilining tadqiqi va ta’limi masalasi ayni vaqtda davlat siyosati darajasida qaralmoqda. Davlat tili maqomidagi o‘zbek tilining tadqiqi, ta’limi va tatbiqi borasidagi keng ko‘lamli islohotlar qisqa davr ichida o‘z samarasini berib kelayotganligi hammamizga ayon bo‘lmoqda. Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan til siyosati o‘zbek tilining taraqqiyoti, tadqiqi va ta’limini samarali ta’minlashning muhim va birlamchi omilidir. “...davlat tilining sofligini saqlash, uni boyitib borish va aholining nutq madaniyatini oshirish; davlat tilining zamonaviy axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalariga faol integratsiyalashuvini ta’minlashi ” bugungi kunda til siyosatini ta’sir qiladi. Bu esa o‘zbek tilshunosligi tomonidan qator muhim vazifalarning amalga oshirilishini taqozo etmoqda.

Boshqa so‘z turkumlarida bo‘lgani kabi fe’llarda ham darajalanish hodisasi mavjudligini alohida ta’kidlash lozim. Graduonimiyaga oid izlanishlar olib borgan o‘zbek tilshunoslari orasida grammatik kategoriyalarda darajalanish to‘g‘risida faqatgina O.Bozorovning tadqiqotida morfologik sathda darajalanish qismida to‘xtalib o‘tilgan bo‘lib, unda fe’l kategoriyalarida ham darajalanish mavjudligi izohlab beriladi .[296] Dastavval nisbat kategoriyasida graduonimiya qay holatda namoyon bo‘lishini tadqiqotchilarning fikrlariga asoslangan holda bayon etamiz. Nisbat kategoriyasi harakatning subyekt, ya’ni bajaruvchiga munosabatini, harakatning subyekt va obyektga munosabatini ko‘rsatadi. Nisbat kategoriyasida darajalanishni O.Bozorov nisbat turlari orasida o‘zaro turli tamoyillarlarga ko‘ra, ya’ni harakatning bajarilishidagi fe’l nisbatlarining ishtirokini hisobga olgan holda namoyon etadi.

[296]Kasimova M. “Tilshunoslikda graduonimiya hodisasining o‘rganilishi” For participation in the scientific-online conference”Akademik research in modern science” Xalqaro ilmiy-onlayn konferensiya. Jeneva, 2023. – B. 157

"Unga koʻra nisbat ketegoriyalari orasida quyidagicha darajalanishni kuzatish mumkin:

a) subyektning harakatni bajarish mavqeiga koʻra: aniq/oʻzlik–birgalik–orttirma–majhul;

b) harakat bajarilishida oʻzga shaxslar miqdorining oshib borishi: oʻzlik–orttirma–birgalik;

v) harakat bajarilishida oʻzga shaxslarning ta'siriga uchrash darajasi: moʻtadil (aniq, oʻzlik, majhul) –tenglik yoki hamkorlik (birgalik) – tobelik (orttirma;

g) harakat aniqligining kamayib (uzoqlashib) borishi: aniq – oʻzlik – birgalik – orttirma – majhullik".

Fe'lning asosiy belgilaridan hisoblangan boʻlishli-boʻlishsizlik kategoriyasida darajalanish mavjud. Fe'llarning boʻlishli va boʻlishsizlik shakllari orasida ham tutashuvlar mavjud boʻlib, oraliq ma'nolarni ifodalagan muayyan shakllari bilan birgalikda darajalanish qatorini yasash mumkin. Binar oppozitsiyasiga qoʻyilgan oʻqigan va oʻqimagan soʻzlar orasida qoʻshimchalar yordamida ma'noning pasayib borish holati bilan darajalanish qatori tuziladi: oʻqigan – oʻqigan boʻlsa kerak – oʻqigandir – oʻqigan koʻrinmaydi – oʻqimagan koʻrinadi – oʻqigan emas – oʻqigani yoʻq – aslo oʻqigani yoʻq. Albatta, ushbu zanjirda harakatning bajarilishidan to bajarilmaganligiga qadar ma'noviy pasayishlar mavjud. Shu oʻrinda mayl kategoriyasi va unda darajalanish holatiga ham e'tibor qaratib oʻtish joiz. Mayl kategoriyasi harakatning voqelikka munosabatini soʻzlovchi nuqtayi nazaridan belgilovchi grammatik kategoriya hisoblanadi. Fe'l mayllari orasidagi darajalanish mavjud ekanligini fe'lda aks etgan harakat mundarijasining voqelikka aylanish imkoniyatiga koʻra mayl ma'nolarida darajalanish maqsad mayli–buyruq istak mayli–shart mayli (shartli mayl)–xabar mayli tarzidagi ketma-ketlikda joylashtiriladi. Zamon kategoriyasiga toʻxtalib oʻtadigan boʻlsak, oʻtgan, hozirgi va kelasi zamonlar orasida harakat davomiyligiga koʻra tadrijiy ketma-ketlik mavjud: oʻtgan zamon – hozirgi zamon – kelasi zamon  Fe'l kategoriyalaridan biri sifatida shaxs-son kategoriyasi va unda darajalanish hodisasining kuzatilishiga ham toʻxtalib oʻtamiz. Shaxs-son kategoriyasida darajalanish harakatga aloqador boʻlgan shaxsning obyektga nisbatan uzoq-yaqinlik holatiga koʻra: I shaxs – I shaxs–Sh shaxs tarzida ifodalanadi. Bu xuddi olmoshlarda shaxsning soʻzlovchidan uzoqlashishiga koʻra darajalanishiga oʻxshashdir. Son kategoriyasida esa miqdor jihatdan birlik va koʻplik farqlansa-da, ular orasida oraliq uchinchining mavjud emasligi darajalanish qatorini tuzish imkoniyatini bermaydi. Fe'l sememalarida darajalanish hodisasining namoyon boʻlishi masalasida tilshunos olim R.Rasulov quyidagi misollarni bayon qiladi.[297] "Oʻzbek tili sinonimlarining izohli lugʻati"da harorat belgisiga ega: isimoq, qizimoq fe'llari-sinonim birliklar bir xil izohlanadi:

Koʻp issiqlikka ega boʻlmoq, harorati koʻtarilmoq. Har qanday sinonim soʻzlar bir-biridan qoʻshimcha ma'no nozikligi (konnotatsiyasi)ga koʻra farqlanganidek, isimoq va qizimoq xam oʻzaro ma'no qirrasiga koʻra farqlanadi:

Qizimoq — harorati juda koʻtarilgan, qizish holatiga oʻtmoq: Kunduz qizib, tunlar kuydirib yomon (F. Yoʻldosh). Kundan- kunga havo qizidi (Oybek).

[297] Kasimova M. "Darajalanish qonuniyatlarining oʻzbek tilshunosligidagi tadqiqi va leksikografik talqini" For participation in the scientific-online conference "Models and methods in modern science" Xalqaro ilmiy- onlayn konferensiya. Toshkent, 2023. – B. 68

Isimoq — harorati ko‘tarilgan, isish holatiga o‘tmoq: Bugun ertalabdan kun ham isidi (H. G‘ulom). Bahor kelishi bilan kun isiydi (Sh. Shomaqsudov, S. Dolimov). Qizimoq ma’nosida belgi darajasi kuchli bo‘lib, u, asosan, og‘zaki nutqqa xos.

Mayinlashmoq fe’lida ham darajalanish bor. “Mayinlashmoq — yumshoq, yoqimli, muloyim holatga o‘tmoq: Ertalabki sovuq shabada peshinda mayinlashib, bahordan darak beradi. (Toshkent oqshomi) Mayinlashmoq ma’nosida belgi darajasi ortiqroq. Bu so‘z qo‘shimcha “yoqimli” belgisi (semasi)ga ega bo‘lib, ijobiy bo‘yoq ifodalaydi. Mayinlashmoq, yumshamoq so‘zlari, asosan, adabiy tilga, she’riyatga, ilimoq fe’li esa jonli nutqqa xos.

Qovjiramoq→ qurimoq→ qaqramoq darajalanuvchi fe’l qatori harakat natijasi bo‘lgan holat fe’llarining ma’no tuzilishiga ko‘ra izohlanishini “O‘zbek tili izohli lug‘ati”dagi berilishi hamda atoqli tilshunos olim R.Rasulov tomonidan izohlanishini ko‘rib chiqsak:

**Qovjiramoq** Suvsirab yoki issiqning zo‘ridan, garmseldan so‘limoq, qurib bujmaymoq, quruqshamoq. Qovjiragan barg. Qovjiragan o‘t. Adolat.. chanqab, qovjirab turgan har bir g‘o‘zaga qarab achinar va tungi suvni shimirib tirilayotgan har bir g‘o‘zani ko‘rib quvonardi. I. Rahim (“Chin muhabbat”) Suvsizlik va issiq ta’sirida qaqramoq, porsillamoq, yorilmoq. Qovjiragan yerlar. Haroratdan lablari qovjiradi. shsh Gulxanchilarning dala shamoli bilan qovjiragan yuzlariga tiniq qizillik yugurib olovlandi. Oybek. Tanlangan asarlar

**QURIMOQ.** Ho‘l bo‘lgan kiyimlari oftobda tez quridi. Arralab, yorib, taxlab qo‘yilgan o‘tinlar yaxshi quridi. G‘ulomjonlar.. oftobda qurib, taxta oralari katta ochilib qolgan bir tabaqali eshikni taqillatishdi. M. Ismoiliy. (“Farg‘ona tong otguncha”). o. Ipga chizilgan jambillar qurib, qovjirab qolgan edi. S. Zunnunova, Olov. Qo‘ltig‘idan qog‘ozga o‘ralgan, qurib tolqonlangan nosini olib, til ostiga otdi. Oybek. (“Quyosh qoraymas”) 2 Suvi tugamoq (suv obyektlari haqida). Orol dengizi surib bormoqda. Yaxshi so‘zdan moy eriydi, Yomon so‘zdan soy quriydi. (Maqol) Yozda chayla qurib ketdi.. “Gulnorpari” .

QAQRAMOQ Nami qochib yoki suvsizlikdan, tashnalikdan qurib qolmoq; quruqshamoq. Qaqragan cho‘l. Tomog‘im qaqrab ketyapti. Bemorning lablari qaqradi. mm Kimsasiz cho‘l. Quyoshning jazirama issig‘idan hamma yoq qaqrab ketgan. (Gazetadan42)

“Qovjiramoq — suvsizlikdan qurib, bujmaygan, so‘ligan holatga utmoq: Tez kunda quyosh devorlar rangini ko‘tardi, endigina ko‘kara boshlagan giyohlarni qovjiratdi. (O.Muxtorov) Adolat ... chanqab, qovjirab turgan xar bir g‘o‘zaga qarab achinar ... (I. Raxim) Qurimoq — suvsiz (namsiz) holatga o‘tmoq: Daryoda suv quridi. (M. Egamberdieva) U tomda quritilgan mayizlarni pastga tushirib ... (S.Yunusov) Qaqramoq — butunlay suvsiz, suvi (nami) yo‘q holatga o‘tmoq: Ariqlar qaqragan, daraxt yaproqlari to‘zigan (M.Ismoiliy). Agar suv bo‘lmasa, ekinlar qaqrab, daraxtlar quriydi. (S.Yunusov) Yer qaqragan. (N.Yoqubov) Qaqramoq ma’nosida belgi darajasi ortiq”ligi R.Rasulov tomonidan qayd qilinadi. Yuqoridagi ta’kidlangan tahlillardan shu narsa ma’lum bo‘lmoqdaki, fe’l leksemalarida darajalanish holatlari nisbatan ko‘pchilikni tashkil qiladi. Ammo ilmiy manbalarimizda va “O‘zbek tili izohli lug‘at”larida to‘g‘ridan-to‘g‘ri darajalanuvchi fe’l leksema ekanligiga ishora yo‘q yoki sinonimiyaning tarkibidagi darajalanuvchi qator sifatida yondashuvlar mavjudligini kuzatishimiz mumkin ekanligini ta’kidlamoqchimiz.

"O'zbek tili izohli lug'ati"dagi fe'llarning leksikografik talqini masalasi XX asrning 80-yillariga borib taqaladi. Akademik A.Hojiyev mas'ul muharrirligida tadqiqotchi X.Yusupxo'jayeva tomonidan 1988-yilda "Fan" nashriyotida nashr qilingan "O'zbek tili izohli lug'atida fe'llarning ishlanilishi" nomli monografiyada ushbu masalaning birinchi bo'lib kun tartibiga olib chiqilganligi fikrimizga isbot bo'la oladi. Lug'atlar tom ma'noda har qanday xalqning ijtimoiy-iqtisoiy, siyosiy va madaniy jihatdan erishgan natijalari, yuksalishi va evolyutsiyasini tilda aks ettirib turuvchi fenomen.

Lug'atning ahamiyati muayyan millatning tili va lug'at orqali shakllanadigan strukturasi bilan cheklanib qolmaydi, balki u orqali kashf etiladigan madaniyati, o'tmishi, turmush tarzi bilan ham belgilanadi. Deb qayd qilib o'tadi tadqiqotchi O.Shukurov. O'zbek tilining izohli lug'atlarida darajalanish va u bilan bog'liq hodisalarni atovchi terminlar har xil talqinga ega, mazkur izohlarning turlicha keltirilishi lug'at mualliflarining tadqiq obyektiga o'ziga xos yondashuvini belgilaydi.[298]

1981-yilda chop etilgan "O'zbek tilining izohli lug'ati"da aynan darajalanish hodisasi izohi berilmagan ammo daraja tushunchasining ma'nolari berilgan. Izohli lug'atlarda darajalanish qatorlari sharhidagi farqlar. O'TILning 1981-yilda nashr qilingan ikki tomlik va 2006 – 2008-yillarda nashr qilingan 5 tomlik nashrlarini taqqoslab, ikkala nashrda darajalanish qatorlarini izohlash turlicha ekanligini ko'rishimiz mumkin. Ushbu holatda ham O'TILning 2-nashridagi izohlardan shu narsa ma'lum bo'lmoqdaki, graduonimik qatorlar to'laligicha izohlanmagan yuqoridagi ikki misolda ham darajalanish qatoridan jilmaymoq → kulimsiramoq → tabassum qilmoq qismi izohlanib negadir ikki nashrda ham kulmoq → qah-qahlamoq qismi tushib qolgan. Bu esa darajalanish qatorining to'laligicha izohlanishiga erishilmaganligini ko'rsatmoqda.

O'TILning ikkala nashrida ham darajalanish qatorlari to'la yoritilmaganligiga guvoh bo'lmoqdamiz. Bu shundan dalolat beradiki, graduonimiya hodisasi boshqa leksik-semantik munosabatlar (sinonimiya, antonimiya)ga nisbatan keyinroq o'zbek tilshunosligida tadqiq obyekti bo'lgani uchun izohli lug'atlarimizda to'laligicha yoritilmagan. O'zbek tilining izohli lug'atlarida darajalanuvchi so'zlar tavsifi va talqini masalasi turlicha ekanligini yuqoridagi misollar asosida ko'rib o'tdik.[299] Avvalo, O'zbek tilining izohli lug'atlarida darajalanuvchi so'zlar tavsifi masalasi turlicha ekanligi tabiiy hol chunki, ularning nashr yillari orasida farqning bo'lishi, mustaqillik davrida tilga berilgan e'tibor asosida ikki jildli "O'zbek tilining izohli lug'ati" mustaqillik yillari o'zbek tili leksikasini o'zida ifoda eta olmas edi. Ikki jildli "O'zbek tilining izohli lug'ati" yuzaga kelgandan buyon o'tgan yigirma yildan ko'proq vaqt mobaynida o'zbek tili leksikasida yuz bergan o'zgarishlar e'tiborga olinsa, allaqachon ana shunday lug'atning yangisini yaratish vaqti kelganligi va bu ish hozirgi kunning talabi ekanligi o'z-o'zidan ayon .O'zbek tilida darajalanish qatorlari tuzishda ishtirok etgan fe'l leksemalarining semantik kategoriyalar bo'yicha statistikasi Berilgan ma'lumotlarga ko'ra, eng ko'p darajalanish qatorlari holat fe'llaridan tuzilganligini aniqlagan. Undan so'ng harakat, natijali faoliyat, nutq, munosabat va tafakkur fe'llari

---

[298] Kasimova M. "Tilshunoslikda daraja paradigmasi va daraja kategoriyasi masalalari talqini", "Zamonaviy dunyoda ijtimoiy fanlar: nazariy va amaliy izlanishlar" Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi. Toshkent, 2022. –B. 7b

[299] Kasimova M. "Sinonimiya va antonimiya hodisasining graduonimiya bilan semntik farqlanuvchanlik munosabatlari", "Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: nazariy va amaliy izlanishlar" Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi. Termiz. 2023. – B. 252

ketma-ketlikni egallaydi. Hosil qilingan darajalanish qatorlarida ayrim fe'llar birdan ortiq marotaba ishtirok etgan va qatorlarda teng ma'noli graduonimlar ham berilgandir. O'tkazgan tadqiqotimiz natijasiga ko'ra, o'zbek tilida fe'lning barcha semantik guruhlarida graduonimiya hodisasini kuzatish mumkin. Aksariyat fe'llarning sinonim va antonimlarga egaligi bois, ikki qutbli darajalanish qatorlarini, ya'ni makro va mikro graduonimik qatorlarni tuzish imkoniyati mavjud Graduonimiyaning leksikografik aspektdagi tahlili uchun o'zbek tilshunosligida Sh.Bobojonov, I.Islomovlarning maktab o'quvchilari uchun 2007-yilda "Yangi asr avlodi" nashriyotida chop qilingan "O'zbek tilining so'zlar darajalanishi o'quv lug'ati"gina borligini alohida qayd etish darkor. "Ushbu qo'llanma o'zbek tilining so'zlar darajalanishi o'quv lug'ati bo'lib, unda so'zlar darajalanishi alifbo tartibida nutqiy misollarsiz graduonimik qator holida berilgan:

Achchiq – taxir – nordon – chuchuk – shirin; (maza-ta'mning me'yoridan ortiq-kamligiga ko'ra)

Avvalgi – hozirgi – keyingi; (zamon belgisiga ko'ra)

Adoq – bel – bosh; (joylashish o'rnining yuqoriligiga ko'ra)

Ayb – gunoh – jinoyat; (ijtimoiy zararining kuchliligiga ko'ra)

Bizning tahlillarimiz ham mazkur umumiy o'rta ta'lim uchun nashr qilingan "O'zbek tilining so'zlar darajalanishi o'quv lug'ati"dagi materiallar asosida olib boriladi. Ushbu lug'at professor B.Mengliyev mas'ul muharrirligida nashr qilingan bo'lib, unda barcha so'z turkumlariga oid darajalanish qatorlari tanlab olingan. Tanlangan har-bir graduonimik qator qaysi mavzuviy ko'lamga mansubligiga ko'ra turli mavzuviy guruhlar asosida so'z turkumlari jihatidan aralash holda ya'ni fe'l, ot, sifat, son, ravish so'z turkumlari mavzuviy guruh asosida berilganligini ko'rish mumkin. "O'zbek tilining so'zlar darajalanishi o'quv lug'ati" jami 38 sahifadan iborat bo'lib unda jami 412 ta darajalanish qatori mavjudligini ko'rishimiz mumkin. Ular o'zaro darajaning ko'payish yoki kamayish jihatiga ko'ra paradigmaga birlashgan holda namoyon bo'ladi. Shuni ham alohida ta'kidlash lozimki, yaratilajak "O'zbek tili graduonimlarining izohli lug'ati" uchun "O'zbek tilining so'zlar darajalanishi o'quv lug'ati" nazariy jihatdan lingvistik asos vazifasini o'tab berishini alohida qayd qilib o'tmoqdamiz. Statistik tahlil metodi bo'yicha hisoblab chiqadigan bo'lsak, "O'zbek tilining so'zlar darajalanishi o'quv lug'ati" 20% fe'l so'z turkumiga oid darajalanuvchi qator bo'lib ularning umumiy soni 83 tani tashkil qilishi aniqlandi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1.Kasimova M. "Tilshunoslikda graduonimiya hodisasining o'rganilishi" For participation in the scientific-online conference"Akademik research in modern science" Xalqaro ilmiy-onlayn konferensiya. Jeneva, 2023. – B. 157-162.

2.Kasimova M. "Darajalanish qonuniyatlarining o'zbek tilshunosligidagi tadqiqi va leksikografik talqini" For participation in the scientific-online conference "Models and methods in modern science" Xalqaro ilmiy- onlayn konferensiya. Toshkent, 2023. – B. 66-70. 10.

3. Kasimova M. "Tilshunoslikda daraja paradigmasi va daraja kategoriyasi masalalari talqini", "Zamonaviy dunyoda ijtimoiy fanlar: nazariy va amaliy izlanishlar" Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi. Toshkent, 2022. –B. 5-9.

4.Kasimova M. "Sinonimiya va antonimiya hodisasining graduonimiya bilan semntik farqlanuvchanlik munosabatlari", "Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: nazariy va amaliy izlanishlar" Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi. Termiz. 2023. – B. 251-253.

# ЧЎЛПОН ВА МАҒЖОН ШЕЪРИЯТИДАГИ РАМЗИЙ ТИМСОЛЛАР ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲДА

**Искендер Дилнура Абдугафурқызы**
**Ахмет Байтурсинули номидаги умумий ўрта мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси**
dilnuraiskender8@gmail.com

**Аннотация.** Мақалада Чолпан мен Мағжан поэзиясындағы ұлттық тәуелсіздікті поэтикалық образдар арқылы бейнелеу мәселесі зерттеліп, ақындар лирикасындағы образдарының поэтикалық қызметі туралы талдамалы пікірлер айтылған. Мағжан Жұмабаевтың өлеңдерін оқи отырып «Сүйемін» өлеңіндегі перзенттік сүйіспеншілікті, патриотизммен өрілген, ыстық жүректен шыққан өлеңнің өзіндік ерекшеліктері сараланған.

**Түйінді сөздер:** поэзия, поэтикалық образ, бұлт, жұлдыз, озбырлық, ұлт азаттығы.

**Annotation.** In the article, the problem of depicting national independence through poetic images in the poetry of Cholpan and Magzhan was studied, and analytical comments were made about the poetic function of the images in the poets' lyrics. While reading the poems of Magzhan Zhumabayev, the original features of the poem "I love " were distinguished, interwoven with patriotism and from a warm heart.

**Keywords:** poetry, poetic image, cloud, star, tyranny, national liberation.

Чўлпон адабиётнинг тамал тошини қўйган талантли шоир, драматург, адабиётшуносдир. У гарчи адабиётнинг деярли барча жанрларида ижод қилган бўлса ҳам ўша давр фаолиятида шеърияти етакчи ўринни эгаллайди.Бизга маълумки Чўлпоннинг 4 та шеърлар тўплами чоп этилган. Булар қуйидагилар:

1)1922 йил – Уйғониш
2)1923 йил – Булоқлар
3)1926 йил – Тонг сирлари
4)1935 йил – Соз

Мағжон шеърияти кўнгил,қалб, туйғулар шеъриятидир. Мағжон шеъриятининг ўлмас ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бебаҳо хазинаси – теран шеърий илхомдан туғилган, инсон қалбининг минглаб тебранишлари- ни маҳорат билан акс эттирувчи, сирли кайфиятларни забт этувчи дурдона асарлардир.

Чўлпон лирикасининг мавзу доираси жуда кенг. Лекин шунга қарамай 3та мавзу марказий ўринни эгаллайди.Булардан бири эрк мавзусидир.Бунга биз “Шарқ туркуми” шеърларини киритишимиз мумкин. “Қизил Байналминал” шеъри бунга яққол мисол бўла олади. Иккинчиси ўзбек аёлининг тақдирига бағишланган. Бунга биз “Алам ўлими” ва “Ўзбек қизи” шеърларини мисол қилиб кўрсатсак бўлади. Чўлпон шеърларида кенг ўрин тутадиган яна бир марказий мавзу инсон ва табиат масаласидир. Шоир кўп шеърларида инсонни табиатнинг фарзанди, табиатни эса инсон бешиги тарзида куйлайди. Шоир айниқса, инсон ва табиат ўртасидаги гармониянинг ошишига катта эътибор беради. Табиат шоирга кўпгина ҳаёт муаммолари ҳақи фалсафий фикрлар юритишга ундайдиган кудрат сифатида кўринади. Унинг шеърларида табиатга нисбатан ажиблик

муҳаббат нафислик ардоқни ҳис қилиш мумкин. Чўлпон виждон эркинлигини ҳамма нарсадан юқори қўярди, уни даҳлсиз деб биларди. Чўлпон шеъриятига назар солинса унда ҳамиша инсоний эрк улуғланиши кўринади. Зотан унинг шеърларидаги фасллар, ер ва кўк, истиқбол, севги, муҳаббат, хотин-қизлар озодлиги, табиат манзараси тасвири ҳам эркинликнинг чуқур ҳаётий фалсафаларини ифодалайди. Ўз мулоҳазаларини шўх, ўйноқи, гўзал, нозик мисраларда маҳорат билан ифодалайди. Чўлпон рамзий образларни асосан табиатдан танлайди. Тирикликнинг ибтидосини табиатда кўрган шоир инсонни унга қарши қўймайди. Балки инсоний ҳис-туйғуларни табиат воқеаларига боғлаб қиёслайди.

Кел малак, кел, кел пари, кел, кел ўпай бир эркалаб
Кел қуёш чиққунча ўптир...кел ўпай бир эрталаб
Кел қучоқлаб, кел қўлингни, бармоғингни бир кўрай,
Кел кўзингга кўз солай, кел кўрай, сўнгра ўлай.

Мағжон – қозоқ шеърияти оламидаги бетакрор ёрқин юлдуз. Унинг шеъриятининг кудрати шундаки, у китобхонларга кўтарингки кайфият,кўтарингки руҳ, қалбга далда бахш этади.Ёшларда миллий маънавиятни, руҳни мустаҳкамлайди, ватанпарварлик туйғусини оширади.Унинг шеърлари ёшларни ўз ватанини, ерини севишга тарбиялайди. Шоир шеърларидаги асосий мавзуни юрт ва эл тақдири ташкил этади. Ҳаётга интилиш, атрофдаги одамларга, она табиатга, она заминга муҳаббат ҳақидаги фикр-мулоҳазалар – Мағжон шеърларининг асосий хусусияти.Шоир нима куйласа ҳам, ўзгача меҳр билан, чин юракдан куйлайди.Шунинг учун унинг шеърлари сирли, сеҳрли ва гўзалдир.

Биз Чўлпон шеъриятидаги рамзий тимсоллар яъни поэтик образларни шартли равишда 3 турга бўлишимиз мумкин:

1. Чўлпон шеъриятидаги йил фаслларининг ифодаси: куз, қиш,ёз, баҳор.
2. Осмон жисмлари: қуёш, ой, юлдуз, булут.
3. Турли хил табиат ҳодисалари: барг, бинафша, пўртана, бойчечак, ёнғин, тўфон, тун, кун.

Ҳозир эса мана шулардан айримларини таҳлил қилиб чиқамиз. Масалан, йил фасллари тўпламига кирадиган куз ҳақидаги шеърлари: "Куз", "Куз гулига", "Куз ёмғири" ва бошқалар. Инсоният тафаккуридан унган зотлари табиатга ҳамиша эзгу назар билан ёндошган. Табиат тақдири билан ўз тақдирини, қаҳрамонлари тақдирини боғлашган. Шу боис табиатдаги ҳар қандай ўзгаришлар инсон ботини ва зоҳири жилоланади. Масалан, Куз табиатда сўлиб сарғайиш фасли, бу ҳолат инсон умрига муқолса этилганда охират азоби инсониятнинг мангу хасратларини мужассам этувчи тимсолдир. Чўлпоннинг куз туркумидаги шеърларида ҳам шундай руҳ устивордир. Лекин Чўлпон табиатдан шунчаки манзара яратмайди.Балки моҳият излайди. Агар мумтоз адабиётимизда куз образида ҳижрон азоби ошиқлар фожеаси рамзлашса, Чўлпонда бу ҳодиса бир қадар кескинроқ, бир қадар драматизм даражасига кўтарилиб, миллат фожеаси, юрт қайғусини ифодалайди. Бунга юқорида таъкидлаган шеърлар орасидан "Куз" шеъри яққол мисол бўла олади.

Кўм-кўк экан, сарғайдилар япроқлар

Оғриқ, мағлуб, туткун Шарқнинг юзидек:
Бўронларнинг кўзлариким, ўйноқлар
Ғолиб Ғарбнинг қонга тўлган кўзидек.

Шеърдаги сарғайган япроқлар сўлиб сарғайиш хазон фасли куз белгиси. Куз инсон умрининг ибтидоси эмас, интиҳоси, сарғайган фақат япроқлар эмас Шарқ юзи. Шеърда Чўлпон қаршилантириш усулини қўллаб бўронларнинг ўйноқлаган кўзларини ғолиб Ғарбнинг қонга тўлган кўзига қиёслаган. Демак Шарқ юзини сарғайтирган куз эмас кўзи қонга тўлган Ғарб. Шоирнинг асосий мақсади ҳам куз манзарасини чизиш эмас, аксинча, шу тасвир қобиғида мағлуб тутган Шарқнинг аянчли қисматини хазон фасли фонида яратишдир.

Мағжон ўз шеърларида она юртга муҳаббат мавзусини алоҳида мавзу сифатида қўллаган. Шаффоф, ҳақиқий ва покиза муҳаббат кўпгина шеърларининг ўзаги бўлган. Шоир қайси мавзуни куйламасин, уни образлар орқали тасвирлайди. Унинг учун даланинг тоғлари, суви, шамоли ҳамма ҳамммаси ҳайратланарли.Шоир шеърларида инсон ва табиат бир-бирига чамбарчас боғлиқдир.У ўз асарларида бу икки тушунчани бирга куйлайди.Буни исботловчи шеърлари жудаям кўп. Шулардан бири “Севаман” шеъри:

Уйқу босган қовоғин,
Бостириб кийган тумоғин,
Ялқовликни ёр кўрган,
Юрар эски қонун-ла
Олдидаги моли-ла
Бирга ўйнаб, бирга ўрган,
Алаш деган элим бор,
Нега экан билмайман –
Шул элимни севаман!

Бу сатрларда шоирнинг ўз юртига нисбатан чинакам фарзандлик, ватанпарварлик туйғуси яққол ифодаланган. Ватанпарвар шоир халқининг эртанги кунига ишонган, келажакка катта умид билан боққан. У бутун шеърий истеъдодини ўз миллатига, Алашига бағишлаган.

Сувлари сайрон қуради,
Бўрони увлаб туради,
Қиш – оқ кафан, ёз – сари.
Шовуллаган ўрмони йўқ,
Тоғи ҳам йўқ, суви йўқ.
Бордир сур-сур тошлари.
Сариорқа деган ерим бор,
Нега экан билмайман –
Шул ватанни севаман!

Ватанпарварлик билан тўқилган, юракдан чиққан шеърини ўзининг Сариорқасига бағишлаган. Бу ерда шоирнинг киндик қони томган, Сассиққўлга деган фарзандлик муҳаббати тўла акс эттирилган.

Таъкидлаш жоизки, шоир ўз шеърини кекса онаси ва содда аёлига бўлган туйғуларини тасвирлашдан бошлайди. Шеърда дилга илиқ, кўзга таниш расм бор. Бу она, аёл, ватан ҳамма учун азиз эканини эслатиб, Ватанга муҳаббат

оиладан бошланишига шама қилгандек.Шоир онасига меҳрини шундай ифодалаган:

Кулдай гунгурт сочи бор,
Тўқсон бешда ёши бор,
Кўзи кетган, сўқир, кўр.
Тасбиҳ санар тикилиб,
Ерга қараб букилиб,
Хўрсинар оғир-оғир.
Менинг қари онам бор,
Нега экан билмайман –
Шул онамни севаман!

Бу шеър орқали у ўз онасига бўлган меҳрини, битмас-туганмас муҳаббатини ифодалаган. Чунки ҳар бир инсоннинг муҳаббати, илк туйғуси ўз онасига бўлган муҳаббатидан бошланади.Инсоният учун онанинг ўрни, қадри жуда баланд ва беқиёсдир.

Кўзинда кўкнинг нури йўқ,
Оғзинда жаннат сўзи йўқ,
Оташсиз, сокин қучоғи.
Жилпангламасилондай,
Сўзи эмас Қуръондай,
Билгани – қозон-ўчоғи.
Ёввойигина ёрим бор,
Нега экан билмайман –
Шул ёримни севаман!

Шоирнинг бу мисралари тарбия мактаби, оила аҳиллиги, хурмат-эҳтиром ва битмас-туганмас муҳаббатга тўла. Мағжон аёлига бўлган муҳаббатини шу тариқа маҳорат билан ифодалайди. Ватан инсоннинг оиласидан, уйидан бошланади. Ўз оиласига, ота-онасига, умр йўлдошига муҳаббати бўлмаган кишида ватанга муҳаббат, садоқат бўлармиди?!

Чўлпоннинг қиш туркумига кирган шеърлари: “Қор туйғулари”, “Қор”, “Қиш кечалари”, “Қиш олдида”, “Яна қор”.Улардан “Қиш олдида” шеърида юқорида айтилган фикрларнинг ҳақиқатан ҳам тўғри эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Барглар яна сарғайди, тўкилди... бўшлик
Қушлар яна тўп-тўп қочади... қарға фақат шод
Ҳар нарсада бир қайғи қадар ранж сўлимлик
Ичдангина , тинсизгина ҳар нарса да бир “дод”...

Лекин шунга қарамай шоир умид билан яшайди. Маълум кунлар ўтиб, ўз орзуси ушалишига ишонади. Буни биз ёз ва баҳор туркумларига кирган “Кўклам қайғиси”, “Баҳор ва мен”, “Яна Кўклам”, “Кўклам келадир”, “Кўклам ёмғири”, “Баҳор келди”, “Ёзнинг тугаши”, “Баҳорни соғиндим” каби шеърларида кўришимиз мумкин.

Кўклам ойим йўлга чиқган, кўклам ойим қўзғалган
Кўк куйлакнинг битишига, унга кўп ҳам қолмаган!
Кўнгиллар ҳам ҳаволардек кўклам ҳиди берсайди,
Дилларга ҳам ҳаволардек кўклам руҳи кирсайди!...

Қуёш, ой, юлдуз, булут, пўртана туркумлари қуйидаги шеърларида бор: “Ёруғ юлдузга”, “Пўртана”, “Ой қўйнида”, “Уч-тўртта юлдуз”, “Ай булут” ва бошқалар.

“Ой қуйнида” шеърида ҳам адиб ўзи яшаган замонни, даврни алдамчиликда айблайди. Ўзининг алдашлар гирдобида бир умр чиқолмасдан ҳаёт кечираётганини таъкидлайди:

Мендан сўра: ёлғиз мана мен алданиб ўтдим,
Ҳар саҳифаси, ҳар япроғи : “алдаш” – бу китобнинг!
Бир ўқка илинмасми, тилинмасми жонинг
Ой қўйнида тонг отганча сенга шуни айтдим...

“Ёруғ юлдузга” шеърида шоир юлдузларга мурожаат қилиб уни сирлашишга чақиради. Ўз дардини тун қўйнида унга сирдош бўлган юлдузга тўкиб сочади.

Биз йўқсуллар бошқаларга қўл бўлиб,
Чет оёқлар товонида эзилдик.
Ҳар ярамас, ҳар бузуқнинг тагида
Алам тортган, жабр кўрган биз эдик.

“Пўртана” шеърида қанча вақтлардан бери кўпириб тошиб кучига сиғмай ўзини ҳар ёққа ураётган тўлқиннингбирдан жим бўлиб қолгани қандайдир ҳаёлчан ўй сургани тасвирланиб, шоир унга қараб қуйидагига мурожаат қилади.

Ўйна, ай пўртана, тўхтама , кувват ол,
Чоғ келгач,эриниб етма, ухлама, бўлмасни йўқлама
Кўп озгани душмани паст жондан.
Ўчни ол, ўчни ол, ўч ол!

Албатта, бу ерда шоир пўртана тимсолида - мағлуб шарқ халқига мурожаат қилмоқда. Уни зулму зўрликка қарши уйғотмокчи, озодлигу ҳурлик сари олиб бормоқчи.

“Ай, булут” шеърида ҳам мана шу эзилган халқнинг аҳволини кўрсатиб беради.

Бевафо бир этак қўлингдан чиқдими,
Ё, гўзал масканинг илонга ин бўлди.
Ё, эзган кўнглингни тириклик сиқдими,
Ё, севган гўдагинг бўрига ем бўлди?

Булардан ташқари адиб яна тун ва кун, гул, мевалар каби нарсалардан ҳам рамзий образ сифатида фойдаланган. Юқорида таъкидлаганимиздек эрк фалсафаси Чўлпоннинг шеърларида бош мавзу саналади. Эрк Чўлпон шеъриятининг томирларидан қон бўлиб оқади. Агар шу қон тўхтаса, шеъриятида руҳ ўлади. Унинг рамзий образ сифатида фойдаланган яна битта детали кишандир. Кишан шеърида Чўлпон тасвирлаган юрт, халқ ўз қўли билан ўз келажагини яратаётган озод халқ эмас, балки ичдан яширинча эзилиб тақдирини кутаётган оғриқ мағлуб тутган халқдир.

XXI асрда яшасак ҳам шоирлар шеърлари ўз ҳаётийлигини йўқотмаган. Чунки, бу замонавий масала бўлиб, китобхонни ўз ватанини, заминини барча иллатлари билан севишга чорлайди. Тушунганлар учун 4 мисрали шеърда шунчалик комил ақл, битмас-туганмас сирлар, жажжи юракнинг улкан муҳаббати мужассам.

Хулоса қилиб айтганда, замонамизнинг асосий талабига айланиб бораётган руҳли, ғайратли авлодни тарбиялашда Чўлпон ва Мағжон шеърларидан фойдаланиш жуда муҳим. Адибларимиз шеърияти – ўзининг соф мусаффолиги, ҳаётийлиги, юксак орзу-нияти, нафосат ва гўзаллиги билан халқимизнинг энг азиз ва бебаҳо меросидир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Чўлпон А. Гўзал Туркистон. – Т.: Маънавият, 1997.
2. Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. I жилд. – Тошкент: Академнашр, 2016.
3.Чўлпон. Адабиёт надир. – Тошкент: “Чўлпон”, 1994. – 240 б. 37.
4.Жўрабоев О. Чўлпоннинг икки мактуби матни хусусида // "Чўлпон ва унинг адабий мероси". – Т.: "Mumtoz so'z", 2018. – Б. 73-74
5.Мағжан Жұмабаев «Сүй жан сәулем» Атамұра
6.Қазақ әдебиеті11-сынып. «Мектеп» баспасы. 2015 ж

## XX ASR O‘ZBEK RAQS SAN’ATINING RIVOJLANISH YO‘LLARI

**G‘ulomova Madina G’ayratjon qizi**
**O‘zDXA 2-kurs talabasi**
**Ilmiy rahbar: Kosimova Dildora Xashimovna**
**O‘zbekiston davlat xoreografiya akademiyasi dotsenti v.b.,**
**pedagogika fanlari bo‘yicha PhD**
**Tel: +998935470222 e-mail:** dil.dor@yandex.com

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada o’zbek xalq raqsi va o‘zbek professional raqsining vujudga kelish tarixi, Tamaraxonim, Mukarrama Turg‘unboyevalarning xizmatlari, Farg‘ona, Buxoro, Xorazm raqs maktablarining o‘ziga hos xususiyatlari, XX asr sahna madaniyati haqida ma’lumot berilgan.

**Kalit so‘zlar:** O‘zbek xalq raqsi, professional o‘zbek raqsi, Tamaraxonim, Mukarrama Turg‘unboyeva, Farg‘ona, Buxoro, Xorazm raqs maktablari, XX asr sahna madaniyati.

**Аннотация.** Бұл мақалада өзбек халық биі мен өзбек кәсіби биінің пайда болу тарихы, Тамарахоним, Мукаррама Тұрғынбоевалардың сіңірген еңбегі, Ферғана, Бұхара, Хорезмдегі би мектептерінің ерекшеліктері қарастырылып, XX ғасырдағы сахна мәдениеті туралы мәліметтер берілген.

**Негізгі сөздер:** Өзбек халық биі, кәсіби өзбек биі, Тамарахоним, Мукаррама Тұрғынбоева, Ферғана, Бұхара, Хорезм би мектептері, XX ғасырдағы сахна мәдениеті.

**Annotation.** This article examines the history of the emergence of Uzbek folk dance and Uzbek professional dance, the merits of Tamarahonim, Mukarrama Turgunboeva, the specifics of dance schools in Fergana, Bukhara, Khorezm, and provides information about the stage culture of the twentieth century.

**Key words:** Uzbek folk dance, professional Uzbek dance, Tamarahonim, Mukarrama Turgunboeva, Fergana, Bukhara, Khorezm dance schools, stage culture of the twentieth century.

O'zbek xalq raqs san'ati uzoq tarixiy taraqqiyot yo'lini bosib o'tdi. Ijodkor xalqimiz tomonidan yillar osha yaratilgan raqslar milliy raqs san'atining noyob durdonalari sanalib kelmoqda.

O'zbek raqs daholari yaratgan g'oyaviy-badiiy jihatdan yuksak mumtoz raqslar xalqimizni asrlar davomida insonparvarlik, ona Vatanga muhabbat, jasorat, fidokorlik, kurashchanlik, go'zal xulq ruhida tarbiyalashga yaqindan yordam berib kelmoqda. Kelajak avlodni voyaga yetkazish, xalq orasida haqiyqiy insoniylik munosabatlarini shakllantirishda o'zbek xalqining merosi bo'lgan bugungi kunda muhim estetik tarbiya vositasi sifatida xizmat qilmoqda. Inson tarbiyasi estetik, ahloqiy-madaniy tarbiya sohalari bilan uzviy bog'liqdir.

O'zbek raqs me'rosini o'zlaridan oldingi avlodlardan qabul qilib, uni o'nlab yillar va asrlar mobaynida ko'z qorachig'idek saqlab kelgan ko'pgina ijrochilarning nomlari ma'lum. Raqs san'ati asoschilari Yusufjon qiziq Shakarjonov, Ahmadjon Umurzoqov, Usta Olim Komilov, aka Buxor, Qimmatxon Sultonova, Sharofat To'rayeva, Tamaraxonim kabi XIX asr oxiri XX asr boshlarida yashab o'tgan o'nlab taniqli raqs ustalarining nomlari mashhur. XIX asr oxiri XX asr boshlaridagi raqs san'ati haqida shu davrda yashab ijod etgan birinchi raqs tadqiqotchisi I.G.Baxta Farg'ona va Toshkent qadimgi raqslari va raqs ustalari to'g'risida ma'lumot yig'gan. U XX asr boshlari va 20-yillarda Farg'ona vodiysi, Xorazm va Buxoroda faoliyat boshlangan taniqli raqqosalar bilan uchrashib, muloqotda bo'lgan.[1; 4]

Asrlar davomida ijro etilgan an'anaviy xalq va professional raqslar plastikaning "haykaltaroshlik" turiga oid bo'lib, ulardagi qadam tashlashlar hech qanday badiiy-ifodaviy ahamiyatga ega emas edi. Raqs juftliklari orasidagi raqs muloqoti tamoyillari ham ishlab chiqilmagan edi. O'zbek xalq va professional raqslari esa garchi xalq bayramlarida erkaklar tomonidan ijro etilgan bo'lsa-da, ularning har biri alohida o'ziga xos xususiyatlarni mujassamlashtirgan.

Dastlabki ommaviy sahna raqslarida Tamaraxonim slavyan va kavkaz xalqlari an'analariga tayanib, bir qator saf, diagonal, doira usullaridan foydalanadi, qiyofalarning ritm-plastik haykalsimon turishini chekladi, harakatlarni "muloyimlashtirdi", raqslar manzarasini "to'rtinchi devor" bo'lib turgan tomoshabinga burdi.

Tamaraxonimning raqs san'ati xotin-qizlar ozodligiga chaqiriq sifatida maydonga kelgan bo'lsa, 30-yillardagi Mukarrama Turg'unboyevaning raqs san'ati shu harakatning navbatdagi bosqichiga aylandi. Bu bosqich Sharq ayollarning san'atga intilishdagi dadil qadam edi. Mukarrama Turg'unboyeva raqslari xotin-qizlarning ijtimoiy hayotga faol arashuvining o'ziga xos ramzi bo'lib ko'rindi.

Mukarrama Turg'unboyevaning lirik qahramoni o'zbek ayolning azaliy fazilatlari hamda yuksak iroda bilan yangilikka, erkinlikka, ozodlikka intilishining ramzidir. Uning lirik raqslari kishilarga ko'tarinki kayfiyat bag'ishlaydi.

Tabiiyki, raqqosalarning qomati baletmeysterlik qoidalar talabiga ko'ra emas, balki ularning ichki ruhiyatiga ko'ra ham adllashib boraveradi. 30-yillardagi libos keyinchalik o'zbek ayollarining an'anaviy libosiga aylandi. Chunki Tamaraxonim sahna uchun o'zbek ayollarining bayramona libosini moslagan va bu libos bilan raqqosalar 1925 yili yozda Parijdagi I jahon bezak san'ati ko'rgazmasida ishtirok etishgan edi. 30-yillarda raqs libosi ko'ylak, nimcha, torroq lozimdan ibora edi. Ko'ylak to'g'ri bichimli, ochiq yoqali, o'rtacha uzunlikda edi liboslar xonatlas, yorqin

rangli krep, shifon kabi matolardan tikilgan. Koʻylak ustidan baxmal, parcha yoki gilam matosidan tikilgan kalta nimcha kiyilgan. Bu liboslar majmui ayollarning bayram libosi boʻlib, u “oʻzbek libosi” modasini tashkil etadi. Keyinchalik koʻylak bel barobar qilinib, pastiga keng burmali yubka kiyila boshlandi. Shu ikki xildagi bichim oʻzbek ayollari sahna libosini tashkil etdi.

Birinchi oʻzbek raqqosalarining chiqishlari yuz minglab kishilarni hayratga solib, tomoshabinlarni maftun etib qoʻydi. Ammo raqqosalarimiz mahalliy mutaassiblarning qarshiligiga ham uchradi, ular raqqosalarga nisbatan keskin choralar ham koʻrdilar.

20-yillar oxirida birinchi oʻzbek raqqosalarga Xolchaxon va Nurxon mutaassiblar tomonidan vahshiyona oʻldirildi. 1929-yili Nurxon Yoʻldoshxoʻjayeva qotillari ochiq sud qilindi. Oʻzbek ayollari bunday jaholatga norozilik bildirishib, “artistlik”ka yozila boshladilar.

Mukarrama Turgʻunboyeva pedagogik texnikumda oʻqib yurgan paytidek (1927-1929-yillar) teatrda ishlashni, raqqosalikni orzu qilib yurardi. Nurxonning oʻlimi unga juda qattiq ta’sir qildi va u hayotini san’atga bagʻishladi. U “teatr-maktab” ekanligini tushundi. Mukarrama Turgʻunboyevaning teatr sahnasiga chiqishi san’at olgʻa qarab intilayotgani, bu jarayonni toʻxtatib boʻlmasligini isbotladi. Uning san’ati insonning sirli kechinmalari ifodasi sifatida tomoshabinlarni goʻzallik dunyosiga oshno qildi.

Taniqli oʻzbek raqqosa va baletmeysteri Mukarrama Turgʻunboyevaning ijodiy yoʻli oʻzbek xoreografiyasining shakllanish bosqichlarini oʻzida aks ettirdi.[2;42]

Oʻzbek musiqali teatrida ish boshlaganidan to 1936-yilgacha boʻlgan davr Mukarrama Turgʻunboyeva uchun oʻzbek raqs me’rosini oʻrganish va raqs mahoratini egallash davri boʻldi. Yosh raqqosa yigʻinlarda xalq raqslarini ijro egiluvchilarni koʻp kuzatdi va ularning raqslari Turgʻunboyeva uchun oʻziga xos darslik boʻldi. Mukarrama Turgʻunboyevaning professional raqqosa boʻlib yetishishida taniqli san’atkor Yusufjon qiziq Shakarjonov, margʻilonlik raqqosa Qimmatxon Sultonova va namaganlik raqs aktrisasi Sharofat Satang ustozlik qildilar. U musiqali teatrda Usta Olim va Tamaraxonimdan saboq oldi. Doira usullari joʻrligida Fargʻona raqs maktabining “Katta oʻyin” ohang-plastik usullarini oʻrgandi.

Oʻzbek raqsining har bir maktabi oʻziga xos nafis kuy-ohanglari va plastik qismlari bilan ajralib turadi.

Professional raqqosalar raqs sir-asrorlarini uzoq yillar davomida oʻrganadi. Raqsning eng sodda texnikasini egallagach, uni ijro qilayotganda usulga tushish, qoidaga kirib qolgan shakllarni eslab qolish talab qilinadi. Raqsni oʻrganish nafasni toʻgʻri yoʻlga qoʻyishni egallashni ham taqozo etadi.

“Qomatni tutish” va “mushaklar kuchini taqsimlash” kabilardagi oʻziga xoslik ham oʻzbek an’anaviy raqsi uch mumtoz maktabining har biri betakror ekanligini koʻrsatadi.

Yevropacha mumtoz raqsining dastlabki holatida qomat adl tutilib, oyoqlar mushagi, tizza tarang, yelkalar erkin, yelka tushirilgan, bel tekis, qoʻllar mushagi tirsakdan xiyol egilgan boʻladi.

Fargʻonacha raqsda ham oyoq mushaklari tovondan belga tarang tutiladi. Lekin bel mushaklari bir oz boʻsh qoʻyilib, oyoqlar xiyol bukiladi. Asta qadam qoʻyilib, yengil oʻtiriladi, tizza oʻz oʻrniga keladi. Oyoqlarning yengil egilishi tufayli mumtoz raqsdagi kabi kontrapunkt chizigʻi belning kichik markaziy qismiga emas, yelka mushaklari boʻksaga bosim oʻtkazadi. Qoʻllar yo erkin yoki yigʻilgan vaziyatda

boʻladi. Fargʻonacha raqsda qoʻllar "choʻzilgan" boʻlib, ular oʻsimlik dunyosining badiiy ifodasiga aylanadi. Ya'ni barglar va maysalarning shamolda yengil tebranishini ifodalaydi. Xorazmcha raqslarda esa oyoqlar mushagi kuchi boldirdan tizzaga yoʻlantirilib, tizzalar bukiladi. Toʻqnashuv chiziqlari bel, boʻksa, tizzalar oʻrtasida oʻzgarib turadi. Yelka bir oz pastga osilib turadi. Qoʻllar ham erkin qoʻyilib, panjalar doim nafis harakatlantiriladi. Ularning nozik titrashini koʻrsatish uchun koʻp mashq qilishga toʻgʻri keladi.

Xorazm raqslari oʻsimlik dunyosini emas, balki jonzotlar dunyosini oʻzida aks ettiradi. Undagi harakatlarda qushning parvozi, otning chopishi, kaklikning yoʻrtishi kabilarni anglash mumkin. Xorazmcha raqsda tananing ayrim harakatlari, undagi murakkab raqs lisoni hayvonot dunyosi hayotini ifodalaydi. Unda makon toʻla egallanadi, qomat xuddi uchayotgandek, qoʻllar goh keskin, goh nozik harakat qiladi. Xorazmcha raqsda keskin oʻtirib-turish, sakrash koʻp. Unda koʻkrak mushaklari koʻp bora silkinadi.

Buxorocha raqsda qomatning yelkadan pastki qismi erkin qoʻyiladi. Tana harakati davomli va sirli. Uni bajarishda mushaklar kuchi yoʻnalishini oʻziga xos tarzda tashkil qilish talab etiladi. Bel qismi orqaga turtib turadi (ispancha raqsdagi kabi). Bu qoʻllarning erkin, shiddatli harakat qilishiga yordam beradi. Oyoqlar yarim oʻtirish, yarim aylanishga tayyor turadi. Shu asosda oyoqlarning toʻla burilishiga imkon yaratiladi. Buxorocha raqslarda fargʻonachadagi kabi qoʻllar choʻzilmaydi. Ularda tirsaklar qattiq bukilgan holatda boʻlib, panjalar harakati quruqroq chiqadi. Harakatlar va panjalarni qarsillatish musiqaga mos keladi. Qomat adl, shoʻxchan, qadamlar esa oddiy boʻladi.

Oʻzbek xalq sahnaviy raqsining shakllanishi birinchi galda Asqar hoji Xaydaraliyevning XX asr boshida faoliyat koʻrsatgan ansambli va atoqli raqqos Hamdamxon nomi bilan chambarchas bogʻliqdir. Hamdamxon Fargʻona vodiysi shaharlarida, Toshkent va Samarqandda, 1905-yilda esa kavkazorti mamlakatlarida oʻzbek xalq raqsini yangi asosda sahnalarda ijro etib, yangi yoʻnilishni boshlab berdi. Ayniqsa, xalq sahnaviy raqsi taraqqiyotida Usta Olim Komilov, Yusufjon qiziq Shakarjonov, Tamaraxonim, Mukarrama Turgʻunboyeva, Isaxor Oqilov, Gavhar Raximova, Qunduz Mirkarimova, Roziya Karimova va boshqa oʻnlab raqs ustalarining, "Bahor", "Shodlik", "Lazgi" kabi ansambllarning xizmati katta. Baletmeysterlar va bastakorlarning say-harakati bilan oʻnlab yakka tartibda ijro etiladigan oʻyinlar, duetlar, ommaviy raqslarmamlakatimiz va jahon tomoshabinlarining bir qancha avlodini maftun etib, oʻzbek raqs san'ati zahirasidan joy oldi. "Tanavor", "Munojot", "Katta oʻyin", "Bahor", "Pilla", "Paxta", "Lazgi", "Dilxiroj", "CHoʻpon oʻyin", "Namanganning olmasi", "Andijon polkasi" va boshqalar shular jumlasidandir. Ular mumtoz raqslarga aylangan. Shu asosda raqqos va raqqosalarning bir qancha avlodi kamolga yetdi. Raqs uslublari, mahorat asoslari, harakatlar silsilasi avloddan-avlodga oʻtib, yashab kelmoqda. [3; 30]

Oʻtgan XX asrning dastlabki 20 yilida yuz bergan ijtimoiy-siyosiy parokandalik, birinchi va ikkinchi jahon urushlari, mustamlakachilik siyosati, xalq hayotidagi turli oʻzgarishlari, shu yillar mobaynida jamiyatning barcha jabhalaridagi shiddatli jarayonlar, albatta, madaniyat va san'at sohasiga ham oʻz ta'sirining koʻrsatdi. Jamiyat hayotidagi mana shunday oʻzgarishlar xalq madaniy hayoti ayniqsa raqs san'atining nodir namunalari yoʻqolib ketishiga sabab boʻlgan.

XX asrda mamlakatimizga professional teatr san'ati kirib keldi. Uzoq asrlar davomida maishiy hayot, diniy udumlar zamirida paydo boʻlgan raqs san'ati ustoz san'atkorlar: raqqos va raqqosalar, keng xalq ommasi tomonidan xalq bayramlari, ommaviy tomoshalari, toʻy va marosimlarida ijro etilib, avloddan-avlodga meros boʻlib oʻtib keldi.

XX asr sahna madaniyatining paydo boʻlishi xalq raqslarining professional sahnaviy raqs sifatida qaytadan yaralishiga, ansambllar faoliyatining shakllanishiga turtki boʻldi. Ustoz raqqos va raqqosalar Yusufjon qiziq Shakarjonov, Usta Olim Komilov, Muhiddin Qoriyoqubov, Tamaraxonim, Mukarrama Turgʻunboyeva, Isoxor Oqilov, Roziya Karimova, Galiya Izmaylova, Qunduz Mirkarimova singarilarning oʻzbek milliy professional raqsining jahon andozalariga mos ravishda qaytadan yaralishida xizmatlari katta boʻldi.

Ulardan saboq olgan keyingi avlod ijodkorlari Ravshanoy Sharipova, Valentina Romanova, Halima Komilova, Klara Yusupova, Gulnora Mavayeva, Viloyat Oqilova, Ma'mura Ergasheva, Dilafruz Jabborova, Qizlarxon Doʻstmuhammedova, Malika Ahmedova, Gulchehra Foziljonova, Oʻgʻiloy Muhammedova singari raqs san'ati ustalarining har biri oʻziga xos badiiy uslublar barpo etishgan. Ming yillar davomida yigʻilgan raqs san'atining durdonalari XX asrning 30 yillaridan boshlab raqs san'ati namunalari sifatida oʻrganila boshlandi.

Ayni XX asrda oʻzbek teatr san'atidagi oʻzgarishlar raqs san'atining taraqqiyotiga ham ulkan ta'sir koʻrsatdi. Natijada qisqa vaqt ichida professional oʻzbek milliy raqs san'ati paydo boʻldi va oʻzining maktabiga ega boʻldi. Oʻzbek raqsining har bir maktabida oʻziga xos shakl ketma- ketligi, kuy va ohang, imo-ishoralar, harakat holatlarini farqlanishi sezilib turadi.

**Adabiyotlar roʻyxati:**

1. Avdeyeva L.A. Ozbek Milliy raqsi tarixidan. –Toshkent: Mukarrama Turgunboeva nomidagi "O'zbekraqs" milliy raqs birlashmasi, 2001 y.
2. Avdeyeva L.A. Mukaramma Turgʻunboyevaning raqsi. –Toshkent: Gʻofur Gʻulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 1989 y.
3. Авдеева Л.А. "Танцевальное искусство Узбекистана" – Ташкент: Государственное издательство художественной литературы Узбекской ССР, 1966 г.

## "EY ORAZI SHAMSU QAMARIM, NETTI, NE BOʻLDI?"

**Hasanova Aziza Raxatjanovna**
**Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti**
**1-bosqich magistranti**
**ummusolihahsanova@gmail.com**
**Boqijon To'xliyev**
**Toshkent davlat sharqshunoslik**
**universiteti professori, filologiya fanlari doktori**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada oʻzbek mumtoz adabiyotining Navoiygacha boʻlgan yirik soʻz ustalaridan biri Mavlono Atoiyning bir gʻazali tahlil etilgan. Unda

adibning obraz yaratish, soʻz qoʻllash mahorati koʻrsatilgan. Bunda badiiy soʻz san'atlariga alohida e'tibor berilgan.
**Tayanch soʻzlar:** Atoiy, gʻazal, oshiq, ma'shuqa, bayt, qofiya, radif, she'r san'atlari
**Аннотация:** В данной статье анализируется одна газель Мавлано Атои, одного из крупнейших мастеров слова узбекской классической литературы до Навои. Это показывает способность писателя создавать образы и использовать слова. При этом особое внимание уделяется художественной речи.
**Ключевые слова:** Атои, газель, возлюбленная, любовница, стих, рифма, радиф, поэтическое искусство.
**Summary:** This article analyzes one ghazal of Mavlano Atoi, one of the great masters of words of Uzbek classical literature before Navoi. It shows the ability of the writer to create images and use words. In this, special attention is paid to artistic speech arts.
**Key words:** Atoi, ghazal, lover, mistress, verse, rhyme, radif, poetic arts

Olam yaratilgandan buyon Tangri taolodan odamga cheksiz ne'matlar ato etilganki, ular ichida jamiki jamod va maxluqotlarga berilmagan nutq va soʻz ne'mati odamzotga goʻzal xulq va ezgu amallardan ta'lim olish va oʻzgalarga-da anglatish imkonini beradi. Oʻzgalarga fikr hamda his-tuygʻularni yetkazishda badiiy soʻz san'ati, she'riyat ilmi alohida oʻrin egallaydi. Soʻz san'atkorlari oʻz mahorati, iste'dodi orqali soʻz gavhari, dur-u javohirlaridan uzluksiz ravishda rang-barang asarlar yaratadiki, harf va tovushlar jonlanib, goʻyo ularga ruh va jon kirib, shoir dardi, tuygʻularini kitobxon koʻz oldida gavdalantira oladi. Shoir mahorati, noyob iste'dodi bilan shuningdek, badiyat ilmidan qanchalik boxabarligi bilan yaratgan asarlarining shunchalik ta'siri keng, umri uzoq, asrlar oshsa-da barhayot boʻlishini ta'minlay oladi.

2.Abdulla Oripov "Tanlangan asarlar"Birinchi jild.She'rlar va dostonlar.Toshkent 2000.
3.To'xta Boboyev "Adabiyotshunoslik asoslari" "Toshkent-O'zbekiston"-2002
4.Abdulla Oripov.Yillar armoni.G'.G'ulom nomli adabiyot va san'at nashriyoti.Toshkent-1984.216-bet.
5.Isajon Sulton.Adabiyot nazariyasi, "O'qituvchi",Toshkent,1980
6.To'xta Boboyev "Adabiyotshunoslik asoslari".Toshkent- "O'zbekiston"-2002

# O'ZBEK MILLIY URF-ODATLARINING O'ZBEK NASRIY ASARLARIDAGI BADIIY TALQINI
## ("Ikki eshik orasi" romani misolida)

**Kamilov Miraziz Murodulla o'g'li**
**Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti 4- kurs talabasi**
**Nomer: +998973193699**
**kamilovmiraziz1999@gmail.com**

**Annotatsiya.** Maqolada o'zbek milliy urf-odat va an'analarining nasriy asarlardagi badiiy talqini hamda ularning asar mazmunini yuzaga chiqarishdagi ahamiyati haqida so'z boradi. Bunda obyekt sifatida O'tkir Hoshimovning "Ikki eshik orasi" romani tanlangan. Asardagi marosim folklori namunalari aks etgan lavhalar asar umumiy syujetida qanday o'rin tutgani ilmiy jihatdan tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** milliy qadriyat, urf-odat, folklor, "Ikki eshik orasi", "O'tkan kunlar", epizod, syujet, badiiy komponent, "yor-yor", verbal komponent, hududiy qadriyatlar.

Har bir davr adabiyotining asosiy xususiyatlarini belgilovchi yetakchi estetik xossalaridan biri uning xalq hayoti bilan bevosita bog'liqligidir. Yozma adabiyotning

ibtidosi xalq og‘zaki poetik ijodiyoti orqali o‘sha millatning qadim ajdodlari yaratgan asotirlarga borib taqaladi. Shuning uchun ham adabiyotning folklor bilan ijodiy aloqalari xususida to‘xtalganda dastavval adiblarning folklordan ijodiy foydalanish an’anasi ko‘zda tutiladi. Bizga ma’lumki, yozuvchining folklordan, uning eng yaxshi an’analaridan oziqlanishini o‘rganish adabiyotshunoslikning doimiy mavzularidan bo‘lib kelgan. Chunki folklor va yozma adabiyotning uyg‘unlashuvi har bir ijodkor ijodidao‘ziga xos tarzda ko‘rinadi. O‘zbek adabiyotining yetuk yozuvchilaridan biri O‘tkir Hoshimov ijodida, ayniqsa, bunday uyg‘unlik yaqqol namoyon bo‘ladi.

Xalq og‘zaki ijodi namunalari yozuvchi qalbiga qanchalik chuqur o‘rnashib qolganligi va ular adib ijodida muhim ma’naviy xazina rolini o‘ynaganligi, asar kompozisiyasini rivojlantirishga xizmat qilganligini “Ikki eshik orasi” asari misolida ko‘rishimiz mumkin. O‘zbek xalq qo‘shiqlari adibning nasriy asarlarida qahramonlarning ruhiy holatini, ularning qalb iztiroblarini ifodalab kelgan. Adib o‘zi yozadigan mavzuni butun vujudi bilan his qilsagina, kitobxonni ham beixtiyor hayajonga sola oladi. Bu borada adibning o‘zi quyidagi fikrlarni bayon qilgan edi: “Badiiy ijodning oddiy bir sharti bor. Agar qahramon kitobxonning ko‘z o‘ngida tirik odam bo‘lib jonlanmasa, boshqacharoq qilib aytganda, kitobxonni o‘zining quvonchlariga, tashvishlariga, tuyg‘ulariga sherik qilmasa, yozuvchi har qanday muhim masalalarni o‘rtaga qo‘ysa ham, har qanday dono fikrlarni aytsa ham, kitobxon ishonmaydi[304]”.

Yozuvchi fikrlarining tasdig‘ini uning asarlarida aniq ko‘rish mumkin. Xususan, “Ikki eshik orasi”ni o‘qir ekanmiz, Oqsoqol, Qora amma, Husan duma, Shomurod, Muzaffar, Robiya siymolari butun o‘y-xayollari-yu tashvishlari bilan ko‘z o‘ngimizda namoyon bo‘ladi. Bunga sabab, albatta, oddiy sodda tildagi badiiy tasvir bilan birga kitobxonga tanish bo‘lgan o‘zbekona milliy ruh, har birimizga xos bo‘lgan milliy dunyoqarash va millat kishilariga xos bo‘lgan mentalitet ifodasidir.

N. Shukurov mazkur roman xususida shunday deb yozgan edi: “Ikki eshik orasi”dagi har bir voqea syujetning zarur qismi sifatida keladi. Kitobxon asarning oldingi sahifalarida berilgan voqealar oqimining bevosita ishtirokchisi bo‘lganligi tufayli kutilayotgan voqeaning ifodasiga aylanadi. Shu bilan birga har bir voqea asardagi obrazlar xarakterini namoyon qiluvchi ko‘zgu rolini o‘taydi[305]”.

Olim aytgan badiiyat ko‘zgusida voqealar rivoji milliy qadriyatlarimiz bilan bevosita uyg‘unlashgan holda ko‘zga yanada yaxshiroq va sirliroq bo‘lib ko‘rinadi.

To‘y marosimi bilan bog‘liq qadriyatlar asarning to‘laqonli chiqishini ta’minlagan muhim badiiy vosita hisoblanadi. Roman bilan tanishganimizda milliy qadriyatlar va urf-odatlarning qadimiy shakllarining o‘ziga xos badiiy talqinlariga guvoh bo‘lamiz. Jumladan, to‘n kiydirish, gulxan atrofidan aylantirish, kelin va kuyovning qo‘liga yosh bolani tutqazish kabi udumlarning badiiy tasvirlari xalqimiz orasida ming yillar davomida an’ana bo‘lib kelgan hayotiy haqiqat yozuvchi mahorati tufayli badiiy haqiqatga aylanganligini ko‘rsatadi. Bu udumlarning har biri chinakamiga xalqona odatlar sirasiga mansub bo‘lib, har biri o‘z tarixi va tadrijiy rivojiga ega. Asarda umri uzun odatlar shunday bayon etilgan. Kichkina Muzaffar hikoyasi orqali ko‘z o‘ngimizda cho‘loqlanib kelayotgan Shomurod obrazi

---

[304] Haqiqiy asar yozilmaydi, tug‘iladi. M. Imomkarimovaning O‘. Hoshimov bilan qilgan suhbati // O‘zbekiston ovozi. 2001. 14 avg.

[305] Shukurov N. Tutash taqdirlar. Dunyoning ishlari//Guliston. 1992. №3.

gavdalanadi:

“Dadamning yonida kelayotgan Ilhom choyxonachi qo‘ltig‘iga qistirib olgan to‘n qatini ochdi.

– Kiyib oling, kuyov bola! – Dadam iljayib, qo‘lini orqasiga qilib turdi. Beqasam to‘nni kiygizishdi-da, yetaklab gulxan yoniga olib kelishdi.

Dadam qaddini g‘oz tutib boryapti. Cho‘loqlanishiyam sezilmaydi. Ko‘zi tushib qolarmikan, degan umidda yaqin borgan edim, qandaydir notanish xotin yelkamga turtdi.

– Qoch, o‘ralashma!

Dadamni alanga atrofidan uch marta aylantirishdi. Kimdir eski kursi keltirib gulxan yaqiniga qo‘ydi. Yana bir odam do‘ppisiga ukpar qadalgan kichkina bolani dadamning tizzasiga o‘tqazdi. O‘sha zahoti quloqni yorgudek bo‘lib childirma bakka-banglab ketdi[306]”.

Ko‘rinib turibdiki, “alanga” olovga sig‘inish bilan bog‘liq, bola esa kelin-kuyovning kelajakda farzandli bo‘lishiga ishora. To‘n esa milliy e’tiqodlari, imoni butunligidan nishona tarzida o‘z o‘rniga ega bo‘lgan odatlarning mohiyatiga borib bog‘lanadi.

***“Surnay sho‘x-sho‘x kuy chaldi. Isiriq hidi keldi”.*** Bu tasvir ko‘z tegish, kinna kirish kabi irimlar bilan bog‘liq bo‘lgan ishonchlardir.

***“Yursang-chi, tortishmachoq ko‘ramiz”.*** Bu odat ham boshqa millatning to‘y marosimlaridan farq qiladi. O‘zbekning to‘yida ko‘pincha ko‘pkari, kurash, tortishmachoq, so‘z o‘yini, aytishuv kabi o‘yinlar o‘ynaladi. Muzaffar o‘z kuzatishini hikoya qilishda davom etadi. “Kuyov tomon bilan bellashaman deganlar bormi? U kattakon chorsi qiyiqchaning bir uchidan tutib silkitdi. Besh-olti xotin Abduvalining oyisidan keyin safga tizildi. Xuddi poyezdga o‘xshab, bir-birining belidan quchoqlab olishdi. Kelin tomondan ko‘krak burma ko‘ylak kiygan gavdali xotin o‘rtaga chiqdi. Abduvalining oyisi tutib turgan qiyiqchaning narigi chetidan ushladi.

– Biz-da, o‘sha bellashadigan[307]”.

Bu odat kelin va kuyov qadri va sha’ni uchun bo‘lgan kurash hisoblanadi. Bunda or-nomus haqida gap ketadi. Bu odat bugungi kunda boshqacharoq ko‘rinish kasb etgan. Qiyiqchani ayollar kuyovning uyida emas, balki kuyovjo‘ralari kelinning uyida kelin tomon yigitlari bilan tortishadilar. Buni “poyondoz” deb atashadi. Kuyov kelin uyining ostonasidan kirishda uning oyog‘i ostiga to‘shalgan poyandoz o‘rtada talash bo‘ladi va qaysi tomon g‘olib hisoblansa, o‘z or-nomusi bilan baland turgan bo‘ladi. Shu bois bu odat keskinlashib, janjalga bormasligi uchun qiyiqcha qirqib qo‘yiladi. Qarabsizki, ikki tomon ham qiyiqcha parchalariga ega bo‘ladi. Yozuvchi bu udumni asar voqealarini ishonarli chiqishi uchun syujet tizimiga olib kirgan. Bu udumning muayyan tarixiy asoslari mavjud. Chunki nikoh to‘yida o‘tkaziladigan bunday tortishuvlar ramziy xarakterga ega bo‘lib, qadimiy nikoh marosimlaridagi sinov udumlarining rivojlanishi natijasida kelib chiqqan. Qadimgi oilaviy-maishiy odatlardan biri – Endogam nikoh udumiga ko‘ra bir qabila ichidan uylanish rasm bo‘lmagan, shuning uchun ham yigitlar o‘zga qabiladan qiz olganlar[308].

Boshqa qabiladan kelin olayotgan tomon o‘sha tarafning ma’lum bir shartlarini bajargandan keyingina kelinni olib ketish huquqiga ega bo‘lgan. Lapar, o‘lan kabi

---

[306] Hoshimov O‘. Umr savdosi. Ikki eshik orasi. -T.: Sharq, 1993. 104 b.
[307] Hoshimov O‘. Umr savdosi. Ikki eshik orasi. -T.: Sharq, 1993. 109 b.
[308] Egamov X. Sovet Sharqi turkiy xalqlari ertakchilik an’analari aloqalari tarixidan ocherklar/ -T.: Fan, 1980.

aytishuvlar, tortishmachoq, oyoq bosar, belbog'yechar, yo'l to'sdi kabi udumlar ana shu qadimiy nikoh udumlari asosida yuzaga kelgan.

Milliy qadriyatlarimizning ma'lum bir yillar tahqirlanganligi, qora dog'larga bo'yalganligi sir emas. Lekin istiqlol tufayli ulug'lanayotgan bugungi kunda ham yetmish yillik mafkuraviy tuzum ta'siri hali-hanuz yo'qolmaganligiga iqror bo'lamiz. Bu borada kuyinchaklik bilan fikr bildirgan A. Berdiyorov shunday degan edi:

"– Afsuski, ayrim yoshlar orasida milliy qadriyatlardan uzoqlashish bor. Bunga birinchi galda ota-ona, oila aybdor. Axir qush uyasida ko'rganini qiladi, deyishadi-ku! Lekin ishonch bilan aytish mumkin, havas qilsa arzugulik qadriyatlarimiz bor[309]". Endi adabiyotshunos S. Mamajonovning shu masala xususidagi fikrlariga e'tibor beraylik. "Yozuvchi xalqimiz ma'naviyatidagi boqiy qadriyatlarni insondagi ulug' niyatlar, orzu-armonlarga, ezgulik va yaxshilikka bo'lgan buyuk e'tiqodni mehr muhabbat bilan, ehtiros bilan himoya qiladi, ko'z-ko'zlaydi, tashviq etadi[310]".

O'. Hoshimov o'ziga tanish, o'z ruhiy olamiga yaqin bo'lgan udumlarni, o'zi yoshligida ko'rgan-bilgan an'analarni, ayniqsa, Toshkent shahri va viloyatida mavjud bo'lgan marosim va asriy odatlarni o'z asariga olib kirdi. Xususan, "Ikki eshik orasi" romanida adib o'zi tug'ilib-o'sgan yurtning milliy qadriyatlari haqida atroflicha to'xtaladi. Lekin bu asarni qaysi o'lka kishisi o'qimasin, uning ko'z oldiga o'z yurtining boqiy urf-odatlari keladi. Asarda keltirilgan bir parchada toshkentlik kelin shunday tasvirlanadi: "Toshkentli kelin ikki bukilib salom qildi. Barmoq uchiga piyola qo'ndirib, choy uzatdi. Xotin-xalaj "bir qoshiq suv bilan yutguli" kelinni "qo'sha-qaringlar, qo'chqorday o'g'illar bersin", deb duo qildi[311]".

Bu tasvirda yozuvchi toshkentliklarning an'anaviy urf-odatlariga, ya'ni piyolani barmoq uchida tutib choy uzatish odatiga alohida urg'u beradi. Yozuvchi chuqur samimiyat bilan tasvirlagan bu odat boshqa vohalarda qo'llanilmaydi. "Kelin salom" ham turli viloyatlarda turlicha o'tkaziladi, masalan, Surxondaryoda kelin ro'molchali qo'li bilan og'zini yopib, ikki yonga tebranib salom beradi. Samarqandda kelin dastro'molchali qo'lini yuzi bo'ylab harakatlantirib, o'tirganlarga salom soladi. Xorazmda esa ikki qo'li bilan o'z sonlarini uch marta silaydi.

"Ikki eshik orasi" romanidagi bu lavha toshkentliklarning nikoh to'yi marosimi tarkibiga mansub bo'lgan "kelin salom" udumining ifodasidir. Xuddi shunday salomlashish shakli, ya'ni "kelin salom" udumi tarkibida bajariladigan an'anaviy odatlardan birining badiiy talqini atoqli adib A. Qodiriyning "O'tgan kunlar" asaridagi Zaynab obrazi tasvirida ko'rinadi. Unda ham qahramon choyni barmoq uchida tutib, o'rnidan turib Otabekka uzatadi. Yana bir odat, ya'ni kelin kelgan xonadonga qo'ni-qo'shnilarning tomoshaga bemalol kirib kelaverishi ham Toshkentda urf bo'lgan udumlar sirasiga kiradi. Lekin aytib o'tish kerakki, mamlakatimizning ko'pgina joylarida yangi tushgan kelinning uyi "chillalik" hisoblanib, unga begonalarning kirishi man etiladi.

O'. Hoshimov milliy urf-odatlarimizning rang-barang ko'rinishlarini asarga olib kirar ekan, Muzaffar hikoyasidagi quyidagi tasvirlarni ko'rishimiz mumkin. Shu topda u asar qahramonigina emas, kuzatuvchi yozuvchi vazifasini ham bajaradi: "Hushimni to'plab olganimda dadam Robi opamni belidan quchoqlab dast ko'tardi. Robi opamni

---

[309] Berdiyorov A. Yaxshi ijodkor hech bir qolipga tushmaydi. // Darakchi. 2000. 30 dek.

[310] Mamajonov S. E'tiqod // O'zbekiston ovozi. 1991. №3. 9 noyabr.

[311] Hoshimov O'. Umr savdosi: Ikki eshik orasi. -T.: Sharq, 1993.B. 367.

koʻtargancha palak orqasiga oʻtib gʻoyib boʻldi". Bu tasvir kelin va kuyovning chimildiqqa kirish odati. "Xotinlar toʻrt tomonda tizilishib oʻtirar, har kim oʻziga tekkan "toʻqqiz-toʻqqiz"ni tugish bilan ovora edi[312]", – deyishi ham an'anaviy odatlardan biri – "toʻqqiz-toʻqqiz" udumining ifodasi hisoblanadi. Bu odat oʻzbeklar orasida qadimdan an'ana boʻlib kelgan. Toʻydan oldin kelinning uyiga kuyov tomonidan sovgʻa-salomlar, toʻylik narsalar yuboriladi. Bu odat "toʻqqiz-toʻqqiz" deb ataladi. Ayrim qishloqlarda esa bu alohida marosim koʻrinishini olgan boʻlib, "toʻqqiz toʻyi" deyiladi. An'anaga koʻra, koʻpchilik joylarda "toʻqqiz-toʻqqiz" udumi chimildiq ichida yoki kuyovnavkarlar kelinnikiga kelganida bajariladi. Kuyovnavkarlarning oldiga toʻqqiz xil taom qoʻyish rasm boʻlgan. Ba'zan taomlar toʻqqizta tovoqda qoʻyilgan. Kuyov joʻralar bu taomlarni yegach, tovoqlarga tanga-pul tashlaganlar.

Oʻtkir Hoshimovning asarida esa bu odatning Toshkentda ommalashgan koʻrinishi badiiy ifoda etilgan. Bu udumga koʻra toʻyga kelgan mehmon ayollar toʻyxonadan yaxshi niyat qilib oʻz ulushlarini olib ketadilar.

Oʻ. Hoshimov xalqimizning milliy an'analari, marosim va udumlari, odat va irimlarini tasvirlashda muayyan bir izchillikka rioya qilgan. Ana shu izchillik esa an'analar talqinining hayotiyligi va tabiiyligini ta'minlagan. Har bir udumning asarda oʻz oʻrnida, muayyan badiiy niyat bilan bevosita bogʻliq holda berilishi ham adibning milliy qadriyatlar tabiatini yaxshi bilishini koʻrsatadi.

**Foydalanılgan adabıyotlar roʻyxatı:**

1.Berdiyorov A. Yaxshi ijodkor hech bir qolipga tushmaydi. // Darakchi. 2000. 30 dek.
2.Egamov X. Sovet Sharqi turkiy xalqlari ertakchilik an'analari aloqalari tarixidan ocherklar/ -T.: Fan, 1980.
3.Haqiqiy asar yozilmaydi, tugʻiladi. M. Imomkarimovaning Oʻ. Hoshimov bilan qilgan suhbati // Oʻzbekiston ovozi. 2001. 14 avg.
4.Hoshimov Oʻ. Umr savdosi. Ikki eshik orasi. -T.: Sharq, 1993.
5.Mamajonov S. E'tiqod // Oʻzbekiston ovozi. 1991. №3. 9 noyabr.
6.Shukurov N. Tutash taqdirlar. Dunyoning ishlari//Guliston. 1992. №3.

# ЎЗБЕК МИЛЛИЙ РАҚС САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИДА "БАҲОР" АНСАМБЛИНИНГ ЎРНИ

**Диёрбек Аманов,**
**Соҳиба Исомиддинова,**
**Ўзбекистон давлат хореография**
**академияси санъатшунослик йўналиши**
**4-курс талабалари**
***Илмий раҳбар: Ҳ. Ҳамроева, филология фанлари доктори (DSc)***

**Аннотация:** Мазкур мақолада "Баҳор" рақс ансамблининг жаҳон маданияти ва санъати тараққиётидаги ўрни ҳамда аҳамияти масалалари тадқиқ қилинади.

**Abstract:** This article examines the role and importance of the "Bahor" dance ensemble in the development of world culture and art.

**Аннотация**: Бұл мақалада «Бахор» би ансамблінің әлемдік мәдениет пен өнердің дамуындағы рөлі мен маңызы қарастырылады.

---

[312] Hoshimov Oʻ. Umr savdosi: Ikki eshik orasi. -T.: Sharq, 1993.B. 112.

**Калит сўзлар:** ўтмиш, миллий руҳ, санъат, анъана, қадрият, мусиқа, тарих, рақс, “Тановар”, ансамбль.

**Key words**: past, national spirit, art, tradition, value, music, history, dance, "Tanovar", ensemble.

**Негізгі сөздер**: өткен, ұлттық рух, өнер, дәстүр, құндылық, музыка, тарих, би, «Таңовар», ансамбль.

Дунёга машҳур “Баҳор” ансамблининг тарихи, ижро анъаналари, кексаю ёшни бирдек мафтун қилган сир-у синоатларини ўрганиш, бетакрор рақсларнинг фалсафий-эстетик моҳияти, ҳаракатлари, йўналиш услублари, ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

“Баҳор” ансамблининг рақсларида ҳаракатларнинг ўта нафислиги, нозик ҳис-туйғуларга бойлиги руҳий кечинмалар билан уйғунлашиб, ниҳоятда



таъсирчан, гўзал ва мафтункор манҳара ҳосил қилади. Уларда ўзбек қизларининг нафақат гўзал ташқи қиёфаси, балки туғёнларга, латиф шарм ҳаёга бой ички олами нафис ҳаракатлар ва ноёб ижрочилик услубларида мужассам бўлади. Ансамблнинг гултожи ҳисобланган “Тановар”, “Жонон”, “Пилла”, “Қаринаво”, “Дилхирож”, “Роҳат” каби эл орасида машҳур рақсларнинг юзага келиш жараёнлари кўпчиликни қизиқтиради.



Жаҳонни лол қолдирган “Баҳор” ансамбли ҳақида гап кетганда, албатта “Ўзбекистоннинг ташриф қоғози”, деган таъриф тилга олинади. Дарҳақиқат, бетакрор санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоеванинг уни

ташкил этишдан асосий мақсади, ўзбек халқининг миллий рақс санъатини асраш, бойитиш ва кенг кўламда тарғиб қилишдан иборат эди. 1957 йилда собиқ Тошкент хореография билим юртининг 12 нафар қизларидан ташкил топган гуруҳнинг бу даражада улкан шухрат қозонганлиги кўпчиликни қизиқтиради. Бу оламшумул ғалабалар  Мукаррамахонимнинг заҳматли меҳнатларининг мевасидир.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида М.Турғунбоеванинг фаолияти ҳақида шундай дейилган: “Ансамбль учун 15 та концерт дастурини тузди: “Баҳор”, “Уфори санам”, “Қўғирчоқ”, “Фарғона рубойиси”, “Ўйнасин”, “Муножот”, “Ўзбек вальси”, “Гулноз”, “Айланма”, “Бешқарсак”, “Ғайратли қиз”, “Етти гўзал”, “Тошкент пиёласи”, “Шабадалар”, “Эй, шўх жонон”, “Алёр”, “Қари наво”, “Баёт”, “Занг”, “Шўх қиз”, “Хоразмча”, “Пахта”, “Катта ўйин”, “Учрашув”, “Лазги”, “Дилдор”, “Жонон”, “Дилбар” каби умумий, яккахон ва дуэт рақслар яратди”[313].

“Баҳор”нинг тамал тошини қўйган Мукаррама Турғунбоева миллий қадриятлар ва ўзбек фольклор рақсларининг катта билимдони эди. У ансамбль раҳбари сифатида тинимсиз изланди, халқ рақсларини қайта тиклаб, уларни бойитиб, ижро техникасини такомиллаштириб, миллий колорит, миллий руҳ ва



безаклар билан зийнатлаб, бир неча вариантдан иборат профессионал композициялар даражасига етказди. У “Баҳор” учун  миллий руҳни тўлиқ акс эттирувчи бир биридан гўзал ва бетакрор 200 дан ортиқ рақсларни саҳналаштирди. Худди “Тановар” каби унинг “Қайтарма”, “Йўрға”, “Чапандоз”, “Жилва” каби рақсларини замондошлари ҳали ҳам ҳаяжон билан эслашади.

Муҳтарам Президентимизнинг қарори билан “Баҳор” рақс ансамблининг тикланиши миллий маданият тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Унда белгиланган тамойилларни таҳлил қилиш жараёнида биз миллий рақс санъатининг энг нозик қирраларини кашф этиш сирларини ўрганиб борамиз.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Авдеева Л. Ўзбек миллий рақси тарихидан: М.Турғунбоева номидаги “Ўзбекрақс” миллий рақс бирлашмаси. Т. 2001.
2. Каримова Р. Ўзбек рақслари: (Ўқув қўлланма). –Т.: Чўлпон, 2003.
3. Каримова Р. Ферганский танес. Методическое пособие. Т.: изд.им.Гафура Гуляма, 1973.

[313] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8-жилд. – Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004.– Б.519.

4. Авдеева Л. Ўзбекистон рақс санъати. Ўқув қўлланма. Т.: ЎзД бадиий адабиёт нашриёти, 1960.

5.Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8-жилд. – Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004.

## ЗОМИН БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР РАҚСЛАРИНИНГ ЭСТЕТИК – ЭТНОГРАФИК ТАСНИФИГА ОИД

**Сурайё Исматова,**
**Ўзбекистон давлат хореография**
**академияси санъатшунослик йўналиши 4-курс талабаси**
***Илмий раҳбар: Ҳ. Ҳамроева, филология фанлари доктори (DSc)***

**Аннотация:** Мазкур мақолада Зомин болалар фольклор рақслари “Қовун” рақс – композицияси мисолида тадқиқ қилинади.

**Abstract:** In this article, folkloric dances of Zomin children are studied on the example of "Kovun" dance-composition.

**Аннотация:** Бұл мақалада Зомин балаларының фольклорлық билерi «Қовун» би-композициясы мысалында зерттеледi.

**Калит сўзлар:** табиат, мавсум, рақс, қовун, гўзаллик тарбияси, анъана, миллий қадрият, болалар ўйинлари, Зомин, ҳаракат, композиция.

**Key words:** nature, season, dance, melon, beauty education, tradition, national value, children's games, Zomin, movement, composition.

**Тірек сөздер:** табиғат, мезгіл, би, қауын, сұлулық тәрбиесі, дәстүр, ұлттық құндылық, балалар ойындары, Зомин, әрекет, шығарма.

Ўзбек болалар фольклор рақс санъатининг асрий илдизлари ниҳоятда қадимийлиги ва серқирралиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Уларда ўтмиш билан келажакни чамбарчас боғлаб турувчи миллий қадриятлар, халқнинг турли даврлардаги маданий анъаналари ва дунёқараши, ҳаётсеварлик фазилатлари акс этади.

“Қовун” рақс – композицияси ўзбек болалар рақс санъатининг энг кўп тарқалган, турли вариантларга эга асарларидан бири ҳисобланади. Унда ўсиб келаётган ёш авлоднинг табиатга, она заминга меҳри, меҳнатга ва оилага муҳаббати намоён бўлади. Жиззахнинг Зомин туманида у ўзига хос миллий колоритни, маданий – маърифий анъаналарни, бетакрор қадриятларни акс эттиради. Ритмик ҳаракатлар болаларнинг ёши, имкониятлари ва қизиқишларига мослаштирилади. Бунда ритмик жиҳатдан мутаносибликка, бадиий – эстетик ҳиҳатдан мукаммалликка эришиш талаб қилинади. Яъни, композициянинг бадиий яхлитлигини таъминлашда болаларнинг ҳаракатлари, имо – ишоралари, либослари, бош ва оёқ кийимларидаги уйғунлик муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, кейинги йилларда ёш авлод камолоти ва жамият тараққиётида маданий мероснинг, маънавиятнинг, миллий қадриятларнинг устувор эканлиги муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур рақснинг яккахон ва гуруҳ бўлиб ижро этиладиган вариантлари мавжуд бўлиб, Жиззах ихтисослаштирилган санъат мактаби халқ рақси бўлими

ўқитувчиси Гулбаҳор Эшмонова саҳналаштирган яккахон рақс шундай ижро этилади: Қўллари бошдан юқорида, “майин сабо” ҳаракати билан саҳнанинг ўртасига югуриб чиққан ёш раққоса куёшга меҳр билан боқади, “ёғду сочиш” ҳаракатини бажаради, пантомима ҳаракатларида белкуракча билан ерни ковлаб, қовуннинг уруғини экиш жараёнини ифодалайди. “Сув мавжи” ҳаракати билан уруғ устига сув сепиб,унга меҳр билан тикилиб, рақсни бошлайди.

Хореограф – педагог рақсни ўргатишдан олдин болаларга қовун сўзининг луғавий маъноси ҳақида маълумот беради. Зомин туманида қовуннинг қандай турлари экилишини ва унинг шифобахшлик хусусиятларини ҳам тушунтиради.

**Қовун.** Қовоқдошлар оиласига мансуб, ҳосили йирик ва ширин бир йиллик полиз ўсимлиги ва унинг ҳосили. *Ширин қовун. Қовун пайкали. Қовун сайили*[314]



Рақснинг 4 нафар қиз ижро этадиган вариантлари ҳам мавжуд. Сариқ рангли матодан кўйлак-лозим, устидан қизил нимча, бошида хоразм дўпписи чеккасида пати бор, сочлари майда қилиб ўрилган, қўлига занг, кўйлак олд қисмида зебигардон тақилади.

**“ҚОВУН”** рақс – композицияси ўзбек халқ мусиқасига асосланган.

Раққоса қизнинг пантомимик ҳаракатларда белкуракча билан ерни ковлаб, қовуннинг уруғини экиш жараёни билан бошланади.”Сув сепиш”, “майда қадам”, “қўлдаста”, “гул барг”, “бармоқ қарсиллатиш”, “тебранма”, “жайрон шохи”, “титратма”, “тизза букиш”, “уфори”, “айлана”, “қовун парваришлаш”, “жўякларга сув тараш”, “чақириш”, “чалмаш”, “чарх”, “қарсак чалиш”, “ирғитма уфори”, “узум узиш”, “ён йўрға”,”ўтириб туриш”, “этак ўйин”, “сакрама”, “сув қуйиш”, “тиззада ҳаракатланиш”, “олма териш”, “шох синди”, “кўз – кўзлаш”, “қовун узиш”, “қовун ҳидлаш”, “қовун сўйиш”, “қовун улашиш”, “қовун ейиш”, ”таъзим” каби рақс ҳаракатлари билан ифодаланади.

Зоминнинг тоғли қишлоқларида мазкур рақснинг чанқовуз жўрлигида ўғил ва қиз болалар ижросидаги предметли варианти кенгроқ тарқалган. Болалар қўлларида жажжи белкуракча, рақсни асосан ёрқин рангли каштали либосларда ижро этишади. Оёқларида кавуш, бошларида каштали калапўш, қизларнинг сочи жамалак қўшиб, майда ўрилган бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, болалар фольклор рақсларининг тарихий-фалсафий, бадиий-эстетик, маърифий-тарбиявий, миллий-умуминсоний жиҳатларини ўрганиш долзарб масалалардан биридир. Зеро, глобаллашаётган дунёда миллатлараро манфаатларни барқарорлаштиришда, миллий маданиятлар ҳамкорлигини мустаҳкамлашда ҳам “Қовун” рақс композицияси каби болалар севиб ижро этадиган асарларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган ёшлар миллий қадриятлар ва маданий анъаналарни янада мукаммалроқ ўрганишларида миллий

---

[314] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-ж. Тошкент.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б.519.

рақс санъати, хусусан, болалар фольклор рақслари беқиёс тарбиявий – маънавий –маърифий кучга эга эканлиги ўз исботини топмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Т.: Давлат илмий нашриёти, 2002.
3. Ўзбекистонда рақс санъати ривожи ва истиқболлари: ижтимоий жараёнлар., II Республика илмий – амалий конференцяси материаллари. Т.: “Наврўз” нашриёти, 2019.
4. Маҳмудова М. Ўзбек рақсини ўқитиш услубиёти. Т.: “Наврўз”, 2020.
5. Усманова Г. Ўзбек рақсини ўрганиш услубиёти. Т.: “Наврўз”, 2020.
6. Саитова Э. Й., Абрайкулова Н.Э. Хореография ва рақс санъати асослари. – Т.: Фан ва технология, 2015.

# ЎҚУВЧИЛАРНИНГ НУТҚИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА КОММУНИКАТИВ ТЎСИҚ МУАММОСИ

**Умида Хушвақтова,**
**Шахрисабз давлат педагогика институти рус тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси**

**Аннотация:** Мазкур мақолада ўқувчиларнинг нутқ маданиятини шакллантириш жараёнида коммуникатив тўсиқ муаммо сифатида тадқиқ ва таҳлил қилинади.

**Abstract**: In this article, the communicative barrier as a problem in the process of forming students' speech culture is researched and analyzed.

**Аннотация**: Бұл мақалада коммуникативті кедергі студенттердің сөйлеу мәдениетін қалыптастыру үдерісіндегі мәселе ретінде зерттеліп, талданады.

**Калит сўзлар:** ўқувчи, нутқ, мулоқот маданияти, суҳбат, лисоний сатҳ, коммуникатив тўсиқ, муносабат.

**Key words**: student, speech, communication culture, conversation, linguistic level, communicative barrier, attitude.

**Тірек сөздер**: оқушы, сөйлеу, қарым-қатынас мәдениеті, әңгімелесу, тілдік деңгей, коммуникативтік кедергі, қатынас.

Она тилида ифодали ва равон гапириш, нутқни тинглаб тушуниш, тўғри ва бехато ёзиш каби нутқий фаолият шакллари жамият аъзолари ўртасида самарали мулоқотни таъминлар экан, она тилидаги мулоқот компетентлигини шакллантириб бориш таълим жараёнининг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев тўғри таъкидлаганидек, “Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир.Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи,биринчи

навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ" [315].

Янги Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадриятларга муҳаббат, миллий ўзлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларга замонавий ахборот технологиялари асосида мукаммал билим бериш мақсадида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Глобаллашув жараёнида таълим-тарбияга интерактив методлар, инновацион технологияларни жорий этишга эътибор ва талаб кучаймоқда.

**Коммуникатив тўсиқ (КТ)** - бу сўзловчи ва қабул қилувчи ўртасидаги мулоқот жараёнида содир бўладиган прагмалингвистик ҳодиса бўлиб, турли сабаб ва омилларга кўра юзага келади. КТнинг прагматик жиҳатлари, ижтимоий ва психологик сабабларини, уларнинг мулоқот жараёнида турли тил бирликлари орқали воқеланиш хусусиятларини замонавий талқинлар асосида монографик тарзда илмий тадқиқ қилиш зарурати мавжуддир. Коммуникатив тўсиқни бартараф этишда бошланғич синф ўқитувчиларининг масъулиятлари чексиздир. Улар мактаб остонасига эндигина қадам қўйган ўқувчиларни мустақил ҳаётга кўниктириб, замонавий билим олишларига йўл очиб берадилар. Зеро, болаларнинг ўқишга муносабатлари, қизиқишлари, дунёқарашлари, ақлий салоҳиятлари ана шу даврда шаклланади. Ҳозирги замон бошланғич синф ўқитувчиси касбий фаолияти, мослашувининг самарали кечишида замонавий ўқитиш услубининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланган қуйидаги тамойилларга қатъий амал қилиши мақсадга мувофиқдир:

- таълим жараёнини инновацион тамойилларга мослаб дастурлаштириш(режалаштириш);
- ўқув-билув материалининг мураккаблик даражаси ва ўрганиш суръатининг ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал психологик хусусиятларига мослашиш;
- ўқувчиларнинг назарий ва амалий тайёргарликларини ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига сингишини таъминлаш;
- ўқувчиларнинг фаоллиги ва таълим жараёнининг замонавийлигини, тарбиявий таъсирини ошириш;
- таълим олувчиларнинг индивидуал-амалий ва жамоавий ишларини бирга қўшиб олиб бориш;
- ўқув жараёнини замонавий техник воситалар ҳамда кўплаб техмодуслар ёрдамида ўқувчилар руҳиятига мослаштириш;
- таълимни табақалаштириш ва ўқув фанларини коплекс – компьютер дастурларининг энг янги лойиҳаларида бирлаштириш.

Замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этилган мазкур дарсларни ўтказиш методларига кўра, улар энг аввало ўқувчи эҳтиёжига мос тушиши керак. Чунки, бундай дарслар бола руҳиятига яқинроқ бўлади. Ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштиришга бўлган қизиқиши, хоҳиш ва истакларини уйғотиш асосида мақсадга эришиш мотивация бўлиб, бу ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ички яқинлашувидир. Бошланғич синфда таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўқиш мотивини ривожлантириш катта аҳамиятга эга.

---

[315] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. ЎзА, 2020 йил 30 сентябрь.

Чунки, мотив ўқувчиларни таълим жараёнига қизиқтиради, дарсга фаол қатнашишга, билимларни эгаллашга ундайди. Интерфаол методлар ўқиш мотивини ривожлантиришга катта ёрдам беради. Бошланғич синфларда кўпроқ болаларнинг ёшини, билим савиясини ҳисобга олиш лозимлигини унутмаслик керак.Уларга оддий, осон ва вақт кам сарфланадиган ўйин машқлардан фойдаланиб, дарслар ўтиш яхши самара беради. Кўпроқ атроф-муҳит билан боғлаб ўтилган машғулотлар болалар онгини, дунёқарашини, эркин фикрлаш, баён этиш қобилиятини, мустақил ишлаш кўникмасини ривожлантиради.

Инновацион технологиялардан дарс жараёнида фойдаланишнинг ўзига хослиги шундаки, улар ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти орқали амалга оширилади. Ўқитиш жараёни ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятини ўз ичига олади. Педагогнинг вазифаси ўқув материалини баён қилиш, ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини орттириш, фикрини теранлаштириш ва эътиқодини шакллантириш, ўқувчиларнинг мустақил машғулотларига раҳбарлик қилиш, уларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш ҳамда баҳолашдан иборат. Ўз ишига ихлос билан қараган ўқитувчида чинакам фидойилик бўлади.

Олдиндан дарснинг лойиҳаси, яъни технологик харитаси тузилади. Технологик харита тузиш учун ўқитувчи дарснинг ҳар бир босқичида амалга ошириладиган ишлар, уларда ўқитувчининг педагогик ва ўқувчиларнинг ўқув билиш фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва фаоллаштириш йўллари ва уларга ажратилган вақтни аниқ белгилаш лозим. Технологик харитада, албатта, ташкилий қисм, янги мавзунинг мотивацияси, ўқувчилар билимини текшириш, янги мавзуни ўрганиш ва уни мустаҳкамлаш, эришилган натижаларни таҳлил қилиш ва якун ясаш каби тамойиллар бўлади. Бунда ўқитувчи ва ўқувчининг дарс давомида бажарадиган ишлари босқичма-босқич қайд этилади. Дарс технологик харитасининг мукаммал тузилиши, мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, самарадорликка эришиш ва босқичлар ўртасидаги узвийликни таъминлаш, вақтдан унумли фойдаланиш имконини беради.

Бола шахси шаклланишида бошланғич синф даври энг муҳим давр ҳисобланади. Бошланғич синф ўқувчилари ишонувчан, ташқи таъсирга берилувчан бўладилар. Уларда ижобий ҳиссиётлар, фазилатларни таркиб топтириш, юксак ахлоқий меъёрларни шакллантиришда асосий масъулият бошланғич синф ўқитувчисининг зиммасига тушади. Бу даврда ўқитувчининг ҳар бир гапи, ҳар бир хатти-ҳаракати, таъсир кўрсатиш услуби бола учун ҳақиқат мезони вазифасини бажаради. Чунки ўқувчилар ўқитувчиларга қаттиқ ишонадилар, уларнинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ соладилар, талабларига ҳамиша амал қиладилар. Бошланғич синфда дарс берадиган ўқитувчида дидактик қобилиятлар бўлиши керак. Бу болаларга ўқиш жараёнида улар учун мураккаб ҳисобланган ёзиш, ҳарфларни тўғри талаффуз қилиш, такрорлаш, бўғинларни қўшиб ўқиш каби вазифаларни аниқ ва равшан тушунтириб, осон қилиб етказиб бериш деганидир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ўзбек тили байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига табриги. “Янги Ўзбекистон” газетаси,2023 йил,21 октябрь.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. ЎзА, 2020 йил 30 сентябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 29-апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепцияси.
4.Авлоний А. Танланган асарлар. Т.: “Маънавият”нашриёти, 2020.

# UMUMIY O‘RTA TA’LIM MAKTABLARIDA ALISHER NAVOIY IJODINI O‘RGATISHNING O‘ZIGA XOSLIGI
## (Loyiha metodi asosida)

**Rustamova Lobarxon Ibragimovna**
**Namangan viloyati,To`raqo`rg`on tuman 1-IDUM ona tili va adabiyot fan o`qituvchisi, NamDU mustaqil tadqiqotchisi**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada “Farhod va Shirin” dostonini “Loyiha” usulida o`rgatishning afzalliklari haqida aytib o`tilgan. Bugungi kunda yoshlarni mustaqil fikrlashga,loyihalar ustida ishlashga o`rgatish muhim vazifa ekanligi ta’kidlangan.Bundan tashqari,Alisher Navoiyning asarlarini turli pedagogik texnologiyalar asosida o`rgangan yurtimiz va xorijlik olimlarning tajribalari xususida fikr yuritiladi.

**Kalit so`zlar:** loyiha, refleksiya, kompleks, tasavvur, ijodkorlik, ko`nikma, malaka, tanqidiy.

### Alisher Navoiy g‘azallarini “Loyiha” metodi asosida o‘rgatish

Mustaqil davlatlar hamdo‘stligi (MDH) mamlakatlarida, jumladan, rus adabiyotshunosligida ta’lim bosqichlarida YU.K.Babanskiy, V.Ivanov, G.N.Ionin, N.I.Kudryashev, G.A.Gukovskiy, B.S. Gershunskiy, L.M.Mitina kabi olimlar tomonidan amalga oshirilgan tadqiqotlarda, ya’ni yozuvchi va shoirlar ijodini o‘rganish masalasi atroflicha o‘rganilgan [316]. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarida adabiyot o‘qitish muammolari S.Dolimov, A.Zunnunov, H.Ubaydullaev, Q.Ahmedov, J.Esonov, N.Hotamov, J.Rahimov kabi o‘zbek metodikasining dastlabki vakillari tomonidan o‘rganilib, maxsus qo‘llanma va risolalar shaklida nashr ettirilgan[317].

Adabiyot o‘qitishning umumiy muammolari qatorida shoir hayoti, ijodi, she’riyat va adabiyot namunalarini o‘rganish va tahlil qilish bo‘yicha ham metodik tavsiyalar berilgan. Mustaqillik yillarida adabiyot o‘qitish metodikasi bo‘yicha bir qator jiddiy tadqiqotlar amalga oshirildi. Metodist olimlardan Q.Yo‘ldoshev, B.To‘xliev, S.Matchonov, M.Mirqosimova, Q.Husanboeva, U.Dolimov, R.Niyozmetova, R.Safarov, E.Qilichev, B.Yo‘ldoshev, X.Muhitdinova, V.Qodirov[318] va boshqalarning ilmiy ishlarida hal qilingan muammolar bilan bog‘liq ravishda

---

[316] Ионин Г.Н. Изучение литературного произведения в школе. – Ленинград, Наука, 1976. Бабанский Ю.К. Методы обучения в современной обшеобразовательной школе. – Москва, Просвещение, 1985. Кудряшов Н.И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы. – Москва, Просвещение, 1981. Митина Л.М. Учитель как личность и профессионал (психологические проблемы). – Москва, Дело, 1994.

[317] Долимов С., Убайдуллаев Ҳ.,Аҳмедов Қ. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент, Ўқитувчи, 1967.

[318] Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. – Тошкент, Ўқитувчи, 1996. - 151 б. Қодиров В. Умумтаълим мактабларида мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишнинг илмий-методик асослари. Филол.фан.д-ри...дисс. (DSc) автореферат. – Наманган, 2019.; Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2006.; Ниёзметова Р. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. – Тошкент, Фан, 2007.; Ниёзметова Р. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. – Тошкент, Фан, 2007.

she'riyat va adabiyot namunalarini o'qitish masalasiga ham bevosita yoki bilvosita daxldor jihatlar borligini e'tirof etish o'rinlidir.

Ta'lim-tarbiya jarayoni, uning sifatini boshqarish masalalari bo'yicha R.X.Djuraev, A.R.Xodjabaev, S.T.Turg'unov, U.I.Inayatov, N.A.Muslimovlar mukammal o'rganishgan.

Adabiyot o'qitish metodikasi, jumladan, alohida bir adib ijodini o'rganish sohasida esa F.Egamberdievaning "CHo'lpon ijodini pedagogik texnologiya asosida o'rgatish", O.Usmonovaning "YOzuvchi hayoti va ijodini adabiy tahlil va talqin usullariga tayanib o'rgatish", R.Atamurodovaning "Adabiy ta'lim jarayonida Abdulla Oripov ijodini o'rgatish usullari", SH.Xo'jamberdievaning "Ta'lim bosqichlarida Erkin Vohidov ijodi va hayotini o'rganish usullari" mavzularidagi dissertatsiyalar yaratilgan [319]. Q.Husanboeva, R.Niyozmetova, B.To'xliev [320], O.SHarafiddinov, A.Kattabekov, Q.Yo'ldoshev, H.Boltaboev, A.Alimbekov, X.Xudoyberdieva singari tadqiqotchilarning izlanishlarida muammoning u yoki bu jihatlariga e'tibor qaratilgan. Ammo o'rganishlarimiz davomida "Tizimli tahlil" metodi qo'llanilmaganligini aniqladik va mazkur tahlilni tajribadan o'tkazdik.

"Tizimli tahlil" metodi asosida dars tashkil etish uchun o'qituvchi darsga jiddiy tayyorgarlik ko'rishi va shu metod asosida tahlil namunasini yaratishi, vaqt taqsimotini puxta rejalashtirishi, g'azal hajmini e'tiborda tutishi lozim. O'qituvchi bu tahlil metodining tuzilishi, bosqichlari, har bir qatlamda tekshiriladigan jihatlarni oldindan o'quvchiga tanishtirishi shart. Dunyo tajribasida ontologik tahlil metodning o'quv tahlili varianti ishlab chiqilmagan. SHu bois tahlil namunalarida biroz batafsillikka intildik, chunki bu hali o'qituvchi va metodistlar uchun yangi yondashuv. Lekin ushbu o'quv tahlilini qisqaroq amalga oshirish, bunda eng asosiy jihatlargagina e'tibor qaratish, hatto, o'xshash bayt va fikrlarni umumlashtirish mumkin. SHakliy tarkib haqidagi ma'lumotlar takrorlanish xususiyatiga ega bo'lgani bois ularni birinchi bayt tahlili yoki umumiy xulosa asnosida yaxlitlash ham mumkin.




Bu metodda o`quvchilar individual yoki guruhlarda belgilangan vaqt davomida birorta mavzu bo`yicha axborot yig`ish, o`tkazish va amalga oshirish ishlarini olib boradi. Bu metodda o`quvchilar rejalashtirish, qaror qabul qilish, amalga oshirish, tekshirish va xulosa chiqarish, natijalarni baholash jarayonlarida ishtirok etadilar.

[319] Эгамбердиева Ф. "Чўлпон ижодини педагогик технология асосида ўргатиш", Усмонова О. "Ёзувчи ҳаёти ва ижодини адабий таҳлил ва талқин усулларига таяниб ўргатиш", beeet Атамуродова Р. "Адабий таълим жараёнида Абдулла Орипов ижодини ўргатиш усуллари. Дисс. (Phd) – Тошкент, 2010. Хўжамбердиева Ш. Таълим босқичларида Эркин Воҳидов ижоди ва ҳаётини ўрганиш усуллари. Пед.фан.ном... дисс. – Наманган, 2019.

[320] Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент, 2006. Йўлдошев Қ. Узун йўл боши ёки эркин сўз умри. – Тошкент, 2013. Матчонов С. Комиллик мезонлари. 2014.

Loyiha ishlab chiqarish yakka yoki guruh bilan bo`lishi mumkin, ammo har bir loyiha guruh birgalikdagi faoliyatining muvofiqlashtirilgan natijasidir. Bunday topshiriqlar mustaqil reja tuzishni amalga oshirishda yaxshi samara beradi. Loyihaviy topshiriqlarni bajarish uchun o`qituvchidan ko`rsatish, tushuntirish, izohlash talab etilsa, o`quvchilarga asoslar, faktlar, materiallar to`plash, o`z loyihalarini ishlab chiqish topshiriladi.

## Loyihaga asoslangan ta'lim nima?



- Loyihaga asoslangan ta'lim - unda ishtirokchilar uzoq vaqt mobaynida qiziqarli va murakkab savol, muammo yoki muammoni tekshirish, javob berish, ishlash orqali bilim, ko'nikma va malakaga ega bo'ladilar.
- Ta'lim jarayonida loyihalashning quyidagi muhim elementlari mavjud: bilim, tushuncha va muvaffaqiyat ko'nikmalaridir.
- Loyihaga asoslangan ta'lim texnologiyasida o'quvchilar dars jarayonida tanqidiy fikrlash, muammoni hal qilishni, hamkorlikda ishlash va o'z-o'zini boshqarish ko'nikmalariga ega bo'lib boradi.
- Loyiha asosida o'qitishning afzalliklaridan biri bu fanlararo integratsiya bo'lib, bitta loyihada turli fanlar doirasida bir nechta yechim bo'lishi mumkin. O`quvchilar muammolarni hal qilishda o'zlarining strategiyalari va yondashuvlarini erkin tanlaydilar, bu ularning keng dunyoqarashiga ta'sir qiladi.
- Yana bir muhimlik **ijodkorlik va tasavvurni** rag'batlantirishidadir.



**Tasavvur bilimdan muhim!**

**Albert Eynshteyn**





## Loyiha – bu kompleks faoliyat bo'lib, bunda o'quvchi:

- muammoni mustaqil ravishda aniqlaydi;
- uni hal qilish yuzasidan vazifalarni belgilaydi
- muammoni hal qilish usullarini rejalashtiradi
- belgilangan maqsadga erishishga olib keladi faoliyatni amalga oshiradi;
- natijani qo'lga kiritadi va olingan ma'lumotlar tahlil qiladi, o'z ishining sifatini baholaydi.






## Loyiha ishlariga namunalarni ko`rib chiqamiz…




- 1. Guruhlarga bo'lining. Yoshi kattalardan xalq qo'shiqlari haqida ma'lumotlar yig'ing va xalq qo'shiqlari ijrosini audioshaklda yozib keling. Yig'ilgan materiallarni sinfda muhokama qiling. (6-sinf adabiyot – 67-b.)
- 2. Guruhlarda ishlang. Alisher Navoiy ruboiylaridan birini tanlang. Bu ruboiyning asosiy g'oyasini tushunishga yordam beradigan rasm chizing yoki hikoya tuzing. (6-sinf adabiyot– 59-b.)
- 3. Tasavvur qiling, hikoya asosida badiiy film yoki multfilm ishlamoqchisiz. Guruhlarga bo'lining.

➢1-guruh. Rassomlar. Film uchun dekoratsiyalar (atrof-muhitni ko'rsatuvchi rasmlar) chizing.

➢2-guruh. Libos ustalari. Qahramonlar uchun kiyimlar chizing.

➢3-guruh. Bastakorlar. Film uchun musiqa tanlang yoki bastalang. (6-sinf adabiyot – 106-b)

Har qanday muammo loyiha bo`lavermaydi.

## O'quvchining loyiha ishini baholash mezonlari



*Maqsad va vazifalar:*
- ✓ mustaqil ravishda shakllantirilgan bo'lsa – 2 ball;
- ✓ bevosita o'qituvchi ko'rsatmasiga asosan shakllantirilgan bo'lsa – 1 ball;
- ✓ umuman shakllantirilmagan bo'lsa – 0 ball.

*Loyihani rejalashtirish:*
- ✓ reja belgilangan vazifalarga muvofiq tuzilgan bo'lsa – 2 ball;
- ✓ reja va vazifalar qisman mos kelsa – 1 ball;
- ✓ reja va vazifalar mos kelmasa – 0 ball.

*Ma'lumot bilan ishlash:*
- ✓ ma'lumotlar loyihaning mazmuniga mos kelsa – 2 ball;
- ✓ qisman mos kelsa – 1 ball;
- ✓ mavzuga mos kelmasa – 0 ball.

**Eslatma!**

**Taqdimotchining shaxsiy xislatlari va savollarga javob berishi, taqdimotning sifati quyidagi talablarga javob bersa, 2 ball qo'yiladi:**
- ✓ loyiha ishi natijalari to'liq, aniq va lo'nda taqdim etilsa;
- ✓ dalillarga asoslangan holda savollarga javob berilsa;
- ✓ xulq-atvor qoidalari va nutq madaniyatiga rioya qilinsa.

"Farhod va Shirin" dostonida qanday insoniy fazilatlar o`z aksini topgan?

O`quvchilar muammoni hal qilish uchun maqsadni belgilab oladilar, so`ng reja asosida loyihaga kirishadilar.

Umumiy o`rta ta'lim maktablarida milliy o`quv dasturi metodologiyasining asosiy vazifalari sirasida "o`zining "men"ligini , intellektual salohiyati, ma'naviyati va dunyoqarashi ustida mustaqil ishlash hamda XXI asr ko`nikmalari (madaniyatli muloqot, insoniy fazilat, kitobxonlik, savodxonlik, tanqidiy- kreativ fikrlash, ijodkorlik, hamkorlikda ishlash, muammolarga yechim topish kabi) ni o`quvchilarda shakllantirish jarayonida muhim bo`lgan metod sifatida "Loyiha" metodini har doim darsda qo`llab bo`lmaydi, chunki biror asar yakunlangandan so`ng uzoq mustahkamlash uchun qo`llaniladi. O`quvchilar ma'lum bir muddat ichida loyihaga axborot to`playdilar. Demak, o`quvchi mustaqil ravishda izlanadi, guruhda to`plagan ma'lumotlari asosida berilgan muammo yechimini topishga harakat qiladi.

**Foydalanılgan adabıyotlar ro'yxatı:**

1. Долимов С., Убайдуллаев Ҳ.,Аҳмедов Қ. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент, Ўқитувчи, 1967.

2. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. – Тошкент, Ўқитувчи, 1996. - 151 б. Қодиров В. Умумтаълим мактабларида мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишнинг илмий-методик асослари. Филол.фан.д-ри...дисс. (DSc) автореферат. – Наманган, 2019.

3. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2006.;

4. Ниёзметова Р. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. – Тошкент, Фан, 2007.

5. Ниёзметова Р. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. – Тошкент, Фан, 2007.

6. Атамуродова Р. "Адабий таълим жараёнида Абдулла Орипов ижодини ўргатиш усуллари. Дисс. (Phd) – Тошкент, 2010.

7. Хўжамбердиева Ш. Таълим босқичларида Эркин Воҳидов ижоди ва ҳаётини ўрганиш усуллари. Пед.фан.ном... дисс. – Наманган, 2019.

8. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент, 2006.

9. Йўлдошев Қ. Узун йўл боши ёки эркин сўз умри. – Тошкент, 2013.

# MURAKKAB SINTAKTIK BUTUNLIK XUSUSIDA

**Amanov Abdujabbor Sattarovich**
**NamDU (PhD), o'zbek tilshunosligi kafedrasi katta o'qituvchisi**
**omonovabdujabbor@gmail.com**

**Annotatsiya:** Мақалада бүгінгі өзбек тіл біліміндегі мәтін ұғымының мәні туралы айтылады. Әлемдік лингвистикада мәтінді және осы құбылысты бағалауда әртүрлі көзқарастар бар деген ой бар.

**Негізгі сөздер:** Мәтін теориясы, мәтін лингвистикасы, мәтіннің онтологиялық және функционалдық ерекшеліктері, мәтіннің семантикалық-құрылымдық құрылымы, синтаксистік тұтастық, синтаксистік құрылыс, абзац, максималды мәтін, минималды мәтін, мәтіннің синтагматикалық және прагматикалық ерекшеліктері.

**Abstract:** This article discusses the essence of the text concept in today' s Uzbek linguistics. It also provides an overview of the text in the world linguistic and different approaches to this event.

**Key words:** the theory of the text, linguistic of the text, the ontological and functional signs of the text, the semantic structure of the text, the syntactic integrity, the syntactic structure, paragraph, maximum text, minimal text, the syntactical and pragmatic characteristics of the text.

Tilshunos olimlar bir umumiy mavzu va shakliy jihatdan bog'liq bo'lgan matnni o'rganishni, avvalo, uni tashkil etuvchi gaplarning o'zaro bog'lanishini tadqiq etishdan boshladilar. Olimlar matnda gapdan ko'ra kattaroq bo'lgan sintaktik butunlik mavjudligini qayd etish barobarida ushbu butunlikni atashda ham turli terminlardan foydalanganlar. Natijada, atamalar xilma-xilligi yuzaga kelgan: murakkab sintaktik butunlik (MSB), superfrazaviy birlik, prozaik band, paragraf, abzats, blok va boshqalar. O'zbek tilshunosligida murakkab sintaktik butunlik yaxshi

o’rganilmaganligi sababli, murakkab sintaktik butunlikning muhim xususiyatlarini, tuzilishining o’ziga xosligini, murakkab sintaktik butunlik tarkibidagi aloqa vositalarining turlarini batafsilroq bayon qilish ehtiyoji saqlanib qolgan.

Gapdan kattaroq bo’lgan matn birligi masalasi birinchilardan bo’lib A. Peshkovskiy [8] tomonidan o’rganilgan. Biroq u mazkur birlikni nomlovchi aniq bir atama yo’qligini ta’kidlab, ushbu birlikni “abzats” atamasi bilan belgilaydi. Bu fikrga to’la qo’shilib bo’lmaydi, chunki abzats shakliy-mazmuniy qurilishi jihatidan maxsus semantik va sintaktik birlik sifatida mavjud emas.

U istalgan sintaktik birlik ko’rinishida namoyon bo’lishi mumkin: bir sodda yoki qo’shma gap, ularning murakkab ko’rinishlari yoki supersintaktik butunlikdan iborat bo’ladi [6]. Ayrim olimlar esa paragrafni matn birligi sifatida tan olishadi[10]. Bizning fikrimizcha, abzats va superfrazaviy birlik yoki murakkab sintaktik butunlik turli darajadagi birliklardir.

Abzats atamasi, asosan, ikki o’rinda qo’llaniladi:

1. Abzats – bosma yoki yozma matnda xatning birinchi qatoridan (yoki satr boshidan) joy tashlab boshlash. Adabiyotda abzats matnning satr boshidan boshlanib, keyingi satr boshigacha davom etadgan qismi[16].

2. Odatda, superfrazaviy birlik yoki uning qismini o’z ichiga olgan, oddiy yoki qo’shma gaplardan iborat bo’lgan birlikning yozilgan yoki bosilgan matnndan ko’chirib olingan qismi[9].

“Abzats, – deb yozadi L.M. Loseva, bu yozma nutqning alohida birligi emas, balki turli xil sintaktik birliklar tomonidan ifodalangan matnning bir qismidir (murakkab sintaktik butunlik, jumla yoki murakkab sintaktik butunliklarning birikmasi). Abzatsning ajratilganligi, avvalambor, abzatslar orasidagi matn birligining boshlanmasiga urg’u berilganligi sabablidir, bu jumlani xatboshi deb hisoblash mumkin”[4:85]. U abzatslarni ajratib ko’rsatishning asosiy qoidalarini sanab o’tdi. Shunday qilib, uning fikriga ko’ra, matnlarni abzatslarga ajratishda quyidagilarga amal qilinadi:

1. Bir shaxs yoki predmet haqida ma’lumot beruvchi o’zaro mazmuniy bog’liq bo’lgan gaplar. Ularning shakliy belgisi bir xil otlarning matnning turli joylarida takror qo’llanishidir.

2. Avvalgi abzatsda aytilmagan yangi ma’lumotlarni o’z ichiga olgan gaplar. Bunday jumlalarda, odatda, oldingi abzatsda ishlatilmagan so’zlar va iboralar qo’llaniladi.

3. Xuddi shu shaxs (lar) to’g’risida va uzoqroq aloqa orqali bog’langan takroriy ma’lumotlarni o’z ichiga olgan gaplar. Ularning shakliy xususiyati nominativ holatda bir xil otlarni matnning turli qismlarida takrorlashidir.

4. Oldingi abzatsdagi so’nggi egaga tegishli bo’lmagan kishilik, ko’rsatish va boshqa olmoshlar bilan boshlanadigan gaplar.

5. Ma’nosiga ko’ra oldingi abzatsga aloqador bo’lmagan gaplar

N.A. Turmacheva superfrazaviy birlik va abzatslarning mohiyatini o’rganib chiqdi va matnni qismlarga ajratishning bu ikki usulini taqqoslab, 1970 yilda shunday yozgan edi: “...Superfrazaviy birlik, semantik va grammatik birlashma bo’lib, u semantik-sintaktik kategoriyadir …”, “ajratilgan abzats esa kompozitsion va ekspressiv-stilistik vazifalarga ko’ra, stilistik kategoriya, aniqrog’i, stilistik-semantik kategoriyadir”[13]. Bu fikr, nazarimizda, masala mohiyatini aniqroq ifodalaydi.

Matn sintaksisi bilan shug'ullangan ko'pchilik olimlar qatori, biz ham matnning asosiy birligi murakkab sintaktik butunlik ekanligini e'tirof etamiz.

Tilshunoslar murakkab sintaktik butunlikni belgilash uchun bir qator atamalarni qo'llaydilar. Ular orasida murakkab sintaktik butunlik (A. Peshkovskiy), sintaktik kompleks (A. Ovsyanikova), superfrazaviy birlik (O. Axmanova), matn tarkibiy qismi (I. Figurovskiy) va boshqalarni aytib o'tish mumkin. Bizning fikrimizcha, murakkab sintaktik butunlik atamasi ushbu lingvistik hodisaning mohiyatini to'liq aks ettiradi.

Tadqiqotchilar murakkab sintaktik butunlikni to'rt yo'nalishda o'rganadilar:

1) matn mazmuniga ko'ra;
2) matnning qo'llanishiga ko'ra;
3) matnning qurilishiga ko'ra;
4) matnning bajargan vazifasiga ko'ra.

Ba'zi bir olimlar murakkab sintaktik butunlikni mazmun nuqtai nazardan ko'rib chiqib, matnning izchilligini mantiqiy muvofiqligi bilan tenglashtiradilar. Bunday tenglashtirishni to'g'ri deb bo'lmaydi.

Ammo, ma'lumki, "matnning mantiqiy uyg'unligi umumiy matnning uyg'unligi bilan bir xil emas, chunki matn mantiqiy jihatdan qarama-qarshiliklarni, nomuvofiqliklarni, uzilishlarni va boshqalarni o'zida ifodalashi mumkin, bu mantiqiy birlik uchun noqonuniydir"[3].

Matn pragmatika nuqtai nazaridan eng kam o'rganilgan sohalardan biridir. I. Galperinning so'zlariga ko'ra, bu borada murakkab sintaktik butunlikni o'rganish, matn qismlarining ketma-ketligini aniqlash, ya'ni matnlarning yuzaga kelish mexanizmini aniqlash juda muhimdir.

Matnlarni amaliy nuqtai nazaridan o'rganishda ancha yutuqlarga erishilgan. Bunda tahlil qilishning ikki yo'nalishi ajralib turadi:

1) mustaqil gaplarni murakkab birliklarga birlashtirish usullarini o'rganish orqali jumladan kattaroq birliklarni ajratish va o'rganish;
2) matn qismlarini bog'lovchi vositalarni o'rganish.

Mustaqil gaplarni o'zidan kattaroq bo'lgan birliklarga birlashtirish usullarini o'rganishga G.Ya. Solganik asarlarini misol qilib keltirish mumkin[11:86]. Muallif gaplarning birlashish usullarini o'rganar ekan, gaplardan kattaroq bo'lgan birliklarni murakkab sintaktik butunlik yoki "nasriy bandlar" kabi tasniflaydi. Mustaqil gaplar o'rtasidagi aloqaning asosiy usuli, uning tarkibiy birliklari haqida gapirganda, G. Solganik murakkab sintaktik butunlikning ikkita tarkibiy turini ajratib ko'rsatadi:

a) gaplar bir-biri bilan ketma-ket bog'langanda, mustaqil gaplar orasidagi zanjirli nasriy bandlar;

b) gaplar mazmuni bir-biri bilan taqqoslanganda parallel ravishda bog'langan nasriy bandlar.

Nasriy bandlarning tuzilishini aniqlashda ikkita usulni farqlash taklif etiladi:

a) bandning ichki tarkibiy tuzilishini ochib beradigan va gaplarni birlashtirishning sintaktik vositalarini aniqlovchi sintaktik usul;

b) bandning tashqi ko'rinishini, bandning chegarasinini, tafakkur rivojlanishining xususiyatini, mavzularini belgilovchi kompozitsion-tematik usul.

Murakkab sintaktik butunlikning qanday amal qilishini o'rganish masalasi ko'pchilikning e'tiborini tortgan. Lekin matnni bu tarzda tahlil qilish, asosan, badiiy adabiyot tili va uslubi tadqiqidagina ko'zga tashlanadi.

Murakkab sintaktik butunlik tarkibiy qismlarining o'zaro bog'liqligiga asoslanib, N.A. Turmacheva murakkab sintaktik butunlik tarkibidagi grammatik bog'liqlikning beshta asosiy turini ajratib ko'rsatadi[13]:

1) zanjirli bog'lanish;
2) parallel bog'lanish;
3) safli bog'lanish;
4) bog'lovchilar orqali bog'lanish;
5) vaziyatli bog'lanish.

Turli xil murakkab sintaktik butunlikning mavjudligi ikkita asosiy omil bilan belgilanadi: biri, murakkab sintaktik butunlikni tashkil etadigan gaplarning turlari va ikkinchisi, ular o'rtasidagi munosabatlarning xususiyatlari. Bu ikki omil funktsional uslubga, matn turiga va muallifning individual uslubiga bog'liq. Matn semantik – sintaktik-stilistik butunlik bo'lib, o'ziga xos murakkab strukturaga ega. Matn tarkibiga kiruvchi komponentlar – birliklar quyidagilar:

a) gap – sodda yoki qo'shma gaplar, ularning murakkablashgan ko'rinishlari;
b) supersintaktik butunliklar;
s) period – "ziynatli nutq". ( Aristotelь)[1].

Matn komponentlarning har bir mustaqil ko'rinishi (masalan, period yoki supersintaktik butunlik) alohida tekshirish ob'ekti hisoblanadi[7:15].

Matnning asosiy tarkibiy qismi, birligi bo'lgan murakkab sintaktik butunlikni ajratish har doim ham oson kechavermaydi. Ba'zi hollarda, u abzatsga to'g'ri kelsa, boshqa hollarda, bitta abzats osongina bir nechta murakkab sintaktik butunlarga bo'linishi mumkin. Xabarning mazmuniga va ayniqsa, pragmatik munosabatga qarab, murakkab sintaktik butunlik va abzats chegaralari, ko'pincha, bir-biriga mos keladi. Shunga qaramay, murakkab sintaktik butunlikni matnning tarkibiy qismi, gapni esa murakkab sintaktik butunning tarkibiy qismi sifatida baholash lozim.

L.M.Loseva murakkab sintaktik butunlikning quyidagi xarakterli xususiyatlarini ajratib ko'rsatadi:

1. Murakkab sintaktik butunlik (MSB) matn tarkibidagi eng katta sintaktik birlikdir.

2. Murakkab sintaktik butunlik – bu mavzu jihatidan, shuningdek leksik, grammatik va ohang jihatdan birlashtirilgan mustaqil gaplar guruhidir.

3. Murakkab sintaktik butunlik tasvirlanayotgan hodisaning biron-bir tomonini qamrab oladi.

4. Murakkab sintaktik butunlik tarkibidagi jumlalar orasidagi aloqa bevosita yoki bilvosita bo'lishi mumkin. Sanab o'tilgan xususiyatlar asosida u umumiy tarzda murakkab sintaktik butunlikka ta'rif beradi. "Murakkab sintaktik butunlik, – deb yozadi u, bu matndagi eng kengaytirilgan sintaktik birlikdir, bu tasvirlanayotgan mavzuning u yoki bu jihatlarini tavsiflovchi bir-biri bilan uzviy bog'liq hamda o'zaro aloqada bo'lgan gaplar guruhidir"[5:94].

G.Ya. Solganikning so'zlariga ko'ra, "nasriy band (bizning fikrimizcha, murakkab sintaktik butunlik – muallif tomonidan) – bu alohida gaplar bilan taqqoslaganda, fikrning yanada to'liq rivojlanishini ifodalovchi ma'no va sintaktik jihatdan bir-biri bilan chambarchas bog'liq bo'lgan jumlalar guruhidir"[11:95].

K.N.Veliev (Boku) quyidagilarni murakkab sintaktik butunlikning belgilari deb ko'rsatadi:

1) mazmun, ma'no yaxlitligining(aniqlik) birligi;

2) qismlarning o'zaro bog'liqligida namoyon bo'ladigan aloqa usullari;

3) tarkibiy tutashganlik;

4) murakkab gaplar bilan taqqoslaganda aloqa usullarining chuqurligi, ko'p qirraliligi;

5) matn tarkibidagi grammatik va leksik birliklarning nisbiy mustaqilligi;

6) kalit so'zlar, jumlalar mavjudligi, ularni olmosh, shuningdek, sinonimlar bilan almashtirish imkoniyatining mavjudligi[2].

Matn va uning birligi sanalmish murakkab sintaktik butunlikning lingvistik tadqiqi murakkab jarayondir. MSBning belgilari butun matn yoki matndan olingan muayyan parcha doirasida aniqroq namoyon bo'ladi.

Misollarga murojaat qilaylik: Duoibad qilmoq, ya'ni bandaga Allohdan yomonlik tilamoq musulmon farzandiga xos emas. Ba'zan qarg'ishlarni eshitib qolamiz: banda ko'zlarining ko'r yoki oyoq qo'llarining shol bo'lib qolishi so'raladi Allohdan. Bu kabi qarg'ishlarda ikki xil nodonlik mavjud: agar banda aybdor bo'lsa unga qanday jazo berishni Yaratganning o'zi biladi. Jazo turi banda tomonidan belgilanmaydi. Faraz qilaylik-ki, qarg'ish tegib, o'sha odam ko'r bo'ldi. Xo'sh, bundan duoibad qilgan odamga biron naf bormi? Faqat ko'ngil quvonchi bor. Bu ko'ngil quvonchining egasi esa iblisdir.

Ba'zilar o'zlari yomon deb faraz qiluvchi kishilarning o'limini ham istaydilar. Avvalo, o'lim duo bilan bo'lmaydi. Bu taqdir yozug'idir. Xo'sh, o'sha odam dunyoni tark etsa duoibad qilg'uvchining hayoti chiroyliroq bo'lib qoladimi?

Yomon niyatli duodan ko'ra xayrli – yaxshi duo qilmoqlik odam farzandi uchun foydaliroq emasmi? Yomon deb o'ylaganimiz odamga Alloh insof, hidoyat so'rasak-da, duolarimiz ijobat bo'lib u kishi yaxshilik yo'liga o'tsa, faqat bizga emas, jamiyatga foyda-ku!

Duoibad uchun savob yo'q. Alloh yaratgan bandalarining bir-birlariga yaxshilik qilishini istaydi va shu maqsaddagi xayrli duolar ajr beradi. Yaxshi mukofotdan yuz o'girish nodonlikdir.

Bu masalada yana bir mulohazam bor: kimningdir ko'r yoki shol bo'lishini yoki tezroq o'lishini istovchi bandaning dili qanday ekan? Kir va qora emasmikin? U holda boshqa bir dili qora uni duoibad qilib o'tirmaganmikin?[14] (T.Malik)

Tahlil qilinayotgan parcha beshta murakkab sintaktik butunlikni o'z ichiga oladi. Ularning har biri o'z mikromavzusiga ega. Birinchi murakkab sintaktik butunlik duoibad qilmoq haqida, ikkinchisi – birovga o'lim istamoq haqida hikoya qiladi, uchinchisi – yaxshi duo qilmoqlik haqidadir. Yuqoridagi uchta murakkab sintaktik butunlik to'rtinchi – duobibad uchun savobning yo'qligi va beshinchi – dili qoralik haqidagi mavzuga o'tish vositasi bo'lib xizmat qiladi. Hamda ushbu mikromatnlar o'ziga xos yaxlitlik kasb etadi.

Har bir murakkab sintaktik butunlik – bu ibtido va intihosiga ega bo'lgan kichik bir hikoya kabi taassurot qoldiradi.

Shunday qilib, murakkab sintaktik butunliklar o'rtasidagi chegaralarni belgilashda jumlalarning mazmuniy va shakliy (leksik va grammatik) xususiyatlari hisobga olinadi. Ohang, shuningdek, oldingi jumlaning keyingisiga mazmun jihatdan tobeligi, bitta murakkab sintaktik butunlikni boshqasidan ajratishga yordam beradi.

Agar mazmuniy tobelik bo'lmasa, unda mikromavzu tugaydi, u holda yangi

murakkab sintaktik butunlik boshlanadi, shu bilan birga murakkab sintaktik butunlikni shakllantirgan gaplar bilan keyingi MSB jumlalari o'rtasida parallel bog'liqlik mavjud bo'lgan hollar bundan mustasno, albatta.

Boshqa misolni olaylik.

Bir vaqtlar Zarafshon bog'ida bog'bon bo'lgan Muborizxon (avvalgi Afzalbek) Akbar va Pirmuhammadning gaplarini Bayramxonga yetkazib yurib uning yaqin odamiga aylangan edi.

Biroq Bayramxon yengilib, Akbarga eng yaqin odam – Adhamxon va uning onasi Mohim enaga o'lib qolganini ko'rgan Muborizxon, hamon Bayramxonning xizmatida yurgan bo'lsa ham, endi uning ichki sirlarini Adhamxonga yetkazib turdi va uning sodiq xufiyasiga aylandi.

Adhamxon kelajakda Bayramxon kabi vakili saltanat bo'lish orzusida edi. Buning uchun avval Bayramxonni, undan so'ng Munimxonni yo'q qilish fikriga tushgan. Muborizxon shu rejalarni amalga oshirishda unga astoydil xizmat qilsa Adhamxon uni haligacha ushalmay kelayotgan orzulariga yetkazishi, katta amal va mulk in'om etishi mumkin.

Muborizxon Bayramxonning eng ishonchli xizmatkorlari qatorida safarga birga chiqdi. Adhamxon unga Ahmadoboddan naridagi Patan shahrining qutvoli Musaxon Po'lodiy bilan yashirin aloqa bog'lashni buyurdi. Patan Gujarat podshosiga qarar, bu yerda Akbarning hukmi o'tmas edi. Adhamning oshnasi Musaxon esa Agrada Bayramxon bilan chiqisholmay, poraxo'rlikda ayblanib, to'rt yil burun Patanga ketib qolgan, ammo Adhamxon bilan haligacha maktub yozishib turar edi. Endi Adhamxon bilan Pirmuhammad atka Bayramxonni Patanda o'ldirish rejasini shu Musaxon bilan til biriktirib tuzdilar. Muborizxon ikki orada maxfiy vositachi vazifasini o'tadi[16]. (P.Qodirov)

## Xulosa

Tahlil qilinayotgan parcha bitta murakkab sintaktik butunlikdan iborat bo'lib, uning tarkibidagi birliklarni Muborizxon ismining takrori va ushbu shaxsning xususiyatlarini aks ettiruvchi so'zlar birlashtiradi. Parcha o'z mikromavzusiga ega. Murakkab sintaktik butunliklarni ajratishda biz jumlalarning mazmuniy va shakliy xususiyatlariga tayanib ish ko'rdik. Murakkab sintaktik butunlikning chegaralari aksariyat hollarda matnning boshlanmasi mazmunida va sintaktik tuzilishida belgilab beriladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Античные теории языка и стиля. Соц. Экгиз. М., - Л., 1936. -С. 183
2. Велиев К.Н. Сложное синтаксическое целое и его поэтические конституенть в эпическом тексте.// Советская тюркология, 1990. № 6. –С.17-30.
3. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М., 1981.
4. Лосева Л.М. Как строится текст. – М., 1980. –С.85.
5. Лосева Л.М. Как строится текст. – М., 1989. 94 с
6. Мамажонов А.,Абдупаттоев М. Ўзбек матнинг семантик, синтактик ва стилистик аспекти. – Фарғона: 2021. –Б.10
7. Мамажонов А.,Абдупаттоев М. Ўзбек матнинг семантик, синтактик ва стилистик аспекти.Фарғона – 2021. –Б.15
8. Пешковский А. М. Русский синтаксис в научном освещении. Издание 6-е. М.: Учебно-педагогическое издательство. – 1938. – Т. С. 457.
9. Розенталь Т. Розенталь ДЭ, Теленкова МА Словарь-справочник лингвистических терминов. – М.: Просвещение. 1976.
10. Сильман Т. И. Проблемы синтаксической стилистики:(на материале немецкой прозы). – Просвещение. Ленингр. отд-ние, 1967. Фридман Л. Г. К вопросу о сверхфразовых единствах. Теорэтические проблемы синтаксиса современных индоевропейских языков. – Л. 1975. –С. 220-226. Каримова Р. А. Семантико- структурная организация текста (на материале устных спонтанных и письменных текстов).–Федеральное государственное бюджетное образователь-ное учреждение высшего образования Башкирский государствен-ный университет, 1991.
11. Солганик Г.Я. Синтаксическая стилистика. – М., 1973. –С.86.

# YOSH AVLODNI MA’NAVIY-AXLOQIY TARBIYALASHDA NAVOIY MEROSINING AHAMIYATI

**G`oyibboyeva E’tiborxon Ahmadjonovna (O`zbekiston), Nanangan viloyati, Chortoq tumani 13-maktab o`qituvchisi, Xalq ta’limi a’lochisi**

**Abstract.** This article discusses the wise words of the great thinker poet Alisher Navoi, selected from various works and published. Their place and role in educating the young generation as a well-rounded human being has been researched. General conclusions were drawn by means of analysis of concrete examples.

**Key words.** Alisher Navoi, spirituality, literary heritage, wise words, education, perfect person, human qualities, respect, morality, patience, intelligence, idea.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются мудрые слова великого поэта-мыслителя Алишера Навои, отобранные из различных произведений и опубликованные. Исследовано их место и роль в воспитании молодого поколения как всесторонне развитой личности. Общие выводы были сделаны на основе анализа конкретных примеров.

**Ключевые слова.** Алишер Навои, духовность, литературное наследие, мудрые слова, образование, совершенный человек, человеческие качества, уважение, нравственность, терпение, ум, идея.

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada ulug` mutafakkir shoir Alisher Navoiyning turli asarlaridan tanlab olinib, nashr etilgan hikmatli so`zlari haqida fikr yuritilgan. Ularning yosh avlodni har tomonlama barkamol inson sifatida tarbiyalashdagi o`rni va roli tadqiq etilgan. Aniq misollarni tahlil qilish vositasida umumlashma xulosalar chiqarilgan.

**Kalit so`zlar.** Alisher Navoiy, ma’naviyat, adabiy meros, hikmatli so`zlar, ta’lim-tarbiya, barkamol inson, insoniy fazilatlar, hurmat, axloq, sabr, aql, g`oya.

Jahon allomasi bo’lgan ulug’ shoir Alisher Navoiyning ulkan merosini o’rganish muhim vazifalardan biri deb aytishimiz mumkin. Umuman, daho shoir asarlaridan bahramand bo’lish insoniylikni anglash desak, mubolag`a emas. Shuningdek shoir asarlarini hayotiy xulosalar asosida yaratilgan qomusiga qiyoslash ham o`rinli. Chunki biror-bir hayotiy masala, insonga xos qadriyat va tuyg’ular, fazilat va illatlar, muhim muammolar yo’qki, shoir qalamidan chetda qolmagan bo’lsa. [2. 3].

Mazkur maqola muallifi bir necha yillardan buyon Alisher Navoiy hikmatli so`zlari – aforizmlarini boshlang`ich sinf o`quvchilariga o`rgatish sohasida tadqiqot va tajriba-sinov ishlarini olib bormoqda.

Buyuk allomaning umuminsoniy qadryatlar, insonparvarlik g’oyalari asosiga yo’g’rilgan ulkan boy xazinasini kelajagimiz egalari bo’lmish yosh avlodga singdirish, ular qalbida yuksak insoniy fazilatlarni kamol toptirish bugungi kunimizning kechiktirib bo’lmaydigan eng muhim muammolardan biridir.

Navoiy ijodi bebaho xazina desak, aslo mubolag’a emas. Undan imkon qadar ko’proq foydalanish davrimizning, birinchi navbatda biz tarbiyachilar oldida turgan dolzarb vazifalaridan hisoblanadi.

Boshlang’ich sinflarda o`qubchi-yoshlarga shoirning turli asarlaridan terib, tanlab olingan rang-barang mavzulardagi hikmatlarni o’rgatish, ularning ma’naviy-axloqiy fazilatlarini shakllantirish uchun muhim manbaa bo’lib xizmat qiladi.

Mazkur maqolamizning boshlanishida biz Hazrat Alisher Navoiyning “Nazmul-javohir” asaridan olingan sermazmun hikmatlarida bayon qilingan fikrlar bilan o’rtoqlashamiz. Asarda turli mazmundagi hikmatlar o’z aksini topganligini ko’ramiz. Ulug` shoirning yuksak insoniy fazilatlar tarannum etilgan o’gitlaridan bahramand bo’lish komillik sari intilishning debochasidir, deyish mumkin. Yoshlikdan ota-onani hurmat qilish, ilm olish, hunar egallash, aql-zakovatli, sabr- bardoshli, sahovatli, mehribon, so’zamol, hayoli, vafoli, qanoatli, imon-e’tiqodli bo’lish kabi fazilatlarni singdirib borish  odob va axloqiy sifatlarning  shakllanishi uchun muhim poydevor bo’ladi.

Biz  Quyidagi hikmatga fikrimizni qaratamiz:

*Ista ato yo’lida jon fido qilmoq,*
*Qulluq anoga ham ulcha imkon qilmoq,*
*Zuhri abad istasang farovon qilmoq,*
*Bil oni ato-anog’a ehson qilmoq.* (Alisher Navoiy, Ibratli hikoyatlar va xislatli hikmatlar, 294- bet.)

Ya’ni ota roziligi uchun jon fido etishga tayyor bo’l, onaga ham xuddi shunday xizmat qil.  Saodatli hayot istasang, ota-onaga yaxshilik qilgin.

Demak, ota-ona farzandning dunyoga kelishi uchun sabab bo’lgan hurmatli insonlar ekanligi, doimo ularning xizmatida bo’lish, ardoqlash, e’zozlash muhimligi, bu “muqaddas burch” ekanligini aytish lozim. Har bir farzandning saodatli hayoti ota-onasidan olgan “duo”lari evaziga bunyod bo’lishini uning qalbidan joy olishini uqtirish kerak. Toki, bola dunyoda ota-onasidan g’amxo’r, mehribon, jonkuyar insonlari yo’q ekanligi, farzandi kamoli uchun hayotini bag’ishlaganligini his qila olsin.

“Ommaviy madaniyat” nomi ostida ijtimoiy tarmoslarda xalqimiz ma’naviyati, qadriyatiga yot qarashlarning to`xtovsiz targi`ib qilinayotgab bir murakkab davrda yoshlar ongini bunday begona g`oyalar egallab olmasligi uchun juda hushyor bo`lishimiz talab etiladi. Bu sohada, albatta, buyuk bobokalonimizning hikmatli so`zlari qimmatli manba vazifasini o`tasgi tabiiydir. Shuning uchun har bir daqiqadan unumli foydalanishimiz darkor, deb hisoblaymiz.

*Ko’nglungga xirad yo’lin padidor ayla,*
*Bu naqdqa joningni xaridor ayla,*
*Har ishda xiradni o’zungga yor ayla,*
*Jurmung tarkidin xirad izhor ayla.* (Alisher Navoiy, Ibratli hikoyatlar va xislatli hikmatlar, 298 – bet.)

Ya’ni ko’nglingda aql yo’lini paydo qil, bu boylikka joningni xaridor qil. Har ishda aqlni o’zingga yor etib, aql bilan gunohlarni tark aylagin.

Sodda qilib aytganimizda? Yuqoridagi hikmatli so`zdan quyidagicha xulosalarni chiqarish o`rinli: aqlga ko’nglingdan joy ber;
aqlni boylik deb bil;
aqlga joningni xaridor qil;
aqlni do’st deb bil;
aql bilan gunohlaringni tark et;

Daho shoir “aql” bilan bog’liq yuksak insoniy fazilatlarga ega bo’lishni o’zining to’rt qatorli sermazmun, serqirra bitilgan o’gitiga joylashni uddalaygina qolmay, balki “aql” – bu inson hayotining gultoji ekanligini ko’rsatadi. Aql insonning

eng oliy fazilati. Inson o’zining aql-zakovati bilan ko’p muammolarga yechim topadi. Aqlli insonlar hayoti davomida yaxshi nom qoldiradi. Aql bilan erishilgan har bir ish bardavom bo’ladi.

*Sabr archi kishiga ranj afzun aylar,*
*Oxir kishi folini humoyun aylar,*
*Sabring nechakim ko’ngulni mahzun aylar,*
*Ham sabr seni zafarg’a maqrun aylar.* (Alisher Navoiy, Ibratli hikoyatlar va xislatli hikmatlar, 319 – bet.)

Ya’ni sabr agarchi mashaqqatni ziyoda qilsa, oxiri kishini baxtli qilur. Har qancha ko'ngilga ozor bersa ham, sabr seni zafarga yaqin qiladi.

Demak, sabr juda ko’p qiyinchilik evaziga bo’lsa-da, oxiri baxt va saodatga oshno qiladi. Sabrli bo’lish har qancha ko’ngilni vayron qilmasin, baribir ulkan zafarlar sari yetaklaydi.

Darhaqiqat, “sabr” insoniy fazilatlarning eng yuksagi desak, yanglishmaymiz. Har bir inson ham sabr qilishni uddasidan chiqa olmaydi. Sabr qilishni bilgan insongina o’zining eng oliy maqsadiga erisha oladi. Sabr qilish borabarida inson ilm-u-fan cho’qqilarini zabt etadi. Sabrli insonlar mehnat qilishni, undan zavqlanishni o’rganadilar. Sabrli insonlar hurmatga loyiqdirlar. El orasida yaxshi nom qoldiradilar. Ana shunday insonlardan andoza olib yashaydilar.

Donishmand xalqimiz tomonidan yaratilgan maqollarda ham sabr uluglanadi: “Sabr qilsang, go`radin halvo bitar, Besabrlar o`z oyog`idan yitar”, “Sabrning tagi – sariq oltin”, “Sabr qilgan yetar murodga, besbrlar qolar uyatga”.

*Odamki, demak bila kiromiyduru bas,*
*So’z durri ishining intizomiduru bas,*
*Sihhat anchaki, ahli aql komiduru bas,*
*Aqlig’a dalil aning kalomiduru bas.* (Alisher Navoiy, Ibratli hikoyatlar va xislatli hikmatlar, 307 – bet).

Ya’ni “Shu kishi izzt-ikromga loyiq”, degan bilan ish bitmaydi. Bir odamning tartib-intizomi so’zidan bilinadi. Oqil insonlar kishining aqliga unung so’zini dalil qiladilar.

Mutafakkir shoir insonning so’zi ko’p fazilatlarini namoyon qilishi haqida fikrlarini bildirgan. Kishining so’zamolligi uning tartib-intizomidan, aqlliligidan dalolat beradi. Aqlli kishi tartib-intizomli bo’ladi, har bir so’zi ma’no kasb etadi. Muloyim so’z har qanday inson qalbini rom qiladi. Demak, so’zlashish odobi har bir kishining yuksak insoniy fazilatlaridan biri ekanligini anglash kerak.

Mazkur jihatlari bilan Alisher Navoiy ijodi, xususan, chuqur ma’noga ega hikmatli so`zlari barhayotdir. Shoir asarlarini o’qir ekanmiz unda azaliy va abadiy mavzularni yuksak mahorat bilan qalamga olganligining guvohi bo’lamiz. Shuning uchun ham shoir asarlari u orzu qilgan komillik yo’li bu – yetuk odob-axloq sohibi bo’lish, yuksak insoniy fazilatlarni egallash, zamonasining barcha ilm-u hunarlarini o’zlashtirish, ilm va hunarni bir-biridan ajratmaslik, nafaqat ma’naviy, balki jismoniy jihatdan ham barkamollikka intilish, hamisha el-yurt xizmatida bo’lish, burch va mas’uliyat tuyg’usini barcha narsadan ustun qo’yish kabi fazilatlar egasi bo’lish shoirning orzusidir. (Hikmatlar, 7-bet.)

Xulosa qilib aytganimizda, kelajagimiz vorislari bo'lgan yosh avlodni tarbiyalashdek zahmatli va ulug' vazifamizni amalga oshirishda Navoiy asarlari dasturulamal bo'lib xizmat qiladi.

**Foydalangan adabiyotlar ro'yxati:**

1. «Алишер Навоий афоризмларини бошланғич синфларда ўрганиш бўйича тавсиялар». «Ўзбек филология-сининг долзарб муаммолари." Республика илмий – назарий конференцияси материаллари».-Наманган.2006. 161-165 бетлар.
2. «Навоий афоризмларини 2-синфларда ўрганиш бўйича тавсиялар». «Тил ва таржима муаммолари» халкаро илмий анжуман материаллари. -Тошкент «Фан». 2007 215-218-бетлар.
3. «Ҳар бир бола Навоий ижоди руҳи билан яшасин». «Таълим ва тафаккур» журнали.-Наманган.. 2007 . 1-сон.13-14-бетлар.
4. «Комиллик йўлидаги илк қадам». «Таълим ва тафаккур» журнали.-Наманган.. 2007. 5-сон.19-бетлар.
5. «3-синфда Навоий афоризмларини ўрганиш бўйича тавсиялар».. «Актуальные проблемы русской и узбекской филологии» Сборник научных статей. –Наманган. 2008.
6. «4-синфда Алишер Навоий ҳикматларини ўргатиш тажрибасидан».. «Тил ва тил ўқитиш методикаси прагматик ва коммуникатив лингвистика талқинида» Республика илмий анжуман материаллари. –Наманган. 2009.
7. «Алишер Навоий ҳикматларини жажжи қалбларга жо айлайлик»... «Таълим ва тафаккур» журнали. –Наманган. 2009 йил 2-сон, 17-бет.
8. Alisher Navoiy hikmatlari asosida bahri bayt tashkil qilish... Тил ва адабиёт масалалари. – Наманган.. 2014, 299-301-бет.
9. Алишер Навоий ҳикматларини бошланғич синфларда ўрганиш.... "Узлуксиз таълим тизимида ҳамкорлик педагогикаси" Халқаро конференция материаллари. Тошкент 2014 йил. 12-13- ноябрь
10. Алишер Навоий. Ибратли ҳикоятлар ва хислатли ҳикматлар. Нашрга тайёрловчилар А. Тилавов, И. Сайдуллаев. – Т.: "Sano - standart" нашриёти. 2016. – 520 бет.
11. Алишер Навоий. Ҳикматлар. / Алишер Навоий; тўпловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Э. Очилов. – Т.: O'zbekiston, 2011. – 408 б.

# O'ZBEK TILINING NOSTANDART LEKSISKASI. LEKSIK USLUBIYAT

**Mukhanova Muyasar Gayratovna**
**O'zbekiston, Toshkent davlat agrar universiteti, o'zbek tili o'qituvchisi**
**тел: +998 998560565 e-mail:muyassarmukhanova@gmail.com**

**Андатпа.** Лексика немесе лексикология ғылымы тілдегі барлық сөздерді, олардың мағынасын және сөйлеуде қолданылу ережелерін үйретеді. Ғалымдар тілдегі сөздерді жұлдыздарға теңейді: сөздік қоры өте бай және алуан түрлі

**Түйінді сөздер:** Әдістеме, лексика, лексикология, архаизм, кәсіп, сын есім, диалект, үстеу, denotativ, konnotativ.

**Abstract.** The science of lexis or lexicology teaches all the words in the language, their meaning and rules of use in speech. Scientists liken the words of the language to the stars: the vocabulary is very rich and diverse.

**Keywords:** Methodology, lexicon, lexicology, archaism, profession, adjective, dialect, dialect.

Tildagi jamiki so‘zlarni, ularning ma'no hamda nutqda qo‘llanish qoidalarini leksika yo leksikologiya fani o‘rgatadi. Olimlar tildagi so‘zlarni yulduzlarga o‘xshatadilar: lug'at juda boy va xilma-xil bo‘ladi. Ayrim tilshunoslarning taxminiga qaraganda, o‘zbek tilida ikki yuz mingdan ortiq so‘z bo‘lib, ularning bir qismi hamma uchun bir xilda tushunarlidir: ota, ona, o‘g'il, qiz, o‘rmon, tog', dala, bog', oy, quyosh, tuproq, yer, non, daftar, qalam, kitob, xat, olma, o‘rik, tesha, bolta va boshqalar.

Bunday so‘zlar juda keng doirada- uyda ham, ishlab chiqarish jarayonida ham, o‘qish vaqtida ham qo‘llanadi. Bir qism so‘zlar arxaizm, istorizmlar, tarixiy manbalarda uchraydi. Fan-texnikaga oid so‘zlarni jamlasak, o‘nlab lug'atlar tuzish mumkin. Maktab, oliy tallimda o‘qitiladigan darslarning har biri uchun yuzlab maxsus atamalar ishlatiladi. Tilda kasb-hunar so‘zlari, soha atamalari ham ko‘p bo‘ladi. Birgina duradgorlar nutqida randa, arra, poytesha, shayton, iskana, oybolta, darozranda, oshiq-moshiq, ombur, musht kabi so‘zlar uchraydi. Bog'bonlar, sabzavotkorlar, cho‘ponlar, paxtakorlar, agronomlar, dehqonlar va boshqa sohada ish yurituvchilar ham umumxalq so‘zlaridan tashqari, o‘z sohalariga oid so‘zlarga egadirlar.

Adabiy til ko'plab sheva va lahjalarni ham o‘z ichiga oladi: oyi, ada, et, kurra, obraz, ochiqich, dastsho‘y, chilopchin, chibarak, bo‘rik, cher, mogoldok, istak kabi so‘zlar ayrim shevalardagina qo‘llanib, o‘rni bilan badiiy asarlarda ham uchraydi

Shuningdek, tilda beadab, qo‘pol, g'aliz so‘zlar, jargonlar ham bo‘ladi. Ulardan bir to‘da shaxslargina foydalanadilar. Bu kabi so‘z va iboralarni nutqda qo‘llamaslik tavsiya etiladi.

Nostandart uslubiyat, Birinchidan, ana shu so‘zlarni o‘z ma'nosida qo‘llash haqida, Ikkinchidan, fikrni ifodalash uchun eng yaxshi so‘z va iboralarni tanlash haqida, uchinchidan, ba'zi nutq uslublari talab etganda, turli ifoda vositalarini (o‘xshatish, sifatlash, mubolag'a, notiqlik va b.) me'yorida, o‘rinli ishlatish to‘g‘risida qonun-qoidalar belgilab beradi.

Tildagi eng boy qatlam sinonimlardir. Masalan, shamol, shabada, yel, nasim, sabo, garmsel, bo‘ron, dovul kabilar. Lekin ularning ham o‘z o‘rni, ma'no o‘lchovi bor. Masalan: *mayning mayin shamoli yoki salqin ichimliklar* deb bo‘lmaydi. Ammo nutqda qo‘llanyapti. O‘zi xiyla katta, novcha, lekin umumiy taraqqiyoti past odamga buyuk degan sifatlashni qo‘llab bo‘lmaydi.

*Qizil yo qizillik* yaxshi so‘z. Lekin shu belgi burunda bo‘lsa-chi? Bunday holatda noo‘rin qōllangan bōladi.

Leksik uslubiyat so‘z qo‘llash me'yorlariga asoslanadi: *Kishi nuktani qilsa mujmal bayon, yaqin kim, aning sharhi topmas ayon.* (A.Navoiy)

- *Turklarga turkona aytmoq kerak, to ellarning barchasi fahm aylagaylar bizning aytgan so‘zimizni*. (Abulqosim Bahodirxon).

*Agar xat surati noxushdir, o‘qiguvchi va ma’no andin mushavvashdir. Xushnavisekim, sahvi ko‘bo‘lg’ay, ilgi falaj illatiga tub bo‘lg’ay.*

*Ulki bejo nuqta bila “habib”ni “xabis” qilgay… Aningdek habisi mehnatzadaga yuz la’nat. Yomon kotib manzili qalamdonidek choh aro bo‘lsin, Qalamidek bosh yaro va qaro bo‘lsin.*

Ayrim so‘zlar imlo va ma’nosi:

Nukta- nozik ma'noli so‘z

Nuqta- punktuatsion belgi

Safha- sahifa, varaq, kitob beti, daftar sahifasi
Sahv- xato
Kotib- yozuvchi, ko‘chiruvchi, kitob tuzuvchi
Kosib- kasb
Habib-do‘st
Habis-dushman
Ilgi-qo‘li
Ma'no ahli- ma'noli, donish, aqlli insonlar, o‘qituvchilar
Noxush- yaxshi emas
Falaj-kasallik, harakatsiz bo‘lib qolish
Xushnavo- chiroyli yozadigan

Tilshunoslikning leksika qismi uslubiyatda muhim o‘rin tutadi. Mohiyat e’tibori bilan leksik qatlam fikrni to’g’ri, aniq ifodalashning asosiy shartlaridan bo‘lib, sintaksisdan keyin ikkinchi o‘rinda turadi. Demak, fikrning aniq va ravshan bo‘lishi so‘zdan to‘g’ri foydalanishga bog’liq. So‘zdan to‘g’ri foydalanishga esa, avvalo uning lug’aviy ma’nosini anglash zarur. Lekin buning o‘zi yetarli emas. Fikrni to‘g’ri va aniq ifodalash va tushuntirish uchun so‘z ma’nolari doirasini, uning matnda ifoda etgan ottenkalari va ma’no ekvivalentlarini ham chuqur bilmoq kerak. Masalan, “yurmoq” fe’li “odimlab harakat qilmoq”ma’nosidan tashqari, “harakatlanmoq” (poyezd yurdi), “suzmoq” (paroxod yurdi), “sudralmoq” ( ilon yurdi), mavjud bo‘lmoq, o‘ralashmoq (u shu yerda yurdi) kabi ma’nolarni bildiradiki, buni anglamagan kishi fikrni to‘g’ri ifodalay olmaydi va to‘g’ri tushunmaydi.

O‘zbek tilini, uning barcha bo‘limlarini mukammal bilmay turib, uslubiyatni o‘rganish mumkin emas. Uslubiyatni yaxshi bilmay turib, o‘zbek tilimizning har qanday fikr, tushuncha, his-tuyg’u, voqelik va boshqalarning eng nozik nuqtalarigacha to‘la va nafis ifoda eta olishi mumkinligini anglab bo‘lmaydi. Ma’lumki, fikr og’zaki va yozma ravishda bayon etiladi. Har ikki shaklda ham so‘z ishlatishda ehtiyotkorlik mas’uliyat kerak. Yusuf Xos Hojib, A.Yugnakiy, A. Navoiy, Z.M.Bobur kabi shoirlarimiz asarlarida so‘zni o‘ylab ishlatish zarurligi ta’kidlangan. Bu fikr, xalqimizning “Aytilgan so‘z –otilgan o‘q” hikmatida ham o‘z aksini topgan.

Og’zaki nutqda so‘z qo‘llashdagi ayrim nuqsonlar umumiy fikr ichida sezilmay qolishi yoki tinglovchi uni to‘g’ri tushuna bilishi mumkin. Lekin yozma nutqda bunday qilib bo‘lmaydi. Yozma nutqda har bir so‘zning nominativ, denotativ (o‘z) va konnotativ (ko‘chma) ma’nolari jiddiy hisobga olinishi lozim. Aks holda, fikr noaniq yoki xira, tushunarsiz, bo‘lib qolishi mumkin.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Abdurahmonov G’. Sayfullayev A. Rustamov H. - Toshkent, “O’qituvchi”, 1995
2. O ‘zbek tilining imlo lug‘ati. “O‘qituvchi”, Toshkent, 2005.
3. Mahmudov N. O‘zbek tilining imlo lug’ati (FA nashr tahririyati). Toshkent-2003.

# NUTQIY FAOLIYATDA DIALOGIK NUTQNING O‘RNI VA UNING XUSUSIYATLARI

**Xamidullayeva Fotima Adxam qizi**
**Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti magistranti**
**тел: +998 99 887 55 54 e-mail: urunova1108@mail.ru**

**Аннотация**

Мақала әлеуметтік-мәдени феномен ретіндегі әлеуметтік философия тарихындағы диалогтың қалыптасуы мен дамуына арналған. Диалог идеясының дамуын М.М.Бахтин, Л.М.Баткин және М.С. Қаған. Сонымен қатар, бұл мақалада әртүрлі авторлардың көзқарасы бойынша сөйлеу әрекетінің түрі ретінде диалогтық сөйлеудің ерекшеліктері қарастырылады.

**Түйінді сөздер:** диалог, монолог, қарым-қатынас, қарым-қатынас, коммуникативті тәсіл, диалогтың эволюциясы, сөйлеу жағдаяттары.

**Annotation**

The article is devoted to the formation and development of dialogue in the history of social philosophy as a sociocultural phenomenon. The development of the idea of dialogue from M.M. Bakhtin, L.M. Batkin and M.S. is traced. Kagan. In addition, this article examines the features of dialogic speech as a type of speech activity from the perspective of different authors.

**Keywords:** dialogue, monologue, communication, communication, communicative approach, evolution of dialogue, speech situation.

Zamonaviy uslubiy adabiyotlarda dialogik nutqning ko‘p sonli bo‘limlarini topish mumkin, ammo bu tushuncha chet tillarini o‘qitish metodikasi rivojlanishining turli bosqichlarida, ta‘limning vazifalari, umuman chet tillarini o‘qitishga yondashuvlar va xususan og‘zaki nutq, shu jumladan dialogik og‘zaki nutq bilan bog‘liq holda turlicha talqin qilingan.

Dialogik nutq mustaqil tushuncha sifatida dastlab mavjud emas edi, avvallari faqat og‘zaki nutqni o‘rgatishga e‘tibor qaratilgan. Har bir davr turli darajada va turli bosqichlarda dialogik munosabatlar tamoyillarini o‘zlashtiradi. Xususan, “Badiiy madaniyat tarixida shunga o‘xshash hodisalar tez-tez uchrab turadi, ammo turli madaniy tizimlarda ular turli xil ma‘nolarga ega bo‘ladi. Belgini faqat kontekstda to‘g‘ri tushunish mumkin”. [Batkin, 1969: 101].

Yigirmanchi asr madaniyati kontekstida dialogik munosabatlarning o‘ziga xos xususiyatlarini tushunish, buzilayotgan tizimli aloqalarni tiklash uchun zamonaviy madaniyatning dialogga bo‘lgan favqulodda ehtiyojini va inqiroz holatining ushbu eng murakkab muammosini hal qila oladigan dialogning antientropik xususiyatini ochib beradi.

Muloqot falsafasida so‘zlashuvchilar o‘rtasidagi o‘zaro ta‘sirning ikki turi ajralib turadi: aloqa va kommunikatsiya (dialog va kommunikatsiya), ularning asosiy farqlari aniq.

**Kommunikatsiya** - subyekt va obyekt o‘rtasidagi o‘zaro ta‘sirning bir turi bo‘lib, u assimetrik va bir tomonlama. Uning ikkala ishtirokchisi - uzatuvchi subyekt va qabul qiluvchi obyekt - bir-biridan mustaqil ravishda mavjud bo‘lib, axborotni uzatadi va

o'zlashtiradi. Muloqotning tuzilishi juftlik, bir-biriga qarama-qarshilik tamoyiliga asoslanadi

**Dialog** - o'zaro ta'sirning subyektiv bir turi bo'lib, simmetrik va multimodaldir. Muloqotda aloqa ishtirokchilarning teng faolligiga asoslanadi, bu munosabatlarga ikki tomonlamalikni beradi, har birining o'ziga xosligini saqlab qolgan holda, ma'lumotlarning doimiy o'sishini va sheriklarning holatidagi o'zgarishlarni ta'minlaydi.

Shu bilan birga, dialogning maqsadi ishtirokchilar o'rtasida hamjamiyatni egallash, ularning sifat jihatidan o'sishiga aylanadi: "Muloqot natijasida g'oyalar yoki narsalar almashinuvi emas, balki har bir sherikning holatini o'zgartirish sodir bo'ladi va ularning umumiy mulkiga kiradi. Muloqot jamiyatni yaratadi, ayirboshlash esa uning ishtirokchilarining yakkalanishini saqlaydi" (Kagan, 1988: 150).

Rossiyada XVIII–XIX asrlar davomida chet tilini bilish o'qimishli odam uchun zarur deb hisoblangan.[Щукин, 2006: 480]. Shu bilan birga, nutqni rivojlantirishning asosiy vositasi suhbat deb ataladigan savol-javob mashqlari deb hisoblangan [Миролюбов, 2002: 36]. Og'zaki nutq fikrni ifoda etish vositasi sifatida o'qitilmagan, shuning uchun o'sha davrda u maqsad emas, balki faqat o'qitish vositasi edi. Chet tilini o'rganishda chet tilidagi til madaniyatini o'zlashtirish ustuvor vazifaga aylandi, til birinchi navbatda aqliy rivojlanish usuli va shundan keyingina o'rganilayotgan til mamlakati vakillari bilan aloqa vositasi sifatida qaraldi.

K.D. Ushinskiyning fikricha, "Har qanday chet tilini o'rganishning asosiy maqsadi birinchi navbatda Adabiyot bilan tanishish, keyin aqliy gimnastika bo'lishi kerak va nihoyat, iloji bo'lsa, amaliy tilga ega bo'lishdir" [Ushinskiy, 1972: 69].

Og'zaki muloqotni o'rganish va kommunikativ yondashuvni rivojlantirish natijasida dialogik nutqning ta'rifi ham to'ldirildi. Masalan, E. M. Rozenbaum dialogik nutqni "Til orqali muloqot jarayonida suhbatdoshlar tomonidan fikrlarni shakllantirish va yetkazib berish usuli" deb tushunadi. A. D. Klimentenko va A. A. Mirolyubovlar "Nutq faoliyati nazariyasi dialogik nutqni ijtimoiy nutq aloqasining bir shakli, birgalikdagi faoliyat jarayonida odamlar o'rtasidagi hamkorlik va o'zaro tushunishning asosi sifatida qaraydi" [Розенбаум, 1988: 14].

L. Bim dialogik nutqni bir-birini almashtirib turish va ikki yoki undan ortiq shaxslarning bir-birining nusxalarini yaratish bilan tavsiflangan to'g'ridan-to'g'ri muloqot jarayoni sifatida talqin qiladi [Bim, 1988: 176].

Shunday qilib, jarayon va ta'lim natijalari uchun muhim bo'lgan dialogik nutqning yangi tarkibiy qismlari paydo bo'ldi: motivatsiya, muammo, nutqiy vaziyat, nutq harakati. Masalan,dialogik nutqni ikki kishining uzluksiz, vaziyatli shartli nutq harakatlari shaklida kechadigan bevosita muloqot harakati; so'zlovchilardan birining tashabbusi bilan uning faoliyati davomida ushbu faoliyatning holatlari unga muammo tug'dirganda sodir bo'ladigan, u faqat shaxsni ushbu faoliyatga jalb qilish orqali hal qilishi mumkin bo'lgan harakat. Muloqot ushbu muammoni hal qilish yo'nalishida rivojlanadi va uning ruxsati bilan yo'qoladi. [Изаренков, 1981: 4].

Bu asosiy fikrlarning barchasi V. L. Skalkin ta'rifida hisobga olinadi. U shunday deb yozadi: "Dialogik nutq - bu vaziyat-tematik umumiylik va kommunikativ motivlar bilan birlashtirilgan, ikki yoki undan ortiq suhbatdoshlar tomonidan to'g'ridan-to'g'ri aloqa aktida izchil ravishda yaratilgan og'zaki nutqlarning kombinatsiyasi" [Скалкин, 1989: 6].

Hozirgi davrda oʻrta maktablarda chet tillarini oʻqitishning asosiy va yetakchi maqsadi bu butun oʻquv jarayonini belgilaydigan kommunikativ maqsad. Dialogik nutq ogʻzaki muloqotning asosiy shakllaridan biridir.

Oʻrganilayotgan chet tilida dialogik nutqni rivojlantirish zamonaviy pedagogika fanining eng dolzarb muammolaridan biridir. Buni yaqinda paydo boʻlgan bir qator tadqiqotlar, maqolalar, qoʻllanmalar tasdiqlaydi. Shunga qaramay, bu muammo keyingi uslubiy yechimni talab qiladi, chunki dialogik nutqqa qoʻyilgan zamonaviy talablar – oʻquvchilarni oʻrganilayotgan chet tilida gapirishga oʻrgatish - har doim ham va toʻliq qondirilmaydi.

Dialogik nutq keskinlik nuqtai nazaridan ham, monologga qaraganda ancha murakkab boʻlishiga qaramay, ishlatiladigan nutqning xilma-xilligi va sifatini koʻrish, namunalar va boshqa bir qator sabablarga koʻra, ogʻzaki nutqni oʻrgatishda izchillik nuqtai nazaridan, baribir dialogik nutqqa ustunlik berish kerak. Darhaqiqat, dialog orqali individual nutq namunalari, butun tuzilmalar ishlab chiqiladi va esda qoladi, keyinchalik ular monolog nutqida qoʻllaniladi. Dialog - bu ikki yoki undan ortiq shaxslar oʻrtasida toʻgʻridan-toʻgʻri bayonotlar almashinuvi boʻlgan nutq shakli. Har qanday dialog turli xil bayonotlarga asoslanadi, ularning kombinatsiyasi uning mohiyatini tashkil qiladi.

Dialogik nutq muayyan maqsad va vazifaga ega. Dialogik nutqning birligi monolog kabi nutqiy harakat yoki nutqiy vaziyatdir. Bu suhbat jarayonida bir-biridan tabiiy ravishda hosil boʻladigan bunday bayonotlarning almashinuvidir.

“Chet tillarni oʻqitish metodikasi: anʻanalar va zamonaviylik” tadqiqotida dialogni tavsiflashda uning bir qator xususiyatlarini hisobga olish zarurligi qayd etilgan:

1. **Psixologik xususiyatlar** - bir nutq akti doirasida qabul qilish va ishlab chiqarish uygʻunligi mavjud; nutqning butunligi ikki (yoki bir nechta) suhbatdosh tomonidan tuzilgan; ishtirokchilarning har biri navbat bilan tinglovchi va maʻruzachi rolini bajaradi.

2. **Til xususiyatlari** – dialogga xos konstruksiyalar, gaplarning oʻzaro aloqadorlik turlari, dialogning stilistik xususiyatlari. N.V.Glagolevning fikricha, dialog elementlari oʻrtasidagi aloqa vositalarini uch guruhga boʻlish mumkin:

grammatik (bogʻlovchi va yuklamalar), leksik-grammatik (olmoshlar) va leksik (takrorlar, korrelyatsiyalar).

3. **Ekstralingvistik xususiyatlar** - bir nechta sheriklarning muloqotida ishtirok etish; maʻlumotlarning mumkin boʻlgan xilma-xilligi; axborotni baholashdagi farqlar.

4. **Kommunikativ xususiyatlar** - muloqot jarayonida kommunikativ rollarning oʻzgarishi, muayyan nutqiy vaziyatga biriktirilishi [Миролюбова, 2010: 70].

Soʻzning toʻliqligi bilan ajralib turadigan monologdan farqli oʻlaroq, dialog talaffuzning toʻliq boʻlmagan uslubi bilan ajralib turadi va asosan kundalik xarakterga ega. Dialog kamroq rasmiy, norasmiy va soʻzlashuv soʻzlashuvi, lingvistik vositalarni tanlashda koʻproq erkinlikni ta’minlaydi, nolingvistik kommunikativ belgilar – mimika, imo-ishoralar va boshqalarga tayanishni oʻz ichiga oladi. Muayyan nutq vaziyati dialogik nutqni yakunlaydi, monologga qaraganda kam rivojlangan deb hisoblanadi. Dialog shuningdek, tayyor til formulalari va nutq klishelaridan foydalanish bilan ajralib turadi.

Chet tili oʻqituvchisining asosiy vazifasi, oʻquvchilarda oʻrganilayotgan tilda ogʻzaki nutqiy aloqa koʻnikmalarini shakllantirishdir. Umumtaʻlim dasturini yakunlash natijasi maktab oʻquv dasturi doirasida oʻrganilgan vaziyat va aloqa mavzusiga qarab, turli-xil ijtimoiy va yosh guruhlari, shu jumladan ona tilida soʻzlashuvchilar bilan boshlangʻich darajada muloqot qilish qobiliyati, shuningdek, oʻz fikrlarini taqdim etish koʻnikmalarini egallashi va u yoki bu masalaga munosabat bildira olishi kerak. Bunday natijaga dialogik nutqni oʻqitish orqali erishish mumkin, chunki dialog chet tilini oʻqitishning asosiy kommunikativ tarkibiy qismidir.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Баткин Л.М. Тип культуры как историческая целостность (Методологические записки в связи с Итальянским Возрождением) // Вопросы философии. – 1969. – N 9. – с. 99-109.
2. Бим И. Л. Теория и практика обучения немецкому языку в средней школе. Проблемы и перспективы. М.: Просвещение, 1988. 256 с
3. Изаренков Д. И. Обучение диалогической речи. М.: Русский язык, 1981. 136 с.
4. Каган М.С. Мир общения: проблема межсубъектных отношений. – М.: Политиздат, 1988. – 319 с.
5. Методика обучения иностранным языкам: традиции и современность / Под ред. А. А. Миролюбова. – Обнинск: Титул, 2010. – 464 с.;
6. Миролюбов А. А. История отечественной методики обучения иностранным языкам. М.: Ступени: Инфра-М, 2002. 448 с.
7. Розенбаум Е. М. Основы обучения диалогической речи на языковом факультете педагогического вуза (французский язык): автореф. дис. … д-ра пед. наук / МГПИ ин. яз. им. М. Тореза. М., 1983. 40 с.
8. Скалкин В. Л. Обучение диалогической речи. Киев: Рад. шк., 1989. 158 с
9. Щукин А. Н. Обучение иностранным языкам. Теория и практика: учеб. пособие для преподавателей и студентов. М.: Филоматис, 2006. 480 с

## “SIRDARYO NAVOLARI” ANSAMBLINING “SAVAT” RAQS TURKUMI HAQIDA

**Bekmurod Qosimov,**
**Nozima Poʻlatova**
**Oʻzbekiston davlat xoreografiya akademiyasi**
**san’atshunoslik yoʻnalishi 4-kurs talabalari**
***Ilmiy rahbar: H. Hamroyeva, filologiya fanlari doktori (DSc)***

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada Sirdaryo viloyati “Sirdaryo navolari” ansamblining “Savat” raqs turkumining estetik–etnografik xususiyatlari tadqiq qilinadi.

**Abstract:** In this article, the aesthetic-ethnographic characteristics of the "Savat" dance group of the "Syrdarya Navolar" ensemble of the Syrdarya region are studied.

**Аннотация**: Бұл мақалада Сырдария ауданы «Сырдария Наволар» ансамблінің «Сават» би тобының эстетикалық-этнографиялық ерекшеліктері зерттеледі.

**Kalit soʻzlar:** raqs, Sirdaryo, an’ana, savat, milliy qadriyat, kompozitsiy.
**Key words**: dance, Sirdarya, tradition, basket, national value, composition.

**Тірек сөздер**: би, Сырдария, дәстүр, қоржын, ұлттық құндылық, композиция.

Uchinchi Renessansni barpo etayotgan Yangi Oʻzbekistonda xalq madaniyati va tarixi, an’ana va etnografiyasi, adabiyoti va san’atini oʻrganishga davlat siyosati darajasida e’tibor berilmoqda. Sirdaryoning qadimiy madaniyati juda boy an’analarga ega. U oʻz ildizlari bilan uzoq asrlar tarixiga tutashgan. Qadim zamonlardan buyon Buyuk ipak yoʻlida joylashgan Sirdaryo Sharq bilan Gʻarb oʻrtasida savdo va madaniy aloqalar ravnaqida muhim ahamiyat kasb etgan.

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 4 fevraldagi “Milliy raqs san’atini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Qarorida “Oʻzbekistonda raqs san’atini yanada rivojlantirish, bu borada shakllangan ijodiy maktablarga xos an’analarni, mohir baletmeysterlar, balet artistlari merosini tiklash; milliy raqs san’atining mumtoz va zamonaviy ijro namunalari “oltin fondi”ni yaratish; xalqimiz, xususan, yosh avlodni milliy raqs san’ati haqidagi nazariy va amaliy bilimlar bilan keng tanishtirish orqali ularning qalbi va ongida milliy oʻzlikni anglash, ajdodlar merosiga hurmat tuygʻusini, yuksak badiiy-estetik did va tafakkurni kamol toptirish” [321] belgilangan.

Mustaqil taraqqiyot yoʻlini tanlagan har bir millat uchun madaniy meros va milliy qadriyatlarni asrash eng dolzarb va ustuvor vazifalardan biridir. Sirdaryo raqs maktabining asoschisi, taniqli xoreograf – pedagog Barno Xoliqova oʻz asarlarida koʻproq qadimiylik alomatlarini, milliy qadriyatlarni saqlagan holda ularni



umuminsoniy tushunchalar va hozirgi zamon an’analari bilan boyitib kelayotir. Xususan, bugun dunyoni hayratga solayotgan “Savat” raqs turkumi kabi noyob madaniy yodgorliklar uslub va janrlarining rang – barangligi qadim oʻlka san’atining ildizlari juda qadimiy ekanligidan dalolat beradi. Sirdaryo madaniyati va san’atining ibtidoiy zamondan to XX1 asrgacha bosib oʻtgan yoʻlini, shakllanish va taraqqiyot jarayonlarini, shuningdek, har bir tarixiy davrdagi uslub va janrlarining oʻziga xos xususiyatlarini milliy qadriyatlar bilan uygʻunlikda aniqlash dolzarb masalalardan biridir. “Savat” raqsi dunyoning Turkiya, Koreya, Rossiya kabi davlatlarida

[321] Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 4 fevraldagi “Milliy raqs san’atini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Qarori. OʻzA, 04.02.2020.

o'tkazilgan tanlovlarda ulkan muvaffaqiyat qozondi. Mazkur ma'lumotning o'ziyoq tabarruk zaminimiz madaniyatining ildizlari naqadar qadimiy ekanligidan dalolatdir.



Na`ba surasi (arabcha: سورة النبأ, nomining ma`nosi — *xabar*) — Qur`onning 78-surasi. Makkaiy suralardan biri, 40 oyatdan iborat. Bu sura Qur`onning 582–583-sahifasida va 30-juz`ida joylashgan.

Bugungi kunda suraning Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf, hamda Shayh Abdulaziz Mansur tomonidan tafsir va tarjima qilingan variantlari bor.( Shuni ham ta`kidlash lozimki, ilk bora Shayh Abdulaziz Mansur tomonidan tarjima qilingan Qur`oni karimning ma`nolar tarjimasiga A`zam O'ktam muharrirlik qilgan.)

Bismillahir rohmanir rohiym.

(Mushriklar) bir-birlari bilan nima haqida savol-javob qilishmoqdalar.[1.624.582] Ushbu oyati karima "na`ba"dagi 1-oyatning to'g`ridan to'g`ri, ya`ni so'zma so'z tarjimasi bo'lib, mutarjim, sa`jli oyat o'rnini to'ldirish uchun mushriklar so'zini qo'llaydi. Tarjimon tomonidan ushbu so'z qo'llanilgani uchun so'z qavs ichida beriladi.

Yana bir tarjimada ushbu oyatni "nima haqida so'rashadi?"[2.87] tarzida beriladi. Bu tarjima Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf hazratlariga tegishli bo'lib, oyati karimaning mazmunini umumlashtirib beradilarki, tafsirida oyatning mazmun mohiyati, uning nozil bo'lish sabablariga muxtasar to'xtalib ketiladi. Ya`ni, anavi mushriklar bir-birlaridan nima haqida so'rashmoqda? Ushbu savol so'ralayotgan narsaning ahamiyatini oshirish uchun bilib turib qasddan so'rash uslubiga kiradi. Avval aytib o'tilganidek, Makka mushriklari o'zaro bir–birlaridan o'lgandan keyin tirilish haqida istehzo va inkor tariqasida so'rar edilar. Ana o'sha mushriklar so'rayotgan narsa ulug` va ahamiyatli narsa ekanini anglatish uchun ushbu uslub ishlatilmoqda. Birinchi oyatda savol berilib turib, birovning javobini kutmasdan ikkinchi oyatda javob berilmoqda[2.88].

Har ikki tarjimada asliyatdan tarjima qilingan bo'lib, qiroatxonga oyat ma`no-mazmunini tushunish, mohiyatni anglashga yo'l berilgan bo'lib, biroq Qur`onning go'zal sa`j qofiyasini ifodalashga imkon bo'lmagan. Vaholanki, Qur`onning ohanraboligi va qiroat qilganda odamni sehrlab qo'yish qobiliyati sa`j bilan bog`liq. Ilk oyatlar vahiy etilib, Muhammad alayhi-s-salom qiroat qila boshlaganlarida mushrik qurayshliklar hidoyat so'zlariga quloq solmagani, va hatto payg`ambarni masxara qilganlari tarixdan ma`lum. shunda payg`ambar ularga o'zlari qiroat qilayotgan suraga o'xshashini ijod etishni taklif qiladilar. Hech bir inson bunga qurbi etmaydi. Arab alifbosidan bexabar o'quvchi uchun oyatlarni o'zimizga tanish harflar yordamida ifodalash kifoya qiladi.

A`zam O'ktam o'zining shoirona tafakkuri yordamida "Na`ba"ning sa`jli shaklini yaratishga harakat qilgan.

*Bu xalq bir-biridan neni so'rashar. Bu baxs ulug` xabar xususindadir* (ya`niki, bu bahs ulug` kun qiyomat kuni haqida. Bu haqida "qiyomat" surasida ham alohida ko'rsatmalar yuborilganki, shirk egalari "qiyomat kuni qachon o'zi?" – deb so'raydi. U shunday kunki, "u kunda insonga (dunyodalik chog`ida) qilib o'tgan va qoldirgan (barcha) narsalarning xabari berilur[1.577]. *Shu haqda ixtilof qilurlar hamon.* Bu kunning bo'lishi haqida shubhada bo'lgan kishilar, bu so'zlarni yolg`on deb masharalovchilar ko'p bo'lgan. *Yo'q, ular yaqinda bilurlar buni.* «Kallaa» lafzi arab tilida noto'g`ri fikrlarni shiddat bilan rad etish uchun ishlatiladi. Ushbu oyatda ham mushriklarning o'lgandan so'ng qayta tirilishiga ishonmayotganliklari masalasiga shiddat ila, «Yo'q!!!», deb rad etilmoqda. Yo'q!!! ularning bu qilmishlari noto'g`ri! Ular o'lgandan keyin tirilishni, albatta, biladilar. Bu ish ularning boshlariga, albatta, tushadi. hamma tezda bu ishni o'z ko'zi bilan ko'radi. *Yo'q, yana yo'q, juda tez bilajaklar*. *Yerni to'shak qilib bermadikmi biz,* «mihadan» - arab tilidan to'g`ridan to'g`ri tarjima qilinganda beshik ma`nosida keladi. Odatda beshik bu yangi tug`ilgan chaqaloqlarning orom olib uxlashi uchun juda ham ehtiyotkorlik bilan tayyorlangan buyum. Yerning shakli va shamoyili ojiz inson umr kechirishi uchun mos qilingani allohning buyukligiga dalil. *Qoziq bo'lmadimi tog`lar zaminga(*oyat so'zma-so'z tarjimada *"Tog`larni esa qoziqlar qilib qo'ymadikmi?"* tarzida kelsa, A`zam O'ktam bu oyati karima tarjimasida ritm va ohang uyg`unligini ham saqlab qolishga uringan.

Inson zoti hayotiy tajribaga suyanadi. O'zi ko'rgan va his qilgan, ilmiy isbotini topgan narsalargagina tayanadi. Tog`lar ulkan. ularning haybati hamisha insonni hayratga solib kelgan. bu biz ko'rib turgan haqiqat. yaqinda olimlarning tadqiqotlari natijasida tog`lar nechog`li ulkan bo'lmasin, zamin qa`rida ularning ko'rinishidan to'rt yarim marta katta qismi bo'lishi o'z isbotini topdi. Bejizga qoziq istilohi qo'llanmaganki, tog`lar qoziq bo'lib turmasa, yer kurrasi hozirgi holida turmasdan, nizomi buzilishini ham ulamolar isbot qildilar.

*Kechani yaratdik biz libos qilib, tirikchilik vaqti aylab kunduzni.* Kechani libos qilib, ya`ni barcha jonzotlar faoliyatdan to'xtashiyu, kun boshlanishi bilan ya`ni zamin tiriklik sari, tirikchilik sari intilishi ham byuk yaratguvchining ishi. Zero har bir hodisada o'lchov-mezon va tarozu borligiga ishora borki, suraning keyingi oyatlarida ham bu narsalar birma-bir sanab o'tiladi. *Tepangizda yetti mustahkam osmon. Har doim charaqlab turguvchi chiroq. Bulutni yaratdik – yorug` yomg`irlar. Ungay don, nabotot, serdaraxt o'rmon.O'sha kun kelmagi tayin bir vaqtdir. U kun sur chalinib bo'lursizlar jam. Eshikka aylanur yorilib samo. Sarobdek suzar tog` jilib o'rnidan.*

*Osiylar joyidir jahannam shaksiz, kofirlar qulashin poylab turar u. U joyda qolurlar ular ko'p uzoq. Topolmay salqinlik biror qultum suv. Faqat qaynoq suvu yiring icharlar. Muvofiq jazo shu. Nechukkim, ular noumid edilar hisob-kitobdan. puch, yolg`on derdilar oyatlarimiz. Neki bor qo'yganmiz hisoblab, yozib, toting, faqat azob bo'lgay ziyoda. Kim taqvodor najot manzili bordir, yana bog`, uzumzor, tengqur xushqadlar. Lim-lim maykosalar bordir u joyda – yolg`on, behuda so'z eshitmaslar hech. Bu rabbingiz bermish komil mukofot. Yer-u ko'k tangrisi, mehribon zot ul. Ruh va farishtalar saf tortajak kun bir so'z deyolmaslar qo'rqib ul zotdan, rahm ila izn olgan faqat rost so'zlar. U kun haqqi rostdir. Kimni xohlamish – tangriga eltguvchi yo'lni tutajak. Sizni ogoh etdik, kelgich azobdan, u kun neki qilmish ko'rur har kimsa. Kofirlar: "Koshkiydi tuproq bo'lsam..."-der.*

Qur`onning matni XIV asr davomida o'zgargani yo'q, o'zgarmaydi ham. Aksincha, undagi iboralar turli tillarga singib o'tib, o'ziga xos Qur`oniy iboralar sifatida turli xalqlarning maqol va matallariga asos soldi. Bir so'z bilangina olam-olam ma`noni ifodalovchi iboralar jilolanib tarix nafasi jonlandi[3.66]. Qur`on matni o'zgarmagan, islom dinini qabul etgan xalqlar tarixi zamon zayli bilan o'zgarib borgan. Qur`on matni zamon va makonda mahalliy-tarixiy muhit ta`sir doirasiga ega bo'lib, har bir xalq taraqqiyotining muayyan davrida o'ziga tegishli xulosalar chiqargan, Qur`on oyatlarini adabiy asarlarga kiritgan. Mazkur jarayon natijasida milliy adabiyotining Qur`on matni bilan sintezi asosida badiiy va diniy-didaktik asarlar yaratilgan. Diniy, falasafiy va umuminsoniy haqiqatlarni ifodalagan qarashlar A`zam O'ktam badiiy qiyofasini belgilashda muhimdir.

Adib "Xabar" tarkibida "Na`ba" tarjimasini shunchaki berib, boshqalarni lol qolidirishga urinmadi, balki, asar mohiyatida o'zi orzu qilgan, iymoni, ilmi, o'zini taftish qiluvchi qahramon Akramni, estetik idealini davr muammolari ichida namoyon bo'lishiga erishdi. O'zidan norozi bo'lgan solih inson qiyofasani gavdalantirdi. A`zam O'ktamning yutug`i shundaki, qissa davomida Akram ruhiyatidagi ziddiyatlarni "nopok bo'lsangiz yuviningiz degan hukm faqat badanga xosmi? ko'ngil-chi? uni poklay olmadim-ku, axir", "odamlar ko'zida kimmiz-u olloh nazdida kimmiz?", "biz Qur`on oyatlarini o'qiymiz, biroq aksar hollarda ma`nosini bilmaymiz", "oyatni yodlamasin, ma`nosini bilsin, qalbiga o'z-o'zidan muhrlanib qolsin. bilmagan narsasini o'qimasin. nimani o'qisa–bilsin, bilganiga amal qilsin. biz dunyoviy bilimlarni olishimiz shart" singari qahramon ichki nutqi orqali o'quvchi anglab boradi.

Biz tarix va kelajak oralig`idagi mavjudotmiz. o'tgan kunimizga qarab ertamizga ko'z tikamiz. Barchaning borar manzili bitta. "Xabar" qissasi mazmunida ham, "na`ba" surasi mohiyatida ham bitta maqom mavjud – tanazzul. Haqiqat ko'rinib tursa ham, uni tan olish qiyin masala ekani asar orqali ochiq oydin ko'rsatib berilgan.

A`zam O'ktam ijodi haqida fikr bildirgan Bahodir Karim "XX asrning birinchi choragidagi alg`ov-dalg`ovlarga, o'zgarish va tahlikalarga to'la davr voqealarini qalamga oladi. Sho'ro idorasining kirib kelishi, nomigagina o'tkazilgan saylovlar, boylar, bosmachilar va nihoyat, Akram kabi tozalik yo'lida jon kuydirib, dinni bid`at-xurofotdan toza ko'rish niyatidagi yigitlarning intilishlari – barcha-barchasi qissada pokiza nazardan o'tkaziladi. "Xabar"da Akram, Tavfiqbek, Nuriddin qozi singari turli toifa kishilarining qiyofasini, ichki va tashqi olamini bir muncha teran tasavvur etish mumkin. Asarda tig`izlik bor, voqea-hodisalar juda ixcham-muxtasar bayon etilgan. "Xabar" qissasining yakunida Akram Tavfuqbekka xat yozib el-yurt sho'rolar qo'liga

o'tgani xabari beriladi. Sarlavhadagi "Xabar"ning bir sababi shu. ikkinchidan, ayni maktubda Qur`oni karimning "Na'ba`" – "Xabar" surasining sajli-go'zal tarjimasi keladi. Sura mohiyati qissa mazmuniga qaysidir ma`noda bog`liq"[10.7].

Ko'rinadiki, *"Xabar"*da e`tiqod va nafs, ozodlik va mute`lik, haqiqat va tiriklik, millat va iymon o'rtasidagi harakatdan, ziddiyatdan xabar beriladi. Asarda asosiy detal – Qo'qon, maqsad uning fojeasini tasvirlash asnosida Akramning fojeasi, inson fojeasi, iymon fojeasi tarzida ko'rsatib beriladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Qur`oni karim ma`nolarining tarjima va tafsiri/matn/ tarjima va tafsir muallifi, Shayh Abdulaziz Mansur/Muharrir: A`zam O`ktam. –T.: Cho`lpon nashriyoti, 10992. 624-b. 582-bet
2. Shayh Muhammad Sodiq Muhaammad Yusuf, Tafsiri hilol, 30-juz,, Hilol-nashr, 2011.
3. Hamidulla Karomatov. "Qur`on va o'zbek adabiyoti", T.: O'zFA, Fan, 1993.
4. Hotamov I., Sarimsoqov B., Adabiyotshunoslik terminlarining ruscha-o'zbekcha izohli lug`ati, -Toshkent: O'qituvchi, 234-bet.
5. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf,*«Hadis va hayot» 34-juz hilol-nashr ,-Toshkent: 2009*
6. Uzoq Jo'raqulov, Xududsiz jilva, -Toshkent: fan, 2007.
7. A`zam O'ktam, "Xabar" qissasi//sharq yulduzi jurnali, 1995 yil, 1-2 son.
8. https://www.scienceproblems.uz/index.php/journal/article/download/738/633
9. http://www.inovatus.es/index.php/ejine/article/download/928/1061
10.https://oriftolib.uz/kutubxona/bahodir-karim-azam-shoirning-oktam-ovozi/?imlo=k#
11. A`zam O'ktam, "Xabar" qissasi//Sharq yulduzi jurnali, 1995 yil, 1-2 son.

# M.KOSHG'ARIYNING "DEVONU LUG'OTIT TURK" ASARIDAGI MAQOLLAR TAHLILI

**Abdumalikova Tabassum Dilshodbekovna**
**Namangan davlat universiteti filologiya**
**fakulteti 2-bosqich talabasi**
**Ilmiy rahbar: S.Jo'raboyeva O'zbek adabiyotshunosligi kafedrasi o'qituvchisi**

**Annotasiya**: ushbu maqolada muallif maqol tushunchasiga to'xtalib, uning xususiyatlarini keltirib o'tgan va turli xalq maqollaridan namunalar bergan. Shuningdek, Mahmud Koshg'ariy asaridagi ayrim maqollarning tahlili, xususiyatlati hamda hozirgi kundagi ahamiyati va o'rniga e'tibor qaratgan.

**Kalit so'zlar**: "Devonu lug'otit turk" asari, maqol, uning xusiyatlari, turli xalq maqollari, devondagi maqollar tahlili

**Annotation**: in this article, the author touched on the consept of a proverb cited its characteristics and gave examples of various nations' proverbs. Also she paid attention to the analysis, characteristics and importance of some proverbs in Mahmud Koshgari's work

**Key words**: "Devonu lugotit turk'', proverb, its characteristics, various nations' proverbs, analiysis of proverbs in Devon

**Аннотатция**: в данной статье автор затронул понятие пословицы, привел ее характеристики и привел примеры различных народных пословиц. Он также

уделил внимание анализу, характеристике, значению и месту некоторых пословиц в творчестве Махмуда Кошгари.

**Ключевые слова**: «Девони луготит турк», пословыца, ее характеристика, различные народные пословицы, анализ пословиц Девона.

Har bir xalqning ma’naviyati va ma’rifati bo‘lganidek, O‘zbek xalqining ham o‘ziga xos tarixi, madaniyat durdonalari mavjud. Ular xalqimizning uzoq yillik an’analari asosidagi xulosalariga tayanib, xalq og‘zaki ijodining durdonalariga aylangan. Jumladan, xalq maqollari mehnat jarayonida paydo bo‘lib, uning ilk namunalari qadimgi davrlarga borib taqaladi.

Mahmud Koshg‘ariyning ,,Devonu lug‘otit turk’ ’ asari turkiy tillar tili va adabiyoti, etnografiyasi, tarixi uchun eng qimmatli qomusiy asarlardan biri desak, mubolag‘a bo‘lmaydi. Asar 1070-1083- yillar davomida yaratilgan. Koshg‘ariy ushbu asarini Abulqosim Abdulloh binni Muhammad al-Muqtadoga bag‘ishlagan. Uning asl nusxasi bizgacha yetib kelmagan. Asar yaratilgandan keyin 2000 -yil o‘tgach ko‘chirilgan nusxasi 1914-yilda Turkiyaning Diyorbakir shahridan topilgan birdan bir nusxasi mavjud. 1915-1917- yillarda 3 tomlik kitob holida Istanbulda R.Rifat tomonidan nashr etildi. M.Koshg‘ariy ushbu asarni yaratishda Xalil ibn Ahmadning “Kitob ul-ayn lug‘atiga asoslangan. “Devonu lug‘otit turk” asari dunyoninguyg‘ur, ingliz, fors, qozoq, rus, ozarbayjon, o‘zbek kabi tillarda nashr qilingan. Asarning tarkibidagi muqaddima va lug‘at qismlari bevosita muallifning o‘ziga xos bo‘lgan fikrlarini ifodalab, bugungi kun uchun qimmatli manba beruvchi asar sifatida shakllantirilgan.

Muqaddima qismida – turkiy tillarning mavqe’yi, devonning yaratilish sabablari, asar mundarijisi, turkiy tillarda so‘z tuzilish, yasalish, turkiy qabilalar tilining o‘ziga xos xususiyatlari yoritib berilgan. Lekin o‘zbek tilining ichki imkoniyatlari asosan lug‘at qismida yaqqol ifodalangan. Lug‘at qismining o‘zi 8 ga bo‘linadi:

- hamzali so‘zlar( boshidagi so‘zlar)
- solim so‘zlar( tarkibida so‘zlar)
- Muzaof so‘zlar(tarkibida bir harf takrorlangan so‘zlar);
- Misol so‘zlar ( tarkibida)
- Uch harfli so‘zlar;
- To‘rt harfli so‘zlar;
-G‘unnalar (tarkibida burun tovushi keladigan so‘zlar);
- Tarkibida ikki undosh qator kelgan so‘zlar;

Asarda turli so□z va iboralarning ma□nolarini izohlash maqsadida xalq og‘zaki ijodidan 300 dan ortiq namuna va misollar keltirilgan. Shularning 250 dan ortig‘ini maqollar tashkil etadi.

Maqol xalq og‘zaki ijodi janri hisoblanadi. Maqollar qisqa va lo‘nda, obrazli va obrazsiz, grammatik va mantiqiy tugallangan manoli, hikmatli ibora chuqur mazmunga ega boladi. Shuningdek, unda mazmun aniq, xulosa tugal, ifoda ravon bolib, unda ibratli fikr aytiladi. Maqollarda avlod-ajdodlarning hayotiy tajribalari, jamiyatga munosabati, tarixi, ruhiy holati, ijobiy fazilatlari mujassamlashgan bo‘ladi. Ushbu janr mavzu jihatidan nihoyatda boy va xilma-xildir. Vatan, mehnat, ilm-hunar, do‘stlik, ahillik kabi ijobiy hislatlar shu bilan birga, dangasalik, jasoratsizlik, baxillik kabi salbiy hislatlar xususida maqollar yaratilgan. Maqollar ba‘zan «matal,

"Zarbulmasal","naql", "donishmandlar so'zi", "otalar so'zi" kab nomlar bilan ham yuritiladi. Har bir xalqning o'ziga xos maqollari bo'ladi, ya'ni bular o'sha xalqning tarixi, turmushi, madaniyatining rivojlanishi natijasida shakllanib boradi. Masalan, turli xalqlarning hayot haqidagi maqollaridan namunalar keltirsak.

Yaponiya xalq maqollari:

1. Haqiqiy baxtning bir lahzasi umrni ming yilga uzaytiradi.
2. Hatto oylar va kunlar uzoq bo'lsa ham, hayot qisqa.
3. Hayot - orqangizda og' ir yukxalta bilan uzoq safar.

Xitoy xalq maqollari:

1. Hayot vaqt deb nomlangan varoqqa yozilgan va bu varoq tugashi bilan u abadiy ketadi.
2. Faqat hayot sizgabaxt keltiraolmaydi. Bu faqat biro narsa bilan to'ldirishingiz kerak bo' lgan vaqt va imkonni beradi.
3. Bir lahzalik xato butun bir umrning qayg'usiga aylanadi.

Afrika xalqlari maqollar

1. Hayot velosiped haydashga o'xshaydi:agar siz pedaldan to'xtamasangiz, yiqilmaysiz.
2. Hayot  eng yaxshi o'qituvchi.
3. Insonning yiqilish uning umrining oxiri emas.

Ispan xalq maqollari:

1. O'limdan qo'rqmagan odam hayotdan zavqlana olmaydi.
2. Hatto yaxshi hayot ham ajinlarni yo'q qiladi.
3. Hayot  biz uchun qimmatbaho sovg'a.

Arab xalq maqollari:

1. Hayot  olovga o'xshaydi, tutundan boshlanadi va kul bilan tugaydi.
2. Sizning hayotingizning har kuni – bu sizning tarixingizning sahifasi.
3. To'rt narsa hech qachon qaytmaydi: aytilgan so'z, otilgan o'q, o'tmishdagi hayot, va o'tkazib yuborilgan imkoniyat.

Turkiy xalqlarning maqollaridan namunalar dastlab, Mahmud Koshg'ariyning "Devonu lug'otit turk" asarida keltirilgan. Quyida ushbu asardagi ayrim maqollardan namunalar keltiriladi:

9. Ermägükä ešik art bolur. Ma'nosi: Yalqovga eshik ostonasi ham tog' tepasidek ko'rinadi. 31-bet. Ushbu maqolda yalqovlik illati qoralangan. Yalqov insonga hattoki eshik ostonasi ham uzoq masofalik joydek ko'rinadi. Bundaylar uchun arzimagan ishlar ham katta qiyinchilik bilan bajariladigan ish deb qaraydilar. Lekin inson bunday yalqovlik, dangasalik bilan biror bir ko'zlagan masadiga erisholmaydi

10. Öd kečar, kiši tuymas, yalïnuq oğlï mängü qalmas. Ma'nosi: Zamon kechar kishi to'ymas, inson bolasi mangu qolmas. 32-bet. Inson zoti umrida davomida qancha mol-dunyo orttirsa ham hech qachon to'ymaydi. Aksariyat insonlar shu mol-dunyoni ortidan quvib umrlari tugab qolganini ham bilmay qolishadi. Zamon, vaqt o'taveradi, lekin inson bu dunyoda mangu qolmaydi. Bu dunyo foniy ya'ni vaqtinchalik dunyodir.

11. Tilkü öz inikä ürsä, uduz bolur. Ma'nosi: Tulki o'z iniga qarab ulisa(xursa) qo'tir bo'ladi. Bu maqol o'z elini, urug'ini, mamlakatini yomonlovchilarga qarata aytiladi. 36-bet. Kishi qayerda tug'ilsa, bu uning jonajon tuprog'i, yurti ,vatani bo'ladi. Shu yer unga tug'ilgandanidan to vafot etguniga qadar

muqaddas maskan hisoblanadi. Unga xiyonat qilish eng og‘ir gunohdir. Ushbu maqol majoziy xarakterga ega bo‘lib, muallif tulki misolida vataniga xiyonat qiladigan insonlarning qanday ahvolga tushishini ko‘zda tutgan.

12. Öküz adaqï bolğïnča, buzağu başï bolsa yeg. Ma’nosi: Ho‘kizning oyog‘i bo‘lguncha, buzoqning boshi bo‘lgan yaxshiroq. Bu maqol „mustaqillik bo‘ysunishdan yaxshiroq’’ degan ma’noda qo’llaniladi. 37-bet. Qaramlik-bu har bir millat va xalq uchun eng og‘ir bo‘lgan holatdir.Qaram bo‘lgan xalqlar o‘z huquqlarini himoya qilish, kurashish uchun yetarlicha jasorat yetishmaydi. Ushbu maqol ham majoziy ma’noda ho‘kizning oyog‘i bo‘lib doimo pastda bo‘lgandan, buzoqning boshi bo‘lib foimo yuqoriga intilish lozim.

13. Ağïlda oğlaq tuğsa, arïqda otï ünär. Ma’nosi: Og‘ilda buzoq tug‘ilsa, ariqda o‘ti unadi. Ushbu maqol ovqat yoki rizq uchun ortiqcha urinish va qayg‘urishning kerak emasligini anglatish uchun ishlatiladi. 39- bet. Aytishadiki, bu dunyoda har bir insonning o‘ziga yarasha belgilab qo‘yilgan rizqi bo‘ladi. Inson shu rizqi tugamaguncha bu dunyodan ketolmaydi.Mol-dunyo uchun ortiqcha qayg‘urish befoyda. Chunki odamlar o‘zlarining rizqilaridan ortig‘iga erisholmaydi.

14. Erig irini yağlïğ, ermägü başï qanlïğ. Ma’nosi: Tirishqoqning labi yog‘li, erinchoqning boshi qonli. 41- bet.Tirishqoq inson doimo o‘z mehnati izlanishi, harakati tufayli ko‘zlagan maqsadlariga erishib keladi. Hech qachon harakatdan to‘xtamagani tufayli „labi yog‘li’’ bo‘ladi bo‘ladi.Erinchoq esa hech nima qilmagani tufayli bamisoli ko‘lmak suvdek turaveradi, hech qachon harakatlanmaydi. Uning bu ishi esa bir kun kelib o‘z boshiga kulfat keltirishi ham hech gap emas.

15. Adïn kiši näni nänsinmäs. Ma’nosi: Boshqa birovning moli qo‘lingda bo‘lsa ham, seniki hisoblanmaydi. Chunki u qaytariladi. 52-bet.Bu maqol omonatga xiyonat qilmaslik kerakligi, uni o‘z egasiga qachondir topshirilishi muqarrar ekanligi haqida aytib o‘tilgan.O‘zbek xalqida bu azaliy qadriyatni bo‘lib keladi.Shu kabi holatni yana O‘.Umarbekovning „Qiyomat qarz’’ asarida ham uchratishimiz mumkin. Sarsonboy ota Haydarali tashlab ketgan qo‘ylarni iradan 20 yil o‘tsa-da, saqlab, ularga xiyonat qilmay kelishi, bir kun kelib qolar deya ularni hech kimga bermay o‘zi asrab keladi.

16. Erdäm başï tïl. Ma’nosi: Odobning boshi til. Ya’ni shirin tilli bo‘lgan kishi yuqori martaba topadi. 55- bet. „Lafz- bu insonning yarim ko‘rki’’,- deb bejiz aytilmagan. Chindan ham shirinso‘z insonlar har vaqt qadrlanib kelingan.Bunday insonlar har qanday vaziyatdan chiqib keta olishlari yoki qayg‘uga botgan insonni kayfiyatini ko‘tarib yuborishi mumkin.Qadimda ham podshohlarga so‘zlari, gaplari yoqib qolib yuqiri martabalarga erishgan amaldorlar ham bo‘lgan.

17. Arpasïz at ašumas, arqasïz alp čerig sïyumas. Ma’nosi: Arpasiz ot qir osholmaydi, yordamchisiz yigit jangda yengolmaydi. Ushbu maqol ishda hamkorlikka chaqirish ma’nosida qo‘llangan. 63- bet.Biror bir mashaqqatliroq ishga duch kelganda yoningda doimo sheriging bo‘lsa yaxshi. Chunki u bilan barcha qiyinchiliklarni birdamlikda, hamkorlikda bajarishlari mumkin

18. Yïlan kendü egrisin bilmäs, teväy boynïn egri ter. Ma’nosi: Ilon o‘zining egriligini bilmaydi-da, tuyaning bo‘ynini egri deydi. Bu maqol birovning aybidan so‘z ochuvchi g‘iybatchilarga nisbatan qo‘llanadi. G‘iybat eng yomon illatlardan biri hisoblanadi. Ba’zi insonlar o‘zum qandaymanku deb o‘tirmasdan, hech qo‘rqmasdan birovning ayblarini aytib g‘iybat qiladi, bu esa yaxshimas. Chunki inson kimgadir xoh

yaxshilik, xoh yomonlikni istasa, kun kelib oʻzining boshiga ham shu ishlardan biri tushishi mumkindir 64- bet.

19. Otuğ udğuč birla öčürmäš. Ma’nosi: Oʻtni alanga bilan oʻchirilmas. Bu maqol urushni yoki tortishuvni yana urush bilan emas, balki sulh bilan bostirish mumkin degan mazmunda qoʻllaniladi. 85- bet.Har qanday urush yoki tortishuvda,avvalo, tinchlanib, gʻazabini bosib soʻngra aql bilan ish kprish lozimligi ta’kidlangan. Shoshqaloqlik bilan, oʻylamay chiqarilgan qaror oxir-oqibat salbiy natijalarga olib kelishi mumkin.

20. Etli tïrïnaqlï edirmäs. Ma’nosi: Et tirnoqdan ayrilmas. Bu maqol yaqinlarga qarata aytilgan. Ya’ni yaqin kishilar bir-birlaridan ayrilmaydilar, chunonchi, et bilan tirnoqni bir-biridan ayrib boʻlmagani singari. 85-bet.Bu maqolda oila a’zolar,qarindoshlar oʻrtasidagi mehr-oqibat ta’kidlab oʻtilgan. Bular goʻyoki et va tirnoqdek gap. Ularni bir-biridan ajratib boʻlmaydi. Shuni tilab qolamizki, har doim insonlar bir-biri bilan shu et va tirnoq qanchalik mustahkam boʻlsa, ularning ham mehr-oqibati shunchalik kuchli boʻlsin.

21. Suv ičürmäskä süt ber. Ma’nosi: Suv ichirmasga sut ber. Ya’ni senga yomonlik qilganga ham yaxshilik qil deyiladi. 98- bet.Yaxshi insonlar shunday boʻladiki, kimki ularga doimo yomon munosabatda boʻlib, yomonlikni ravo koʻrsa ham u insonlar faqat yaxshilik qilishadi. Chunki ular ham bilishadi, yomon insonlar bilan urushish, tortishish natijasida oʻz obroʻlarini toʻkib qoʻyishlari mumkin. Nimgadir yomonlik qilish ularning xayollariga ham kelmaydi, ular faqat yaxshilik qilishadi.

22. Kenäšlig bilig üdräšür, kenäšsiz bilig oprašur. Ma’nosi: Maslahatli ish borgan sari yaxshilanib boradi, maslahatsiz ish borgan sari buzilishga yuz tutadi. 102-bet. Maslahatli ish har vaqt oʻzini oqlab kelgan. Chunki unga koʻpchilik odamlar fikr bildiradi, yoki oʻzimizdan yoshi katta boʻlgan insonlar ham boʻlishi mumkin.Oʻzboshimchalik, shoshqaloqlik bilan qilingan har bir ishds kun kelib turli kamchiliklarni kuzatishimiz mumkin boʻladi.

23. Köp sügütkä quš qonar, körklüg kišikä söz kelir. Ma’nosi: Sershox daraxtga qush qoʻnadi, yaxshi kishiga maqtov keladi. 132- bet.Yaxshi insonlar doimo oʻzining yaxshi hislatlari bilan maqtovga sazovor boʻlib kelishadi. Maqolda ham bunday insonlar sershox daraxtga qiyoslangan. Sershox daraxtga qanchalik koʻp qush qoʻnsa, yaxshi insonga ham shunchalik koʻp maqtovlar kelib turadi. Sershox daraxt ham oʻz-oʻzidan shu darajaga erishmagandek, yaxshi insonlar ham oʻz-oʻzidan shunday maqtovlarga loyiq boʻlib qolmaydi. Bu maqtovlarga sazovor boʻlish uchun, avvalo, unga loyiq boʻlish lozim.

Xulosa qilib aytganda, maqollar bu bizning ota-bobolarimiz davrlaridan beri ishlatib kelinayotgan qadriyatlardan biri desak, mubolagʻa boʻlmaydi. Unda xalqimizning tarixi, turmush tarzi, yashash sharoiti kabilar oʻz tasdigʻini topgan boʻladi. Mahmud Koshgʻariyning „Devonu lugʻotit turk’’ asarida xalqimizning eng qadimiy maqollaridan namunalarini uchratamiz.Undagi ayrim maqollarni hozir ham oʻzimiz kundalik hayotimiz davomida ishlatamiz. Soʻzlarga maqollardan qoʻshib aytish nutqni aniq va ravon qilib, nutq ta’sirchanligini oshirishga xizmat qiladi. Bejizga: ”Soʻz koʻrki-maqol”,- deya ta’kidlanmagan.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Mahmud Koshg'ariy .Devonu lug'otit turk. Tarjimon va nashrga tayyorlovchi S.M.Mutallibov. Tom I II III. -Toshkent, 1960-1963.
2. Akbaraliyeva Xurshida Shavkatjon qizi "Devonu lug'otit turk'' asaridagi somatizm komponentli maqollarning lingvomadaniy xususiyatlari'' nomli maqolasi. Oktabr .2021.
3. uz.m. wikipedia.org sayti.
4. gigafox.ru sayti.

# ERKIN VOHIDOV G'AZALLARINING LINGVOPOETIK TADQIQI

**Turg'unova Xolida Ikromjon qizi**
**Namangan davlat universiteti talabasi**
**xolidaturgunova2004@gmail.com**
(Ilmiy rahbar: dots. N.Qazaqova)

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada lingvopoetikaning, asosan, fonopoetika va poetik sintaksis tarmoqlari doirasida tahlillar keltirilgan. Bunda poetik nutqda alliteratsiya, anafora, epifora, antiteza, inversiya, sintaktik parallelizm va ellipsis hodisalarining uchrashi Erkin Vohidov g'azallari misolida tadqiq qilinadi.

**Kalit so'zlar:** Badiiy nutq, lisoniy to'qima, alliteratsiya, anafora, epifora, antiteza, inversiya, sintaktik parallelizm, ellipsis, stilistik figura.

**Аннотация:** Бұл мақалада лингвопоэтика, негизинен фонопоэтика және поэтикалық синтаксис аясында талдаулар берілген. Бұл ретте поэтикалық сөйлеуде аллитерация, анафора, эпифора, антитеза, инверсия, синтаксистік параллелизм, және эллипсис құбылыстарының кездесуі Еркін Вахидовтың ғазалдары мысалында зерттеледі.

**Annotation:** This article presents analyzes within the framework of linguopoetics, mainly phonopoetics and poetic syntax. In this case, the occurance of alliteration, anaphora, epiphora, anithesis, inversion, syntactic parallelism and ellipsis in poetic speech is studied on the example of Erkin Vahidov's ghazals.

**Кілт сөздер:** Көркем сөз, тіл ұлпасы, аллитерация, анафора, эпифора, антитеза, инверсия, синтаксистік параллелизм, еллипсис, стильдік фигура.

**Key words:** Artistic speech, lingual tissue, alliteration, anaphora, epiphora, anithesis, inversion, syntactic parallelism, ellipsis, stilistic figure.

Badiiy nutq ijodkor o'z idiostilini yaratish uchun, o'z qobiliyatini ko'rsatish uchun eng yaxshi imkoniyatdir. Unda „…avvaldan ma'noga ega bo'lgan til birliklari badiiy asarning lisoniy to'qimasini shakllantirar ekan, ular ijodkorning badiiy mahoratiga uyg'un ravishda yana yangi, o'ziga xos badiiy ma'no-mazmunlarni inkishof qiladi." [1] O'zbekiston xalq shoiri Erkin Vohidov ham o'z she'rlarida til birliklaridan emotsional-ekspressivlikni ta'minlashda juda unumli foydalangan. U nafaqat go'zal she'rlar muallifi, balki XX asr o'zbek adabiyotida salmoqli g'azallar bitgan va bu sohada samarali qalam tebratgan shoirlardan biridir. Ijodkor g'azallarida jonlantirish, takror va alliteratsiya hodisalari va jumlalarning kompozitsion-sintaktik qurilishidagi mukammallik va o'ziga xoslik ularning oson va ravon o'qilishiga, tez yodda qolishiga sabab bo'ladi. Ularda shoir antonimlar va omonmlardan ham keng foydalangan. Uning aruz vaznidagi she'rlari „Yoshlik devoni"da jamlangan.

Erkin Vohidov she'rlarini dastlab fonopoetika nuqtayi nazaridan tahlil qiladigan bo'lsak, bir xil harflar bilan boshlangan so'zlar takrori, ya'ni alliteratsiya orqali ohangdorlik va ravonlikka erishilganini ko'ramiz. Uning „Qaro qoshing…'' deb boshlanuvchi ruboiysida har bir so'z „q'' harfi bilan boshlanadi. Yoki uning „Ko'zgu'' g'azali boshlanmasiga e'tibor beradigan bo'lsak, unda „y'' harfi takroriga katta e'tibor berilganini ko'rami :

Yormi ko'zguga boqqan, yorga yo boqar ko'zgu,
Yor yuzini ko'rganda suv bo'lib oqar ko'zgu.

Shoirning yana bir baytini tahlil qilaylik:

Qatra – shabnam, qatra -ko'z yosh,
Qatra qon-u, qatra – ter,
Qatra shabnamdek bu she'rim –
Ko'rgan el ham qatra der.

Bu yerda butun she'rni birgina „qatra'' so'zi boshqarib turibdi. Unda anafora bilan bir qatorda o'xshatish san'atidan unumli foydalanilgan. Anafora hodisasi bir necha misra boshidagi so'zlarning takrorlanishi bo'lsa, epifora hodisasi ham borki, u anaforaning teskarisi, ya'ni bir necha misra oxirida bir xil so'zlarning takrorlanishidir. Misol uchun, Erkin Vohidovning „Parishonlik'' she'ri quyidagicha boshlanadi. Unda huddi shunday epifora hodisasini kuzatishimiz mumkin:

Doimo dedim bo'lma oshino, parishonlik,
Bo'ldi oshino dilga doimo parishonlik.
Dilrabo xayoliga ne ajab, parishonmen,
Oshikor etar doim dilrabo parishonlik.

Erkin Vohidovning „Rubobim tori ikkidur…'' g'azali esa boshdan oyoq antiteza hodisasi zamiriga qurilgan. Undagi har ikkita ketma-ket kelgan predikativ birlik bir-biriga antonimdir. G'azal quyidagicha boshlanadi:

Rubobim tori ikkidur: biri quvnoq, biri mahzun,
Ki baytim satri ikkidur: biri dilxush, biri dilxun.

„Poetik nutqda antitezaning sintaktik figura sifatida alohida o'zi qo'llanishi kamyob hodisa bo'lib, ko'pincha boshqa figuralar bilan birgalikda qo'llanadi. Masalan, takrorning biror bir turi yoki sintaktik parallelizm tarkibida qo'llanishi kuzatiladi.''3 Yuqorida keltirilgan parcha bunga yaqqol misol bo'la oladi. Unda quvnoq va mahzun, dilxush va dilxun predikatlari kontrastlikni hosil qilgan bo'lsa, ikkidur so'zi takrori va sintaktik kompozitsiyadagi parallellik – barisi shu bir baytda jam bo'lgan. „Badiiy matnni sintaktik jihatdan bir xil shakllangan gaplar ko'p qo'llaniladi. Tilshunoslikda bunday qurilmalar parallelizm atamasi ostida o'rganiladi. Parallelizm (yun. Parallelos – yonma-yon boruvchi) – yonma-yon gaplar sintagmalarning bir xil sintaktik qurilishga ega bo'lishi.''1 „Parallel birliklarning asosiy vazifasi fikrga izoh berish va, eng muhimi, unga tinglovchini to'la ishontirishdan iborat. Ular til uslubiy vositalarining boyishi manbalaridan biri bo'lib, poetik nutqda keng qo'llaniladigan, eng mahsuldor va ta'sirchan sintaktik birlik hisoblanadi. " Sintaktik parallelizm, o'z navbatida, Zahiriddin Muhammad Bobur g'azallarida ham yetakchi o'rinni egallaydi. Erkin Vohidov she'rlarida ham bu hodisa ko'p uchraydi. Masalan, buni „Na qilsin'' g'azalidan olingan quyidagi misralarda ham kuzatishimiz mumkin:

Ishq ahlidur parishon, oʻzga bino na qilsin,
She’r ahlidur devona, kibr-u havo na qilsin.

Shoir ritorik soʻroq gaplardan ham ma’noni kuchaytirish va ta’sirchanlikni oshirish maqsadida foydalangan. Bunday gaplar, asosan, she’rlarning boshlanmasida qoʻllanadi. Fikr rivoji va tugallanmasida esa deyarli qoʻllanmaydi. Fikrimizning isboti sifatida quyidagi bir g’azalning boshlanmasida keltirilgan ritorik soʻroq gapni keltiramiz:

Sevgini tortib boʻlurmi tosh-u tarozu bilan,
Mehrni oʻlchab boʻlurmi zar bilan, inju bilan?

Har qanday poetik nutqni sintaktik tomondan tahlil qilar ekanmiz, undagi inversiya hodisasini chetlab oʻtishning iloji yoʻq. „Inversiya (lot. inversion – ag’darish, oʻrnini almashtirish ) – gap boʻlaklarining odatdagi tartibini oʻzgartirish asosida yuzaga keluvchi sintaktik usul, stilistik figura.’’4 Erkin Vohidovning ham deyarli har bir she’rida inversiya hodisasi uchraydi. Misol uchun shoirning quyidagi bir baytini koʻraylik:

Dilbarim husniga koʻkda mahliyo boʻlsin quyosh,
Mahliyo ermas, koʻyida bir gado boʻldin quyosh.

Oʻzbek tilida gapning odatiy tartibiga koʻra ega gap boshida, kesim gap oxirida keladi. Lekin badiiy nutqda nasriy yoki nazmiy asar talabi bilan muallif egani gap oxiriga yoki kesimni gap boshiga olib oʻtishi mumkin. Bundan maqsad ma’noni kuchaytirish va asosiy ma’noni ifodalovchi soʻzga urg’u berishdan iboratdir.

Hazrati Inson qoshida sajdaga bosh egdi charx,
Chunki inson qalbida ishq, boshida urfon yuki.

Yuqoridagi baytda inversiya hodisasi bilan bir qatorda ellipsis hodisasini ham kuzatishimiz mumkin. „Ellipsis (yun. elleipsis – tushirish, tushib qolish ) – stilistik figuralardan biri, nutqda jumla tarkibidagi soʻz (boʻlak)ni atayin tushirib qoldirish.’’4 Ushbu baytni qoʻshma gap holatiga keltirsak, „Charx hazrati Inson qoshida sajdaga bosh egdi, chunki inson qalbida ishq, boshida urfon yuki bor’’ tarzida boʻlishi kerak. Lekin bu yerda badiiy-estetik maqsadda kesim tushirib qoldirilgan. Biroq shunday boʻlsa-da, uning borligi baytning umumiy mazmunidan anglashilib turibdi.

Oʻzbek tilshunosligida antiteza, takror, alliteratsiya, sintaktik parallelizm va inversiya hodisalarining poetik nutqda qoʻllanishini Erkin Vohidov she’rlari misolida koʻrib chiqdik. Uning she’rlarini lingvopoetik jihatdan tahlil qilsak, yuqorida keltirilgan parchalardan tashqari yana koʻplab misollarni topish mumkin. Oʻzbekiston Qahramoni, iste’dodli shoir Erkin Vohidov mumtoz adabiyot namoyandalaridan soʻng zamonaviy oʻzbek she’riyatida g’azal janri, bundan tashqari, muxammaslar va faxriyalarning ham tengsiz namunalarini yaratdi. Unga zamondosh shoir Abdulla Oripov ta’kidlaganidek: „Mumtoz g’azaliyotimizning oltin eshiklari abadiy berkildi, deya karomat qilishayotganda yosh avlod orasidan birinchilardan boʻlib Erkin Vohidov aruzning tabarruk ostonasida posbon yanglig’ paydo boʻldi’’. U oʻz devonida devon tuzish tamoyillariga ham toʻliq amal qilgan. Bu asarning uslubiy va lingvopoetik qirralarini toʻliq ochib berish navbatdagi tadqiqotlarni talab qiladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Yoʻldoshev.M. Badiiy matnning lisoniy tahlili. – Toshkent, 2008.
2. Вохидов.Э. Ёшлик девони. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1969.

3. Абдупаттоев.М. Узбек тилининг поэтик синтаксиси. – Фарғона, 2021.
4. Қуронов.Д Мамажонова.З Шералиева.М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010.

# JOY NOMLARI TARIXIGA BIR NAZAR: MIRZAXO‘JA

**Nargizabonu Mamadaliyeva,**
**Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat**
**universiteti o‘zbek filologiya fakulteti 4-bosqich talabasi**

**Annotatsiya**: Qo‘yilgan tarixiy joy nomlarining o‘zgarishi, bir tarixning unitilishiga olib keladi, bu esa adabiyotshunosligimizga o‘z ta’sirini ko‘rsatmay qolmaydi. Har bir viloyat, tuman va mahallaning qo‘yilgan nomida tarixiy voqealar yotadi. Shunday joy nomlaridan biri Mirzaxo‘ja mahallasidir. Bu maqolada Mirzaxo‘ja mahallasining nomi bilan bog‘liq tarixiy voqealar tadqiq qilinadi.

**Kalit so‘zlar:** Farg‘ona, Qo‘qon, Mirza Xoja, Mirzaxo‘ja, qishloq, Isoboy buva, Berdiboy buva, xalq.

Mamlakatimizda yangi O‘zbekistonni barpo etishdek ulug‘ maqsadga erishish yo‘lida asosiy tayanchimiz bo‘lgan g‘ayratli, shijoatli yoshlarga e’tibor va g‘amxo‘rlik ko‘rsatish, ularga barcha sohalarda o‘z iqtidori va salohiyatini to‘liq namoyon etishi uchun zarur sharoit va imkoniyatlar yaratib berish davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishi hisoblanadi.[327] Toponim so‘zi asli grekcha, ikki qismdan topos "joy" va onyma "nom" so‘zlaridan tashkil topgan bo‘lib, joy nomlari haqidagi fanni anglatadi. Toponimlarning kishilar hayotidagi asosiy, bosh vazifasi manzilni ko‘rsatib berishdir. Manzil biror kishi yoki tashkilot o‘rnashgan joyining batafsil nomidir. Demak, toponimlar biror geografik ob'ektning joylashgan o‘rnini yoki birovning yashaydigan joyini anglatadi. Manzilning noto‘g‘ri ko‘rsatilishi yoki bir xil nomdagi manzillarning bir nechta bo‘lishi jamiyatda ko‘plab qiyinchiliklarni keltirib chiqargan bo‘lar edi. Mamlakatimizning dunyo hamjamiyati bilan xalqaro aloqalari, iqtisodiy va ijtimoiy sohalardagi axborot almashinuvi kengayib borayotgan davrda geografik nomlarga bo‘lgan e’tibor yanada ortib ketdi. Shuning uchun ham toponimik ob'ektlarga nom berish, ularning aniq, to‘g‘ri yozish katta amaliy ahamiyatga ega. Bundan tashqari toponimlar o‘sha joyning tabiiy-geografik sharoiti, u yerda yashagan xalqlar tarixi, etnologiyasi, ijtimoiy hayotda yuz bergan muhim voqealar haqida qimmatli ma’lumotlar beradi. Bunday ma’lumotlarni olish uchun toponimlarning ma’nosini bilishga ilmiy asosda yondashish, nomlarga moslab to‘qilgan rivoyat va cho‘pchaklarga ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo‘lish talab etiladi.[328]

Joy nomlari, ***geografik nomlar*** yoki ***toponimlar*** deb ataladi. Joylarga nom berishda qo‘llanadigan yana bir tamoyil mazkur qishloq yoki mahallada yashab o‘tgan yoki uni obodonlashtirishda xizmat qilgan obro‘-e’tiborli insonlarni nomlarini shu maskanga qo‘yishdir. Shu o‘rinda aytib o‘tish lozim, islom dinida joy nomlariga kishilar ismini qo‘yish odati bo‘lmagan. Fransuz yozuvchisi Viktor Gyugo Parij shahri nomi mening sharafimga o‘zgartirilishi lozim deb da’vo qilgan bo‘lsa, bizning

[327] https://lex.uz/docs/-5512119. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 13-iyuldagi PF-6260-son Farmon
[328] Y.Ahmadaliyev. FARG‘ONA VILOYATI TOPONIMLARI. Farg‘ona-2009. 5-bet

vatandoshlarimiz oʻz vatanlari nomini nomlariga qoʻshib (Fargʻoniy, Margʻiloniy, Termiziy, Xorazmiy kabi) yurt dovrugʻini olamga yoyishni afzal koʻrganlar.[329]

Respublikamizdagi joy nomlarining barchasini insonda estetik zavq uygʻotadigan, milliy mafkura va qadriyatlarimizga mos keladigan, hududning xususiyatlarini oʻzida aks ettiradi, nomlarni oʻzgartirish ehtiyoji yoʻq, shuning uchun, bunday nomlarni tarixda muhirlab, aslligicha kelajak avlodga yetkazish kerak.

Prezident Sh.Mirziyoyev shu kabi holatlar haqida quyidagi fikrlarni bildirgan edi: “Afsuski, jamoat joylarida, koʻchalarda, binolar peshtoqida toponimik belgilar, turli lavha va reklamalar koʻpincha xorijiy tillarda, maʼnaviyatimizga yot mazmun va shakllarda aks ettirilmoqda. Bu davlat tili talablariga, milliy madaniyat va qadriyatlarimizga bepisandlikdan, umumiy savodxonlik darajasi esa tushib ketayotganidan dalolat beradi. Shu munosabat bilan, Vazirlar Mahkamasi Atamalar komissiyasi bilan birgalikda, ushbu masalalarni keng jamoatchilik ishtirokida jiddiy oʻrganib chiqish va tartibga solish zarur. Chunki ijtimoiy obʼektlarga nom berish – bu shunchaki shaxsiy yoki xususiy ish emas. Bu barchamizning vatanparvarlik va maʼnaviy saviyamizni yaqqol koʻrsatadigan oʻziga xos mezondir. Buni hech kim hech qachon unutmasligi kerak. Biz xalqimizning taqdiri, ertangi kuni haqida oʻylar ekanmiz, eng avvalo, millatimizning asl fazilatlarini, goʻzal urf-odatlarimiz, betakror sanʼatimiz va adabiyotimiz, ona tilimizni koʻz qorachigʻiday saqlashimiz zarur”.[330]

Davlatimiz rahbari tomonidan joy nomlari boʻyicha taʼkidlab oʻtilgan muammolarni bartaraf qilish uchun toponimlarni tarixiy oʻtmishi jihatdan tadqiq qilish kerak. Shunday ekan, tarixiy oʻtmish hikoyalari tadqiqi adabiyotimizda oʻz aksini topadi va boyishiga sabab boʻladi. Chunonchi, Fargʻona viloyati Uchkoʻprik tumanida joylashgan Mirzaxoʻja mahallasining nomi bilan bogʻliq oʻz hikoyasi bor.

Mirzaxoʻja Fargʻona vodiysining qadimiy yirik qishloqlaridan biridir. Uning tarixi Qoʻqon shahri tarixiga tengdoshdir. XIII asrda mugʻul bosqinchilari tomonidan vayron qilingan va temuriylar davrida qayta tiklangan. Qoʻqon xonligi davriga oid hujjatlarda qishlok nomi "Mirza Xoja" shaklida yozilgan. XVIII-XIX asrlarda qishloq Bibi Ubayda muzofati Mirza Xoja qari (karya-o'n-o'n besh qishloqdan iborat ma'muriy birlik)sining markaziy-bosh qishlogʻi hisoblangan.

Mustamlaka davrida (XIX asr oxiri-XX asr boshlari) qishloq Qoʻqon uezdi Bibi Ubayda volosti Gʻijdon qishloq jamoasi tarkibida boʻlgan. 1909-yilgi statistika maʼlumotlariga koʻra Mirzaxoʻja mazkur qishloq jamosidagi eng yirik qishloq boʻlib, bu erda 116 xoʻjalik mavjud edi, 86 xoʻjalik oʻz ekin yeriga ega boʻlgan, 30 xoʻjalik yersiz hisoblangan. Qishloqda 270 nafar erkak, 221 nafar ayol, jami 419 kishi istiqomat qilgan.

Qishloq XVI asrning ikkinchi yarmigacha Arab Gʻijdon deb atalgan. 1560-yilda Farg'ona vodiysi Shayboniylar davlati tarkibida boʻlib turgan paytda, Joʻjixon avlodidan boʻlgan qozoq xoni Buydashxon bir necha qozoq xonliklari ishtirokida Talos togʻlaridan oshib oʻtib, Fargʻona vodiysiga shimol tomondan bostirib keladi. Bu paytda Fargʻona lashkarining asosiy qismi Safaviylar davlatiga qarshi urushda ishtirok etish

[329] Suyun Qorayev. TOPONIMIKA. 0 ʻzbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti. Toshkent — 2006. 17-bet

[330] daryo.uz/2019/10/22/shavkat-mirziyoyev-jamoat-joylaridagi-turli-lavha-va-reklamalar-manaviyatmizga-yot-mazmun-va-shakllarda-aks-ettirilmoqda/; https://fayllar.org/ozbekiston-milliy-universiteti-fakulteti-yonalishi-v12.html?page=6https://;

uchun Balx shahriga yuborilgan edi. O'sha davrda Naqshbandiya tariqatining yo'lboshchisi bo'lib turgan ulug' so'fiy Mavlona Lutfulloh Chustiy xazratlari xalqni qozok-mo'g'ul bosqinchilariga qarshi kurashga chaqiradilar. Har bir viloyat, har bir qishloqdan xalq lashkari tashkil etilib, Mavlona ixtiyorlariga yuboriladi. Xuqand (Qo'qon) shahri va uning atrofidan yig'ilgan xalq lashkarining bir qismiga Mavlonaning shogirdlari, Arab G'ijdon qishlog'ida istiqomat qilib turgan Mirza Xoja Muzaffar Xoja o'g'illari boshchilik qiladilar. Mavlona boshchiliklaridagi xalq lashkari Axsikent shahri yaqinida bo'lib o'tgan janglarda qozoq-mo'g'ul qo'shinini tor-mor qiladi. Buydashxon jangda o'ldiriladi. Bu jangda Mirza Xoja katta qahramonlik ko'rsatadilar va shahid bo'ladilar. Hamqishloqlari u zotning jasadlarini qishloqqa olib kelib, katta izdihom bilan dafn etadilar. Janozaga Mavlonaning o'zlari o'tadilar. Shundan so'ng xalq bu qishloqqa qahramonning nomini berib, "Mirza Xoja" deb atay boshlaydi. Demak, qishloq to'rt yarim asrdan beri shu tabarruk nom bilan atab kelinmoqda. Xalq talaffuzida "Mirza Xoja" degan nom "Mirzaxo'ja" shakliga o'zgarib, bizgacha yetib kelgan.

Mirza Xoja xalq qahramoni. Zamona zayli bilan u kishining qabri yo'q bo'lib ketgan. Qahramonning nomini abadiy saqlash avlodlar burchidir.[331]

Ma'lumki, Qo'qon xoni Xudoyorxon sodiqlik bilan xizmat qilgan, ishonchini oqlagan, yoshi ulug' amaldoru mulozimlariga yer chek qilib beriladi, shunday amaldorlardan biri Isoboy buva hisoblanadi. Bu insonga xon tomonidan xalqqa va saroyda qilgan xizmatlarini hisobga olgan holatda 6000 tanob (500 gektar) yer chek qilinadi.

**Chek** deganda, xon va uning oila a'zolari, amaldor, dindorlar va mashhur shaxslarning, umuman har qanday kishilarning xususiy yerlari tushunilgan. Shu bilan birga Farg'ona vodiysida ***chek*** so'zi muayyan yer o'lchovi ham hisoblangan. Bu nomlar tarkibida esa chek atamasi toponim yasovchi formant bo'lib, feodalizm yer egaligidan darak berib turadi.[332]

Isoboy buva ayoli Oisha buvi bilan foytun aravada saroydan chiqib kelishadi, hamda yuzdan ortiq novkar va xizmatkorlari bilan Mirzaxo'ja qishlog'iga joylashishadilar, bu yerni boshqarishni boshlashadi.

Novkar va xizmatkorlarini uy joy bilan ta'minlaydilar. Uylanish yoshiga yetganlarni uylantirib: "Mana senga xotin, uy-joy, shundan boshlab sen mening farzandimsan"-deyishgan.

Shuning uchun ham barcha yoshlar "dada"-deb xurmatlarini joyiga qo'yishadi.

Isoboy buvaning ayoli Oisha onamiz oppoqqina, nurli, juda ham go'zal, dilbar, oqila va dono, ilmli ayol bo'lishgan, ko'pchilik biron bir masalada maslahat va yo'l-yo'riq olishga, ishlari yurishib ketish uchun duo qilishlarini so'rab, hamda farzandi yo'qlar farzand tilab yonlariga kelishgan.

Isoboy buva hammani hunarga jalb qilishgan, qishloqda qo'li bo'sh odamning o'zi bo'lmagan. Buva savdo karvoni to'xtab dam olishi uchun guzar tashkil qilishadi, shoyi matosini ishlab chiqarishni yo'lga qo'yganlar, shoyilarni Yevropa davlatlarigacha olib borishgan, hamda Xojiga ham 4 marta borib kelishgan.

---

[331] Farg'ona viloyati Uchko'prik tumanidagi Mirzaxo'ja qishlog'i nomining kelib chiqishi haqida MA'LUMOTNOMA.
[332] Suyun Qorayev. TOPONIMIKA. 0 'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti. Toshkent — 2006. 15-bet.

O‘g‘illari Esonboy, Omonboy va Berdiboy bo‘lib, ularga qishloqni boshqarishni bo‘lib berganlar.

Farg‘ona viloyati 1876-yil 19-fevralda Rossiya imperiyasi tomonidan bosib olingan Qo‘qon xonligi hududida tashkil qilingan va boy, amaldoru ziyolilarni quloq qilish, qatl qilish siyosati boshlangan. Bu siyosat orqali Mirzaxo‘ja qishlog‘ida yashovchi 4 aka-ukani ham qatl qilishmoqchi bo‘lishadi. Eng kenja farzand 4-o‘g‘ilni sovet hukumatidagilar miltiqlari bilan otishganda, xalq qo‘zg‘olon qiladi. Mirzaxo‘ja ahli: “Bizning og‘a-inimizni o‘ldirdilaring, qolgan uch aka-ukamizni o‘ldirishga xaqqilaring yo‘q”-deya qo‘zg‘olon ko‘tarib, uch aka-uka: Omonboy, Esonboy va Berdiboy bobolarning hayotlarini saqlab qolishadi.

Bu voqeadan keyin Omonboy va Esonboy bobolar bor mol-mulkini ukalari Berdiboy buvaga topshirib, o‘zlari Qozog‘iston davlatiga ko‘chib ketishadi va ukalarining o‘limi juda qattiq ta’sir qilib, bu yerlarga qaytishga yuraklari betlamaydi. Sovet hukumati Berdiboy buvaning qarollari bilan birga  Sibirga surgun qiladi. Mirzaxo‘ja yerlarini bo‘lib tashlanadi, qishloq maydoni qisqaradi.

U yerda Berdiboy buva doimo o‘zlari bilan suv qaynatish uchun xumg‘on olib yurishgan, yonlaridagiga:

—“Bu yerning suvini qaynatib ichinglar, shunda sog‘liqlaringizga zarar yetmaydi”-deyishlariga qaramay ular sovuqda qaynamagan suv ichib vafot etishadi. Sibirdan birgina Berdiboy buvagina sog‘-omon yurtlariga qaytib kelishadi. Bu vaqtda bu qishloq aholi ochlikdan kunjara yeb, ishib  vafot etayotgan bo‘ladi. Buni ko‘rgan buva ayollari Obidaxon buviga: “Men ketishimdan oldin qishloq aholi ochlikdan qiynalishni boshlasa, molxonadagi devorni buzib, bug‘doy to‘ldirilgan xumlardan aholiga tarqatishingni tayinlab ketgandim, nega qishloq ahliga tarqatmading”-deyishganda, Obidaxon buvi: “Uzr, siz ketganingizdan keyin 9 bola bilan yolg‘iz qolib, aytganlaringiz xotiramdan ko‘tarilibdi”-deb javob qaytarishadi.

Buva molxonaning xumlar yashirilib devor qilingan joyini buzib, 4 ta juda ham katta ulkan xumlarning ichidagi bug‘doyni qishloq aholisiga yeyish va ekish uchun tarqatishadi va aholini ochlik girdobidan saqlab qolishadi.

Berdiboy buva juda ham aqlli va donishmand, juda ham kelishgan, baquvvatligidan ot ham va eshak ham ko‘tara olmagan, xachirga arava qo‘shib, aravada yurishgan. Shu darajada salobayli inson bo‘lishganki, soyalari ko‘rinishi bilan qishloq aholisi uylariga kirib ketishgan, ko‘chalarda bir zog‘ ham ko‘rinish bermagan.

Boshqa qisholqdagi qo‘rboshi va o‘g‘rilar bu qishloqqa kelishga yuragi betlamagan. Chunki bu yerda yolonchilik, o‘g‘rilik, dangasalik juda og‘ir gunoh sanalgan, bu illati bor insonlar jazolanmasdan qolmagan. Shuning uchun ham aholisi juda mehnatkash, hunarmand va ishbilarmon. Nevalardan Berdiyev Umurzoqali Usmonovich otani boshqacha ko‘rishgan. Ularga qaynagan va zilol oqib turgan suvni ichishni va bir yerda to‘plangan suvni ichmaslikni maslahat berib: “Umurzoqali, quduqqa borib suv olib kel”-deya piyola berib, suv olib keltirishadi, suvni kigiz ustiga to‘kishadi, suv kigizga singimaydi, keyin qaynagan suvni kigizga sepishlar bilan singib ketadi. Shunda buva: “Ko‘rdingmi? Qaynagan suv inson organizmiga shunday singadi, qaynamagan suv esa singmaydi, doimo qaynagan suv ichishga odatlan”-deyishadi.

Berdiboy buva Sibirdan qaytib kelishgandan so‘ng Mirzaxo‘ja qishlog‘iga raislik qili

shadi, 94-yoshlarida vafot etishadi.

Mirzaxo'ja qishlog'i haqida bir maqol bor: "Mirzaxo'jaga bir ip adashib kirsa, kamida mato (yoki paypoq) bo'lib chiqar".

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, Mirzaxo'ja mahallasining nomi xalq qahramoni Mirza Xoja nomiga qo'yilgan. O'z xalqining erkin yashashi uchun qahramonliklar ko'rsatgan insonlar doimo ulug'lanib, sharaflanib kelingan, nomlari esa tarix sahifalarida muhrlanadi, yanada nomlari saqlanib qolinishi uchun mahalla, ko'chalar, maktablarga sharafli nomlari beriladi. Bunday qo'yilgan joy nomlari va voqealar bayoni avloddan avlodga o'tishi uchun biz tilshunos, adabiyotshunoslar va tarixchilarimiz o'rni beqiyos.

Mirzaxo'ja qishlog'ining bosharuvida Isaboy va Berdiboy buvalarning o'rni beqiyos, qishloq ahlining ishchanligini oshirishda hissalari katta bo'lgan. Bunday inson avlodi bo'lganimdan faxrlanaman.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 13-iyuldagi PF-6260-son Farmoni. https://lex.uz/docs/-5512119
2. https://daryo.uz/2019/10/22/shavkat-mirziyoyev-jamoat-joylaridagi-turli-lavha-va-reklamalar-manaviyatmizga-yot-mazmun-va-shakllarda-aks-ettirilmoqda/
3. Suyun Qorayev. TOPONIMIKA. 0'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti. Toshkent — 2006
4. Y.Ahmadaliyev. FARG'ONA VILOYATI TOPONIMLARI. Farg'ona-2009
5. Manoqibi Mavlona Lutfulloh Chustiy "Mavlona Lutfulloh Chustiyning ibratli hayot yo'li". Qo'lyozma.
6. Qo'qon xonligi arxivi hujjatlari. Qo'qon o'lkashunoslik muzeyi yetakchi ilmiy xodimi Muhammad Yaxyoxon Dadaboyev ma'lumotnomasi asosida.
7. Farg'ona viloyati tarixiga oid statistik ma'lumotlar. Ma'lumotnoma asosida.
8. Farg'ona viloyati Uchko'prik tumanidagi Mirzaxo'ja qishlog'i nomining kelib chiqishi haqida MA'LUMOTNOMA.
9. https://fayllar.org/ozbekiston-milliy-universiteti-fakulteti-yonalishi-v12.html?page=6https://;
10. O'zbek tili izohli lug'ati.apk. 2019-yil.

## АГИОГРАФИК АСАРЛАРДА ЙИЛ ҲИСОБИ

**Сайидолимов Жавоҳирбек Бахтиёржон ўғли,**
**Ўзбекистон, Фарғона давлат университети**
**Тел: +99 609 16 42 e-mail**: sayidolimovjavoxir@gmail.com

**Annotation.** This article focuses on aspects related to the mixed use of the calculation of the year used in hagiographic works in social life. In addition, it is used in artistic works.

**Key words**: hagiography, calculation of the year, charogush, hijri year, AD year, calendar, iranian year, zoroastrian year.

**Аннотация**. Бұл мақалада әлеуметтік өмірде агиографиялық еңбектерде қолданылатын жыл есебінің аралас қолданылуына қатысты аспектілерге назар аударылады. Сонымен қатар, ол көркем шығармаларда қолданылады.

**Түйін сөздер**: агиография, жыл есебі, чарогуш, хижра жылы, милодий жылы, күнтізбе, иран жылы, зороастрия жылы.

Диний-дунёвий масалаларнинг синкретик ҳолатини тўлақонли англаб етишимиз учун айрим жойларда муаллиф шахсиятига ҳам эътибор қаратишимиз муҳим. Агар муаллиф диний арбоб бўлса, моҳиятни ёритиб беришда диний жиҳатларга эътибор қаратади, дунёвий мавқега бўлганда эса, дунёвий масалалар билан боғлиқ ҳолда баён этади. Мана шу каби ҳолатларда синкретиклик яққол намоён бўлади. Диний ва дунёвий масалаларнинг қоришиқ ҳолда келишини йил ҳисобининг юритилишида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Эътиқодий қарашлар ҳам бу борада етакчилик қилади. Тадқиқот объекти бўлган асарлар, юқорида айтиб ўтилганидек, Ғарб ва Шарқ агиографик қарашларида ёрқин кўринади. Миллодий ва ҳижрий йил ҳисобининг юритилиши ҳам диний қарашлар асосида шаклланган. Шарқ халқларида ҳижрий йил ҳисоби ислом динининг кириб келиши билан боғлиқ. "Ҳижрий-қамарий йил ҳисоби Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккадан Мадинага кўчиш (ҳижрат) ларидан бошланган бўлиб, милодий 622-йил 16-июлидан амалга киритилган. Ҳижрий йил халифа Умар ибн Хаттоб томонидан милодий 638, ҳижрий 17-йилдан жорий этилган" [1. 254]. Шу билан бир қаторда ҳижрий йилнинг бошланиши айрим уламолар томонидан "Чароғкуш" санасининг бошланиши деб ҳам юритилган. (Чароғкуш атамаси баъзи шахслар томонидан нотўғри талқин қилинган бўлиб, бу орқали инсонларнинг эътиқодий қарашларига таъсир ўтказишга ҳаракат қилганлар.) [1.254]

Чароғкуш – форсчадан олинган бўлиб, чироғ ўчирувчи маъносини англатади. Яъни Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломни охирги пайғамбар қилиш билан олдинги барча чироғлар (динлар)ни ўчириб, ислом динининг чироғини ёққан деб баён этилади. Ҳазрат Алишер Навоий "Хамса" асарида буни қуйидагича тасвирлайди: "Ул пайғамбарлик осмонининг қуёши васфидаким, Ғарб томондан балқиб, Макка осмонида камолга этди, балки шуълали нурлари билан Машриқдан Мағрибгача "туш чоғидаги қуёшдай" ёритди" [2. 9] ва яна фикрини давом эттириб "ўзидан олдинги тўрт шамни ўчириб, қуёш бўлиб порлади" дея фикрларини баён этади. Олдинги фаслда айтиб ўтилган Шарқ агиографияси шаклларидан бўлган "Мавлуднома"ларнинг яратилишига ҳам таваллуд билан боғлиқ воқеалар сабаб бўлган. Мавлудномаларда пайғамбарнинг дунёга келиш пайтида рўй берган мўъжизалар ҳақида сўз юритилади. Ўз навбатида бу диний ва дунёвий қоришиқликни эътиқодий жиҳатдан намоён этади. Қатор тафсир китобларида ҳам бу нарса шарҳлаб берилган. Шу билан бир қаторда араблар ҳижрий йилга қадар ҳам бир қанча тақвим – йил ҳисобларидан фойдаланишган. "Муҳаммад Пайғамбар "Фил йили" – 570 йили Маккада Қурайш қабиласида Хошим уруғига мансуб оилада таваллуд кўрмасданоқ, отасидан ажраган" [3. 45].

"Фил йили" деб аталган санадан бошланган йил ҳисоби бўлиб, Абраҳанинг Маккани эгаллаб олиш учун катта қўшин билан йўлга чиққанлиги ва Макка шаҳри яқинида мағлубиятга учраган куни арабларда янги йил ҳисобининг юритилишига сабаб бўлган. Ҳижрий йил билан бир қаторда милодий йил ҳам баробар юритилиб борилмоқда. Милод – арабчадан олинган бўлиб, "туғилиш" маъносини англатади, яъни Исо алайҳиссаломнинг (Иисус Христос) туғилган куни йил ҳисоби сифатида қабул қилиниб, милодий 1-йилнинг 1-январи бу

сананинг бошланиш вақти сифатида эътироф этилади. Бунгача бўлган вақт эса, милоддан аввалги давр деб юритиладиган бўлди. Ривоятларга кўра, айнан бу сананинг олинишига Рим папаси IV асрда йил ҳисобини аниқ юритиш учун айнан Исо алайҳиссалом туғилган кунини асос қилиб белгилаган. Кўриниб турибдики, бундай жараёнларда йил ҳисобларининг диний арбоблар томонидан (ҳижрий йил ҳисобининг юритилишида аниқ бир вақтнинг Ҳазрати Умар томонидан, милодий йилнинг белгиланиши Рим папаси томонидан) белгиланишида ва ҳеч кимда эътироз бўлмаслигининг сабаби ҳам бевосита синкретиклик жараёни билан боғлиқ.

Ўрта Осиёда ҳижрий йил ҳисобининг юритилиши ислом дини кириб келгандан сўнг бошланган бўлиб, бунга қадар бир қанча тақвимлардан фойдаланилган. Исломгача бўлган даврда аҳоли, асосан, зардуштийлик динига эътиқод қилганлиги учун ҳам “Зардушт йили” тақвими кенг фойдаланилган. Бу тақвим ғарбий Эронда Аҳмонийлар ҳукмронлиги даврида асосий йил ҳисоби сифатида юритилгани учун ҳам айрим манбаларда “Эрон йили” деб юритилган. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, йил ҳисобининг юритилишида ҳам эътиқодий қарашлардан келиб чиқилган. Пайғамбарларнинг туғилган саналари, эътиқод қилинаётган динда тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеа-ҳодисаларнинг рўй бериши каби ҳолатлар йил ҳисобининг юритилишига асос қилиб олинган. Шу сабабдан бу каби ҳолатларда аниқ бир чегаранинг қўйилиши эътиқодий масала билан боғлиқ ҳисобланади ва кўпчилик томонидан эътироф этилади. Диний ва дунёвийлик масаласи ҳам уйғун ҳолда келади, негаки дастлабки даврда диний жиҳатдан қабул қилинган бундай йил ҳисоблари илм-фан тараққий этгандан сўнг, қатор ислоҳотларга учраган бўлса ҳам, бутунлай янгиланмаган.

**Адабиётлар:**

**1.** Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. – Тошкент. Мовароуннаҳр, 2017.
**2.** Алишер Навоий. Хамса. Лайли ва Мажнун. – Тошкент. Янги аср авлоди, 2021.
**3.** Кароматов Ҳ. Хўрланган пайғамбарлар ғалабаси. – Тошкент. Ғафур Ғулом нашриёти, 1998.
4. Baxtiyorjon o‘g‘li, S. J. (2023). sharq agiografiyasi rivojida siyra janrining ahamiyati. scientific aspects and trends in the field of scientific research, 2(14), 38-41.

## RAUF PARFI IJODIDA SAN’AT MAVZUSINING BADIIY TALQINI

**Maxmudov Sardorbek Esonali o‘g‘li**
**Andijon davlat pedagogika instituti o‘qituvchisi**
**tel: +998 94 001 22 44 e-mail: mahmudovsardorbek998@gmail.com**

***Annotatsiya:*** *Turli avlodga mansub shoirlar she’riyati o‘zaro taqqoslansa, har bir davrga xos faol poetik so‘z, obrazli ifodalarni uchratamiz. Tezisda XX asrning 70-80-yillar she’riyatiga o‘z rivojini qo‘shgan Rauf Parfi ijodida yashirin maqsadlar bilan san’at mavzusiga murojaat etgani tahlil qilinadi.*

***Kalit so‘zlar:*** *adabiyot, she’riyat, Rauf Parfi, san’at, janr, sintezlashuv, ijtimoiylashuv, lirik qahramon.*

***Annotation:*** Abstract: If we compare the poetry of poets of different generations, we can find active poetic words and figurative expressions specific to each era. The thesis analyzes the fact that Rauf Parfi, who added his own development to the poetry of the 70s and 80s of the 20th century, turned to the subject of art with hidden goals in his work.

***Key words:*** literature, poetry, Rauf Parfi, art, genre, synthesis, socialization, lyrical hero.

XX asrga kelib she'riyat va boshqa san'at turlari o'rtasida o'zaro sintezlashuv kuchaya bordi. Bu jarayon o'z-o'zidan kelib chiqmadi, albatta. "Badiiy madaniyat, – ta'kidlaydi Yu. Borev, – verbal asosda quriladi: adabiyot barcha san'at turlariga aniq qiluvchi (tizimlashtiruvchi) ta'sir ko'rsatadi, uning kontekstida boshqa san'atlarda yaratilgan badiiy obrazlar qabul qilinadi" [4]. Poetik janr va shakllardagi izlanishlar qanchalik ko'p bo'lsa, badiiy- estetik ma'noni ifodalash usullari, yo'llari shunchalik ko'pligini ko'rsatadi. Bu izlanishlar ortida, albatta, boshqa san'at sohalari bilan aloqa (sintezlashuvi), jamiyatdagi ijtimoiylashuvning kuchayishi she'riyatda san'at mavzusining keng ko'lamda qalamga olinishiga yo'l ochgan ikkinchi omil deb bilamiz. San'at sohalarining o'zaro sintezlashuvi san'at sohasining yanada noziklashuviga, uning shu kungacha ko'rilmagan qirralarini-da ko'rishga imkon beradi. She'riyatning rassomchilik bilan teatr bilan va h.k. sohalar bilan sintezlashuvidan yaralgan go'zal she'rlarning san'at mavzusida yozilishi buning isboti bo'ladi.

*Rauf Parfining 1970-yilda yozgan "Shoir"* [2, B. 229] *nomli she'rida shoirning o'z qalbini, o'zligini, shoir nomining zalvori, mas'uliyatining og'ir ekanligi, bu yukni har kim ham ko'tarib yurishga qodir emasligiga guvoh bo'lamiz. Shoir ijod onlaridagi hayratni shunday ko'chiradi misralarga [O, ona tabiat, ma'yus onajon], [Sirli bu zavq aro sirqiraydir tan], [Oxiri o'ldirar meni hayajon], [Boisi ne, aytolmasman daf'atan]. Shoir ilk misrada tabiatni onaga mengzaydi, ma'yus onaga... Tanasi sirqirayotgan shoir onasiga topinyabti. Sirli zavq degani nima o'zi, shoirni nega qiynoqqa solmoqda? Shoir quyiroqda lirik qahramonni [Varaqlar ustida mixlandi nigoh], [Yong'in changalida turibman axir] deya tasvirlaydi. Bu ijod onlarida o'z ichidan his qilib kelgan haqiqatini g'iloflamasdan varaqqa ko'chira olishdagi qiynoq emasmikan? Quyiroqda shoir [Kimni shoir deya tan olar jahon], [Biz kimni shoir deb ataymiz bu kun?] deya savol qo'yadi. Va quyidagi bandlarda o'z savoliga javob beradi:*

*Kimdir ul, jafokash shu xilqat aro*
*Hamnishin tutingan qora qalamga.*
*Kimdir ul, g'amgusor va motamsaro*
*Fikr sochayotgan turkiy olamga.*

*Kimdir ul? Ermak deb kuylarmi nahot,*
*Soxta ehtiroslar chulg'armi uni?*
*Yo'q!..Yo'q, yaralmadi u bilgan hayot,*
*Hali tug'ilmadi shoirning kuni.*

*Birinchi banddagi birinchi qo'shmisrada hayotni "jafokash xilqat" unda asliyati qiynoqda yashayotgan "kimdir" qora qalamga hamdard-u hamnishin ekanligini, keyingi qo'shmisrada esa o'sha "kimdir" bo'g'zidagi g'amgusor og'ir so'zlarni turkiy olamga aytayotgani emas balki sochayotganiga guvohi bo'lamiz. Keyingi band oldingi bandga zid qo'yiladi. Yana "kimdir"lar borki, ularning kuylari*

*ermakdan, soxta ehtirosdan yaralajagini, u tasvirlagan go'zal hayot, ozodlik, erk, insoniy huquq hali yo'qligi, erishilmaganligi va shuning uchun shoir hali yonishi, kurashishi kerakligini uqtiradi. Keyingi bandlarda esa shoir yuqoridagi fikrlarini dalillaydi:*

*Hali qaylardadir jang borar yovuz,*
*Ma'sum go'daklarning shami o'chmoqda.*
*Musiqor* emas-ku, temir yalmog'iz*
*Mushtarak osmonda uchmoqda.*

*Ne ellar, vatanlar gulxanda yonib*
*Shoir ko'z o'ngidan o'tadi bir-bir –*
*Barchaning dardini o'ziga olib*
*Majnun bo'lib yurar shuning-chun shoir.*

*Ezgulik va yovuzlik o'rtasida azaliy kurash kechadi. Bu kurashga o't qalaganlar, uni yoqishga, vahshat urug'ini har yoqqa sochishga urinayotgan, o'z qorni va nafsi yo'lida har qanday tubanlikni kasb qilgan kimsalar o'zga yerlarga, o'zga millatlarga qirg'in uyushtirgan, ma'naviyati, urf-odati, e'tiqodi, din-u diyonati vaholanki o'zligini yer yuzidan supurib yuborishga urinayotgan qattollarga shoirning ochiq isyoni edi. Shoirni faqat turkiy dunyo ustidagi "ko'lanka" o'yga toldiribgina qo'ymay, balki butun Sharq-u G'arbning ustidan ketmayotgan "ko'lanka"lar chuqur iztirobga ko'madi.*

*R. Parfining "Pablo Neruda o'limiga", "Yegishe Charnets xotirasiga", "Viktor Xaraning so'nggi qo'shig'i", "Verlen", "Vatan haqida Bernd Ientshga maktubim", "Bayronning so'nggi safari", "Tagor va srabon yomg'irlari", "Aleksandr Blok" kabi she'rlarida o'sha ijodkorlarning yurtlarida bo'layotgan jabr-u zulmlarni o'z tanasidagi chuqur yara kabi his qiladi va qalamga oladi.* "Haqiqiy shoir uchun, – deb yozadi prof. Bahodir Sarimsoqov, – hayot she'riyat bo'lsa, she'riyat uning hayotidir. Men buni ko'plab shoir-u shoiralar hayoti va ijodida kuzatib, shunga iqror bo'ldimki, tug'ma aql, qaynoq hissiyot, kuchli xarakter va adolatpeshalik kabi xislatlar shoir shaxsiyatida mujassam bo'lmog'i shart. Ana shu xislatlardan birortasi oqsasa, shoir ijodining mahsuli noqis bo'ladi [3, B. 3]."

Rauf Parfi ijodining abadiyatga muhrlanishiga sabab ham shu aslida. Haq va haqiqat tomonda turib kurashish va kurashga chorlash ijodkorning ruhiyati, o'zligi va maqsadi. She'rning keyingi bandlaridan biridagi misralarda shoir shunday deydi, *[Hali bo'g'izlarda bo'g'ilar nafas], [Eski yaralardan chak-chak tomar qon], [Shoirni kuylatgan tabiat emas], [Shoirni kuylatgan Hazrati Inson]*. Ilk qo'shmisrada shoir hali ham erk nafasi bo'g'ilgan holda, chak-chak tomayotgan qon esa eski yaralardan qolganini aytib o'tadi. Bu eski yaralar qaysi davr yaralari ekan, degan savol tug'iladi o'qiguvchida. 1937-1953-yillarda O'zbekistonda 100 ming odam qatag'onga uchragan. 1937-1938-yillardagi katta qatag'on davrida 7 mingga yaqin vatandoshimiz otilgan. Ozodlik yo'lida kurash olib borgan jadidlarimiz, ziyolilarimiz, boylarimiz, xalqimiz barchasi qirg'in qilingan. Tuzalmayotgan yaradan shu ajdodlarimizning qonlari oqayotgandir… ijodkor keyingi qo'shmisrada shoirni shunchaki tabiat kuylatmasligini, balki uning dardi azaliy, Odam ato o'z o'g'li Hobilga marsiya aytganidek (uning inisi o'z ukasi qotiliga aylanadi) Hazrati Insonni yig'latgan ham qalbini hun qilib kuylatgan ham buzg'unlik hali hamon to'xtamagani, davom

etayotgani, bu dard esa azaliy – Odam Atodan qolgan dard ekani, haqni kuylovchi shoir buyuk e’tiqodidan voz kechmay, yuragida sobit intiqom bilan dardni butun umr his qilib yashashiga, yozishiga mahkum ekanligini anglaymiz.

R. Parfi “Bethoven” nomli she’rida ijodkor o‘z iste’dodiga cheklov qo‘yilsa-da, so‘nggi imkon tugaguncha ijod qilish, ijod qilish va yana ijod qilish kerakligini teran his qiladi. Shu o‘rinda R.Parfining badiiy idrok va ijodkor shaxsiyati masalasi haqidagi fikriga to‘xtalsak: “Xususan, shaxsiyat butunligisiz asl san’atning bo‘lishi mumkin emas; tuyg‘u-kechinmalar ko‘lmakka aylanib qolgan holatda shoir shaxsiyatining san’atdagi inqirozi boshlanadi. Bu – ijodkor shaxsiyatining sinishi demakdir. Bu – asl san’atga yolg‘onning aralashishi, ijodkor hukmron mafkuralar malayiga aylanish oqibatidir [1].” “Bethoven” nomli she’rini ham shu e’tiqodi asosida yozgan nazarimizda.

*Hozir so‘ng zarb ila uzilajak tor,*
*O‘zing qo‘lla meni, ey, buyuk Daho.*
*Nahot, har ne abas, hammasi bitar,*
*Qanday saodatdir bu so‘nggi sado?*

*Shivirlar, hayqirar bepoyon dengiz,*
*Men uni sipqarmoq istayman tanho.*
*Faqat sen ko‘zingni bag‘ishla, Ziyo,*
*Faqat sen, Jasorat, qo‘lingni ber tez.*

Ijodkor oldindan nima bo‘lishini bilib turibdi. Lekin umid qiladi. Hayoti ko‘z oldidan o‘tgandek butun mehnati, ijod safari ko‘z oldidan o‘tadi. Ammo hammasi bitayotganini, har narsa unga bevafolik qilayotganini his etadi va so‘nggi chalayotgan ohangidan taskin izlaydi, e’tiqodidan yuz burmaydi. Uning ko‘nglida shunday to‘lqinli hislar kechadiki, bepoyon dengizlarni sipqorishni, ziyoning bor ko‘rinishini ko‘zlariga jam qilishni va o‘zidagi jasoratni so‘nggi nafasgacha birga bo‘lishi istaydi. *“Balki bu Osmon – orzu sadosi, Dengiz – xayollarin sadosidir bu, Haqiqat toshida qasamdir ezgu.”* Ijodkor uchun osmon orzularining, dengiz esa hayollarining sadosidek. Dengiz o‘ziga sig‘may to‘lqinlar qoyalarga urilganidek uning hislari ham to‘lqinlardan-da shiddatliroq, chalayotgan ohangga hamohang qalbidan qaynab toshadi va bu uning yolg‘iz va mangu haqiqati bo‘ladi.

O‘zbek she’riyatida bu ijodkorlarga Rauf Parfidan-da ruhan yaqinroq ijodkor yo‘q nazarimizda. X. Davron “Pol Verlen, Vinsent Van Gog va Rauf Parfi” nomli maqolasida shunday eslaydi: “O‘shanda Rauf akaning “Verlen musavvir, Van Gog shoir, men esa kompozitor bo‘lishim kerak edi, aslida” degan gapi xotiramda muxrlanib qoldi”[1]. Bundan ko‘rinadiki, Rauf Parfi faqatgina so‘z san’atini emas, balki rangtasvirni, musiqani-da chuqur his etgan va anglagan ijodkor edi va buni anglash uchun “ Van Gog” hamda “Verlen” she’rlarini tahlil qilish yetarli bo‘ladi.

*Buyuk sevgi rangin izlab yuribdi...*
*Yozar moviylikka rangin qasida.*
*Biroq hayrat ichra qalqar yuragi*
*Yaxshilik, yomonlik chegarasida.*

Ushbu misralarda chuqur majozni ko‘rishimiz mumkin. Ya’ni ijodkor shoir va musavvir qismatini bir- biriga o‘xshash qo‘ymoqda. Musavvir BUYUK SEVGIni mo‘yqalami bilan qidirsa, shoir so‘z bilan qidiradi.

*Hech narsasiz, lekin mehri ziyoda,*
*Izlar tiriklikning sirli bo‘yog‘in.*
*Buncha g‘arib... razillar ko‘p dunyoda?!*
*Kesib bersamikan qolgan qulog‘in...*

70-80-yillar she’riyatida san’atning mohiyati, vazifalari haqida yozilgan she’rlarning ham ko‘lami ancha kengaydi. Ushbu davrdagi ijodkorlarning she’riyatdagi tutgan yo‘llari, aytgan so‘zlari o‘zidan oldingi salaflaridan o‘zga edi. No‘mon Rahimjonov Rauf Parfi ijodi haqida “shoir asarlarining ijtimoiy falsafiy mag‘zi she’riyatimizda yangi yo‘nalish edi” degan ilmiy tezisni olg‘a suradi. U. Hamdam “Yangi insonning qalb tebranishlarini aks ettirish talabi she’riyatdan shunga mos o‘zgarishlarni taqozo etgan”ini aytadi. Har jabhada o‘z rivojini topgan san’at sohalari orasida she’riyat ham o‘z imkoniyatlarini, ifoda shakllarini, mavzu ko‘lamini anchagina kengaytirdi. San’at mavzusi orasida san’at mohiyati va vazifalari haqidagi she’rlarning ham ko‘lami anchagina kengaydi. Rauf Parfi “She’riyat” nomli she’rida shunday yozadi:

*Dil-u jon o‘rtanar, dil orom izlar,*
*Ilhomning pichog‘i sanchilar butkul.*
*Lovullab yonmoqda oylar, yulduzlar,*
*Orzumning quyoshi bo‘lmoqdadir kul.*

Birinchi misrada lirik subyektning o‘rtanayotgani va bunga orom izlayotganini ko‘ramiz. Bir qarashda oddiy narsadek tuyiladi. Ammo ruhan o‘rtanishlar quchog‘ida buyuk she’rlar tug‘iladi va bu fikrimizni ikkinchi misra bilan dalillab o‘tsak. Ilhom pichog‘ini bag‘riga butkul sanchgan ijodkor ko‘z o‘ngida oy va yulduzlar, butun koinot uning hukmida bo‘ladi va ular ham shoir kabi yonadi. Bu yong‘in qa’ridan olovli she’r tug‘iladi.

Ijodkor avvalo jamiyat bilan hamnafas yashaydi. Biz asos qilib olgan ijodkorimiz she’rlarida ham xalqning dardi, quvonchi, his-kechinmalari o‘z chizgilarini topgan. Ijodkor san’at mavzusiga o‘zidan oldingi salaflarining dard-qayg‘ularini, kechinmalarini his qilgan holda murojaat qiladi. Bu esa san’at mavzusining ko‘lamining kengayishiga yana bir omil bo‘lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Rahimjonov N. Rauf Parfi adabiy-estetik qarashlarining shakllanish omillari. Sharq yulduzi, 2002. № 2.
2. Rauf Parfi. Saylanma. – Toshkent: Muharrir nashriyoti, 2022.
3. Sarimsoqov B. “Qo’shqanot ijod parvozi”/ Afoqova N. Arosat fasli. – Buxoro: “Buxoro” nashriyoti,2004.
4. Борев Ю.Б. Эстетика. – М.: Политиздат, 1988. – 496 с.

## ТИЛШУНОСЛИКДА ФОНОПОЭТИКА МАСАЛАЛАРИ

**ТУРСУНОВА ОДИНАХОН**
**АДУ доценти, (PhD) +9989004982**
**abdulfayzavazbekov007@gmail.com**

**Аннотация.** Ушбу мақола фонопоэтиканинг айрим масалаларини ёритишга бағишланади.

**Калит сўзлар;** фонопоэтика, тон, интонация, тўхтам, поэтик матн

**Abstract.** This article describes in detail the study of phonopoetic features of the text, phonetic tools, among lexical-semantic and grammatical tools, the analysis and research of phonetic units such as the polishing of sounds, accent, tone, stop.

**Key words:** phonetic units, stress, tone, stop, differential signs, poetic text.

Жаҳон тилшунослигида нутқнинг фонопоэтик хусусиятларини ўрганиш тилшуносларнинг диққат марказидадир. Тил кишилик жамиятида нафақат алоқа, балки тингловчида эмоционал-эстетик ҳис уйғотиш воситаси ҳам бўлиб, нутқ жараёнида кишиларга турлича таъсир кўрсатиши мумкин. Нутқнинг намоён бўлишида фонетик бирликлар муҳим вазифаларни бажаради. Матннинг фонопоэтик хусусиятларини, фонетик воситаларини монографик ўрганиш, лексик-семантик, грамматик воситалар қаторида, товушларнинг жилоланиши, урғу, оҳанг, тўхтам каби фонетик бирликларнинг таҳлили ва тадқиқи бугунги ўзбек тилшунослиги олдидаги муҳим масаладир.

Дунё тилшунослари томонидан лингвопоэтиканинг умумий масалалари кўп ўрганилган. Лексик поэтика, матн поэтикаси ҳамда фонетик стилистика, фоносемантикага бағишланган қатор асарларда тилшуносларнинг товушлар символизми, аллитерация, геминация, қофия илмига бағишланган қарашлари ифодаланган. Лингвопоэтика соҳасида, хусусан, фонопоэтикада ҳар бир тилнинг ментал ва акустик-артикуляцион томонлари бир-биридан тубдан фарқ қилиши таъкидланади. Бунга араб, хитой, немис, инглиз ва бошқа тиллардаги фонетик структура, урғу, нутқ темпи, овоз тони, тембр кабиларнинг ўзига хос дифференциал белгилари мавжудлиги асос бўлади.

Тилшуносликда юзага келган фоностилистика, фоносемантика каби атамалар бадиий нутққа оид ишларда[3] фаол қўлланади. Фонопоэтика атамаси бадиий матннинг фонетик хусусиятлари, фонетик услубий фигуралар сифатида қўлланилган.[4] Фонографик услубий воситалар тадқиқига бағишланган диссертацияда,[5] асосан, ёзма шакл билан боғлиқ хусусиятлар кенг ёритилган бўлиб, талаффуз томонлари анча қисқа берилган. Фоносемантикага бағишланган ишда[6] эса, товуш билан боғлиқ маъно-муносабатнинг ёритилишига эътибор қаратилган. Фонопоэтика маълум поэтик асарнинг фонетик бирликлар воситасида шаклланган бадиий-тасвирий санъатларни, мусиқийлик, жарангдорлик, экспрессив вазифа бажариш хусусиятларини, товуш, урғу ва бўғиннинг шеърий санъатларни юзага келтиришдаги ролини, қофияни юзага келтиришда товушларнинг аҳамиятини тадқиқ этади. Фонетик воситаларнинг поэтик имкониятлари алоҳида мустақил объект сифатида тадқиқ этилмаган бўлса ҳам, бир қатор тилшунос олимлар ўз асарларида у ҳақда айрим қимматли маълумотларни келтирганлар. А.Абдуллаев тадқиқотида экспрессивликни ифодалашнинг геминация, аллитерация каби фонетик усулларини белгилайди.[7]

---

[3] Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Москва: Наука, 1977. – С. 407; Воронин С.В. Фоносемантические идеи в зарубежном языкознании. – Ленинград: ЛГУ, 1990. – С.199. Григорьев В.П. Поэтика слова. – Москва: Наука, 1979. – С. 343.

[4] Шодиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърияти лингвопоэтикаси. Филол.фанлари номз.дисс. – Тошкент, 2007. – Б. 144. Ҳайдаров А.А. Бадиий тасвирнинг фоностилистик воситалари. Филол.фанлари номз.дисс. –Тошкент, 2008. – Б. 158.

[5] Яхшиева Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар. Филол.фанлари номз… дисс. – Тошкент, 2007. – Б.132.

[6] Қабилова З.М. Ўзбек тилининг фоносемантик воситалари. Филол.фанлари номз… дисс. – Тошкент, 2008. – Б.125.

[7] Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. – Тошкент: Фан, 1987. – Б.3.

Сўзнинг аташ, эмоционал-экспрессив, аксиологик, когофеник сингари функциялари нутқда воқеланади. Сўзнинг ана шундай функциялари воқеланган матн бадиий матн саналади.

Поэтик матннинг тил хусусиятларини, тил бирликларининг нутқий вазиятдаги турли эстетик вазифаларини ўрганиш мукаммал филологик таҳлил учун фавқулодда муҳим вазифадир.

Бадиий матннинг тил хусусиятлари ҳақида гапирганда шуни айтиш жоизки, уни бир вақтнинг ўзида учта турли даражада: семантик, метасемиотик ва лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил қилиш лозим.[9]

В.Я.Задорнованинг қарашларида лингвостилистик таҳлил умумийлик касб этиб, нутқнинг ҳар қандай услубида эркин ифодаланади, яъни стилистик таҳлил учун матннинг чегараси йўқ, бадиий матн таҳлил объектларидан бири холос. Сўз санъати – поэтик нутқнинг моҳиятини эса лингвопоэтик таҳлил очиб беради.[10]

Адабиётшунослик объекти бўлган барча ифода воситалари тил билан боғлиқ бўлиб, поэтика ҳам нутқий бирликлардан бадиий шаклда фойдаланувчи соҳа сифатида эътироф этилади. Умуман олганда, ҳар қандай ёзма манба (матн) иккиёқлама табиатга эга: бир томондан, у тил тизимига нисбатан қисм, иккинчи томондан, муайян бир индивиднинг ижод маҳсулидир. Шунинг учун герменевтика олдида бир-бирига боғлиқ иккита вазифа туради: биринчиси, матндаги лисоний ифодани муайян тил тизимининг узви сифатида ўрганиш ("грамматик"талқин), иккинчиси, унинг ортида турган бетакрор маънони англаш ("психологик" талқин).[11] Ушбу талқинлар эса, айнан, бадиий нутқ таҳлилига асос бўлиб, поэтик матнни ҳам грамматик, ҳам психологик шарҳлашга хизмат қилади.

Поэтик матн бир вақтнинг ўзида нутқнинг кишилар томонидан хоҳлаганча эркин талқин ва ифода этилишга сабаб бўлади. Шу сабабли герменевтиканинг вазифаси матнни нотўғри тушуниш ва эшитишни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган ҳолатларни – "матннинг нутқда нотўғри ифодаланишини" олдини олишдан иборатдир. Герменевтиканинг вазифаси тушуниш жараёнини аниқ феноменологик таҳлилини беришдан иборат. Бундай талқин таҳлил жараёнида матндаги муҳим нуқталарни аниқлашга имкон бериши зарур. Шарҳ ва таҳлил ҳам жараён, ҳам натижа сифатида намоён бўлади. Шарҳ бирор матнга мурожаат этишимиздан бошланади. Бу герменевтиканинг биринчи шарти ҳисобланади. Бу бошқача таҳлил ва ўзгача ёндашувни ҳам тан олиш демакдир. Бадиий нутқдаги манзарани ҳосил қилаётган фонетик бирликларнинг ҳар бири нутқ вазиятига мос ҳолда танланади.

Тил ҳодисаларини тавсифлашга антропологик ёндашувнинг ривожланиши муносабати билан тилнинг фонетик қурилишини тадқиқ этиш фаоллашди. Шу боис ҳам матннинг товуш қурилиши тил услуби билан боғлиқ ҳолда турли услублардаги матнлар таркибида товуш миқдори ва сифати тавсифи, товушларнинг тасвирий-ифодавий роли, поэтик нутқ эвфонияси, товуш тавсифи кабилар лингвопоэтиканинг бугунги кундаги долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Бадиий матн, шеърият қадимда дастлаб эшитишга асосланиб

---

[9] Задорнова В.Я. Слово в художественном тексте. Язык, сознание, коммуникация: Сб.статей / Отв.ред. В.В.Красных, А.И.Изотов. – Москва, МАКС Пресс, 2005. – Вып. 29. – С. 115.

[10] Задорнова В.Я. Слово в художественном тексте. Язык, сознание, коммуникация: Сб.статей / Отв.ред. В.В.Красных, А.И.Изотов. – Москва, МАКС Пресс, 2005. – Вып. 29. – С. 115.

[11] Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати.– Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б.82.

яратилган, шунинг учун бадиий асар тилининг қабул қилиниши визуал эмас, жонли интонацион жаранги билан эшитилиши керак. Бу эса ахборотнинг эстетик жиҳатини кучайтиради, хабар берувчининг ҳиссий муносабатини акс эттиради, тингловчига шу ҳиссий таъсир етказилади.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Григорьев В.П. Поэтика слова. – Москва: Наука, 1979. – С. 343.
2. Ҳайдаров А.А. Бадиий тасвирнинг фоностилистик воситалари. Филол.фанлари номз.дисс. –Тошкент, 2008. – Б. 158.
3. Қабилова З.М. Ўзбек тилининг фоносемантик воситалари. Филол.фанлари номз… дисс. – Тошкент, 2008. – Б.125.
4. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. – Тошкент: Фан, 1987. – Б.3.
5. Задорнова В.Я. Слово в художественном тексте. Язык, сознание, коммуникация: Сб.статей / Отв.ред. В.В.Красных, А.И.Изотов. – Москва, МАКС Пресс, 2005. – Вып. 29. – С. 115.
6. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати.– Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б.82.

# ANVAR OBIDJON SHE'RLARINING LINGVOPOETIK XUSUSIYATLARI

**Sobirova Maftunabonu A'zambek qizi**
**ADPI O'zbek tili va adabiyoti yo`nalishi**
**2-kurs magistranti**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Anvar Obidjon ijodining ayrim o'ziga xos xususuyatlari lingvopoetik jihatdan yoritilgan. Shoir asarlarining tili ravon, soddaliligi, xalqchilligiga alohida urg'u berilgan.

**Kalit so'zlar:** *lingvopoetika, lingopoetik unsurlar jonlantirish, o'xshatish, oksyumoron, birliklar, ignabarg, badiiy did, badiiy estetika, antiteza, takroriy ritmlar.*

***Аннотация.*** *Бұл мақалада Әнуар Обиджон шығармашылығының кейбір ерекше белгілері лингвопоэтикалық тұрғыдан қарастырылған. Ақын шығармаларының тілі жатық, қарапайым, халықтық.*

***Тірек сөздер:*** *лингвопоэтика, лингопоэтикалық элементтер, жандандыру, теңеу, оксиморон, бірлік, дайындама, көркемдік талғам, көркем эстетика, антитеза, қайталанатын ырғақ.*

Ham bolalar uchun, ham kattalar uchun birdek qalam tebratib, ularning ruhiy olamini sassiz zabt etgan, serqirra, beg'ubor, yumorni sevuvchi, shoir - Anvar Obidjon adabiyot bo'stonida o'chmas iz qoldirdi.

Bu haqida professor Bahodirjon Shermuhammedov shunday yozadi: "Anvar Obidjon umr bo'yi she 'rni ardoqladi, chin adabiyotni katta muhabbat bilan sevdi, bu muhabbatni balandparvoz so'zlar bilan izhor qilmadi, lekin unga fido bo'lishni hayotining mazmuni deb bildi…" .

Haqiqatan, bugungi kunda shoirning nomini tilga olar ekanmiz, ko'z oldimizga uning she'rlarini zavq bilan o'qiyotgan yoki yod olayotgan kichkintoy bolajonlar-u, chuqur mushohadaga botgan yoshi ulug'lar gavdalanadi.

Masalan,

*Bolakaylar, kechiring,*
*Aytolmayman u yog‘in,*
*Chunki avtoruchkamning*
*Tugab qoldi, siyohi.*

Bu satrlarda bolajonlarning yuzidagi tabassumni ko‘ramiz. “Birlik” yoki “ignabarg” she’rlarining ta’sirida esa ulug‘larning o‘yga cho‘mganini his qilamiz:

1. *Istimalab yotar qalamim.*

Bunda shoir qalamni jonlantirib, o‘zining necha kunlab she’r yoza olmayotganini va qalbida yozish uchun hali ham og‘riqlar borligini chiroyli aks ettirgan.

2. *Gadoylardan hali ko’p qarzim bor.*

Bu jumboqli satrda esa ba’zan gadoylarga bag’ritoshlik qilganini, ularga e’tibor bermay o’tganini, uning ahvolini, muhtojligini his eta olmaganini va bu umr bo`yi bo’ynidagi qarz bo’lib qolayoyganini qalamga oladi.

3. *Yaxshi ko‘rib qoldim o‘zimni.*

Bu satrga nazar tashlasak, shoirning o’ziga xos psihologik, falsafiy bilimlarining yuqoriligiga guvoh bo’lamiz, Chunki inson o’zini sevsagina boshqalar ham uni seva oladi, bu psihologiyadagi eng kuchli teoremadir. Buni shoir o’z so’zlari bilan tasdiqlaydi, atrofidagi odamlarni ko’rib, hali ham qalbi sofligiga, insonlarga yaxshiliklar ulasha olishiga ishonadi va bundan tobora o’zini yaxshi ko’rib qolganini o’z satrlari bilan isbotlaydi.

4. *Bu gulxaning namuncha sovuq.*

Shoir mana shu ixcham satr orqali katta estetik mazmunni bera olgan. Hayotda shunday insonlar uchraydiki, o`ta go`zal yoki o`ta aqlli, zehnli bo`lishi mumkin, biroq odobi, muomala-munosabati ana shu go`zallik va ulug`vorlikni yuvib yuborishi mumkin. Shoir gulxan va sovuq so`zlarini biriktirish orqali oksyumoron usulini qo`llagan.

O‘zingiz guvohi bo‘lganingizdek, Anvar Obidjon barcha yoshdagi insonlarning ruhiyatini anglab, uni o‘z qalb tug‘yonlari bilan birlashtira olgan, asarlari bilan har bir o‘quvchiga estetik zavq ulasha olgan ijodkordir. Qalamining ro’yi – rost, soddaligi esa kishini hayratga soladi.

*Shoirligim yoqmas onamga,*
*Xudo urgan tanbal emishman.*
*Yer chopmay,*
*Bir cho’pzot qalamga*
*Iliqqan gung haykal emishman.*

Shu o‘rinda aytish joizki, ijodning sehrli sezgilari lingvopoetik tahlilda namoyon bo’ladi. Zero, “…badiiy voqelik tasvirini har tomonlama chuqur va yaxlit holda tadqiq etishni o‘zida aks ettiruvchi “lingvopoetika” atamasi paydo bo‘ldi.”[333] Demak, bir so’z bilan aytganda lingvopoetika butun badiiy asar estetikasini ochib beruvchi badiiy-lisoniy tahlildir.

Bilamizki, uning asarlarini tahlil qilsak, haqiqiy badiiy mahoratning o`ziga xos namunasini ko‘rishga muvaffaq bo‘lamiz. Chunki u lingvopoetik unsurlardan juda mohirona foydalana olgan. Ayniqsa, jonlantirish, sifatlash, majoz, ta’sviriy ifodalar,

---

[333] Jumag’ulomova H. Lingvopoetika tushunchasi va uning o’rganilishi. //Eurasian journal of academic research, 2023 // https://docviewer.yandex.ru/view

ramzlar, alliteratsiya, antiteza, mubolagʻa, lilota, takroriy ritmlar, qochirimlar, ko'chimlar esa uning ijodida yetakchi o'rin egallagan. Quyida berilgan tahlil jarayonlarida bunga o'zingiz ham guvoh bo'lasiz.

Masalan, "Bir pari bor" she'rida "hurkak qush "- qo'shiq aytuvchi yor, "sohil – sahna, tun- parda, obrazlarini shakilantirib ,ajoyib oʻxshatishning namunasini yaratgan. Shuningdek, ko'z yoshni esa shabnamga oʻxshatgan.

*Derazamga choyshab yopar tun,*
*Yulduz uxlar koʻzlarim berdor,*
*Tamakidan oʻrmalab tutun*
*cheksislika tirmashadi, zor.*

Bu satrlarda esa tun, yulduz, tamaki, obrazlari jonlantirilib ajib lirik manzarani vujudga keltirgan.Ya'ni, tun qorong'ulik choyshabini yopmoqda, yulduz uxlamoqda, tamaki tashqariga o'rmalamoqda, bamisoli ularga jon kirganday. Bu kitobxonga yuksak estetik zavq baxsh eta oladi.

*Qalbim erib goʻyo moy,*
*Shirin hisga koʻmildi,*
*Qip yalangʻoch bo'lib oy,*
*bulutlarda cho'mildi.*

Hech qachon ko'rganmisiz qallbning moydek erishini, hisning shirinligini, oyning yalangʻochligini, yoki bulutning cho'milishini… Shoir shunday jonsiz narsalarga jon ato etib, jonlantirish san'atini yuzaga keltirgan. Shoirdagi bu noyob topilmalar inson tasavvur olamini kengaytirib, ajoyib lirik kayfiyatni uyg'otadi.

Yana bir ayrim she'rlari borki, o'xshatishning ajoyib namunasiga misol bo'la oladi. "Eh ,ayollar, dunyosi" bunda "ayollar oltin qopqon"ga oʻxshatilgan, "Qahraton" she'rida esa" boʻron" ikki xil oʻxshatish olgan:
1."Boʻron – nolish qilayotgan jon", 2."Boʻron -ulkan yirtilgan par bolishga". Bu kabi o'xshatishlar ijodkorning o'ziga xos uslubini ochib bergan.

Yuqorida ko'rganingizdek, shoir oʻz fikrlarini hayotiy obrazlar bilan real aks ettira olgan. Bu oʻquvchi kitobxonni asarlariga boʻlgan oshuftaligini yanada oshiradi. Ularning soddaligi esa kishini haryatga soladi.
Bunday yorqin ifodalarni yana "Bolagina" she'rida ham kuzatishimiz mumkin". Ya'ni, "kunlar oqib oʻtar", "soyam ta'qib qilar", "bolaligim ho'ngrab yigʻlar" shular jumlasidandir.

Quyidagi har satri jonlantirish san'atiga qurilgan "Kafiyat" she'ri esa yanada hayratingizni orttiradi.

*Ko'z yoshlardek to'kilar barglar,*
*Hislarimdek maysalar to'zg'in.*
*Ko'kdagi oy – quvg'indi kaptar,*
*Kulrang bulut-och qolgan quzg'un.*
*Tun sayliga shaylangan chog'i*
*Atir sepib olgan kabi qiz,*
*Dimog'imni qitiqlar gohi*
*Shabnam-sirg'a taqqan g'ar yalpiz.*

Bu yerda, barglarning to'kilishi – ko'z yoshga, hislar- to'zg'in maysaga, oy- quvg'indi kaptarga, bulut- och qolgan quzg'un, yalpiz- atir sepgan, shabnamdan qulog'iga sirg'a taqqan qizga o'xshatilgan.

“Ayol” she’rida esa takroriy ritimlar va antitezalarning ajoyib badiiy - lisoniy ifodasini koʻramiz.

*Gavhar koʻpdur yetmas hammaga*
*Oltin koʻpdur yetmas hammaga*
*Olmos koʻpdur biroq yetmas hammaga*
*Bir ayolning mehri menga yetar.*

Bunda 3 misraning har birida 4 ta soʻzning tarorlanishi ekspressivlikni yanada kuchaytirgan, antitezalar esa ya’ni “yetmas” soʻzi 3 marta takrorlanib, soʻnggida kelgan “yetar” soʻzi bilan antitezani yuzaga keltirgan. Bu she’rning tasirchanligini yanada orttirgan. Shuningdek, keyingi band yuqoridagi bandga toʻla holatda bamisoli savol- javobdek bandlararo antitezani hosil qilgan.

*Gavhar noyob, ammo yurar koʻlma – koʻl,*
*Oltin noyob, ammo yurar koʻlma – koʻl,*
*Olmos noyob, ammo yurar koʻlma – koʻl,*
*Ayol noyob, toki yurmas koʻlma- koʻl.*

Demak, shoirdagi antitezalar nafaqat misralararo balki, bandalararo ham davom etgan. Bu shoirning badiiy did saviyasining oʻtgirliligiga ishoradir. Shuni aytish kerakki, nafaqat uning she’rlarida soʻzning oʻyni, tovushlarning ohangdoshligi ham muhim kasb etadi.

Xulosa oʻrnida shuni aytamanki, shoir ijodini qancha titkilamaylik, varaqlamaylik tahlil qilmaylik, bunday badiiy estetik jozibalarni minglab uchratishimiz mumkin. Shuningdek, bir satrda bir kitobning mazmunini jo qilgan, yoxud bir soʻzga bir necha ma’nolarni yuklay olgan satrlarni esa ijodining har sahifasidan topishimiz mumkin. Zero, qancha oʻrganilmasin, tahlil qilinmasin, uning jozibasi kamayib qolmaydi, Aksincha, uni varaqlab , unga yuzma-yuz borganingiz sari ichidan badiiy zarlar chiqaveradi, ular adabiyot maktabida, insonlar qalbida ildiz otib, mangu yashayveradi!

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abdullaev A. O’zbek tilida ekspressivlik ifodalashning sintaktik usuli. T.: Fan, 1987.
2. Jumag’ulomova H. Lingvopoetika tushunchasi va uning o’rganilishi //Eurasian journal of academic research, 2023 // https://docviewer.yandex.ru/view
3. Yo’ldoshev M. Badiiy matn va uning lingvopoetik tahlili asoslari. – T., 2006.
4. Mahmudov N. O’xshatishlar – obrazli milliy tafakkur mahsuli // O’zbek tili o’xshatishlarining izohli lug’ati/N.Mahmudov, D.Xudoyberganova. T.: Ma’naviyat, 2013.
5. Quronov D., Mamajonov Z, Sheralieva M. Adabiyotshunoslik lug’ati / f.f.d. D.Kuronovning umumiy tahriri ostida. – Toshkent: Akademnashr, 2010.

ӘОЖ: 821.512.122:81'28

# С. АМАНЖОЛОВТЫҢ ҒЫЛЫМИ МҰРАСЫ ЖӘНЕ ҚАЗАҚ ДИАЛЕКТОЛОГИЯСЫ

Байболова Айжан Жанасбекқызы
«Тілдер және әдебиет» кафедрасының ғылым магистрі, аға оқытушы
Tashenev University, Шымкент қ.
aizhan.baibol@bk.ru

Арынбаева Рана Анауарбекқызы
«Тілдер және әдебиет» кафедрасының ғылым магистрі, аға оқытушы
Tashenev University, Шымкент қ.

Абдувалиева Рафоат Махмалюкқызы
6В01701 – «Қазақ тілі мен әдебиеті» мұғалімдерін даярлау (4 курс студенті)
Tashenev University, Шымкент қ.

**Резюме.** Научное наследие С. Аманжолова в казахской диалектологии является национальной ценностью казахского языка.

**Summary.** The scientific heritage of s. amanzholov in kazakh dialectology is the national value of the kazakh language.

Сан салалы ұлттық ғылымымыздың өркениетті елдерден еш қалыспай, иық теңестіріп келе жатқаны үшін бүгінгі ұрпақ оның көш басында тұрған сонау 20-30 жылдардағы аз ғана топ ағаларға алғыс айтады. Сол ғалым ағалардың бірі де бірегейі – Сәрсен Аманжолов. Қазақ тіл білімінің ірге тасын қалауға ат салысқан ағамыздың өмір жолына үңіле отырып, сан соқпақты ғылым жолымен бірге аса жауапты қоғамдық қызметті қатар алып жүргенін көреміз. С. Аманжолов – көрнекті қоғам қайраткері, ұйымдастырушы басшы ретінде республикамыздың мәдени өмірінің көркеюіне ат салысқан, заманының алып тұлғасы болған кісі екенін көреміз.

Сәрсен Аманжолұлы 1903 жылы Шығыс Қазақстан облысы Ұлан ауданыдағы Егінсу деген жерде дүниеге келеді. Өз еңбегімен күн көріп, кедей шаруа болған әкесі Аманжолдан болашақ ғалым он бір жасқа келгенде айырылған. Әке өлімі бала Сәрсенге қатты батады, оның балалық шағымен ерте қоштасып, өзінше қарекет етуіне себеп болады. Ауыл қарттарынан аңыз-әңгімелерді, ертегілерді көп тыңдап, зейініне тұтқан Сәрсен Аманжолов оқуға қатты құмарланады [1].

1916 жылы Қатонқарағайдағы орыс-қазақ мектебін бітіргенін Сәрсен аға Өскемен қаласындағы қалалық реалдық училищеге түседі. Алайда тұрмыстың ауыр тауқыметін көріп, оқуға қаражаты болмағандықтан Сәрсен ағаның училищемен қош айтысып, жалшы болып жұмыс істеуіне тура келеді. Бірақ ол кісінің оқуға деген ықыласы, зейіні мұқалмай, оқу сәулесіне қолым жетсе деген арманы әркез санасынан кетпесе керек.

Сәрсен Аманжолұлының осы бір арманы Қазан таңы атқаннан кейін орындалады. Сәрсен Аманжолов 1920 жылы Семей қаласындағы үш айлық мұғалімдік курс оқып бітіреді. Мұнан кейін өз білімін ел игілігіне жұмсау

мақсатында ауылға келіп, Нұғман ауылындағы мектепте екі жыл сабақ беріп, қараң қазақ балаларының көзін ашып, мейілінше білім нәрін себеді.

Өзінің жігерімен, белсенділігімен көзге түскен болашақ ғалымды Семей губерниясы Бұқтарма уезінің (қазіргі Шығыс Қазақстан облысы, Бұқтарма ауылы) тұрғындары жаста болса сол жердің халық соты етіп сайлайды. 1924 жылы Шығыс Қазақстан облысының Атқару Комитеті Сәрсен Аманжолұлын қызметке шақырып, сол Атқару комитетінің жауапты хатшысы етіп тағайындайды.

Елді жаппай сауаттандыру, жастарды оқыту сияқты, Кеңес үкіметінің жүргізіп жатқан шараларына байланысты губерниялық атқару бөлімінің ұйғарымы бойынша Сәрсен Аманжолов 1926 жылы Ташкентке оқуға жіберіліп, ол Орта Азия мемлекеттік университеті жанындағы педагогика факультетінің қазақ тілі мен әдебиеті бөліміне түседі. Университетте оқып жүрген кезінде Сәрсен Аманжолұлы оқуға да, ғылыми қоғамдық жұмысқа да алғыр студент болып, түрлі үйірмелерде, конференцияларда, талай рет ғылыми конференцияларда біршама ғылыми баяндамалар жасайды [2].

1928-1930 жылдары Сәрсен Аманжолов Орта Азия жазушылар бюросындағы қазақ жазушылар секциясының төрағасы болып сайланады.

Сәрсен Аманжолұлының ғылымға деген талантын Орта Азия мемлекеттік университетінің академиктері мен профессорлары ерте байқаған. Академик В.В.Бардольд, профессор С.Е.Малов сияқты ірі ғалымдарған дәріс алып, өзінің алғашқы еңбектерін де сол кезде бастаған.

Ұшқыр ойлы, ғылымға табанды Сәрсен ағаның тамаша қабілетін аңғарған ұстаздары оның Орта Азия мемлекеттік университеті қасындағы аспирантураға түсіп, ассистентік қызметті де атқаруын ұйғарды. Сәрсен Аманжолұлы осы кездерден бастап педагогтік іс пен ғылыми жұмысты қатарластыра жүргізеді. Орта Азия Орталық партия Комитетінің және Қазақстан өлкелік партия Комитетінің ұйғаруы бойынша, 1928 жылы ашылған қазақтың Абай атындағы педагогикалық институтына Сәрсен Аманжолұлы 1931 жылдың күзінде оқытушылық қызметке келді. 1931 жылы бұл институтта әрі аспирант, әрі ассистент болып, 1932 жылдан доцент қызметін атқарды.

Сәрсен Аманжолұлы – қазақ филологиясына үлкен еңбек еткен ғалым. Ол 1931 жылдын педагогикалық институтында лекция оқып, 20 жыл бойы сол институттағы қазақ тілі кафедрасының меңгерушісі болумен қатар, басқа да филология майданындағы мекемелерде басшы қызметте болады. Осы жылдарда Сәрсен Аманжолұлы республикадағы ұлт мәдениетін зерттеу институтының да көрнекті қызметкерлерінің бірі болған. Ол мекеме ел арасындағы ән-күй, музыка, тілге байланысты материалдар және Қазан төңкерісіне дейінгі де, одан кейінгі де кенес дәуіріндегі де халық ауыз әдебиетін жинап, қажеттілерін өңдеп, жұртшылықтың керегіне жаратып отырды. 1936 жылы бұл мекеме СССР Ғылым академиясының Қазақстандық филиалына қосылып, музыка бөлімі оның «искусство» секторын құрды да, тіл мен әдебиет бөлімі өз алдына сектор болып бірігеді. Сәрсен Аманжолов осы тіл мен әдебиет секторын басқарды. Сектордың қазіргі Тіл мен әдебиет институты дәрежесіне дейін көтеруіліне Сәрсен ағаның сіңірген еңбегі өте зор еді. Сәрсен Аманжолұлы Қазақ ССР Ғылым Академиясының Тіл мен әдебиет институтының ұйымдастырушыларының, ұзақ

жылдар оның барлық салалардағы ғылыми жұмысына жан аямай ат салысқан ғалымның бірі болды.

Сәрсен Аманжолұлы Аманжолов ұйымдастыру-басшылық жұмыстарын атқара жүріп, негізінен ғылыми еңбектер, оқулықтар жазу ісімен шұғылданды. Сондықтан оның ғылыми-педогогтік еңбектері дер кезінде бағаланған. Сол еңбектерді бағалаудың нәтижестінде 1938 жылы СССР оқу Министрлігінің жанындағы Жоғарғы Аттестациялық комиссия (ВАК) Сәрсен Аманжолұлы Аманжоловқа доцент атағымен қоса, ғылыми жұмысын қорғамай-ақ филология ғылымының кандидаты дәрежесін берді [3].

